

**Анастасия Нових**

# **АллатРа**

*Олам ва одам тўғрисидаги фундаментал билимлар баён қилинган таянч китоб – бу Анастасия Новихнинг “АллатРа” китобидир. Анастасия Новихнинг бошқа китоблари каби, мазкур асарнинг асли рус тилида ёзилган. Ва ушбу китобларнинг бошқа тилларга таржималари энди асл нусха ҳисобланмаслигини тушуниш керак. Булар кўпроқ ушбу ахборотни бошқа одамларга етказишга уриниб, мазкур таржималарни амалга ошираётган одамларнинг тушунишлари ва маъноларнинг таржималаридир. “АллатРа” китобини нафақат азалги маъносини, балки унинг таъсирли кучини, унинг руҳини ҳам тушуниши учун, асл ўрганувчилар фақат китобнинг аслини ўқийдилар.*

\*\*\*

**Либос кийган Фариштанинг фарёди, ёки Қалби ўрнига Фаришта бўлган инсоннинг дардлари.**

Бу сатрларни кимга ва нима учун ёзганман? Балки ўзим ўзим учундир. Ахир илоҳий жойда йиллаб қолар эканман, фақат икки бора танилдим мен, шунда ҳам Худонинг иродаси билан ақлдан озод бўлган Қалбли инсонлар томонидан. Одамнинг ақли – харсангтош, йўғе, эҳтимол, Қалб олдида турган бутун бир қоядир. Айланиб ҳам, сакраб ҳам ўтиб бўлмайди ундан. Балки тирноқларни қонга ботириб, ўткир тошлардан юқорига тирмашмоқ, ва ақлнинг сирпанчиқ лаззатидан яна пастга тушмоқ, ва яна турмоқ, илоҳий кучларни тўплаб, яна эмакламоқ ҳаммага ҳам берилмаган. Ахир тоғнинг остида нақадар гўзал, шинам, ширин ва илиқ. Ва чириб кетувчи иштончадан бўлган ақл сен хохлаган хаёлни яратиб беради. Сен хохласанг, бўлди. Ёниб турган ўчоқли дунёвий ишқ, наслни давом эттириш учун фарзандлар, бойлик, шухрат – барибир, Сен хохласанг бўлди. Хохла, хохла, ва ҳаммаси берилади. Хом-хаёлнинг бирими, ёки бошқаси, муҳим эмас, фақат сен хохласанг бўлди. Хохласанг! Дунёни хохласанг...

“Ахир бу қанчалик қийин” – қичқиради кўпчилик. Йўқ, қийин эмас. Мен кўп бора либос кийгандим. Чексиз йўлларда асо билан юриб, нима топсам ўша билан танамни озиклантирдим. Подшо ҳам бўлган эдим, ва саноғи йўқ халқларни узоқ бошқардим. Ва ҳар сафар кийим мени эзарди, сиқарди ва яшашга ҳалақит берарди. У кўрқувдан титрарди ва оғрирди, ва ҳамманики каби, уни қисқартирмагунимча, бошида кўпни хохларди. Бутун бошли кийим тикилган ўша ёввойи хайвон фақатгина эгасидан – Қалбдан кўрқади. Аммо кўп Қалблар, уларга яшашга ҳалақит бераётган ўз Қалбидан хайвондан ҳам кўпроқ кўрқади, худди менга яшашга кийим ҳалал берганидек. Бундай кишиларни тушунмайман мен. Бутун Абадиятни лаҳзага алмашмоқ? Бундан қандай маъно? Хайвон пўсти оғушида азоб чекиш, кундан-кунга чириб бораётган иштонларга хизмат қилиш. Шундами хаёт? Хаёт ниҳоясиз! Унда азоб йўқ, у йиртилмайди, ахир Қалбни эскиртириб бўлмайди. Либоснинг эса уйи йўқ, фақатгина у вақтинча сақланаётган жавон бор, холос. Ҳақиқий Уй фақат Қалбда бор! Ва айнан Қалб, абадиятга интилар экан, инсон бутун умр излаган Ўйини туйғусини беради.

\*\*\*

Илк китобларнинг чоп этилган кунидан кейин кўплаб воқеалар содир бўлди, улар мени яна бир бора шунга ишонтирдик, битта одамнинг одамларга ёрдам бериш истаги унинг реал ҳаракатлари билан ва ўзини мукаммаллаштириши билан биргаликда ҳақиқатдан ҳам ўзининг хайратланарли меваларини беради. Ва гап нафақат китобларни ўқишда, балки уларда тақдим этилган Билимни тушунишда ва амалда қўллашда. Китоб – Билимни узатиш воситасидир. ”Мулк” ёки “ўзимнинг ақлий хулосам” кабилидаги Билимни эмас, балки асрлардан ўтиб келаётган юқоридан берилган Донолик тушунишидаги Билимни. Яратувчидан келаётган ақл равшанланишига олиб келувчи маънавийликнинг ўша ажойиб олий ҳолатига кириш учун Очиқ Дарвоза кабилидаги Доноликни. Уни ўтказувчи одамлар ҳақидаги хотира асрлар чангида йўқолиб кетганида ҳам, доимо мавжуд бўлган, мавжуд, ва кейин ҳам мавжуд бўлувчи Доноликни. Айнан мана шу Донолик, асл уруғ каби, одамда хайрли ўниб чиқади ва унга ўз ақлини одамий кўрқувларининг тахмонларидан, адашишлар тор гумбазларининг қоронғулигидан озод қилишга, моддий фикрлашнинг қаттиқ негизини енгиб чиқишга, Ҳақиқатни ўрганишнинг чексиз соҳасини ўзи учун кашф этишга ёрдам беради. У одамга ўзининг моддийлашган “мен”идан юқорига чиқишга, дунёни тахминий фикрларсиз ва моддий кўзпардаларсиз кўришга ёрдам беради. Донолик одамни самимийлик ва интилувчанлик билан таъминлайди, тушуниш билан бойитади, хаётнинг руҳий маънавий сифати учун унинг маъсулиятини оширади. Ушбу

абადий Донолик рухий маънавийлик учун худди саҳий донга тўлиб тошган бошоқ учун хаётбахш намлик кабидир. У одам муаммоларининг иллизини англашга ва рухий маънавий хаёт муҳитини яхшилашга ижозат беради. У одам ва оламнинг мураккаб реаллигини тушуниш *калитини* беради, моддий Хайвоний ақлнинг шафқатсиз дунёсида бунёдкор Рухий маънавий жамиятни куришда ноёб имкониятларни яратувчи *манба* бўлиб хизмат қилади. Абадий Донолик одамга ўзини маънан ўзгартиришга, ўтмишнинг ва бўлажак воқеаларнинг асл негизини билишга ижозат беради. Бу Донолик У яратган бунёдкор бошланишнинг ўзидир. Уни қабул қилганнинг хар бирига бу Донолик Унинг Абадийлигига йўлни очади.

**Ригден:** Ақлдан келиб чиққан ва Ҳақиқатни топиш чанқоқлиги итараётган одам томонидан берилган саволлари ўртасида аҳамиятли фарқ бор. Дунёда фақат ақлни, хотирани, билимни ва мантиқни ўргатишади. Ҳақиқатни ўрганишда эса ўзини мукаммалаштиришнинг, онглиликнинг ва Қалбдан чиқаётган чуқурликдаги туйғуларни тушунишнинг юксак даражасини ўзлаштириш зарур. Ахир маънавий тажриба ақл чегарасининг ташқарисида ётади...

**Анастасия:** Ҳа, Сиз бу ҳақда олдин ҳам айтгансиз, аммо йиллар давомида хар куни ўз устимда ишлаб, маълумотни хис этишни ва хажмли англашни бошлаганимда, мен ақл чегарасининг ташқарисидаги рухий маънавий тажриба нима эканлигини амалиётда тушундим. Ва бунда менга Сиз орқали дунёга келаётган ноёб Билимлар туфайли ўзимни ва дунёни руҳан тушунишим анчагина кўмаклашди.

Одамларга Доноликнинг рухий маънавий уруғлари узатилган илк китоблар чоп этилган кундан унчалик кўп йиллар ўтмади. Одамлар нафақат китобларни миннатдорлик билан қабул қилди. Кўпчилигининг Қалблари, тегиб кўйилган тор каби, ушбу Донолик билан тўкнашаётиб, кулоқ илғамас тантанали равишда янграмоқда. Унданда кўпроғи, ушбу китоблар хатто онгида Хайвоний табиати устувор бўлган одамларни ҳам ўз танловида шубҳаланишга мажбурламоқда. Одамлар ўз устида тиришқоқлик билан ишлашни бошлади, ўз фикрларини назорат қилишни бошлади, ўз ривожланишидаги ҳаракат йўналишини, рухий маънавий талабларини моҳиятини тушунишни, маросимий эътиқодларнинг абадий донларини кўришни бошлади. Бу китобларнинг ўқувчилари нафақат ўйғонишни, улар руҳан ўсишни бошлади. Ва бу нарса уларнинг саволларининг эволюциясидан сезилади. Кўпчиликда шошилишда туғилган савол, бу одам ақлидан келиб чиққан саволдир: китобларнинг бош қахрамонлари ҳақиқатан ҳам борми, бу ўйлаб топилганми ёки ҳақиқатми, айниқса бош қахрамон Сэнсэй? (Ригден саҳийлик билан илжайди). Бошқа одамлар ички рухий қувончидан

истеъмолчиликнинг қолипли форматида савол беришга шошилади:” Янги китобни ўқиб чиқдим. Кейингиси қачон чиқади?” Учинчилар китобда баён этилган рухий амалиётлар билан шуғулланишга уринади-ю, аслида ўз моддий устуворликларини ўзгартирмайди, шунинг учун улар ўзлари билан доимий бахсда бўлади. Ва улар берган саволлар ҳам шундай характерда, яъни, рухий амалиётларни бажарса-да, аммо ҳеч қандай мўжиза рўй бермаётган, хаётида ҳеч нарса ўзгармаётган эмиш.

**Ригден:** Одам ўз табиати бўйича иккиланган. Одамнинг ақли бир чегарадан бошқасига бемалол юриши мумкин, ва шу тариқа унда исён ва нотурғунлик пайдо бўлади. Ташқи нарса ичкаридагининг аксидир, холос.

**Анастасия:** Аммо Билимларнинг чуқурлигини англаганлар ҳам мавжуд. Бу уларнинг хаётини тубдан ағдариб юборди. Уларга рухий маънавийликнинг ақл мантикидан устуворлиги аёнлигининг исботлари ҳам керак эмас. Улар ўз хаётий танловида қатъийдир. Бу одамларнинг Қалби тоза, уларнинг онги эгоцентризм қолиплари ва шахсий гумонлари ботқоғида қолиб кетмаган. Улар нилюфар гуллари каби: қуёш нурлари билан ёритилганида, Ёруғликка интилади. Шунинг учун ички туйғулар борасидаги саволларнинг сифати ҳам уларда умуман *бошқача*. Уларнинг саволлари мантиқдан, одам ақлидан эмас, балки чуқурликдаги туйғулардан келиб чиқади, гўё Қалблар ўртасида кўзга кўринмас мулоқот кетаётгандек.

**Ригден:** Чуқурликдаги туйғулар – мана шу, айнан одам тилидан фарқли тилдир. Одам ўзидаги разилликни енгар экан, кунида ўз устида ишлар экан, ривожланиб, ўзини одам сифатида руҳан ўзгартирар экан, у ойдинлашувга эришади. Одам руҳан ўсаётганида, ақлининг саволлари билан тўкнашади. Моддий мия ўзининг идрокида чекланганлигини ва ўлимга маҳкум, тугаб борувчи танага тегишли эканлигини англашини унга рухий амалиётлар тажрибаси беради. Қалб эса, танада бўла туриб, кўзга кўринмас, аммо абадийдир. У хис-туйғули тажрибани ақлнинг сўзлари ёрдамида аниқ узатиб бўлмаслигини тушунади. Ахир рухий амалиётлар одамнинг Чегара ортидаги Олийлар билан уларнинг тилида – чуқурликдаги туйғулар тили ёрдамида мулоқот қилиши учун мана шу чуқурликдаги туйғуларни очиб, ўрганиб, ривожлантиришга ёрдам берувчи асбоблардир, холос. Шунинг учун Илоҳийлик ҳақида тўғридан-тўғри гапира олмайсан, чунки ҳар қандай фикр атиги қочирим бўлади. Зеро илоҳий – бу *бошқача* тил, ақл тили эмас, аммо ҳар кимнинг Қалби тушунадиган чуқурликдаги туйғулар тилидир. Одамлар Қалбларининг ягона тили айнан мана шудир. Ҳақнинг тили мана шудир.

**Анастасия:** Ҳа, бундай тажриба ҳақиқатан ҳам амалиёт билан келади. Ақлнинг ўхшатишлари билан айнан чуқурликдаги туйғулар ёрдамида тушуниш ўртасида аҳамиятли фарқ борлигини мен тушундим. Ўз тажрибангни сўзларда узатиш қийин. Лоақал сен билан битта рухий тўлқинда бўлган одамлар сени сўзсиз тушунади.

**Ригден:** Чиндан ҳам Ҳақиқатни билиб етган одамларни ўз рухий тажрибасини одамлар билан қандай улашиш ва ҳақиқий Реалликни қандай тушунтириш саволи ҳамма вақт қийнаган. Шахсий рухий маънавий тажрибани мазмунини сўзлар билан ифодалаш қийин, чунки бу мутлақо бошқа, моддий дунёдан фарқли дунёни ўрганиш тажрибаси. Бошқача айтганда, сен гапирганнинг барчаси моддий фикрлаш томонидан бу дунё тажрибасининг призмаси орқали идрок қилинади, натижада ё нотўғри тушунилади, ёки идрокда бузилади. Унинг устига, минглаб тинглаётганлардан аслида доналар эшитади. **Ахир Реалликнинг қирралари фақатгина уни кузатган Кўз учун маълумдир.**

**Анастасия:** Шунингдек, бой ҳаётини тажрибага эга ўқувчилар ҳам бор. Одамий ўлчашлар бўйича, улар уз умри давомида кўп соҳаларда илгарилаб кетган, кўпга эришган, атрофдаги дунёда кўп нарсани ўзгартириш олиш имкониятини қўлга киритишган. Билимлар уларни Қалбига бориб етди, аммо олимлик ақли билан тегишишдан хосил бўлган резонанс уларга тинчлик бермаяпти. Ва, гарчи улар ҳаётини тажрибага асосланган мантиқдан келиб чиқиб саволлар берса-да, аммо саволларнинг мазмуни уларнинг Малакий табиатидан берилган. Ушбу одамлар жавобни ақлнинг зерикканидан эмас, балки дунёни яхши томонга ўзгартириш талабидан олишмоқчи эканлиги сезилмоқда. Шундай саволлардан биттасини Сизга бериш учун муҳим ва арзирли деб ҳисобладим, зеро унинг жавоби одамларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириши ва тараққиётимизнинг глобал танловига таъсир этиши мумкин.. Савол қуйидагича: “ Одамлар харбий мақсадларда ишлата олмайдиган, аммо бу ахборот расмий илм-фанни тебратиб юбориши мумкин бўлган ва изланувчан ақлни *моддий дунё Рухий Оламдан яратилганлиги, яъни дунёнинг Худо томонидан яратилганлигининг* бевосита илмий исботига олиб келувчи Билимлар мавжудми?”

**Ригден:** Ҳа бу саволни Ҳақиқатга чанқоқ одам берганлигини кўриб турибман... Яхши, гарчи одамлар шундай саволни берар экан, демак унинг жавобини очиб бериш фурсати келди. Ҳа, бундай Билимлар мавжуд. Улар астрономиянинг бўлимига, аниқроғи, коинот фазосидаги ходисаларни, коинот жисмларини ва уларнинг тизимларини ўрганувчи астрофизика фанига тегишли. Астрофизикада бугунги ривожланиш

босқичида замонавий физиканинг янги кашфиётларидан фойдаланишини, илмий-техник тараққиётнинг охириги ютуқлари қўлланилишини инобатга олсак, демак, уни бойитган маълумотлар кўп холатларда физиканинг, табиатнинг умумий қонуниятларни ўрганувчи фан сифатида ривожланишига ёрдам кўрсатади. Агарда одамлар физика қонунларини кераклича чуқурроқ ўрганса, улар Руҳий Оламнинг бирламчилиги ва моддий дунёнинг иккиламчилигининг реал исботига кела олади. Шунинг учун бу одамларнинг хаётини сифатини ва маъносини ўзгартиради ва Ҳақиқатни ўрганишнинг яна битта йўлини очади, аниқроғи – фан орқали.

**Анастасия:** Бу Билимлар ростдан ҳам жуда ўз вақтида бўлар эди. Билишимча, астрофизиклар эволюцион муаммоларни тадқиқ қилишга ва азалги “Нима бўлган?” ва “Нима бўлади?” саволларига жавоб топишга уринишмоқда. Бироқ, фаннинг замонавий сакрашига қарамасдан, бу саволларни ечимини топиш одамларга етарлича қийин бўлмоқда. Ва бунинг сабаблари талайгина. Маълумки, бугун юлдузлар ҳақидаги билимлар осмон жисмларининг спектрал тахлилига, яъни коинот жисмларидан Ерга тушаётган электромагнит тўлқинларнинг кучсиз оқимларини ўрганишдан олинган маълумотга асосланади. Ва буларнинг ҳаммаси, кўринувчи ёруғликдан ташқари – радиотўлқинлар, инфрақизил, ультрабинафша, рентген нурланишлар, гамма-нурланиш – ҳаммаси турфа узунликдаги электромагнит тўлқинлар, улар кўзга кўринувчи нурлардан ё каттароқ, ёки кичикроқдир. Хуллас, фаннинг охириги ютуқларига мувофиқ одамлар қандай асбоблар ўйлаб топган бўлса, шуни кўришди.

**Ригден:** Коинотдаги турли табиатли тўлқинлар тўпламининг уммони орасида замонавий фанга маълум бўлган ушбу электромагнит тўлқинлар спектр бўйича нурланишларнинг кичик оралиғини эгаллайди.

**Анастасия:** Муаммо ҳам шунда-да. Замонавий астрофизикларнинг бутун меҳнати бугунги дунёни ўрганмоқчи бўлган, шу билан эса келажак у ёғда турсин, хатто бугунги кунни ҳам эмас, балки узоқ ўтмишнинг чекланган соҳасини тор бир тирқишдан кўраётган одамга ўхшайди. Агар ёруғлик нима деган савол берилса, замонавий фанга биноан – бу одамнинг кўзи идрок қиладиган частоталар оралиғидаги электромагнит тўлқинлар, кенг маънода эса – оптик нурланишдир, деган жавобни оламиз. Олимларга маълум бўлган ёруғликнинг тарқалиш тезлигини инобатга олганда, юлдузлар билан боғлиқ ходисаларни анча вақт ўтиб кўраётганларига хайрон бўлмаймиз. Яъни, аслида, миллионлар йиллар аввал содир бўлган жараёнларни улар кузатмоқдалар...

**Ригден:** (табассум билан) Ҳа-да, гомо сапиенс тури хали ушбу сайёрада мавжуд ҳам бўлмаганида.

**Анастасия:** Қизиқ бўлиб чиқяпти... Олимларнинг фикрича, замонавий одам 40 минг йил аввал пайдо бўлган, ундан кечроқ эмас, илк “ҳақиқий” Номолар эса, одам турининг Ердаги вакиллари сифатида – тахминан 2 миллион йил аввал. Ўша яқин жойлашган галактикалардан бири бўлган Андромеда туманлигини олсак, ундан чиққан ёруғлик бизгача 2 млн. йилдан ортиқ келади. Демак, биз ҳозирги нарсаларни эмас, балки Ер юзида одамнинг мавжудлигига ҳали ишора ҳам бўлмаган даврдагини кўряпмиз экан-да.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Галактикадан ташқаридаги объектларни гапирмасак ҳам бўлади. Одамлар уларни миллиард йиллар олдинги ҳолатларда кўрмоқда. Хатто энг қисқа яшовчи юлдузлар ҳам одам цивилизациясига нисбатан анча узокроқ яшайди. Оддий одам ҳақида гапирмаяпман ҳам, ахир у ўзининг “ақлли субъект” сифатидаги оний мавжудлиги давомида кўпинча ўзининг асл мақсадини тушунмайди ҳам, каттароқ нарсаларни гапирмасак ҳам бўлади.

Унинг ҳаёти, худди буғ каби, бир онга пайдо бўлиб, шу заҳоти ғойиб бўлади.... Унинг устига одамзоднинг ўзи тез йўқотилувчи цивилизацияларга тегишли. Одамларга Билимлар даврий берилиб турса-да, аммо кўп вазиятларда бу Билимлар дунёда пайдо бўлиши билан, уларни ўзига ўхшаганларнинг устидан ҳукмронлик қилиш учун ишлатишади. Мана шу Хайвоний табиат фойдасига қилинган танловдир. Фақатгина кам сонли одамларгина бу Билимлардан ўзининг руҳий маънавий ривожланиши учун фойдаланишга улгуради. **Танловнинг натижаси у ёки бу идишнинг шаклига эга бўлган сувга ўхшайди.**

**Анастасия:** Афсуски, буни замонавий цивилизацияда ҳам кузатса бўлади, унда одам ўзининг бузуқ нафсининг қуллигида кун кечирмоқда. Яқиндаги мисол: Ер олди фазосини деярли баллистик ракета ва ядро бомбаси чиқарилганидан кейин ўзлаштира бошлашди.

**Ригден:** Агарда одамзод ўз устуворликларини маънавийлик томонига ўзгартирмаса, цивилизацияни ачинарли қисмат кутмоқда. Бундай цивилизациялар, қоидага кўра, ўзоқ яшамайди ва нисбатан қисқа вақт чегараларида мавжуд бўлади, чунки ўз-ўзини урушларда йўқ қилади.

**Анастасия:** Ҳа, юз йил, минг йил каби, одамнинг масштабида ҳеч нарса эмас. Албатта ўлишга қодир одамга ҳеч қандай коинот объектларини глобал амалий кузатуви тўғрисида гапиришга ҳам тўғри келмайди.

**Ригден:** Одамнинг хаёти оний, бу рост. Аммо одам – оддий танадан кўра анча каттароқ. Шунинг учун одамларга Билимлар азалдан берилган ва улар авваламбор кўзга кўринмас ходисалар тўғрисида бўлган. Ва одамлар дунёни, оламни тузилиши ҳақида, одамнинг кўп ўлчамлилиги, унинг моҳияти ва вазифаси ҳақида азалдан билган. Қандай қилиб бу Билимлар одам Эгоси томонидан тортиб олингани, материяда чегараланиб қолган ақл томонидан таниб бўлмас ҳолатгача айлантирилиб юборилгани ва бугунги кунгача қай кўринишда сақланиб қолганлиги, бу бошқа масала.

**Анастасия:** Афсуски, худди атайлаб, бизнинг замонимизда дунё халқларининг қадимий билимлари одамларга мифология ва қадимий “ибтидоий эътиқодлар” деб берилмоқда. Хатто замонавий илм-фан ҳам яқин вақтгача хабардор бўлмаган, қадимги одамларнинг билимлари ҳақида гувоҳлик берувчи “нокулай фактлар” эса изоҳ қилинмайди. Ва бутун фан ҳам мутлақо моддий фикрлаш базасида қурилади. Ўша астрофизикада ҳам коинот ходисаларини ўрганишда кўпинча моделлар, назариялар ва башоратлар тузишдаги таҳлилий услублар қўлланилади.

**Ригден (илжайди):** Ҳақиқий фанда моддий дунёқарашнинг ғичирлоқ аравасида узоққа кетолмайсан. Барибир, эртами-кечми, одамнинг ақлий хулосаларининг занжирини ушлаб турган устунлар яроқсиз бўлиб қоладиган илмий уфқларгача ҳақиқий олим етиб боради. Бугун одамлар кўпинча кўзга кўринмас ходисаларни кўринувчиларининг мисолида тушунтирмоқчи бўладилар. ”Ақлдан чиққан кулфат” рўй беради, кўп вазиятларда назария билан тасодифан топилган фактларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги содир бўлади. Ўша олимларда халигача, масалан, аслида электр токи нималиги, гравитация ёки қора туйнук нималиги борасида аниқ тасаввур йўқ. Аммо бундай ходисаларнинг табиатини тушуниб, англаш учун, фундаментал *бошқача*, моддий дунёқарашдан сифат даражадан фарқли дунёқарашга эга бўлиш керак.

**Анастасия:** Ходисаларни Рухий дунёдан тушунишми?

**Ригден:** Мутлақо тўғри.

**Анастасия:** Қачондир бизга: “Оламнинг улканлигини одамнинг онги сиғдира олмайди. Аммо унда ҳеч бир жой йўқки, энг ингичка тиббий игнани қадаганингда, унинг учи албатта бир нарсага тақалмаса, бир нарса билан тегишмаса,- деб айтгандингиз.



**Ригден:** Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Ва берилган саволга жавобан, мен астрофизиканинг бир нечта ғоят муҳим мавзуларини тегиб ўтаман, албатта, одам тафаккурининг ҳаммабоп шаклида. **Бироқ айтилганнинг маъно-моҳиятини тушуниши илм-фан одамларига дунёнинг тузилишига глобал бошқача қарашни беради.**

Олимларнинг хисоблашича, Оламнинг туғилишида Катта портлаш содир бўлган, деган бугунги ўқимишли ақл учун қолипли назария-тахминдан бошлайман. Ушбу оммабоп назарияни улар термодинамика қонунлари билан асосламоқда. Мазкур тахминга биноан, олам битта нуқтада қисилган бўлиб, унинг Портлашидан кейин миллиард тоннага яқин массали ва протон катталигига эга объектлар пайдо бўлган эмиш.

**Анастасия:** Бугунги кунга келиб, нимани билса, шулар билан асослайди, деганидек. Ушбу, физиканинг иссиқлик мувозанати қонунларини ва иссиқликнинг бошқа энергия турларига айланишини ўрганувчи бўлими олимлар кераклича ўрганилган деб хисоблайдилар. ”Термодинамика” атамасининг ўзи ҳам юнончадан таржимасида уларнинг илм-фандаги бахсларини жуда яхши тафсифлайди: ”therme” – “иссиқлик”, ”илиқлик”, “dynamikos” – “кучли”. У ерда қандай бахс бўлмасин, доимо ҳовур ва иссиқлик.

**Ригден:** Жўшқин ваъз, бу хали олимлик эмас, битта бўрон – бу хали ёмғирлар мавсуми эмас. Бахсда кучли чиққан биттанинг ғалабаси билан юпанади, *билувчи* эса минглаб одамларга ғалаба келтиради.

**Анастасия:** Билишимча, замонавий илм-фанда “кучлилар” ва “билувчилар” нисбати фожиалидир, биринчиларнинг кўп сонлилиги ва иккинчиларнинг сезиларли етишмовчилиги маъносида. Билимдон одам ҳар қандай илмий жамоада кадрлидир. У худди протон каби, (юнончадан таржимасида “protos”–“биринчи”), ушбу элементар заррача доимо мусбат зарядга эга ва ҳамма атомларнинг таркибига киради. Билимдон одам ҳам шундай, у бу жамоада бутун илм-фанни ушлаб туради.

**Ригден:** Тўғри. Умид қиламанки, одамлар қабул қилган Билимлар *билувчилар* сонини нафақат фанда, балки жамиятда ҳам кўпайишига олиб келади ва дунёни тушуниш ҳолатини ўзгартиради, шу жумладан Оламнинг пайдо бўлганлиги борасидаги саволларида ҳам. Айтиб ўтганимдек, бугун одамлар содаларча тахмин қиладикки, гўё Олам битта нуқтага қисилган бўлиб, унинг “Катта портлаши”дан сўнг миллиардлаб тонна оғирликда ва катталиги протонга тенг объектлар пайдо бўлган эмиш. Унинг устига ушбу, ақлнинг хато тахминига биноан, мазкур объектлар микроскопик қора туйнуклардан бошқа нарса

эмас эмиш. Афсуски, жўшқин назариячиларни умидини пучга чиқаришга мажбурман – протонга тенг ва оғирлиги миллиард тоннага яқин бўлган объектлар мавжуд эмас.

**Аммо коинот табиатида қуйидаги ходиса мавжуд – бу қора туйнукнинг фаолияти зонасига тушиб қолган материядан ахборот ташланиши пайтида пайдо бўлган ахборотли кластерлар (тўпламлар)дан хосил бўлган объектлар. Ахборотли кластерлар хосил қилиши мумкин бўлган энг катта ва “оғир” бирикмалар – бу протондан сал каттароқ бўлган ва массаси бир граммдан сал камроқ, аниқроғи 0,8 граммга тенг объектлардир. Бу объектлар қисқа умр кечирувчидир, яъни улар сониянинг бир неча қисми давомида мавжуд бўлиб, сўнг алоҳида “ғиштчаларга” тарқалиб кетади. Бундай объектларнинг пайдо бўлиши ҳақиқатан ҳам одамлар Оламдаги қора туйнуклар деб номлаган ходиса билан тўғридан –тўғри боғлиқ.**

**Анастасия:** Протондан сал каттароқ объектлар? Оҳирги тадқиқотларга биноан, протоннинг радиуси 0,84184 фемтометрга тенг (1 фм=10<sup>-15</sup> метр). Сиз айтгандек, мазкур объектларнинг массаси бир граммдан сал камроқлигини инобатга олсак, микродунё учун реал ”оғир” объект бўлиб чиқмоқда. Бу маълумот ҳақиқатан ҳам жуда қизиқарли. Шу муносабат билан одамларда камида учта савол туғилиши мумкин. Ахборотли кластерлар,” ғиштчалар” нима? Материядан ахборот ташланиши – бу нима? Ва бу заррачаларнинг пайдо бўлиши қандай қилиб Оламдаги қора туйнуклар билан боғлиқ?

**Ригден:** Ушбу моддий дунёда барчаси, шу жумладан, олимларга маълум бўлган нарсалар, субатом заррачаларидан атомгача, сенинг пойафзалингдаги чангдан узоқ коинотдаги галактикаларнинг тўпламларигача, барчаси тартибланган ахборотга мувофиқ мавжуддир. Айнан тартибланган ахборот материяни яратади, унинг хусусиятларини, массасини, хажмини, шаклини ва бошқа хусусиятларини белгилайди. Эътибор бер, биз хозир одамнинг мияси учун одатий бўлиб қолган “ахборот” тушунчаси ҳақида эмас, балки унинг бироз бошқача намоён бўлиши тўғрисида гапирмоқдамиз. Лоақал хатто одам учун одатий тушунишда ҳам “ахборот” сўзи бир нечта маънога эга, шу жумладан, ”фикрламоқ, ўргатмоқ, тушунтирмоқ”, ”кўриниш, шакл бериш, шакллантириш, яратиш”.

Осонроқ тушуниш учун ушбу тартибланган ахборотни шартли равишда “ахборотли ғиштчалар” деб номлаймиз. Ахборотли ғиштчалар амалиётда нима? Яхши, буни ҳаммабоп ассоциатив мисолда тушунтираман. Тасаввур қил, сен ўзига хос тажриба ўтказмоқчи

бўлдинг. Бунинг учун сенга куйидагилар керак бўлади: сув, шиша аквариум ва шакл хосил қилиш учун кичкина ғиштчалар, улар пенопласт каби енгил, аммо ранги оқ эмас, улар шаффоф. Сенинг ҳаракатларинг: бўш шиша аквариумда пенопластли шаффоф ғиштчалардан сен чиройли қаср йиғасан (болалар конструктори типиди). Унда кўплаб хоналари, башнялари ва хоказолари бор. Шаффоф ғиштчалар бир-бири билан бирлашганда кўзга кўринувчи ранг пайдо бўлади. Яъни сенинг миянга қасрни қандай *қуриш режаси*, уни яратиш учун *ирода*, ва ушбу *ноодий материал* ёрдамида кўриш учун кўлланиладиган *кучлар* бор. Сўнг сен қурган қаср, мана шундай бирлаштирилишларга биноан, кўзга кўринадиган бўлиб қолди ва унинг гўзаллигини, катталигини, мураккаб архитектурасини томоша қилишинг энди мумкин.

Тажрибани давом эттириб, сен аквариумни сувга тўлдирасан. Нима содир бўлади? Айтайлик, аквариумдаги қурилган қаср сувнинг босими таъсирида бузилиб кетади. Шу билан сенинг қасрингнинг деворлари, томлари ва бошқа элементлари бўлган пенопластли ғиштчалар, сувнинг сатхига сузиб чиқади: айримлари алоҳида, улар яна кўзга кўринмас бўлиб қолади, айримлари эса гуруҳ, яъни кластерлар бўлиб, улар кўринувчи бўлиб қолади, чунки бир-бири билан боғланган. Охир-оқибат, сенинг конструкциянг бутунлай сувнинг босими таъсирида алоҳида ғиштчаларга бўлиниб кетади, ва улар кўринмас бўлиб қолади ва сенинг қасрингни изи ҳам қолмайди. Агарда аквариумни сувдан бўшатсанг, пенопластли шаффоф ғиштчалар унинг тубига тушади. Улар ўзларича, сенинг режанг, ироданг, ва кучингсиз тартибли қурилган қасрга йиғилиб қолмайди. Булар кўзга кўринмас тартибсиз ётган пенопластли шаффоф ғиштчаларнинг тўдаси бўлади, холос. Сен истаганингча, абадий уларни аралаштириб, аквариумни силкитишинг мумкин, аммо улар қасрга айланмайди, токи уни қайта қурмагунингча.

Шундай қилиб, ушбу шартли шаффоф ғиштчалар **материяни тузувчи, унга маълум катталикларни: шаклини, хажмини, массасини ва хоказоларни белгилаб берувчи ахборот** билан мажозий таққослашдир. Кўзга кўринувчи қаср эса – бу энди **тартибланган ахборотнинг моддий махсулотларидан биридир**. Ундан атомни ташкил этувчи элементар заррачалар, молекулалар, кимёвий бирикмалар ва хоказолар, яъни Оламнинг бутун материяси хосил бўлади. Ва, ниҳоят, *ирода*, қурилиш режаси ва қўйилган куч – булар маънавий дунёнинг ушбу дунёда намоён бўлувчи асосий ташкилий қисмлари.

**Анастасия:** Сиз демоқчи бўлганингиз, бутун материянинг асосида ахборот ётибди, шундайми?

**Ригден:** Тўғри. Атомнинг ўзи ҳам элементар заррачалардан иборат, улар эса, ўз навбатида, ахборотли ғиштчаларнинг маълум сонидан. Ва шу тариқа Оламда нима билан тегишмагин. Аммо ахборотни олиб ташласа, тешик кулчани еб тугатганингдан сўнг унинг тешиги ғойиб бўлганидек, биз материя деб номлаган нарса ҳам ғойиб бўлади.

**Анастасия:** Яъни воқеага оддий қараш: тешик кулча бор экан - унинг тешиги бор, тешик кулчани еб қўйишса – тешиги ҳам ғойиб бўлади. Материя ҳам шундай ғойиб бўладими? Ахборот бўлмаса – материя ҳам намоён бўлмайди?

**Ригден:** Жудаям тўғри. Дарвоқе, қизик факт: Оламдаги материянинг сони доимо ўзгариб туради ва унинг кўпайиши тарафига ҳам, камайиши тарафига ҳам бўлган тебранишлар ғоят катта бўлади, шу билан эса **ахборотнинг сони доимо барқарордир, шунга биноан Оламнинг умумий массаси, унинг Яратилган кундан бошлаб, граммнинг миллиарддан бир қисмига ҳам ўзгармаган.**

**Анастасия:** Ҳа, бу ерда ўйланишга арзигули нарса бор.

**Ригден:** Шундай қилиб, оламдаги ахборотнинг сони унинг Яратилган кундан бошлаб доимий. Аммо, агарда биронта ахборотли ғиштча ғойиб бўлганида эди, бутун Олам ҳам ғойиб бўларди.

**Анастасия:** Қисми ғойиб бўлдими – бутуни ҳам ғойиб бўлди. Оламнинг кенгайиши билан боғлиқ воқеа нима билан тугагани энди тушуняпман.

**Ригден:** Олам маълум кенгайишгача етиб боради ва ғойиб бўлади. Хаар доимгидек, барча даҳолик ҳамиша оддий... Оламнинг ушбу ахборотли ғиштчалари ҳеч қачон ва ҳеч қерга ғойиб бўлмайди, яъни Оламнинг чегараларини тарк этмайди (бизнинг мисолимизда – аквариумни) ва унда қатъий тартибланган кўринишда мавжуддир. Эътибор бер, агар улар ўз холича, маълум белгиланган режасиз ва Қурувчининг иродасисиз бўлганида эди, тартибсиз тўда бўлар эди, холос (аквариум тубидаги хаос). Оламнинг моддий дунёсига тегишли эса, ушбу ахборотли ғиштчалар, материя шаклланишининг бошқа хусусиятлари орасида, айтиб ўтганимдек, унинг массасининг катталикларини ҳам белгилайди. **Улар яратилган материянинг Оламдаги конкрет жойини белгилайди. Айнан тартибланган ахборот, ўша қатъиян ўз ўрнида турган ахборотли ғиштчалар, кваркни квалардан фарқлайди. Дейлик, “бош режа”га биноан ахборотнинг тартибланганлиги Оламни тирик қилади.**

**Анастасия:** Яъни, Сиз бу дунёда барчаси қатъий тартибланган бўлиб, қураётганнинг маълум режаси, иродаси ва кучи асносида мавжуд, демокчимисиз? Аммо бу Оламимизнинг, тахминларга кўра, бетартиб равишда, ўзидан ўзи пайдо бўлмасдан, балки сунъий яратилганлигининг исботи-ку

**Ригден:** Мутлақо тўғри, ва буни бемалол илмий йўл билан исботласа бўлади! Агар сенинг китобларингда *кўрсатилган йўналишдан юриб, бу ерда баён қилинган маълумотларни, ҳамда илм-фаннинг сўнги ютуқларини қўшса*, бу унчалик қийин ҳам эмас... Оламнинг хаёти материяни доимий ҳаракатга келтирувчи ахборот алмашинувида намоён бўлади. Ва материя ўзаро таъсирда бўлиб, бирламчи физикавий ва кимёвий реакцияларни келтириб чиқаради. Бунинг оқибатида турфа хил жараёнлар содир бўлади, масалан, вазли юлдузларнинг портлаши, янгиларининг туғилиши ва хоказо.

**Анастасия:** Дарвоқе, вазли юлдузлар портлаши борасида... Биласизми, астрономия ва унга яқин фанларга қизиқишим менда айнан Сизнинг ҳиқоянгиздан кейин пайдо бўлди. Яъни **Агапит Печерскийнинг хаёти ва фаол ҳаракати даврларида, хусусан, 1054 йилнинг ёзида осмонда ёрқин юлдуз пайдо бўлган ва у хатто кундузи ҳам кўринган**. Сиз буни Галактикамизнинг Бузоқ юлдузлар туркумида жойлашган ўта янги юлдузнинг портлашидан Ергача келган ёруғлик, деб таъкидлагандингиз ўшанда. Мен ўқиб чиқдимки, мазкур ўта янги юлдуз портлашининг қолдиқлари ҳозир кенгайиб борувчи Крабсимон туманлик ва унинг марказида жойлашган нейтрон юлдуз (пульсар) кўринишида кузатилмоқда (портлаган юлдуз нейтрон юлдузга айланди). Ўша пульсарнинг радиотўлқинларининг нури ҳозир ҳам Ер юзида сирпаниб юрибди, худди айланаётган маёқнинг нури денгизда кемаларга сигнал сифатида сирпангандек.

Хайратланарлиси, ушбу юлдуз олимлар томонидан айнан ўта янги юлдуз қолдиқларига тенглаштирилган илк нейтрон юлдуз эди. Мени унинг тахминий ўлчамлари қойил қолдирди, атиги 25 км, яъни деярли битта шаҳар катталигидаги юлдуз бутун улкан Крабсимон туманлигини энергия билан озиклантиради. Нейтрон юлдузнинг зичлиги жудаям катта. Энг қизиғи, яқинда Крабсимон туманлигидаги ушбу пульсарнинг кутилмаганда қувватли гамма-нурланишларини қайд этишди.

**Ригден:** Оҳирги пайтда нафақат Ер юзида, балки коинотда ҳам кўплаб қизиқ ходисалар рўй берапти.

**Анастасия:** Ҳа, янги юлдузларнинг туғилиш жараёни ниҳоятда қизиқарли ва билимни орттирувчидир...

**Ригден:** (табассум билан) Сўзсиз, аммо у кўплаб замонавий назариялар учун ғоят бузғунчи ҳам. Гап шундаки, олимлар кузата оладиган юлдузлар пайдо бўлишининг кўзга кўринувчи жараёни юлдуздан олдинги ядросининг шаклланишидан бошланади. Бошқача айтганда, астрономлар, замонавий ускуналарга қарамасдан, янги юлдузнинг туғилишини фақат қуйуқ газли чангдан иборат қуйкумлар босқичидагина “аниқлашга” (кўришга, қайд этишга) қодир. Яъни ўзаро таъсирлар оқибатида материя “ёруғлик” деб аталмиш энергияни тарқата бошлаганида. Ва фақатгина, газли булутлардаги алоҳида олинган жойларнинг зичланганлигига, сиқилишига яққол кўрсатувчи спектрлар ўрганилганидан кейингина янги юлдуз хосил бўлганлиги ҳақида хулосалар чиқарилади. Аммо бу қуйкумлар қандай қилиб ўзаро таъсирланиши ва уларни қуйуқланишига нима мажбурлаши саволларига астрономлар жавоб беролмайди. Худди шундай, ушбу газли чангли булутлар қаердан ва нима учун пайдо бўлишини, ва унданда кўпроғи, нима учун ва қандай қилиб ушбу булутлардаги кичик сонли материядан нафақат алоҳида юлдузлар, балки гоҳида бутун юлдузли тўпламлар ҳам пайдо бўлишини, улар билмайди.

Гап шундаки, барча замонавий назариялар, Эйнштейннинг нисбийлик назариясидан то термодинамика қонуларигача, ”кўзга кўринувчи” материянинг ўзаро муносабатларига ёки унинг мантиқан башорат қилинувчи хулқига асосланган. Гарчи бу ерда ҳам чигалликлар талайгина. Мисол учун, оламдаги ўша қора туйнукларни олсак – материяни ютиб юборувчи замонавий фан томонидан ўрганилмаган сирли объектларни. Лекин, ушбу чигалликларни ва қора туйнуклар билан боғлиқ бўлган объектларнинг пайдо бўлиши саволларини кўриб чиқишдан аввал, қора туйнуклар ҳақида сенга нималар маълумлигини билмоқчиман.

**Анастасия:** Ҳа, хоҳлаганимдек кўп эмас... Қора туйнуклар ташқи кузатув учун кўринарли эмас, чунки ичкаридан нур ёки бирор фанга маълум нурланишни ёки жисмни чиқармайди. Бугунги кунда уларни фақатгина билвосита белгилардан атрофидаги материя билан ўзаро таъсирини ўрганиш орқали топишга уринишмоқда... Қора туйнук ўзининг атрофидаги фазо ва вақт геометриясини қийшайтиради, деб хисобланади.

Астрофизика ривожланишининг hozirgi босқичида қуйидагилар тахмин қилинмоқда: қора туйнук – бу коинот фазосининг қандайдир чегараланган худуди, у ўта катта коинот жисмларининг чекланмаган гравитацион сиқилишидан пайдо бўлган. Менинг тушунишимча, бу ўзига хос гравитацион қабристон, унга нима тушиб қолса, шу нарса

йўқолади. Бу худуднинг чегараларини воқеалар уфқи деб номлашади. Унинг радиусини эса – гравитация радиуси деб. У мазкур туйнукка тортилиб қолган модданинг миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ деб хисобланади. Қора туйнукнинг вазни ошгани сайин, унинг катталиги ҳам ошади, яъни радиуси катталашади. Ушбу объектнинг катталиги хар хил бўлиши мумкин...

Юлдузлар эволюциясининг замонавий назарияси қора туйнукнинг пайдо бўлишини вазнли ва ўта вазнли юлдузларнинг кескин сусайиши (коллапси) деб кўрилади. Тушунишимча, ядро ёқилғиси камайиб кетганида ва юлдуз тубидаги термоядро реакциялари тугаганида, юлдузнинг торайишига тўсқинлик қилаётган босим ва юқори ҳарорат ўзининг гравитацияси таъсирида тушиб боради. Агарда юлдузнинг массаси Қуёшнинг 3та массасидан кичик бўлса, у қора туйнукка айланмайди-да, атиги нейтрон юлдузга ёки оқ митти юлдузга (карликка) айланади. Аммо юлдузнинг массаси Қуёшнинг 3та массасидан катта бўлса, олимларнинг таъкидлашича, у холда фожеали коллапсдан у энди қочиб қутула олмайди. Унинг бутун материяси воқеалар уфқи ортига тезкор кетиб қолади ва юлдуз қора туйнукка айланади...

Замонавий юлдузлар эволюциясининг ўша назариясидан келиб чиққан холда, 100 миллиард юлдузлар орасида камида 100 миллион қора туйнуклар бўлиши керак, деб хисобланади. Фақат бизнинг галактикамизда минглаб қора туйнуклар адашиб юрган эмиш, улар ўз йўлида “эҳтиётсизлик” туфайли пайдо бўлган газ ва чангдан иборат тўпламларни ва юлдузларни бутунлай ютиб юборар эмиш. Галактика марказида ўта массив, миллиардлар Қуёш массасига тенг қора туйнуклар бўлиши мумкин, деган тахминлар бор.

**Ригден:** Хўш, ёмон эмас, жахон илм-фани бугун, бахсларда ёпиқ доира бўйлаб юриб, қайси бўтазорларда тепинмоқдалигини тахминан тушуняпсан.

**Анастасия:** Балки ушбу бахсларнинг барча нозик жойларини билмасман, аммо умумий тассавурим мавжуд... Ҳа, мени яна нима қизиқтирди. Қора туйнукнинг ичида вақт ва фазо улкан гравитация туфайли жуда кучли бузилган. Оддий Эвклид геометрияси у ерда атиги адолатсиз бўлиши мумкин, чунки параллел чизиқлар бемалол кесишиши мумкин ва хоказо...Ғоя бўйича, қора туйнукда ҳамма нарса унинг марказига тушиши керак, у ерда юлдуз моддаси кейинчалик шундай сиқилади-ки, охир-оқибат у чексиз зич нуктага айланади, яъни сингулярлик пайдо бўлиши мумкин, деган фикрни билдиришмоқда.

**Ригден:** Атиги назариячилар ўзининг фикрий хулосаларини Катта портлаш назариясига тўғрилашга уринишяпти. У, уларнинг тасаввурича, чексиз зич нуқтадан содир бўлган, у ерда Оламнинг бутун материяси мужасам бўлган эмиш, кейинчалик эса, *нимадир* ушбу “нуқтада” портлашни келтириб чиқарди, материя хар томонга учишни бошлади ва Оламнинг кенгайиш жараёни бошланди. Кўп саволлар туғилгани учун ва уларга олимлар моддий дунёқараш позициясидан жавоб бера олмагани учун, чалкашиб кетган замонавий назариялар пайдо бўлмоқда. Муаллифлар бир-бирини боши берк кўчага олиб қиришмоқда. Улар ўзларига маълум бўлган маълумотлар базасидан фойдаланади. Натижада эса, олам ва ўша қора туйнукларни пайдо бўлиши назариясини қурар экан, улар фил ҳақидаги латифани эслатади. Яъни, филнинг ўзи қаердан пайдо бўлган, нима учун у ҳаракатланади ва овқатланади деган саволларни кўриб чиқиш ўрнига, филларнинг Африка саваннасидаги ҳаракатлари траекторияси, йўлда қайси ўсимликларни ейиши эхтимоллиги, ўша худудда нима ўсмоқда ва бу ўсимликлар қандай хусусиятларга эга, деган саволлар кўриб чиқилади. Олимларда ҳам худди шундай: кўрган нарсалар ҳақида мулоҳаза юритади, кўринмайдиган нарсалар эса уларнинг дунёқарашини форматига тўғри келмайди-ми, демак, табиатда ҳам йўқ.

**Анастасия:** Менинг фикримча эса замонавий назарияда энг кулгили нарса – бу “бирламчи қора туйнуклар” деб аталмиш ходисалар. Олимларнинг тахминига кўра, улар Катта портлашдан сўнг дархол, тахминан 14 миллиард йил аввал, оламнинг кенгайиши бошланганида пайдо бўлган экан. Қора туйнук хар қандай нурланишни ёки моддани ютиб юборишга доимо тайёр, шу билан ўз массасини кўпайтириб боради, деган фикр бор. Тахминан, олимларнинг тасаввурига кўра, қора туйнукларнинг катталиклари тебраниши мумкин: ўта кичикдан (атиги 1015 грамм массали ва у гўёки Оламнинг кенгликларида хали ҳам сақланиб қолган бўлиши мумкин экан) ўта гигант ва ўта вазмингача, гипотетик равишда у галактиканинг марказида мавжуд бўлиши мумкин экан.

Агарда уларнинг Катта портлашдан кейин материя хар томонга максимал мумкин бўлган тезлик билан учишни миллион йил давом эттирган ва фақат шундагина биттагина ўта кичик 1015 граммли, аммо тўйдириб бўлмас “ўткир астрономик иштаха”га эга қора туйнук пайдо бўлган, деган фикрини атиги фараз қилиб кўрсак, хозир Оламнинг ўрнига битта яхлит гигант қора туйнук бўлар эди.

**Ригден:** Буни тушунганидан хурсандман. Бундай назарий тақсимларга биноан, олам камида 5 миллиард йил аввал мавжуд бўлишини тугатар эди.



**Анастасия:** Мутлақо адолатли мулоҳаза. Умуман олганда эса, қора туйнуклар – бу жуда қизиқарли мавзу, у сени бутунлай қамраб олиши мумкин, айниқса Олам сирларини очишга, ўрганишга интилиб, одамлар учун ёзаётган олимларнинг ишларини ўқиганингда. Бироқ қора туйнуклар ҳақида муаллифлар зерикканидан мулоҳаза юритаётган ишлар ҳам кам эмас.

Кўриниб турибдики, улар ўз ишларини худди ўша рус маталида айтилгандек, яратган: ”аксиришга мажбур бўлган жойда – вергул, ҳикичоқ тутиб қолган жойда – икки нуқта, тамаки ҳидлаган жойда эса – нуқта қўйишган”... Шундай экан, фандаги қора туйнуклар борасидаги мушкулликларни четдан туриб кузатувчи сифатида, менда битта хазилдагидек таасурот шаклланди: «Фанга бу борада ҳеч нарса маълум эмаслиги маълум бўлди.»

**Ригден:** Аслида ҳолат шунга ўхшаш. Боши берк кўчага элтувчи назарияни ривожлантириш учун кўплаб олимлар ўз кучини мужассамлаштириб, гоҳида эса ўз ҳаётини ҳам сарфлаб, адашмоқда. Одамларга элементар нарса етишмаяпти – *Билим ва тадқиқотлар йўналишини кўрсатувчиси*. Уларга эга бўлгач, нафақат илм-фанда, балки жамият ривожиди ҳам революцион ўпирилиш содир этса бўлади. Мен айтиб берган ва кейинчалик айтадиган маълумотлар, ишонаманки, бунга анча имкон туғдиради, агарда одамлар танлови шундай бўлса.

**Анастасия:** Демак, қора туйнук ўзи аслида нима экан?

**Ригден:** Олам масштабидаги қора туйнук деб аталмиш нарса, тез утиб кетувчи ва ўзининг массасига эга бўлмаган ходисадир. Қора туйнукларнинг Оламда ҳар қандай миқдорда пайдо бўлиб йўқолиши Оламнинг умумий массасининг барқарорлиги қонунини бузмайди. Хатто энг улкан қора туйнук аслида қисқа вақт оралиғида мавжуд бўлади ва унинг массаси нольга тенг. Аммо Оламдаги астрофизикавий ўзгаришларда унинг роли ниҳоятда улкандир.

Ассоциатив тарзда мен уни фикр билан солиштирган бўлардим. Ахир фикр кўринмайди. Уни ўлчаб ёки пайпаслаб бўлмайди, аммо у онгимизда пайдо бўлар экан, демак мавжуд. Фикр ўз ҳажмига эга (ҳар холда, ахборотли). У жуда тез ўтиб кетувчи, чунки уни тезда бошқа фикрлар алмаштиради. Фикр массага эга эмас, аммо моддий дунёда ғоят улкан оқибатларга олиб келиши мумкин. Моҳияти бўйича, бу Ҳеч Нарса.

**Анастасия:** Хеч нарса? Одамларнинг замонавий тушуниши учун хеч нарса – бу энг яхши ҳолатда вакуумдир.

**Ригден:** Вакуум ҳам у даражада бўш эмас. Оддий мисол. Юлдузлар аро фазода одамлар юқори вакуум деб атаган вакуум устундир. Унинг ўртача зичлиги бир куб сантиметрга битта молекуладан камроқ. Солиштириш учун одамлар яратган энг бўш вакуумни олсак, у ерда бир куб сантиметрда 100 000 молекула мавжуд. Хатто бутунлай зарралардан холи бўлган вакуум ҳам ҳар қандай хусусиятлардан маҳрум бўлган “мутлоқ бўшлиқ” эмаслигини олимлар энди тушунмоқда Улар квант майдонларнинг энг қуйи энергетик ҳолатини физикавий вакуум назарияси деб номладилар. Ва замонавий физика ушбу назариягача етиб келди. Мазкур назарияда физикавий вакуум бирор реал зарраларнинг мавжуд эмаслиги билан таърифланади, аммо шу вақтнинг ўзида турфа виртуал зарралардан иборат. Лекин бошқа назария ҳам мавжуд (уни “расмий фан “қатъиян қабул қилмаяпти). Бу назарияда зарраларнинг ва антизарраларнинг (олтита синфи) туғилиши бошланғич вакуумда спин бўйича қаватланиш ва ўнг ва чап торсион майдонлар пайдо бўлиш йўли орқали рўй беради. Ушбу торсион майдонлар – қўпол материя туғилишига ундовчи ўзига хос катализатордир.

Ҳақиқатга ким яқинроқлигини, сўзсиз, вақт аниқлайди. Муаммо шундаки, ҳақиқатни билмоқчи бўлган кўплаб олимлар аслида унинг ўз онгидаги ёлғон акси билан тўқнашади. Улар ўзи учун энг қулай назарияларни овоза қилишга шошилади ва узоқ вақт давомида ўзини “ҳақлигини” ҳимоя қилади, улар бунга ҳаётининг йилларини, ўзининг ва ўзгаларнинг “асабларини “сарфлайди, онгидаги бундай ўрин алмаштирилишини пайдо бўлишининг чуқурликдаги сабаблари ҳақида ўйланиб ҳам кўрмайди. Аслида одамлар кўзга кўринмас дунё ҳақида кўп нарсани, бу дунёда Хайвоний ақл қанчалик кучли эканлигини ва ҳар бир одам ўзининг руҳий маънавий софлиги ҳақида қайғуриши кераклигини билмайди. Ахир айнан руҳий маънавий софлик чегара ортидаги Ҳақиқатни ўзининг асл табиатида очиб беради.

**Анастасия:** Ҳа, мен ушбу зарралар ва антизарралар туғилишининг назарий схемасини эслагандим. Ажабо, у ерда ҳам барчаси қияли крест схемаси бўйича... Қачондир Сиз жудаям тушунарли тарзда Оламни ассоциатив мисолда уммон билан таққослагандингиз. Агар мана шу, уммон билан мажозий таққослашни ишлатсак, оламдаги қора туйнук бу нима?

**Ригден:** Оламдаги қора туйнук, шартли равишда, уммон сувларидаги ҳаво пуфагидек кўринади. Бироқ, у фақат шундай кўринади, лекин

мутаносиб эмас, чунки уммон сувидаги пуфак ҳаво билан тўлган, оламнинг кенгликларидаги қора туйнук эса умуман ҳеч нарса билан тўлдирилмаган, ҳар ҳолда, бу ходисанинг одамий тушунишида.

**Анастасия:** Бошқача айтганда, қора туйнук – моддий дунёга ҳос бўлмаган, ташқаридан киритилган Нимадир, шундайми?

**Ригден:** Шундай деса ҳам бўлади.

**Анастасия:** Қора туйнукнинг астрофизикавий ўзгаришлардаги роли ниҳоятда улкан, деган эдингиз. Илтимос, бу ҳақда, қора туйнукнинг асосий вазифалари ҳақида ҳеч бўлмаса ассоциатив мисолларда, батафсилроқ сўзлаб беринг.

**Ригден:** Ҳа, қора туйнукнинг вазифаларини эҳтимол жуда шартли равишда иммун жавоб билан, аниқроғи одам танасидаги иммун хужайралар билан солиштирса бўлади, улар, организмни турли касалликларни чиқариб келтирувчиларидан химоя қилади, шундай патоген ёки организмнинг ўзининг қайта туғилган шиш) хужайраларини аниқлаб, ўлдиради.

Агарда бизнинг организмимизга бегона агент тушиб қолса, у вирусми ёки патоген микробми, иммун хужайралачалар уларни топади ва ўлдиради. Ёки бирор хужайра, хужайралар гуруҳи носоғлом бўлиб қолади, функционал қатордан чиқиб кетади ва, мисол учун, назоратсиз бўлинишни бошлайди, шу ерда ҳам иммунитет хужайралари “кўлоксиз” хужайраларни йўқ қилиш йўли билан тартиб ўрнатади. Аммо бундай таққослаш ҳам Оламдаги қора туйнукларга нисбатан унчалик тўғри бўлмайди, чунки иммун хужайралар доимо организмимизнинг кенгликларида сайр қилиб, чегараларни “бузганларни” қидиради.

**Қора туйнуклар эса Оламда Ҳеч қаердан ва фақатгина зарур жойларда дархол намоён бўлади ва кейин яна ўша Ҳеч қаерга ғойиб бўлади. Шу билан улар бир онда ғойиб бўлади, кўпинча (лекин хамиша эмас) ўзидан кейин моддий дунёда юлдуз парчаларининг тўпламларини ва чанг ва газдан иборат улкан булутларни қолдиради, уларни замонавий асбоблар ёрдамида осон аниқлаш мумкин. Булар асосий, “патоген” материяни йўқ қилиш қолдиқлари. Уларни тошни майдалаш ва қайта ишлаш цехидаги конвейердан тушиб қолган ахлатга ўхшатса бўлади.**

Қандай қилиб Нимадир Ҳеч қаердан пайдо бўлиб, гоҳида бутун юлдузлар тўпламини йўқ қилиб, яна Ҳеч қаерга ғойиб бўлишини тушунтириш қийин. **Шу билан қора туйнук ҳақиқатан ҳам ўз**

**атрофидаги вақт ва фазони сезиларли қийшайтиради ва атрофдаги материяга таъсир кўрсатиб, улкан гравитацион тортиш кучига эга.** Қора туйнук – ҳақиқий Бўшлиқ деса бўладиган ягона нарса – у Хеч нарса, чунки, одамий тушуниш бўйича, у ерда хеч қандай моддий нарса йўқ.

**Анастасия:** Ҳа, илмий-материалистик қарашларга эга одамларнинг буни тушуниши қийин бўлади... Ахир, юқорида баён этилган маълумотни инобатга олсак, у холда савол туғилади: Хеч қаердан Ким бу жараённи бошқармоқда? Ким Оламдаги бундай дефектлар мавжудлигини аниқлайди ва айнан ўша участкаларда қора туйнукларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради?

**Ригден:** Бу жараёнларни тушуниш учун, уларни формулалар кўринишида тахт қилиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, бу ерда принципал равишда *бошқача* дунёқарашга эга бўлиш керак.

**Анастасия:** Сиз эслатдингизки, **қора туйнукнинг массаси нольга тенг** экан. У ютиб юборган материя қандай қилиб қайта ишланади? Айтишингизча, оламдаги энг оғир микрообъектлар қора туйнуклар билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Демак, қандайдир масса барибир бўлиши керак-ми?

**Ригден:** Ўйлайманки, қора туйнукнинг “иш” принципини тушунганингда, саволлар ўзидан ўзи йўқолади. Демак, қандай қилиб қора туйнук материяни тортади ва у кейин қаерга ғойиб бўлади? Қора туйнук, айтайлик, бу қандайдир ғайритабиий худуд. Номоддий тузулма бўла туриб, у майдонларнинг маълум ғалаёни пайдо бўлган Оламнинг участкаларида пайдо бўлади. Унинг мақсади – ушбу ғалаённи кўтарган материяни йўқ қилиш.

Оламнинг маълум жойида қора туйнук мавжудлигининг факти вақт ва фазо қийшайишига олиб келади. Яъни унинг ўзи маълум участкадаги вақтнинг сокин оқишини бузади. Бу маълум ўзаро таъсирларга олиб келади, натижада улкан гравитация хосил бўлиб, моддий тузулмани тортишни бошлайди. Ўйлайманки, бу тушунарлидир?

**Анастасия:** Ҳа.

**Ригден:** Унда давом эттираемиз. Материя тортилганида, унинг бўлаклари, мисол учун, ойга тенг бўлган, улкан гравитацион куч туфайли етиб келмасдан туриб, деформацияланишни бошлайди. Материя аккреция зонасига киришни бошлаганида, бу ерда энг қувватли гравитацион майдон яратилади ва материя бўлақларга бўлиниб кетади, ўзига хос гўшт майдалагич хосил бўлади.

**Анастасия:** Илтимос, ”аккреция зонаси” атамаси бу ерда замонавий олимлар тушунган маънода ишлатилганми, аниқлаштириб беринг. Қора туйнук атрофида айланаётган ва гравитацион майдони таъсирида энг яқин кўшни юлдуз ёки юлдузлар орасидаги газнинг ушбу объектнинг гравитацион майдони таъсирида унга тушганида (аккреция пайтида) пайдо бўлган катта кувватга эга нурланиш манбаи сифатидаги аккрецион диск назарда тутилмоқда. Шундайми? Бошқача айтганда, қора туйнук билан тўқнашган материя унинг атрофида орбита бўйлаб ҳаракатини бошлайди ва айнан ўша айланаётган дискни ҳосил қилади.

**Ригден:** Ҳа. Бундай “материяни майдалаш” вақтида жуда муҳим лаҳза содир бўлади. Бу ерда шундай куч мавжудки, у ахборотли ғиштчаларни бир биридан итаради ва улар энди белгиланган қатъий ҳолатда бўла олмайди, шунинг учун ўзининг ахборотли тартибидан узилади. Ахборот қатори, мазкур материяни ҳосил қилган тартиб йўқотилиши билан, моддий тузилмадан ахборот олиб ташланади ва материя ғойиб бўлади. Бу ерда парадокс бор, чунки қора туйнукнинг ўзи ахборотли ғиштчаларга таъсир этмасдан, тўғридан-тўғри материяга таъсир кўрсатади. Материя жуда кучли тортилади, ахборотли ғиштчалар эса – итарилади, оқибатда эса – материя йўқолади.

**Анастасия:** Демак, ахборот бузилмайди. Материя ахборотнинг асосида яратилган, бироқ ахборот олиб ташланса, материянинг “умри” тугайди.

**Ригден:** Тўғри. Агар бутун жараёни бизнинг шартли тажрибамизнинг ассоциатив мисолида тасаввур қилсак, кўйидагича бўлмоқда. Тасаввур қил, сен кўринмас пенопластли ғиштчалардан қасрни шундай қурдингки, натижада у кўринарли бўлди. Кейин эҳтиёткорлик билан кўтариб, уни сувга тўлган аквариумга ташлаб юбординг. Нима содир бўлади? Табиийки, сув билан тўқнашганида, қаср майда қисмларга тарқалиб кетади, яъни, бизнинг мисолимизда, бошқа ҳолатга ўтади: материя ғойиб бўлади, фақатгина бирламчи кўринмас пенопластли ғиштчалар кўринишидаги ахборот қолади, холос, ва улар сувнинг сатҳида сузиб юради. Савол: “Қасрнинг ўзи (материя) қаерга ғойиб бўлди?” нима учун саволим сенинг табассумингни келтиргани, тушунарли. Сен: «Тешик кўлчани еб бўлганингдан сўнг унинг тешиги қаерга ғойиб бўлган бўлса, ўша ерга-да», - дейсан. Ва мутлақо ҳақ бўласан.

Энди эса тасаввур қил, аквариум сал каттароқ ва сенга ўхшаган, унинг устида қасрларини ушлаб турганларнинг сони ҳеч бўлмаганида, ўн киши. Ва сизлар, деярли бир вақтда, ўз қасрларингизни аквариумга ташлайсиз. Аммо қасрларинг сув билан тўқнашганида, пенопластли

ғиштчалар (алоҳида ахборотли ғиштчалар ёки тўпламларга бирикканлар) сув сатҳида сузиб қолмасдан, дархол ундан итарилади (бирор ўта қалин нарсдан), худди теннис коптоғи асфальтдан итарилгандек. Тасавур қилдингми? Мана шу қора туйнукнинг бироз бузиб кўрсатилган кўринишдаги “ишининг” модели.

**Анастасия:** Ахборотли блоklar, ўша кластерлар билан нима содир бўлади? Аҳир улар жуда кичик бўлса ҳам, аммо кўринувчи материя-ку. Улар алоҳида ғиштчаларга ҳали бўлинмаган-ку?

**Ригден:** (табассум билан): Баракалла, вазиятни кузатаётганингни кўриб турибман... Қора туйнукнинг шакли сферавий. Материядан ахборот ташланган пайтида, ундан ахборотли ғиштчалар ажралиб чиққанида, уларнинг айрим қисми гуруҳ бўлиб айрилади – кластерлар бўлиб. Айнан ўша кластерлар 0,8 граммли, қисқа яшовчи объектлардир, улар мазкур сферанинг ”кутбларидан“ бевосита, нурланиш фони кўринишида чиқади. Бу сферанинг “кутблар” тушунчасининг ўзи ҳам нисбийдир, чунки бу ерда кузатувчининг позицияси ва қайта ишланаётган материянинг сферанинг ўзига нисбатан тўпланиши аҳамиятга эга.

**Анастасия:** Қора туйнук ёнида материя билан рўй бераётган нарсани компьютерда дискни навбатдаги форматлаш билан ҳам образли солиштирса бўлади, шекилли. Унда дискдаги ахборот йўқ қилинади. Нима учун ушбу объектлар қисқа умр кечиради ва атиги сониянинг бир неча қисми давомидагина мавжуд бўлади?

**Ригден:** Чунки уларнинг яшаш дастури йўқ. Улар бор-йўғи алоҳида ахборотли ғиштчаларга тарқалиб кетади. Парадокс шундаки, ушбу ахборотли ғиштчалар бир вақтнинг ўзида иккита ҳолатда мавжуддир: энергетик ва моддий (моддий заррани ташкил қилган ахборотли ғиштчаларнинг тўплами кўринишида). Яъни, улар йўқдек, ва улар бордек. Алоҳида олинган ахборотли ғиштчалар массасига эга эмас. Аммо айнан ахборот ўз массасига эга материяни, шунингдек, фазони, гравитацияни ва вақтни яратади. Ахборотни эса барчасини яратган Кимса бошқаради. У ахборотни (одамлар тушунишидаги) материяни шакллантирувчи энергияларни туғдиришга қодир куч сифатида яратди. Дарвоқе, мана шу ғиштчалар кам ахборотли (нетрийно ва шунга ўхшаш) зарраларнинг пайдо бўлиш вақтида Эйнштейннинг “қоматли” нисбийлик назариясини аҳамиятли даражада бузиб кўрсатади. Гап шундаки, ушбу зарраларнинг айримлари, ўз тузилишининг “соддалиги” боис Оламдаги бошқа зарралар билан кучсиз таъсирланади, ҳар ҳолда, бизнинг ўлчовимизда, ва бу нарса уларга Оламнинг чексиз кенгликларида ёруғлик тезлигидан анча катта тезликда ҳаракатланишга ижозат беради.

**Анастасия:** Ёруғлик тезлигидан катта тезликда? У холда, бундай зарраларнинг борлигининг факти нафақат Эйнштейннинг назариясини, балки замонавий физиканинг бошқа томонларини ҳам қайта кўриб чиқишга мажбур қилади.

**Ригден:** Сўзсиз, айрим нарсаларни қайта кўриб қичишга тўғри келади. Лекин бу бутун Оламда материянинг ўзаро таъсир жараёнларини тушунишни аҳамиятли чуқурлаштиради. Ва, эҳтимол, одамзодни вақтнинг фазо каби жисмоний намоёндасини ўрганишга яқинлаштирар... Шундай қилиб, ахборотли ғиштчалардан бу дунёнинг ҳам энг тезкор, ҳам энг оғир микрообъектлари, дарвоқе, қолган барчаси ҳам, ташкил топган...

**Анастасия:** Агарда, айтайлик, мана шундай энг оғир, қисқа яшовчи объектлардан ташкил топган, айтайлик... Нейтрон юлдузни тасаввур қилсак, демак, у ўзининг ўлчовларида яна юзлаб маротаба кичкиналашарди, унинг массаси эса кўпаярди, демак юлдузнинг гравитацион сиқилиши ҳам кўпаярди. Қўпол қилиб айтганда, бу холда у бутунлай гравитацион коллапсга учраб, қора туйнук ҳолатига тушиши мумкинми?

**Ригден:** Гипотетик тарзда хоҳлаган нарсани тасаввур қилиш мумкин. Аммо реалликда бундай бўлиши мумкин эмас, чунки бу моддий тузулманинг табиати билан тўғри келмайди. Хар қайси материя бундай гравитацион сиқилиш кучи таъсирида бузилиб кетган бўларди, яъни материя сифатида мавжудлигини тугатарди, чунки бу жараёнда албатта ахборотли ғиштчаларни бир-биридан итарувчи шароитлар пайдо бўларди. Ҳа, гравитацион кучларнинг ҳам ўз чегараси бор, шунинг учун бундай бўлиши мумкин эмас.

Масалан, қора туйнукнинг ёнида рўй берадиган ходисаларни олсак. Мен айтиб ўтган қисқа умр кўрувчи объектлар етарлича тезкор равишда, уларни бирлаштирувчи энергия камайиб бориши билан, ахборотли ғиштчаларга тарқалиб кетади.

Моддий дунёқараш доирасида қолиб кетган ақл билан бу жараёнларни тушуниш қийин. Рухий маънавий ривожланишда эса, эртами-кечми, одам бундай чекланган тушунишнинг чегараси билан тўқнашади, унинг ортида эса мутлақо бошқача дунёни ва бошқача қонунларни очади. Юлдуз қанчалик катта бўлмасин, ва унинг массаси нечта Қуёш массасидан иборат бўлмасин, замонавий тушунишда қора туйнукка у ўта олмайди, чунки материя ҳеч қачон бутунлай гравитацион коллапс таъсирига тушмайди. Ахир материя ахборотли ғиштчалардан иборат.

Ахборотли ғиштчалар эса бузилмасдир, уларни йўқ қилиб бўлмайди, ўзгартириб бўлмайди ва уларнинг миқдори Оламда доимо барқарордир.

**Анастасия:** Нима учун қора туйнукнинг массаси нольга тенглигини энди тушуняпман. Қора туйнук, номоддий дунёнинг объекти сифатида атиги шароитларни, кучни яратади. Ва бу кучнинг олдида асосий иш бажарилади, яъни, кўпол қилиб айтганда, керакмас материянинг утилизацияси содир бўлади. Худди учиргич қоғозни керакмас ёзувлардан ўчирганидек. Материя қора туйнукнинг ўзига кирмасдан туриб, ғойиб бўлади. Қора туйнукнинг катталиги нимага боғлиқ экан?

**Ригден:** Қора туйнукнинг катталиги, айтайлик, оламнинг маълум худудидаги йўқ қилиниши керак бўлган ”патологик материя”нинг миқдорига боғлиқ (бошқачасига бундай материяни номламайсан ҳам). Қора туйнук ҳар хил катталиқда бўлиши мумкин: катта ҳам, кичик ҳам. Коинотдаги ушбу жараёнларни яхшироқ тушуниш учун, одамнинг фаолияти билан боғлиқ жудаям шартли бўлган ассоциатив мисолни келтира қолай. Тасаввур қил, даланинг маълум участкасида одам бегона ўтларни ўриши керак. У мазкур участкани кўриб, бу ишга қандай куч ва қанча вақт сарфлашни ҳисоб-китоб қилади. Кейин эса, гўзал тонгларнинг бирида далада пайдо бўлади ва режалаштирган ишини амалга оширади, шу билан, бегона ўтлар учун мутлақо кутулмаган ҳолатда, рози бўл. Бундай бегона ўтлар бутун далани эгаллаган бўлса, бошқа гап. Энди уларни йўқ қилиш учун одам техника, меҳнат ресурсларини жалб қилиш кўринишидаги катта қувватларни ишга солади. Яъни кучни ишлатиш нуқтаси “патология” участкасига боғлиқ, кучни ишлатиш усули эса конкрет ишнинг хажмига боғлиқ.

**Анастасия:** Яхши мисол... Умуман, замонавий физикада ҳали ҳам массанинг пайдо бўлиши тўғрисидаги савол очиклигича қолмоқда. Унданда кўпроқ, олимларнинг ўзлари бу саволни фундаментал саволлардан бири деб ажратмоқда. Кўплаб назариялар ва тахминларга қарамасдан, нима учун айрим зарраларнинг массаси бор, бошқаларники эса йўқлиги аниқлик билан белгиланмаган. Мен ўзим ҳам бу савол билан чуқурроқ қизиқмагунимча, массани ўзидан ўзи тушунарли деб, ҳар қандай моддий объектнинг қандайдир тафсифи деб ҳисоблаганман. Ахир фил чивиндан оғирроқ, шунинг учун унинг массаси каттароқлиги ҳаммага тушунарли-ку. Аммо, микродунёга шўнғиганимизда барчаси унчалик силлиқ эмаслиги маълум бўлди. Олимлар “элементар” деб номлаган зарралар мавжудлиги аниқлади. Уларнинг массаси нольга тенг. Бундай массасиз зарраларнинг (тинчлик ҳолатда) вакилларидан бири – бу барчага маълум фотон, ёруғлик кванти.



**Ригден:** Ҳақиқатдан ҳам, бу саволга фан жавоб беролмаяпти, чунки таклиф этилган назариялар рамкалари билан чегараланган. Бу назариялар эса, уларнинг мураккаблашиб боришига қарамасдан, ”У ёки бу заррага массани нима беради?”, “Нима учун зарраларнинг массалари хар хил?” каби, оламнинг тузулишини чуқурроқ тушунтириб берувчи саволларга аниқ жавоб беришга қодир эмас.

Жисмнинг массаси унинг таркибидаги, атомлардан иборат бўлган моддага тўғридан-тўғри боғлиқ, деб ҳисобланади. Аммо атомларнинг асосини нима ташкил қилади? Замонавий қарашларга биноан атомлар электронлардан, протонлардан ва нейтронлардан иборат. Протон ва нейтронлар кварклардан ташкил топган деб тахмин қилинмоқда. Ва айнан электронлар билан кваркларни одамлар асл элементар зарралар деб ҳисоблайди...

**Анастасия:** Ҳа, тахмин қилмоқ – бу эга бўлмоқ дегани эмас. Ўч ўлчамликда яшовчи одамнинг мантиқини “ишонаман – ишонмайман” га абадий ўйини: бугунги кунда мавжуд асбоблар билан кўра олмаган нарса табиатда ҳам йўқ.

**Ригден:** Хар бир одамнинг Ҳақиқатни ўрганишнинг ўзини йўли бор, гоҳида бир талай синов ва хатолардан ўтиш орқали. Бироқ соф ниятлари ва ақлнинг эгилувчанлиги ҳақиқий олимга дунёга кенгроқ қарашга, мажбурлаб берилган қолипларни олиб ташлашга ижозат беради. Гап Билимларда эмас, гап одамнинг идрокида.

**Анастасия:** Энг кулгили томони, агарда охириги юз йил давомида таклиф қилинган элементар зарраларнинг ҳулқининг назарий таърифига холис назар ташласак, хар бир навбатдаги назария янги тажрибавий кашфиётлар туфайли дарз кетган ўзидан аввалги назарияни тешикларини ёпишга уринаётганидек таасурот қолдиради. Эҳтимол, бу саволга мутлақо бошқача ёндошув керақдир... Айтингчи, шундай қилиб, глобал масштабда масса ўзи нима?

**Ригден:** Барчаси одамлар тасаввур қилганидан ҳам осонроқдир. Материянинг миқдори (унинг хажми, зичлиги ва хоказолар), шунингдек унинг Оламда мавжудлигининг факти Оламнинг умумий массасига таъсир этмайди. Одамлар массага эга материяни фақатгина уч ўлчамли фазо позициясидан идрок этишга ўрганган. Аммо бу саволнинг маъносини чуқурроқ тушуниш учун, оламнинг кўп ўлчамлилиги тўғрисида билиш зарур. Кўзга кўринувчи, яъни одамлар учун ўзининг турфалигидаги (“элементар” деб номланган зарраларни ҳам кўшган холда) одатий материянинг хажми, зичлиги ва бошқа хусусиятлари бешинчи ўлчовдаёқ ўзгаради. Аммо масса ўзгармас бўлиб қолади,

чунки у олтинчи ўлчовгача, олтинчисини ҳам ҳисобга олган холда, ушбу материянинг “хаёти” ҳақидаги умумий ахборотнинг қисмидир. Материянинг массаси – бу атиги битта материянинг бошқаси билан маълум шароитлардаги ўзаро таъсири ҳақидаги ахборот, холос. Айтиб ўтганимдек, тартибланган ахборот материяни яратади, унинг хусусиятларини белгилайди, шу жумладан массани ҳам. Оламнинг кўп ўлчамлигини инобатга олган холда, унинг массаси доимо нольга тенг. Оламнинг умумий массаси фақатгина учинчи, тўртинчи ва бешинчи ўлчовларнинг Кузатувчиси учун улкан бўлади...

**Анастасия:** Оламнинг массаси нольга тенг? Ахир бу жаҳон халқларининг кўпдан-кўп қадимий афсоналарида қайд этилган дунё ҳаёлийлигининг далили-ку...

**Ригден:** Агарда келажак фани сенинг китобларингда кўрсатилган йўлни танласа, оламнинг пайдо бўлиши ва унинг сунъий яратилганлиги ҳақидаги саволларнинг жавобларига жудаям яқин кела олади.

**Анастасия:** Яна савол бор. Замоनावий фанда деярли барча улкан галактикаларнинг ядроларида ўта вазнли қора туйнуклар бор, деган тахминлар мавжуд. Бу ҳақиқатга мосми?

**Ригден:** Йўқ. Фаол галактикалар жуда катта қувватли нурланиш чиқараётгани ва уларнинг марказлари атрофида, замоनावий технологиялар ёрдамида кўринмайдиган, аммо жуда вазнли бир нарса юлдузларни гўё тортаётгандек бўлгани учун олимларда бундай тахмин пайдо бўлди. Лекин галактикалар ядроларида қора туйнуклар йўқ. У ерда атиги сал бошқачароқ қонунлар ишлайди.

**Анастасия:** Спиралсимон галактикалар биринчилар қаторида кашф этилган. Спирал шакли Оламнинг макро-ва микродунёсида қандайдир ўзгача рол ўйнайдими?

**Ригден:** Ҳа, ва бу энергия ҳаракатининг, ахборот сақланишининг ва алмашинувининг тизимланганлиги, хуллас, чуқурлашган физика билан боғлиқдир. Агар бу саволни диққат билан ўрганса, **моддий дунёда кўп нарса спирал шаклида жойлашгани ёки**, микродан бошлаб то макрообъектларгача спирал бўйлаб ҳаракатланаётганини кўрса бўлади. Мисол учун, бизнинг дунёнинг микрообъектларини, ўша эукариотик хужайраларнинг цитоскелетларини олсак. Агар биологияни эсласанг, эукариотлар – бу шаклланган ядрога эга хужайралардан иборат организмлар .

**Анастасия:** Ҳа, ушбу, табиат подшолигининг энг юқори тоифасига барча олий хайвонлар ва ўсимликлар, кўзиқоринлар, битта хужайрали ва кўп хужайрали сувўтлари, энг оддий организмлар киради.

**Ригден:** Дуруст. Уларнинг цитоскелетида сен ҳам чизиқли ўралган спирални, ҳам иккиталик спирални, ҳам суперспиралсимон тузилишни топасан.

**Анастасия:** Тўғри! Уларнинг хужайралари мембрана билан ўралган ядрога ва спиралсимон тузилишга эга хромосомалардан иборат-ку. Хромосомалар эса тирик организмлар таркибига кирувчи биополимер – иккита занжирли ДНК молекуласига эга. Ахир аксарият ҳолатларда ДНК иккиталик спирал тузулмасига эга-ку! Хатто, прокариотларга (табақалаштирилмаган ядроли организмларга) тегишли айрим бактерияларда ҳам, ҳалқасимон занжир кўринишидаги битталиқ икки спиралли молекула мавжуд.


**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шунингдек хужайранинг бўлиниш жараёнини эсла, ундаги аёл хужайра хромосомасини, эркак хужайра хромосомасини иштирок этишини... Хужайра даврининг барча босқичларида хромосома асосини хромонемалар ташкил этади...

**Анастасия:** Ҳа, ҳа, ҳа... ушбу ипсимон тузилишлар.

**Ригден:** Қуйидаги хусусиятга эътибор бер: бўлинмайдиган хужайрада улар спиралга ўралмаган, хужайранинг бўлиниши вақтида эса улар спирал бўйлаб зич ўралган, мажозий айтганда, *иккита ўралган илончалар кўринишида*... Ва, ёдингда бўлса, ДНКнинг вазифаларига ахборотни сақлаш, уни узатиш ва ривожланишнинг генетик дастурини амалга ошириш киради.

Умуман, агар хайвонларнинг, шу жумладан, одамнинг ҳам, организмнинг биокимёсини батафсил кузатсак, спираллар турларининг анча-мунча турфалигини топсак бўлади (чап томонга ўралган спирал, ўнг томонга ўралган спирал, учталиқ спирал ва хоказо). Масалан, коллагеннинг ўзига хос молекуласи учта турли типдаги полипептид занжирларидан ( $\alpha$ -спираллардан) иборат. Улар, қоидага кўра, учталиқ ўнг спирал кўринишида ўралган. Коллаген ўзи нима? Бу хайвонлар организмда энг кенг тарқалган ипсимон оқсил, у умумий оқсилнинг 25% ни ташкил этади. У бириктирувчи тўқиманинг коллаген толаларининг асосини ташкил этади ва унинг маҳкамлигини ва эгилувчанлигини таъминлайди. Яъни суяклар (ўша бош суяги, умуртқа ва хоказолар), тоғайлар, тендонлар коллагендан иборат.

Ёки бошқа мисол. Одамнинг сочлари, тирноқлари, хайвонларнинг эса патлари, тирноқлари, игналари, жуни – бу нима? Булар асосан кератин (шоҳли модда)дан иборат тузилишлар. Тузулмали оксил сифатида кератин ҳам асосан спирал кўринишида тузилган, масалан, сочларнинг ёки жуннинг тузулмали оксили  $\alpha$ -кератин. Унда пептид занжирининг аксарият қисми ўнг  $\alpha$ -спиралга ўралган. Иккита пептид занжирлар эса ягона чап суперспирални ташкил қилади. Мажозий айтганда, шунақа *спиралга ўралган иккита илончалар*. Суперспираллар, ўз навбатида, *тетрамерларга* бирлашади., улар эса янада мураккаб хосилга бирлашади. Бундай мураккаб хосилаларнинг *саккизтаси* сочнинг ёки жуннинг микрофибрилласини ташкил қилади. Буларнинг барчаси материянинг кўринмас энергетик даражада ташкил топишида туғиладиган, моддий дунёда кўринувчи жараёнлар, холос.



**1-расм. Спиралсимон тузилишлар:**

- 1) ДНК нинг бўлиниши; 2)  $\alpha$ -Кератин оксили;
- 3) коллагеннинг уч ўрамли спирали.

Спиралсимон тузилиш – бу ахборотни узоқ вақт сақлашнинг энг қулай шаклларида бири. Бунини тушунишга фан бугунги кунда энди яқинлашмоқда. Масалан, ДНКни тестдан ўтказиш усуллари биноан одам ҳақида кўп нарсани билиб олса бўлади, шу жумладан, биологик қариндошликни аниқлаш мумкин. Илгари ДНК-тахлил учун қондан фойдаланилган. Хозир эса бундай тахлилларни сўлак, соч толаларини, тирноқларни ишлатиб амалга оширишмоқда. Криминалистикада суд тиббиётчилари бир дона соч толасидан одамнинг ёшини, жинсини аниқлаши мумкин. Улар хатто сочда қандай моддалар, микроэлементлар мавжудлигини, индивид ҳаётининг қайси даврида улар унинг организмида кўпроқ ёки камроқ микдорда бўлганлигини аниқлаши ҳам мумкин. Ўз навбатида, бу маълумотлар одамнинг ҳаёт тарзи ҳақида далолат бермоқда: қандай дори воситаларини қабул қилган, қандай озиқланган ва хоказо. Соч ДНК сининг тахлили бошқа намуналар билан солиштирганда мутахассисларга унинг “эгасини”

аниқлашга ижозат беради. Мазкур усул археологлар томонидан ҳам мазорларни, қадимий мақбараларни тадқиқ қилишда қўлланилади, ахир сочлар суяклардан ҳам яхшироқ сақланади.

Рости, бу хали билимларнинг чегараси эмас. Илм-фан спиралсимон тузилишни (у кўпдан-кўп миқдорда одамда ҳам мавжуд), материя ва энергияларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишнинг остонасида турибди.

Дарвоқе, бу ҳақда билимлар қадимда ҳам мавжуд бўлган. Ва бунинг гувоҳлиги – бутун жаҳон бўйлаб турли халқларнинг орасида кенг тарқалган, қадимги одамларнинг маросимий предметларда, тошларда, қабристонлардан топилган артефактларда ёки архитектуранинг рамзий деталларида қолдирган белгилар ва рамзлар, афсунгарлик маросимларининг қолдиқларидир. Дарвоқе, маросимларнинг, масалан, сочлар, тирноқлар, суяклар билан кучни (ахборотни) сақлаш ва узатишга қодир бўлган спиралсимон тузулишлар билан боғлиқлиги ҳеч ҳам тасодифий эмас. Ахборот, ёки уни аввалари “уйқудаги куч” деб номлашган, куф-суфлар, яъни маълум товушли тебранишлар ёки фикр ва эътибор кучини мужассамлаштириш ёрдамида фаоллашган (ўйғонган). Бу билимларни одамлар ижобий ҳам, салбий мақсадда ҳам ишлатган. Албатта, бунга ўхшаш маросимлар бугун ҳам сақланиб қолган, аммо улар аксарият қисмида одамлар томонидан кулгилиларча айлантирилиб юборилганки, бу энди атиги маънони йўқотган тақлид бўлиб қолган.

**Анастасия:** Кўпгина халқларда сочлар ва тирноқлар билан боғлиқ ривоятлар, хаттоки таъқиқлар ҳам мавжуд. Масалан, кесилган сочларни ва тирноқларни ҳар қаерда ташлаш мумкин эмас, чунки улар ўз эгаси ҳақида маълум энергетик ахборотни сақлайди ва унга зиён келтирувчи одамнинг қўлига тушиб қолиши мумкин. Айрим халқларда эса хаттоки тупуриш таъқиқланган: тўғри келган жойда тупуриш мумкин эмас, чунки бу сўлакни афсунгар зиён келтириш учун эгаллаб олиши мумкин. Қанийди, тупуриш катта шаҳарларда тақиқланса, балки маданият кўтарилармиди, йўлаклар тозароқ бўлармиди, ва, эҳтимол, одамлар турли кўнгил ғашликлар ва келиб чиқиши номалум касалликларга камроқ дучор бўлармиди...

**Ригден:** Маданият, албатта, ортиқчалик қилмайди. Бироқ гап соғлиқ, таъқиқлар, сеҳргарлар ва ривоятларда эмас. Буларнинг барчаси ташқи нарсалар, аммо улар одамнинг ўзининг ичкарасидан келиб чиқади. Гап одатда, индивиднинг маълум фикрлашининг устуворлигида, ҳар кундаги танловида. Агар одам ақлини мафкуравий вайронгарчиликдан тозалаб қўйса ва ҳаётида қоида сифатида бунёдкор руҳий маънавий устуворликларни ўрнатса, шунда унга ҳеч қандай сеҳргарлар тўсиқ эмас.

**Анастасия:** Сиз билан мутлақо ҳамфикрман... Ушбу спиралсимон тузилишлар ёрдамида салбий таъсир кўрсатиш мисоллари бугунги жамиятнинг кенг тарқалган адабиётида деярли ҳар қадамда мавжудлигига хайрон қолмасак ҳам бўлади. Бироқ, салбий мисоллар бор экан, демак ижобий мисоллар ҳам бўлиши керак. Сизнинг эслатишингиз бўйича, ушбу билимлар ижобий мақсадда ҳам ишлатилган экан.

**Ригден:** Айтайлик, билимлар азалдан айнан ижобий ўзанда берилган. Ўша сочларни олсак. Улар одам ҳақидаги ахборотни, унинг жисмоний ва энергетик тузилиши билан алоқани сақлаб қолади. Сочларни одамнинг энергетик тузилиши билан алоқасининг тушунишига замонавий фан ҳали етиб келмади, ваҳоланки қадимда бу ҳақда билишган. Хозир бундай маълумотнинг қолдиқларинигина топса бўлади. Масалан, қадимги славянлар, бошқа халқлар каби, ёйилган сочлар аёлга афсунгарлик кучини беради, ёки эркакнинг (аскарнинг) бошининг қоқ тепасидан елкасигача ўстирилган кичиккина бир тутам соч ҳам афсунгарлик кучига эга, деб ҳисобланган. Буларнинг барчаси одамнинг энергетик тузулмаси ҳақидаги билимларнинг ва уларни руҳий маънавий йўлдаги ёрдам сифатида тўғри қўллаш имкониятининг қолдиқлари.

Хатто кесилган бир тутам соч ҳам одам билан алоқасини сақлаб қолади. Аввалари, жамоадан кимнидир маълум мақсадлар билан узоқ сафрларга жўнатганларида, унинг бир тутам сочини олиб қолишган. Жамоа унинг сафари давомида доира бўлиб ўтиришар ва марказга сочларни жойлаштириб, биз бугун ибодат, медитация деб атаган маросимни бажарган. Яъни, жамоанинг одамлари, онгнинг ўзгартирилган ҳолатида (медитацияда) бўлиб, соч тутами орқали унинг эгасини қўллаб-қувватлаш сифатида кўшимча руҳий маънавий куч билан таминлаган. Дарвоқе, қадимда, жамоа маълум одамга руҳий маънавий ёрдам беришга уринганида, бошининг устида учбурчак рамзи сифатида бошининг учта жойидан соч тутамларини кесиб олишган: икки ёнбошда (қулоқ устидаги нуқтага яқин) ва энсасидан. Сўнг эса, жамоа ушбу сочлар устида, айтайлик, медитация қиларди. Бу нарса унинг (ўтмиши билан боғлиқ) салбий ҳолатини тўсишга ва унинг Хайвоний табиатининг кўтарилишларини босишга ёрдам мақсадида қўлланиларди. Пешонадан сочлар ҳеч қачон кесиб олинмаган, чунки одамнинг олд қисми ва унинг олдидаги фазо руҳий маънавий йўналиш билан, олға юриш билан боғлиқ деб ҳисобланган.

Моҳият бўйича, сочлар орқали одамга кучсиз, қисқа вақтли бўлсада, аммо етарлича реал таъсир кўрсатилади. Бироқ бундай таъсир билан маълум Шахсдаги устувор табиатнигина кучайтириш мумкин. Бошқача

айтганда, яхши одамнинг сочлари орқали бошқа яхши одам ўзининг чуқурликдаги туйғулари билан таъсир этиб, унга ижобий энергияни узатиб, қандайдир вақтга ундаги ижобий кучларни янада кучайтиради. Лекин, албатта, ўз устидаги асосий иш Шахснинг ўзига юкланади. Қизиги шундаки, илгари бундай кўшимча куч ҳақидаги билимлар сеҳрли маросимларда фақатгина одамга руҳий маънавий ёрдам бериш учун қўлланилган. Ҳозирда эса улар ё бузилиб кўрсатилмоқда, ёки салбий мақсадда ишлатилмоқда. Бу билимлар одамларга бир-бирига ёрдам кўрсатиш учун берилганини улар қандайдир унутиб юборишди.

**Анастасия:** Айрим замонавий динларда соч олиш маросими мавжуд. Масалан, христианликда роҳибликка ўтишда, Маккага хоҳ сафарига кетаётган мусулмонларнинг соч олиш маросими, ёки буддавийликларнинг роҳиблик жамоаларида сочни қирғишлаб олиш, ёки Худога қурбонлик сифатида хитойликларда, манчжурларда, айналарда бошини олд қисмидаги сочини олиш. Бундай маросимларнинг асосида нима ётибди?

**Ригден:** Булар соф рамзий ҳаракатлар, улар динларда одамнинг ўз ўтмиши билан узил-кесил ажралиш деб талқин қилинади ва мазкур динга ҳизмат қилиш қарорига улар “Худога қурбонлик” деб қарашади. Аслида эса, одам ташқаридан сочини ёки соқолини олиб, ичкаридан сифатли ўзгармаса, буларнинг барчаси рамзий бўлиб қолаверади. Такрорлайман, ахир атрибутика, кийим, ташқи кўриниш муҳим эмас, балки одамнинг ички ташкилий қисми муҳим. Ўша, сочларни крест кўринишида олиш, бошнинг чўққисини, пешонани қирғишлаш – булар билимларни бузиб узатишдир, одамнинг Худо билан алоқасини, руҳий маънавий йўлдан юришини ва у ёки бу динга тегишли эканлигининг ташқаридан кўз-кўз қилишдир.

**Анастасия:** Ҳа: ”Одамни ташқи кўриниши бўйича баҳолама” – деб ҳалқда бежиз айтилмайди... Макро-ва микродунёдаги спиралсимон ҳаракатга қайтаётиб, ахир электроннинг вақт давомида ўзгармас магнит майдонидаги ҳаракати ҳам спиралсимонлигини эсладим.

**Ригден:** Табиатда бундай ҳаракат билан кўпдан кўп ходисалар боғлиқ. Масштабли табиий ходисаларга эътибор бер, масалан, ҳаво циклонлари, антициклонлар, улкан уммон сув гирдоблари (маркази уммон сатхидан ўнлаб метр пастда бўлиши мумкин ринглар деб аталмиш ходисалар), спиралсимон турбулентлик майдонлари, спиралсимон тўлқинларнинг юзага келиши ва хоказо, макрообъектларнинг, масалан, галактикаларнинг ҳаракатини спиралсимон тузилиши.

Макродунёдаги спирал шакли ҳақида кўпроқ нарса айтаман, у фанга ҳали номаълум, аммо турли ҳалқларнинг дунё пайдо бўлиши ҳақидаги қадимий афсоналарида ўз аксини топган. Дарвоқе, ақлли одамлар ўйланса арзийди: нима учун дунё қиёфасининг турфа вариантларининг таърифлари кўплигига қарамасдан, турли ҳалқларда асосий маълумотлар хайратланарли тарзда бир-бирига ўхшаш? Шунингдек, бундай “ўхшашлик”ни маданиятлар ўртасидаги алоқалар билан камдан-кам вазиятлардагина тушунтириш мумкин. Олам ва ундаги ҳаёт қандай пайдо бўлганини, коинотнинг қарама-қарши табиатлари ўзаро умумий нарсага эгаллигини қадимгилар қаердан билишган? Нима учун қадимгилар дунёни доимий яратилиш, ундаги барча мавжудликни эса – қураш меваси деб идрок қилган? ”Турфа худолар ва руҳлар” билан тўлган турли “фазолар” мавжудлигини (3,7,9 ва ундан кўп “осмонлар”, ”ерлар”, ”осмонли ерлар” ва хоказо), ”Оламнинг кўп зиналиги”, Дунёга шакл, сифатлар, хусусиятлар берувчи, аммо ўзи бундай сифатлардан холи, Оламнинг илк ягона асоси мавжудлиги ҳақида улар қаердан хабар топган?

Нима учун афсоналарда табиат офатларининг миқдорий ва сифатли тафсиғларида ўхшашлик мавжуд ва кўпинча айнан тўртта офат: сув, олов, ер ва ҳаво тўғрисида айтилади? Нима учун кўп ҳолларда ушбу тўртта офатни бешинчи марказий элемент бирлаштиради ва буларнинг барчаси биргаликда дунёнинг моддий асосига боғланади? Масалан, қадимий хитойликларда дунёнинг бешта асосий элементи “у-син” атамаси билан ифодаланган (“у” –“беш”, ”син” иероглифи эса – “ҳаракатланмоқ, юритмоқ” маъноларини билдиради), яъни “доимий ҳаракатдаги бешта элемент” дегани. Дунёнинг ривожланиши уларда иккита қарама-қарши принципларнинг ўзаро таъсири билан белгиланган – инь ва ян. Хиндистоннинг қадимий асарларида Оламдаги муҳим ролни Қалб (атман)га, ақл (манас)га, шунингдек вақт(кала)га, фазо (дик)га ва “акаша” каби атамага бағишлаган. ”Акаша” субстанцияси бўлинмас ва ҳамма жойга тарқалган деб ифодаланган. Унинг биргина хусусияти – Товуш, деб айтилган. Қадимий хинд таърифлар бўйича, айнан акаша барча санаб ўтилган, яни тўртта моддий ва тўртта номоддий субстанцияларни бирлаштиради. Жаҳоннинг кўпдан-кўп муқаддас афсоналаридаги билимларга биноан, одам бешта асосий қисмлардан иборат.

Дарвоқе, қадимий одамларнинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги тасаввурлари замонавий дунёқарашдан сифатли фарқланган. Уларнинг қарашларича, ўлим одамнинг мутлақо йўқ қилиниши дегани эмас. Ҳаёт ва ўлим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Афсоналарда ўлим бошқа мавжудлик шаклига ўтиш деб кўрилади. Лекин бу ўтиш одамнинг ҳаётининг руҳий маънавий сифатига боғлиқ,



шунинг учун ҳам хаёт ўлимни туғдиради, ўлим эса – хаётни. Ўлиш – лойиқ деб топилган шароитларда қайта туғилиш ёки яхшироқ дунёга кетиш, дегани. Шу билан, *бошқача* дунёга ўтиш одамнинг ўзгариши билан ва “коинот сувларидан” ўтиши билан боғланади (турли афсоналарга биноан: қайиқда, қушда, отда, илонда ёки фантастик махлуқда).

Ва, албатта, жаҳон халқларининг афсоналарида Оламнинг қандай ҳалоқ бўлиши таърифланади. Қадимгилар буларни барчасини қаердан билиши ва бундай масштабни фикрлай олиши мумкинлигини ақлли одамлар ўйланиб кўрса арзийди. Аҳир узоқ қадимнинг одамларнинг аксарияти яшаш жойидан бошқа нарсаларни кўрмаган бўлса, коинот ҳақида ва Оламнинг туғилиши ва ўлими ҳақида гапирмасак ҳам бўлади! Лекин Олам ҳақидаги билимлар бўлган! Ва, жаҳон халқларининг космологик афсоналарини шакллантирган умумий маъно, замонавий тилда айтсак, қуйидагича эди: *Худонинг дунёсидан* (афсоналарда у турлича номланади: дунёвий сувлар, дунёвий уммон, азалий Яратувчининг дунёси) *Бирламчи Товуш пайдо бўлди* (афсонавий Қуш, товуш, биринчи Логос, Худонинг Сўзи). Гоҳида афсоналарда дунёнинг хаосдан пайдо бўлгани эслатилган. Юнонча “хаос” сўзи (chaos) – “очиқлик” маъносини билдиради ва “chaino”, “chasco” сўзининг “cha-“ илдизидан келиб чиққан – “эснамоқ”, “оғзини очмоқ” дегани. Шунинг учун мифологияда хаос “очилган фазо”, “бўш макон” маъноларини билдиради.

**Анастасия:** Деярли Библиянинг бошланишидагидек, у ерда дунёнинг Яратилиши ҳақида бундай дейилган: “Ер кўримсиз ва бўш эди ва тубсизлик устида қоронғулик, ва сув устида Илоҳий Рух елиб юрарди”.

**Ригден:** Бу Библиянинг ҳозирги рус тилига таржимасида – тубсизлик. Азалдан эса қадимги месопотамиялик матнларда бу “энг олдин пайдо бўлган дунёвий сувлар”, “денгиз” бўлган. Улардан яхудий кохинлари Шумер-Бобил космологиясини ўзлаштирган. Ва, агарда “елиб юрмоқ” феълининг оригинал таржимасига қарасанг, бу сўзни “тухум босган курк товук”қа нисбатан ҳам қўлланилганини кўрасан. “Илоҳий Рух” эса (рус транскрипциясида “руах элохим”) қадимий семит илдиздан келиб чиққан бўлиб, арабча “рух” сўзига қариндош. Ушбу илдиздан улкан афсонавий Рух қушининг исми пайдо бўлган, у халигача арабларнинг қадимий эртақларида учрайди.

**Анастасия:** Сиз айтмоқчисизки, Библиянинг мазкур сюжети бошқа халқларнинг дунёни энг олдин пайдо бўлган дунёвий уммон устида учиб юрган улкан қуш яратганлиги ҳақидаги ундан ҳам олдинги афсоналари асосида яратилганми? Умуман олганда, ҳа. Ахир айнан

куш томонидан энг биринчи яратилган сувлардан ернинг чиқарилиши жаҳон халқлари орасида етарлича тарқалган афсонадир. Ундан чиқди, бу ерда бутун маъно ҳаракатда, фаолиятда ва бу дунёнинг юқоридан яратилишида экан-да?

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шундай қилиб, *бирламчи Товуш Оламни шар шаклида тугдирди* (дунёвий, коинот тухуми, олтин муртак, бирламчи уруғ). *Унинг сатхида Аллат (хаётий ҳаракатни яратувчи бирламчи энергия) кучларининг таъсири остида материя шаклланишни бошлади* (энергиянинг бир қисми материяга айланди). *Ўша Аллат кучлари* (мифологияда – бутун мавжудотнинг ибтидоий Онаси, бунёдкорлик илоҳий аёл табиати, яратувчи, тириклик ҳизматидаги Ибтидо, она-Қуш, Худонинг иродаси, Худо фикрининг кучи) *туфайли материя ўзаро таъсирга киришди*. Қачондир мен Олам айнан қандай пайдо бўлганлиги, аллат, вақт, фазо ва гравитация аслида нималиги тўғрисида батафсил сўзлаб берган эдим.

**Анастасия:** Ҳа, мен бу маълумотни “Сэнсэй-IV” ва “Эзоосмос” китобларига киритдим.

**Ригден:** Яхши. Демак, гап қандай жараёнлар ҳақида бориши энди анча тушунарлироқдир... Шундай қилиб, *Аллат кучларининг ушбу азалдан шарсимон ҳолатдаги Оламнинг сатхидаги энг катта мужассамлашган ва таъсир этган жойларида, материя маълум хосилаларда тўпланишни бошлади*. Айнан улар *хаёт пайдо бўлган бўлажак галактикаларнинг “ибтидоий ота-онасига” айланди*. (Турли афсоналарда улкан илк одамнинг, гигантларнинг, ибтидоий ота-онанинг пайдо бўлиши образларида акс эттирилган. Улар ўз танаси билан Оламни хосил қилган, кейин эса, ўлиmidан сўнг, бўлақларга бўлиниб, бошқа хосилаларга хаёт берган). Дарвоқе, ушбу бирламчи тўпламларда иссиқлик нурланишини ўчоқлари пайдо бўлган, улар микротўлқинли диапазонда ҳозир ҳам қолган. Улар бугун фанга микротўлқинли фонли нурланиш (реликт нурланиш) сифатида маълум. Мана шу моддий дунёнинг яратилишидаги Аллат кучларининг илк таъсири намоёндаси. Умуман, таъкидлаш жоиз, *айнан Аллатга мувофиқ материянинг хаёт билан таъминланиши ва бутун борлиқнинг тартибланиши бошланди*.

Оламнинг пайдо бўлишидаги яна бир муҳим лаҳза, у Оламнинг ҳозирги кундаги тузилиши ҳақида тушунишни беради. *Аллат кучининг ягона тартибланган шаклга (Худонинг томонига) интилиши Оламга “ичкаридан ташқарига” ҳаракатланишни белгилади ва уни тўғри спирал бўйлаб, кенгайишга айлантиришни бошлади*. Шу тариха бунёдкорликка қаратилган вазифа берилди. (Юқори палеолит давридан “ичкаридан ташқарига” ҳаракатланиши тўғри свастика (“ўнг” свастика)

☩ кўринишида тасвирланган, яъни учлари чап томонга бурилган хоч кўринишида. У соат мили бўйлаб – ўнг томонга ҳаракатланишни рамзидир. Дарвоқе, санскрит тилидан таржима қилинганида қадим хинд “свастика” сўзи “су” – “яхшилиқ билан боғлиқ” сўздан пайдо бўлган. Яъни “су-асти” – “мархаматли хаёт”). Аммо, *шу билан бир пайтда, оламни тўғри спирал бўйлаб айлантириб, алат кучи унга қарама-қарши турган кучни ҳам тугдирди. Бу куч Оламнинг ичкарасидаги ҳаракатни тескари спирал бўйлаб, Аллатнинг асосий йўналишига қарши томонга айлантира бошлади – “ташқаридан ичкарига” ва материяни ягона моддий Ақлга (Хайвоний ақлга) бирлаштиришни бошлади.* Шундай қилиб Аллат кучларига қарши, бўзғинчилик функцияси берилди. (“Ташқаридан ичкарига” ҳаракатни халқлар рамзий тарзда нотўғри, тажовузкор, тескари свастика кўринишида ☩ тасвирлашган, яъни учлари ўнг томонга бурилган крест кўринишида. У соат милига қарши – чап томонга юриш рамзидир. Афсоналарда қарши кучнинг туғилиши сувдан оловнинг чиқиши образида қайд этилган).

**Анастасия:** Ўз вақтида менга иккита свастиканинг бурилишларини тушуниш борасида Сизнинг аниқлаштиришингиз ёрдам берди – гўё кружкадаги чойда қошиқча билан соат мили бўйлаб “гирдоб” хосил қилса, четларда ўнг свастика тўлқинларини ўралишини кузатса бўлади. Ушбу суюқликни соат милига қарши айлантирганда эса – чап свастика тўлқинларининг ўралишини кузатамиз.

**Ригден:** Тўғри, бу одам ҳар куни тўқнашадиган энг тушунарли мисол. Шундай қилиб, *оламда иккита қарама-қарши кучлар пайдо бўлди: Оламни ташқарига айлантирувчи ката куч, ва Оламнинг ичкарасидан унга қарши ҳаракатланувчи кичик куч. Ушбу иккита кучларнинг намоён бўлишидан сўнг Олам шар шаклини йўқотди ва уларнинг таъсирида япалоқлашди, яъни сиқилди, яссироқ шаклга эга бўлди.* Ушбу лаҳза жаҳон халқларининг коинот афсоналарида дунёвий тухумнинг иккига бўлиниши, унинг иккита яримидан осмон ва ер яратилгани, уларнинг ўртасига эса бўлинишлар (фазолар) ва сувлар жойлаштирилганлиги қайд этилган. Бошқа ҳолатларда тухумнинг синишидан кейин қолган қисмлари кенгайиб Оламга айланди, дейилган. Учинчи эпизодларда дунё иккита офатга ёки қарама – қарши вазифали иккита худоларга бўлинганлиги, кўринмас жуфтликнинг яратилиши эслатилади.

Спиралларнинг ўзлари афсоналарда қарама-қарши вазифали худолар кўринишида (бирининг моҳияти илоҳий, иккинчисиники – шайтонга оид) намоёиш этилган, улардан эса бошқа худолар пайдо бўлган. Афсоналарнинг бошқа вариантларида эса – ярми одам-ярми илонлар кўринишида (шу билан бунёдкор, сувнинг худолари бўлганларнинг таналари ўзига хос *яшил* рангда. Учинчисида – тартиб, хаёт сувларини,

серхосиллик, ёруғликни тадбиқ қилса, уларга қарама-қаршилар – тартибсизликни, ўлимни, қоронғуликни, жуфтсиз маҳлукни гавдалантиради (масалан, оламнинг хўжайини бўлиш истагидаги чиябўрини). Оламнинг пайдо бўлиши шу тариқа афсоналарда қайд этилган эди. Замонавий одамларда саволнинг руҳий маънавий томонини тушуниши йўқотилган ва барчаси қадимги афсоналарнинг моддий идроки даражасига келтирилган, холос.

**Анастасия:** Ундан чиқди, аллатнинг ҳаракати ҳисобига ҳозир Олам спирал бўйлаб кенгайиб бормоқдами?

**Ригден:** Ҳа, ва ҳар бир янги, каттароқ ўрамда унинг тезлиги ошиб боради, шу билан ўрамлардан ўтиш вақти олдингидек сақланиб қолади. Шунинг учун, материянинг Оламдаги умумий ҳаракати, шу жумладан, галактикаларнинг ҳаракати, спирал бўйлаб амалга ошади.

**Анастасия:** Бу ҳақиқатдан ҳам, дунёга мутлақо бошқа кўриш бурчагидан қарашни очиб берувчи, муҳим маълумотдир.

**Ригден:** Дарвоқе, ”спирал” сўзи лотинча “spira” сўзидан пайдо бўлган, у “ўрам, бурилиш”, ”илоннинг биланглаши” маъноларини билдиради. Охириги ибора Шарқдан келган, у ерда илон муқаддас хайвон ҳисобланган ва дунёнинг кўзга кўринмас жараёнлари кўпинча одамларга тушунарли бўлган кўринувчи дунёнинг мисолларида тушунтирилган. Ўша спиралсимон ҳаракат ҳам илоннинг биланглашининг кўрғазмали мисолида тушунтирилган.

Руҳий амалиётларда ҳам жуда кўп нарса энергиянинг спиралсимон ҳаракати билан боғлиқ. Мисол учун, шарқда қадимги Хиндистонда одамнинг улкан яширин потенциал кучининг рамзи бўлиб, кундалини энергияси ҳисобланади, унинг сақланадиган жойи умуртқанинг асосида жойлашган. Қадимдан унинг рамзи – *уч ярим ўрамга спирал бўйлаб ўралган ухлаётган илондир*. Дарвоқе, ”кундалини” сўзи санскрит тилидан таржима қилинганда “спиралга ўралган (куч)”, ”илон шаклида ўралган” маъноларни билдиради. Ухлаётган “Кундалини Илонининг” ўйғониши ва унинг фаоллашуви руҳий амалиётларнинг энг олий ютуқларидан бири ҳисобланади. Аслида эса, сенинг билишингча, бу атиги руҳий ривожланишнинг босқичи, бор-йўғи навбатдаги даражаси, ундан кўпроғи эмас.

Қайд этай, жаҳон халқлари мифологияларида илон рамзини унумдорлик, аёллик ишлаб чиқарувчи куч, ер, ҳаво, сув, олов (айниқса осмонники), донолик билан боғлашган. Энди эса буларни сенга маълум ахборот билан таққосла. Масалан, хужайранинг бўлиниши,

электроннинг, ҳаво циклонинг, антициклоннинг, сув гирдобининг ҳаракати тўғрисидаги. Ёки бўлмаса, ахборотни узоқ вақт сақлаш ва узатиш билан боғлиқ спиралсимон тузилишларнинг вазифалари билан (ўша ДНК бўлсин). Мана сенга Донолик рамзи. Одамлар хозирча “примитив мифология”га тегишли деб хисоблаган билимлар хали талайгина, масалан, ер, коинот, галактикалар ҳақида, чунки замонавий фан улардаги ассоциатив тилда таърифланган ходисаларни хали ўргангани йўқ. Бундай билимлар ўзининг илк кўринишида сақланиб қолган деб айтолмайман, шундай бўлса-да, одамларнинг фантазиясининг аралашмаси билан ҳам, глобал физикавий жараёнларнинг моҳиятини билган холда, уларни тушуниш мумкин.

**Анастасия:** Агар мумкин бўлса, бундай билимлардан мисол келтирсангиз.

**Ригден:** Марҳамат, ўша Европа, Осиё, Африка ёки Американинг космогоник афсоналарини олсак. Уларнинг кўпчилиги халқларга ўралиб ётган илон сиймоси билан боғлиқ. Хусусан, агарда ҳеч бўлмаса сенга маълум бўлган Қадимги Хиндистоннинг *мингбошли* (бошқа талқинларда *еттибошли*) Шеша илони ҳақидаги афсоналарининг маъносини мағзини чакса, кўп нарсани тушунса бўлади. Ахир у, афсоналарга биноан, нафақат Ерни ушлаб туради, балки ўзининг саноксиз *ҳалқалари* туфайли Вишну худосининг ётоғи бўлиб хизмат қилади. Шу билан, афсоналарда таърифланишича, ўзининг сон-саноксиз оғзилари билан доимо Вишну худосининг исмини ва шарафини куйлайди.

**Анастасия:** Ҳа. Вишну - ахир бу хинд мифологиясида олий худоларнинг бири-ку. Брахма, Шива ва Вишну биргаликда илоҳий учликни – “тримурти”ни, яни санскритдан таржима қилганда «учта сиймо”ни ташкил этади. Вишну исми хинд анъаналарида “ҳамма ерни қамраб олган”, ”ҳамма нарсага кириб борадиган”, бутун дунёнинг жонлантирувчи табиати деб талқин қилинади.

**Ригден:** Тўғри. Ушбу афсонага биноан ҳар бир дунёвий даврнинг охирида Шеша илони Оламни йўқ қилувчи заҳарли олов отиб чиқаради, деб хисобланади. Сўнг Вишну уйқуга кетади ва дунёвий, сабабли уммонда сузиб юрган илоннинг устида ётади. Вишну ўйғонганида эса, Шеша илонининг *ҳалқаларида* ётиб, янги ижодни ўйлайни. Шунда Вишнунинг киндигидан *Лотос (Нилуфар)* ўсиб чиқади. Нилуфардан Оламни яратувчи Брахма намоён бўлади. Ва янги дунёвий давр бошланади... Қизиғи, Шеша илонининг доимий эпитети бўлиб Ананта, яъни “Чексиз” сўзи хизмат қилади.

**Анастасия:** Чексизликнинг тимсоли бўлмиш илон... Ананта чексизлик рамзи. Қизик, агарда илоннинг халқлари ортида энергиянинг спиралсимон ҳаракати назарда тутилган бўлса...

**Ригден:** (табассум қилди): Кўпроқ айтаман, айрим афсоналарда Шеша илони Вишнунинг *иллюзияси*, айримларида эса Вишнунинг *қисми* сифатида кўрилади... ”Ерга яқинроқ” афсоналарни ўқиб кўр. Масалан, ерни атрофидаги мисрлик Мехента илони ҳақида ёки скандинавиялик афсоналарга биноан, уммонда яшовчи ва бутун Ерни боғлаб олган Мидгар – Ёрмундгард илони ҳақида... Ёки Ғарбий Африка халқларининг, ўша догонларнинг мифологиясини ол. Уларда шундай эслатма мавжудки, гўё Ерни халқа каби шўр сув ўраб олган. Буларни барчасини ўз думини тишлаб олган улкан илон ўраб олган. Ернинг марказида эса темир устун мавжуд ва ер диски кун давомида ўз темир ўқи атрофида айланади. Ёки жанубий Америка марказини хиндуларининг афсоналарига эътибор бер. Уларга биноан осмон ерга тушиб кетди ва уларни фақатгина атрофини ўраб олган илон ажрата олди. Хозиргача ҳам илон уларни ажратиб турибди, деб ҳисобланади.

**Анастасия:** Яъни бу спиралсимон тузилишга эга, иккита муҳитни мувозанатда ушлаб турган куч майдони бўлиши мумкин-ми?

**Ригден** (табассум қилди): Амазонка ҳавзаси хиндуларида эса Боюсу илони ҳақида афсона сақланиб қолган. Кундузи у (осмон *сувини* ичаётган ёмғир эгаси сифатида) *Камалак* кўринишида, кечаси эса Сомон Йўли ўртасидаги қора туйнук кўринишида келади.

**Анастасия:** Қора туйнук? Ана холос!

**Ригден:** Билимлар бор, уларни тушуниш учун дунёнинг сифат жихатдан *бошқача* идроки керак, холос. Шунинг учун, коинот мавзусига қайтаётиб. Қора туйнук – бу дунёдаги ноёб ходисадир. У материяни ўзига тортади ва йўқ қилади, шу билан ўзидан материяни шакллантирувчи ахборотни итаради (сақлаб қолади). Ақлли одамлар ўйланса арзийди, чунки бу жараёни тушуниш Оламнинг яратилиши ҳақидаги саволга, ва бошқаларига ҳам, ҳақиқий жавобни беради. Бу жавоб одамларнинг макрокоинот ва микродунё ходисалари тўғрисидаги бузилган тасаввурини ўзгартиради. Шунда ахборот нима учун ҳеч қачон ҳеч қаерга ғойиб бўлмаслиги ва нима учун у, қора туйнук томонидан итарилиб, Оламнинг маълум участкаларида мужассамланиши тушунарли бўлиб қолади. Ушбу ахборотли ғиштчаларни тартибланган ҳолатда тузилиб, ҳеч нарсадан материяни яратишга нима мажбур қилади? Нима учун Оламнинг кенгликларида гўё ҳеч қаердандек, молекуляр булутлар пайдо бўлади ва қандай қилиб уларда

электромагнит майдон хосил бўлади? Молекулаларни макрообъектларга, масалан, улкан юлдузларга бирлашишига нима мажбурлайди? Ва, охир-оқибат, хаётни, гоҳида Ақлли хаётни ҳам нима туғдиради? Бир қарашда бу саволлар мураккабдек. Бироқ изланувчан одам ақли сенинг китобингда аввал берилган билимларни мен сўзлаган нарсалар билан солиштирса ва озгина ўзининг “пенопластли ғиштчаларини” қимирлатса, кўп нарса ўзгариши мумкин, хар холда одамлар хаётида... Гарчи мен янгилик айтганим ҳам йўқ. Буларнинг барчаси қачондир одамзодга маълум эди.

**Анастасия:** Яъни, одамларга материяни яратувчи ахборот борлиги ҳақида маълум бўлган.

**Ригден:** Қисман. Мисол учун, авлодларга мерос сифатида, бу билимлар олтин пластинкаларда ёзилган. Кейинчалик одамлар бу меросни – Тот Китоблари деб номлаган. Гарчи бу пластинкалар йўқ қилинган, аниқроғи, қайта қуйилган эди, чунки одамлар олтинни Билимдан кўпроқ кадрлашган. Шундай бўлса-да, уларнинг папирусга кўчирилган нусхалари, аниқроғи, уларнинг маълум қисми, сақланиб қолган. Афсуски, бу нусхалар турли даврларда қаерда топилса ҳам, қоҳинлар томонидан ғазаб билан йўқ қилинган. Сабаби – улардаги ахборот қоҳинларнинг одамлар устидан хукмронлигига путур етказган. Шундай бўлса-да, айрим нарсалар қолган. Ва ушбу айрим нарсалар сақлаб қолинган ва Хорватия тоғларида қайта яширинган бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида жаҳонга иккита машҳур олимларни берди. Аммо 1936 йилда у бошқа қўлларга тушиб қолганида, қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келди, уларга Хиросима ва Нагасаки шаҳарларининг тинч аҳолиси гувоҳ бўлди.

**Анастасия:** Ҳа, фиска-фасодга тўлиб тошган одамнинг танлови.

**Ригден:** Шунинг учун, умуман, ушбу маълумот келажак учун муҳим бўлса-да, бироқ айтайлик, бугунги “фан қоҳинларининг” энг катта норозилигини келтириб чиқаради...

**Анастасия:** “Фан қоҳинларининг”?

**Ригден:** Ҳа, мен фан ривожига эмас, балки ўзининг бошидаги “тож”ни ушлаб қолишга интилганларни ва уларнинг фикри фанда қузғатилмас деб хисоблаётганларни назарда тутяпман. Улар албатта, омма олдида ғазабдан қайнайди, бу Билимларни ёмонлашга ва Ҳақиқат устидан аҳмоқона кулиш ортидан унинг олдидаги ўз қўркувини яширишга интилади.

**Анастасия:** Аммо жаҳонда ҳақиқий, ҳақни деб Ҳақни ўрганишга чанқоқ олимлар ҳам бор-ку, уларнинг онги “обру́лиларнинг” шунга ўхшаш фикрлари билан тўсилмаган.

**Ригден:** Сўзсиз, ушбу Билимлар Ҳақиқий олимларни ҳам топиб олади. Одамлар бу маълумотни текширишни, солиштиришни бошлайди ва, оқибатда Ҳақиқатга етиб борадилар. Изланувчан ақл, йўналишни ва баён этилган Билимларни кўра туриб, ҳақиқатни ўрганиш томон ўзининг йўлини очиб, барча, мен атайлаб охиригача гапирмаган нарсаларни ўзи топишга қодир, .”Обру́лиларга” келсак, ҳақиқий фанда “обру́лилар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. **Ҳақиқий фан – бу хокимиятга эришиш воситаси эмас, балки Ҳақиқатни билиш жараёнидир.**

Қора туйнук ва бизнинг моддий Оламдаги энг оғир микрообъектлар тўғрисидаги маълумот тасдиқланганида (буни эса замонавий асбоблар ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин), бу кашфиётлар нафақат фандаги, оламнинг туғилишидан бошлаб то микродунёдаги зарраларнинг ўзгартирилишигача бўлган кўпдан-кўп ечилмаган саволларга жавоб беради. Бу дунё тузилишининг микро-дан бошлаб, макро объектларгача ва уларни ташкил этувчи ходисаларнинг тушунишини ўзгартиради. Бу ахборотнинг (руҳий маънавий ташкилий қисмининг) бирламчилигини тасдиқлайди. Барчаси ахборотдир.. Материя ўз холича мавжуд эмас, у иккиламчи. Нима бирламчи? Ахборот. Буни тушуниш кўп нарсани ўзгартиради. Бу фанда янги йўналишларни яратади. Лекин, энг асосийси, одам аслида қандай тузилган, деган саволга одамлар жавоб топади. Ахир унинг Моҳияти ва умумий, жисмоний танадан фарқи, энергетик тузулмаси ҳақида халигача айтилмай келмоқда. Бу тушуниш, ўз навбатида, кўплаб одамларнинг дунёқарашини моддийдан маънавийга ўзгартиради.

**Анастасия:** Ҳа, бу цивилизациямизни ҳақиқий руҳий маънавий ривожланиш ўзанига буриши мумкин.

**Ригден** (табассум билан): Сенинг сўзларинг.... Одамларнинг қулоқларига қуйилса, қанийди.

**Анастасия:** Одамлар буни эшитишларига ишонишни хоҳлардим. Ахир бу шундай ноёб Билимлар...

**Ригден:** Қачонки одам кўп нарсаларни моддий дунё қолипларидан холи равишда тушуниб олганида, қачонки унинг Қалби воқеалар уфқи ортига интилганида, шундагина улар унинг учун ноёб бўлади. Кўпчилик эса... Турли даврларда билимлар неча бор берилган.



Одамларга уларни вақт ўтиши билан йўқотиш хосдир. Аммо нима учун? Чунки одамнинг ақли оддийни шунчалик мураккаблаштирадики, кейин эса ўзи ҳам Ҳақиқатни тушуна олмай қолади.

Дарвоқе, бу борада бир **қадимги хинд ривояти** мавжуд. У аёл ўз ҳуқуқларида нафақат эркак билан тенг бўлган, балки унинг маънавий донолиги ҳам жуда қадрланган даврга тегишлидир... ”Дунёда бир аёл яшаган экан – Видия исмли (у санскрит тилидан таржимасида “билим” дегани) Уста. Унинг Амрит (“Ўлмас”) исмли тарбияланувчиси бўлган экан. У улғайганида, уста Видия унга: “Сен энди вояга етдинг, фикрларингни назорат қила оласан, ғазабингни ушлай оласан ва эмоцияларингни бошқара оласан. Дунёга чиқ. Сен Ҳақиқатнинг ягона уруғини топиб, ўрганишга тайёрсан”,- деди. Амрит савол берди: “Мураббий Видия, сизнинг доно сўзларингиз, эзгу ишларингиз учун миннатдорман. Улар мени кўп нарсаларга ўргатди. Аммо Ҳақиқатнинг ягона уруғини қаердан излай? Хеч бўлмаса ишора қилинг”. Уста Видия табассум қилди ва жавоб берди: ”Ўз Қалбингга кулоқ тут, у сенга тўғри йўналишни кўрсатади”.

Амрит катта шаҳарга чиқишга улгурмасдан, мамлакат императори донишмандларнинг буюк йиғилишини уюштираётганини ва унда ҳаётнинг маъноси ҳақида бахслар ва мунозаралар олиб борилиши ҳақида янгиликни эшитиб қолди. Ғолибни императорнинг совғаси кутарди – шохлари олтин билан безалган юзта сигир. Амрит Ҳақиқатнинг ягона уруғини қаердан топиши ҳақидаги саволига жавоб олиш умидида йиғилишга борди. Бироқ йиғилишда кутилмаган ходиса рўй берди.

Донишмандларга “Ҳаётнинг маъноси нимада?” деган савол берилганида, уларнинг хар бири ўзи билганича жавоб беришни бошлади. Бир донишманд аёл деди: “Одам учун бу дунё – вақтинчалик бошпана. Одам муштларини тугиб туғилади, бу дунёни забт этишга уринади. Кетаётганида эса заррача нарса ҳам олмасдан, кафтларини очиб кетади. Ҳаётнинг мазмуни – одамнинг ўлиmidан кейинги тақдирини яратувчи хошиш-истакларининг туғилишида.”

Донишмандлардан бир эркак киши бахсни давом эттирди: “Одамнинг истаклари худди денгизнинг қумидек кўпдан-кўпдир. Унинг ишлари эса гранитли тошлар каби дона-дона. Одамнинг ишлари унинг ҳаётини ташкил этади. Унинг яхши ёки ёмон ишлари яхши ёки ёмон тақдирга айланади. Одам ҳаётининг маъноси унинг хар гал хозир ва шу ерда қилган ишларидан иборат”. Донишмандлардан бошқа бир аёл унга жавоб берди: ”Ишлар – бу одамнинг фикрларини натижасидир. Агарда одам ёмон фикрлар билан яшаса, унинг ортидан ғам-қайғу худди хўкиз ортидан араванинг ғилдираги юрганидек юради. Агарда одам яхши

фикрлар билан яшаса, унинг ортидан қувонч худди қуёшнинг сояси каби юради. Одамнинг хаётини маъноси унинг фикрларида яширинган”.

Шу тариқа бахслар туш вақтигача давом этди. Ниҳоят, саройда ўзининг олимлиги билан шухрат қозонган ўша даврнинг машхур устозларининг бири талаффуз қилди: “Эмоциялардан фикрлар, худди чакмоқдан ёнғин ловуллаб ёниб кетганидек, ёниб кетади. Одам кеча ким бўлган бўлса, эртага бўла олмайди. Хаётдан дарс олмоқни билиш икки карра яшаш дегани. Хаётнинг маъноси оғир меҳнат ва хаяжонлар билан туғдирилган ўзгаришларда”. Донишмандлар орасида сукут пайдо бўлди. Ва, ҳеч ким жавоб бермаганлиги сабабли, оддий халқ орасида турган Амрит бахсда қатнашишни қарор қилди ва:” Одамнинг хаёти туш каби ўтади. Унинг маъносини тушуниш учун, ўйғонмоқ керак. Ташқаридаги ўзгаришлар одамнинг ички дунёсидан келиб чиқсагина фойдалидир. Бу дунёда барча мавжуд ва мавжуд бўлмаган нарсалар бу ерда – одамнинг Қалбида бор. Мана шу Ҳақиқатни ўрганиш – хаётнинг маъносидир.” – деди. Бу сўзлардан кейин оддий халқ хайқиришни бошлади, донишмандлар эса нотаниш йигитнинг сўзларининг донолигини маъқуллаб, бош ирғатдилар. Император совғаси Амритга топширилган эди. Шу тариқа бир кунда у шон-шухрат ва бойликка эга бўлди.

Донишмандларнинг йиғилишдан сўнг аввалари бахсларда барча рақиблари устидан ғалаба қозонган ва бугун Амрит ундан кутилмаганда ғалабани тортиб олган машхур устоз Амритнинг олдига келди. Бу ерларга уни нима олиб келганини сўради. Ва, ҳақиқатнинг ягона уруғини излаётганини билгач, хурсанд бўлиб, деди: “Оҳ, йигитча! Сизга омад ғоятда кулиб боқди. Сиз бугун нафақат бойлик ва шон-шухратга эга бўлдингиз, балки менинг қиёфамда содиқ дўст ва доно устозга ҳам эга бўлдингиз. Мени бу атрофда яхши билишади. Мен Ҳақиқатнинг уруғлари яширинган турли фанлардан сабоқ бераман”. Машхур устоз билан бўлиб ўтган суҳбатидан кейин Амрит унинг ўқувчиси бўлиш истагини билдирди ва ундан турли дунёвий фанлар бўйича сабоқ олиш учун барча пулларини сарфлаб юборди. Тез орада у устознинг энг яхши ўқувчиларидан бири деган номга эга бўлди, у кўплаб тилларни ва ўша замоннинг барча фанларини ўрганди.

Ўзининг ҳатти-ҳаракатидан мағрурликка тўлиб, Амрит Донолик уйига қайтиб борди. Усто Видия шу пайт боғда эди. Учрашувдан хурсанд бўлиб, у ўзининг сафарлари тўғрисида хикоя қилди: “Донолик уйдан чиқиб кетганимдан кейин, кутилмаган воқеа рўй берди. Ўша куни мамлакат императори донишмандларнинг буюк йиғилишини уюштирган экан. Мен у ерга ўзимнинг саволимга жавоб олиш учун бордим.

Йиғилишда хаётнинг маъноси ҳақида бахс ва мунозаралар олиб борилди. Мен ўз фикримни баён этдим. Ва менга кутилмаганда император совғасини тақдим этишди. Бир кунда мен бойлик ва шон-шухратга эришдим. Бор пулларимни мен Ҳақиқатнинг уруғини ўрганиш учун машхур устоздан сабоқ олишга сарфлашга қарор қилдим. Энди мен турли фанлардан кўплаб билимларга эга бўлдим ва хар бир фаннинг Ҳақиқат уруғлари ҳақида гапиришим мумкин...” Ва Амрит ўрганганларини сўзлашни бошлади.

Бироқ Уста Видия, унинг ютуқлари ва эгаллаган билимлари ҳақидаги ҳикоясини эшитиб, фақат табассум қилди, кейин эса деди: “Сен ўзингнинг олимлигингни кўрсатдинг. Сен дунёда ўрганганинг – барчаси ақлдан келиб чиққан билимлар. Аммо бу сен Ҳақиқатнинг ягона уруғини топдинг ва ўргандинг, дегани эмас. Кўплик Ягонадан туғилади. Ҳикматнинг маъносини чақиш учун хис-туйғу, онглилик ва тушуниш бўлиши керак.” Уста Видия энг яқин дарахт тагида ётган мевани кулига олиб, Амритга кўрсатди: ”Сен кўзга кўринувчи дунёни тўқиган нарсаларни ўргандинг, аммо у нимадан иборатлигини ва барчаси нимани деб мавжудлигини, сен кўлдан бердинг”. Уста Видия мевани иккига бўлди. Ундан уруғини чиқарди, ва Амритга уруғ ичидаги этини олиб кўрсатди.” Ақл ёрдамида сен катта дарахт ўсиб чиқадиган уруғнинг кўринувчи этини ўргандинг. Бироқ фақат хис-туйғулар ёрдамидагина сен кўзга кўринмас бўлган, катта дарахт ўсиб чиқишига сабаб бўлган тирикликни яратувчи бўшлиқни ўрганишинг мумкин. Уруғ – бу бунёдкор бўшлиқнинг сақланадиган жойи, холос. Тирикликни яратувчи бўшлиқ Ҳақиқатнинг ягона уруғидан тўқилган, ундан барчаси туғилган ва унда яна ғойиб бўлади.

Сен Йўлни бошлаганигда, бу билим сенда эди. Унга биноан сен бойлик ва шон-шухратга эришдинг. Аммо сен бойликни ақл учун ишлатдинг. Бойлик эса маъсулиятни тушуниб етиш учун берилади. Дунёнинг бойликлари бу дунёга тегишли, унда барчаси ўткинчи ва ўлиши лозим. Агарда сен бойликни одамлар учун эзгулик йўлида ишлатганигда эди, сенинг ўзингда ҳам зарчаси мавжуд бўлган Ҳақиқатнинг ягона уруғини топиб, тушуниб олган бўлардинг.” «Аммо нима қилишим керак?- хаяжонланиб талаффуз қилди Амрит.- Хатони тўғирлаш учун аввалги бойлигим энди йўқ”. Унга Усто Видия жавоб берди: ”Йўлингни тўхтаган жойингдан давом эттир. Эгаллаган тажрибангни ишга сол. Сен дунёвий билимларга эга бўлдинг. Бориб, одамларни бу билимларга ўргат, лекин уларга нафақат кўзга кўринувчи дунё нимадан тўқилганлигини, балки у нимадан иборат ва барчаси нимани деб мавжудлигини ҳам кўрсат.”

Амрит хайрон бўлди: “Қандай қилиб ўзим беҳабар бўлган нарсани

одамларга кўрсатаман?” Усто Видия табассум қилди ва жавоб берди:” Бехабар бўлган нарсанга айлан. Ўзингга айлан, ахир Ҳақиқат уруғининг заррачаси сенда бор. Одам ўзининг Моҳияти манбаи бўлмиш Қалбнинг сақланиш жойи, холос. Ўша Ягонани топ, уни тушуниб ол. Мана шудир энг асосийси. Ҳақиқатнинг ягона уруғини тушуниб олсанг, ўзингни тушуниб оласан”. Амрит сўради: “Аммо буни қандай қилишим керак?” Усто Видия жавоб берди: ”Ўз ақлингни одамларга эзгулик йўлида ишлат ва тажрибага эга бўл. **Сенинг Ҳақиқат учун туйғулардан келиб чиққан ҳатти-ҳаракатларинг Нафс учун ақлдан чиққан сўзлардан қачонки кўпроқ бўлса, шунда сен Ҳақиқатнинг ягона уруғини билиб оласан”.**

**Анастасия:** Қизиқарли, барча даврларда долзарб ривоят.

**Ригден:** Замоनावий одамзоднинг муаммоси шундаки, худбинлик билимларни шунчалик пухталиқ билан майдалаб юборганки, натижада бу билимларнинг ягона маъноси, мақсади йўқотилган. Шунинг учун бугун, масалан, астрофизиклар фақат юқорига юлдузларга қараб, ўша қора туйнуклар ҳақида фантастик назарияларни куришни афзал кўришади. Археологлар билан этнологлар эса фақат пастга қараб, ўзларининг ўтмиш ҳақидаги тахминларини илгари суришни афзал кўришади...

**Анастасия:** Хуллас, Ягонанинг ҳар томонлама тушуниб олишдаги бирдамлик йўқ, дунёқарашнинг кенгайтирилиши йўқ ва энг асосийси – одамнинг ўзи, ўзининг асл Моҳияти ҳақидаги билими йўқ.

**Ригден:** Афсуски, шундай. Бу борада яна бир қизиқарли мисол келтирсам. Эслатиб ўтганимдек, ғарбий Африкада догонлар қабиласи мавжуд. XIX асрнинг охирида, Африкани Европанинг етакчи давлатлари ўзининг мустамлакасига бўлишни бошлаганида, ушбу халқ ва уларнинг кўшнилари яшаган худудлар Франциянинг салтанатига айланди. Ўша замонларда Африка китъасидан келтирилган қуллар билан савдо қилиш ривожланган эди. Аммо догонлар ўтиб бориш қийин бўлган худудларда яшагани боис, бундан қутқарилиб қолишди. Шунинг учун биринчи бўлиб “ёввойи” қабилаларнинг руйхатини тузаётган колониал кўшинларнинг хизматчиси улар ҳақида билиб қолган. Ушбу халққа нисбатан унинг муносабати давлатининг сиёсатчилари томонидан яратилган қолипга мос эди, яъни “ёввойилар – хатто одам ҳам эмас. ”Бу халқнинг маданиятини эса Африка бўйича этнограф Марсель Гриоль кашф этди (шунда ҳам Европанинг тор доирадаги мутахассислари учунгина.) Уни биринчи навбатда догонлар ҳаётининг руҳий маънавий томони қизиқтирар эди, шунинг учун, охир-

оқибат бу қабиланинг қоҳинлари унга сирларнинг сирини очиб беришди.

**Анастасия:** “Эзгу юрак ва соф ният эгасига маҳфий Билимлар очилади”...

**Ригден:** Мутлақо тўғри... Бироқ жаҳон догонларнинг космологик тизими ҳақида ушбу этнографнинг китобларидан эмас, балки ҳам археология, ҳам этнография билан қизиққан ва билимларни солиштиришга муваффақ бўлган астрономнинг асарларидан билиб олди. Шундай қилиб, догонлар ва уларга қариндош бамбара қабиласи – деярли минимал бузилишлар билан азалий маълумотларни сақлаб қолган санокли халқлардан. Улар бу ахборотнинг маъносини гоҳида тушунмаган ҳам. Бу ахборот эса замонавий фан ютуқларидан анча илгарилаб кетган.

**Анастасия:** Қизиқарли...

**Ригден:** Догонларнинг ва бамбараларнинг космологиясида Оламнинг яратилишидаги тебранишнинг, спиралсимон ҳаракатнинг аҳамиятли бирламчи роли тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

**Анастасия:** Догонларда Оламнинг спиралсимон ҳаракати тўғрисида билимлар мавжудми?

**Ригден:** Ҳа. Догонларнинг мифологиясида олий худо мавжуд – яратувчи худо, Амма исми дунёни яратувчиси. Догонларнинг космогоник афсоналарининг бирида дунё “Амма” сўзидан пайдо бўлганлиги ҳикоя қилинади.

**Анастасия:** Ниҳоятда қизиқарли, африкалик догонларда –“Амма”, хиндларда эса, афсоналарига биноан, олам муқаддас “Ом” товушининг тебранишидан пайдо бўлган экан. Ведаларда бу товуш шунингдек Қалбнинг Худонинг дунёсига яқинлашиш рамзи хисобланади ва ўзгача белги билан белгиланади...

**Ригден:** Албатта, мазкур афсоналарнинг ҳаммаси қачондир бита асосга эга бўлган – Билимга. Шундай қилиб, догонларнинг мифологиясига биноан олам “Амма” сўзидан пайдо бўлган. Бу сўздан ташқари бошқа ҳеч нарса бўлмаган. *Илк сўз* догонлар “кизе узи” (По тарик уруғи) деб номлаган чексиз кичик бўлган дунёнинг асосий элементини туғдирган. Ичкаридаги тебраниши воситасида “кизе узи” “дунёвий тухумга” айланди. Догонларнинг мифологиясида Амманинг “*айланувчи қуйун*” деган эпитети мавжуд, шу билан унинг ҳаракати *спирал бўйлаб* рўй бериши таъкидланмоқда. Унданда кўпроқ, кейинчалик Амманинг

яратган махсули, шу жумладан, *еттита* дунёлар, куёш ва Ой ҳам таърифланади. Хусусан, куёшни қизил мисдан бўлган саккизта ўрамли спирал ўраганлиги. Ойни эса худди шундай, фақат оқ мисдан бўлган спирал ўраганлиги. Ажабланарлиси, замонавий физика бу саволларнинг илмий тушуниш даражасига хали етиб келмади. Аммо бу хали энг қизиғи эмас. Дунёнинг яратилишига қайтсак.. ”По уруғчасининг” яратилиши ва спирал бўйлаб айлантририлишидан сўнг “кўринмас Амма” *белгиларни* яратишни бошлади, улар бу дунёда ҳамма нарсани белгилайди: Аммага тегишли “иккита йўналтирувчи” ва саккизта “асосий”ларни...

**Анастасия:** Белгилар? Ахир Шамбала ҳам белгилар ёрдамида мулоқот қилишини ва воқеаларни яратишини инобатга олсак... Белгилар – бу умуман алоҳида мавзу. Юқорида эслатилган афсона муносабати билан ўқувчиларда қуйидаги савол туғилиши мумкин: “йўналтирувчи ва асосий белгилар” нима дегани?

**Ригден:** Биринчидан-чи, догонларнинг бундай билимларга эгаллигининг факти, бу билимларни улар палеоалоқа туфайли қабул қилганлигининг далолатидир. Иккита “йўналтирувчи белги” – бу белгиларни уларнинг мифологиясида Амма деб номланувчи Кимса ишлатиши мумкин, холос. Саккизта “асосий белгилар” – бу яратувчи белгилардир, уларга маълум куч қўлланилганида, мажозий маънода, кулфга маълум калит қўлланилганидек, яратилиш жараёнларини ҳам, йўқ қилиш жараёнларини ҳам бошқаришнинг қандайдир имкониятларини очиб беради. Шунақаси бўладики, одам махлуқотига “асосий белгилар”ни ишлатиш, камдан-кам холатларда бўлса-да, аммо мумкин бўлиб қолади.

**Анастасия:** Камдан-кам холатларда ишлатиш мумкин бўлиб қолади.... Ахир бу Граил-ку! Бу билимларни мен “Сэнсэй-4” китобида қайд этиб қўйдим. Сиз бир куни Граил ўн иккита белгидан иборатлигини эслатган эдингиз, бироқ догонлар мифологиясида, агарда халиги иккитани, тушунишимча одамлар учун принципиал равишда етиб бўлмас белгиларни инобатга олмасак, саккизтаси эслатилган. Демак, догонларда ё тўлиқ ахборот бўлмаган, ёки у вақт давомида қисман йўқотилган, ёки уларнинг афсоналарини ёзаётган европалик тадқиқотчилардан атайлаб яширилган бўлган. Лекин Граил дунёни истаганча қолипларини яшаш ва тўғрилаш мумкин бўлган “асосий белгилардан” иборатлиги турли халқларнинг кўплаб афсоналарида эслатилади.

**Ригден:** Мутлақо тўғри... У ёки бу халқ учун бундай “муқаддас” билимларни қабила коҳинлари деярли ҳеч қачон очиб беришмайди, айниқса тасодифий одамларга. Граилга тегишли маълумотларга қайтсак,

уни яшираётганлар 12 та белгини хар бири 3та белгидан иборат тўртта қисмга бекорга бўлишмаган. Бу ҳолат белгиларни қўшиш ва Граилни товушли фаоллаштириш жараёнини аҳамиятли даражада қийинлаштирар эди. Маълум кетма-кетликда жойлашган Граилнинг белгилари – шаклдек, қулфнинг калитидек, бу қулф маълум товушли кучни қўллаганда (Бирламчи Товушнинг товушли формуласини) одам учун чегара ортидаги имкониятларни очиб беради.

**Анастасия:** Хар бирида учтадан белги бўлган тўртта қисм...

**Ригден:** Дарвоқе, ушбу қадимий халқларда қуйидаги эслатмалар қолган: тўрт сони аёлий табиатни ифодалайди, уч сони эса – эркак табиатини, суммада эса етти – одам Махлуқотининг асоси (абдий хаёт принципи), мукаммаллик.

**Анастасия:** Тўрт – аёлий табиатни ифодалайди... Агарда Граилни тўртта қисмлардан тузишган бўлса, демак, бу билвосита илоҳий яратувчилик аёлий табиатга эга кучга – Аллатга кўрсатмоқдами?

**Ригден(илжайди):** Нега энди билвосита? Дарвоқе, аллат борасида. Бамбара халқининг дунё яратилишининг вақтдан ташқаридаги бирламчи босқичи ҳақидаги космогоник афсоналарида, дунё ҳаракат билан таъминланган бўшлиқдан (“гла” дан) пайдо бўлганлиги ҳақида эслатма мавжуд. ”Гла” эса ўз товушли ўхшашини туғдирди. Натижада жуфтлик пайдо бўлди – “гла гла”. Хуллас, бир қатор ўзгартирилишлар ва трансформациялардан сўнг, тебранишга биноан “белгилар” пайдо бўлди, улар хали яратилмаган предметларни белгилаш ва жойлаштириш учун аталганди. Яратилиш акти давомида Йо рухи пайдо бўлди (ундан дунё яратилишида қатнашган илк қудратли Пембо ва Фаро кучлари пайдо бўлди), 22 та асосий элементлар ва 22та спирал ўрамлари. Шу билан таъкидланмоқдаки, ушбу спирал ўрамларини Йо «аралаштирганида», натижада ёруғлик, товуш, барча ҳаракатлар, барча мавжудотлар, барча туйғулар пайдо бўлди... Афсоналарда эслатилганидек, пемба фазода уюрмали ҳаракатда кўчарди, у юқорига, кейинчалик Фаро деб номланган нарсани отди. Фаро эса еттита осмонни, хаво руҳини яратди ва сув кўринишида ерга хаётни тўқди. У ҳамма ёқда мавжуд ва барча сувларни бориб кўради. Аслида Фаро дунёни яратишни давом эттирди, оламни тартибга келтирди ва унинг барча элементларини таснифлади, одамларни яратиб, уларга Сўзни ўргатди.

**Анастасия:** Фаро Оламни тартибга келтирди. Ахир бу Аллат яратувчилик кучининг вазифаси-ку.

**Ригден:** Гап ҳам шу ҳақда-да. Дарвоқе, гапириш борасида. Догонлар мифологиясида ярми одам-ярми илон кўринишдаги сув худолари (илоҳий эгизаклар) Номмо деб номланган. Улар осмондан туриб она-ерни яланғоч ва гапира олмас холатда кўрдилар ва унга осмон ўсимликларининг ўнта толасининг боғлампидан юбка ясадилар, деган афсоналар сақланиб қолган. Айнан ўзида сўзни мужассам этган *спирал бўлиб ўралган* ва Номмонинг тўлиқ моҳиятлари бўлмиш нам толалар ерга нутқни, дунёнинг илк тилини хабар қилишди. Шунинг учун айрим одамлар догонлар ва бамбара халқларини “ёввойи” деб бекор атаган. Ушбу “ёввойи”лар келажак авлодлар учун “цивилизациялашган” одамлардан анча кўпроқ маълумотларни сақлаб қолишди. Албатта, бузилиш элементлари йўқ эмас, аммо йўқдан кўра анча яхшироқ.

**Анастасия:** Ҳа, барча юқорида айтилганлардан сўнг ҳамма нарсани ташлаб, Африкага бориш истаги пайдо бўлмоқда, ахир у ерда шундай билимлар бор экан.

**Ригден** (кулиб юборди): Ўша Африкада қиладиган ишнинг ўзи йўқ. Бу Тибетга бориш билан тенг. Сенга бир талай “тўғри йўл”ни кўрсатиш истагини билдирувчилар дархол топилади... Ариманнинг олдига, унинг устига ўзининг маблағинг хисобига... Аслида барчаси одам тасаввур қила олиши мумкин бўлгандан ҳам яқинроқ. Барчаси Билимлар калити ва устувор дунёқарашдадир. Мана, қара, сен дунёни бошқа Билимлар калитида, руҳий маънавий дунёқараш позициясидан кўрдинг. Сен учун аввалари жиддий бўлмаган ахборот муҳим бўлиб қолди. Физика, мифология, астрономиялардан тарқоқ билимлар тўпланиб, жумбоқнинг қисмлари каби, бир бирини тўлдириб, ҳар бири ўзининг ўрнига тушиб қолди. Ахир замонавий одамларнинг аксарияти аслида гап нима ҳақида бораётганини тушунмайди ҳам. Замонавий дунёқарашга биноан, “дунёни яратувчи” белгилар бўлиб кимёвий элементлар жадвалини ташкил этувчи ишоралар бўлиши мумкин холос, ундан кўпроғи эмас...

Аммо рамз сифатидаги ўша спирал палеолит замонларида ҳам маълум бўлган. Унинг тасвирларини сулолалардан олдинги Мисрда, қадимги Хиндистонда, Хитойда, Крит, Микен маданиятларида, турли қитъаларда – Европа, Африка, Колумбгача бўлган Америкада яшовчи халқларда топиш мумкин. Бугунги кунда эса вазият қанақа, макрокоинот, кўринмас дунёнинг спиралсимон тузулиши ҳақидаги аввалги билимлардан нима қолган? Кўчага чиқиб, хоҳлаган одамдан ёки бўлмаса физика фани билан шуғулланувчи конкрет мутахассисдан спирал ҳақида нима билишини сўраб кўриш кифоя. Натижада, энг яхши вазиятда, стандарт жавобни оласан, у эса, афсуски, кўринувчи



дунёни ўрганиш чегараларидан чиқмайдиган қолипчи материалистик дунёқарашни акс эттиради.

**Анастасия:** Бу аниқ! Узоққа боришнинг кераги ҳам йўқ, мен ўзим ҳам яқиндагина шунга ўхшаш тоифалар билан фикрлардим... Демак, қадимгиларда ҳам дунё ҳақида шундай ажойиб билимлар бўлган экан. Уларнинг қандай шаклда берилганининг ахамияти йўқ, одамнинг дунёқарашига, бинобарин, хаётига таъсир этувчи моҳиятининг ўзи муҳимдир. Ахир бу маълумот дунёнинг юқоридан бошқарилишини, дунёда ҳамма нарса тартибланган, сунъий яратилганини тушунишга ёрдам беради. Бундан ушбу тез ўтиб кетувчи хаёт нималигини ва одам нимага интилиши кераклигини, хаётнинг кучини қандай қилиб ўзининг руҳий маънавий ривожланишига ишлатишни тушуниши келиб чиқади.

**Ригден:** Ушбу хаёлий дунёда барчаси сахродаги сароб каби тез ўтиб кетади. Шунинг учун жисмоний дунёда эгаллик қилганимизнинг барчасининг қадр-қиммати йўқ, зеро у ўткинчи. Қалб билан хис этишни ўрганмоққа ва гўзалликни англамоққа шошилиш керак, чунки бу моддий дунёда барчаси, шу жумладан одамнинг хаёти ҳам, денгиз соҳилидаги кўпикнинг пуфакчаларидан каттароғи эмас.

Одам ўзини шунчаки икки оёқли жонзот эмаслигини, унда анча каттароқ нарса борлигини, унинг ички дунёси *бошқачалигини* ва атрофдагидан фарқланишини хис этади. Унда Қалб бор – *ташқаридан* – *Руҳий Оламдан* киритилган заррача. Унинг битта харакат вектори, битта истаги мавжуд. Қалб аслида бу дунёдан чиқиб кетишга интилади. У Худога, ўзининг дунёсига интилади. Аммо моддий дунё шароитларида бу интилиш, қалбдан чиқаётган ушбу чуқурликдаги туйғу одамнинг онги билан тўқнашади. Онг эса энди ушбу кучли чуқурликдаги турткиларни бу хаётда эгаллаган билим ва тажрибалардан келиб чиққан холда, бошқача талқин қилади. Ва шу ерда муҳим ролни одамнинг устувор дунёқарашини, унинг дунё ва ўзи ҳақидаги Билимлари ўйнайди. Агарда унда материалистик дунёқараш устувор бўлса, унинг онги торайган ва маънавий Билимлари бўлмаса, у холда онгида кўпдан-кўп алмаштирилишлар содир бўлади. Яъни Шахс бу кучни руҳий маънавий ривожланишига эмас, балки моддий истакларини амалга ошириш учун ишлатади. Ягона руҳий маънавий туйғунинг кучи онгда Хайвоний табиатнинг кўпдан-кўп истакларига парчаланиб кетади. Натижада одам Абадийликка интилиш ўрнига, ундан ваҳималарча кўрқашини ва ушбу уч ўлчамликни ўзининг борлигининг ягона реаллиги деб хисоблашни бошлайди. У ўз хаётининг кучини моддий дунёда ўзининг Эгосини қониқтириш учун, ўзига ўхшаганлар устидан хукмронликка эришиш учун, моддий

бойликларни тўплаш учун талон-тарож қилиб юборади. Аммо танасининг ўлимидан сўнг одам буларнинг барчасини йўқотади, аввалги хаётидан эса уни хали узоқ қийнайдиган ва безовта қиладиган негатив энергиянинг қуйкуми қолади, холос. Агарда одамда рухий маънавий дунёқараш устувор бўлса ва у нафақат дунё ва ўзи ҳақидаги Билимларга эга бўлса, балки уларни мақсадли қўллаб, ўз устида ишласа, у сифатли ўзгаради. Қалбидан чиқаётган чуқурликдаги туйғуларга биноан, у ўз хаётининг рухий маънавий вектори бўйлаб ҳаракатланади. Руҳан етилган одам учун жисмоний танасининг ўлими, аслида, озодликка чиқишдир. Бу атиги сифат даражадан *бошқача* ҳолатга, ҳақиқий озодлик ва Абадийлик ҳолатига ўтишдир.

**Анастасия:** Биласизми, адабиётнинг хилма-хиллигига қарамасдан, аслида Қалб тўғрисида бирор конкрет маълумотни топиш жуда қийинлигига кўплаб ўқувчилар эътибор беришди. Унданда кўпроқ, замонавий истеъмолчилик жамиятида хатто “қалб” атамасининг ўзи тез-тез Қалб учун диаметрал равишда қарама-қарши: ”ақл”, ”психика”, одамнинг “мен”и,”ўзини англаш” каби атамалар билан алмаштирилмоқда. Энг яхши вазиятда ўқувчилар умумий фалсафани топишмоқда, у ҳам бўлса ё этнографиянинг, ёки дин ва мистика, ёки психология, социологияларнинг бўлими пўстлоғига муҳрланган.

Қадимдан руҳан бой Қалб ҳақиқий Инсоннинг энг қимматли бойлиги саналган. Ҳоҳ бўйича, рухий маънавий йўналишда кетаётган жамиятда манавийликнинг тадқиқотида биринчи даражали аҳамият берилиши керак. Ахир Қалбни ўрганиш ҳар қандай бошқа ҳақиқатни, шу жумладан илмийни ҳам ўрганишга имконият беради. Қалб ҳақида идеалистик ва материалистик, ақидали таъкидларнинг, шу жумладан чайқовчилик табиатлиларнинг ҳам, фикрларининг катта тарқоқлиги мавжуд. Аммо буларнинг ҳаммаси донишмандлар, пайғамбарлар, авлиёлардан бошлаб, олимлар, педагоглар, табиатшунослар ва оддий одамларгача турли замонлардаги кўпдан-кўп одамларнинг *қидирувларидир*. Бахслар ҳам асосан Билимларнинг етишмаслиги туфайли олиб борилган. Аммо, диққатга сазовори шу-ки, одамлар хозиргача ҳам шуни тушунмоқда-ки, агарда улар одам ҳақида ва, биринчи навбатда, Қалб ҳақида тизимли Билимларга эга бўлганида эди, улар Қалбининг эҳтиёжига амал қилиб, ўз ақлининг интилишларини бошқариш имкониятига эга бўлар эди. Ўзини билгач, хаётининг барча ташкилий қисмларини улар яхшироқ тушунган бўларди: интуицияни, фикрларни, туйғуларни, эмоцияларни, яширин истакларни, хулқ-атвор сабабларини, ҳаракатларининг оқибатини ва хоказо. Бу вазиятда эса, бундай *Билимлар* аксарият учун нафақат ҳаммабоп, балки тушунарли ҳам бўлса, жаҳонда минг йиллар давомида одамлар орзу қилиб

келаётган эзгулик ва тотувлик жамиятини куриш ва ўрнатиш осон бўлар эди.

Шундай ўқувчилар бор-ки, улар табиатдан кўзга кўринмас дунёнинг намоён бўлишларини оддий одамлардан сал кўпроқ хис этиш қобилиятига эга. Шу билан улар, қоидага кўра, ўз қобилиятларини атрофдагилардан сир тутишади. Булар асосан етарлича ақлли, одамий тушунишда “хаётда ўз жойини топган одамлар”: фарзандларни вояга етказган, жамиятда маълум мавқега эришган, ўз сохаларида катта мутахассис бўлиб олган, илмий унвонларга эга одамлар. Аммо ушбу одамий ютуқларда улар ичкарасида интуитив равишда хис этаётган ўз хаётининг асосий маъносини кўра олмади. Ва бу уларни безовта қилмоқда. Улар ўзи учун муҳим бўлган ушбу саволнинг жавобини топишга, ўзини, ўз Қалбини тушунишга, демак, хаётининг асосий векторининг йўналишини белгилаб олишга уринмоқда. Ўзининг моҳиятини билиш, бу дунёда қандай яшаш ва ўлимдан кейинги хаётга ўзини қандай тайёрлаш борасидаги Билимлар уларда етарли эмас. Ахир уларнинг айримлари, кўринмас дунёнинг намоёндалари билан тегишиб ва қимматли шахсий тажрибасини орттириб, ўз дунё идрокини тубдан ўзгартирдилар. Бундай одамлар бераётган энг асосий савол: **”Ўз Қалбимни қандай қутқаришим мумкин?”** Агарда Сиз ушбу асосий, хар бир одам учун хаётий муҳим саволга жавоб берсангиз, ўйлайманки, улар ҳам, бу Билимлар билан тегишган бўлажак авлодлар ҳам ниҳоятда миннатдор бўларди.

**Ригден:** “Ўз Қалбини қандай қутқариш?” Ҳақиқатан, агарда сен чиндан ҳам хаётининг хар кунида бунга интилар экансан ва ўз Қалбингни, демак ўз мавжудлигингни маъносини ҳам тушунар экансан, бунинг қийин жойи йўқ. Бунинг учун, сўзсиз, ўзинг, ўзингни табиатинг ҳақидаги Билимлар керак ва одамнинг хаётидаги асосий ишни қилиш – ўз устида ишлаш зарур. Одамда ўзининг Моҳиятининг турли ниҳолларини уруғлари яширинган, бироқ уларнинг биргинаси аслдир. Нима учун у бу дунёга келишидан маънони излаб, то хаётдан кўз юмгунига қадар яшашнинг сирини билолмай безовта? Чунки у бу ерда вақтинча бўлса-да, аммо ўзининг табиатини ўзгартиришга қодир. Одамнинг бу дунёда мавжудлигининг маъноси – рухий ўсиш, онгининг моддий пастланганлик холатидан рухий маънавий кўтарилишига интилиш, ўзгариш, ўзининг аталганлиги томон парвоз қилиш ва энг яхши сифатларини гуллаб-яшнатиш. Одам ўзини ривожлантириш қанотларига эга бўлар экан, улар уни Ҳақиқатни билиш баландликларига олиб чиқиб, унинг табиатини сифатли ўзгартиради. Одамнинг ички тузилиши ҳақида батафсилроқ гапириб берганим бўлсин. Бу билимлар вақт дарёсида деярли йўқотилган, аммо унинг қолдиқларини замонавий дунёнинг қирғоқларида топса бўлади.


**Шундай қилиб, Қалб – бу нима?** Аввал айтганимдек, Қалб ҳақиқий антиматерия, ташқаридан – Рухий Оламдан, Худонинг дунёсидан келтирилган заррачадир. Қалб фақатгина одам жонзотининг ташкилий қисмидир. У унинг асосий потенциали, портали, ҳар бир одамнинг Рухий Олам билан тўғридан-тўғри алоқаси. У ўсимликларда ҳам, хайвонларда ҳам, ва бошқа бирорта, шу жумладан, ақлга эга материяда ҳам йўқдир. Қалб одамнинг шаклланаётган энергетик тузулмасига жисмоний тана (чақалоқ) туғилганидан кейин саккизинчи кунда киритилади. Агарда жисмоний тананинг тузилишига қарасак, унинг тахминий жойлашган жойи – бу толаларнинг қуёшли ўрими, яъни одамнинг асл марказидир. Аммо у на қуёшли ўрим, на юрак, на бошқа жисмоний орган ёки тизим, шу жумладан, на мия, на онг, на фикрлаш, на ақл, на ақлий қобилиятлардир. Барча санаб ўтилганлар шунингдек Қалбнинг маҳсулоти ҳам, хусусиятлари ҳам эмас, уларнинг барчаси моддий дунёга тегишлидир. Жисмоний тананинг у ёки бу органлари (масалан, юрак)нинг жарроҳлик йўли билан олинишининг ёки бошқа одамдан олиб қўйилиши ёки қон қуйилишининг Қалбга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг жисмоний танада эмас, балки одамнинг энергетик тузулишида жойлашганлигига эътиборингизни қаратаман. Одамнинг Қалби битта. У яхлит ва бўлинмасдир. Аёл ёки эркакнинг Қалби ўртасида фарқ йўқ. Қалбнинг жинси йўқ. Барча одамларнинг Қалблари табиати бўйича бир хил. Ва шу маънода одамлар бир-бирига жуда яқин ва қариндош деб айтса бўлади. Қалб материя эмас, у эскимайди, қаримайди, бетоб бўлмайди. У моддий дунёга нисбатан мукамалдир, аммо Худонинг дунёсига нисбатан индивидуал равишда етарлича мукамал эмас. Моддий дунёда бир неча бор қайта туғилиш сабабли Қалб ахборотли қобиқлар билан оғирлашган.

**Одам жонзоди ўзида нимани акс эттиради?** Одам жонзоди ҳаёти давомида Қалбнинг атрофида қурилган ва ўзининг ақлли Шахсига эга бўлган кўп ўлчамли фазовий объектни ўзида акс эттиради. Кўзга кўринувчи жисмоний тананинг одатий шакли ва тузилиши, унинг физикавий-кимёвий жараёнлари ва бошқариш тизими билан биргаликда (шу жумладан моддий мия билан), - бу умумий тузулманинг бир қисми, холос, у уч ўлчамли ўлчовга тегишли. Яъни одам ахборотли қобиқларга эга Қалб, Шахс ва айтайлик, бошқа ўлчовларда жойлашган (шу жумладан уч ўлчамли ўлчовдаги жисмоний тана ҳам) турли майдонлардан иборат тузулмадан ташкил топган.

Ақлли Шахс бу нима? Янги тузулмада, янги танада янги Шахс шаклланади – бу ҳар қандай одам ўзини ҳаёти давомида ким деб ҳис қилиши, Малакий ва Хайвоний табиатлар ўртасида танловни амалга оширувчи, таҳлил қилувчи, ҳиссиётли-эмоционал устуворликларнинг


шахсий юкини тўплаб боровчиси. Агар хаёти давомида одам ўзининг Шахси Қалби билан қўшилгунга қадар руҳан ривожланса, у холда сифат даражадан янги, етук, одамдан фарқли Мавжудот хосил бўлади, ва у Руҳий Оламга кетади. Факт бўйича, бу айнан “Қалбнинг моддий асрликдан озод бўлиши”, ”Нирванага кетиш”, “авлиёликка эришиш”... деганидир. Мабодо хаёти давомида бундай қўшилиш содир бўлмаса, жисмоний тананинг ўлими ва энергетик тузулманинг бузилишидан сўнг ушбу ақлли Шахс Қалб билан биргаликда қайта туғилишга (реинкарнацияга) кетади ва моҳиятни тушуниш учун шартли равишда айтайлик, субшахсга айланади. Жисмоний тана ўлганида одам мавжудоти ўз мавжудлигини давом эттиради. Ўтиш холатида у спиралли тузулишлари бор шарсимон кўринишга эга. Мана шу хосилага Қалб ўзининг ахборотли қобиклари билан – олдинги хаётларда мужассам бўлган субшахслар билан бирга, шу жумладан яқин вақтдаги хаётнинг Шахси билан ҳам, қамалгандир.

Қалбнинг атрофида жойлашган ахборотли қобиклар – бу хиссиётли-эмоционал куйқумлар, аниқроғи ўзига хос туманликка ўхшаш ахборотли тузилишлар. Қисқа қилиб айтганда, булар ўтмишда мужассам бўлган собиқ Шахслар. Одамнинг нечта реинкарнациялари бўлганига қараб Қалб атрофида бундай субшахслар кўп бўлиши мумкин.



*1-сурат. Одамнинг Қалби жисмоний тананинг ўлиmidан кейинги ўтиш холатида.*

*Қалбининг суратида четидаги қобиқ аниқ кузатилмоқда. У (шарга чуқурлашган сари) қизил рангдан (прана-хаёттий энергиянинг қолдиги), ва шунингдек бошқа энергияларнинг сариқ ва оқ-сариқ ранглардан иборат. Шарсимон шаклнинг ўзи оқ-тузулишига эга. яшил тусли мовий рангда; ўзига хос спиралсимон, марказ томон ўралган, камалакнинг барча рангларидан ва ора-сира жойлашган оқ ранглардан иборат бўлган*



*2-сурат. Ўтиш жараёнида одамнинг Қалбининг моддий дунёдан зойиб бўлиши.*

**Анастасия:** Демак, субшахс – бу сен каби фаол бўлган, аммо Қалбининг ўтган инкарнацияларидаги Шахс.

**Ригден:** Бошқача айтганда, бу ўтган хаётдаги собиқ Шахс, ўзининг хаёти давомида тўплаган хиссиётли-эмоционал устуворликларининг (ижобий ёки салбий)юки, яъни хаётидаги танлови натижаси билан.

Қоидага кўра, Шахснинг субшахслар билан бевосита алоқаси йўқ, шунинг учун одам ўтган хаётларини ва, шунга кўра, субшахслар тўплаган тажрибалари, билимларини ҳам эслай олмайди. Аммо камдан-кам вазиятларда, маълум вазиятлар бир-бирини устига ётганда, дежавю номли ходисани хис этиш мумкин, ёки оҳирги (яшаётган Шахсдан олдинги) субшахснинг қисқа вақтли бехосдан фаоллашуви намоён бўлиши мумкин. Айниқса бу эрта болалик даврига хос.

Психиатрия бўйича ишларда шундай воқеалар қайд этилганки, бирорта меъёр чегарасидан чиқиши кузатилмаган болаларда, соғлом ота-оналари бўла туриб, Шахснинг чегаравий бузилишига тенг қисқа вақтли ноодатий хулқини намоён этишади. Мисоллардан бирини келтирсам. Тўрт ёшли қизча бир хил тушни кўрарди: Ёруғлик фонида бир болакай уни чақирар, лекин ёруғликка ўтишига қўймасди. У ота-онасига ушбу босим ўтказувчи тушга шикоят қилди, кечқурунлари эса

башорат қилиб бўлмас, унга аввал хос бўлмаган тажовузкор хулқни ва ноодатий кучни намоён қиларди. Тўрт ёшли қизча ғазаб билан столларни, стулларни, оғир тумбани ағдарарди, онасини танимасди, унга асаблашган холда: “сен менинг онам эмассан”, ”сен барибир ўласан” ва шунга ўхшаш айбловларни кўярди. Яъни хулқ-атвори ва гаплари қизчага хос эмас, аммо реинкарнацияни бошдан кечириб, ”дўзох” холатида бўлиб, қийноқларни ва хайвоний оғриқни хис қилаётган субшахсга жуда характерли эди. Кейинги кун эса бола яна нормал бўлиб қоларди, ўзини яна одатий холда тутарди. Мана шу олдинги субшахснинг салбийликларининг қисқа вақт намоён бўлишининг типик ходисасидир. Бу вазиятда энг яхши нарса – боланинг интелектини фаол ривожлантириш, унинг дунёни ўрганиш доирасини кенгайтириш ва бирламчи кўтарилиш содир бўлиб, янги Шахс шаклланишини кутиш керак. Қоидага кўра, бирламчи рухий кўтарилиш одамнинг хаётини 5-7 ёшларида рўй беради. Гап шундаки, бирламчи рухий кўтарилишгача бўлган даврда, эрта болалик йилларида аввалги Шахснинг (субшахснинг) шунга ўхшаш қисқа вақтли фаоллашуви юз бериши мумкин. У, янги Шахс шакллангунига қадар, онгга етиб боришга ва одамнинг устидан хокимиятни қўлга олишга уринади.

Бироқ субшахснинг намоён бўлишининг бошқа ходисалари анча кўпроқ рўй беради. Бу вазиятларда 3-5 ёшли (янги Шахс хали шаклланмаган давр) болалар катта ёшли, тажрибали одам позициясидан мулоҳаза қилишни бошлайди. Камдан-кам вазиятларда булар, аслида бундай ёшда билишнинг иложи бўлмаган катталар хаётининг майда-чуйда тафсилотлари бўлиши мумкин. Аммо энг кўп учрайдиган вазиятларда бола кутилмаганда бирор воқеага доноларча муносабат билдириб, болага умуман хос бўлмаган фикрларни баён қилади ва шу нарса гоҳида катталарни ғайритабиий холда кўрқитади. Ота-оналар бундай намоёндалардан кўрқмаслиги, бор-йўғи уларнинг табиатини тушуниши керак, холос. Боланинг Шахси шаклланганидан кейин улар ўтиб кетади.

Шундай қилиб, хар бир субшахс унинг фаол хаётидаги устувор бўлган истаклар, интилишлар кўринишидаги ўзининг аввалги онгининг индивидуаллигини сақлаб қолади. Айтиб ўтганимдек, Шахснинг субшахслар билан тўғридан-тўғри алоқаси йўқ, яъни одам ўзининг аввалги хаётларини эсламайди. Лекин ғайриихтиёрий онг даражасида Шахснинг субшахслар билан бундай алоқаси сақланиб қолади. Билвосита улар Шахсга таъсир этиши ва маълум ҳаракатларга “итариб туриши” мумкин, шу билан у ёки бу қарорни қабул қилишга ундаб. Булар англамаган холда содир бўлади. Ундан ташқари, субшахслар, мажозий маънода худди “туманли ёруғлик филтрлари”дек, уларни деб

Қалб билан янги Шахс ўртасида, яъни Ёруғлик манбаи ва унга мухтож бўлган кимсанинг ўртасидаги бевосита алоқа анчагина қийинлашади.

**Анастасия:** “Туманли ёруғлик филтрлари”? Қизиқарли ўхшатиш.

**Ригден:** Бу ҳақда батафсил сўзлаб берганим бўлсин. Аммо ушбу жараёнларнинг ҳаммаси энергиялар даражасида содир бўлаётганини тушуниш керак, шу боис, яхшироқ қабул қилиниши учун, мен мажозий таққослашлар билан тушунтираман. Шундай қилиб, субшахслар Қалбнинг олдида жойлашган, уларни... ”ақли” туманликлар кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бир томондан, улар Қалбга яқин жойлашган бўлиб, ушбу жуда кучли антимоддий тузулманинг таъсирида бўлади, дейлик, “Абадийликнинг нафасини” яқинлигини, ”Худонинг дунёсидан келтирилган зарранинг яқинлигини бошдан кечиради. Бошқа томондан эса субшахслар Хайвоний табиатни қалин моддий тузулмаларининг кучли таъсири ва босими остида бўлади. Яъни субшахслар иккита қудратли руҳий маънавий ва моддий кучлар ўртасидаги сиқилган ҳолатда туради. Улар доимо икки томонлама ғоят кучли босим остида бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир субшахс ҳозирги Шахснинг Қалб билан алоқани амалга ошириш йўлида ўзига хос “ёруғлик филтрига” айланади. Бундай “субшахс-ёруғлик филтрнинг” “қоронғулик” даражаси унинг ўтган ҳаётида тўпланган устувор ҳаётининг танловлари, афзалликлари, туйғули-эмоционал устуворликларига боғлиқ.

Масалан, ўтган ҳаётида одам яхши, саҳий бўлган, ўз маънавий руҳий ривожланиши учун кўп ҳаракат қилган, аммо қилган ҳаракати моддий дунёдан мутлақо озодликка чиқиш учун етарлича бўлмаган, ушбу субшахсда тинчлик кўпроқ бўлади, тебранишлар камроқ бўлади. Демак, ушбу “ёруғлик филтри”дан Қалбдан келаётган энергия, импульслар яхшироқ ўтиб кетади. Аммо одам ўтган ҳаётини моддий кадриятлар устуворликларига талон-тарож қилиб юборган бўлса, бундай “субшахс-ёруғлик филтри” кучайган тебранишлар хисобига тузулиши бўйича зичроқ бўлади, яъни Қалбдан чиқаётган, айтайлик, ”ёруғлик”ни ўтказиш қобилияти анча ёмонроқ бўлади. Буни мажозий тарзда қорақуя билан ифлосланган ойнага қиёсласа бўлади, ундан асл ёруғликнинг ўтиши қийин ёки у бузилиб ўтади. Бошқача айтганда, одамнинг ҳаётида унинг Хайвоний табиати қанчалик кўп устувор бўлган бўлса, моддий кадриятлар устувор бўлган бўлса, унга кейин шунчалик қийин бўлади, чунки у каттароқ даражали бузилишнинг ташувчиси бўлади. Агарда бундай, қалин “ёруғлик филтрли” субшахслар кўп бўлса, ҳозир яшаётган Шахсга ҳам ўз Хайвоний



табиати билан курашиш, моддий устуворликлар йўлидан қайтиш, Қалбини хис этиш жуда қийин бўлади.

**Анастасия:** Демак, бундай одам материяда кўпроқ ўралашиб қолади ва унга ўз хаётининг векторини рухий маънавий ривожланиш томонига ўзгартириш қийинроқ бўладими?

**Ригден:** Ҳа. Аммо хар қандай одамга, хатто шунақага ҳам, бу вазиятни синдириш ҳеч қачон кеч эмас, чунки Шахс хаётий кучга ва танлов ҳуқуқига эга... Акс холда уни ҳам ўзининг субшахслари бошдан кечираётган худди шундай ҳолат кутмоқда. Дарвоқе, айнан субшахсларнинг тажрибаси одамдаги ўлимдан кўркувини ғайриихтиёрий онг сатхида намоён бўлишига билвосита таъсир этади. Янги Шахс танасида бу субшахслар хис этаётган ҳолат – бу диний тилда айтганда, улар учун “дўзоҳдир”. Тананинг ўлимидан кейин субшахсга айланган Шахс ушбу моддий дунё аслида нималиги, Қалб нима ва унинг одам жонзотидаги муҳимлиги тўғрисида ўзининг тушунчаси ва тажрибасини орттиради. Аммо янги тананинг тузулмасида субшахс энди сиқилиб қолган ақлнинг ачинарли ҳолатида бўлади, у барчасини тушунади, кучли хиссиётли-эмоционал оғриқни бошдан кечиради, лекин ҳеч нарса қила олмайди, шу жумладан, янги Шахсга ўзининг тажрибасини узата олмайди. Бу сени янги танага қамалганингга, аммо бу тана сенинг онгингга хизмат қилмаслиги, сенга бўйсунмаслиги ва сенинг айтганларингни бажармаслигига тенг. Яъни умуман сега хизмат қилмайди, ўз холича яшайди. Ва сен буларнинг ҳаммасини англаяпсан, бироқ ҳеч нарса қилолмаяпсан, фақат ғайритабiiй дахшатли босимни, янги Шахс томонидан яна ўша хатоларни такрорланишини ва хаётий энергиянинг сарфлаш йўналишини ўзгартиришга кучсизлигингни тушунганингни хис этяпсан. Дарвоқе, кўркувлар, масалан, ёпиқ фазодан ҳадиксираш каби кўркувлар шу ердан келиб чиқади. Одамда кўркув ва васваса каби чуқурликдаги туйғуларни келтириб чиқарувчи фазовий идрокнинг бузилиши пайдо бўлишининг асосий сабабларини илдизлари субшахслар жойлашган одамнинг энергетик тузулмасидаги сектори билан боғлиқ.

Масалан, нима учун одамларни кўплаб секталарда ва динларда ишлатиладиган “танада абадий яшаш”га чақириқлар мафтун этади? Одатда психологлар бунини одамда иррационал ўлим кўркуви (танатофобия)га жавобан пайдо бўлувчи унинг яширин истаги билан боғламоқда. Ушбу фобиянинг маълум хулқий намоёнлари бор, уларнинг мақсади фобия предметидан қочиб қутулиш, ёки унинг олдидаги кўркувни қандайдир ҳаракатлар (диний қоидага амал қилиш, танадаги абадий хаёт” каби маълумотларга ошган қизиқишни намоён қилиш ва хоказолар) ёрдамида камайтириш. Яъни одам иррационал

кўрқув туғдирган, унинг устига одатда ёмон хислар билан ҳамроҳ бўладиган, ўзи учун ечиб бўлмас ички можародан шуларнинг орқасида беркингандек бўлади. Бу ёмон хислар ва бундай кўрқув қаердан пайдо бўлади? Ғайриихтиёрий онгдан, ва бу субшахсларнинг босимли хиссиётли-эмоционал холати билан боғлиқ, зеро уларда ўлим ва қайта туғилиш нималигини амалда тушуниш мавжуд. Мажозий маънода, Абадийликка етолмаслик кўрқуви, бундан чиқди, уларнинг қочиб қутулиб бўлмас якуний ўлимидан кўрқуви сабабли ҳам одамда “танада абадий яшаш” истаги мавжуд. Бу атиги Хайвоний табиатнинг истакларидан бири ва унинг Қалб интилишларини (ғайриихтиёрий онг сатхида) алмаштириши.

**Анастасия:** Агарда одам хаёти давомида руҳан ривожланиб, етук Шахс сифатида қайта туғилиш доирасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлса, у холда субшахслар билан нима содир бўлади?

**Ригден:** Улар бор-йўғи аннигиляция қилинади. Ахир бу ахборотли тузилиш, холос.

**Анастасия:** Ўтган хаётларда улар қандай, яхши ёки ёмон Шахс бўлганидан қатъий назарми?

**Ригден:** Мажозий маънода гапирсак, (сенинг тушунишингдаги) “яхши” субшахслар бўлмайди, агарда Шахс субшахсга айланган бўлса. **Шахс битта хаёт давомида англаган холда руҳан ривожланиши ва, Қалб билан бирлашиб, озодликка чиқиши мумкин!** Аслида барчаси осон, агарда одам бу хаётида руҳий маънавий йўналишда ривожланишга уринган бўлса, аммо тиришқоқлик етмаган бўлса, кейинги хаётда янги Шахснинг шароитлари яхшироқ бўлади. Бу унинг руҳий ўсиш имкониятларини кенгайтиради, аммо Хайвоний табиатининг қаршилигини ҳам кучайтиради. Ва яна барчаси (субшахсларнинг қийноқларининг давом эттирилиши ёки тугаши, Қалбнинг ва Шахснинг ўзини тақдири) энди янги Шахснинг индивидуал танловига боғлиқ бўлади.

**Анастасия:** Демак, субшахс – бу бор-йўғи ахборотли тузилишми?

**Ригден:** Ҳа. Хар қандай материя – бу ахборотли тўлқин, холос, шу жумладан одам ҳам. Сенинг олдинда нималиги айнан унга киритилган ахборотга боғлиқ, масалан, сайёрами ёки бактериями, стулми ёки одамми. Лекин одамда уни хар қандай материядан фарқловчи Қалб мавжуд.

**Анастасия:** Қалбни эса ахборотли тўлқин деб атаса бўладими?

**Ригден:** Йўқ. Қалб модий дунёга тегишли эмас, у умуман бошқача дунёдан – Абадийлик дунёсидан... Одам эса ўзининг кўп ўлчовли тузулмаси маъносида (шу жумладан унинг Хайвоний табиати ҳам) моддий дунёда айнан ахборотли тўлқиндир. Қалб – мана шу одамда аслдир, бу унинг бутун тузулмаси мужассамлашган асосий ташкилий қисмидир! Қолган барчаси эса ривожланиш учун кўшимча ахборот, у рухий маънавий Шахснинг етилиши ва Қалб билан қўшилишидан (рухан озод бўлишидан) сўнг дедифференциациялашади, холос, яъни ташкилланган тузилиш сифатида мавжуд бўлишидан тўхтатилади.

**Анастасия:** Соддароқ айтганда, одамларнинг тушунишида ушбу ахборотли тўлқин йўқ қилинади, факт бўйича эса – бошқа сифатга ўтади, ахир ахборот (ахборотли ғиштчалар) йўқ қилинмайди.

**Ригден:** Мутлақо тўғри.

**Анастасия:** Сиз қачондир гапириб бергандингизки, етарлича кучли медиум ҳақиқатан ҳам ўлган одамни суҳбатга чақириши мумкин, чунки информация маъносида одам аслида ўлмайди.

**Ригден:** Ҳа. Одамнинг Шахси атиги бошқа шаклда мавжудлигини давом эттиради – субшахс шаклида.. Агарда медиум етарлича кучли бўлса ва ўзининг хаётий энергияси(прана)нинг бир қисмини ўлган одамнинг субшахсига ўтказишга, уни шу энергия билан тўлдиришга қодир бўлса, у холда мазкур субшахс ҳақиқатан ҳам медиум билан мулоқот қилишга вақтинчалик қобилиятга эга бўлади. Субшахс учун тирикнинг пранаси – бу, шартли равишда, ”дўзох оловидаги” “ширин озуқа”, бу қисқа вақтга намоён бўлиш учун шароитга эга бўлиш имконияти. Шундай қилиб, медиум, халқ айтганидек, мулоқот учун ”ўликнинг” қалбини чақиради”. Аслида у субшахс билан ахборотли алоқани ўрнатади. Ва бу фақатгина одамнинг реинкарнацияси содир бўлиб, мазкур субшахс энди янги Шахснинг тирик тана тузулмасида жойлаштирилганида юз бериши мумкин. Шу билан бундай алоқа янги Шахс учун мутлақо сезиларсиз тарзда амалга оширилади. Аммо одам Нирванага кетган бўлса ёки ҳали қайта туғилиш (моддий дунёда янгидан мужассам бўлишгача) босқичида бўлса, уни ҳеч қандай медиум у ёқдан алоқа учун “тортиб” ололмайди. Нима учун? Чунки медиумларнинг бундай “алоқалари” – бу Хайвоний ақлнинг ролларидан, унинг моддий дунёдаги намоёндалари ва алоқаларидан бири, Рухий Олам эса Хайвоний ақл учун етиб бўлмасдир.

**Анастасия:** Во ажабо! Демак, ҳақиқий медиум субшахсни озиклантириш учун ўз пранасини сарфлаб юборар эканда? Ахир бу

тенгсиз айирбошлаш-ку: Рухий маънавий ўсиш учун аталган қимматли энергияни субшахсдан қандайдир арзимаган маълумотни олиш учун сарфлаш. Демак, субшахснинг бу каби “озиқлантирилиши”, факт бўйича Хайвоний ақлнинг навбатдаги найранги, холос! Энди мен анъанавий динларнинг медиумларнинг ҳаракатларига қарши чиқишларини ва тирик одамлар одамий тушунишда “озиқлантириб ўргатишга” уринган оч, тўймас рухлар ҳақидаги афсоналар қаердан келиб чиқишини тушунаёпман.

**Ригден:** Ҳа, бу Хайвоний ақлнинг ҳийлаларидан бири. Яхшиямки, одамларнинг бу саволларда ўқувсизлиги боис, ҳақиқий медиумлар унчалик кўп эмас ва асосан уларнинг тақлидчилари ишонувчан томошабинларни соф психологик ҳунарлари билан овунтириб, фаолият олиб боришмоқда.

**Анастасия:** Бизнинг кунимизгача шундай ривоят сақланиб қолганки, ўлганларнинг ёмон томонларини эслаш мумкин эмас, эслаганда ҳам, фақат яхшилиқни эслаш керак деган. Ўлган одамни тушда кўриш эса “унинг қалби нотинч” деб хисобланади. Бу хурофий ривоятлар қанчалик ҳақиқатга яқин?

**Ригден:** Мен аниқлаштирган бўлардим-ки, ўлганларни эслаганда ҳам, фақатгина яшаётганларнинг рухий маънавий табиати позициясидан, яшаётганлар учун бунёдкор рухий маънавий Мухаббат позициясидан эслаш керак, аммо ўтмиш ҳақидаги қайғу позициясидан эмас. Унинг устига шу билан бирга рўй бераётган жараёнларни тушуниш керак. Биринчидан, барча вазиятларда гап одамнинг Қалби ҳақида эмас. Қоюдага кўра нафақат қариндошлар, балки ўлган одамнинг ўзи ҳам Қалби ҳақида билмаган. Гап эса барча атрофдагилар яхши билган, тананинг ўлимидан сўнг субшахсга айланган, айнан одамнинг Шахси ҳақида бормоқда. Қалбнинг ўзи эса, қайта туғилишга кетганида, ўзининг собиқ “қамоғига” бошқа қайтиб келмайди. Субшахс эса, моддий дунёнинг ақлли ахборотли тузулиши сифатида, хатто янги танада “қамалган” бўлса-да, бу тананинг энергияларидан фойдаланиши мумкин (асосан янги Шахс етилмагунча). Қисқа вақтга кучга эга бўлиб, у ўзининг проекциялари туфайли, ўз хаёти давомида боғланган жойларни ва одамларни бориб “кўриши” мумкин. Шунингдек, тириклар уни (ўлган одамни) эслаганида ва ўз этибор кучи билан таъминлаганида, субшахс ўз ҳаракатини намоён қилиши мумкин. Яшаётган одамга бу нималарни олиб келиши мумкин?

Афсуски, бу ерда кенг омма учун барча тафсилотларни баён қила олмайман, зеро, маълумки,” билим қайғуни кўпайтиради”. Аммо бу жараёнларнинг моҳиятини умумий тушуниш учун қуйидагини айтаман.

Гап шундаки, одам ўлган одамни эслаганида куйидаги вазият рўй беради. Бу жараёнга ўз эътиборини қаратар экан, ўлганни эслаганида пайдо бўлувчи тарқоқ кўрқув, астеник эмоциялар (ғам, қайғу, тушкунлик) физика тилида айтганда субшахсга кўшимча «заряд» беради (кучни узатади). Шу туфайли субшахс фаоллашади. Яъни тирик одамнинг ўлган одам ҳақида ўйлаши “заряднинг” (кучнинг) бир элементар заррадан бошқасига, вақт ва фазодан қатъий назар, бир онда ўтишига ўхшайди. Субшахс янги танада қолади, аммо унинг проекцияси “заряд” узатилганида, шу онда намоён бўлади, аниқроғи, уни эслаётган одамнинг Шахси билан алоқага киришади. Бу одам субшахс билан алоқани, шундай ахборот алмашишни ғайриихтиёрий онг сатҳида хис этади. Аслида, унинг ўзи ўз хаётий энергияси ёрдамида ушбу алоқани озиклантириб туради. Бундан ҳеч қандай яхшилиқни кутиб бўлмайди, чунки бундай ғайриихтиёрий ахборот алмашиши одамдаги Хайвоний табиатининг кўтарилишларини кучайтиради, холос.

Бундай ахборотли алоқа сабабли яшаётган одам соғинч (“оғирлик”), қайғу туйғуларини намоён қилади, “агар тирик бўлганида эди, мен шундай ахволга тушмасдим”, ёки “шу нарса бўлмасди. Агарда у тирик бўлганида”, “мен билан бундай муносабатда бўлишларига у йўл кўймаган бўларди” ва шунга ўхшаш фикрларда ҳалқаланиб қолади. Аслида бундай вазиятларда одамнинг Хайвоний табиати унинг истеъмомчилик истакларини (масалан, ўзининг аҳамиятлилигини амалга ошириш истагини) йўқотилган Мухаббат атамаси билан ниқоблайди, унда ўтмишни қайғусини туғдиради, ўлимдан кўркишни чиқаради ва хоказо.

Бундай ахборотли мулоқотдан Хайвоний табиатининг устувор фикрларини намоён этувчи эслаётган одам ҳам азобланади, у эслаётган субшахс ҳам азобланади. Субшахс учун мазкур контакт хаётий куч билан тегишишдир. Аммо, бошқа томондан, бундай тирик “заряд” ўзининг ҳаракатсизлик ҳолатини ва чорасизлик ахволининг англашини равшанлигини беради. Ва бу нарса собиқ Шахсининг фақатгина азобларини кўпайтиради. Устига устак, хайвоний табиатнинг бундай провокацияси нафақат ушбу субшахсни, балки у мавжуд бўлган энергетик тузулманинг эгаси бўлмиш Шахсни ҳам кўшимча оғирлаштиради.

Яшаётган одам билан бундай алоқа субшахс учун аслида нимани ифодалашини мажозий мисолда тушунтириб берай. Жазирамада саҳрода кетаётган одамни тасаввур қил. У ўлимга маҳкум. У деярли ўлим қиррасида. Уни оғриқ ва чидаб бўлмас чанқоқлик қийнамоқда. Ва шу онда унинг лабларига осмондан кичиккина сув томчиси тушади. Бу

томчи унинг чанқоғини қолдирмайди, аммо бир томондан, хаётга, аниқроғи, ўтиб кетган хаётнинг хотирасига ёлғон умидни бағишлайди, бошқа томондан эса, ўлимдан қочиб қутула олмасликнинг аниқ англашини беради. Мана шу англаш маҳкумнинг азобларини ва оғриқларини янада кучайтиради.

**Анастасия:** Ҳа, ростдан ҳам, нима қилаётганимиздан беҳабармиз. Ахир, аслида, ўзимизнинг собиқ қариндошларимизга азоб келтириб, бундан ўзимиз ҳам азобланыпмиз экан-да. Тарихга қараб боқсакчи? Тирик одамлар томонидан ёдга олинаётган тарихий, оммавий Шахслар, аниқроғи энди субшахслар қандай азият чекмоқда? Ахир уларни одамлар асрлар, хатто минг йиллар давомида эслайди. Демак, бундай оммавий ёдга олишлар уларнинг азобларини янада оғирлаштирар экан-да.

**Ригден:** Агарда одамлар Хайвоний табиатининг устуворлигида бўла туриб, ўз эмоционал кучини ишлатиб уларни эсласа, бу албатта уларни ва эслаётган одамларнинг ўзларини ҳам ҳолатини сезиларли оғирлаштиради. Аммо бу ерда ўз хаётини қандай яшаган бўлса, у ёқда ўзига лойиғига эга бўлади.

**Анастасия:** Ҳа-да, тарихнинг биздаги Малакий табиатнинг устуворлиги тўғрисида эмас, балки одамзодда Хайвоний табиатнинг устуворлиги тўғрисида: ким қачон кимнинг устида ҳукмронлик қилган, ким билан ким урушганлиги ҳақида сўзлашини инобатга олсак... Яхши, айтингчи, қуйидаги ходисаларни қандай тушунтирса бўлади? Этнология бўйича китобларда Сибир шаманлари билан боғлиқ бўлган оғзаки ривоятлар ва воқеалар ҳақида ўқиганман. Ўз қариндошларидан кучли шаманлар ўлимидан сўнг хар юз йилдан кейин қайта дафн этилишини сўраган. Одамлар бу маълумотларни авлоддан авлодга узатган. Агарда бирор сабаб туфайли қайта дафн этиш амалга ошмаган бўлса, шаман яшаётган авлоди олдида кўринмас холда “келарди” ва фалокатлар билан таҳдид қилар эди. Агарда янги авлод бунга аҳамият бермаса, мазкур ҳудуд аҳолиси турли бахтсизликларга учрар эди: эпидемиялар, хайвонларнинг ўлими, табиий офатлар ва хоказо. Шу билан бу бир хил даражада “яхши” ва “ёмон” “шаманларга тегишли эди. Шунингдек, “яхши” шаманлар ҳақида қуйидаги эслатмалар бўлган: агарда одамлар уларнинг хотирасини хурмат қилса, ўз навбатида улар одамларни фалокатлардан ҳам, қандайдир шахсий фожеалардан ҳам ҳимоя қилган.

**Ригден:** Бу ерда тушунчаларни ажратиш зарур. Бу дунёда моддий дунёнинг Хайвоний ақлидан ҳам ва Рухий Оламдан ҳам келиб чиққан кучлар ҳаракат қилади. Табиат кучларининг намоёндалари Хайвоний

ақлнинг ҳаракати билан боғлиқ. Одамнинг субшахсига келсак (Шахс сифатида ўзида юқори қобилиятларни ривожлантириб, одамларга таъсир этишнинг маълум даражасига эришган бўлса), у одамларда асосан уларнинг ғайриихтиёрий онги орқали ахборот алмашинуви хисобига Хайвоний табиатининг кўтарилишини келтириб чиқариши мумкин. Хар қандай субшахс ўз Эгосини, ўзини айнан ўхшатишини (идентификациясини) сақлаб қолади. У тажрибага, билимларга, моддий дунёга таъсир этиш кўникмаларига эга, аммо хаётий кучга эга эмас. Асло ўлган шаман эмас, балки одамларнинг ўзларининг бу ривоятга ишончлари уларнинг орасидаги фожеаларни яратиб чиқаради. Булар яшаётганларнинг кучи хисобига содир бўлади. Шунингдек кучнинг фаоллашуви лаҳзаларини, ўз хаётида шаман қандай белгилар билан ишлаганлигини, ягона Хайвоний ақлга бўйсунган у ёки бу худуднинг руҳлари ҳақида унутмаслик керак. Аммо бу алоҳида мавзу, ушбу суҳбат учун эмас.

**Анастасия:** Демак, субшахслар барча воқеаларнинг хотирасини сақлаб қолар экан-да.

**Ригден:** Ҳа. Ахир бу ақлли тузилишлар. Ва уларни кейинги реинкарнация жуда қўрқитади ва қийнайди, ахир у, бир томондан, уларнинг азобларини узайтирса, иккинчи томондан, якуний ўлимини яқинлаштиради. Шунинг учун яшаётган Шахс ўзининг Қалби билан кўшилиши учун кулидан келганини ва келмаганини қилиши жуда муҳим. Хайвоний табиатнинг вазифаси Шахснинг хаёти давомида уни Малакий табиатидан хар қандай йўл билан олиб кетиш – фикрларидами, истакларидами, ҳаракатлари ва ишларидами, аҳамияти йўқ – одам моддийликни, ерлик ва ўлишга қодир нарсани хохласа бўлди. Ва унга барча воситалар яхши, шу жумладан, субшахсларнинг бу каби намоён бўлишлари. Хайвоний табиатда эзгулик йўқ! У ўлишга қодир. Шунинг учун хар қандай ақлли материя каби, унинг нияти бошқа материя устидан хокимиятга эга бўлиш ва унинг хаётий кучини ўзининг мақсадлари учун ишлатиш. Шахснинг хаётий векторини йўналишини ўзгартириш учун, рухий маънавий табиатидан чалғитиш учун барча имкониятларни ишга солади. У ҳеч нарсадан ҳазар қилмайди ва ўзининг бутун бошли “арсенал”ини ишга солади. Ва биринчи навбатда бу тажовуз, хужум. Бу одамдаги нозик жойини излаб топиш ва ўша жойдан уни хаёлан “тишлаб олиш”, эмоционал тарзда “уриш” ёки атиги навбатдаги “ширин” хом хаёл билан мафтун этиш. У доимий равишда одамга янги ўрнатмаларни тикиштиради ёки эскиларини фаоллаштиради. **Хайвоний табиат – бу ўликнинг хокимияти!**

**Анастасия:** Ўликнинг ҳокимияти борасида айна нуқтага урдингиз. Айтишгандек, ҳар қандай ўлик учун ер – тобутдир. Бу моддий дунёда одам ҳоҳлаган барча нарсалари вақтинча ва ўлишга кодир...

**Ригден:** Хайвоний табиат ўзининг айёрона ҳийлаларида ҳилма-хилдир. Агар одам ўзини тушуниб етмаса, ушбу ҳаётида унга оғир бўлади, ундан кейин эса янада оғир бўлади. Ва гап ташки шароитларда ҳам эмас, гап одамнинг танловида. Ҳаёт жуда тез учиб ўтиб кетади. Ва одамнинг мавжудлигида энг дахшатлиси бу тананинг ўлими эмас. Энг дахшатлиси – одам ўз ҳаётини бу дунёнинг ҳаёлий хушсизлигида яшаб, ҳеч нарсани тушунмагани, унинг Шахси руҳий маънавий жихатдан ривожланмагани. Шунда унинг учун мутлақо қочиб қутулиб бўлмас ҳолат бошланади: бу ерда умринг давомида қийналдинг, у ерда асрлар давомида азобланасан ва ҳеч нарсани ўзгартиролмайсан, чунки, танадаги Шахсдан фарқли, асбобинг энди йўқ. Субшахс учун бу ҳолат оч қолган одамнинг вазиятига тенг – у ойна ортида ҳилма-хил овқатларни кўриб туради, аммо ололмайди. Улар жуда яқин туюлади, лекин ойна халақит қиляпти. Мана шунда субшахсининг худбинлигидан келиб чиққан шу каби саволлар тўкила бошлайди:” Нима учун? Ахир мен шундай яхши эдим”. **Абадиятнинг ўрнига вақтинчалик ҳузурни, моддий кадриятларни танлаганинг учун. Чунки фикрларингда яширин холда бошқалар устидан ҳукмронликни орзу қилдинг, ўз Хайвоний табиатингга бўйсунгандинг, виждонингга қарши иш тутгандинг. Чунки ҳар кунингни ишларда ҳам, фикрларда ҳам ўтакетган худбинлигингга сарфлаб юборардинг. Ва бармоқни қаерга тегизма, бундай “чунки”лар сенинг унчалик узун бўлмаган умрининг барча кунларида талайгина...**

**Анастасия:** Ҳа, бу қайғули... Аммо кўпчилик материя ҳақида қайғуриб яшашдан бошқача яшаш мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмайди. Гарчи одамлар ўзлари ёмон эмас ва Хайвоний табиатининг бир хил кишанларидан азобланса-да, лекин бу азобларни улар жамиятга мажбурлаб берилган қолипчи “сабабларга” ва ”жавобларга” ёяди: “ҳамма шундай яшайди”, ”шунақа замонда яшайпмиз”, ”менинг тақдирим шунақа”, ”тақдирдан қочиб қутулмайсан”. Яъни тақдирини ва ўзини ўзгартириш борасида ўзларини пассив тутишмоқда. Бошқалар эса, аксинча – фаол тарзда, бироқ керакли йўналишда эмас. Мен шундай одамларни учратганманки, улар ўз табиати бўйича, туғма етакчилик сифатларига эга, десак бўлади. Улар ўзларида деярли болалигидан одамларга таъсир эта оладиган ва у ёки бу воқеаларни башорат қила оладиган кучни хис этади. Дарвоқе, одамнинг бундай туғма кучини қандай тушунтириш мумкин? Бу унинг олдинги ҳаёти билан қандайдир боғлиқ бўлиши мумкинми?



**Ригден:** Албатта, хар хил вазиятлар бўлади. Аммо гап одамнинг туғма кучи ҳақида бўлса, бу дегани, Қалбнинг олдинги мужассамлигида Шахс руҳан ривожланган, ўз устида ишлаш борасида ва бу дунёни тушунишда маълум натижаларга эришган. Яъни руҳий маънавий ривожланишда яхшигина сакраш бўлган, бироқ Ариманнинг тизимини тарк этиш учун, қайта туғилиш доирасидан чиқиб кетиш учун булар етарли бўлмаган. Аммо янги хаётда бундай Қалб билан янги Шахснинг бошқа одамларга нисбатан айрим афзалликлари бор. Одам катта энергетик потенциал билан туғилади, у эса тўғри қўлланилганида Шахснинг руҳан тезроқ ривожланишига ёрдам беради ва Қалби билан қўшилиб, қайта туғилиш доирасидан чиқиб кетишга реал имкониятларни беради.

Бундай иқтидорли одамлар кўп. Бу одамлар бошқаларга ўхшамаслигини хис этади. Улар болалиқдан етарлича киришимли, етакчилик сифатларига эга, одамларга таъсир этиш, нозик энергияларнинг намоён бўлишларига, воқеаларга нисбатан ўзига хос сезувчанликка эга. Ростини айтсам, катта потенциалга эга одамларнинг бошқа тоифаси ҳам бор. Тушиб қолган шароитлар сабабли, болалиқда улар атрофдаги дунёдан ёпиқ ҳолатда ўсади. Кейинчалик эса, камолга эришганида, ўз потенциалини бор кучида очиб юборади.

**Анастасия:** Афтидан, бундай тухфа – бу катта маъсулиятдир?

**Ригден:** Ҳа, биринчи навбатда, одамнинг ўзи учун. Катта руҳий маънавий потенциал билан туғилганлар шуни тушуниши керакки, Хайвоний табиати томонидан қарши туриш ҳам шунчалик кучли бўлади, ахир у ушбу кучни ўз мақсадида ишлатиш учун барчасини қилади. Агарда жамиятда бу лаҳзаларни тушунтириб берувчи Билимлар мавжуд бўлмаса, агарда унда Хайвоний табиат форматидаги кўпдан-кўп фикрлаш қолиплари, худди қопқонлардек, қўйилган бўлса. Жамиятнинг устувор танловларига риоя қилган ҳолда, мазкур иқтидорли одамлар ўзининг ноёб кучини Хайвоний табиатининг дастурларини амалга оширишга сарфлашни бошлайди. Улар айрим, мураккаб туюлган саволлар осонгина ечим топишини пайқашади. Одамларга таъсир қила олишини тушунади, хар қандай жамоада осонликча етакчилик қила олади. Аммо ўзи ҳақидаги Билимлари бўлмаса, одатда, улар бу тухфани ғаразли ниятларда ўзининг Хайвоний табиатининг дастурларини амалга ошириш учун ёки умуман, Хайвоний ақл дастури доирасидаги мавжуд тизим учун ишлатишни бошлайди. Шу тариқа уларнинг материяга қизиқиши ортади, танловни тез-тез унинг фойдасига амалга оширади ва ўзининг хаётида шу йўналишни ривожлантиради. Хайвоний ақл уларни шундай алдайди. Одамда Хайвоний табиати фаоллашади, хаётнинг руҳий маънавий йўналиши

сезилмаган холда моддий йўналишга алмаштирилади ва мазкур туғма куч Хайвоний ақл фойдасига сарфланади. Ниҳоятда кам ҳолатларда бундай инсонлар ўзининг Хайвоний табиатининг қарши туришини енгиб, масалан, рухий маънавий етакчиларга айланади (одамлар устида диний ҳокимиятга эга бўлганлар эмас, балки ҳақиқатдан ҳам рухий маънавий йўлдан кетаётган, бошқаларга рухий маънавий ривожланишда, онгини материя қишанларидан озод бўлишида ёрдам бераётган одамлар назарда тутилмоқда). Асосан эса улар ушбу тухфадан ўзининг мартабасини ошириш учун, ҳокимиятга эришиш учун, моддий бойликларни тўплаш ва хоказолар учун фойдаланади.

Қоидага кўра, бундай одамлар жамиятда етакчиларга айланади: кимдир жамоат арбоби, кимдир бизнесмен, кимдир жинойтчиларнинг обрўлисига ва хоказо. Нима учун ва қандай қилиб ҳаётда шундай бўлиши мумкин – улар яққол “интеллектуал заиф” деб билган, олий маълумотга эга бўлмаган одам, катта таъсирга эга бутун бошли молиявий “империяни” куриши мумкин? деб гоҳида атрофдагилари хайрон қолишади ва буни тушунишмайди.

Аслида эса бундай одам катта ички потенциалга ва Хайвоний табиатининг доимий устуворлиги боис моддий устунликлар томонига йўналтирилган, торайган онгига эга. Агарда бундай одам ўз дунёқарашини кенгайтириб, ҳаётида рухий маънавий устунликларни танлаганида эди, яъни ўзининг ички ҳаракатининг йўналишини минус ишорасидан плюс ишорасига алмаштирганида эди, у ўз рухий маънавий ривожланишида кўп нарсага эришган бўларди. Ўзини онгли равишда яхшироқ, рухий маънавий томонга ўзгартирар экан, у ушбу ҳаёти давомидаёқ рухий озодликка эришиш, реинкарнациялар доирасидан чиқишнинг реал имконига эга бўларди. Дарвоқе, бундай имкон ҳар бир яшаётган одамда мавжуд. Бу ерда айнан одамнинг шахсий танлови, унинг мақсадга йўналтирилганлиги, ўз устида ишлаши ва рухий маънавий йўлдан қайтмаслиги хал қилувчи рол ўйнайди. Таъкидлайман, бундай ўзгаришлар фақатгина *одамнинг ички дунёсининг ўзгартирилишига боғлиқ*. Одам ичкаридан ўзгармасдан ташқи шароитларни ўзгартиришга уринар экан, бундан ҳеч қандай маъно бўлмайди.

**Анастасия:** Аксарият одамлар каби бу одамлар ҳам ёлғиз қолганида вақти-вақти билан материя, турмуш муаммолари билан оғирлашганлигини хис этса керак. Улар, афтидан, ҳаёт майдонида эришганлари – бу асл эмас, “Қалби хохлаган” натижа эмаслигини, буларнинг барчаси дунёвий ва бегоналигини тушунади. Бундай иқтидорли одамларни Хайвоний табиати бутунлай ўзига бўйсундириши мумкинми?

**Ригден:** Мумкин. Аммо бундай холатларда ушбу одамлардан хақиқий худбин, тажовузкор мутантлар пайдо бўлади, бу махлуқотларни бошқача номлай олмайсан ҳам... Лекин бу холат янги Шахснинг ўз хаётий векторини танлашда субшахсларнинг деярли унга таъсирини ўтказмаслигининг исботидир. Айтайлик, хатто ўз вақтида субшахс сезиларли рухий маънавий чўққиларга эришган бўлиб, унга Нирванага (қайта туғилиш доирасидан якуний чиқиб кетишга) бир қадам қолган бўлса-да, кейинги Шахс мана шу қадамни албатта қилади дегани эмас. Қоидага биноан, хаётда барчаси аксинча рўй беради. Чунки бундай (руҳан ривожланган субшахсли) Шахслар эрта болалигидаёқ Хайвоний ақлнинг синчков эътиборида бўлади. Оқибатда ушбу одамлар, ўз ривожланишини рухий маънавий йўналишда давом эттириб, қалби билан якуний қўшилишга, рухий озодликка эришиш (Нирванага чиқиш) ўрнига, бу тухфани, олдинги Шахсдан “мерос” бўлиб Қолган кучни Хайвоний табиати тикиштирган иллюзияга талон-тарож қилиб юборишади. Оқибатда, рухий маънавий жихатдан олға ирғиш ўрнига, одам орқага йиқилади ва шу билан ўз Шахсини, Қалбини оғирлаштиради. Табиийки, у яна реинкарнациялар доирасига, аммо энди анча оғирроқ шароитларга тушади. Ва, бу Шахс ўлимни бошдан кечиришга, субшахсга айланишга, кейин эса ўзининг “муқаррар ҳатоси” туфайли янги таналарда хали жуда кўп қийналишга ва азобланишга мажбурлиги фактдир.

**Анастасия:** Яъни улар бу кучни Абадийликка, олдинга ташланиш учун эмас, балки ушбу тез ўтиб кетувчи “ўлим онида” ўзига ўхшашлар устидан хукмронликка сарфлайди.

**Ригден:** Ҳа. Илоҳий Абадийликдан бир қадамда бўла туриб, ўлишга қодир материяни афзал кўриш, бу аҳмоқлик. Тана барибир ўлади, лекин сен нима билан қоласан? Одамда Хайвоний табиатдан келиб чиқаётган Худога ва унинг дунёсига қарши туришнинг асосий сабаби – бу айнан ақли моддий тузилишнинг йўқ қилиниши муқаррарлиги олдидаги кўрқувидир. Бундай қарши туриш Рухий ва моддий дунёлар кесишган жойда пайдо бўлади. Бу ходиса айрим динларда олий фаришталарнинг обрўсини йўқотган фаришталар билан жанги сифатида таърифланади. Бироқ аслида булар ўхшатишлар. Кимдир осмонларда одамнинг Қалби учун жанг олиб бормоқда дегани эмас. Буларнинг барчаси шу ерда ва ҳозир хар бир одамда содир бўлмоқда ва жанг майдони – бу унинг онги, унинг фикрлари, эмоциялари ва истакларидир. Уларнинг рухий маънавий ёки моддий томонга устунлиги Шахснинг Қалб учун бўлган шу дақиқадаги жангда енгиш ёки таслим бўлишини англатади, умумий натижада эса – у билан қўшилиб, абадийликка ўтиш ҳуқуқи учун жангни англатади. Битта жангни бой бериш дахшатли, аммо урушда ютқизиш ҳалокатлидир.

Нима учун одам Худодан кўрқади, бир яхши кўради, бир нафратланади Ундан? Чунки хар бир одам ўз Қалбининг бир неча бор қайта туғилишлари боис, Рухий Олам борлигини, Худо борлигини, Худога хизмат қилувчи рухий мавжудотлар борлигини ғайриихтиёрий равишда билади. Охиргиларни одамлар орасида афсоналарда “фаришталар” деб аташади. Бироқ улар одамлар диннинг ассоциатив тоифаларида тасаввур қилгандек кўринмайди. Булар уч ўлчамли дунёдан фарқланувчи бошқа ўлчам Мавжудотларидир. Ахир у реалликни сўзлар билан таърифлаб бўлмайди. У дунени шу тариха таърифлашнинг хар қандай уриниши одамнинг фикрлаши томонидан бу дунё билан боғланади, демакки, ҳақиқатни бузиб кўрсатади. Агарда бу ахборотни кейинги узатилиши одамдаги Хайвоний табиати устуворлиги орқали амалга ошса, бу “афсоналар” қандай кўринишга эга бўлиб, қандай тафсилотлар билан бойитилишини ўзинг кўп бора тўкнашиб кўрдинг. Мисол учун “Худонинг хукми” ҳақидаги афсоналарни олсак. Ахир аслида барчаси оддий: хар гал моддий тананинг ўлиmidан сўнг, одам (аниқроғи Шахс ва субшахсларга эга Қалб) Рухий Олам вакиллари билан “учрашади” ва яшаган ҳаёти учун, айтайлик, жавоб беради, ундан сўнг ушбу одамнинг кейинги тақдири белгиланади. Худонинг хукми, одамнинг ўлимдан кейинги тақдири ҳақидаги ва хоказо афсоналар ҳам шундан келиб чиққан. Аммо ўша динларда ва турли этикодларда буларнинг барчаси қай тарзда ағдарилиб узатилади?

Мазкур тушунмовчиликларнинг яна бир сабаби – ҳаёти давомида Шахс учун субшахсларнинг тажрибаси ва хотирасига йўл йўқ ва одам ўзи ҳақидаги бутун ҳақиқатни билмайди. Агарда одамнинг (Шахсининг) ҳаёти хар гал ўтган умрларни хотирасини тўсиб, янги варақдан бошлангандек бошланмаганида, танлов учун шароит бўлмасди. Агарда одамлар онгли равишда ўз Қалбининг қайта туғилишларини ва субшахслари ҳали ҳам бошдан кечираётган ҳаддан ташқари кучли азобларни эслаганида эди, ишончим комил, ҳамма одамлар аллақачон фаришталарга айланган бўларди. Аммо, афсуски, ўтган умрлар хотираси тўсилиб қўйилади. Хар гал одам ўзининг Шахсини мустақил, онгли равишда етилиши учун, бу дунёга шўнғишга мажбур.

Гарчи шундай бўлса-да, аммо янги Шахсининг онгини “тоза варағи” нимаси билан яхши? Биринчи навбатда, аввалги субшахсларнинг “ютуқларига” қарамасдан, Шахсининг ҳаёти давомидаги устувор Танловни белгилаб берувчи устунликлар янгидан ёзилиб борилади. Яъни, агар одам ўз ҳаётининг векторини Малакий табиати томонига тубдан ўзгартирса, фикрлар устуворлигини рухий маънавий узанга ўтказса ва ўз онгини тарбияласа, шунда у (Шахс) ўзини ва Қалбини ўз ҳаётида қутқаришга реал имкониятига эга бўлади. Ахир шу билан у

ўзини яхшироқ томонга ўзгартиришни ва Рухий Олам билан яшашни бошлайди-да. Бироқ, бу хаётда ҳам одам (Шахс) моддий фикрлаш кишанларида ўралашиб қолишни хоҳласа, унда ўзгармас холда Хайвоний табиатининг фикрлари устувор бўлса, у холда бундай Шахсинг биргина йўли бор – субшахсга айланиш. Чунки Қалбини қутқариш учун аталган кучни одам моддий дунёнинг битмас-туганмас истакларига талон-тарож қилиб юборади.

Моддий устуворликка эга одамнинг хаёти ва рухий маънавий устуворликка эга одамнинг хаёти ўртасида аҳамиятли фарқ нимадалигини тушунасанми? Онгида моддий устуворликка эга бўлган одам *моддий дунё билан яшайди* ва гоҳида Қалби ҳақида ўйланиб қолади. У ҳатто гоҳида рухий амалиётлар билан машғул бўлиши мумкин. Унинг учун улар одамларга таъсир этишни кучайтириш ва хоказо учун “супер қобилиятларни” ривожлантиришга ёрдам беради. Шу билан, табиийки, одам ўз устида ишлаб, хайвоний табиатини бўйсундириш учун ўзини у қадар овора қилмайди. Аммо рухий маънавий устуворликда эса, ўзининг янги сифатида Шахс ўзининг Худога бўлган Муҳаббати билан, *Рухий Олам билан яшайди*, доимо Муҳаббат туйғусида бўлади. Бундай холатда Хайвоний табиатининг барча қилмишларига ҳазил билан қарайди, уларни табиатини билади, кейинги хужумларини ва ҳаракатларини олдиндан кўра олади. Улар энди унинг Шахсини оғирлаштирмайди, зеро одам унинг тузоқларига тушиб қолмайди, чунки ўзининг фикрларида ва туйғуларида Рухий Олам билан *яшайди*. Моддий дунё билан атиги тегишади, чунки эзгу ишларни амалга ошириб ўз танасида умргузаронлигини давом эттиради.

**Анастасия:** Ҳа, чиндан ҳам, кимки Муҳаббатда экан, у Худодадир ва Худо унда, зеро Худо – бу Муҳаббат-да.

**Ригден:** Асл авлиё Инсон шуниси билан *яшайди*.

**Анастасия:** Субшахслар ҳақидаги билимлар қимматлидир, аммо улар бу хаёти давомида ўзининг ва Қалбининг бутунлай рухий озодлик холатигача ривожланишига улгурмаслик ва ўлишга қодир субшахсга айланиш кўрқувини одамда туғдириши мумкин.

**Ригден:** Биринчидан, бундай кўрқувни фақатгина худбинлик, яъни хайвоний табиат келтириши мумкин. Иккинчидан, сен ўзинг гувоҳи бўлганингдек, гуруҳдаги ҳаммангиз каби бир одам Билимларни, айтайлик, нольдан бошлаб қабул қилди. Бироқ у ушбу Ҳақиқат уруғларини шунчалик чуқур хис қилдики, Рухий Олам уни қабул қилиши учун унга ўз устида маъсулиятли ишлаш учун икки йил керак бўлди, холос. Ва буларнинг барчаси гуруҳдагиларга нисбатан унинг

ноқулай турмуш шароитларига қарамасдан содир бўлди. Шунинг учун хоши бўлса бўлди! Учинчидан эса, одамнинг хаётида Худога Муҳаббат устувор бўлганида, қўйилган мақсадга эришиш учун унда хар қандай қўрқув ғойиб бўлади. Мен сенга руҳий маънавий ҳатти-ҳаракатларнинг маъносини тушуниш учун мажозий мисол келтираман.

Тасаввур қил, одам урушда, ўзининг Ватанини ҳимоя қилмоқда. Уни шунчалик илиқ ва чуқур яхши кўрадики, унинг учун бор кучини бериб жанг қилишга, ғалаба учун орқа-олдига қарамасдан юришга, битта мақсад учун – ўз Ватанининг озодлиги учун қўлидан келган ва келмаганини қилишга тайёр! Ватанига бўлган Муҳаббатни деб унинг учун ўлимга тайёр. Танаси билан нима бўлиши, унга барибир. Асосийси – уни жангга етаклаган, ва муносиб жанг қилишга мажбурлаган, у хис этаётган туйғу. Ва хатто душманнинг асирлигига тушиб, у ерда кийноқларда ўлиши муқаррарлигини билганида ҳам уни ушбу Муҳаббат туйғуси тарк этмайди. Чунки у ҳақиқий Муҳаббат туйғуси билан тўлган, уни деб яшаган ва уни деб ўлади. Шунинг учун барчаси одамга боғлиқ. *Агарда у Худога бўлган ҳақиқий Муҳаббат туйғуси билан тўлиб тошган бўлса, у билан хар кунда яшаса, у холда унда шубҳага ўрин йўқ. Унинг биргина мақсади бор – ўз Қалбининг озодлиги учун ғалабага эришиш!*

**Анастасия:** Ҳа, қандай қилиб бўлса ҳам ғалаба қозониш...

**Ригден:** Шунинг учун, ўз Қалбини қутқариш – одам хаётидаги асосий иши, унинг асосий мақсади, яшашидан маъноси. Қалбни қутқариш – бу моддий дунёга эмас, балки Руҳий Оламга бўлган ҳақиқий хизматдир. Ўзинг қутқарилсанг, атрофингда минглаб одамлар қутқарилади. Ва бунинг хеч ҳам қийин жойи йўқ. Фақатгина элементар нарсдан – ўз устидан ишлашдан бошламоқ керак. Бош мия компьютерга ўхшаш: унга нима киритсанг, шуларни чиқариб беради, қандай мақсадларни белгилаб берсанг, унга қандай дастурлар ўрнатсанг, ўша йўналишда у ҳам ишлайди. Умр давомида унинг хотирасида турли ассоциатив кечинмалар, тасаввурлар, фикрлар, туйғулар ва хоказоларнинг тажрибаси тўпланиб боради. Бу ўхшатишлар аксарият холатларда атрофдаги оламдан олинган таасуротлар билан боғлиқ.

Нима учун руҳий маънавий йўлдан кетаётган замонавий одамга доимо ўз дунёқарашини кенгайтириш, кўпроқ ўқиш, турли ахборотлар билан танишиш, турли йўналишларда билимлар даражасини кўпайтириб бориш муҳим? Чунки у холда унда ўхшатишлар қатори бойроқ, хотираси ва дунёни ҳажмли идроки яхшиланган бўлади. Ахир ўхшатишлар қаторининг манбаи бўлмиш ғайриихтиёрий онг худди омбор каби: қачондир унга нимани қўйган бўлсанг, кейинчалик шу

нарсани топасан. Миянинг моддий тузулмаси тимсолларни (голограммаларни) ушлаб туради, уларни у умр давомида қабул қилган. Масалан, кўриш ва эшитиш орқали одамга янги ахборот келганида, бош миянинг маълум участкасида нейронларнинг кўзғалиши содир бўлади. Мия ахборотни қайта ишлайди, сен учун энди тушунарли бўлган атамалар билан айтганда, ”ахборотли ғиштчаларнинг” кўзғалиши рўй беради. Аввалги билим ва тажрибалар асосида мия “бу нималигини” таниб олади. Бу ерга барчаси киради – товуш, сезгилар, билимлар ва хоказолар. Мажозий маънода, мия худди компьютер қидирувчиси каби ишлайди: масалан, ”Эзгулик” сўзини терганинда. У ушбу сўз мавжуд бўлган барча файлларни чиқариб беради. Хуллас, бизнинг ғайриихтиёрий онгимиз-омборимизда қандай ўхшашлар борлигини қидиради. Шу билан бирга ўз омборини тўлдирган холда, янги ахборотни ва унинг сифатларини ҳам эслаб қолади.

Агарда одам ўзининг билимларини, тахлил қилиш қобилиятларини мукаммалиштиришда эринса, ўзини фақатгина “тайёр холда” оммавий ахборот воситалари узатган маълумотлар билан чегаралаб қўйса, бундай одам коҳинлар ва сиёсатчилар томонидан ўз онги орқали бошқарилишининг идеал объектига айланади. Ўзининг дангасалиги туфайли одам билимлар доирасини торайтириб қўяди. Мия ўхшатишларга бой бўлмаганида (уларнинг бори ҳам аксарият холларда моддий устуворликларда ҳалқаланиб қолган), одам руҳан кучсиз бўлиб қолади, уни бошқариш осонроқ, алдаш ва унга қандайдир ўрнатмаларни тикиштириш осонроқ кечади. Шунинг учун ҳам коҳинлар ва сиёсатчилар одамни торайган онг ҳолатига келтиришга интилади. Бунақа ҳолатда уни бошқариш қулай. Бунинг устига унинг онгига маълум ўхшатишларни, тақлид учун намуналарни киритиш кифоя ва одам уларнинг қўлларидаги итоаткор кўғирчоққа айланади.

**Анастасия:** Гапингиз тўғри. Агар одамга барчаси ёмонлигини кўрсатаверса, у ўз фикрларида ҳам ёмонликни айлантиради, унга беҳосдан эътиборини қаратади, салбий вазиятларни жонлантиради, шунга мутаносиб ўхшатишларни эслаб, уларни амалга оширади. Ахир ўхшашлар бир-бирига тортилади-да. Агарда одамга яхшиликни кўрсатаверса, унинг эътиборини руҳий маънавий лаҳзаларга қаратса, одоблилик, маданият, яхши хулқ-атвор, маънавий фикрлаш тарзи намуналарини кўрсатаверса, у ўзининг дунёқарашини шундай узанда шакллантириб боради.

**Ригден:** Одамлар ўз табиати бўйича ишонувчан ва тақлид қилишга мойил. Аммо шу билан бирга улар доимо бирор янгиликка ҳам интилади, лекин айнан нимага интилишини гоҳида ўзлари ҳам билмайди. Дарвоқе, нима учун одамга доимо нимадир етишмайди ва у

янгилик излаш ва ўрганиш билан машғул? Чунки Қалб уни қадрдон, руҳий манавий дунёсини излашга итаради. Субшахслар кўринишидаги турли “ёруғлик филтрлари”, онгда устувор бўлган Хайвоний табиати эса изланишлар векторининг йўналишини бузиб юборади. Моддий дунёнинг ассоциатив идроки ҳам одамнинг руҳий маънавий изланишларида унга талайгина муаммоларни яратади. Ахир Руҳий Олам моддий дунёдан фарқланади. Аммо одам бешта хиссиёт органлари билан бу ерда қабул қилганлари – булар моддий дунёнинг уч ўлчамли ўлчовининг арзимаган қисмининг идрокидир, холос, у ҳам бўлса ўхшатишларга асосланган моддий фикрлаш призмасидан ўтказилган. Бошқача қилиб айтганда, одам уч ўлчамли дунёнинг тоифалари ва ўхшатишлари билан мулоҳаза юритиб, Руҳий Олам нималигини тушунишга уринади.

**Анастасия:** Моддий фикрлаш призмасидан? Яхши ибора бўлди, у моҳиятни жуда аниқ ифодалайди.

**Ригден:** Ҳа, сенга маълумки, одамнинг мияси унинг туғилишиданок Хайвоний табиатининг частотасига тўғриланган бўлади. Гарчи бу, одам кейинчалик ушбу мослашларни ўзгартира олмайди, дегани эмас. Ўзгартира олади. Унда онгининг бир неча ҳолатлари дастурланган. Аммо ўзгариш фақатгина одамнинг шахсий истаги ва интилиши мавжудлигида амалга ошиши мумкин. Одамларнинг аксарияти буларнинг барчасини билмайди ҳам, шунинг учун умри давомида ўзини ҳар қандай ақлли материя каби тутаяди. Одам дунёнинг идрокини кенгайтирувчи Билимлар билан тўқнашганида, биринчи бўлиб унда Хайвоний табиати ишга тушади. Қўпол қилиб айтганда, у “оёқларини тираб олади”, шу билан одам устидан ҳокимиятни йўқотмаслик мақсадида унинг биринчи нуқсонини – кибрни келтириб чиқаради. Одамга шуларсиз ҳам ҳамма нарсани биладиган ва эплайдигандек туюлади. Бироқ мазкур Билимларга шўнғиганида эса, барчаси у ўйлаганчалик эмаслигини ва шунақа илк мулоҳазаси хато эканлигини тушунади.

**Анастасия:** Ҳа, кибр – кўпдан кўп одамларнинг балосидир, у ёки бу даражада унга ҳар ким дучор бўлган. Ўйлайманки, ҳеч бўлмаса ўзини яхшироқ тушуниш, ўз табиатини тушуниб етиш учун ушбу маҳфий душманни афтидан билиш ҳар бир одам учун муҳим. Бир суҳбат чоғида Сиз, “кибр – одамда Хайвоний ақл бошқарувининг намоён бўлишидир”,- деб эслатган эдингиз.

**Ригден:** Тўғри. Одамга унинг “Мен”ини шакллантирувчи ўзиники деб Хисоблаган фикрлари – атиги Малакий табиатининг Иродаси ва Хайвоний табиатининг Иродаси ўртасидаги танлови натижаси



эканлигини англаш жуда қийин. Болалиқдан истеъмолчилик устуворликлари билан яшаётган жамият одамларига буни тушуниш айниқса қийин. Масалан, материалистик психология ва шунга мутаносиб кадриятлар билан яшаётганларга. Шунингдек, онги моддий дунё кадриятлари устуворлиги принципларида қурилган, маънавий қоидалар билан ёпинган, битта диний, фалсафий ёки бошқа концепция билан чегараланганларга ҳам осон эмас.

Одамнинг жуда кўп фикрлари айнан ғурур билан мотивация қилинади. Ғурур – бу туйғу. Туйғулар эса бу куч, бу энергия, бу устувор фикр туғиладиган асосдир. Фикрнинг нимага “бўялганлиги” жуда муҳим: Хайвоний табиат истакларигами ёки Малакий табиат истакларигами. Ахир туйғунинг, масалан, ғурурнинг кибрга, демакки, ўзини севиш, бошқаларга нисбатан улуғлаш туйғусига айланиши, ёки олижаноб, Худога интилишдаги рухий маънавий йўлда қилинган ҳатти-ҳаракати учун ички ғурур туйғусига айланиши ана шунга боғлиқ...

...Аммо бу ерда, афтидан, одамнинг табиатига, унинг чуқурликдаги интилишларининг ва материя дунёсида уларнинг проекцияларининг пайдо бўлишига сал чуқурлашмоқ зарур. Одам умри давомида ўз танлови билан қандай туйғуларни туғдириши ва тўплаб бориши унинг хаётида ниҳоятда муҳимдир. Нима учун? Чунки ушбу юк билан, ушбу ахборот билан, ёки мажозий айтсак, унинг мана шу “Мен”и (Шахси) билан тана ўлимидан сўнг “қирра” ортига кетиши ва у ерда мана шу танлови учун жавоб бериши бор.

Кел, энди **туйғу пайдо бўлишининг механизмини** кўриб чиқамиз. Хар қандай туйғунинг бирламчи турткиси Қалбдан чиқаётган чуқурликдаги кучдан келади. Қалб номоддий дунёнинг жуда ҳам қувватли зарраси бўлгани боис, унда биргина ҳаракат вектори мавжуд, битта истаги – бу дунёдан чиқиб кетиш ва ўзининг, одамлар Рухий Олам, Худонинг дунёси деб номлаган, дунёсига ўтиш. Мана шу Қалбдан келган бирламчи туртки чуқурликнинг қувватли туйғуларининг туғилишини бирламчи асосдир. Агарда ушбу кучни рухий маънавий узанда мақсадли ишлатилса, у одамга, ўтмишидан қатъий назар, ўз хаёти давомида қайта туғилиш доирасидан чиқиб кетиши учун етарли бўлади.

Бундай чуқурликдаги туйғу пайдо бўлганида бизнинг моддий миямиз ушбу куч таъсирида бўлади ва, шунга мос равишда, онг орқали уни ўзича талқин қилади. Яъни одам, ўзининг ўхшатишларини қўллаган холда, пайдо бўлган туйғуни ўзи учун одатий бўлган фикрлаш қолипи бўйича “талқин қилади”. Мана шу босқичда эса жуда муҳим ролни айнан одамнинг дунёқараши ўйнайди. Бу унинг онгига болалиқдан

киритилган нарсалар, тўплаган ҳаётий тажрибаси, шаклланган (шу жумладан оммавий ахборот воситалари туфайли ҳам) ва ғайриихтиёрий онгида илдиз отган хулқ-атвор моделлари ва фикрлаш тарзи, ва шунингдек билимларнинг шахсий доираси, фикрларни назорат қила олиши ва диққатини жамлай олиши. Қалбдан чиқаётган куч қандай ва қаерга сарфланиши одамнинг устувор дунёқарашига боғлиқдир. Ахир ушбу ички ягона куч (чуқурликдаги туйғу) кўпинча устувор фикрлар Призмаси воситасида онг томонидан парчаланади ва бузилиб кўрсатилади.

**Анастасия:** Мазкур жараённи, масалан, қуёшнинг нури учбурчак шиша призмасида синиши, яъни камалакнинг кўп рангли спектрига бўлиниши билан таққосласа бўлади, тўғрими?

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Бу жараённи мажозий маънода ёруғлик дисперсиясига қиёсласа бўлади, унда ягона тўлқин турли узунликдаги тўлқинларга бўлиниб кетади. Ўзининг ўхшатишлари тажрибасини тўплаган онг, бу айнан ўша призма каби, у ягона кучни бўлиб юбориб, кўпдан кўп кичик ташкилий қисмларга йўналтиради – ушбу кучга ўзининг тусини берувчи фикрларга. Одамнинг онгида қандай устуворлик ҳукмрон бўлса, унинг фикрлари ҳам шу тусда, истаклари ҳам шунақа бўлади. Хайвоний табиатдан келиб чиққан фикрлар, ушбу кучга биноан, истакларни ўзларини ҳаёлан гипер рангли ва мафтункор қилади, яъни аслида, ҳаётга тадбиқ этилганида, улар ҳақиқатга жавоб бермайди (бўм-бўшлиги сабабли). Соддароқ қилиб айтганда, чуқурликдаги ягона туйғунинг кучини одамнинг эътиборини ўзида мужассамлаган устувор фикрлар унинг истакларини амалга оширишга йўналтиради.

**Анастасия:** Айтишади-ку, куч бу куч-да. Мазкур кучни қаерга йўналтириш борасидаги одамнинг танлови муҳимдир.

**Ригден:** Мутлақо ҳақсан. Масалан, ўша ғурур ёки нафрат туйғусини олсак. Шундай замонавий мақол бор: “севгидан нафратгача – бир қадам”. Бугунги кунда нейрофизиологлар тасдиқлашicha, нафрат ёки романтик сеvgи туйғуси пайдо бўлганида одамда “нимагадир” бош миянинг бир хил участкалари ёкилади, гарчи бу туйғулар тубдан фарқли бўлса ҳам. Қачонки олимлар устувор фикрнинг асоси бўлмиш кучнинг илмий тушунишигача етиб келишсагина, ”нима учун” бундай бўлишини тушунадилар. Аслида барчаси оддий. Ахир гап ташқарида эмас, кимдир одамнинг буюклик истагини тегиб, хафа қилганида, нотўғри сўзлаганида ёки ножўя ҳаракатида эмас. Гап “хафа бўлганнинг” ўзининг мутлақо ички туйғуларидадир. Унинг онгида устувор бўлган Хайвоний табиати ўша чуқурликдаги туйғуларнинг ички кучидан

фойдаланади, холос, бироқ барчасини салбий вазият кўринишида тасаввур қилиб, хаёли ёрдамида уни бошқа фикрларга бўйди. Унинг устига одам ушбу, ўзининг ўйлаб топилаган “тасвирланган сюжетини”, шунга ўхшаш вазиятларда унга тиқиштирилган хулқ-атвор моделидан олган турли ўхшатишлар билан тўлдиради. Мана сенга можаро предмети.

Хайвоний табиат томонидан тушунчаларнинг бор-йўғи бузилиши ёки алмаштирилиши холатлари ҳам бўлади. Масалан, одам нолишни бошлайди, гўё, ”мен бошқалар учун ҳамма нарса қиламан, мен учун эса ҳеч ким ҳеч нарса қилмайди”. Мана шу айни алмаштирилиш. Хайвоний табиат – истеъмолчи, Малакий табиат – саховатпеша. Агарда норозилик илдизини кузатсак, у сенинг ичингда эканлиги маълум бўлади. Кимдандир ташқарида норози бўлиш – бу сенинг Хайвоний табиатингга таслим бўлишинг натижасидир. Бу биринчи навбатда, сенинг ўз олдинда ноҳақлигинг далолати. Ўзига ишонмаслик ва шубхалар Ҳақиқатни билмасликдан келиб чиқади. Ўзининг ичкарасига қараб кўришни истамасликдан, ахир Ҳақиқат ўша ерда.

*Ҳақиқат – бу Хаёт ёки Ўлим. Ҳақиқат олдидаги қўрқув Хайвоний табиатдан келиб чиқади, сўнггиси уни узоқлаштиришга уриниб, бузади. Аммо, одам қандай танловни амалга оширмасин, Ҳақдан қочиб қутула олмайди. Хатто зиндон ҳам ёруғ Қалбни озодликдан маҳрум қилмайди, ва ҳеч қандай ерлик хокимият ўлимга маҳкум хайвонни озод қила олмайди.*

**Анастасия:** Демак, аслида, одамлар ўзларига руҳий маънавий ўсиш учун аталган кучни можароли вазиятларда бекорга талон-тарож қилиб юборишар экан-да.

**Ригден:** Устига устак, танловни Хайвоний табиати фойдасига амалга ошириб, кучни аҳмоқларча талон-тарож қилишади, ахир кейинчалик бунинг учун ўзлари Жавоб беришга мажбур бўлади... Одамнинг руҳий маънавий йўлини тушунтиришда қадимгилар танани мажозий маънода қайиққа қиёслаган, унда одам иллюзиялар уммони узра сузади, Қалб эса унга маёқ каби йўл кўрсатади. Хайвоний табиатни, материянинг Хайвоний ақлини эса ҳамма жойга кириб борувчи, ақлни вақтинчалик, аҳамиятсиз нарсалар билан эгаллашга, абадиятдан, Қалб маёғининг ёруғлигидан чалғитишга интилган Душманга қиёслаган. Ахир Материя иллюзиясининг ишқибозлиги дунёқарашни торайтириб, ақлни қайиқнинг муаммолари билан чеклаб кўяди ва ундан нари бир метрдан узоққа ёйилмайди. Шу тариқа одамнинг Душмани уни йўналишидан оғдиришга уринади. Аммо Иллюзиялар уммони ва қайиқдаги қисқа вақтли кун кечириш билан хушомад бўлиб қолишга арзимайди. Одам ўз сафарини тугатар экан, у қайиқни вақтинча, сафар учун энди

кераги йўқ, бузилишга ва чиришга қодир нарса сифатида қирғокда қолдиради. Ёнаётган шам ғойиб бўлганидек барча кўринувчи нарсалар ғойиб бўлади ва ҳеч нарсага айланади. Кўринувчи нарсаларга боғланмаган кимсагина Қалби ҳақида қайғуради. Донишмандлар айтган экан: “Ўз қалбингни қутқар, зеро унинг овчиси ухламайди. Хар бир соатингни ва хар бир дақиқангни кўриқла, ўз хаётингни Қалбингни қутқариш фойдасига ишлатгин”.

**Анастасия:** Кўринувчи нарсаларга боғланмаган кимсагина, Қалби ҳақида қайғуради... Ахир аслида ҳам шундай-да. Ўз ниятларида одамлар айнан кўзга кўринувчи нарсалар билан мафтун бўлади. Улардаги чуқурликдаги туйғулар орқали ўрганиладиган кўринмас қирраларнинг очилиши, нафақат Қалбнинг дунёсини хис этишга, балки айнан уни, моддий дунёнинг хар қандай нарсасидан ҳам кўпроқ, хохлашга ёрдам беради. Рухий маънавий йўлдан кетаётган ва Хайвоний табиатига таслим бўлмаётган кўплаб одамларни мен учратганман. Ҳа, улар гоҳида қайсидир лаҳзаларни унга бой берса-да, бироқ кейинчалик буни англайди ва шу каби тўзоқларни айланиб ўтишнинг қимматбаҳо тажрибасини орттиради. Бундай одамлар Хайвоний табиатининг хужумларидан қандай қилиб ҳимояланиш ва уларнинг намоён бўлишини қандай қилиб олдини олиш, уларни қандай таниб олиш, ва салбий вазиятни ўзида ривожланишига қандай қилиб йўл қўймаслик тўғрисида тез-тез саволлар беради.

**Ригден:** Хайвоний табиат хужумларининг механизмини, уларнинг келиб чиқиш табиатини билиш ва ўзини бошқаришни ўрганиш керак, холос. Эътибор бергин, одам рухий маънавий тўлқинда бўлганида, ўз устида ишлаганида, рухий амалиётларни бажарганида, унинг онги кенгайган ҳолатда бўлади. Ўша медитацияларда онги дунёнинг одатий идроки чегараларидан чиқаётгандек сезилади. Ва, энг асосийси, одам **Қалбдан ташқарига чиқаётган**, яъни унинг ичидан, туйғулар чуқурлигидан атрофдаги ташқи оламга чиқаётган қувонч, бахт хиссини бошдан кечиради. Айнан мана шу туйғуни мия ассоциатив тарзда юксак бахт, қувонч, озодлик туйғусига тенглаштиради. Онг аниқ ва равшан бўлиб қолади. Ушбу кадрдон Уй туйғуси, бениҳоя кенг хотиржамлик ва Абадийлик билан солиштирганда барча ерлик муаммолар майда-чуйда бўлиб туюлади. Шунга яраша кайфият ҳам тетик, юқори даражада бўлади, ҳаракатлар ҳам кучга тўлиб боради. Энди эса одамга Хайвоний табиати хужум қилганида, у билан нима содир бўлишини кўриб чиқамиз.

**Хайвоний табиатнинг хужумлари турлича бўлади.** Айтишади-ку, душманни афтидан билиш керак, деб. Бошланишига “**хаёт ўхшамади**” (“ўлжа” позицияси) умумий шиори остидаги **хафа бўлиш, ўзидан**

**қоникмаслик, ўзини ейиш кабиларга асосланган Хайвоний табиатнинг қўпол ҳужумини кўриб чиқамиз.** Биринчидан, Хайвоний табиатнинг ушбу қўпол ҳужумини *ташқи босим сифатида* таърифласа бўлади. Агарда, *Малакий табиат Кузатувчиси* позициясидан диққат билан ушбу, хатто жисмоний даражада сезилаётган босим қаердан пайдо бўлгани кузатилса, у айнан ташқаридан, юқоридан пастга қараб, худди бош томонидан ёки орқа томондан кўкрак соҳасига босим каби сезилади.

Хайвоний табиатнинг бундай қўпол ҳужуми оқибатида деярли қисқа вақт оралиғида одам актив индивиддан пассив, хато фикрловчи индивидга айланади. У худди оёқлари остидаги пойдеворни, асосни йўқотаётгандек бўлади. Кутилмаганда унинг онгида ўзига эътиборни жалб қилиб, мужассамлаштирувчи салбий тимсоллар, фикрлар, ўйлаб топилган муаммолар чиқиб келиб, айланишни бошлайди... Шундай бўлганида одам норозилик, эмоционал қайғуриш ҳолатларини бошдан ўтказди, улар асосан стандарт чизмалар бўйича намоён бўлади. Ичкаридан нохушлик, ноқулайлик, худди кўкракда нимадир сиқилаётгандек, сезилади. Бирор ишда диққатни мужассамлаштириш мушкул, чунки бегона фикрлар битта тинчлик бермайдиган мавзу бўйича мулоҳаза юритишга чалғитаверади. ”Қалб оғриғи” деб аталувчи ҳолат пайдо бўлади, ёки хафалик, ёки ёмон фикрлар босим ўтказиб, ўзини ейиш, ўзини нима учундир айблаш бошланади. Салбий фикрлар, ўхшатишлар, эмоциялар калаваси пайдо бўлади. Хуллас, эътибор Хайвоний табиат томонидан тикиштирилаётган муаммога қаратилади.

Одамнинг онги мана шу муаммонинг нуқтасигача тораяди. У фақатгина уни кўришни бошлайди, бошқа нарсани кўрмайди. Масалан, одам ушбу фикрлардан чалғиш учун, телевизорни ёқади. Аммо онг худди атайлаб қилгандек, унинг тинчлик бермаётган муаммосига тегишли дастурлар ва кўрсатувлардан парчаларга диққатини тортади. Ёки бошқа мисол, одам шундай ҳолатда бўла туриб, ким биландир бошқа мавзуларда мулоқот қила бошлайди. Аммо кейинчалик онги барибир суҳбатни унинг ўйлаб топилган муаммолари узанига ўтказганини пайқамайди ҳам... Агарда одам шунг ўхшаш ҳолатни бошдан кечираётган бўлса, у ўз онгининг салбий фикрларга берилгани ва босимли ҳолатда бўлгани – бу айнан одамнинг Хайвоний табиатининг қўпол ҳужумининг бошланишидир.

**Анастасия:** Яъни одам вазиятдан бир томонлама таъсирлангандек бўлади.

**Ригден:** Тўғри, унда дунё суратининг яхлит идроки ғойиб бўлиб, онгининг торайиши рўй беради. Одам қандайдир битта муаммода ҳалқаланиб қолади. Мажозий маънода, ундан олдин рангларнинг кенг

спектрини кўраётган бўлса, Хайвоний табиатининг хужуми вақтида эса фақатгина қора ранга эътибор беради, бошқа ранглар унинг учун мавжуд бўлмай қолади, уларни пайқамай қўяди, гўё.

Хайвоний табиатнинг бундай қўпол хужумининг маъноси нимада? Унинг мақсади – Шахснинг Қалб билан алоқасини тўсиб қўйиш, шунинг учун ҳам ўзига хос ташқаридан ичкарига босим кузатилади. Бундай хужум вақтида, мажозий маънода, Қалбдан чиққан сигнал Шахснинг онгигача соф ҳолатда (рухий маънавий амалиётдагидек) етиб бормайди-да, ”ифлосланган филтрларнинг” фаоллашуви орқали сезиларли ҳолда бузилиб келади. Одамнинг Хайвоний табиати уни заифликларидан тутиб олишини билиш муҳим. Ахир у одамнинг барча заиф жойларини, уни ўтмишини ва ҳозирги кунини, қачондир диққатини тортган барча сирли орзуларини ёки ўзи учун бу дунёнинг у ёки бу бойлигини тилаганини билади-да. Рухий маънавий йўлни оғирлаштирувчи истаклар ҳам одамда, аниқроғи унинг янги Шахсида, ўзидан ўзи бўш жойда пайдо бўлмайди. Асосан булар унинг атрофидаги жамиятда моддийлик томонга оғувчи анъанавий қолипни ўрнатмалардир. Шунинг учун ҳам одамларнинг аксариятида эгоцентризм, ҳасад, беъўлчов ҳасислик ва ўзига нисбатан раҳмдиллик каби Хайвоний табиатининг сифатлари устувордир.

**Анастасия:** Ҳа, одам Хайвоний табиатининг рағбатларини тез юқтириб олади.

**Ригден:** Дарвоқе, шуни белгилаб қўймоқчиманки, Хайвоний табиатининг хужумлари пайтида одам ўзини фақатгина “яхши одам” деб кўради. Гўёки у, барча тарафлардан “супер”-у, қолганларнинг барчаси эса “ўрмаловчи хайвонлардан” бошқаси эмасдек. Одам бундай ҳолатдалигида унга барчасида салбий сифатларини намоён қилганлиги боис, ўзи айбдорлигини айтиб кўрчи, у шу захотиёқ бутун негативни сенинг томонингга ҳам йўналтиради. Унинг Хайвоний табиати дарҳол тажовузкорона тарзда ўз позицияларини ҳимоя қила бошлайди. Гап шундаки, одам шунга ўхшаш ҳолатларда бўлганида, ўзининг Шахсига нисбатан бундай танбех ва изоҳларни онгли қабул қилмайди. Нима учун шундай бўлади? Биринчи навбатда, айна пайтдаги онгнинг торайганлиги, шахсий худбинликда ҳалқаланиб қолишида. Ахир бундай ҳолатда одам учун турли кўринишдаги “мен, мен, мен”дан бошқа ҳеч нарса ва ҳеч ким мавжуд эмас.

**Анастасия:** Ҳа, айбни кимгадир ағдаришда ва ташқи сабабларни ўйлаб топишда Хайвоний табиат устаси фаранг, унга бир илгак бўлса бўлди. Ва яна Хайвоний табиатнинг севимли усули бор – одамга ёпиқ доира бўйлаб олиб юрувчи фикрни ташлаб бериш: “Агар... бўлганида эди,

барчаси бошқача бўлиши мумкин эди.” Дарвоқе, ўқувчиларнинг тез-тез учрайдиган саволи бор: “Фикрларнинг битта ҳалқа бўйлаб бундай юриши нима учун рўй беради, ахир бундан одам ўзини борган сайин ёмон хис қилаверади-ку?”

**Ригден:** Иккита сабабга кўра. Биринчидан, бу Хайвоний табиатнинг иши. У одамга танлов учун ички шароитларни яратиб беради. Шахснинг эса ўз қисқа умри давомида нимани афзал кўриши (Маънавий табиатининг Иродасиними ёки Хайвоний табиатининг Иродасиними) – бу унинг ҳукуқи. Аммо одамнинг хар куни давомида танлаган устуворликлардан унинг ўлимидан кейинги тақдири ҳам шаклланади. Иккинчидан, салбий фикрларнинг доира бўйлаб айланиши – бу Хайвоний табиатнинг усулларидан биридир, унинг ёрдамида у Шахсни Хайвоний ақлнинг инжиқликларига хизмат қилишга мажбурлаб, одамнинг эътиборини ўзида мужассамлаштиради, ва шунга яраша одам ўз хаётий энергиясини ўлишга қодир нарсаларга талон-тарож қилиб юборади. Гап шундаки, одам бундай ҳалқаланишда ўзини ейишни, ғазабланишни, доимо ўтмиш ҳақида ўйлашни бошлайди. Соддароқ айтганда, унинг онги бирор “шахсий” муаммонинг эмоционал, бир ёқлама қабул қилишигача тораяди ва фикрлашни айнан бундай йўналишини унга ким, нимага ва нима учун белгилаб бераётганини одам хатто тушунмайди ҳам. Ва бу ерда гап айнан шу, конкрет, ўйлаб топилган муаммода ҳам эмас (буниси ҳал бўлса, албатта бошқаси пайдо бўлади). Гап шундаки, одам ўзини бошқаришни ўрганиши керак, шунда ички муаммолар ҳам анча камаяди, ахир одамнинг хаётидаги ташқи вазиятлар айнан улардан ўсиб чиқади-да.

**Анастасия:** Бу тўғри, акс холда умрини охиригача бундай доира бўйлаб юриш давом этаверади. Худди ўша халқ мақолидагидек: “сен тортаяпсан, у ҳам тортаяпти: ким кимдан тортиб олмасин, иккаласи ҳам йиқилади”.

**Ригден:** Ушбу моддий дунёда ўзининг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги имкониятлари қачондир амалга ошмагани учун одам умрининг ярми давомида ўзини ейиши каби ҳолатлар ҳам бўлади. У руёбга чиқмаган “бахт” ҳақида хаёл суриб, ўзи учун фақат яхши тарафини кўради – унда унинг шахсий аҳамиятлилиги (буюклик истаги) қониктирилган ва орзуларида биринчи ўринда турибди. Хайвоний табиати унга навбатдаги иллюзияни тасвирлаётганини ва орзуси ушалгач, у ўзига айнан тасаввур қилганидек бўлиб чиқмаслигини одам инобатга олмайди. Бундай ҳолатда, агарда барчаси бошқача содир бўлганида, у ҳозир қандай бўлиши ва унда ҳозирги шароитлари бўлиши ёки бўлмаслиги ҳали номаълумлигини одам тушунмайди. Ахир хар бир хаётий қадам ўзгаришларни тахмин қилади ва ўз ортидан

одамнинг келажагини шаклан-тирувчи бир қатор воқеаларни келтиради.

**Анастасия:** Ҳа, токи одам ўз табиатини тушунмас экан, ҳақиқий “бахт” нимадалигини англаши ҳам мушкул бўлади...

**Ригден:** **Хайвоний табиатнинг бошқа турдаги хужуми** ҳам бўлади – юмшоқ ва тилғламали, **манманликка асосланган**. У қўпол хужумга қарама-қаршидир. Хайвоний табиатнинг бундай хужуми пайтида одамга барчаси зўрдек, барчасини эплаганидек, атрофда ҳамма уни махтаётгандек туюлади. Аммо бу вазиятга *Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчи* позициясидан қараса ва ушбу ўзига тан бериш лаҳзаларини кўриб чиқса, уларнинг барчаси эгоцентризм ва ўзини севишда қоришганлигини кўриш қийин эмас. Одамнинг онги худди шундай тораяди, ўзининг яхши кўрган сиймосида туташади, фақат бошқа тарафга. Мажозий маънода, у худди нарцисс каби, атрофда ўзидан бошқа ҳеч кимни пайқамайди. Ва босим ҳам ташқаридан ичкарига сезилади, фақат у қўпол эмас, юмшоқ, майин, эркалатувчи, ташқи нарсалар билан роҳатланиш ҳарактерига эга.

**Анастасия:** Хайвоний табиатдан яна қандай фирибини кутиш мумкин?

**Ригден:** Унинг таъсир кўрсатиш усуллари турфа хилдир. Масалан, сен кўплаб одамларнинг ҳаётига яхши маънода таъсир этувчи муҳим ишни бажармоқдасан. Хайвонча (Хайвоний табиатинг) эса бу ишнинг бошланғич босқичлариданоқ янги ғояларни тикиштира бошлайди, уларга сарфланадиган куч ва вақт эса асосий ишга кетадиган куч ва вақтга тенгдир. Айни пайтда умуман муҳим бўлмаган ғоялар ўзининг кўпдан кўп, “тезкор хал этилиш керак бўлган” саволлари билан сенинг эътиборингни тарқата бошлайди. Шу тариқа сен бу муаммоларда айланиб қоласан, ва, айтганларидек, ташвиш кўп бўлса-да, ундан наф чиқмайди. Бироқ охир оқибат, қилган ҳаракатларингни фойдалилик коэффицентини баҳолаб кўрсанг, ташвишли ишларнинг натижаси сен бажара олмаган муҳим ишга нисбатан аҳамиятсиз эканлиги аниқланади. Вақт бой берилди ва кучлар ҳеч қаерга сарфланиб кетди. Мана шу нозик алмаштирилишнинг ўзгинасидир.

Тушунчаларни алмаштириш сериясидан Хайвоний табиат хужумининг бошқа варианты. Масалан, сен хужумни қайд этишга муваффақ бўлдинг, ўз позицияларингни ушлаб қолишга эришдинг. Аммо кутилмаганда бирданга ичкарида ўзига хос ваҳима бошланади: “Қоровул! Дархол Абадийликка кетишни хоҳлайман! Нима қилиш керак?! Қандай қилиб тезда қутқарилсам экан?” каби. Бу ҳам заргарларча алмаштирилишдир. Афсуски, бундай алмаштиришлар



талайгина. Шунақаси ҳам бўладики, одам Хайвоний табиат таъсирида бўлиб, ўз устида ишлаш билан ўзини у қадар уринтирмасдан, бошқалар олдида ўзининг руҳий маънавий ривожланишдаги “ютуқлари” билан фақат маҳтанади. У ўз Хайвоний табиатини “қуролланган” холда “қўриқлаётганлигига” хатоларча ишонади (такаббурликдан келиб чиқиб). Аслида эса, бу вазият бўри ва овчи ҳақидаги ҳажвияга ўхшайди:

“Бир куни бўри ёлғиз ўзи овга чиқиш қарорига келди. У одамга ҳужум қилганини кейинчалик тўдаси олдида маҳтанмоқчи бўлди. Худди шу дамда одам битта ўзи овга чиқишга қарор қилди. У бўрини якка ўзи овлаганини кейинчалик овчилар олдида маҳтанмоқчи бўлди. Иккаласи ҳам чиқди, иккаласи ҳам тунда кўрқувдан титрарди. Иккаласи ҳам ўрмон ёқасида “иссиқ дарахтга” суяниб, жойлашиб олишди. Бир-бирига орқалари билан суркалиб, сахаргача ўтиришди. Улар қандай қилиб якка бўлиб овга чиққанини маҳтаниши ҳақида хаёл суриб ўтирарди. Улар ўзини исикқина ва қулайгина хис этарди, ва иккаласи ҳам соғ-омон қолганига ниҳоятда хурсанд эди. Бўри овчига тутилмаганидан бахтиёр эди, овчи эса бўрига тутилмаганидан бахтиёр эди”.

**Анастасия:** Бу тўғри айтилган. Одамларнинг кўпчилиги ўзини устидан реал иш билан овора бўлмайди, фақатгина ўзини хушомадли фикрлар билан юпатади, холос. Кейин эса нима учун руҳий маънавий ривожланишда натижага эришмаганига хайрон бўлади, ахир улар кўп бора ўз Хайвоний табиатига “овга чиққан эди-ку”. Нозик алмаштиришлар нақадар кўплиги, хайратланарлидир. Ўз билимингда нафақат сен ўзинг ўсмоқдасан, балки сенинг Хайвоний табиатинг ҳам худди ухламаётгандек, сени яна нимада ушлаб олиш борасида доимо такомиллашиб бораётгандек.

**Ригден:** Худди шундай. Энг кулгилиси шундаки, Хайвоний табиатнинг дастурлари андозали, бир турда. Одамлар хар гал битта хаскашга босиб олаверади, ва хар бири пешонасидан фақат ўзини зарба еган, деб ўйлайди. Хар бири унинг хаёти энг оғир, айнан унинг хаётий тўсиқлари энг мураккаб ва ўтиб бўлмас, деб ўйлайди. Аммо бундай тушкунликнинг барчаси – Хайвоний табиатнинг одамни эътиборини ўзига жалб қилувчи навбатдаги тузоғидир. Бироқ, одам бундай ҳийлаларни билса, навбатдаги ҳужумни осонгина олдиндан кўра олиши ва ўзини олиб қочиши мумкин. Хайвоний табиатнинг энг тарқалган дастурлари такаббурлик, эгоцентризм ва кўрқувда асосланган. Мана шу салбий туйғулардан хасад, рашқ, хафалик, норозилик, ўзига нисбатан раҳмдиллик, бошқаларни назорат қилиш, муҳокама қилиш, кимнидир айблаш истаги, ўзгаришлардан кўрқиш, касалликлардан кўрқиш,

яқинларни йўқотишдан кўрқиш, ёлғизликдан, ўлимдан кўрқиш ва хоказо. Бу холда мен аввал айтиб ўтган онгининг торайиш жараёнлари содир бўлади.

Аммо, қадимгилар айтганидек, **баланд тоққа чиқаётган кимсага хар қандай турмуш ташвиши кулгили кўринади.** Агарда одам ўз шахсий рухий маънавий ривожланиши билан жиддий шуғулланмоқчи экан, у биринчи навбатда ўз фикрларини тартиб-интизомга келтириши керак. Бошдан кечираётган эмоциялар, фикрлаш тарзи бўйича ўзига хисобот бериши керак, уларнинг табиатини, пайдо бўлиш механизмини тахлил қилиши керак. Вазиятдан, кундалик ташвишлардан баландроқ бўла олиши керак. Дунёни одатий бўлиб қолган Хайвоний табиатидан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан эмас, балки Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан идрок қила олиши керак. Хайвоний табиат одамга доимо одамнинг ички дунёси нима акс эттириши тўғрисида катта иллюзияни тасвирлаб туради, унда Шахсининг Эгосига урғу беради. Ва ташқи дунё ҳам унинг изоҳлашида мана шу Эгога хизмат қилиши керак эмиш. Мана шу иллюзия позициясидан у Шахсга дунё ҳақида, бошқа одамлар ҳақида хато ҳукмларни тикиштиради, ва шу билан Шахсни Ҳақнинг идрокидан узоқлаштиради. Аслида барчаси бошқача.

**Анастасия:** Сиз ҳақсиз, биз ҳаммамиз, токи ўз устимизда руҳан ишлашни бошламас эканмиз, бу дунёда иллюзиямиз. Руҳан ривожланишни бошлаганимизда эса, бу дунё ҳам иллюзия эканлигини тушунамиз. Ўз устимда кундалик ишлаш тажрибага эга бўлганим боис, сенда айнан ким бу дунёни кузатаётганини ва ўша Кузатувчи нимага асосланиб хулосалар чиқаришини аслида тушуниш муҳимлигини энди чуқурроқ англамоқдаман.

**Ригден:** Эътибор бер, ахир **Кузатувчи кузатилаётган нарсдан ҳеч қачон айрилмайди, зеро кузатилаётган нарсани у ўзининг тажрибаси орқали қабул қилади, аслида, у ўзининг жихатларини кузатади.** Дунё ҳақида мулоҳаза юритар экан, одам аслида ўзининг изоҳи бўйича фикр билдиради, у унинг фикрлаш тарзига ва яшаган тажрибасига асосланган, бироқ реалликнинг тўлақонли картинаси бўйича эмас. Уни эса фақатгина юқори ўлчамлар позициясидан ўрганиш мумкин.

**Анастасия:** Шубҳасиз, онгининг одатий холатида ўхшатишлар ёрдамида, объектларнинг ўхшаши ёки ўхшамаслиги ҳақидаги ҳукмларини биринчи навбатда ўзига нисбатан қиёслаш ёрдамида одам бундай кузатувларни олиб боради.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Одам янада тезроқ билим олиши, тажрибага эга бўлиб, уни ўрганиши, кўникмаларни эгаллаши, хулқ-атвор стилини ва хоказоларни тақлид қилиш ва ассоциатив фикрлаш орқали ўзлаштириши учун унинг табиатига таққослаш механизмлари киритилган. Шунга мувофиқ одам турли ҳаракатларни, хулқ-атвор моделларини, атрофидаги дунёни жуда тез ўрганайди. Бироқ буларнинг барчаси ўхшатиш, қиёслаш, яъни таққослаш билан боғлиқ. Ахир мулоҳаза юритиш учун таққослаш керак. Ва бу ерда кўп нарса Кузатувчи сифатидаги Шахсда Хайвоний ёки Малакий табиатининг устуворлигига боғлиқ.

Малакий табиат устуворлигида таққослаш иккиламчи рол ўйнайди. У одамнинг руҳий маънавий тажрибасини маълум ўхшатишлар орқали узатиши учун керак, холос. Ўрганиш жараёнининг ўзи, ўша руҳий маънавий амалиётда бўлсин, интуитив туйғу, онгнинг кенгайган ҳолати ва одам учун мутлақо янги ички тушуниш орқали боради-да. Унда ҳеч нарсани таққослаш керак эмас, у ерда барча жараёнларни англашнинг мантиқан тушунтириб бўлмайдиган равшанлиги мавжуд, холос. Одам ўзини руҳий дунёни, улкан яхлитнинг, ҳақиқий реалликнинг қисми деб хис этади.

Хайвоний табиат устуворлигида, Шахс моддий дунё иллюзияларининг ўйинига бутунлай шўнғийди. У ўзини доимо ким биландир бирон сифат (интеллектуал, профессионал, ташқи кўриниш, одамлар типи ва хоказо) бўйича **таққослайди**. Тушунарлироқ бўлиши учун, кел, одатий вазиятни кўриб чиқамиз. Бундай ҳолатда бўлган одам ўзининг ойлигидан каттароқ ойлик маошини олаётган ёки каттароқ лавозимни эгаллаган кўшнисини ёки ҳамкасбини тўғрисида одатда нима деб ўйлайди? Қоидага кўра, ўзи билан солиштиради, гўё, “у худди мендек-ку, менинг қаерим кам...?” ва хоказо. Хайвоний табиатдан келиб чиққан манманлик ҳам хасад механизмини ишга туширади, у эса тажовуз ва ғазабларнинг кўтарилишини келтиради. Одам ўзининг ички хатоларида атрофидаги одамларни айблайди ёки ўзини ейиш билан шуғулланади. Ўз-ўзини бостириш, ўзига зулм қилиш фикрларини одамга хайдаб бериш Хайвоний табиатга хосдир. Гўёки, у, албатта бошқалар билан солиштирган ҳолда, яна ниманидир нотўғри қилди ёки бошқалардан заифроқдек. Бундай вазиятда танқидчи Хайвонча эмас, балки Виждонинг сен учун энг яхши ёрдамчилигини эсда тутиш лозим.

**Анастасия:** Кимнидир ҳукм қилишга одамни айнан нима ундайди?

**Ригден:** Биринчидан, одамнинг ўзидаги ўша, Хайвоний табиатидан келиб чиққан устувор хусусиятлар. Бундай ҳукм чиқариш фикрлари пайдо бўлганида шунга эътибор бериш керак.

Иккинчидан, кўпдан-кўп худбинлик иллюзиялари – одамни кимнидир ҳукм қилишга итарувчи, эмоционал кўтарилишларни туғдирувчи Хайвоний табиатнинг ўрнатмалари ва фаолиятидир. Бу ўрнатмалар қуйидаги характерда, масалан: “мен фалончидан яхшироқ қила оламан”, ”менинг фикрим ягона тўғри фикрди” ва хоказо. Яъни уларнинг асосида худбинлик, сирли хокимлик, ўзига ўхшаганлар устидан кумондонлик қилиш, ўзининг хаёлий “таъсир этиш империяси”ни қуриш истаклари ётибди – булар, аслида одамни бошқариш ва манипуляция қилиш учун Хайвоний табиатнинг асбоблари.

Учинчидан, кимнидир ҳукм қилишга одамни Хайвоний табиатнинг аслида мавжуд бўлмаган муаммоларни излаб топиш ёки ўйлаб топишга уринишлари итаради. Муаммолар йўқ бўлса-да, аммо улар ҳақидаги фикрлар онгида салбий тимсолни узоқ вақт ушлаб туришига одамни мажбур қилади. Салбий тимсолни ушлаб туриш эса Шахснинг салбий фикрлаш одатини ишлаб чиқаришга ёрдам беради, яъни одам нимани ўйламасин ёки гапирмасин, унда доимо барчаси ёмон, салбий бўлади, ва, асосийси, буни у бениҳоя узоқ ҳукм қилади.

Бу нимага олиб келиши мумкин? Ушбу жараён одамнинг диққатини мазкур фикрларда узоқ вақт давомида мужассамлаштиради ва ушлаб туради. Диққат эса – бу куч, яратувчиликнинг бошланиши. Диққатни мужассамлаштириш энергияларнинг маълум турларини мужассамлаштириш ва тўплашга қодир. Уларнинг кўтарилиши эса кўринувчи ва кўринмас дунёларда айнан ҳаракат, (эмоцияларни, фикрларни, ҳаракатларни, воқеаларни) яратиш актини туғдиради. Бу, ўз навбатида, одамнинг хаёти давомидаги ва жисмоний тананинг ўлиmidан кейинги тақдирини шакллантиради. Ушбу яратувчиликнинг натижаси ижобий ёки салбий бўладими – одамнинг танловига, унинг устуворликларига, кундалик фикрлаш тарзига, унинг ўз фикрлари ва эмоцияларини қанчалик назорат қилиши ва тартиб-интизомга келтиришига боғлиқ.

**Анастасия:** Одамдаги ўзига хос сабабсиз тажовуз ҳолатини Хайвоний табиат қандай усуллар билан келтириб чиқаради?

**Ригден:** Одам ўз фикрлашини шахсий такаббурлигида доиралаб қўйганида, ўзининг “обрўли фикри”ни таниш ва яқин одамлари доирасида устувор бўлиши учун курашга кўп вақт ажратганида “сабабсиз” тажовуз ҳолатлари айниқса тез-тез учрайди. Табиийки, бундай одамда Хайвоний табиати устувордир, у одамни ўзининг дастурларига ва ўрнатмаларига боғлаб қўяди. Бундай вазиятда одам

моддий Ақл томонидан истеъмолчилик қадриятлари тизими орқали осон бошқарилувчан бўлиб қолади. Бу тизимда эса Хайвоний табиатнинг битмас-туганмас эҳтиёжлари асосий ўрин тутган.

**Анастасия:** Нима сабабдан ўзи хусусидаги кимнингдир фикри одамни шунчалик қайғуга солади ва унга тинчлик бермайди?

**Ригден:** Ўзини ва бошқаларни баҳолаш, сўнг эса таққослаш аслида одамнинг хайвоний қисмидан келиб чиққан. "Альфа-эркак" ёки "альфа-урғочи" бўлиш қадимий инстинкти. Хайвон доимо рақибнинг кўзига каттароқ ва чиройлироқ бўлиб кўринишга интилади. Шунинг учун кимнингдир у ҳақидаги фикри одамни шунчалик қайғуга солади ва тинчлик бермайди. Қоидага биноан, бу шундай бўлиш эмас, балки туюлиш истаги билан чегараланади. Одамни "бошқалар нима дейди?" саволи қайғуга солади. Аммо айнан ким уни хукм қилиши ҳақида ўйланиб ҳам кўрмайди. Ўз кибри ва калондимоғлигидан одамда бошқа одамларнинг Хайвоний табиати олдидаги кўркуви пайдо бўлади. Нима учун? Чунки бегонанинг танқиди бу вазиятда унинг Эгосининг қадрини пастга уриш деб кўрилади. Гарчи булар барчаси битта жараённинг томонлари: ўзига ўхшаганлар устидан устувор бўлиш, хокимиятга эгалик қилиш учун кураш.

**Анастасия:** Мазкур вазиятларнинг барчасини олдини олиш учун *нима қилиш кераклигини* ўқувчиларимизга гапириб берсангиз.

**Ригден:** Одам (Шахс) танада мужассам, тана эса – Хайвоний табиат ота меросидир. Бўлажак хужумларни била туриб, хамиша контрхужумни амалга ошириш мумкин. Бу худди разведкадагидек. Сендан куч борасида анча устун келган рақибга қарши туриш кўзда тутилган бўлса, оператив равишда қарши туришни ташкил қилиш учун унинг кучини миқдорини ва сифатини, дислокациясини, тактикасини ва ҳаракатларининг усулларини билиш муҳимдир. Шунда бу сенинг ғалабага бўлган имкониятларингни кўпайтиради.

*Сенинг ақлингда содир бўлаётган таққослаш жараёнларини назорат қилишинг керак. Ўзинга иложли борича тез-тез саволлар бериб туришинг керак, масалан бундай характерда: "Ҳасад қаердан келиб чиқади?", "Мен нимани ва кимни таққослаяпман?", "Мазкур таққослаш ўринлими?". Одамлар "бир хил" бўлмайди: хар бир одам индивидуал ва ўзига хос тузулиши, генетикаси, характери, иқтидори, меҳнатсеварлиги ва хоказолари билан фарқланади. Улар нафақат кўринувчи, балки кўринмас тузулишида ҳам индивидуал хосиятларига*

эгадир. Соддароқ айтганда, хар бир одамнинг ўзининг қисмати, ўзининг тақдири бор. Албатта, ўз Хайвоний табиати намоён бўлишида “Таққосламаслик, кеккаймаслик, хасад қилмаслик!” шиорини қўллаш яхшироқ бўларди. Хар бир вазиятга Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан, яъни Хайвоний табиатнинг фикрлари ва эмоцияларини бир чеккага суриб қараши керак..

Одамларни ва вазиятларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиши керак, ахир хар бир вазият, ундаги хар бир одам – ўзига хос ўқитувчидир. Хар қандай, хатто салбий вазиятдан ҳам ижобий сабоқлар олишни билиши керак. Борига қониқишига ўрганиши керак. Ахир қониқиши туйғусининг илдизи ташқи дунёда эмас, балки одамнинг ички дунёсида, унинг чуқурликдаги истагида. Агарда одам Рухий Маънавий Шахс бўлишни хохлаш экан, унинг истаклари ҳам рухий маънавий жонбозликка қаратилгандир.

Одам шуни эсда тутиши керакки, туюлиши интилиши, бўлиши дегани эмас. Асосийси, Қалбдан чиқаётган туйғуга, ичкарасига таяниши керак. Бошқа “хайвончаларнинг” фикри учун яшамаслик. Энг зўр ҳакам – бу Виждон. Фикрларни диққат билан кузатиши каби шахсий қарорига келгач, пала-партиши иш тутмоқликни ўзига руҳсат бериши қийиндир. Одамнинг ўз олдидаги самимийлигининг софлиги муҳим, ахир у ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, Худо доимо у билан.

Кўпинча одамлар, ўзини қилиқларининг тахлили, фикрларининг назорати ва интизоми билан урунтирмасдан, кимнингдир хаётига маслаҳатлари ва ўғитлари билан аралашади. Шуни эсда тутиши керакки, одамлар суҳбатдошини хавотирга солган нарсалари эмас, балки ўзлари учун ечимини топмоқчи бўлган саволларни муҳокама қилишади. Бир донишманд айтганидек: “Кимнидир ўргатаётиб, ўзинг ҳам ўрган, ва қачондир нималарни ўргатаётганингни тушуниб оласан”. Бошқаларни хаётига ҳадеб аралашмаслик керак. Бироқ хар бир индивидга шахсий танлов ҳуқуқини тақдим этиши керак. Хар бир одам ўзи танлаган хаёти учун кейинчалик жавоб беради. Намуна бўлиши, ўз фикрлари, сўзлари ва ишлари учун маъсулиятли бўлиши – Инсонга муносибдир. Сендан сўрамаганларида маслаҳат бериши, хохламаганларида ўргатиши ҳам, хатто у данганса ва адашаётган бўлсин, аммо бу Шахсни мажбурлаш демакдир.

Хаёт хар бир одамдан унинг имкониятларига яраша олади ва хар бир одамга унинг хизматига яраша беради, бунинг устига ташқи эмас, балки ички хизматларига яраша. Ўз ички дунёингни қанчалик ўзгартирар, ўзингнинг устингда, ўз сифатларингни яхшилаш устида қанчалик кўпроқ ишлар экансан, бу ўзгаришлар шунчалик ташқи дунёга проекцияланади. Одам Малакий табиати устуворлиги ҳолатида

бўлар экан, у онгининг хотиржам, равшан ҳолатида ўзини фикрларини ва қилмишларини тахлил қилади. Хаар қандай ташқи вазият, бошқа одамлар томонидан салбийлик провокациялари унинг учун ўз устида ишлаш, ўзини мукаммаллаштиришда маълум тажриба орттириши учун сигналдек. Ахир, қоидага биноан, провокация одамнинг ўзидан чиқаётган импульсдан рўй беради, шунинг учун фикрларни, сўзларни ва эмоцияларни назорат остида ушлаш керак. Ички гумонлардан ташқи тартибсизлик келиб чиқади. Қатъий билим – бу сокинлик ва тартиб. Одам ўзини назорат қилишни ўрганганида, у жойидан силжishi учун ташқаридан турткини кутиб ўтирмайди, у ўзини мукаммаллаштириши йўлида мустақил юради. Эсда тутиши зарур: доно инсон душманидан ҳам сабоқ олади.

Хайвоний табиатнинг мақсади ва вазифалари – одамни энг муҳимдан – рухий маънавий ривожланишидан чалғитиш, эътиборини унинг “заиф жойларида” тутиб олиш. Хайвоний табиатнинг ҳужумларининг усуллари турлича. Аммо умумий лаҳзалар мавжуд. Ушбу тўзоқлар доимо ўз асосида у ёки бу шаклдаги худбинликка эга: ё ўз-ўзини фикран азоблаш, ўзига раҳми келиши сифатидаги мазохизм, ёки нарциссизм, яъни ўз-ўзини севиш. Мана шулар Хайвоний табиатнинг иккита асосий бир-бирига зид ҳолатлари. **Доимо Хайвоний табиатнинг ҳужумларида ичкаридан ташқарига бўлган оқимлар ғойиб бўлади ва ташқаридан ичкарига босим пайдо бўлади, бу эса хис-туйғули даражада аниқ кузатилади.** Агарда сен Шахс сифатида рухий маънавий озодликка интилаётган бўлсанг, шу каби провокацияларни тўхтатиб қўясан, холос. Бу эса жуда муҳим, чунки ҳужум бошланишини пайқаганингда ёки хис қилганингда, хайвоний табиатинг билан бўлган жангни ярмини ютиб олган бўласан. Ахир Хайвоний табиатнинг кучи маҳфий ҳаракатларда. Буни билар экансан, доимо қарши чораларни кўришинг мумкин.

Мажозий маънода, бу худди шарқ яккакурашлардагидек. Агар сен, рақибингдан кўра психологик ва жисмонан яхшироқ тайёрланган бўлсанг, унинг кураш усуллари, одатларини билсанг, ҳужумнинг заррача намоён бўлишларини ўз вақтида кўра олсанг ва унинг “тождор зарбаларига” тўғри реакция кўрсатсанг, демак сенда қарши ҳужум уюштириш учун вақт бор, бу эса ғалабининг имкониятлари кўпроқ дегани. Аммо хайвоний табиатинг – бу сенинг рақибинг эканлигини сен гумон ҳам қилмасанг, уни шеригинг деб ўйласанг, у холда, албатта, сенинг ғалаба қозониш имкониятларинг ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ахир унинг таъналари ва тажовузкор ҳужумларини ўзининг табиий ҳолатинг деб қабул қилсан, ҳаёт сени нега ва нима учун шунчалик калтаклаётганини тушунмайсан, унинг заррача провокацияларига доимо

тутилиб қолаверасан, шу билан ҳақиқий сен қаерда-ю, қалбакиси қаердалигини фарқламайсан ҳам.

Ўзингни тартиб-интизомга қанча кўп мажбурласанг, Хайвоний табиатинг ниятларига қанчалик кўп қарши турсанг, унинг устидан шунча кўп хоқимликка эришасан. Бу ерда худди урушдагидек: ё сен душманни, ёки у сени. Сенинг вазифанг – қандай қилиб бўлса-да ғалаба қозониш, шу ерда ва хозир! Вақт тез оқувчидир, хар қандай эзгуликка чакқон бўлмоқ ва ўз Қалбини қутқариш ниятида қатъий бўлмоқ керак.

**Душман қароргоҳида яширинган аскар ширинликларни ҳам, бойликни ҳам, ўйин-кулгини ҳам ўйламайди. У ғалабада мужассамлашган бўлади. Аскар уч карра огоҳ бўлади, чунки у душманнинг лагеридадир. У урушнинг маълум лаҳзасини ютишни ўйлайди. Ҳақиқий аскар ўзининг чуқурликдаги туйғуларини кўринувчи дунё гуноҳларидан сақлайди. Бировникига хасад, ўчлик, рашқ билан қарамайди. Дунё иллюзиялари билан бузилиб кўрсатилган тасаввурга эрк бермайди. Зеро дунё иллюзиялари душман қароргоҳининг ўзгинасидир ва уларга бўлган ўчлик азобларга олиб келади. Аскар жорий жангни бой берганида ғазабга эрк бермайди. Зеро душман уни қарши туриш лаҳзасида қанчалик куйдирган бўлмасин, барчаси аскарга наф келтиради, зеро унинг руҳи кучаяди ва кейинги хатти-ҳаракатлари ақллироқ ва донороқ бўлади.**

**Анастасия:** Хайвоний табиат томонидан ўрнатилган торайган онг холатининг қуршовидан одам қандай чиқиб кетиши мумкин?

**Ригден:** Хайвоний табиатнинг хужумида эканлигингни тушунар экансан, унинг қуршовидаги холатдан чиқиб кетиш мумкин ва лозим. Хайвоний табиатнинг ҳам аслида заиф жойлари мавжуд. У икки лаҳзадан кўрқади: **вақтнинг тез оқиши ва тананинг ўлишидан.** Шунинг учун хужум пайтида биринчи қилинадиган нарса – **танага боғланганликдан** хаёлан кетиш, унга *Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчи* позициясидан, онгнинг кенгайган холатидан қараш, худди коинотдан Ерга қарагандек. Вақт тез оқиб кетишини ва барчаси жуда тез ўтиб кетишини, сенинг жисмоний тананг, унинг барча истаклари ва талаблари каби, ўлишга қодирлигини англаш керак.

Ундан кейин **дунёни идрок қилиш картинасини** кенгайтириш зарур. Вазиятни хар томонлама *Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан* таҳлил қилиб чиқиш керак. Ўз ички дунёси ҳақидаги саволга танқидий ёндошиб, дунё ҳақидаги билимларни қўллаб, одам ўзининг Хайвоний табиатининг маҳфий истакларини ковлаб топиши



керак. Қоидага биноан, унинг кўпдан-кўп истакларининг асосида кимнингдир ёки ниманидир устидан хукмронлик қилиш чанқоғи ётади. Аммо бу истакни у турли маҳоратли баҳоналар билан ола-була қилиб бўяб ниқоблаб қўяди.

Ва, албатта, ундан сўнг бундай тажовуз таъсирида қўзгалган нейронларни тўхтатиш керак. Соддароқ айтганда, **руҳий маънавий амалиётларни бажариш** керак, масалан **“Нилюфар гули”**ни, унинг таърифини сен **“Сэнсэй”** китобида бергансан. Бу амалиётга туфайли дунёнинг яхлит идроки тикланади. Онгнинг чекланганлиги олиб ташланади, Қалбдан чиқаётган туйғуларнинг чуқурлиги намоён бўлади. Яъни **ичқаридан ташқарига чуқур туйғуларнинг оқиб чиқиши** рўй беради. Табиийки, онг холатининг бундай ўзгаришидан сўнг одам дунёнинг ижобий идрокига кўчади. Мазкур ахборотни мия қайта кодлаётиб, ижобий эмоциялар билан бўялган ўхшатишлар қаторини чиқариб беради.

**Шундай экан, демак онгнинг торайган холатидан чиқиш фаол тарзда қарши асослаш билан, материянинг вақтинчалиги ва ўлишга қодирлигини тушуниш билан, руҳий маънавий йўл кўрсатгичларига қараб яшашни танлаш ва керакли ижобий тўлқинга тўғриланиб олиш учун шунга яраша асбобларни қўллаш билан боғлиқдир.** Одамларга кўпинча айнан элементар асослаш етишмайди, яъни торайган онгдан чиқиш ва дунёнинг хажмли суратини кўриш учун ўзини ишонтириш учун сўзларни топиш. Шунинг учун хар кунда ўз устида ишлаш, ўз олдидаги маъсулиятни тушуниш муҳимдир. Шунини эсда тутиш керакки, токи онг, аниқроғи, Шахс ўзининг устувор танловида хали қатъий эмас экан, одам лиқилдоқ ва ўзининг шубхаларида бўлаверади. Ўз руҳий маънавий йўлингда барқарор туриш учун хаётингда нимага эришмоқчилигингни, якуний мақсадинг нималигини аниқ билиш лозим. Мақсад бўлмаса, *хаёт* ҳам бўлмайди, зеро *хаёт* – мақсадли ҳаракат деганидир.

**Анастасия:** Айрим ўқувчилар хатларида шунга эътибор қаратмоқдаки, руҳий маънавий амалиётларни бажариш ёки ибодат пайтида уларда тўсатдан ваҳимали кўрқув пайдо бўлади. Буни қандай тушунтириш мумкин?

**Ригден:** Барчаси одамнинг ўзига, унинг мосланганлигига ва унда рўй бераётган жараёнларни тушунишига боғлиқ. Чунки ўзингда айнан нима рўй бераётганлигини билганингда, хар қандай вазиятдан чиқиб кетиш учун шунга мос чораларни хамиша қўллай оласан. Субшахслар ўз ўтмишларида асосан материяни танлаганлари боис аксарият холларда Қалбни ва унинг дунёсини (Худонинг дунёсини) ёқтиришмайди.

Медитациядаги одам Қалби билан бирлашгани интилганида, қуйидагилар ҳам намоён бўлиши мумкин. Афтидан, одам фикрлаш жараёнини ўчиргандек (тўхтатгандек) бўлади, яъни фикрларни олиб ташлаб, Қалби билан хис-туйғули алоқага соланади, бироқ бу ерда Хайвоний табиат ҳужумининг бошқа намоёндаси пайдо бўлиши мумкин: бирор кўринувчи сабабсиз ўсиб борувчи мутлақо асосланмаган ваҳимали кўрқув пайдо бўлади. Одамга гўё танасини назоратини йўқотаётгандек, яна бироздан сўнг ўлиб қолиши мумкиндек туюла бошлайди. Бундай кўрқувнинг илдизлари қаердан ўсиб чиқмоқда? Айнан мана шу “субшахслар-ёруғлик филтрлари”дан-да, улар Қалбнинг кучидан кўрқади, чунки уларда қайта туғилиш тажрибаси мавжуд, ўзининг ўлимга маҳкумлигини, барча моддийликнинг ўлиши муқарраллигини тушуниши мавжуд.

**Анастасия:** Шунга ўхшаш кўрқув пайдо бўлганида, нима қилиш керак?

**Ригден:** Бунга ўхшаш ҳолат содир бўлганида, масалан, медитацияларда, ҳеч нарсага қарамасдан Қалбнинг ёруғлиги томон юриш керак, ваҳимани менсимасдан, янада кучлироқ туйғуларга чуқурлашиш керак, шунда ўша кўрқув ғойиб бўлади. Ахир кўрқув шубхаларни туғдиради. Аммо руҳий маънавий чўққиларга эришиш учун сенинг самимий ишончингни софлиги керак. Одамни кўпинча айнан шубхалар ва одатий ҳаётдан айрилиш кўрқуви ушлаб туради.

Бу борада бир қизиқарли ривоят мавжуд. ”Бир куни одам жарликка тушиб кетди. Бироқ тушаётганида қоянинг ёриқ жойидан ўсиб чиқаётган кичиккина дарахтнинг шохига илиниб олишга муваффақ бўлди. Жарлик ўртасида осилиб турар экан, у ўз холининг умидсизлигини тушунди: юқорига чиқишга ҳеч қандай имкон йўқ эди, пастда эса фақат харсангтошлар ётарди. Шохни ушлаб турган қўллари мадорсизланиб борарди. Одам ўйлади: ”Менга ҳозир фақат Худо ёрдам бера олади. Мен унга ҳеч қачон ишонмаганман, лекин афтидан, мен адашган кўринаман. Агарда Унга ишонсам, ҳозирги ҳолатимда нима йўқотяпман? ”Ва у бор самимийлиги билан Худога ёлворди:” Худо, агарда мавжуд бўлсанг, мени қутқар! Мен ҳеч қачон сенга ишонмаганман, аммо мени ҳозир қутқарсанг, шу лаҳзадан бошлаб, сега доимо ишонаман”. У бир неча бор мурожаат қилди. Тўсатдан осмондан овоз келди:” Сен ишонасанми? Йўғе, сендақаларни биламан”. Одам шунчалик кўрқиб кетди ва хайрон қолдики, шохни қўйиб юборишига сал қолди. Лекин, кейин, ўзига келгач, янада кўпроқ ёлворди: ”Илтимос, Худоим! Бундан буён мен Сенга ҳаммадан содиқроқ бўламан ва Сенинг иродангга кўра иш тутаман, фақат мени қутқарсанг бўлди!” Аммо Худо норози эди ва одам Унга янада

кучлироқ ялиниб ёлворарди ва ишонтирарди. Нихоят Худонинг раҳми келди ва У деди:” Яхши, шундай бўлақосин. Мен сени қутқараман. Шохни кўйиб юбор.” “Нима?! Шохни кўйиб юборай? – қичқирди одам – Сен мени ақлдан озган деб ўйлаяпсанми?” Хаётда ҳам шундай. Одамнинг хаёти, аслида, жарлик устида осилиб туришдир. Ва унинг холати ўлим билан тугашини тушунса-да, у ўзининг Хайвоний табиатининг шубхалари шохини йўқотишдан ва Худонинг иродасига таянишдан кўрқиб, шохни иккала қўллари билан ушлаб туради.”

Шунинг учун, медитациядан сўнг ўхшатишларнинг расшифровкаси рўй берганида, Абадийликдан сенда айнан ким кўрқишини тахлил қилиб чиқиш керак. Азалдан турли халқларнинг руҳий маънавий, диний, мистик мактабларида, турли диний тизимларда ”Мен кимман?” мавзусидаги ўзини тахлил қилиш усули ва шунга яраша техникалар ишлатилган. Улар қадимдан маълум, айниқса Қадимги Хиндистонда ва Шарқ давлатларида улар оммалашган эди. Уларни масалан, қадимги йоглар, суфийлар, шаманлар амалиётда қўллаб келишган.

Агар эсингда бўлса, ушбу техника медитация холатида **“Мен кимман”** мавзусидаги **фикрларни** айлантиришдан иборат. Унда ўзингни хар бир хаёлий жавобингга янги хаёлий савол бериш керак. Шу билан, қандай фикрлар келаётганини кузатиш керак, уларнинг келиб чиқиш табиатини хис этиш, тез-тез: ” Мендаги жавоб бераётган ким?”, деб ўзингдан сўраб туриш керак. Барча фикрлар сокин оқиши мақсадга мувоффиқдир, уларни у қадар ўйламаслик ва диққатни қаратмаслик керак. Фикр келдими, шу заҳотиёқ уни савол билан кутиб оламиз ва мияга келган биринчи жавоб билан кузатамиз. Лекин, асосийси, ўзингга, ичкарига чуқурроқ ва янада чуқурроқ тушишинг.

**Анастасия:** Ҳа, сенинг онгингда ким устуворлигини тушуниш учун фикрлар ва сезгиларни аниқлаштириш техникаси жуда қизиқарли. У ўзингни тахлил қилиб тушуниб олишингга, донларни пўстлоқлардан ажратиб олишга ҳақиқатан ёрдам беради. Дўстларим бу техника хусусидаги таассуротлари билан ўртоқлашгани ёдимда. Турли-туман саволлар янгради, улар ўз Хайвоний табиатини хар қандай саволлар билан фош этишарди – “Мен кимман?” “Саволни ким бермоқда?” “Мен – танаманми?” “Аммо тана ўлади” “Мен талабаман”. “Бироқ талаба – бу статус”. “Мен билим олаётган кимсаман”. “Аммо ким билим олмоқда?” “Мен одамман”. “Менда ким ўзини одам деб атаяпти ва нима учун?” “Мен одамларни яхши кўрувчи одамман”. “Лекин мендаги ким яхши кўрмоқда?”. “Менинг танам бор”. “Тананг бўлса, сен ўзинг кимсан?”. “Тана – бу мен эмас, аммо мен ундаман”. “Мен ўзи ким?” “Бор-э... Мен – бу Мен, яхлит ва бўлинмасдир”. Шундай қилиб, Хайвоний табиат ҳам “ҳазилкаш”дир. Ушбу машқ жуда яхши, у одамга ўзининг

чуқурликдаги “Мен”игача, ўзининг кўркувлари ва муаммоларигача етиб боришга ёрдам беради.

**Ригден:** Ҳа, Хайвоний табиат, ҳалокат каби: қийнайдиам, ўргатиб ҳам қўяди. Шунга ўхшаш фикрлар қаердан келаётганини, у ёки бу муаммо, у ёки бу кўрқув илдизи сенда қаердан пайдо бўлаётганини англаб экансан, булардан қандай қутулишни ва ўз ҳолатингни қандай бошқаришни ҳам тушуниб оласан. Ушбу ўзини таҳлил қилишнинг медитатив техникасининг тўғри бажарилиши кейинчалик онгнинг тиниклиги ва равшанлигига олиб келади.

Эслатиб ўтганимдек, Хайвоний табиатдан келиб чиққан юзаки туйғулар билан Малакий табиатдан келиб чиққан чуқурликдаги туйғулар (олий Муҳаббат намоён бўлишининг ҳақиқий туйғулари) ўртасида аҳамиятли фарқ мавжуд. Маънавий амалиёт пайтида, масалан “Нилюфар гули” амалиётида, Қалб билан яқинлашиш ҳолатига шўнғиш учун чуқурликдаги туйғуларни хис этиш учун, сенинг самимиятинг, сенинг Худога очиқлигинг керак, ҳеч нарсага қарамасдан, Қалбнинг ёруғлиги томон юриш керак. Мазкур медитацияда Худога бўлган Муҳаббат туйғуси оширилади. Бошқача айтганда, Қалбдан чиқаётган куч ўзининг тўғридан-тўғри вазифаси бўйича ишлатилади. Қайд эт, ҳақиқий руҳий маънавий амалиёт – бу чуқурликдаги туйғулар билан ишлашдир, асло фикрлар билан эмас. Бундай онларда одамда, қалбида каби, битта руҳий маънавий истак устувордир.

**Анастасия:** Айнан Қалбдан чиқаётган кучнинг соф оқими билан тегишиш Шахс учун ниҳоятда муҳимдир.

**Ригден:** Албатта, бу ҳозирги Шахсга кўпроқ руҳий маънавий куч бағишлайди, у Қалбнинг дунёсини, Худонинг дунёсини кўпроқ хис этишни ва у дунё билан бу дунёнинг ўртасидаги аҳамиятли фарқни тушунишни бошлайди. Дарвоқе, бу жисмоний даражада – тана сатҳида ҳам акс эттирилади, чунки бундай ҳолат пайтида кучларнинг кўпайиши, эндорфинларнинг ва бошқа “бахт” гормонларининг кучли кўтарилиши рўй беради, одамнинг жисмоний ва психологик ҳолати сезиларли яхшиланади.

Айниқса чуқур медитацияларда бу билинади, уларда одамнинг барча ниқоб-сиймолари олиб ташланади, Шахс ва Қалб ўртасида ахборот алмашинуви амалга ошади. Эътиборли томони, бундай ҳолат ҳамма медитацияларда рўй бермайди, балки айнан чуқурликдаги хис-туйғули даражадаги иш билан боғлиқ ва Қалбнинг ўйғонишига қаратилган медитацияларда содир бўлади (масалан, “Нилюфар гули” руҳий амалиёти). Одам Қалбнинг дунёсини, Худонинг дунёсини туйғулари

билан тўлиб тошади. Идеал ҳолатда медитацияни бажарувчи ўзининг бутун фикрий- сиймоли идрокини ўчириб қўйиб ва барча фикрларни бир чеккага суриб, руҳий маънавий амалиётга хис-туйғули равишда шу қадар чуқур шўнғийдики, натижада Қалбдан чиқаётган кучларнинг оқимларини тўғридан-тўғри қабул қилишни бошлайди.

Шахс бундай чуқур медитацияларни бажариш вақтида у дунёни ва моддий дунёда ўхшаши йўқ жараёнларни хис этади. Шунинг учун у дунёни (Қалбнинг дунёсини, Худонинг дунёсини) сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Уни фақатгина хис этиш мумкин. Бундай чуқур медитатив ҳолатда одам ҳақиқий Озодлик нималигини тушунишни бошлайди, Хайвоний табиатининг ўрнатмаларидан, атрофидаги моддий дунёнинг тажовузкорона таъсиридан ич-ичида мустақил бўлади. У руҳан кучаяди, ушбу моддий дунё – бу унинг жонажон дунёси эмас, бу унинг Қалби учун тажовузкор ва хавфли муҳитлигини англашни бошлайди. Аммо буларнинг барчаси, албатта, одам руҳий маънавий амалиётларни маъсулиятли равишда бажариб борганида, ўз Хайвоний табиатини тизимли кузатганида, фикрларини назорат қилганида, ташқи дунёда эзгу ишларни амалга оширганидагина, содир бўлади. Яъни одам астойдил ўз устида ички ишни олиб борганида ва эзгу ишлар, фикрлар ва туйғулар юкини тўплаганида. Аммо бундай одамларнинг сони, қоидага кўра, бир неча нафар, холос.

Асосан одамлар, руҳий маънавий амалиётларни бажариб кўрганида, моддий мия, аниқроғи онг даражасида содир бўлаётган маълум бузилиб кўрсатилиш билан тўқнашади. Айнан шу ҳақда мен аввал сўзлаб берган эдим. Қалбдан чиққан ахборотли оқим ўтадиган “ёруғлик филтрлари – субшахслардан” ташқари яна, айтайлик, миянинг ўхшатиш “ёруғлик филтрлари” мавжуд. Аслида, бу бизнинг ҳаётини тажрибамиз, таасуротларимиз ва хоказолар тўпланадиган хотирамиз омборида сақланаётган ўхшатишлар, ассоциациялардир. Уларнинг аксарияти уч ўлчамли дунёга тегишли. Гап шундаки, одамнинг онги тананинг туғилишидан оқ бу дунёни идрок қилишга тўғриланган, гарчи унда турли ҳолатлар, иш режимлари дастурланган бўлса ҳам. Онгининг ҳолатини ўзгартириб, идрокнинг бошқа дастурларига одам ўтиши мумкин.

Шундай қилиб, медитация пайтида келган ахборотнинг қайта ишланиши вақтида ассоциатив бузилишлар рўй беради. Агарда одам онгининг ўзгартирилган ҳолатида ахборотни бундай қабул қилишга тайёрланган бўлмаса (мазкур Шахснинг тизимли равишда руҳан ишламаганлиги сабабли, шунчаки, вақти-вақти билан шуғулланганида), у ҳолда мия қабул қилган ахборотни расшифровка қилаётиб, хотирада сақланаётган ўхшатишлар ва одатий дунёнинг устуворликлари

даражасида чиқариб беради. Бошқача айтганда, қабул қилинган ахборот қайта ишланаётганида моддий дунё ассоциациялари билан бузилади. Шунга ўхшаш ҳолат, лекин камроқ даражада, медитациялар билан шуғулланишга уринган, бироқ Хайвоний табиатининг фикрларини назорат қилиш борасида ўз устида кам ишлаётган одамларда ҳам кузатилади.

**Анастасия:** Муаммо ҳам шунда-ки, руҳий маънавий амалиётлар билан шуғулланишни бошлаган одамлар, бунинг маъноси нимада, айнан нима дил қувончи учун шароит яратиб беришини ҳали яхши тушунмайдилар. Улар ўз онгидаги фикрларни ва туйғуларни ажратмайди: Хайвоний табиатники қаерда-ю, Малакий табиатники қаердалигини. Уларга кўпроқ моддий дунёда у ёки бу сабаб билан қувониш тушунарли, чунки бунинг тажрибаси уларда бор. Шахснинг Руҳий Олам билан алоқасини ўрнатувчи ва ҳақиқий дил қувончи нималигини тушунчасини берувчи руҳий амалиётлар, яшаётган Шахс учун барча янги нарса каби, бошида Шахснинг фаол ишлашини, қунтини, сабр-тоқатини, ўзига ишончини, мақсад сари интилишини талаб қилади. Бошқача айтганда, янги тажрибани эгаллашини, унинг устига одам учун ноодатий бўлган онгининг ҳолатида.

**Ригден:** Бу тўғри, шунинг учун ҳам бошлаётганларга бошланғич ахборотни ўхшатиш мисолларида, ривоятларда ва хоказоларда қабул қилиш осонроқ. ”Ёруғлик филтрлари“ ҳақида гапирганларимни янада тушунарлироқ бўлиши учун мажозий мисолда ёритиб бера қолай. Қалб – бу зилол манба, булоқ каби. Агарда сен Қалбнинг хис этсанг, у билан доимий туйғули алоқада бўлсанг, ҳаётингдаги муҳим руҳий маънавий, эзгу ишлар, бошқаларга ёрдам беришинг худди кимдир сенга юқоридан кўмаклашаётганидек амалга ошади. Хатто вазият гўё сенинг фойданга бўлмаса-да, барчаси бир-бирига туғриланиб туради. Ва асосийси, сен ушбу чуқурликдаги қўллаб-қувватланишни хис этасан, худди буни олдиндан билганингдек. Аммо Хайвоний табиат, одатда, ҳираликсиз, билдирмасдан сенга ўйиннинг ўз қоидаларини тикиштиришни бошлаганида, Қалб билан туйғули алоқа йўқотилади, аниқроғи, анча қийинлашиб қолади. Мажозий маънода, Хайвоний табиатнинг ўйини сенинг эътиборингни қанча кўп қамраб олса, шунчалик Қалбнинг мана шу зилол булоғининг сатхи ҳам парда билан тортилади. Ва турмуш муаммоларини Хайвоний табиатинг призмаси орқали кўриб, уларга қанчалик чуқур шўнғисанг, мана шу парда ҳам шунчалик қалинлашаверади. Шунга яраша, Шахснинг Қалб билан, ва табиийки, Худо билан алоқаси қийинлашади. Сенда Хайвоний табиатинг томонидан тикиштирилган кўрқувлар пайдо бўлади, кўпдан-кўп беҳуда уринишлар пайдо бўлади, кўплаб муаммолар ёғилади. Сен ўз устингда руҳан ишлаш муҳимлигини тушунишдан тўхтайсан,

атрофингдаги одамларни сабабсиз айблашни ва улардан хафа бўлишни бошлайсан. Шунга ўхшаш холатни кузатсанг билгинки, бу сенинг Хайвоний табиатингни навбатдаги ҳужумидир ва тезкор чораларни қўллаш зарур – Қалб билан йўқотилган алоқани тиклаш, мажозий маънода айтганда, мана шу қалинлашган пардани ёриш керак. Ва зилол сувга етиб келганигда ўйлаб топилган муаммолар ҳам йўқолади, сен яна асосий нарсани тушуна бошлайсан ва асосий мақсадингни кўрасан.

Шахс – бу туғилиш эҳтимоли мавжуд бўлажак Рухий Мавжудотни индивидуал Онгининг муртагидир. Ўз холича у рухий жихатдан ҳеч нарса эмас. Қалб эса ўзида катта потенциални мужассамлаштиради. Аммо Шахснинг Қалб билан қўшилиши содир бўлмаса, ушбу потенциал бекорга сарфланиб кетади. Ва фақатгина, шартли равишда, тебранишлар резонанси, ўзига хос қўшилиш, Қалбнинг Шахс томонидан “уруғлантирилиши” рўй берганида, фақат шундагина янги, абадий индивидуал онгга ва улкан рухий потенциалга эга Рухий Мавжудот туғилади. Одамнинг хаётининг маъноси ҳам шундадир: ё Хаёт билан ғалаба қозониш, ёки Ўлим билан таслим бўлиш.

**Анастасия:** Ҳа, голиб деб ортида Ўлим эмас, балки рухий Хаёт турган кимсага айтилади.

**Ригден:** Шубҳасиз. **Рухий Хаёт нима дегани?** Хаёт – бу воқеалар кетма-кетлиги, унда ҳар бир он худди кино тасмасидаги кадрдек, унда одамнинг барча ҳатти-ҳаракатлари ва фикрлари қайд этилган. Шунақаси бўладики, яхши фильм кўрганигда ундан ижобий таассуротлар оласан, чунки ундаги кадрнинг аксарияти ёруғ ва ёрқин. Яна шунақаси ҳам бўладики, бошқа фильмни томоша қилар экансан, у сенда руҳни эзадиган кайфият яратади, чунки ундаги аксарият кадрлар қоронғу ва ғамгин. Шундай экан, сенинг хаётини фильмнинг иложи борица кўпроқ яхши кадрлар бўлиши учун, у ёруғ ва ёрқин бўлиши муҳим. Ҳар бир кадр эса – бу айнан шу ерда ва ҳозирдаги ондир. Сенинг хаётини фильмнинг ҳар бир кадрини сифати фақат ва фақат сенга боғлиқ, зеро сен ўз хаётингни ўзингни фикрларинг ва ишларинг билан ёруғ ёки қоронғу қиласан. Сен яшаган онни ўчириб, кесиб юборолмайсан ва унинг иккинчи дубли бўлмайди. Рухий хаёт – бу ҳар бир кадрни Эзгулик, Муҳаббат, яхши ниятлар ва яхши ишлар билан бойитишнинг ўзидир.

Асосийси, хаётда Малакий табиатга аниқ ориентирни ушлаш, рухий амалиётлар билан шуғулланиш, билимлар доирасини кенгайтириш, Хайвоний табиатнинг иғволари таъсирига тушмаслик, Худога бўлган ҳақиқий Муҳаббат туйғусини ўзида барпо қилиш. Ва, табиийки, тез-тез эзгу ишларни амалга ошириш, виждонан яшаш. Бу кундалик меҳнат,

ўз устида босқичма-босқич ишлашдир. Шуларнинг барчасидан сенинг йўлинг шаклланади, уни сенинг ўрнингга ҳеч ким босиб ўтмайди ва мана шу руҳий ишни сенинг ўрнингга ҳеч ким бажармайди.

**Анастасия:** Ҳа, қачондир Сиз айтган қуйидаги сўзлар менинг хотирамга қаттиқ ўрнашиб олди: **”Қалбингни сенинг ўрнингга ҳеч ким қутқармайди ва сендан бошқа ҳеч ким ушбу руҳий ишни бажармайди”**. Ўзининг руҳий қутқарилишини самимий истаган одам руҳий амалиётларга қандай ёндошишини ўқувчиларга айтиб берсангиз.

**Ригден:** Ўз Қалби билан қўшилишга интилган одам ҳар бир медитацияга худди ҳаётидаги энг катта ва муҳим байрамга каби муносабатда бўлиши керак. Шунингдек, хатто яхши ишланган медитацияни бажараётиб ҳам унга максимал равишда чуқурроқ шўнғиш керак ва ҳар гал унинг ўрганишининг янги даражасига эришишга интилиш керак. Шунда одам битта жойда турмасдан, ривожланади, унинг учун ҳар бир медитация қизиқарли, туйғулар мажмуи бўйича янги ва ўрганиб ўзлаштиришда завқли бўлади.

Кўпчилик у ёки бу медитация техникасини бажаришни ўрганиш кифоя – ва

одамда, эртақдаги каби бирор яхши нарса рўй беради, дея хато ҳисоблайди. Йўқ, бу янглишдир. Одам фақат бунга ўзи интилганида, маънавийликни ҳаётининг асосий устуворлигига кўтарганида, ҳар сонияда ўз фикрларини назорат қилганида, Хайвоний табиатининг намоён бўлишини кузатганида, максимал равишда эзгу амалларни бажарганида, биргина асосий мақсад – Худонинг олдига етук Руҳий Мавжудот сифатида келиш мақсадида яшаганидагина яхши томонга ўзгаради. Медитация – бу асбоб, холос, ўзидан бирор “яхши” нарса чиқиши учун одам унинг ёрдамида қунт билан ва узоқ меҳнат қилиши керак. Ундан ташқари, бу асбоб серқиррадир. Масалан, хатто “Нилюфар гули” руҳий амалиётини бутунлай англашни, яъни охиригача ўрганишни одам эпламайди, бунга умри етмайди. Ҳар қандай медитациянинг, доноликнинг каби, ўрганишида чегараси йўқдир. Фақатгина дангаса ёки “Мен бу медитацияни ўргандим – бошқасини хохлаяпман”, деб ўзини кибрида кўкка кўтарганларга медитацияни бажариш зерикарлидир. Яна бир бор такрорлайман, медитация – бу асбоб, ва ким-ки руҳий чўққиларни эгаллашни самимий хоҳлар экан ва ўз устида ишлашда эринмас экан, шу ҳаётидаёқ максимумга эришиши мумкин.

**Анастасия:** Барчаси шундай. Аммо мен шундай ҳолат билан тўқнашдимки, кўпчилик қимматли вақтини йўқотмасдан ўзини ўзгартиришга шошилиш ўрнига, руҳий маънавий одамнинг намунасини,



яъни ўзгарган одамни излайди. Кимдир руҳий маънавий қонун-қоидаларга, фикрлаш тарзига биноан яшаётгани улар учун муҳимдир. Унинг устига, қаердадир эмас, шу ерда, уларнинг шароитларидек шароитларда. Кўпчилик учун бу аҳамиятли. Бундай одамларнинг ҳисоблашича, уларнинг кўз олдида бундай намуна бўлса, демак улар ҳам шундай яшай олади.

**Ригден:** Одамларга тақлид қилиш ва ассоциатив фикрлаш хослигини айтган эдим. Аммо бошқа шундай одамни излаб қимматли вақтни сарфламасдан ўзи Инсон бўлишни бошлаши муҳимроқдир. **Ўзи бошқалар учун намуна бўлган одам Шахс сифатида ўзига ва жамиятга анча каттароқ фойдани келтира олади.** Ўзининг ички муаммолари устида ишлаб, ўзининг Хайвоний табиатининг тўсиқларини енгиб ўтиб, шу билан одамлар учун ва одамларни деб яшаса, одам ўзининг йўлини очади. Барчаси одамнинг қўлларида. Унинг истаги ва интилиши ташқи омилларга боғлиқ эмас. Негадир одамларга кимдир келиб, уларни бошқариши, улар учун барчасини бажариши керакдек туюлади ва шундагина улар бахтли яшай олар эмиш. Ҳамма ташқаридаги етакчини кутмоқда. Аммо одам, бутун жамият каби, ташқи моддийликни эмас, ички руҳий маънавийликни ориентир қилиши керак. Бу борада энг бахтли ва бой одам ҳақида ҳикоя қилувчи бир ривоят мавжуд.

“Бир қишлоқда Одам яшар экан. Ва ўзи камбағал бўлса-да, аммо қувонч билан яшаётганлиги билан одамларнинг орасида ажралиб турарди, одамларга доимо беғараз ёрдам берарди: қаердадир гап билан, қаердадир иш билан. Ёлғиз қолганида у Худони маҳтаб кўкларга кўтараётгани, уни бойликлар билан сийлагани учун шукроналиклар келтираётгани ҳақида миш-мишлар юрар эди. Ушбу миш-мишлар машҳур коҳингача етиб келди. Ва коҳин, қайси бойликлар учун Худони маҳтаётганлигини тагига етиш учун, ўша Одамнинг олдида боришга қарор қилди. Камбағалнинг ночор аҳволдаги кулбасига келиб: -Ҳайрли кун сенга!-деди.

Одам табассум билан жавоб берди:

- Мен учун қайси кун ҳайрли бўлмаганини эслай олмайман ҳам.

Коҳин бундай жавобга хайрон бўлди, аҳир унга ҳеч ким бундай жавоб бермаган. Ва саломини бошқача айтишга қарор қилди:

- Сенга Худодан бахт тилайман, холос.

Одам ҳам хайрон бўлди ва талаффуз қилди:

- Ҳеч қачон бахтсиз ҳам бўлмаганман.

Бечора юқори маданиятли суҳбат қуриш усулларига ўргатилмаган, деб ўйлади коҳин ва деди:

- Нималар деяпсан? Сенга тинчлик-хотиржамлик тилаяпман, холос.

Одам янада кўпроқ хайрон бўлди ва самимий жавоб берди:

- Эй, яхши одам, нотинч ҳам бўлмаганман.

Коҳин ўзининг машхур шахси танилмаганини тушунди-да, муддаога ўтишга

шошилди:

- Майли, хуллас, ўзингга нимани тиласанг, шуни тилайман сенга...

- Мен ўзимга тилайманми?- одам кулиб юборди.- Аммо мен ҳеч нарсага

мухтож эмасман. Тилаган нарсанинг барчаси мавжуд.

- Қанақасига? – ўз навбатида ажабланди коҳин.- Аҳир сен қашшоқликда яшаяпсанку. Бой-бадавлат одамлар ҳам кўп нарсаларга мухтож бўлишади ва кўп нарсани хоҳлайди, камбағаллар эса кўп нарсага мухтожлиги турган гап.

- Бу одамлар бахтсиз, чунки ерлик бахтни излайдилар ва ўз хом-хаёлларини йўқотиб, бахтсиз бўлиб қолишдан кўрқиб яшадийлар. Ушбу дунёнинг иллюзияларида бахтни излаган бахтсиздир. Аҳир бу ерда биргина ҳақиқий бахт мавжуд – Худо билан қаттиқ боғланиб Унинг иродаси билан яшаш. Мен вақтинчалик фаровонликни изламайман, шу боис нимага эга бўлсам, Худо менга нима берган бўлса, шунга минатдорман. Барчасини қувонч билан қабул қиламан: одамлар кулфат деб атагани ҳам, бахтсизлик деб атагани ҳам. Бой тухфалари билан сийлагани учун мен У Зотга шукроналар айтаман.

Коҳин тиржайиб қўйди:

- Аммо Худо сенга ҳеч нарса бермади, демак сен Унга иккиюзламаларча миннатдор бўляпсан.

Одам талаффуз қилди:

-Худо мени кўриб турибди. У менинг барча ихтиросларим ва имкониятларимни кўраяпти. У менга хамиша мени руҳий маънавий жихатдан мукамал қилувчи нарсаларни беради.

- Унда нима билан яшаяпсан?

Одам жавоб берди:

- Менинг хаётим мутлақо Худонинг иродаси билан боғланган ва келишилган бўлиши учун, мен ҳар куни фақатгина Худо билан қаттиқ боғланган бўлиш ва Унинг иродасига биноан яшаш тўғрисида қайғураман. Куним шу тариқа ўтади. Ҳар тунда эса ухлашга кетар эканман, мен Худонинг ёнига кетаман.

- Ҳўш, Худони қаердан топдинг?.

- Кийим каби барча дунёвий нарсаларни ўз шубхаларим қирғоғида қолдириб, унинг Дилни равшан этувчи сувларига ўзимнинг соф ниятларим ва эзгу Виждонимда кирганимда.

Коҳин хали ҳеч қачон бундай сўзларни гапирган шунчалик қашшоқ одамни учратмаганлиги боис, шубхаларга ботди.

- Айтчи, бу сўзларни сен ўз эътиқодинг бўйича айтяпсанми? Агар Худо сенинг Қалбингни дўзоҳга юборишни лозим топса ҳам сен шундай фикрлайсанми?

Одам елкаларни қисди ва жавоб берди:

- Хар кунимда мен ўзимнинг Қалбимнинг ажралмас кучоғи билан Худоимни ушлаб тураман. Унга бўлган менинг самимий Муhabбатимнинг поёни йўқ. Менинг кучоғим шу қадар қаттиқ, Муhabбатим эса шу қадар чексизки, Худо мени қаерга юбормасин, у ерда ҳам У мен билан бўлар эди. Гарчи У мен билан экан, у холда нимадан кўрқаман? У қаерда бўлса, хаёт мен учун ўша ердадир. Менинг Қалбим учун Осмонларда Худосиз бўлгандан кўра, Осмонлардан ташқарида, аммо Худо билан бўлиш гўзалроқдир.

- Сен ўзи кимсан?! – хайрат ва кўркув билан сўроқлади коҳин.

-Ким бўлмайин, бироқ хаётимдан мамнунман. Ва чиндан ҳам уни барча ерлик хукмдорларнинг хаётига алмашмасдим. Ўзини тута биладиган, ўз фикрларини бошқарадиган ва Худога бўлган Муhabбатнинг қаттиқ кучоғида бўлган хар бир одам бу дунёда энг бой ва энг бахтли инсондир.

- Айт, бечора, ким сенга бундай Доноликни ўргатди?

- Менинг ягона устозим – Худо. Умримнинг хар бир кунда бу дунёда эзгулик қилишга ҳаракат қиламан, ибодат қиламан, эзгу фикрларни машғулот қиламан. Аммо шу билан бирга битта нарса ҳақида қайғураман - Худо билан ва Унинг менга нисбатан чексиз Муhabбати билан қаттиқ боғланиб туриш ҳақида. Фақатгина Худо билан боғланганлигим мени руҳан мукамал қилади. Худонинг Муhabбатида яшашим менга барчасини ўргатади.”

Хар бир одам Шахсдир ва у биринчи навбатда ўз хаётидаги барча қилаётган ва танлаётган нарсалари учун маънан жавобгар бўлади. Ахир одамларнинг аксарияти жавобгарлик нималигини тушунадилар. Улар қандайдир хаётий, мафкуравий, оилавий, молиявий ва бошқа масалаларни ечимда жавобгарликни ўз зиммасига олади. Ахир улар асосан ўзлари учун эмас, балки ўз оиласи, фарзандлари ва набираларининг келажаги учун, дўстлари, яқинлари ва хоказолар учун ҳаракат қилади-ку. Маънавийликда ҳам шундай, ахир у хар бир одамнинг асосий ишидир – одам ўзининг руҳий маънавий тақдири учун маъсулиятни ўз зиммасига олиб, Қалби билан қўшилиши ва моддий дунёдан ҳақиқий Озодликка эришиши учун хаёти давомида кўлидан келган ва келмаган барча ишни қилиши керак. Кимнидир кутиш керак эмас, ўзи ҳаракат қилиши керак ва, биринчи навбатда, ўзидан бошлаши лозим. Ўзинг атрофдагилар учун яхши ўрнак бўлишинг керак, шунда сендаги ва жамиятдаги ижобий ўзгаришлар ўзини куттириб қўймайди.

**Анастасия:** Ҳа, Сизнинг сўзларингизда айтилган Ҳақиқатдир, у Қалбни чуқур

тегиб ўтади ва хаянжонга келтиради. Чегара ва ўлчовни билмаган рухий Мухаббат барчасини енгади. Биласизми, мен шуни кузатдимки, турли ёшдаги ўқувчилар битта саволни беришмоқда: “Ҳақиқий Мухаббат – бу нима?” Ушбу савол бўйича аввал берган маълумотларни инобатга олган холда энди шуни тушунаётганимизки, замонавий жамиятда бу тушунча сезиларли равишда алмаштирилган, маъно ва мазмуни бўйича бузилиб юборилган. Қароғач назар солма, замонавий дунёда деярли ҳамма: болалар, ўсмирлар, ёшлар, қариялар, “ёлғизлар”, оилалилар ва оила қурмаганлар ҳақиқий Мухаббат туйғусини етишмовчилигини хис қилишмоқда.

**Ригден:** Ушбу тушунчанинг калитлари замонавий жамиятда умуман йўқотилган деб айтилмайман. Улар мавжуд, аммо тушуниб етмаслик қатлами, материалистик дунёқараш совишти остига беркитилган. Бироқ уларни топиш учун одамлар ҳеч бўлмаса улар қандай кўринишга эгаллигини билишлари керак. Одамлар бу калитларни топа олмаслиги, фақат хайвоний инстинктларга таяниб, ушбу Билимсиз азобда кун кечиришлари учун истеъмолчилик жамиятида барчаси қилиниши, бу бошқа гап. Нима учун? Чунки ҳақиқий Мухаббат одамни ичкаридан озод қилади, энг қадрли самовий тухфани – ушбу моддий дунёдан ҳақиқий Озодликни беради. Бу жуда қувватли, Қалбни ўйғотувчи кучдир. Бу Худога энг яқин, қисқа йўл.

**Анастасия:** Бу ҳақда батафсилроқ, ҳеч бўлмаса ошкора равишда, бемалол фойдаланса бўладиган жойларини гапириб бера олмайсизми? Ахир кўпдан – кўп ақлли одамлар бор, уларга ушбу саволнинг негизини тушунишгача етиб бориш учун, калитга эга бўлиш учун, қайси йўналишда излашнинг шаъмаси ҳам етарли.

**Ригден:** Батафсилроқ ҳам айтиш мумкин... Афсуски, одамлар қуйидагиларнинг истаганини: “альфа-урғочи” ва «альфа-эркак»нинг худбинлик инстинктдан тортиб, то эр-хотин, ота-она, фарзандлар муносабатларигача, ўз насли, жамият, давлат ва хоказолар олдидаги одоб-ахлоқ жавобгарлини Мухаббат деб аташади.

Аммо буларнинг барчаси расм-русумдир. Ҳақиқий Мухаббат – бу жуда ката қувватга эга, одамлар тасаввур қилгандан ҳам каттароқ кучдир. Бугунги Мухаббат тушунчаси аксарият одамларнинг ақлида болалиқдан мажбурлаб берилган босма-қолиплар билан чегараланган. Омма учун асосан бу маҳаллий урф-одатларни инобатга олган холда, маълум расм-русумлар рамкаларидаги ўйиндир. Мазкур саволлар бўйича жамиятда доимо жамоатчилик учун очик ахборот ва ёпиқ ахборот бўлган. Очик ахборот давлат, жамоатчилик қизиқишларига қараб белгиланган. У ёпиқ ахборотга эга бўлган тузулмаларга наф келтирувчи омма ичида маълум хулқ-атвор моделини тарғиботи мақсадида тарқатилган. Ёпиқ

ахборот эса айниқса диний, оккультизм йўналишидаги хокимият билан боғлиқ тузулмалар томонидан фаол қўлланилган. У кўзга кўринмас дунё ҳақидаги маълум билимларга асосланган, улар қўшимча кучга эга бўлиш ва оммага таъсир этиш имкониятини берарди.

Мазкур маълумотда одамнинг танасидаги энг катта қувватга эга бўлган энергияларнинг бирининг ўрни катта. Уни шартли равишда жинсий энергия деб атаймиз. Ушбу савол бўйича очик ахборотни, қоидага кўра, одамнинг Хайвоний табиатида ҳалқалаб қўйишади, ёки саволнинг маъно-мазмунидан анча узоққа олиб кетувчи примитив тушунтиришларга эга, маълум хошияларга киритилган таъқиқлар билан чегаралаб қўйишади. Натижада одам ё тўхтатиб бўлмас шаҳват ва бузукчиликка берилиб кетади, ёки ушбу энергиянинг кўтарилишларидаги ўзини ҳаддан ташқари чеклашдан, хаёлан ўз-ўзини айблашдан азият чекади. Бунинг сабаби одамнинг ўз табиатини тушунмаслигида ва ушбу куч ҳақида етарлича билимга эга эмаслигида. Иккала вазиятда ҳам одам оқибатда узоқ кутилган бахт ва ички руҳий хотиржамликка эга бўлмайди, аксинча, қоидага кўра, жисмоний заифлик ёки зўрайишни хис этади.

Жинсий энергия – бу одамга таъсир этувчи қувватли кучларнинг биридир. Агарда одам фикрларидаги истакларини онгида ёки ғайриихтиёрий онгда изоҳлашни кузатса, бу кучнинг қудратига амин бўлади. Соддароқ айтганда, агарда одамлар ўз Қалбини қутқариш тўғрисида жисмоний алоқа тўғрисида ўйлагандек ўйлаганида эди, ҳамма аллақачон авлиёга айланган бўларди. Куч бу куч-да, уни ким ва қандай ишлатишига, ўз эътиборини нимада мужассамлаштиришига барчаси боғлиқ. Агар одам уни ўз Хайвоний табиатининг устуворлиги контекстида ишлатса, бу нарса ўзининг аҳамиятлилигининг улуғланишига, шаҳватга, тажовузга, сенинг “альфа-эркак” ёки “альфа-урғочи”лигини исботига айланади. Истеъмолчилик жамиятида, худди болалар ўйинидагидек, ҳамма хохлаган энг чиройли ўйинчоққа сенинг албатта эгалик қилишинг истагинга бориб тақалади. Кейин бу ўйинчоқ жонга тегади, яна, энди бошқа чиройли ўйинчоқ ортидан қувиш бошланади, то-ки одам ундан ҳам яхшироғини кўрмагунича. Одамни бундай истакларининг охири йўқ. Эътибор бер, ўша интилиш – энг чиройли ва мафтункор нарсаларга эга бўлмоқлик – эркаклар ва аёлларда бошқа сохаларда ҳам намоён бўлади: машиналар, квартиралар, кийим ва хоказо. Бунинг барчасининг илдизи Хайвоний табиатдир, у доимо хокимиятга, вақтинча, фоний ва ўлиши муқаррар нарсаларга интилади. Глобал маънода эса Хайвоний ақл ютади, чунки у шу тарзда, хом-хаёлларнинг навбатдаги тўплами билан одамларни ўз руҳий қутқарилишида диққатини жамлаш ўрнига, хаётий кучларини

сарфлашга ва ўлишга қодир нарсаларга эътиборини сарфлашга мажбурлайди.

**Анастасия:** Хуллас, одамлар аслида уларни ўлдирувчи душманини ўз эътибори билан овқатлантирадilar.

**Ригден:** Ҳа... Гарчи одамда жинсий энергия мавжуд экан ва у нафақат наслни давом эттириш инстинктида намоён бўлар, балки одамнинг хаёти давомида унга қувватли психологик, физиологик ва бошқа таъсирлар ўтказар экан, демак одамнинг тузулмасида (ҳам кўринувчи ҳам кўринмасда) унинг бунёдкорлик кучи охирги ўринда эмаслигини тахмин қилиш ҳар қандай ақлли одам учун мантиқан тўғри бўларди. Ахир гормонларнинг кўтарилиши нима дегани? Бу энергиялар ишининг, яъни янада чуқурлашган физиканинг хосиласи сифатидаги кимёвий бирикмаларнинг хосил бўлишидир. Ва унинг фаоллаштирувчиси бўлиб фикр хизмат қилади. Дарвоқе, ”гормон” (“horma”) сўзи юнончадан таржима қилганда айнан “кўзгалтираман”, ”ҳаракатга келтираман” дегани. Биологик фаол моддалар сифатида гормонлар организмда ўзгаришларни содир этади ва шу билан ундаги барча хаётий муҳим жараёнларга таъсир кўрсатади. Ва биз хозир одамларга физиология даражасида, яъни кўзга кўринувчи дунё, кўринувчи материя даражасида маълум бўлган нарсалар ҳақида гапирмоқдамиз. Энди эса мана шу кучнинг кўринмас дунё учун нимани ифодалашини тасаввур қил. Ахир барча нозик ўзаро таъсирлар ва ўзгаришлар, хусусан, барча нарсанинг туғилиши у ерда бошланади-ку. Рухий маънавий жихатдан жинсий энергия – бу куч, бу чуқурликдаги туйғуларга, айтайлик, олий сир-синоат дунёсининг йўл бошловчисидир. Ушбу муқаддас билимлар, у ёки бу тарзда, дунё халқларининг барча анъанавий динларида, эътиқодларида мавжуд. Ва, шундай экан, бу ҳақда батафсилроқ сўзлаганим бўлсин.

Ҳақиқий Мухаббат – бу одамнинг чуқурликдаги туйғуларидир, уларни сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Бу Қалбнинг кучи, бу Худога бўлган Мухаббат холати. Бир одам иккинчисинг Қалбига нисбатан чуқурликдаги Мухаббат туйғусини хис этганида, унинг моҳиятини кўрганида, ”сўзларсиз хайратланиш” рўй берганида уларнинг ўртасида ҳақиқий Мухаббат бошланади.

Фарқи нимадалигини тушунапсанми? Бу холат одам учун одатий бўлган оддий жинсий кўтарилишдан сезиларли фарқланади, унинг устига одам Хайвоний табиатининг таъсирида бўлганида, унда бошқа одамга эгалик қилиш, хокимиятга эришиш, уни ўзининг ғаразли ниятларида ишлатиш истаги пайдо бўлади. Бу холат қандайдир оний кайфиятларнинг устуворлиги, чайқалувчи туйғулар, кўпдан-кўп

манфаатпараст “хохлайман”лар каби психологик тушунишлардан сезиларли фарқланади. Одам бошқалар устида устуворлиги, ёки ўзини бағишласа-ю, жавоб олмаётганлиги, бирон бир, аслида ўзи ўйлаб топган, идеални деб ўз хулқида доимо азобланишини кўрсатиш иллюзиясида бўлса, буларнинг барчаси пайдо бўлади. Вахоланки аслида унда ҳақиқий фидокорона Мухаббат туйғуси йўқ бўлиб, у ўзига ва бошқаларга ўз “альфа-аҳамиятли”лигини кўрсатишга уринади. Ўзаро муносабатларда бу эртами-кечми тушунмаслик, кучланганликка айланади, низо ва адоватни туғдиради, чунки ҳақиқий туйғуга эмас, балки Хайвоний табиатнинг истакларига асосланган. Ва одам бу холда ҳаммани ва барчани айблаганга тушади, аммо асло ўзини эмас. Ахир бу, у атиги ўзининг Эгосини тасдиқлаётганини, ҳақиқатан севишни билмайди-ю, бироқ ўзи учун шундай Мухаббатни талаб қилаётганини кўрсатмоқда. Яъни “уруш ва тинчлик” биринчи навбатда онгда бошланади. Одамнинг муаммоси шундаки, у ўз устида ишлашни, ҳақиқий, айнан Қалбининг Худого нисбатан хис этаётган рухий Севгисини ўзи ишлаб чиқаришни истамайди, ахир у Шахсининг тезкор руҳан ўсиши учун худди кучга тўла бошоқ учун хаётбахш суюқлик каби-ку.

Ҳақиқий Мухаббат – бу чуқурликдаги туйғулар билан тўлиб тошганлигидан бир инсоннинг иккинчисига тақдим этаётган саховатли ички туҳфасидир. Бундай Севгини ўзинг ҳақингда унутганингда бериш мумкин. “У узоқ сабр қилади, кечиради, хасад қилмайди, ғурурланмайди, ўзиникини изламайди ва ёвузликни ўйламайди” деб айнан шундай Севги ҳақида айтишади.

Ҳақиқий Мухаббат-бу Қалблар яхлитлигининг тикланишидир. Севган одам бошқасида унинг Қалбининг қариндошлигини, гўзаллигини кўради. Ҳақиқатан Севган инсон яхши кўрган инсонидега кўпроқ ақлий, жисмоний гўзаллиги, иқтидорлари, қобилиятлари назарда тутилган юзадаги гўзаллигини эмас, балки айнан унинг Малакий табиатининг ички гўзаллигини кўради. Бу вазиятда у мутлақо бошқа кўриш бурчаги остида бошқа одамни кўришни бошлайди. Ўша одамда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Тасаввур қил, бу одам атрофидаги дунёга нисбатан ўзини тажовузкорона тутган эди. Тўсатдан унинг ўзи учун кутилмаган холда кимдир унда ёвуз одамни эмас, балки яхши одамни кўрди, унинг ёмон сифатларига эмас, балки яхши сифатларига эътибор берди. Яъни ундаги мавжуд бўлган, аммо онгида устувор бўлмаган Маънавий гўзаллигига эътибор берди. Бундай самимий туйғу туфайли одам нафақат очилишни, балки онги билан Мухаббатга тўла идишда бўлиб, яхши томонга ўзгаришни бошлайди. Руҳий маънавий йўлдан юришни истаган одамларга кимдир қачондир келиб, уларни самимий севишини кутиб ўтириб, ўз вақтини йўқотиши шарт эмас. Улар

ўзининг ичида Мухаббатни очишни ўрганиши керак Худога, Қалбига бўлган Мухаббатни – ва у атрофдаги дунёда ўз аксини топади, одамларни уларнинг маънавий гўзаллиги ракурсида кўришга ижозат беради. Аслида барчаси одам тасаввур қила олганидан анча яқинроқдир.

**Анастасия:** Ҳа, одамлар ҳақиқий Мухаббат нималиги ҳақидаги билимнинг асосларини йўқотишган, чоғи... Омма учун моҳиятини тушунмасдан фақатгина урф-одатларга риоя қилиш қолган, холос. Масалан, православиенинг урф-одати бўйича ниқоҳ маросими пайтида ўз тақдирларини бирлаштиришга аҳд қилган эркак ва аёлга илоҳий марҳамат ёғилиб, одамий муносабатларни самовийга айлантириши тўғрисида ибодат қилинади. Сиз сўзлаб берган нарсаларни инобатга олсак, ахир булар оддий сўзлар эмас.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Гап моҳиятнинг ўзиде: Қалб сир-синоатида. Иккита одам бир-бирини ҳақиқатан ҳам севса, ўз чуқурликдаги туйғулариде яхлит бўлса, у ҳолда хатто жисмоний бирлашиш ҳам (“таналарнинг мулоқоти, одам жону-танининг қўшилиши”) фақатгина, православиёда айтилганидек:” уларга Худодан тўғридан-тўғри чиқаётган ва У Зотга элтувчи ҳаракат бўлмиш ҳақиқий синоатни очишга“ ёрдам беради. Бу “барча табиий муносабатлар ва ҳолатлардан устун келувчи мўжизадир”. Ва чуқур маъно ҳам айнан шунда, ва ушбу синоатда ҳақиқатан ҳам улкан куч яширинган. Бу ерда материянинг эмас, балки Рухнинг бирламчилиги мавжуддир. Материя қўшимча восита, холос.

**Анастасия:** Ҳа, Мухаббат ҳаммасини енгади. Сизга ўқувчиларимизнинг яна бир нечта, афсуски, ҳозирча одатий тус олган, саволларини беришга мажбурман:” Замонавий одам учун ўзгариши қанчалик реал?”

**Ригден:** Бемалол. Одам ўз имкониятлари ҳақида кўп нарсаларни билмайди, холос.

**Анастасия:** Ўрганишда одамни нима ушлаб туриши мумкин?

**Ригден:** Асосан Хайвоний табиатдан келаётган кўрқув – хаёлини энг кўп ларзага солувчи мавҳумлик олдидаги кўрқув. Лекин фақатгина мавҳумлик маълумликка айлангунга қадар бу кўрқувнинг умри давом этади. Мавҳумликни билиш учун, у билан қизиқиш, тафаккур доирасини кенгайтириш лозим. Акс ҳолда, одам қандай қилиб янгиликни кўриши мумкин, агарда унинг фикрлаши фақат таниш бўлган нарсаларни сингдирса, келаётган янги маълумотларга чегараловчи рамкалар қўйса? Тор дунёқараши, дунёни ички чуқурлик



томонидан тушуниши ҳам одамда Мангулик билан яқинлашиш кўркувини ва ўзидаги мавжуд вақтинчалик нарсаларни, мажозий маънода, юқорида келтирилган ривоятдаги одам ушлаб турган айнан ўша шохни йўқотиш (Хайвоний табиатдан келиб чиққан) кўркувини туғдиради.

**Анастасия:** Сиз бирор нарсани билиш учун бунга ҳеч бўлмаганда уриниб кўриш керак, деган эдингиз.

**Ригден:** Ҳа, – “Дунёни билиш учун ўзинги билишинг керак”, деб донишмандлар бекорга айтишмаган. Ўзинги билиш учун эса, идрокнинг одатий қолипларидан кетиш керак. Аҳир бизнинг ички дунёмиз биз ўйлаганимиздан кўра анча катта ва қизиқроқдир. Унинг барча гўзалликларини, чуқурлигини одатий идрок ёрдамидагина билиш мумкин эмас. Ўрганилмаган дунёнинг чуқурлигига, масалан, медитатив техникалар ёрдамида шўнғир экансан, ўзинг билан хамиша бўлган ва дунёни яхлитлигини тушунишини берган нарсани кўришинг ва хис этишинг мумкин. Чуқурликдаги туйғулар (ёки сен ўзингда ривожлантира олишинг мумкин бўлган *олтинчи хиссиёт*, интуиция), сенга мантиқ билан чегараланган онгга нисбатан кўпроқ маълумотни қабул қилишингга ёрдам беради. Улар вазият ҳақида Малакий Кузатувчи позициясидан хажмли билимни бериб, уни олдини олишингга ёрдам беради.

Ахир, кўзимиз кўра оладиган тор спектр эмас, балки реал дунё шунчалик кўпқиррали ва ҳилма-ҳил-ки, уни фақатгина уч ўлчамли фазо позициясидан ўрганиш нораціоналдир. Одамнинг кўп ўлчамли тузулмаси Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчига онгнинг турли ҳил ўзгарган ҳолатларида ишлашни, бир вақтнинг ўзида ҳар хил жойларда бўлишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, турфа хил муқобил ҳолатларда, ўлчамларда бўлишга, яъни “кўриш” ёки турли реалликларда ҳар хил имкониятларга эга бўлишга изн беради. Одам учун ушбу потенциал “нореалликларнинг” хилма-хиллиги у конкрет танловни амалга оширмагунича намоён бўлади. Танлов эса медитация ҳолатидаги одамга бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган реалликларнинг бирини намоён этади ва медитацияни бажараётган одам у билан резонансга киришади. Бошқача қилиб айтганда, медитация ҳолатидаги одам ўз танлови биланоқ маълум реалликка ўзгартиришлар киритади. Медитация – одамнинг ҳаётидек, унда унинг шахсий танлови у ёки бу келажагини шакллантиради.

Ва бу ерда ғаройиб нарсанинг ўзи йўқ. Бу бор-йўғи, бошқа, бугунги кунда ўрганилмаган физикадир. Аммо бу йўналишда тадқиқотлар

бошланган ва олиб борилмоқда. У ёки бу илмий саволларни ечимини топилиши ёки тушуниши янада кўпроқ саволларни туғдирмоқда. Мисол учун, квант физикаси топган жавоблар биокимёда, биофизикада бу нооддий дунёнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро боғлиқликларининг мураккаб занжири бўйлаб кўпдан кўп саволлар туғдиради. Маълумки, макродунё микродунёнинг акс кўриншидир, макрообъектнинг тузилишини, тартибли ишини ва имкониятларини тушуниш учун микродунёни ўрганиб тушунишдан бошлаш керак.

**Анастасия:** Одам ўзининг феноменал иқтидорлари туфайли нурларнинг қутбланишини, электромагнит майдонни, сувнинг хусусиятларини ўзгартира олиши ва шунингдек, лазер нурини қайтариши, бошқа объектлардан маълумотни ўқиб олиши ва хоказоларга қодирлиги бугунги кунда тажрибалар ёрдамида тасдиқланди. Яъни, одамни (ҳеч бўлмаганда илм томонидан кайд этилган имкониятларини) ўрганадиган бўлсак, бундай феноменлар механизмини билиш учун нафақат кўзга кўринадиган, балки, ва айниқса шуниси муҳим, кўринмас тузилмасини ўрганиш керак, тўғрими?

**Ригден:** Шубҳасиз. Хар қандай моддий объект кимёвий унсурлар мажмуасидан иборат. Одам ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг танасида бутун бошли Менделеев жадвали ва яна бир қатор ҳали очилмаган кимёвий унсурлар мужассамлашган. Аммо, шуниси эътиборлики, одамнинг микродунёсига чуқурлашганимиз сайин кимёвий унсурлар сони камайишини, лекин уларнинг ўзаро таъсири мураккаблашиб боришини аниқлаймиз. Масалан, молекула ўлчамларигача чуқурлашар эканмиз, бир нечтагина кимёвий унсурлар қолганини кўришимиз мумкин. Атомнинг микродунёсига чуқурлашганимиз сайин, кимё ғойиб бўлади ва элементар зарралар сатҳидаги квант физикаси қолади. Бу ерда элементар зарралар чегаравий ҳолатга эгалигини кўрсатишади: битта зарра маълум шароитларда материя (зарра) ҳам ёки энергия (тўлқин) ҳам бўлиши мумкин. Ундан ташқари, кўпгина ғаройиб яширин хоссалар очилади: зарраларнинг масофадан ва энергияни ташишидан қатъий назар ўзаро таъсирда бўлиши ва яна кўп нарсалар. Аммо квант физикаси ҳам чегараланган, десак бўлади, у иккита дунёнинг остонасида турибди – материя (зарра)нинг энергия (тўлқин)га ўтиш жойида.

Янада чуқурлашадиган бўлсак, квант физикаси йўқолади ва мутлақо янги, одамзод томонидан ҳали ўрганилмаган дунё – энергияларнинг кўп ўлчамли дунёси бошланади, ундан кейин эса – материяни, ҳаётни ҳосил қилувчи ахборот дунёсидир (айнан биз юқорида эслатган фундаментал ахборотли ғиштчалар дунёси).

Шундай парадокс мавжуд, одам парадокси, деган бўлардим. Вазни 70 кг ва бўйи 1м 70 см ли ўртача одамни олайлик. Гап шундаки, агарда шу одамни ташкил этган элементар зарраларни жамласак, улар бир кичиккина ангишвонани ҳам тўлдирмайди, уларнинг оғирлиги эса 1 граммдан ҳам ошмайди. Агар бу элементар зарраларни ўз жойларига шу одамнинг маълум вақт ва маълум фазовий нуқтада ахборотли тузулмасига биноан жойлаштирсак, биз яна бўйи 1 м 70 смли ва оғирлиги 70 кг бўлган катта ва оғиргина бир одамни хосил қиламиз.

**Анастасия:** Ғаройиб...

**Ригден:** Савол: унинг хажми ва массаси қаерга ғойиб бўлди?

**Анастасия:** Тешик кулчани еб битиргач унинг тешиги қаерга ғойиб бўлса, худди ўша ерга бўлса керак... Демак, одамнинг оғирлиги ҳам иллюзия эканда? Аммо қизиқ, оғирлик иллюзиясини нима яратади?

**Ригден:** Бу саволга жавоб бор, лекин у замонавий физиканинг тушуниш чегарасининг нарида ётибди. Аммо унинг асоси дунё тузилишини ташкил этувчи ахборотли ғиштчалар ҳақидаги билимлардан иборат..

Айтайлик, маълум “режа”га биноан ахборотли ғиштчаларнинг ҳар хил комбинациялари тузилади. Бунинг оқибатида бир хил кимёвий унсурлардан “жонли” ва “жонсиз” материянинг ҳар хил шакллари пайдо бўлади ва хоказо. Ахборотни тартибга солувчи вариантларнинг хилма-хиллигини, ва кузатув давомида энергияларнинг бирламчи юзага келишини ҳам, унинг нариги томондаги, айтайлик, Суперкузатувчи яратади. Одамлар уни Худо, Яратувчи, олий ақл деб аташади, яъни ривоятларга кўра Оламни яратиб бошқараётган Кимса. Ахборотнинг қай тарзда солиштирилиши ва, бундан чиқди, энергияларнинг ёки уларнинг ташкилий қисмларининг қайси бири элементар заррада қайта ишланиши айнан шу Суперкузатувчига боғлиқдир. Моддий дунёда нима яратилиб намоён бўлиши – мажозий маънода, оёғинг остидаги тошми ёки бошинг тепасидаги юлдузми, айнан шунга боғлиқ. Аҳир атрофимиздаги барча нарсалар, шу жумладан биз ҳам, бир хил, фақат турли дастурларга биноан бирлашган элементлардан ташкил топган. Ушбу ахборот дастурлари, бу бирламчи энергиялар эса – борлиқ Яратувчисининг ўйлаб қўйганининг намоён бўлиши, холос. Шакли ва комбинацияси ҳар хил, лекин, шунга қарамасдан, барча нарса ўзаро боғлиқ, барча “жонли” ва “жонсиз” нарсалар ўзаро таъсирда, бу Унинг иродаси, унинг ғояси.

Одамда борлиқни Яратганнинг заррачаси мавжуд. Одамлар уни Қалб деб атайдилар. Унинг шундай (материяга қамалган) кўринишда бўлишида У Зотнинг ўйлаб қўйган режаси бор, зеро бирор нарсани яратиб, уни кузатмаслик маъносиздир. Одамга ўз рухий маънавий ўзгаришларини кузатиш қанчалик қадрли бўлса, Худо учун ҳам Қалбларни кузатиш қадрлидир ва ҳар бир Унинг ёнига қайтиб келган Шахс қадрли. Аммо шу билан бирга танлов эркинлиги одамнинг ўзида сақланиб қолади. Одам хоҳлаган йўлини танлашга ҳақлидир. Аммо Мангуликка томон йўлдан ташқари, барчаси вақтинча ва ўлишга қодир. Айнан Шахс руҳан ривожланиб Қалби билан қўшилганида Малакий табиат Кузатувчисига айланади. У эса, Яратувчиси сингари, ўзининг шахсий кузатувига биноан моддий дунёда кўп нарсани ўзгартиришга қодир. Мисол учун, нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам тақдирини ўзгартира олади, атрофидаги дунёга ўзгартиришлар кирита олади.


**Анастасия:** Кузатувчи ўз кузатуви ёрдамида Қандай қилиб ўзгартиришлар киритиши мумкин?

**Ригден:** Бу саволингга жавобим тушунарли бўлиши учун, квант физикасига кичкина саёхат уюштираман. Ушбу фан томонидан қўйилган саволларни олимлар ўргангани сайин, бу дунёда барчаси бир-бири билан жуда қалин ўзаро боғлиқ бўлиб, алоҳида мавжуд бўлган нарсаларнинг ўзи йўқлиги ҳақидаги хулосага келишмоқда. Хатто ўша элементар зарралар ҳам ўзаро боғлиқдир. Квант физикаси назариясига биноан, агарда бир вақтнинг ўзида иккита зарралар пайдо бўлса, улар “суперпозиция” ҳолатида, яъни бир вақтнинг ўзида қўпгина жойларда бўлишади. Ундан ташқари, бу иккита зарра бир-биридан қандай масофага ўзоқлашган бўлмасин, хатто бу масофа замонавий одамзодга маълум бўлган табиат кучларининг таъсири доирасидан ҳам узоқ бўлса, битта зарранинг ҳолатини ўзгартирилиши *шу онда* иккинчи зарранинг ҳолатини ўзгаришига олиб келади.

**Анастасия:** Бундай тезликдаги ўзаро боғлиқликнинг сири нимада?

**Ригден:** Хозир тушунтираман. Мисол учун, электронни кўриб чиқамиз. У ахборотли ғиштчалардан ташкил топган (қадимгилар уларни “По доначалари” деб аташган). Бу ғиштчалар унга асосий хусусиятларини ва ички потенциалини белгилайди. Замонавий қарашларга биноан электрон атом ядроси атрофида “стационар орбита”(орбиталь) бўйлаб ҳаракатланади. Аниқроғи, унинг ҳаракатланишини хозирда маълум траекторияга эга бўлган моддий нуқта деб эмас, балки электр зарядининг тўпланувчи ва камайувчи зоналарига эга бўлган электрон булути (атом хажмини қоплаган электронни шартли белгиланиши) деб

тасвирламоқда. Электрон булутининг ўзининг аниқ чегаралари йўқ. Орбиталь деганда маълум белгиланган чизик бўйлаб айланишини эмас, балки фазонинг маълум бир қисмини, атом атропофидаги электрон мавжудлигининг энг юқори эхтимоллиги сақланаётган жойни назарда тутишади – атомда бўлса атом орбитали, молекулада бўлса –молекула орбитали.




**2-расм. Водород атомининг электрон булутини:**

*электрон мавжуд жойининг*

*энг юқори эхтимоллиги сақланаётган атом атропофидаги уч ўлчамли фазонинг бир қисми.*

Айнан ички потенциал ва ташқи заряднинг ўртасидаги фарқ бундай орбиталларни хосил қилади. Ички энергиянинг сифати (потенциали) моддий объектни таърифлайди. Яъни, замонавий фаннинг тили билан айтганда, атомларнинг бундай электрон қобиклари (орбиталлари), улардаги электронларнинг сони ва жойлашувига қараб, атом ва молекулаларнинг электр, оптик, магнитли, кимёвий хусусиятларини ва қаттиқ жисмларнинг аксарият хусусиятларини белгилайди. Кимё фанининг мактаб дастуридан электрон булутнинг шакли хар хил бўлиши мумкинлиги ёдимизда.




*3-расм. Электрон булутининг хар ҳил шакллари (квант кимёсининг “геометрияси”) :*

- 1) S-орбиталь – шар шаклидаги электрон булут (доира белгиси);*
- 2) P –орбиталь –гантель ёки иккиталик нок шакли (чексизлик белгиси);*
- 3) D- орбиталь –тўрт япроқли гул шакли (қия крест белгиси).*

Шундай қилиб, маълум бўлишича, электрон моддий дунёда бир вақтнинг ўзида икки ҳолатда бўлиши мумкин: *зарра ва тўлқин* ҳолатларида. Ўша квант физикасига биноан у дарҳол хар ҳил жойларда пайдо бўлиши мумкин. Ўз атом орбитасидан чиқиб кетаркан, аниқроғи, ғойиб бўлар экан, электрон *шу онда* жойини ўзгартиради, яъни, бу ерда йўқолиб, бошқа орбитада намоён бўлади.

Аmmo бу саволда энг қизиғини олимлар ҳозирча билишмайди. Мисол учун, водород атоми электронини кўриб чиқамиз. Водород унсури сувнинг, барча тирик организмларнинг, табиий қазилмаларнинг таркибига киради ва коинотда энг тарқалган элементлардан биридир. Водород атомининг атрофида жойлашган электрон булут шар шаклига эга. Буни замонавий босқичда фан қайд эта олади. Лекин олимлар ҳозирча шуни билишмайдики, **электроннинг ўзи спиральга ўралган.** *Шу билан мана шу спиральнинг ўзи ундаги заряднинг жойлашувига қараб ҳоҳ ўнг томонга, ҳоҳ чап томонга айлантирилган бўлиши мумкин. Айнан шундай спиралсимон шакли ва заряд мужассамлашган жойнинг ўзгариши туфайли электрон осонгина зарра ҳолатидан тўлқин ҳолатига ва аксига ўтади.*

Мажозий мисол келтираман. Қўлингда апельсинни тасаввур қил. Пичоқ ёрдамида айлана бўйлаб, худди спиральга ўхшатиб, бутунлигини бузмасдан унинг пўстлоғини ечасан, шартли равишда А нуқтадан Б нуқтагача ҳаракатланасан. Пўстлоғини апельсиндан ажратсак, йиғилган ҳолатда у шар шаклига эга. Агарда уни чўзадиган бўлсак, у тўлқинли ипга ўхшаб қолади. Шундай экан, пўстлоқнинг сариқ рангли томони бизнинг мисолимизда электрон спиралининг сатхи бўлиб, унинг А нуқтаси ташқи зарядга эга, ички томоннинг Б нуқтасида эса (пўстлоқнинг оқ томонида)- ички заряд мавжуд. А нуқтадаги ҳар қандай ташқи ўзгариш худди шу лаҳзада қарама-қарши йўналтирилган куч таъсирида Б нуқтадаги ўзгаришга олиб келади. Электроннинг ташқи заряди йўқолган заҳоти ички потенциалнинг таъсирида спираль чўзилиб, электрон тўлқин ҳолатига ўтади. Ташқи заряд яна пайдо бўлганида эса (у тўлқиннинг материя билан ўзаро таъсири оқибатида ҳосил бўлади), спираль қисқаради ва электрон яна заррача ҳолатига келади. Заррача ҳолатида электрон ташқи мусбат зарядга ва чап томонга буралган спиральга, тўлқин ҳолатида эса манфий ташқи заряд ва ўнг томонга буралган спиральга эга. Ва ушбу қайта ўзгаришнинг барчаси эзоосмос туфайли амалга ошади.



*4-расм. Электроннинг заррача холатидан тўлқин холатига келишининг мажозий мисоли:*

*1) заррача холати; 2) тўлқин холати.*

Уч ўлчамли дунё позициясидаги Кузатувчи маълум техник шароитларда электронни заррача сифатида кўриши мумкин. Лекин ундан юқори ўлчамлар позициясидаги, бизнинг моддий дунёни энергиялар кўринишида кўраётган Кузатувчи эса, худди шу электрон тузилишининг бошқача расмини кузатади. Хусусан, ўша электронни ташкил этувчи ахборотли ғиштчалар фақат ва фақат энергетик тўлқинга хос хусусиятларни кўрсатишади (чўзилган спираль). Ва бу тўлқин фазода чегараланмаган. Қисқаси, электроннинг воқеликнинг умумий тузилмасидаги холати шундайки, у моддий дунёнинг ҳамма жойида мавжуд бўлади.

**Анастасия:** Биз, уч ўлчамли дунё Кузатувчилари сифатида, уни кўриш ёки кўрмаслигимиздан қатъий назар, у барибир мавжуд, десак бўладими?

**Ригден:** Ҳа. Буни тушуниш учун, яна бир мисолни кўриб чиқамиз – кўзгу

билан. Айтайлик, бир нечта фундаментал ахборотли ғишталар бир локал нуқтани, объектни ифодаловчи тузулмани хосил қилишди. Уни хона ўртасига шундай жойлаштирамизки, у маълум бурчак остида жойлашган кўп сонли кўзгуларнинг ҳар бирида акс этилмоқда. Шундай қилиб, объект хонанинг ўртасида турибди, ҳар бир кўзгуда акс этиляпти ва устига устак биз уни кўраяпмиз, демак, у ҳақида ахборот бизнинг онгимизда ҳам бор. Бир сўз билан айтсам, бу объект ҳақидаги ахборот бир вақтнинг ўзида бир неча жойда мавжуд. Энди битта кўзгуни олиб қўйсак, айнан шу жойда мазкур объектни кузатмай қоламиз. Кўзгуни жойига қайтарсак, объект пайдо бўлади. Демак, у ҳақида ахборот ҳеч қаерга йўқолмаган эди. Ахборот намоён бўлишининг маълум шарт-шароитида объектни кўряпмиз, шартлар ўзгарганида эса – кўра олмаяпмиз, холос. Аммо объектив шароитда бу объект ўша жойда ахборот сифатида мавжуд бўлишни давом этади. Акс кўриниш узлуксиз оқимга эга бўлиши мумкин, демак, бу объект, бизнинг уни кўраётганимиз ёки кўрмаётганлигимиздан катъий назар, хонанинг ҳар бир нуқтасида мавжуд (нафақат хонанинг, балки хона ташқарисидаги фазода ҳам).

Квант физикасига биноан, электронни заррача ҳолатида бўлиши ўлчаш ёки кузатиш актининг ўзига боғлиқ. Бошқача қилиб айтсам, ўлчанмаётган ва кузатилмаётган электрон ўзини заррадек эмас, балки тўлқиндек тутади. Бундай вазиятда унинг учун бир талай эҳтимолликлар мавжуд, чунки у ҳозир ва шу ерда бир вақтнинг ўзида кўплаб жойларда мавжуддир, яъни у суперпозиция ҳолатидадир. Шу билан бирга, электроннинг кўп сонли ҳолатларига қарамасдан, бу худди шу электрон ва худди шу тўлқиндир. Суперпозиция – бу объектнинг барча мумкин бўлган муқобил ҳолатларда бўлиш имконияти, токи танлов амалга ошмагунча, кузатувчи ўлчашни (берилган объектни хисоблашни) амалга оширмагунча. Кузатувчи ўз эътиборини электроннинг хулқ-атвориغا йўналтирар экан, электрон шу захотиёқ заррача ҳолатига ўтади, яъни тўлқиндан материяга айланади. Хуллас, ўлчашдан, ёки Кузатувчининг танловидан кейин, битта объект фақат битта жойда мавжуд бўлади.

**Анастасия:** Воҳ, бу қизиқ маълумот! Демак, квант физиканинг хулосалари ўзини мукаммалаштириш билан шуғулланувчилар учун қадрли экан-да. Бу қайсидир маънода одамда медитация керагидай ўтмаганлигини сабабини тушунтириб бермоқда. Ахир медитация жараёнининг материализациясига, яъни энергиянинг тўлқин ҳолатидан моддий ҳолатга ўтиб материянинг хоссаларига эга бўлишига нима ёрдам беради? Айнан Хайвоний томондан кузатув ва назорат. Бошқача айтганда, медитациянинг ўхшамаслигининг сабаби – оннинг одатий,



кундалик холатига хос фикрлаш жараёнларининг ишга тушишида. Шундай пайтда мия доим ниманидир аниқлашга ва кузатув объектнини локаллаштиришга уринади. Бу вазият қачон ривожланади- қачонки Шахс медитация вақтида онгнинг ўзгарган холатига етарлича чуқурлашмаса ёки ушбу холатнинг устидан назоратни йўқотса. Бу нарса Хайвоний табиатга кузатув жараёнига аралашувига имкон беради, натижада ўхшатиш образлари туғилади ва Ҳақиқат йўқолади. Тўлқин материяга айланади. Аммо фикрлаш жараёнлари кезаётган “мияни ўчириб”, ўз чуқур туйғуларининг намоёни туфайли медитацияга тўлақонли киришар экансан, онгнинг кенгайиши рўй беради ва Малакий табиатинг кузатаётган материя тўлқинга айланади. Сен дунёнинг ҳақиқий реаллигига қушилиб, у билан яхлит бўлиб қоласан, бир вақтнинг ўзида унинг хилма-хиллигини хис этасан, гўё сен кўпгинасан ва ҳамма жойдасан. Ҳақни билиш жараёни бўлган асл медитация айнан шунда содир бўлади.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Хайвоний табиатнинг дунёси – бу материя ва унинг қонунлари устуворлиги дунёсидир. Худонинг дунёси – бу мукамал энергиялар дунёсидир. Медитация, ёки онгнинг ўзгарган холатида бўлганинда, жараённинг қисмига, Худонинг бу ерда намоён бўлиш жараёнининг бир қисмига айланасан. Сендаги Хайвоний табиатинг ўз кузатувини бошлар экан, сенга материя устидан назорат факти ўрнатилгандек туюлади. Аслида эса сенинг устингдан материянинг (Хайвоний ақлнинг) назоратининг факти ўрнатилади. Натижада сен яққолроқ намоён бўлган моддий объектга, аслида умумий материянинг корпускула объектига айланасан (“корпускула” лотин тилидан “танача”, ”материянинг ниҳоятда кичик заррачаси” маъносини билдиради) ва унинг қонунларига бўйсунасан. Агар тўлқин холатига ўтсанг, Худонинг бу дунёдаги намоённинг бир қисмига айланасан, яъни Малакий табиатинг Кузатувчисига. “Сенда нима кўпроқ бўлса, сен ҳам шунга айланасан”, деб бежизга айтилмаган.

Медитация холатида одатий идрок йўқолади. Тажрибали одамда, хусусан, ”Нилюфар гули” рухий амалиёти холатида, онги ҳақиқатан ҳам анча кенгайди, одатий дунёнинг чегараларидан ташқарига чиқади. Одам ўзини ҳамма ёқда эканлигини хис этади. Квант физикасидаги суперпозиция, тўлқин холатига ўтиш, бу одамнинг медитация пайтида юқори ўлчовлар, материя йўқ бўлган ўлчовларга чиқиш холатини эгаллаш билан тенг. Медитация холатидаги суперпозиция – бу борлиқни ва унинг намоёнларини “кўришинг”, яъни чуқурликдаги туйғулар ёрдамида сезишинг. Аммо Кузатувчи бирор объектга эътиборини мужассамлаштирган заҳотиёқ унинг онги тораяди ва кузатув объекти билан чегараланади. Яъни, сен танловни амалга ошириб, конкрет деталларга эътиборни қаратар экансан, тўлқин материяга айланади.

Ахир деталларга эътибор берсанг, хажмли идрок йўқолиб, деталлар қолади. Хайвоний табиатингни фикрлари – бу ўзига хос асбоб, объектларни моддийлаштириш учун кучдир, Малакий табиатингнинг туйғулари эса – онгни кенгайтириш учун, юқори ўлчовларга чиқиш учун куч.

**Анастасия:** Ҳа, бу дунё нақадар мураккаб ва оддий нарсалар унда қанчалик яққол бўлиши мумкин.

**Ригден:** Шундай қилиб, квант физикасига келсак... Бир томондан, Кузатувчи ҳақидаги тушунча олимларнинг билимларини кенгайтирди, иккинчи томондан эса – боши берк кўчага олиб келди. Ахир Суперкузатувчи позицияси бутун Оламга ва унда содир этилаётган барча жараёнларга таъсир этувчи қандайдир улкан куч мавжудлигини исботламоқда.

**Анастасия:** Факт бўйича бу Худо мавжудлигининг яна бир илмий исботлаш йўлими?

**Ригден:** Ҳа. Одамда илоҳий кучнинг парчаси сифатидаги Қалби бор. Одам ички дунёсини қанчалик кўпроқ ўзгартирса, унинг Шахси Худонинг олдида очилиб, шунчалик кўпроқ Қалби билан бирлашади, Маънавий кучи шунчалик кўпаяди ва у моддий дунёга юқори ўлчовлардан таъсир қилиш имкониятига эга бўлади. Бундай инсонлар сони кўпайгани сайин ушбу таъсир ҳам аҳамиятлироқ ва кўлами кенгроқ бўлади. Суперкузатувчи – бу барчага таъсир эта олувчи Худодир. Малакий табиат кузатувчиси сифатидаги одам эса – бу дунёнинг жараёнларига аралашиб, уларни микро-даражада ўзгартира олувчи Кузатувчидир. Албатта, одамлар Хайвоний табиат Кузатувчиси позициясидан ҳам материяга маълум даражада таъсир этиш кучига эгалик қилиши мумкин. Аммо фақатгина инсоннинг Малакий табиатининг Кузатувчиси ишга тушганида, у ҳақиқий таъсир кучига эга бўлади.

**Анастасия:** Руҳий амалиётларни бажарганинда ва дунёнинг реаллиги ҳақида кенгайтирилган тасаввурга эга бўлганинда, бу – факт эканлигини тушунасан. Одамлар авлиёлар деб ҳисоблаган инсонлар томонидан ҳар ҳил даврларда ҳар ҳил китъаларда содир этилган ғаройиб мўжизалар бунинг тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Ахир улар учун табиий офатларни тўхтатиш, сувнинг тузулмасини ўзгартириш, ҳар қандай касалликни даволаш, хатто ўлик одамни тирилтириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаган.

**Ригден:** Албатта, одам ўзидаги имкониятларни тасаввур ҳам қила олмайди. Кузатув – бу яширин сирларни очиш ва билиш учун биринчи қадамдир. Биз вазиятни Хайвоний ёки Малакий табиат позициясидан кузатар эканмиз, унга ва унинг қай тарзда ривожланишига ва кўзга кўринмас дунёда олдини олишга таъсир этамиз, зеро танловни амалга оширамиз. Хар бир вазият – бу нафақат мана шу жойда ва hozир бўлишинга, балки шу лаҳзада ўзингни қайси томондан кузатаётганинг ҳақида ўзгача жавобдир.

**Анастасия:** Аслида, биз доимо атрофдаги дунёда ўзимизнинг қисмимизни кузатамиз ва дунёнинг реаллигини эмас, балки ўзимизнинг тажрибамиз ва дунёқарашимизга биноан уни қандай тасаввур қилаётганимизни хукм қиламиз.

**Ригден:** Тўғри. Дунё ҳақида бирор гап айтганимизда, биз катта ҳисобда ўзимиз ҳақимизда ниманидир айтган бўламиз. Сўзлаётган одам ҳақида яхши тингловчи уни ўзи ҳақида гапирмоқчи бўлганидан ҳам кўпроғини билиб олади.

**Анастасия:** Бошқача қилиб айтганда, ташқи дунёни биз у ёки бу тарзда, лекин Хайвоний табиат Кузатувчисининг ўзига хос “пуштиранг кўзойнаги” орқали кўрамиз. Биз ўз ички дунёмизни ўзгартириш устида қанчалик кам ишлар эканмиз, ўзимизга шунчалик ёмон. Ахир бу вазиятда фақат Хайвоний табиат Кузатувчиси билан боғлиқ тажриба ўсади, демак, дунё идрокининг сурати ҳам борган сайин бузилаверади.

**Ригден:** Ҳа. Дарвоқе, буни одамнинг мияси, онги, фикрлаш тарзи, дунёқарашининг шаклланиши позициясидан ҳам кузатиш мумкин. Истеъмолчилик жамиятида одамга туғилишидан дунёнинг моддийлиги ва одам учун бу ягона мавжуд бўлган реаллик, деб маълум кўрсатмалар уқтирилиши қоидага айланган. Бизнинг миямиз хар хил босма қолипларни тезда ўзига қўллашга қодирлиги ҳақида мен олдин ҳам гапирган эдим. Ундан-да кўпроғи – кейинчалик у айнан шуларга таянади, токи одам янгиларини танламагунча. Шундай қилиб, одам ўз хаётини болалигидан аслида ёлғон кўрсатмаларга таяниб, Хайвоний табиати Кузатувчиси позициясидан дунёни бир ёқлама кўриб куради. Барча, унинг ўрнатмаларига ва шахсий танловига номувофик нарсаларни, одам шунчаки рад этади. У ўзининг шахсий танлови ва ўрнатмаларига тегишли бўлмаган нарсаларни барчасини шунчаки рад этади. У дунёни ва ўзини ўрганишни торгина бир спектрини танлайди ва ундан кўпроғи билан қизиқмайди ҳам. Натижада одам “чайналган” ўхшатишлардан фойдаланади ва унинг режалари-ю ҳаракатларини олдиндан айтиш мумкин.

Атрофимиздаги дунёдан келаётган, ва катта қисми кўриш орқали келаётган танланган ахборотнинг ўзи нимани ташкил этади? Квант физикасига биноан, биз кўраётган нарсалар – берилган фазо геометрияси томонидан хосил қилинган иллюзия, алданишдир. Оннинг одатий ҳолатида биз дунёни четланган космик ёки бошқа Кузатувчи позициясидан эмас, балки берилган уч ўлчамли фазога киритилган, маълум координаталарга жойлаштирилган маълум вақтдаги Кузатувчи позициясидан идрок этамиз. Шунинг учун дунёни ҳам биз бир ёқлама идрок қиламиз, фақат шу нуқтадан, ваҳоланки бундай ҳолатда эса бузилиб кўринишлар пайдо бўлиши табиий. Хатто ўз танамизни ҳам биз учун одатий бўлиб қолган оннинг кундалик ҳолатига мосланган миямиз қабул қиладиган уч ўлчамли образ сифатида кўрамиз. Агарда онгимиз ҳолатини ўзгартирсак ва, масалан, медитация ҳолатида ўз жисмоний танамизни кўриб чиқсак, биз аурани ва унга тегишли қобикларни, хуллас, ўзимизнинг мутлақо бошқа тузилишимизни кўрамиз. Янада мураккаброқ медитацияларни бажарар эканмиз, ўз тузулмаимизни янада масштабни, тўлалигича, бошқа ўлчовларда жойлашган қисмлари билан бирга ҳам кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси одамнинг энергетик тузилиши ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, бош мия бошсуяк ичида жойлашган, яъни у ташқи муҳитдан бутунлай айри ҳолатда. Унинг атрофимиздаги жисмоний фазо ёруғлиги билан бевосита алоқаси йўқ. Кўзимизга тушаётган нур, электр сигналга айлантиради, холос. Ва айнан шу сигнални, мажозий маънода айтадиган бўлсам, ўз “қоронғулигида” мия таҳлил қилади, қайта кодлайди. Бошқача айтганда, миямиз “реал суратни” (аниқроғи берилган фазо геометриясининг иллюзиясини) эмас, балки ташқаридан келган қайта ишланган сигнални – идрокнинг чекланган диапазонида кўринаётган суратнинг “*электр нусхасини*” кўрмоқда.

**Анастасия:** Хуллас, бу “электр нусха” кузатилган объектлар ҳолатининг ўтган лаҳзасига тегишли бўлгани камдек, устига устак бу нусхани кўзга кўринган ва кўринмас дунёнинг хилма-хиллигининг хатто бир ушоғи деб бўлмайди. Одам эса дунёни биламан ва ундаги жараёнларни тушунаман, деб алданиб яшайди...

**Ригден:** Ҳа, одам Хайвоний табиатидан фикрлаш одати туфайли шундай ўйлайди... Аммо у ўзига: мендаги ўйлаётган ким ва онг бу нима? каби саволлар бериб ўйланиши лозим. Мия – ўз тузулиши ва вазифалари бўйича (шу жумладан ҳимоя ҳам) ноёб биоқурулма. Унда элементлар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг сони астрономик рақамни ташкил қилади. Миянинг ташқи муҳит билан бевосита алоқаси йўқ.

Мия керагидан ҳам ортиғига дастурланган, яъни у, мисол учун, Ер сайёрасида яшаш учун бажарадиган вазифаларидан ҳам беқиёс даражада мураккаб вазифаларни бажаришга қодир. Мия кечаю кундуз ишда. У фақат ўз холатларини ўзгартиради, масалан, уйқу, ўйғоқлик ва хоказо. Унга ўз тизимини доимий равишда мустақил қайта ташкил этиш хосдир. У одатда фақатгина ярим сониядан икки ярим сониягача турғун холатда бўлади, кейин эса қайсидир ўзгарувчан, эгилувчан звенолар ёниб, бошқалари ўчади, шу билан эса қаттиқ звенолар ҳамиша ишлайди. Бир хилликдан мия “зериккандек” бўлади. Доимий равишда фикрлаш жараёни юз беради. Кечаю-кундуз турли ахборотлар қайта ишланади.

Мия - бу онг ва ташқи дунё ўртасидаги воситачи. У кодларни, яъни хар хил, шу жумладан, бешта ҳиссий органлардан келаётган сигналларни ҳам, қабул қилади ва, қайта ишлашга уринади. Аммо таъкидлаш лозим, мия кўплаб бошқа, нафақат кўзга куринадиган, балки кўринмас дунёдан ҳам келаётган сигналларни қабул қилишга қодир. Замонавий олимлар учун бунинг тасдиғи бўлиб маълум медитатив амалиётлар ёрдамида онг холатини ўзгартира оладиган одамлар билан ўтказилаётган тажрибалар хизмат қилади. Булар ҳам буддавий руҳонийлар, ҳам сибир шаманлари, экстрасенслар ва хоказолар.

Ундан ташқари, бу тажриба гуруҳига вақти-вақти билан ўзидан ўзи пайдо бўлаётган ноёб қобилиятлари мавжуд одамлар ҳам киради: телепатия (фикрларни масофага узатиш), келажакни кўриш, телекинез (фикр кучи билан жисмоний объектларни ҳаракатга келтириш, уларни шаклини ўзгартириш) ва хоказо. Аслида, бундай қобилиятлар хар қандай одамга хос, агарда уларни оча олса.

**Анастасия:** Аслида булар, таянч Билимларга эга бўлган одам ўз хонасини тарк этмаган холда, кўзлари юмиқ тарзда, қандайдир техник воситаларсиз ёки маълум хиссий органларсиз, онгининг ўзгартирилган холатида дунёни мувафақиятли ўрганишга қодирлигининг исботидир.

**Ригден:** Таъкидлаш жоиз, одамнинг бу билимлари онгининг одатий холатида олган билимларига нисбатан бойроқ ва анча ахборотлироқ бўлади. Нимага? Чунки унинг онги *бошқача* режимда ишлашни бошлайди. Миянинг фаолияти онгининг ўзгартирилган холатида қайта ташкил этилишини хатто замонавий асбоблар ёрдамида ҳам кузатса бўлади. Онгининг одатий холатида одам фикрлаганида бош миясининг хар хил зоналарида нерв хужайралари фаоллиги худди юлдузли осмонга ўхшаб, бетартиб кўринади. Онгининг ўзгартирилган холатида эса мия фаоллигининг мутлақо бошқа сурати пайдо бўлади.

”Юлдузлар” худди маълум шаклли “юлдузли тизимларга” сафлангандек бўлади – шарлар, булутлар, оқимлар, аниқ йўналтирилган нурлар.

Шунингдек, бошсуякнинг ва унга туташ тўқималарнинг ичкаридан тузулишининг (шаклининг) ўзига эътибор бериш лозим. Олд, юқори ва орқа суяклари алоҳида эътиборга лойиқ, уларнинг рельефи ўзгачадир. Бу хар хил частотали тўлқинларни йиғиш, ютиш, қайтариш хусусиятига эга бўлган қавариқ ойналарнинг ўзига хос биологик прототиби. Маълум конструкция яхшигина резонатордир (лотинча “rezono” – “жавобан янграмоқ”, ”жавоб бермоқ”), яъни тебранишлар энергиясини йиғиб уни битта нуқтада жамлашга ва кучайтиришга қодир.

**Анастасия:** Бу жуда қизиқарли маълумот. Замонавий радиотехника мисолидан маълум-ки, қавариқ ойналар қабул қилувчи ва ўтказувчи антенна хусусиятига эга.

**Ригден:** Жуда ҳам тўғри. Шунинг учун, катта ҳисобда, мия бу ноёб биологик қурилма бўлиб, кўплаб вазифаларни бажаради, у кўзга кўринувчи ва кўринмас дунёдан, шу жумладан одамнинг ички дунёсидан ҳам келаётган маълумотларни қабул қилади ва узатади.

Одам медитация бажаришни бошлар экан, у хаёлан буйруқ беради ва у ёки бу чакранларни ишга тушириб, нозик энергияларни юргизади, улар эса энергетик тузулмамиздаги маълум зоналарни фаоллаштиради. Бундай буйруққа биноан, жисмоний тананинг бош мияси ҳам иш режимини онгнинг ўзгартирилган ҳолатидаги режимга ўтказади. Шу билан, айтайлик, янада чуқурлаштирилган медитацияларда узига хос қизиқ жараён содир бўлади: одам аслида “фикрларни тўхтатади”. Соф кўринишдаги ахборотни эса қадимдан олтинчи туйғу, интуиция (интуитив Билиш) номини олган куч ҳисобидан олади. Ва бундай билиш дунёнинг одатий идрокига нисбатан анча чуқур, бой ва хилма-хилдир. Аҳир Малакий табиат Кузатувчиси ҳақиқий реалликни ўрганаётиб, энергетик жараёнларни туйғулар ёрдамида бутунлигича ва аниқ идрок қилади. Шунга биноан, медитациядан кейин унга одамнинг мияси уч ўлчамли дунёдаги “реаллик” деб босма қолипларга биноан идрок этилаётган нарсада аҳамиятли фарқ мавжудлигини ва бу дунё воқеаларини шакллантирувчи реаллик аслида қандайлиги яққол бўлиб қолади. Бундай Кузатувчи учун бу дунёдаги маълум жараёнларнинг замонавий илмий тушунишларидан анча илгарилаб кетган ахборотни олиш муаммо эмас.

Шундай қилиб, биоқурилма сифатида фаолият юритувчи мия учун ташқи дунё – бу кўп сонли нусхалар, холос. Бу нусхаларни у

Кузатувчининг ички дунёсига ва танловига биноан Кузатувчи томонидан қўйилган вазифаларга мувофиқ қабул қилади. Хар бир одам ўз танлови ва ички идрокига мувофиқ равишда ўзининг воқелигини яшаб ўтади.

**Анастасия:** Ҳа, нима учун Малакий табиат Кузатувчиси позициясидан яшаш ва шахсий тажриба тўплашга интилиш кераклигини энди янада чуқурроқ тушунмоқдаман. Шундагина ўз хаётимизни кўпдан-кўп адашишларга сарфлаб юбормасликнинг, Хайвоний табиатимиздан бўлган кузатишлар иллюзиясида ботиб қолмасликнинг, тақдиримизни ўзгартиришимизнинг ва хаётимиз давомидаёқ рухий кутқарилишимизнинг янги воқелигини шакллантиришнинг реал имконияти мавжуд бўлади. Аҳир нимани ўйласак, шу нарса, биз учун у ёки бу воқеликни намоён этиб, яратилади-да.

**Ригден:** Одам ўз ўрганишида қанчалик узоққа боришига ишонса, шунча узоққа боришга қодир. Хайвоний томонидан шаклланган ўрнатмалардан қанчалик қатъиятли узоқлашса, реалликка унинг таъсири шунчалик кўринаверади. Агар одам ўзи учун қатъий равишда Малакий табиат Кузатувчиси позициясини шакллантирса, у ўзини бутун дунё билан чуқурликдаги туйғулараро ўзаро боғлиқ ва узаро таъсирда эканлигини тушуна олади.

Хайвоний томон Кузатувчиси сифатида одам ўзи учун аҳамиятли хисоблаган объектларни қайд этади ва диққатининг кучи ёрдамида уларнинг ўзи учун муҳимлигини кучайтиради. У ёки бу объектни аҳамиятли деб хисоблаш одамнинг ўзини ва дунёни ўрганиш тажрибасига, дунёқарашига боғлиқ. Одам ташқи вазиятларга таянар экан, шу заҳотиёқ у безовталиққа, диққатини янада жамловчи кўплаб иллюзиялар кўринишига олиб келувчи ҳаракатни туғдиради.

Малакий табиат Кузатувчиси сифатида одам дунёга холисона қарайди. Унинг хаётдаги таянчи ва аҳамиятли объекти – бу Қалб. Аҳир ички Ҳақиқатни билмасдан туриб, ташқи ҳақиқатни билиб бўлмайди, чунки у холда олдида бу дунёнинг барча сирлари ошкор бўлган Кузатувчи бўлмайди.

**Анастасия:** Биласизми, хаётимда шундай босқич бўлдики, Сизнинг сўзларингизни мен онг билан эмас, балки кўпроқ интуициямга таяниб қабул қилар эдим: сўзларингиз менга илҳом бағишлаб, одамий қийинчиликларни енгишга ёрдам берар эди. Лекин жиддий, айниқса одамнинг кўзга кўринмас тузулмасига тегишли амалиётлар бажара бошланганимдан сўнг, дунёни идрок этишимнинг чегаралари анча кенгайди ва ғаройиб рухий тажрибага эга бўлдим, руҳан кузатиш ва

чуқурликдаги туйғуларда очилиш имкониятига эга бўлдим. Бу тажриба туфайли Сиз бераётган Билимларнинг нақадар қадрлилигини тушундим. Ҳақиқатан, медитациялардаги кечинмаларни сўзлар билан ифодалаб бўлмайди, лекин улар атрофдаги дунёга бўлган муносабатни кескин ўзгартирди, чунки бу моддий дунёдан кўра қадрлироқ нарса борлигини хис қилдим... Энг қизиғи шундаки, бундай амалий илгарилашдан кейин медитацияларнинг сифати ўзгарди. Айниқса чуқурликдаги туйғулар билан ишлаш борасида “Нилуфар гули” медитациясининг кўп қирралигини ва “Пирамида” медитациясининг одамни энергетик тузулишини ўрганиш имкониятини ва ўзимиз ҳақимизда ғаройиб амалий таянч Билимларни бераётганини таъкидлашни хоҳлардим. Дарвоқе, ушбу медитация ҳақида дунёга ҳам маълум қилишнинг иложи борми? Агар ҳа бўлса, одамлар бевосита Сиздан бу азалий Билимларни эшитишса, жуда миннатдор бўлар эдим.

**Ригден:** Албатта. “Пирамида” – ўзи жуда самарали медитация, у замонавий одамларга номаълум бўлган ўзининг мураккаб тузулмасини тушунишга, ҳақиқий ички дунёсини хис этишга ёрдам беради, лекин бу ҳали мукамалликнинг чегараси эмас. Аммо ушбу медитация билан таништиришдан олдин, ўйлайманки, одамларга кўзга кўринмас тузулмаси ҳақида батафсилроқ Билимлар билан таништириш арзийди. Қадимдан бу билимлар турли халқларда бўлган. Бугун улар бутунлай йўқолган деб айтолмайман, улар ҳақида эслатмалар қисман қолган, аммо қандай кўринишда – бу бошқа савол. Бунга хайрон бўлмасак ҳам бўлади – одамнинг ўткир ақли бундан кўпроғига қодир.

Олдин ҳам айтган эдим, одам – оддий материядан кўра анча каттароқдир. Ўзининг тузулиши бўйича у нафақат жисмонан, балки энергетик жиҳатдан ҳам жуда мураккаб. Замонавий асбоблар ёрдамида ҳам одамнинг тузулишини кўрадиган бўлсак, биз фақат унинг уч ўлчовли дунёдаги тузулмасининг бир қисмини кўрамиз, холос. Унинг устига тузулмасининг каттароқ қисми кўзга кўринмас дунёда жойлашган умумий тузулишини кўриб чиқсак, нозик энергиялар сатҳига нисбатан жисмонан у анча кучсизроқ ҳимояланганлигини аниқлаш мумкин.

**Одамнинг умумий тузулишида тана эмас, балки Қалб кўпроқ ҳимояланган.** Жисмоний тана – бу қўшимча, алмашинувчи моддий қобик, холос. У Одамнинг маълум яшаш шароитларида уч ўлчовли фазо геометриясида кун кечириш учун яратилган. У вақтинчалик ва ўлиши муқаррардир. Бу ўзига хос биомашинадир. Уни Шахс, яъни ҳаётини йўлидаги вазиятларда ва умумий маънавий ривожланишида акс этувчи доимий танловни амалга оширувчи кимса бошқаради. Реинкарнациялардаги таналарнинг алмаштирилиши – бу атиги қўшимча ташқи қобикнинг янгиланиши, холос, худди тана терисининг



янгилиниши ёки рўзгорда кийим алмаштирилиши каби. Табиийки, одам тузулишининг энергетик ва жисмоний қисмлари ўртасида ўзаро таъсир, ҳар хил энергия ва ахборот алмашинуви жараёнлари содир бўлади.

Айтиб ўтганимдек, дунёда барчаси ўзаро боғлиқдир. Дунё кўп ўлчовли ва ҳар хил параллельларга эга. **Кўринмас дунёдаги одам – бу ахборот жиҳатдан мураккаб бўлган, фазога ориентирланган субъектдир, у бир вақтнинг ўзида олтита ўлчовда бирдек туради.** Замоनावий одамларга буни тушуниш мушкул, лекин, умид қиламан, янги физика ва биофизика фанларининг ривожланиши билан, илм-фан бу фактга ҳам етиб келади. **Одам бир йўла олтита ўлчовда бирдек туради, бу ўлчовлар доимий равишда бир бирига ўзаро таъсир этади.** Аммо одамда хаёти давомида **Шахсининг Қалби билан қўшилишишига, рухий етукликка эришиб, еттинчи ўлчовга (Нирвана, жаннатга) чиқиш имконияти мавжуд, яъни у ўзининг рухий озодлигига эришиши, истаги бўлса, унданда юкори ўлчовларга чиқиши мумкин.** Солиштириш учун айтиб ўтаман, бодхисатва, рухий мавжудот сифатида, ерда мужассам бўлганида у одам тузулишидаги танада эркин тарзда бўлади (Рухий Мавжудот сифатида Бодхисатва танага қамалган оддий одамдан фарқли улароқ, хоҳлаган пайтида Рухий дунёга кетиши мумкин) ва бирйўла 72 та ўлчовда барқарор туради – глобал Оламнинг айнан шунча ўлчови мавжуд. Бир сўз билан айтганда, бодхисатва вақтинча барча одамлар сингари моддий дунёнинг олтита ўлчовида жойлашган тузулмада яшайди. Лекин одам Қалбининг ўрнига унда Худонинг дунёсини мукамал Рухий Мавжудоти мавжуд. У бир вақтнинг ўзида 72 та ўлчовда барқарор туради ва уларга ўзгартиришлар киритишга қодир.

**Анастасия:** Ҳа, бу мисол одамга ўз хаёти давомида қандай ноёб имкониятларга эгаллиги ва ҳар бир ўтаётган лаҳза нима учун жуда қадрли эканлиги ҳақида тушунча беряпти. Сиз Оламнинг 72 та ўлчови мавжудлиги ҳақида айтиб ўтдингиз. Ўйлайманки, ўқувчиларга Оламнинг ўлчовлари сони чекланганлиги ҳақида билиш жуда қизиқарли бўлади. Ёдимда, бир пайтлари бизга эзоосмос, параллель дунёлар, параллельнинг парадокси ҳақида, ”параллель дунё «ва “параллель ўлчовлар” тушунчаларнинг фарқи ҳақида гапириб бергандингиз.

**Ригден:** Ҳа, параллель дунёлар ва ўлчовлар – бу битта нарса эмас. Параллель дунёлар кўп бўлиши мумкин. Улар, у ёки бу тарзда, ҳар хил ўлчовлар билан боғланган. Аммо буларнинг барчаси битта глобал Оламда мавжуд. Параллель нима? Одамлар хаётининг мажозий мисолида тушунтираман. Ҳар бир одам хаётини ўзининг кундалик ”реаллигида” яшайди, ўз микродунёсида, у эса қайсидир лаҳзалар

бўйича бошқа одамларнинг хаётини “воқеликлари” билан кесишади. Бошқача айтганда, унинг индивидуал онги айри, ўзининг параллелида, аммо барча учун умумий бўлган дунёда яшайди. Шу одамга параллель равишда ўзларининг фикрлари, ички дунёси, ташқи муҳити, бошқа, нотаниш одамлар ўз хаётини яшайди. Параллель дунёлар ҳам худди шундай, уларнинг сони кўп, айримлари туташади, айримлари параллель холатида, индивидуал бўлиб қолади. Лекин уларнинг барчаси глобал Оламнинг 72 ўлчовли тизимига киради.

Бу 72 та ўлчов асосан нозик ва кўпол энергиялар билан ифодаланади. Бу энергиялар у ёки бу ўлчовни шакллантирувчи маълум энергетик майдонларни хосил қилади. Уларда аниқ чегараланиш йўқ. Битта энергия ҳам у, ҳам бу, ҳам яна бошқа ўлчовда мавжуд бўлиши мумкин. Барча ўлчовлар ўзаро боғлиқ, шу билан бирга, улар бўлак. ҳар бир ўлчов ўзининг архитектураси билан фарқланади, десак бўлади. Нозик энергиялар устувор ўлчовлардаги бирор кичик ўзгариш ҳам бошқа, (нозик энергиялардан ташкил топган) қалин энергиялар устувор бўлган ўлчовларда глобал ўзгаришларни туғдириши мумкин. Энергетик тузилиши бўйича 71-чи ўлчов энг мураккаб бўлиб хизмат қилади. 72-чи ўлчов эса Оламнинг энг юқори, энг мураккаб, универсал ўлчовидир. Ундан туриб ҳар қайси ўлчовга ёки параллельга таъсир қилиб, ўзгартиришлар киритиш мумкин, яъни эзоосмосга тўғридан-тўғри таъсир этиш мумкин. Ушбу ўлчов Худонинг Садоси ила намоён бўлган бутун Оламда ўзининг ривожланиши туфайли индивидуал Рухий ақл эришиши мумкин бўлган энг юқори ўлчовдир. 72чи ўлчов энг мураккаб бўлишига қарамасдан, шу вақтда жуда сода ҳам. У биринчи ўлчов билан боғланган. Биринчи ўлчов – бу, аслида, бирламчи туртки, кейинги бошқа ўлчовларга ўзгаришлар олиб келувчи ва бутун материяга, шу жумладан, вақт, фазо, гравитацияга ва хоказоларга таъсир этувчи эзоосмосдир. Эзоосмос бўлмаганида ҳаракат бўлмас эди, демак, хаёт ҳам бўлмас эди.

Ушбу билимлар қадимда ҳам бўлган, аммо ўша даврларда яшаётган одамларга тушунарли бўлган ўхшатиш шаклларда. Мисол учун, қадимги Хиндистонда, Хитойда, Мисрда дунё тузилиши, фазо геометрияси ҳақида билимлар мавжуд бўлган. Етмиш икки ўлчовнинг муқаддас рамзи думини тишлаётган илон бўлган. Ва унинг танаси Оламнинг ўлчовларини назарда тutilган холда айни 72-та халқа (аниқроғи танасининг “бўғини”) кўринишида тасвирланган. Илоннинг боши 71 чи ўлчовнинг 72 чи ўлчовга ўтиб кетаётган мураккаб энергетик архитектоникасининг рамзи, ўз думини тишлаш эса - мураккабнинг оддийга ўтиши, етмиш иккинчи ўлчовнинг биринчи ўлчов билан боғлиқлигининг рамзи бўлган.

**Анастасия:** Ҳа, мен ушбу қадимги артефактни дунё халқларининг маданияти ва рўзғорига бағишланган археологик ишларда кўп бора учратганман. Ўйлайманки, ўқувчиларимизга аҳамиятга лойиқ бир аниқлаштиришингиз қизиқ бўлади – илоннинг боши соат милларига қарабми, ёки соат милларига қарши жойлашган бўлиши керак? Ахир турли маданиятларда турли вариантлар учрайди.

*5-расм. Ўз думини тишлаётган илон – Оламнинг рамзи:*


- 1) қадимий миср маданиятининг ибодатхоналаридаги безакларининг, барельефларидаги тасвирларнинг фрагментлари;
- 2) Инд водийсининг археологик топилмаларидан (“Харапп цивилизацияси – э.ав. III-II минг йилликларда мавжуд бўлган протохинд цивилизацияси)ўз думини тишлаётган илон кўринишидаги узук;
- 3) қадимги Хитой рамзи – ўз думини тишлаётган илон (Хитойда “хаёт тоши” ҳисобланган нефрит тошидан ишланган)



1



2




3

**Ригден:** Даставвал илоннинг боши ривожланиш, яратувчилик рамзи сифатида айнан соат миллари бўйлаб жойлашган. Ўлчовлар сонининг халқачалар-тангачалар кўринишида шартли тавсирланиши чапдан ўнгга қараб жойлашган эди. Доира ҳам Оламнинг спиралсимон ҳаракатининг (соат миллари бўйлаб, тўғри свастика) рамзи эди, яъни Аллат кучларининг асосий таъсирига мувофиқ (Рухнинг материядан устуворлиги). Қадимда бу белги ибодатхоналарни нақшлашда илоҳий Билимлар ҳақида сўзловчи муқаддас рамз сифатида ишлатилган. Соат милларига қарши эса илонни бошини моддий Ақл (Хайвоний ақл) тарафдорлари Оламини ичкарига, вайронагарчилик ва қирғин томон айлантирувчи кичик куч рамзи сифатида тасвирлашган. Бунақа одамлар, Хайвоний ақл Иродасига бўйсунган холда, ўзлари учун материяни Рухдан устувор деб эълон қилишган, моддий хокимият устуворлиги принципини хаётга тадбиқ этишган.

**Анастасия:** Аслида бу ишорани плюстан минусга ўзгартирилишидир. Мен бундай илонни эркин ғишт терувчиларнинг архитектуравий сюжетларида кўп кўрганман.

**Ригден:** Бу ходиса, масалан, ўрта аср даврида, алкимё ривожланган пайтда ғоят тарқалкан эди, у ерда илонни бошини соат милларига қарши томон йўналтиришган. Бу жараёни сунъий ушлаб туриш ёки қарши томонга ривожлантириш рамзидир. Аммо бундай икир-чикирларни фақат билимга эга тор доирадагилар билишган. Омма учун эса бу тушунчанинг нуроний талқини келтирилар эди, шунинг учун бошини у ёки бу томонга бурилганига камдан-кам одамлар аҳамият берарди. Аммо бекор қилади, белгилар ва рамзлар жамият хаётида муҳим рол ўйнайди, гарчи жамиятнинг ўзи бу ҳақда билмаса ҳам. Лекин кимдир атайлаб илонни бошини соат милларига қарши томон тасвирлаган бўлса, кимдир буни англашилмовчилик, билимларнинг йўқотилганлиги ёки қадимги маълумотларни нотўғри нусхаланиши натижасида қилган. Масалан, шунга ўхшашини бугун қадимги хинд афсоналаридаги Анант илони кўринишидаги дунёнинг рамзий тасвирланишида кўриш мумкин. Хинд афсоналарига биноан, *олам улкан дунёвий илон бўлган, у борлиқни халқа билан ўраб, ўз думини тишлаб туради.* Халқанинг ичида у улкан толшбақани олиб юрарди, тошбақанинг устида эса дунёни ушлаб турувчи *тўртта* филлар турибди. Дунё марказида – одамлар яшайдиган Джамбудвиша макони, унинг шакли очилган *нилюфар гулини* эслатади, бу гулнинг ўртасида *Меру тоғи* жойлашган



**6.-расм. Қадимги Хиндистонга оид Дунёнинг рамзий тасвири.**

*Афсоналарга биноан энциклопедиялардаги талқин:*

1) Коинот уммони сувларида сузиб юрган афсонавий Ананта илони (санскритдан таржима қилинганда – “чексиз”, “поёнсиз”); унинг бошқа исми – Шеша; афсоналарда эслатилганидек, унинг халқаларда Вишну худоси ётади.

2) учи кесилган пирамида устидаги учбурчак юқорининг пасткидан устуворлигини билдиради

3) меру тоғининг шартли белгиланиши, мазкур вазиятда учи кесилган пирамида кўринишида;

4) кўринувчи дунёнинг ярим шар кўринишидаги рамзи;

5) моддий дунёни ушлаб турувчи тўртта филлар (офатлар рамзи. Хавони

ифодаловчи фил кўринмай турибди)

6) Ананта илонининг халқаларида ётган тошбақа-қадимий хинд Вишну худосининг (жон берувчи табиат) мужассам бўлиши.

**Тасвирнинг маҳфий билимлар позициясидан талқин қилиниши:** тасвир эркин тошчилар позициясидан ишоралари алмаштирилиб берилган – дунёнинг тажовузкорона йўналтирилиши, Хайвоний ақлнинг устуворлиги. Илоннинг айланиши йўналиши ўзгартирилган – очиқ капюшонли кобра соат милига қарши тасвирланган. Дунё марказида нилюфар гулининг ва Меру тоғининг тасвири ўрнига иккита ўлчовлар чизилган, учинчи (одамий) ўлчовда эса учи кесилган кўринувчи олти тазина ва шунга кўра ерлик хокимият рамзи бўлмиш пирамида ўрнатилган, унинг чўққисидан 13та нурлари бор учбурчак мавжуд (ушбу учбурчак тасвирини эркин тошчилар “ўзининг белгиси” сифатида тез-тез ишлатиб туришади.)

Ўз думини тишлаётган илон рамзи қадимда турли халқларда етарли даражада тарқалган эди. Афсоналарда уни Оламнинг тимсоли билан, дунё яратилишининг акти ёки Ерни ушлаб турилиши билан боғлашган. Масалан, африка халқларининг мифологиясида, хусусан, дагомей мифологиясида, айдо-Хведо исмли архаик қахрамон мавжуд – илон-камалак. Афсонага биноан, у дастлаб пайдо бўлган ва қолган барчасидан аввал мавжуд бўлган. Ушбу илон халқа бўлиб ўралиб ва думини тишлаб олиб Ерни ушлаб турарди. Олам яратилиши ҳақидаги бошқа афсонага биноан, айдо-Хведо илони худолар гуруҳининг бошлиғи Маву-Лизга хизматкор сифатида ҳамроҳлик қилади. Ва дунё яратилиши актида мазкур илон ўша худони ўз оғзида ушлаб юриши эслатилган.

**Анастасия:** Демак, дагомейларнинг олий худоси дунёни илоннинг оғзидан туриб яратган, бўлиб чиқяпти. Ахир бу тўғридан-тўғри Худонинг 72-чи, аниқроғи 72чи ва 1чи ўлчовларнинг кесишиш нуктасидан туриб яратишига кўрсатмоқда-ку?! Ажойиб! Демак, дагомей халқи ҳам бундай Билимларга эга бўлган экан-да?

**Ригден:** Афсуски, ушбу шарқий африкалик халқ, бошқа кўплаб халқлар каби, анчадан буён бундай билимларга эга эмас, у қачондир қадим-қадимларда аждодлари томонидан узатилган маълумотларнинг бир қисмини ўз афсоналарида сақлаб қолган, холос. Ваҳоланки бундай билимлар қачондир турли қитъаларда, географик жихатдан бир-бири билан боғланмаган турли халқларга қолдирилган эди.

**Анастасия:** Ҳа, ўз думини тишлаётган илон рамзини нафақат қадимги Африка халқларининг (догонлар, мисрликлар) мифологиясида, балки Осиёнинг (хитойликлар, шумерлар), шимолий Американинг (ацтеклар), бошқа қитъаларнинг қадимги маданиятларнинг мифологиясида ҳам топса бўлади.

**Ригден:** Вақт ўтиб, одамларнинг изоҳларида ўз думини тишлаётган илон рамзи энди яхлитликнинг, барчанинг биттадалигининг ифодасига айланган, абадийлик ва чексизликнинг рамзига айланган, бошланиш ва тугашни (альфа ва омега; яратиш ва бузиш), ва шунингдек, табиат даврларининг ўзини ўзи ушлаб туриши, вақтнинг, туғилишнинг ва ўлишнинг даврийлигини ифодалаган. Қадимги Миср тасвирларида умрбод ёдгорлик бўлиб қолган ушбу Оламнинг рамзи кейинчалик финикияликларда, ва шунингдек юнонларда пайдо бўлган. Юнонлар унга мустақил ном беришди – “уроборос”, юнончадан таржима қилганда “ўз думини еяётган (ютаётган)” маъносини билдиради. Кейин бу сўз алкимёгарларнинг кундалик луғатига киритилди ва мазкур рамзнинг

маъноси янада кўпроқ бузилди. Замонавий дунёда, каббалачиларнинг энгил узатилиши билан бу рамз “чуқурлик психологиясининг” талқинига учради. Бундай одам ақли томонидан буралган вариантда у энди” эркак ва аёлий табиатларнинг яхлитлигини рамзи бўлмиш, одам индивидуаллигининг (унда “Мен” онгсизликка чуқурлашган, ундан хали онгли тажриба ажралиб чиқмаган) бошланиши бўлиб хизмат қилувчи базавий архетип сифатида” кўриб чиқилади. Хуллас, азалий Билимлардан узоқлашгани ва моддий одамий мантиқ гирдобига шўнғигани сайин Ҳақиқат йўқотилиб бораверади. Гарчи бу, ушбу Ҳақиқат бугун номаълум дегани эмас. Ўша қадимий Билимлардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритган замонавий қоҳинлар омма устидан хокимиятни сақлаб қолиш мақсадида ундан бу Билимларни яширишга уринмоқда. Лекин Билимлар азалдан ҳамма одамлар учун берилар эди.

**Анастасия:** Ҳа, дарҳақиқат, **Билимларга эга бўлсанг, бу дунёда барчаси осон.** 72 сонига тегишли маълумотга келсак... Ажабо, ахир 72 сони 6 тадан 12 маротаба (даврлар) рақамлар комбинацияси –ку.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Бу сон кўп томондан ноодийдир. Масалан, қадимги Мисрда фазо геометрияси ҳақида, геометрик шаклларнинг бурчакларини ўлчаш учун аниқ сонли ифодалар ҳақида жиддий асосга эга бўлган билимлар мавжуд эди. Улар қурилиш ва архитектурада турли, шу жумладан фазо физикасининг ўзгаришига маълум шароитлар яратувчи ноёб лойиҳаларни амалга оширишдаги билимларни асосини ташкил этган. Кўргазмали мисол – Қадимги Миср даврда қурилган Гизадаги “буюк пирамидалар” мажмуаси. Тўғриси, бурчаклари аниқ градусларга эга, маълум материаллар ва конкрет мураккаб архитектурага эга бўлган мураккаб архитектура объектларнинг асл мўлжалланиши фақатгина нозик энергияларни ва бошқа ўлчовларнинг ишлаш принципларини, шуниндек дунёга белгиларнинг таъсири ҳақидаги Билимларга эга бўлганларга тушунарлидир.

**Анастасия:** Сиз бир пайтларда Осирис исмли қадимги миср худоси, унинг, бизнинг тил билан айтганда, бодхисатва сифатидаги фаолияти ҳақида, ва 72 сони қадимий мисрликларда муқаддас диний белгиланишлар билан боғлиқлиги тўғрисида ҳикоя қилган эдингиз.

**Ригден:** Тўғри. Муқаддас 72 сони ҳақидаги тасаввур қадимий мисрликларда шунингдек бевосита Худонинг дунёси билан боғлиқ бўлган, 72та ўлчовнинг маъносини билувчи ва унинг яхлитлигини бошқаришни ва фойдаланишни билувчи Руҳий Мавжудот сифатидаги Бодхисатванинг идроки даражасига ҳам алоқаси бор. Ўша Осирисни ҳам нафақат одам сифатида тасвирлашган, балки нилюфар гули

кўринишида ҳам (даставвал 72 та япроғи билан). Унинг айрим тасвирларида Олам ҳақидаги билимлар шифрланиб қўйилган эди. Масалан, маълум сюжетларда Осирисни у дунёдаги одамларнинг қалбларининг Олий Судьяси сифатида оқ либосда тасвирлашган ва бу либос нилуфар гулининг ғунчалари – тугунчаларнинг ўралиб туриши кўринишида бўлган (даставвал 72 та). Кейинчалик, мазкур сюжетлар, уларга муқаддас билимлар киритилганлиги тўғрисида беҳабар бўлган одамлар томонидан кўп сонли қайта тасвирланиши, нусхаланиши оқибатида, ғунчаларнинг сони ўзгарган, Осириснинг либоси худди мумияникидек бўлиб қолган. Яъни маҳаллий халқ тафаккурига тушунарли бўлган кўринишда тасвирланган. Аммо, билимларга эга бўлар экансан, хаттоки минг йиллар ўтиб ҳам ибодатхоналарнинг нақшларига, қадимги мисрликларнинг қабрларига биноан бугунги авлодгача етиб келган матнларга қарб ҳам гап нима ҳақидалигини билиб олиш, халқда айтилгандек, ”уруғларни пўстлоқлардан ажратиб олиш мумкин.

**Анастасия:** Мазкур матнларни ўқиш, уларнинг таржимаси ва талқини бугунги кунда мутахассисларда катта қийинчиликлар туғдиришига хайрон қолмаса ҳам бўлади. Ахир, қадимги мисрликлар нима ёзганлигини тушуниш учун камида истемолчиликка оид бўлмаган фикрлаш форматига, кўпи билан эса – принципиал равишда бошқача дунёқарашга, сифат даражадан бошқача Билимлар даражасига эга бўлиш керак.

**Ригден:** Ҳа, йўқса худди ўрта аср каббалачиларидаги каби чигалликлар пайдо бўлади. Қадимги яхудий қоҳинлари кўпдан кўп билимларни бошқа халқлардан, шу жумладан мисрликлардан ҳам олиб ўзлаштирганлиги, ўзича талқин қилиб, кейин эса ўз диний таълимоти сифатида чиқарганлиги бугунги кунда сир бўлмай қолди. Шундай қилиб, 72 сонини кабаллачилар Оламнинг барча сатхини бошқара олувчи Худонинг талаффуз қилиб бўлмас исми ҳақидаги тасаввур билан боғладилар. Ўрта аср кабаллачилари учун ушбу сирли исм тадқиқотларининг асосий предмети эди. Аслида мазкур сон Худонинг исми билан ҳеч ҳам боғлиқ эмас, ваҳоланки бу сон Оламнинг маъно-мазмуни ва табиатнинг барча кучларини ўз ичига қамраб олгани ҳақидаги тасаввурлиги рост. Уларнинг хатоси асл одамий лаҳзалардан иборат – яъни қадимги мисрликларнинг билимлари ва белгилари ҳақидаги маълумотларнинг нотўғри таржимаси ва талқини. Кейинчалик улар ўзгартирилиб, Худонинг исмини каббалачилар томонидан тасаввур қилиниши (чизилиши) кўринишида узатилган эди. Улар бу исмни тўғри талаффуз қилган одам Худодан истагани сўраши мумкин, деб хисоблаган. Моҳияти бўйича, бу одам ақлидан келиб чиққан чекланган тушунишдир. Одамлар рухий маънавий Билимларни ўз Хайвоний



табиатининг мантиқидан талқин қилишни бошлаганида, уларга билимларни шундай бузиб юбориш хосдир..

**Анастасия:** Сиз ҳақсиз. Одамларнинг Абадийликни хаёлий онга майдалаб юбориб, чексиз хокимиятни хохлаши аҳмоқликдир.

**Ригден:** Афсуски, одамлар, ўзининг асосий бойлиги – Руҳий моҳиятини эътиборга олмасдан, Хайвоний ақл томонидан тикиштирилган иллюзияларга берилмоқда. Шундай бир мисолни кўриб чиқайлик. Замонавий кунларга қадар Осирис ва Сет ҳақидаги қадимги мисрликларнинг афсонаси етиб келган. У ўз вақтида, шу жумладан, бой-бадавлат табақалардан чиққан қадимги мисрлик файласуфларнинг ақлидан ҳам ўтган эди. Афсонага кўра, Осирис одамларга янги дунёқарашни, деҳқончиликни, тиббиётни, шаҳарлар қуришни, мис ва олтин рудаларини қазиб олиб, уларни қайта ишлашни, хуллас, цивилизациянинг барча атрибутларини ўргатди. Саҳронинг ёвуз худоси хисобланган Сет исмли Осириснинг укаси акасининг шухрати ва хокимиятига хасад қилиб, унинг ўрнига хукмдор бўлишни хохлади. У Осирисни ҳалоқ қилишнинг айёрона усулини ўйлаб топди. Уни амалга оширар экан, Сет Осириснинг олдига 72 та шериклари билан келди. Режа амалга ошди ва улар Осирисни ҳалоқ қилишди. Аммо Осириснинг Исида исмли хотини туфайли ёвузлик кейинчалик жазоланди ва адолат тикланди. Натижада Осирис қайта тирилди, лекин энди нариги дунёда одамларнинг қалбларини хукм қилувчи Судья сифатида. Шундай қилиб, мазкур савол бўйича нима демокчиман. Одамлар муҳим нарсаларга аҳамият бермасдан кўпинча ўзининг одамий истаклари позициясидан фикрлашади. 72 рақами Осириснинг (Бодхисатванинг) билимлар даражасини назарда тутгани боис, руҳий дунёнинг рақиблари уни рақиб томоннинг кучини таъкидлаш учун, ўзларига ҳам қўшиб қўйишди. Шу сабаб, кейинчалик Архонтларга бўйсунувчи тузулмада “танланган” кохинларнинг сони 72 рақами чегарасида бўлган кохинларнинг доиралари шаклланган. Аммо бундай фикрлаш тарзи кулгили, ахир *руҳий Мавжудотнинг кучининг сифати умуман ҳеч қанақа таққосланишга муҳтож эмас, айниқса Хайвоний табиати устувор бўлган одамларнинг сони билан..*

Бизгача шундай кўринишда етиб келган афсонада гўёки худолар ҳам ўзини худди одамлардек тутишини кохинлар одамларга кўрсатишга ҳаракат қилишди. Дарвоқе, айниқса ушбу ғоя қадимги Юнонистонга оид (Олимп худолари ҳақидаги) афсоналар орқали оммалаштирилди ва бу афсоналар кейинчалик бутун жаҳонга турли халқлар орасида тарғиб қилингани бежиз эмас. Нима учун бундай қилинган? Одамларга урушлар (уларни аслида кохинлар ерлик хокимият учун курашиб ташкил қилади) – бу “нормал” ҳолат, ахир худолар ҳам шундай иш тутуди;

ёвузлик ҳам “табиий «холатдир, ахир у худоларга ҳам хос-ку, деган фикрларни уктириш мақсадида. Бошқача айтганда, қоҳинлар одамларга шуни уктирар эдики, агар сизни хокимиятга интилан подшо бошқарса ва у одамларни урушга юборса – бу “нормал”дир, ахир худолар ҳам шундай иш тутуди; агарда “бошлиғинг” ёвуз бўлса – бу ҳам табиий, сен эса, паст табақали одам, унга қулоқ тут ва бўйсунгин. Натижада буларнинг барчаси қуллик жамоавий онгни шакллантиради, одамларни реал руҳий маънавий йўлдан оғдиради. Қоҳинлар авлоди учун эса бундай мафкура – уларнинг бойликка ўчлиги ва хокимият истагининг қулай оқланишидир. Шунинг учун бугун ҳам бу маълумотни ғайриихтиёрий равишда одамларнинг миясига болалигидан бошлаб сингдиришни бошламоқда. Уни турли “цивилизациялашган” давлатларнинг тарих дарсликлариди топиш мумкин. Маънавий билимлар шу тариқа бузилади, оммани ўзига қарам қилиш мақсадида моддий ўрнатмалар билан алмаштирилади.

**Анастасия:** Мана шу барча пўстлоқларни қоқиб ташлаб, Қалбларига қулоқ тутиб, Виждон амри билан яшашга одамларнинг худди жўрвати етмаётганидек.... Сизнинг эслатмангизга кўра, одам хаёти давомида нафақат руҳий озодликка ва еттинчи ўлчов сатхига чиқиши мумкин, балки ундан юқори ўлчовларни ҳам ўрганиши мумкин.

**Ригден:** Сўзсиз. Оламда барча нарсалар ўзаро боғлиқдир. Ўзининг ноёб энергетик тузулмаси туфайли, одам барча 72 ўлчовлар билан боғлиқ. Лекин боғлиқ бўла туриб, кўзга кўринмас ўзаро таъсирларни тушунмаслик қаерда-ю, онгли равишда ўзининг янги руҳий сифатида уларни ўрганиш қаерда. Руҳан ривожланган инсон хаёти давомида барча 72 ўлчовни билишга эришиши ва Бодхисатва даражасига чиқиши мумкин. Лекин, айтиб ўтганимдек, еттинчи ўлчамга чиқа олган инсон, одам бўлишдан тўхтади, у Руҳий Оламнинг янги туғилган чақалоғи – ўз индивидуал онгига ва катта руҳий потенциалга эга бўлган абадий Руҳий Мавжудотга айланади.

Яъни қайта туғилиш доирасидан озод бўлган ва вақтинча берилган қобиғини – моддий дунёдаги жисмоний танасини хохлаган пайтида ташлаб, онгли равишда Руҳий Оламга кетиши мумкин. Оламни барча ўлчовларига бирма-бир эришганида, унинг мутлақо янги холатида у билан қандай ўзгаришлар содир бўлишини тасаввур қилгин. Аммо бундай шиддатли руҳий ривожланиш фақатгина инсоннинг хаёти давомида бўлиши мумкин. Афсуски, одамзоднинг умумий тарихи давомида бундай инсонлар бир нечта бўлган, холос. Юқори ўлчамларга кириб борар экан, инсон, нафақат Оламнинг сунъий яратилганлигини, балки Худонинг ғоясини, Руҳий дунёнинг кучини ва ўзининг Унга алоқадорлигини айтайлик, чуқурроқ ва кенгроқ кўламда билиб олади. Бодхисатва даражасигача ривожланар экан, инсон ўз руҳий

ривожланишида 72та моҳиятдан, 72 та “кўзгулар”дан ўтади. Албатта, Худо томонидан ўйланган дунёни билиш борасида бу оддий йўл эмас ва бундай руҳий йўл учун, фандагидек аниқ, тўғри асбоблар керак, яъни босқичма-босқич руҳий ривожланиш имкониятини берувчи маълум медитатив техникаларни билиш зарур. Бу йўл ҳамма учун эмаслиги тушунарлидир, лекин руҳан Ҳақиқатга чанқоқ инсон уни босиб ўтишга қодир. Хайвоний табиат мантиқи билан, чексиз хокимият ва молу-дунёга эга бўлиш истаги билан бу йўлга тушиш арзимайди, зеро руҳан етилмаганлар учун у жазо билан яқунланиши тўғрисида Сет ва Осирис ҳақидаги афсона огоҳлантормоқда.

Хатто ўлкан руҳий маънавий йўл ҳам биринчи қадамлардан, кичикдан бошланади. Дунёвий истакларнинг амалга ошиши ҳақидаги орзуларга тўла ақл ва худбинларча фикрлаш тарзда тушунишни эмас, балки руҳан англашни ўрганиш керак. Агар одам, руҳий маънавий ривожланишни хохлаб туриб, ”мен истайман”, ”мен бўламан”, ”мен қиламан” каби истаклар билан чекланиб, аслида кундалик турмушида бунинг учун ҳеч нима қилмас ва ўзгармас экан, бундан ҳеч қандай натижа бўлмайди. Аммо одам ҳақиқатан тартиб-интизом, ўзини назорат қилиш ва руҳий амалиётлар ёрдамида ўз устида тинимсиз ишласа, вақт ўтиб у эмоцияларини, хулқини, фикрларини назорат қилишни ўрганади. Ва, қачонки одам ўзи учун янги бўлган онгнинг ўзгарган ҳолатига эришар ва Хайвоний табиатини бўйсундиришда барқарорлашар экан – кўринмас дунё унга ўз сирларини намоян этишни бошлайди. Руҳий меҳнатда янада ривожланиб, Малакий табиат Кузатувчиси позициясидан Оламнинг мураккаб жараёнларини ўрганиб, инсон худди кўп япроқли Нилюфардек очилади ва ўзини Донолик ва Билим билан бойитиб боради. Бу дунёни мураккаблигини очар экан, шу вақтнинг ўзида унинг абадий Ҳақиқат нури билан ёритилган соддалигини ҳам тушунади. Руҳан ривожланаётган инсон олтинчи ўлчамдан ўтиб кетмагунича ўз танловида гумонсираши мумкин. Еттинчи ўлчамда эса, у янги Руҳий Мавжудот сифатида барча гумонларини ташлаб юборади ва унинг олдида фақат Ҳақиқат ва ягона – Руҳий ривожланиш вектори қолади.

Қадимда Шарқда инсоннинг Бодхисатва йўлини босиб ўтиш босқичларини мажозий маънода нилюфар гулининг очилишига қиёслашар эди. У лойқа сувдан ўсиб чиқар ва унинг юзасига етилган оппоқ гулни чиқарар эди. Маънавий йўлнинг бошланишини нилюфарнинг уруғига қиёслашар эди. Бу уруғ ботқоқ ёки кўлнинг тубида (уч ўлчовли моддий дунё назарда тутилар эди) ўсиб чиқар эди. Одамнинг руҳан ўсишини, Хайвоний табиати билан курашини, гумонлардан ва дунёвий истаклардан қутулишини, фикр назорати устида ишлашини, руҳий амалиётларни ўрганишини гулнинг поясини

ўсишига, кўлнинг сатхига йўл очаётиб унинг лойқа сув қатламидан ўтишига қиёслашар эди. Еттинчи ўлчовга эришганида Шахснинг Қалб билан бирлашиши ва рухий озодликка чиқишини (янги Рухий Мавжудот туғилиб, Рухий дунёда кўринишини) сув сатхида ғунчанинг пайдо бўлишига, яъни мутлақо бошқа дунёда пайдо бўлишига қиёсланган. Бу ерда эса асосийси – ғунчага Қуёшнинг лойқа сув билан синмаган, тўғри нурлари (Рухий олам кучлари) етиб боради. Улар таъсирида ғунчанинг оппоқ япроқлари очила бошлайди. Унинг хар бир янги очилган япроғи Шахснинг кейинги ўлчовдан рухан ўтишининг тимсоли бўлган. Ва бу жараён Инсон барча 72та ўлчамни ўтмагунча давом этган, яъни барча 72 та япроқ тўлақонли очилиб, ажойиб нилюфар уни яратган қудратли ёриткич олдида ўзининг илоҳий гўзаллигида ҳозир бўлган. Инсон ҳам шундай, Бодхисатва даражасига етиб, бу илоҳий уруғни яратиб, унга абадий хаёт берган Зотнинг олдида ўзининг бутун рухий бойлиги ила гавдаланади.

**Анастасия:** Жуда таъсирли ва аниқ ўхшатиш экан. Қачондир, бир рухий амалиёт натижаларини муҳокамаси давомида, қадимда нилюфарнинг очилаётган япроқлари нима учун кейинги ўлчамга чиқиш тимсоли бўлганлигини Сиз аниқлаштирган эдингиз. Ўқувчиларимизга ҳам буни гапириб бера олмайсизми?

**Ригден:** Албатта, инсоннинг хар бир кейинги ўлчовга чиқиш жараёнини бугун ҳам нилюфар гулининг япроқларининг ўсиб очилишига қиёсласак бўлади. Улар кўрина бошлайди, ўсгани сайин кучга тўлиб боради, гарчи бунга қадар уларнинг проекциялари бор-йўғи бу гулнинг генетик дастурининг асосида бўлган эди. Инсон ҳам шундай, кейинги ўлчовга чиқар экан, ўз энергетик тузулмасида шу ўлчов билан боғлиқликка жавоб берувчи, шартли равишда, янги япроқни очади. Табиийки, нилюфар гули – бу мажозий ўхшатишдир, жараённинг моҳиятини тушуниш учун. Реаллик ҳақида гапирадиган бўлсак, одамнинг рухий ривожланишида унинг энергетик тузулмасида азалдан киритилган ўзаро боғлиқликларнинг хилма-хиллиги намоён бўлиб, ривожланиб ва такомиллашиб боради.

**Анастасия:** Одамларнинг кўпчилиги ўз реал имкониятларини тушунмасдан, хаётини учинчи ўлчов билан боғлайди Ахир уларни озгина бўлса ҳам англаганинда, ўз хаётинг учун улкан маъсулиятингни, унда барчаси, шу жумладан, ўлчовлар борасида ҳам, қанчалик ўзаро боғлиқлигини тушунасан экан.

**Ригден:** Тўғри айтасан. Одам моддий дунёда танада туғилганида, унинг онги Хайвоний табиатига, уч ўлчовли дунёнинг ахборотини жисмоний бешта хиссий органлар ёрдамида қабул қилишга мослашган

бўлади, рухий ривожланиш йўлига турган одамнинг вазифаси – нафақат онгининг бошқа ҳолатига мустақил ўтишни ўрганиш, балки ўз имкониятларини кенгайтирган ҳолатда, моддий ва рухий дунёнинг принципиал фарқини тушунган ҳолда дунёни ўзи учун янги бўлган сифатида ўрганиш, яъни ўзининг онгли Танловини амалга оширишдир.

Дарҳақиқат, дунёда барча-барчаси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бироқ одам дунё ҳақида нимани билади? Айтайлик, бугунги кунга келиб учинчи ўлчовнинг маълум майдонлари ўрганилган, масалан, ўша жисмоний майдонлар: акустик, электромагнит, гравитацион ва хоказо. Эътибор бер, ҳар бир одам ўзини болалигидан ушбу ўлчов билан тенглаштиради, ўни “яқин”, ”таниш”, ”кўпи ўрганилган” деб ҳисоблайди. Лекин бу майдонлар аслида кўпол энергиялардан иборатлигини одамлар билармикан? Ўз навбатида, бу кўпол энергиялар нозик энергиялардан ташкил топган, улар эса, афсуски замонавий фан томонидан хали ўрганилмаган. Лекин, гап шундаки, айнан шу нозик энергиялар кейинги ўлчов майдонларининг таркибида ҳам мавжуддир. Шундай қилиб, ўлчамлар ўртасида ўзаро алмашинув ва ўзаро таъсир амалга ошади.

Оддий мисол – одамнинг фикри. Нима учун олимлар унинг пайдо бўлишини ҳеч аниқлаша олмайди? Чунки фикрнинг пайдо бўлиши бошқа ўлчовнинг нозик энергиялари билан боғлиқ, ва бу ўлчовда одамнинг энергетик тузулмасининг бир қисми ҳам бор. Бизнинг ўлчовда эса кўпол энергиялар намоён бўлади, уларни бу кўтарилишнинг ҳосиласи, десак бўлади, ва бош мия нейронларини кўзғалишини кузатаётган олимлар айнан уларни қайд қилади. Умуман, шуни қайд қилиш керак-ки, барча ўлчовлар, фазо, вақт ўзаро боғлиқ бўлиб, юқорида айтиб ўтилган борлиқнинг ахборотли ғиштчаларининг ҳар хил комбинацияларидан тузилган.

**Анастасия:** Ҳа, бугун бошқа ўлчовлар ҳақида фан кам нарса билади, лекин ақли бор одамларни ўйлантриб кўядиган ахборот бугунги кунда мавжуд. Масалан, одам ўз танасини шаклини бошқача эмас, айнан шундай кўриши, қизиқарлидир. Чунки унинг кўриш қобилияти электро магнит тўлқинларни айнан маълум диапазондаги частоталарида, ёки, физиклар айтганидек, кўзга кўринувчи нур диапазонида идрок қилишга мослашган. Инфрақизил, ультрабинафша (кўзга кўринмас) нурларда ёки Кирилан усули билан суратга олганда, одам бошқачароқ бўлиб кўринади.

**Ригден:** Шубҳасиз, қисқаси, замонавий асбоблар ёки медитатив техникалар ёрдамида нурланишнинг турли шакллари, одамнинг электромагнит майдонини, аурасининг шаклини ва хоказоларни кўриш

мумкин. Ва одамнинг кўпмаъноли шакли уч ўлчовли фазода ҳам кўрилади. Бу фазо вақт билан биргаликда тўрт ўлчамли ўлчовни ифодалайди. Лекин нозик энергиялар ўзаро таъсири позициясидан, **беш ўлчамли ўлчовда эса, одам бошқача кўрилади – чўққиси алоҳида турган пирамида шаклида.** Олтинчи ўлчовда пирамида бироз модернизацияланади...

Шуни қайд этиш муҳим, **Хайвоний ақлнинг хукмронлиги фақат олтига ўлчовлар била чегараланган.** Айнан улар Борлиқнинг “моддий дунёсини” ташкил этади. Қўпол қилиб айтганда, моддий дунё Оламнинг атиги 5% ни эгаллайди. Еттинчидан бошлаб етмиш иккинчи ўлчовгача энергиялар ва, шу жумладан, моддий дунёни ҳам шакллантирувчи ва, шунингдек, Аллатнинг кучига ва ҳаракатига биноан энергетик тузулмаларни такомиллаштирувчи ахборот дунёси келади. Аммо Оламнинг ташқарисида эса ундан кескин фарқ қилувчи дунё мавжуд – Рухий Олам, Худонинг дунёси, ва хусусан айтганда, у ерга одам янги Рухий Мавжудот сифатида тушиши мумкин. Шу билан, кейинчалик хохишига кўра Рухий оламга ўтиши учун, унинг еттинчи ўлчовга етиши кифоя.

Бирок, моддий дунёга қайтсак. Одамда Хайвоний томони устувор бўлса ҳам, у олтинчи ўлчовгача материяни хис этиб, энергетик ўзаро таъсирда бўлиб, онгли равишда унга таъсир қилишга қодир. Одатда одам уч ўлчовли дунёда ўзига ўхшаганлар устидан хукмронлик қилиш учун ўзида ноодатий қобилиятларни ривожлантиришга интилади. Хайвоний табиати устувор бўлган одамни бу ишда муваффақиятга эришишга мана шу асосий истак мажбур қилади. Гарчи Хайвоний табиатига бўйсуниб холатида турган одамнинг онги ушбу устувор истакни деярли пайқамайди ҳам. Энг яхши вазиятда одам бошқаларга ёрдам кўрсатиш, улар ҳақида қайғуриш каби олижаноб сабаблар билан ўзини ўзи оқлашга уринади.

**Анастасия:** Бошқача айтганда, нафақат рухий йўлдан кетаётган, ўзида Малакий табиат устуворлигини сақлаб турган одамлар, балки қарама-қарши йўналишда кетаётганлар ва Хайвоний табиати хукми остида яшаётганлар ҳам бундай ғайритабиий қобилиятларга эга бўлишлари мумкин.

**Ригден:** Тўғри. Булар қаторига, масалан, экстрасенслар, сеҳргарлар, паранормал қобилиятли одамлар, яъни онгнинг ўзгартирилган холатида олтинчи ўлчовга қадар етиб бориб, у ердан пастки ўлчовларга ва ингичка тузулмаларга таъсир этишга қодир (энергетик фаоллик кўрсатиш ва қандайдир ўзгартиришлар содир этиши) бўлганлар киради. Учинчи ўлчовга юқори (тўртинчи, бешинчи, олтинчи) ўлчовлардан

таъсир ўтказиш табиий равишда уч ўлчамли ўлчовнинг кўпол материясида ахборот жихатдан акс эттирилади. Аммо бундай таъсирни ўтказаётиб, одам бу куч унга нима учун берилганини, аслида нима қилаётганини ва кимнинг хизматидалигини охиригача ўзи ҳам тушунмайди. Агарда одам олтинчи ўлчовдан энергетик таъсир ўтказа олса-ю, бироқ унда Хайвоний табиати устувор бўлса, бу унинг рухан ривожланганлигининг кўрсаткичи бўла олмайди.

**Анастасия:** Сиз айтганингиздек, агарда одам рухан ривожланмаса, унинг энергетик тузулмаси олтинчидан юқори турган ўлчовларда содаллашиб боради.

**Ригден:** Юқори ўлчов Кузатувчиси учун биринчи ўлчовдаги одам, ўхшатишлар билан айтганда, оддий нуқтани, яъни ҳеч нарса ифодалайди. Қайд этиш муҳим, рухан ривожланмаётган одам (унинг тузулмаси моддий дунёда анча мураккаб ва олтинчи ўлчовда пирамида шаклига эгаллигига қарамасдан), еттинчи ўлчовда унинг энергетик тузулмаси туманликка ўхшаш бўлади, аниқроғи, ёйилган доғга. Ундан юқори ўлчовларда бу кўриниш янада содаллашади. Ва охири, 72 чи ўлчовда ривожланмаган одам, худди биринчи ўлчовдагидек, ҳеч нарса, нуқта бўлиб кўринади. **Ва бу ҳар қандай одамнинг энг асосий саволига жавобдир!** Ақлли одамлар уни тушунади, деган умиддаман.

Моддий дунёни еттинчи ўлчовдан бошлаб кузатиш, мажозий маънода, қирғоқда Турган Кимсанинг ботқоқнинг лойқа сувларини кўздан кечириётганга ўхшайди. Моддий дунё каби, ботқоқ тизимнинг табиий санитарии хисобланади, яъни ҳаётнинг асоси бўлмиш сувни тозалаш учун филтёр бўлиб хизмат қилади. Унинг тубида мураккаб жараёнлар содир бўлади, лекин Кузатувчи учун фақат уларнинг натижаси қизиқ, ва бу натижани У сувнинг сатҳида кўради. Ўз ҳаётини бекорга ўтказган, рухий маънавий имкониятни ишлата олмаган кўплаб одамлар сув сатҳида пайдо бўлган пуфакларга ўхшайди. Улар моддий дунёнинг истакларини бўшлиғи билан тўлган. Уларнинг сув сатҳидаги қисмати ачинарли ва олдиндан маълум.

Мутлақо бошқа муҳит билан тўқнашар экан, пуфаклар ёрилиб, ”ҳеч нарса”га айланади. Лекин ҳаёт давомида ўз Қалби билан бирлашганлар ҳам бор. Улар лойқа сувнинг сатҳида пайдо бўлаётган ажойиб ниллофарнинг ғунчасига ўхшайди. Бу оппоқ гул ўзининг софлиги ва янгилиги билан Кузатувчининг эътиборини жалб қилади. Кузатувчи гулнинг гўзаллиги билан завқланади ва унга ўз эътиборини беради, ҳар бир япроғининг очилиш жараёнини кузатади.

Ниллофар гули сифат даражасидан бўш пуфакдан фарқ қилади, зеро у энди бошқа дунёнинг ажралмас қисмига айланади.

Бошқача айтганда, то-ки инсон руҳан ривожланар экан, унинг интилишлари ва истаклари Худонинг дунёси билан боғлиқ бўлар экан, яъни унда Малакий табиати устувор бўлганида, у оҳир оқибат хаёти давомида моддий дунёнинг чекловларидан (олтита ўлчовдан) чиқиб, **еттинчи ўлчовга** кира олади. Шу билан унинг **еттинчи ўлчовдаги тузулмаси мураккаблашади**. Уч ўлчовли дунё “яшовчиси” га тушунарли бўлиши учун бу мураккаб энергетик жараёнлар ҳақида ўхшатишлар билан гапирамиз. Одамнинг тузулмаси **пирамида шаклидан куб шаклига трансформация бўлади. Ушбу куб ўз бурчакларининг бирига таянган**. Бошқача айтганда, руҳий озодликка эришган инсоннинг энергетик тузулиши олтинчи ўлчовдаги пирамида шаклидаги оддий одамнинг энергетик тузулмасидан кескин фарқ қилади. Ва бу тузулма инсоннинг ривожланишига қараб мураккаблашиб боради.

Ҳақиқий руҳий кўришга эга бўлганлар учун бундай трансформацияланган энергетик тузулмани пайқамасликнинг иложи йўқ. Одамнинг пирамида шаклидаги тузулмаси жисмоний танасига нисбатан каттароқ фазони эгаллайди, куб шаклидагиси эса – ўнлаб маротаба каттароқ фазода жойлашади. Бундай энергетик жихатдан ноёб ходисани юқори ўлчовлар Кузатувчиси позициясидан ҳам пайқамаслик қийин. Айтишадику, инсоннинг асл валийлиги Малакий табиат Кузатувчиси нигоҳидан четда қолмайди, деб. Аммо, афсуски, одамлар жамиятида бундай ўзгариш жуда кам содир бўлмоқда. *Дарвоқе, еттинчи ўлчовга чиққан инсонларни қадимда рамзий маънода куб шаклида тасвирлашган, кўпинча куб бурчакларининг бирига белги қўйишган. Руҳий оламнинг Олий Мавжудотини ҳам шундай рамз билан белгилашган..*

**Анастасия:** Ҳа, бу мавзу ҳақиқатан ҳам жуда қизиқарли. Бунинг юзасидан шунақа рамзларни турли қитъаларда яшаётган қадимий халқларда мавжудлигини тасдиқловчи бой ва хилма-хил археологик материал мавжуд.

**Ригден:** Сўзсиз, суҳбат жараёнида ушбу мавзуга биз кўп бора қайтамиз. Афсуски, бугунги кунга келиб бошланғич маълумотнинг жуда катта қисми унутилган ёки йўқотилган, шунинг учун, қадимий билимларни белгиларда ва тимсолларда қайд этувчи кўплаб артефактлар олимлар учун хануз тушунарсиз бўлиб қолмоқда.

**Анастасия:** Сиз ҳақсиз, буни тушуниш учун таянч билимлар керак. Ёдимда, Сиз бизга илк бор одамнинг энергетик тузулиши ҳақида айтиб



берганингизда, мен учун бу маълумот оддий кашфиёт бўлиб қолмасдан, балки ҳақиқий ларзага солди ва кейинчалик, унинг тахлили ва маъносининг чуқур англашим пайтида дунёга мутлақо янги етук нигоҳ билан боқишимга айланди. Ишончим комил, бошқаларни ҳам бу маълумот бефарқ қолдирмайди. Одам ҳақида, хусусан, унинг энергетик тузулмаси хар бир кейинги ўлчамда мураккаблашиб бориши тўғрисида ўқувчиларимиз учун батафсилроқ айтиб бера оласизми?

**Ригден:** Одамларга уларнинг тузулмаси олтита ўлчовда нимадан иборатлиги ва буларнинг барчаси қай тарзда ўзаро боғлиқ эканлигини тасаввур қилиш осонроқ бўлиши учун оддий ассоциатив мисол келтираман. Калейдоскоп каби болалар ўйинчоғи мавжуд. Бу ичида турли бурчаклар остида жойлашган кўзгулар ва ранг-баранг тошчалардан иборат бўлган трубкадир. Уни айлантирганда турли комбинациялардаги нақшларни кузатиш мумкин. Кўзгулар қанча кўп бўлса, кузатилаётган нақшлар ва шакллар шунчалик мураккаброқдир. Шундай қилиб, бизнинг вазиятимизда кўзгулар – бу ўлчовлар, тошчалар эса – одамнинг энергетик тузулмасининг асосий қисмлари. Уларнинг сони барқарор, аммо руҳий маънавий мукамаллик жараёнининг хар қандай сифатли ўзгариши бутун тузулманинг янада мураккаброқ трансформациясига (шаклининг ўзгаришига) олиб келади.

Агарда одамнинг тузулишини **биринчи (бир ўлчамли) ўлчовда** кўрадиган бўлсак, у **нуқта кўринишида бўлади, худди осмондаги юлдуздек**. Шу билан, ушбу нуқтани яқинлаштирсак, сўнг унинг тузулмасига чуқурлашсак, одамнинг тузулишининг бутун мураккаблигини кўришимиз мумкин, яъни биринчи ўлчовдан охириги ўлчовгача, ўлчовларнинг бутун бошли кетма-кетлик занжири бўйлаб алоқани кузатишимиз мумкин. Маъжозий маънода бу юлдузни томоша қилишга ўхшайди. Унга қуролланмаган нигоҳ билан қараганда, бу атиги осмонда аранг кўринаётган нуқта бўлади. Аммо унга кузатиш трубази орқали қарасак, у нотекис ёркин доира бўлиб кўринади. Унга қувватли телескоп орқали қараганда эса, у холда бу етарлича мураккаб, ўзининг табиий жараёнларига эга хажмли коинот объекти бўлади.

Ана энди **иккинчи (икки ўлчамли) ўлчовда эса одамнинг тузулиши крест кўринишида бўлади**, шу билан бирга **унинг марказида, чизиқларининг кесишган жойида доира** бўлади. Учинчи ўлчовдаги одамнинг кўриниши эса ҳаммага маълум.

**Анастасия:** Ҳа-да. Бироқ, ҳатто мана шу мисолда ҳам ушбу уч ўлчамли ўлчовда одам нақадар мураккаб тузулганлигини тушунасан, киши. Ахир, агарда организмнинг нафақат ички ҳаётини, балки у

хосил қилаётган энергетик кучсиз майдонларни ҳам инобатга олсак, мен кўзгуда кўраётган нарса – бу менинг ичимда ва ташқаримда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси эмаску.

Замонавий дунёда одамлар ўзининг танаси уч ўлчамликда қандай тузилганлигини яхши билмайди, каттароғи ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Шунинг учун улар учун, эҳтимол, одамнинг бир вақтнинг ўзида олтига ўлчовда барқарор жойлашганлиги ҳақидаги маълумотни эшитиш хайратранарли бўлар. Гарчи, бу дунёни ягона реаллик деб хисоблаб, умрининг катта қисмини яшаб ўтган кишиларни ҳам қайсидир маънода тушунса бўлади. Амалий рухий маънавий тажриба бўлмаса ақлдан бирданига кўплаб саволлар пайдо бўлади: бу қандай бўлиши мумкин, бундай алоқалар ниманинг хисобига амалга ошади ва хоказо.

**Ригден:** Атиги бундай вазиятларда, одатга кўра, одам устидан хукмронликни йўқотишни истамаган ундаги Хайвоний табиати фаоллашади, ва унда қабул қилмасликни, тушунмасликни туғдириб, уни эски, ўзи одатланган уч ўлчамликнинг тор фикрловчисининг фикрлаш “оҳири”га хайдаб киритади. Бироқ, уч ўлчамли дунё Кузатувчисининг чекланган онг ҳолатида бўла туриб, юқори ўлчовларни тўлақонли ўрганишнинг иложи йўқ.

Бунинг хусусида оддий мисолни келтираман. Тасаввур қил, сен икки ўлчамли дунё яшовчиларининг жараёнларини кузатмоқдасан. Одамнинг тушунишида, икки ўлчамли ўлчов узунлик ва кенгликка эга текисликдан иборат. Битта сўз билан айтганда, икки ўлчамли ўлчов яшовчилари хажм нималигини тушунмайди. Тасаввур қил, улар ўзларининг дунёсига яқинлашиб келаётган қанақадир ярим шаффоф конус ёки шар кўринишидаги объектни кўрмоқдалар. Уларга нима кўринади? Конуснинг ўрнига – икки ўлчамли шаклни, яъни марказида нуқтаси бор доирани, шарнинг ўрнига эса – доира шаклини ўзини. Нима учун? Чунки уларнинг фикрлаши икки ўлчамли дунёни идрок қилишга тўғриланган. Икки ўлчамли фазода яшаб, ундан туриб кузатаётган мавжудотлар сифатида улар уч ўлчамли ўлчов тушунчасини ўз дунё идрокига сиғдира олмайди. Бошқача айтганда, улар реал суратни кўрмайди, чунки бу уларнинг ўлчовидан, уларнинг маълум рамкалар билан чекланган онгнинг одатий ҳолатидан ташқарида жойлашган.

Энди эса бизнинг уч ўлчамли фазога қайтамиз. Одамлар ўзини худди шундай тутади – дунёни уч ўлчамли ўлчов яшовчиси позициясидан ўрганишади.

**Анастасия:** Хуллас, одамлар атрофини, шу жумладан, ўзларини ҳам, кундалик одатий кўришлари ва идрок қилишлари аслида ундай эмас.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Бизнинг миямиз, аниқроғи, унинг онгни одатий ҳолатида ишлаши, каттароғини, уч ўлчамлик ташқарисида яширинганини ўрганишга ўзига хос тўсикдир. Ахир айтиб ўтганимдек, одам учун онгининг одатий ҳолати туғилишиданок уч ўлчамли дунёнинг, аниқроғи, қисман тўртинчи ўлчовнинг ҳам (уч ўлчамли фазо ва вақт назарда тутилмоқда) *чекланган идрокига дастурланган*.

Тўртинчи ўлчовни – вақтни (ўлчов омили сифатида) – одам деярли тушунмайди ва идрок қилмайди. Бошқача айтганда, биз ўзимизни уч ўлчамли фазода маълум нуқтада доимо “ҳозир ва шу ерда” идрок қиламиз. Кундалик ҳаётимизда вақт ичра ҳаракатни, сабаб-оқибатли алоқаларга эга мана шу эзоосмосни мия пайқамайди. Одам фақатгина ўзига кўзгуга, ёки суратларга қараб, 20 йил илгари ва ҳозир қандай кўринишини солиштирганида, вақтнинг умумий ҳаракатига эътибор беради. Лекин вақтнинг доимий оқимини, эзоосмосдан, энергиянинг ички турткисидан иборат бўлган ҳаётнинг ўзини эса онгининг одатий ҳолатидаги миямиз қайд этмайди.

Аммо одам буни идрок қилишга қодир эмас, деб бўлмайди. Ахир одамнинг идроки, биринчидан, устувор дунёқарашга, онгининг кенгайтирилган ҳолатининг барқарорлигига, одамнинг миясига киритаётган ва доимий равишда тўлдириб бораётган маълумотлар базасига боғлиқ. Шунинг учун доимо интеллектуал дунёқарашини кенгайтириш муҳим. Иккинчидан, бундай идрок ўз устида меҳнат қилишга боғлиқ, системали равишда онгининг ўзгартирилган ҳолати техникаларини – медитацияларни, руҳий амалиётларни бажаришга боғлиқ. Шулар туфайли одам мустақил равишда уч ўлчамли ўлчов ташқарисидаги дунёни ўрганади, ва буни ақлининг мантиқи билан эмас, балки ўзининг янада мукамал асбоби – интуиция хисси (олтинчи хиссиёти) билан амалга оширади.

**Анастасия:** Ҳа, “Одам ўзгарганида бутун дунё ҳам ўзгаради”. “Ўзингни ўргансанг, бутун дунёни ўрганасан” каби қадимгиларнинг иборалари – бу бўм-бўш гаплар эмас. Бу ҳақиқат, уни одам руҳий маънавий ўрганиш жараёнида тўлақонли англаши мумкин...Қачонлардир Сиз онгининг ўзгартирилган ҳолатлари ҳақида гапириб бераётганингизда, онгининг кўп даражалилиги ҳақида эслатиб ўтган эдингиз.

**Ригден:** Шундай. Онгининг кўп даражалилиги Кузатувчи сифатидаги одамга (хатто Хайвоний табиат томондан бўлсин) айнан онгининг ўзгартирилган ҳолатида *ўз идроки билан иккинчидан то олтинчи*

ўлчовгача қамраб олишга ижозат беради. Биринчи ўлчовни одам онгли равишда идрок қила олмайди. Унинг учун бу атиги бир нуқта, “хеч нарса” бўлади. Аммо мана шу “хеч нарсага” барчаси киритилган. Биринчи ўлчов – бу эзоосмоснинг ўзи, яъни чуқурликдаги бирламчи ички энергетик туртки. Қоидага кўра одам бу ўзгаришнинг (турткининг) айниқса биринчи ўлчов сатхида бошланишини қайд этмайди.

Биринчи ўлчов борасида мажозий мисол келтираман, у компьютернинг иши билан, аниқроғи экранда ёниб-ўчиб турувчи белгининг ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, кўплаб замонавий одамларга тушунарлидир. Дарвоқе, “курсор” сўзи латинча “cursorius” сўзидан пайдо бўлган ва “учар, тезювар, тез югурувчи” маъносига эга. Компьютерда бирор амални бажарганигда, масалан матнни таҳрир қилганигда, дисплей экрани бўйлаб махсус тугмачаларни босиш ёки оптик-механик манипулятор – “сичқонча”ни бошқариш ёрдамида мана шу белги-кўрсаткични (стрелка ёки чизикчани) юргизасан. Ахир мана шу ҳаракатни бажараётиб уни қандай қилиб юраётганини ўйламайсан-ку, сен буни автоматик равишда амалга оширасан, чунки диққатингни ўз ишингда мужассамлаштиргансан. Сен, масалан, матнни ажратиш, бошқа жойга олиш, уни тўғрилаш учун ёки янги “ойна” очиш учун “сичқончани” бошқарганигда, сенга курсорнинг ҳаракати табиийдек туюлади, холос. Аслида эса нима содир бўлмоқда?

Экран пикселлардан, яъни кичкина рангли нуқтачалардан иборат бўлиб, улар катталаштириганда квадратчалар бўлиб кўринади (худди катак дафтардек), уларнинг ҳар бири учта рангдан (қизил, яшил ва кўк рангли субпикселлардан) иборат. Мана шу, ҳар бир нуқтадаги уч асосий рангларнинг комбинацияси монитор экрандаги хоҳлаган рангни тасвирлаб беришга ижозат беради. Экраннинг бир юзасига қанча кўп пикселлар тўғри келса, ундаги тасвир шунчалик яхшироқ ва аниқроқ бўлади. Пиксель эса нима? Бу монитор экрандаги ёруғлик сезувчи матрицанинг элементи, пикселлар сеткасидаги (растр графикасидаги) икки ўлчамли рақамли рангли тасвирнинг энг кичик элементи. Бу электродлар тўпламидир. Экранга тасвирни узатиш нима? Бу, аслида, ҳар бир электродга (ёруғлик диодига) берилаётган электр кучланиш. Ўз навбатида, электр майдони векторининг катталиги ва йўналиши дастурий қисм ва видеохаританинг процессори томонидан бошқарилади.

Сен сичқончани кўлинг билан ҳаракатлантириганигда электр сигналлари мана шу оптик датчик USB (ахборот узатиш учун мослама) орқали уларнинг қайта ишланишига жавоб берувчи компьютер электрон схемасининг маълум қисмига бориб тушади. Қайта ишланган

сигнал видеохаритага боради. Сўнг, унинг ишлаш дастурига биноан, у экранда (пикселларга) маълум электродларга (ёруғлик диодларига) тегишли электр майдонининг хусусиятларини ўзгартиради. Шунга кўра уларнинг ёритилиш интенсивлиги ўзгаради, мисол учун, қайсиларидир қора, бошқалари эса оқ бўлиб қолади.

Сен учун эса бу нарса курсорнинг экранда ҳаракатланаётганлигининг иллюзиясини хосил қилади.

Бошқача айтганда, сен курсорни ҳаракатга келтиряпман, деб ўйлаяпсан, холос. Аслида эса электр схемалар ва дастурларнинг ишига биноан, сен атиги электрод (ёруғлик диоди) учун ташқи шароитларни ўзгартирмақдасан ва у ўзи учун янги хоссаларга эга бўлади. Шунинг хисобига ундан ўтаётган ёруғлик бошқа хусусиятларга эга бўлади (частота ва интенсивликка). Агарда курсор берилган вақт онда маълум нуқтада турган бўлса, уни “итариб” (қўл билан “сичқончани” суриб), сен нуқтанинг оптик хусусиятларини ўзгариши учун шароитлар яратасан.

**Анастасия:** Курсорнинг бир нуқтадан бошқасига, бир пикселдан иккинчисига сакраб ўтишини юзага келтираман, десак бўлади.

**Ригден:** Ҳа. Курсорнинг ҳаракатланиши – бу, аслида, моддий жисмнинг фазо ва вақтда эзоосмос туфайли *сезиларсиз* ҳаракатининг (хаётининг) протипини мажозий мисолидир. Эзоосмос – ахборотнинг бир ахборотли ғиштчадан бошқасига сакраб ўтиши: ахборотли ғиштча ўзига ахборотни тортиб олди ва бошқасига узатди, яъни ўзидан ўтказди. Бизнинг мажозий таққослашимизда ахборотли ғиштчалар сифатида ўша пикселлар чиқади. Сен эса, Кузатувчи сифатида, ўзингдаги танлаш эркинлигинг туфайли у ёки бу йўналишдаги шу ҳаракатни юзага келтирасан.

Мана шу бутун бошли ҳаракат ахборотнинг ўзгаришига боғлиқ равишда ва одам учун сезиларсиз тарзда амалга ошади, одам ахборотнинг ўзгариши ва узатилишининг мураккаб механизмини кўрмайди. Бизнинг мисолимизда сен “сичқончани” ҳаракатлантиряпсан, холос ва сен учун экрандаги табиий ҳаракат содир бўлмоқда. Сен курсорнинг пикселдан пикселга сакрашини ва хар бир электроддаги кучланишнинг ўзгаришини кўрмайсан. Сен учун курсор кўрсаткичи бир онда экраннинг бошқа жойига ўтади. Хаётда ҳам шундай: хар қандай моддий объектнинг ахборотли ғиштчалардан ўтиши одам учун сезиларсиз кечади, у биринчи ўлчов сатхидаги ушбу бирламчи ҳаракатни айнан қандай амалга ошаётганини кўрмайди. Масалан, бир одамнинг маълум йўналишда кетаётганини кўряпмиз. Аслида эса, эзоосмос туфайли, ахборотли ғиштчалардан ўзининг бутун бошли ўзаро

алоқаларининг мураккаблиги билан ахборот “оқиб ўтмоқда”. Хатто-ки қимирламасдан ўтирган одамни кузатганимизда ҳам, аслида бу иллюзиядир, чунки ҳақиқатдан интенсив равишда, жуда ҳам тўйинган ахборот алмашинуви рўй бермоқда, ва бу на унинг, на бизнинг томонимиздан сезилмаётган хаёти, ҳаракатидир.

**Анастасия:** Бошқача айтганда, одам дунёнинг ўзига ва ўзининг дунёга таъсирининг бутун мураккаблигини тушунмаслиги мумкин, аммо кўринмас даражадаги ўзгаришлар доимий равишда содир бўлади.

**Ригден:** Шу билан, одам ўз танлови натижасида рўй берадиган ўзгаришларни қанча юқори ўлчовлардан юзага келтирса ( масалан бешинчи, олтинчи), ушбу ўзгаришлар шунчалик жиддийроқ бўлади.

**Анастасия:** Биринчи ўлчовнинг асосий вазифаси – бирламчи ички энергетик туртки. Иккинчи ўлчовнинг асосий вазифаси ҳақида ўқувчиларимизни хабардор қилсангиз?

**Ригден:** Одам учун (унинг одатий идрокида) иккинчи (икки ўлчамли) ўлчовнинг вазифаси ахборотни ўзига хос сақлаш ва узатишдир, ва бу ерда рамзлар ва белгиларнинг роли катта. Гарчи иккинчи ўлчовнинг вазифаси анча кенгроқ. Оддий мисолни келтираман. Хар қандай ёзув ахборотни сақланишини тахмин қилади. Хар қандай ёзув, у хоҳ пиктографик, хоҳ идеографик, хоҳ иероглифик ёки харфли бўлсин, бу нима? Бу одамнинг фикрини қайд этиш тизимидир, у шартли белгилаш ёрдамида уларни вақт давомида акс эттириб, масофага узатишни ижозат беради. Бошқача айтганда, бу икки ўлчамли ўлчовдаги ёзув бўлиб, ахборотни маълум рамзлар ва белгиларда сақлашни тахмин қилади. Масалан, пирог тайёрлаш рецепти, ёки атом электростанциясини қуриш бўйича қўлланма ёки атом бомбасини тайёрлаш схемаси ва хоказо. Агарда сен рецептни ўқий олсанг-да, аммо уни амалда тадбиқ этмасанг, ҳеч нарса рўй бермайди. Лекин сен ўқишни билсанг, яъни рамзларнинг ифодаланишини тушунсанг, сўнг эса, йўриқномага мувофиқ шунга яраша куч ишлатиб, ҳаракатни амалга оширсанг, сен албатта ўша рецепт ёки йўриқномада қайд этилган натижани оласан. Шу тариқа икки ўлчовликнинг белгиси ҳам – унга уч ўлчамли ўлчовдан таъсир этиб, энергияни қўшсанг, у ишлашни бошлайди. Натижада, учинчи ўлчовда, иккинчи ўлчовда берилган ахборотга мувофиқ энергия қўшилиши, ҳаракатлар бажарилишидан сўнг, биз, мисолимизга кўра, ё пирогга, ё уйимиздаги ёруғликка ёки уйимизни бузиб юборадиган натижага эга бўламиз.

**Анастасия:** Хуллас, учинчи ўлчовда сен кучни ва энергияни қўллаб, яратишни бошлайсан.

**Ригден:** Одам учун – ха. Шу муносабат билан одамлар кун давомида айнан қандай ахборотга эътибор бераётганлигини, ўз хаётий кучини кейинчалик айнан қандай сарфлаб юбориши ва аслида нимага эришиши мумкинлигини тушуниш муҳим. Ахир бугун одамларнинг аксарияти ўзини фақат уч ўлчамли ўлчов яшовчиси позициясидан бир томонлама кузатади (демак, ўз хаётини шундай баҳолайди).

Замонавий одам ўша фикрларнинг туғилиши мутлақо бошқа ўлчов билан боғликлигини хатто англамайди ҳам. Бироқ у доимий равишда ўзининг орзулари-ю мулоҳазаларида яшайди, атрофидаги “воқелик” эса унинг учун қайсидир даражада ўзининг фикр юритишининг акс кўриниши бўлади. Унинг Шахс сифатидаги кузатуви айни лаҳзада уч ўлчамлик фазода мужассам бўлган. У ўзининг хаётий энергиясини асосан мана шу фазонинг кенг диапазонли частоталарининг жуда тор спектри билан боғлиқ бўлган фикрларига ва истакларига сарфлаб юборади.

**Анастасия:** Сиз урғу берганингиздек, Кузатувчи сифатидаги одам мана шу ўзгаришларни у ёки бу йўналишдаги ўз танлови билан юзага келтиради. Бироқ айнан у Кузатувчи. Ва айнан у юзага келтиради, яъни аслида мавжуд нарсани кўшимча кўзгатади.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Одам доимий равишда Қалбдан чиқаётган кучнинг эгаси бўлган Руҳий олам билан одамнинг хаётий энергиясини ўз эҳтиёжларига у ёки бу тарзда қайта йўналтиришга уринаётган Хайвоний ақлнинг хаёлий ўйинлари ўртасида танловни амалга оширади. Булар моддий дунёда ўзига хос шартли қарши туришда яратаётган иккита устувор кучлардир, одам эса, Кузатувчи сифатида, атиги уларнинг орасида танлаш қиррасига кўйилган. Шу билан Хайвоний ақлнинг қисми бўлган моддий дунё мавжудотлари учун бу кучлар сезиларсиздир, одам учун эса – тақдирни ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки унинг ўзида Абадиятнинг заррачаси (Қалб) мавжуд ва у абадий Руҳий Мавжудотга айланиш имкониятига эга.

**Анастасия:** Шундай экан, одам учун асосий тақдирини ҳал қилувчи лаҳза – қайси фикрлар ва ҳаракатларга кун давомида эътибор қаратиши.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Яхшироқ тушуниш учун интернет фойдаланувчисининг мажозий мисолида иккита устувор кучлар орасида танлаш нималигини тушунтираман. Одам ўзининг бирламчи эътиборини нимагадир қаратганида, яъни танловни амалга оширганида, у шу билан биринчи ўлчовда ўзгаришлар бошланишига йўл қўйганини пайкамайди. Бизнинг мисолимизда бу компьютернинг “Пуск” тугмачасини босиш билан тенг, унда одам учун кўринмас жараёнлар

ишга тушади. Шундай қилиб, биринчи ўлчов даражасидаги ўзгаришларни айнан одамнинг эътибори ишга туширади. Барчаси ундан бошланади. Шахснинг мана шу бирламчи эътибори – Кузатувчининг бирламчи кучидир, бу унинг эркинлиги: бирламчи эътиборини нимага қаратса, шу нарсени фаоллаштиради. Одам биринчи ўлчов сатхидаги содир бўлган ҳаракатларнинг муҳимлигини англамайди. Аммо кейинчалик уларни ўз тақдирида реал тарзда хис этади.

Одам компьютерни ишга туширганида, натижада биров вақт ўтгач, экранда қанақадир ахборотни сақлаётган турли дастурларнинг белгилари, рамзлари пайдо бўлади. Агарда бу, масалан, Интернет бўлса, фойдаланувчининг кўз олдида пайдо бўлган кўплаб рамзлар ва белгиларнинг ҳар бирининг ортида ахборотнинг янада хажмли қатлами яширинган бўлади. Умуман олганда Интернет дунё билан бўлган мураккаб ўзаро алоқадан иборат, аммо...турли илдизли ( базавий ) серверлар орқали. Уларни маҳфий ёки очикчасига маълум “обрули” ташкилотлар, одамлар молиялаштиради ва эгалик қилади. Буларнинг барчаси у ёки бу мафқурани тарқатишга асосланган. Дарвоқе, интернет “яшовчисининг” ҳар бирига бугун маълум бўлган “домен исми” каби тушунча лотинча “dominium” – “эгалик қилиш” сўзидан пайдо бўлган. Ўзининг *танловига* берилган ахборотнинг оқимига шўнғиган фойдаланувчи буларнинг барчаси ҳақида ўйланиб ҳам кўрмайди. У айрим ходисаларни кўради-ю, умумийни кўрмайди, аммо бекор қилади. Шундай қилиб, компьютернинг турли дастурларининг, белгиларнинг, рамзларнинг ортида бутун ахборот қатламини яширган қисқа реклама матнларининг пайдо бўлиши – булар одамнинг эътиборини иккинчи ўлчов даражасида ахборот билан ўзаро ҳаракатига тенгдир. Моддий дунёда, агар бу иккинчи ўлчов ахборотини глобал тарзда кўриб чиқадиган бўлсак, булар Хайвоний ёки Маънавий табиатларнинг дастурларини намоён бўлишининг атиги турли кўринишлари бўлади. Одамда эса танлаш эркинлиги мавжуд. Буларнинг ичидан нимадир уни эътиборини тортади, нимадир эса ушлаб ҳам қолади. Натижада, интернет қидирувчиси каби, у фақат эътиборини энг кўп тортган ахборотни “очади” (унда диққатини мужассамлаштиради).

Учинчи ўлчов позициясидан одам ўз Танловини амалга оширади, яъни иккинчи ўлчовда ахборотни қабул қилиш жараёнини фаоллаштиради. Шу ахборотни фаоллаштириб, у учинчи ўлчов сатхида у билан “яшай” бошлайди. Бошқача айтганда, Шахс сифатида турли сиймолар, эмоциялар, истаклар, фикрлар кўринишида онгида намоён бўлувчи ахборотнинг мана шу оқимини ўз ичига киритади ва унда худди ақлли мавжудотда яшагандек, яшай бошлайди. Бу нарса одамни *сиртдаги Ироданинг* дастури чегарасидаги маълум ҳаракатларга итаради. Иккинчи ўлчовдаги кўп сонли дастурлар ичида айнан биттаси



ёрдамида ўша Ирода унинг эътиборини ўзига тортади. Бу эса уларни ишга туширган захотиёқ, у ёки бу дастурни афзал кўриш ва курсорни (ўзининг эътиборини) ҳаракатлантириб, у ерда турли вазифаларни (фикрий шаклларни, истакларни, эмоцияларни) ишга солиш билан баробардир. Курсорнинг ҳаракатланиши эса – бу, айтиб ўтганимдек, эзоосмос туфайли бирламчи босқичларда одам учун сезиларсиз бўлган, кейинчалик эса унинг учун тақдирининг воқеаларига айланадиган яратиш ҳаракати билан тенг. Онгли равишда одам ўзи танлаган дастурга эътибор кучини сарфлаб, айнан нимани ўзгартирганини на биринчи ўлчовда, на ундан юқори ўлчовда идрок этмайди. Аммо Шахс сифатида маълум вақтда танловни амалга ошириб, шу дастур бўйича ишлаб, ушбу *сиртдаги Иродани* хаётга тадбиқ этишга ўзининг хаётий кучини сарфлайди.

**Анастасия:** Бу эса жуда муҳим лаҳза. Агарда мазкур саволни глобал миқёсда кўриб чиқадиган бўлсак, демак, бизга *иродамиз* борлиги туюлади, холос. Ирода деганда бунёдкорлик кучи, ақлнинг яратувчилик фаолияти, ёки, психологияда айтгандек, ”объектив сабабларга боғланмасликка шароит яратувчи, мустақил аҳамиятга эга фаоллик манбаи” тушунилади. Қизиги шундаки, ўша психологлар иродани шахсий хулқ-атворнинг назорати билан боғлайди, ва бундай назорат сунъий “хулқ-атвор воситаларининг” – белгиларнинг қўлланилиши туфайли амалга ошиши мумкин, деб ҳисоблайди.

**Ригден:** Биз ўзимизнинг иродамиз деб ҳисоблаган нарса – уч ўлчамли ўлчовнинг индивидуал ақлнинг фикрлаш позициясидан туриб идрок қилишимизнинг иллюзиясидир. Агарда бизнинг мисолимизда кўриб чиқадиган бўлсак, одам атиги ўзининг танлови билан унга кираётган ахборотнинг оқимларини фаоллаштиради ва ўзининг хаётий кучини бор-йўғи ушбу *Иродани* тадбиқ этишга сарфлайди. Ҳоҳ Малакий табиатдан (Худонинг дунёсидан), ҳоҳ Хайвоний табиатдан (Хайвоний ақлдан) келиб чиққётган *Ирода* – бу *сиртдан келаётган куч*, аниқроғи, бу маълум тузулмага киритилган ахборотли дастурдир, ва бу тузулма уни бажаради. Хайвоний ақлдан қилинган алмаштирилиш шундаки, мана шу иккита глобал кучларнинг намоён бўлиш шаклларини одам ўзининг иродаси деб идрок қилади, факт бўйича эса бундай иродага у эга эмас.

**Анастасия:** Бошқача айтганда, одам иродани ўзиники деб ҳисоблаши ва бу билан ўта фаҳрланиши, аслида бундай эмас. Бу атиги унинг ўзи *танлаган* ахборотнинг воситасида унга сиртдан кирган кучдир. Мазкур куч шу Ироданинг дастури чегарасида у ёки бу ҳаракатларга итарувчи туйғуларни, эмоцияларни, фикрларни фаоллаштиради, бу нарса эса хаётий энергиянинг сарфланиши билан боғлиқ.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Хайвоний табиатдан келиб чиққан кибр таъсирида бўла туриб, одамлар ўзини шахсий Иродага эга олий кучларга ўхшатишни яхши кўради. Бироқ ҳамма ҳам ўзига “У ёки бу ҳаракат аслида кимнинг иродасига биноан амалга ошади?”, “Шу фикрларга ким итармоқда?”, “У ёки бу истакларни ким туғдирмоқда?”, “Мендаги ким ва кимга қарши турмоқда ва нима учун?”, “Ким саволлар бермоқда, уларга жавобларни ким қайтармоқда?” каби саволларни беравермайди. Ва ўзидагини тахлил қилиб, Хайвоний ва Малакий табиатлари ўртасидаги, Рухий дунё Иродаси билан Хайвоний ақл Иродаси ўртасидаги қарши туришни тушунган кишиларнинг сони бир нечта, холос. Албатта, Хайвоний ақл кучлидир, аммо буни Худонинг дунёсидан келаётган асосий куч билан солиштириб бўлмайди. Агарда бундай куч намоён бўлаётган бўлса, Хайвоний ақл унга тўғридан – тўғри қарши чиқа олмайди, бироқ унинг Ўтказувчисини (рухий маънавий йўлда турган кишини) тўғри йўналишдан адаштириш, навбатдаги хом-хаёллар билан илиб олиш учун ўзининг “арзимаган бахоналари” билан чалғитишга қодир. Қачонки одам руҳан етилиб, Хайвоний ақл хукмронлигидан, яъни олтинчи ўлчовдан, чиқиб кетганида ва еттинчи ўлчовга тушганида унда бунёдкорлик борасидаги ироданинг куртаклари пайдо бўлади. Шунда ҳам бу хозирги одамий тушунишдаги “ироданинг” намоёндаси бўлмасдан, илохий Ироданинг Ўтказувчисининг янги сифати ва имкониятларининг кенгайиши бўлади.

**Анастасия:** Ха, моддий дунёда яшаётган мавжудот сифатидаги одамга Хайвоний ақлнинг бундай алмаштиришлари ҳар бир қадамида ҳамроҳлик қилади. Агар одам ўз устида ишламаса, у ўзининг хаётини моддий истакларга, вақтинчалик ва ўлишга қодир нарсаларга сарфлаб юборади, холос.

**Ригден:** Бир томондан, оддий одам хаётининг воқеаларига таъсир кўрсатишни, тақдирининг яхши томонга ўзгаришини чанқоқлик билан истади. Бироқ булар барчаси малакий табиатнинг эҳтиёжларидир, уларни мия муваффақиятли тарзда Хайвоний табиат томонига ағдариб юборади. Бундай “ағдарилган” тушуниш натижасида одам рухий маънавий эркинлик ўрнига энди материянинг рамкаларидаги эркинликни хоҳлайди: бойликни, шон-шухратни, ўз худбинлигининг қониқишини, вақтинчалик турмушининг тўла-тўқислигини. Агар одам узоқ вақт давомида диққатини ўз истакларида мужассамлаштирса, йилдан йилга уларнинг бажарилишига куч сарфласа, эртами-кечми у истаган натижага элтувчи воқеалар занжири рўй беради, хатто бу натижа ўша вақтга керак бўлмай қолганида ҳам. Бошқача айтганда, Шахс уч ўлчамли ўлчовда маълум таъсир кўрсатиши, истакларига

эришиши мумкин, лекин бу жараён кучларнинг, энергиянинг сарфланиши билан боғлиқ ва узоқ давом этади. Бироқ бу ерда гап шундаки, хаётини ва улкан имкониятларини танасининг вақтинчалик истакларига эришишга сарфлашга арзийдими?

**Анастасия:** Айрим ўқувчилар кўйидаги саволларни беришмоқда: “Хаётимнинг маъноси нимада? Мен нима учун бу ердман? Наҳотки фақатгина дарахт ўтқазиб, уй қуриб, фарзандларни ўстириш учун бўлса?” Ва ўз мулоҳазаларида ўзлари жавоб беришади-ки, агарда булар одамнинг бу ерда мавжудлигининг асосий мақсадлари бўлганида эди, биринчидан, унга материянинг шунчалик мураккаб тузилиши, шу жумладан, онг ҳолатларининг турли даражаларидан иборат бўлган миянинг шунчалик “ўта ортиқча” тузилиши керак бўлмас эди. Иккинчидан, уйига, фарзандларига ва шахсий боғига эга бўлган кишиларнинг ҳаммаси бахтли ва хаётдан мамнун бўлишини тахмин қилиш мантиқдан бўлар эди. Аммо бундай абадий саволларни асосан шундай, ёшлигининг истаклари амалга ошганидан роҳат топмаган одамлар беришади.

**Ригден:** Одамнинг хаётининг маъноси асло насл кўпайиши ва турмушнинг фаровонлигида эмас – булар атиги хар қандай, генетика томонидан ўзига уя, ин қуриш ва наслини ўстиришга дастурланган хайвоннинг табиий инстинктлари. Одам – хайвондан каттароқдир, унинг маъно-моҳияти – абадий рухий мавжудотга айланиш.

Аммо одам ўз моддий истаклари ортидан қувиб, иккита бебаҳо омилни: вақтни ва хаётий энергияни қайтариб бўлмас равишда талон-тарож қилиб юборади. Диққат қилинг, уларни қайтариб бўлмайди(!), демак, маълум имкониятлар йўқотилади. Албатта, одам ушбу хаёлий уч ўлчамли фазода, ўзининг танловига биноан, ундаги мавжуд хаётий энергияни Хайвоний табиатнинг дастурларига сарфлаб юборишга ҳақли. Аммо натижада у асосий нарсани, бу дунёга нима учун ва нимани деб келганини қўлдан чиқариб юборади. Одамга эса ўзининг Қалбини озод қилиш учун қанча вақт ва куч керак бўлса, шунча, хатто унинг Шахсининг тажрибага эришиш жараёнидаги йўл қуйиши мумкин бўлган хатоларни инобатга олган ҳолда, ундан ортиқ ҳам, берилади.

Мажозий маънода, вақт ва хаётий энергия – булар машина (тана) учун бензин каби, унинг захираси А пунктидан Б пунктига йўлнинг мраккаблигини инобатга олган ҳолда унча-мунча чалғишлар билан етиб бориш учун етарли. Аммо агар сен бунинг ўрнига тескари томонга юрсанг (хаётингни моддий инжиқликларига бағишласанг), масалан машинанга тўнинг қилиш учун (худбинлигингни рози қилиш учун) устага (Хайвоний табиатга) борсанг, натижада сенга берилган вақт ва энергия тугаб қолади. Охир-оқибат, сен шундай “чиройли” бўлиб авто

уюм (субшахслар) ичида ётасан ва атрофдагилар каби занглаб, чирийсан. Бироқ сен ушбу вақт ва энергияни мақсадли ишлатиб А пунктдан Б пунктига етиб боришинг ва у ерда сенинг мутлақо бошқача – Рухий Мавжудотга айланишинг рўй бериши мумкин эди.

**Анастасия:** Аввал айтганингиздек, одам моддий дунёда ўзига шахсий хукмронлик дунёсини қанчалик қурмасин, у вақтинча ва тез ўтувчидир. Бу дунёда барчаси тугайди: бутун бошли галактикалар, юлдузлар ва сайёралар бузилмоқда, одам танасининг эса тугаши турган гап.

**Ригден:** Одамлар учун ўз мавжудлигининг лаҳзалилигини тушуниш қийин, улар ўлим ҳақида хатто ўйлашга ҳам қўрқишади. Ахир одам учун ўлим – бу хаётнинг атиги бошқа шакли, бу унинг хаётидаги танловининг натижаси. Хайвоний табиати устувор бўлган одамга бу моддий дунёдан ташқари каттароқ нарса борлигини тушуниш қийин. Аммо Шахс ўз устида ишлаганида ва натижада Рухий дунё билан тегишганида, у асосий яратувчи куч айнан Рухий дунё экан, одамнинг хаётидаги қолган барчаси эса – Хайвоний Ақлнинг ўйинлари, хом хаёл ортидан қувиш, деган тушунчага эга бўлади.

**Анастасия:** Ҳа, қанча қизиқ ва ҳақиқатан ҳам муҳим Билимлар, улар нафақат кўзга кўринувчи, балки кўринмас дунё ҳақида ҳам мутлақо бошқа тасаввурни беради.

**Ригден:** Шубҳасиз. Бироқ, эҳтимол **одамнинг кўринмас дунёдаги тузилиши ҳақидаги суҳбатга қайтармиз.** Моддий дунёнинг барча ахборотли объектлари каби, ўлкан юлдузлардан то энг кичик заррачаларгача, одам ҳам ўзининг маълум проекцияларига, ўзининг энергетик жихатдан “кўзгули акс кўринишларига” эга. Ҳар ҳил даврларда турли халқлар одамнинг кўринмас тузилишини ўз сирли билим солномаларида, муқаддас матнларда ва расмларда уларни ўзларича белгилаган, қайд этган ёки тасвирлаган. **Шартли равишда ушбу тирик проекцияларни “Маҳлуқотлар”деб номлаймиз,** чунки улар анча (одам тахмин қилганидан ҳам кўпроқ) ақлли, ўз хусусиятларига эга. Ўз моҳиятлари бўйича ушбу Маҳлуқотлар ахборотли энергетик тузилмалар, маълум локал марказлардир. Одамнинг кўринмас тузилишида булар худди унинг жисмоний танасидаги боши, қўли ва хоказолар каби ажралмас қисмларидир. Тузилишнинг марказида (барча проекцияларнинг ўртасида) Қалб жойлашган.

**Маҳлуқотлар ахборотли энергетик тузилмалар бўлиб, улар одамнинг хаётида ҳам, ўлимидан кейинги тақдирида ҳам бирдек муҳим роль ўйнайди.** Улар нозик энергетик даражадаги ўзаро

таъсирлар рўй берувчи бошқа ўлчовлар билан боғлиқ ва ўлкан имкониятларга эгадир. Уларнинг ёрдамида одам моддий дунёнинг юқори ўлчовларидан туриб (олтинчига қадар) дунёга таъсир этиши мумкин. **Тузилиш атрофидаги жойига ва жисмоний танага нисбатан шартли жойлашувига қараб Маҳлуқотларни қуйидагича номлашади: Олд томон, Орқа томон, Ўнг томон ва Чап томон маҳлуқотлари.** Улар одамнинг умумий тузилишидаги тўртқиррали чўққиси кесилган пирамиданинг асосий майдонлари, айтайлик, ”тирик томонлари” бўлиб намоён бўлишади. Ориентир бўйича улар жисмоний танадан номларига мутаносиб равишда, узатилган қўлнинг масофасида жойлашган: олд, орқа томонларда ва ёнбошларда (ўнг ва чап ёнларда).

Қадим замонлардан улар ҳақидаги билимлар муқаддас ҳисобланган. Дунё халқларининг афсоналарида қадимдан бошлаб бугунги кунгача бу ҳақда қўплаб эслатмалар мавжуд. Мисол учун, бу маълумотларни космологик афсоналар ва халқ оғзаки ижодларида, сеҳргарлар, шаманлар, қоҳинлар, афсунгарларнинг ритуал маросимларида топиш мумкин. Хусусан, оҳиргисини олсак, маълум анъанавий маросимни бажараётган одам тўрт офатга ёки дунёнинг тўрт томонига, одамнинг тўртта ёрдамчи руҳларига ва хоказоларга юзланган. Шу билан қўп холларда боғловчи бўғим бўлиб ўрта хизмат қилади: муқаддас китобларда – бу энергетик тузилишнинг маркази сифатидаги Қалб, ”бешинчи марказ” (бошқа холатларда “биринчи марказ”); амалий диний маросимларда эса – Шахснинг онги.

Шундай қилиб, бундай афсунгар одамнинг ташқи ҳаракатлари – бу, қоидага биноан, ё театрал ўйин, ё йўқотилган билимларга тақлид қилиш, ёки уларни атайлаб яширишдир. Аслида эса асосий ҳаракат одамнинг ўзида, унинг ички дунёсида содир бўлади. Маълум билимлар ва амалиётлар ёрдамида у ўзини бир яхлит бўлиб жамлайди ва ушбу Маҳлуқотларни бошқаради. Шахснинг ўзи эса “бошқарув маркази”дир. Бундай бирлашувга мувофиқ одамнинг кўринмас дунёдаги имкониятлари анча кенгайди. Эътиборингизни шунга қаратмоқчиман-ки, мазкур Маҳлуқотлар одамнинг астрал майдонидаги нусхалари эмас.

Тўртта Маҳлуқотнинг ҳар бири, айтайлик, бу маълум энергетик майдондир. Мажозий маънода, бу “тиниқ қуйқа”, у одам берган ҳар қандай фикрий шаклга: одамнинг кузгудаги аксигами ёки бирор хайвоннинг ё руҳнинг сиймосигами ва хоказога айланиши мумкин. Одам, маълум медитатив техникаларни бажараётиб, онгининг ўзгартирилган ҳолатида бўлганида, Маҳлуқотларининг бирортасига маълум фикрий шакл беради ва бутун эътиборини унда жамлаб, уни моддийлаштиради, деб айтиш мумкин.

**Анастасия:** Аслида, бу энергетик тўлқин ҳолатидан моддий заррача ҳолатига ўтиш бўлиб чиқмоқда: Кузатувчи диққатини Маҳлуқотга берганида, энергиянинг нозик материя ҳолатига ўтиш жараёни амалга ошади. Шунга кўра, у фикрий шаклга (унга одам киритган сиймога) эга бўлади.

**Ригден:** Ҳа, шу билан унинг кўринмас дунё билан алоқаси бутунлай сақланиб қолади. Айтиб ўтганимдек, Маҳлуқотларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга ва кўзга кўринувчи ва кўринмас дунё ўртасидаги маълум алоқани намоён этади.

**Олд Маҳлуқот** жисмоний тананинг олд томонида чўзиб узатилган қўл масофасида жойлашган. У одамнинг ҳозир ва шу ердаги (учинчи ва ундан юқори ўлчовлардаги) ҳаёти билан, унинг бугунги кундан келажакка юриши билан боғлиқ. Бу ўзига хос вектор, ҳаёт йўлининг кўрсаткичидир. Агар одам руҳий маънавийликни танласа, бу йўл бир векторли, олдинга, энг олий ва яқуний натижага – Шахснинг Қалб билан қўшилишига, унинг руҳий озодлигига интилиши сифатида жамланган йўналишга эга. Мазкур Маҳлуқот одамнинг шахсий ривожланишига, руҳий ҳаракатига жавоб беради. Унга ишонч, руҳий муҳаббат, келажакка умид каби эмоционал бўйёқ ҳосдир. Агарда одамнинг руҳий маънавий йўлдан юриш нияти қатъий бўлса, Олд Маҳлуқот унга бегона ёки тажовузкор Маҳлуқотларнинг ташқи кўринмас таъсиридан жуда яхши ҳимоя бўлиб ҳизмат қилади. Унинг фаоллашганини инсоннинг ҳолатига қараб кузатса бўлади: у ўзини руҳланган хис этади, унда ижобий эмоцияларнинг кўтарилиши, чуқурликдаги руҳий турткилар кузатилади.

Дунё халқларининг афсоналарида Олд маҳлуқотни кўпинча бир шохли буқа, (руҳ) осмон, ҳаво элементи сифатида белгилашган, эркин қуш (лочин ёки афсонавий феникс, чакмоқ қуши) кўринишида тасвирлашган. Қушнинг тимсоли кўпдан-кўп халқларнинг маданиятида Қалб, илоҳий Моҳият, ҳаёт руҳи, осмон руҳи, озодлик, кўтарилиш, илҳом, башорат қилиш, пайғамбарлик, ”қоинот зоналари” ўртасидаги алоқаларнинг ҳам белгиси бўлиб ҳизмат қилган.

**Анастасия:** Ҳақиқатан ҳам, ахир юқори палеолит даврида ҳам қушларни тасвирлашган ва бу белгиларнинг муқаддас маъносига эътибор беришган эди. Неолит даврида ҳам уларни тасвирлашган ва қуёш рамзлари билан ўйғунлаштиришган (қўшнинг бошида қуёш рамзи тасвирланган).

**Ригден:** Мутлақо тўғри, албатта, агарда одам маҳфий белгилар ҳақидаги билимларга эга бўлса, бундай тасвирлар ўзгача аҳамиятга эга

эканлигини кўради. Демак, Олд маҳлуқот ҳақида... Тўртта Маҳлуқотларнинг ишлаши ҳақидаги билимлар одам имкониятларини анча кенгайтиради. Слипеларнинг тез-тез йўқолишига мана шу саволлардаги таянч билимларнинг йўқлиги сабаб бўлмоқда. Мисол учун, слиперларнинг кўпчилиги Олд маҳлуқот орқали таъсир қилишади-ю, бу ҳақда ўзлари тахмин қилмайди ҳам. Ва шу билан улар катта хатога йўл қўйишади, бу эса ишларининг унумсизлигига, вақтнинг бекор йўқотилишига, энергияни кўп сарфланишига олиб келади. Натижада операторнинг ҳаёти бевақт узилади. Тажрибалироқ слиперлар ўзининг Чап маҳлуқоти орқали таъсир этишади, лекин бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

**Анастасия:** Слипелар ҳақида жамиятда камдан-кам одамлар билади. Ахир бу цивилизациялашган давлатлардаги давлат хавфсизлиги тузилмаларининг махсус махфий бўлинмаси-да. Хайратланарли томони, қадим-қадимдан одамнинг энергетик танаси мавжудлиги маълум бўлган бўлса-да, уни ўрганувчи фанни ташкил этиш ҳақидаги “кромол фикрни” устидан эса кулишмоқда, дунё хамжамиятида эса хамма жойда “ахоли онгининг моддийлаштириш” сиёсати олиб борилмоқда. Ва мана шу фонда деярли барча цивилизациялашган, бир-бири билан рақобатлашаётган давлатларда махсус бўлинмаларнинг ривожланиши кучаймоқда. Ахир уларнинг мутахассислари хонасидан чиқмасдан ахборот топиш, алоҳида олинган шахсларга энергетик таъсир этиш ёки давлатнинг биринчи шахсларини қўриқлаш ишларини олиб боришга қодир.

**Ригден:** Бу саволда калит сўз – “сиёсат” сўзи бўлгани учун ҳам, бундай билимлар оддий халқ учун эришиб бўлмасдир. Дарвоқе, махсус атама – “слипер” қаердан келиб чиққанини биласанми? Айтишади-ку, кемани қандай номласанг, у шундай сузади, деб. Слипелар сўзи скандинав афсоналаридан ўзлаштирилган. Один худоси у ерда Олий худо саналган. У донолик худоси, афсунгарлик, сеҳрлашнинг отаси, руналар ва ривоятлар билимдони, қоҳин, сеҳрли куч эгаси бўлган, шаманлик “интуициясига”, аййёрлик ва маккорликка эга бўлган,” одамларнинг амири” бўлган. Кейинчалик харбий иттифоклар ҳомийси, харбий урушлар уруғини сочувчиси булиб ҳам чиққан. Шундай қилиб, Одиннинг саккиз оёқли Слейпнир (Сирғанувчи) номли оти бўлган. У бир онда ўз эгасини худолар (Асгард) дунёсидан у томондаги “қоронғу дунёга”, ўликлар (Нифльхейм) дунёсига, одамлар (Миргард) дунёсига етказиши мумкин бўлган, яъни дунёлар ўртасида сирғаниб юрган. Ривоятларга кўра, Один Ўлкан одам билан “отлиқ мусобақада” айнан Слейпнирда қатнашган.

**Анастасия:** Ҳа, одамлар дунёсида ҳеч нарса ўзгармаяпти, хали ҳам халқнинг кучи ва бўйни ҳисобига ўша сиёсий, коҳинлик мусобақалари давом этмоқда. Мана шу коҳинлик тузулмага ишлаётган ва ўзининг ноёб кучини ҳеч қарга, Хайвоний ақл исқанжасидаги ақл инжиқликларига талон-тарож қилаётган одамларга ачинаман, ҳолос.

**Ригден:** Нима ҳам қилардинг, одамлар ўз танловини ўзлари қилишмоқда. Шарқда бир нақл бор: “Ким Ҳақиқатни билмаса, фикри мустаҳкам бўлмаса ва ишончида иккиланса, донолик борасида мукамал бўла олмайди.” Аммо суҳбатимиз мавзусига қайтамиз.

**Орқа Маҳлуқот** орқада жисмоний танадан чузиб узатилган қўл ўзоқлигида жойлашган. Бу ўзига хос ҳозирги замон кузатувчиси ва ўтмишнинг “солномачиси”дир. У одамнинг ҳозирги куни ва ўтмиши билан, барча (нафақат бу ҳаёти давомидаги) тўпланган ахборотлар билан боғлиқ. Ўтмиш унинг учун – ахборотлар базаси, ҳозирги замон – бу он-лайн режимида ахборот топиш ва назорат қилиш, десак бўлади, яъни ҳозир ва шу ерда. Орқа маҳлуқот ўзига хос портал ҳисобланади. У гуддасимон без (эпифиз) билан бевосита боғлиқ бўлган “Кузатувчи”дир. Мана шу портал орқали маълум медитатив техникаларга эга бўлиб, ўтмишнинг хоҳлаган лаҳзасига “туннел” орқали ўтса бўлади. Орқа маҳлуқот одатда балиқ, тюлень (масалан, Шимол аҳолиси одатларида), ўлкан калтакесак, фил, тошбақа кўринишида тасвирланади, ўтмиш чуқурлигига тушурувчи сув элементи билан белгиланади. Сибир халқларида ўзига хос қарама - қарши қўйиш ҳақида – қушни мамонтга, шумерларда эса – қушни балиққа қарши қўйиш ҳақидаги эслатмалар мавжуд. Орқа маҳлуқот одамни ўтмишининг рамзи бўлгани учун одам юзли руҳ сифатида ҳам белгиланиши мумкин.

Ўнг маҳлуқот жисмоний танадан ўнг томонда узатилган қўл масофасида жойлашган. Аслида, у одамда Хайвоний табиатни ташкил этувчи қисмларидан бири. Аниқроғи, Ўнг маҳлуқот бир нечта сифат даражасидан турлича вазифаларни бажаради. Уларнинг намоён бўлиши одамда Малакий ёки Хайвоний табиатнинг устуворлигига боғлиқ. Ўнг маҳлуқот бу дунё билан жуда ҳам қалин боғлиқ. Агар одамда Хайвоний табиати устувор бўлса, Ўнг маҳлуқот қуйидаги эмоционал хусусиятлари билан намоён бўлади – тажовузкорлик, руҳий тушкунлик ёки қўрқув. Агар одам уни кераклигича назорат қилмаса, ўзи кўпинча унинг “ҳамласига“ учрайди. Бу “ҳамлаларни” ёмон ёки салбийликни келтирувчи фикрлар оқимидан, бирданига депрессив ҳолатга тушишдан пайқаса бўлади. Онг бирор муаммо даражасигача тораяди, эмоционал ҳолатда тушкунлик, жаҳл, хафалик, ўзини айблаш, битта муаммода фикрларни ҳалқаланиши намоён бўлади. Лекин одам ўша фикрларига



Ўз эътибор кучини берганидагина бундай холат содир бўлади. Шунини айтишим керакки, барча тўртта Маҳлуқотлар ҳам бор-йўғи маълум эмоционал холатларга мос бўлган турли кўтарилишларга олиб келувчи у ёки бу фикрларни “туғилишини” юзага келтиради. Аммо Маҳлуқотлар фақат Шахс танлаган фикрларни кўллаб, ривожлантиришади, (айниқса одамда Хайвоний табиати устун бўлса, “пашшадан фил ясаб” таниб бўлмас даражагача айлантириб юборишади). Қайси Маҳлуқотдан келган фикр афзаллиги ва қайсига эътибор бериш, қисқаси, кимга кулоқ тутиш бўйича одамда танлов мавжуд. Одам танловни амалга оширган заҳоти, яъни қайси Маҳлуқотдан келган фикрлар афзал деб билса, ўша фикрларни пайдо бўлишини кўзғатган Маҳлуқотнинг иши фаоллашади.

**Анастасия:** Дарвоқе, оммага махфий тарзда таъсир этиш, онгини ҳийла билан жалб этиш, тажовузкорлик, ғазаб, салбий эмоцияларни келтириб чиқарувчи ғоялар билан заҳарлаш – буларнинг барчаси одамлардаги Ўнг маҳлуқотларининг фаоллашуви билан боғлиқ, деган эдингиз.

**Ригден:** Айнан шундай. Одамларда Олд маҳлуқотини тўхтатиб ёнбош Маҳлуқотларини фаоллаштириш бундай ишлардан хабардор бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади. Бундай таъсир гипнозга ўхшайди.

Медитацияда Ўнг маҳлуқотнинг таъсирини хис этиш ва кузатиш, бу оқим қаердан ва қандай келаётганини тушуниш мумкин: у ўнг томондан келаётган (ташқаридан ичкарига) босим сифатида сезилади. Аммо, агарда одам бу Маҳлуқотни тартибга солса, яъни келаётган фикрларни, эмоцияларни қаттиқ назорат қилса, салбийликни келтирмаса, Рухий маънавий йўналишни аниқ ушласа, у холда самарали ёрдамчига эга бўлади. У нозик материя дунёсида ажойиб ориентирланади, бошқа одамларнинг шундай Маҳлуқотлари билан кўп ўлчамли алоқада бўлади. Такрор айтаман, бу алоқа фазо ва вақтдан қатъий назар амалга ошади.

Турли халқлар ўз муқаддас расмларида Ўнг маҳлуқотни бирор кучли ёки тажовузкор хайвон кўринишида тасвирлашган, масалан, оқ йўлбарс (қирғиз шаманларида), айиқ, шер, қоплон, маймун ва х.к. ёки афсонавий Қўриқчи, рух. Бу ҳақда архаик маросимий урф-одатларда эслатмалар бор, гап тажовуз, кўрқув ёки ноодатий куч ҳақида борганида. Бу Маҳлуқотнинг рамзий элементи сифатида олов кўрсатилган.

**Чап Маҳлуқот** одамнинг жисмоний танасининг чап томонида чўзиб

узатилган кўл масофасида жойлашган. Бу Маҳлуқот Ариманнинг дунёси билан боғлиқ, қадимий моддий билимлар дунёси билан. У анчагина имкониятларга ва вазифаларга эга. Аммо уларнинг Шахс томонидан ишлатилиши ҳам ундаги Малакий ёки Хайвоний табиатларининг бирини устуворлигига боғлиқ. Хайвоний табиат устун холатда Чап маҳлуқот аййёрлик, чакқонлик, ғурур, ёлғон ва васваса каби хусусиятларга эга. Бу ақлли, маккор Маҳлуқот, у одамни асосий нарсадан – Руҳий Маънавий йўлдан чалғитиш учун барчасини зўр кўринишда намоён этади. Агар Шахс уни кераклича назорат қилмаса, айнан у одамда гумонлар, иккиланишлар келиб чиқишини кўзгатади, руҳий маънавий йўлдан оғдиради. Ўнг Маҳлуқот аҳмоқона тажовуз, жahl билан боғлиқ бўлса, Чап маҳлуқот, аксинча, ўз мантиқи билан забт этади, Хайвоний табиатдан келаётган мантиқий занжирни тузишда аниқлик ва равшанликни намоён этади. У ҳам, Олд маҳлуқот каби, одамни янгиликларни излашга ундайди, лекин моддий йўналишда, одамга унинг кўпроқ нарсаларга лойиқлигини ёки бошқаларга нисбатан муҳимроқ аҳамиятга эгаллигини уқтиради. Хуллас, улуғлик истаклари ва бошқалар устидан маҳфий хукмронликка эга бўлиш – бу одам онгида Хайвоний табиат устунлигидаги унинг Шахсга хужум қилишининг асосидир.

Одамга шундай фикрлар келганида, у медитация пайтида ташқаридан – чап томондан юқоридан пастга келган босимни сезади ва кузатади. Агар одам ўзини тез-тез тартиб интизомга солиб турса, шу билан руҳий маънавий йўлни қатъий ушласа, у холда Чап маҳлуқот ҳам унинг ёрдамчиси ва муқаддас билимлар бўйича шахсий “ахборот берувчиси”га айланади. Қадимий матнларда Чап маҳлуқотни одатда дахшатли хайвон ёки, ақлли, айёр хайвон, масалан, бўри, шакал, афсонавий монстр, аждархо, илон ёки Қўриқчи руҳ сифатида тасвирлашган ва ифодалашган. Бу дунёдаги вақтинчалик кадриятлари рамзи бўлган ер, унинг хоки, Чап маҳлуқотнинг элементи хисобланади.

**Анастасия:** Ўқувчилар учун аниқлаштираман, Олд ва Орқа (қисман, ахборотни шу ерда ва hozir режимда назорат қилиш ва кузатиш бўйича) маҳлуқотлар – одамнинг руҳий маънавий ривожланишида фаол ёрдамчиларидир. Ёнбош маҳлуқотлар эса ва Орқа маҳлуқот (ўзининг ўтмиш хақидаги ахборот базаси билан биргаликда) бошқа одамларнинг ўзига мутаносиб Маҳлуқотлари билан кўпроқ слипперлик вазифаларини бажаради, ва шунингдек, одамда Хайвоний табиатини фаоллаштиришда асосий рол ўйнайди.

**Ригден:** Тўғри. Айниқса Чап маҳлуқот энг ахборотга бой, у ахборотни ўқиб олиш, объектнинг кайфиятини ва истакларини ўз хийла-найрангларига ўйнатиш бўйича чемпиондир. Унинг фаоллашуви

пайтида унга ташқаридан қарши туриш қийин. Аммо бундай фаолликнинг эгаси учун ҳам у хавфлидир, чунки уни ҳам чалғитиши мумкин. Агар гап тажовузкорлик, тушкунлик, васваса ҳақида кетса – буларга Ўнг маҳлуқот жавоб беради. Лекин булар кузатилаётган объектда Хайвоний табиати устун бўлганидагина ишлайди. Шунинг учун, агар одамлар қуённинг бўғма илон олдида турган ҳолатига тушиб қолишни хохламаса, улар учун руҳий маънавий тўлқинда бўлиш, Виждонан яшашни ўрганиш муҳим. Акс холда, айтишадику,” Виждон ухлаганида жинлар пичирлашади”, деб.

Мазкур Маҳлуқотлар кўринмас дунёда маълум мақсад ва вазифаларни бажариш учун қулай. Бу Маҳлуқотлар кўринмас дунёнинг ўзига хос “ақлли, тирик асбоблари”дир, улар одамга унинг руҳий маънавий ривожланишида ёрдам беришади, албатта, агарда одам уларни ишлата ва назорат қила олса. Назорат авваламбор фикрларнинг софлиги устидан бўлиши керак, акс холда ёнбошдаги Маҳлуқотлар уни назорат қилишади (албатта Хайвоний табиати устуворлиги орқали). Ўзининг ёнбошдаги Маҳлуқотларини назорат қилиб, бошқаришни ўрганиш учун, даставвал улар ўзи нима ва қандай ҳаракат қилишини тушуниш керак. Уларнинг ўзидаги намоён бўлишларини, энг юқори фаоллигини кузатиш керак. Бир хил “фикрий одатлар”, Шахнинг салбийлик, худбинларча фикрлаш тартибига асосланган психологик “илгаклари” кўринишида унинг энг юқори фаоллиги намоён бўлади. Хайвоний табиати устувор одамнинг қайси салбий ёки айёрона фикрларини фаоллаштириш ва қандай ташқи образларни кўрсатиш ёнбош Маҳлуқотларга барибир (шунинг учун одатда одамнинг хаёлий бахтсизликларида ўздан ташқари қолган ҳамма айбдор). Ёнбош маҳлуқотлар учун асосийси – одамнинг эътибор кучи, унинг ёрдамида улар одамга бўлган таъсирни кучайтиришади, мажозий маънода, ўзини ўзига боғлаб қўйишади.

Одамларнинг кўпчилиги дунёнинг одатий уч ўлчовли кўришнинг моддий пардаси сабабли ўз Маҳлуқотларини кундалик турмушида ишлаш принципини тушунмайди ва билмайди. Ваҳоланки уларнинг намоён бўлиши билан тез-тез тўқнашиб турмоқда. Аҳир биз бошқа одамлар ҳақида, танишлар, дўстлар, қариндошлар ва хоказолар (шахсий мулоқотда бўлган, ва мутаносиб равишда уларнинг биомайдонлари билан алоқада бўлган одамлар) ҳақида ўйлаганимизда, аслида уларнинг Маҳлуқотлари билан бевосита алоқада бўламиз. Агар биз одам ҳақида руҳий маънавий манбада, ижобий ўйласак – ўзаро алоқага бизнинг Олд маҳлуқотларимиз киришади, агарда моддий манбада, салбий ўйласак – бир хил номдаги ёнбош Маҳлуқотлар алоқада бўлади. Бу қандай амалга ошади? Одам маълум одамда фикрини жамлаб, у ҳақида ўйласа, нозик энергиялар даражасида ўша иккита одамнинг бир хил

номдаги Маҳлуқотларининг ахборот алмашинуви амалга ошади. Мисол учун, сиз 10 йилдан бери кўрмаган танишингиз ҳақида ўйладингиз, у эса деярли шу онда кўнғироқ қилади ёки шу куни меҳмонга келади. Ёки шундай ҳолат ҳам бўладики, одам сўхбатдоши нима дейиши ҳақида олдиндан билади, унинг кайфиятини ва фикрлари оқимини у гапиришидан олдин сезади. Сабаб нимада? Бу айнан Маҳлуқотларнинг ўзаро таъсирининг намоён бўлиши. Бор-йўғи бизнинг Маҳлуқотларимизнинг бири суҳбатдошимизнинг худди шундай Маҳлуқоти билан алоқага киришди. Ахир Маҳлуқотлар учун макон ва вақт йўқ нарса, улар бошқача қонунлар бўйича яшайди. Улар Шахснинг бошқа дунёлар билан алоқасида ўзига хос воситачиларидир.

Шунақа ҳолатлар ҳам тез-тез бўладики, ўз фикрларининг софлиги ҳақида қайғурмайдиган (ташқи таъсир учун очик) одам, кундалик турмуши билан банд бўла туриб, бирданига, ҳеч бир сабабсиз ғазабланишни бошлайди ёки қандайдир кўрқувга тушади. Бунинг сабаби ахборот алмашинувида. Бундай алмашинув турлича, шу жумладан, биз айтиб ўтган субшахсларнинг ахборотли намоёндалари, ёнбош Маҳлуқотларнинг алоқалари кўринишида ва бошқа сабаблар бўйича бўлиши мумкин. Бу шунингдек Хайвоний Ақл Иродасининг (одам ҳатто тахмин ҳам қилмаган сабаблар бўйича) намоён бўлишидир. Бу Иродани Хайвоний ақл конкрет индивиднинг ёки кўпчиликнинг Хайвоний табиатининг фаоллашув тизими орқали, уларнинг қаерда бўлишидан ва бир-бирини таниши ёки танимаслигидан қатъий назар, амалга оширади. Шунинг учун руҳий маънавий йўлдан кетаётган инсонларга бундай намоён бўлишлар ҳақида билиш ва ўзларини фикрларини назорат қила олиш, унинг учун бегона бўлган Хайвоний ақл Иродасини ўз ҳаётига киритмаслик жуда муҳим.

**Анастасия:** Гарчи ўзлари кундалик турмушда бундан азият чекишса-да, лекин кўп ҳолларда одамлар кўринмас дунё томонидан келаётган таъсир ҳақида билишмайди ва тушунишмайди ҳам.

**Ригден:** Ҳа, одамлар буни билмаслиги ва тушунмаслиги мумкин, лекин қайси фикрларга “қулоқ тутишни” айнан улар ўзлари танлайди. Кўринмас дунё таъсирининг механизмлари эса турли-туман бўлиши мумкин. Агар одам Хайвоний табиати ҳолатида бўлса, уни ёнбош Маҳлуқотлар ёрдамида салбий кўтарилиш (тажовуз, кўрқув)га шундай кўринмас усул билан ундаш мумкин, ва у очилади, мувозанатдан чиқади. Бошқача айтганда, у билан резонансга кириш керак. Сўнг эса унинг ўзининг энергетикаси ёрдамида, уни бошқараётган ёнбош Маҳлуқотларга бевосита таъсир ўтказиш мумкин. Дарвоқе, “Эзоосмос” китобида кандуклар ҳақида ёзган эдинг. Улар ҳам шундай ҳаракат қилишади. Улар одамни салбийликка ундаб, кейин эса онгини

бутунлай эгаллаб олади. Бу билимлардан одамларга таъсир этишнинг кўринмас асбоби сифатида қадимда қоҳинлар ҳам фойдаланишган, бугунги Архонтларнинг қоҳинлари ҳам бу техникаларни бемалол ишлатмоқда. Лекин бу билимларни фақат Архонтларгина ишлатишмайди. Улардан айрим слиперлар ҳам ўз ишида фойдаланади. Ахир бу атиги асбоб-да. Барчаси ким, қандай ва нима мақсадда уни ишлатишига боғлиқ.

**Анастасия:** Илтимос, ўқувчилар учун аниқлик киритсангиз, ёнбош Маҳлуқотлар шундай фаоллик кўрсатганида Олд ва Орқа маҳлуқотлар билан нима содир бўлади?

**Ригден:** Хуллас, агар одамда Хайвоний табиати устувор бўлиб, ёнбош Маҳлуқотлари фаоллашган бўлса (бу эса салбий фикрларнинг намоён бўлиши ёки бошқалар билан суҳбатлашганда эмоционал кўтарилишдан билинади), Олд ва Орқа маҳлуқотлар ўзининг асл вазифаси – одамнинг руҳий маънавий ривожланишида ёрдам беришнинг ўрнига ёнбош Маҳлуқотлар томонидан ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун эксплуатация қилинади, десак бўлади. Хайвоний табиатнинг эҳтиёжлари эса, барча материяники каби, бир хил – хокимият учун кураш. Натижада Орқа маҳлуқот одамнинг таъсир кўрсатиш учун кураши, тажовузкорлиги, худбинлиги ва хоказолари фаоллашган турли хаётий вазиятларни хотирада излаб топади. Олд маҳлуқот эса шу пайтда ўзининг тўғридан-тўғри вазифасини бажармасдан, гоҳида келажакка умид туйғусини фаоллаштиради, бу эса онг томонидан муваффақиятли тарзда (қолипли, моддий фикрлаш тарзи орқали) моддий дунёдаги келажакдаги бахтга ўзгартирилади. Лекин бундай вазият келиб чиқишида одамнинг ўзи айбдор, зеро миясидаги фикрларнинг қайсини танлаш ўзининг қўлида.

**Анастасия:** Агарда одамда Малакий табиати устувор бўлса-чи?.

**Ригден:** У холда барчаси сифат даражасида мутлақо бошқача кечади. Бундай одам ўз диққат-эътиборини кўпроқ фикрларининг назоратида, ўзини тарбиялашда, руҳан ривожланишда, мукаммалашувида жамлайди. Унда Олд маҳлуқот фаол ишлайди, ва фикрлар интизоми туфайли, ёнбош Маҳлуқотлар, айтайлик, ўзига хос Кўрикчиларнинг кўшимча вазифасини бажаришади. Шунда, ташқаридан тажовузкорона таъсир этувчи ахборотни Орқа маҳлуқот ўқиса ҳам, одамга халал бермайди, чунки унда Олд маҳлуқоти фаол. Бу ахборотни у бор-йўғи хаёлан назар-писанд қилмайди. Фикр интизоми назорати остидаги ёнбош Маҳлуқотлар эса, аслида, нафақат ножўя вазият ривожланиши олдини олади, балки ўз имкониятлари ва бошқа ўлчовлар билан ўзаро алоқалари туфайли одамга кўринмас дунёни ўрганишида ёрдам

беришади. Шунинг учун ҳам Ҳақиқий Инсон бўлиб, ўзининг Малакий табиати позициясида яшаш муҳимдир.

**Анастасия:** Ўзимнинг ва гуруҳдаги бошқа ўртоқларимнинг кечинмаларини биламан,-одам ўшбу тўртта Маҳлуқотларни амалиётда ўрганиш билан тўқнашганида, кўринмас дунёдаги, айтайлик, ўзи билан ўзи учрашганида, даставвал унда турли (хайрон қолишдан бошлаб кўркувгача) эмоциялар пайдо бўлиши мумкин. Балки бу болалигимиздан ўзимизни учта ўлчам ўлчови ракурсида кўрганамиз одат бўлиб, ўзимизни бошқача кўринишда ва хажмда бошқа ўлчовлар позициясидан кўриш кутилмаган ҳолатлигидандир.

**Ригден:** Бу табиий. Чунки ўз Маҳлуқотларини ўрганишдаги бошланғич босқичларида одам онгида ҳали уч ўлчамли ўлчовда яшаш тажрибаси ўрнашиб олган бўлиб, ҳар қандай янги ходиса унда иккита туйғунинг аралашмаси ва курашига олиб келади: кўркув ва ўта қизиқувчанлик. Қай бири ғалаба қозонса, ўрганиш натижаси ҳам шундай бўлади. Бундай кўркув – бу бор-йўғи хато танлов, Хайвоний табиат эмоцияси, унга Шахс диққатини бериб, уни моддийлаштиради. Одам дунёни ўрганишда руҳан эркин бўлиши керак, яъни ўз қатъий танлови орқали, ўзини ўрганиш, олий, Рухий дунёга интилиш орқали шунга ўхшаш кўркувлардан ҳалос бўлиши керак. Маънавий ўрганишдаги тажрибалироқ одамда унга очилаётган кўринмас дунё олдида кўркув бўлмайди. Бу билимларни у ишлатишни бошлайди, зеро мазкур кузатилаётган Маҳлуқотлар бу бор-йўғи унинг ўзининг ташкилий қисмлари эканлигини англайди. Аслида, бу, мураккаб реалликнинг турли намоёндаларидаги унинг ўзидир.

**Анастасия:** Ҳа, халқда айтишади-ку: ”Худо ортиқча нарса бермайди”, деб.

**Ригден:** Жуда тўғри. Маҳлуқотларнинг мавжудлиги одам танлови билан боғлиқ, аниқроғи, унга шароит яратиш билан, Шахсга маълум даражада эркинлик бериш билан. Одамнинг кўп ўлчамли тузулмасининг маъноси ҳам шунда. Агарда ўша ёнбош Маҳлуқотлар бўлмаганида эди, “яхшилиқ ва ёмонлик” ўртасида, моддий дунёнинг истаклари ва маънавий интилишлар ўртасидаги танлов эркинлиги бўлмас эди. У ҳолда одам, чекланган (материяга қамалган) шароитдалигига қарамасдан, ичида Қалбини хис этар эди ва ғайриихтиёрий равишда Худога интилган бўлар эди. Турли Маҳлуқотлар билан эса унда танлов муқобиллиги мавжуд: ғазабни, тажовузкорликни, ҳасадни, кибрни ва моддий дунёнинг битмас-туганмас истакларини танлаб, ўз эътибори кучини уларга беришми, ёки эътибор кучини буларга сарфламасдан,

руҳий маънавий томонга туриб олиб, фақат битта нарсани – руҳий озодлик ва Худо томон юришни хошлаш-ми.

Одамнинг руҳий маънавий ривожланишини мажозий маънода машинанинг тўхтаб-тўхтаб юришига қиёсласак бўлади. Даставвал онг бир эмоционал ҳолатдан бошқасига ўтаверади. Бу ҳолат худди машина ҳайдовчиси яқинда рулга ўтиргани боис, хали педалларни алиштириши, қачон “газ”ни босиш, қачон эса “тормоз”ни босишда адашишига ўхшайди. Фикрлар интизоми, онг ҳолатини назорат қилиш – бу айнан ўзини, ўз эмоцияларини, истакларини, фикрларини бошқаришга уриниб кўришдир. Шу билан ҳаракатининг курсини аниқ ушлаб туриш – ўз ҳаётий позиция, асосий танлов. Яъни, ҳаётини онгли, маъсулият билан яшаш, ориентирни аниқ маънавий томонга олиб, уни ҳамиша эътиборининг марказида тутиш керак. Мажозий маънода, худди машинада, тўхтаб-тўхтаб қолишларга қарамасдан, мақсад сари юришга интилишга ўхшайди. Табиий-ки, ўзингни қанча кўп назорат қилсанг, йўлингда (ёнбош Маҳлуқотларнинг фикрлари ва эмоцияларига эътибор бериб, ҳар томонга оғиз очмасдан) қанчалик эътиборли бўлсанг, юриш тезлигинг ҳам (руҳан ривожланиш тезлиги) шунча юқори бўлади.

**Анастасия:** Яхши мисол. Ўйлаб кўрсак, одамларнинг кўпчилиги ўз ҳаётини руҳий жихатдан англамасдан яшамоқда, диққатини ёнбош Моҳиятлардан келаётган фикрларга бериб юбормоқда. Улар ўз олдига майда-чуйда ҳаётий мақсадларни ва моддий вазифаларни қўйишади, масалан, жамғариш, ўғирлаш, сотиб олиш, оилада, ишда, жамиятда ўз вақтинчалик аҳамиятини ошириш ва хоказо. Мажозий маънода, бу худди машинада ёқилғини (ҳаётий кучни) беҳудага сарфлаб айлана бўйлаб юришдек.

**Ригден:** Атиги улар ўз ҳаётини ички танлови бўйича яшаб ўтишади, аслида, Архонтлар тизими тайёрлаб қўйган чекланган бўм-бўш ҳаётни: эрталабдан кечгача “робот” бўлгин, онгинг чекланган бўлсин, фақатгина қизиқишларнинг тор спектри ва турмуш ташвишлари билан банд бўл. Лекин буларнинг бари дунё бўйлаб реклама қилинган расм-русумлар, уларнинг мақсади – одамни уларга ишонтириш ва шу ўйлаб топилган тизимга – Хайвоний ақлнинг дастурларининг бирига ишлашга мажбурлаш. Аслида одам ўзини ўзи уч ўлчовлик чегараларига қамаб қўяди, чунки унга руҳий меҳнат билан Мангуликка шахсий ўтказмани берувчи ҳақиқий Озодликка эришишдан кўра моддий қадриятлар дунёсида қул бўлиш осонроқдир. Одамнинг ҳаёти ўзининг қўлида, унинг танлов ҳуқуқида, унинг ўз устида ишлаб ўзини такомиллаштириш истагида.

**Анастасия:** Ҳа, унданда кўпроғи, бизнинг ахборот технологияли асрда

одамлар дунё халklarининг маънавий мероси ҳақида турли хил маълумотларни топиши мумкин. Излаган ҳамиша топади.

**Ригден:** Ўрта асрларда яшаб ўтган олим, физика, математикадан бошлаб, то фалсафий ва азалий билимларгача кенг диапазонли билимларига эга бўлган Умар Хайёмнинг шундай мисралари бор:

“Биздаги Тўртта азобланишимизга мажбурлар  
Ухламоқ, емоққа эҳтиёжни туғдириб.  
Аммо яхлитликдан маҳрумдирмиз биз,  
Яна бошига – фанога борамиз қайтиб.”

**Анастасия:** Умар Хайём одамнинг тўртта Маҳлуқоти ҳақида билганми?!

**Ригден:** (табассум қилиб) Мана бу рубойисига нима дейсан?

“Эй, *тўрт* офатнинг боласи, тингла  
Хушомадни билмас сирли дунё хабарини:  
Сен ҳам *хайвон*, ҳам *инсонсан*, *ёвуз руҳ ва фариштасан*,  
Бари сенда яширинган, ким деб билсанг ҳам ўзингни!”

Ёки Умар Хайёмнинг бундай шеъри:

“Бахтнинг илдизидан *тантананинг*  
*Абадий пояси* ўсаётганда  
Жисминг хаёти сен учун  
тор кийимга айланса гар,  
Танангни саёхат чодирига  
сен асло таваккал қилма  
Зеро унинг *тўрт* қадимий қозиғи  
бақувват эмас у қадар.”

**Анастасия:** Бахт илдизидан тантананинг Абадий пояси ўсаётганида? Ахир бу “Нилюфар гулига“ ўхшатиш-ку?! Чодир пирамида шаклидаги тузилишга кўрсатмоқда. Тўртта қадимий қозиклари – булар тўртта Маҳлуқотлар бўлиб чиқяптими? Унинг устига, бу ерда уларнинг афсонавий образлари ҳам келтирилган: хайвон – Ўнг маҳлуқот, одам – ўтмишни сақловчи Орқа маҳлуқот, ёвуз руҳ – Чап маҳлуқот, фаришта – Олд маҳлуқот! Ажабо! Агарда мен бу Маҳлуқотлар ҳақида билмаганимда эди, бу сўзларни бор-йўғи моддий атамалар деб билардим. Демак, одамлар Умар Хайём шеъриятида акс эттирилган билимларнинг ярмини ҳам билишмайди.



**Ригден:** Улар билим калитига эга бўлиш учун ўзларини чуқурроқ ўрганиш жараёни билан қийнашмайди, холос...Одам тузулмаси ҳақидаги суҳбатни давом эттирсак, айтиб ўтганимдек, дунё халқларининг маданий, жодули-диний маросимларда, ривоят ва афсоналарида ягона марказ – Қалб ва тўртта Маҳлуқотлар ҳақида кўплаб эслатмалар сақланиб қолган.

**Анастасия:** Ёдимда, бизга қадимги Мисрликларнинг одамни ташкил этувчи бешта элементи ҳақида гапириб берган эдингиз: Ах, Ба, Ка, Хат, Ху. Мазкур билимларни мен “Сэнсэй-4” китобида қайд қилдим. Бу маълумотларга одамларнинг муносабати ажойиб бўлди, уша пайтда мен ҳам хайратда эдим. Одамлар ўзлари учун худди янгилик очгандек бўлишди. Қадимгиларнинг эслатмалари бизнинг кунимизгача етган бўлишига қарамасдан, кўпчилик ўқувчилар Қалбга айнан шу нуқтаи назардан қарашмаган эди. Билим бор-у, унинг калити вақт ичра йўқолиб кетганидек, гўё. Сизнинг тушунтиришларингиз эса одамларга нафақат ўзларини ва атрофдаги дунёни билиш учун, балки одамзоднинг қадимий хазиначарининг сирли билимларини тушуниш учун ҳам қимматбаҳо калитни берди. Шунинг учун одамларни ҳам тушунса бўлади: Қалб ҳақида муқобил билимлар сифатида берилаётгани – бу, анъанавий динлар таълимотидан ташқари, асосан, ғарб фалсафий китобларидир. Бу китоблар одамий ақл ёрдамида ёзилганлигини ҳозир аниқ тушунмоқдаман.

**Ригден:** Нима ҳам қилардинг, соддани мураккаблаштириш одамларга хос....

**Анастасия:** Худди шундай...Шундай вазиятда ҳам азалий Билимларга эга бўлган, гап нима ҳақида эканлигини глобал миқёсда тушунган одамга вақт кўпайтирган пўстлоқларни ажратиб, асл маънони тушуниш жуда осон. Жамиятда илк маълумотлар йўқотилган, холос. Хамма бахтсизликлар ҳам мана шундан. Сизнинг маълумотларингиз азалги Билимни асосий моҳиятини аниқлаштириб бермоқда. Ўйлайманки, замонавий одамларнинг ўзлари ҳақида, Маҳлуқотлари ҳақида, Қалб ҳақида, ҳамма даврларда бу маълумотга қандай аҳамият берилганлиги ҳақида билиш “қизиқ экан” дан кўра кучлироқ таъсир этади.

**Ригден:** Бугунги кунда, ростдан ҳам бу маълумотлар, афсуски, мураккаблаштирилган ва ташқи расм-русумлар, маросимлар, тўртта офатга, дунёнинг тўрт томонига, афсонавий руҳларга, одам билан боғлиқ ёрдамчи хайвонларнинг тимсолларига (уларнинг тафсифларида айнан одамнинг Маҳлуқотлари ҳақидаги билимлар кўринмоқда) мурожаатлари остида яширинган. Маҳлуқотлар ҳақидаги муқаддас


билимлар Шимол, Европа, Сибир, Осиё, Жанубий ва Шимолий Америкаларнинг кўплаб қадимий халқларининг *махфий рамзларида* яширинган. Улар ҳақида батафсилроқ у ёки бу халқнинг муқаддас руҳий маънавий билимларини сақлаган ва кўринмас дунёни ўрганиш техникаларига эга бўлган кимсалар билишган: шаманлар, афсунгарлар, дин коҳинлари ва хоказолар. Масалан, маросимий амалиёт билан чамбарчас ўралиб кетган шаманлар мифологиясида (Шимолий Осиё халқларининг, шу жумладан, бурятлар, олтойликлар, монголлар шаманлигида) қуйидаги тасаввурлар сақланиб қолган. Мисол учун, шаманни ноаниқ табиатли мавжудот сифатида кўриш: ярми одам, ярми эса қуш ёки буғу, айиқ, изюбр тимсолидаги мавжудот сифатида. Шунингдек, шаманнинг хайвонсифат ўхшашлари ҳақида ҳам эслатмалар мавжуд, уларнинг энг асосийсини “мать-звере”, яъни хайвонларнинг онаси деб аташади.

**Анастасия:** “Мать-звере”? Қизик, бу ном қаердан пайдо бўлган?

**Ригден:** Биринчидан, Шимолий Сибир халқлари (масалан, Тошости Тунгусска, Ўрол, Об ва Энасой дарёлари хавзалари атрофида яшовчи эвенкларнинг) мифологиясига биноан Олам аёл табиатли, дунёнинг Буюк Онаси, бутун жонзотнинг ибтидоий Онаси, Оламнинг Эгаси ва хайвонларнинг онаси кўринишида намоиш этилган. Оқ шаманлар, юқори дунёга бўлган астрал саёхатида ўз афсунгарлик кучининг тўлалигига эга бўлиш учун “Оламнинг барча дунёларининг йўллари”дан ўтишган, бироқ унинг асосий қисмини фақат *самовий хукмрон аёллардан* олишган. Шу тариха дунёнинг *Самовий Хукмрон аёли юқоридан* туриб уларни *яратувчилик кучи билан*, ёки, бизнинг тилимизда айтганда, *Аллат* кучи билан таъминлаган.

Иккинчидан, қадимда кўринмас дунё билимлари асосан аёлларга тегишли бўлган, чунки улар ўзининг табиати туфайли кўринмас дунёни нозикроқ, интуиция ёрдамида хис қилишади. Янги ҳаётнинг яратилиш, туғилиш синоати аёл, аёлий табиат билан боғлиқ. Бошқача айтганда, қадимда руҳий маънавий, муқаддас билимларни шаман эркаклар эмас, балки асосан шаман аёллар сақлаган ва келгуси авлодларга узатган. Кейинчалик онгнинг холатини ўзгартириш бўйича шаманлар амалиётига эгалик қилишда ахир айнан аёллар эркаклардан кучлироқ саналган. Олимлар аёлларнинг кўпдан-кўп қадимги қабрларини топишган. Уларга турли диний предметлар, безатилган крестлар, сирли рамзлар билан нақшланган туморлар, махсус маросимий предметлар ҳам кўмилган. Сочлари ёйилган, пешонасида “учинчи кўзи” ва муқаддас билимлар ҳақида далолат берувчи маълум белгилар тасвирланган қизларнинг кўплаб тошли расмлари ва скульптуралари маълум. Россияда топилган тўрт минг йиллик, масалан,

Сибирда Энасой, Лена, Ангара дареларининг қирғоқларидаги топилмаларни ёки қадимги, Ер юзидаги энг чуқур – Бойқол кўлининг қояларидаги пиктограммаларни олсанг бўлади.



7 расм. *Тогли Олтой петроглифлари*  
(Кош – Оғоч райони, Олтой республикаси, Россия).

Учинчидан, одамларни олий дунёлар билан боғлаган Қалб, одатда, “онаники” дейилган. Ўша Шимол халқларида, масалан, ёқутларда, хозиргача ҳам қизиқарли эслатмалар сақланиб қолган. Уларнинг аجدодларининг қадимда тахмин қилишича, одам нормал яшаши ва фикрлаши учун унда туғилганида қабул қилган қалби - кутнинг ташкилий қисмлари мавжуд бўлиши керак: она қалб (ийэ-кут), хаётий ва психик куч (сюр), ерлик қалб (буор-кут), ҳаволи қалб (салгин-кут). Одамнинг ўлимидан сўнг она қалб ва психик куч (сюр) ўз яратувчиларига қайтарилади, ерлик қалб тана билан ерга кетади, ҳаволи қалб эса ҳавода тарқалиб кетади, деб ҳисобланган. Шаманларда эса ушбу қалбларнинг ҳар бири ўзгача тарбия олади ва ўзгача амалга ошади.

**Анастасия:** Вожабо. Афсуски, жаҳоннинг кам сонли халқларининг археологик ва этнографик тадқиқотида камдан кам одамлар эътибор беради. Ахир уларда ҳам, худди бугун бутун дунё бўйлаб реклама қилинган динлар ва замонавий эътиқодлардагидек билимлар сақланиб қолган, бўлиб чиқмоқда. Сиз хозир Россия Шимолининг халқлари

тўғрисида гапириб бердингиз ва менинг қачондир шу мавзуда бажарган тадқиқот ишларимда қизиқарли маълумотларни топганим ёдимга тушди. Масалан, ёқутларда маълум хайвонларга нисбатан ўзгача муносабат бўлган. Уларнинг эъзозланиши *ўлаётган ва тирилаётган* хайвон ғояси билан боғлиқ. Сўнггиси шимолий халқларда ё муқаддас айиқ ёки китнинг тимсолида эъзозланган. Билим худоси (Билгэ Хаан) *еттинчи осмонда* яшайди, деб ҳисобланган. Ундан ташқари, ёқутларда “боланинг қалби учун ин яшаш” маросими мавжуд бўлган, яъни махсус *саккиз танали* дарахтда боланинг бўлажак Қалби учун ўзгача инни қуришган. Шаман мифологиясида дунёнинг тухумдан яратилиши мотиви мавжуд бўлган, Қалбнинг қуш сифатида тасаввури бўлган, одамнинг ўлимдан кейинги тақдири ҳақида, сиз эслатиб ўтган, одамнинг бутун хаётий йўлини белгилаган худонинг тухфаси (кут-сюр) ҳақида ва яна Сиз туфайли менга маълум бўлган кўпдан кўп Билимлар мавжуд бўлган. Ва шуниси эътиборлики, муҳим ролни улар *белгилар тизими*га берган, уларни кийимларда, безакларда афсунгарлик предметларида ўзгача нақшлар кўринишида ифодалаган. Бошқа халқлардагидек, бу нарса маҳфий билимларга тегишли бўлган. Тўртта Маҳлуқотга келсак, Сиз айтганингиздек, ёқутларда ҳам одамнинг ёрдамчи-руҳлари ҳақида тасаввурлари бўлган.

**Ригден:** Нафақат ёқутларда, балки бошқа халқларда ҳам бу ҳақда эслатмалар мавжуд. Хусусан, шаманнинг ихтиёрида ёрдамчи руҳлар бўлиб, улар ўша маросимий кўшиқ айтишларда “куч”, “кузатувчилар”, “кўшин” деб номланади. Кўпинча улар хайвонларнинг, балиқларнинг, қушларнинг ёки руҳларнинг тимсолида чиқади, улар бирор ҳаракатни амалга ошириш мақсадида бошқа дунёга саёҳат қилади: бошқа руҳлар билан битимлар тузишади, сеҳрлайди, касаллик руҳлари билан жангга киришади, башорат қилишади, излаган объектини олади ва х.к. Тўртта Маҳлуқотлар ҳақидаги билимларни рамзий схемаларда ҳам топса бўлади, масалан, шаманнинг либоси элементларида. Уларга қараб, худди харбийларнинг атрибутикасидегидек, шаманнинг “унвонини”, унинг “астрал жасоратларининг” даражасини ва хоказоларини билиб олиш мумкин.

Масалан, Ўрол тоғолди худудларида пермлик шаманларининг маросимий кийими ва “сиймочалари”нинг элементларида энг кенг тарқалган композицион схемалар – булар қушлар (Олд Маҳлуқот), яшчерлар (Орқа маҳлуқот), деярли бир табиатли иккита афсонавий мавжудотлар (ёнбош Маҳлуқотлар) ва ўртада эса шаманнинг ўзи. Шу билан яшчернинг корпусида гоҳида еттита балиқ тасвирланган бўлиб, шу жумладан, сув офати билан, ўлчовлар билан ва шунингдек, қабул қилинган ахборот ҳақидаги хотира билан алоқа таъкидланган. Эътиборлиси, яшчерда фақатгина катта ёшли, яъни ўз ўтмишига эга

бўлган одамларни турган ҳолатда тасвирлашган. Схемада шаманнинг икки ёнбошида, қоидага кўра, иккита афсонавий мавжудотларни жойлаштиришган. Бир вазиятларда Хайвоний табиатни ифодаловчи анъанавий элементларни қўллаш воситасида Ўнг ва Чап Маҳлуқотларга яққол кўрсатмалар берилмоқда – *иккиланган туёқлар (анча кейин ёнбош Маҳлуқотлар иккита хайвонлар ёки болталарни, пичоқларни, ёйларни, қуролларни ушлаган одамлар кўринишида тасвирлана бошлади)*. Бошқа ҳолатларда булар ўз вазифаларига қарама-қарши бўлган белгиланишлар эди – ўзида аёл жисмининг ва урғочи лоснинг (эъзозланган муқаддас хайвоннинг) элементларини мужассамлаштирувчи дунёнинг осмоний ҳукмдор аёлларини. Уларнинг кучи шаманни бошқа ўлчовларга, шу жумладан, олий ўлчовларга ҳам, олиб чиқишга қодир, деб ҳисобланган. Гоҳида бу тимсолларда шохлари юқорига қараган ярим ой кўринишидаги Аллат рамзини қўйишган ва шу билан шаман ўз кучини қўшимча кўпайтиради, деб тахмин қилишган. Кейинчалик, ёнбош Маҳлуқотларни ўзига, айтайлик ерлик мақсадлар учун, бўсундириш истаги туфайли, бу тушунчалар аралаштирилишни бошлади ва буни турли археологик артефактлардаги тасвирларга қараб кузатиш мумкин.



**8-расм. Перм ва Печоралик шаманларнинг қўқрак нишони.**

Одамнинг шунга ўхшаш бешта элементлари тўғрисидаги маълумотларни дунёнинг бошқа қисмларида ҳам топса бўлади. Улар турли динлар ва эътиқодларда ҳам мавжуд. Хатто вуду каби шундай синкретик динда ҳам (юнонча *synkresis* – улаш, *synkretismos* – бирлашиш; мазкур вазиятда турли динларнинг битта тизимга бирлашишини ифодалайди). Мазкур дин оммавий ахборот воситалари туфайли бир томонлама реклама қилинган, шу билан негатив кўринишда, шунинг

учун аксарият одамларда унинг вакиллари қора афсун ва сеҳргарлик билан боғлиқ деб тушунилади. Вуду дини Гаити оролида пайдо бўлган (бу орол Шимолий ва Жанубий Америкаларни бўлиб турувчи Кариб денгизда жойлашган). Унинг аҳолиси Ғарбий Африкадан қуллар сифатида келтирилган қабилаларнинг авлодлари бўлган. Шундай қилиб, Гаити оролининг яшовчиларининг муқаддас қарашларига кўра одамнинг рухий маънавий моҳиятининг архитектураси бешта ташкилий қисмлардан иборат. Булар жисмоний тана (бу Ўнг Маҳлуқот ҳақидаги билимнинг қолдиғи); шу тананинг руҳи, у Дамбалла исмли Буюк Илон томонидан туҳфа қилинган (бу Чап маҳлуқот ҳақидаги билимнинг қолдиғи); одамни осмондаги ўз юлдузи билан боғлаб турувчи ўзгача канал (бу Орқа маҳлуқот ҳақидаги билимнинг қолдиғи); уларнинг тушунишида хаётий кучни ифодаловчи “ Катта эзгу фаришта” (бу Олд маҳлуқот ҳақидаги билимнинг қолдиғи); “кичик эзгу фаришта” (Қалб, бу одамнинг Маркази ҳақидаги билимнинг қолдиғи. Шу билан одам учун энг муҳим бўлиб айнан мана шу иккита “фаришта” ҳисобланади ва диндорлар айнан улар учун қайғуради. Бу одамларга сеҳргарларнинг ҳаракатлари туфайли ўз Қалбини йўқотиш ёки тентираб юрувчи руҳ ёки сеҳргарнинг буйруқларини бажарувчи иродасиз зомбига айланиш ўлимдан ҳам кўра дахшатлироқдир. Ахир уларнинг қарашларига биноан, агарда сеҳргар “Катта эзгу фариштани асирликка олишга муваффақ бўлса, у одамнинг хаётий кучидан маҳрум қилади ва одам улади. Хаётий кучни олиб қўйишга келсак, булар Кандукнинг ҳаракати ҳақидаги қадимий билимларнинг қолдиқларидир.


Вуду динида Африка мифологияси учун анъанавий бўлган Легба каби худоларнинг персонажлари ҳам мажуд. У Шарқни ва қуёшни ифодалайди, жонлилар ва руҳлар дунёларининг ўртасида воситачи, одамлар ва руҳлар ўртасида мулоқотни амалга оширувчи нариги дунё Дарвозасининг Куриқчиси ҳисобланади. Унинг исмларидан биттаси – чорраҳаларнинг Эгаси. Дагомейлар мифологиясига биноан Легба мен аввал эслатиб ўтган худолар гуруҳининг бошлиғи Маву-Лизанинг *еттинчи* ўғли бўлган.

**Анастасия:** 72та ўлчовлар, спирал, мазкур худони (Маву-Лизани) ўз оғзида олиб юрган дагомейларнинг афсонавий Айдо-Хведо илони ҳақида сўзлаб берганингиздами?

**Ригден:** Ҳа. Афсонада эслатилишича, Мавунинг ва у бошқа оғаниларига берган ўзгача тилларини фақатгина Легба билади. Легба ўзининг *олти* ака-укасининг “подшолигида” бўлаётганнинг барчасидан Мавуни хабардор қилиб туради.

**Анастасия:** Бошқача айтганда, буларнинг ҳаммаси ўлчовларнинг ўртасида ўзаротаъсирли муносабатда бўлган ахборотли тузилмаларга, олтига ўлчовларга, кишининг олий ўлчовларни ўрганиши вақтидаги тўртта Махлуқотларнинг ишини яхлитлигига кўрсатмоқда, шундайми?


**Ригден:** Мутлақо тўғри. Мазкур диннинг у ёки бу худосини чақируви билан боғлиқ маросим бажарилганида етакчи ерда ун ёки дон ёрдамида унинг индивидуал рамзини (вевени) чизган. Шунга биноан билимлар қайд этилган рамзлар, шу жумладан тўртта Махлуқот ҳақидагилари ҳам, бизнинг кунларгача етиб келган, ваҳоланки мазкур диннинг замонавий сигинувчилари буни энди ўзгача талқин қилишмоқда.



9-расм. “Легба” рамзининг схемаси.

Афсуски бундай Билимларга бўлган муносабат аллақачон рухий маънавий урғудан истеъмолчилик муносабатига алмаштирилган. Бу нафақат мазкур динга, балки бошқаларга ҳам тегишли. Маъжозий маънода айтадиган бўлсак, одамларга қачондир рухий маънавий мукаммалашувининг чўққисига таяниб чиқиши учун ҳасса (Билимлар) берилган эди. Аммо ўз устида руҳан ишлаш, ўзини ўзгартириш – бу ўз ақлини моддий дунёнинг ёлғончи иллюзиялари билан хурсанд қилишдан кўра анча қийинроқдир. Одамнинг дангасалиги ва бекорчи ақли ўзига вақтинчалик бошпанани жизоҳлаш учун шу ҳассани ёрдамчи асбобга айлантирди ва Абдийликни “харсангтошга” алмаштиради, унинг моҳияти эса – ғубордир. Бошқача айтганда, одамлар, ўзларидан кейин келадиганларни ўйлаб ўтирмасдан, азалий Билимларни худбинларча ўз вақтинчалик эҳтиёжлари учун алмаштиришди. Шундай бўлса-да, ўз вақтида турли қитъаларда яшаган қадимги дунё халқлари орасида бу Билимлар тарқалгани боис, уларнинг қолдиқларини бугун Ернинг турли бурчакларида топиш мумкин.

Масалан, Шимолий Америка хиндуларининг навахо қабиласида “Илоҳий йўл” маросими каби русумларида майда рангли кумдан тузилган маълум муқаддас рамзий тасвирлар қўлланилади, уларни маросим тугагач, ўчиришади. Пайти келса, “Тунгги йўл” номли муқаддас ашула учун яратилувчи “Айланаётган ходалар” деб номланган кумли расмга эътибор бер.



*10-расм. “Айланаётган ходалар”  
(навахо қабиласининг муқаддас тасвири)*

Мазкур картинада сен Марказни ҳам, тўғри свастикани ҳам (Аллатнинг кенгайишга бўлган ҳаракатини), аёл ва эркак руҳларининг (йеилар) тўртта жуфтини ҳам кўрасан, уларнинг қўллари қандай ҳолатдалигига эътибор бер. Навахо халқининг эътиқодларида олий йеиларга олтига эркак ва олтига аёл худолари тегишли, жами эса анъанага кўра, уларнинг ўн тўрт турини ажратишади. Уларнинг барчаси илк Яратилиш вақтидаги воқеалар билан боғлиқ деб саналади. Ундан ташқари “Айланаётган ходалар” тасвирида тўртта Маҳлуқотнинг ҳам рамзий тасвири мавжуд, у ерда Ёнбош Маҳлуқотлар Қўриқчи-руҳлар сифатида, Орқа Маҳлуқот тўртта бир хил белгилар билан ўтмиш сифатида тасвирланган (улар вақтга – тўртинчи ўлчовга кўрсатмоқда). Олд Маҳлуқот эса олмахоннинг сумкачаси билан олий йеи кўринишида намоёиш этилган – одамларни сақловчи Гапирувчи оқ худо (оҳиста гапдон). Уни шарқ, тонг ва донлар билан боғлашган. Ва бутун тасвир бўйлаб ярим айлана кўринишида асосий аёл йеи – камалаксифат сақловчи аёл худо тасвирланган. У ўзида қолган йеиларни мужассамлаштирган ва осмоний-ерлик йўлни рамзи бўлиб хизмат қилади. Бу стилизацияланган Аллат белгисидир.

**Анастасия:** Ҳикоянгизга қараганда мажмуавий сурат экан. Демак бу ерга ҳам одам ҳақида, ҳам Олам ҳақидаги билимлар киритилган экан-да.



**Ригден:** Мутлақо тўғри. Тўртта Махлуқот ва марказда жойлашган Қалб ҳақидаги эслатмалар Осиёда, хусусан қадимги Хитой мифологиясида ҳам мавжуд. “У ди” каби жамланган тушунча бешта афсонавий персонажларни билдиради, уларнинг ҳар бири эса, ўз навбатида, ёрдамчиларига эга. Мазкур атама қадимий хитойликлар томонидан “беш офатнинг абстракт руҳлари”ни ифодалаш сифатида қўлланилган. “У ди” қадимий “Чжоу ли” (“Чжоу маросимлар китоби”) китобида эслатилади. Турли қадимги файласуф-муаллифлар “У ди” тушунчасини ўзига хос тарзда расшифровка қилишган: кимдир буни “бешта худолар” деб ёзган, кимдир – “бешта императорлар”, кимдир эса – “буюклар бешталиги” деган. Ҳар қандай вазиятда мазкур тушунча бешта йўналишлар рамзига тенглаштирилган (дунёнинг тўртта томони ва марказ).

Бу рамзлар қадимги Хитойнинг маросимий анъаналарида шунчалик муҳим эдики, уларнинг тасвирлари деярли ҳамма жойда мавжуд эди: кўкрак нишонларида ҳам, байроқларда ҳам, санъатда ҳам, архитектурада ҳам (шу жумладан қабристон барельефларида ҳам). Шу билан бирга улар у ёки бу маросим билан боғлиқ бўлган ўзгача тартибда жойлаштирилган. Масалан, “бешта йўналишларнинг” бири тасвирланган байроқларнинг ҳар бирини қўшиннинг юриши давомида маълум тартибда олиб юришган. Олдинда, Олд Махлуқотнинг рамзи сифатида, “Чжу-няо” (“қизил қуш”) тасвирланган байроқни олиб юришган – у хитойликларда дунёнинг шарафли томони ҳисобланган жанубнинг рамзидир. Орқада, Орқа Махлуқотнинг тимсоли сифатида Сюань-у (илон билан ўралган тошбақа) тасвирланган байроқни олиб юришган – у шимолнинг рамзи бўлган. Чапда, Чап Махлуқотнинг тимсоли сифатида Цин-лун (“яшил аждар”) тасвирланган байроқни олиб юришган – у шарқнинг рамзи эди. Ўнг томонда, Ўнг Махлуқотнинг тимсоли сифатида Бай-ху (“оқ йўлбарс”) тасвирланган байроқни олиб юришган – у ғарбнинг рамзи эди. Лекин билимдон одам учун мазкур йиғма тушунчаларнинг тафсишларига назар солиш кифоя эди ва у, мазкур халқнинг дунёқарашини хусусиятларини инобатга олган ҳолда, аслида гап нима ҳақида кетаётганини тушуниб оларди.

**Анастасия:** Дарҳақиқат, мазкур анъаналарни ўрнатганлар кўринмас дунё тўғрисида кўпроқ нарсаларни билгани яққолдир. Тушунчалар ҳам жуда таниш...”У ди” тушунчаси дунёнинг тўрт томони, бешта худолар рамзига тенглаштирилган деган эдингиз. Мана шу тўрт томоннинг, тўртта худонинг маркази, бешинчи хукмрон – мабодо Хуан-ди (“сарик хукмдор”) эмасми?

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Хуан-ди ёки Хань-шу-ню (“ўзакни ютиб юборган”) Мазкур руҳнинг тимсоли – бу марказнинг рамзи бўлмиш бир шохли цилинь.

**Анастасия:** Моҳияти бўйича, бу Қалбнинг белгиланишининг прототиби – одамнинг кўринмас тузулмасининг маркази ва унинг Олд Махлуқот билан боғлиқлигига кўрсатма (унинг рамзи яккашох).

**Ригден:** Кел, мазкур персонажларнинг тафсифларини кўриб чиқамиз. Хуан-ди нафақат “сарик ҳукмдор” балки “ярқираган (нур таратган) подшо” дегани ҳам. Ушбу марказнинг рамзи аслида олий осмоний худо хисобланган. Уни тўртта кўзли, тўртта юзли қилиб тасвирлашган. Мазкур анъана қадимги хитойлик шаманлардан бошланган, улар муқаддас маросимлар пайтида мутаносиб тўртта кўзли ниқобни қийишган. Нима учун айнан тўртта кўзли рамз тасвирланган? Биринчидан, бу тўртта Махлуқотнинг шартли белгиланиши билан боғлиқ. Иккинчидан эса, маълум медитатив техникаларни бажараётган киши кўринувчи ва кўринмас дунёнинг ўзига хос умумқамраб олувчи кўриш: бир вақтнинг ўзида атрофидаги ходисаларни, гоҳида эса, бошқа ўлчовларда ҳам кўриш ҳолатига эга бўлади. Бундай имкониятлар одатий кўришда уч ўлчамли ўлчовда эришиб бўлмасдир. Аммо одам онгининг ҳолатини ўзгартирса, унинг ички кўриши учун тўсиқлар ўчирилади.

**Анастасия:** Ҳа, бундай кўриш таасуротлидир, айниқса кўринмас дунёни бундай “ҳамма томонни қамраб олувчи ракурсдан “ўрганишни энди бошлаганингда. Йигирма йил аввал, йигит-қизлар билан биргаликда ушбу амалиётларни энди ўрганаётганимизда, мени мана шу илк тажрибам қанчалик гангитиб қўйгани эсимда. Жараёнларни кузатиш ва мутлақо одатланилмаган шундай ички “кўриш” идрокини бошдан кечириш етарлича ноодатий эди. Аммо бирор объектнинг ташқи ва ички тузулмаси, шунингдек унинг бошқа объект билан тегишиш ахбороти ҳақида ҳар томонлама қамраб олинган тасаввурга эга бўлиш имконияти янада кўпроқ хайратлантирарди...Дарвоқе, Хуан-ди персонажини илк бор қаердан таниганимни менга ҳозир ёдимга солдингиз. Қачондир, одам тўғри фикрлашни ўрганиши кераклигини гапиратиб, қадимий тиббий “Хуан-ди нэй цзин” трактатини эслатган эдингиз...

**Ригден:** Шундай...Хитой анъанаси фан сифатидаги тиббиётни ва даволашни айнан Хуан-ди исми билан боғлайди. Ўша трактатнинг ўзи ҳам “Хуан-дининг ичкаридаги ҳақида китоби” деб таржима қилинади. Барча ташқи, жисмоний нарсалар ичкаридагидан туғилади. Дарвоқе, афсоналарга биноан, Хуан-дининг Цан-цзе исмли сафдоши (бошқа

фикрларга кўра Фу-си) иероглиф ёзувини, яъни белгилар ёрдамидаги муқаддас ёзувларни кашф қилди. Айтиш жоиз, мазкур маданият қаҳрамони ҳам қадимий нақшларда алоҳида зийраклик рамзи сифатида тўртта кўзли холда тасвирланган. Афсонага биноан, у қушлар ва хайвонларнинг изларининг чуқур маъносини аниқлагани учун белгиларни тузишга муваффақ бўлган. Энди эса шаманлар одамнинг Маҳлуқотларини одатда “қушлар ва хайвонлар” кўринишида тасвирлаганини эсла ва бу маълумотни белгилар ҳақидаги билимларинг билан таққосла. Белгиларнинг сирлари тўғрисида сал кейинроқ суҳбатлашамиз. Ҳозир эса ўқувчиларимиз учун айтмоқчиманки, ҳар бир рамз – бу етарлича кенг ахборот ташувчисидир. Ундан ташқари, маълум таъсирга эга ўзгача белгилар мавжуд, бироқ, жамиятда бу белгилар сероб бўлганига қарамасдан, уларни замонавий одамларнинг аксарияти фаҳмламайди ҳам. Белгиларнинг роли нафақат олтига ўлчов дунёсида улкан. Уларни маълум ҳаракатларни ишга тушириш механизми билан солиштирса бўлади...

**Анастасия:** Ҳа, хатто менинг амалий медитатив тажрибамни инобатга олсак ҳам – бу бахслашиб бўлмас фактдир.

**Ригден:** Аммо қадимги хитойликларнинг тасавуридаги тўртта Маҳлуқотнинг, ва шунингдек муқаддас марказнинг рамзларини янада батафсил кўриб чиқишимизга қайтсак. Шундай қилиб, марказнинг рамзи уларда яккашоҳ (цилин) бўлган. Таърифларда уни “ажойиб хайвон” деб номлашади, у ерда юраётганида ўт поясини ҳам синдирмас, хашаротни ҳам эзиб юбормас, у учиши ва хатто сувда ерда юргандек юриши мумкин, инсонпарвар ва одамийлик тимсоли, бирлашув рамзидир. Дарвоқе, қадимий матнларда яккашоҳ кийиклар билан биргаликда, аниқроғи, уларнинг ўзига хос йўлбошчиси сифатида эслатилган. Булар бошқа халқларнинг шаман афсоналарида мавжуд бўлган осмоний кийиклар ҳақидаги афсоналарнинг қолдиқларидир. Нақлларда ушбу афсонавий мавжудотнинг хилма-хил таърифлари мавжуд, уларда унинг жисмининг турли қисмлари ҳар хил хайвонларнинг таналарининг қисмларига ўхшайди. Лекин буларнинг барчаси мазкур марказ киритилган асосий тўртта Маҳлуқотлар тузулмасига кўрсатувчи тафсифдир. Масалан, унинг бўйни худди бўриники каби, думи буканикидек, туёқлари отникидек. Бўри – бу Чап Маҳлуқотнинг, буқа – Ўнг Маҳлуқотнинг одатий белгиланишлари. От афсонавий тасавурларда кўпинча вақт ичида ва вақтдан ташқари ҳаракат билан, ўлчовлар, дунёлар ўзра ҳаракат билан, бирор илоҳий чавандозни ёки маданий қаҳрамонни олиб юрувчи мавжудот билан боғланган. Бу ерда “отнинг туёқлари” рамзий маънода нафақат Орқа Маҳлуқотнинг вазифаларига, балки Ёнбош Маҳлуқотларга (Хайвоний табиатга ) ҳам кўрсатган, улар эса мутаносиб назорат ва ишнинг

режимини ўзгартирилишида бошқа ўлчовлар ва дунёлар билан алоқа боғлаган фаол ёрдамчилар ролини бажарган. Цилинь инь ва янь кучларининг бирлашуви деб ҳисобланган ци – эркак табиати, линь – аёлий табиат). Даосс афсоналарида эслатилишича, оқ яккашоҳларни ўлмаслар миниб юради. Буларнинг барчаси Билимларнинг мажозий таққосланишларидир, булар афсоналар ортидан яширинган, хусусан, одамнинг кўринмас тузилиши, унинг руҳий маънавий ташкилий қисми, кўринмас дунёни ўрганишдаги унинг реал имкониятлари ҳақидаги билимлардир.

Ундан кейин, қадимий Хитойда Олд Маҳлуқотнинг яширин рамзи бўлиб жанубнинг хукмдори Чи-ди бўлган, “қизил қуш” маъносини билдирувчи Чжу-няо (Чжуцяо) унинг тимсоли ҳисобланади. Уни Ғарбда Феникс деб номланувчи Хитойнинг мўжизали малика-қуши Фэнхуан билан таққослашган. Аждарга қарама-қарши тарзда ушбу мўжизакор қуш аёлий табиатнинг тимсоли бўлган. У осмоний хукмдорнинг элчиси ҳисобланган, шамол худоси билан ифодаланган, табиатнинг соляр (қуёшли) рамзи билан боғланган, инсонийлик тимсоли бўлган. Афсонага кўра у “мукамал инсонларнинг шарқий подшолигида “яшайди. Унинг пайдо бўлиши тинчлик, раванқ белгиси эди. Афсоналарга биноан ушбу қушда ўлмаслар учади. Ва яна бир бор, Олд Маҳлуқотнинг тафсифини ва унинг кўринмас дунё билан ўзаро боғлиқлигини билар экансан, мазкур рамз ҳақидаги афсона нима учун айнан шундай ракурсда таърифланганини тушунасан.

Орқа Маҳлуқотнинг яширин рамзи шимолнинг хукмдори Хэй-ди (“қора хукмдор”) бўлган, яъни Се-гуан-цзи исмли руҳ, унинг маъноси “уйғунлик ва ёруғлик *ёзуви*”. Энди эса Орқа Маҳлуқотнинг вазифаларини эсла: у *ахборот сақловчисидир*, “тунеллаштириш” учун маъсул. Шимолнинг хукмдори сув офати билан боғлиқ эди. Қизиғи, Хэй-ди руҳининг тимсоли бўлиб илон билан ўралган тошбақа (Сюань-у) ҳисобланган. Бу рамз таъқиқланди.

Умуман олганда, шуни таъкидлашимиз керакки, тошбақа ҳам, илон каби, хитой мифологиясида алоҳида ўрин эгаллайди. У Олам ва Ер (моддий дунё сифатида) ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ. Тошбақа бутун Оламнинг тимсоли ҳисобланади. Тошбақанинг гумбазли устки косаси маъжозий тарзда дунё яратилишининг қадимги хитой рамзи – юмалоқ осмон билан, ясси пастки қолқони эса (пластрон) – текис квадрат ер билан боғланади. Бошқача айтганда, доира (руҳий, осмоний дунё) ва квадрат (ерлик, моддий дунё) маросимий белгилар билан, уларни қадимгилар мазкур ўхшатиш тимсоли пайдо бўлишидан олдин билишган. “Сюань-у” хитой тилидан таржима қилинганида “қоронғу жанговарлик” маъносини билдириши бежизга эмас. Гап шундаки,

тошбақанинг устки косаси (осмоний дунё), унинг пастки текис қолқони каби (ерлик дунё), зирҳга ўхшатишган (“у” – жанговарлик, сюань ранги эса қизил тусли қора рангдир. Охиргиси кўринмас дунёга ўхшатиш сифатида хизмат қилган. Моҳият бўйича, илон билан тошбақанинг қадимий рамзи кўринмас дунёдаги Аллатнинг осмоний кучлари билан (тошбақанинг қавариқ устки косаси карапакс) Хайвоний ақл кўринишидаги моддий дунё кучлари (пастки текис қолқони – пластрон) ўртасидаги жангни ифодалаган. Буларнинг барчаси спиралсимон тузулмага эга бўлган (тошбақани ўраб турган илоннинг ҳалқалари) ягона Оламда содир бўлган. Кейинчалик хитой мифологиясида Сюань-у – “Қора аскар” исмли, шунга мувофиқ нишонга эга бўлган персонаж пайдо бўлиши бежизга эмас. Кўпинча уни гўзал юзли, елкаларига тушиб турувчи сочларга эга, ва нефрит тоши билан безалган камар билан боғланган қора халатда тасвирлашган. У қўлида қилич тутган ялангоёқ холда илон билан ўралган тошбақанинг устида турган. Бу тимсолнинг хар бир элементи у ёки бу маълум рухий маънавий билимнинг тимсоли бўлиб хизмат қилган. Айнан охиргисини – рухий маънавий Билимлар ва Рухий дунёнинг Иродасига хизмат қилишни ҳақиқий жанговарлик билан ифодалашган. Халқ анъанасида ушбу Аскар тимсолини ёвуз руҳларни хайдовчи худо деб эъзозлашган.

**Анастасия:** Бугун одамлар “ҳақиқий жанговарлик” сўзининг асл маъносини тушунмайди. Ахир одам учун ҳақиқий жанговарлик – бу ҳеч ҳам унинг кўринувчи дунёдаги тажовузкорлигининг ёки жаҳлининг намоён бўлиши эмас, асло. Ҳақиқий жанговарлик – бу Аскарнинг ўз Хайвоний табиати ёки Хайвоний ақл билан курашидаги рухий матонатидир, бу кўринмас дунёдаги, афсоналарда айтилганидек, Ёруғлик ва Қоронғулик ўртасидаги курашнинг таърифидир.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Жангда мукаммалашмаган аскар яхши аскар эмас...Шундай қилиб, мавзуга қайтсак. Хитой мифологиясида Ўнг Маҳлуқотнинг яширин рамзи бўлиб Ғарбнинг хукмдори Бай-ди ( “оқ хукмдор”), яъни маъноси “чақирувчи ва итарувчи” бўлган Чжао-цзюй исмли руҳ чиқади. Бу руҳнинг тимсоли Бай-ху (“оқ йўлбарс”) хисобланади – у хар хил ажиналарни кўрқитади, Ғарбнинг хукмдори саналади. Дарвоқе, (Ўнг Маҳлуқотнинг яширин рамзи бўлмиш) оқ тигрни ва ( Чап Маҳлуқотнинг яширин рамзи бўлмиш) яшил аждархони Хитойда даослар ибодатхоналари дарвозаларида Қўриқчилар сифатида тасвирлашган. Ўнг ва Чап Маҳлуқотларнинг Хайвоний табиатдан келиб чиққан фикрлар ва эмоцияларнинг фаоллаштирувчи ролини инобатга олсак, уларнинг Қўриқчилик вазифалари ва улар қўриқлаган “эшик” муқаддас маънога эга бўлган. Охиргисининг маъноси шунда-ки, шу иккита Қўриқчини енгибгина одам рухий дунёга кириши мумкин.

Ва, ниҳоят, Чап Маҳлуқотнинг яширин рамзи бўлиб шарқнинг хукмдори Цан-ди (“яшил хукмдор”), яъни Лин-вэй-ян исмли руҳ бўлган (“мўжизакор, кудратли, юқорига қараётган”). Бу руҳнинг тимсоли эса Цин-лун (“яшил аждар”) бўлган. Яшил аждарнинг қолган дунёнинг уч томони рамзлари билан биргаликдаги тасвирлари кўплаб қабр барельефларида, мақбаралар деворларида мавжуд. Қизиги, илтижо характериға ва ҳайрихоҳлик маъносига эға бўлган халқ расмларида яшил аждарни бойлик худосининг ёрдамчиси сифатида учратиш мумкин. Шу билан, аждарни бойликларни сочаётган ва ўзига хос тўкин – сочинлик шоҳини (ўзгача, “бойликларни йиғувчи ваза”ни) олов пуркаётган ажойиб марваридлар, кумуш, олтин, маржонлар билан тўлдираётган холда тасвирлашган. Ё аждарни ёки йўлбарсни минган бойлик худосини айниқса савдогарлар эъзозлаган. Хитойнинг бойлик худосининг халқ расмлардаги доимий атрибути, қоидаға кўра, пул билан боғлиқ аждар бўлган. Мана яна, агарда шу маълумотни барчасини Чап Маҳлуқотнинг таърифи билан солиштирсак (аййёрлик, кибр, ёлғончилик, маҳфий хокимият истаги), мазкур афсонанинг умуман бошқа туб моҳияти намоён бўлади.

Қайд этиш керак, Қадимий Хитойда яшил аждар жуда машхур ва, кенг пиар (бугун шундай дейишган бўларди) қилинган персонаж бўлган. Одамларға у бахорнинг, ўзгаришларнинг, Шарқнинг рамзи сифатида танилган. Аммо бу энди тушунчаларнинг алмаштирилишидир, аввалари қабилаларда оммалашган, қадимийроқ ва мифологияда аҳамиятлироқ бўлган кушнинг (кейинчалик эса одамнинг юзининг) ва илоннинг бирлаштирилган рамзи билан ассоциатив қўшилиши. Қадимий хитой мифологиясида бундай тимсол, мисол учун, Ибтидоий Она *Нюиванинг* архаик аёл худосида кўрсатилган (Нюйва: худди сув каби бошқа дунёға юмшоқ сирпанувчи аёл: ерлик ва осмоний дунёлар билан боғланган). Афсоналарда уни барча нарсаларни ва одамларни яратувчиси деб аташган. Шу билан, афсоналарға биноан, дастлаб у ўзининг сувдаги аксига қараб, *қиз болани яратди*, кейин эса кўплаб бошқа ўлишға қодирларни – эркакларни ва аёлларни. Оҳиргиларини бирлаштириб, ўз наслини мустақил давом эттиришға мажбурлади ва уларға болалар тарбияси бўйича мажбуриятларни юклади. Жанубий-шарқий Хитой космогониясида унга асосий, яратувчи худо роли ажратилган эди. У ғайритабиий қобилиятларға эға бўлиб, бир кун давомида 70 маротаба ўзгариши мумкин, деб хисобланган. Булар 72-та ўлчовлар, худонинг 72 чи ва 1чи ўлчовлардан туриб яратиши ва бу ўзгаришлар қолган 70 та ўлчовларға таъсир этиши ҳақидаги Билимларнинг қолдиқлари. Уни (ёвузлик ва ажиналар тимсоли бўлган) қора аждар устида қозонилган ғалаба билан, ернинг тўртта четлари

бузилишига олиб келган ҳалокат оқибатида бузилган коинот мувозанатини тиклаш билан боғлашган.

Унданда кўпроғи, айнан манна шу бунёдкор аёл табиатига кўк-яшил ранг хос эди. Турли халқларнинг мифологиясида у сув офатини ва аёлий коинот табиатини ифодалаган. Бу ўзгача ранг, у рухий амалиётларда эришилган маълум ютуқларга кўрсатади. У ҳақида сал кейинроқ батафсилроқ гапириб бераман. Хозир эса шуни таъкидламоқчиманки, хитойликларнинг анъанавий тасаввурида ранглар спектрининг яшил-кўк участкаси яхлит бўлиб, “кўк” ва “яшил” маъноларини бирлаштирувчи иероглиф билан белгиланади.

Ибтидоий Она Нюй-ва кўпинча ўзига ўхшаш, одам жисми ва оёқлари ўрнига илоннинг думига эга бўлган Фу-си (Фуси) мавжудоти билан жуфтликда тасвирланар эди. Шу билан уларнинг таналари ўралиб турган эди. Муқаддас билимларга эга бўлмаган одамлар бундай ўралишни эр-хотиннинг яқинлиги деб талқин қилишган. Аслида эса кўп холларда, айниқса шунга ўхшаш илохий персонажларнинг қадимий тасвирларида дунё ҳақида, олий рухий ҳолатга эриш учун одамлар қўллаган медитатив асбоблар ҳақидаги Билимларни узатилиши аниқ кузатилмоқда. Уларнинг рамзий белгиланиши кўпинча доира ва квадрат билан боғлиқ бўлган.



*11-расм. Қадимги хитой мифологиясига биноан дунёнинг ва одамнинг ибтидоий ота-онаси Нюй-ва ва Фу-си (шоидаги тасвир; эрамиздан авв. VII аср .Турфан. Синьцзян провинцияси.*

*Артефакт олимлар томонидан 1928 йилда топилган).*

*Расмда ибтидоий Она Нюй-ва ва маданий қаҳрамон Фу-си. Уларнинг таналари спиралсимон тарзда уч ярим айлана бўлиб ўралган. Мазкур расм контекстида ушбу рамзда Оламнинг спиралсимон тузулмаси ҳақида ҳам, одамнинг мукаммаликка эришиши босқичларидан бирини – руҳий ойдинлашув ҳолатига эришиши (умуртқанинг асосида уч ярим айлана бўлиб ётган “Кундалини илони”нинг ўйғониши ва “Минг япроқли” чакранигача кўтарилиши) ҳақидаги билимлар ҳам акс эттирилган. Нюй-ва ва Фу-си атрофида Оламнинг 72-та ўлчовини белгилаш сифатида шакли ва ўлчамлари бўйича хилма-хил бўлган 72 та “ҳаво нуфакчалари” тасвирланган. Хусусан, бу етмиш битта кичик “нуфакчалар” ва битта (72-чи), “илонларнинг думлари” орасида жойлашган энг катта ва ички тузилиши бўйича энг мураккаб бўлган “нуфакча” билан намоиши қилинган. “Ибтидоий ота-онанинг” юзлари орасида тўртта ўлчов жойлашган, бу одам учун асосий тўртта ўлчовлар (ўч ўлчамли ўлчов ва вақт, бу ерда Шахс тугилиб, яшайди ва танловини амалга оширади), шунингдек бошқа ўлчовлар билан боглиқ бўлган одамнинг тўртта Маҳлуқотлари. Худоларнинг бошлари устида доира жойлашган, унда тирноқлари билан қушнинг панжаси бор, у умуман бошқача муҳит билан – осмоний (руҳий) дунё билан алоқага кўрсатмоқда.*

Цивилизациянинг асосчиси, афсона бўйича Нюй-ванинг акаси, кейинчалик эса эри хисобланган маданий қаҳрамон Фу-си ҳам илон ва қушнинг чизиқларини бирлаштирган. Гарчи аввал, қабилалар эпосининг қаҳрамони бўлганида, у айнан қуш кўринишида тасвирланган ва Шарқнинг худоси сифатида эъзозланган. Дарвоқе, унинг исми “қурбонлик хайвонларига пистирма уюштирган” деган маънони билдиради. Айтиб ўтганимдек, Фу-си ҳақида иероглифик ёзувнинг (белгилар ёрдамида ёзишнинг) илк асосчиси сифатида эслатилган. Ва анча вақтдан сўнг “аждарсифат” деб аташни ва афсоналарда лун аждари ва “аждарий асослар” билан боғлашни бошладилар.

Яна бир қизиқарли лаҳза мавжуд. Қадимги хитой мифологиясига турли коинот афсоналари хос бўлган, шу жумладан илоҳий аёлий табиатга (Аллат кучларига) биноан тартибланган дунёнинг яратилиши ҳақида ҳам. Аммо бугунги куннинг урғуси қанақа? Замонавий дунё шуни биладики, хитой мифологияси ва фалсафасининг асосида “Инь-Янь” принципи ётади, яъни, дунёнинг “бир томондан мавжудликнинг уйғунлигини кўзғатувчи, иккинчи томондан эса тикловчи” иккита табиатларнинг кураши сифатидаги яратилиши ҳақидаги афсонаси. Бугунги файласуфларнинг айтишидек – “муқобил оқимларнинг динамик мувозанати принципи”. Бошқача айтганда, замонавий дунёда янги авлодларнинг дунёнинг руҳий кучлар томонидан тузилишининг



бошланиши, уни илоҳий аёлий табиат томонидан тартибланиши ҳақида кўрсатилган мифологиядан хабарлари йўқ. “Асос солувчи” хитой мифологияси бирданига дунёнинг икки табиатлилиги ҳақида, иккита қарама-қарши табиатнинг яхлитлиги ва кураши ҳақидаги ғояни таъкидлашдан, яъни моддий дунёнинг намоён бўлиш, Хайвоний ақл кучларининг ва уларнинг яратувчи илоҳий табиат билан “кураши” босқичидан бошланади. Савол, нима учун бутун жаҳонда айнан шу афсона ташвиқот қилинган ва айнан мазкур устувор принцип таъкидланмоқда? Ўйлайманки, таянч билимларга эга бўлган ақлли кишиларга ушбу саволга жавоб топиш қийин бўлмайди.

Шундай қилиб, мифологияда Цинь-лун аждарнинг дунёда пайдо бўлиши айнан бахтли нишона деб узатилар эди, бундан бошқача эмас. Яшил аждарнинг тасвирлари *хайрли* маънога эга бўлувчи ва битмас-туганмас *ерлик бойликларни* олиб келувчи сифатида оммалашар эди. Гоҳида харбий юришларда унинг тасвири жойлашган байроқни кўшиннинг олдида, оқ йўлбарс эмблемаси тасвирланган байроқни эса кўшиннинг ортида олиб юришган. Аммо мазкур ташвиқотнинг илдизлари кузатилса, улар қадимий оккультизмга оид “Яшил аждар” номли маҳфий жамиятга бориб тақалади. У Хитойда қадимдан мавжуд ва бутун жаҳон бўйлаб ўзининг маҳфий, унчалик яхши бўлмаган ишларини олиб боради.

**Анастасия:** Ҳа, мен мазкур жамият ҳақида “Сэнсэй-IV” китобида эслатган эдим. Унда камдан-кам одамларга маълум бўлган Иккинчи Жаҳон урушини келтириб чиқарган воқеалар ва фактларни баён қилганман. Сиз ўшанда аниқ қайд этдингиз, билганларга барчаси кўз ўнгида туради.

**Ригден:** Сўзсиз, шундай. Дарвоқе, харбий юришлар борасида. Омма орасида тажовузкорликни фаоллаштирувчи махсус рамзларни, белгиларни бу ҳақда хабардор бўлган сиёсатчилар (хукмдорлар) ва қоҳинлар қадим замонлардан харбий юришларида ишлатган, уларни байроқларида ва қолқонларида тасвирлаган. Ва нафақат Хитойда шундай эди, балки бошқа давлатларда ҳам. Масалан, Ассирия подшолигини олсак, уни бугунги тарихчилар қонга ва босқинчиликларга асоланган илк машхур *жаҳон* давлати, деб аташади.

**Анастасия:** Ҳм -ҳа, афсуски тарихни бизда Архонтларнинг мафкурасига мувофиқ ёзишади: инсониятнинг маънавий ютуқларига асосланиб қурилган жаҳоннинг илк ҳамжамиятларига эмас, балки тажовузкорликка ва бегона ерларни забт этишга асосланган илк ҳамжамиятларга урғу берилмоқда.


**Ригден:** Ха, энди, вазиятни ўзгартириш одмларнинг ўзларини қўллариди...Шундай қилиб, ассирияликлар қўшинларининг жанговар белгилари қанақа бўлган? Асосан бу доира, унинг ичида қияли крест ва вертикал чизиқ бор, икки ёнбошида эса хайвонлар ёки ёнбош томонларнинг бирига ўқини йўналтирган камончи тасвирланган. Бошқача айтганда, ёнбош *Маҳлуқотларни* фаоллашувига кўрсатувчи рамзлар ва белгилар!



1



2



3



4

*12-расм. Ёнбош Маҳлуқотларнинг фаоллашувига кўрсатувчи рамзларнинг намуналари:*

*1)2)3) – ассирия қўшинининг жанговар нишонлари;  
4) Буюк Константин монограммаси (римдаги катакомбаларда топилган IVасрнинг мраммар саркофагидаги барельефнинг қисми).*

**Анастасия:** Ассирия жанговар нишонлари? Тўғри! Ахир Сизнинг Буюк

Константиннинг монограммаси (лабарума) – халдей космологияси рамзи ҳақида эслатганингизда, мен бу ҳақда ўқиган эдим-ку. Лабарумани охирги римлик императорлар Рим империясининг Ғарб ва Шарқ қисм (Византия)га бўлинишидан аввал харбий байроқ сифатида ишлатишган. Ўша пайтдаёқ ушбу барча штандартлар ва байроқлар кўшинларни бошқарувини енгиллаштириш учун қўлланилган. Ассирия подшолиги ҳақида гапирадиган бўлсак, у холда барчаси тушунарлидир. Халдейликлардан иборат бўлган коҳинлар доираси Вавилониядан эди, маълум даврда у Ассириянинг таркибига кирар эди, ва ассирияликларнинг ўзлари ҳам вавилонликларнинг динига ўхшаш динга эътиқод қилган...

Ҳа, одамлар яққол нарсаларни кўрмаётганлиги хайратланарли. Ахир буюк Константин хукмронлиги даврида ҳам, ундан кейин ҳам, урушлар пайтида азалдан ишлатилиб келаётган мазкур тажовузкорлик белгисини (Буюк Константин монограммасини), ҳамма жойларда динда ишлатишни бошладилар. Ҳозирги кунда у жаҳоннинг кўплаб шаҳарларида қўйилган, уни кўлаб одамлар кўрмоқда. Ахир бу эълон қилмасдан уруш олиб бориш-ку! Дунёнинг ўша вақтдаги нуфузли давлатининг янги динининг рамзи сифатида Константинга ушбу белгини тикиштирганлар у ҳақда кўпроқ нарса билганлиги аниқ.

**Ригден:** Афсуски, шундай. У ёки бу эътиқодни ўзиники деб билган ва тегишли диний муассасага кирган кўпчилик одамлар, атрофида қанақа белгилар ва рамзлар ва қандай мақсадда ўрнатилганлигини деярли пайқамайди. Бироқ белгиларнинг ишини одам ўзининг ҳолатидан сезиши аниқдир. Одамга ҳеч ким бу белгиларнинг аслида нимага атаб қўйилганини очиб бермаганлигини инобатга олсак, одам ўзининг бундай “тажовузкор” руҳий ҳолатини таҳлил қилишга уринмайди ҳам. У бундай ҳолатни табиий деб ҳисоблайди, чунки бундай муассасаларга кирганида, бу ҳолатни кўп маротаба ҳис этган.

Лекин эътибор билан қараса, бунақа жойларда турли белгиларни кўриши мумкин. Бу белгилар одамда Малакий табиатини, Худога интилишини ҳам, ғайриихтиёрий кўркувларни ўйғотиш орқали Хайвоний табиатини ҳам фаоллаштиради. Кўп ҳолатларда диний-ибодат муассасаларда руҳиятга салбий таъсир этувчи белгилар одамнинг Малакий табиатини ривожланишини ва мустаҳкамланишини рағбатлантирувчи белгилардан кўра анча кўпроқ. Нима учун? Барча гап мақсад ва вазифалардандир, яъни у ёки бу диннинг манипулятив технологияларида – ўтмишдан қолган ва асрлар давомида ишлов берилган динларнинг мерос бўлиб қолган амалиётида.

Бундай технологияларда биринчи қоида – бу ташриф буюраётган одамнинг онг остига таъсир этиш учун унинг руҳиятини билдирмаган

холда шундай тайёрлаш-ки, натижада у манипуляторнинг яширинган буйруқларини сўзсиз бажариши ва шу билан, буларни ўз ихтиёри ва истагига асосланиб қилмоқдаман, деб ҳисоблашидир.

**Анастасия:** Белгилар эса – айнан ўша таъсир этувчи асбобдир, у ҳар қандай одамни ғайритабиий онгига бетўхтов таъсир этади.


**Ригден:** Жуда тўғри. Бу ҳақдаги билимлар одамларда қадимдан бўлган, палеолит даврининг расмлари ва белгиларига назар ташлаш кифоя. Афсуски, бугунги кунда ушбу маълумотга узоқ даврлардагидек одамларнинг аксарияти эмас, балки жаҳон халқларини бошқариш чўққисида турганлар эгадир. Аммо вазиятни тузатиш мумкин, бунга аксариятнинг истаги бўлса, бўлди. Шундай қилиб, индивиднинг руҳияти ғайриихтиёрий онг орқали белгиларнинг таъсирини аниқ қабул қилади, чунки руҳиятнинг тузулмаси онгсизликка асосланган. Мазкур вазиятда онг бўйсунувчи функцияга эга. Белгилар эса индивиднинг руҳиятининг, айтайлик, архетипик қисмига таъсир этади. Уларнинг таъсири индивиднинг онгсиз равишда уқтирилишга мойиллигига асосланган.


Бундай диний муассасаларда аксарият холда салбий белгилар мавжуд бўлганида, нима содир бўлади? Одам бундай жойларга, қоидага кўра, ички талабига биноан ташриф буюради (турли миллатларга хос бўлган оммавий диний байрамларни ёки воқеаларни ҳисобга олмаган холда, унда одамлар анъанага мувофиқ равишда ёки “компания” учун ўзларининг қариндошлари ва танишлари билан биргаликда ибодатхоналарга боради). Бошқача айтганда, бу вазиятда руҳий кўтарилиш рўй беради, лекин Шахс нима бўлаётганини англай олмайди. Табиийки, бундай эҳтиёж одамни интуитив тарзда ўз ички саволларига жавоб олиши мумкин бўлган жойга етаклайди. Шунинг учун бундай муассасаларга келар экан, одам диалогга очиқ бўлади, диний хизматчиларга нисбатан унда маълум даражада ишонч мавжуд бўлади.

Агарда одам аксариятни ижобий белгилар ташкил этган ибодат муассасасига келганида эди, бу уни янада илхомлантирган, Худога бўлган Муҳаббат, миннатдолик туйғуларини кўпайтирган, довураклик, онгнинг кенгайтирилган ҳолатини, дунёни яхлитлигича идрок этишини туғдирган бўлар эди. Фарқини тушунаёпсанми? Одам фанатизмни эмас, тўданинг ўз танасини қутқариш ва унда абадий яшашнинг улкан истаги томонидан туғдирилган оммавий жазаванинг “аллилуйя” қичқириқлари билан кўшилган жўшқин эмоцияларни эмас (дарвоқе, Хайвоний табиатининг бундай эмоцияларидан сўнг ёлғиз қолган одам одатда бўшаб қолганлигини ҳис қилади), балки англашни, руҳий

кучларнинг кўпайишини берувчи, жасадни эмас, Қалбни кутқариш учун яратиш истагини юқтирувчи чуқурликдаги ички туйғуларнинг ўйғонишини айнан тўлалигича хис этган бўлар эди. Мана сенга жамиятнинг ривожланишида ҳақиқатан ҳам руҳий маънавий ориентир бўлганида, ҳозир қандай бўлиши кераклигининг мисоли. Бироқ, аҳамият бер, жаҳонда барчаси аксинча рўй бермоқда. Нима учун? Чунки оммани бошқариш институти сифатидаги ҳар қандай диннинг ташкил этилишининг асоси – бу одам ҳақида “маънавий қайғуриш” ни ниқоб қилиб олган ҳокимият ва манипуляциядир. Шунинг учун ҳам бугун аксарият ҳолатларда бундай диний-ибодат муассасаларида салбий ишчи белгилар ижобийларга нисбатан анча кўпроқ.

Диний муассасаларда асосан салбий белгилар ўрнатилар экан, улар одамнинг руҳий кўтарилишини, маъжозий маънода, призмадан ўтказгандек, ғайриихтиёрий кўрқувларни, моддий истакларни уйғотиш ўзанига ўтказиб, шу билан у ёки бу Ёнбош ва Орқа Маҳлуқотларни фаоллаштиради. Бу белгилар руҳият мувозанатининг бузилишини, онгнинг торайишини яратиб индивидда кўрқувни, чиқиш йўли йўқлиги ҳолатини ва кулик хулқини туғдиради. Бундай ҳолатда ҳар қандай маълумотни у ишониб қабул қилади. Озгина ижобий белгиларнинг ҳам мавжудлиги эса одамда келажакка умидни ва яшаш истагини рағбатлантиради. Қоидага кўра, диний муассасаларда бу ҳол белгиларнинг шундай уйғунлашувининг стандарт формуласидир. У одамни у ёки бу диннинг хизматчилари томонидан кейинги вербал уқтирилишига тайёрлайди.





*13- расм. Турли диний муассасалар интерьер ва экстерьер нақшларида свастикалар рамзлари (тўғри ва тескари).*

Бундай махфий белгилар ёрдамида бирламчи ишлов бериш ундан кейинги сўзлар билан уқтиришни кучайтиради, натижада, бу ерга келаётган, шу жумладан, ёши катта, олий маълумотли, илмий даражаларга эга бўлган ақлли одамлар ҳам болалардек ишонувчан бўлиб қолишади. Улар диний кийимдаги одамларнинг хар қандай гапларини эшитишга ва қабул қилишга тайёр ва, қайси уқтиришлар Хайвоний ақлдан келмоқда, қайсилари эса ҳақиқатдан руҳий ўсишни берувчи уруғлар экан, деб хатто мағзини чақиб ҳам ўтирмайди.

**Анастасия:** Ҳа, бундай “ночор” ҳолатда, “чўкаётган одам” васвасида одам унга узатилган хар қандай сомончага ҳам ёпишади...Демак, аввал индивид кўрқув ҳолатига келтирилади, кейин эса манипулятор бу кўрқувдан халос бўлиш усулини кўрсатади, албатта, ўзи учун фойдалисини.


**Ригден:** Ҳа. Буни қуйидаги ҳолат билан солиштирадик бўлади – одамни камерага ўтқизиб, кўрқитишлар, қийноқлар ёрдамида руҳий тушкунлик, барбод бўлишгача етказишади. Кейин эса унинг ёнига камерадошни ўтқозишади. У қамокдан чиқиш йўлини билишини айтиб, гўйёки қутқаришни ваъда беради. Табиийки, одам ғам-қайғудан қутулиш ишончини туғдирган янги “дўсти”га нисбатан хурмат ва эҳтиром муносабатида бўлади, чунки у умид берди, аниқроғи, яқин дамларда озодликка чиқиш иллюзиясини қуллаб-қувватламоқда. Бироқ, эътибор

бер, камерадоши фақат ваъда бермоқда, лекин ҳақиқатан ҳам кутқариш учун ҳеч нарса қилмаяпти, чунки унинг ўзи ҳам буйсунган “қул”, у атиги ўз ишини бажармоқда.

Динда ҳам шундай, унинг хизматчилари “камерадошлар”га ўхшайди, улар ўзлари ҳали озодликдан йироқдандир. Лекин улар ўз динини тарғиб қилар экан, қоидага кўра, уларнинг таълимотини тан олмаган одамнинг бирорта ҳам кутқарилиш имконияти йўқлигини таъкидлашади. Одам уларнинг қоидаларига, маросимларига бўйсунуши шарт (коҳинларнинг иродасини ижро этувчи “доимий спонсор”, сиёсий электорат бўлиши керак). Бундай диний “камерадош”нинг кутқарилиши ҳақидаги ваъдаларини тинглаб, оқибатда одам унинг ҳар қандай *илтимосини* ўзининг “бурчи”, ”ўз хохиши”, ”ўз онгли қатнашиши” деб ҳисоблаб, бажаришга тайёр бўлади. Ушбу манипулятив механизм одам онгидан яширинган ҳолатдагина самара беради. Ахир манипулятор ҳеч қачон ўз ҳаракатларини тан олмайди. Бу тизим асрлар давомида сайқалланиб келар экан, кўп ҳолатларда диний хизматчиларнинг ўзлари ҳам кимга аслида хизмат қилаётганларини ва айнан қандай иш бажараётганларини англашмайди ҳам.

**Анастасия:** Хуллас, иложи борича кўпроқ одамларни ўзига бўйсундириш мақсадини кўзлаган диний коҳинларнинг яширин манипуляцияси шундан иборатки, улар даставвал одамга мутаносиб шароит ва кўрқувининг манбасини яратишади, ундай кейин эса кўрқув натижасида рўй берган ички можарони ўзлари учун фойдали шаклда вақтинчалик бартараф этишда воситачилар ролида чиқишади. Одам қанча кўп нарсаларни тушунмаса, ўзида рўй бераётган ҳолатларни англаш даражаси шунчалик камаяди, *тушунмаган* нарсалари эса кўрқувини шунчалик кўпайтиради. Унданда кўпроғи, бу жараён Шахснинг диққатини ўзида кучайтириб, боғлаб қўяди. Коҳинлар учун эса, уларнинг мафкураси томонидан қулликка айлантирилган халқларнинг кўрқуви кучайгани сайин, ўша халқларнинг ўзлари қўллаб қувватлаган авторитетлар кўтарилаверади, хокимияти кучайиб бораверади.

**Ригден:** Ҳа, инсоннинг туйғуларини ўйин қилиш рўй бермоқда, ва бу ўйин Хайвоний ақл фойдасига. Рухиятга салбий таъсир этувчи белгилар (масалан, тажовузкор, тескари свастика), одатда диний муассасаларга ташриф буюрган одамларнинг кўриш майдонида бўлади. Аммо улар ҳақида билмасанг, улар сенинг эътиборингни тортмайдиган тарзда жойлаштирилади. Улар нақшларга ҳам, ташки интерьер безакларига ҳам, деворларнинг, полнинг нақшларига, ўйилма, лойдан ясалган элементлар орасига, рухонийларнинг буйумлари ва кийимларига ва хоказоларга киритилган бўлиши мумкин.



*14-расм. Турли диний муассасаларда интерьер ва экстерьер нақиларидаги тесқари свастика рамзи.*

Шуни тушуниш керакки, онгли равишда ўзининг бирор фикрида диққатини мужассамлаштирган бўлса ҳам, хар қандай киши кўринувчи дунёнинг ахборотини ғайриихтиёрий онги сатхида қайд этади. Шундай экан, одам бундай муассасаларга ички эҳтиёжи туғилганида боради – рухий кўтарилиш вақтида ёки ўз ички қайғуларидан халос бўлиш истаги пайдо бўлганида, аслида эса бу қайғулар унда Хайвоний табиатининг устуворлиги оқибатидир. Бундай дамларда одам очик ва ёрдам излаш холатида бўлади. Аммо рухий маънавий ёрдам ўрнига бундай муассасаларда у моддий алмаштирилишларга ва ўз холатининг ўзига хос халқаланишига эга бўлади. Аниқроғи эса: салбий белгилар унинг ғайриихтиёрий кўрқувларини кучайтиради, дин хизматкорлари эса бунга ўзининг стандарт вербал уқтиришларини кўшади, уларга биноан одамда маълум моддий истаклар ва интилишлар шаклланади. Киши бунда ўзининг эътибор кучини мужассамлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, орқадаги ва ёнбошларидаги Махлуқотларнинг унга бўлган таъсирини кучайтиради.



**Анастасия:** Ҳа, салбий таъсир этувчи белгилар одамда шунингдек омманинг тартибсиз хулқ-атвориға хос бўлган (уқтириш, тақлид қилиш, бир-биридан эмоционал заҳарланиш каби) механизмларни келтириб чиқаради ва кўшимча рағбатлантиради. Булар одамларнинг руҳиятига фаол таъсир этувчи ва мутаносиб эмоционал кучланишни яратувчи асбоблардир. Дин хизматчилари эса вербал таъсир ёрдамида атиги бу эмоцияларни ўзларига керак бўлган ўзандаги авжини ва якунини шакллантиради. Шу тариқа сунъий яратилган психологик боғланиш, диндорнинг у ёки бу динга мустахкамланиши рўй беради, у ўзини шахсан мазкур жамоа билан тенглаштириши бошланади.

**Ригден:** Тўғри. Шунинг учун, белгиларнинг одамга таъсири – бу бор-йўғи физикадир. Уларнинг иш жараёнини чирокни ёқувчи тугмача билан солиштирсак бўлади. Одам ишлаш учун маълум шароит яратиш (қоронғу хонани сунъий ёритиш) мақсадида тугмачага босади. Шу билан унинг ўзи ҳам бу жараён қандай содир бўлишини, яъни электр энергияси нима, унинг асл табиати қанақалигини деярли тушунмайди ҳам. Қадимдан одамда Хайвоний табиатини фаоллаштириш учун ишлатилиб келган бир нечта белгилар мавжуд. Табиийки, бу белгиларнинг фаоллаштирилиши жамият учун ҳеч қанақа яхшиликдан дарак бермайди. Лекин қайси эмоция ва фикрларни афзал деб билиб, уларга ўз эътибор кучини киритишни, одамлар ўзлари танлашади.

**Анастасия:** Ҳа, гап яна одамнинг танловига бориб тақалмоқда...

**Ригден:** Бундай манипуляция нафақат динларга, балки кўпдан-кўп оккульт (лотинча “okkultus” сўзи “яширин” маъносига эга) жамиятларига ҳам хосдир. Аксарият ҳолатларда бундай жамиятлар ўз худбинлигини қониқтириш мақсадида ғайритабиий кучларга эга бўлиш истагида бўлган одамларни ўзига жалб қилади. Айтиш жоиз, агарда одамлар тажовузкорликка йўналтирилган, “чекланмаган ҳокимиятга” эришишга интилган маҳфий жамиятларнинг ривожланиш тарихига эътибор берса, уларнинг кўпчилигининг номлари Ўнг ёки Чап Маҳлуқотларнинг тимсоллари билан боғлиқлигини пайқайди. Масалан, “Аждар”, “Ягуар”, “Қоплон”, “Йўлбарс”, “Бўри” каби маҳфий жамиятлар. Уларнинг моҳияти – мазкур жамоада эъзозланган тажовузкор хайвоннинг сифатлари ва “ғайритабиий кучи” билан одамни таъминлаш. Бу ерда айнан бундай жамият аъзоларининг танлови, уларнинг мафкуравий ёки диний эътиқоди, шунингдек Ўнг ва Чап Маҳлуқотларнинг имкониятларини ишлатиш бўйича қадимий сеҳрли техникалар устувор роль ўйнайди. Бундай техникаларни эса, қоидага кўра жамиятнинг чўққисидагилар билади, ҳолос. Мана шу маънавий билимларнинг алоҳида олинган шахслар томонидан ўзлаштирилиши ва ерлик ҳокимиятга эришиш мақсадида-ю шахсий моддий мақсадларига эришиш

учун бузилган вариантда ишлатилишининг мисолларидан биридир. Қадимгилар айтганидек, қулнинг биргина Хўжаини бор, хокимиятпарастнинг эса хўжаинлари уни ерлик хокимиятида кўтарилишига ёрдам берувчи одамлар сонига ва унинг Қалбини пастга қулашига ёрдам берувчи жинлар сонига тенг.

**Анастасия:** Аксарият одамлар “ким бу дунёда ким”лигини тушуниши, асл маънавийликни моддий алмаштирилишлардан, Ҳақиқатни ёлғондан, Яхшиликни ёмонликдан фарқлай олиши нақадар муҳимлигида такрор ва такрор амин бўляпман..

**Ригден.** Ҳа, шунда одамзодда бутун тараққиётга ҳавф солаётган офатларнинг талофатларидан кутулиш имконияти кўпроқ бўлар эди. Ахир моддий дунёда, шу жумладан яширин кучлар учун ҳам, ўйин қоидалари одамзоднинг аксарият қисмининг танловида қурилади. У ёки бу яширин кучлар фақатгина бирор ҳаракатларни қилишга ундайди ва ғоясини туғдиради, яъни у ёки бу Ироданинг дастурини ишга солади. Аммо бу дастурларни одамлар, мутаносиб ҳаракатлари билан, бунга ўткинчи ҳаётини дамларини ва Қалбини қутқариш учун берилган кучни талон-тарож қилиб, ўз танлови билан ҳаётга тадбиқ этишади.

Лекин бу дунёда Ҳақиқатни Ёлғондан ажратиш учун ўз устида ишлаш керак, фикрларини кузатиб, назорат қилиш керак, дунёни Малакий табиат Кузатувчиси позициясидан кўришни ўрганиш керак. Архонтларнинг тизими руҳий маънавийликни излаётган кўпдан-кўп одамларнинг ақлини қарама-қарши томонга йўналтираётганини, вақти ва энергиясини Қалбни қутқариш ўрнига моддий, вақтинчалик қулайликларга сарфлашга мажбурлаётганини одамлар тушунишмаяпти ҳам. Афсуски, бугунги кунга келиб, одамларнинг аксарияти моддий истаклар билан алданиб Хайвоний ақлнинг хокимиятини танламоқда. Ўзларининг хато танлови билан улар ўзлари англамаган ҳолатда унинг Иродасини ҳаётга тадбиқ этишмоқда, ўз қўллари билан Архонтларнинг хокимиятини қўллаб, мустаҳкамлаб келмоқда.

Жахонда нималар тарғиб этилаётганига, қандай алмаштирилишлар содир бўлаётганига қара. Атрофда фақат туганмас моддий истакларни туғдирувчи ва Эгони рағбатлантирувчи чақириклар ва плакатлар. Лекин одам моддий нарсаларга эга бўлиш истагидан ҳам кўпроқ шу иллюзияга эгалик қилишдан келиб чиққан хиссиётларнинг, ўз ички дунёсида кўп қутилган барқарорликка эришиш истаги орқасидан қувламоқда-ку. Бироқ бу барқарорлик эса фақатгина ўз устидан ишлашига, ўзини руҳан такомиллаштиришига боғлиқ, асло ташқи вазиятларга эмас. Оддий мисол – кўзингни юмиб, барчасига

эгалитингни тасаввур қил: саройлар, корпорациялар, халқлар устидан хокимият. Кейин эса кўзларингни очиб атрофга қара ва сен бу атиги жуда тез тугаган иллюзия эканлигини тушунасан. Хаёт ҳам шундай тез ўтади ва барчаси жуда тез тугаб қолади. Мана шу хом-хаёллар ўз Қалбингни оғирлаштиришинга, ўзингни узоқ давом этувчи ўлимдан кейинги агонияга, асрларга чўзилувчи салбий эмоциялар кўйқуми кўринишидаги кийноқларга дучор бўлишинга арзийдими? Ахир бу эмоцияларни ўзинг Хайвоний табиатинг хаёлларини ортидан кувиб, шакллантирдинг.

Атрофга қарасанг етарли – гўёки рухий маънавий ривожланиш йўналишида юришни, шу билан бирга моддий нарсаларни ҳам хоҳлаганлар учун Хайвоний ақл қанақа алмаштирилишлар содир этаётганини кўрасан. Бундай одамлар асосан ўз хоҳишида беқарор, уларнинг маънавий интилишлари моддий қизиқишлар ўзанига осонгина ўтиб кетмоқда. Кундалик хаётда улар нимага интилишларига, кун давомида нималарга муҳимлик статусини бериб диққатини нимага қаратаётганига эътибор бер. Кимдир одамларга ўз таъсирини кучайтириш, ўз-ўзининг аҳамиятини тасдиқлаш, маънавий билимларда пул ишлаш ғамида, кимдир организмни тозалаяпти, кимдир вегетарианлик ҳақида томоғини қириб бахслашаяпти, кимдир озиш илинжида, кимдир турли “соғликни яхшилаш” бўйича худбинлик амбицияларга ва ички бўшлиққа эга тизимларида машғулот қилмоқда. Кимдир секталарда, диний оқимларда севимли танада қайта тирилиш ёлғон ваъдалари билан ўзини “ухлатмоқда”. Кимдир бойлик, омад, бахт, соғлик тилаб медитациялар қилмоқда. Кимдир Хайвоний табиатининг устуворлиги туфайли ўз аҳмоқлигидан ўзини “билимдон”, кўпгина ”маънавий саволларга” жавоб бера олувчи деб билмоқда, турли хил медитатив техникаларни аралаштириб, гуноҳни савоб билан адаштирмоқда. Бунинг асосида эса нима? Кибр, уч ўлчамли дунёда ўз шахсий мавқеини ўрнатиш, кимнингдир устидан хокимликка махфий интилиш.

**Анастасия:** Ҳа, hozir глобал масштабларда алмаштирилишлар содир бўлмоқда. Бунда шахсан амин бўлиш учун жамиятда айнан қандай психотехникалар тарғиб қилиниб, оммавий ахборот воситалари томонидан оммалаштирилаётганига қараш кифоя. Ахир бу асосан одатий архонтларча усуллар, айтайлик, моддий бойликларни чакирувчи омма учун “медитациялар”.

**Ригден:** Ачинарлиси, одамларнинг аксарият қисми нима учун айнан шундай моддий йўналиш сингдирилаётгани ҳақида ўйланиб ҳам кўрмайди. Нима учун мазкур ғояларнинг тарғиботига бутун жаҳонга машхур кишиларнинг зарур “обруйли” фикрларини сотиб олишга

пулларни аямасдан ишлатишади? Нима учун ушбу ғоялар ўзининг сеvimли танасини парваришлаш, ўз атрофида қулайликларни яратиш ва ўзини ўзи яхши кўрувчи худбиннинг дунёсини шакллантириш атрофида айланмоқда? Жавоб оддий: одам шундай хулқ –атворга тақлид қилиши учун, ўз хаётининг вақтини ва кучини, кўпол қилиб айтганда, ширинроқ бананга сарфлаши учун, шу билан унинг жунлари ҳам ялтираб туриши учун. Аммо, хар қандай ёлғондагидек, хеч ким одамга кейин, ўз хаётини аҳмоқ маймун каби ширинроқ банан қидириб талон-тарож қилиб бўлганида, сеvimли танаси эса, хар қандай хайвон каби, ўлганида, уни қандай оқибат кутмоқдалигини гапириб бермайди. Шахс сифатида эса у ўз қайғуларидан қочиб кутулмайди ва бўм-бўш ўтказган хаёти учун қиммат тўлашга мажбур бўлади.

Ўз устида кундалик рухий меҳнат эса – бу нима? Биринчи навбатда, бу бошқаларнинг фикрларига хукм чиқармасдан, ўзининг фикрларини назорат қилиш одати. Қоидага кўра, одам Хайвоний табиатнинг намоён бўлишларини бошқаларда кўпроқ кузатади. Лекин ўзига диққатини қаратишга, Хайвоний табиатининг ички ва ташқи иғволаридан таъсирланишини тахлил қилишга уринмайди, хар куни ўз устида тинмай ишлашни муҳим деб хисобламайди.

Фақатгина ўзини ичкаридан ўзгартириб, ўз устида ишлаб, кўзга кўринувчи ва кўринмас дунёнинг реал жараёнларини тушуниш, маънавий йўлдан онгли равишда юриш мумкин. Бошқача айтганда, ички ўзгаришлар авваламбор одамнинг ўзида бўлиши керак – мана рухий маънавий ривожланишнинг маъно-мазмун! Қолган барчаси иккиламчи. Хаар қандай машинани каби, танани ҳам назорат қилиш керак, шубҳасиз, лекин мўлжалга етиб келиш учунгина, холос. Ундан кўпроғи эмас. Рухий озодликка чиқишдан иборат бўлган хаётнинг асл мақсадини билиш ва кўздан чиқармаслик керак. Бу ҳамма одамлар учун энг мухими. Одам ўзини ўрганар экан, у ўз тузилмасининг мураккаблигини ҳам, унинг бундай тузулишдан мақсадини ҳам ўрганади. Барчаси одамнинг онгли танловини амалга ошириши учун, янги Рухий Мавжудот бўлиши учун имкон туғдиради, деб айтсак бўлади. Бундай ўзгаришда одамнинг тўртта Махлуқотлари муҳим рол ўйнайди.

**Анастасия:** Ҳа, жаҳоннинг турли халқларида тўртта Махлуқот ва рухий Марказга тегишли, турли маросимларда, мистик амалиётларда, муқаддас битикларда қайд этилган етарлича бой маълумотлар мавжуд. Айтиш жоиз, турли афсоналарга биноан хар бир халқ ушбу тўрт Махлуқотни жойлаштиришда Олд томон Махлуқотини дунёнинг маълум томонига қараб мўлжал олган. Мазкур лаҳзани ўқувчиларимизга ёритиб бера оласизми? Нима учун ер шарининг турли

бурчакларида яшовчи одамларда бундай мўлжал тўғрисида тушуниш бўлган?

**Ригден:** Агарда умуман айтадиган бўлсак, Махлуқотнинг дунё томонларига қараб жойлаштирилиши, уларга у ёки бу ранги берилиши ва хоказолар, у ёки бу халқнинг аждодларидан асрлар давомида қолган муқаддас афсоналарига асосланган маҳаллий анъанавий афзалликларига, расм-русумларига, умумий эътиқодларига боғлиқ бўлган. Мисол учун, ўша хитойликларда жануб дунёнинг энг эъзозли томони саналган, шунинг учун жануб томонига улар Олд Махлуқотга мос бўлган рамзларни жойлаштирган. Шимол халқлари (Сибир) шаманлари учун маросимларни бажариш вақтидаги юзланган (Олд Махлуқотни қаратган) томони, қоидага кўра, Шимол бўлган. Жанубнинг, Осиёнинг шарқий халқлари учун эса – Жануб ёки Шарқ. Мезоамерика хиндулари учун дунёнинг асосий томони бўлиб у ёки бу қабиаларнинг маҳаллий анъаналарига қараб, Шарқ ёки Ғарб ҳисобланган. Хуллас, руҳий амалиётни, диний анъанани, маросимни бажараётиб, одам одатда қаерга юзланса, Олд Махлуқоти ҳам ўша ерда. Албатта, мифологияни ўқиганда, халқ фольклори қаерда-ю, реал билимлар қаердалигини тушуниш керак, чунки вақт ўтиб одамнинг ақлидан келиб чиқувчи, ассоциатив мисолларни асосан луғавий маънода тушуниш оқибатида, устма-уст, чалкашиб кетган нарсалар кўшилган. Шундай бўлса-да, бугун ҳам кўпдан-кўп қизиқарли эслатмаларни, шу жумладан одамнинг тўртта Махлуқотлари ҳақидаги махфий билимларга тегишлиларини ҳам топса бўлади.

**Анастасия:** Шунга ўхшаш билимларни Европа, Осиё, Африка, Америкаларнинг халқларининг мифологик тасавурларидан, тотемларга (жамоа сиғинадиган хайвон, ўсимлик, тош ва хоказо) оид манбалардан топиб олса бўлади...

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Аксарият ҳолатларда у ёки бу қитъада истиқомат қилувчи кичик халқлар, “цивилизациялашган” жамият вакиллари билан узок вақт алоқа қилмаганлиги боис (ноқулай иқлим шароитлари ёки саёҳатчилар учун уларнинг яшаш жойи етиб бўлмаслиги туфайли) ўзларининг аждодларини билимларини сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Қайсидир маънода бу уларни қутқарди, чунки “цивилизация” мазкур халқлар ва уларнинг маданиятларидан беҳабар эди. Шунга кўра, бошқа халқларники каби, уларнинг ноёб билимлари “жаҳон цивилизациясида” ҳукмронлик қилаётган янги диннинг “олови ва қиличи” ёрдамида бутунлай йўқ қилинмаган эди.

**Анастасия:** Ҳа, айтишадику, яхшиликсиз ёмонлик йўқ, деб. Энди эса

қачондир нима бўлган-у, хозир нима борлигини солиштиришнинг ажойиб имконияти мавжуд ва нима учун барча замонавий динларнинг вакиллари “маънавий билимлар” фақат уларда мавжудлигини, бошқа ҳеч кимда йўқлигини таъкидлашади? деган саволни берсак бўлади. Агар бу саволга объектив ёндошсак ва уни онгнинг кенгайтирилган ҳолатида кўриб чиқсак, Билимлар барча жойда бир хил бўлгани, фақат одамлар уларга турли шакл бериб, “ўзиники” дегани шубҳасиз бўлиб қолади.

Ахир моҳият бўйича, ҳар бир янги руҳий маънавий Таълимот турли халқларга ўтмишда берилган асосий маҳфий билимлари инобатга олинган ҳолда шаклланган. Ва кохинлар томонидан ушбу Таълимот ўзгартирилиб, унга устувор дин шакли берилганида, ана шунда мафкура ҳам ўзгартирилар эди. Аслида, улар халқларга янги дунёқарашни тикиштирган, оммада ажодларнинг ворисини, янги диннинг қонун-қоидаларига номувофиқ бўлган барча нарсани ўйламасдан йўқ қилишгача бўлган фанатизмни келтириб чиқарган.

**Ригден:** Шубҳасиз... Лекин нимани қайд этмоқчиман. Кохинларнинг барча халқларнинг маънавий меросини йўқ қилиш бўйича олиб борилган ишига, янги авлодларга барча аввалги эътиқодлар “диндан қайтиш ва дин ақидаларига хилоф” деб уқтиришларига қарамасдан, тўртта Маҳлуқотлар ҳақидаги таянч билимлар деярли барча замонавий динларнинг маҳфий билимларида мавжуд. Буни у ёки бу диннинг таълимотида, фалсафасида, мафкурасида оммага нима таклиф қилинишининг билвосита аломатлари бўйича кузатиш мумкин. Шунини тушуниш керакки, ҳар қандай диннинг кохинлари оммага ўзларидан олдингилар қачондир бошқа оммабоп динлардан ўзлаштирган билимларни эмас, балки фақатгина ўзларига наф келтирувчи, одамларнинг орасида уларнинг ҳокимиятини мустаҳкамловчи ўрнатмаларни тикиштиради. Кохинлар ҳеч қачон одамни мустақил равишда руҳий озодликка элтувчи азалий маънавий Таълимотни айниқса омма орасида тарқатишмайди. Лекин улар ўша Таълимотнинг мафтун этувчи руҳий маънавий уруғлари асосида у ёки бу динларни шакллантиради. Ҳокимият институти сифатида диннинг шаклланиши вақтида, дастлабки Таълимотнинг кўп томони қайта ишланиб, кохинларнинг диний ҳокимияти манфаатига ўзгартирилади.

Масалан, буддавийликни олсак. Бир қарашда, мазкур *жаҳон динида* одамнинг айнан мустақил равишда ўзини ва дунёни ўрганишига урғу берилган, деб туюлади. Ахир унда омма учун “ойдинланишга” олиб келувчи турли хил амалиётлар тақдим этилган, улар эса, айтиш жоиз, Хиндистоннинг бошқа, янада қадимий динлари асосида шаклланган. Лекин бундай туюлиш сенинг ушбу диндаги бугунги кун воқеликлари,

ва шунингдек, мазкур жаҳон динининг коҳинлик тузулмаси билан тўқнашмагунига қадар давом этади. Агар одам Малакий табиатини ўзининг Хайвоний табиатидан фарқлай олмас экан, Хайвоний ақлнинг алмаштирилишларини кўрмас экан, унга Будданинг дастлабки Таълимоти билан ушбу таълимотни, айтайлик, ўзлаштирган буддавийлик динининг аҳамиятли фарқи ва фириби нимада яшириганини тушуниш қийин.

Шундай қилиб, умумхинд муқаддас анъанасида ҳам, Будда таълимотининг буддавийлик диний талқинида ҳам одамнинг тўртта Маҳлуқотлари ҳақида эслатилади. Индуизм ва буддавийликларнинг медитатив амалиётлар ҳақидаги диний таълимотларида қуйидагилар олий билимга тегишлидир: интуитив билим – олий онг (санскритта “абхиджня” деб талаффуз қилинади), дунёни онгнинг ўзгача, ўзгартирилган ҳолати орқали ўрганиш, яхлитлик, бирдамлик ҳолати (“самадхи”). Интуитив билимга эга бўлиш ҳақиқатни, дунё яхлитлигини, *бешта категориянинг* бир-бирига тенглигини ўрганиш: олдиндан кўра олиш, ғойибона эшитиш, ғайритабиий қобилиятларга эгалик қилиш, бошқаларнинг фикрларини ўқиш, ўтган ҳаётларни эслаш олиш. Мукамал киши бутун моддий дунёга олтинчи ўлчовга қадар таъсир этиши мумкин, ёки қадимий хинд трактатларда ёзилганидек “Брахма Осмонларига қадар”, зеро “Брахма Осмонларига” йўл “борлик ғилдирагининг” *Олтита Ихтирослар Дунёсига боғланишдан воз кечишдан* бошланади...

**Анастасия:** Моҳият бўйича, мазкур бешталиқнинг тенглигида **тўртта асосий Маҳлуқотлар ва марказ (Шахс)** билан ишлашнинг натижаси баён

қилинади. Хусусан, одамнинг руҳий маънавий фаолиятининг маълум босқичининг натижаси кўриб чиқилмоқда, бунда ушбу Маҳлуқотлар энди унинг назорати остида, одамнинг ўзи эса олтита ўлчовдан чиқиб кетиш ҳолатига яқинлашади.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Ўз устида ишлаб ва ўзини *руҳий маънавий йўналишида* мукаммалаштирганида, одам дунёни ўрганишдаги унга қўшимча имконият берадиган маълум самараларга эришади.

**Анастасия:** Ҳа, масалан, **Шахс** (марказ) руҳий амалиётларни ўзлаштириш жараёнида “**олдиндан кўра олиш**”, яъни масофа ва вақтдан қатъий назар ҳар қандай шаклларни Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан ички қараш билан томоша қилиш, шунингдек, воқеа ёки ходисанинг реал моҳиятини кўриш **имкониятига эга бўлади**. Медитациялар бўйича ўзимнинг йигирма йилдан ортиқ тажрибамни, шунингдек, Сизнинг Таълимотингизни, Сиз хабар қилган

азалий Билимларни мен билан бирга ўрганиш шарафига муваффақ бўлган инсонларнинг тажрибасини инобатга олган холда, бу ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Бундай “тиниқ кўриш”, шу жумладан, объектни турли ўлчовларда томоша қилиш, унинг пайдо бўлишининг, ўзгаришининг ва хоказоларнинг дастлабки сабабларини тушунишни тахмин қилади. Интуитив билишнинг бундай ҳолатига эришган инсон **Олд маҳлуқотни қандай бошқаришни** билади, бу эса ўз навбатида хоҳлаган мавжудотни Малакий табиатининг Кузатувчиси позициясидан тушуниш, интуитив хис қилиш, шунингдек масофадан ва вақтдан қатъий назар, у билан алоқага киришиш қобилиятини унда намоён қилади.

**Ригден:** Тўғри. Буддизм талқинида бу номаълум тилларда гапирувчи одамларни тушуниш, дунёнинг товушларини хатто узоқ масофалардан ҳам эшитишга ижозат берувчи илоҳий эшитиш (ғойибона эшитиш) сифатида белгиланган. Гап шундаки, хинд мифологиясига биноан, товуш – бу ўзига хос, коинот ритмлари билан боғлиқ тимсолдир. “Дунё товушларига қулоқ солувчи” – уларни билувчиси ва коинот ритмларини чиқара олувчиси. Барча нарса ўзаро боғлиқ ва нозик коинот тебранишларидан иборат, деб хисобланади. Ўзини, ўзининг кичик сферасини ўзгартириб, одам катта сферага ҳам ўзгартиришлар киритади.

**Анастасия:** Ҳа, шундай десак ҳам бўлади. Уч ўлчамли ўлчовда истиқомат қилувчининг фикрлаш чегараларида дунёнинг ходисаларини муҳокама қилувчи одам буни “илоҳий эшитиш”га эга бўлиш сифатида қабул қилади. Ҳақиқатан ҳам, тўртта Маҳлуқотлар ҳақидаги билимлар, бироз безалган ҳолатда бўлса-да, лекин буддавийликнинг фалсафий таълимотида акс эттирилган. Эслатиб ўтган категорияларимизни (олдиндан кўриш, ғойибона эшитиш, ғайритабиий қобилиятларга эгалик қилиш, бошқаларнинг фикрларини ўқиш, ўтган хаётлар ҳақидаги хотира каби) кўриб чиқадиган бўлсак ҳам, уларнинг хар бири конкрет Маҳлуқотнинг имкониятига кўрсатиши келиб чиқяпти.

Буни мен бизнинг гуруҳимизнинг амалий тажрибасига қараб айтишим мумкин. Масалан, “туннеллаш” медитатив техникасини ўрганганимизда билдикки, ишга туширилган Орқа Маҳлуқот ёрдамида факт бўйича ўтмишимиз ҳақида ва хаттоки, қисман субшахсларнинг ўтган хаётлари ҳақида ахборотни “ўқиб олиш” имкониятига эга бўлдик. Буддавийлик фалсафасида “ўтган хаётлар ҳақидаги хотира”га эга бўлиш деганда “ўзининг ўтмишдаги туғилишлари ва ўзининг аввалги вақтинчалик ҳолатлари ҳақидаги билим” назарда тутилади.



Чап ва Ўнг Махлуқотларининг имкониятларига келсак, бу борада бизда ўз вақтида жуда яхши кўргазмали намуна бўлган – Сиз Гелиар аскарни санъатини ўргатган тўртта жангчиларнинг рухий маънавий иши. Ўша пайтда мен, **одамнинг Чап Махлуқотининг назорати** унда бошқаларнинг фикрларини билиш ва ўқиш каби қобилиятларни қандай қилиб очишини тушундим. Катта ҳисобда, бу нафақат бундай қобилиятларнинг очилиши, балки нозик дунёнинг тузулишларини ҳис-туйғули идрок қилиш, ва шунингдек улар орқали таъсир кўрсатишни амалга ошириш. фикрларининг қатъий назорати ва маълум медитатив техникалар ёрдамида **Ўнг Махлуқотнинг бўйсундирилиши** дунёнинг кўпол тузилишларига таъсир кўрсатишига, моҳияти бўйича, рухий маънавий ривожланишнинг кўшимча натижаси бўлмиш маълум “ғайритабиий” имкониятларининг очилишига қандай қилиб олиб келишини мен амалда кўрдим.

Аmmo барчасидан ҳам мени мана шу тўртталиқнинг рухий қатъиятлилиги хайратга солди: улар эга бўлган олий даражадаги профессионал кўникмалар уларнинг рухий маънавий ниятларини кўзғатмади, афсуски кейинчалик бошқа гуруҳларда мен билан биргаликда ишлаган айрим одамлар ҳақида бундай деб айтолмайман. Турли вазиятлар бўлган эди, албатта, шу жумладан, ўрганишнинг ибратли тажрибаси ҳам. Масалан, менинг гуруҳимнинг икки йиллик тинмай ишлаши конкрет натижаларини берди. Бироқ, шу билан биргаликда, гуруҳнинг айрим қатнашчилари, ўзида шундай фавкулотда қобилиятларнинг очилишига аслида тайёр эмас эканлиги маълум бўлди. Уларнинг онгини бир лаҳзалик муваффақият, ўз аҳамиятлилиги туйғуси, кибр қамраб олди. Улар маҳфий тарзда одамлар дунёси билан боғлиқ истиқболларни орзу қила бошлади. Хуллас, Хайвоний табиатлари тарафига оғиш рўй берди. Ва асосийси, самимийлик, айнан маънавий мақсадга эришиш истаги йўқотилди. Хайвоний табиатининг яққол хужумлари фонида эзгу ниятлар билан оғзаки ёпиниш бошланди. Хатто-ки кичиккина муваффақият ҳам, аслида Хайвоний табиати устидан назоратларининг йўқотилишини келтириб чиқарди. Шу билан бирга эса бу нарса ўз хатоларини тан олишни билганлар ва маънавий йўналишда қатъий турганлар учун яхшигина сабоқ бўлди. Бундай тажриба кейинчалик маънавий йўлдан пишиқроқ ва онглироқ кетиш имкониятини тақдим этади.

**Ригден:** Аслида, Ўнг ва Чап Махлуқотларни ўрганиш босқичидан ўтар экан, киши уларни назорат қилиш ўрнига ўзи уларнинг назорати остига тушиб қолиш хатарига эга, чунки улар етарлича ақлли Махлуқотлар ва одам бошқа одамларнинг устидан хокимиятга ва кўринмас кучга эгалик қилиш истагига ҳавас бўлиб қолиши мумкин. Натижада эса, бунга қизиқиб қолиб, қолган умрини вақтинчалик

натижага эга бўлишга сарфлаб юбориши мумкин, шу билан эса ўзининг озодликка чиқиш, қайта туғилишлар доирасидан чиқиб кетиш имкониятини бой беради. Ўз танловида шубхаланаётган одамлар учун бу ўзига хос қопқондир.

Бу борада бойликлар қидириш ҳақидаги бир қизиқарли ривоят мавжуд. “Бир Донишманд қишлоқдан ўтиб кетаётиб, одамларга уларнинг марказий майдони остида улкан бойликлар яширинганлигини хабар берди. Уларни топган одам нафақат бой бўлишини, балки ҳеч қачон аввалгидек бўлмаслигини ҳам айтди. Одамлар бундай хабарга хурсанд бўлишди, узоқ вақт бахслашди, ва оқибатда биргаликда барча бойликларни қазиб олиш қарорига келишди. Улар асбобларни олиб, ишга тушишди. Аммо қанчадир вақт ўтиб, ишларини кутилган натижасини олишмагач, уларнинг шижоати камая бошлади. Ўзлари ишламасдан, кўп гапириб, бошқаларга қандай ишлашни ўргатишга уринганлар биринчи бўлиб қазишмаларни тарк этди. Уларнинг ортидан оғир меҳнатдан тезда чарчаганлар йўл олди. Уларнинг фикрича, бойликлар бундай оғир меҳнатга арзимади. Бошқа одамлар сопол синиқларини, қадимий тангаларни топишни бошлади. Улар ўз топилмаларини бошқалардан яшириб, иш жойини тезкор равишда тарк этарди. Учинчилар эса қидирув меҳнатида роҳатланар ва ва мана шундай завқда Донишманд эслатган бойликлар яширинган деб тахмин қиларди. Бироқ вақт ўтиб борар экан, уларнинг атрофида эса аввалгидек атиги бир талай тошлар ва лой эди. Уларнинг ҳам қувончи тугади, ва улар ҳам қидиришдан тўхтади, зеро руҳан кучсиз бўлиб чикди.

Вақт ўтиб борарди, қолган одамларнинг кўпчилиги қидирувнинг муваффақиятида шубхалана бошлади ва адашишлар ва уйдирмаларнинг қурбонига айландик, деб ўйлади. Қишлоқ аҳли бирин-кетин қидирув жойини тарк эта бошлади. Ва фақатгина мақсадга интилганлар, қатъиятли ва тинмай ишлаганлар, ниҳоят ўз бойлигини топди. Аммо бойликларини топганларидан сўнг уларни қишлоқда ҳеч қим кўрмади. Улар билан биргаликда қидирув ишларида қатнашган, лекин бойликларни топмаганлар эса умрини оҳиригача ўзини оқлаш ва нима учун бошқалар билан қолмаганлигининг тушунтириши билан овора бўлди. Бу улар учун ўзининг арзимас ҳаётини ўзгартириш имконияти эди-ку. Уларнинг айримлари умрини қолган қисмини дарбадарликка ва уларга сирни очган Донишмандни излашга бағишлади. Улар ўша бойликлар қандай кўринишда, ҳозир қаерда ва уларга қандай эришиш мумкинлигини билмоқчи эди.

Шундай қилиб, бойликлар – бу одамнинг маънавий ўзгаришидир. Аммо унга эришмоқ учун ҳар куни ўз устида ишламоқ зарур. Йўлнинг

истикболи билан мафтун бўлганларнинг ҳаммаси ҳам охиригача бормайди, зеро йўл ички ўзгаришларни тахмин қилади. Биринчи бўлиб ўзини ўзгартириш учун ҳеч нарса қилмасдан, бу ҳақда кўп гапирганлар йўлни тарк этади. Уларнинг ортидан енгил ғалабаларни излаганлар кетади. Сўнг руҳий маънавий йўлдан бу дунёда ўз аҳамиятлилигини кондириш учун очилган қобилиятларига ҳавас қилганлар ҳам бурилиб кетади. Сўнг – ҳаёт мазмунини излаш жараёни билан завқланиб, ўзини тушунмаганлар ва натижада ҳеч нарса топмаганлар кетади. Ўз-ўзида, Ҳақиқатни очиб берган Донишмандда ва Ҳақиқатнинг ўзида шубҳаланганлар ҳам руҳий маънавий йўлдан бурилиб кетади. Бу одамларнинг барчаси руҳий маънавий йўлни ўзлари учун ушбу моддий дунёда наф келтирувчи тарзда талқин қилади. Ва фақатгина ўз ниятларининг софлиги ва самимийлиги билан юрганлар, ўзини ҳар кунда ўзгартириб, руҳий меҳнатда қатъийлик кўрсатганлар, уларга бошқа дунёга кетиш имкониятини берувчи руҳий маънавий бойликларни топади. Мазкур ривоятнинг маъноси куйидагича: кўпинча руҳий маънавий йўлдан юрган одамлар Абадиятга элтувчи йўлни очиб берувчи бойликларнинг ўрнига ўзлари учун вақтинчалик бўлган ушбу дунёда шахсий муваффақиятни қидиради.

**Анастасия:** Ҳа, бу ҳаёт ҳақиқатидир ва у нафақат қадимда, балки хозир ҳам долзарб...Ҳар бир киши ўз танловини амалга оширади.

**Ригден:** Шунинг учун, амалиёт – бу жиддий синов. Диний битикларни ўқиб, сен ҳам у ердаги қахрамонлардек, шунақа “маънавий инсон” бўлишингни орзу қилиш қаерда-ю, ҳар бир кунда реал тарзда ўз устингда ишлаш, руҳий амалиётларни бажариш, ўз фикрларингни назорат қилиш қаерда. Ўша буддавийликнинг трактатларида одамнинг ўз ғайритабиий имкониятларига эгалик қилишни “мўжизавий кучларга” эгалик қилиш дейишади. Шунингдек у ерда мукамал инсон дунёга “Брахма Осмонига қадар” (еттинчи ўлчовгача) таъсир этиши мумкинлиги ва “Брахма Осмонига” йўл “борлиқ ғилдирагининг” *Олтита Эхтирослар Дунёларига* боғланишдан воз кечишдан бошланиши ҳам айтилган. Масалан, “Трипитака” номли буддавийликнинг муқаддас матнлари тўпламида “Тарки дунёликнинг мевалари ҳақида”ги қизиқарли сутра мавжуд. Дарвоқе, “сутра” сўзи санскритдан луғавий таржимада “*марваридлар* тизилган ип” маъносини билдиради; қадимий хинд адабиётида фикрни парча сифатида баён этишни шу сўз билан атаган, кейинчалик эса бундай фикрларнинг парчаларининг тўпламига ҳам шундай ном берилган. Аммо, буддавийликнинг “Трипитака” муқаддас матнлар тўпламини, шу жумладан, “Тарки дунёликнинг мевалари ҳақида”ги сутрани ҳам, ўқиётиб, шуни тушуниш зарурки, уларда Будданинг асл сўзлари эмас, балки узок вақт давомида оғзаки тарзда узатилиб, сўнг ёзилган таълимоти баён қилинган. Шу билан,

буддавийлик дини шаклланиши давомида у ерга асрлар давомида ўзгартирилишлар киритилган. Бошқача айтганда, бу дастлабки маълумот эмас, балки одамларнинг ақли ёрдамида шарҳланиши эканлигини инобатга олмоқ зарур. Агарда одам маънавий меҳнатнинг нозикликларини билмаса, амалий медитатив тажрибадан узоқ бўлса, табиийки, мазкур ахборотни узатишда, талқин қилишда, бошқа тилларга таржима қилишда, фақатгина ўзининг, айтайлик, уч ўлчамли дунёнинг яшовчиси позициясидан келиб чиқан дунёқараши ва тушунишларидан фойдаланади.

Шундай қилиб, мазкур сутрада Будданинг Аджатасатту – Магадха (қачондир Хиндистоннинг шимолий-шарқида жойлашган қадимий давлат) подшоси билан бўлиб ўтган суҳбати ҳақида эслатилган. Подшо Буддадан “тарки дунёликнинг кўринувчи меваси”, яъни бу дунёдаги рухий амалиётларнинг натижаси қанақа, деб сўрайди. Будда унга ўз рухий мукамаллиги устида ишлаётган, медитациялар билан шуғулланган, Нирванага интилган роҳиб босиб ўтадиган Йўл ҳақидаги таълимотни баён этаётиб, уни *оддий одам учун тушунарли бўлган ҳаётий ўхшатишлар* ёрдамида тушунтиради. Шунингдек, ушбу сутрада роҳибнинг одоб-ахлоқ хулқ-атвори қоидаларига амал қилиши лозимлиги, ўз нафсини бостиришнинг қувончи, ўз устидаги рухий меҳнатнинг натижалари ҳақида ҳам айтилган. Шу билан, меҳнатнинг натижасини роҳиб “самадхи ҳолатидаги пок, тиниқ...итоаткор ва жамланган, эхтирослардан холи бўлган... ақли билан “ тушунади деб таъкидланмоқда. “Самадхи” ҳолати санскритдан таржима қилганда “биргаликда кўшилиш”, “ бирлаштириш”, “ яхлитлик”, “бирлашув” маъноларини билдиради. Хинд фалсафасида бу ойдинлашув, олий уйғунлик ҳолати медитатив амалиётларнинг якуний мақсади сифатида кўрилади. Буддавийликда “самадхи” саккизталиқ йўлнинг охири босқичи ҳисобланади, ва, уларнинг фалсафасига биноан, у одамни Нирванага олиб келиши керак.

Мазкур сутрада шундай эслатма ҳам бор: Менинг мана шу жисмим шаклга эга, тўртта буюк элементлардан иборат...” Одатда тўртта буюк элементлар фалсафий мулоҳазаларда ҳаво, ер, сув ва олов сифатида талқин қилинади. Кўпинча муқаддас битикларда гап одамнинг ўзини мукаммаллаштириши ва кўзга кўринмас энергетик тузулмаси ҳақида кетаётганида тўртта Маҳлуқотларни таърифлаш учун қадимгилар қўллаган шундай ўхшатишлар ишлатилган. “Тарки дунёчиликнинг мевалари ҳақидаги” 87-чи сутрада самадхи ҳолатига эришган инсонда турли ноёб қобилиятлари намоён бўлиши тўғрисида айтилган. У “ битта бўла туриб, кўп сонли бўлиб қолади, кўп сонли бўла туриб, битта бўлиб қолади; кўзга кўринувчи ва кўринмас бўлиб қолади; деворлар, дағаллар, тоғлар ўзра хаводагидек тўсиксиз ўтади; ер орасига

сувдан ўтгандек ўтади; сувнинг устида ерда юргандек юради, йиқилмасдан; оёқларини йиғиб ўтирган холда, худди қанотли кушдек осмонга кўтарилади; Ойни ва Қуёшни, улар кучли ва қудратли бўлса ҳам, ўз кафти билан хис қилади; Брахма осмонларигача ўзининг жисми билан таъсир этиши мумкин.” Бу ерда жисмоний танаси назарда тутилмаган. Бу сутрада буддавийликларда айтилгандек, “эгалланган (фавқулотда, мистик) тана” эслатилмоқда (санскритдаги кирилл харфлар билан ёзилган номи – “нирманакая”, яъни хиссиётларнинг шарпали, ўзгарган танаси).” Ўзининг мана шу танасидан у бошқа танани яратади, унинг ақлдан иборат шакли бор, у барча катта ва кичик қисмларга эга, хаётий қобилиятлари камаймайдиган”. Шу билан, хатто шу масалада уларда чигалликлар бор ва туганмас фалсафий бахслар олиб борилмоқда-ки – ушбу “фавқулотда тана” аслида нималиги борасида: трансформация танаси, онгнинг бошқача ҳолатидаги тана, Будданинг, Бодхисатванинг, Иллюзиянинг, Намоёнданинг жисмоний танасими ёки “жисмоний шакл кўринишидаги ақлнинг потенциали”ми. Бунга ўхшаш қарши қарашлар одамларнинг асосий билимларнинг маъносини йўқотганлиги ва қолдиқли ташқи шакллардан-у одамнинг ақлидан келиб чиқиб ҳукм чиқараётганининг далолатидир.

Аслида эса барчаси оддий. Олтита ўлчовда жойлашган энергетик тана одамларда тахминан бир хил – у чўққиси кесилган ва алоҳида турган тўрт қиррали пирамида шаклига эга. Бироқ одамларнинг аксарияти уни кўрмайди ва унинг мавжудлигидан хабари йўқ. Лекин бу уларнинг хаётига, тақдирига ва фаолиятига таъсир этмайди, дегани эмас. Халқда айтишганидек, “жигаринг борлигини билсанг-да, аммо у оғримаса, уни эсламайсан ҳам”. Одам ўз устида ишлаганида, рухий амалиётларни бажарганида, ва хар кунида ўзининг Қалбини қутқарилиши ҳақида қайғурганида, унинг энергетик тузулмаси мен аввал айтиб ўтган сифат даражадан бошқача шаклга ўзгаради. Шахс Қалб билан қўшилганида эса янги, моддий қобикқа мухтож бўлмаган Рухий Мавжудот пайдо бўлади. Бошқача айтганда, шу туфайли уч ўлчамли ўлчов “яшовчиси “ еттита ўлчамли ўлчовнинг “яшовчисига” айланади.

**Анастасия:** Олган рухий тажрибам, Сиз берган азалий Билимларнинг калитини тушуниш позициясидан қараганда, ушбу назариячиларнинг барчаси нима ҳақида бахслашаётгани кулгили бўлиб қолар экан. Гоҳида уларнинг трактатларида таърифланган “бахс-мулоҳазалар” иккита турли назарияларни ёдлаб олиб овозлари йўқолгунча ишлаб чиқаришнинг моҳияти ҳақида бахслашаётган талабалар вазиятини эслатади. Уларнинг бирортаси ҳам ўз шахсий амалий тажрибасига, яъни аслида ишлаб чиқариш жараёни нималиги ҳақида тушунишга эга эмас. Бундай фалсафий бахслар фонида сафсатабозлик билан шуғулланмасдан, дунёга ўзининг амалий тажрибасини, майли қаердадир

интуитив тарзда бўлса ҳам, аммо тўғри йўналишда маънавий йўлдан кетаётиб, улашаётган муаллифлар сезиларли ажралиб туради. Буни биласан, чунки шахсий рухий тажрибага эгасан. Ахир ўзингни амалий тажрибанга эга бўлишинг ўзининг рухий маънавий йўлидан юриш жараёнида реал тарзда ўз устидан меҳнат қилган, ҳақиқатан ҳам доно бўлган инсонларнинг асрларда қолдирган битикларини хис қилишингга, ортиқча гап-сўзсиз тушунишингга ёрдам беради.

**Ригден:** Сўзсиз, бу масалада чегаралар, бўлинишлар ва моддий фазо йўқ. Бу ерда яхлитлик ва рухий маънавий тушуниш, айтайлик, Ҳақиқат билан бирлашиш мавжуд...Шундай қилиб, Хиндистоннинг турли динларида ўзининг рухий ривожланиши жараёнида инсон “мужизали кучларга” (буддавийликда) ёки “сиддхи” кучларига (хинд йогаси; қадимий хинд сўзи “siddha” “мукамал” дегани) эга бўлиши ҳақида эслатмалар у ёки бу шаклда сақланиб қолган. Сиддха тушунчаси жайнизмда ҳам, хиндуизм мифологиясида ҳам ғайритабиий сеҳргарлик қобилиятларига эга ва ҳаво фазосида истиқомат қилувчи афсонавий ярим илоҳий мавжудотларнинг номи сифатида мавжуд. Олам ҳақидаги космологик афсоналар таърифланган ва хиндларнинг фалсафий қарашлари баён қилинган қадимий хинд пураналарига биноан (санскритдан таржимада “purana” – “қадимий”, “ривоят” дегани) ярим илоҳий сиддхалар қуйидаги ғайритабиий сифатларга эга. Улар ниҳоятда енгил ёки оғир, чексиз кичик ёки катта бўлиши; фазонинг истаган нуқтасига бир онда бориши; фикрининг кучи ёрдамида истагини амалга ошириши; “ўз иродасига” предметларни ва вақтни бўйсундириши; дунё устидан олий хукмронликка эришиши мумкин. Аммо мифология – бу атиги ниқоб остида яширинган одам ва олам ҳақидаги муқаддас билимлардир.

**Анастасия:** Яъни, моҳият бўйича, бу одамнинг тўртта Маҳлуқотларини бошқариш бўйича амалиётларни ўзлаштириш ҳақидаги билимларнинг қолдиқларидир.

**Ригден:** Мутлақо тўғри, устига устак турли динлар томонидан астойдил ишлов берилган ҳолатда. Аслида рухий амалиётда мазкур ғайритабиий “мужизавий кучлар” одамнинг Ўнг ва Чап Маҳлуқотларини назорат қилишни ўрганишидаги эришилган қўшимча самарасидир. Айнан мазкур Маҳлуқотларнинг, айтайлик, онгнинг маълум режимида ишлаши одамда шу олий қобилиятларни намоён қилади. Ўша буддавийлик трактатларида сақланиб қолган эслатмаларда айтилганки, ушбу кучларга (“сиддхаларга”) эгалик қилиш зарарли эмас, барчаси одамнинг танловига, унинг истақларига боғлиқ. Шунингдек трактатларда айтилишича, Будданинг огоҳлантиришича, роҳиб “ўзини шартсизлантиришида” турли хил ҳавасларга учишдан сақланиши лозим.

Биринчидан, художўй бўлмаганларнинг ақлида хижолат туғдирмаслик учун мазкур “мўжизавий кучларни” бундай ишлардан ҳабари бўлмаганларга намойиш этишдан қочиши керак. Иккинчидан, ва энг асосийси, ўзининг дастлабки мақсадини – Нирванага (Абадийликка) чиқишни бўм-бўш одамий истакларга: хокимият чанқоғи, “дунёни сеҳргарлик билан эгаллаш”, ҳар қандай моддий истакларни ва талабларни қондириш, шунингдек назорат қилишни ва барчага эга бўлишни хошлаш, мазкур кўринмас кучларни худбинлик мақсадларида ишлатиш ва воқеаларни ўзи учун қулай узанда йўналтириш имкониятларига алмаштириш ҳавасидан эҳтиёт бўлиши лозим. Бошқача айтганда, Будда руҳий маънавий йўлдан юраётган одамларни мазкур “мўжизавий кучларни” ғаразли мақсадларда ишлатишдан огоҳлантирган. Акс холда одам маънавий йўлдан чалғиб хаётидаги энг асосий ишни – ички ўзгаришини, Абсолют билан, Қалбининг дунёси билан қўшилишни амалга оширолмай қолади.

Нима учун Будда мазкур масалага урғу берган? Будданинг бир гуруҳ уқувчилари бўлган, улар “Юқори Санъат”ни, ёки бизнинг тилда айтганда Гелиарликни ўрганар эди. Бу эса руҳий ривожланишнинг оғир йўлидир, уни ҳар ким ўта олмайди. Мажозий маънода, бу худди разведкадагидек, у ерга барча хохловчиларни ҳам олавермайди, у ерга фақатгина шахсий сифатларига, қобилиятларига ва эгаллаган профессионал кўникмаларига қараб олишади. Аммо Будданинг ушбу гуруҳи ҳақида бошқа, хохловчи, аммо қатнашмаган одамлар ҳам билган. Билимларни ўзгартирувчи тақлидчилар ҳар доим ҳам етарли бўлган. Таъкидлаш жоиз, Будданинг даврида, худди ҳозиргидек, афсунгарлик, турли мистик сирли билим санъатлари билан ўзининг одамлар устида кўринмас хокимиятга эга бўлиш каби худбинлик истагини деб шуғулланган одамлар кўп бўлган. Аммо худбинлик мақсадларда ва кибрини қониқтириш учун ғайритабiiй имкониятларга эга бўлиш қаерда-ю, мазкур имкониятларни руҳий дунёга хизмат қилишда ишлатиш қаерда. Шундай қилиб, Будда ўз ўқувчиларини огоҳлантиргандики, ички ўзгариш босқичларидан ўтаётиб, киши ўзининг асосий маънавий мақсадини – руҳий маънавий озодликка, яъни Нирванага чиқиш мақсадини қаттиқ ушлаб туриши керак, уни одамнинг яшашдан ягона маъноси деб билиши керак. Акс холда иллюзияга тушиб қолиш, вақтинчаликни абадийлик билан адаштириш мумкин.

**Анастасия:** Ҳа, қадимги Хиндистонда кишининг у ёки бу усул ёрдамида турли ғайритабiiй имкониятларга эга бўлиш мавзуси етарлича оммалашган эди. Буни турли динларни оммалаштириш учун ўзига хос пиар-юриш бўлган, деб айтса бўлади. Масалан, буддавiiйлик динидан ташқари бу нарса қадимий хинд фалсафасининг эзотерик

дашанлари (таълимотлари)да ҳам бор, уларда гап одамнинг рухий амалиётлар йўли билан “илоҳий қобилиятларга” эгалик қилиш орқали “ҳақиқий билимни” ўрганишининг йогавий усуллари ҳақида бормоқда. Хусусан, эзотерик мактабларда хануз амалиётнинг турли босқичларида эришилган кучларни белгилаш сифатида “шакти” каби тушунча ишлатилади. Мисол учун, Джняна-Шакти – олдиндан кўра олиш, ғойибона эшитиш, телепатия билан; Крия-Шакти – моддийлаштириш, фикрнинг кучи ёрдамида даволаш ёки зарар етказиш билан; Ичхха-Шакти – ирода кучининг, тананинг ғайритабiiй имкониятларини очилишига олиб келувчи ўзини бошқариш, астрал саёхатларни амалга ошириш қобилиятлари намоён бўлиши билан; Мантра-Шакти – коинот ритмлари, табиатга таъсир этиш билан боғлиқ кучлар.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. “Шакти” сўзининг санскритдан таржимаси “куч, қудрат” дегани. Қадимий хинд афсоналарида, айтиб ўтганимдек, “шакти” дастлабки, илоҳий, Олам масшабида аёлий табиатга эга яратувчилик кучи сифатида (Ади-Шакти), рухий амалиётларда эса – Аллатнинг ва одамнинг тўртта Махлуқотларининг вазифаларига эга кучлар сифатида эслатилади.

Диний афсоналарда мазкур бунёдкор аёл кучи Брахма, Вишну ва Шива худоларининг аёллари, шунингдек хар бир худодаги ва хар бирининг жихатлари кўринишида тақдим этилган. Қизиғи шундаки, мазкур куч (шакти) кичикроқ кучларга бўлинади, улар аёл ва эркак худолар яшайдиган нилюфар гулларининг япроқларидаги ўзгача белгилар билан кўрсатилган. Беҳабар одам учун бу маълумотлар оддий диний ривоят бўлиб кўринади. Билимдон одам эса гап нима ҳақидалигини, макрокоинот ва одам ҳақида қандай билимлар баён этилганини жуда ҳам яхши тушунади. Айтиб ўтганимдек, қадимги одамлар, айниқса Шарқда, одамнинг энергетик тузулмасини нилюфарнинг япроғига мажозан қиёслаган, унда хар бир “япроқ” – булар одамнинг Махлуқотларидан биттаси, уни ўзининг белгиси, ўзининг хаёти бор ва у бу ёки у ўлчов билан алоқа учун маъсул. Бу белгини билиб, маълум конкрет Махлуқот билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш мумкин.

**Анастасия:** Ҳа, кўплаб динларда бу билимларнинг қолдиқлари мавжуд, аммо уларни шундай моддий фалсафага ўраб қўйишганки, беҳабар кишига рухий маънавий донлар қаерда-ю, одамнинг аклидан қўшилган моддий қоришмалар ёки Хайвоний ақлдан келиб чиққан алмаштиришлар қаердалигини нафақат ажратиш, хаттоки тушуниш қийин...Айтиш жоиз, хитой даосизмида одамнинг танаси ҳам турли худолар истиқомат қилувчи микрокоинот деб кўрилишини эсладим. Албатта улар бу жараёни жисмоний тана ва унинг органлари билан боғланган деб тушуниб, ўзларича тасаввур қилади. Шундай бўлса-да,



даосизмнинг издошларига тақволи хаёт кечириш, “тананинг” руҳларини ўзларига нисбатан илиқ муносабатига эришиш ниятида эзгу ҳаракатларни амалга ошириш тавсия қилинади.

**Ригден:** Бу билимлар даосизмга хитой шаманизмдан мерос бўлиб қолган, унда одамнинг кўплаб, танани яхлитга бирлаштирувчи қалблари (шу жумладан, хайвоний қалби – “по”, малакий – “хунь”) мавжудлиги ҳақидаги тасаввур бўлган. Бироқ бу ерда ўша даврданок тушунчалардаги фарқ ва алмаштирилиш мавжуд. Гап шундаки, руҳларни ўзига қаратиш ёки улар билан келишиб олиш – аслида Хайвоний ақл билан битим тузиш дегани эди, унга биноан Хайвоний ақл одамга олтига ўлчов чегарасида қандайдир сеҳргарлик ҳаракатларини амалга оширишга имконият берарди. Одам (шаман) соддалик билан руҳлар унга ҳизмат қилмоқда деб ўйлаган, аслида эса унинг ўзи Хайвоний ақл учун ўтказувчи бўлиб хизмат қилган ва мазкур руҳлар хоҳлаган пайтда унга нисбатан ўз муносабатини ўзгартириши мумкин эди. Бошқача айтганда, аҳамиятли фарқ мавжуд: моддий дунёдаги ўзининг вақтинчалик умри давомида ғайритабиий имкониятларга эгалик қилиш учун руҳларнинг яхши муносабатига эришишми (шу жумладан ёнбош Маҳлуқотларнинг ҳам) ёки ўзининг Маҳлуқотларини ўзи бошқаришни ўрганиш, яхлитликка эга бўлиш ва Абадийликка, руҳий озодликка чиқиш.

Даосизм динида ҳам, буддавийлик динидагидек, ўзининг танасини ва онгини тубдан ўзгартириши, ўрганиш асбоби сифатида медитацияларни қўллаши издошнинг бурчига киритилади. Даосизмда ҳам “ўлмасликка” эришиш йўлидаги бундай ўзгариш туфайли, уларнинг диний таълимотига биноан, одам ғайритабиий имкониятларга ва қобилиятларга эга бўлишига урғу берилади. Масалан, у кўзга кўринмас бўлиб қолиши, фазода жойини ўзгартириши, бир вақтнинг ўзида турли жойларда бўлиши, вақтни қисқартириши ва хоказолар қилиши мумкин.

Аmmo бу борада нима демоқчиман. Ҳақиқатан ҳам, кўпгина диний концепцияларда эслатилганидек, тақлиф қилинган диний йўлдан кетаётган издош охир-оқибат у ёки бу ғайритабиий имкониятларга эгалик қилишни ўрганиши мумкин. Кўплаб одамларни бу нарса айнан Хайвоний табиати томонидан, унинг устига, руҳий маънавий уруғлардан ҳам кўпроқ мафтун этади.

Лекин ачинарлиси, одамлар шу мақсадга (ғайритабиий имкониятларга эгалик қилишга) эришиш учун бутун умрини сарфлайди, ўз кучларини бекорга талон-тарож қилиб юборади. Аmmo ғайритабиий имкониятларга эга бўлиш – бу мукаммаликнинг чўққиси эмас. Бир қадимий нақл бор: **”Киши ўз қалбида Худони билмаса, у хоҳлаган нарсага ишонишга тайёр бўлади”.**

Қандайдир ғайритабиий имкониятларни ўрганиш – рухий озодликка чиқиш дегани эмас. Ахир буни, мисол учун, қора афсунгарлик билан шуғулланувчи одамлар, яъни Хайвоний ақлинг ўтказувчилари ҳам қила олади. Аммо натижа қанақа? Сўнг субшахсга айланиб янада каттароқ азобларга дучор бўлишми? Ахир кўринувчи ва кўринмас дунёлардаги барча қилинган ишлари учун икки карра жавоб беришга тўғри келади. Ғайритабиий имкониятларни ривожлантириш фақат қуйидаги ҳолатда оқланган – мазкур жараёнга инсон ўз диққатини оширмасдан, маънавий йўлда ва рухий озодликка чиқишда мужассамланган ҳолда, шу билан ўз зиммасига, айтайлик, Рухий оламнинг “ёруғлик аскар” мажбуриятини ҳам олади. Аммо бу саноклиларнинг йўлидир. Асосан эса одамлар ғайритабиий имкониятларга эгалик қилишга диққатини қаратмаслиги керак. Одамлар учун ҳаётидаги асосий нарса – бу ўз кучларини рухий озодликка чиқишида, яъни ҳар бир кундаги рухий маънавий меҳнатда мужассам қилиш керак. Мана шу асосийси! Одамларга сен бошқалардан қайсидир жихатда яхшироқлигини исботлаш эмас, Худога Рухий оламга қабул қилинишга лойиқлигини, сенинг Шахсинг етилган Рухий Мавжудот сифатида Абдийликда бўлишга лойиқлигини исботлашинг керак.

**Анастасия:** Ҳа, кўпгина динлар ҳам мазкур имкониятлар Ҳақиқатни ўрганишдаги сўнгги босқичда, ерлик мақсадлар учун керак бўлмай қолганида очилишига кўрсатмоқда.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Ахир Шахсинг Қалб билан кўшилиши содир бўлганида ва инсон еттинчи ўлчовга чиқа олганида, у энди онги билан ўшанда яшайди ва Рухий оламда мавжуд бўлади. Уч ўлчамли дунёга нисбатан унинг ҳар қандай қизиқиши йўқолади, зеро энг қизигини у Рухий оламда ўрганишни бошлайди. Умуман олганда, инсоннинг бутун рухий маънавий йўли – бу унинг онгли ўзгаришлари, ўзининг тубдан ўзгартиришининг йўлидир. Ўз йўлини энди бошлаганида, Шахс ҳали кўп нарсани тушунмайди ва инитутив тарзда юради. Ҳар бир киши ўзининг тўсиқларига қоқинади ва рухий маънавий юриш жараёнида улардан ўтишни ўрганади. Ўзини ўрганар экан, инсон ўз ҳаётини кўринмас томонини, шу вақтгача унинг ҳаётида унчалик яхши бўлмаган воқеаларни туғдирган ўзининг Маҳлуқотларининг назорат қилинмаган фаолиятини тушунишни бошлайди. Шу тариқа Шахс ўз қайғуларининг илдизини англайди. Ўз Хайвоний табиатига наф келтирувчи нарсалардан кўпроғини тушуна бошлаганида, киши ўзининг худбинлик талабларига аҳамият бермай кўяди ва унинг хужумларини қайтариш учун доимий тайёрлик одатини ишлаб чиқаради. Вақти келиб ўз устидаги бундай ишлаш ўз маънавий меваларини беради. “Сен кўриқлаган фикринг бахтга олиб келади”, деб бежизга айтилмаган.

Шахсий танлов одамнинг хаётида катта рол ўйнайди. Шахс нимага нисбатан бефарқ бўлмаса, доимо шу нарса унинг фикрларида ҳам устувор бўлади. Киши ўзидаги вазиятни, нимани ўйлаётганини тез-тез кузатиб туриши керак ва hozir ва шу ерда нимани танлаётганини сўраши керак: бу дунёнинг азоблариними ёки ўзи ва Қалби учун Абадийликними? Ахир одам учун хаётидаги асосий иши – бу ўзининг Қалбини қутқаришдир. Ўз Қалбини қутқарар экан, инсон ўзини ҳам қутқаради. Энг узун умр ҳам жуда тез тугайди ва тўсатдан тугайди. Моддий дунёда унинг хар бир онини вақт беайёв ютиб юбормоқда. Дарвоқе, санскритда “ад” (“дўзах”) “емоқ, ютмоқ, ямламоқ” дегани, ёки қадимий рус тилида айтганда – “жрать” (“паққос туширмоқ”). Ушбу моддий дунёни қадимги одамлар айнан ўша, бугунги динлар дўзоҳ деб номлаган жой деб хисоблаган ва уни одамларни, уларни тақдирини ва Қалбини паққос тушураётган махлуқ кўринишида тасвирлашган. Аммо агарда инсон кеча-ю кундуз ўз Қалбини қутқаришни жуда ҳоҳлар экан, хар кунда ўз устида ишлар экан, шунда у моддий дунёнинг чегаралари ортига, азобларнинг ва доимий қайта туғилишларнинг чегаралари ортига бутунлай чиқиб кетиш имкониятини қўлга киритади.

Ўз Қалбини қутқариш учун, мазкур истак билан яшаш зарур. Бу нарса тақдир вазиятларидан қатъий назар, одамнинг хаётидаги ягона устувор кумсаши бўлиши керак. Аммо одам, хатто руҳий маънавий йўлга туриб олган бўлса ҳам, қоидага кўра, ундан кўпдан кўп ерлик истаклар юки билан юради, уларнинг ҳаваслари орасида эса унга ўша, Малакий табиатидан келиб чиққан ягона истакни ушлаб туриш қийинроқ бўлади. Шунинг учун у кўпинча ақлдан келиб чиққан саволларни беради.

Бу борада бир яхши масал бор. Дарё бўйида “нилюфар гули” ҳолатида ўтирган Донишманднинг ёнига бир йигит келди. Йигит Донишмандга ўзининг хурмат-эҳтиромини қайд этиб, унинг ўқувчиси бўлишга тайёрлигини ўзининг кўриниши ва ақли билан кўрсатмоқчи бўлибди. Йигит Донишмандга савол бериб, шу тариқа унинг эътиборини ўзига қаратиш учун қуйидаги саволни беришни лозим деб билди: “Донишманд бўлишим ва Қалбимни қутқаришим учун нима қилишим керак?” Аммо Донишманд на йигитни саволига, на кун давомида олдига ўз муаммолари билан ёки атиги хурмат билдириш учун келган бошқа одамларнинг саволларига жавоб бермасди. Йигит қатъийлик намоен қилиш қарорига келди ва хар гал кимдир донишманга савол берганида, у ҳам ўзининг муҳим саволини берарди. Бироқ Донишманд аввалгидек сукутда эди. Кечга яқин нилюфар гули ҳолатида ўтирган Донишманднинг ёнига оғир юк кўтарган бир камбағал келди ва қўшни шаҳарга етиб бориш учун қайси йўлдан юриш кераклигини сўради.

Донишманд тезда ўрнидан турди, камбағалнинг юкини елкасига ортиб олди, у билан йўл бошига чикди, йўналишни кўрсатиб, шаҳаргача қандай етиб боришни батафсил тушунтирди. Сўнг қайтиб келиб яна медитацияга ўтирди. Йигит Донишманднинг харакатларидан шунчалик хайрон эдики, тушкунликка тушиб, деди: ”Бу қанақаси? Нима учун бу одамнинг дунёвий саволига жавоб бердингиз ва унга шунча вақт ажратдингиз-у, менинг эса униқидан ҳам муҳимроқ Қалбимни қутқариш борасидаги саволимга ҳеч қандай жавоб бермаяпсиз?”

Донишманд ўрнидан туриб, йигитни дарё томон юришга таклиф қилди. У сувга кирди. Йигит хохламасдан унинг ортидан эргашиди, вахоланки сув совуқ, шамол эса шиддатли эди. Донишманд етарлича чуқурликкача кирди. У йигит томонга айланди-да тўсатдан уни боши билан сувга чўктиришни бошлади. Йигит чиқиб кетишга уринар эди, аммо бефойда – Донишманд уни қаттиқ ушлаб турган эди. Ниҳоят, Донишманд йигитни қўйиб юборди ва у шошилиш холда сувдан чиқиб, очкўзларча нафас олишни бошлади ва ҳавога ҳеч тўймасди. Донишманд эса хотиржамлик билан сўради:” Сув остида бўлганида хаётингда энг катта истагинг нима эди?” Йигит шубҳаланмасдан жавоб берди: ”Ҳаво! Менга фақат ҳаво керак эди!” Донишманд аниқлади: “Фақатгина ҳавоми? Балки сен бунинг ўрнига бойликка, шон-шухратга, роҳатга, одамлар орасида обрўга ва уларнинг устидан хокимиятга эғалик қилишни истагандирсан?” Йигит бақриб юборгидай бўлди:” Нима?! Мен фақат ҳавони хохладим ва фақат ҳаво ҳақида ўйладим! Усиз мен ҳалоқ бўлардим!” Донишманд мамнуният билан бош ирғади ва жавоб берди: ”Шундай экан, Доно бўлиш учун сен худди хозир хаётингни қутқариш учун ҳавони хохлаганингдек ўз Қалбингни қутқаришни холашинг керак! Бу хаётингда курашишинг керак бўлган ягона мақсадинг бўлиши керак. Кеча-ю кундуз бу сенинг ягона интилишинг бўлиши керак. Агарда сувнинг остида хаёт учун курашганда кўрсатган шижоатинг билан Қалбингни қутқариш учун ўз устингда меҳнат қилсанг, сен албатта Доно бўласан ва қутқариласан!” Донишманд сўзларини айтиб бўлгач, сувдан чиқишни бошлади, улардан кўзлари очилган Йигит эса совуққа ҳам, шамолга ҳам эътибор бермасдан тураверарди. Қирғоққа етиб борган Донишманд ортига қаради-да, шундай деди: ”Юки бор одамга ёрдам берганимнинг сабаби шундаки, бугун менга саволлари билан мурожаат қилганларнинг орасида ҳақиқатдан ҳам айнан сўраётган нарсасини излаётган ягона инсон у эди.”

**Анастасия:** Ажойиб масал экан. Унда руҳий маънавий йўлни фақат орзу қилганларнинг маҳфий истақлари ҳам, ўзининг руҳий қутқарилишини ҳақиқатан ҳам истаган ва кўп ишлаган одамнинг холати таърифланган.

**Ригден:** Ички озодликка чиқиш йўли доимо биринчи қадамдан бошланади. Ўрганишнинг бошланғич босқичларида одамда ҳақиқатан ҳам бир талай одатий, ерлик истаклари мавжуд ва, агарда амалий тажрибаси бўлмаса, уларнинг мафтункорлиги ортидан унга Малакий табиатидан чиқувчи ўша ягона истакни ушлаб туриш кийиндир. Кўпчиликнинг хатоси шундаки, улар руҳий маънавий йўлни асосий йўл эмас, балки ўзининг қайсидир маънода одатлар, фикрлашнинг маълум қолиплари ва хоказолар бўйича шаклланган хаётига қўшимча деб билганини дастлабки босқичларда пайқамайди ҳам. Бунда ката фарқ бор: ўзини ва ўзининг одатларини ўзгартириш – бу бир иш бўлса, ўзини ўзгартирмасдан, мана шу билимлар ёрдамида бу дунёда каттароқ аҳамиятга эгалик қилишни хошлаш – бошқа ишдир.

Ўзининг руҳий маънавийлиги ҳақида хабари бўлмаган киши хар куни, худди кўза томчиларга тўлганидек, ёвуз фикрлар, зарарли хис-туйғулар, бўм-бўш истаклар билан тўлиб боради. Натижада мазкур моддий “лой” массаси унинг кейинги тақдирини хал қилади. Одам маънавий йўлдан юрганида эса, у, онгини хар куни тўлдириб, уларга эътиборини қаратиб ва ўз танловини тасдиқлаб, мажозий маънода, ўз томчи-фикрларининг софлигини назорат қилиб туради. Вақт ўтиб унинг онги фақат эзгу фикрлар ва хис-туйғуларда мужассам бўлиш одатига эга бўлади. Шахс худди тонгдаги ёш нихолга ўхшаб қолади, у ўзи учун хаётбахш бўлган соф зилол, унга намлик берувчи ва ўсишини рағбатлантирувчи шудрингчаларни йиғади ва бу нарса унга кейинчалик мустақил ўсимлик бўлишига ижозат беради.

Ўз устидаги кундалик меҳнат кўринмас дунёдаги тажрибани орттиришга ижозат беради, у эса ўтмишнинг тушунишини беради, масалан, нима учун тушкунлик, хаётдан норозилик ҳолатлари бўлганлигининг тушунишини ва хоказо. Одам яхшироқ бўлишни хоҳласа-да, аммо шу вақтнинг ўзида унинг одатий хаёт тарзини ўзгартириш хавфини келтириб чиқарувчи хар бир сабабга кўра деярли хайвоний кўрқувни нима учун хис этишини тушуниб қолади. Руҳий асбоблар ёрдамида одам фикрларини назорат қилишни ва ўзининг асосий тўртта Маҳлуқотларини бошқаришни ўрганади. Руҳан ривожланар экан, у чуқурликдаги туйғулар орқали кўринувчи ва кўринмас дунёни материяда чегараланган ақли позициясидан эмас, балки руҳий маънавий, интуитив, дунё ҳақидаги ахборотнинг энг кенг спектрини қамраб олувчи ва Қалб билан – Худонинг дунёсига бўлган портал билан доимий алоқани ушлаб туришга ижозат берувчи билим позициясидан тушунишни бошлайди. Руҳий дунёни ўрганиш нияти мустаҳкам қоядек бўлиб қолади, уни хеч қайси шубҳа-гумонлар шамоли жойидан кўзғата олмайди.

**Анастасия:** Ҳа, кундалик амалиёт маънавий йўлдан юриш жараёнида одамга ўзини англашга ва тўғрилаб туришга ёрдам беради. Агарда фақатгина назария билан чегараланиб қолса, бу қимматбаҳо вақтни кетказиб, жойида туриш билан баробардир. Қадимгилар айтганидек, руҳий маънавий йўлдан юқорига учаётган йўлдан юраётганни ўзиб кетади. Юраётган ўрганиш йўлидан ўрмалаб кетаётганни ўзади. Ўрмалаётган эса бир жойда турганни ўзади. Биринчи қадамни босмоқ – ўзини ўрганишдаги олға ҳаракатни бошламоқ деганидир.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Руҳий йўналишдаги илк қадамлар сенинг олдинги китобларингда таърифланган. Ва “Пирамида” медитацияси каби ўз устидаги чуқурлаштирилган ишнинг кейинги босқичини таърифлашдан аввал оддий, аммо фойдали бўлган ўзининг тўртта Маҳлуқотларини ўрганиш медитациясини гапириб бериш жоиз. Турли даврларда турли халқларда у турлича номланган. Масалан, узок ўтмишда славян халқларида, христианликнинг пайдо бўлишидан ва мазкур диннинг ушбу халқнинг ҳам онига сингдирилишидан анча олдин, унинг номи “Четверик” (“Тўртлик”) бўлган ва у одамнинг ўзини мукаммалаштириши жараёнидаги таянч дастлабки амалиётлардан бири эди...

**Анастасия:** Сиз одамнинг тўртта Маҳлуқотларини онгли идрок этиш медитациясини назарда тутмоқдамисиз?! Бу ҳақиқатан ҳам жуда самарали медитациядир, у ўзини ўрганишга, ўзининг Маҳлуқотларининг кундалик ишини хусусиятларини, уларнинг фикрлар ва эмоционал ҳолат орқали онга таъсирини аниқлашга қаратилган.

**Ригден:** Ушбу оддий медитация аслида ўз Маҳлуқотлар билан онгли танишувнинг дастлабки қадамидир. Уни ўрганар экан, одам нафақат ўзининг эмоционал ҳолатларини ростлашни, балки уларнинг пайдо бўлишининг сабабларини ҳам тушунишни ўрганади. Ахир, қоидага кўра, оддий ҳаётда одам нима учун худди об-ҳаводек ўзгарувчан кайфиятлар, эмоциялар унга бирданига тўлқин бўлиб ёпирилиб келганини пайқамайди ва кузатмайди ҳам: ҳали жаҳлдорлик, ҳали тажовузкорлик ёки айёрлик худбинлик билан биргаликда, ҳали кўрқув, ҳали тўсатдан ўтмишнинг салбий воқеалари ва хоказо. Энг яхши вазиятда одам мазкур ҳолатларини унинг онгини бутунлай эгаллаб олган Хайвоний табиатининг яққол намоён бўлиши деб билади. У фикрлар ва эмоцияларнинг бузуқ доирасидан азият чекишни бошлайди ва шу билан бирга уларни ўз эътибори билан кучайтиради. Бошқача айтганда, одам ёнбош Маҳлуқотларининг дастлабки провокациясини кузатиб бормайди. Мазкур медитация эса нафақат ушбу жараённи кузата олишга, балки ўз вақтида уни тўхтатишга, яъни ушбу ҳолат

одамни бутунлай камраб олгунга қадар босилишига ёрдам беради. Шунинг учун ушбу медитация нафақат жуда самарали, балки, аҳамиятли томони ҳам шундаки, у айниқса эндигина бошлаганлар учун ўзлаштирилиши осон, чунки психотехникага яқин.

**Ушбу медитациянинг мақсади:** тўртта Маҳлуқотларнинг ҳар бирининг фаоллашув лаҳзаларини тушунишни ўрганиш, уларни хис этиш, бундай фаоллашувнинг йўлдоши бўлган эмоционал кўтарилишларни аниқлаш, шунингдек мазкур жараён туғдирган, кейинчалик кайфиятнинг ўзгаришига таъсир этаётган у ёки бу фикрларнинг намоён бўлишининг характерини тушуниш.

Медитацияни одам турган ҳолатда бажаради. Медитация бажарувчиси унчалик катта бўлмаган тўрт қиррали пирамиданинг асосини марказида турганини, яъни қияли крест типиди бўлинган фазонинг ўрта марказида турганини тасаввур қилади. Бу фазонинг ҳар бир қисми аслида тўртта Маҳлуқотларнинг бирининг майдонини намоёйиш этади. Айрим аниқлаштиришлар қиритаман. Пирамиданинг квадрат асоси шартли равишда диагоналар билан тўртта тенг қисмларга бўлинган, яъни “х” ҳарфи кўринишидаги қия крест билан. Медитацияни бажарувчи крест чизикларининг кесишиш марказида туради, крест шартли равишда одамнинг атрофидаги фазони тўртта ҳажмли қисмларга бўлади. Бир сўз билан айтганда, медитацияни бажарувчининг олдида, орқасида, ва ёнбошларида гўё учбурчак фазолар мавжуд. Одамнинг тушунишида тўртта Маҳлуқотларнинг майдонлари тахминан шундай кўринишга эга...

Энди эса ҳар бир Маҳлуқотнинг марказининг жойи ҳақида аниқлаштираман. Мазкур учбурчакли фазоларнинг марказларида тўртта томоннинг ҳар бирига одамнинг горизонтал йўналишда узатилган кўлларида сал узоқроқ масофада ушбу Маҳлуқотларнинг марказлари жойлашган. Ҳар бир Маҳлуқотнинг энергетик маркази шартли равишда ўзига хос қуйқумдир, айтайлик, унинг шакли коптокни ёки катта бўлмаган шарни эслатади, зичлик даражаси бўйича эса, мажозий маънода, у газли сайёрага ўхшайди. Катта бўлмаган шар – бу ҳар бир Маҳлуқотнинг марказини мазкур медитациянинг яхшироқ ўзлаштириш ва соддароқ тушуниш учун рамзий тасаввурдир. Аслида эса бу мураккаб тузулма. Шар билан мажозий таққослаш одам тузулмасининг биринчи ўлчовда идрок қилишга тенг, унда одам нуқта бўлиб кўринади. Аммо юқори ўлчовлардан одамнинг тузулмаси билан энди ўзининг бутун кўп ўлчамлигида идрок қилинади, мураккаб энергетик тузулма сифатида. Маҳлуқотларнинг марказлари ҳам шундай: улар бор-йўғи уч ўлчамли ўлчов яшовчиси учун - шарлардир.

*Шундай қилиб, фикрларни, эмоцияларни тинчлантирамиз, медитация холатига кирамиз. Нафас олиш одатдагидек, хотиржам. Кафтларнинг марказларида жойлашган қўлларнинг чакранларини очамиз. Нафас олиб, “ци” энергиясини (ҳаво энергиясини) кафтларнинг чакранлари орқали киритамиз ва қўллар бўйлаб уни елкаларгача кўтарамиз, нафас чиқаришда “ци” энергиясини (ҳаво энергиясини) елкалардан пастга қараб ёнбош меридианлар бўйлаб (тахминан тананинг ёнбошларидан) ўтказамиз ва иккита оқимни “Хара” номли чакранда бирлаштирамиз (у киндикдан уч бармоқ пастда жойлашган) ва ушбу энергия билан қориннинг пастки соҳасини худди косани сув билан тўлдиргандек, тўлдирамиз. Сўнг, тўлдирганимиздан кейин, (кимдадир илк босқичларда тасаввур орқали, кимдадир қориннинг пастки соҳасида сал оғирликни хис қилишгача) тўпланган энергияни қориннинг пастки соҳасидан умуртқа орқали бошга йўналтирамиз, хусусан, оралиқ миянинг гипоталамус соҳасига (деярли бошнинг марказида жойлашган бош миянинг “қадимий тузулмалари”га). Мана шу жой (бошнинг маркази) ўзига хос урталикдаги марказ бўлади ва у ерга медитация бажарувчиси мазкур медитация пайтида доимо “қайтиб туради”.*

**Анастасия:** Бу ерда Сиз бизга қачондир айтиб берган иккита қизиқарли лаҳзани эслатишни хоҳлардим. Биринчидан, “Хара” чакранининг тўлдирилиши косанинг сувга тўлишига ўхшатишади. “Хара” сўзи япончадан таржима қилганда “қорин” дегани. Бундан аввалги санскритча “hara” сўзи эса қадимий хинд трактатларида аёлий табиатли олий яратувчилик кучнинг – Шакти аёл худонинг исмларидан бири бўлиб чиққан. Одам ҳақидаги муқаддас билимлар контекстида сув билан коса қочиримли маънога эга бўлган ва руҳий амалиётларда ҳаракат қилувчи кучлар ва жараёнларга кўрсатган. Иккинчидан, бевосита мазкур медитацияга тегишли. Сиз ўша пайтда урғу берган нарса – бу медитация бажарувчисининг нафас олишга эътиборини фақат унинг бошланишида, қориннинг пастки соҳасини энергия билан тўлдиргунга қадар қаратиши кераклиги. Кейин эса ўз эътиборини умуртқада энергиянинг юришига ва медитациянинг кейинги жараёнини кузатишга қаратади, нафас олиши эса аста-секинлик билан, автоматик тарзда амалга ошади. Ўз вақтида мазкур тафсилотлар ушбу медитацияни ўзлаштиришдаги илк қадамларнинг тушунушини берди.

**Ригден:** Тўғри. Медитацияда хотиржам, табиий равишда нафас олмоқ керак, бутун эътиборни эса шу онда рўй бераётган жараёнларга қаратмоқ керак...Шундай қилиб, даставвал барча хис-туйғулар, бошқа медитациялардагидек, мувозанат, тинч холатга келтирилади. Шунга муносиб равишда барча Маҳлуқотлар ҳам “нейтрал”, қўзғалмаган холатда бўлади. Медитация бажарувчиси уларни айтайлик, бир вақтни ўзида хис қилгандек бўлади. Маҳлуқотларнинг марказлари, худди катта



коптоклар, куёшчалар, сайёрачалардек, кимга қандай тасаввур қилиш қулай бўлса бошида. Вақт ўтиб, медитация устида ишлагани сайин, одам Махлуқотларнинг ишини ўзининг ички сезишларига қараб хис эта бошлайди. Мутаносиб тажриба орттирганидан сўнг эса, одамнинг мажозий тасаввурларни ишлатишда эҳтиёжи қолмайди. У ерда энди ўзини ўрганишнинг бошқа босқичи бошланади.

**Анастасия:** Ҳа, ўзимнинг руҳий амалиётларни ўзлаштириш тажрибамдан келиб чиқиб, мен қуйидаги хусусиятни пайқадим: янги медитацияни қандай бажариш ҳақидаги маълумотни илк бора тинглаганимда, уни айнан қандай бажариш борасидаги ақлдан келиб чиққан мингта савол туғилади. Сиз янги медитацияни ўргатганингизда хаамиша турли ассоциатив қиёслашларни беришингизни сабабини энди тушундим. Бу ақл учун тушунтириш, моддий миянинг тушуниши, медитациянинг умумий схемасини аниқлаштириши учун. Яъни бу (онги айни пайтда уч ўлчамли ўлчовни идроки режимида ишлаётган) одамга унинг онги бошқа ўлчовларнинг, аниқроғи бошқа ўлчовларда жойлашган ўзининг ташкилий қисмларини идрок қилиш режимига ўтганида медитацияда содир бўладиган ходисаларни тушунтиришга уринишдир. Ахир медитацияни бевосита бажарганимда барчаси оддий, равшан бўлиб қолади, чунки уни чуқурликдаги туйғулар ёрдамида, онгнинг кенгайтирилган ҳолатида бажарасан, унда сенда дунёни кенг идроки мавжуд ва уч ўлчамли ўлчов яшовчисининг одатдаги ўз-ўзини баҳолаши ўчган бўлади.

**Ригден:** Сўзсиз, барча ўлчовлар ўзаро боғлиқ, шу жумладан одамнинг “кўпқаватли” энергетик тузулмаси турган олтига ўлчовларга ҳам бу тегишли. Учинчидан, юқорида жойлашган ўлчовларда содир бўладиган ходисаларни тушуниш учун медитатив тажриба ва одамнинг, айтилик хеч бўлмаганда асосий дунёқарашида, ўз устида кундалик ишлашида реал ўзгаришлари зарурдир. Шундагина у ҳақиқатан ўзи нимадан иборатлигини, дунё нима ва унда қандай сирлар яширинганлигини англаши мумкин. Одам ўзининг шахсий тажрибасига эга бўлганида унга “мингта сўз”, ақл учун турли тушунтиришлар керак бўлмай қолади, унга у ёки бу ходисанинг намоён бўлишига ишора бўлса бас, у дархол уни идентификация қилиб, нима ва қандай содир бўлаётганини тушунади.

Дарвоқе, ақл учун озуқа сифатида мазкур медитацияда ишга тушадиган миянинг тузулмалари борасида маълумотни қайд этаман. Оралиқ мия сезувчанликнинг барча турларининг ўзига хос коллекторидир. У хотирани, уйқуни, инстинктив хулқ-атворни, психик реакцияларни тартиблашда, сезувчанликнинг хар хил турларининг коррекциясида бефосита иштирок этади. Бор-йўғи 5 грамм вазнга эга гипоталамус деб

номланган оралиқ миянинг бўртмачаси остидаги жой ўзи нима? Гипоталамусда вегетатив асаб тизимининг энг муҳим марказлари жойлашган. Хуллас, унда бевосита вегетатив асаб тизимининг симпатик ва парасимпатик марказларининг мувофиқлаштирилиши амалга ошади, улар бутун организмни ушлаб туради, десак ҳам бўлади. Гипоталамус гомеостазни асосий жараёнларини бошқаради, яъни ташқи мухит ўзгарганида ички мухитнинг динамик мувозанатини координацияланган реакциялар воситасида ушлаб туради. Унданда кўпроғи, чўзинчоқ мияда, шу жумладан, парасимпатик асаб тизимининг асосий асаб толаси, бошсуякнинг энг узун нерв толаси бўлмиш силжиб юрувчи асаб толаси (nervus vagus) ҳам жойлашган, унинг шохлари қуёшли ўралишни хосил қилишда ҳам иштирок этади.

Аммо медитацияга қайтсак...*Айнан миянинг марказидан (шартли, ўрталик марказдан), оралиқ миянинг юқорида кўрсатилган гипоталамик худудидан, кейин бошнинг маълум нуқталари орқали медитацияни бажарувчи (“Хара”да тўплаган ва умуртқа орқали бош мияга ўтказган) энергияни навбатма-навбат хар бир Маҳлуқотнинг марказига ўтказишди.* Шу тариқа одам сунъий равишда ўз Маҳлуқотларини фаоллаштиради, шу билан ўзида турли бошланғич эмоционал кўтарилишларни туғдиради ва уларни ўрганади. **Медитация бажарувчининг вазифаси:** Одатий ҳаётда маълум эмоционал кўтарилишлар кўринишида намоён этилувчи хар бир Маҳлуқотнинг фаолиятини аниқлашни ўрганиш. Медитация пайтидаги одамнинг хар бир Маҳлуқоти билан бўлган ўзаро таъсири жараёнини батафсил кўриб чиқамиз.

**Даставвал медитацияни бажарувчи Ўнг Маҳлуқот билан ишлайди.** *Медитацияни бажариш давомида “қи” энергияси оралиқ миянинг гипоталамик худудидан бош миянинг чакка қисми ичкарисида жойлашган ўнг бодомсимон тана орқали кетади. Сўнг ўнг қулоқ устида жойлашган нуқта орқали энергия бевосита Ўнг маҳлуқотнинг шар-марказига ўтади.*

*Ўзининг бош миясининг тузулишини билмаганлар учун шуни қайд этмоқчиманки, одамнинг миясида иккита бодомсимон таналар мавжуд, улар ўнг ва чап томондан жойлашган. Бу жуда қизиқарли қобик ости миянинг тузулмаси, у турли эмоцияларнинг шаклланиши билан боғлиқ.*

**Анастасия:** Бугунги кунда фанга маълумки, бодомсимон таналар одамнинг атрофидагиларининг юзларидан ахборот ўқиб олиш қобилияти учун жавобгар экан. Шундай қилиб, одамлар ўзини айна вақтда қандай хис этишини киши ғайритабiiй онги ёрдамида

тушунади. Аммо ахборотни ўқиш механизмининг ўзи олимларга хали охиргача равшан эмас.

**Ригден:** Тушунса бўлади, ахир бодомсимон таналарнинг ахборотни ўқиш каби ва бошқа вазифалари одамнинг энергетик тузулмасидаги унинг ёнбош Махлуқотларининг фаолияти билан боғлиқ-да. Жисмоний танада бодомсимон таналарнинг вазифалари вегетатив эмоционал реакциялар, ҳимоя хулқини таъминлаш, шартли-рефлектор хулқини мотивацияси билан боғлиқ. Бугунги кунда бодомсимон тананинг шикастланиши жahl, тажовуз, хатарни хотираси кабилар учун маъсулдор бўлган тузулмаларнинг қисман йўқолишига олиб келиши мумкинлигининг фақти илмий исботланган. Бошқача айтганда, бу одамда кўрқувнинг қисман йўқолишига олиб келиши мумкин, бу нарса эса уни ўзи англамай қолган доимий хатарга йўлиқтиради. Кўрқувларни ва назорат қилиб бўлмас тажовузнинг кўтарилишларини бодомсимон танани жарроҳлик йўли билан бузиш ёрдамида даволашга тиббиётда хатто уринишлар ҳам бўлган. Қайд этмоқчиман, мақсад хар доим ҳам унга эришиш воситаларини оқлавермайди. Ўзинг устингдан эришган ғалабанг хар қандай жарроҳлик аралашувдан муҳимроқдир. Устига устак, одам ўзининг барча кўрқувларидан ва Хайвоний табиатининг намоён бўлишларидан барибир қутулмайди. Умуман олганда, одамнинг организмида “ортиқча деталлар” йўқ, шунинг учун ўткир зарурат туғилмаса, ундан ниманидир олиб ташлашнинг хожати йўқ.

Ва кулоқ устидаги нукта борасида яна бир жуфт гап. Мазкур худудда ҳам (одамнинг тузилиши билан энергетик боғланган) тузулмалар мавжуд, улар онгнинг ўзгартирилган ҳолатида турган одамнинг фазовий муносабатларни идрок қилишда...аниқроқ айтсак, унинг турли ўлчовлар фазоларидаги ориентациясида иштирок этади. Мазкур жараёнда тўртта Махлуқотлар ҳам қатнашади. Гарчи бу ерда бир фавкулотда ҳолат мавжуд. Бу Махлуқотлар учун уч ўлчамли дунё яшовчиси идрок этувчи кўринишидаги фазо ва вақт мавжуд эмас. Аммо одамдаги вақт ва фазодаги интуитив аниқ ориентацияси айнан Махлуқотларнинг ишига биноан туғилади.

Албатта илгари одамлар ўзининг энергетик тузулишининг миянинг жисмоний тузулмалари билан алоқасининг бундай тафсилотларини билмаган. Шундай бўлса-да, қадим замонларда мазкур медитацияни бажарган одамлар ҳам уни муваффақиятли амалга оширган. Қадимги одамлар медитациянинг мазкур босқичида “шамолнинг нафаси”ни аввал бошининг марказидан, сўнг унинг ташқи нуқталари орқали фазонинг конкрет жойларига ўтаётганини тасаввур қилган, ва шунга биноан маълум ҳаракатлар амалга ошган. Масалан, қадимий русларнинг рухий

амалиётларида бу жараённи уюрмани айлантириши сифатида, тўртта шамолнинг хукмдорлари билан алоқа сифатида тасаввур қилишган. *Шамоллар йилнинг тўрт фаслининг хусусиятларига эга бўлган: қишки, ёзги, кузги ва баҳорги (Олд Маҳлуқотнинг сифатлари билан таъминланган оҳиргисини қадимги славянлар ўзгача эъвозлаган.)*

**Анастасия:** Мазкур медитацияни сифатли бажариш учун бош миянинг тузулишини батафсил билиш шарт эмас, демоқчимисиз?

**Ригден:** Ҳа, бироқ бу билимлар умумий интеллектуал ривожланиш учун фойдалидир...Кейинчалик мазкур медитацияни бажариш тажрибасини кундалик ҳаётда қўллаш мумкин, ўзида салбий фикрлар ва эмоцияларнинг туғилишининг бошланғич жараёнларини кузатиб, ва, шунга кўра, уларнинг номаъқул ривожини вақтида тўхтатиш мумкин. Ўз устида ишлашнинг мазкур жараёни вақт ўтиб, масалан, пиёда юришдек одатга айланади. Ахир одам даставвал мувозанатни ушлашни, сўнг қадамлашни ўрганади, кейин эса мазкур жараён кундалик одатга айланади. Натижада, одам фазода қандай қилиб жойини ўзгартираётганини пайқамайди ҳам. У аввал бажарилган меҳнатининг натижаларидан қайсидир кундалик вазифаларни бажариш учун фойдаланади, холос. Ушбу медитацияга ишлов бериш тажрибаси билан ҳам худди шундай. Хар кунида ўзининг эмоционал ҳолатларининг туғилишини ёки кўтарилишини назорат қилиб, одам ўз эътиборини ва ҳаётини кучларини сарфланмаган ҳолда муҳимроқ бўлган маънавий вазифаларни бажариш учун сақлаб қолади. Бундай назоратнинг ташқарисидида эса, у одатда англамаган ҳолда ўзининг мазкур кучларини Хайвоний ақлнинг дастурлари ва иродасига талон-тарож қилиб юборади, шу билан ўз онгида салбий фикрлар ва эмоцияларга устуворлик қилишга ижозат беради.

**Шундай қилиб, Ўнг Маҳлуқотнинг маркази билан ичкаридан ишлаш қандай амалга ошади?** Одатда одам у ёки бу Маҳлуқотининг фаоллашувини кундалик ҳаётида пайқамайди, бироқ бундай жараённинг натижасини яхши хис этади. Ёнбош Маҳлуқотлар ишга тушганида одамнинг кайфияти тўсатдан ўзгариши мумкин, унинг устига бирор аҳамиятли сабабсиз. Одам тушкунликка бирданига тушиб қолади, ёки бирданига унга кўрқув, ихлоснинг йўқолиши, кумсаш, бифарқлик туйғуси, ёки, аксинча, тажовузкорлик ёпирилиб келиши мумкин, ўтмишдаги ҳафачиликлар ва хоказолар эсига тушиб қолади. Бу нима учун рўй беради? Чунки ёнбош Маҳлуқотлар фаоллашади, мазкур вазиятда – Ўнг Маҳлуқот. Кейин Маҳлуқот мазкур эмоционал ҳолатга хос бўлган фикрларни туғдиради ва улар билан одамнинг эътиборини эгаллаб олади. Моҳир манипулятор каби одамни юқори қабул қилиш

холатида ушлаб олади, айтайлик, унга турли ўйлаш вариантларини “таклиф қилади”, аммо бир хил эмоционалликда.

Бошқача айтганда, одамда Хайвоний табиати устувор бўлганида, ёнбош Маҳлуқотлар ўзининг одатий иш режимида Шахсни шунга ўхшаш эмоционал кўтарилишларга ундайди. Бундай кўтарилишлар эса мия учун нимани англатади? Бу ўша код каби, у қачондир қабул қилинган шунга ўхшаш хаёлий кечирмаларни, эмоцияларни, холатларни тажрибасини сақловчи маълум хотиравий блокларни фаоллаштиради. Хотиранинг мана шу “омборларини” очиб, уларнинг ичидагиси билан одамнинг эътиборини қамраб олиб, ёнбош Маҳлуқотлар шу тариқа одамни салбий холатга киритади. Сўнг мана шу узандаги кайфиятнинг кучайиши, бир хил фикрларда халқаланиш рўй беради.

Натижада одамнинг ўзи, ўзининг қаерга эътиборини қаратишнинг танлови билан хаётий энергияни Хайвоний табиатининг фикрларига сарфлаб юборади, шу билан у мазкур эмоционал кўтарилишларни келтирувчи у ёки бу Маҳлуқотни озуклантиради. Маҳлуқот эса, ўз навбатида, одамнинг ўзининг эътибори ресурси хисобига ўзининг таъсирини кучайтиради. Одам депрессив ёки тажовузкор холатдан чиқишни хоҳлагандек бўлади-ю, аммо аслида ундан ҳеч қутула олмайди. Нима учун? Чунки бу холатни пайдо бўлишига ўзининг танлови билан йўл қўйди – мазкур холатда халқалаб қўйувчи у ёки бу фикрларини мулоҳаза қилди. Чиқиб кета олмайди, чунки аслида ушбу салбий фикрлардан воз кечишни, ўз онгида уларни рад этиб, бундан кейин йўл қўймасликни истамайди. Чунки улар жуда ҳам кибрини, улуғлик чанқоқлигини, ўз аҳамиятлиги туйғусини ёки, Хайвоний табиатининг қадоклаб қўйган стандарт упаковкасидаги бошқа “шурва учун тўплами”ни тегиб қўйди-да.

Одамнинг онгида Хайвоний табиатининг устуворлигида ёнбош Маҳлуқотлар доимо Шахснинг диққатини энг асосий нарсдан – маънавий озодликда мужассамланишдан чалғитиб туради. Агар мазкур тез-тез такрорланувчи жараёни бутун умр масштабида олсак, психологик ўзини айблаш “майда-чуйдалари” одамнинг эътиборини доимо хаётининг асосий мақсадига эришишдан чалғитиши келиб чиқмоқда. Ундан-да кўпроғи, одам мавжудликнинг иллюзиясига тушиб қолади ва асосий сабабни: ўзи у ҳозир ва шу ерда, мана шу шароитларда нима учун яшамокда, ушбу вақтинчалик, ўлими муқаррар танада нима учун “қамалганлигини тушунмайди. Афсуски, кўпинча умр шиддат билан ўтиб кетади ва одам ўзи нима учун туғилганини, эътиборининг кучи нималарга сарфланиб кетганини, ўзининг қимматбаҳо хаётий кучлар захирасини қандай майда-чуйда шаклдоқларга (бўм-бўш истаклар, муносабатларни аниқлаштириш,

устуворлик учун кураш ва хоказоларга) алмаштирганини тушунишга улгурмайди ҳам.

**Анастасия:** Ҳа, илгари менда ҳам фикрларни доирада халқаланиши, бу борадаги ғам-қайғулар, билинмас, аниқроғи, мен учун одатий бўлиб қолган, хаётнинг бўм-бўш майда-чуйдаларига, хафачиликларга, умидсизликка, тажовузкорликка ёки аҳамиятлилик туйғусини қондиришга эътиборни қаратиш тез-тез рўй берган, улар мен учун ўша лаҳзада жуда муҳим бўлиб туюлган. Лекин кейинчалик шуни тушундимки, сен билан нима рўй бераётганини вақтида тушуниш, бу жараёни олдини олиш ёки ростлаш учун энг асосийси – ўзингни, ўзингни табиатингни билишинг экан. Сизнинг қачондир берган тавсиянгизга кўра, ушбу, “мавжудликнинг майда-чуйдалиги”дан амалда чиқиш учун ўзининг Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан глобал нигоҳ ташлаш, умрнинг тез ўтиб кетишини ва ҳақиқий сен, яъни сенинг Малакий табиатинг учун у ёки бу саволларнинг устуворлигининг реал тушуниши ёрдам беради.

**Ригден:** Соддароқ айтганда, онгнинг кенгайтирилган ҳолати...Тўғри. Онгнинг торайган ҳолати эса айнан сенинг Хайвоний табиатингни ишига, айтайлик, онгингни “материализацияси”га хосдир. Масалан, тушкунлик ҳолати нима учун пайдо бўлади? Ўнг Маҳлуқотнинг фаол иши туфайли. Бундай вазиятларда одам яққаланишга ҳаракат қилади, айтайлик, бир ўзи бўлиб вангиллаб ўтиради. Мазкур бир хил типли таъсир узоқ вақт давом этганида эса, бу нарса суиқасдгача ҳам олиб келиши мумкин, ва бундан, дарвоқе, Кандуклар фойдаланади. Ва ҳеч қандай тушкунликка қарши дорилар бу ерда ёрдам бермайди! Уч ўлчамли дунёнинг кўпол материясига таъсир этувчи кимё қандай қилиб нозик энергиялар даражасидаги таъсирлардан ёрдам бериши мумкин? Бироқ ўзидаги бундай ҳолатларни тўхтатишга ҳар бир одам қодир. Ва буни амалга ошириш у қадар қийин эмас, албатта, қандай қилишни билсанг.

Аммо медитация техникасининг ўзига қайтсак... *Шундай қилиб, медитацияни бажарувчи нафас олади, нафасини чиқарганида энергия бошининг марказидан (миянинг “қадимий тузулмаларидан”) ўнг қулоқнинг тепасидаги нуқтадан Ўнг Маҳлуқотнинг шар-марказига киради. Ушбу Ўнг Маҳлуқотнинг шар-марказининг соат милига қарши айланиши бошланади.* Эътибор бериш лозим, Ўнг ва Чап Маҳлуқотларнинг марказларининг айланиши айнан соат милига қарши амалга ошади. Бу бор-йўғи физика. Одамга уларнинг соат мили бўйлаб айланишининг кўриниши эса – бу тасаввурнинг ўйинидир. Даставвал шарнинг соат милига қарши айлантирилиши тасаввур даражасида амалга ошади. Аммо кейинчалик медитацияни бажарувчи ҳам мазкур

марказнинг айланишини, ҳам Ўнг Маҳлуқотнинг “шари”нинг *зич ва иссиқ* ҳолатда яққол хис этилишини сеза бошлайди.

Шу тариқа одам Ўнг Маҳлуқот марказини сунъий равишда фаоллаштиради. Ва У ўзининг одатий ишини бошлайди – индивид онгида Хайвоний табиати устувор бўлганидаги ишини. Хар бир одамнинг хаётида шундай лаҳзалар бўлганки, кўрқув ёки кучли хаяжон вақтида у исишни, ёки, аксинча, совуб кетишни бошлаган. Физиологлар буни вегетатив тизимнинг реакциясига йўяди. Аммо мазкур ходисанинг келиб чиқиш табиати анча чуқурроқ ётади – кўринмас дунёнинг физикаси даражасида.

Шундай қилиб, медитация бажарувчининг вазифаси – кейинчалик, кундалик хиссиётларда уларни пайдо бўлишининг пуштидалигидаёқ таниб олиш ва тўхтатиш учун, мазкур Маҳлуқотнинг ишига хос бўлган эмоционал кўтарилишларни хис этиш. Ушбу медитация пайтида одам, бир томондан, хиссиётларнинг бутун гаммасини янгидан бошдан кечиргандек бўлади, бошқа томондан эса – Малакий табиат Кузатувчиси позициясидан вазиятни пуштида кўра олади, яъни одатий кундалик турмушда ундан яширинган Хайвоний табиатининг фаоллашувини, айтайлик, хужумга тайёрланаётганини кўради. Бошқача айтганда, медитацияни бажарувчи вазиятни кузатади: онгининг босим ўтказувчи ҳолатини пайдо бўлишини айнан қандай эмоционал кўтарилишлар келтириб чиқаришини, шу пайтда қандай фикрлар пайдо бўлишини, қайси фикрлар ғазабни, тажовузкорликни ўйғотишини, шунинг билан хаётининг қайси лаҳзалари, ассоциациялари юзага чиқишини ва хоказоларни. Буларнинг барчаси бундай салбий ҳолатнинг қайтадан бошдан кечириш орқали рўй беради. Албатта, одамнинг хис-туйғуларини ёқимли деб бўлмайди. Аввал енгил хаяжон хисси пайдо бўлади, сўнг ғазаб, тажовуз ёки кўрқув, тушкунлик ҳолати, ўтмишдаги ҳафаликлар ҳолати пайдо бўлиши мумкин. Ўнг Маҳлуқотнинг марказига одам қанчалик кўп энергиясини киритса, ундан шунча қаттиқ иссиқликни хис этади ва салбий хис-туйғулари шунчалик кучайиб бораверади.

**Анастасия:** Шунини қайд этиш керак, мазкур медитацияни илк бора бажараётган одамда қуйидаги хатолар тез-тез учраб туради. Қандай хусусиятли салбий туйғулар намоён бўлишини билгани учун (шкафларида яширинган “скелетлари” қанақалигини ҳамма билади-ку), ушбу медитацияни ўзлаштиришнинг илк босқичларида онгли ёки ғайриихтиёрий онг даражасида ушбу эмоциялардан тўсилиши мумкин. Натижада илк машғулотларида одамлар деярли ҳеч нарса хис қилмайди, энг яхши вазиятда айлантиришда шарлардан чиқаётган илиқликни ёки совуқни хис этишади.

**Ригден:** Бу тўғри. Ноқулай ҳолатни бошдан кечиришга тўғри келишини тушуниб, одам бу ҳиссиётларнинг намоён бўлишидан ғайриихтиёрий онг орқали тўсилиши мумкин. Хайвоний табиати ўзининг асосий позицияларини қўлдан чиқаришни ёмон кўради. Медитацияни бажарувчи буни англаши керак ва медитацияни сифатли бажаришга ҳаракат қилиши керак. Акс ҳолда “мен шунчалик юқори даражада маънавийли субъект бўлсам керак, менда салбий нарсалар рўй бермаяпти” каби фикрлар билан огоҳлигини ухлатиб, вақтини бекор ўтказиш билан шуғулланган бўлади.

Мазкур медитация одам ҳар бир Маҳлуқоти томонидан туғдириладиган ҳолатларни, ҳиссиётли-эмоционал кўтарилишларни реал тарзда жисмонан ва психологик хис этиши учун бажарилади. Шу тариқа у ўзининг Хайвоний табиатининг хужумларининг бошланиш лаҳзасини, мазкур эмоционал кўтарилишларнинг туғилишини, уларнинг таъсирини, кундалик ҳаётдаги намоён бўлишларини кўра олишни ўрганади. “Ёвузликнинг илдизи қаердан ўсиб чиқаётганини”, бирданига ёпирилиб келган салбий ҳолатини тушунишни бошлайди. Ўзида ушбу ҳолатни аниқлашни, идентификация қилишни, ва энг асосийси, назорат қилишни, бундай хужумларни олдини олишни ва вазиятнинг ривожига ва кучайишига йўл қўймасликни ўрганади. Бироқ агар одам мазкур медитатив техниканинг амалий ўрганишида ўз устидан реал меҳнат қилиш ўрнига дангасалик қилса ёки ўзининг улуғлик истагини хом-хаёл билан овутса, бу ҳолда кундалик ҳаётида қийналишига тўғри келади. Ахир Хайвоний табиати ўзининг маҳфий арсенали билан тўлалигича фойдаланади, одам эса унга қандай қарши туришни билмайди ҳам.

Кўпчилик бундай вазиятларда ушбу хужумларни барчасини ташқи шароитларга ёки бошқа одамларга йўяди, шу билан эса ўз Хайвоний табиатининг назоратсиз фаолиятини кучайтиради, холос. Аммо вақт ўтади, уларнинг ҳаётида одамлар ўзгаради, вазиятлар ўзгаради, хужумлар эса аввалгидек қолади. Нима учун? Чунки барча муаммолар одамнинг ичкарасида. Одам ўзини ўрганганида ўзининг руҳий муаммоларидан ҳам халос бўлади. Сабаб ташқарида эмас, балки ичкаридадир. Ўзини ўрганаётиб, атрофингдаги одамларни ҳам тушунишни ўрганиш керак, демак, яхши инсон бўлишни ўрганиш керак.

**Анастасия:** Бу рад этиб бўлмас факт: ўзинг ўзгарсанг, атрофдаги дунёга муносабатинг ҳам ўзгаради... Ҳа, медитатив техникаларни бажаришга энди киришаётганида ақлдан келиб чиқиб тасаввурингда кутган нарсалар ва реалликда содир бўлаётган нарсалар ўртасида катта



фарқ мавжуд. Бу худди лимон мисолидагидек. Одам лимонни тасаввур қилганида, у энг яхши ҳолатда сўлагининг ажралиб чиқишини кўпайтириши мумкин. Лекин уни еб кўрса, унда хиссиётларнинг бутун бошли гаммаси намоён бўлади.

**Ригден:** Тўғри, бу ерда ҳам шундай: мазкур эмоцияларнинг мавжудлигини гипотетик равишда тасаввур қилмасдан, уларни реал тарзда хис этмоқ зарур. Бирок, медитациянинг ўзига қайтсак. *Медитацияни бажарувчи Ўнг Маҳлуқотининг таъсирини хис этганидан сўнг, у яна бир бор ўз фикрларини, хис-туйғуларини тинчлантиради. Ўрганиш зарур бўлган муҳим лаҳза: одам Ўнг Маҳлуқотнинг айланаётган шар-марказини фикран тўхтатади.* Биринчи босқичларда у мазкур жараённи ўзига қулай тарзда тасаввур қилиши мумкин, масалан, хаёлан “қўли” ёрдамида ёки хаёлан буйруқ бериб ушбу шарни тўхтатаётганини. *Сўнг медитацияни бажарувчи Кузатувчи сифатида ўзининг шартли, миясидаги ўрталиқ марказига қайтади. У ерда яна тинчлик ва хотиржамликни, барча тўртта Маҳлуқотнинг нейтрал ҳолатини хис этади.* Бу вақтда қолдиқли ходисалар хис этилиши мумкин, улар жисмоний, ўнг шардан келаётган иссиқлик (худди оловниқидек) кўринишида ҳам, ғазаб, жаҳл каби хиссиётли-эмоционал кўтарилишлар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бироздан сўнг, одам ўзининг эътиборини мақсадли равишда медитациянинг кейинги жараёнларга қайта йўналтирганида, мазкур фон тезда ўчиб боради.

**Анастасия:** Ҳа, ситқидилдан ушбу шарни айлантириш, бу бир масала бўлса, унданда муҳимроғи – уни тўхтатишни ўрганиш. Амалий тажрибамдан биламанки, одам мазкур медитацияни ўзлаштирмагунча ва Хайвоний табиатининг хужуми бошланаётганини пайқамагунча, у ҳеч бўлмаса унинг кейинги ривожланишини олдини олишни ўрганиши зарур. Яъни, ўзингда Хайвоний табиатингни яққол хужумини намоён бўлганини сезганигда, ёпишаётган эмоциялар, туйғулар, фикрларга ҳеч бўлмаса эътиборни қаратмаслик керак. Бошқача айтганда, Хайвоний табиатинг томонидан рағбатлантирилаётган мазкур жараёнга киришмаслик, ўз кучларинг ва ресурсларинг хисобига ўзингга қарши курашни амалга оширмаслигинг керак.

**Ригден:** Бу тўғри. **Хар қандай жанг одам ақлининг жанг майдонида бошланади. Ўз ғазабини тинчлантира олган одам, ўз жангини бошламасдан туриб ғалаба қозонган донишмандга ўхшайди...**Шундай қилиб, медитациянинг кейинги босқичи. *Ички тинчлик ҳолатини тиклаганидан сўнг, медитацияни бажарувчи эътиборини яна нафас олишга қаратади ва медитациянинг бошидаги*

схемани такрорлайди, яъни қўлларининг чакранлари орқали “ци” энергияси билан “Хара”ни (қориннинг пастки қисмини) тўлдиради. Сўнг яна ушбу энергияни умуртқа орқали бош миянинг қадимий марказига (шартли, ўрталиқ марказга) ўтказади. Аммо энди уни мазкур марказдан чап бодомсимон танага, чап қулоқ устидаги нуқта орқали Чап Маҳлуқотнинг шар-марказига йўналтиради. Сўнг эса ўзининг Чап маҳлуқоти билан ишлашни бошлайди, уни сунъий равишда, диққатини ва фикрини мужассамлаштириб, Чап маҳлуқотнинг марказини соат милига қарши айлантиради. Вазифа: мазкур Маҳлуқотнинг фаоллашувини, у келтириб чиқарган эмоционал кўтарилишларни ва шунга муносиб кайфиятни хис этиш.

Қоидага кўра, хис-туйғулар бўйича одамда кўйидаги кўтарилишлар гаммаси кетади: **кибр**, ўзини яхши кўриш, эхтирос, кўтаринки либидо, бошқалар устидан махфий хокимият истаги ва хоказо. Мутаносиб равишда, ушбу ва шунингдек буюклик истаги, барча нарсага эриша олиш ва барча нарсани ўзига раво кўриш, “альфа-эркак” (ёки “альфа-урғочи”) позициясидан устуворлик, худбинликда арлашган эхтирос, хасислик, кимгадир ёки нимагадир эгалик қилиш каби туйғулар билан боғлиқ суратлар чиқиб келиши мумкин. Агарда Ўнг Маҳлуқотнинг марказининг айлантеририлишида шардан иссиқлик келса, Чап Маҳлуқотнинг шар-марказининг айлантеририлишида ундан совуқлик хис этилиб, ўсиб боради.

Чап Маҳлуқотнинг барча эмоционал кўтарилишларини бошдан кечириб, медитацияни бажарувчи яна бир бор ўз эмоцияларини тинчлантиради: мазкур Маҳлуқотнинг шарини айланишини хаёлан тўхтатади. Сўнг Кузатувчи сифатида яна онгининг шартли, ўрталиқ марказига қайтади (нейтрал холатга). Хотиржамлик, сокинлик холатида мужассамлашади, бир вақтнинг ўзида барча тўртта Маҳлуқотларнинг нейтрал холатини хис этади. Чап маҳлуқотнинг фаоллиги томонидан туғдирилган ёқимсиз эмоциялар ва хис-туйғуларнинг қолдиқлари, физиологик холатда совуқликни хис этиш бироз вақт давомида “фон” бўлиб туриши мумкин.

Бундан сўнг медитацияни бажарувчи **Орқа маҳлуқот** келтириб чиқарувчи эмоционал кўтарилишларини тадқиқотига ўтади. Бунинг учун у диққатини яна бир бор нафас олишга қаратади ва “Хара”нинг тўлдирилиши жараёнида мужассамлашади, сўнг диққатини “ци” энергиясининг “Хара”дан умуртқа бўйлаб бош миянинг қадимий марказига (шартли, ўрталиқ марказга) ҳаракатланишига қаратади. Аммо энди “ци” энергиясини бошининг орқа соҳаси орқали Орқа маҳлуқотнинг марказига йўналтиради ва уни фаоллаштиради. Эътибор беринг, Орқа маҳлуқотнинг шар-маркази турли томонларга айланиши


мумкин: ўнг томонга (соат мили бўйлаб) ҳам, чап томонга (соат милига қарши) ҳам. Бу нарса пайдо бўлувчи (хотирада юзага чикувчи ёки мазкур онда устувор бўлган) хиссиётларга боғлиқ. Одатда улар ўтмишдаги тажриба билан, у ёки бу Маҳлуқотнинг устуворлигидаги эмоцияларнинг, туйғуларнинг кўтарилиши билан боғлиқ. Ушбу тажриба эса ўша ондаги маълум Маҳлуқотнинг, кўпинча Чап ёки Ўнг (у холда шар-марказнинг айланиши соат милига қарши бўлади) ёки Олд маҳлуқотнинг (у холда шар-марказнинг айланиши соат мили бўйлаб амалга ошади) фаоллашуви билан тўғридан-тўғри боғлайди. Булар одамнинг хозирги пайтидаги ёки ўтмишидаги туйғулари, ўтмишнинг эмоционал кўтарилишларининг кучига қараб, турли кўришлар бўлиши мумкин. Орқа маҳлуқотнинг марказидан турли хиссиётлар бўлиши мумкин: қабр совуқлигидан тортиб илиқ, ёқимли сезишларгача. Дарвоқе, Орқа маҳлуқотнинг шар-марказининг соат милига қарши кучли айлантеририлишида, айтайлик, моддий фикрлашнинг устуворлиги учун шартлар яратилади. Бу бор-йўғи одамнинг кўп қаватли тузулмасининг физикаси. Деярли хамиша Орқа маҳлуқот шар-марказининг соат милига қарши айлантеририлиши ўкинч, чиқиш йўли йўқлиги, ҳеч кимлигинг, скептицизм, “ҳеч ким эдинг, ўлгунингча ҳам шундайлигингча қоласан” ўзанидаги фикрлар, вақтнинг тез оқиши, қочиб қутулиб бўлмаслик туйғуларини ҳам келтиради. Лекин Орқа маҳлуқот шар-маркази соат мили бўйлаб айлантеририла бошлаганида эса, бу, қоидага кўра, Олд маҳлуқот томонидан туғдирилган эмоционал кўтарилишлар тажрибасини фаоллаштиради. Ўз навбатида, Олд маҳлуқот Қалб билан, одамнинг рухий ривожланиши билан боғланган. Бундай вазиятда Орқа маҳлуқотдан чиқаётган умуман бошқа хиссиётлар пайдо бўлади. Кўпинча, мазкур медитацияга ишлов беришда, медитацияни бажарувчи шунақа “кўтаринки холатда” бўлганида, у худди Орқа маҳлуқотдан Олд маҳлуқотга олиб ташлангандек бўлади ва медитация умуман бошқача давом этади. Аммо биз хозирча стандарт схема ҳақида сўз юритяпмиз. *Унга биноан, одам Орқа маҳлуқот билан ишлаб бўлгач, мазкур шар-марказнинг айланишини ҳам тўхтатади ва онги билан ўзининг шартли, бош миянинг ўрталиқ марказига қайтади. Яна фикрларини, эмоцияларини тинчлантиради, хотиржамлик ва сокинлик холатини, бир вақтнинг ўзида тўртала Маҳлуқотларнинг ҳам нейтрал хис этилишини тиклайди.*

**Сўнг медитацияни бажарувчи Олд маҳлуқот билан ишлашга ўтади. Бу** медитациянинг энг ёқимли қисмидир. *Даставвал, одатдагидек, диққатимизни нафас олишга қаратамиз, “Хара”нинг “қи” энергияси билан тўлдирилишини ва ушбу энергиянинг ундан кейинги умуртқа бўйлаб бош миянинг қадимий марказига (шартли, ўрталиқ марказга) кўтарилишини схема бўйича бажарамиз. Лекин энди “қи” энергияси*

*қадимий миянинг марказидан қошлар орасида жойлашган нуқта орқали Олд маҳлуқотнинг шар-марказига ўтади.*

*Олд маҳлуқотнинг шар-марказида диққатимизни жамлаймиз, уни **соат мили бўйлаб** айлантирамиз. Шу вақтда қуёшли ўрам соҳаси билан, аниқроғи одамнинг энергетик тузулмасининг маркази – Қалб билан аниқ ўзаро алоқа хис этилади. Хиссиётлар бўйича кучларнинг оқими рўй беради, қулайлик, ёқимли илиқлик, қувонч, моддий дунёдан чекиниш, рухий дунё билан тегишиб туриш хисси пайдо бўлади. Олд маҳлуқотнинг маркази қанчалик кўп айлантирилса, шунчалик мазкур туйғулар ҳам тўлиб боради. Бу одам учун ўзига хос эмоционал тоза ҳаводек. Мазкур медитацияда Олд маҳлуқот билан айнан охириги навбатда, турғунлик ҳолатига эга бўлиш, кайфиятни тўғрилаш, рухий кўтарилишни туғдириш учун ишлаш муҳимдир. Айнан мана шу умумқамровчи, марҳаматли туйғу билан медитацияни бажарувчи нафақат медитациядан чиқади, балки онгининг одатий ҳолатида ҳам уни сақлаб қолади. Мазкур медитацияда, худди хаётдагидек, нафақат орқа ва ёнбош Маҳлуқотларнинг салбий фаоллашувини тўхтатиш, балки ўзининг Олд маҳлуқотини фаоллаштиришни, ўз вақтида онгининг ва фикрлашнинг ижобий ҳолатига ўтишни ўрганиш муҳим.*

Медитацияни бажарувчи мазкур медитацияни, одатдагидек, ўзига буйруқ бериб тугатади: “Нафас олиб-чиқариш, кафтларни куч билан юмиб-очиш”. Ушбу медитация 20-30 дақиқа вақтни олади. Илк босқичларда айрим одамларда бу сал кўпроқ вақт олиши мумкин. Уни эрталаб ва кечкурун, кун давомида, қулай вақтда бажариш мумкин. У фикрлар ва туйғулар оқимини назорат қилишга, ўзини ва ўзининг ҳолатларини тушунишга ёрдам беради. Нафақат мазкур техникани ўзлаштириш, балки одатий кун давомида бирданига пайдо бўлувчи эмоционал кўтарилишларни ажрата олиш муҳимдир. Мазкур медитацияга ишлов бериш давомида, одам маҳлуқотларнинг қайси бири у ёки бу эмоционал-хиссиётли кўтарилишни келтириб чиқаришини тушунишни ўрганганидан сўнг, кундалик хаётида унинг самарасини кўриши мумкин. Ахир шунда у орқа ва ёнбош Маҳлуқотлар марказларининг фаоллашувини тўхтатиб, салбий оқимни ўз вақтида олдини олиши ва Олд маҳлуқотга, ижобий эмоционал кўтарилишга, шунга мос кайфият ва фикрлашга ўтиши мумкин.



15-расм. “Тўртлик” медитациясининг рамзий белгиланиши.

Мазкур медитация – бу кейинги ривожланиш ва янада аҳамиятлироқ руҳий маънавий мақсадларга эришмоқ учун қадам. Бу одамни асло Хайвоний табиати бошқариши учун эмас, балки одамнинг ўзини бошқариши учун асбобдир. Ушбу медитация туфайли у худди ноталарни кўриб оқ бу қандай оҳанг ва у қандай жаранглашини тушунган яхши мусикачидек, ўзининг хиссиётларида, эмоционал кўтарилишларида, осонлик билан ориентация қилишни ўрганади. Бундай назорат кундалик хаётда Малакий табиатнинг устуворилигини, инсонларча, Виждонан яшаш одатини шакллантиришига ёрдам беради. Хуллас, айтишганидек, хамиша формада бўлмоқ.

**Анастасия:** Хамиша формада бўлиш кераклиги борасида Сиз яхши эътибор бердингиз. Қизиғи шундаки, одамлар кўпинча “хамииша формада бўлиш” иборасини спорт билан, аниқроғи спортчиларнинг мусобақалардан олдинги машғулотлари билан ассоциация қилишади. Масалан, мазкур медитация устида гуруҳимизда ишлашни бошлаганимизда йигит-қизлар уни спортга қиёслашни бошладилар. Гуёки, хар қандай мураббий яхши тушунади, ўз ўқувчисига реал шароитларга максимал равишда яқин шароитларни яратиб, у унинг келгуси мусобақадаги ғалабага бўлган имкониятини кўпайтиради. Яхши спортчи ҳам машғулотларнинг қийинчиликларига, барча лат ейишлар ва шилинишларга қарамасдан, мазкур қийинчиликларни енгиши туфайли, тажрибаларга ва малакага эга бўлишини билади. Вақт ўтиб спортчи хар кунида ўзига қўйилган катта талабларга ўрганади. Бундай турли “ўқув” тўсиқларини енгиб ўтиш четдан қараганда мураккаб ва асосий мусобақа учун хатто ортиқча бўлиб ҳам туюлиши мумкин.

Спортчининг ўзи эса ўзининг кўникмаларини мукаммалаштириш иши билан бутунлай банд. Машғулотлардаги ўзига нисбатан раҳмдиллик ва юкламалардан қочишга уриниш албатта мусобақалардаги мағлубиятга олиб келишини у яхши тушунади. Йигит-қизлар шундай хулосага келишдики, мазкур медитацияда, орқа ва ёнбош Маҳлуқотларини фаоллаштириб, сўнг уларни хар кунида кузатганида, одам кундалик ҳаётида ҳам ўзига тўсиқларнинг турли вариантларини яратиб, уларни енгиб ўтишни ўрганади. Фақат битта фарқ бор – бу ерда, спортдан фарқли равишда, одам ўзи учун ўзи мураббийдир ва ўзининг огоҳлигига катта талабларни кўяди. Бундай ўз *устидаги меҳнатнинг* муваффақияти, *спортдагидек*, одамнинг унга бўлган виждонан ёндошишига тўғридан-тўғри боғлиқ. Шубҳасиз, мазкур медитация устида ишлашни бошлаётганлар учун тушунарли мисол. Аммо мен эътибор берганим, мазкур вазиятда улар жамиятда ижобий деб қабул қилинган ўрнатмаларни ишлатишди. Бу ерда спорт ўз устидаги иш ва ўз устидан ғалаба қозониш сифатида кўрилмоқда, ассоциатив тарзда руҳий маънавий иш билан таққосланмоқда. Аммо, мазкур жараёнларнинг маъно илдизига қарасак, ушбу тушунчалар асло бир хил эмас.

**Ригден:** Тўғри, бу алмаштирилишлар, уларга спорт карьерасинининг бошида камдан-кам одам эътибор беради, бироқ унинг охирида уларни аниқ хис этади. Жамиятда спорт билан (айниқса катта спорт билан) шуғулланаётган одам биринчи навбатда, ўзини енгади, яъни салбий сифатларини енгади, тартиб-интизомга ўрганади ва хоказо. Бу нарса хаттоки Шахсинг уйғун ривожланишининг шарти деб кўрилади. Катта спортдаги ғалабалар эса ўзини мукаммалаштиришдаги одамнинг меҳнатининг чўққиси деб кўрилади. Аммо бундай тушунчаларда қандай глобал алмаштирилишлар яширинганини камдан-кам одам пайқайди.

Аксарият одамларда спорт айнан нимага ўхшатилади? Биринчидан, асосий мақсади – қандай бўлса-да, ғалабага эришиш бўлган ўйинга. Иккинчидан, спорт мусобақалари ишқибозларининг катта массаси йиғиладиган стадионларга. Ишқибозлар ўз диққатини ўйинда жамлайди, ўйин эса уларда эмоцияларнинг кўтарилишини келтириб чиқаради. Шу билан, эътибор бер, ўйиннинг натижасидан қатъий назар, эмоцияларнинг кутилган ва режалаштирилган кўтарилиши рўй беради. Аслида бу ким томонидан ва нима учун амалга оширилаётганини ақлли одамлар ўйлаб кўrsa арзийди. Ахир одамнинг эмоциялари – бу қудратли энергия. Салбий эмоциялари билан одам ўз Хайвоний табиатини, одамларнинг массаси эса – Хайвоний ақлли озиқлантиради. Умуман олганда, катта спорт ўзи қандай пайдо бўлган? Оммавий томошалар сифатидаги спорт мусобақалари қандай пайдо бўлган?

Кўпинча одамлар хатто нашриётда келтириладиган маълумотларни ҳам таҳлил қилмайди, ходисанинг сабабини мустақил излаб топиш ҳақида гапирмаяпман ҳам. Илк олимпия мусобақалари Қадимги Юнонистонда ташкил қилинганлиги ҳақидаги намуна ахборот воситаларида кўп келтирилади. Аммо улар қайси сабабларга кўра пайдо бўлган? Бундай “тинчлик” томоша мусобақалари доимий равишда олиб борилган урушларнинг оқибати бўлганлигини камдан-кам одам билади. У ёки бу томон аскарлари қанчалик яхши тайёргарлик кўрган бўлса, урушнинг ташкилотчилари учун унинг натижаси шунчалик яхши бўлган. Ва, ушбу, Хайвоний табиатнинг рағбати бугунги куннинг спортини реалликларида хануз акс эттирилган. Мусобақаларга тайёрланишнинг, чемпион бўлишнинг мақсадининг ўзи ҳам, аслида спортчида буюклик истагини, худбинликни, рақобатчилик руҳини рағбатлантиришга асосланган. Ахир унда қанча кўп шухратпарастликлар ўйғонса, у шунчалик жиддий тайёрланади-да. Ва бу ерда гап, ҳамма ёқда реклама қилинганидек, ўз устида ғалаба қозониш ҳақида бораётгани йўқ. Шахснинг бутун эътибори ўзининг танасини керакли лаҳзада бошқариш кўникмаларини ишлаб чиқишда мужассамланади, шу жумладан, унинг захираларини ва фавқулотда имкониятларини ишлатиб ҳам. Бу Хайвоний табиатдан келиб чиққан устувор фикрлашнинг чегараларидаги атиги вужуди устидан қозонган кичик “ғалаба”дир.

Аммо спортчи нимани деб ўзини, ўзининг хаётий вақтини, соғлигини қурбон қилади? Ўзининг шон-шухратини деб, бир йўла унга ғалабаси учун турли имтиёзларни берадиган мамлакатни деб. Бироқ бундай мусобақаларнинг ташкил қилиниши ва уларда миллионлаб одамларнинг қатнашуви ортида нима яширинган? Улар одамларда нимани рағбатлантирмоқда? Бу ҳақда камдан-кам одамлар ўйланмоқда. Ўша чемпионнинг ўз мавқеини ошириши оқибатда нима билан тугайди? Нахотки у ўзини енгган бўлса? Йўқ. Унинг натижаси – ўтмишдаги шон-шухрат, ўз давлати томонидан етарлича баҳоланмай қолиб кетганлиги ҳақидаги камситилган кибру-ҳаво туйғуси ва ички бўшлиқ. Ахир унинг соғлиги панд беришни бошлаганида ёки мусобақаларда ғалаба қозонмай кўйганида, у ҳеч кимга керак бўлмай қолади, катта спортда эса бундай ходисалар тез-тез учрайди.

Барча салбий кўтарилишларни айнан ички бўшлиқ келтириб чиқаради. Чунки ўз устидан ғалаба қозониш – ўзидаги Хайвоний табиатини енгил деганидир (руҳий маънавий уйғунликка эришиш мана шундан иборат), асло ўзининг жисмоний танасини бошқаришнинг айрим кўникмаларига мукамал ўрганиш дегани эмас. Спорт билан шуғулланиш – бу ажойиб, аммо фақатгина ўз танагни соғлом ҳолатда ушлаш учун, Хайвоний табиатинг томонидан катта муаммолар бўлмаслиги учун. Лекин

одамнинг ўз руҳий маънавий қисмида мужассамланиши янада муҳимроқдир. Маъно ҳам мана шунда!

**Анастасия:** Сиз ҳақсиз, бу жамиятнинг муаммоси, аммо у одамдан бошланади...Хатто мазкур медитацияга тегишли ҳам, қачонки одам ўз устидаги жиддий, кундалик ишда, шахсий маънавий ривожланишида мужассам бўлса, хуллас, идрокнинг сифат даражадан бошқача тўлқинида бўлса, унинг Маҳлуқотлари ҳам бошқача ишлашни бошлайди. Улар атиги мазкур устувор идрокнинг иш режимига тез-тез ўтишни бошлайди, шу билан, аслида, ўзларининг бошқа хусусиятларини, шу жумладан, фавқулотда деб аталмиш қобилиятларини ҳам намоён қилишади. Қадимий хинд трактатларида ёзилганидек, “Ҳаракат қил, лекин ҳаракатинг меваларидан воз кеч!” Яъни беғараз ҳаракат қил, ўзингни севишингдан келиб чиқиб эмас.

Менинг фикримча, мазкур медитацияда одамнинг табиатининг, унинг мураккаб тузулишининг тушунишнинг муҳим лаҳзаси мавжуд. У эмоционал кўтарилишларни, одамий фикрларни сирли туғилиш жараёнини шахсий тажрибада тушунишга имкон яратади. Ахир миядаги кимёвий ва физикавий жараёнлар – булар энди “бирламчи эзоосмоснинг”, яъни бирламчи энергетик турткининг оқибатидир. Сизнинг оралиқ мияни ишини мажозий тарзда ўзига хос қабул қилувчига қиёслаганингиз ёдимда. У энергетик тебранишларни (Маҳлуқотлардан келаётган сигналларни) туйғулар ва эмоцияларнинг нозик материясига қайта ишлайди.

**Ригден:** Агар мазкур жараённи англаш учун техника билан боғлиқ ўхшатишлар маъқулроқ бўлса, марҳамат, бундай мисолларни ҳам келтиришим мумкин. Тушунишни соддалиги учун миянинг қадимий тузилмаларининг ишини мажозий тарзда телевизор билан солиштирса бўлади (дарвоқе, ушбу сўз айнан юнонча “tele”-“узоқ” ва лотинча “visor”, яъни “кузатувчи”, “viso” – “қарамоқ”, “кўриш” сўзларидан ташкил топган). Яъни телевизордаги электронли-нурли трубка билан, у кўзга кўринмас электр ва ёруғлик сигналларини бизнинг идрокимиздаги частоталар диапазонидаги кўринувчи суратларга қайта ишлайди.

Оралиқ мияда, аналогли кинескопли телевизорнинг асосий блокларидагидек, мажозий айтадиган бўлсак, сигналларни қабул қилувчиси мавжуд. Вазифалари бўйича у шартли равишда телевизордаги бошқа мосламага – каналларнинг селекторига ўхшаш, у нафақат керакли мутаносиб “каналнинг” сигналинини кучайтиради, балки ажратади ҳам, сўнг стандартли оралиқ частотада қайта ишлайди. Ундан ташқари, ўхшатишларни қўлласак, у ерда ўзига хос “сигналларни



декодлаш блоки”, “товуш ва видеосигнал детектори”, “кувватнинг товушли кучайтиргичи”, “электронли-нурли трубка” мавжуд. Яъни бу ҳам ўша физика, фақат одам микродунёсининг ва унинг мураккаб тузулишининг ишида содир бўлаётган нозик энергетик жараёнлар даражасидаги физикадир.

Оралик мия – бу энергияларни кўпол материяга ўзига хос қайта ишловчисидир. Маҳлуқотларни эса ўз дастурларини узатувчи антеналари ёрдамида турли каналларда трансляция қилувчи телеминоралар билан солиштирса бўлади. Масалан, Чап, Ўнг ва Орқа маҳлуқотларни олсак. Одамни уларнинг дастурларига бўлган эътибори улар учун, техник тилда айтадиган бўлсак, ҳам “озуқавий блоки”, ҳам “кадрлар ва сатрлар очилишининг кувватини кучайтирувчиси”, ҳам одамга тиқиштиралаётган иллюзиялар кўринишидаги тасвирлар каналларининг кучайтирувчиси, ҳам одамни ва унинг кайфиятини бошқарувчи масофада туриб бошқариш блокидир. Шу тариқа одамнинг миёсида ё ўзининг кибри ҳақидаги триллер, ёки ўша кўркувлардан иборат дахшатли фильм, ёки “ўтмишни эслаб йиғлаш” мелодраммаси туғилади. Яъни бу Маҳлуқотлар ҳаққоний форматда ҳар қандай иллюзияни чизиб беради, “пашшадан фил ясайди” ва одамни турли салбий эмоцияларни бошдан кечиришга мажбурлайди, бунинг учун эса унинг руҳий маънавий ривожланиши учун қимматбаҳо бўлган эътиборидан фойдаланади.

Аммо агарда одам ўзининг Олд Маҳлуқотининг “телекўрсатувларига” уланса, у ўз руҳий маънавий ўсиши учун фойдали бўлган дунёнинг умуман бошқача идрокини хис эта олади. Масалан, ташқарида акс этилувчи реал ҳаёт, ички, руҳий дунё ҳақидаги “хужжатли фильм”ни. Бундай алоқа ва қайғудошлик туфайли Шахс қудратли ижобий зарядни қабул қилади, у эса бутун диққатини руҳий маънавий йўналишга қаратишга имкон яратади. Тўғриси айтсам, бундай “фильмдан” сўнг қолипти одамий ҳаёт буткул муғомбирлик бўлиб туюлади. Шунинг учун, ўз миёсида нималарга эътибор қаратиш, қайси сигналларни қабул қилиб, кучайтириш фақатгина одамнинг ўзига боғлиқ. Мажозий маънода, одамнинг ўзининг қўлларида нафақат унинг “телевизорининг” пульти, балки барча “телеминоралар” ва уларнинг теле-ва радиокомпанияларини бошқариш имконияти ҳам мавжуд.

Унданда кўпроғи, мазкур медитатив техникага биноан одам ўзида ҳам, бошқа одамларда ҳам нима бўлаётганини тушуниши мумкин. У ёки бу Маҳлуқотнинг фаоллашуви билан боғлиқ лаҳзаларни аниқ ажрата олишни билсанг, бошқа одамларнинг сенга нисбатан яширин таъсирини ҳам хис этиш қийинчилик туғдирмайди. Қандай қилиб? Масалан, сен одам билан суҳбатлашяпсан ёки бўлмаса телевидение ёки радиодан

бирор ахборотни тинглаяпсан. Сухбат ёки ташқи манбадан ахборотни қабул қилиш лаҳзасида хотиржам ҳолатда, Кузатувчи сифатида тўртта Маҳлуқотларинг доирасида ўзингни нейтрал, ўрталиқ ҳолатингда мужассам бўласан. Аниқроғи, вазиятлардан четланган Кузатувчи ҳолатига кириб, мана шу ахборот сенинг Маҳлуқотларингдан қай бирини фаоллаштиришини кузатиб борасан. Ахир одамларнинг ўртасида нафақат ахборотнинг вербал алмашинуви, балки уларнинг Маҳлуқотларини ўзаро таъсири ҳам амалга ошади. Ахборотнинг сенга қилган таъсирини шундай кузатишинг туфайли, у қандай эмоционал пойдеворда шаклланганлигини ва айнан қандай реал, сендан яширинган мақсадларни кўзлаб, сенга етказилганлигини тушунасан. Масалан, агар сухбатдошинг ёлғон гапирса, айёрлик қилса, сенинг Чап Маҳлуқотинг фаоллашади. Агар сени тажовузга ундаса, Ўнг маҳлуқотнинг маркази айланишни бошлайди. Агарда сенда ижобий эмоцияларнинг кўтарилишини, Мухаббатни, Эзгуликни ўйғотса – сенинг Олд маҳлуқотинг фаоллашади. Шу тариқа, кўринувчи ва кўринмас дунёлардан онгингни бошқариш мақсадида доимий равишда сенга тикиштирилаётган иллюзияни эмас, балки реал вазиятни кузата оласан.

**Анастасия:** Ҳа, агарда кўпчилик мазкур медитация техникасини ўзлаштирса, жамиятда ёлғон гапириш ва бир-бирини бошқариш эҳтиёжи йўқолади. Бундан маъно бўлмайди, чунки одамлар бир бири ҳақида Ҳақиқатни билади.

**Ригден:** Бу шундай. Аммо одамларнинг аксарият қисми яхшироқ томонга ўзгариш истагини билдирсагина бу нарса рўй беради, ўшанда одамзодда мутлақо бошқача, сифат даражадан янги цивилизациялашган руҳий маънавий ривожланиш йўлидан юриш имконияти ҳам бор. Бироқ, замонавий одамзод нимани танлайди, мана савол. Ахир мазкур медитациянинг техникаси одамларга аввал ҳам берилган. Шу билан у жамиятнинг ҳаётига турли даврларда олиб келинган. Айнан шундай, ёйиқ, батафсил кўринишда деб айтолмайман-у, лекин ўша давр одамларининг фикрлаши учун тушунарли ҳолатда. Аммо одамлар, бу одамлар-да ва уларнинг кўпчилиги унинг устига соф билимларни ва оддий Ҳақиқатни замонавийлаштириш ва мураккаблаштириш ишқибозларидир. Шундай бўлса-да, турли халқларнинг маҳфий билимларида мазкур амалиётнинг қолдиқларини топса бўлади. Бироқ бугун бу кушиқлар, рақслар ва доиралар-у барабанлар садоси остидаги бутун бошли шоуларнинг етакчилигидаги маросимларга кулгулича бурканган. Ва буларнинг барчаси “ўқувчи”нинг ёки “кохиннинг” онгининг ўзгарган ҳолатига “ўтиши” учун ва чап ёки ўнг томондан “гапираётган руҳга” ва хоказога қулоқ солишни деб. Гарчи мазкур амалиётни соф ҳолатда бажаришда эса бундай мураккабликларнинг кераги йўқ, буларнинг барчаси одамийдир, кўшимчалардир. Бу ерда

биринчи босқичларда онгнинг идрокини қайта тўғрилашни, ўзингни холатларингни кузатишни ва уларни бошқаришни ўрганасан. Кейин эса атиги ишчи лаҳзалар кетади... Умуман, таъкидлашим керак, асосий билимлар ва одамнинг руҳий ўсиши билан боғлиқ бундай таянч руҳий амалиётлар, қоидага кўра, қадимдан *маълум белгиларда ва рамзларда* қайд этилган.

**Анастасия:** Белгилар ва рамзлар – бу алоҳида мавзу. Агар мумкин бўлса, Сизнинг ўзингиздан улар ҳақида батафсил эшитиб, ушбу қимматли маълумотни ўқувчиларимизга тақдим этишни хоҳлардим. Одамзоднинг тарихи қадим замонлардан белгилар ва рамзлар билан ҳар томонлама ўраб олинган. Аммо турли шаҳарлар кутубхоналаридан, интернет-ресурслардан маълумотлар қидириб, шундай нохуш хулосага келдимки, ҳар бир тарихий даврда белги ва рамзлар мавжуд бўлса-да, улар ҳақидаги билимлар ё йўқотилган, ёки уларнинг маъносининг талқини шунчалик қўпол бузилган-ки, Ҳақиқатдан деярли ҳеч нарса қолмаган. Белгилар борасидаги Сиз хабар қилган азалий маънавий Билимлар йўқ. Оддий одамлар бугун нималарга эга? Наридан борса, белгиларнинг луғати, “эркин тошчилар”нинг талқинидаги уларнинг оккульт таълимотларининг атрибутикасига тегишли шубҳали таркибдаги китоблар. Бундай талқинлардан олимлар ўзини четлайди, чунки бу насларнинг илдизи қаердан ўсаётганини тушунишади. Ва шу билан бир вақтда турли қитъалар ва турли даврлардаги қадимий археологик маданиятларга хос бўлган график белгилар ва рамзлар тўғрисида фанда жуда бой материал тўпланган.

У ёки бу халқларнинг руҳий маънавий маданиятида муҳим деб ҳисобланган маросимий, жодули белгиларнинг кўпчилиги бир-бирига айнан ўхшаш. Лекин уларнинг маъносини олимлар ҳозирча тўлалигича оча олгани йўқ. Ҳозир мен бунинг сабабини тушунапман. Ҳатто Сиз бу борада гапириб берган нарсалар менга дунё картинасининг ва одам ҳақидаги билимларнинг мутлақо янгича тушунишини берди. Археологик маданиятларнинг график рамзлари бўйича асарларни, этнографиядан, фольклордан, мифологиядан, турли халқларнинг тасаввуридаги космогониядан мақолаларни ўқиб, олимларга айнан мазкур бўғин етмаётганлигининг хулосасига келдим. Одамнинг руҳий бойлиги бўлмиш мазкур ноёб маълумотларни бирлаштириш, тушуниш ва ўқиш учун ўша, белгиларни расшифровкасига тушадиган калит етмаяпти.

**Ригден:** Ҳа, афсуски, замонавий жамиятда қадимий белгилар ва рамзлар жуда кўп бўлса-да, улар тўғрисидаги кўп Билимлар ҳақиқатан ҳам йўқотилган – бу факт. Лекин бунга хайрон қолмасак ҳам бўлади. Муаммо одамларнинг, жамиятнинг ўзида: одамдаги устувор

истаклардан бошлаб то одам жамоасининг устувор кадриятларигача. Сен одамзоднинг тарихига қара: урушлар, диний ва сиёсий хокимият учун доимий кураш, ва энг ёмони – одамларнинг аксарият қисмидан Шахс Эркинлигига, Қалбнинг озодлигига олиб келувчи Ҳақиқий маънавий Билимларни яшириш. Нима учун азалий Билимларни аксариятдан яширишган? Нима учун уларни таниб бўлмас даражагача ўзгартиришган, кейин эса ўзининг моддий фикрлашда ботиб қолган ақли томонидан талқин қилишган? Нима учун янги авлодларнинг онгидан бу маълумотларни илдизи билан олиб ташлашган, минг йилларга ёдларидан чиқаришган? Чунки мазкур азалий Билимлар бугунги кунда ҳам ўзларини одамлар билан худолар ўртасидаги “воситачилар” деб номлаган сиёсатчилар ёки коҳинларга тобе бўлмасдан, одамларга мустақил руҳий ривожланишга имконият берган. Бу Билимлар инсонларни руҳан эркин, сиёсий ва коҳинлик хокимият тузулмаларига бўйсунмайдиган қилган, *халқларнинг мустақил бирлашишига* имкон берган. Ахир руҳан эркин одамларга уруш, кўрқув, тажовуз ва Хайвоний ақлнинг бошқа ўрнатмаларини тикиштиришга уриниш у ёгда турсин, уларни бошқариш жуда қийин.

**Анастасия:** Гапингизга қўшиламан, муаммо одамларнинг ўзида ва улар ташкил этган жамиятда, одамлар ўртасидаги хар хил қарши туришлар ва ўзаро муносабатларидаги айрилганликнинг устуворлигида. Хусусий холатларни олганда ҳам...Мисол учун, қадимги белгиларга оид илмий асарларни кўриб чиқар экансан, у ерда ёритилган муаммоларни кўздан кечириб, бугунги кунда ҳақиқатни излаётганларнинг сунъий тўсиқларнинг қандай девори билан тўқнаш келаётганига хайратда қолсан, киши. Ўша, масалан этнология, этнография, археология, қадимги тарих олимлари ўз ишини қандай шароитда олиб боришларига мажбур? Барчаси яланг энтузиазмда, кичиккина ойликка. Устига устак ишларида хар қадамда ҳали бюрократик, ҳали молиявий тўсиқларга, турли масалаларни янада чуқурроқ комплексли ўрганишдаги қўшни фанларнинг мутахассисларини ишга жалб қилишда бўлган тартибсизлик ва келишмовчиликка, ёки унданда кўпроғи – конкрет мавзу ёки топилмаларга нисбатан жимлик сақлашга тил бириктириш, “илмий таъқиқ”ларга дучор бўлишади.

Жахон масштабидаги вазият ҳақида гапирмасак ҳам бўлади – кўп холларда у ёки бу маълумотни олишга сунъий тўсиқлар қўйилмоқда, ноёб археологик топилмаларни аслида одамлардан яширишмоқда. Табиийки, буларнинг барчаси мазкур масалада қизиққан тузулмаларнинг қатнашувисиз эмас. Бундай маълумот ё кенг илмий жамиятнинг хабарига етказилмайди ва ертўлаларда чангиб ётишга қолдирилади, ёки аҳамиятли артефактлар шахсий коллекцияларда қолиб кетади, ёки махсус хизмат бўлимлари томонидан олиниб, умуман изсиз

йўқолади. Кимдир мазкур маълумотлар замонавий халқларни бошқариш учун қулай бўлган ҳокимият мафкурасининг ва асосларининг қимирлаб қолишидан жуда кўрқаётган бўлса керак. Шунинг учун, барча тўсиқларга қарамасдан, фаннинг ушбу соҳасида фидокорона ишлашни давом эттириб, халқларга қадимий одамларнинг “ёввойилиги” ҳақидаги иллюзияни йўққа чиқарувчи, гоҳида эса ўша узоқ замонларда одамларда маънавий қадриятлар ва билимлар устувор бўлганлиги ҳақидаги далилларни тақдим этаётган олимларга тасаннолар бўлсин. Лекин бу ерда битта савол туғилмоқда, нима учун жамият сукут сақламоқда, ахир у ўз келажаги векторини тушуниши ва тўғри белгиллаши учун биринчи навбатда ўзининг маънавий ўтмиши билан қизиқиши керак-ку?

**Ригден:** Одамларнинг аксариятини онгига истеъмолчиликка оид моддий фикрлаш стереотиплари билан шунчалик ишлов берилган-ки, оддий одамга бундай саволнинг хаттоки қўйилишининг ўзи тушунарсиздир. Одамнинг фикрлаши шундай ўрнатмалар ва босма-қолиплар билан тўсилганида, у ўзи нима сабаб жамият ва давлат учун шу илмий касблар, масалан, нанотехнолог ёки молиявий аналитик, ёки кўролларнинг янги турлари билан шуғулланаётган физикнинг касбидан устувор бўлиши кераклигини атиги тушунмайди. Гап шундаки, сен юқорида эслатган, кўплаб давлатларда беобрў хисобланаётган, ўтмишни ва турли халқларнинг маданиятини ўрганиш билан боғлиқ касбларнинг олимлари ўз олдига кам эмас, кўп ҳам эмас (жорий илмий масалаларнинг ечимини топишдан ташқари), устувор қилиб юқори вазифани қўйишмоқда – **жамиятнинг руҳий маънавий хаётини** ҳар томонлама қайта қуриб чиқиш! Бу нарса эса ҳукмдорларнинг қай бирига ёқар экан? У холда минглаб йиллар аввал худди шундай оддий одамлар нимага интилгани, қандай дунёқарашга, қандай муқаддас руҳий маънавий билимларга эга бўлгани, қандай қилиб ўз устида ишлаганлари ва хаётини нимага бағишлаганлари оммага маълум бўлиб қолса, замонавий одамзод қаёққа қараб кетяпти ва нима учун минглаб йиллар давомида бу Билимлар кўпчилиқдан яширилган? деган савол туғилади-да.

Ахир ҳозирги одам ўтмишнинг одамидан нима билан фарқ қилади? Атиги ташқи яшаш шароитларининг бироз ўзгаргани билан, бироқ ички муаммолари, Маънавий ва Хайвоний табиатларининг кураши ўша-ўша қолган! Унданда кўпроғи, шундай миқёсдаги жамият хаётини қайта қуриш бўйича илмий иш ўзакли муқаддас маъноларнинг, турли маданиятлар ва дунёқарашлардаги рамзларни яратувчи калитли сабабларнинг расшифровкасини назарда тутди. Бундан чиқди, жамият формацияларининг турли даврларида, халқларнинг турли китъаларда жўғрофик узоқликдан ва айри яшаганидан қатъий назар, аслида бир

хил белгилар ва рамзлар ўйнаган ролининг муҳимлигининг илмий исботини олишни назарда тутди.

Белгилар ва рамзлар одамлар жамиятида азалдан бўлган. Улар, одамларнинг кўпчилиги уларнинг маъносини ва таъсир этувчи кучини тушунмаслигидан қатъий назар, замонавий дунёда ҳам бор. Сен ҳам ўз медитатив тажрибангга асосан, айрим белги ва рамзлар қандай қилиб кўзга кўринувчи ва кўринмас дунёларнинг физикасига таъсир этишини энди жуда яхши биласан. Белгилар ва рамзлар – одам жамиятининг руҳий маънавий хазинасига калит, улар чуқурлаштирилган физикани бошқариш сирларини ва илмий билимларнинг янги уфқларини очиб берувчи код хисобланади...

**Анастасия:** Ҳа, буни билар экансан, ўзининг мукаммалаштиришдаги маълум даражаларга эришган ҳар бир инсон қандай кучларга эгалик қилишини тушунасан. Аммо бу маълум маъсуълиятни ҳам юклайди.

**Ригден:** Шубҳасиз. Лекин одамлар одамлигича қолмоқда, ҳатто белгиларнинг кучи ва аҳамияти тўғрисидаги Билимларга эга бўлса-да, улар вақт ўтиб, уларни бузган, ниманидир қўшиб чизиб қўйган, ўз билишича мураккаблаштирган. Оқибатда одамларнинг мингйилликнинг боши ва охиридаги билган нарсалари орасида маъно ва моҳияти бўйича яққол ва сифатли фарқлар мавжуд. Аммо мазкур Билимлар одамларнинг жамиятида даврий равишда янгиланиб келган. Айрим маданиятлар, ўзи билан бирга қабрга “муқаддас сирларни” ҳам олиб кетиб, ғойиб бўлган, бошқалар эса, аксинча, ўтган авлодларнинг билимларини қолдиқларида шаклланиб, яшнаган. Шунинг учун ушбу Билимларнинг азалги кўринишидаги мавжудлиги ер шарининг барча бурчакларда яшаган хоҳлаган халқлар учун долзарб бўлган, зеро бу нафақат уларнинг аждодларининг билимларига калитни берарди, балки руҳий ривожланиш соҳасида уларнинг шахсий билимларини ҳам аҳамиятли равишда кенгайтирган.

Замонавий дунёда хоҳлаган миллатда “ўзининг” анъанавий белгиларининг ва рамзларининг бутун тизимларини топса бўлади. Аммо улар ҳақидаги азалий Билимлар йўқотилган. Ҳатто белгиларнинг ва рамзларнинг номлари ҳам ўз маъносининг талқини бўйича одам ҳақидаги муқаддас билимлар билан энди боғлиқ эмас. Улар асосан фандаги бирор катталиқни билдиради, шунингдек рўзғор ва турмуш билан боғлиқ бўлиб, моддий дунёнинг у ёки бу намоёндасини таърифловчи шартли ифодага эга.

**Анастасия.** Хуллас, бугун белгилар мавжуд, улар ишлашни давом этмоқда, лекин улар тўғрисида Билимлар одамларда йўқ.

**Ригден.** Жудаям тўғри. Одамзод мана шундай натижага етиб келди. Нафақат Билимлар, балки у ёки бу рамзларни ва белгиларни биргаликда ифодаловчи сўзларнинг маъноси ҳам йўқотилган. Оддий мисол келтираман. Рус тилида сўзлашаётган аҳолининг кундалик хаётида ишлатаётган “рамз” (“символ”) сўзини кўриб чиқамиз. У юнон тилидан ўзлаштирилган. Аммо Қадимги Юнонистонда у қандай пайдо бўлган? Қадимги Юнонистонда “shma” каби сўз бўлган, унинг маънолари “белги”, “байроқ”, “илоҳий ваҳий” бўлган. Қайд этмоқ зарур, Эгей вилоятининг қадимий маданиятларида (Юнонистоннинг пайдо бўлишидан аввал), айниқса ушбу халқларнинг шарқий халқлар билан алоқасидан сўнг (масалан, Анатолия аҳолиси билан (ҳозирги кунда бу Туркиянинг худуди), махфий билимлар, “муқаддас ёзуви” ривожланган қадимий мисрликлар билан) кўринмас дунёнинг билимларининг кўп қисми у ёки бу жойда яшаган аҳолига тушунарли бўлган ўхшатишлар ёрдамида тушунтирилган. Масалан, белгилар билан (ёки оммага таъсир этувчи ишчи белгини конкрет ўрнатилиши билан) ишлаган бир гуруҳ одамларнинг медитациялари жараёни ва натижалари янги келганлар учун содда қилиб улар учун тушунарли бўлган ўхшатишлар ёрдамида тушунтирилган. Белгининг таъсири қамраб олган худудни ассоциатив тарзда балиқчиларнинг денгизга тўрни ташлаши билан таққослашган (ахир балиқчи касби ўша даврларда жуда оммабоп эди). Уларга қуйидагича тушунтирилган: агарда белги, масалан, хонада, ибодатхонада, майдонда маълум жойда ўрнатиладиган бўлса, у ушбу худуд чегараларида бўлган одамларга, кўпол қилиб айтганда, денгиз ёки дарёнинг маълум участкасида балиқ тутишда қўйилган тўрга ўхшаб таъсир этган. Хуллас, қадимда ўша даврнинг одамига тушунарли бўлган ўхшатишларни қўллаган. Бугун эса, албатта, буларни одамларга замонавий мисолларда тушунтирса бўлади. Масалан, у ёки бу белгиларнинг ва рамзларнинг таъсирини берилган частотада ишлаётган ва радиотўлқинларни маълум масофага узатаётган радио билан солиштирса бўлади. Ёки кўчани маълум қисмини ёритаётган фонарнинг нури билан. Булар ҳам ўхшатиш бўлиб қолаверади, чунки замонавий одамлар бошқа ўлчовларда содир бўлаётган жараёнлар билан боғлиқ ходисаларни тушунишдан хали йироқ.

Шундай қилиб, махфий жамиятларда, одамларнинг турмуш билан боғлиқ гапларида (улар эса, халқда айтганидек, жаранглаган овозни эшитмоқда-ю, унинг қаердалигини билмайди) айнан шундай ассоциатив қиёслаш туфайли, “to symbolon” сўзи пайдо бўлди ва балиқ овидаги тўрнинг ташланишида бир-нечта балиқчиларнинг биргаликдаги ҳаракатини ифодалашни бошлади. Хуллас, хар доимгидек, масаланинг рухий маънавий томонидан беҳабар бўлганлар хамиша эшитилган билимларнинг маъносини моддий дунёнинг объектлари ва ходисаларига

тенглаштиради. Аммо худди шу “to symbolon” сўзини билимлардан хабардор бўлган одамлар ҳам қўллашни давом эттирган. Натижада, қадимийроқ бўлган “shma” (“белги”, “байроқ”, ”илоҳий ваҳий”) сўзи билан бир қаторда “символ” сўзи “кўринувчи ва кўринмасни бирлаштириши”, “кўринмас реалликни кўринувчи белги орқали *топиши*, унинг *сирли маъносини* эса маълум шахслар гуруҳи тушунади” деган маъноларда ишлатилишни бошлади. Кейинчалик эса “символ” мазкур қадимий сўзни умуман ўрнини эгаллаб олди.

Маҳфий руҳий маънавий жамиятлардан чиқувчи билимларнинг аҳоли орасидаги оммалашувининг ўсишига Архонтлар қандай муносабат билдиришларини ҳам билиш муҳимдир. Яна бир бор ўша “символ” сўзида мисол келтираман. Аҳоли орасида мазкур сўз ўзининг азалий маъносидаги аҳамиятига эга бўлишни бошлаганида, бу ишга “эркин тошчилар” аралашди. Улар Юнонистон худудида турли цехлар, корпорациялар, жамиятлар, динлар, партияларни ташкил этишни ва ушбу ташкилотларнинг ажратувчи *оммавий белгилари* сифатида *ўзларининг белгиларини ва рамзларини* қўйишни бошлади. “Символ” сўзини оддий одамий ишларнинг ифодаси билан “булғашни” бошлади, уни турмушнинг турли жихатларида ишлата бошлади: театрга билет сифатида ҳам, дипломатик келишувлар сифатида ҳам, афиналик судьяларнинг узукларининг номи сифатида ҳам, умумий суммага ўзининг хиссасини қўшувчининг суммасининг номи сифатида ҳам. Охир-оқибат, “символ” сўзининг азалги маъноси унутилди, сўзлашувдан чиқиб кетишни бошлади.

Аммо қизиғи шундаки, “символ” сўзи рус тилига айнан “знак”, яъни “белги” маъносида кириб келди. “Знак” сўзи эса рус тилида қадимий славян “знать” сўзидан пайдо бўлди, унинг маъноси билмоқ, нимадандир хабардор бўлмоқ (қадимий рус ва украин тилида – “знати”, словенияликларда – “znáti”, қадимий чехларда – “znáti”, польшаликларда – “znac” ва хоказо). Яъни, тиллардаги фарқларга қарамасдан, “знать” сўзи хар бир славянга тушунарли бўлган. Хусусан айтганда, қайсидир маънода унда айнан юнонча “символ” сўзининг дастлабки маъноси акс эттирилган. Шундай қилиб, бу бор-йўғи белги ва рамзни ифодаловчи сўзнинг маъносини трансформациясининг кўпдан-кўп намуналаридан биридир. Лекин хар бир халқда “белги” ва “рамз”нинг ўзича ифодалари бўлган, лекин уларнинг дастлабки маъноларини хар бир халқ ҳам эслай олмайди. Аммо одамлар мазкур дастлабки маъноларини билганида эди, уларнинг бир-бирдан анча узокликда яшаган ва уммонлар билан бўлинган халқлардаги маънолари бўйича бир-бирига тенг бўлганига хайрон қолган бўларди...



Шубхасиз, минг йиллар давомидаги вазиятнинг глобал тарзда кўринишига ижозат берувчи Билимларнинг дастлабки асосига эга бўлмаган одамларга рамзлар ва белгилар борасидаги масалани ўрганишда олдинга юриш қийин. Аммо буни тўғрилаш мумкин. Шундай қилиб, бугунги авлоднинг бу ҳақда билиши ёки билмаслигидан қатъий назар, одамлар жамиятида доимий равишда бир нечта ишчи белгилар мавжуд. Бошқа белгилар ва рамзий ишоралар ҳақида ҳам таянч билимлар мавжуд. Сўнгилар одам, унинг энергетик тузулмаси, шунингдек, унинг кўринмас дунёдаги имкониятлари, шу жумладан, энг асосийси – руҳий озодликка чиқиш ҳақидаги маълум кодланган билимларнинг қадимдан ташувчилари бўлган. Қадимдан таянч белгилар ва рамзлар, уларнинг ишлатилишига қараб маълум мақсадларга мувофиқ тасвирланган: айрим ҳолларда мақсад билимларни узатиш бўлган, бошқа ҳолларда эса – унга қараётган одамга бевосита таъсир этиш. Билимларни узатиш мақсадида белгилар ва рамзлар “мухр” типига асосланиб тасвирланган. Оддий мисолда тушунтираман. Одам ўзининг фотосуратига қараганида, суратдаги ўнг томон унинг чап томонига мутаносиб, чап томони эса – ўнг томонига. Мухрда ҳам, унинг аслига қараб, қоғозга туширилган тасвири билан солиштирганинда, худди шундай. Билим узатиш билан боғлиқ белгиларга ҳам шу нарса тегишли, айниқса Ўнг ва Чап маҳлуқотларни белгиланишида.

*16-расм. Билимларни узатувчи таянч рамз тасвирининг мисоли.*


*Ўнг ва чап томони “мухр” типиди.*

*(Передняя сущность-Олд маҳлуқот; Правая Сущность – Ўнг маҳлуқот; Левая сущность – Чап маҳлуқот; Задняя сущность – Орқа маҳлуқот).*



Аммо гап белги ва рамзларга қараётган одамга маълум таъсир кўрсатиш ҳақида борган бўлса, уларни реал томонларига мутаносиб

равишда жойлашган. Масалан, агар одамнинг Ўнг Маҳлуқотини фаоллаштириш зарур бўлса, мутаносиб белгини қараётган одамнинг ўнг томонига қарши қўйишган ва хоказо. Яна кўплаб, одамлар томонидан ўйлаб топилган нозик фарқлар бўлган: бу белгиларни қандай ўқиш борасида – чапдан ўнггами ёки ўнгдан чапгами, юқоридан пастга қарабми ёки аксинча. Бироқ булар энди қадимий халқларнинг маҳалий анъаналари билан боғлиқ спецификасидир, вахоланки у ҳам, ўз навбатида, маълум ахборотга асосланган. Лекин биз ҳозир бу ҳақда сўз юритмаяпмиз.



*17-расм. Ёнбош Маҳлуқотларни фаоллаштириш учун мўлжалланган рамзларни ва белгиларни тасвирлаш мисоллари:*

- 1) *Ўнг маҳлуқотни фаоллаштиришнинг рамзий белгиси (кичик ёй белгига қараётган одамнинг Ўнг маҳлуқотига мутаносиб);*
- 2) *Чап маҳлуқотни фаоллаштиришнинг рамзий белгиси (катта ёй белгига қараётган одамнинг Чап маҳлуқотига мутаносиб).*

Қадимдан одамларга маълум бўлган Қалб ва тўртта Маҳлуқотлар ҳақидаги таянч билимларни кўриб чиқамиз. Даставвал оддий **одамнинг** белгиланиши **марказида доираси бор тенг томонли хоч** кўринишида бўлган (*соддалаштирилган вариант – тенг томонли хочнинг ўзи*). Хочнинг горизонтал чизиғи материя билан алоқани ифодалаган, вертикал чизиқ эса – руҳий дунё билан, аниқроғи, одамда руҳий дунё элементлари мавжудлигига, руҳий кўтарилиш имконияти борлигига кўрсатган. Шунинг учун горизонтал чизиқни турли халқлар айнан ер элементи, моддий (ерлик) дунё (ташқаридан ичкарига ҳаракат) билан, шу жумладан, вақт билан ҳам (ўтмишдан келажакка юриш маъносида), вектор билан (Ғарб-Шарқ), Осмон билан Ерни айириб турувчи чизиқ билан боғлашган.

Вертикал чизиқни эса – олов, хаво элементлари билан ва уларнинг моддий сферадан руҳийга, пастдан юқорига бўлган ҳаракати билан

боғлашган. Тенг томонли хочнинг тўрт томонлиги ва ичидаги доира одам тузулишидаги асосий элементларга кўрсатган (тўртта асосий Маҳлуқотлар ва Қалб). Улар асосий ғоянинг тимсоли бўлган: *Шахснинг* моддийлик ва маънавийлик ўртасида *танловини* амалга ошириши учун шароит яратиш...



*18-расм. Одамнинг рамзи - марказида доираси бор тенг томонли хоч Рамзнинг схемасида (“мухр “типиди) куйидагилар белгиланган:*


*Марказда – Қалбнинг рамзи (доира), ундан тўртта томонда – одамнинг асосий Маҳлуқотлари.*

*(Передняя сущность-Олд маҳлуқот; Правая сущность – Ўнг маҳлуқот; Левая сущность – Чап маҳлуқот; Задняя сущность – Орқа маҳлуқот).*

Доира – Қалбнинг қадимий рамзи ёки Рухий дунёдан намоён бўлишлардир (шу жумладан, Рухий Мавжудотнинг, Худонинг мавжудлик рамзи, муқаддас “Ра товуши”ни белгилаш); буюк Бўшлиқнинг бир қисмини рамзий маънода чегаралаб, ўз ичига олган айлана. Қалб ҳақиқий антиматериялигини, яъни рухий дунёдан келаётган кучлигини инобатга олсак, моддий фикрлаш тушунчасида – бу Хеч нарса. Уни гоҳида доира марказидаги нуқта кўринишида тасвирлашган, рухий дунё энергиясининг жамланмасининг рамзи сифатида (айрим ҳолатларда шундай тарзда рухий ривожланишнинг бошланғич поғонасини, ўйғонишни белгилашган). Доиранинг ўзи эса рухий кучларни, Қалбнинг мукамаллик, яхлитлик, доимийлик, абадийлик маъносида, рухий дунёнинг белгиланиши, бошланишсиз ва ниҳоясиз Борлиқнинг рамзи бўлган.


Эътиборга лойиқ яна бир факт мавжуд. Одамнинг тузулмасида Қалбни ахборотли қобиклар (субшахслар) ўраб туради. Буларнинг атрофида яна бир “қобик” – Прана бор, у одамнинг ҳаётини энергиясидир. Айнан Прана Қалбнинг энергияси ва моддий дунё ўртасида ўзига хос қатлам

бўлиб туради. Дунё халқларининг мифологиясида, айниқса одам ҳақида муқаддас (руҳий маънавий) билимлар берилган афсоналарида, Прананинг энергиясини Қуёш порлашига қиёслашган. Қалбни қуёш сифатида тасвирлаш шу ердан бошланган. Доира шунингдек иккита (моддий ва маънавий) сфераларни чегараланиб турилишини ҳам англатган. Агарда гап одам ҳақидаги билимларга тегишли бўлганида, бу айтайлик, оралиқ ҳолатда турган Қалб тўғрисидаги маълумотларга кўрсатган.



*19-расм. Қалбнинг, руҳий дунёнинг рамзи – доира.*


Гоҳида доира билан биргаликда унинг ҳаракатини кўрсатувчи элементлар ҳам тасвирланган, масалан, қанотлар, нилюфарнинг япроқлари, нурлар, илончалар, алангалар. Бунга ўхшаш тасвирларни триполье, қадимий хинд, қадимий миср, қадимий мексика, шумер, қадимий рус маданиятларнинг муқаддас рамзларида топиш мумкин. Бу нарса одамнинг руҳий маънавий ўсишини англатган ёки руҳий дунёнинг Мавжудоти томонидан келтирилган Маънавий билимга (Таълимотга) кўрсатган. Шунингдек бу, Шахсни танловга, материянинг асирлигидан озодликка чиқиш учун руҳий маънавий йўллари излашга итариб турувчи Қалбнинг кучига хос бўлган *ичкаридан ташқарига* ҳаракатланишнинг йўналишини кўрсатган. Кўпинча космологик афсоналарда қадимгилар дунёнинг умумий схемасини доирага киритишган. Бундай ҳолатда бу белги Руҳий дунё томонидан моддий дунёнинг яратилишига кўрсатган.



1



2



3

**20-расм. Руҳий ўсишнинг, маънавий Билимларнинг рамзи – ҳаракатни билдирувчи элементларига эга доира.**

1) Аджна-чакра – Қадимги Хиндистоннинг руҳий амалиётларидаги пешона марказида жойлашган чакран (энергетик марказ)нинг шартли белгиси (“Учинчи Кўз”).- нилюфарнинг иккита (мовий рангда) япроғи бор доира ва унга тегишли Аллат кучларининг белгиланиши(чўққиси пастга қараган учбурчак ва “АллатРа” белгиси кўринишида;

2) қанотли қуёш диски (Қадимги Миср) – “Осмонлардан” олиб келинган маънавий Билимларнинг рамзи (турли халқларнинг қуёш худоларининг рамзи, масалан, зардуиштийликда Ахура Мазда, бобиллик Шамаш, ассириялик Ашиура, қадимги мисрлик Ра худосининг белгиси);

3) қадимда (палеолит даврида) билимларни узатиш учун ишлатилган муқаддас қуёш рамзини тасвирлаш мисоли. Нақш маълум сонли “донлар”дан ишланган. Умумий тузулмани ифодалайди: доирага киритилган етти ўлчамли ўлчов, унинг ташқарисида 72 та “доначалар”бор, улар Борлиқнинг умумий ўлчовлар сонини ифодалайди; доирада – етти қатор “доначалардан” иборат “тўплам” лар еттита пирамидасимон шаклларни тuzган, уларнинг учларида бештадан “дон”лар бор (марказий ва унинг атрофида крестсимон жойлашган тўртта “доначалар”). Расм марказида – “етти япроқли гул”(етти қиррали юлдуз), унинг марказини 33 та “доначалар “ ўраган, япроқнинг хар бир томони эса бта "доначалар“дан иборат.

**Анастасия:** Ҳа, доиранинг муқаддас маъноси ҳақидаги билимлар нафақат қоялардаги расмларнинг рамзлари ва белгиларида, яшаш


жойларнинг деворларида, балки археологик предметларда ҳам қайд қилинган: муқаддас скульптураларда, маросимий кийимларда, идишларда ва хоказоларда. Улар шунингдек қадимий ибодатхоналар иморатларида, оддий яшаш жойлар, (чодирлар, юрталарда) ҳам сақланиб қолган. У ёки бу эътиқодлардаги анъанавий маросимий ҳаракатлар ҳам бу билимларни акс эттиради. Масалан, маълум доира шаклидаги макон ёки қурилма атрофида юришлар, айлана рақслар ижро этиш (қўринмас марказ ёки олов, муқаддас жой атрофида; шаман ёки дарвишларнинг айланишлари), донишмандларнинг мулоқот учун доира бўйлаб жойлашиб ўтиришлари, (доира маркази бўш бўлган – одамнинг Малакий табиатини рамзи сифатида.

**Ригден:** Дарвоқе, қачондир қадимгилар ўз шаҳарларини шундай қуришган, яъни қурилмаларини айнан доира бўйлаб жойлаштиришган, марказни эса майдон қўринишида бўш қолдиришган. Қуришнинг бундай планида авваламбор чуқур рухий маъно бўлган.

**Анастасия:** Замонавий шаҳарларга бу нарса етишмаётгани яққолдир, ваҳоланки бундай қурилишларнинг намуналари бизнинг кунга қадар ҳам етиб келган. Мисол учун минглаб йиллар илгари Дунай ва Днепр дарёлари оралиғида жойлашган Триполье цивилизациясининг уй-жойлари шундай принцип асосида қурилган. Қадимий Уралнинг Аркаим шаҳрининг типи асосида ҳам шаҳарлар қурилган. Масалан, археологлар синташт маданияти деб номлаган “Шаҳарлар мамлакати”, у археологлар томонидан Россиянинг худудида (Челябинск, Оренбург вилоятлари, Бошқиртистон ва Шимолий Қозоғистонда) топилган.



1.



2

*21-расм. Доира бўйлар жойлашган қадимий шаҳарларнинг планлари:  
1)Трипольенинг Петрень қишлоғини (Молдова) аэрофотосуратининг нусхаси;  
2)Аркаим шаҳрининг планини схемаси (Жанубий Ўрол, Россия).*

**Ригден:** Жудаям тўғри. Бироқ одамнинг қадимий белгиланишига – марказидаги доираси бор тенг томонли крестга қайтсак. **Крестнинг чизиқлари** – булар айнан тўртта Маҳлуқотларнинг шартли белгисидир: **ёнбош Маҳлуқотлар** (марказдан икки томонга қараб кетган горизонтал чизиқлар), **Орка Маҳлуқот** (марказдан пастга чизиқ) ва **Олд Маҳлуқот** (марказдан юқорига чизиқ). Айтиб ўтганимдек, ўхшатишли қиёслашларда фазодаги маълум кучларни Маҳлуқотларнинг хусусиятлари билан таъминлашган, масалан, тўртта табиат элементи, тўртта фасл шамоллари, шунингдек дунёнинг тўрт томони. Шу билан, қоидага кўра, учта кучлар ўзаро қалин боғлиқликда бўлган ёки орқа ва ёнбош Маҳлуқотларнинг салбий хусусиятларига эга бўлган. Тўртинчиси эса энг устуни бўлиб, ўзига хос, алоҳида хислатларга ва Олд маҳлуқотнинг ижобий сифатларига эга бўлган.

Бу кучларнинг барчаси ҳам хоч билан белгиланган – тузулмасида рух ва материя бирлашган мавжудот сифатидаги одамнинг муқаддас рамзи билан. Хочнинг вертикал чизиғини қуёшнинг кун ва тун тенглашганидаги туриши билан, маънавий дунёга ҳаракат билан, одамнинг ўзидаги маънавий табиатининг устуворлигига интилиши билан боғлашган. Шунинг учун диний анъаналарда муқаддас худоларнинг бошларида кўпинча Маънавий томон устуворлиги, Рухий оламдан олиб келинган Билимларнинг рамзи сифатида қуёш дискини тасвирлашган. Ёнбош маҳлуқотларга кўрсатувчи горизонтал чизиқни Қуёшнинг ҳаракати билан боғлаб (Қуёш осмон экваторини кесиб ўтаётганидаги баҳорги ва кузги кун ва тун тенглашган кунлари), уни маъжозий маънода кун ва тун тенглашиш ўқи деб номлашган.

**Анастасия:** Ҳа, буни ҳозир ҳам қадимги маданият ёдгорликларига қараб кузатиш мумкин. Масалан, қадимги форсий Персепол шахрида (унинг янада қадимий, форс тилидан таржима қилганда “Жамшид тахти” маъносини билдирувчи номи бор) жуда қизиқ барельеф сақланиб қолган. Унда зардуштийларнинг янги йил байрами (Навруз)ни рамзи тасвирланган. Бу байрамни қуёш календарига биноан форсий (эрон) ва туркий халқлари нишонлайди. Шундай қилиб, энг қизиғи шундаки, бу рамзда “азалдан ўзаро қурашаётган буқа (Ўнг маҳлуқот) ва шер (Чап маҳлуқот) тасвирланган. Қадимий халқларнинг эътиқоди бўйича йилнинг маълум кунларида уларнинг кучи тенглашган.


**Ригден:** Тўғри, шунинг учун ҳам кейинчалик бу рамзларни табиатдаги кун ва тун тенглашган кунлар билан боғлашни бошлашган. Аслида эса бунинг талқини бошқача...Хочга эквивалент бўлган тушунчаларга ҳам одамнинг тўртта Маҳлуқотлари ҳақидаги билимларнинг маҳфий маъноси киритилган.

**Анастасия:** Замоनावий одамларнинг аксарияти хочни фақат жахоннинг битта дини – христианлик билан боғлайди. Ўз навбатида, одамлар ундан кўпроғи билан қизиқмаслиги учун, ушбу диннинг хизматчилари кўлидан келган барча чораларни кўришмоқда. Аммо хоч – бу жуда қадимий рамздир ва у христианлик дини пайдо бўлишидан анча олдин пайдо бўлган. Хочлар ва уларнинг турли модификациялари палеолит давридаёқ маълум бўлган. Мисол учун, хоч белгисини ибтидоий жамият даври билан қайд этилган ёдгорликларда топишди. 20 минг йиллик ўтмишга эга Франциядаги Шове ғорини олайлик. У ердаги тасвирлар ертўланинг микроклими туфайли жуда яхши сақланиб қолган.

**Ригден:** Айтиш жоиз, бу топилмалар деярли яқинда қилинган. Ҳали одамзодга бугунги кунга номаълум бўлган қанчадан-қанча жойлар бор! Бироқ одамлар бу рамзларни “қадимгиларнинг ажойиб тасвирлари” дея замонавий динлар томонидан сингдирилаётган одам ақлидан келиб чиққан тушунчалар билан боғлаб томоша қилмасдан, балки уларнинг ва бунга ўхшаш артефактларнинг азалий маъносини тушунгандагина кадрлидир.

Хочнинг турли вариациялари рамзий маънода унинг асосий талқинига кўшимча маълумотларни ифодалаган. Масалан, крестнинг учларида учтадан шарлар бўлса, бу одам яшаётган дунёнинг уч ўлчамлигига ёки крестдаги кўшимча белги сифатида белгиланган ходисаларнинг сонли тафсифига кўрсатган. Агар крестнинг Орқа маҳлуқотга мутаносиб бўлган пастки қисми узайтирилган бўлса, (узун, ёки лотин крести), - диққатни Орқа маҳлуқотда жамлашни (доимий ғам-қайғу, Қалбни оғирлаштирувчи ўтмишни эслатиш, айбдорлик, хафалик туйғуларини кўзғатишни) ифодалаган. Сен эса энди тушунасан-ки, Одам Хайвоний табиати ҳолатида бўлганида, Орқа маҳлуқотнинг бундай фаоллашуви – бу, аслида, кўрқув, ўзини айблаш, тушкунлик каби туйғуларни доимий равишда рағбатлантириб туришдир.





*22-расм. Узун ёки лотин хоч.*

**Анастасия:** Ахир христианликда, гўёки Масих азобларининг рамзи сифатида хочнинг айнан шундай шаклини осиб юриш мажбурланади-да. Демак, Худога нисбатан Мухаббат туйғуси ўрнига одамларни ўз азоблари, ўтмиши, ўлим ҳақидаги фикрларда билвосита халқалаб қўйишар экан-да? Бошқача айтганда, мазкур рамз ёрдамида одамларда кимнингдир ўтмиши билан эмас, балки шахсий ўтмиши билан боғлиқ негативни ғайриихтиёринг онг даражасида фаоллаштиришар экан-да. Ҳақиқатан ҳам, бу Орқа маҳлуқотнинг фаоллашувини рағбатлантиришнинг ўзгинаси-ку.

**Ригден:** Бу айнан биз олдин ҳам сўз юритган нарсаларнинг элементларидан бири-да, мен черковлардаги белгиларнинг манипуляциясини назарда тутмоқдаман. Мазкур вазиятда эса нафақат Орқа маҳлуқотга урғу берилган. Қоидага кўра бундай крестнинг орқа томонига одамлар лотин харфлар билан INRI (Iesus Nasareus Rex Iudaeorum) ёзувини жойлаштиради, унинг маъноси Назаретлик Исо, яхудийларнинг подшоси.


**Анастасия:** Тушунарли, боз устига бу ерда доимий равишда диндорларнинг онг остига маълум халқнинг уларнинг устидан юқорироқлиги сингдирилаётган эканда...Нима учун бу ерда Қалбнинг, Худога бўлган Мухаббатнинг рамзи йўқ?

**Ригден** (табассум билан): Ана, кўрдинг-ми, Билимга эга бўлган одамда хокимият тепасидаги коҳинларга бериладиган “ноқулай” саволлари ҳам пайдо бўла бошлайди. Ахир қандай қилиб улар бу белгини қўйишсин, уларнинг таълимотлари бўйича вазифа ва мақсадлар мутлақо бошқача

бўлса? Уларнинг омма учун назариясидагина кутқарилиш ҳақида айтилади, амалда эса, нима бўлаётганини ўзинг кўряпсан.

**Анастасия:** Ҳа, амалда, афсуски, назариядан фарқли равишда, қулликни ҳеч ким йўқ қилмаган, уни атиги замонавийлаштириб ва демократик эркинлик кўринишида яшириб, шунинг билан озодлик ва тенглик иллюзиясини яратишган.

**Ригден:** Унданда кўпроғини айтаман, қачондир лотин крести христианлик динининг рамзи сифатида эрамизнинг тўртинчи асрида киритилганлигини мен эслатган эдим. Ўшанда Исонинг Таълимоти динга айлантирилди, дин эса давлат дини мақомига эга бўлди. Дарвоқе, лотин крести билан генеалогияда одатда одамнинг ўлимини, ўлимнинг санасини белгилашади. Шундай экан, хриситианликда диндорлар томонидан осиб юришга мулжалланган мазкур узун тўртта учли хочдан ташқари олти учли ва саккиз учли “патриархларнинг крестлари” деб номланмиш, қоидага биноан, Олд маҳлуқотни ўчириб турувчи кўшимча иккита ёки учта горизонтал чизиқчаларга эга хочлар ҳам мавжуд. Уларни архиепископлар, кардиналлар олиб юради. Диннинг умумий концепциясида мазкур юқоридаги таёқчанинг мавжудлиги Исонинг юқорида эслатилган лотинча қисқартирилишдаги “титули” учун (INRI) таёқча (жадвал) деб талқин қилинади. Белгида яна пастки қиялама горизонтал чизиқ мавжуд бўлган бўлса, диндорга оддий қилиб, диний талқиннинг моддий контекстида, бу гуёки Масихнинг оёқлари учун таёқча деб тушунтирилган.



23-расм. Патриархларнинг крестлари(хочлари):

- 1) патриарх крести – иккита горизонтал чизиқчали олти учли крест;
- 2) православ крести – христианликнинг саккиз учли юқорида горизонтал ва пастда қия чизиқларга (одамий ўтмишидан воз кечии) эга крест;


3) *папа крести* – учта горизонтал чизиқлар – уч ўлчамли дунёдаги моддий хокимиятнинг рамзи. Барча вазиятларда Олд маҳлуқотни ўчирувчи юқоридаги горизонтал чизиқ тенг томонли крестни ҳосил қилади. – одамнинг (одамнинг хокимиятининг) рамзи.

Энди эса христианлик дини туғилиш давридан анча аввал қўлланган, оммадан яширилган хоч рамзининг талқинларини кўриб чиқамиз. Масалан, Қадимги Мисрда бугунги кунда тау-крест ва анх крести номи билан маълум бўлган хочларнинг белгиланишлари оммабоп эди. Муқаддас билимларда тау-крест, замонавий тилда айтганда, моддий дунёдаги одамнинг хаётини, орқа ва ёнбош Маҳлуқотлар томонидан узатилаётган эмоциялар ва фикрларнинг намоён бўлиши ифодалаган. Анх крести эса энди ўзида иккита турли элементларни бирлаштирган: устувор бўлган доирани ва унга осилиб турган тау-крестни. Анх крести Малакий табиати устувор бўлган мукамал инсонни, ундаги қолган учта Маҳлуқотлар устида Олд маҳлуқотнинг, моддийликнинг устидан Рухий маънавийликнинг устунлигинининг тимсоли бўлган. Шунинг учун анх крести маънавий рамз, абадийликнинг белгиланиши сифатида қадимий мисрлик олий худоларининг қўлларига жойлаштирилган. Анх крести шунингдек “хаёт калити”, “энергия калити”, “қайта тикланиш калити”, рухий ўзгариш калити сифатида ҳам маълумдир. Бундай ифодаланишлар одамни сифат жихатдан мутлақо бошқача Рухий Мавжудотга айланишига олиб келувчи рухий амалиётларнинг маълум босқичининг рамзий белгиланишлари билан боғлиқ бўлган. Устига-устак мазкур крест ва унинг рамзий белгиланиши тўғрисидаги билимлар нафақат Қадимги Мисрда (Африкада), балки Қадимги Европа, Осиё, Америкаларда ҳам бўлган.

#### *24-расм. Тау-крест ва анх крести:*

1) *тау-крестнинг тасвирланиши намуналари;*

2) *анх крестининг тасвирланиши намуналари.*



Шундай қилиб, тау-крестда тенг томонли хоч жойлаштирилганида, бу уч ўлчамли дунёда одамий (Хайвоний) табиати устуворлигидаги кишининг Маҳлуқотларининг устидан ҳукмронлигини ифодалаган. Қадимда одатда бундай рамз сеҳр-жодуда башорат, афсунгарлик,

даволаш ва хоказолар вақтида ишлатилган. Агарда тенг томонли хоч доирага киритилиб тау-крестнинг устидан қўйилган бўлса, гап тириклик даврида моддийлик (Хайвоний табиати) устувор бўлган одамнинг ўлими ҳақида борган, қисқа қилиб айтганда, мазкур рамз “қайта туғилишга” кетишни ифодалаган. Лекин унинг бошқа ифодалари ҳам бўлган...

**Анастасия:** Демак, патриархларнинг крестлари – булар, аслида, тау-крестнинг устидаги одамий тенг томонли крест, моддий дунё устидан афсунгарлик орқали эришилган хокимият рамзидир. Шунингдек, бу Олд маҳлуқотнинг ўчирилиши, моддийликни деб маънавийликни рад этиш, бўлиб чиқмоқда.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Крестнинг пастки қисмида горизонтал чизиқ ўзининг ўтмишидан воз кечишни ва ўзини хизмат қилишга бағишлашни ифодалайди. Бироқ “Кимга хизмат қилиш?” саволи очиқ бўлиб қолмоқда. Унинг жавоби мазкур рамздаги устувор белгининг ифодасидадир. Бугунги кунда “папа крести” деб ном олган, юқорига элтувчи зиналардек учта горизонтал чизиқли узун хочга келсак, қадимдан бундай хоч билан уч ўлчамли дунё устидан хукмронликка интилувчи одамни белгилашган, агар алоҳида олинган кишининг рамзига тегишли бўлса. Аммо диндорларга, табиийки, бундай “нозик” тафсилотлар эълон қилинмайди. Бу ҳолат қисман юқорида турганлар томонидан уларни яшириши туфайли, қисман мазкур ахборотдан ушбу диндаги анъанавий талқинни қўллаган оддий дин хизматчиларининг беҳабарлиги туфайли рўй беради. Сўнггиси эса мазкур диннинг умумий концепциясининг шаклланишида, аслида оммага мазкур қадимги рамзни тушунтиришдаги ўйлаб топилган талқини бўлиб чиқмоқда.

Тушунарлироқ бўлиши учун оддий мисол келтирсам. Ўз танасида хочни осиб юрувчи диндор кишидан, уни эслаганида, кўзгудаги акс кўринишида уни ўз танасида кўрганида ёки ушлаганида нимани хис этиши ҳақида сўрасанг, бундай ҳоллардаги стандарт жавобни эшитиш мумкин. Одамнинг жавоби – бундай лаҳзада у хочга михланган Исо Масихнинг азобларини эслашни, айбдорлик ва ўзининг гунохкорлиги туйғуларини хис этишини айтади. Бундай жавоб мазкур диннинг деярли барча диндорларига хосдир. Эътибор бер, улар бу лаҳзада Масихнинг таълимотини, унинг ваъзларини ва даъватларини эсламайди, ўз Қалбининг кутқарилишини, Худога Мухаббат хис этишни ўйламайди-да, бироқ айбдорликни, ғам-қайғуни хис этиб, кўрқувни бошдан кечиради. Нима учун? Чунки одамнинг энергетик тузулишида Орқа ва Ўнг маҳлуқотлари фаоллашади. Мана шу белгиларнинг ва рамзларнинг ишлаши (ғайриихтиёрий онгга таъсир этиши)нинг ва

кохинлар томонидан оммани бошқариш тизимларида ишлатилишининг кўргазмали мисолидир. Улар одамлардан азалий Билимларни яшириши хайратланарли эмас. Акс холда, улардан хабар топган одамлар диннинг чўққидагилари учун “ноқулай” саволларни бера бошлаган бўларди-да. Масалан, нима учун улар (диндорлар) айбдорлик туйғусини келтириб чиқарувчи, ғайриихтиёрий онг даражасида тушкунликка киритувчи азобларни ва ўтимиши хусусида салбий хотираларни рағбатлантирувчи рамзни, диний хизматчилар эса – моддий дунё устидан хокимият рамзини олиб юришмоқда? Ахир, таърифлаш бўйича улар ҳам, булар ҳам Худонинг Мухаббатига, Қалбининг қутқарилишига, Рухий Оламга интилиши керак-ку.

**Анастасия:** Ҳа, сени хар томонлама қандай белгилар ва рамзлар билан ўраётганликларини англай бошласанг, жамиятда, ҳатто-ки ўзинг учун рухий енгиллик олмоқчи бўлган жойларда ҳам Хайвоний Ақл нима учун устувор эканлигини тушунар экансан.

**Ригден:** Мен кўп бора айтганман ва яна бир бор такрорлайман: вазиятни ўзгартириш одамларнинг ўзларининг қўлларида, барчаси хар бир одамнинг устувор танловига боғлиқ.

Аммо тўртта Маҳлуқотнинг белгилари мавзусига қайтсак. Тенг томонли хоч оддий одамнинг рамзи бўлган бўлса, **қиялама (айлантирилган) хоч ва унинг турли вариациялари эса (кўпинча марказдаги доира билан) Билим йўлидан кетаётган одамни ва тўртта Маҳлуқотга доир медитатив амалиётлар ҳақидаги муқаддас маълумотга эга бўлган Шахсни ифодалаган.** Таъкидлайман, Билимларга эга бўлган Шахсни, уларни қандай ишлатиши эса (онгидаги устуворликка қараб), бу энди унинг шахсий танлови.




*25-расм. Ўртасида доира мавжуд тенг томонли қия хоч – одамнинг тўртта Маҳлуқотлари ва Қалб ҳақидаги Билимларнинг рамзи.*


*Қиялама хоч – ўрганишидаги ҳаракат, фазонинг Маҳлуқотларнинг таъсир майдонларига бўлиниши рамзи, доира – Қалбнинг белгиланиши.*

*Рамзнинг схемасининг талқини “муҳр” типини бўйича келтирилган. (Передняя сущность-Олд маҳлуқот; Правая Сущность – Ўнг маҳлуқот; Левая сущность – Чап маҳлуқот; Задняя сущность – Орқа маҳлуқот).*

Бироқ муқаддас матнларда қия хоч кўринишидаги рамз кўпинча одамнинг энергетик тузулмаси, унинг Маҳлуқотлари, ўлчовлар билан ўзаро алоқалари ҳақидаги Билимларга кўрсатган. Ўлчовлар шартли равишда чўққиси кесилган пирамида зиналарининг сони ёки зинапоя кўринишида, нақшларнинг деталлари (нилюфарнинг ғунчалари, унинг япроқлари, тоғларнинг контурлари, зигзагсимон чизиқлар), доира ичидаги доиралар, чизиқлар, донлар, нуқталар кўринишида тасвирланган. Сон жиҳатдан улар 3,4,5,6,7 га тенг бўлган. Рамзнинг учта бир хил элементлари уч ўлчамли ўлчовга, 4 таси – учта ўлчов ва вақт, ва тўртта Маҳлуқотнинг белгиланиши бўлиб ҳам ҳизмат қилган, 5-таси – беш ўлчамли ўлчов, лекин асосан бу рақам билан аёл табиатининг рамзларидан бири, бешинчи ўлчовда Аллат кучларининг намоён бўлишининг белгиси бўлмиш бешта нурли юлдуз, 6-таси эса моддийлик устувор бўлган одамнинг онгининг ўзгартирилган ҳолатидан моддий дунёга таъсир эта олиши мумкин бўлган олтинчи ўлчовнинг ифодаси бўлган. Тасвирдаги еттита бир хил элементларнинг борлиги эса мукамал инсонга кўрсатувчи еттинчи ўлчовни, дунё тузулишининг 7-чи ўлчовигача ёки “Жаннат”, “Нирвана”, “Қалбнинг озодликка эришиши” тушунчаларини ифодалаган. Гоҳида еттинчи ўлчовнинг рамзли ифодаси ёнида 8, 9, 12, 13, 33 ёки 72 га тенг шартли белгилар тасвирланган. Улар Олам ҳақидаги билимларга кўрсатган. Бундай муқаддас маълумотни кўпинча маросимий предметларнинг, кийимларнинг ёки муқаддас қурилмаларнинг нақшларида қайд этишган.


Қия хочнинг вариациялари турлича бўлган: марказида доираси бор тўртта қўшилган учбурчаклар, учбурчак фазоларнинг доира-марказлари, беда ўсимлиги баргига ўхшаш (маркази тор, четлари эса кенгайган), хоч кўринишида ўралган илонлар ва хоказолар кўринишида.





*26-расм. Тўртта Маҳлуқотнинг маконлари белгиланган қиялама крестнинг вариациялари.*

Агарда бирор Маҳлуқотни фаоллаштириш, унинг устуворлигини ёки тўхтатилишини, ёки бу Маҳлуқотлар билан конкрет иш олиб борилишини кўрсатиш зарур бўлса, бу жараён қиялама хочнинг мутаносиб майдонидаги қўшимча белги билан тасвирланган.




27 расм.

***Тўртта Маҳлуқот билан ишлашдаги урғуларнинг рамзли кўрсатилиши.***

- 1) қуйидаги маъноларда ишлатилади: олтига ўлчовнинг рамзи; руҳий маънавий билимлар ёки амалиётларга кўрсатиш, ёнбош Маҳлуқотларнинг ишини қўшимча белгиларга кўра тўхтатилиши ёки фаоллашуви;
- 2) медитацияда у ёки бу Маҳлуқотлар билан ишлашдаги шартли белгиланиши намуналари;
- 3) ҳар бир рамз одамдаги ёнбош Маҳлуқотларнинг устуворлигига ёки уларга урғу берилишига кўрсатмоқда;
- 4) бу рамз ўз шакли бўйича ёнбош Маҳлуқотларнинг фаолашувини акс эттиради. Бу фаоллашув таиқаридан ичкарига бўлган босим бўлиб намоён бўлади ва одамнинг холатида оғир, салбий, босимли туйғулар кўринишида акс эттирилади (рамз мазкур жараёндаги шахсий фазонинг реал деформациясига кўрсатмоқда);
- 5) бу рамз юқоридагидек маънога эга, лекин схемали тасвири бошқача.

**Анастасия:** Демак, гап у ёки бу халқнинг муқаддас билимларини ифодалаган айнан муқаддас ёки сеҳрли рамзлари ҳақида бораётганини таъкидласак арзийди...Хуллас, тўртта Маҳлуқотларнинг асосий белгилари бўлиб учбурчаклар ва ярим сфералар хизмат қилади, улар тегиб туради, аммо деярли кесишмайди.

**Ригден:** Шубҳасиз. Қоидага кўра, булар оддий учбурчак ва оддий ярим сфералар эмас, балки тенг томонли учбурчаклар, уларнинг учта томони Кузатувчининг (Шахснинг) руҳий маънавий ривожланиши бошланаётган ўлчовнинг уч ўлчамлигига кўрсатади. Горизонтал холатда ётган ва учлари билан тегишиб турган учбурчаклар Ўнг ва Чап Маҳлуқотларнинг рамзидир.



28-расм.


***Одамнинг Ўнг ва Чап маҳлуқотлари белгиси.***

Бу ўзига хос чексизликнинг белгиси, материя дунёсининг бир хил ўрнатмаларига доимий равишда қайтиш, “ўзгарувчан барқарорлик” деб



номланади. Бу гоҳо Ўнг, гоҳо эса Чап маҳлуқотларнинг турғун устуворлиги (катталиги тенг кучнинг одамнинг диққатини “тутиш”, аниқроғи, “овлаш”нинг бир соҳасидан бошқасига оқиб ўтиши), албатта, агар бу иккита горизонтал учбурчакни ўз фикрларини назорат қилмаётган одамнинг хаёти контекстида кўрадиган бўлсак. Бироқ бу нарса Хайвоний табиатининг фикр ва эмоцияларини танлаган Шахснинг ёнбош Маҳлуқотларининг одатий ишларига айнан хосдир. Лекин инсон ўз руҳий ривожланишида юқори чўққиларга эришар экан, у холда ёнбош Маҳлуқотлар ўзининг ўрганган иш режимини ўзгартиради. Улар энди ёрдамчиларга, ўзларининг бошқа ўлчовлар билан бўлган алоқаси билан бу дунёнинг кўринмас турфалигини (шартли “чексизликни”) ўрганишда ёрдам берувчи кучга айланади.

Бироқ чўққиси юқорига ва чўққиси пастга йўналтирилган учбурчаклар эса – алоҳида ҳолатдир ва уни батафсилроқ кўриб чиқиш зарур. Вертикал ҳолатда жойлашиб, чўққилари билан тегишиб турган иккита учбурчак Олд ва Орқа маҳлуқотларнинг рамзидир.



29-расм

***Одамнинг Олд Маҳлуқотининг рамзи – пастга йўналтирилган учбурчак, Орқа Маҳлуқотнинг рамзи – юқорига йўналтирилган учбурчак.***

Тўртта Маҳлуқотлар ҳақидаги дастлабки азалий Билимлар контекстида юқорига йўналтирилган учбурчак Орқа Маҳлуқотнинг, ўтмишнинг, кўринувчи, намоён бўлган моддий дунёнинг рамзи эди. Бундай шаклдаги учбурчакни кейинчалик одамлар айнан эркак табиати билан боғлашгани асло бежизга эмас. Ва бу нарса мутлақо юксаклик, осмонга бўй чўзган тоққа ёки Олам тузилишининг учта принципига (Худонинг рамзига) ўхшатиш эмас. Тоғ – бу алоҳида образ ва рамз, у асосан бошқа ўлчов тушунчаси билан боғлиқ. Юқорига йўналтирилган


учбурчак кўринишидаги Худонинг рамзи эса Олам тузилишининг уч принципини ифодалаган: Худо (ғоя), Нилюфар (режа) ва Аллат (ғоя ва режанинг амалга ошиши).

**Тенг томонли юқорига йўналтирилган учбурчак одам ҳақидаги** азалий Билимларга биноан, иккита лаҳзани ифодалайди. Биринчидан, одамнинг, ”Худонинг тимсоли ва ўхшаши”га асосланиб яратилган объект сифатидаги тайёргарлик ҳолати: уч ўлчовли дунё Кузатувчиси сифатидан токи мустақил руҳий маънавий ривожланишигача (одамда даставвал Қалб жойлаштирилган ва унинг руҳий маънавий ривожланишининг учта шарти киритилган: руҳий маънавий ғоя, режа, режани амалга оширилиши). Иккинчидан, агарда гап бевосита руҳий маънавий ривожланиш жараёни ҳақида бораётса, ёки, аксинча, Хайвоний табиати устувор бўлган материяда ўралашиб қолган одам ҳақида кетса, бундай учбурчакнинг маъноси мутлақо бошқача бўлган. Бундай вазиятда бу учбурчак нафақат Орқа маҳлуқотни, балки моддий дунёнинг тажовузани (шунинг учун уни айрим ҳолларда олов элементи билан боғлашган), материянинг кенгайишдан торайишига бўлган ҳаракатини (ташқаридан ичкарига), Хайвоний ақлнинг Иродасида диққатни жамлашни ва унинг пирамидасимон материя иерархиясининг устидан ҳукмронлигини ҳам ифодалайди. Бошқача айтганда, юқорига йўналтирилган учбурчак “дунёвий нарсаларга”, моддийликка, вақтинчаликка асосланиш ва ҳокимиятга интилишни ифодалайди.

**Пастга йўналтирилган тенг томонли учбурчак** азалий Билимларда одамнинг ўз руҳий ўсиши ва ривожланишини амалга оширишга ёрдам берувчи Олд маҳлуқотни билдирибгина қолмайди. Бу рамз азалдан **Аллатнинг яратувчилик кучини** ифодалайди, яъни маънавийликнинг бирламчи намоёнда нуқтасидан, Яратувчининг режасининг намоён бўлишидан бошлаб доимий бунёдкорликка ва кенгайишга, шу режага киритилган мукамал шаклни кўзлаб қилинган ҳаракатни билдиради. Қадимда чўққиси пастга қараган учбурчакни аёллик табиатининг рамзи, у ёки бу халқларнинг эътиқодларида бутун дунёнинг волидаси сифатидаги Олий Онанинг яратувчилик вазифаларини, *суб муҳити билан алоқани* (руҳий дунёга ўхшатиш учун қўлланилади) ўзида мужассам этган олий аёл худолар билан боғлашгани бежизга эмас. Одам ҳақидаги муқаддас азалий Билимларга биноан, Малакий табиатини танлаган Шахсда руҳий ўйғониш, онгнинг кенгайтирилган ҳолати, руҳий Мухаббатнинг намоён бўлиши кўринишидаги Аллатнинг бунёдкор кучи намоён бўлади. Айнан шунинг учун ҳам руҳий амалиётларни бажариш пайтида инсон барчани тушуниш, барчани билиш, бутун дунёни қамраб олувчи Мухаббат каби туйғуларини хис этади. Булар айнан унинг Олд Маҳлуқотининг иши ва Шахснинг Қалб билан алоқасини қайта тикловчи ва намоён қилувчи Аллат

кучларининг намоёндасидир. Бу Билимнинг қолдиқлари одам ва олам ҳақидаги муқаддас трактатларда, мифологик сюжетларда, дунёнинг кўплаб халқларининг тимсоллари ва маросимларида кузатилмоқда.

**Анастасия:** Дарвоқе, ўша Триполье цивилизациясини олсак, маросимий идишларида айнан мана шу, иккита вертикал жойлашган ва учлари билан тегишиб турган учбурчаклар рамзини тасвирлашган, уларда хатто рухий амалиётлар пайтидаги энергияларнинг ҳаракати йўналишини ҳам белгилашган.



*30-расм*

*Одам ҳақидаги билимлар, унинг рухий маънавий ривожланиши жараёнларини*

**қадимги белгиланишлари.**

*Триполье цивилизациясининг маросимий сопол идишларида тасвирланган расмлар (эрамиздан олдин VI-III минг.й.):*

1) одам тузулмаси ҳақидаги умумий билимлар ( пастки учбурчакда учта ўлчов, юқори учбурчакда учта ўлчов, доира белгиси);

2) оддий одамнинг белгиланиши;

3) маънавий йўлни бошида турган яхши одамни белгиси (боши квадрат шаклида,юқорига кўтарилган қўл, шунингдек юқоридаги учбурчакда Олд Маҳлуқотга урғу берилган);

4) қўлларини тепага кўтариб ҳаракат қилаётган шакл – Ўнг ва Чап Маҳлуқотлар билан ишлаш бўйича руҳий амалиётнинг муқаддас белгиларидан бири;


5) олий руҳий ҳолатга эришиши ва еттинчи ўлчов билан алоқани ифодалаш (бошида еттита доирачали доира, уларнинг тепадагилари пастга қараган учбурчакни ташкил қилади; шунингдек, энергияларнинг ҳалқаланиши – қўлларнинг йўналиши билан белгиланган);

б) руҳий маънавий йўлдан кетаётган одамнинг белгиси: Олд маҳлуқот ёнбош Маҳлуқотлар устидан устувор бўлиб, Аллат кучи ёрдамида одамни бошқа, олий дунёга олиб чиқмоқда (одам иккиланиб, учинчи ўлчовдан юқори ўлчовда намоён бўлмоқда).

**Ригден:** Ҳа, бу рамзлар ҳамма жойда мавжуд, бироқ одамларнинг кўпчилиги уларга эътибор бермайди, азалий Билимлари йўқлиги сабаб улар билан қизикмайди ва тушунмайди. Масалан, Қадимги Хиндистонда эъзозланган Шакти аёл худоси ҳақида олдин эслатиб ўтган эдим (Бу Аллат кучларининг намоён бўлишишининг ассоциатив тимсоли). Унинг рамзи сифатида пастга қаратилган учбурчак ишлатилган. Шива худосининг рамзи эса (хинд мифологиясидаги учта худоларининг битгаси, у шунингдек, вайронкор кучларни ҳам намоёндаси бўлган) – юқорига қараган учбурчак. Ёки бошқа мисол. Юнонликлар Қадимги Мисрнинг буюк дарёси бўлмиш Нил дарёсининг учбурчакли этагининг сохилларида бўлган пайтида, уни “дельта” деб номлашни бошлади. Қадимги мисрликлар учун (хаётбахш дарё каби) мазкур, денгизга чиқишга имконият берувчи дарёнинг этаги аёлий табиатнинг намунаси бўлган муқаддас нилюфарга қиёсланар эди. Шу билан, дарё этагининг асосида кўплаб, денгизга (сув муҳитига) олиб чиқувчи ирмоқларни қадимги мисрликларнинг муқаддас талқинларида бошқача, руҳий дунё билан боғловчи маънавий йўлларга ўхшатишган. Кўпгина, Аллатнинг вазифаларини бажарган мисрлик аёл худолари афсоналарда сув муҳитининг амирлари бўлган ёки у билан ва нилюфар билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун юнонларда ҳам дельта, мазкур сўзнинг ўзи юнон алифбосининг тўртинчи харфидан ташкил топганига ва шакли юқорига қаратилган учбурчак бўлганига қарамасдан, аёлий

табиатнинг рамзи бўлиб қолди. Хуллас, ҳеч бўлмаганда турли маданиятларнинг маълум бўлган тарихида эътибор билан қидирса, кўплаб қизиқарли маълумотларни топса бўлади. Бугунги одамзоднинг хотирасида йўқ, аллақачон унутилган маданиятлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади, лекин келажакда улардаги археологик топилмалар хали дунёни ноёб артефактлар ва маънавий билимлари билан ларзага солади, албатта, агар мазкур одамзод учун шу келажак келса.


Иккита учбурчакларнинг бир-бирининг устига қўйилишини белгиланишидаги вариацияси ҳақида бир оғиз тўхтаб ўтсам. Бундай белги мистик, оккульт, диний оқимлар ўртасида қадимдан кенг тарқалган. Азалий Билимларга биноан, агарда мазкур рамзда асосий (устки) бўлиб оқ ранг билан тасвирланган пастга қараган учбурчак жойлаштирилган бўлса (илоҳий аёлий табиат, руҳий дунё кучлари), унинг тагида (учлари чиқиб турган) қора рангли юқорига қараган учбурчак бўлса (материянинг кучлари), бундай рамз *олти ўлчамли ўлчовда руҳий дунёнинг, Аллатнинг яратувчилик кучларининг моддий дунё устидан устуворлигини ифодалайди.*



*31-расм. Руҳий дунёнинг моддий дунё устидан устуворлигининг қадимги рамзи.*

Аммо агарда юқорига қараган учбурчак пастга қараган учбурчакнинг устидан қўйилса, у Хайвоний ақлнинг, моддий дунёнинг руҳий дунё устидан устуворлигини, Хайвоний табиати устувор одамнинг олтинчи ўлчовдан туриб материяга сеҳрли таъсирини, Аллат кучини ўзининг руҳий озодлиги учун эмас, балки моддий дунёда хокимиятга эришиш мақсадида ишлатилишини ифодалайди. Бундай, айтайлик, қарама-қарши маънога эга бўлган белгини, қоидага кўра, уч ўлчовли дунё устидан сирли хокимлик қилишга интилган, Хайвоний ақлнинг Иродаси ва

мақсадларига хизмат қилган одамлар қўйишган. Агар белги оддий, устувор учбурчакни кўрсатмасдан тасвирланган бўлса, уни “ағдарилган белги” деб ҳам аташган, чунки Олд ва Орқа махлуқотларнинг учбурчакларининг жойлари ўзгартирилган, ёнбош Махлуқотлар эса устувор бўлган (вертикал ҳолатдаги учбурчаклар кўринишида). Шунингдек, бу нарса *ромбнинг* (кишини руҳий ўзгаришининг рамзларидан бирининг) устидан чизиб юборишни англатган. Қадимда бундай рамзни асосан сеҳр-жодуларда ишлатишган.



*32-расм . Ағдарилган белги.*

**Анастасия:** Айтиш жоиз, ҳозирда бу белги жаҳон бўйича “Довуднинг юлдузи” номи билан “реклама” қилинмоқда, табиийки, кенг омма учун “руҳ ва материянинг мукамал иттифоқи” ҳақидаги қулай талқини (чўққиси тепага қараган учбурчакнинг устуворлиги) билан. Кейин эса одамлар нима учун тажовузкорлик ва ёвузликка тўла “бахтсиз дунё”да яшаётганига хайрон бўлишади.

**Ригден:** Хайвоний ақл мажбурлаб бераётган нарсалардан бошқаси одамларни қизиқтирмаса, ким айбдор. Қадимда Шарқда бу белги “жинлар хукмдори”, руҳий ривожланиши учун мўлжалланган кучлар ёрдамида материя устидан хукмронлик қилувчи одамнинг сеҳрли рамзи сифатида маълум бўлган. Агар юқорига қараган катта учбурчак ичига битта ёки бир нечта пастга қараган учбурчаклар жойлаштирилса, бу айнан ўзининг ноёб руҳий кучларини бошқа мақсадларда, яъни моддий дунёда маълум хукмдорликка эришиш учун ишлатилишини англатган. Масалан, юқорига қараган катта учбурчак ичига учта пастга қараган учбурчаклар жойлаштирилса, бу нарса Аллат кучларини моддий Ақл томонидан, қоидага кўра, уч ўлчамли дунёдаги вақтинчалик хокимиятга эришиш учун ишлатилишини англатган. Айтиш жоиз, пастга қараган учта учбурчаклар илоҳий принципларнинг тимсоли бўлган: ғоянинг, режанинг, амалга оширилишининг (режанинг бажарилишининг).

Қадимий тасвирларда ҳеч нарса билан чегараланмаган пастга қараган учта учбурчакларни кўриш мумкин, уларнинг тепасидан пастга қараган ката учбурчак қўйилган бўлиб, инсоннинг руҳий озодликка қилаётган ҳаракатини, хуллас, одам ўз хаётий кучларини тўғри ишлатишини англатади.


**Анастасия:** Илтимос, ўқувчиларимиз учун ярим сфералар ҳақида ҳам гапириб берсангиз. Улар ҳам муқаддас, маросимий предметларнинг нақшларида, қадимий топилмаларда тўртта Маҳлуқотнинг шартли белгиланиши сифатида тез-тез учраб туради.

**Ригден:** Ҳа. Тўртта Маҳлуқотнинг белгиланиши учун ярим доира, ярим ой, бутуннинг маълум қисми сифати бўлмиш ёй рамзи ишлатилган. Шу билан вертикал ҳолатда жойлашган ёнбош ёйлар ёнбош Маҳлуқотларнинг рамзи бўлган. Ағдарилган ярим ой ёки тўнтарилган косага ўхшаш ёй Орқа маҳлуқотнинг тимсоли бўлган, шунинг учун халқларнинг муқаддас рамзий ишораларида уни хаётдан маҳрум бўлган ўтмиш билан, шунингдек “ўлик”, моддийликка қаратилган таълимотнинг белгиланиши билан боғлашган. Олд маҳлуқотнинг белгиланиши учун азалдан, Руҳий оламнинг кучи – Аллатнинг намоён бўлишининг рамзи сифатида юқорига қараб ётган ёй ёки ярим ойни белгиси қўлланган. Аслида, бошқа Маҳлуқотларнинг айнан бир-биридан фарқли ёйлар, ярим сфералар шаклида белгиланиши шундан келиб чиққан. Олд маҳлуқотнинг ва Аллат белгисининг шундай белгиланиши туфайли Аллатнинг бунёдкор кучлари (ёки қадимгиларнинг тасавурида – Руҳий оламнинг мажозий ўхшатиши бўлмиш соф зилол сув) билан тўлиб тошишга тайёр бўлган маънавий идиш сифатидаги косанинг ассоциатив рамзи пайдо бўлган.



*33-расм. Одамнинг Маҳлуқотларини ёйлар кўринишида тасвирлаш схемаси.*

*(Передняя сущность – Олд маҳлуқот, Левая сущность – Чап маҳлуқот, Задняя сущность – Орқа маҳлуқот, Правая сущность – Ўнг маҳлуқот)*



1.



2.




3.



4.



5.



6.


**34-расм. Аллат белгили ярим ойлар ва ёйлар кўринишидаги одамнинг Маҳлуқотларини рамзий тасвирланиши:**



- 1) Ой крести (бошқа номи Круассанте крести) Шимолий Европанинг қадимий халқларининг кенг тарқалган муқаддас рамзи бўлган;
- 2) хоч ва унинг учларидаги ярим ойлар тасвирланган Триполье цивилизациясининг маросимий ликопчасининг схемаси (э.авв. IV-III минг йилликлар);
- 3) Ока дарёсининг водийсида яшаган шарқий славян қабилалари – вятичларнинг христианликкача бўлган тарихий даврига оид артефактдаги ёйларнинг рамзлари;
- 4) марказида Аллат белгиси тасвирланган Триполье цивилизациясининг маросимий ликопчаси;
- 5) Триполье цивилизациясининг сопол идишларида тасвирланган белгилар (Украинанинг Винницк вилоятида жойлашган Бернашовка қишлоғи атрофида археологик топилмалардан);
- 6) АҚШ Жанубий-Ғарбида яшаган навахо хиндуларининг рангли қумдан тайёрланган муқаддас расми (Шимолий Америка);

**Анастасия:** Сиз Одамнинг рухий ўзгариши рамзларининг бири сифатида ромб шакли ишлатилишини гапириб ўтдингиз. Ромб ва квадрат каби тўртбурчак шаклларнинг рамзлари ҳақида ҳеч бўлмаса умумийлаштириб гапириб беришингизни илтимос қиламан. Бугунги кунда одамлар ушбу рамзларнинг маъноларини адаштиришяпти, чунки қадимий билимларнинг замонавий талқинларига асосланишяпти, улар эса кўп жихатдан бузилган ва моддий дунёқараш даражасида тушунтирилган.


**Ригден:** Азалий билимлар рамзларида квадрат – бу одамнинг барча тўртта асосий Маҳлуқотларини бирлаштирган пирамидал тузулмасининг шартли *асосидир*. Бунинг натижасида турли халқларда квадратни рамз сифатида Ер билан, дунёнинг тўрт томонларининг, тўртта элементнинг иттифоқи, эркак табиати билан боғлашган (аёллик табиати ва Осмон рамзи бўлган доирага қарама- қарши равишда).




*35-расм. Квадрат – ерлик рамзи.*

Бу билимлар турли халқларнинг кўплаб ибодатхоналарининг қурилишида акс эттирилган эди. Масалан, зиккуратлар, пирамидалар, черковлар, пагодалар, ибодатхоналар ва бошқа муқаддас иншоотлар квадрат шаклидаги асосда қурилган. Шунингдек, қоидага кўра, иншоотнинг ўзининг архитектураси у ёки бу тарзда квадратни **доира** ёки бурчакларининг бирига қўйилган **кубнинг** схемали тасвири бўлмиш **ромбга** айланиши ҳақидаги билимларни акс эттирган. Яъни, бу рамзларда одамнинг руҳий озодликка чиқиши, Руҳий Шахснинг моддий дунёдан руҳий дунёга ўтиши пайтидаги унинг тузилмасининг энергетик ўзгаришлари ҳақидаги Билимлар қайд этилган.

**Ромбни** ҳам кўпинча иккала учлари учкурроқ бўлган овал шаклидаги “донача” кўринишида тасвирлашган ва аёллик табиати, ҳаётини куч, Буюк Онанинг вазифалари билан таъминланган Аёл Худодарнинг серфарзандлиги билан боғлашган. У икки кучнинг бирлашуви натижасида фазода пайдо бўлган янги шаклнинг белгилари билан ифодаланган. Квадратга чизилган ромб, ёки квадрат ташқарисига чиқиб саккизта бурчак ҳосил қилган *ромб*, *саккиз нузли юлдуз* – буларнинг барчаси инсоннинг руҳий озодликка эришиши ҳақидаги азалий Билимларнинг рамзларидир. Улар ҳақида одамлар палеолит даврида ҳам билишган.

*36-расм. Ромбнинг инсоннинг руҳий озодликка эришиши, трансформацияси рамзи сифатида вариациялари.*

Бу рамзлар ва белгиларнинг барчаси руҳий амалиётларни билишга, инсонда руҳий кучларининг ўйғонишининг ўзига хос хусусиятига, Шахсни ўз Қалби билан бирлашуви лаҳзасининг намоён бўлишига асосланган. Дарвоқе, бундай руҳий маънавий бирлашувга эришиш, ойдинлашув, Ҳақиқатни ўрганиш жараёнини қадимда “қўнғизча”га ўхшаган рамз билан белгиланган.



*37-расм. Руҳий озодликка эришиш, Ҳақиқатни билиш рамзи.*

Даставвал уни, жинсидан қатъий назар, руҳий етукликка эришган Шахсга нисбатан қўйишган. Кўп ҳолатларда бу белгида қўлларни рамзий Аллат белгиси билан, ”оёқларни”эса – ҳар томонга бурилган спираллар кўринишида тасвирлашган.

Одам ҳақидаги азалий Билимларда спираллар – бу, қоидага кўра, руҳий амалиёт жараёнидаги энергиялар ҳаракатининг йўналишларининг, ёки Аллат кучларининг (агарда бу дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги маълумот билан боғлиқ бўлса), шартли белгиларидир. Соат миллари бўйлаб ўралган спираль ижобий, яратувчанлик руҳий кучларни, соат милларига қарши эса – салбий, бузғунчи, Аллат кучларига қаршилиқ қилаётган Хайвоний ақлнинг кучларини англатган. Руҳий амалиётлардаги белгиланишларда спираллар рамзи энергияларнинг ифодасини ёки уларнинг қўшилишини белгилаш учун ишлатилган. Шунингдек, уч ярим айланали спираль шакли билан, ҳозир ҳам Шарқда, аввал эслатиб ўтганимдек, ”уйқудаги Кундалини илони” деб номланаётган энергияни белгилашган. У одамнинг яширин энергетик потенциалининг рамзи бўлган.




*38-расм Қадимий халқларнинг рамзларидаги ҳар томонга бурилган иккита спираллар мисоллари*

Кейинчалик эса, юқорида айтиб ўтилган ”қўнғизчага” ўхшаган белгининг ўрнига, Аёл Худоларни тасвирлашган ва шу тариқа одамнинг Қалби билан қўшилишига эришиш ва моддий дунёдан озод бўлиш жараёнини белгилашган. Шу билан бундай ҳолатга одамларнинг фақатгина Аллатнинг яратувчилик кучи (илоҳий аёллик табиати) ёрдамида эришиши мумкинлиги ҳақидаги азалий қўшимча тушунтиришларнинг бирини қайд этишган. Худди шундай маънога эга

бўлган иккита ўзаро ўралган спиралсимон илонларнинг белгилари ҳам қўлланилган. Агар бу рамзни руҳий амалиётни бажараётган одам тимсоли билан тасвирлашса, қоидага кўра, илонларнинг думлари одам танасининг биринчи чакрани (“Муладхара”) дан чиққанлигини ва уч ярим айлана бўлиб ўралганлигини, бошлари эса еттинчи чакран (“Мингта барг”) ёнида жойлашганлигини тасвирлашган. Шундай тарзда шартли равишда одамнинг энергетик “танаси”даги мазкур энергиянинг ҳаракатланиш йўли кўрсатилган. Шарқнинг руҳий амалиётлар ҳақида сўзловчи матнларида, бугун ҳам “Кундалини илони”ни ўйғониши, руҳий ойдинлашув ҳолатига эришиш, Нирванага чиқиш маъносида эслатилади. Дарвоқе, илгари маънавий билимлар билан боғлиқ бўлган ушбу мажозий рамзга биноан, айрим халқлар ўзларининг худудида яшаётган оддий илонларни муқаддас деб эъзозлашади...



1-а










1-б



1-в







**39-расм. Қадимий халқларнинг белгилашларидаги руҳий озодликка эришган одамни рамзлари:**

1) қадимий одамларнинг петроглифлари:

а) Камоника водийсида (Шимолий Италиянинг марказий Алп тоғларининг тоғолди, Валь-Камоника, мил.ав. VI минг. йиллик атрофида);

б) Оқ денгиз (Россиянинг Шимолий-Ғарби, Карелия республикаси, мил.ав. III минг. йиллик атрофида); маҳаллий петроглифларининг кўпчилиги фақатгина қуёшнинг чиқиши ва ботиши пайтида кўринади (эрталабки ва кечқурунги руҳий амалиётларнинг вақтида);

в) Эль-Абра водийсида топилган петроглифлар (Жанубий Америка, Колумбия, мил.авв. XII минг йиллик);

г) Бразилиянинг шимолий-ғарбий қисмида топилган петроглифлар (Жанубий Америка, мил.авв. X-VII минг. йилликлар);

2) Чатал-Гуюқ қадимий археологик маданиятининг рамзлари (э авв. минг. й., Кичик Осиё, Анатолия):

а) “Аёл худо” тасвири, энергетик марказ – Қалб билан;

б) мазкур маданиятнинг график рамзий ишораларидан;

- в) “Курбақа – аёл худо”нинг тасвири (қайта тикланиш рамзи), унинг тагида шохлари кенг ёйилган буқанинг боши бор (мил.авв. VII минг.й. охири, Чатал-Гуюк маданий ибодатхонасининг артефакти);
- 3) хинд маданиятига оид қадимги белги;
- 4) қадимий славянларда, шунингдек Триполье маданиятида Она-Худонинг схемали тасвири (мил.авв. VI-III минг.й., Украина);
- 5) “туғаётган аёл тасвири” номли рус тикув нақши;
- б) қадимий юнон кўзасининг фрагменти (Беотия амфораси, э.авв. 680 й. атрофи), унда Потния Терон (Хайвонларнинг амири) кўринишида Артемида тасвирланган; тажовузкор дунё тескари свастикалар, ташланаётган итлар кўринишида, Артемиданинг ўзи эса бу дунёдаги руҳий маънавий намоёнда бўлиб кўрсатилган, Артемиданинг кийимидаги балиқ тасвири – онгнинг ўзгартирилган холатига шўнгиш рамзи; кийимидаги олтига горизонтал чизиқлар – олтига ўлчовлар рамзи; Артемиданинг боши танасига атиги тегиб турибди – еттинчи ўлчовни ифодаламоқда, қушлар – олий, Руҳий оламга кўрсатиши; расмнинг ёнбошларидаги иккита илончалар олий руҳий холатга, ойдинланишга эришишининг тимсолидир;
- 7) Скифларнинг аёл Худоси тасвирланган олтин нишони (мил.ав. IV аср, Катта Близница қўрғони, Россия, Краснодар ўлкасининг Таман ярим ороли; “Эрмитаж” музеи, Россия, Санкт-Петербург шахри);
- 8) навахо хиндуларининг рангли қумдан тайёрланган муқаддас расми (Шимолий Америка);
- 9) кумуш идишида тасвирланган скифларнинг аёл Худосининг тасвири (Украина, Днепропетровск вилояти, Чертомлик қўрғони, мил.ав. IV аср);
- 10) Аёл Худоси тасвирланган кўкрак нишони (VII-VIII асрлар; Россия, Перм вилоятининг Чудь кўли атрофидаги археологик топилма; А.С.Пушкин номли Чердин вилоят музейи);
- 11) Чальчиутликуэ исмли ацтекларнинг аёл Худосининг хайкалчаси (300-400 й.й; Шимолий Америка, Мексиканинг миллий антрополоя музейи); Чальчиутликуэ (“унинг либоси нефритдан”; “у мовий либосда”) ёш аёл кўринишида тасвирланган, у тақводорларни осмон кўпригидан (камалагидан) ўтказган.

**Анастасия:** Ҳа, сайёрамизнинг турли бурчакларида топилган кўпдан-кўп қадимий артефактлар мазкур, “кўнғизчага” ўхшаш белгига ва унга тенг бўлган аёл худолар тасвирига нисбатан одамларнинг ўзгача муносабатининг далили бўлиб чиқмоқда. Аммо илм-фанда бугунги кунда ғалати ходисалар рўй бeryпти: мазкур артефактларнинг маънавий жихати деярли кўриб чиқилмаяпти, тушунтиришларнинг аксарияти моддий тушунишга тақалмоқда, турли халқларнинг маданиятларида мазкур рамзларнинг руҳий маънавий ахамияти худди атайлаб камситилгандек бўлмоқда. Масалан, оёқлари ўрнига спиралларга ўралган ёки ярим айлана (ёки спирал бўйлаб ўралган илончалар) бўлиб

икки томонга тарқатилган чизиқларга эга аёл худолар кўринишидаги артефактлар билан олимлар тез-тез тўқнашмоқда. Аммо уларнинг деярли барчаси “қурбақа холатида туғайтган аёл” ёки “қурбақа холатидаги антропоморфик мавжудотлар, улар хосилдорлик сеҳри билан боғлиқ бўлиб, аёлнинг холатини кўрсатмоқда..” ва хоказо талқинлар билан тушунтирилмоқда. Хуллас, мавжудликнинг маънавийликка эга бўлмаган моддий жихатларига боғлаб қўйилмоқда.

**Ригден:** Ҳа, нима ҳам дердик, одамларнинг дунёқараши қанақа бўлса, хулосалари ҳам шунақадир. Агарда замонавий одамлар эътиборини кўпроқ ўзининг ҳақиқий руҳий мукамаллигига қаратганида эди, улар қадимгиларнинг ўз руҳий маънавий ривожланиши борасидаги қайғуришларини яхшироқ тушунган бўлар эди. Оддий мисолни келтираман. XX асрнинг 60-чи йилларида Марказий Туркиянинг жанубий қисмида Конья текислигининг платосида археологлар томонидан Чатал-Гуюк шаҳри топилган. Унинг санаси эрамиздан олдинги VII минг йиллик хисобланади. Унинг тагида эса яна 12 та қатлам, бу давргача мавжуд бўлган маданиятларнинг айтайлик, қурилиш уфқлари топилган.

**Анастасия:** Ҳа, илм-фан дунёси учун бу шов-шувли кашфиёт эди: қадимий қурилмалар (ичкарига торгина кириш жойи ясси томда жойлашган), муқаддас хоналар, плиталар, хайкалчалар, геометрик шаклдаги микролитлар, рангли суратларнинг қолдиқлари. Олимларнинг хисобига кўра, ушбу қадимий шаҳарда бир вақтнинг ўзида 7000га яқин одам яшаган бўлиши мумкин.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шундай қилиб, у ерда деярли ҳар бир уйда ўзига хос хона бўлган. Олимлар уни шартли равишда муқаддас жой деб номлашди, бизнинг тилимизда эса – бу руҳий амалиётлар билан шуғулланиш учун хона. Уни уйнинг марказида жойлаштиришга ҳаракат қилишган. Бундай хонанинг деворлари (айниқса шарқий ва шимолий деворлар) узунлиги 12 метрдан 18 метргача бўлган фрескалар билан безатилар эди. Лекин энг қизиғи, улардаги тасвирлар: ”қўнғизча” (олимлар айтгандек, ”қурбақа” туриш) холатидаги аёл кўринишидаги “Аёл Худоси”, унинг ёнида тўртта Маҳлуқотни таърифловчи хайвонлар ва қушлар, шунингдек, Аллат белгиси кўринишидаги рамзлар (юқорига қараган ярим ой), ромб, вертикал боғланган иккита учбурчак (“кумли соат” типиди), горизонтал тарзда боғланган иккита учбурчак (“капалак қанотлари” типиди), ”ари уялари”, ”донлар”, ”тўлқинлар” кўринишидаги рамзлар. Шу билан, мазкур рамзлар турфа хил комбинацияларда бўлган: бир-бирининг устидан қўйилган, ҳали иккиланган, ҳали уч карра кўпайган, кўпайтирилган, позитив кўринишда, негатив кўринишда. “Аёл Худосини” балиқ-аёл сифатида ҳам (онгнинг




ўзгартирилган ҳолатига медитатив шўнғиш), илон-аёл сифатида ҳам (руҳий амалиётлар билан ишлаш ва руҳий ойдинлашув ҳолатига эришиш), куш-аёл сифатида ҳам (Руҳий олам билан алоқа) тасвирлашган. Шунингдек мазкур сюжетларда балиқ ови учун тўрларни кўтариб келаётган аёллар ҳам бўлган, бу эса, ўз навбатида, руҳий амалиётларни бажарувчи гуруҳнинг белгилар жойлаштиришини англатган.

Бунданда кўпроғи, бундай фрескаларни бўяш учун Қалбнинг ўтиш ҳолатига хос бўлган ранглар ишлатилган: кўк ва яшил (бу бўёқни мис рудасидан олишган), тўқ ва ёрқин қизил (кўрғошин ва гематит оксидидан), сариқ (темир оксидидан), кулранг (галенитдан), бинафша ранг (марганецдан) ва, табиийки, оқ ранг. Буларнинг барчаси, белгилар ва рамзлар билан биргаликда, одамларнинг азалий билимларга эга бўлганлигига кўрсатмоқда. Дарвоқе, ундан ҳам қадимий даврларда қуйидаги анъана мавжуд эди. Бир гуруҳ одамлар руҳий амалиётлар билан шуғулланган, улар орасида етакчи – ўз устида самаралироқ ишлаб, табиийки, руҳий маънавий йўлидан илгарилаб кетган одам бўлган. Бу одам ўз гуруҳининг ўргатиш жараёнлари ва ўрганган билимлари, маънавий ишлари ҳақидаги қайдномаларини медитатив хона деворларида белгилар ва рамзлар кўринишида олиб борган. Лекин етакчи руҳий озодликка эришганида медитация хонасининг деворлари оқ рангга бўялган. Янги етакчи янги “ёзув”ни тоза “варақдан” бошлаган. Кейинчалик бу анъана одамлар жамиятига ўтган эди, унда энди ерлик ҳаёт ва унинг воқеаларига урғу берилган эди.

**Анастасия:** Ҳа, буларнинг барчаси одамларнинг ўз устида ҳақиқатдан ҳам ишлаганлиги ҳақида яна бир бор далолат беради, унинг устига, жамият яшаш тарзи учун руҳий мукамалликка эришиш табиий бўлган. Бу вақтинчалик қизиқиш ёки ҳозир замонавий одамлар орасида кузатилаётган, индивиднинг шахсий ҳаётининг бошқалардан сир сақланувчи томони бўлмаган. Руҳан ривожланиш қадимий одамларнинг ҳаётининг маъноси бўлган. Ва улар яшаган жамият нафақат бу жараёни кўллаб қувватлаган, балки шунга ундаган ҳам... Қадимгиларнинг тўлқин кўринишидаги белгиси бўлганлиги ҳақида эслатган эдингиз.


**Ригден:** Ҳа, тўлқин – бу энергиянинг, унинг тафсилотларининг, ёки, бугунги атамаси – энергетик майдоннинг қадимий белгиланишидир. Агар бу одам ҳақидаги азалий маънавий билимларга тегишли бўлса, тўлқинлар ёки тўлқинсимон чизиқларнинг сони одамнинг руҳий амалиёти вақтида нечанчи ўлчов энергиялари билан ишлаётганини ёки қайси ўлчовга ўтаётганини билдирган, ёки кўринмас дунёда амалга оширилаётган ишининг рамзи бўлган. Турмушда тўлқинсимон чизиқ

сув ёки дарёларни белгилаш учун ишлатилган. Олам ҳақидаги муқаддас билимларда эса сув ерлик ҳаётдан фарқли бўлган *бошқача* дунёнинг рамзи бўлган, шунинг учун кўпинча Рухий олам билан алоқани ҳам шундай белгилашган.



*40-расм. Турли халқларнинг тўлқинсимон рамзларнинг тасвирлаши мисоллари.*

Қадим замонларда ҳам одамлар бундай маънавий Билимларга эга бўлганининг тасдиғини ҳозир ҳам топиш мумкин. Доира, крест, учбурчак, ромб, квадрат, спирал, юлдуз, пирамида, ярим ой ва уларнинг ҳар ҳил модификациялари каби асосий рамзлар кўпдан-кўп археологик топилмаларда мавжуд. Масалан улар палеолит даврининг шаклчаларида, неолит даврининг маросимий идишларида, қабрларда топилган муқаддас кийимларда, нарса-буюмларда, зеб-зийнатларда мавжуддир. Буларнинг барчаси одамларнинг ўз ҳаёти давомида махсус сирли, муқаддас, маънавий билимларга эга бўлганлигига кўрсатмоқда.



1



2-a



2-б





2в



3



4



**41-расм. Турли қадимий халқлар артефактларида муқаддас билимларнинг акс эттирилишининг мисоллари:**

- 1) палеолит даври петроглифлари: қоятош расмлари (Шимолий Италия, Валь-Камоника водийси);
- 2) муқаддас рамзларга эга аёл хайкалчалар – трипольенинг “Аёл Худолари”нинг тасвирининг турли вариантлари (Триполье маданияти, Кукутень маданияти);
  - а) биринчи вариантдаги рамзлар Қалбини ва Шахсини қўшилишига эришган, еттинчи ўлчовга чиққан, яъни юқори маънавиятли аёлга кўрсатмоқда; унинг кўксиде хаётий энергия – Прана билан боглиқ чакраннинг худудиде энергиянинг ҳаракати рамзий акс эттирилган

(ушбу кам учрайдиган кўрсатма нафақат маънан ривожланган Шахсга, балки бундай инсон ҳаётининг энергияси – Пранани атрофдагилар учун зиёнсиз тарзда тўлдириб туришига кўрсатган, бу эса, ўз навбатида, мазкур “Аёл Худонинг” юқори маънавий статусидан далолат бермоқда. Унинг қорнида ромбнинг рамзи бор, унинг ичида қия крест ва тўртта нуқталар мавжуд – тўртта “мувозанатлашган” Маҳлуқотлар (мазкур аёл (“Худо”) шунингдек ўз Маҳлуқотларини бошқарганига кўрсатмоқда);

б) иккинчи вариантда рамзлар маънан ривожланган, аммо хали Шахсининг Қалби билан қўшилишига эришмаган аёлга кўрсатмоқда (унинг кўкрагидаги олтига горизонтал чизиқлар унинг “олтига осмонга” чиққанига кўрсатмоқда, лекин қорнидаги қия крестли ромбнинг ичида унинг Чап маҳлуқоти фаоллигига кўрсатувчи белги мавжуд, бу эса унинг хали ўз Маҳлуқотларини бутунлай назорат қилмаётганини айтмоқда);

в) учинчи вариантда трипольенинг аёл шаклчаси пирамиданинг геометрик нақшига, асосий чакранларнинг белгиланиши ва “АллатРа” белгисига эга (артефакт Молдовада Драгушень қишлоғи ёнида топилган);

3) бошида Аллат белгиси мавжуд муқаддас шаклча тўрт қисмли тузулмага бошқа билимларга кўрсатувчи белгилар ва рамзлардан иборат ёзув билан қопланган (неолит, Марказий Ўрта денгиз худуди);

4) Инань мақбарасига киришдаги тош плиталардаги (193 й, Хитой, Шаньдун провинцияси) тасвирда боқийлик аёл худоси Си-ван-му, у елкалари ортида Аллат белгисига эга (қанотлар шаклида), шунингдек ёнбош Маҳлуқотларнинг рамзий шаклчалари (мифологик тафсифга кўра – бу ховончаларда ўлмаслик малхамини таёрлаётган қуёнлар) цилиндрик пойдеворларда (учта бирлашган пойдевор учинчи ўлчовни билдиради; афсоналарга кўра – тоғларнинг чўққилари), шунингдек Бай-ху номли мифологик йўлбарс Орқа маҳлуқотнинг (ўтмишининг) ўрнида турибди; йўлбарснинг бошида Чап маҳлуқот турибди, яъни урғу айнан унга қўйилган, унинг устига йўлбарснинг шакли ҳаракатда тасвирланган, яъни фаоллиги кўрсатилган;

5) Қадимги Мисрнинг ибодатхоналарнинг нақшлари вариантлари:

а) бир ҳолатда “АллатРа” рамзи анх белгисининг устида турибди;

б) иккинчи ҳолатда анх белгиси калит сифатида мазкур маънавий озодлик рамзига осилган;

б) Эрта Трипольега хос сопол идишлар: учи кесилган конус кўринишидаги маросимий косачанинг ичидаги нақида тўртта, хар бирида илончалари билан ва уларни чеккасидаги оч рангли ёйлар тасвирланган сфералар.

7) олтиндан ясалган кўкрак нишони (Марказий Американинг Колумбгача бўлган даврнинг цивилизациялари);

8) кийим учун олтин туморча (Жанубий Американинг Колумбгача бўлган даврнинг цивилизациялари).

Билимга эга бўлган одам учун бу рамзлар кўп нарсани гапириб берган, улар худди биз учун тушунарли тилда ёзилган очиқ китобдек бўлган. Қадимий ёзувлар (тош плиталарида, тоғларда, ғорларда ва х.к), айниқса конкрет руҳий амалиётга кўрсатувчи белгилар ва рамзлар, қоидага кўра, ушбу амалиётлар бажарилаётган жойнинг ҳам белгиланиши эди. Руҳий амалиётлар учун, айниқса қадам етиши қийин бўлган ғорларда ёки очиқ жойларда махсус жой танланган. Дарвоқе, олдин қоялардаги ёзувларни фақат Билим эгаси, бундай амалиётларда шахсий тажрибага эга бўлган одамгина амалга оширишга ҳақли бўлган. Бугун олимлар қоятошлар устида ёзувларини қолдирган қадимги одамларни “палеолитик шаманлар” деб аташади. Эътибор бер, бугунги кунгача ҳам шундай жойлар сақланиб қолганки, у ерда бутун авлодларнинг ёзувлари бўлган ва одамлар у ерга ўрганиш учун минглаб йиллар давомида келишган....

**Анастасия:** Ҳа, бундай ўзига хос, хар бирининг катталиги футбол майдонига тенг бўлган тоғ жинсларида ёзилган “тошли китоб”ларни олимлар бугунги кунгача ҳам топишмоқда. Масалан, Оқ денгиздаги (Карелия, Россия, Залавруга ш.), Немфорсен (Швеция, Онгерманланд провинцияси), Танума (Бохусленда), ёки марказий Алпларнинг тоғ олди Валь-Камоника водийсидаги (Италия) петроглифлар, ёки Аждархо тоғларидаги африка бушменларининг ёзувлари, ёки Сахродаги Тассилин-Аджер платосининг суратлари ва хоказо.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Кейинчалик бу рамзларни одамлар тумор сифатида ўзлари билан олиб юришган, улар доимо одамга унинг иккита табиати ҳақида, Малакий табиатининг устуворлиги ҳақида эслатиб турган. Шуни қайд этиш керакки, рамзларни кўкрак безакларига, уйларга, маросимий идишларга, муқаддас шаклчаларга ишни кўзини билган холда тасвирлашган (хусусан, қандай рамзни қаерга ва нима учун кўйилишини). Одамлар уларни худди хозиргилар диний атрибутикани эъозлашганидек эъозлашган.

Мазкур рамзлар маълум предметларда ўзига хос тарзда белгиларда қайд қилинган ахборот сифатида жойлаштириллар эди. Ушбу ахборот шу жумладан, келажакда рўй берадиган воқеалар ҳақида ёки уларнинг рўй беришининг кафолатини ҳам билдирар эди. Кейинчалик бу нарса ўзига хос предметли номага айланди, масалан, ўша “хабарчиларнинг ҳассаси”га мутаносиб ёдгорлик белгилари жойлаштирилган. Шунга биноан, битта халқнинг ёки жамоанинг элчиси бошқа халқнинг ёки жамоанинг вакиллари олдида унга махсус вазифалар юкланганлиги ваколатларини тасдиқлагандек бўлган.

**Анастасия:** Ҳа, “хабарчилар ҳассалари” Қадимги Европада, Қадимги Хитойда, қадимий африкалик, австралиялик халқларда ишлатилган. Аммо бу ҳақда бор-йўғи мазкур саволлар билан шуғулланувчи илмий мутахассислар билади, аксарият одамларга эса бундай фактлар камдан-кам холда маълум. Бироқ, оммабоп адабиётда Мусонинг рамзий ҳассаси, Гермес кадуцей ва хоказолар яхшигина реклама қилинган.

**Ригден:** Одамларнинг мазкур саволлар билан қизиқмагани боис тарихий артефактлар камдан-кам холларда маълум.

**Анастасия:** Бу шундай, ва хатто рамзлар ва белгиларга эга артефактларни топган олимлар учун ҳам у ерга киритилган ахборот унчалик тушунарли эмас, шунинг учун уларни энг яхши вазиятда маросимий предметлардаги “нақш”, бошқа халқларнинг у ёки бу муқаддас рамзий ифодалашда ишлатиладиган белгилар сифатида таърифлашади.

**Ригден:** Кўпинча бундай рамзлар тошда ёки предметларда авлодларга руҳий маънавий тажрибани узатиш сифатида тасвирланган. Маънавий йўлдан юрганлар учун Билимларнинг мана шу ёзувлари руҳий маънавий аҳамиятга эга бўлган.

**Анастасия:** Яъни, hozirgi истъмомчилик фикрлаш форматига эга одамлар учун, масалан, улкан хазина яширинган жойни кўрсатувчи харита ёки банкда жамғарилган пуллари қанчалик муҳим ва қадрли бўлса, минглаб йиллар аввал яшаган одамлар учун эса Маънавий Билимлар шунчалик муҳим ва қадрли эди.

**Ригден:** Жуда тўғри. Ўн минг йил олдин ҳам маънавий Билимларни бугунгидан кўпроқ қадрлашган. Шарқда айтишганидек, ҳақиқий бойлик – бу хамина эгасини ёнида юрувчи Билимдир.

**Анастасия:** Ҳа, одам учун хаётида руҳан ривожланишдан ҳам муҳимроқ нарса нима бўлиши мумкин? Хаётнинг асосий мақсади ва маъноси шу-ку. Белгилар ва рамзларда қайд этилган инсоният тарихи одамларнинг яшаш шароитларидан қатъий назар, хатто ўша узоқ даврларда ҳам бу саволнинг муҳимли бўлганидан далолат бермоқда. Улар учун руҳий маънавий хаёт асосий ва бирламчи бўлган, моддий хаёт эса – иккиламчи. Хозир-чи? Янги авлодлар яхшироқ шароитларда яшаётган бўлса-да, кўпинча моддий қадриятларнинг устуворлигини танлашади, жамиятнинг истъмомчилик устуворликлари билан бошқарилиб, хаётини бекорга ёқиб юборишади.

**Ригден:** Афсуски, шундай. Дарвоқе, қадимий одамларда бундай ёзувлар

кейинги авлодга энг муҳим маълумотни узатиш деб баҳоланар эди, чунки бу хаётда маънавийдан ташқари барчаси ўткинчи. Қадимда одамлар бу дунёдаги хаёт, турли сабабларга кўра, шу жумладан, табиий офатлар туфайли ҳам, жуда тез ўтиб, тез тугаб қолишини яхшироқ тушунишган. Ва, Билимларни йўқотмаслик учун, уларни “абдий тош”да қолдиришар эди. Сўзсиз, юқорида айтилганнинг барчаси энг кадрли, муқаддас, маросимий ёзувларга тегишлидир, чунки қадимги одамларда булардан ташқари, худди замонавий жамиятдагидек, рўзғорга оид, тақвимга оид, қавмга оид, тарихга оид ёзувлар ҳам бўлган.

Айрим муқаддас “ишчи” белгилар (фаоллаштирилганида кўринмас дунё физикасига таъсир этишга қодирлари) шунингдек мазкур билимларни амалиётда қўллаган, тажриба орттирган ва бошқалар билан бўлиша олган рухий маънавий инсонни рамзий белгиланиши учун ишлатилиши мумкин бўлган. Илгари ҳаммаси ҳақиқатан ҳам оддий ва тушунарли бўлган. Ўша белгилар ва рамзларни хар ким ҳам тасвирламаган, унданда кўпроғи, ҳозиргидек, маъносини тушунмаган холда ўзининг суюкли танасини безамаган. Қадимда буни билган, рухий ривожланишда маълум даражага етган одамлар қилган. Ҳозирги кунда одамлар, маймунчалар каби, хар хил белги ва рамзларга эга тақинчоқларни ўзларига осиб юришади, аслида эса улар қандай маънога эга ва ғайриихтиёрий онгга қандай таъсир қилишини хаттоки тушунмайди ҳам. Улар учун асосийси – бу замонавий, қимматбаҳо ва кўшниси хасад билан қарамоқда..

Ҳозирги кунда кўплаб маъсулиятсиз сиёсатчилар ва давлат арбоблари шаҳар ва мамлакатларнинг байроқларига ва гербларига кўпинча “эркин тошчилар” томонидан тикиштирилган рамзларни кўйишмоқда. Ушбу худудда “эркин тошчилар”га “ўзининг” белгисини ёки рамзини кўйиш қанчалик муҳимлиги ҳақида улар ўйланишмаяпти ҳам. Давлат хизматчилари у ёки бу белгилар ўртасидаги фарқни тушунмайди ва бундай “беозор қилиғи” билан халкига (шу жумладан, ўз оилаларига ҳам) кўшимча аъзиятлар келтириб, қандай балони яратмоқдалигини тушунмаяпти. Бундай одамлар учун моддий Ақлга бўйсунган тизим уларнинг ундан кўпроғи ҳақида ўйланмаслиги учун конкрет устуворликларни белгилаб қўйган – пул ва унинг хокимиятини ўтказувчиси учун жой.

Ҳозирги кунда турли динларнинг бошқарувчилари, ўтмишнинг анъаналарига тақлид қилиб, байрамона либослар кийишади, ўзларини қимматбаҳо металллар билан, тошлар билан, турли рамзлар туширилган атрибутика билан безашади. Уларнинг аксарияти ўша “нақшлар” ва белгилар ҳақида жуда кам маълумотларга эга, улар фақатгина ўз диний концепциясининг тор рамкалари билан чегараланиб, рамзларнинг



асл мақсади ва уларни жахоннинг кўплаб халқларининг маънавий маданиятида қадимда ишлатилганлиги тўғрисида қизиқмайди ҳам. Хуллас, ҳозирги кунда ташқи бойлик ва ички бўшлиқ. Олдин эса, атиги 8-12 минг йил аввал, барчаси бошқача, маъноли эди: камтарин, лекин кўп нарса ҳақида сўзловчи ташқи (белги, рамз), ва ички рухий маънавий бойлик. Умуман, қайд этиш лозим, ўша даврларда яшаган одамлар учун рамзларни билиш шунчалик муҳим ва табиий эдики, бундай қимматбаҳо маълумотлар йўқолиши ёки унутилиши мумкинлигини улар тасаввур ҳам қилишмаган.

**Анастасия:** Сиз, анча кейин, жамият моддий фикрлаш томонига ўтаётганида, оддий нарсалар мураккаб нарсалар билан алмаштирилишни бошлаганлигини айтиб ўтган эдингиз. Белгилар ва рамзлар ақлдан чиққан кўшимча талқинлар билан мураккаблаша бошлади.

**Ригден:** Бу айни ҳақиқат. Бирор сабаблар (табиий офатлар, эпидемиялар ва хоказолар) оқибатида маънавий Билимларни узатилиши узилганида ёки халқлар ўртасида ақл томонидан модернизацияланганида, кейинги авлодлар уларни тушунмай қолган. Одамлар бу маълумотни ўз ақлидан, *турмуш* тажрибасининг позициясидан тўғридан-тўғри талқин қилишган. Мана шу лаҳза ҳам белгиларни кейинчалик нотўғри ва бузилиб талқин қилинишига сабаб бўлган.

**Анастасия:** Ҳа, қандай айлантирмагин, барчаси одам онгининг моддийлик томон оғишидан бошланади. Жамиятда азалий Билимларнинг маъно ва мазмуни Хайвоний ақлнинг аралашуви натижасида йўқолар ёки бузилар экан, бундай моддий оғиш келажак авлодларнинг онгида фақат кучайиб бораверади...

Биласизми, Сиз бизга хабар қилган маълумотларга таяниб, мен археологик ва этнологик саволларга бағишланган асарларда кўплаб қизиқарли фактларни топдим. Албатта, эрамиздан аввалги 12 минг йиллик маданий қатламларнинг даврига оид тадқиқотлар камроқ, асосан булар тасодифий кашфиётлардир. Бироқ эрамиздан аввалги XI-VII минг йилликлардан бошлаб, айниқса белгилар билан боғлиқ артефактлар етарлича кўп тўпланиб қолди.

Шундай қилиб, турли маданий қатламларнинг тадқиқоти пайтида у ёки бу халқ учун мана шундай, материяга “оғиш” босқичи қайси даврда бошланганлиги яхши кузатилмоқда. Чуқур қадим замонларга тегишли қатламларда олимлар тинч-тотув ҳаёт изларини, у ерда аҳоли орасида тенгсизлик бўлмаганлиги ва асосийси – жамиятдаги маънавий билимларнинг устуворлиги ҳақидаги далилларни кўпроқ топишган.

Бунга шунга хос белгилар ва рамзларга эга артефактлар кўрсатмоқда. Масалан, деворлари график рамзлар билан безалган иморатларнинг қолдиқлари, белгилари бор стеатитли мухрлар, белгилар ва рамзлар ўйилган лойдан ясалган кўкра нишонлари, белгилар тасвирланган маросимий идишларнинг синиқлари, афсонавий сюжетлар асосида бой нақшларга эга сопол буюмлар, муқаддас рамзлар тасвирланган аёл хайкалчалар. Анча кейин эса, қадимги гўрларга қараганда, кўплаб қуроллар, олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлардан ясалган безаклар пайдо бўлмоқда. Аҳоли ҳам анча табақаланмоқда: кўпдан-кўп камбағалларга хос гўрлар ва якка-якка бой қабрлар пайдо бўлмоқда, кейин олтин безаклар, қуроллар билан дафн этилган кохинлар ва аскарларнинг бутун табақалари чиқмоқда. Унинг устига, аввалари аҳоли орасида товар алмашинуви содир бўлган бўлса (қадриятлар бошқача, номоддий бўлган чоғи), кейинчалик олтин, пуллар ва савдо пайдо бўлиб, сўнггисида алоҳида олинган одамларнинг моддий бойликларни тўплаш ва шунга мос равишда аҳолининг табақаланиши, сиёсий ва диний бошқарув тизимларининг пайдо бўлиши кузатилмоқда. Яъни цивилизациянинг моддий фикрлаш томонига “оғиши” сезилмоқда. Аниқроқ айтган бўлардим, жамиятда Хайвоний табиатнинг хусусиятларининг устуворлиги, бунинг асосида давлатларнинг, қулликнинг ва х.к. дунёга келиши кузатилмоқда.


Ва мени яна бир хайратлантирган нарса – жаҳоннинг турли “цивилизациялашган” давлатларида умумтаълим мактаб дастурларида эрамиздан аввал V минг йилликкача мавжуд бўлган одамлар жамияти ҳақидаги маълумотни бор-йўғи сал тегиб эслатиб ўтади ва мазкур даврни “инсоният тарихидан олдинги давр” деб номлаб, илм-фанда “ибтидоий одамлар” деб номланмиш одамларнинг асосан рўзғори, яшашнинг моддий шароитлари таърифланади. Қадимгиларнинг ҳаётини маънавий томонини эса сеҳр-жодуга, руҳларга, одам Қалбининг мавжудлигига, нариги афсонавий дунёлар ва уларда яшовчи худоларга бўлган примитив эътиқодлар сифатида тақдим этишмоқда. Аммо аввалари ҳам кўпдан-кўп қизиқарли ва аҳамиятли нарсалар бўлган-ку. Нима учун бу ҳақда айтилмайди?


Масалан, маълум даврларда ер шарининг бир-биридан анча узоқ жойларида яшаган одамларнинг жамоалари бирдагина оммавий равишда мавжудликнинг янада цивилизациялашган даражасига ўтишни бошлаган, олимлар айтгандек, “ишлаб чиқариш хўжалиги маданияти”га. Булар ҳам мустақил дехқончилик, ҳам бир хил муқаддас белгилар тасвирланган идишларнинг ишлаб чиқарилиши, ҳам хайвонларнинг қўлга ўргатилиши, ҳам уй-жойларнинг қурилиши (шу жумладан, айрим жойларда икки қаватлиларни ҳам), ҳам қурилишнинг аниқ планига эга катта шаҳарлар ва хоказо. Жўғрофик жихатдан бир-бири билан

боғланмаган халқларнинг афсоналарида эса буларнинг барчасини маҳаллий аҳолига “осмондан тушган одамлар” ўргатганлиги эслатилмоқда, ва табиат билан одамларнинг хаётини ўзгача олий мавжудотлар бошқаради деган ишонч шундан пайдо бўлган. Кўпинча айнан мазкур даврларда маросимий сопол идишлардаги рамзлар ва белгилар оммавий тарзда пайдо бўла бошлаган. Ваҳоланки худди шу белгилар (деярли бир хил) бунгача ҳам турли қитъаларда яшовчи одамлар жамиятларида мавжуд бўлган ва ўша қоятош расмлари (петроглифлар) бунинг далолатидир. Хатто 35 минг йил олдинги қоятош расмларида ҳам белгилар топилган!

**Ригден:** Айтиб ўтганимдек, маълум белгилар ва рамзлар жамиятда азалдан, дастлабки даврлардан бор бўлган.

**Анастасия:** Ҳа, ва мана шу шубҳасиз факт, инсоният учун шундай калитли масалалардаги азалий Билимларнинг етишмаганлигидан бўлса керак, қатъиятлик билан эътиборга олинмай келмоқда...Шундай қилиб, белгилар борасидаги суҳбатимизда Сиз эслатган қадимий археологик маданиятлар бўйича кутубхоналарда кизиқарли маълумотни излаб топдим: булар Европа, Осиё худудларида ё бизга маълум Шумерлар ва Мисрликлар цивилизацияларидан анча олдин, ёки ўша даврда мавжуд бўлган цивилизациялардир. Масалан, Сиз айтиб ўтган, эрамиздан аввалги VI-III минг йилликларда Қадимги Европада (замонавий Украина, Молдова, Руминия худудларида) мавжуд бўлган Триполье маданияти. У руминияда “Кукутень” номи билан маълум (мазкур маданиятга тегишли илк археологик топилмалар шундай номли қишлоқ атрофида очилган). Мазкур даврнинг маданий қатламларида муқаддас рамзий ишораларга эга кўпгина сопол буюмлар топилган. Устига устак, идишлар икки турда бўлган: маросимий (белгилар ва рамзлардан иборат нақшлари билан) ва рўзғорга оид (оддий, расмларсиз).






42-расм. Триполье тараққийетининг рамзлари ва белгилари.  
(эрамиздан аввалги VI-III минг йилликлар, Қадимги Европа).

Яна битта аҳамиятли фактни қайд этмоқчи эдим. Ўз вақтида Сиз унга урғу берган эдингиз. Ўша яшаш жойларда жуда кўплаб устида ўйиб чизилган муқаддас белгилар ва нақшлари бор аёлларнинг хайкалчалари топилган эди ва бу яратувчилик аёлий табиатнинг мазкур халқлар томонидан эъзозланишининг далолатидир. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, қадимги маданиятларнинг қазилмалари вақтида нафақат сопол предметлардаги шундай белгиларнинг кўпдан-кўплиги, балки худди шундай муқаддас рамзлари бор аёлларнинг безаклари, белгилар тасвирланган аёлларнинг хайкалчалари ҳам топилган эди. Ён атрофларда эса хаёти давомида муқаддас билимларга эга бўлган аёл-шаманларнинг қабрлари ҳам топилган. Бунга дафн этилган жойларда топилган предметлар ва кўплаб бошқа нишонлар ҳам кўрсатмоқда. Булар аёлларнинг жамиятнинг маънавий хаётида, маросимий анъаналарда энг фаол иштирокининг ва қадимда одамлар айнан аёлий, илоҳий табиатни эъзозлаганининг далолатидир.

**Ригден:** Уйғунлашган, руҳан ривожланган ҳамжамиятда айнан шундай бўлиши керак. Чунки руҳий маънавий томондан аёлий табиат – бу Аллатнинг бунёдкор кучининг намоёндасидир...

**Анастасия:** Анча йил аввал Сиз белгилар ҳақидаги мавзунини илк бора кўтарганингизда, мен қадимий маданиятларда турли белгилар ва рамзлар мавжудлигининг кўплаб мисолларини топдим. Масалан, Болқон-Дунай минтақаси маданиятлари – эрамиздан аввалги V-III минг йилликларнинг неолит ва энеолит даврларининг археологик

маданиятлари, улар Қадимги Европа ва Болқон хуудларини эгаллаган эди (Жанубий-Шарқий Европанинг тоғ занжири). Артефактларда асосий рамзлардан иборат етарлича бой “нақш” кузатилмоқда. Булар доиралар, спираллар, учбурчаклар, крестлар, пирамидалар ва бошқа белгилар.



**43-расм. Қадимий Европа маданиятларининг рамзий ишоралари.**  
(э.ав. V–III минг йилл.).

*Турли қадимий маданиятларнинг рамзлари келтирилган: Винча-Тордош маданияти (Жанубий Европанинг замонавий хуудлари: Венгрия, руминиянинг жанубий-гарби, Сербиянинг шимолий қисми, Болгария) чизиқли-лентали сопол предметлари (Марказий Европа: Германиянинг Рур вилоятидан Чехия ва Словакия чегараларигача), Дунай маданияти (Билани) (Чехия ва Словакия), Димини балкан маданияти (Эгей денгиз бўйи, Волос ш. яқинида, Юнонистон, Лариса ш. ёнида), Прибалтиканинг Нарв маданияти (Латвия, Эстония, Литва, Шимолий Белорусь, Россиянинг Псков вилояти), Лендел маданияти (Венгриянинг гарби,*

*Австриянинг шарқи, Чехия, Словакия) ва мазкур минтақанинг кўрсатилган даврдаги бошқа маданиятлари.*

Ундан ташқари, Сескло археологик маданиятини қайд этишни хоҳлардим (эр.ав. V минг йилл., Юнонистондаги катта Лариса шаҳрининг ёнида жойлашган Волос шаҳарчаси ёнида), унга ҳам геометрик шаклдаги нақш хосдир. Қазилмалар вақтида асосан қизил ранг билан чизилган шундай нақшларга эга шаклчалар ва идишлар топилган эди. Дарвоқе, пинтадерлар ҳам (испанча “pintadera” сўзи “pintar” сўзидан пайдо бўлган – “қраскалар ёрдамида чизиш” дегани). Бу шунақа лойдан ясалган рельефли тамғалар, улар нақш билан безалган. Улар неолит даврининг кўпдан-кўп маданиятларида кенг тарқалган эди. Тахмин қилишларича, уларнинг вазифаларидан бири – муқаддас ёки маросимий анъана олдидан одамнинг танасига ўзига хос, белгилар ва рамзлар кўринишидаги “татуировкалар”ни чизиш.

Ва, албатта, Шигир маданиятини алоҳида қайд этишимиз мумкин (э.ав. V–IV минг.йилл., Замоनावий Россиянинг Ўрта Урол ва Урол орқа худудлари). Жаҳоннинг энг қадимий ёғоч хайкали унинг ёдгорликларига тегишлидир. У тилоғочдан ясалган бўлиб, унинг номи топилманинг жойига мутаносиб – “Катта Шигир бути”). Хайкалнинг танаси геометрик нақш билан ҳар томонлама безалган. Хайкални мезолит даврига тегишли деб ҳисоблашади (9,5 минг йил олдин).


**Ригден:** Дарвоқе, археологлар бут деб атаган хайкалда ҳам унинг еттита юзи кўринишидаги еттита ўлчовлар ҳақидаги ахборот бор (одамларнинг юзларини схематик тасвири). Унинг устига еттинчи ўлчов юқоридаги хажмли (икки томонли) бошқарувчи “юзи” кўринишида, олтита ўлчовлар эса – олтита рельефли “юзлар” кўринишида. Улар бутнинг “танасининг” кенг текисликларида ўйилган: учтаси уч ўлчамли дунё рамзи сифатида ташқи томонида, қолган учта юзи эса орқа томонида бўлиб, оддий одамга етиб бўлмас ўлчовлар (тўртинчи, бешинчи, олтинчи)ни англатади.


**Анастасия:** Энг қизиғи, олимлар хануз бу хайкал ва унга ўйилган рамзлар ва белгилар ниманинг ифодаси эканлиги борасида баҳслашмоқда. Қизиғи, ўша пайта мазкур экспонатни қабул қилган музейнинг хизматчиси бутнинг биринчи таърифида унинг оёқлари букланганлигини ёзган. Бу эса нилофар гули холатига ва медитация пайтидаги дунёни ўрганишга кўрсатмоқда. Аммо, артефактнинг мазкур қисми кимгадир жуда “ноқулай” бўлганлиги яққолдир, чунки камида Шарқ билан алоқага тегишли мулоҳазаларни келтирарди, шунинг учун мана шу қисми инқилобгачаёқ музейнинг омборларида “изсиз йўқолган эди”.

Азалий Билимларга калит йўқотилган, дегани шу-да: артефакт топилишга топилди-ю, лекин уни нима қилишни, ундаги рамзларни қандай ўқишни ҳеч ким билмайди. Умуман замонавий Россия худудида тадқиқотчи инсон учун жуда қизиқарли қадимий археологик маданиятлар топилган. Масалан, Юқори Волга маданияти (Волга дарёсининг худудида, Волга ва Ока дарёлар орасида, бугунги Москва вилояти худудида жойлашган эди), унинг қатламларида ўйма нақшлари ва рамзлари бор идишларни, ўйма нақшли лойдан ясалган тамғалар топилган. Чебаркул маданиятининг ахборотга бойлигини айтмайсизми (Урол тоғ тизмасининг жанубий қисми, бугунги Челябинск вилояти, Россия).

Умуман, Ўрол рамзларга ва белгиларга жуда ҳам бой, у ердаги мезолит, неолит, бронза даврларига оид ўрол ёзувлари (қоятош расмлари) нақадар қимматлидир! Ва, қизиғи шундаки, уларни асосан сувга қараган қояларда жойлаштиришган. Сув эса, бизга маълумки, қадимгиларнинг тушунишида бошқача, руҳий дунёнинг рамзи бўлган. Қушларнинг тасвири асосан сувда сузувчи қушларники бўлган. Ва, жаҳоннинг барча қадимий халқларида каби, маънавий Билимлар геометрик шакллар (доиралар, кўпбурчаклар, тўлқинлар, зигзаглар, қия ва тўғри хочлар, нурлар), шунингдек антропоморфик мавжудотлар, асосан тўртта Маҳлуқотни таърифловчи туёқли хайвонлар кўринишида тасвирланган. Лекин, энг асосийси – одамнинг “қўнғизча” кўринишидаги шаклчалари (ёйилган қўллари ва букланган оёқлар билан), уларнинг бошларида руҳий озодлик ёки мукамалликнинг рамзлари (“АллатРа” белгиси ёхуд Аллатнинг рамзи, ёхуд бир нечта чиқаётган нурлар) бўлган. Мен Сибирнинг қадимий маданиятлари ва уларнинг рамзлари ва белгилари тўғрисида гапирмаяпман ҳам.


Дарвоқе, нафақат Урол, балки Осиёда (Олд ва Ўрта) VII-VI минг йиллик санаси билан қайд этилган шарқий маданиятларнинг тадқиқотлари олиб борилган илмий ишлардан ҳам мен кўплаб қизиқарли маълумотлар олдим. Мисол учун, *деярли тўққиз минг йил олдин* мавжуд бўлган “овчилар ва терувчилар” Хожилар маданияти. Ушбу маданиятга уйларни деворларини нақшлар билан безаш, графика рамзли идишлар хос бўлган, рамзлардан асосан кўёшсимон (доирасимон) ва ромбсимонлари катта ҳажмда ишлатилган.





44-расм. *Хожилар маданиятининг рамзлари*  
(э.авв. VII–V минг йилл.; *Ғарбий Осиё*).

Ёки, масалан, Сиз эслатиб ўтган, Хожилар каби, замонавий Туркия худудида милоддан аввалги VII минг йилликда мавжуд бўлган Чотол-Гуюк маданияти. Унинг рамзий ишораларида кўплаб крестсимон ва ромбсимон рамзлар устувор эди, илоҳий аёлий табиатнинг эъзозланиши яққол эди. Буларнинг барчаси қадимгиларнинг азалий Билимлардан хабардорлиги, Қалб ҳақида ҳам, тўртта Маҳлуқотлар ҳақида ҳам, шунга мос руҳий амалиётлар ҳақида ҳам билимлари бўлганидан далолат бермоқда.



45-расм. *Чотол-Гуюк маданиятининг рамзлари.*  
(э.ав. VII минг йилл., *ғарбий Осиё*).

Қизиғи шундаки, қадимги мазорларга қараганда, мазкур маданиятнинг қадимги одамларида ижтимоий бўлиниш нишонлари ёки маънавий, ижтимоий ёхуд жамоанинг рўзғор билан боғлиқ соҳаларидаги устуворлик масалаларида аёл ва эркекларнинг орасидаги тенгсизликка



ишора ҳам бўлмаган. Топилган “ибодатхоналар”да кўплаб Она-Худонинг шаклчалари жамланган эди, ва, нақшлардан ташқари, Она-Худонинг, буқалар бошларининг, тулкиларнинг рельефли тасвирлари бўлган. Дарвоқе, бу қатламда топилган энг таниқли хайкалча – *кубсимон* тахтда ўтирган аёл худо. Тахтнинг *ёнбош* тирсаклагичлари *иккита урғочи шерлар* кўринишида қилинган. Кейинчалик худди шу нарсаларни – ёнбош Маҳлуқотларнинг рамзи сифатида шерларни, шу билимларнинг рамзларини ўзига хос қадимий талқини – бўқанинг калласини Қадимги Мисрда ҳам кузатса бўлади.

**Ригден:** Ҳа, бўқани муқаддас хайвон деб қадрлаган қадимги халқлар учун бу билимларни шундай ўхшатишлар ёрдамида талқин қилиш одатий бўлган. Аниқроғи, бўқани, сигирни, илонни ва хайвонот оламининг бошқа вакиллари одамлар муқаддас деб ҳисоблаганининг сабаби – қачондир олдинги авлодларга одамнинг кўринмас тузулмаси ҳақида ва дунё ҳақида ўхшатишлар ёрдамида гапириб беришган. Шу нарса ўсимлик дунёсига ҳам тегишлидир. Хайвонларнинг ёки ўсимликларнинг ўзларининг бунга аҳамияти йўқ. Бу нарса олмани олиб, Қалбнинг ўтиш ҳолатидаги шаклини тушунтириш учун унга таққослаш билан баробардир. Қалбнинг шакли ҳам тахминан шундай думалоқ, унинг қобикларида қизил ва сариқ ранглар мавжуд, деса бўлади. Олма мева сифатида қуёшда пишса, Қалб ҳам, мажозий маънода, инсон руҳан мукаммаллашганида пишади. Бирок, ушбу Билимларнинг маънавий томони йўқотилса, кейинги авлодлар учун олма мукқадас мевага айланади ва одамлар унга сиғинишади, чунки аждодларининг муқаддас китобларида шундай ёзилган-да. Шу тариқа Хайвоний ақл ўз хукмронлигини ўрнатиш мақсадида инсоният тизимида барча руҳий маънавий нарсаларни моддийлаштиради...

Илгари таянч руҳий амалиётларни деярли бармоқлар ёрдамида тушунтиришар эди, аслида, хозир ҳам худди шундай. Яъни, одамга рўзғорда тушунарли бўлган уч ўлчамли дунёнинг оддий ўхшатиш мисолларини олишган. Булар унинг руҳий ишининг бошланғич босқичларини тушуниб англаши учун керак бўлган, холос. Кейинги босқичларда эса бундай зарурат йўқолар эди, чунки одам реалликнинг кўринмас томонини (Руҳий оламни) хис этишда шахсий тажрибасини орттирар эди. Ўша реалликни эса сўзлар билан тушунтириш қийин, шунинг учун маънавий инсонлар бир бирини сўзсиз тушунади. У томон ҳақида тушунчаси йўқ одамлар эса фақатгина туйғулар билан тушуниш мумкин бўлган нарсаларни доимо мантиқ ёрдамида тушунишга уринишади, аммо бефойда. Айнан шунақалар учун ҳам моддий дунёнинг бундай қўпол ўхшатишлари берилганди.

Шундай қилиб, буқа тимсолининг “муқаддас” рамзига қайтсак. Қадимгиларнинг ўхшатиш талқинларида буқанинг кўзлари шартли равишда ёнбош Маҳлуқотларни англатган, (ўтмиш ҳақида гапираётган, аниқроғи, маъраётган) узунчоқ тумшуғи ва оғзи – Орқа маҳлуқотни, калласининг юқори шохдор қисми эса – бошқа дунёга чиқиш имкониятининг рамзи сифатидаги юқорига қараб ётган ярим ой (Аллат белгиси) кўринишида Олд маҳлуқотни англатган. Буқанинг танасига эса одатда доира белгисини жойлашган, унинг ичига олти нурли юлдуз сифатида олти чизиқ киритишган. Оҳиргиси Хайвоний ақл хукмронлик қилаётган олти моддий ўлчовларнинг рамзи бўлган. Юлдузнинг олти нури горизонтал чизиқ (“минуслар”) билан кесилган қиялама хоч кўринишида бўлган бўлса, айнан мазкур иккита горизонтал нурлар одамнинг ёнбош Маҳлуқотларини назорат қилинишига, ёки, аксинча, қўшимча белгиларга қараб, унинг фаоллигига кўрсатган. Дарвоқе, буқанинг танасида Хайвоний дунёнинг сақланадиган жойи сифатидаги мажозий тимсоли бўлмиш қорни ёки моддий дунёнинг таянч асоси сифатидаги мажозий тушунчаси бўлмиш орқасида алоҳида урғу берилган. Мазкур жойда мутаносиб белгилар қўйилган. Кейинчалик, хокимият ва бошқарув институти сифатида дин пайдо бўлганида, эски эътиқодларнинг оммавий йўқ қилиниши бошланди, буқанинг рамзини айрим қоҳинлар омманинг топиниши учун “муқаддас тимсолга” айлантирди, бошқа қоҳинлар эса, ўз хокимияти учун курашда, буқани ва у тақлид қилган барча билимларни салбий тимсол деб талқин қилишди.

**Анастасия:** Мажозий тимсолни муқаддас тимсолга бундай алмаштирилиши замонавий эътиқодларда бугун ҳам кузатилмоқда. Индуизм, жайнизм, зардуштийлик каби динларда сигир хануз муқаддас хайвон сифатида қадрланади. Индуизмда унинг гўштини овқатга ишлатиш таъқиқланган, эрамизнинг биринчи асрларида эса Хиндистон ҳукумдорлари бирор фуқаро томонидан сигирнинг ўлдирилишини дахшатли жиноят деб ҳисоблаган ва унга нисбатан ўлим жазосини белгилаган. Мазкур хайвоннинг барча махсулотлари ва чиқиндилари хали ҳам ўша динларда “муқаддас ва тозаловчи”, “барча рухий ва жисмоний касалликлардан умумий дори” саналиши ҳақида айтмасак ҳам бўлади. Маънавий билимлардан нима қолди? Деярли ҳеч нарса, фақат умумий фалсафа, у ҳам оддий хайвонга сиғиниш каби моддий оғиш билан. Натижада бутун бошли авлодлар ўз устидан рухий маънавий жихатдан ишлаш ўрнига, оддий кашф қайтарувчи, жуфт туёқли хайвонни эркалатишади.

**Ригден:** Ҳа, Хайвоний ақл ўзининг алмаштиришларида кучли.

**Анастасия:** Ўз алмаштиришларини одамнинг онгига у нақадар тез сингдирипти ва буларнинг барчаси одамлар жамиятида нақадар узоқ сақланиб қолмоқда. Ўша Қадимий Евросиё худудида мавжуд бўлган қадимий маданиятлар ва уларнинг қолдиқлари одамларнинг маънавий Билимларга эга бўлганлари ва уларни турмуш ва рўзгордан кўра кўпроқ кадрлаганлигининг далилидир. Юқорида санаб ўтилган маданиятлардан ташқари қадим даврларда мавжуд бўлган ва барчаси бир хил белгилардан ва рамзлардан фойдаланган маданиятлар талайгина. Масалан, Хассун ва Халаф маданиятлари (мил.ав.V минг йиллик; хозирги Ироқ, Сурия, Туркия; бу маданиятлар Шумерлар цивилизацияси пайдо бўлишидан олдин мавжуд бўлган), Загросс маданиятлари – Ганж-Дар, Али-Кош маконларининг қароргоҳлари (мил. Авв.VII-VI минг йилликлар, хозирги Эрон, Сулаймония тоғ этагидаги Мергар маданияти (мил.авв.VI-V минг йилликлар, хозирги Покистон худуди); Анау маданияти (мил.ав. V минг йил, Ашхобод шаҳрининг ёнида, Туркменистон). Ва бу рўйхат тўлиқ эмас, аслида ўша даврларда одамлар Европадан Сибиргача, Африкадан Осиёгача бўлган каттагина худудларда яшаган. Ва ҳаммасида ўхшаш график рамзларни, деворлар ва идишлар безалган бир хил геометрик шаклларни топса бўлади.

**Ригден:** Мен янада кўпроғини айтаман, эътибор бер, белгиларнинг аксариятини азалдан руҳий маънавий маънода муҳим аҳамиятга эга бўлган жойларга бевосита яқин жойлашган худудларда топишмоқда. Ўз вақтида мутаносиб билимларга эга бўлган маънавий инсонлар томонидан маълум ишчи белгилар фаолаштирилган ва уларнинг таъсир кучи минглаб йиллар давомида сақланган жойларни назарда тутмоқдаман.

**Анастасия:** Сиз айтмоқчисизки, бу жойлар энергия чиқишининг ғайритабиий зоналари эмас, яъни табиатан хосил бўлмаган, аксинча, сунъий равишда, маълум ишчи белгиларни фаоллаштириш орқали қачондир яратилганми?

**Ригден:** Ҳа. Қадимдан маънавий жихатдан аҳамиятли бўлган, сен санаб ўтган жойларда бўлиб ўтган воқеаларни (ҳеч бўлмаса мавжуд тарихий маълумотларга таяниб) кузатсанг, етарли. Ўз вақтида ўша худудларда белгилар фаоллаштирилган эди.

**Анастасия:** Умуман олганда, ҳа ...Агар, мисол учун, Триполье цивилизациясини олсак ...Ўша замонавий Киев шаҳрини хозир ҳам “очиқ чакран”, куч макони деб аташади. Қадимда у ерда Лотос (Нилуфар) ибодатхонаси бўлганлигини, ёнида эса – нафақат Европада, балки бошқа қитъаларда ҳам маълум бўлган муқаддас белгиларга ва

рамзларга бой Триполье цивилизациясининг кишлоқлари жойлашганлигини инобатга олсак...


**Ригден:** (табассум билан) Нега энди Лотос ибодатхонаси бўлган?

**Анастасия:** Ҳа-да...Ҳақиқатан ҳам, “кучли жойлар” бўйича таққослашни давом эттирсак, цивилизациянинг маънавий ҳаётининг тарихидан етарлича қизиқарли лаҳзалар ёритилиб чиқмоқда. Масалан, Юнонистоннинг Лариса шаҳрининг ёнидаги шарқий денгизбўйини кўриб чиқадиغان бўлсак...Ахир у ерга яқин жойда Халкидики тоғли ярим ороли – Илоҳий Афон тоғи жойлашган-ку! Ахир бугунги кунда мазкур жой православ рухонийларининг дунёдаги энг катта мужассамлашган жойи, уни кўплаб инсонлар Исонинг Илоҳий Онасини қўл остидаги худуди сифатида эъзозлайди. Ахир у ёқда минг йилдан ортиқ вақт давомида тинмай ибодатлар қилинади, ҳамма жойда қадимий белгилар, Худонинг Онасини ва Олий фаришта Жаброилнинг тасвирлари мавжуд. Афондаги Ватопед (Исонинг Илоҳий Онасининг-Биби Марьямнинг Чақириғи муносабати билан қурилган) монастир ёки Авлиё Пантелеймон (Русик, Россикон) монастирининг ўзи қанчалик қадрли! Ахир мазкур монастирларнинг маънавий фаолиятига Агапит Печерский ўз вақтида бевосита алоқадор бўлган. Чиндан ҳам узок келажакда ўзининг оқибатларига эга бўлган аҳамиятли воқеалар!

**Ригден:** Барчаси эса белгиларнинг фаоллаштирилишидан бошланган...

**Анастасия:** Ҳа, Юнонистон ва белгилар – ажратиб бўлмас тушунчалардир. Болқон ярим оролининг худуди ўтмишда (милоддан олдин III-II минг йилл.) – бу эгей, ёки крито-микен деб ҳам аталмиш маданиятининг тарқалиш майдони. Бу сирли маданиятлардан биридир. Санъатнинг ёдгорликларига қараганда, унда аёлий табиат эъзозланган, ёзуви эса белгиларга ва рамзларга бой бўлган. Билишимча, кипр ёзувининг асоси бўлган кипро-миной ёзуви хануз дешифрланмаган. Кипр ёзувининг белгилари эса триполье белгиларига ва бошқа қадимий маданиятлар белгиларига жуда ўхшаш. Яъни, белгилар қолган, лекин уларнинг азалий маъноси йўқотилган.





*46-расм Кипр ёзувининг белгилари.*

*(мил.ав. XI аср, Ўрта Ер денгизнинг шарқий қисмида жойлашган Кипр ороли аҳолисининг қадимий ёзуви)*

**Ригден:** Қачондир барчаси битта илдизга эга бўлган, ягона тил ва умумий белгилар бўлган. Бироқ энди тил унутилган, белгилар эса шундайлигича қолган, фақат одамлар бу белгилар ҳақидаги Билимларнинг руҳий маънавий қисмини йўқотишган. Аммо белгиларнинг таъсир кучи ҳақидаги хотира одамда генетик даражада қолган. **Агар хар бир Шахснинг афзалликларига, интуитив тарзда қандай рамзларга эътибор беришига, хатто рўзғорда ҳам қандай ўзига қулай бўлган “нақшлар”ни ишлатишига қарасанг, ўша-ўша таянч белгиларни ва рамзларни кўришинг мумкин.** Одамнинг атрофида рўзғор предметларида, уйининг интерьерлари ва экстерьерлари безакларида, хатто шахсий нарсаларида қанақа “нақшлар” борлигига назар солиш кифоя. Ва нафақат уйда, балки ишхонада ҳам (фирма ёки компанияларнинг белгилари ва рамзлари, турли кўлости буюмларнинг, интернет-сайтларнинг логотиплари ва хоказо). Одамлар учун бу шунчалик одатийки, уларда у ёки бу рамзни ва белгини нима учун гайриихтиёрий равишда афзал кўриши ва истакларининг илдизи қаердан ўсаётганини, нима учун ўзларини айнан шулар билан ўраб олаётганини ва улар унинг хаётига қандай таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида саволлар ҳам туғилмайди.

**Анастасия:** Ҳа, бу факт. Ҳақиқатан ҳам мен Сиз берган Билимлар билан тўқнашмагунича, бу ҳақда ҳеч ўйланмас эдим. Ёдимда, ушбу маълумотларни илк бор эшитганимда ва уйимдаги шароитга эътибор берганимда, мени ўраган нарсаларни англашим ҳақиқий кашфиёт бўлди. Атрофимда хаётимдаги гайриихтиёрий равишда интилган нарсаларимга урғу берилган “нақшлар” ва таянч “орнаментлар” мавжуд эди. Унданда кўпроғи, уларнинг айримлари ишчи белгилар эди. Демак, хар куни кўз олдимда бўлар экан, ўз эътиборим таъсирида улар беихтиёр фаоллашиб, хаётимга ёлғиз ўзимнинг танловимга асосан таъсир этган экан-да. Бу танлов эса менинг Шахсимнинг сирли, гайриихтиёрий афзалликларига асосланган.

**Ригден:** Ўзингни диққат билан кузатишинг қизиқарли кашфиётларга олиб келади. Гоҳида фақат бошқаларда осонлик билан кузатган нарсаларни одам ўзида ҳам топади.


**Анастасия:** Ҳа, ўшанда бу нарса мен учун ҳақиқий кашфиёт бўлди ва шу томондан ҳам ўз ҳаётимни тўғрилашга имконият берди...Хозир эса Сиз қадим замонлардан бошлаб белгиларни фаоллаштириш жойларни кузатиш ғояси билан жуда қизиқтириб қўйдингиз. Тахлил қилсак, барчаси, мозаиканинг қисмларидек, жой-жойига тушади. Мисол учун, Урол тоғининг жанубий қисми...Жанубий Урол нафақат белги ва рамзларга, балки сирли, аномал жойларга бой. Шу ерда, Чебаркўлга яқин, археологлар биз айтиб ўтган ягона маданиятга эга “Шахарлар мамлакати”ни топишган. Булар ҳозирги Челябинск ва Оренбург вилоятлари, Бошқиртистон, Шимолий Қозоғистон жойлашган ҳудудларда эрамиздан аввал IV-III минг йилликларда мавжуд бўлган қадимий шахарлар. Яъни Қадимги Миср давридаги бутун бошли цивилизация эди. Мазкур шахарлар бошидан жуда яхши режалаштирилган ва мураккаб архитектуравий лойихага эга бўлган. Боз устига, тўртбурчак шаклларида ташқари, уларнинг кўпчилиги аниқ доира шаклига эга бўлган, бошқалари – ярим овал шаклида бўлган (қадимий халқлар мифологиясида маълум бўлган коинот тухуми билан параллель ўтказилган бўлса керак).

Умуман, қайд этиш лозим, Ғарбий Сибир, Жанубий Ўрол, Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмини қамраб олган Сибирнинг қадимий маданиятлари рамзий ишораларга жуда бой. Лекин бошқа томондан, хайрон қолмаса ҳам бўлади – ахир Шмабалага киравериш ўша ерлардан унча узокда эмас.

**Ригден:** Тўғри, белгилар ва рамзлар бу жойларда жуда бой ва тадқиқотчи учун қизиқарлидир. Лекин, улар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш ва илдизлар қаердан ўсаётганлигини тушуниш учун, яхшиси белгиларни ва рамзларни солиштириш мақсадида каттароқ ҳудудни қамраб олиш керак: Ғарбий Сибирдан Хиндистон тоғларигача, Эроннинг Загрос тоғларидан Мўғул платосигача.

**Анастасия:** Агар минглаб йиллар давомида кўплаб километр узунликдаги оҳақли ғорлар нафақат ўз табиатини, балки одамларнинг сирларини, белгиларни ва рамзларни ҳам сақлаётганини инобатга олсак, у ерда Олтойнинг ўзи археологик топилмаларнинг ноёблиги ва аномал жойларининг мавжудлиги бўйича нақадар аҳамиятли бўлиб чиқмоқда. Загрос тоғ тизмаси ҳам (замонавий Эрон ҳудуди) ўзига хос сирли. Бу ерларда яшаб ўтган одамлар авлодларининг маънавий тарихини солиштирсак, қизиқарли натижаларга эга бўламиз. Загрос

тоғлари ғарбий томондан Месопотамия водийларига чиқади – эрамиздан аввалги IV-III минг йилликларда бу ерда Шумер цивилизациясининг шаҳар-мамлакатлари жойлашган эди. Шумерларнинг маданияти ҳам бошқа қадимги халқлардагидек, асосий белгилар ва рамзлар билан боғлиқ. Уларнинг айрим муқаддас афсоналари эса, масалан, тошқин ҳақида, жаннат ороли ҳақида афсоналар яхудий коҳинлари томонидан матнлар тузиш учун ўзлаштирилган ва албатта, манбаси (Шумер цивилизацияси) кўрсатилмаган холда, кейинчалик Инжилга киритилган



*47-расм. Шумер цивилизациясининг белгилари.  
( мил.авв. III минг й., Жанубий-Ғарбий Осиё).*

Айнан Загрос тоғларида Қадимги Форс (милоддан аввалги 1 минг йиллик) худудларида Ахура Мазда ҳақида таълимотни воизлик қилган Зардушт пайғамбари ҳақида эсламасак бўлмайди, албатта. Ахир шу таълимот асосида муқаддас “Авесто” китоби ва зардуштийлик дини яратилган эди. Улар кейинги авлодларнинг кўплаб одамларига муҳим таъсир этди ва фақатгина у ерликларгагина эмас.



*48-расм . Ахуро Мазда рамзининг қадимги барельефлардаги тасвири.*


Менга маълум бўлишича, зардуштийликнинг бу ғоявий концепцияси ўз

вақтида Шарқда жуда тарқалган эди ва у манихейлик, митраизм, иудаизм, христианликнинг катарлар сектаси каби оммавий динларнинг шаклланишига таъсир этган. Дарвоқе, катарлар сектаси Ғарбий Европада XI-XIII асрларда ўз таъсирини тез тарқатди, унинг диний қарашларини рим-католик черков “хавфли бидъат” деб ҳисоблаган...

Шундай қилиб, бу кашфиётлар занжири хар гал қизиқарлироқ бўлмоқда....Ундан кейин Сулаймония тоғлари остида (Покистон худуди) Мергар археологик маданияти...

**Ригден:** Инд дарёсининг ҳавзасидаги Индостаннинг қадимий маданиятларми? Э ҳа, белгиларни фаоллаштириш борасида бу замонлар жуда қизиқарли эди...

**Анастасия:** Қачонлардир Сиз бизга глобал кесишиш нуқталарнинг бири ҳақида гапириб берганингиз эсимда...дунёдаги энг катта Осиёнинг тоғли тугуни: сайёрамизнинг энг баланд бўлган Помир, Хиндукуш, Қаракорум тоғ тизимларининг қушилиши. Ва шу ҳикоя контекстида Сиз беш минг йил аввал, яъни эрамиздан олдин III минг йилликда, ўша худудларга яқин мавжуд бўлган юқори даражада ривожланган маданият ҳақидаги мавзуни очдингиз. Мени бу маълумот шунчалик қизиқтирдик, бу саволни чуқурроқ ўрганишга киришдим. Бугун археологлар бу маданиятни шартли равишда Хинд ёки, бошқача номи, Харрап цивилизацияси, деб аташади (қазилмалар олиб борилган жойнинг номи Харрап – Жанубий Осиёнинг ғарбий қисми, Покистон, Ғарбий Панжоб).



49-расм. Харрап цивилизациясининг жойлашган харитаси.


Харитада қадимги цивилизациянинг шартли чегаралари белгиланган, айрим марказлари – Харатпа, Мергар, Мохенжо-Даро (қазилмалар жойи бўйича), Инд дарёси ва собиқ муқаддас (афсонавий аёл худо)



*Сарасвати дарёсининг канали (нуқтали чизиқ билан белгиланган). Сарасвати – ўтмишининг афсонавий дарёси, унинг атрофидаги худудлар муқаддас ҳисобланган. Ривоят бўйича, Сарасвати ва Дришадвати дарёлари орасида худодлар томонидан яратилган ведизм ва брахманизмнинг муқаддас мамлакати – Брахмаварта (санскритдан таржима қилганда, - Брахма мамлакати) жойлашган. У “муқаддас макон” ҳисобланган бўлиб, бу ерда қадим замонларда бхаратлар қабиласи яшаган ва Ведаларнинг муқаддас матнлари тузилган.*

Умуман, мазкур юқори ривожланган цивилизация мени хайратга солди. У каттагина худудда минглаб йиллар давомида мавжуд бўлган (ўша даврлардаги бошқа қадимий мамлакатлардан ҳам каттароқ), марказлашган шаҳар тузулмаларига, ва, шунингдек, у ерда турли ирқлар ва миллатлар вакиллари яшаганига қарамасдан минг йиллар давомида барқарор маданиятига эга бўлган. Худди бизнинг Совет Иттифоқимизда бўлганидек. Бироқ, Иттифоқдан фарқли равишда, Харапп цивилизациясининг аҳолиси маънавий билимларга эга бўлганига ўхшайди ва бу маълумотдан ҳаммабоп бўлган. Харапп (Хинд) цивилизацияси Шумерлар, Қадимий Миср даврларида у ерларга арийлар келишидан, Ведаларнинг муқаддас тўплами тузилишидан аввал мавжуд бўлган – бунга Сиз диққатимизни қаратган эдингиз! Лекин мазкур тараққиётнинг одамлари қандай билимларга эга бўлгани жуда хайратланарли! Сизнинг маълумотларингиздан сўнг кўпгина тарихий ва археологик хабарларга гўё кўзларим очилгандай бўлди. Ва бундай очиқ-ойдин фактларни олимлар нега кўрмаётганлиги хатто ажабланарли эди.

Қазилмалар пайтида (худди Қадимги Европанинг Триполье цивилизациясида, Ғарбий Осиёнинг Чатал-Хуюк цивилизациясидагидек) у ерда кўпдан-кўп терракотали аёл хайкалчаларини топишган, бу эса Она-Худонинг, Аёлий табиатнинг, яъни Аллатнинг бунёдкор кучларининг эъзозланишига кўрсатмоқда. Харапп цивилизацияси яшнаган худудларда археологлар бир нечта, қудуқлари бор ва ювиниш учун махсус жойлар ажратилган катта “қурбонгоҳларни” топдилар. Бу эса, моҳият бўйича, руҳий маънавий эътиқодга эга инсонни диний маросимлар вақтида ювиниши ўзгача сеҳрли ўзгаришига олиб келиши ҳақидаги билим қадим-қадимлардан маълумлигининг далолатидир!



*50-расм. Харапп тараққиётининг белгилари (эрамиздан олдин III-II минг йилликлар, Хинд водийси, Жанубий Осиё).*

Аммо энг хайратланарлиси – бу, албатта, хали ҳам расшифровка қилинмаган харапп белгили ёзуви. Айрим ўхшаш белгиларни олимлар шумерларда ҳам топишмоқда ва хетт иероглиф ёзувига яқинлиги ҳақида фикр билдиришмоқда. Ундан-да кўпроқ, улар Харапп маданиятининг деярли 50та рамзи Пасха оролининг белгиларига ўхшашлигини топишди! Тинч уммонининг жанубий қисмида жойлашган Пасха ороли қаерда-ю, қадимий Харапп маданияти жойлашган Хиндистон билан Покистон қаерда?! Ахир уларни орасида 13 минг километр масофа ва минглаб йиллар вақт мавжуд-ку! Бу дегани, ушбу белгиларни ва рамзларни дунёнинг турли қисмларида ва турли даврларда билишган.

**Ригден:** Айнан шундай. Айтиб ўтганимдек, олам ва одам ҳақидаги асосий Билимларни ўз ичига олган ушбу белгилар ва рамзлар, туб аҳолининг уларнинг талқинига ўзининг бўйёқларини берганига қарамадан, деярли барча қитъаларда мавжуд бўлган.

**Анастасия:** Менинг назаримда, белгиларни ўзига хос “овлаш” факти уларнинг айримларининг муҳимлигини исботламоқда. Мисол учун, Пасха оролининг қадимги ёзуви ҳақидаги воқеани олсак. Бу худудда белги ва рамзлар ҳақидаги билим ва уларни ёзувда ишлатилиши деярли яқинда, XIX асрнинг ўртасида голланд ва испан кемаларида келган одамлар кўринишидаги “Ғарб цивилизацияси” оролга бостириб келганида ғойиб бўлган. У ерда бўлган католик миссионер оролдаги мавжуд ноёб ёзув ҳақида жаҳонга маълум қилди. Деярли хар бир уйда дарахтдан ясалган тахтачалар бўлган, уларда орол аҳолиси махсус белгилар ёрдамида ўз қўлёзмаларини олиб боришган.

Бироқ, шу вақтнинг ўзида, Пасха оролининг белгиларини европаликларга очиб берган миссионер ва унинг издошлари ушбу ёзувни мажусий бидъат сифатида йўқ қилиш учун қўлидан келганини қилишди. Мазкур, яқиндагина мавжуд бўлган маданиятдан ҳозир нима қолди? Бутун орол бўйлаб тарқалган йигирма тоннадан оғирроқ ва баландлиги кўп қаватли уй баландлигига тенг бўлган бир неча юзта улкан бош-хайкаллар ва йигирмага яқин тахтачалар – мўжизавий тарзда сақланиб қолган ёзув ёдгорликлари, шунингдек, хасса ва ёзуви бор кўкрак беағи. Боз устига, улар жаҳоннинг турли музейларига тарқалган. Гўйё, дунёнинг кохинлари, ушбу белгилар ва рамзлар ҳақида билиб қолиб, сўнг уларни йўқотиш учун барчасини қилишган, деган таасурот қолмоқда. Ваҳоланки улар шундоқ ҳам аслида олдинги билимларнинг қолдиқлари эди.

**Ригден:** Ахир Архонтлар ухламашмаяпти-да, улар ҳаракатда. Улар белгилар нималигини, айниқса, ишлаётган фаоллаштирилган белги нималигини ҳаммадан кўпроқ тушунади.

**Анастасия:** Энг қайғулисиди, билимларни умуман йўқ қилиш бўйича мазкур ходиса ягона эмас. XX асрнинг бошида бир европалик этнограф Жанубий Африка бўйлаб саёҳат қилган эди. Аждар тоғларининг худудида (айнан бушмен халқи ўз қоятош ёзувларини қолдиган тоғларда) бўлганида у басуто халқининг қишлоғига келиб қолди. Конус шаклидаги лойдан қурилган ва сомон билан ёпилган уйларнинг барча деворлари рангли нақшлар билан безалгани ва уларни уй эгалари эҳтиёт қилгани саёҳатчини хайрон қолдирди. Бу нақшлар мазкур халқнинг ёзуви бўлиб чиқди, нақшнинг ҳар бир рамзий қисми ниманидир англатар эди. Лингвист-олимларнинг эътиборини торттиш учун этнограф махсус журналларнинг бирида ўз кашфиётини чоп этди. Аммо натижаси сукунат эди. Кўп йиллар ўтиб мутахассисларнинг бири мазкур хабарни ўқиганидан сўнг ўша худудга бир гуруҳ олимлар билан етиб келганида, басуто халқининг онгидан мазкур нақшли ёзувни ўчириб ташлаш бўйича “кимдир” жиддий иш олиб борганлиги аниқланди!

Ригден: (илжайиб). Нега энди “кимдир”? Ўша этнографнинг мақоласидан сўнг дарҳол Аждар тоғлари худудига тезкор равишда бошқа “мутахассислар” етиб келди. Ахир ўша вақтда басуто халқи Буюк Британиянинг қармоғида эди. “Эркин тошчилар”га бўйсунган Буюк Британиянинг ҳокимияти мазкур воқеага қадар ушбу халқнинг ишларига кам аралашар эди. Уларнинг африка халқи устидаги “васийлиги” кўпроқ олмос қазилмалари билан – ўша жойларга яқин топилган олмосдан иборат кимберлит трубкалари билан боғлиқ эди. Аммо мазкур халқнинг белгили, нақшли ёзуви билан боғлиқ маълумот эълон қилиниши биланоқ, у “эркин тошчилар”га ўз вақтида Жанубий Африканинг ўша жойларида топилган олмослар ҳақидаги маълумотдан ҳам тезроқ таъсир қилди.

Шундай қилиб, католиклар-миссионерлар сифатида етиб келган “мутахассислар” оператив тарзда ушбу халқ учун латин тилига асосланган янги ёзувни яратишди (сисуто), мактаблар очиб, мазкур тилни ва инглиз тилини ўргатишни бошлади ва шу билан янги авлодларни аجدодларининг тили ва ёзувини тушунмайдиган қилиб қўйишди. Улар одамларни миясини шунчалик захарлаган эдики, у ерга лингвист олимлар келганида хатто етмиш ёшли қариялар ҳам ота-боболарнинг ёзувини эсламас эди, чунки фақат инглиз ва сисуто тилларини ўрганган эди. Оқибатда туб аҳоли аجدодларининг нақшини

маъносини тушунмасдан уни кўр-кўрона нусхалайди, уни қисқартириб, уйларига уни кўпроқ чет эллик саёхатчиларини “ерли ҳақларнинг ўзига хос маданияти” билан жалб қилиш учун қўшимча даромад мақсадида шундай тасвирлашади. Ва маънавий билимларнинг қанақа асосидан халос бўлганларини, ва нима учун уларни ва уларнинг ҳукмдорларини ўша чет элликлар осонлик билан бошқариб, мамлакатда ишсизликни, очликни, норозиликни ва сиёсий ағдарилишларни келтириб чиқараётганларини тушунишмайди ҳам.

**Анастасия:** Ҳа, ишларни кўринг. Архонтларнинг хабарчилари нима учун халқларга белгилар – бу примитив тил, унда аҳамиятга лойиқ нарсанинг ўзи йўқ, бор-йўғи фольклор деб айтаётгани, тушунарли...Одамлар уларни рўзгор ифодасида қанчалик кўп талқин қилса, уларнинг маъносига ҳеч ким яқинлаша олмаса, Архонтларга шунчалик яхши. Маънавий билимларни йўқ қилиш, халқларнинг хотирасидан бунёдкор белгиларни ва рамзларни ўчириш бўйича лойихаларга Архонтларнинг ўзлари пулларни аямайди.

**Ригден:** Архонтлар билан барчаси тушунарли. Аммо бошқаси – одамларнинг ўзлари Архонтларга шунга ўхшаш ишларни қилишга ижозат бераётгани қайғули!

**Анастасия:** Пасха ороли борасида бир оғиз гапирмоқчиман. Маҳалий аҳолида тошли хайкаллар ўрнатилган маросимий платформалар кўринувчи ва кўринмас (у томондаги) дунёлар ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилиши, тош хайкалларнинг (“моаи”ларнинг) ўзида эса аждодларнинг ғайритабиий кучи мавжуд, деган афсоналар сақланиб қолган. Бу куч эса гўёки табиат ходисаларни йўлга қўйишга, ва шунга кўра, ижобий натижага – халқнинг фаровонлигига олиб келишга қодир эмиш...

**Ригден:** У ерда ҳеч ҳам ғайритабиий нарса йўқ. Атиги у ерда қачондир айрим белгиларни қандай ва нима учун фаоллаштириш зарурлигини билган инсонлар яшаган. Уларга берилган билимларни авлодлар йўқотмаганида эди, ўша оролда бугунги кунда яшаётганлар ўзини ва бошқа дунёлар билан алоқани кўпроқ тушунган бўлар эди. Одатда солнома учун, авлодларга билимларни узатиш сифатида, билимдон кишилар тош хайкалларга белгиларни чизган, ўзини эса ўзгача рамзий маънога эга татуировкалар билан безаган. Беҳабарлар учун булар ҳеч қандай маъносиз расмлар бўлса-да, аммо, уларнинг фикрича “ўзгача билимга эга”ларни хурмат қилар ва улардан кўрқар эди. Кейинчалик эса, албатта, оддий тақлид бошланди.

**Анастасия:** Ҳа, аммо Пасха оролидаги тошли каллалар ва платформаларда белгилар йўқ.

**Ригден:** Бу каллаларнинг давоми йўқ деб ким айтди? Ўша жойларда чуқурроқ қавлашсин ва кўздан яширинган нарсаларни балки топишар. Аммо гап бунда эмас. Белгилар ва рамзлар бўйича бирор қизиқарли нарсани топган чоғида ҳам, уларни нима қилишади? Моддий тафаккурнинг устуворлиги ва Билимларнинг йўқлиги ҳолатида энг яхши вазиятда, оролга кўпроқ туристларни жалб қилиб, кўпроқ пул ишлаш мақсадида, ОАВларида шов-шувни уюштиради. Тамом. Маънан изланувчи инсон учун Билимлар ўзини мукаммалаштириш учун, бошқаларга руҳий маънавий ёрдам кўрсатиш учун ишлатилганида қимматлидир.

**Анастасия:** Бу шубҳасиз. Ушбу учрашувга ўзим билан Харапп цивилизациясининг археологик қазилмаларининг хужжатларини олиб келганман ва Сизнинг сўзларингиз уларни айнан тасдиқламоқда. Белгиларни ҳам, рамзларни ҳам, ноёб артефактларни ҳам топишга-ку топишди, аммо уларнинг замонавий одамлар томонидан қилинган талқини ҳақиқатдан йироқдир. Мен археологик топилмаларнинг, шу жумладан, (Хинд водийсида замонавий Покистонда топилган Харапп цивилизациясининг қачондир энг йирик бўлган шаҳарнинг харобаларини) Мохенжо-Даро топилмаларининг суратларини тасвирладим. Мана, масалан, стеатитли муҳр, Сиз у ҳақда гапириб берган эдингиз! Эркак киши тепалиқда нилюфар гули ҳолатида ўтирибди. Албатта, мазкур суратни илк бор кўрганимда беш минг йил аввал ҳам одамлар худди ҳозир биз бажараётган руҳий амалиётларни бажарганлиги мени хайратга солди! Ростини айтсам, мазкур муҳрнинг ва қолган бошқа топилмаларнинг музей ходимлари томонидан берилган таърифини ўқиб мен навбатдаги аянчли табассум қилишга мажбур бўлдим. Ахир, мазкур таърифда аслида уни тузган одамларнинг дунёни тушунишини акс эттирилган. Аммо, эхтимол ўзим ҳам, агар мазкур руҳий амалиётнинг мавжудлиги ҳақида билмаганимда, ушбу олимларнинг ўрнида худди шундай мулоҳаза юритган бўлармидим. Мазкур тасвирни археологлар қуйидагича таърифлашмоқда: яланғоч учта юзли эркак худо курсида йога ҳолатида ўтирибди; унинг қўлларида билагузуклар, бошида эса – чўққиси “фикус шохи”га ўхшаган мураккаб бош кийими бор. Турли тахминлар илгари сурилмоқда, шу жумладан, қуйидагича ҳам – гарчи муҳрда тасвирланганнинг боши устида шунақа “ўсимлик” бор экан, эхтимол бу нарса мазкур “уч юзли худонинг” табиат устидан хукмронлигининг рамзидир.



***51-расм. Белгига қараб руҳий амалиётни бажараётган одамнинг мухрдаги тасвири.***

*(Харанн тараққиёти, милоддан авв. III-II минг йилликлар; Инд дарёсининг водийси, Жанубий Осиё).*

**Ригден:** Ўйлайманки, мазкур мухрни олимлар топганларида қандай хайрон қолишган бўлса, уни ўзоқ ўтмишда тайёрлаган одам ҳам уларнинг талқинини эшитиб, шундай хайрон бўлар эди. Ўзоқ келажакда цивилизация ўз руҳий маънавий ривожланишида нечоғлик пастга сирпаниб тушибдики, унинг “энг сара гуллари”, илғор одамлари – олимлар шунга ўхшаш мулоҳазалар юритса?! Қандай қилиб одамнинг руҳий озодликка, яъни хаётининг асосий мақсадига эришишига олиб келувчи воситани унутиш мумкин эди? Шунинг учун қадимги уста замонавий одамларнинг бундай талқинидан хайратда қолган бўлар эди.

Мазкур мухрга келсак, руҳий озодликка элтувчи маълум таянч медитатив техникаларга ва руҳий амалиётларга кўрсатувчи белгиларнинг ва рамзларнинг махфий ёзувларидан хабардор киши учун ушбу белгиланишлар худди очик китобдек. Бу ерда одамнинг нилюфар гули холатида ўтирганлигига аниқ кўрсатилган. Бу яланғоч эркак худо эмас. Бу медитациянинг бошланишига кўрсатма: пастки чакраннинг ишга тушиши (энергиянинг кўтарилиши ва энергетик меридианлар бўйлаб ҳаракати)...”Туёқчалардаги курси” бор-йўғи одамнинг ўз Хайвоний табиатидан руҳан юқорироқлигига кўрсатмоқда (Хайвоний табиат рамзи – туёқчалар). Ундан ташқари, айрим вазиятларда, бундай шартли график

белгиланиш (медитацияни бажарувчи ўтирган баландлик) мазкур рухий амалиётни бир гуруҳ бўлиб бажарилганида гуруҳ Етакчисига кўрсатиши мумкин. Тўртта юзнинг мавжудлиги (учтаси кўринувчи ва биттаси кўринмас) мазкур рухий амалиётнинг даражаси ҳақида сўзламоқда, унда кўринмас дунёни ўрганишдаги тўртта Махлуқотнинг яхлитлиги қўлланмоқда. Дарвоқе, қадимда учта юзли тасвирларни яратишганда, деярили хамиша тўртта юзни назарда тутишган (тўртинчи кўринмас томон), қадимги хинд цивилизациясининг “худоларининг” мифологияси ва тасвирлари бунинг далилидир. Унинг боши устидаги белги – бу асло “фикус шохчаси” эмас. Бу ерда “Мингяпрок” чакранидан энергиянинг чиқиши ва медитация пайтидаги ишора қилинган ишчи белгининг фаоллашуви кўрсатилган.

**Анастасия:** Бу ерда белгининг ўзи ҳам уни фаоллаштираётган одамнинг рухий даражаси тўғрисида сўзламоқда.

**Ригден:** Шубхасиз, бу нооддий белгидир. Юқоридаги ёзув – хабардор инсон учун мазкур рухий амалиётга ва унинг мақсадига кўрсатма.

**Анастасия:** Факт бўйича, ахир бу ерда мазкур рухий амалиётни идентификация қилувчи барча белгилар мавжудку – маълум урғуларга эга тўртта Махлуқотларнинг рамзи бўлмиш қия хоч; онгнинг ўзгартирилган ҳолатига шўнғишни билдирувчи балиқнинг белгиси; энергияларнинг ҳаракатига кўрсатувчи тўлқин белгиси; ёзув учун мослаштирилган Аллат кучларининг белгиси...Аслида, қадимги қоятош ёзувларидагидек. Бу ерда, вақт ўтиб одамлар ушбу белгиларни ўзининг моддий тушунишига киритишса ҳам, тасвирнинг ўзи янги авлодларнинг хабардор инсонлари учун асосий маънавий маълумотларни сақлаб қолади.

**Ригден:** Мутлақо тўғри.

**Анастасия:** Биласизми, Харапп цивилизацияси ҳақидаги маълумотларни қидирганимда, кутилмаганда ўзим учун кўплаб бошқа қизиқарли фактларни ҳам топдим. Сиз гапириб берган стеатитли мухрни олсак...Дарвоқе, қадимда мухрларни нима учун кўпинча айнан стеатитдан тайёрлашганлигини билиш ўқувчиларга қизиқарли бўлади, деб ўйлайман, худди ўз вақтида мен учун ҳам қизиқарли бўлгандек. Ахир мазкур материални палеолит даврида ҳам ишлатган, археологлар томонидан топилган мазкур тоғ жинсидан тайёрланган “палеолит Венералари”нинг маросимий шаклчалари бунинг далили бўлиб хизмат қилади.

**Ригден:** Ҳақиқатан ҳам халқлар орасида турли даврларда ушбу материал кенг тарқалган эди. Қадимги Хиндистонда, Қадимги Мисрда сеҳргарлик шакллари айнан стеатитдан тайёрлашган ва афсоналарда уни муқаддас хусусиятларга эга тош деб таърифлашган. Уни Ўролда, Осиёда, Америкада ишлатишган. Қадимда уни шунингдек, “оловли тош” деб ҳам аташган, чунки у “алангани бўйсундирган ва хатто қиздирилган қаттиқликни ҳам унинг ички шаклига эргашишга мажбурлаган.” Бунда муқаддас фалсафани кўра олишган. Ва, албатта, ушбу тош “бўш” эмас. Стеатит ростдан ҳам ноёб хислатларга эга. Осон ишлов қилинишидан ташқари (унинг таркибига тальк, магнетит, хлорит киради), у жуда мустаҳкам, иссиқликни ушлаб турувчи ва ўтказувчи, кимёвий ва акустик таъсирларга қарши турувчи (у товушни ўтказмайди ва резонатори эмас). Хуллас, бугун талькохлорит (уни ҳозирда геологлар шундай номлайди) яхшигина изоляция хусусиятларга эга, ижобий энергиянинг манбаси, деб айтишган бўлишарди. Қиздирилган ҳолатда у одамнинг иссиқлик нурланишининг частотаси билан тўғри келиб, 8-9 микронни ташкил қилади. Шунингдек, одамнинг соғлигига ижобий таъсир кўрсатувчи яна бир қатор хусусиятларга эга. Бу ҳақда қадимда билишган ва шунинг учун уни рўзғорда ҳам ва сеҳр-жодуда ҳам ишлатишган. Ундан ташқари, мазкур тоғ жинсининг мана шундай ноёб хусусиятлари туфайли, стеатитдан тайёрланган муҳрларни ёқиб ташлашнинг иложи бўлмаган, улар етарлича мустаҳкам бўлиб, минг йиллар давомида сақланган, шунинг учун уларни шунга ўхшаш билимларни узатиш учун қўллашган...

**Анастасия:** Мана буниси эса Мохенжо-Даро топилмаларига тегишли стеатитли муҳр тасвирининг нусхаси. Сиз қачондир бизга у ҳақда сўзлаган эдингиз. Бунда ростдан ҳам “Оловли Нилюфар” номли гуруҳ бўлиб бажарилувчи медитациянинг бажарилиш техникасининг билимлари акс эттирилган. Муҳрга қараганда, медитациянинг етакчиси – Рухий олам билан алоқадор бўлган аёлдир. Унинг бошида “АллатРа” белгиси жойланган.





*52-расм. Мухрдаги гуруҳ бўлиб бажарилувчи медитациянинг тасвири  
(Харапп цивилизацияси; милоддан авв. III–II минг йилликлар;  
Инд водийси, Жанубий Осиё).*

Ваҳоланки ушбу мухр илмий китобларда етгита шаклдан иборат қурбонлик келтирилиш маросими, унда муқаддас “фига дарахтида” турган худо жойлашган, деб таърифланади. Одамлар жамиятида маънавий билимларнинг асослари, муқаддас рамзий ишоралар ва белгилар ҳақидаги билимлар йўқотилганида моддий дунёқараш позициясидан шунга ўхшаш таърифлардан бирортасини тушуниш қийинлиги турган гап. Аксарият одамлар учун ҳозир ҳам мазкур суратча уларнинг бугунги дунё ҳақидаги тасаввуридан нари чиқмайди.

**Ригден:** Хар бир киши умри давомида ўз шахсий тажрибасининг юкини олиб юради. Унинг мазмунига қараб одам дунё ҳақида ҳукм чиқаради, лекин аслида бу унинг ўзи ҳақидаги ҳукмидир. Моддий дунёқараш Қалбни янада қамаб қўяди ва юкни оғирлаштириб, ерга яқинлаштиради, одамни худди махбусдек ўз онгида мана шу оғирлаштирувчи кишанларни судраб юришга мажбурлайди. Маънавий дунёқараш Қалбга қанот бағишлайди, Шахс юкини фақат ва фақат Рухий Оламнинг қадриятларидан шаклланишига ва мукаммаллашувига ёрдам беради, улар эса одам танасининг жисмоний ўлиmidан сўнг ҳам йўқотилмайди.

**Анастасия:** Шахсий тажрибага эга бўлиш ва ўзининг рухий маънавий ривожланиши учун тўлалигича маъсул бўлиш одам учун нақадар муҳимлигига яна бир бор амин бўлмоқдаман. Ахир умр жуда тез ўтади. Харапп цивилизациясининг маданиятини қолдиқларига қараганда, одамлар буни аниқ билишган. Мана буниси Сиз эслатган, тўртта Маҳлуқотлар бўйича бажариладиган медитациянинг рамзий схемаси

сифатидаги мухрнинг тасвири. Унда яна Нилюфар гули холатида ўтирган учта юзли одам тасвирланган. Медитация бажарувчининг боши тепасида “Минг япроқ” чакрани худудида нилюфар гулининг рамзий тасвири (нилюфар гулини шунингдек қадимги мисрликлар ҳам чизишган), Аллат, “**АллатРа**” белгиларининг рамзий белгиланиши бор. Ёнида эса рамзлар ва белгилар кўринишидаги ёзув. Марказий тасвирнинг икки ёнбошида – *тўртта* хайвонлар.



*53-расм. Тўртта Маҳлуқотларни кузатиш медитацияси тасвирланган мухр.*

*(Харапп цивилизацияси; милоддан авв. III–II минг йилликлар; Инд водийси, Жанубий Осиё).*

Бунинг устига қандай *тўртта* хайвонлар: фил, йўлбарс, буқа ва бир шохли каркидон! Фил четга кетаётган холда тасвирланган – Орқа маҳлуқотнинг, одамнинг осойишта ва кучли ўтмишининг рамзи. Ташланаётган йўлбарс – тажовузкор Ўнг маҳлуқотнинг рамзи. Бўкираётган буқа – Чап Маҳлуқотнинг рамзи, агарда қадимги Хиндистон ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг рамзий ишораларини инобатга олсак, у ерда буқа – ғайритабиий куч, эркак табиатининг рамзи. Бир шохли каркидон эса, Инд қадимий халқларининг мифологиясига биноан, куч, зийраклик, бахт, кўркмас мавжудот рамзидир, ундан хатто йўлбарс ҳам кўрқади. Яъни у Олд маҳлуқотнинг хусусиятлари билан таъминланган. Ва ягона шохнинг тимсоли бу ерда акс эттирилгани мутлақо бежиз эмас. Дарвоқе, биласизми, Харапп цивилизациясининг мухрларида афсонавий битта шохли муқаддас маҳлуқотнинг (олимлар уни яккашоҳ деб аташди) муқаддас (маънавий) атрибутика билан тасвирланиши кенг тарқалган мотив бўлганини мен хайрат билан кашф этдим. Мазкур маҳлуқот ҳақида бизга аввал

сўзлаганингизни инобатга олган холда, бу мен учун ниҳоятда қизиқарли кашфиёт бўлди.

**Ригден:** Руҳан соф инсонга ўзининг Қалби билан кўшилишига, қайта туғилишлар доирасидан чиқиб кетишга ёрдам берувчи Олд маҳлуқотнинг рамзларидан бири қадимдан Яккашоҳ бўлган. У биргина йўналишда – руҳий маънавий йўналишда интилишнинг тимсоли бўлган, шунинг учун ҳам уни ўз устида руҳан ишлаётган инсонга хос сифатлар билан таъминлашган: софлик, мардлик, донолик, куч, жасорат, мукамал эзгулик, шунингдек Аллат кучлари – аёлий табиатга эга илоҳий софлик (Қиз ва яккашоҳ ҳақидаги афсоналар) билан боғлашган.



54-расм. *Протохинд цивилизациясининг мухридаги яккашоҳлар кўринишидаги тимсол.*

*(Харапп цивилизацияси; милоддан авв. III–II минг йилликлар; Инд водийси, Жанубий Осиё). Мухрда иккита яккашоҳ (уларнинг бўйни ва шохлари спиралсимон тузулмага кўрсатиб тасвирланган) марказдаги доира билан биргаликда Аллат белгиси рамзий стилизация қилинган (“АллатРа” рамзи), ундан юқорида ромбсимон тузулма ва еттита катта барглар (одамнинг маънавий ўзгариши ва еттинчи ўлчовга чиқишига кўрсатиши), шунингдек ромбнинг ёнбошларида иккита кичик барглар. Мухрнинг пастки бурчагида ичкарасида сфераси бор ромбсимон белги (ромб белгиси – трансформациянинг белгиси) ҳам ўз хаёти давомида маънавий озодликка эришган ва еттинчи ўлчовга чиққан инсонга кўрсатмоқда (ромбнинг бурчакларидаги 4та доиралар унинг мутлоқ назорати остидаги Маҳлуқотларига кўрсатмоқда, ичкаридаги доира олти ўлчовли дунё рамзи сифатида тасвирланган, мазкур рамзда инсоннинг ички ўрганиши орқали барча олти ўлчовларни англашига кўрсатмоқда).*

Агарда рамзлар тарихини кузатсак, масалан, шумерлар яккашоҳ тасвирини доира (Қалб) билан боғлиқ рамз сифатида қўйишган, уни тадқиқотчилар “ой рамзи” деб, шунингдек рухий софлик маъносида аёл худоларнинг атрибути деб талқин қилишмоқда. Ассирияликлар яккашоҳни Хаёт Дарахти ёнидаги барельефларда тасвирлашган, мисрликлар унинг тимсолига энг яхши ахлоқий фазилатларни киритишган. Форсларнинг муқаддас билимларига биноан, яккашоҳни мукамаллик деб, хайвонлар (азалдан тўртта хайвонлар) орасидаги “соф дунёнинг” вакили деб, унинг шохини эса – Ариманни енгишга қодир ягона куч деб хисоблашган. Ёки “Кабутарлар китоби” номли рус маънавий қўшиқлар тўпламида қайд қилинган қадимги славянларнинг афсоналарини ва дostonларини олсак (мазкур китоб XIII асрда ўша замоннинг диний қоҳинлари томонидан таъқиқланган эди). Унда яккашоҳ Индрик-хайвон сифатида эслатилмоқда (Индра). У ерда шундай сатрлар бор:

“ Бизда Индрик-хайвон –  
Ҳамма хайвонларнинг хайвони,  
Ва у, хайвон, ертўла бўйлаб юрар,  
Ҳамма оқтош тоғлардан ўтар,  
Жилға ва уққонларни тозалар,  
Ушбу хайвон ўйнаганида,  
Бутун Олам тебранар,  
Бу хайвонга барча хайвонлар топинар  
У ҳеч кимни хафа қилмас.”

**Анастасия:** Ҳа, мен ушбу дoston билан тегишган эдим, уларда қадимги одамларнинг олам ҳақидаги, шу жумладан, космология, жамиятшунослик, маънавий билимлар борасидаги тушунишлари таърифланмоқда. Аммо уларни рухий маънавий моҳиятини тушуниб, уруғларни пўстлоқлардан ажратишни ўрганганимдагина улар мен учун қизиқарли бўлиб қолди. Масалан, Индра муқаддас Тоғда яшаётганлиги, Кўм-кўк денгиздан еб-ичиши, худди осмонда Қуёш юрганидек, ертўла бўйлаб шоҳи билан юриши. Муқаддас Тоғ бошқа ўлчовга чиқишнинг тимсоли эканлигини, сув рухий дунёни ифодалашини, Индрага “ертўла бўйлаб юришга” ёрдам берувчи спиралсимон шох эса – “туннелаш” орқали астрал саёҳатлариликни, у ерда “туннел” кўпинча спирал бўлиб ўралганлигини инобатга олсак, жуда қизиқарли китобча бўлиб чиқмоқда!

**Ригден:** Агарда сен славянларнинг аждодлари қачондир эгалик қилган мазкур дostonнинг дастлабки вариантини кўрганимда эди, Ҳақиқатнинг соддалигига, у ерга шунга ўхшаш рамзлар орқали киритилган маънавий Билимларга хайрон қолган бўлардинг. Аммо, афсуски, замонавий одамларгача етиб келган вариантыда ушбу дostonдан жуда

ҳам кам нарса қолган. Ва бу ерда гап Билимларнинг узатилишидаги асрларда тўпланган бузилишларда эмас. Афсуски, славянларнинг азалий эътиқоди бўлмиш “мажусийлик” йўқ қилиниб, христианлик жорий қилинишни бошланганида мазкур ривоятларнинг маълумотлари қаердадир алмаштирилди, қаердадир қайта ишланди, қаердадир эса қайин дарахти пўстлоқларига ёзилган қадимги славян ёзувлари умуман ёқиб юборилди, натижада ушбу ривоятлар астойдил қайта ишланди. Айнан ўшанда христиан динининг мафкураси томон оғишга эга бўлган жиддий алмаштирилишлар содир бўлди.

Мисол учун, бундан аввал Индранинг эпитетларидан бири “фарь” бўлган, қадимги рус тилида “зотли от, чопқир” дегани. Христиан динининг хизматчилари бундан фойдаландилар, ва яккашоҳ рус дostonларида айтилганидек муқаддас Тоғда эмас, балки христианлар анъаналарига биноан Масихнинг Ўзгариши макони хисобланмиш Фаластиндаги Илоҳий Фавор тоғида яшашни бошлади. Аммо “фарь” эпитетининг ўзи ҳақида нима демоқчиман. Қадимги славянлар мазкур сўзни Индрага (яккашоҳга) нисбатан “от” маъносида ишлатган, бу ҳам эса Билимнинг одамлар томонидан энди шундай изоҳланиши. Дастлабки (қачондир нафақат славянларнинг аждодлари яшаган худудларда, балки Қадимги Хиндистон, Қадимги Эрон (Загрос тоғларида) ҳам таниқли бўлган) афсонага кўра Олд махлуқот (унинг рамзи яккашоҳ хисобланган) Фарно, ёки, замонавий тилда айтганда, Граил билан боғлиқ бўлган. Фарно (Шарқда Фарн)ни порловчи табиат сифатида, кучни, хокимиятни ва қудратни кўпайтирувчи илоҳий олов сифатида белгилашган. Одамнинг Қалбига абадий хаётга элтувчи кўприкдан ўтишга Фарно ёрдам бериши эслатилган. Энди эса сенга маълум бўлган Билимлар билан буларни барчасини таққосла.

**Анастасия:** Мен учун ушбу маълумот, Сиз билан бўлган хар бир учрашувимиз каби – навбатдаги кашфиётдир! Энди, биринчидан, қадимги рус уйларида, ибодатхоналарида ёғочдан ишланган иккита отнинг калласи ва уларга катта соляр рамз (доира) нима учун қўйилгани тушунарли. Дарвоқе, мазкур анъана нафақат Русьда, балки Болтиқ бўйи, Европанинг қадимий халқларида ҳам тарқалган эди. Бундан чиқди, бу “АллатРа”нинг стилизация қилинган белгисидан ташқари, муқаддас билимлар маъносида – яккашоҳ ва Фарн ҳақидаги қадимий афсоналарнинг изоҳланиш вариантларидан бири экан-да. Иккинчидан, агарда мазкур афсона умумий хинд-европа илдиизига эга бўлса, демак унинг акс садоларини (бинобарин, ўша Билимларнинг қолдиқларини ҳам) нафақат қадимги рус эпосида, балки Қадимги Эрон, Қадимги Хиндистонларнинг адабий ёдгорликлари орасида излаш керак экан.

Масалан, ўша Қадимги Хиндистонда ведаларнинг энг оммабоп персонажи айнан Индра худосидир. Қадимги хинд тилидан таржима қилганда, «Indra» сўзининг илдизи рухий Кучга кўрсатишни ифодалайди. Қизиғи, мазкур худога кўп шакллик хослиги ва у от қилига айланиши мумкинлиги ҳақида эслатмалар мавжуд. Индранинг ўзи афсоналарда ёмғир (сув) билан боғлиқ ва дарёларни ва оқимларни озод қилувчи, каналларни ёриб чиқувчи Осмон худоси сифатида чиқади (худди славянларнинг Индрик яккашохи каби). У “куч ўғли”, “оби-ҳаёт ичувчи”, ҳайрихоҳ, доимо ёрдамга келишга тайёр. Ва, энг асосийси, афсоналарга кўра айнан Индра якка жанг қилади ва аждар Вритруни (тартибсизлик жинини) енгади, унинг ғалабаси эса ҳаракат табиати (Аллат кучлари)нинг жоҳил тартибсизлик (Хайвоний ақл) устидаги ғалабага тенглаштирилади, ведалардаги “кенг фазолар” дунёсининг ўрнатилишига олиб келади. Мазкур олишув дostonнинг марказий сюжетиدير. Агар «Vrtra» (Вритра) сўзи қадимги хинд тилидан таржима қилганда “тўсиқ” маъносини билдиришини, Индра эса рухий маънавий кучни ифодалашини инобатга олсак, буларнинг барчаси Хайвоний табиатнинг енгилишини, инсоннинг ўз устидан руҳан ғалаба қозонишини, озодликка чиқишини билдиради.

**Ригден:** Бунинг устига, Индра *дунёнинг тўрт томонининг* бирини кўриқчиси саналади. Оламнинг тузилишига оид Билимга алоқадор эслатма ҳам мавжуддир. Хусусан, Индра Сварга (Осмон)ни – хиндлар тасаввурига кўра Меру тоғининг чўққисида жойлашган жаннатни бошқариши тўғрисида. Энди эса, славян-рус мифологиясида ҳам – Осмон, осмон олови, Даждьбог ва Сварожичнинг отаси бўлмиш Сварог худоси бўлганини эсла. Ипатьев солномасига киритилган, XIII аср бошининг “Замон йиллари қиссалари” номли Умумрус солномалар тўпламида у ҳақида қуйидаги эслатмалар сақланиб қолган: “...шунинг учун уни Сварог худоси деб аташди...ва *еттита* подшоликда унинг Қуёш исмли ўғли подшодир, уни яна Даждь худо деб ҳам аташади... Сваргнинг ўғли, Қуёш подшо – бу Даждь худодир...”

**Анастасия:** Тўғри, ахир барчасининг илдизи битта-ку! Кинояли бўлса-да, аммо еттита ўлчовлар ҳақида, одамнинг ўз устида руҳан ишлаши ҳақида айтилмоқда. Ўша Сварог, осмон тимсоли сифатида, дostonларга биноан, “булутлар зулматида осмоний оловни (чақмоқни) ёндирган”. Сўнг эса, “момақалди роқ найзалари билан булутларни ёрган, зулматнинг жинлари томонидан ўчирилган қуёш ёритгичини ёққан”. Агар, Сварог Олд маҳлуқотнинг ролини бажаришини, булутлар – Хайвоний табиатнинг фикрларини, ёритқич эса – субшахсларнинг қоронғулиги “томонидан ўчирилган” Қалблигини инобатга олсак, қадимий рус мифологияси етарлича қизиқарли бўлиб чиқмоқда.

**Ригден:** Албатта-да...Айтиш жоиз, оламнинг тузилишини тушунтирувчи ўша “Қабутарлар китобида” “Алатир-тош” ҳақида ҳам эслатма мавжуд. Афсонага кўра, унда Сварог осмон худосининг қонунлари ҳақида “сўзловчи” белгилар ўйиб ёзилган, деб хисобланади. Қадимий рус эътиқодларига биноан, айнан Алатир-тошнинг остида бутун дунёга озуқани ва давони (бунёдкорликни) берувчи тирик сувлар манбаи мавжуд, айнан унинг остида чексиз куч яширинган, ва айнан Алатир-тошда гўзал қиз Тонг ўтирар ва доимо дунёни тунгги уйқудан ўйғотар. Энди буларни барчасини “АллатРа” белгиси ҳақидаги, аёлий табиатли илоҳий бунёдкор Аллат кучи ва унинг Оламнинг ривожланиши жараёнларидаги ҳам, Шахснинг руҳан ўйғониши ва Қалб билан қўшилиши жараёнларидаги муҳим роли ҳақидаги билимлар билан таққосла. Дарвоқе, славянларнинг аجدодлари ўз маънавий дostonларида Худодан келиб чиқувчи кучни ва рухий маънавий меҳнати билан мазкур кучни ўзида тўплаб кўпайтирувчи кишини айнан Алатир деб номлашган.

**Анастасия:** Ҳа, маънавий билимлар эгаси учун кўп нарсалар яққол бўлиб қолади. Нафақат ўзингни, балки турли маданиятларнинг ягона маънавий уруғини тушуна бошлайсан. Хаттоки биз хозиргина эслатган Харапп цивилизацияси муҳри каби рамзларга ва билимларга бой бўлган тасвирнинг фақат моддий томонини кўраётган тадқиқотчиларга ачинаман. Дарвоқе, нилюфар гули холатида, тўртта Маҳлуқотни ифодаловчи ёнбошларидаги тўртта хайвон ва бошининг тепасидаги белги билан тасвирланган одамни илмий адабиётда боши устида гуллари ва ёнбошларида хайвонлари бор уч юзли худонинг тасвири деб тақдим этишган. Шунга кўра, ўзлари қилган таърифга асосланиб, илмий хизматчилар бу худо – хайвонларнинг ҳимоячиси, деган хулосага келишган. Мана сизга дунёни “моддий нуқтаи назардан”, Хайвоний ақлнинг Иродаси позициясидан идрок қилишнинг оқибати.

**Ригден:** Ҳа, энди, бошқа томон устуворлигини ёкиш ва саволнинг илдизини кўриш истаги Кузатувчида бўлса, бўлди. Рамзларда ва белгиларда қайд этилган билимлар бўлган ва хозир ҳам мавжуд, аммо сир пардаси ортидаги Ҳақни фақат маънан изланувчигина кўра олади.

**Анастасия:** Мазкур нусхада яна бир қизиқарли сиймо мавжуд. Медитация бажарувчининг ёнбошларида ўша худудларда яшаган ёввойи хайвонлар тасвирланган, улар тўртта Маҳлуқотларни сифатларини яққол намоён этмоқда. “Курси” остида эса ўзига хос туёқчалар билан уй хайвонлари – эчкилар тасвирланган. Қадимги Хиндистонда эчки серпуштлик, хаётий куч, озуқа (гўшт, жун, сут) ҳақида ғамхўрлик рамзи бўлган. Муқаддас Ведаларда эслатилишича, мазкур хайвонни айрим ведалик худодлар миниб юради, масалан, Агни – олов, қурбонлик

гулҳани ва рўзғор ўчоғи худоси. Лекин буларнинг барчаси Харапп цивилизациясидан анча кейин бўлган. Мухрдаги маънавий тимсолларни, шунингдек, одам ўтирган “туёқли курси” тагида эчкиларнинг жойлашишини инобатга олган холда, буларнинг ҳаммаси медитация бажарувчининг рўзғордан, ерлик боғланишлардан юқоридалиғи, унинг маънавий қайғуриши моддий дунёнинг қайғуларидан устунлигининг тимсолидир.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Мазкур хайвонлар – ўша одамлар фикрлаши учун тушунарли бўлган ўхшатишлар, холос, улар маънавий билимларнинг, медитацияларнинг уч ўлчамликдан фарқли, бошқача дунё тушунишдаги ўзига хослигини тафсифлайди, ундан кўпроғи эмас. Аммо одамлар тақлидга мойилдир. Азалий билимларнинг, рухий амалиётларнинг тажрибаси ва ишловининг йўқлиги ёки атиги уларнинг тушунмаслиги туфайли, улар маънавий таълимотлардаги ўхшатишларни моддий ҳақиқат деб қабул қила бошлайди. Унданда кўпроғи, ўзининг моддий ақлидан келиб чиқиб, одамлар ушбу ўхшатишли сиймоларни “муқаддас” қилишади ва моддий дунёда уларга сиғина бошлайди ва ойдинлашувга, “осмонларнинг мархаматига” шу тариқа эришиш мумкин, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам тарихда Билимларнинг ўзгартирилиши, уларни одам ақлидан изоҳлаш каби чигал ишлар рўй беради: маънавий таълимотда “илоҳийликка даҳлдор бўлиш учун, одам ўзидаги хайвонни ўлдириши керак”, деган кўрсатмани билими йўқ одамлар тўғридан-тўғри қабул қилишган. Натижада, диний сиёсатни бошқарган ёки у ёки бу халқнинг эътиқодларининг шаклланишига таъсир этганлар томонидан Билимларнинг қолдиқлари бор-йўғи нотўғри ёки атайлаб бузилиб талқин қилингани боис, одамзод тарихида одамларнинг, хайвонларнинг қонли қурбонлиги пайдо бўлди. Бугунги кунда динлар ва улардаги қурбонликлар одамларнинг кўзига бир мунча содда кўринади. Ахир уларнинг сиёсий кўплигидан ва турли худоларга шоу-сиғинишдан бутун инсониятнинг озукланиши ва омон қолиши боғлиқ эмас. Бугун яшаётган аксарият одамларнинг моддий “худоси” – бу пуллар, худди олдинлари оиладаги эчкидек. Аммо қанчадир вақт ўтиб моддий устуворликлар яна ўзгаради, гарчи бундан улар моддий бўлмайд қолмайди...Қарагин, йўқотилган маънавий Ҳақиқатни янгилаётиб, қандай ўхшатишларни қўллашимиз керак бўлмоқда: илмий оммабоп маълумотлар билан таққослашга, компьютернинг, техниканинг ва хоказоларнинг ишлашига ўхшатишга мажбурмиз. Агарда одамлар ўз массасида маънавий жихатдан хозир ўзгармаса, у холда, келажақда, агарда у мазкур одамлар жамияти учун келса, мана шу билимларнинг барчасини одамлар луғавий маънода, маънавий маъносининг бузилиши билан қабул қилишлари эҳтимолга яқин.



**Анастасия:** Техноген кохинларнинг чақирувларини тасаввур қилдим: “Худоларга қурбонликка сўнгги кўринишдаги сара наномолекулаларни олиб кел ва барча гунохларинг бир ойлик кечирилади. Жаҳон Суперкомпьютерининг ақлига иймон келтир ва сен кутқариласан!”

**Ригден:** Буларнинг барчаси шунчалик қайғули бўлмаганида, кулгили бўлар эди. Хазил ўз йўлига, аммо бунинг устида одамлар жиддий ўйланишларига арзийди. Рухий Оламни аниқ таърифлаб беришнинг иложи йўқ, бу мутлако бошқача, моддий дунёдан фарқли дунё. Бироқ рухий амалиётлар билан шуғулланиб, ўзининг ўта кетган худбинлигини енгиб ва Абадий дунёга ўзига йўл очиб, Рухий Оламни реал хис этиш мумкин.

**Анастасия:** Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Фақатгина ўзингга, рухий маънавий меҳнатга ва кундалик амалиётларга тартиб-интизом билан ёндошишни бошлаганингдагина Сиз айтганнинг айна моҳиятини тушунасан...Ўз Хайвоний табиатингни енгиб, рухан озод бўлиш – бу палеолит давридан бошлаб барча маънавий таълимотларнинг асл мақсадидир. Одамлар ушбу билимларни замонавий ахборот узатиш тушунишидан фарқли равишда қандай қайд этишгани – бу бошқа гап. Харапп цивилизациясида шунингдек терракотадаги қизиқарли босма тавсир топилди. Унинг бир томонида нилюфар холатида ўтирган одам (Кузатувчи) бошидаги мутаносиб медитатив рамз билан тасвирланган. Унинг ёнида эса – буқани ўлдираётган (ўз Хайвоний табиати устидан ғалаба қозонаётган) одам. Буқанинг тепасида думидаги олти тиканли калтакесак жойлашган. Албатта, илмий китобларда буни ов, қурбонлик ва хоказо деб тахмин қилишмоқда...



*55-расм. Хайвоний табиат устидан ғалаба тимсолининг тасвири .  
(Харапп цивилизацияси, милoddан авв. III-II минг йилликлар, Инд водийси,  
жанубий Осиё).*

**Ригден:** Дарвоке, калтакесак (яшчер) – бу ҳам маълум маънавий билимларнинг рамзий белгиланиши. Уни ҳам илонидек мистик мавжудот хисоблашган, чунки илгари мазкур хайвоннинг хаётини турли маънавий жараёнлар билан ассоциатив тарзда солиштиришган. Масалан, унинг тимсолини узоқ қадим замонлар билан, бош миянинг қадимий тузулмалари билан, шунингдек, сув (бошқача дунё) билан алоқа, мавжудлик ёки шўнғиш факти (Кузатувчининг онгни ўзгарган холатига кириши) билан, ўтиб бориш (тунеллаш, Орқа маҳлуқотнинг рамзи) билан мажозий ўхшатишган. Калтакесак тимсолини шунингдек донолик белгиси, хатар ҳақида огоҳлантириш, ўзгаришлар рамзи сифатида ҳам тасвирлашган.

Мазкур расмга келсак, калтакесакнинг думида тиканлар эмас, балки тоғларнинг рамзи тасвирланган. Бугунги жамиятда биз ўлчовлар, дунёнинг кўп ўлчамлилиги, онгининг ўзгартирилган холатлари ҳақида гапиришимиз мумкин. Узоқ ўтмишда эса ушбу билимларни ассоциатив тарзда сал бошқачароқ ифодалашган. Тоғлар куршовида бутун умрини ўтказган одамлар учун ўзини мукаммалаштиришнинг, ўз Хайвоний табиатидан (ерлик истаклардан, худбинликдан) воз кечишнинг машаққатли йўли тоққа кўтарилиш билан (ўзини енгиб чиқиш билан), руҳий амалиётлардаги ўлчовлардан ўтиш эса, биринчи тоғдан ошиш, ундан кейин – иккинчи ва хоказо тоғдан ошиб ўтиш билан таққосланган. Кўпдан-кўп халқларда тоғ – бу руҳий юксалиш, олий дунёлар билан алоқанинг рамзидир, турли дунёларнинг бирлашишини ассоциатив тимсоли (масалан, ернинг ва осмоннинг, ернинг ва ер ости дунёсининг), шунга кўра бошқача дунё мавжудотларининг маконини рамзи. “Бошқача дунёга” фақатгина ўзини енгиб етиб бориш мумкин эди. Аммо, ростини айтсам, шунақа ўхшатишлар туфайли, бўм-бўш моддий тақлид бошланганида, гўёки тоғ “худоларга яқинроқ жойлашгани” учун, уни курбонликлар келтириладиган жой сифатида белгилашни бошлашди, .

**Анастасия:** Мазкур терракотали шаклчанинг бошқа тарафидаги расми ҳам қизиқарлидир. Бу ерда жилмайиб турган аёл тасвирланган, у иккита “йўлбарсни” (ёнбош Маҳлуқотларни) бўғизидан ушлаб филнинг (осойишта, кетиб борувчи кучли ўтмиш рамзи – Орқа маҳлуқотнинг) устида турибди. Унинг сочлари 12та нурларнинг рамзий тасвири каби. Бошининг тепасида эса – доира ичидаги қия крест белгиси, у ерда ёнбош Маҳлуқотлар ўчирилган, яни бу уларнинг тўлиқ назорат остидалигининг рамзи. Мазкур тасвирнинг талқини борасида олимлар хайратда, чунки бу уларнинг фикрича, “аёл худонинг боши устида филдиракни тасвирловчи “Инднинг ягона қўлёмаси”дир.

**Ригден:** Эй-ха, одамзоднинг маънавий тарихида бундай “ғилдираклар” кўпроқ бўлганида эди, бунинг устига назарияда эмас, амалиётда – бу одамзод бебаҳо бўларди!

**Анастасия:** Тарихий артефактларни инобатга олсак, ўз ёнбош Маҳлуқотларини нафақат қачондир Осиёда яшаб ўтган ибтидоий хинд цивилизациясининг энг яхши вакиллари” “бўғзидан” шундай қаттиқ ушлаб назоратга олган. Қадимий мисрликларнинг (Африка), Қадимги Перу хиндуларининг (Жанубий Америка), скифларнинг, славянларнинг (Европа) ҳам шунга ўхшаш рамзлари мавжуд. Ва, айтиш жоиз, кейинчалик ёнбош Маҳлуқотларнинг мазкур энг қадимий ўхшатиш рамзи шунга мутаносиб хасса кўринишидаги алоҳида рамзга айланиши яққол кузатилмоқда.



1



2



3



4



5



6



7



8



**56-расм. Турли халқлардаги одамнинг ёнбош Маҳлуқотларини руҳан назорат қилишининг рамзий тасвирланиши:**

1) *терракотали шаклдаги тасвир: жилмайган аёлнинг боши тепасида қадимий рамз, қўллари билан иккита “йўлбарсни” бўғизини ушлаб турибди*

- (Харапп цивилизацияси, милоддан авв. III-II минг йилликлар, Инд водийси, Жанубий Осиё);
- 2) скифларнинг еттита худодан иборат худолар гурухига кирган скифларнинг Артимпаса аёл худосининг тасвири (милл.ав.VII-III асрлар, Шимолий Қора денгизолди);
- 3) қадимги мисрлик “анх” белгиси иккита афсонавий туёқли хайвонларни ушлаб турибди (мисрнинг Себека ва Хароерис ибодатхонасидаги рельеф, мил.ав.80 йил, Миср, Ком-Омбо шаҳри);
- 4) Жанубий Америка халқларининг икки каллали илонда турган кубсимон шакл кўринишидаги қадимий олтин тақинчоғи;
- 5) галаба қозонувчи худо, қадимий славянларнинг момақалдироқ чақирувчи Перун худосининг белгиси (христианликкача мил. ав. IX асрда Киев Русининг худолар гурухида олий худо саналган); афсонага кўра Перуннинг афсонавий душмани устидан галаба қозонишидан кейин сувлар озодликка чиқади (афсонанинг архаик трансформацияларида унинг душмани томонидан ўғирланган илоҳий аёл (Макошь) озод қилинади), ва осмоний намлик (ёмғир) ёғади.
- 6) Дмитриев черковининг жанубий томонидаги оқ тошдаги ўйма тасвир (рус архитектурасининг ёдгорлиги, черков 1194-1197 йй. қурилган; Владимир-Суздаль музей-қўриқхонаси, Россия, Владимир шаҳри.);
- 7) қоятош расми (мил.авв. IV-III минг.йилл.атрофида; Оқ денгиз соҳили; Россиянинг шимолий-ғарби, Карелия Республикаси);
- 8) хиндуларнинг Паракас маданиятига тегишли мантиянинг қисми (мил.авв.V-III асрлар; Қадимги Перу,Жанубий Америка);
- 9) Скифларнинг аёл Худосининг отнинг олтин безакли юганидаги тасвири ( мил.ав. IV аср, Катта Цимбалка қўрғони, Украина, Запорожьё вилояти;Россия, Санкт-Петербург шаҳрининг “Эрмитаж “ музеи);
- 10) аёл Худо тасвирланган тешикли кўкрак нишони (VII-VIII асрлар,Чудь кўлининг худудидаги топилма, Россия, Перм вилояти, А.С.Пушкин номли Чердин ўлкашунослик музейи);
- 11) қадимий мисрлик учлари қайрилма , пастки қисми иккиланган хасса (хайвоннинг боши ва туёқчалари) кўринишидаги муқаддас “уас” салтанат хассаси; қадимий мисрлик худоларнинг атрибути, у Хайвоний табиат устидаги назоратни (хокимиятни) ифодалайди;
- 12) шимолий Америка хиндулари мифологиясидаги патли аждарсимон илоннинг рамзий тасвири;афсоналарда эслатилишидек, у бўронларни тимсоли бўлган; бундай аждарни фақатгина аҳлоқий софлик ва руҳий куч эгаси бўлмиш Буюк Қаҳрамон енгизиши мумкин эди;
- 13) сув ва ернинг олий худоси, инклар динидаги демиург - Виракоча ( қўлларида иккита илонни ушлаб турибди – бирининг танасида еттита “бўғини” ва иккиланган туёқчалари бор, улар дунёнинг уч ўлчамлигига ва Хайвоний табиатга кўрсатмоқда; (XI-XIV асрлар, Жанубий Америка);
- 14) “Тимсохлар устидаги Гор” стеласи ( мил.ав.III аср; Қадимги Миср); Гор ушбу дунёдан ўтар экан, софлик, моддий истаклар юки билан

*огирлашмаганлик рамзи сифатида ялангоч холатда тасвирланган (ўз Маҳлуқотларини назорати муҳимлиги, одамнинг умрида номоддий қадриятларининг устунлиги кўрсатилган)*

**Ригден:** Одамий ақлдан келиб чиққан ўша “трансформация” қандай масштабларга эга бўлади деб ўшанда ким ҳам ўйлаб кўрибди...Ўз ёнбош Маҳлуқотларининг устидан рухий назоратни (демак, рухий мукамалликни ва моддий дунёдан озодликка чиқишни) ифодаловчи тимсол, маънавий таркибий қисмининг йўқотилишидан сўнг одамий аҳмоқона тақлид туфайли одамларнинг устидаги хокимият рамзи сифатида қўллана бошлади. Турли динларнинг кохинлари, сеҳргарлар, подшолар, императорлар салтанат хассасини, скипетрни ўзининг умумқамровчи хокимиятининг ва халқлар устидаги хукмдорлигининг моддий рамзи қилиб олишди. Дарвоқе, юнонча скипетр (sceptron) сўзи, лотинча “sceptrum” “хасса”, “таянч” маъносини билдиради. Хусусан, ўзи нима учун мана шу оддий таёқ “Осмон худолари”, Худо ва одамлар (подшолар ва уларнинг қўл остидагилари) ўртасидаги воситачи, тинчликнинг ва адолатнинг кафолати каби рамзийлик билан таъминланган эди? Унга эгалик қилиш учун эса одамлар, хокимиятга интилиб, гоҳида бир-бирини ўлдиришган. Нима учун уни ўз эгасининг қўшимча имкониятлари ва “сен қандай хохласанг” тушунишидаги олий хокимият рамзи деб ҳисоблаган? Нима учун турли халқлар учун у ўлим ва тирилиш атрибути, ғалабанинг, тозаланишнинг ва қайта туғилишнинг, осмон ғамхўрлигининг, Бодхисатванинг атрибути, йўлнинг кўрсаткичи ҳисобланган? Нима учун қадим замонларда мазкур рамзнинг ёнида тасвирланган аждодлар одамлар орасида маънавий обрўга эга бўлган?

**Анастасия:** Бу рост. Бироқ Қадимги Мисрда одамлар рамзларнинг маънавий маъноси ҳақида хабардор бўлганга ўхшайди. Ўша мисрлик учталик скипетрни олсак, у материя устидаги хокимиятнинг рамзи бўлмиш (Чап маҳлуқот) қамчидан, илмоқчали хассадан – туйғулар устидан назорат (Ўнг маҳлуқот) ва – ўз фикрлари устидан хукмдорлик рамзи бўлмиш халқадан иборат бўлган. Албатта, вақт ўтиб, Мисрда ҳам бу тушуниш йўқотилди, лекин қисман бўлса-да, бизнинг кунларгача ҳам азалги Билимларни қайд этган ахборот етиб келди. Ўзининг маънавий билимлар борасидаги ахборотга бойлиги билан Қадимги Мисрнинг артефактлари бугун ҳам хайратда қолдирмоқда. У ерда ўз думини тишлаётган 72 халқали (танасининг “бўғинлари”) илоннинг ўзи нақадар аҳамиятли! Айтиш жоиз, мен археологлар томонидан топилган Харапп цивилизациясининг безакларининг расмларини ҳам ўзим билан олиб келганман. Қазилмаларнинг худудларида кўплаб илон шаклида ясалган терракотали билагузуклар ва узуклар топилган, бу эса мазкур рамзнинг қадимийлигининг

далолатидир. Унданда кўпроқ, битта қизиқарли нарса топилган эди – у маросимий белбоғмикан, ёки маржонмикан. Аммо унинг таърифи қизиқарли: у сердолик қимматбаҳо тошлардан тайёрланган 42 дона узунчоқ мунчоқлардан, 72 дона сферасимон бронзали мунчоқлардан, 6 дона бронза мунчоқлардан, охирида 2та бронзали яримойлардан ва 2та ичи бўш цилиндрсимон мунчоқлардан иборат. Сердоликдан ясалган 42та узун мунчоқлар! Агар қадимий мисрликларнинг айнан 42та ўғитлари бўлганини эсласак, (яхудий кохинлар ўз динини ташкил қилиш учун улардан бор-йўғи 10тасини ўзлаштирган), қизиқарли солиштирилишлар келиб чиқмоқда. Мазкур билимлар қадимги дунёда кенг тарқалганлиги шубҳасиз, ҳар бир халқ ушбу ўғитларни ўзининг худоларига тегишли деб қайд этган, холос.

Ўша 42та мунчоқлар ҳам сердоликдан ясалганлиги бежизга эмас, шекилли. Мазкур қимматбаҳо тош неолит даврида турли буюмларни ясаш учун қўлланган. У Иккидарё водийсининг давлатларида, Қадимги Хиндистонда, Қадимги Мисрда, шунингдек, Қадимги Европа, Осиё, Америка халқларида яхшигина таниш бўлган. Уни Русда ҳам билишган, у “Святослав тўплами”да эслатилади. Ундан турли маросимий безаклар, туморлар, муқаддас предметлар тайёрланган. Қадимги Мисрда сердоликни жонли Қалбнинг, охират дунёсидаги ҳимоянинг тимсоли бўлмиш турли рамзлар билан боғлашган, уни пешона чакраси ва олдиндан кўра олиш қобилятига қиёслашган, деб ўқиган эдим. Шунингдек унинг даволаш хусусиятлари одамларга маълум эди...

Аммо харапп маросимий безакдаги энг қизиқарлиси шу-ки, у ерда кўпроқ ҳам эмас, камроқ ҳам эмас, айнан 72та сферасимон мунчоқлар, 6та бронза мунчоқлари, 2та ярим ой...Оламнинг 72та ўлчовлари, моддий дунёнинг 6та ўлчови ва ушбу ўлчовлар чегарасида одамнинг энергетик тузулиши жойлашгани, шунингдек, Аллатнинг ярим ой кўринишидаги асосий белгилари тўғрисидаги Билимларни инобатга олган холда, хатто шунга ўхшаш маросимий безаклар орқали ахборотни қайд этиш ва узатишнинг етарлича қизиқ усули мавжуд бўлганини белгилаш мумкин. Маънавий Билимларга эга бўлсанг, дунёга ҳақиқатан ҳам бошқа, глобал нигоҳ билан боқасан ва кадриятларнинг моддий тизими тақдим этгандан кўра кўпроғини тушунасан. Ахир, одамга кўплаб мослашув механизмларига, ўзаро алоқаларга, хайратомуз тўлқинли тузилиш ва ноёб, турли режимларда ва онгнинг ўзгартирилган ҳолатларида ишлашга қодир бош мияга эга шунчалик мураккаб тузулма нима учун керак?- деган савол устидан ўйланиб кўрсак. Ҳар қандай ҳақиқат қаби, жавоб оддий: чунки одамда руҳий ривожланиш истиқболи мавжуд, акс холда у ҳар қандай бошқа хайвондан фарқланмаган бўлар эди.



**Ригден:** Моддий харидлар эмас, балки инсонга ва жамиятга ривожланиш ва мукаммаллашиш имкониятини берувчи маънавий Билимлар энг катта кадр-қимматга эгадир. Маънавий билимлар одамлар жамиятида азалдан бўлган. Бор-йўғи илгари ҳам, худди хозиргидек, одамнинг танлови учун шароитлар сақланар эди: кимдир, Қалбининг озодликка чиқишига интилдигани боис, уларни чуқурроқ ўрганган, кимдир эса камроқ, чунки ўзининг Хайвоний табиатини енга олмаган ва абадийликнинг ўрнига вақтинчаликни танлаган. Табиийки, мазкур Билимларни вақти-вақти билан янгилаш ва у ёки бу халқ учун уларга тушунарли бўлган ўхшатишларни инобатга олиб, мослаштириш керак бўлган. Дастлабки бир хил маълумотлардан иборат бўлган афсоналарнинг шундай вариацияси кейинчалик шундан келиб чиққан эди. Сухбатимизда эслатиб ўтилган қадимий рамзлар ва белгиларга қараб буни кузатиш мумкин.

**Анастасия:** Бу бахслашиб бўлмас фактдир, Рухий Оламни ва одамнинг мутлоқ рухий озодлигини тимсоли бўлган асосий қадимий белгиларга назар солиш кифоя.

**Ригден:** Шу муносабат билан мен замонавий одамзоднинг алоҳида эътиборини “**АллатРа**” белгисига қаратган бўлардим. Унинг азалги тасвири – юқорига қаратилган шохчаларга эга ярим ой билан пастдан ҳошияланган ичи бўш доира. У дастлабки энг қадимий 18та ишчи белгилардан биридир. Мазкур белгининг номи – “**АллатРа**” унинг кучининг сифати ҳақида сўзламоқда. Гап шундаки, одамзод пайдо бўлганида, азалий Билимларга биноан, одамлар Ягона (барчасини яратган Зот) ҳақида хабардор бўлган ва Унинг намоен бўлишларини Ра товуши билан белгилашган. Бунёдкор Ра кучини – аёлий илоҳий табиатни, бутун мавжудликнинг ибтидоий Онасини, азалдан Аллат деб номлашган. Маънавий Билимлардан хабардор бўлганлар орасида мазкур азалги белгининг “**АллатРа**” номи барчани Яратганнинг бунёдкор кучини ифодаси сифатида шундан келиб чиққан. Дарвоқе, қадимда муқаддас Дастлабки товуш ҳақидаги маълумотларни одамлар бу дунёнинг мураккаб ва ўз танловида нотурғун субъекти бўлмиш одам ҳақидаги маълумотлар контекстида Оламнинг тузилиши ҳақидаги муқаддас билимларга элтишган. Замонавий одамларда эса Ра товуши энг яхши вазиятда фақат ва фақат Қадимги Мисрнинг Ра худоси ҳақидаги афсоналарга қиёсланади.

Шундай бўлса-да, Худонинг бунёдкор кучининг ўтказувчиси сифатидаги “**АллатРа**” белгисидан одамлар қадим замонлардан фойдаланиб келганлар. У доимий равишда фаолдир ва кўринувчи ва кўринмас дунёлар билан ўзаро таъсирда бўлади, одамнинг ўзи буни

тушиниши ёки тушунмаслигидан қатъий назар, унинг энергетик тузилишига таъсир этади.

Аммо, шунга қарамасдан, белгининг асосий таъсири одамнинг танловига таянган. Агарда одамда Малакий табиати устувор бўлса, ушбу белги унга кўшимча рухий маънавий куч сифатида таъсир кўрсатади. Яъни белги худди резонансга киришгандек бўлади ва кишининг бунёдкор, рухий маънавий кучини кучайтиради. Одамда Хайвоний табиати устувор бўлса, бу белги унга нисбатан нейтрал холатда бўлиб қолаверади. Қоидага кўра, салбий одамни мутлақо бошқа, моддий, Хайвоний табиатнинг фаоллашувига ишлайдиган белгилар озуклантиради. Ўз устида хар кунида ҳақиқатан ишлаётган, биргаликда рухий амалиётлар (ибодатлар, медитациялар ва хоказолар) ўтказиб, ўз кучини бирлаштираётган одамлар гуруҳида “АллатРа” белгиси ўзининг таъсирини (бунёдкор маънавий кучини) энг кўпроқ намоён қилади.

Мазкур белгини доимий равишда оммага сингиришга ва шу тариқа, рухий маънавий йўлдан кетаётган одамларнинг янги авлодларига ёрдам кўрсатишга асрлар давомида Гелиарлар деб аталмиш инсонлар уринишган. Уларни қочиримли тарзда, масалан, ўрта асрларда, “Парвардигор қўшинининг асл Ёруғлик аскарлари” деб аташган. Қадим замонларда мазкур белгининг оммалаштирилиши учун энг яхши восита бўлиб дин хизмат қилган. Албатта, гарчи бу қоҳинлар хокимиятининг одамлар томонидан ўйлаб топилган институти бўлса-да, аммо у ҳақиқий рухий маънавий (қачонлардир ҳамма учун тўлиқ хажмда берилган) Билимларнинг уруғларига, шунингдек, ҳақиқатан ҳам рухий маънавий йўлдан кетаётган инсонларга таянган эди. Сўнгиларнинг сони унча кўп бўлмаса-да, аммо айнан улар у ёки бу эъзозланган худоларнинг сиймолари ва атрибутикасига фаол ишчи белгиларни киритиб борган. Қолаверса, Хайвоний ақлга хизмат қилганлар дин орқали оммага салбий (моддийликни фаоллаштирувчи) белгиларни худди шундай тиришқоқлик билан киритишган.

**Доира** Қалбнинг **рамзи** ва, шу билан бирга, Худонинг дунёси вакили – рухий Мавжудотнинг намоён бўлишининг **рамзи** бўлиб хизмат қилиши тўғрисида ҳикоя қилган эдим. **Юқорига қараган ярим ойни рамзий белгиси** эса – ўз хаёти давомида рухий озодликка эришган инсоннинг белгисидир. Бу моддий дунёга йўқотилган азалий Билимларни тиклаш мақсадида Рухий (бошқача, олий) дунёдан келган зотни белгилаш сифатида ҳам “АллатРа” **белгиси** ишлатилган.



*Қалб, Рухий Олам рамзи “АллатРа” белгиси “Аллат” рамзий белгиси*

*57-расм. “АллатРа” белгиси ва унинг ташкилий қисмлари.*

Алоҳида эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, “АллатРа” белгиси айнан шундай кўринишда, яъни *ички қисми бўш бўлган ва юқорига қараган яримой устида ички қисми бўм-бўш доира* тасвирлансагина ишчи (тоза) ҳисобланади. Агарда доира ёки ярим ойда бирор расм ёки шартли белгилар жойлаштирилса, бундай белги ишчи (тоза) бўлмай қолар эди ва хар қандай, умумий маълумот берувчи китоб каби, ахборотли белги бўлиб хизмат қилар эди. Нима учун бу ҳолатда белги ишчи бўлмай қолган? Бу соф физика. Чунки белгининг *Бўшлиқлари* бирор расм билан тўлдирилса, белгининг дунё билан бўлган айтайлик, квантлар даражасидаги ўзаро таъсирлари бузилади. Аниқроғи, доира ёки ярим ой тўлдирилган белги эзоосмос орқали ўзининг иккинчи ўлчовидан туриб бошқа ўлчовлар билан ўзаро таъсирда бўлиб, эзоосмосдан ўтаётиб бошқа ўлчовларда (шу жумладан, уч ўлчамликда ҳам) бор-йўғи ахборот ташувчи суратча – рамз бўлиб идрок қилинади.

**Анастасия.** Бошқача айтганда, у ишчи белги эмас, балки рамз бўлиб хизмат қилади.

**Ригден.** Тўғри. Одамларга ишчи белги ва оддий рамзнинг ўртасидаги фарқни батафсилроқ тушунтириб беришга ҳаракат қилайин. Ишчи белгини мажозий маънода, бўш челаққа қиёсласак бўлади. Кузатувчи уни қудуқ тубига туширади (белгини фаоллаштиради) ва у ердан сувни (кучни) олади, кейин эса сувни ўзи ичади (кучга тўлиб боради) ёки бошқаларга беради (куч билан таъминлайди), ёки ўзининг боғини суғаради (географик ҳудудни фаоллаштиради). Келажакда бу боғ мутаносиб меваларини беради (ўша ҳудудларда яшовчи Шахсларнинг ҳатто узоқ келажакда бўлса ҳам маънавий фаоллашувига олиб келади). Аммо, қудуққа туширилаётган челақ бўш бўлмаса (ишчи эмас, балки ахборотли белги бўлса), ундан фойда йўқ, чунки унинг ёрдамида сув олиб бўлмайди. Аниқлаштирган ҳам бўлардим: бу челақнинг таги умуман йўқдек, яъни нимани туширсанг, шуни чиқарсан – натижа йўқ....


**Анастасия:** Эхтимол, шуни таъкидлашимиз лозим-ки, “АллатРа” ишчи белгиси – бу энг кучли белгилардан биридир, рухий маънавий йулдан юрган инсонлар ундан тез-тез фойдаланишган. Ва, энг қизиғи шундаки, агарда Шахс Малакий табиат Кузатувчиси позициясида бўлмаса, ундан куч ололмайди, бошқа, масалан, юлдуз белгисидан фарқли улароқ.

**Ригден:** “АллатРа” белгиси олтинчи ўлчамдан юқори ўлчамларда ишлайди ва бу хусусияти уни бу дунёда одамларга берилган бир нечта ноёб белгилар билан бир қаторга қўяди...Шунинг учун, ”АллатРа” белгиси – бу ҳақиқатан кучли белги. Бу белги ёрдамида инсон ўзига бевосита Худодан келаётган ва бунёдкорликка, яъни Унинг режасини хаётга тадбиқ этишга йўналтирилган Аллат кучини ўзида йиғиб кўпайтиришга эришиши мумкин. Негаки муқаддас маънода мазкур белги Аллат орқали Худо кучининг ифодаси ҳисобланади.

**Анастасия:** “АллатРа” ҳам белги сифатида, ҳам ичкараси тўлдирилган доира ва маълум Билимларга кўрсатувчи қўшимча белгиланишларга эга рамз сифатида ҳар хил замонларда турли халқлар томонидан рухий амалиётлар ёки Таълимотлар ҳақидаги махфий ёзувлар сифатида ишлатилган. Хиндистоннинг қадимги маданиятлари (Харапп цивилизацияси), Триполье цивилизацияси, Шумерлар цивилизацияси, Қадимги Миср, Сибир ўлкасининг қадимги халқларининг ўзига хос маданиятларининг ва хоказоларнинг мутаносиб археологик топилмалари, маданий ёдгорликлари, ёзувлари билан танишиб, одамлар бунга кўплаб мисоллар топишлари мумкин. Археологлар қояларда қолдирилган ёзувларда, қадимий тамғаларда, деворларда, лойдан ясалган махсус катакчаларда, туморларда, кийимларда, идишларда, қадимий “илоҳий” жойларнинг деворларидаги нақшларда мазкур белгиларни ва рамзларни топишмоқда...




1




2



3



4



5-а




5-б



5-в



6




7



8



9



10



11



12



13

**58-расм. АллатРа» белгиси ва Қадимги Европа, Осиё, Африка маданиятларидаги унинг рамзлари:**

- 1) Триполье цивилизациясининг маросимий идишлари парчаларида “қуёшли қайиқ ва доира” тасвирланган археологик топилмалари (бу “АллатРа” рамзи, чунки ярим ой қўшимча элементлар билан тасвирланган)(Украина, Шарқий Европа);
- 2) Квадрат шаклидаги лойдан ясалган тахтачадаги “АллатРа” белгиси билан безалган унинг тасвири (Болқон-Дунай минтақасининг энеолитик маданияти; Болгариянинг Пловдив шаҳри атрофидаги топилмалардан);
- 3) Миной маданиятидаги “АллатРа” ишчи белгиси (мил.авв. II минг йиллик, Крит ороли);
- 4) Муқаддас “қуёшли қайиқ” (Аллат) ва Ра худоси (бир вазиятда ички қисми бўш диск ўрнатилган лочин калласи билан, бошқа вазиятда эса Ранинг тасвирланишларидан бири бўлган бўш дискнинг ўзининг кўринишида);
- 5) артефактлардаги “АллатРа” рамзлари:
  - а) Хожилар маданияти (мил.авв. V минг йилл.);
  - б) Апеннин маданияти (мил.авв. II минг йилл.);
  - в) Рим империяси халқларининг маданияти (эрамизнинг 200 йили).
- 6) Финикия, Фаластин, Сурияда эъзозланган Баал умумсемит худоси рамзидаги “АллатРа” белгиси;
- 7) Тутанхамон фиравннинг қабрида топилган кўкрак безагининг бир қисмидаги “АллатРа” белгиси; Ра худосининг қуёшли қайиғида Уаджетнинг (“Ра нинг Кўзи” ёки “Горнинг Кўзи”) тасвири (мил.авв. II минг йилл; Қадимги Миср)
- 8) Мариб фризининг қисми (мил.авв V-IV асрлар; Арабистон ярим оролининг жанубий қисми) –Венера (Астар) диски ойнанинг ўроғи устида;
- 9) ассирияликларнинг ва аккадларнинг мухрларидаги “АллатРа” рамзи;
- 10) озодликка чиқиш тасвири марказий стела; Хацор шаҳрининг қазилмаларида Ой худоси ибодатхонасининг қолдиқлари орасида топилган бронза асрининг стеласидаги “АллатРа” белгиси (Юқори Галилея, замонавий Исроил шимоли);

11) Қадимги Мисрнинг Осмон ва Мухаббат аёл худоси Хатхорнинг муқаддас ибодатхоналаридаги тошларда ўйилган бошида “АллатРа” рамзи билан анъанавий тасвири;


12) Сасанидлар даврининг (э. VII асри, Форсия) идишидаги шохнинг ови тасвирланган сюжет;

13) “АллатРа” нинг рамз сифатида тасвирланиши мисоли (ичи тўлдирилган доира билан) – юқорида, бошнинг чўққисидан жойлашган “Сахасрара” чакрасининг (“Мингяпроқли нилуфар”) рамзий график тасвири; Хиндистоннинг индуизм, буддаизм ва бошқа мактабларда медитатив амалиётларда қўлланилади.

**Ригден:** Бу нарса дастлабки ишчи белгилар тўғрисидаги муқаддас Билимларга эга бўлган одамлар ҳамма замонларда бўлганининг далилидир.

**Анастасия:** Шу билан қаерда “АллатРа” рамзини, қаерда эса айнан ишчи белгини қўйишгани аниқ кузатилмоқда.

**Ригден:** Дарвоқе, рамзлар ҳақида... “АллатРа” белгисининг шарҳланиши асосида турли рамзлар мавжуд бўлган. Қайсиларидир мазкур Билимлардан беҳабар инсонлар учун қўшимча тушунтиришлар бўлса, бошқа рамзлар – усиз ҳам кучлини кучайтиришга ёки қайсидир аҳамиятли лаҳзаларга эътибор қаратишга уринганларнинг вариацияларини ифодалаган. “АллатРа” белгиси асосидаги бундай рамзларнинг мисоли бўлиб юқорига қаратилган ярим ой ва унинг тепасида ё ичида крест тасвирланган доира, ё юлдуз, ёки одам юзининг рамзий тасвири ва хоказолар хизмат қилади.



59-расм. “АллатРа” рамзларининг намуналари.

1) форс маданиятига оид рамз (мил. авв. VI аср);

2) шумер маданиятига оид рамз (мил. авв. III минг йилл);

3) Ассириялик қуёш худоси Аишура ва шумер-аккадлик Ой худоси – Синанинг атрибути.

Мазкур рамзларнинг маъноси ҳақида асл тасаввури бўлмаган одамлар уларни Қуёш ёки Ой билан боғлаган, уларга бор-йўғи у ёки бу худонинг атрибути деб қараган. Билим эгалари учун эса мазкур



рамзлар гўё ўтмишдан уларни тасвирлаган одамлардан очик мактуб каби эди.

Мисол учун, шохчалари юқорига қаратилган ярим ой ва унинг тепасида иккита бир-бирига чизилган доира, ичкаридаги доирада эса бўш доирадан иборат марказга эга крест тасвирланган рамзни олсак. Бу Рухий Олам Мавжудоти томонидан (унинг рамзи “АллатРа” белгиси) бу дунёга келтирилган Таълимотнинг рамзий тасвири эди. Катта доира ичидаги кичик доира мазкур таълимот орқали бирлашган инсонларнинг (сафдошлар доирасини) рамзидир. Тенг томонли крест – одамнинг рамзи, крестнинг марказидаги бўш доира эса мазкур вазиятда (умумий рамз билан уйғунликда) оддий Шахсни эмас, балки мана шу Таълимот туфайли рухий озодликка (Шахсининг Қалби билан қўшилишига) эришган, бироқ маънавий йўлдан кетаётган инсонларга ёрдам бериш учун қолган Инсонга кўрсатмоқда.

**Анастасия:** Ҳа, бу ростдан ҳам ҳақиқий рухий жасоратдир – рухий озодликка эришиб, аммо шу ерда, ушбу кўпол моддий дунёда Аллат кучларининг Ўтказувчиси бўлиб хизмат қилиш учун қолиб, мардлик кўрсатиш...Кўрсатилган рамзлар билан боғлиқ яна бир қизиқарли лаҳза мавжуд. “АллатРа” рамзи, қоидага кўра, аёл худоларнинг атрибути бўлган. Энг таниқлилардан, бу масалан, исломгача бўлган замонларда эъзозланган Ал-Лат худоси (“Худоларнинг Онаси”)нинг белгиси. Ўша даврларда унинг рамзий тасвирининг тепасида Рухий Олам билан алоқани ифодаловчи юқорига қараб ётган ярим ойни ва доирани (уни одамлар оининг рамзи деб талқин қилишган) жойлаштиришган. Ярим ойни динамика, ҳаракат, рухий маънавий йўналишда юриш рамзи сифатида гоҳида қуёш нурлари билан тасвирлашган.

**Ригден:** Айнан аёл худоларни “АллатРа” рамзи билан боғлашгани хайратланарли эмас. Гап шундаки, инсониятнинг бутун тарихи давомида бундай рухий маънавий Ўтказувчилар фақат аёллар бўлган, балки уларда оналик инстинкти бўлгани учундир, яъни маънавий ғамхўрлик ва одамларга нисбатан мухаббат маъносида. Ваҳоланки аёллар ҳам, эркаклар ҳам Ўтказувчилар бўлиши мумкин. Аммо, эркаклар, рухий озодликка эришгач ва уларга олий сфералар очилиши биланок, ушбу моддий дунёни тезкор равишда, қолганларга нисбатан ғамхўрликни ўйлаб ўтирмасдан, тарк этган.

**Анастасия:** Қойил, хатто шундай масалаларда ҳам аёллар аёллигича қолишади, эркаклар эса – эркаклигича...Аллат билан боғлиқ яна айрим топилмалар билан бўлишмоқчи эдим. Сиз берган, ва мен томондан “Сэнсэй-IV” китобида қайд этилган Билимлар орасида Сиз аллатнинг вақтини фундаментал ифодаси ҳақида ҳам сўзлаб бергансиз. Бу вақт **12**

**дақиқага, аниқроғи, 11 дақиқа 56,74 сонияга** тенг. Мен тасодифан Миср фиравни Рамзес II даврининг ибодатхонаси ҳақида маълумотни топдим. Бу ибодатхона Нил дарёси яқинидаги қояда ўйиб қурилган. XX асрнинг 60-чи йилларида, тўғон қуриш муносабати билан, уни янги жойга, ўша қояда олдинги жойидан 65 метр юқорига олиб ўтишди. Шундай қилиб, унда йилига икки мартаба қўйидаги ёруғлик ходисасини кузатиш мумкин: 22 феврал ва 22 октябрда эрталабки соат 6.00да қуёшнинг илк нури ибодатхонанинг умумий киришидан то ибодатхонанинг тоқчасигача етиб боради. Сўнг 6 дақиқага нур Амон-Ра худосининг ҳайкалида ушланиб туради ва роппа-роса 12 дақиқа Рамзеснинг ҳайкалини ёритади. Шу билан, 22 феврал куни ёруғлик унинг кўкрагига тушади, 22 октябрда эса – тожига.

**Ригден:** Одамлар хатто тош бўлагида ҳам ўз аҳамиятлилигини қайд этишни ва маънавий Билимларни ўз кибрини қониқтириш учун қўллашни яхши кўришади.

**Анастасия:** Афсуски... Шундай қилиб, рамзларга оид. Сиз эслатганингиздек, кўпинча ярим ойни доира ўрнига юлдуз билан тасвирлашган. Аммо юлдуз бешқиррали ҳам, еттиқиррали ҳам, саккизқиррали ҳам бўлиши мумкин эди ва учқур қиррали бўртиқлари мавжуд геометрик шакл ёки марказдан тарқалган нурлар кўринишида тасвирланар эди.

**Ригден:** Моҳият бўйича, ярим ой тепасидаги юлдуз – бу кучлини кучайтириш – Аллатдаги Аллатдир. Лекин бундай белгиланишлар Аллат кучларидан бирига қўшимча кўрсатмаси сифатида ҳам ишлатилади. Хар хил нурли юлдузлар ҳам қадимдан ўз рамзий ифодасининг талқинида ўзига хос хусусиятларга эга. Еттиқиррали юлдуз еттинчи ўлчовнинг рамзидир. Саккизқиррали юлдуз ўша ромбнинг (инсонни руҳий мавжудотга айланиш, Руҳий Оламга чиқиш рамзи сифатидаги бурчакларининг бирига қўйилган кубнинг) рамзидир. **Бешқиррали юлдуз** эса Аллат кучлари билан боғлиқ *ишчи белгидир* (у бешинчи ўлчов сатҳида намоён бўлади) ва ижобий ишловчи белгилар гуруҳига киради. Аммо бундай нозикликларни фақатгина кўринмас дунёда белгилар билан ишлайдиган одамлар тушунади.

Бешқиррали юлдуз белгиси одамда (ғайриихтиёрий онг сатҳида) адолат туйғусини, келажакка ишончни фаоллаштиради, шунингдек одамларнинг бирлашувига ёрдам беради. Бироқ, афсуски, мазкур белгининг ноёб сифатларини кўпинча Хайвоний ақлга хизмат қилувчи одамлар қўллаган ва қўллаб келмоқда. Албатта, “**АллатРа**” белгисига нисбатан бу кучсиз куч, аммо шундай бўлса-да, ўзининг оммавий қўлланилишида у одамларга маълум таъсир этиш ва уч ўлчамли

дунёдаги воқеаларнинг ўзгариши билан боғлиқ ўз натижасини беради. Бешқиррали юлдуз вазиятида, уни қандай айланторма, чўққисини пастга-ми, чўққисини юқорига-ми, барибир бу Аллатнинг бунёдкор кучларидан бирининг белгиси бўлиб қолади. Бирок, савол – мазкур қўшимча кучнинг уни қабул қилган одамлар томонидан нимага сарфланиши, аниқроғи, қаерга қайта йўналтирилишида.

**Анастасия:** Дарҳақиқат, бешқиррали юлдуз қадим замонлардан бурилишнинг турли шаклларида ишлатилган. (Бугунги кунда маълум бўлган артефактлар ҳақида гапирсак) унинг энг қадимий тасвири тўққизмингйиллик муддатга эга ва биз айтиб ўтган маданиятда Кичик Осиёда топилган. Неолитда бешқиррали юлдуз белгисини Буюк аёл худонинг рамзи сифатида унинг боши узра жойлаштиришган. Қадимий мисрликларда эса бешнурли юлдуз “илоҳ”ни ифодалаган. Айрим қадимий эътиқодларда муқаддас хайвон саналган буқанинг боши узра бешқиррали юлдузнинг тасвирлари маълум. Шу билан мазкур юлдуз Аллат белгисининг элементларига эга ижобий маънавий рамз сифатида чуққиси пастга қаратилган ҳолатда ҳам ишлатилган (марказий учбурчак бунёдкор аёлий табиатни белгилаш сифатида пастга йўналтирилган), ўткир чуққиси юқорига қараган юлдуз белгиси ҳам худди шу маънодаги талқинда қўлланилган. Қадимдан юлдуз малакий табиатнинг моддийлик устидан ғалабасининг рамзи бўлиб хизмат қилган. Мифологияда Осмон ва Ернинг иттифоқини юлдуз билан белгилашган. Бу белги Қадимги Европа, Осиё (айниқса шумерларда, форсларда), Америка (туб аҳолиси – хиндуларда) ва бошқа халқлардаи оммабоп бўлган. Унинг устига, у ёки бу халқнинг сеҳрли маросимларга қараганда, бу энг кўп фойдаланадиган рамзлардан бири бўлган. Бешқиррали юлдуз белгисини туморларда ёвуз кучлардан ҳимоя мақсадида қўйишган. Юнон тилига биноан мазкур юлдуз бугун “пентаграмма” сифатида маълум. Замонавий дунёда бешқиррали юлдуз кўплаб давлатларнинг рамзидир. Эҳтимол, Билим йўқотилганлиги туфайли, унинг тасвирини эзотерикада одамнинг ақлидан талқин қила бошлаган ва чуққиси юқорига қараган юлдузни “Оқ сеҳргар”нинг белгиси, чуққиси пастга қараган юлдузни эса “Қора сеҳргар”нинг белгиси деб ҳисоблаган.

**Ригден:** Бундай бўлиниш ҳақиқатан ҳам “одамий” ақлдан келиб чиққан талқин қилиш. Аммо у мазкур белги орқали келувчи бунёдкор Аллат кучининг салбий мақсадларда ишлатиш туфайли пайдо бўлган. Юлдуз белгиси бирор ўзгаришга, энергиянинг кўтарилишига ижобий туртки беради, холос. Уни одамлар кейин қаерга йўналтириши, бу одамнинг танлови масаласи. Оддий мисол, тарихда бешқиррали юлдуз белгисини кўпинча инқилобларни, тўнтарилишларни амалга ошириш мақсадида ишлатишган. Юлдуз одамларда, уларнинг дунёни ичкаридан хис этиш

тушунишида яхшиликка интилишни рағбатлантириб, оммада ижобий кўтарилишни ўйғотар, интилишни берар, ҳаракатга ундар эди. Шунинг учун одамлар жамиятдаги мазкур ўзгартиришларга ишонч билан, ижобий кайфият билан, яхшироқ хаётга ва келажакка ишонч ва узоқ кутилган Озодликка эга бўлиш истаги билан отланишган. Мана шу мазкур белгининг оммага таъсирининг намоён бўлган самараси. Аммо бундай тўнтарилишларнинг бошқарувчилари томонидан мана шу куч қаерга ва қандай ўрнатмалар ёрдамида қайта йўналтирилган? Табиийки, Хайвоний ақл ҳокимияти томонига, у одамларнинг маънавий интилиш тушунчаларини ўзининг моддий дастурларини амалга оширишга алмаштириб кўяди. Натижада одамлар шахсий Озодликка эришиш умидида инқилобларда ва тўнтарилишларда битта золимни тахтдан ағдариш учун қатнашиб, хаётларида улар кутаётганидан ҳеч нарса ўзгармаслигини ва ҳар бир Шахс орзу қилган Озодлик келмаслигини тушунмаган ҳолда, унинг ўрнига бошқа золимни “танлашади”. Хатто улкан одамий ресурсларни (кучни) ишлатиб оммавий “шоу”ларни ташкил қилаётганларнинг ўзлари ҳам Хайвоний ақлнинг бундай алмаштиришларини тушунмайди. Одамлар ўзининг ноёб эътибор кучини, вақтини охир-оқибатда қисқа вақт бўлса-да, аммо ўзлари яшайдиган моддий дунёда Хайвоний ақлнинг ҳокимиятини кучайтириш учун сарфлайди. Хайвоний табиатнинг ҳокимияти қанчалик кўп бўлса, улар ўз Малакий табиати ҳақида шунчалик кўп унутишади, борган сари ҳақиқий Озодлик ва ўз хаётининг маъноси ҳақидаги асл тушунишни йўқотиб боради.

**Анастасия:** Ҳа, маънавий азалий Билим йўқотилгани боис нима қилаётганимиз ҳақида ва ўз танловимиз билан ўзимизга нимани тайёрлаётганимизни тушунмаяпмиз.

**Ригден:** Одамлар тарихга ва атрофидаги дунёга эътиборлироқ бўлса арзийди. Биринчи навбатда, ўтмишнинг ва ҳозирнинг хатоларини тушуниш, демак, келажакда уларга йўл қўймаслик учун, ўз хаётининг вектори борасида аниқлик киритиш ва мазкур масалага ўзини ва яшаётган жамиятини чуқурроқ тушуниш билан ёндошиш учун.

**Анастасия:** Билим – бу куч! – деб бежиз айтилмайди-да. Шу муносабат билан азалги рухий амалиётлар тўғрисидаги суҳбатимизга қайтмоқчи эдим. Хусусан, агарда Сиз асос солувчи рухий амалиётларга тегишли бўлган **“Пирамида” медитацияси** ҳақида ўқувчиларимизга маълумот берсангиз, Сиздан ғоят миннатдор бўлар эдим. Умид қиламанки, мазкур медитация, худди ўз вақтида бизга ёрдам берганидек, одамларга ҳақиқатни англашга, ўз Қалбини ўрганишда шахсий рухий тажрибага эга бўлишга ва чуқурликдаги туйғулар туфайли ҳақиқий Озодлик аслида нималигини тушунишга эришишга ёрдам беради.

**Ригден:** Бунинг иложи бор.

**Анастасия:** Аммо мазкур ноёб медитациянинг бажариш техникасининг баёнига ўтишдан олдин, Сиздан ўқувчилар учун аҳамиятли бўлган лаҳзаларни аниқлаштиришни хоҳлар эдим, улар авваламбор медитация пайтидаги онгнинг ўзгартирилган ҳолати нималигини тушунишга тегишлидир. Биласизми, мен шундай вазиятлар билан тўқнашдимки, уларда хатто китобларни ўқиган одамлар ҳам медитацияларни, юмшоқ қилиб айтганда, яланг тасавwurда бажарар эди. Батафсил муҳокама қилганимизда, улар, бу ҳақда кўп ўқиган бўлса-да, аммо амалиётда онгнинг ўзгартирилган ҳолати нималигини ҳақиқатан тушунмаслиги аниқланди. Айрим ҳолларда одамлар, медитация бажаряпман, деб ўйлаб, аслида ўзлари учун кун давомида одатий бўлган ҳолатда қолган ва онгнинг бошқача ҳолатига ўтиш билан ўзларини овора қилмаган. Шунинг учун мазкур шартли машғулот пайтида кўпинча кундалик ишлар, ўзининг жорий иши, рўзғор, кун давомидаги кечинмалар ҳақидаги ва хоказо, яъни турли чалғитувчи фикрлар келган. Табиийки, бундай медитация, назария каби, яланг тасавwurда ўтган. Бошқа ҳолларда одамларда медитация ўрнига уйқуга кетиш рўй берган. Асосан бу ҳолат уларнинг ишдан каттиқ чарчаб келиб, сўнг медитацияга ўтиганида рўй берган. Маълумки, уйқу ҳам онгнинг ўзгарган ҳолатларидан биридир. Шундай қилиб, улар буни медитация деб хато ўйлашган, шунинг учун, “иродасига зўр бериб”, чарчаган ҳолатда ўзини медитация бажаришга мажбурлаб, аслида натижани хис этмаган.

**Ригден:** Онгнинг ўзгарган ҳолатлари нималигини, улар қанақа бўлишини ва бир-биридан нима билан фарқлигини бу одамлар тушуниши керак. Онгнинг, масалан, туш ёки медитация каби ўзгарган ҳолатларига тана бўшашиши, хотиржамлик, мудроқ босиш ҳолатлари хосдир. Бироқ бу *онгнинг ўзгарган ҳолатининг бошланишининг кўрсаткичи*, ҳолос, бундан кейин бўлиниш кетади: кимдир медитация (кўринмас дунёнинг нозик жараёнларини онгли бошқариш)га шўнғийди, кимдир эса уйқуга (онгсизлик ҳолатига).

**Анастасия:** Мен ҳам шуни айтмоқдаман-да! Яъни, одамларга ҳақиқий медитация нималиги ва у қандай ўтишининг реал амалий тушуниши етмаяпти.

**Ригден:** Бу одамларга мен бошланишига оддий аутоген машғулот нималигини кўриб чиқиб, тушунишни, танасини бўшаштиришни, фикрларини назорат қилишни ўрганишни, битта нарсада узоқ вақт диққатини ушлаб туриш машқини бажаришни, сўнг эса медитация

амалиётига, яъни онгнинг ўзгарган ҳолатига янада чуқурроқ шўнғишга ўтишни маслаҳат қилган бўлар эдим. Сен “Сэнсэй” китоблар сериясида таърифлаган медитациянинг бошланғич техникаларини ўзлаштириб, сўнг эса фундаментал рухий амалиётларни ўзлаштиришсин

**Анастасия:** Сиз билан ҳамфикрман, одамлар ҳар хил бўлади, кимдир моҳиятни тезда илиб олади, кимгадир эса барчасини батафсилроқ кўриб чиқиш учун вақт керак. Аммо кўпинча одамга ўзи ҳақидаги, миянинг онгнинг турли ҳолатларида ишлашининг умумий механизмлари ҳақидаги оддий билимлар етишмайди ҳолос. Сизнинг нейробиология ва бош миянинг фаолияти соҳасидаги ноёб билимларга эгаллигини биламан. Онгнинг ўзгарган ҳолатлари мавзусини батафсилроқ ёритиб, ҳеч бўлмаса ўқувчилар учун оммабоп маълумотларда тўғри йўналиш бера оласизми ёки оммага овоза қилиш мумкин бўлган билимлар билан бўлиша оласизми?

**Ригден:** Одамларга гап нима ҳақида бораётгани ва ўз тадқиқотларини қайси йўналишда юритиш тушунарли бўлиши учун, бош мия фаолиятининг замонавий фаннинг тушуниши чегарасида бўлса, майли. Маълумки, бош миянинг фаолияти электромагнит тўлқинлар билан боғлиқ. Мия турли режимларда ишлай олади ва уларнинг ҳар бирига онгнинг маълум психофизиологик ҳолат хосдир. Одам Шахс сифатида, ўзининг эътиборининг мужассамлаши туфайли, онгнинг бир неча шундай ҳолатларини бошқариши мумкин. Кундалик ҳаётида у кўпинча илмий доираларда ҳолатларнинг тетиклик деб аталмиш турида бўлади. Вақт давомидаги бош миянинг фаоллигини ўлчаган олимлар **фаол тетиклик ҳолатини** шартли равишда бета-ритм ( $\beta$ -ритм) деб белгилайди. Унинг диапазони 14 Гцдан 35 Гцгача, кучланиши 10-30 мкВни ташкил қилади. Бета-тўлқинлар тезкор тўлқинларга тегишли ва бош миянинг умумий потенциалининг кичик амплитудали тебранишларидан иборат. Электроэнцефалограммада тўлқиннинг шакли, шартли равишда, ўткир учли “учбурчаклар”ни эслатади. Бета-ритмни асосан марказий-пешона худудлари фаолиятида қайд этишади. Бироқ одам бирор янги, қутилмаган нарсага, қандайдир эшитган маълумотида, ақлий интенсив фаолиятига, кучли эмоционал кўтарилишга эътиборини берса, мазкур ритм ўсиб боради ва бош миянинг бошқа участкаларига тарқалиши мумкин. Бета-ритм одамнинг ақлий фаолияти, эмоционал кучланиши, турли кўзғатувчиларнинг таъсири пайтидаги миянинг фаолиятига хосдир.

Умуман, қайд этиш зарур, мия учун чарчоқ каби тушунча хос эмас. Бор-йўғи у қандай ишлашини тушуниш ва ўз вақтида фаолиятнинг бир туридан бошқасига ўтиш, ўз онгининг ҳолатларини вақтида ва сифатли ўзгартириш керак. Кундалик ҳаёт доимо одамнинг ўзини психологик

жихатдан тўғрилаши билан боғлиқ, дарвоқе, бунга шунингдек организмнинг умумий ҳолати ҳам боғлиқдир. Кун давомида одамга товуш, ёруғлик каби ташқи омиллар таъсир этади, кўринмас дунёнинг таъсири ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Уларнинг барчаси хар кундаги, у ёки бу тарзда одамнинг ҳаёти билан боғлиқ, физиологик ёки бошқа жараёнларга таъсир этувчи кўзғовчилардир.

Ўта хаяжонланиш, ғазабланиш, асабийлашиш юз, бўйин, қўллар ва хоказо мушакларининг кучланиши билан бирга юз беради. Ўз навбатида, кучланган мушак шунингдек кўзғатувчи импульсларнинг генераторидир. Аутоген машғулоти бажараётган ёки медитацияни бажаришга тайёрланаётган одамнинг вазифаси кўзғатувчи сигналларни оқимини чеклаш. Шунинг учун у қўлай ҳолатни танлаб, тинчликда ўтиради (кўзғатувчи товушларга йўл қўймайди), кўзларини юмади (кўришни кўзғатувчилари манбаларини таъсирга йўл қўймайди), кун давомидаги турли фикрлардан, хавотирлардан, хаяжонлардан диққатини ички хотиржамлик, тинчликка йўналишини ўзгартиради (яъни имкон қадар кўринмас дунёнинг бевосита таъсирга йўл қўймайди). Ундан сўнг диққатини мушакларнинг бўшашида жамлайди (яна бир кўзғатувчи каналга йўл қўймайди), кейин эса мутлоқ хотиржамлик ҳолатига эришади. Шу тариқа одам ўзининг психикасининг иш режимини, демак, асаб тизимини ҳам, қайта тўғрилайди. Бундай ўзини тўғрилаши натижасида у аниқ фикрий буйруқлар (ауторапортлар) ёрдамида ўзини бошқариши мумкин.

**Анастасия:** Фикрларнинг интизоми одамга катта имкониятларни очади. Медитация ҳолатида у ўзининг мураккаб энергетик тузилишининг бошқа ҳолатларда (шу жумладан, тетиклик ҳолатида ҳам) бошқариб бўлмас механизмларини бошқара олади. Табиийки, медитатив техниканинг тўғри бажарилишида унда руҳий кўтарилиш, ақлнинг равшанланиши, интуитив билимнинг ривожланиши, шунингдек, бундай ишнинг “қўшимча самаралари” бўлмиш кучларнинг кўпайиши, яхши кайфият, ижодкорлик потенциалининг кўпайиши кузатилади, булар эса, ўз навбатида, одамнинг умумий ҳолатида акс эттирилади.

**Ригден:** Шубҳасиз. Мазкур механизмларнинг барчасини тушуниш керак. Медитациядаги диққат-эътибор, бу худди тармоқдаги электр токидек: унга нимани уласанг, шу нарса ишлайди. Шунинг учун диққатни медитацияда содир бўлаётган асосий жараёнларда ушлаб туриш муҳимдир. Руҳий амалиётни бажараётган одамни мажозий маънода товушдан тез учадиган қирувчи самолётда жанговар вазифани бажараётган ҳарбий учувчига қиёсласак бўлади. Даставвал учувчи ерда авиация (учувчилик) тренажерида – самолётда учиб имитаторида барча ҳаракатларни автоматизмгача ишлаб олади. Бу медитациянинг бирламчи

босқичларини ўрганишни яъни: бўшашиш жараёнини, бегона фикрлардан четлашишни, медитация холатига шўнғишни, жисмоний тана даражасидаги бирламчи сезгилар, масалан, қуёшли ўрам худудида илиқлик, чакранлар худудида енгил санчишларни ёки энергиянинг қўллар бўйлаб ва хоказоларда юришини хис этишни бошлаган одамга тенг. Мазкур босқични медитация тўғрисидаги яланг тасаввурдан илк амалий кўникмаларни эгаллашгача бўлган бирламчи босқич деб номласак бўлади.

Медитатив амалиётларни ўзлаштиришнинг иккинчи босқичи, мажозий маънода, учувчининг бевосита ҳавода, жанговар машинага ўтириб, учишни машқ қилишига тенг. Бу ерда унга осмонда самолётни бошқариш билан ердаги имитатор-тренажёрда ўша машқларни бажариш – бу битта нарса эмаслигининг тушуниши келади. Сезиларли фарқ бажариш техникасида эмас, балки хиссиётларда, учиш жараёнининг, мутлақо бошқача фазодаги – осмондаги ҳаёт жараёнининг тушунишида мавжуд. Учувчи каби, медитацияни бажарувчи ҳам, ҳар кунида ўз устида ички ишни, ўз Хайвоний табиати устидан назоратни олиб борар экан, назарий ва амалий билимлар ўртасидаги сезиларли фарқни тушунади. Одам ўзгаришни бошлайди. Бу асосийси, чунки медитациянинг ўзи – бу бор-йўғи асбобдир! Бошқача айтганда, кундалик ҳаётида у ўз фикрларини назорат қилишни, уларнинг софлигини, ўз психологик реакцияларини кузатиб, онгига салбийликни киритмасликни бошлайди. Одам ўз фикрларини кузатмаганида, унинг барча кулфатларида ва ғамларида ҳамма айбдор бўлиб чиқади, у ҳаммани айблайди, кўп нарсалардан норози бўлади, ҳаммани ўргатади, ўзи эса ўргатганига амал қилмайди ва хоказо. Аммо одам ўз устида ишлашни бошлаганида, у ўз эътиборини ташқи сабабларга эмас, балки ички сабабларга қаратади, нима учун атрофни айнан шундай қабул қилиб, таъсирланишини тушунади. Мана шу ташқи провокацияларга нима учун тутилганини ва қандай қилиб эътиборни ўзининг кўпдан-кўп худбинларча истакларидан, ҳафачиликлардан, Хайвоний табиатининг тажовузидан олиб кетишни, уни Олд маҳлуқотга, Қалбдан чиқаётган чуқурликдаги туйғуларга қайта йўналтиришни, маънавий тўлқинда қандай қилиб бўлишни одам тушунишни бошлайди. Одам ўз Хайвоний табиатига ён босмасдан, мустақил равишда ҳар куни ўз устида меҳнат қилар экан, ана шунда медитацияларда ҳам унда идрокнинг мутлақо янги даражаси очилади. У медитация нималигини тушуна бошлайди, ўзи учун ноодатий жараёни синчиклаб билиб олади. Одам онгнинг мутлақо бошқача, тетиклик ва уйқудан фарқли холатида ишлашни ва бўлишни ўрганади, яъни онгнинг холатлари орасидаги фарқни амалиётда хис этишни, дунёни чуқурликдаги туйғулар орқали, мантиқнинг махсули бўлмаган интуитив Билим орқали тушунишни ўрганади.



Ва, ниҳоят, учинчи босқич, бу харбий учувчининг товушдан тез учадиган қирувчи самолётда жанговар вазифани ҳавода бажариши билан тенг. Энди у самолетнинг ишлаш механизмлари ҳақида ўйламайди-да, автоматик равишда уларни ишга туширади. Тушиб қолган ноодатий фазо ҳақида ўйлаб ўтирмасдан, бу фазода яшашни бошлайди. Учувчи самолётнинг хар бир ҳаракатини хис этади ва унинг асосий нарсада – жанговар вазифани бажаришда жамланган. Рухий амалиётлар билан жиддий шуғулланган киши ҳам худди шундай. Мазкур босқичда у ўз Хайвоний табиатини назорат қилишни одат қилиб олади, медитация жараёнини хар қандай фикрлардан холи тарзда аниқ фикрий буйруқлар билан ишга туширади ва медитацияни фақат ва фақат ички чуқур туйғулар ёрдамида бажаради. Рухий амалиётлар механизми инсонни Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан шу жумладан 4, 5 ёки 6-чи ўлчовларни идрокнинг мутлақо бошқача даражасига олиб чиқади. У материянинг одатий дунёсини, нозик энергиялар дунёсини ўрганишни бошлайди, шу билан фақатгина чуқурликдаги туйғулар ёрдамида ўрганади, асло мантиқ ва моддий фикрлар ёрдамида эмас. Ахир фикрлар – бу моддий махсулот, ундан кўпроғи эмас. Рухий Маънавий, чуқурликдаги туйғулар эса – бу идрокнинг мутлақо бошқача сифати, хар томонлама Билимларнинг мутлақо бошқача, одамлар ойдинлашув деб номлаган қамрови.

**Анастасия:** Нариги томонда у ердаги содир бўлаётган жараёнларни тушунишнинг хайратомуз равшанлигига ва аниқлигига эга бўласан. Бироқ медитациядан сўнг, бошқа одамларга кечинмаларингни тушунтиришга уринганинда, у томонда хис этганингни одатий сиймолар ва ўхшатишлар орқали аниқлик билан узатишнинг иложи йўқлигини тушунасан. Шунга биноан, сенинг кундалик хаётингда ҳам реал жараёнлар ва ақлнинг ўйини – дунёнинг моддий идроки позициясидан мантиқ ишлатган ўхшатишлар ўртасида ахамиятли фарқ мавжудлигини англайсан. Ҳа, буларни барчасини ҳақиқий реаллик билан тегишган холда амалиётда ўрганишни бошлаганинда, ўз устингдаги рухий меҳнатда ўтган хар бир яшаган кунинг нима учун шунчалик муҳимлигини, ўз эътиборинг кучини хар куни қайси фикрларга ва ишларга сарфлаётганингни расолик билан англайсан. Ахир барчаси биринчи навбатда сенинг Қалбинг ва Шахсинг учун қутулиб бўлмас оқибатларга эга.

**Ригден:** Шубҳасиз, шундай. Хайвоний табиат Шахсинг онгини моддий мавжудликнинг қалин, туманли пардаси билан ўраб олиб, турли хом-хаёллар билан аллалайди. Ушбу туманни фақатгина одамнинг шахсий рухий ўсиши тарқатиши мумкин, унда эгаллаган тажрибаси

туфайли одам ҳақиқий воқелик нималигини тушуна бошлайди. Одамнинг руҳий ўсиш жараёнини, унинг ўзини назорат қилиши ва мукаммалашувини ерга экилган дарахт уруғининг ўсиши учун шароитлар яратиш билан таққосласа бўлади. Уруғ – бу қачондир атмосфера мухитида (осмонда) етилган меванинг қисми сифатида, шартли равишда Қалбдир, ер эса – Қалб учун бизнинг ерлик шароитларимиз, яъни моддий дунёдаги бизнинг фикрларимиз ва қилмишларимиз. Ўзимизга, айтайлик, ўз руҳий ривожланишимиз учун қандай шароитлар яратсак (кўрғокчиликка йўл қўямизми, музлатиб қўямизми, ернинг намлигини кўпайтириб юборамизми ёки уруғнинг ўсиши учун нормал шароитлар яратамизми), шундай натижага эга бўламиз. Ахир, агарда уруғни парвариш қилмаса, у ҳалок бўлиши мумкин, шунда дарахт ҳам, дарахтнинг мевалари ҳам бўлмайди. Ўруғни парвариш қилсак, у ердан ўсиб чиқиш, ҳавонинг сферасига чиқиб олиш имкониятига эга бўлади, у ёқда эса ердан фарқли, мутлақо бошқача мухитнинг таъсирида бўлади. Бироқ шу билан у ҳали илдизларини ерда сақлаб, унинг таъсирида қолаверади, аммо аввалгидек эмас, энди ўзининг янги сифатида. Бошқача айтганда, одамнинг уч ўлчамли ўлчовидаги ҳаёти давомида Шахс руҳан ривожланиб Қалб билан қўшилиш, демакки, Абадиятга кетиш имкониятига эга. Албатта, “уруғ”, “ер”, “дарахт”, “осмон”, “ривожланиш” – булар барчаси одамий ўхшатишлардаги сўзлар, модомики, сен тўғри кузатганингдек, одам амалиётда ҳақиқатан бошқача дунёга ўтишни ва ўрганишни бошлаганида, у сўзлар ёрдамида ифодаланувчи нарсалардан анчагина кўпроғини тушунади. Шунинг учун, медитация – бу одамнинг мураккаб тузулишининг, мажозий маънода, руҳий маънавий навигация тизимини ишга тушурувчи асбобдир. Бу нарса сўнги маконга (руҳий озодликка) бўлган ҳаракат курсининг йўналишини тўғрилаб олишга, йўлда турли чалғишларни олдини олишга ва ҳаракат сифатини яхшилашга эришишга ёрдам беради. Модомики одам – бу тирик энергетик тузулиш экан, шу қадар текширилган асбобларнинг қўлланилиши натижасида бошқарув операторининг – Шахснинг руҳий маънавий ривожланиши туфайли унинг мукаммалашуви содир бўлади.

**Анастасия:** Ҳа, бугунги илм-фанда медитация ҳолатида содир бўлувчи жараёнларнинг муҳимлигини охиргача тушунмаслик каби вазият мавжуд.

**Ригден:** Бироқ, медитациянинг ўзини ҳам олимлар ҳозирча “хотиржам тетиклик” ҳолати деб ҳисобламоқда, улар бугунги куннинг техникаси ёрдамида одамнинг бош миясида ўзгача частотали ритмни – кўпинча орқа бўлимларида (эпифиз (ғуддасимон без) ёнидаги худудларда) акс этган альфа-ритмни кузатишади. Шартли қабул қилинишича, альфа-


ритм 8 Гц дан 13 Гц гача (ўрта амплитудаси 30-70 мкВ га тенг бўлган) потенциалнинг ритмик тебранишларига мутаносибдир. Гарчи аслида медитацияда мазкур диапазон 7 Гцдан 13 Гцгача қамрайди. Шунингдек, одам фикрларга йўл қўйиб, уларга эътибор қаратганида, мазкур ритм тебраниш амплитудасини камайтиради, яъни кучсизлашади ёки умуман йўқолади ва уни ўрнини бошқа ритм эгаллайди.

**Анастасия:** 7дан 13гача...Жуда қизиқарли кўрсаткичлар, айниқса, айрим таққослашлар ўтказилса. Қизиғи, 7 ва 13 кўпдан-кўп халқлар мифологиясида аҳамиятли сонлардир. Махфий билимларнинг рамзий ифодасида етти сони одам учун рухий маънавий жихатдан муҳим бўлган еттинчи ўлчовга кўрсатмоқда. Мифологияда уни Оламнинг ғоясини таърифи билан боғлашар эди, дунёвий дарахтнинг, худолар гурухини тўлиқ таркибининг, дунёнинг турли халқларида мифологик коинотдаги барча санокларнинг универсал таърифланишида асосий сонли белгилаш сифатида қўллашар эди. Шуниси қизиқарли-ки, маълум рухий амалиётларни бажариш вақтида, медитацияни бажарувчи айрим афсоналарда ассоциатив акс эттирилган жараёнларни ва ходисаларни гоҳида кузатади. Афтидан, қадимда, кейинги авлодларга ўз рухий маънавий тажрибасини қандайдир узатиш учун, одамлар энг аҳамиятли лаҳзаларни ўша афсоналарда, ривоятларда, эртақларда ўхшатишли сиймолар орқали қайд этишган.

**Ригден:** Бу дунёнинг, айтайлик, унчалик одатий бўлмаган тузилиши маълум медитацияларда очилишини сен тўғри қайд этдинг. Кўринмас дунёдаги жараёнлар мавжудлигини билмаганларга уни қандай тушунтириш мумкин? Фақатгина тингловчиларга тушунарли бўлган ўхшатишлар ёрдамида-да. Пировардида, дунё халқларининг мифологияси – бу одамларнинг кўринувчи ва кўринмас дунёлар ҳақидаги билимларни, ўтмишнинг маълумотларини ва инсониятнинг маънавий тажрибасини кейинги авлодлар учун тушунарли бўлган ўхшатишли шаклларда қайд этишга уринишдир.

**Анастасия:** 13 сони-чи? Ахир, кучнинг тўлиқ доирасидан ташқари (12+1), у, масалан ўша фазо геометриясида ҳам, ўзгача сондир. Қачондир Оламнинг фазолари геометрияси ҳақидаги суҳбатимизда Сиз геометриянинг физика билан тўғридан-тўғри алоқаси ҳақида сўзлаган эдингиз. Одамларга геометрия бўйича, шу жумладан, уч ўлчамли фазодаги кўпқиррали ярим тўғри жисмлар тўғрисида ҳам билимлар қадим замонлардан берилиб келганлиги ҳақида Сиз ўшанда эслатган эдингиз. Уларга бугунги кунда Архимеднинг жисмлари деб ном олган 13та жисмлар тегишли. Биласизми, хайратланарлиси, ахир биз аллақачон, мактабда ўқиб юрган кезларимизда, мазкур мавзунини ўрганганмиз. Ўша тафсифни худди хозиргидек, эслайман: кўпқиррали

ярим тўғри жисмлар – булар чўкқиларидаги кўпқиррали бурчаклари симметрик жойлашган барча қирралари тўғри кўпбурчаклардан иборат жисмлардир. Аммо кўп йиллар ўтиб, Сизнинг ҳикоянгиздан сўнг, мен ушбу билимларга бошқа бурчак остида, тадқиқотчи қизиқувчанлиги билан қарашни бошладим. Ўшанда Сиз Архимеднинг 13та жисмларни қандай ноодий, муқаддас маънодаги ўзаро мос кетма-кетликда жойлаштирганингиз хали ҳам ёдимда.



60-расм

*. 13та кўпқиррали ярим тўғри жисмлар тартибининг азалий схемаси.*


Ахир барча асосий рамзлар ва белгилар, шунингдек, қия хоч кўринишидаги умумий расм схемаси шундай тартибда кузатилмоқда. Хоч шаклларнинг ўзларидан иборат, шу билан тўртта Маҳлуқотлар ва марказ белгиланган, оддий фазовий шакллардан мураккаброқларга мукаммалашув кузатилмоқда. Одамлар эса мазкур кўпқиррали ярим тўғри жисмларни қадимги юнон олими Архимеднинг асарларида эслатилганлигига ҳавола қилиб, уларни бироз бошқача тартибда жойлаштиради. Бироқ мазкур билимларнинг кашфиёти бор-йўғи унинг исмига ёзиб қўйилганлиги бугунги кунда сир бўлмай қолган. Қоидага кўра, бундай холларга хос бўлган қадимги олимнинг бу масаладаги асарлари йўқотилганлигига ҳавола қилинади. Ушбу 13та шакллар ҳақида у қаердан билгани мени қизиқтириб қўйди. Архимед бой оиладан келиб чиққан эди, ўз вақтида турли фанлардан, шу жумладан, геометриядан ҳам, билим олган эди. Ўша даврнинг йирик маданият

маркази – Мисрнинг Александрия шаҳрида (у ўша пайтда юнонлар хукмронлиги остида эди) маълум бўлишича, машхур Александрия кутубхонаси бўлган эди (Александрия музейони). У олий ўқув муассасаси эди, халқаро аҳамиятга эга бўлиб, турли мамлакатлардан келтирилган ноёб қадимий китобларни (ўрамларни) сақлар эди. Маълумки, Архимед кейинчалик у ерда ишлаган. Мен кўпқиррали шакллар ва фазовий жисмлар ҳақидаги бундай билимлар ўша даврда ёки ундан ҳам аввал яна қаерда эслатилганлигига қизиқиб, тарихий манбаларни изладим. Сизнинг маслахатингизга биноан хеттларнинг (Кичик Осиёнинг марказий қисмида милоддан аввал II минг йилликда яшаган хинд-европа халқининг) ёзув ёдгорликларига назар солдим. Математик билимларни хеттлар бобилликлардан қабул қилишган. Яъни, қадимий юнон математиклари Пифагор, Эвклид, Архимедгача, кўпол қилиб айтганда, ўн беш аср илгари одамларга сонни даражага кўтариш, квадрат ва куб илдизлари жадваллари, учбурчак, трапеция, доираларнинг юзларини, кубнинг, параллелепипеднинг, конуснинг, оддий ва учи кесилган пирамидаларнинг ва бошқа фазовий шаклларнинг хажмларнинг формулалари маълум эди. Ҳақиқатан ҳам мазкур билимларнинг барчаси одамларда қадим замонлардан мавжуд бўлган. Маҳобатли иншоотларнинг қурилишига қараганда, улардан қадимий мисрликлар, шумерлар, хиндлар, Мезоамерика аҳолиси ва бошқа қадимги халқлар фойдаланган.

Шунингдек кўпқиррали юлдузсимон жисмлар, хусусан, Кеплер-Пуансо жисмлари, машхур олим Леонардо да Винчи одамзод учун такроран кашф қилган юлдузсимон октаэдр ҳақидаги ахборотни мен қайта ўқиб чиқдим. Табиатнинг ўзи шаклларни одамларга айтиб бериб турган, деб хисобланмоқда. Аммо Сиз ҳақсиз, бу қанақа шакллар экан? Ахир бу ҳақиқатан ҳам рамзлар ва белгилар-ку! Ўша учбурчак, пирамида, куб, юлдуз ва хоказолар мисоли. Энди нафақат ишчи белгилар ёрдамида таъсир кўрсатиш принципини, балки маълум медитатив техниканинг аниқроқ узатилиши мақсадида у ёки бу рамзий ишораларнинг нима учун ва қандай қўлланилишини мен чуқурроқ тушуняпман.




*61-расм. Леонардо да Винчининг юлдузсимон октаэдри.*



*62-расм. Юлдузсимон кўнқиррали жисмлар. Кеплер-Пуансо жисмлари.*

Хозирги кунда одамларда макро- ва микро коинот соҳасидаги билимларини кенгайтириш, молекулалар, атомлар, микро дунёнинг янада нозикроқ тузулиши даражасида табиатни тадқиқот қилиш имконияти мавжуд. Барчаси физика, барчаси бирор маълум мавжудлик шаклини қайд этувчи тўлқин экани хайратланарли! Муз ёки тоғ биллюри (кварц)нинг кристалларини олсак. Улар кўпинча учкур қаламни, яъни чўққиси олтибурчакли пирамида бўлган олтибурчакли призма шаклини эслатади.

Моддий дунёда барчаси маълум фазовий маконга эга. Товуш тўлқинининг кичик зарраларга, хусусан тебранаётган пластинага кўйилган қуруқ қумга таъсир қилиши бўйича тажрибалар ҳақидаги маълумотлар билан мен бир пайтлари қизиққан эдим. Тебраниш таъсирида қумнинг турли тўғри нақшларга сафланиб олиши хайратланарлидир. Шу билан уларнинг шакли товуш частотасига тўғридан-тўғри боғлиқ! Бу ҳақда билмаган ўқувчилар учун аниқлик киритаман – бундай нақшларни уларни кашф қилган, XVIII аср охирида – XIX аср бошида тажрибали акустика соҳасида фаолият юритган немис олимнинг фамилиясига бағишлаб Хладни шакллари деб номланган. Бугунги кунда унинг тадқиқотларининг натижаларини телефонлар, радиокарнайлар, микрофонлар диафрагмаларининг хусусий частоталарини ўрганишда қўллашади.



*63-расм. Хладни шакллари.*

*Маълум частотали товуш тўлқинининг таъсиридан сўнг шаклланган геометрик нақш.*

**Ригден:** Товуш ва геометрик тўғри белгилар – бу энди соф физика сохаси, демакки, одамнинг глобал Товушни ва ишчи белгиларни ўрганишдаги илк қалдирғочдир. Моҳият бўйича, бу қадим замонлардан маълум бўлган ва турли халқларнинг афсоналарида қайд этилган маълумотлар асосидаги кашфиётлардир.

**Анастасия:** Ҳа, бу ерда Дастлабки Товуш ҳақидаги ноёб маълумотларни эсламасликнинг иложи йўқ, Сиз Рухий Оламга – Худонинг дунёсига “контрамарка” бўлган Граил тўғрисида сўзлаб берганингизда улардан хабардор қилдингиз. Мен уларни “Сэнсэй-IV” китобида қайд этганман. Ахир Сиз Дастлабки Товуш формуласи маълум *ишчи белгилардан* иборатлигини эслатган эдингиз. Уларни фаоллаштириш ўта кудратли кучнинг – Дастлабки Нилюфар ва Аллат уйғунлигининг намоён бўлишига олиб келади. Энди маълум бўлган Билимларнинг, масалан, физика, фазо геометрияси, глобал вақт, тартибланган ахборот (фундаментал ахборотли ғиштчалар) сохаларидаги Билимлар позициясидан бу ҳақда ўйлаганингизда, Сиз дунёга тақдим этган Билимларнинг чуқурлигини анча яхшироқ тушунасан.

**Ригден:** Ким кўркувсиз чуқурликка кириб борса, эртами-кечми Ҳақиқатни билиб олади. Сиртда туриб чуқурликда яширинганининг бузилган аксини кузатиш мумкин, холос...

**Анастасия:** Ҳа, Ҳақиқатни билиш учун чиндан ҳам унинг чуқурлигига шўнғимоқ зарур, буни эса фақатгина Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан амалга ошириш мумкин. Донишмандлар айтганидек, Ҳақиқатни билиш учун ўзинг ҳақингда унутмоқ керак...Мен яна табиий фракталлар ҳақида озроқ гапирмоқчи эдим (лотинча fractus сўзи “бўлиниш”, “сочилиш” дегани) – булар ўз ичкарисида ўзига ўхшаш геометрик шакллардир, суҳбатларимизнинг бирида улар ҳақида эслатган эдингиз. Фракталлар – бу ҳақиқатан ҳам кутилмаган фазовий тузулишлар ва шакллар, гўзаллик ва уйғунликнинг ажиб дунёси! Бу масалалар бўйича ҳам мен ўз билимларимни кенгайттирдим. Дунё ҳақида хали кўп нарса билмаслигим ва ўрганиш жараёнининг ўзи нақадар қизиқарли ва фойдали эканлиги маълум бўлди.



*64-расм. Жюлиа кўплиги*

Фрактал – бу битта нақшнинг кетма-кет тарзда кичиклашиб борувчи нақшидан иборат бўлган геометрик шакл. Ҳақиқатан ҳам, табиатда тузулма бўйича битта бўлган нақшнинг такрорланиши тез-тез учраб туради. Буни ўрганаётган объектни хоҳлаган маротаба катталаштириб ёки кичиклаштириб, кўриш мумкин. Фракталларнинг ўз-ўзига ўхшашлик каби хусусияти кўплаб объектларда, тизимларда, табиий тузулишларда топилади. Масалан, қор парчаларида, булутларда, оловда, сувнинг турбулент оқимида, дарахтларнинг шох-шаббасида, ДНКда, одамнинг қон айланиш тизимида ва хоказо. Фракталлар кўплаб табиий ходисаларда ва жараёнларда топилган. Бу гўё фазо геометриясининг бошқача мураккаблик даражасидек, бироқ, бизга қачондир гапириб берганингизни инобатга олган холда, менинг тушунишимча, энг мураккаблиси эмас.

Сизнинг маслахатингизга кўра, мен фрактал геометрияси соҳасидаги замонавий илмий ютуқлар билан қизиқдим. Фрактал моделларни ҳозир турли фанларнинг кўпдан-кўп соҳаларида жуда кенг қўлланилишини аниқладим. Масалан, кимёвий кинетикада (юнонча «kinetikos» -“ҳаракат қилдирувчи”). Кимёвий физиканинг мазкур соҳаси биология билан, шунингдек табиатшуносликнинг бошқа соҳалари билан боғлиқлигини инобатга олган холда, мен буни ўрганиш учун нақадар улкан материаллигини тасаввур қилмоқдаман, шу жумладан тиббиёт соҳасида



ҳам. Фрактал моделлар шунингдек антенналар тузулмаларининг яратишда қўлланилади, информатикада трафикни яхшилаш учун, маълумотларни хажмини қисқартириб, ахборотни компакт ҳолатда сақлаш учун, олимлар уларни замонавий интернетнинг муқобил келажаги деб белгиламоқда.

Ундан ташқари, ядровий физикада ва астрономияда элементар зарраларни, Қуёшдаги жараёнларни, Оламдаги галактикаларнинг тарқалишини ўрганиш учун фрактал моделлар қўлланилади. Дарҳақиқат, Сиз ўшанда бизнинг эътиборимизни қаратганингиздек, фрактал хусусиятлар энергияларнинг *спиралсимон* ҳаракатида ҳам топилмоқда. Мен буни билвосита тасдиқларда топдим, ўша кезде физиклар фрактал кластерларни ташқи электр ва магнитли майдонларда спиралларнинг, шунингдек турбулент оқимларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи хулқ-атворини кузатган эдилар. У ерда катта уюрмалар кичикроқларини, улар эса янада кичикроқларини туғдиради ва спиралсимон энергияларнинг бундай бўлиниши олимларга техника имкон берган кўринувчи чегараларгача кузатилган эди.

**Ригден:** Одам кидирганида аслида ўзи тахмин қилганидан ҳам кўпроғини топади. Фракталлар ҳақидаги билимлар замонавий одамлар тахмин қилгандан ҳам қадимийроқдир. Одамлар жамиятида бор-йўғи билимларнинг ўзлаштирилиши, яширилиши, бошқача номланишининг одатий жараёни, авлоддан авлодга, асрдан асрга ўтувчи шухратпарастликнинг одатий ўйинлари кетмоқда.

**Анастасия:** Ҳа, мен Ньютоннинг алгебраик фракталлари ҳақида ўқиган эдим...

**Ригден:** Хўш, бу тарихдаги энг қизиғи эмас...Серпинский учбурчагини эсла – бу польшалик математикнинг XX асрнинг бошида таклиф қилган фрактали.




65-расм. «Серпинский учбурчаги» номли фрактал.

Учбурчақда фракталнинг тўртта тенг томонли тенг учбурчақларга бўлинишининг доимий такрорланиши йўли билан қурилиш жараёни.

**Анастасия:** Э-ҳа, бу ўша, текисликдаги ёпиқ тизимда ўзига ўхшаш учбурчақларнинг такрорланиши жараёнини кузатиш мумкин бўлган учбурчақми?

**Ригден:** Мутлақо тўғри, рекурсия деб номланмиш жараённи, латинча “recursio” - “қайтиш” сўзидан.

**Анастасия:** Ҳа, ўқиганман. Ёдимда, мени Кох қор парчасидаги математик жараённи чуқурлаштирилган физика позициясидан тушунтирганингиз қизиқтириб қўйган эди. Ўшанда мен мазкур қор парчаси ҳақида маълумот излашни бошладим ва параллел равишда бошқа, шу жумладан мазкур ўз-ўзига ўхшаш учбурчақ ҳақида ҳам маълумотларни топдим.



66-расм. “Кох қор парчаси” фрактали.

Чизиқнинг унинг кесмасининг учта тенг қисмларга кўп мартаба бўлиниши ва ўрта қисмнинг худди шундай узунликдаги иккита янги кесмага

*алмаштирилиши йўли билан қор парчасига айланиши жараёнининг иккита мисоли*

Бу мен учун ҳақиқатан қизиқарли кашфиёт эди, мен ўшанда моддий дунёнинг ушбу барча табиий геометрик шакллари ишчи белгилар ҳақидаги азалий Билимлар билан, одамнинг рухий маънавий ривожланиши билан боғлиқ жараёнлари билан, шунингдек, инсониятнинг археологик ўтмиши билан қизиққанимда топган белгилар ва рамзлар билан солиштирган эдим. Буларга шу жумладан, қадим замонларда турли маданиятларнинг вакиллари қояларга, сеҳр-жодули, маросимий, муқаддас расм-русумлар учун мўлжалланган сопол идишларга чизган белгилар ва рамзлар ҳам киради.



*67-расм. Триполье цивилизациясининг тасвирларидаги фракталлар.*

1) расмларни таққослашнинг қулайлиги мақсадида Серпинский учбурчаги келтирилган;

2) Триполье сопол идишларидаги тасвирлар (мил.авв.VI–III минг йилл, Қадимги Европа):

*Илоҳий аёлий табиат кучи Аллатга биноан (учи пастга қаратилган учбурчак) одамнинг рухий маънавий ривожланиши, бошқа ўлчовларга чиқишининг схематик кўрсатилиши.*

**Ригден:** Бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ. Агар ўша Триполье ёки Қадимги Миср цивилизацияларининг рамзларини ва белгиларини олиб, уларни параллел дунёлар, туннеллаш, “Астрал кўзгулар” медитацияси билан солиштирадик...

**Анастасия:** Туннеллаш, “Астрал кўзгулар” медитацияси билан?! Ҳа, албатта, ахир бу физикадаги рекурсия! Астрал туннель нима? Ахир бу чексиз рекурсиянинг классик мисоли-ку, фақат бошқа ўлчовда...Иккита, бир-бирига қарама-қарши қўйилган кўзгулар ўзларининг ўчиб борувчи акс кўринишларидан иккита коридор пайдо қилади – ахир бу физикада маълум бўлган фракталнинг чексиз такрорланишининг мисоли-ку. Қадимгиларнинг нақшлари кўпинча фазолар геометриясини такрорлашини инобатга олсак, демак, қадимгилар ушбу жараёнларнинг

барчаси ҳақида, устига устак, назария эмас, балки амалиёт позициясидан биздан кўпроқ билгани келиб чиқмода.

**Ригден:** Бор-йўғи, замонавий дунёда аксарият кишилар ўзи ушбу билимлар аслида уларга нима учун кераклигини, асосий мақсадни унутишган, шунинг учун, афсуски, барчасини дунёни моддий тушуниш узанига ўтказишмоқда. Нима учун, хатто олимлар ҳам, бир яхлитнинг қисми бўлмиш материаллар, жараёнлар ва ходисалар билан ишлаётиб, ўзларига “Хаётимнинг мақсади нимада экан?” деган саволни такрор ва такрор бермоқда. Ахир илмий асар ҳам оқибатда олимга маънавий жихатларни тушунишга ёрдам бериши мумкин, албатта, агарда у хаётининг энг асосий иши – рухий маънавий ривожланиш билан шуғулланса. Қадимда яшаган кўпдан-кўп одамлар, моддий дунё ҳақидаги билимларга замонавий олим каби эга бўлмаса-да, аммо маънавий билимларга эга бўлган ва асосий нарсани тушунган: ерлик дунё нима ва унинг чегарасидан чиқиш, Рухий Оламга етиб бориш учун, ўзини қандай бошқариш керак.

*Кўзгули акс кўринишлар, ҳоҳ макрокоинот, ҳоҳ микрокоинот томонга чуқурлашувлар бир-бирига ўтиб боришга олиб келади, бу тизимнинг ичкарасидаги Кузатувчи сифатидаги одамда қисмнинг бир бутуннинг чексиз ўхшашлик хиссини тугдиради. Аммо бу хиссийатлар хаёлийдир, зеро материя вақтинча ва ўз намоёндасида чекланган. Ҳақиқий абадийлик одам учун фақатгина Қалбда – ўзининг кесишувларида ўзаро тортиш ва ўзаро ўтиш сохаларини барпо қилган чексиз каттага чиқишга эга бўлган ушбу чексиз кичикда яширинган. Мана шу – қисмнинг бутунга асл чексиз ўхшашлигидир.*

**Анастасия:** Ҳа, Сизнинг сўзларингиз моҳияти – Ҳақиқатдир. Оламнинг асосий қонунлари айнан шундан иборат, деган шундай ички туйғу, қандайдир чуқур тушуниш менда хозиргина пайдо бўлди. Ажойиб ҳолат: аниқ тушунмоқдаман, аммо бу англаш гўё Қалбдан чиқаётгандек, мантиқ ила унинг миқёсини қамраб бўлмайдиганга ўхшаш туйғу.

**Ригден:** Ахир бунга ўхшаганни фақатгина Малакий табиатдан чиқаётган чуқурликдаги туйғулар ёрдамида ўрганиш мумкин-да. Бошқачасига бўлмайди. Ахир одамнинг олтига ўлчовлардаги тузулмаси янги Шахснинг рухан етилиши ва ўзининг Қалби билан қўшилиш имкониятига эга бўлиши учун дунёни ўрганишнинг энг қулай шаклидир. Қайд этаман, тузулма айнан дунёни ўрганиш учун яратилган, асло моддий танада “абадий хаёт”га эришиш учун эмас. Бизнинг жисмоний танамиз – бу, моҳият бўйича, тузулманинг уч ўлчамликдаги

қисмидир, холос! Бор-йўғи янги Шахснинг ўрганиш жараёни айнан ундан бошланади. Шунинг учун хар бир кишида олимнинг потенциал куртаклари мавжуд. Бу дунёни Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан тушуниш муҳим, холос, шунда давр кашфиётлари ҳам ўзини куттириб қўймайди. Замонавий асбобларга эга бўлса-да, одамлар бугунги кунда кўп нарсани кўрмаяпти ва тушунмаяпти. Моддий тафаккур билан улар кўпдан-кўп жараёнларни қамраб ололмайди, чунки учинчи ўлчовдаги чекланган тизимларнинг (ўз жисмоний танаси, Ер ва хоказолар) ташқарисида эмас, балки ичида бўла туриб, ходисаларни кузатишга ва муҳокама қилишга уринади. Гарчи хар бирида бундай – дунёни Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи позициясидан ўрганиш имконияти мавжуд. Рухий амалиётларни бажариш пайтидаги бош мияни қадимий тузулмаларининг ишини, Рухий Олам билан тегишишни ва Оламнинг сирларини билишни ҳеч қандай техникага алмаштира олмайсан.

**Анастасия:** Гапингиз тўғри. Дарҳақиқат, хар бир одам қайсидир маънода, ўз касбидан қатъий назар, тадқиқотчи-олимдир. Хар бир касбда ҳам, энг асосийси нима? Шу ерда ва хозирнинг ўзида хар қандай муносабатларда Инсон бўлиш, биринчи навбатда ўз устида ишлаш. Ўшанда шундай сифатли ички меҳнатнинг натижалари одамнинг ташқи ҳаётида, унинг бошқаларга бераётган ёрдамида акс этади. Жамиятда бундай инсонлар аксариятни ташкил қилса, жамият ҳам бошқача бўлади, ахир хар бир қисм бутуннинг сифатларини ташувчисидир.

**Ригден:** Шубҳасиз...Аммо онгнинг ўзгарган ҳолати сифатидаги медитация мавзусига қайтсак. Бугунги кунда мия фаолияти частоталарининг диапазонлари хилма-хиллиги, атрофимиздаги дунё каби, хали охиргача ўрганилмаган, гарчи илм-фанда мазкур савол бўйича қандайдир тасаввур мавжуд бўлса ҳам. Одам хусусий энергетик майдонга эга ва у маълум нурланишни ишлаб чиқаради. Одамнинг тузулишини уч ўлчамли ўлчовда тадқиқ қилсак ҳам, кўплаб қизиқарли хусусиятларни топиш мумкин. Ўша бош суякни олсак, у турли частоталарнинг яхшигина резонаторидир. Айтиш жоиз, одам яшаётган Ер сайёраси ҳам хусусий энергетик майдонига эга. Ҳаво атмосфераси, аниқроғи ионосфера (50 км дан юқорида жойлашган Ернинг атмосфераси қатламларининг юқори қисми) улкан сферасимон резонатор, у электр ўтказувчанликка эга, унда доимий равишда ионизация ва рекомбинация (лотинча “re-“ – “янгилашиш”, ”ҳаракатнинг тарқорланиши”ни ифодалайдиган сўз қўшимчаси; “combinatio” эса - “бирлашиш”) жараёнлари бўлиб туради.

Одам мана шу хажмли резонаторнинг бўшлиғида яшайди, ва у ёки бу тарзда ўзининг энергетик тузулишига маълум таъсирини хис этади. Ионосферанинг ташқи чегараси, сенга маълум-ки, сайёрани коинот нурланишидан ҳимоя қилувчи “экран” бўлмиш Ер магнитосферасининг ҳам ташқи чегарасидир. Ионосфера туфайли ўша радиотўлқинлар кўп мартаба ундан акс эттирилиб, катта масофаларга тарқалади. Кичик частотали тебранишларни келтирувчи чакмоқлар, атмосфера молекулалари билан резонансга киришганида, ионосферада маълум табиатли ўчмас тебранишларни туғдириши мумкин ва улар сайёранинг атрофида кўп бора айланади.

**Анастасия:** Одамда Хайвоний табиати устувор бўлган ҳолатидаги фикрлардек. Мана шу “электр разрядлар” гоҳида шундай резонансга киришади-ки, умуман ўчмас тебранишлар пайдо бўлиб, мияда кун давомида ёпиқ доира бўйлар айланаверади.

**Ригден:** Хўш, резонанс ўзи нима экан? Резонанс сўзи лотинча “resono” сўздан пайдо бўлган ва “жавобан жарангламоқдаман”, “садо чиқармоқдаман” маъносини билдиради. Бу акс садо! Резонанс ходисаси нооддийдир, у товушли, электр, механик ва бошқа тебраниш жараёнларига таъсир кўрсатади. Ёдингдами, мен қачонлардир Никола Тесла тузган асбоб ҳақида ҳикоя қилган эдим? У бугун “Тесла резонанс-трансформатори” номи билан маълум. Унинг ёрдамида Тесла юқори частотали токларда ўз танасининг нурланишини намоиш қилган эди. Кейинчалик унинг ишланмасини совет кашфиётчиси Семён Кирлиан мукаммалаштирган эди. Шунга биноан одамлар бугунги кунда Кирлиан эффекти деб номланган ходисани кузатишлари мумкин. Унинг ёрдамида юқори частотали ўзгарувчан электр майдонига киритилган турли биологик, ноорганик объектларнинг атрофида ўзига хос ёруғлик гардишини, нурланишни қайд этиш мумкин.

**Анастасия:** Албатта, ёдимда, ўшанда Сиз яна бир қизиқарли тажриба ҳақида гапирган эдингиз: дарахтдан янги узилган баргни бир қисмини тадқиқотчилар кесиб ташлашди, сўнг эса баргни мазкур майдон таъсирига жойлаштиришди, натижада фотосуратда баргнинг кесилган қисмининг фантом тасвири пайдо бўлди. Аслида, бизнинг тилда айтганда, баргнинг бир жисмоний қисми олинган бўлса-да, бутун барг ҳақидаги ахборот сақланиб қолган. Кейинчалик мен мазкур саволда ҳам ўз билимларимни кенгайтирдим. Ростки, кўп қизиқарли маълумотларни топдим, шу жумладан ушбу фавқулотда ходисани касалликларнинг ва одамнинг турли психофизиологик ҳолатларининг диагностикасида қўллаш имкониятлари ўрганилмоқда, чунки мазкур нурланишнинг характери ўрганилаётган объектнинг ҳолатига боғлиқлиги кузатилди.

**Ригден:** Бу масала хозирда ўрганилаётгани, жуда яхши. Бироқ мазкур саволдаги ахамиятли илгарилаш фақатгина олимлар одамнинг энергетик тузулиши ҳақида ҳеч бўлмаса умумий тасаввурга эга бўлганида амалга ошади, ана шунда улар тадқиқотларнинг энг истиқболли йўналишлари ҳақидаги тушунишларга эга бўладилар. Шундай қилиб, маълум бўлишича, резонансли тебранишлар мазкур тебранишларнинг кўзгатувчилари ёнида энг аниқ ифодаланган бўлади. Бундай тебранишлар ўзи нима? Бу муҳитнинг ҳолатини ўзгариши, ўзида энергияни олиб юрувчи кўзғалишлар. Бошқача айтганда, ахборот кириб бориши ҳисобига муҳитнинг ўзгариши содир бўлади. Одамларнинг фикрлари борасида ҳам худди шундай. Сенга фикрлар келганида ва сен уларга эътиборингни қаратганида, сенда маълум эмоциялар фаоллашади. Ва мана шу ахборотли дастур (фикрлар)га биноан пайдо бўлган эмоциялар ўша дастур (фикрлар) билан резонансга киришганида, “ўчмас тебранишлар” пайдо бўлади, улар одамнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Кўпинча бундай ҳолат Шахсга ёнбош Маҳлуқотлар томонидан хужум қилинганда рўй беради. Аммо буларнинг барчаси, биринчи навбатда, одамнинг танлови натижасидир!. Ахир у мазкур жараёни ва унинг сабабларини деярли кузатмайди. Масалан, эрталаб унга бирор фикр келиши мумкин ва одам унга эътиборини беради. Кундузи ёки кечкурун эса – мана шу ахборотли дастурга мос эмоциялар ёпирилиб келиши мумкин, гарчи одам бу фикр ҳақида ўйламай қўйган бўлса ҳам. Бироқ дастур унга, унинг эътибор кучига биноан, кириб бўлган эди. Мазкур дастур фикрларни ишга туширади, улар эмоциялар билан резонансга киришиб, сен айтгандек, фақат ўчмас тебранишларни туғдиради. Уларнинг кун давомида ёпиқ доира бўйлаб айланиб юришига хайрон қолмасак ҳам бўлади.

Дунёда барчаси ўзаро боғлиқ ва ҳеч нарса изсиз ўтиб кетмайди. Ўша улкан ионосферали резонаторда бир хил частота ва интесивликда, қарама-қарши йўналишда югурувчи тўлқинлар таъсирида турғун деб номланувчи тўлқинлар пайдо бўлади. Турғун тўлқиннинг тебранишининг мисоли бўлиб Хладни шаклчалари билан ўтказилган тажриба хизмат қилиши мумкин, унда металл дискнинг четларига қум сепилган бўлиб, унинг устидан камонча юрғизилади. Пайдо бўлган товуш дискда турғун тўлқинларни кўзгатади, уларнинг тебранишидан маълум геометрик нақш пайдо бўлади. Табиатда турғун тўлқинлар намунаси – бу Шуман тўлқинлари, улар содир этган резонанс самараси эса – Шуман резонанси сифатида маълум бўлган ионосферали резонатордаги тебранишлардир. Бугунги кунда Шуман резонансининг частотаси 7,83Гц га тенглигини ва тўлқинларнинг частотанинг ўхшаш диапазолида одамнинг бош мияси билан, шу жумладан, альфа-ритм частоталари билан резонансда бўлишини олимлар ҳисоблашди.

Умуман олганда, частоталарнинг мазкур диапазони одамлар тахмин қилгандек оддий эмас. Аммо, уни хар томонлама ўрганишнинг истаги бўлса, бўлди. Ахир хозирнинг ўзида шундай тушуниш мавжудки, альфа-ритм учун турли модуляциялар, тўлқинлар (*урчук*) амплитудасининг кўтарилиши ва пасайишининг алмашилиши, “тўсатдан” пайдо бўлувчи ўзгаришлар хосдир. Дарвоқе, эътиборни шунга қаратмоқчиманки, онгнинг, мисол учун, туш каби ўзгарган ҳолатида (унда 1-4 Гц га тенг частотали дельта-ритм пайдо бўлади) тўлқинлар (*урчук*) таламус ядроларида (оралиқ миянинг асосий қисмида – кўриш бўртмасида), аниқроғи, унинг ретикуляр хужайраларида тўпланиб боради...

**Анастасия:** Бошқача айтганда, оралиқ мияда. Ҳа, яқинда Сиз тўртта Маҳлуқот медитациясини тушунтиришда оралиқ мия ҳақида нималар ҳикоя қилганингизни инобатга олсак, қизиқарли таққослашлар келиб чиқмоқда. Ахир, таламус, оралиқ миянинг асосий қисми сифатида, бу асосий қобиқости марказдир, унга сезгиларнинг барча турларининг импульслари келиб тушади, унда, хусусан, уларнинг тахлили ва синтези содир бўлади, сўнг эса бош миянинг турли қисмлари бўйлаб қайта тақсимланади. Таламуснинг ўша ретикуляр ядроси бош миянинг янги, эски ва қадимги қобиғи билан, бошқа таламик ядролар билан боғлиқ. Номи ҳам шундай – таламус, юнонча “*thalamos*”, “яшаш жойи, хона” маъносини билдиради. Худди бош миядаги бир ҳолатнинг бошқасига ўзгариши, айтайлик, нозик энергияларнинг кўпол тўлқинга қайта ташкил бўлиши рўй берадиган жой борлигини олдиндан билишгандек, шундай номлашган. Ретикуляр формация умуман олганда – бу универсал тизимдир (лотинча “*reticulum*” – “сеткача”, “*formatio*” – “шаклланиш”). Уни бежизга “миядаги мия” деб айтишмайди. У бош мия билан ҳам, орқа мия билан ҳам боғлиқ.

**Ригден:** Унданда кўпроқ, худди альфа-ритм частотасидагидек частотада ишлайдиган бошқа ритмлар ҳам ўрганилмоқда, бироқ улар бошқача тўлқин узунлигига эга, уларни энди миянинг бошқа соҳаларида қайд қилишмоқда. Масалан, олимлар томонидан мю-ритм деб ном олган ритмнинг частоталар диапазони 7-11 Гц га тенг (электрэнцефалограммадаги тўлқинлар шакли юнон алифбосининг  $\mu$  (мю) харфини эслатади). Бугунги кунда илм-фан мю-ритмни кўзгули нейронларнинг уйғунлаштирилган ишини фаоллигининг ўзига хос акс кўриниши деб тахмин қилиши қизиқарлидир...

**Анастасия:** Ҳа, 90-чи йиллар ўртасида Сиз билан кўзгули нейронлар ҳақида бўлиб ўтган ўша эсталик суҳбатимиз ёдимда. Аммо кутубхоналарда мазкур маълумотни қанча кидирмайин, у йўқ эди. Ва



анча кейин, бир неча йиллар ўтиб, ахборот воситаларида Сиз эслатган ноёб тажрибалар ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Ўшанда олимлар хайвонларнинг маълум ҳаракатларни бажариши вақтида фаоллашувчи командалари нейронларнинг ишини маймунларда ўрганган эди. Кутилмаганда улар кўзгули деб ном олган нейронларни ҳам кашф қилишди, бу нейронлар ҳатто макакалар таниш ҳаракатни томоша қилган пайтида ҳам ишга тушган. Бошқача айтганда, кўзгули нейронлар шундай фаоллашар эдики, гўё маймун, масалан, столда турган ерёнғокни олиб еганидек эди, гарчи аслида у бор-йўғи бошқа маймуннинг шу ҳаракатларини томоша қилиб турган бўлса ҳам. Унданда кўпроғи, нафақат хайвонлар устида, балки одамлар устида ҳам ўтказилган шунга ўхшаш тажрибаларнинг натижалари ҳақидаги маълумот пайдо бўлди. Мени шунингдек Сизнинг эмпатиянинг пайдо бўлиш табиати ҳақидаги ҳикоянгиз ҳам қизиқтириб қўйди (юнонча “empathia” сўзи “ҳамдардлик” маъносини билдиради) – бу одамнинг бошқа одамни қайғуларига ҳамдардлик билдириши, олимлар буни бошқа онгни тушуниш механизмлари деб номлашади. Сизнинг барча юқорида айтганларингизни инобатга олсак, бу мазкур ходисанинг умумий картинасида етишмаётган бўлақларини намён қилмоқда, холос. Сизнинг маълумотларингиз ҳақиқатан ҳам ноёбдир, улар умуминсоний аҳамиятга эга ғаройиб, индивидуал ва эволюцион кашфиётларни амалга ошириш учун мақсадли изланишлар векторини бермоқда.

**Ригден:** Умуман, кўзгули нейронлар мавзуси ўз ичида кўп қизиқарли нарсаларни яширган. Аммо одамнинг кўринмас табиати ҳақидаги таянч тушунчаларигача, ахборотни онгнинг ўзгарган ҳолатлари орқали кенгайган холда, хусусан, рухий маънавий ривожланишга йўналтирилган турли рухий амалиётлар ва медитациялар орқали идрок қилиш имкониятларигача етиб борганидагина, инсоният ушбу маълумотнинг тўлиқ ҳажмига эга бўлади.

**Анастасия:** Бу илм-фаннинг ривожланишидаги жиддий эволюцион сакраш бўлади, у телепатиянинг, одамнинг турли шароитларга, шу жумладан, коинот муҳитига, параллел ва бошқача ўлчовларга тезкор адаптациясининг, олдиндан кўришнинг, воқеаларни ва ҳаракатларни моделлаштиришнинг механизмларини тушунишга олиб келади.

**Ригден:** Кўзгули нейронлар – бу, келажакда одамнинг умумий тузулишининг реал механизмларнинг ишини тушунишга олиб келиши мумкин бўлган йўлидаги бор-йўғи кичик қадамдир: айнан қандай қилиб одам бошқа одамнинг хиссиётларини, эмоцияларини, ахборотни суҳбатдош ҳақидаги вербал ёки визуал ахборот келгунга қадар ўқий олади. Табиийки, бу инсониятнинг келажаги бўлсагина.

**Анастасия:** Ҳа, одамнинг танлови...Барчаси унга таянган.

**Ригден:** Нейрон фаоллик электр табиатга қисмангина эга. Мия фаолиятининг жуда кўп жихатини одамлар ҳали тушунмайди ва “кўрмайди”, чунки бошқа ўлчовларнинг нозик энергияларини қайд этувчи асбобларга ҳали эга эмас. Вахоланки, кўринмас дунёни ўрганишдаги энг зўр асбоб ҳақида гапирсак, бу, шубҳасиз, одамнинг ўзидир, у бошқача дунёларга ва ўлчовларга кириб бориш қобилияти билан таъминланган...

**Анастасия:** Бошқача айтганда, одам масалани кўйиб, унинг тайёр жавобини бу жараёни йўлдошлари бўлмиш ходисаларнинг барча хусусийликларисиз ва нозикликларисиз ва унинг ҳаракат механизмларисиз қабул қилиши мумкин. Яъни, олимлар тилида айтганда, назарий ҳисобларни сакраб ўтиб, амалий натижани олиш. Гарчи, ўзини материалистман деб ҳисоблаган олимлар учун бу нонсенсдек жарангласа ҳам.

**Ригден:** Ҳа, энди, бу худди ишонч нима: билим сўзининг антонимими ёки синонимими? тушунишга эга бўлиш билан баробар. Ахир **билимсиз ишонч гумонларни туғдиради. Гумонлар ёрдамида Ҳақиқатни тушуниб бўлмайди. Ҳақиқатни тушунмаслик ишончни маъносиз ва бўм-бўш қилади. Билимлар эса гумонларга йўл қўймайди, чунки Ҳақиқатни тушунишини беради. Ҳақиқатни тушуниш ишончни билим билан тўлдиради. Ва билим билан тўлдирилган ишончгина асл ишончдир.**

**Анастасия:** Ҳаётда ҳам худди шундай бўлади. Кишининг турли медитацияларнинг бутун мажмуасини бажаришга уриниши, аммо ўзи ўзгаргиси келмай, ўз устида ишламай, худбинлик, барчада ўз ахамиятлилигини қониқтириш ва ҳамманинг устидан хокимиятга эгалик қилиш истагида қолиш билан боғлиқ вазиятларга кўп бора дуч келганман. Бундай одамлар шубҳа-гумонларга, кибрга, оддий ҳақиқатларни тушунмасликка тез-тез учраб туради. Бироқ мен бошқа одамларни ҳам кўрганман, улар ҳар куни ўз устида ишлашга ҳаракат қилади ва худди ўша медитацияларнинг натижаси уларда мутлақо бошқача. Ҳар бир кунда Инсон бўлишга интилиб, ўзини ривожлантириб бориб, руҳий амалиётларни бажариб, улар гапирмас Билимни тушунишни бошлайди ва асл ишончга эга бўладилар. Айнан шундай, руҳий маънавий меҳнатсеварликка эга бўлган инсонлар учун таянч медитациялардан бири бўлмиш – “Пирамида” медитациясини ўргатишингизни хоҳлардим.

**Ригден:** Бу борада қадимги шарқ донишмандларининг куйидаги фикрлари мавжуд: агарда бир одам хаёти давомида кўп маротаба кўплаб одамлар устидан жангларда ғалаба қозонган бўлса, бошқаси эса хаётида фақат ўзини енгган бўлса, у холда иккинчисининг ғалабаси биринчиникидан каттароқдир. Ахир инсон учун барча бошқа одамларни енгилдан кўра ўзини енгил муҳимроқ. Умид қиламан-ки, хозир маълум бўлган билимларни инобатга олган холда одамлар “Пирамида” медитациясини чуқурроқ тушунадилар.

Шундай қилиб, айтиб ўтганимдек, юқори ўлчов Кузатувчиси позициясидан одамнинг тузулмаси уч ўлчамли дунёдагидек кўринмайди (оёқ-қўли, боши ва жисми билан). У мураккаб шаклдек кўринади ва, ўч ўлчамли ўлчов яшовчисига тушунарли бўлган энг яқин ўхшатишни танласак, кўпроқ тўртқиррали учи кесилган пирамидага ўхшайди. “Пирамида” медитацияси туфайли одам ўзининг энергетик тузулмасини хис этиши, ўзининг идрокини кенгайтириши ва, энг асосийси, ўз Қалбини хис этиши мумкин.

**“Пирамида” медитациясини** иложи борича нилюфар гули холатида ўтириб, ёки оёқларини “туркча” буклаган холда, қўлларини кафт томони билан тиззаларига кўйиб, бажариш керак. Аммо, бирор сабабга кўра, одамнинг бундай холатда узоқ ўтиришнинг иложи бўлмаса, медитацияни, масалан, стулда ўтириб ҳам бажариш мумкин. Энг асосийси – одамнинг ичкарасида содир бўлаётган, рухий жараёнлар.

*Шундай қилиб, кўзларимизни юмамиз, ўзимизни медитацияни бажаришига ростлаймиз, тинчланиб оламиз, танамизни тинчлантирамиз, ақлимизни фикрлардан, кечинмалардан, эмоционал кўтарилишлардан озод қиламиз. Хуллас, онгнинг ўзгарган холати – медитацияга тўлақонли кириб борамиз. Медитация холатида бўла туриб, ўзимизнинг тўртта Маҳлуқотлар билан боглиқ энергетик тузилишимизни кўриб чиқишни бошлаймиз. Яъни, учи кесилган пирамиданинг ичкарасида турган Кузатувчи сифатида кесик пирамиданинг “тирик томонлари” шаклидаги Ўнг, Чап, Орқа, Олд маҳлуқотларни хис этиши зарур. Мазкур томонлар одамнинг жисмоний танасидан тахминан узатилган қўли масофасида жойлашган.*

**Анастасия:** Мажозий маънода, медитация бажарувчисининг олдида узатилган қўли масофасида, шартли равишда кесик пирамиданинг олд девори кўринишида, тирик энергетик майдон мавжуд. Худди шундай – икки ёнбошда ва орқада. Ушбу майдонлар тўртбурчакли асосни ташкил қилади, унинг ўртасида нилюфар гули холатида одам ўтирибди.

**Ригден:** Ҳа. Мазкур тўртта Маҳлуқот, бизнинг энергомайдонимиз, ёки, бошқача айтганда, шахсий фазомизнинг чегарачиларидек. *Шахсий фазо* – ўзи нима? Жисмоний тана билан тўртта Маҳлуқотлар орасида фазо мавжуд, бу оралиқ 7 сантиметрдан 1 метргача ташкил этади. Шахсий фазо ўзининг хажми бўйича одам танасидан каттароқ бўлган четлари ювилиб кетган овал шаклини эслатади (қадимда уни “тухум” ёки “балиқ пуфаги” деб аташган). Қоидага кўра, белгиларнинг ва рамзларнинг махфий ёзувларида уни овал рамзи билан белгилашади.

Айтиш жоиз, ҳар бир одамнинг шахсий фазоси нотурғундир, яъни у доимий равишда ўз хажмининг чегараларида ўзгариб туради. Бу кўп нарсага боғлиқ, хатто индивиднинг кайфиятининг ўзгаришига ҳам. Бироқ одамлар буни пайқамайди, жисмоний кўриш билан кўрмайди, уни, ва шунга кўра, ўз холатларини бошқариши ҳақида айтмасак ҳам бўлади. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Қайд этиш керак, одамнинг пирамидасимон тузулишидаги энергияларнинг тақсимланиши учинчи ва тўртинчи ўлчовлар Кузатувчиси позициясидан – тананинг, қўлларнинг, оёқларнинг энергетик меридианлари орқали идрок қилинадиган эмас, балки бироз бошқадир. Бу ерда энергиялар, юқорироқ ўлчовлар фазоси геометрияси ва физикасига мувофиқ, пирамиданинг кесувчилари бўйлаб тақсимланади.

Шундай қилиб, кесик пирамиданинг шартли томонлари булар бизнинг тўртта Маҳлуқотларимиздир. Қалб эса мазкур тузилишнинг ўртасида ўзига хос оч рангли пиллага киритилган. Унинг жойлашуви – тузилишнинг тахминан учдан бирининг пастки қисмидир, жисмоний танани оладиган бўлсак, у қуёшли ўрам сатҳида ва қориннинг юқори қисмидадир. Дарвоқе, Шарқда қадимдан пилладаги *Қалбни* рамзий маънода *чизаноқ ичидаги марварид* кўринишида тасвирлашган. У тузулманинг ичида кўздан яширинган одамнинг рухий маънавий ривожланишининг, Қайта туғилишнинг мўжизаси рамзи эди. Унинг садафли оқлиги эса – рухий маънавий поклик, донолик, мукаммалик ва муқаддас билимнинг рамзи эди. Қайд этиш керак, Қалбнинг мана шундай, марварид билан ўхшатишли киёсланиши барча дунёвий динларда кузатилмоқда. Хиндларда, буддавийликларда марварид – бу рухий кўзларнинг очилиши тимсоли. Христианларда “чўқинтириш сувларидан чиққан бебаҳо марварид” Қалб ва Худонинг Онаси, Унинг рухий маънавий софлиги тушунчаси билан бирлашган. Исломдаги эътиқодга кўра марварид Худонинг исмларидан биридир, охираат дунёсида тақволи Қалблар атрофидаги сфералар айнан марваридларни ҳосил қилади. Бундай ўхшатишлар рухий кўриш билан боғлиқ, чунки медитацияни бажарувчи маълум рухий амалиётларни бажариш вақтида *гоҳида Қалб жойлашган соҳадаги жараёнларни кўради, уларни ярқираш, Қалбдан чиқаётган, марварид садафининг қуёшда*

*тобланишига ва ярқирашига ўхшаган ёрқин ёруғликнинг уйига қийёслашган.*

**Анастасия:** Қалбнинг реинкарнация пайтидаги қобиғи совунли пуфакнинг юпқа камалакли пардасига ўхшаши ҳақида яна бир яхши мувофиқлик берган эдингиз. Мен бу билимларни “Эзоосмос” китобида қайд этдим.

**Ригден:** Мутлақо тўғри...Одамнинг кесик пирамида сифатидаги тузилиши билан умуман олганда танишиб олдик, энди унинг асосдан айирилган чўққисига ўтамиз. Айнан мана шу ерда, одамнинг бошидан юқорироқ жойлашган пирамиданинг шартли чўққисидан унинг фикрлари туғилади. Бу тахминан бошдан ярим метрча тепада (масофа тахминийдир, чунки ҳар бир одам учун у индивидуал). Уч ўлчамли ўлчовнинг яшовчисининг тушуниши учун одатий одамнинг энергетик тузилиши тахминан шундай кўринишга эга – у тўртқиррали, чўққиси шартли айирилган кесик пирамидага ўхшайди.

Аммо мазкур медитациянинг бажариш техникасига қайтсак...*Шундай қилиб, барча тўртта Маҳлуқотларни хис этмоқ зарур.* Бу худди сен тўртта мутлақо ҳар хил одамларнинг қуршовида турганингдек, улар сенга яқин туришибди ва кўзларни юмиб, бўшашсанг, уларнинг мавжудлигини сенинг шахсий фазоингга маълум босим тарзда этишинг мумкин. *Тўртта Маҳлуқотларни хис этиб бўлгач, пирамиданинг чўққисига ўтамиз.* У ерда биз ўзимизнинг турли фикрларимиз “туғилишининг” бирламчи жараёнини кузатамиз (улар кейин сен “Қушлар ва тош” китобида эслатган, кокодемон ва агатодемон марказлари орқали тубдан ўзгариб, айтайлик, моддий сифатларга эга бўлади; ушбу энергиялар қандай пайдо бўлишини, уларнинг ҳаракат йўллари, ўзаро таъсирларини, тўхтатилишларини кузатамиз. Уларнинг таъсирини даражалаштирамиз, соддароқ айтганда, ушбу жараёнларнинг барчасини кузатамиз, сўнг эса максимал равишда тинчлантирамиз, ёки улардан бутунлай четлашамиз.

Сўнг пирамиданинг чўққисини тарк этамиз ва юқорироққа, моддий дунёдан воз кечган Кузатувчи сатҳига чиқамиз. Бошқача айтганда, биз фикрларимиздан, материядан юқорида бўламиз, ва ерлик, бизни Шахс сифатида у ёки бу тарзда материяга боғловчи нарсалардан воз кечиш холатига етамиз. Кўпинча медитацияни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида бажарувчининг ўз тузулмасидан онгли чиқиши ва уни қушнинг парвози баландлигидан кузатишининг тасавури ёрдам беради. Замонавий ўхшатишларни ишлатсак, онг гўё бу баландликда худди вакуумда, вазнсизлик холатида тургандек бўлади. Малакий табиатдан келиб чиққан Кузатувчининг бундай холати буткул ички

хотиржамликка, онгининг кенгайган холатига, содир бўлаётган жараёнларнинг кузатувининг холислигига эришишга, моддий танадан, фикрлардан четлашишга ва ўзининг энергетик тузулишини янги кўриш позициясидан тадқиқ қилишга ёрдам беради. Ундан сўнг онгининг мана шундай холатида бўла туриб, ташқаридан ўзимизнинг пирамидасимон тузулишимизни ва унда қамалган Қалбни кузатамиз. Сўнг медитациянинг энг ахамиятли қисми содир бўлади. Иложи борича максимал тарзда онгимизни (Шахсимизни) Қалбга яқинлаштирамиз, шу билан буни чуқур хис-туйғули даражада амалга оширамиз. Яъни (Кузатувчи сифатида) пирамиданинг чўққиси, унинг ички энергетик тузулмаси орқали энг марказига – Қалб томон тушиб борамиз. Медитациянинг мазкур қисмини бажаришда мияда одамнинг сувга сакраганида чуқурликка шўнғишига ўхшатиш пайдо бўлади, бироқ ушбу жисмоний жараёнга хос босим хис этилмайди. Энергетик жараёнларга табиатан ўта сезувчан одамлар, айниқса интуитив идроки ривожланган одамлар бундай шўнғишда хатто онгининг иш режимини янги, хали номаълум бўлган хис-туйғули идрокнинг даражаларига аста-секин ўтишининг фазаларини ҳам пайқайди.

Шундай қилиб, Рухий Оламнинг зарчаси жойланган пирамиданинг марказидаги ёрқираган пиллага максимал яқинлашиш керак. Сўнг эса у билан чуқур туйғулар сатхида тегишмоқ лозим. Албатта, Қалбни охиргача хис этиш ва унинг рухий чуқурлигини қамраб олишнинг одам учун иложи йўқ, токи у руҳан етилиб у билан қўшилмагунича. Бироқ хатто туйғуларнинг мана шу тегишиши ҳам, масалан, ўша буддавийликларда Нирвана билан тегишиш дейилади, бошқаларда – мархаматли холат, бахт-саодат холати, уйғунликка эришиш ва хоказо.

Мазкур медитацияга биноан ўзини, ўзининг мураккаб кўп ўлчамли тузилишини чуқурроқ тушуниш, кўплаб фикрларнинг келиб-кетиши бизнинг “иродамизга” биноан эмаслигини англаш мумкин. Аммо бизда уларни кузатиш, уларга таъсир этиш, улардан воз кечиш, уларни тўхтатиш имконияти мавжуд. Энг асосийси мана шу медитация ёрдамида одам Шахс сифатида нафақат илоҳий ҳозирлик, балки ўз Қалби билан алоқа тажрибасига эга бўлади, у билан доимий алоқанинг бир миқдор кўникмаларини кўпайтиради, Қалб одамнинг бутун тузилишининг энг асосий, энг муҳим қисми эканлигини амалиётда англайди. Қалб – бу сенинг ўзинг, лекин ҳақиқий. Олти ўлчовдаги қолган энергетик тузулиш унинг атрофида қурилган. Мазкур медитацияда одам ўзининг бутун борлигининг мутлақо бошқа идрокига эга бўлади, ўзини Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи сифатида ўрганади.

Мазкур медитацияни бажариш вақти, ҳар қандай бошқа руҳий амалиётдагидек, индивидуалдир. Бошланишига уни 20 дақиқа бажаришни маслаҳат бераман. Ҳоҳ қунига бир маротаба, ҳоҳ бир неча маротаба, қандай қулай бўлса бажаринг. Асосийси – сифатли бажариш. Кейинчалик медитация вақтини, масалан, 30 дақиқагача узайтирса бўлади. Лекин, такрорлайман, мазкур жараёнда асосийси вақт эмас, балки айнан ички кечинмалар, Қалб билан чуқур руҳий туйғули алоқани ўрнатиш.

**Анастасия:** Ушбу медитация ҳақиқатан ноёбдир. Шахсий тажрибамдан айтишим мумкин, мазкур руҳий амалиётни бажаришни энди бошлаганимда ва унга бир миқдор ишлов беришининг тажрибасига эга бўлганимдаги хис-туйғуларда аҳамиятли фарқ мавжуд. Бошланишида руҳий амалиётнинг, айтайлик, “фазо геометриясида” бажариш каби янги тушуниш билан боғлиқ техникасининг ўзи менга ноодатий туюлган эди. Ахир унда мен учун ўша лаҳзага табиий бўлиб қолган чакранлар билан ишлаш, энергиянинг энергетик меридианлар бўйлаб ҳаракатининг сезгиси ва хоказолар йўқ эди. Аммо шуниси билан ҳам у қизиқарлидир.

Бошланишида барчаси менда фақат тасаввуримда амалга ошар эди, афтидан, ўшанда мен хали онгнинг ўзгарган ҳолатига тўлақонли киришни билмаганим учундир. Аммо кейинчалик, мазкур медитацияга ҳар қуни уйда ишлов беришим оқибатида, ғаройиб сезгилар пайдо бўлди. Масалан, онг ҳолатининг биридан бошқасига ўтиш лаҳзасини пайқашни бошладим, Қалбнинг мавжудлигининг ноодий, сўзлар билан таърифлаб бўлмас сезгилари пайдо бўлди. Ва, таърифлаб бўлмас хиссиётларнинг бутун бошли гаммасини тушуниш учун, одам шахсий медитатив тажрибасини эгаллаши керак деганингизда, Сиз мутлақо ҳақсиз.

Ва медитация жараёнидаги вақтни хис этиш бўйича бир-нечта қайдлар. Аввалари, илк руҳий амалиётларни энди ўзлаштиришни бошлаганимизда, мен учун медитацияда 20-30 дақиқа ўтказиш жуда сезиларли эди. Энди тушунаман, одатий фикрлаш режимида, аслида, тетиклик ҳолатида бўлганимда, иш жараёнида танага эътибор берасан. Бундай ҳолатда танани, атрофингни яхши хис этасан, вақти-вақти билан миямда сени чалғитувчи фикрлар пайдо бўлаверади ва медитация шартли ўтади, чунки асосан сенинг тасаввуринг ишлайди.

Энди эса, кўп йиллар ўтиб, “Пирамида” медитациясини бажарганимда ва ҳақиқатан ҳам онгнинг ўзгарган ҳолатига кирганимда, сен учун гўё вақт ва фазо, ва умуман, уч ўлчамли дунёнинг бутун қўпол реаллиги мавжуд бўлмай қолади. Сен бор-йўғи мазкур жараёни ишга

туширасан, Қалбинг томон юрасан, сени эса гўё нариги, рухий томондан ушлаб олишгандек бўлади, Олд маҳлуқот фаол ишини бошлайди...


Медитациянинг ушбу босқичида энди рўй бераётгани, албатта, унинг ўзлаштиришга илк уринишларидаги билан таққослаб бўлмасдир. Шу билан ушбу рухий амалиётда бир хиллик йўқ: хар гал рухий амалиётнинг бажарилиши янги англашни, хиссиётларнинг янада тўйинган гаммасини ва жараёнларни-ю кўринмас даражадаги ўзгаришларнинг яққол тушунишини беради. Сен энди мазкур ҳолат билан яшайсан ва медитациядан чиққанингда, худди бирор кадрдон ва яқин нарсани тарк этаётгандек бўласан ва уни яна хис қилишингни лаҳзасини кутасан. Бундан уни янада кўпроқ ва кўпроқ ишлов беришнинг фаол истаги ва интилиш пайдо бўлади, чунки унда кўпроқ бўлишингни хоҳлайсан. Ахир ушбу ғаройиб ҳолатда нимадир жуда кадрдон, яқин нарсани, нооддий қулайликни хис этишни, мия билан онгнинг одатий ҳолатида билиб бўлмас, чуқурликдаги жараёнларни аниқ англашни бошлайсан. Асосийси, мазкур медитациядан чиқаётганингда, ўша нозик дунё билан уч ўлчамли ўлчовнинг материяси орасидаги ахамиятли фарқни хис этасан. Бизнинг реалликдаги жуда кўп жараёнлар кўпол моддий энергияларнинг ишидек хис этилишни бошлайди. Ажабланарлиси, медитация ҳолатида ўз мавжудлигининг равшан ва аниқ маъносига эга бўласан ва дунёвий ҳаётда сени ҳавотирга солганнинг кўпгинаси бўм-бўш ва кулгили туюлади. У ёқда ҳақиқий ҳаётини қадриятлар нималигини тўлақонли англайсан – Қалбинг учун қадриятлар. Ва мана шу ноёб тажриба гўё сенинг уч ўлчамликдаги ҳаётингга ўзига хос рухий маънавий изини қолдираётгандек. Бу эса, ўз навбатида, ўз маънавий-ҳаётини ориентирларни йўқотмасликка имкон беради, ўз устингда тиришқоқлик билан ишлашингга, ўз фикрларингни, ҳолатларингни кузатишингга, Хайвоний табиатининг провокацияларига йўл қўймасликка ундайди. Рухий Маънавий тажриба қалб хотиржамлиги ва қулайлиги хиссини туғдирувчи ҳақиқий бахт нимадалигини ва нима учун бу дунёнинг ҳаёлий иллюзияси ортидан қувишнинг ҳожати йўқлигини тушунишга ёрдам беради. Энг асосийси, сен аслида кимлигингни ва бу ерда мавжудлигингни маъносини тушунишига эга бўласан.

**Ригден:** Фазо ва вақт бу дунёда поғонали табиатга эга. Барча моддий нарсалар – узлукли, сакраб ўтиш орқали рўй берувчидир – барчаси эзоосмос. Ушбу моддий дунё нотурғун, вақтинчадир. Худонинг дунёси, Рухий Олам эса – у барқарор ва абадий. Мазкур медитациядан сўнг, ҳақиқатан ҳам, хатто онгнинг одатий ҳолатида, эгалланган тажрибага биноан Қалбдан чиқаётган мана шу чуқурликдаги туйғуларни, у билан



шу нозик алоқани, чексиз рухий Мухаббат туйғусини, кадрдон уйни – Нирвана ва Мангуликни хис этиш мумкин.


Қачонлардир қадимда мазкур медитация одамлар жамиятида ўзини мукаммалаштиришнинг ҳаммага маълум техникаси эди, чуқурликдаги туйғуларнинг, Шахснинг Қалб билан туйғули алоқасини ўрнатишнинг таянч техникаларидан бири эди. Аммо бора-бора жамият онгининг материализацияси жараёни содир бўлгани сайин, мазкур медитатив техникани, дарвоқе, маънавий Билимларнинг кўпчилигини каби, унутишни, йўқотишни, гоҳида эса унинг эслатмаларини атайлаб йўқ қилишни бошлашди. Жамият ҳақиқий маънавий Билимларга эгалигида, уларни одамларнинг дунёни тушунишдаги яққол англаган энг мухим рамзлар кўринишида кейинги авлодларга узатишган. Масалан, “Пирамида” медитацияси қия хоч ва марказида бўш доирага эга квадрат рамзи (рамзнинг тўлиқ варианты) билан белгиланар эди.



*68-расм. “Пирамида” медитациясининг рамзий белгиланиши.*

**Анастасия:** Биласизми, мазкур медитацияни илк бора тушунтириб, энергиялар пирамиданинг кесимлари бўйлаб тарқалишини айтганингизда, кейинчалик мен қизиқувчанлик билан геометрия дарслиklarини кўриб чиқдим ва мактабда ўқиш кезларида эътиборимдан четда қолиб кетган жойларини янада катта қизиқувчанлик билан ўқидим. Масалан, пирамидани кесувчи ва унинг асосига параллел тарзда ўтказилган текислик ўхшаш пирамидани хосил қилади. Агарда тўртқиррали пирамидани асосга параллел бир нечта текислик билан кесиб, сўнг асоснинг текислигига ушбу кесимларни проекцияларини ўтказсак, натижада бир-бирига чизилган бир нечта квадратларга эга бўламиз. Квадрат эса, маълум бўлишича, барча моддий нарсаларнинг рамзидир. Хуллас, ушбу кўшимча маълумот туфайли, медитацияда рўй берадиган жараёнлар ҳақида ҳам мен кўпроқ тушунадиган бўлдим. Хар томонлама билимларга эга бўлиш одам учун нақадар мухим, хар холда.

**Ригден:** Пирамида геометрияси физика билан қалин боғлиқ. Шунга ўхшаш тузилишга ва керакли Билимларга эга бўла туриб, табиий физика қонунларига биноан, ўлчовларнинг... ўзаро алоқаси туфайли маълум таъсирларни келтириб чиқариш мумкин. Хусусан, бу ҳақда қоҳинлар билган эди, уларнинг қўлида дастлабки рухий амалиётлар ҳақидаги маълумотлар бор эди. Археологик фактларга – қадимий пирамидасимон иншоотларга эътибор бериш кифоя. Ва уларнинг деярли барчаси ибодат билан, маросимлар билан, диний дунёқараш билан боғлиқ жуда муҳим аҳамиятга эгаллиги, ғайритабиий кучларнинг тимсоли бўлганлиги ва дунёнинг маълум хусусиятларининг намоёнчасини мужассам қилганлиги учун одамлар томонидан илоҳийлаштирилгани ҳақидаги маълумотлар билан одам тўқнашади.



*69-расм. Пирамида ва унинг асосининг схемаси.*

*Схемада пирамиданинг тузилиши кесим ва горизонтал проекцияда белгиланган.(милод авв II минг йиллик қурилмаси), унда тошли синч ва тўлдирувчиси кўрсатилган. Пирамида асосининг геометрик схемаси ўзгача эътиборга лойиқ.*

**Анастасия:** Ха, бугунги кунда кўпдан-кўп одамлар Африкадаги қадимий мисрликларнинг пирамидалари, Марказий ва жанубий Америкадаги қадимий халқларнинг кесик пирамидалари ҳақида билади. Маълумки, Месопотамия (Олд Осиё)да шумерлар ҳам кесик пирамидалар шаклидаги (3-7 поғонали) зинали иншоотларни – зиккуратларни қуришган. Уларнинг тепасида муқаддас ибодатхоналарни ўрнатган. Бутун мажмуа уларда “осмон билан Ернинг алоқаси”, мистик, муқаддас марказнинг рамзи бўлган.

**Ригден:** Унданда кўпроқ, пирамиданинг рамзий белгилари билан одамнинг ўлимидан кейинги тақдирини ҳам боғлашган. Мисол учун, ўша қадимги шумерлар, мисрликлар, бобилликлар...Ёки Сурия, Фаластин, Хитой, Корея, Шимолий Кавказ, Сибир ва хоказо давлатлардаги дафн этиш анъаналарини олсак.

**Анастасия:** Шубхасиз, ушбу қабрлар одатда олтига босқичли пирамидасимон томга эга (афтидан, уларнинг сони одамнинг тузилиши жойлашган ўлчовлар сонига тенг). Қоидага кўра, чўққисида ярим шар кўринишида ёки узунчоқ шаклдаги тош жойлашган. У бошқача дунёнинг (еттинчи ўлчовнинг) рамзи, рухий маънавийликни, ўлган одамнинг донолигини, ёки кетган Қалбнинг рамзи эди. Қабрлар эса хатто квадрат шаклда ҳам учрамоқда.

**Ригден:** Кўпчилик халқлар қабрни пирамидага ўхшаш кўрғон қилишган...


**Анастасия:** Ҳа, бу қитъалардаги дафн иншоотларининг энг кенг тарқалган туридир. Бу ерда Россия ва Украинанинг чўл кўрғонлари нақадар ахамиятли. Масалан, Россиянинг Калуга вилоятидан Уролгача бўлган худудларда эрамиздан аввал II минг йилликда тарқалган Абашев археологик маданиятининг кўрғонлари. Дарвоқе, унга “олов ва қуёшга топиниш”, геметрик нақш билан бой безалган сопол идишлар хос эди, шунингдек, унинг қатламларида спираллар, тақинчоқлар, нишонлар кўринишида аёлларнинг безаклари топилган. Олтойдаги қадимий қабрларнинг кўрғонлари, масалан, Россиядаги “Олтойлик олтин одам” номли археологик топилма ёки Қозоғистондаги худди шундай – “Иссиққўллик олтин одам” деб ном олган топилма-чи?! Тўпроқли кўрғонлар-пирамидалар Европа ва Осиёнинг чўл худудларида (эрамиздан авв. II асрдан эрамиздан авв. III асргача) яшаган скифларга ҳам хос эди. Ушбу халқ ҳам аёл худодлар ва олимлар томонидан “хайвоний стил” деб ном олган санъат йўналишининг бой муқаддас рамзий ишораларга эга бўлган. Бошқа қитъаларнинг археологик ёдгорликлари, масалан, Шимолий Американинг Миссисипи маданияти – 109та кесик пирамидалар-кўрғонлардан иборат Кахокия (эрамизнинг VII-XIII аслари) ҳақида гапирмаяпман ҳам. Умуман, қайд этмоқ керак, Миссисипи маданияти ҳам белгиларга ва рамзларга етарлича бойдир.

**Ригден:** Сўзсиз, қадимги дунёнинг рамзларига назар ташласак, уларнинг асосида бир хил маънавий билимларни топиш қийин эмас, албатта, агарда улар ҳақида умумий тасаввур мавжуд бўлса...Ёки пирамида кўринишидаги Билимларни узатишнинг бошқа мисолини келтирсам. Шарқда бир-неча минг йилликлар давомида энг қадимий рамзий муқаддас иншоотлардан бири бўлиб ўғир (ступа)лар бўлиб келган. Санскритдан таржима қилганда, ўғир “чўққи, ер тепалик, бир тўда тошлар, тўпроқ” маъносини билдиради. Ўғирни қадимийроқ мозорларга тақлид қилган равишда сардорнинг ёки подшонинг гўри устига ўрнатишган, кейинчалик эса динларнинг рамзий иншооти, “маънавий бойликларни” сақловчиси сифатида ишлатишган.

**Анастасия:** Бу ерда ўқувчи учун кичиккина аниқлаштириш киритиш жоиз. Турли мамлакатларда мазкур иншоотларни ўзича номлашади, масалан, ўғир (Хиндистон), дагоба (Шри-Ланка), субурган (Монголия), «бао та», пагода (буддавийликлар ибодатхонаси, Хитой) ва хоказо. Хозирда ўғир кўпроқ буддавийликлар адабиётида улуғвор ёдгорлик иншооти, Ойдинлашув тимсоли сифатида маълум.

**Ригден:** Албатта, аммо ушбу барча ўғирларга қарасак, квадрат, куб, пирамида ва унинг чўққиси рамзлари кўринишида, қоидага кўра, юқорига қараб ётган ярим ой ва унинг тепасидаги доира, яъни “**АллатРа**” белгиси кўринишидаги бир хил билимлар киритилганини кўриш мумкин.

**Анастасия:** Ҳа, бундай чўққига эга бўла туриб, ўғир “атрофдаги фазога ижобий таъсир” кўрсатувчи иншоот ҳисобланишига хайрон қолмаса ҳам бўлади.



70. –расм. **Шарқнинг архитектуравий диний иншооти – ўғир.**

*Архитектурада қуйидаги рамзлар акс эттирилган: пастки учта погоналар – уч ўлчамли ўлчовнинг рамзи; пирамидасимон тузилиши қўйилган квадрат (тўртта погонаси 4,5,6,7чи ўлчовларга кўрсатмоқда); сўнг рухий трансформациянинг стилизация қилинган рамзи, 13та халқалар, нилюфар гули, иншоотга “**АллатРа**” қадимий белгиси кийдирилган.*

**Ригден:** Дарвоқе, буддавийликда мазкур қадимий архитектуравий иншоотга одамнинг ақлидан келиб чиққан ўзининг қисмини кўшиб кўйиши – “**АллатРа**” белгисининг устидан яна архитектуравий “қимматбаҳо тош” ҳам ўрнатишган.

**Анастасия:** Ахир, мазкур *динда* у “*ақлнинг бузилмас табиатининг ва барча истакларни бажарилишининг*”, “*мистик кучнинг*” тимсоли-да.

**Ригден:** Бир сўз билан айтганда, одамлар одамлигича қолишмоқда...Шундай қилиб, дунёнинг турли қисмларида пирамидасимон иншоотларнинг рамзий ифодаси алоҳида олинган одамнинг ўз Қалбини ўрганиб, у билан кўшилиши учун рухий амалиётлардан бошлаб ўзгача Билимлар ва бутун инсониятнинг рухий маънавий ривожланиши учун Шамбаладан келтирилган ишчи белгиларгача ёдгорлик архитектураси орқали маънавий билимларни узатишда муҳим рол ўйнаган.

**Анастасия:** Маънавий билимлар, пирамида шаклидаги фетиш-предметларнинг рамзий, ассоциатив роли каби, бугунги кунда мазкур қадимий рамзларнинг маъноси аксарият одамлар учун йўқотилган. Бу нарса халқлар тарихида аниқ кузатилмоқда. Пирамида кўринишидаги предметлар қадимги дунё яшовчилари (масалан, хиндлар, мисрликлар, араблар, юнонлар) учун аллақачон диний сиғиниш объектлари бўлган, улар, афсоналарга биноан, ғайритабиий сеҳрли куч билан таъминланган эди. Бизнинг замонни гапирмасак ҳам бўлади. Бугун хатто “фетиш” сўзининг ўзи турли тилларда турлича талқин қилинади: французларда “fetiché” – “санам”, португалларда “feitico” – “афсунгарлик”, лотин тилида эса “facticius” сўзи “сунъий” маъносини билдиради. Турли рамзларга эга қадимги туморларни мана шундай номлашади, вахоланки улар қачондир ассоциатив маънога эга бўлган ва рухий амалиётлар ва билимларни узатиш учун хизмат қилган.

**Ригден:** Бор-йўғи, мазкур ахборот билан тўқнашган замонавий одамлар, кохинлар ва сиёсатчиларнинг жарчилари тиқиштирганидан кўпроғи ҳақида ўйланиб ҳам кўрмайди. Масалан, нима учун узок Хиндистонда қачонлардир яшаб ўтган хинд брахманлари, Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилида хукмронлик қилган финикиялик кохинлар, Европада яшаган друидлар, бир-биридан мустақил равишда турли даврларда пирамидасимон шаклда тўпланган оддий тошлар уйумини муқаддас хисоблаган? Нахотки гап тошларда бўлса?! Хатто шунга ўхшаш саволларни ўрганаётган тадқиқотчилар ҳам, қоидага кўра, ўз ўтмишдошлари берган жавоблар билан чегараланиб қолади, хусусан, гўёки қадимги одамлар учун мазкур шакл Ер ва Осмоннинг бирлашувининг муқаддас рамзи бўлган. Бироқ, нима учун “бирлашув” ва нима учун айнан Ер ва Осмоннинг бирлашуви, ушбу пирамидасимон рамзий ишоралар ортида қандай маънавий билимлар яширинган? Агарда мазкур тадқиқотчилар ўзини маънавий жихатдан мукаммалаштирганида эди, ишончим комил, улар одам ақлидан келиб

чиққан фикрлашни такрорлашдан кўра анча улканроқ маълумотни дунёга беришган бўлар эди.

**Анастасия:** Шубхасиз. Бу ерда хатто “Пирамида” медитациясига жиддий ишлов берилганида унга ҳамроҳ бўлган “самараларни” кўриб чиқадиган бўлсак, нима учун турли халқлар турли замонларда пирамидани ҳам марказ, ҳам муқаддас тоғ, оловли меҳроб ва муқаддас жой деб номлашгани тушунарли бўлиб қолади. Мазкур рухий амалиётларнинг тажрибасининг эгаси учун келажак авлодларга ушбу рухий амалиётнинг маъносини шундай қиёслашлар билан тушунтиришга уринганларни тушуниш қийин эмас.

**Ригден:** Тушуниш қийин эмас, чунки рухий маънавий тажрибанг мавжуд. Бироқ бугунги одамларнинг аксарияти, афсуски, ўзида Қалб мавжудлигини билмайди ҳам, ўзини ўрганишга қаратилган рухий амалиётлар тўғрисида айтмасак ҳам бўлади. Вахоланки ушбу билимлар жисмоний тананинг мавжудлиги учун зарур бўлган ўша озиқ-овқат ва бошқа керакли шароитлардан ҳам муҳимроқдир. Билимсизлик эса маънавийлик тўғрисидаги элементар маълумотларни тушунмаслигига, ақлдан келиб чиқиб талқин қилинишига олиб келади. Хайвоний табиатдан бўлган луғавий бузилишлар натижасида одамлар ўзининг маънавийлигини ташқаридан излаш учун жўнайди. Ўзини, ўз Қалбини ўрганиш ўрнига барчасини излайди: тоғларни, муқаддас жойларни, диний иншоотларни. Оқибатда эса нима?

**Анастасия:** Ҳа, бугунги кунда аксарият одамлар мазкур рухий амалиётнинг бор-йўғи қолдиқларига эга ва уларни алоҳида тушунчалар сифатида идрок қилишади...


**Ригден:** Мутлако тўғри, у ҳам бўлса одам тушуниши томонидан ишлов берилган фалсафа кўринишида. Мазкур қолдиқлар турли халқларнинг умумий Марказ ҳақидаги фалсафий-диний категориясига киритилган (шу жумладан одам маҳлуқотининг ҳам). Бироқ **одамдаги мавжуд Қалбни хар ким ўзича номлашни бошлади:** Худонинг, руҳнинг бевосита яқинлик жойи, Парвардигор истиқомат қилган жой, намоён бўлмаган мавжудликнинг жойи; оламнинг марказида айланувчи ўқ, тинчлик нуктаси; дунёлар орасидаги алоқа, кўплика кетиб барча имкониятларнинг мажмуидан иборат яккаликка қайтиш; доимий “шу ерда ва хозир”; соф мавжудлик, жаннат, Муқаддас жой; мутлоқ реаллик.

Унданда кўпроқ, турли динларда мазкур фалсафани хар ким ўз билганича таърифлади. Масалан, буддавийликда индуизмда Марказ – бу Ичкаридаги Гувоҳ, шартсизликнинг жойи, яхлитлик жойи, вақтнинг


чегараси ортида жойлашган нукта, Ишвара. Дарвоқе, сўнггиси санскритдан “хоким”, луғавий маънода “шахсий Худо”, мустақил мавждулик, одамдаги илоҳий Рух деб таржима қилинади. “Ишвара” унвони Хиндистоннинг турли худоларига, шунингдек, дунё сабабининг, илоҳий тимсол шаклининг, қудратлилик ва барчасидан хабардорлик атрибутининг ифодасига қўшимча қилиб ёзилади.

**Анастасия:** Ҳа, Хиндистоннинг турли диний-фалсафий мактабларининг вакиллари хануз ушбу тушунча ҳақида бахслашмоқда, шу билан ҳар бири уни ўз ақлидан келиб чиқиб талқин қилишга уринмоқда.

**Ригден:** Аммо, ахир рухий чўққиларга эришганларга сўзлар керак эмас, зеро инсон мазкур ходисанинг моҳиятини ички рухий тушунишига эга бўлади...Ўша буддавийликда рухий “марказ” Нирвана, Ойдинлашув деган маънони билдиради. Дарвоқе, аввал айтиб ўтганимдек, ушбу динда маълум визуал медитатив амалиётларда мандалани ишлатишади (санскритдан таржима қилганда – “доира”, “шар” дегани). Бу схематик тарзда тасвирланган геометрик композиция ёки тузулишдир, у, ойдинлашув равшанлигини берувчи рухий марказга интилиш сифатидаги Оламнинг рухий ва коинот марказини тимсолидир. Аммо у айнан қандай шаклда? Одатда бу *квадрат* билан чегараланган *доира* ёки *учбурчаклар*, кўпинча чўққиси пастга қаратилган, марказдаги марказий рамзи (*доира*) билан. Қоидага кўра, у тўрт қисмга ёки тўрт рақамга бўлинувчи қисмлар сонига бўлинган. Ёки, мандаланинг энг содда шакли бўлмиш янтрани олсак (санскритдан таржима қилганда – “тумор”, сеҳрли расм”). Бу геометрик шакллардан тузилган композициянинг схематик тасвиридир, у индуизмдаги, буддавийликдаги медитатив амалиётларда медитация пайтидаги эътиборни ичкарида жамлаш жараёнларини кучайтириш учун қўлланилади. У, қоидага кўра, квадратга чизилган доиралар, учбурчаклар, нилуфар гулининг, нукта (марказ, нол)нинг схематик тасвиридан иборат. Ёдгорлик иншоотлар ҳақида гапирадиган бўлсак, хиндларнинг, буддавийларнинг, джайнийларнинг ибодатхоналарини аксариятининг архитектуравий жойлашуви янтралардан иборат.



1



2

**71-расм. Мандала, янтра.**

*Мисоллар:*


- 1) *марказида нуқтаси бор доира, олтига поғона ва тўртта қисмга бўлинган қўртқиррали пирамида шаклидаги мандала;*
- 2) *кали-янтра (“кала” санскритда “вақт” маъносини билдиради, мазкур сўзнинг илдизи айланишини ифодаловчи хинд-европа илдизига бориб тақалади, рус тилида унга маънодош сўз “коло” сўзидир); индуизм мифологиясида Оламнинг даврий яратилиши ва бузилиши, Қалбнинг ва тақдир субъектининг қайта туғилиши тушунишидаги вақтнинг доиравий айланишини ифодалайди.*

Умуман, қайд этиш жоиз, маънавий билимларнинг умумий маънавий рамзий ишорасига кўрсатувчи квадратсимон тузулма, бошқа динларга тегишли бўлган ибодатхоналарнинг архитектуравий жойлашувида ҳам акс эттирилган. Мисол учун, Қадимги Хитойнинг ибодатхона-монастирлар мажмуалари ўз асосида квадрат ва доирага эга бўлган. Ўша, мамлакатдаги энг катта, машхур “Осмон ибодатхонаси” планировка бўйича икки қисмга бўлинган: бири квадрат шаклида (Ернинг рамзи, ерлик кучлар), иккинчиси – доира шаклида (доира – Осмон рамзи, осмон кучлари). Хитойда квадрат ва доиранинг (Ер ва Осмоннинг) биргаликдаги тасвири хозир ҳам (маънавий маънода) идеал уйғулашган одамнинг тимсолидир. Бошқа мисол, Каабага тўғриланган мусулмон масжидлари ҳам квадрат ёки тўртбурчак шаклида...

**Анастасия:** Христианлар ибодатхоналари ҳақида гапириб берганингиздек, бу ҳақда ҳам қачонлардир сўзлаган эдингиз. Христианларнинг квадрифолийси (“тўрт япроқли”, лотинча “quadri” – “тўрт қарра”, “folium” – “барг” сўзларидан) – крест-гумбазли турдаги ибодатхона, унинг тўртта шохлари “осмон гумбазини” ифода қилувчи гумбазсимон юмалоқлар билан тугайди. Бундай ибодатхоналарнинг юнонча номи – тетраконх (“тўрт япроқли”, юнонча “tetras” – “тўртта”, “konche” – “чаноқ”, “уюрма”, “спирал бўйлаб айлантирилган”) деган эдингиз. Мен мазкур савол билан қизиқдим ва кўпдан кўп қизиқарли фактларни топдим. Бундай иншоотлар нафақат Қадимий Русьда, балки Византияда, Кавказорти давлатларида (Армения, Грузияда), Форсда (Эронда), Хиндистонда ва бошқа қадимий давлатларда ҳам оммабоп эди. Ғарбга улар эллинистик маданият орқали келган, у эса кўп нарсани Қадимги Шарқ маданиятларидан ўзлаштирган. Аммо эътиборлиси шундаки, ҳақиқатан ҳам Яқин Шарқнинг, Европанинг эрта христианлар ибодатхоналарида (кейинчалик эса қадимий христианлар ибодатхоналарида) қурбонгоҳни даставвал айнан ибодатхонанинг марказий жойида “кўринмас Худонинг” тахти сифатида ўрнатишган! Яъни ибодатхона марказида – марказий катта гумбазнинг тагида. Ва




анча кейин ибодатхонанинг қурбонгоҳи бинонинг туртиб чиқиб турувчи ғарбий қисмига ўтказилган эди.



72-расм. *Крестли-гумбазли ибодатхона схемаси (квадрифолий).*

**Ригден:** Ибодатхонадаги крестсимон маркази нақ ўша “чаноқдаги қимматбахо марварид”ни тимсоли эди, уни бутун Яқин Шарқ Қалбнинг белгиланиши деб билар эди...Айтиш жоиз, қадимда Киев Русида Авлиё София (“Илоҳий Донолик”) Черковининг дастлабки варианты *пирамидасимон* композицияга эга бўлган *13та* гумбазга эга беш нефли крестли-гумбазли черковнинг ўзгинаси эди. Шу билан Черковнинг гумбазларида оддий хочлар эмас, балки ўз асосида шохчалари юқорига қаратилган горизонтал ҳолатдаги ярим ойга эга хочлар бўлган. Унданда кўпроқ, ҳар бир хочнинг ўртасини (доира кўринишида) қия хоч ҳам кесиб ўтган, умумий композиция эса тенг томонли хоч кўринишида эди. Ва у ерда бутун бошли қадимий рамзлар мавжуд эди: доира, ромб, 3, 4, 6, 7, 8, 9, 12 ва 13 ларга кўрсатмалар, шунингдек, “АллатРа” белгиси мавжуд эди. Мазкур Черков Хушхабарни тарқатилишига, яъни Худонинг Онаси ва Олий Фаришта Жаброилга бағишланган эди.



73-расм. *Олий Фаришта Жаброил ва Биби Марьям рамзлари:*


- 1) *крест-Биби Марьям рамзи;*
- 2) *марказий крест — Худонинг Онаси (Биби Марьям) рамзи – Рухий Оламдан келтирилган таълимотнинг рамзи бўлган “АллатРа” белгиси мавжуд учи билан (у ҳам Исо Масиҳ келтирган ҳақиқий рухий маънавий Таълимотни, ҳам рухий маънавий билимларни узатиш, Рухий оламнинг элчиси сифатидаги Олий Фаришта Жаброилдан келган “хабар” тушунишидаги “Илохий Олам Иродасининг очилиши”нинг тимсоли эди)*

Бундай хоч – бу маънавий Билим сиридан ва Исонинг ҳақиқий Таълимотидан хабардорлар учун бутун бир китобдир. У Исонинг ўқувчиси сифатидаги ўз хаёти давомида рухий озодликка эришган ва хатто ўзининг жисмоний ўлимидан сўнг ҳам одамларга ёрдам бериш учун қолган *Биби Марьямнинг* шахсий *рамзидир*. Марказий хочнинг чўққисида яна юқорига қараган ярим ой ва доира, яъни “**АллатРа**” ишчи белгиси кўринишидаги учи ҳам бўлган. Мазкур фарқловчи хусусият ушбу Таълимотнинг Рухий Оламнинг, бу вазиятда уч ўлчамли дунёга одам танасида намоён бўлиш орқали келиб кетган Олий Мавжудот сифатидаги Исо Масиҳ томонидан келтирилганлигига кўрсатган. Шунингдек у Исонинг рухий маънавий Таълимотини тарқатишда ва Биби Марьямни қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнаган Рухий Мавжудот сифатидаги Олий Фаришта Жаброилга ҳам кўрсатган. Унданда кўпроғи, буларнинг барчаси биргаликда Киев Руси пойтахтини бош черковининг марказий гумбазига мазкур ишчи белигини ўрнатиш ташаббускорларининг Билимлар даражаси ҳақида далолат берган. Славян халқларининг анъанавий рамзларини инобатга олган ҳолда, ушбу рамзларнинг барчаси уларга тушунарли бўлади, деган оддий тушунтириш ўша пайтдаги диний коҳинлар ва диндорлар учун берилган эди.

**Анастасия:** Ҳа, ушбу маълумот алоҳида эътиборга лойиқ. Олий Фаришта Жаброилнинг айниқса Киев Руси учун муҳим рухий маънавий рол ўйнаганлиги ҳақида мен “Сэнсэй-II” китобида батафсилроқ ёздим. Мария ва Исонинг тарихи ҳақида, яъни ҳақиқий Рухий Маънавий Таълимотни Исо ўзининг ўқувчисига – хаёти давомида қайта туғилишлардан рухий озодликка эришган Мария исмли аёлга узатганлиги ҳақида эса “Сэнсэй-IV” китобида, қайд этдим. Ва айнан у Исонинг Черковини бошқариши керак бўлганлиги тўғрисида. Аммо, (хокимиятга интилган одамларнинг фитналари ва дин шаклланишидаги унинг тубдан қайта ишланиши оқибатида) Таълимотнинг бузилиши сабабли, бугун мазкур Черковни фақат эркаклар бошқармоқда, Биби Марьямнинг сиймосини эса асосан Исонинг онаси билан боғлаб, уни Худонинг Онаси деб номлашмоқда. Аммо сўнггиси ўша илохий бунёдкор аёлий табиатнинг рухий кучини ҳеч қанча камситмайди, у


туфайли рухий кутқарилиш чанқоқлигидаги инсонлар бугунги кунгача ҳам рухий озодликка эришмоқда.

**Ригден:** Умид қиламанки, одамлар мазкур маълумотларни ўқибгина қолмасдан, уларнинг маънавий моҳиятини тушунади. Исонинг рухий маънавий Таълимоти Билим сифатида, бутун инсоният учун ягона бўлган Ҳақиқатнинг уруғи сифатида очик ҳолатда барча одамларга берилган эди. Замонавий одамларга буни тушуниш қийин, ахир улар таълимотнинг ўрнига бор-йўғи бугунги кунда Исонинг исми билан боғланган жаҳон динининг концепциясини кўрмоқда. Рухий Олам билан моддий дунёларнинг орасида турган Биби Марьямга келсак, у ростдан ҳам рухий маънавий йўлдан кетаётган инсонларга ёрдам бўлган рухий кучнинг илоҳий Ўтказувчиси бўлиб ҳалигача ҳизмат қилмоқда. Дарвоқе, мазкур Билимларни, махфий тарзда бўлса-да, халқларга олиб борган Исонинг ҳақиқий ўқувчилари бу ҳақда билишган. Ақлли, виждонли, ҳалол, моддий бойликларни ва шахсий фойдасини эмас, балки рухан кутқарилишни излаган инсонлар эса ҳар бир динда етарлича бўлган. Мазкур Билимларга махфий тарзда эга бўлиб, кейинги авлодларга, рухий кутқарилишга чанқоқларга ҳақиқий маънавий Билимлар уларнинг ўзларига келажакка йўлни очиши учун улар ўз эгаллаган мансабларида Ҳақиқатни узатишда қўлидан келган барчасини қилишган. Шунинг учун дастлабки христианлар яширинган катакомбаларда нафақат балиқнинг ва тенг томонли хочнинг, балки шохлари юқорига қаратилган ярим ой (Аллат) белгисини ҳам топса бўлади. Шунинг учун ҳам “Ваҳий”(12:1)да Иоанн Динуламосига тегишли ёзув пайдо бўлмоқда: ”Ва осмонда улуғ нишона келди: қуёшга бурканган аёл, унинг оёқлари остида ой, бошида эса ўн икки юлдузли тож бор эди”. Шунинг учун, XI-XIV асрларнинг ўша қадимги рус архитектурасининг энг қадимий ёдгорликларида айнан Биби Марьямнинг рамзи бўлган ярим ой ўрнатилган мана шундай хочлар турган ва улар шунга ўхшаш, айнан шундай нооддий белгилар ва рамзлари бор черковларнинг қурилишида ҳақиқий Билимлар билан боғлиқ инсонлар ташаббускорлик қилганлиги ҳақида далолат бермоқда.



74-расм. Биби Марьямнинг рамзлари бўлмиш крестларга эга гумбазлар.

**Анастасия:** Киев Русининг асосий черковларининг архитектурасида мазкур муҳим рамзлар ва белгиларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотнинг қолдиқлари бугунги кунга қадар ҳам сақланиб қолган. Масалан, Биби Марьямнинг рамзлари сифатидаги шохчалари юқорига қаратилган ярим ой ўрнатилган крестлар бугун Берестовдаги Спас-Преображение черковининг гумбазларига (Берестовдаги Спас Черкови) – у Киев-Печерск Лавраси ёнида жойлашган (Берестовдаги черков ҳақидаги илк эслатма XI асрга тегишли; Киев, Украина), Владимирдаги Дмитров черковининг гумбазларига (XII аср, Владимир шаҳри, Россия), Москва Кремлининг Худонинг Онаси Хушхабари Черкови гумбазларига (XV аср, Москва шаҳри, Россия), шунингдек кўплаб бошқа архитектура ёдгорликларига қўйилган. Улар ўз вақтида славян усталари томонидан қурилган.



*75-расм. Черковлар ва ибодатхоналарнинг кўп бора қайта қурилишидан сўнг одамлар томонидан ишлатилган рамзнинг соддалаштирилган схемаси.*

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шунини қайд этмоқ лозимки, Киев Русида бундай рамзлар билан шунга ўхшаш ибодатхоналарни қуриш намунаси бўлиб айнан Авлие София Черкови хизмат қилди. У Киевнинг марказида Доно Ярослав князи томонидан Агапит Печерскийнинг таклиф қилган лойихаси бўйича қурдирилган эди. Ўша даврнинг хатто византияга хос архитектурасида ҳам унга ўхшашлар йўқ эди. Доно Ярослав (буюк Киев князи, Ростовнинг собиқ князи, *Новгород князи*) *Безараз Табиб Агапит Печерский* билан ўз касаллиги туфайли танишган эди. Ўша даврларда Агапитнинг табиблик санъати ҳақидаги шон-шухрати Киев Русининг чегараларидан анча узоққа тарқалган эди. Ярославда эса тос суяги билан сон суягини туташтирган бўғин ва тизза бўғинининг шикастланганлиги туфайли умуртқаси билан муаммолар бўлган эди. Шу боис у, Агапитнинг, замонавий тилда айтадиган бўлсак, доимий мижози бўлиб қолди. Шундай мажбуран, аммо жуда ҳам фойдали мулоқотга биноан, уни Агапит томонидан

кўплаб, одам ва бутун жамият ҳақидаги Билимларга тегишли муҳим масалалар бўйича берган билимлари туфайли, Ярослав князи “Доно” номини олди.

Бундай мулоқотнинг оқибати сифатида илк мустақил рус монастирлари пайдо бўлди, бунинг устига улар Илоҳий Худонинг Онаси шарафига очилган эди. Чет эл (айниқса Афондан келтирилган) китобларининг таржимаси бўйича фаол иш бошланди, эски славян фоллиантлари (хатто берестада ёзилган қадимий рус “мажусий” хужжатлар) тиришқоқлик билан қайта рўйхатга олинди. Китоб жамият маорифининг асоси бўлиб қолди. Агапитнинг ўқимишлилиги ва Ярославга берган маслаҳатлари князнинг китоблар мутолааси билан қизиқишига олиб келди, у ўзининг атрофидагилари ва оддий халқ орасида ҳам илм-марифатни модага киритди. Агапитнинг маслаҳатларига кўра, князь илк жамоавий болалар мактабларини ташкил қилди, София черковига қарашли умумдавлат даражасидаги катта кутубхонани ташкил қилди, жамият учун асосий рамзий ишораларни қайд этиб қўйди, халқаро даражадаги дипломатик ишларини йўлга қўйди. Шунинг учун Доно Ярославнинг подшолиги даврида Киев Руси гуллаб-яшнаганига хайрон қолмаса ҳам бўлади..

**Анастасия:** Булар Ярославнинг хулқ-атворининг бундай кескин ўзгаришини равшанлантирувчи чиндан ҳам қизиқарли фактларидир: Киевда хокимиятга эришишда ҳеч қандай воситадан тортинмаган қаттиқ ҳукмдор Киев Русини бошқарган даврларда Агапит Печерский билан танишгач “доно” бошқарувчига айланади...Рамзлар, шунингдек пирамидасимон композицияга эга бўлган 13та гумбазга эга беш нефли хочли-гумбазли София черковнинг ноодатий архитектураси ҳам асло тасодиф эмас. Дарвоқе, ўқувчиларимизга “неф” атамаси архитектурада нимани англатишини тушунтириб бера олмайсизми?

**Ригден:** Мазкур сўз лотинча “navis” – “кема” сўзидан пайдо бўлган. Архитектурада эса кемани эслатувчи, Триполье цивилизацияси даврида машхур бўлган ва “АллатРа” белгиси кўринишида доира билан биргаликда тасвирланган рамзий “Қуёш қайиғига”, ёки, Қадимги Миср мифологиясида аталгандек, “Абадият қайиғига” ўхшаш чўзинчоқ хона. Дарвоқе, кейинчалик XII асрда денгизда сузувчи елканли кемаларни шундай (неф) деб номлашни бошлашди. Рамзий маънода эса мазкур черков учун бу “вақт ичра сузувчи қайиқ” дегани эди, хуллас, Киев Русининг “маънавий кемаси” эди.

**Анастасия:** Қайд этиш керак, Авлиё София Черковининг биноси вақт ва одамлар томонидан бир неча бор қисман бузилишларни бошдан

кечирди. XVII–XVIII асрларда эса, ибодатхонанинг қайта қурилиши натижасида у ўз ташқи кўринишини ахамиятли ўзгартирди.

**Ригден:** Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо, қизиғи шундаки, деярли мингйиллик қийинчиликларга қарамасдан, махсус токчада – *асосий қурбонгоҳ* гумбазида хозиргача ҳам худди ўша рус православ *марвариди* – “Оранта” номли Худонинг Онасини *олти метрли мозаикаси* ярқираб турибди. Христианликда у Худонинг Онасини иконографик турларидан бири ҳисобланади ва *тирсакларда букланган, юзининг сатхигача кўтарилган қўллари* билан тасвирланади.

**Анастасия:** Яъни Худонинг Онасини қўллари Аллатнинг рамзий белгиси кўринишида тасвирланган – Шахс билан Қалбнинг кўшилиши, ойдинлашув ва Ҳақиқатни билиш, руҳий озодликка эришишнинг ўша энг қадимий рамзи кўринишида, у турли даврларда қадимги халқларга “қўнғизчага” ўхшаш юқорида эслатилган рамз, шунингдек қадимий аёл худоларни кўтарилган қўллар билан тасвири кўринишида маълум бўлган. Ўша, “тарихгача” яшаб ўтган одамлар томонидан петроглиф сифатида қайд қилинган, бундай руҳий озодлик ҳолатига одам фақатгина Аллатнинг бунёдкор кучлари ёрдамида эришиши мумкинлигига кўрсатувчи энг қадимий тимсол.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шундай қилиб, “Оранта” номли кўк либос кийган ва *тўртбурчак* асосда турган Худонинг Онасини тасвири тилла рангли *доирасимон* мозаикали фонда жойлаштирилган. Дарвоқе, онгнинг ўзгартирилган (кенгайтирилган руҳий идрок) ҳолатидаги одам, *Худонинг Онасига* қараб, ундан таралаётган ярқироқ *яшил* ранг эффеқтини кўриши мумкин. Мазкур ноёб токчанинг тепасидаги арканинг ярим гумбази ёйида Киев Русининг келажак авлодлари учун Афон тоғининг аскетларидан юнон тилидаги ноёб ёзув сақланиб қолган: “*Худо Унинг ичкарасидадир, шу боис У гумонсирамас: ва Худонинг ноёб мадади Унга хар қуни ҳамроҳ бўлар.*” Киев Руси борасидаги суҳбатнинг контекстида тарихнинг яна бир муҳим саҳифасига эътибор қаратишни хоҳлардим. Киев Русида азалдан *Олий Фаришта Жаброил ва Биби Марьям*, жоиз бўлганидек, *биргаликда эъозланар* эди. Ва, анчадан кейингина, XV асрда Олий Фаришта Жаброилнинг эъозланишини, гарчи бу нотўғри бўлса-да, Илоҳий Худонинг Онаси эҳтиромидан ажратиб қўйишди. *Биби Марьямнинг илоҳий яратувчилик фаолиятида хамиша У билан Илоҳий Рух ҳам мавжуддир.* Дарвоқе, славянларнинг (христианликни қабул қилишгача бўлган) эътиқодларида олий эркак ва аёл худолари, бизнинг тилда айтадиган бўлсак, илоҳий Нилуфар (режа) ва яратувчи Аллат (режанинг амалга ошириши) маъносида жуфтликда эъозланар эди.

**Анастасия:** Ҳа, буни қадим замонлардан сақланиб қолган славянларнинг муқаддас афсоналарининг персонажларига қараб кузатса бўлади.

**Ригден:** Олий Фаришта Жаброил ва Биби Марьямга келсак, Киевдаги София черковининг “Оранта” Худонинг Онаси жойлашган асосий шарқий арканинг *қурбонгоҳи устунларида* хозиргача ҳам “Ҳушхабарни тарқатиш”га бағишланган мозаикали тасвирлар сақланиб қолган.

**Анастасия:** Ҳа, у ерда битта устунда *Олий Фаришта Жаброил* тасвирланган, Унинг ўнг қўли бармоқлари “*оқ фотиҳа бериш*” ишорасида бирлаштирилган. Бошқа устунда эса одам ҳаётининг рухий маънавий ипини тўқувчи, қўлларида урчукни ушлаб турган *Худонинг Онаси* тасвирланган.



1



2



3

**76-расм. Олий Фаришта Жаброил ва Биби Марьям. (Авлиё София Черковидаги XI аср фрескаларининг схемаси, Украина, Киев ш.):**

- 1) *“Оранта Худонинг Онаси” номли XI аср мозаикасининг (черковнинг асосий қурбонгоҳининг) схематик тасвири; тасвирда шохлари юқорига қаратилган ярим ой ва доира (“АллатРа”) рамзи шифрланган;*
- 2) *ўнг қўли бармоқлари “оқ фотиҳа бериши” ишорасида бирлаштирилган Олий Фаршита Жаброил тасвири (қурбонгоҳ устунисидаги мозаика);*
- 3) *одам хаётининг рухий маънавий ипини тўқувчи, қўлларида урчуқни ушлаб турувчи Худонинг Онаси тасвири (қурбонгоҳ устунисидаги мозаика).*

**Ригден:** Эътибор қаратаман, эски славян тилида “веретено” сўзи “айлантирмоқ” (*воронка, спирал бўйлаб ҳаракатланиши*) сўзи билан боғлиқ. Дарвоқе, у нафақат славянларда бўлган. Қадимий хинд “*vartanam*” сўзи ҳам “айланмоқ” маъносини билдиради. Қадимдан урчуқ рухий маънавий тушунишда сеҳргарликнинг юқоридан тақдим этилган асбоби ҳисобланган. Яъни, замонавий тилда айтганда, бу ўша дуонинг, медитациянинг, рухий амалиётнинг шартли белгиланишидир. Урчуқ ёрдамида иплардан тўқиш маълум маънавий тимсол эди, уни кўпчилик халқлар “Осмон ва Ернинг” бирлашиши, одамнинг тез ўтувчи хаёти давомида рухий маънавий осмоний табиати (Қалби) билан бирлашиши деб билган. Дин санъатида ип одамнинг рухий маънавий хаётини тимсоли, глобал маънода эса – вақтнинг, ўтмиш, хозирги кун ва келажакнинг алоқасини тимсоли бўлган. У худди барча марваридларни бирлаштирувчи ип каби, бутун борлиқни (қалбларни) бирлаштирувчи рухий маънавий қисми бўлган. Кўпдан-кўп қадимий халқларда “Буюк Она” айнан қўлида урчуқ ушлаган кўринишда тасвирланган.

**Анастасия:** Қизиғи шундаки, олимлар “Буюк Онани” “ойга хос” аёл худоларга тегишли деб ҳисоблайди, зеро одатда халқлар уни жуда қадимий, *“Ойнинг ўроғи”*, яъни *устисида доира жойлашган, шохлари юқорига қараб ётган ярим ой* кўринишидаги маълум белги билан тасвирлашган.

**Ригден:** Ҳа, одам билмаса, кўп нарсаларга эътибор бермайди. Аммо пешонаси Ҳақиқий билим билан тегишар, Қалби эса ўйғонар экан, у Доноликка эришади. Донолик эса ҳаракатни туғдиради...

**Анастасия:** Қимматбаҳо сўзлар... Ўз вақтида биз учун қизиқ бўлгандек, кўплаб ўқувчиларга ҳам ўша замонларда Киев Руссида оммавий тарзда тарқалган фаол белгилар тўғрисидаги маълумотни билиш қизиқарли бўлса керак, деб ҳисоблайман. Тарихнинг мана шу муҳим лаҳзасини батафсилроқ ёритиб бера олмайсизми?...



**Ригден:** Агапит Печерский Доно Ярославни фаол белгиларнинг сиридан қисман хабардор қилди, пойтахт ва давлатда айнан қайси ибодат иншоотларини қуриш ва уларда айнан қайси белгиларни ўрнатиш ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, одамларда маънавий кўтарилишни туғдириш ва уларни кўринмас дунё кучларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун нима қилиш кераклигини ҳам тушунтирди. Ярославнинг тез ўтувчи одамий мақсадларидан фарқли, Агапит, келажак авлодлар учун рухий маънавий белгиларни ўрнатар экан, албатта, ўз мақсадларини кўзлаган эди. Одамлар одамлигича қолар экан, уларни оқибатлар ҳақида огоҳлантирсанг ҳам, барибир, тақдим этилган Билимларга ақлдан келиб чиққан тўғрилашларни киритишга уринади. Афсуски, Ярослав ҳам, хар холда, бу борада одам қавмидан мустасно эмас эди. Тескари свастиканинг оммага бўлган таъсирини билса-да, у ўзининг ерлик хокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида, черковнинг нақшига мазкур белгини ҳам киритишни буюрди. Хуш, бундан қандай наф кўрди? Нимага эришди? Унинг хаёти ўқ каби, моддий дунё иллюзиясидан учиб ўтиб кетди. *Одамий заифлиги – ерлик хокимиятга чанқоқлиги – жисмоний тана ўлимидан сўнг уни, субшахс сифатидаги азобларини янада оғирлаштириб, узайтирди.* Аммо унинг одамий хатосидан, қоҳинларнинг авлодларини ўзининг фойдасига фаоллаштириб ва тирик одамлар массасида салбий энергиянинг отилишини туғдириб, Хайвоний ақл халигача роҳатланмоқда.

Аммо, айтиш жоиз, қолган барчасида Ярослав ҳақиқатан Доноликни намоён қилди. Ҳамфикрлар гуруҳи билан биргаликда у Киев Русини нафақат гуллаб-яшнаган давлатга, балки “Илоҳий Худонинг Онаси Уйи”га айлантирган лойиҳани қисқа вақт ичида муваффақият билан амалга оширди. Ўша даврда, асосан ижобий белгиларнинг тўғри жойлаштирилиши ва умуминсоний маданий-ахлоқий кадриятларнинг тарғиботи хисобига, одамларда тез-тез энг яхши рухий маънавий сифатлари намоён бўла бошлади. Ўша замон славянларининг дунёқарашида “Худонинг Ҳақиқати”га ҳизмат қилиш Эзгуликка, олий маънавий Саодатга, *Мархаматнинг* ғалабасига ҳизмат қилиш билан ассоциация қилинар эди. Аслида, одамлар ўз эски эътиқодлари билан олдинги сиёсатчилар ва қоҳинлар томонидан киритилган янгиларининг тегишиш нукталарини топдилар. Шунинг учун ҳам дин асосидаги низоларидан сўнг, ўзаро урушларга кўмилган ўша даврларнинг бошқа давлатлардан фарқи бўлмаган қадимги рус давлатида яшаган одамларда мана шу даврда ижобий кўтарилиш содир бўлди...

Шундай қилиб, Авлиё София Черкови мазкур лойиҳада таянч ролни ўйнади. Биринчидан, Киевда қурилган София черкови (бу даражадаги кенгликда бўлмасада, бироқ шундай беш нефли крестли-гумбазли

ибодатхона жойлашуви билан) ўша даврнинг қадимий рус давлатининг муҳим шаҳарлари Буюк Новгородда (ушбу шаҳар бугун ҳам Россияда мавжуд), шунингдек Полоцкда (ушбу шаҳар бугунги кунгача ҳам Беларусьнинг Винницк вилоятида мавжуд) такрорланди. Шу билан нафақат ташқи кўриниши такрорланди, балки маънавий тўлдирилиши ҳам – асосий рамз ва белгиларнинг, Худонинг Онаси “Оранта” санамининг жойлашувидан бошлаб, то мазкур черковларда маърифий-оқартув кутубхоналари ва мактабларнинг очилишигача. Хозиргача Буюк Новгороддаги Авлиё София Черковида марказий гумбазининг крестига Илоҳий Рухнинг рамзи сифатида кабутарнинг шаклчасини ўрнатишмоқда. Полоцкдаги Черковнинг воқеалари тарихида эса XVIII асрда уни Илоҳий Рухнинг Тушишига аталган черковга айлантиришга уринишганлиги тўғрисида эслатилмоқда. Кабутар – бу энди одамлар томонидан хочнинг тепасидаги шохчалари юқорига қаратилган ва тепасида доираси бор “АллатРа” белгисининг алмаштирилишидир. Илгари кабутарни қанотлари ёйиқ холда тасвирлашган. Одам тепага, черковнинг хочига қараганида, кабутар ўрнига унинг кўтарилган қанотларидан ва кичкина бошидан хосил бўлган белгини кўрган (шохчалари юқорига қаратилган ярим ой ва доира кўринишида).

Иккинчидан, ушбу нусхаларнинг оригинали – Киевдаги Авлиё София Черкови ўзича эмас, балки мажмуада қурилган эди. Черковнинг айнан бурчакларидан тенг масофада тўртта “шаҳар Дарвозалари” қурилган ва белгилар билан белгиланган эди. Гарчи, булар Юқори деб аталмиш шаҳарнинг дарвозалари эди, у бугунги Киевнинг марказий қисми, Эски Киев тоғида жойлашган эди, десак, аниқроқ бўлади.

**Анастасия:** Яъни Авлиё София Черкови атрофидаги тўртта дарвозалар – бу тўртта Маҳлуқотлар типидagi қия крестдир, у ерда черковнинг ўзи Қалбнинг рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Христианликнинг рамзий ишорасидаги Дарвозалар – бу даҳлиздан ибодатхонага ва ибодатхонадан қурбонгоҳга элтувчи киришлардир. Православ ибодатхонасидаги қадимий рус меҳробининг асосий дарвозалари минбарнинг рўпарасида (қурбонгоҳда) жойлашган ва, сиёсий эмас, балки рухий маънавий устунлик тушунишдаги “Подшонинг дарвозалари” деб номланар эди. Одатда уларнинг юқори қисмида Олий Фаришта Жаброил қатнашган Хушхабарни тарқатиш саҳнасини тасвирлашар эди, пастки қисмида эса тавакаларда жуфт бўлиб тўртта инжилчи тасвирланар эди. Шундай қилиб, ибодатнинг маълум лаҳзаларида Подшо дарвозаларининг очилиши “Осмон Подшолигининг очилишининг”, яъни бошқача, Рухий Оламга кириш, ўтишнинг тимсоли эди. Бироқ мазкур тимсоллар ўзидан ўзи пайдо бўлмаган. Бошқача дунёга киришнинг “очилиши” жараёни

ҳақиқатан ҳам кучли рухий маънавий шахсларнинг, уларнинг қайси динга тегишлилиги ва қайси мамлакатда яшашидан қатъий назар, (индивидуал ва жамоавий) рухий маънавий меҳнати вақтида содир бўлади. Ва, айтиш жоиз, қадимда, масалан ўша Киев Русининг халқлари орасида шаҳар “дарвозаларини очиш” – шаҳарга киритиш, гап душманлар ҳақида борган бўлса, шаҳарни забт этилишини ёки аҳолининг таслим бўлишини билдирар эди. Агарда солномада асосий дарвозанинг ёпилиши ҳақида маълумот бўлса – душман олдида “дарвозани ёпиш” – бу аҳолининг қаршилик кўрсатиш қарорига келганини билдирар эди.

Қадимги Киевнинг асосий “Олтин дарвозаси” бўлиб жанубий дарвоза бўлиб қолди, у “Худонинг Онасини Даргоҳи” хисобланган Афонга тўғрилланган эди. Аниқроғи жуғрофик жихатдан у шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган эди. Шаҳарнинг мазкур асосий “Олтин дарвозаси”да, “Парвардигорнинг илоҳий Хушхабари ва Илоҳий Худонинг Онаси ва Олий Фаришта Жаброилларнинг ибодати билан шу шаҳарга хар доим қувонч бериш учун”, Олий Фаришта Жаброил ва Худонинг Онасига бағишланган черков қурилди – Хушхабарни тарқатиш черкови.

**Анастасия:** Ҳа, бу ҳақдаги тарихий маълумотлар Ипатьев солномасида қайд этилган. (XI асрдан бошлаб) Қадимги Русьнинг адабиёти ҳақида ҳикоя қилувчи кўп китобли “Қадимги Русь Кутубхонаси” номли мажмуада (1 китобнинг 50 саҳифасида) бугунги кунгача сақланиб қолган сўзларни ўқиш мумкин: “Агарда Биби Марьямни Олий Фаришта қўлласа, шаҳарни ҳам қўллайди. Унга: “Қувонгин, сеvingан! Парвардигор сен билан!”, шаҳарга эса: “Қувонгин, содиқ шаҳар! Парвардигор сен билан!” дейди. Киев тарихий даврлардан Худонинг Онаси ва Олий Фаришта Жаброилнинг биргаликдаги муҳофазаси остида - ушбу шубҳасиз фактни бугунги кунда овоза қилишмайди. Шунинг учун бугун Киевнинг гербида шаҳарнинг химоячиси сифатида яланғоч қилич билан тасвирланган Олий Фаришта Микоилни кузатиш мумкин. У ўша замоннинг кўплаб хукмдорлари каби, урушларни, шу жумладан, ички урушларни олиб борган киев князларининг рамзи эди.


**Ригден:** Ўша “Давлат эрларини” нима ҳам қилар эдинг...Қадимда қандай бўлса, шундайлигича қолган: “князлар кичкина ҳақида буюк нарса ҳақида гапиргандек, гапиришади, ўзларига қарши ўзлари фитналарга асос солади”. Аммо бу энг муҳими эмас. Муҳими, замонавий “князлар”нинг ерлик истакларига қарамасдан, халқ орасида бугунги кунгача ҳам Олий Фаришта Жаброил ва Биби Марьямнинг хотираси ва эъзозланиши тирикдир.

**Анастасия:** Сўзсиз, мазкур рухий маънавий хотира авлоддан авлодга кузатилмоқда, ва бунга қувонмай бўлмайди. Аммо тарихий ракурсда жуда қизиқарли бўлган суҳбатга қайтсак. Демак, одам ҳақидаги билимларнинг рухий маънавий изоҳланишида Киев шахрининг Олд маҳлуқотга тенглаштирилган рамзи бўлиб “Олтин дарвоза” хизмат қилган экан-да. Бундан чиқди, шаҳар Ўтмишининг, яъни Орқа маҳлуқотининг рамзи...

**Ригден:** Шарқий шартли “дарвоза” эса Киев Русининг Муқаддас Худонинг Онасига бағишланган, бугун Десятинная деб тарихда маълум бўлган черков бўлди. У Ярославнинг отаси – князь Владимир томонидан қурилган эди. Унинг ёнида Владимирнинг бутун эски буюк князлик даргоҳи жойлашган эди. Умуман олганда, қайд этиш лозим, мазкур жой христианликкача бўлган ибодатхоналар борасида бундан ҳам қадимийроқ тарихга эга.

**Анастасия:** Ҳа, археологик қазилмаларга қараганда, у ерда славянларнинг “мажусийлик” даврларига тегишли “саройларнинг” пойдеворлари топилган, шунингдек бурчакларида *тўртта тумшуқларга эга тошли платформ*а кўринишидаги янада қадимийроқ ибодатхона қолдиқлари ҳам топилган. Бошқача айтганда, қадимроқ замонларда ҳам Старокиев тоғи мазкур худудда яшаган славян халқларининг муҳим диний-ибодат маркази бўлган.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шундай қилиб, Доно Ярослав нафақат мазкур черковда тикланиш ишларини олиб борди, балки, Агапитнинг маслаҳатига кўра, уни энди жоиз бўлгандек муқаддаслаштирди. Худонинг Онасига бағиланган Киевнинг илк черкови келажакка йўл очиб берувчи ўтмишнинг тимсоли эди. Ва у Киевда белгиларни жойлаштиришда муҳим рол ўйнаган.



**77-расм. “Тўртта дарвозаси” ва бугунги Авлиё София Черкови ўтмишдаги жойлашуви белгиланган Киев шахри тарихий марказининг замонавий харитаси:**

- 1) Авлиё София Черкови;
- 2) Десятинная черковининг пойдевори жойи (Худонинг Онасига бағишланган Киев Русининг илк тош черкови);
- 3) асосий дарвоза – “Олтин дарвозанинг” жойлашуви;
- 4) “Лядские” номли дарвоза жойлашуви;
- 5) “Ғарбий дарвоза” жойлашуви.

Қадимий пойтахтнинг ўнг маҳлуқоти “Ғарбий дарвоза”, ёки, халқ “Жидовские” деб ном берган дарвоза бўлди. Жўғрофик жихатдан у шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган эди. Бир неча асрдан сўнг, Львов шаҳри барпо этилганида, уларни “Львов дарвозаси” дея бошлашди, чунки у орқали Киевдан Львовга бўлган йўл кетар эди. Бугун Киевнинг ўша жойида Львов майдони бор. Қизиғи шундаки, мазкур жойда одамлардаги Хайвоний табиатини рағбатлантирувчи фаоллашув нуқталари борасида вақт ўтиб ҳеч нарса ўзгармаган, десак бўлади. Қадимдан шу жойда бозор қандай турган бўлса, шундай қолган, фақат номи ўзгарди – “Савдо Уйи”. Унданда кўпроқ, ушбу шаҳарда (жаҳоннинг кўплаб бошқа йирик шаҳарларидагидек) моддий қадриятларни жамлаш ва кўпайтиришни рағбатлантириш, ҳақиқатан ҳам “мевали, абадий дарахт” – Малакий табиатдан келиб чиққан бунёдкорлик ишлари каби одамлар учун муҳим ва керакли рағбатлар ўрнига бугун гуллаб-яшнамоқда.

**Анастасия:** Афсуски, шундай. Замоनावий Киевга қарайдиган бўлсак, кўзга ташланувчи биринчи нарса, бу кўплаб савдо уйлари, банклар ва бир-биридан бой бўлган бошқа шуларга ўхшаш муассасалардир. Цивилизациялашган инсонлар жамиятига муносиб бўлган реал маънавий-бунёдкор ишлар ўрнига ҳамма савдонинг ташвишида деган таасурот пайдо бўлмоқда.

**Ригден:** Жаҳоннинг бунга ўхшаш катта шаҳарлари – бу одамнинг устувор танловининг кўргазмали намунасидир. Бироқ, такрорлайман, вазиятни ростлаш одамларнинг кўлида. Шундай қилиб, бу жойга ташриф буюрган одамларда Хайвоний табиати томонига оғиш бўлмаслиги учун, Агапит ўша даврдаёқ Ярославга “Ғарбий дарвозани”, кўринмас кучларни мувозанатга келтирувчи белгига эга маънавий-маданий объект билан “мустаҳкамлашни” маслаҳат қилди. Ва бу ерда Парвардигор Сретениесига бағишланган черков қурилди. Бу рамзий аҳамиятга эга эди. Биринчидан, эски славян “сретение” сўзи “учрашув”, эски славян эътиқодларига кўра эса – одамнинг илоҳийлик билан учрашуви ва уни шарафланиши маъносини билдирган. Иккинчидан эса, Сретениенинг Библиядаги сюжети чақалоқ Масихни унинг туғилганидан кейин қирқинчи кунда ибодатхонага олиб келган Худонинг Онасига (Биби Марьямга) бағишланган эди. Православиёда Сретение айнан *25 феврал кундан бир ҳафта аввал* нишонланар эди ва маънавий жихатдан янгиланиш, янги ва эскининг учрашуви сифатида кўрилар эди. Шунинг учун, қадимги Киевдаги “Ғарбий дарвоза” айнан мана шу маънавий-маданий объект билан мустаҳкамланиши жуда ҳам рамзий аҳамиятга эга.

София Черкови марказ, “Олтин дарвоза” шартли равишда Олд маҳлуқот, Худонинг Онаси (Десятина) Черкови – Орқа, “Ғарбий дарвоза” – Ўнг маҳлуқот бўлган бўлса, Киев Русининг қадимги пойтахтининг Чап маҳлуқоти рамзи бўлиб “Лядские” номли “дарвоза” хизмат қилган. У шаҳарнинг бугунги марказий майдони – Мустақиллик майдонида жойлашган эди, уни халқда “Майдон” деб аташади.

**Анастасия:** Биласизми, мазкур маълумотни Сиздан илк бора эшитганимда, ниҳоятда хайратда қолдим ва: “Қизиқ, пойтахтнинг марказий майдонини айнан шу ерга, урғуни атайлаб Чап маҳлуқотда қилиб, кўчириш кимнинг фикри бўлган экан?”, - деб ўйладим. Ахир пойтахтнинг майдони сифатида айнан шу жой оммани тўплайди-да.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Ва бу англашилмовчилик эмас, бу иш жуда ҳам онгли равишда, Ақлдан, айниқса Хайвоний ақлдан келиб чиқиб қилинган эди. Аммо, барчасини бир бошдан гапирсак. Киевнинг бугунги кунда Мустақиллик майдони жойлашган худуд Агапит

Печерский даврида Перевесишче деб номланар эди. У ерда азалдан халқда Козье деб ном олган ботқоқ бўлган. Шундай қилиб, у ерда тахминан шаҳарнинг жанубий-шарқий қисмида, Майдонда хозир черковга элтувчи София кучаси бошланган жойда, Доно Ярослав “Шарқий дарвозани” қўйдирди, у Киевдан Печера монастирига (бугунги Киев-Печерск Лаврасига), шунингдек, “печенежлар ерига” йўл очиб берарди. Тарихда бу дарвоза “Лядские” номини олган. “Ляд” сўзи “нопок”, “бўлмағур”, “ляда” эса – “бўш ер”, “бегона ўтлар”, “қалин бутазор”, “ишлов берилмаган ерлар” деб таржима қилинади. Айтиш жоиз, кейинчалик, бир-икки асрдан сўнг хон Ботий қўшинлари шаҳарнинг узоқ қуршовидан сўнг айнан “Лядские” дарвозаси орқали Киевга бостириб киришга муваффақ бўлди. Ўша жойнинг ўзига келсак, у деярли XIX асргача “бўш ер” бўлиб қолаверди, то-ки эркин тошчилар (масонлар) славянларнинг рухий маънавий меросини йўқ қилиш ишига ўз хиссасини қўшган холда, айнан мана шу “нопок” жойда Шаҳар думасининг биносини қуриш ташаббускорлари бўлмагунича.

**Анастасия:** Ҳа, Козье ботқоғидаги “Мустақиллик”... Шундай шаҳарнинг марказий майдонини бундай жойда қуриш?! Ҳа, эркин тошчилар (масонлар) халқ учун бир кўринишда “ўзимизники” бўлса-да, аммо ақли билан келгиндилардир.

**Ригден:** Шунинг учун ҳам, одамлар ўзининг ҳақиқий маънавий тарихи билан қизиқмаслиги учун, улар қўлларидан келганча улардан шубҳасиз фактларни яшириб, ўз ёлғони билан заҳарлаб халқларнинг Билимларга йўлини тўсиб келишяпти. Сен атрибутикага қарагин: ҳамма жойда қиличлар, камон ва ёйлар, болталар, қалқонлар, циркуллар ва шерлар – эркин тошчиларнинг рамзлари. Тарих билан қизиқиб, қандай қилиб деярли бир вақтнинг ўзида атайлаб одамлар учун қурилиб ва белгилар билан фаоллашган аҳамиятли иншоотларнинг хатто кичик қолдиқлари ҳам бузилиб, йўқ қилинганини кузатиш кифоя. Масалан, Агапит даврининг Киев Русидаги ибодатхоналари. Мисол учун, Киевдаги Авлиё София Черкови айнан XVII–XVIII асрларда қайта таъмирлашди ва пайтини топиб, “барокко” стилида қайта қуришди, оқибатда бинонинг ташқи кўриниши (шу жумладан геометрик-фазовий қиёфаси ҳам) сезиларли тарзда ўзгарди.

**Анастасия:** Ҳа, энди, тарихий адабиётда муаллифлар тиришқоқлик билан бир-биридан битта жумлани кўчиришяпти-ки, гўё “барокко” ўша замонда “ғарбий цивилизациясининг” Қайта туғилиши даврининг модасига хос услуби бўлган эмиш.

**Ригден:** ... ва унинг маркази эса Италия, Рим бўлган. Сенга бу ҳеч нарса демаяптими?

**Анастасия:** О-ҳо, бу кўп нарса ҳақида гапирмоқда. Бу ерда “барокко” сўзининг ўзи қанчалик аҳамиятли!

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Италиянча “barocco” сўзи португал тилидаги “perola barroca” сўздан келиб чиққан – “нотўғри шаклга эга марварид”, яъни “нуқсонли бор марварид”, қимматбаҳо тошнинг дефекти, шаклини йўқотган марварид. Худди шу сўз латин тилида ҳам бор...

**Анастасия:** Ҳа, мазкур стилнинг тарқатилиши аристократик доиралар ва черков билан боғлиқ бўлганлигини инобатга олсак, унинг номи учун айнан шакли бузилган марвариднинг номи сифатидаги “барокко” сўзи танланганлигига хайрон қолмасам ҳам бўлади. Шу билан, кейинчалик европа санъатида бу устувор услуб бўлган-ку, деярли XVIII асрнинг ўртасигача, айниқса католицизм тарқалган давлатларда. “Барокко” услуби ахир “ғарбий цивилизациянинг” ғалабали юриши ҳисобланади-да.

**Ригден:** Ҳа-да, машғаллар билан юриш. Айтишадик, қулоғи борлар – эшитар, деб. ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига Украина худудида София черкови киритилган илк архитектура ёдгорлиги бўлганини тушуниш ақлли одамлар учун қийин бўлмайди. Демак, уни қайта қуриш, бирор диний ташкилотга ўтказиш, унда ибодат қилиш таъқиқланган.

**Анастасия:** Архонтларнинг эркин тошчилари азалийни қайта қуриб, энди эса ЮНЕСКО каби эзгу асбоб ёрдамида маҳаллий аҳолига черковнинг қайта қурилиши, ва унда православ динига хос ибодатларни қилиш, яъни “марваридни” фаоллаштириш мумкин эмас, деган шартларни қўйишяпти экан-да, шундай-ми?! Ана, ишлар.. Буни бетартиблик демай иложи йўқ.

**Ригден:** Ахир бу Киев Русининг энг асосий рухий маънавий “марвариди”-ку! Ўша йилларнинг ўзида бошқа қолган иншоотларни эркин тошчилар нима қилишди? Буюк Новгороддаги София Черковини ўша XVIII асрда, бинонинг деворларини мустаҳкамлаш баҳонасида, унинг геометрик-фазовий қиёфасини бузиб, қайта қуришга уринишган эди. Полоцкда эса черковни умуман янгидан қуришди. Ўзи Полоцкдаги София Черкови XVIII асрга қадар асрлар давомида неча маротаба бузилиб, қайта қурилганини инобатга олсак, унинг архитектураси ўзининг илк қўрилишидан анча фарқланиб қолган эди. Ва, мана шу вазиятга қарамадан, эркин тошчилар ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт



чораларини кўриб, XVIII асрнинг бошида ўша жойда черковнинг ўрнида славянларга оид бўлмаган “барокко” услуби архитектурасидаги черковни куришди.

Киевнинг “тўртта дарвозалари” ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Киев сиёсатчиларини эркин тошчилар (масонлар) молиялаштиришни бошлаган захотиёқ, қадим замоннинг аҳамиятли архитектуравий ёдгорликларининг қолдиқларини турли бахоналар билан бузилиши ва хўрланиши бошланди. Эркин тошчиларнинг азалги, машхур усули: аввал оригинални йўқ қилиш, сўнг эса ўзининг “нусхасини” тиқиштириш. Шунинг учун бугун бор-йўғи “Олтин дарвоза”нинг ҳароб “нусхасини” кузатиш мумкин. “Лядские” “дарвозаси” эса эркин тошчиларидан ёдгорлик ва чайқовчилик предмети бўлган ўзининг “нусхаси” – Шахар думаси биноси курилаётганда XIX асрда деярли йўқ қилинган эди. Ва қачондир “ғарбий дарвоза” бўлганлиги ва Киевда Худонинг Онасини оқ тошли илк черкови тургани ҳақида фақатгина эслатмалар қолган. Мана сенга маънавий белгиларнинг қайсидир инсонларга ривожланишига ёрдам бериши, бошқаларни эса ғазаблантириши, қайсилардир яшаётган авлодлар учун маънавий марваридни яратса-ю, бошқалар унга ўзининг “барокко”сини қоплашга уринишлари ҳақидаги ҳикоя.

**Анастасия:** Ҳа, бугунги жаҳоннинг замони ва йиллари.


**Ригден:** Бор-йўғи тарихдан воқеа, ўтмишда бунга ўхшашларни кўплаб топиш мумкин. Ахир гап иморатларда эмас, гап одамларда, одамий танловда...

**Анастасия:** Дарвоқе, асосий рамзий ишоралардан (шу жумладан, марвариддан ҳам) фойдаланган жаҳон халқларини ибодатхоналари архитектурасининг хусусиятлари борасидаги суҳбатимизга қайтсак... Христиан черковларида Шарққа тўғриланган бинонинг ярим доирасимон токча кўринишидаги қурбонгоҳ қисми бўлганидек, мусулмон масжидларида ҳам ўзгача ярим доирасимон ўйиқ токча – меҳроб мавжуд (арабча “miḥr’ab” сўзи – “ибодатнинг йўналиши”ни билдиради). У мусулмонлар учун муқаддас бўлган (Жанубий-Ғарбий Осиёда Арабистон ярим оролида жойлашган) Макка шаҳрига тўғриланган, унда куб кўринишидаги мусулмонлар учун асосий муқаддас қадамжолардан бири – Кабатуллоҳ жойлашган. Шундай қилиб, мазкур токча ўймакорлик нақшлари, қадама нақшлар билан безалган. Унинг ички гумбази эса кўпинча чиғаноқ шаклида курилади – бу қимматбаҳо рухий маънавий марвариднинг сақлаш жойининг рамзидир.

**Ригден:** Тўғри. Бундай безашлари тушунарли, чунки мусулмонларда марварид борасида кўплаб афсоналар мавжуд бўлиб, у ўзгача тимсоллар тоифасига ажратилган. Масалан, Муҳаммад Пайғамбарнинг (с.а.в.) сўзлашича, дунё *Оқ Марвариддан* яратилган. Мусулмон эътиқодларига биноан, Парвардигор Оқ Марваридни яратди, унинг қалинлиги *етти осмон* ва *етти ернинг* биргаликдаги қалинлигига тенг эди. Худо Марваридни Ўзига чорлаганида, *Унинг Чақиригидан* у шундай тебрана бошлади-ки, оқибатда шариллаган *Сувга* айланди. Худо яратган барча жонзотлар кундуз ёки кечанинг қайсидир пайтида, у ёки бу тарзда Парвардигорга ўз мақтовларини айтишдан тўхтаганида, фақатгина у, *Сувга* айланганч, доимо тўлқинланиб ва кўпириб, *Яратувчига шон-шарафлар айтишдан бир онга ҳам тўхтамас* эди. Шунинг учун ҳам Худо уни *барча тирикликнинг манбаи ва боши* қилиб, унга барчанинг устидан устунликни берди. Ушбу қимматбаҳо Сувни олиб юриш учун эса Парвардигор *Шамолни* (Хавони) яратди ва унга “*саноқсиз*” қанотлар *ато* этди.

Шунинг учун, қоидага кўра, мазкур муқаддас токча кўпдан-кўп рамзлар билан тўлдирилган. Уни Авлиё Биби Марьям, бенуқсон Қалб билан боғлашган. Илгари меҳробнинг ичкарасига ёниб турган чироқ илинар эди, чунки дунёдаги ёки одамдаги илоҳий мавжудликни чироқнинг ёруғлигига ўхшатишган. Чироқ шиша ичида, шиша эса гўё марваридли юлдуздек – “ёруғлик устида Ёруғлик”нинг рамзи эди.

**Анастасия:** Рамзлар борасида ислом динига эътиқод қилувчи туркий халқларнинг ибодат учун махсус гиламчанинг (жойномознинг) композицияси қизиқарлидир. Унинг гиламга хос шартли-нақшли расми кўпинча у ёки бу минтақанинг меҳробига ўхшаб тасвирланган.



78-расм. *Исломдаги рамзий тасвирлар:*

1) *мехроб токчасининг чиганоқсимон гумбази (жаҳоннинг энг йирик масжидлари саналган Мескита Катта устунли масжид-черкови; 785й – XI асрнинг боши, Кордова, Испания);*

2) *намоз гиламчаси (турклар жойнамози); ислом динига эътиқод қилувчи туркий халқларининг санъати.*

**Ригден:** Дарвоқе асосан бошқа халқларнинг маданияти ва динларида мавжуд рамзлар ва белгилар у ерда ҳам бор: саккизқиррали, олтиқиррали шакллар, ромблар, квадратлар, қия крестлар ва ҳоказо... Умуман, марваридли чиганоқ қадимда Қалбнинг, бунёдкор аёлий табиатнинг рамзи бўлган. У кўплаб аёл худоларнинг ва уларнинг исмларининг атрибути, табиат элементи бўлмиш муқаддас сувнинг рамзи эди. Эслатиб ўтганимдек, сув ернинг муҳитидан фарқли, одамий тушуниш учун *бошқача* бўлган яшаш муҳитининг тимсоли эди. Аммо барчаси ундан келиб чиқар, унга боғлиқ ва унга муҳтож эди. Библияда Исо Масихнинг Осмон Подшолиги нимага ўхшашлигини тушунтирувчи сўзлари эслатилган (Матфей Инжили, 13 боб, 45-46 шерлар): “Осмон Подшолиги савдогарга ўхшайди. Бу савдогар яхши марваридларни излаб, *битта қимматбахо марваридни топиб*, ўзидаги бор нарсасини сотиб юбориб, уни эса сотиб олган”.

*Камалак* эффектига эга садафни марвариднинг “илоҳий қобиғи” деб хисоблашган. Дарвоқе, Шарқда марварид рамзидаги Қалбнинг муқаддас маънавий маъносини шунингдек кўпинча нилюфар гулидаги сув томчиси тимсоли орқали шеърӣ тарзда таърифлашган. Гап шундаки, нилюфарнинг барглари ўзига хос оқимтир мумли қатламга эга. Қадимдан нилюфарнинг ноодатий эффекти маълум: сув (масалан, ёмғир суви), нилюфарнинг баргларига тушганида, шарчасимон томчиларга буралиб олади. Куёшнинг нурларида эса мазкур томчилар, оқимтир қатламда садаф рангида товланиб, қимматбахо марваридлар бўлиб туюлади. Табиийки, бундай эффект Шарқ шоирларининг назаридан четда қолмади, шунга биноан уларнинг лирик шеърлари чуқур муқаддас маъноли мажозга эга бўлди:

Абадий осмондан  
 Нилюфар гулига  
 Ёмғир томчилари томди,  
 Ва барглардаги ёруғ намлик...  
 Марваридга айланди.

Марвариднинг французча белгиланиши “perle” лотинча “pirula” – “заррача” сўзидан пайдо бўлган. Сўнггиси эса, ўз навбатида, “pirium” –

“сфера” сўзидан пайдо бўлган. Славянча “перламутр” сўзи немисча “Perlemutter” сўзидан ўзлаштирилган: “Perle” – “марварид” ва “Mutter” – “Она”. Лотин тилида “mater Perlarum” – “Марвариднинг онаси”. Қадимги римликлар марваридни шунингдек “margarita” дейишган. Бу сўз қадимги юнон тилидан ўзлаштирилган эди (“margoron” – “перламутр” (“садаф”). Мухаббат, гўзаллик, хосилдорлик, абадий бахор ва хаётнинг қадимий аёл худоларининг эпитетлари билан боғлиқ исмлар айнан шундан пайдо бўлган. Масалан, Маргарита (марварид) Афродита исми аёл худонинг эпитетларидан пайдо бўлган, қадимий юнон мифологиясига биноан, у бокиралик хомила туфайли туғилган бўлиб, денгиз кўпигидан чиғаноқда, худди порлаётган марвариддек пайдо бўлган. Марина (“денгизга хос”) исми эса қадимий римликларнинг Венера худосининг “порлоқ”, “марвариднинг Онаси” каби эпитетларидан пайдо бўлган. Унинг рамзларидан бири кабутар эди. Шунинг учун Рим империясида туғилган эрта христиан санъатида “Илоҳий марваридни” келтирувчиси рамзи сифатидаги Биби Марьямнинг боши узра чиғаноқ билан тасвирлари мавжуд эди. Қайд этиш лозим, *Рим империясида Мария исмини у ерда яшаган халқлар учун “порлаган”, “марвариднинг” Онаси каби Мухаббат худосининг анъанавий тушуниши билан боғлашган!* Асло кейинчалик оммага яхудий коҳинлари тақдим этганидек, “ғамгин”, “рад этилган” ёки, ундан ҳам кўпроғи, “аччиқ” эмас.

**Анастасия:** Буларнинг қўлидан келади...

**Ригден:** Уларга коҳинлар белгилаб қўйганидан кўпроғини одамлар билишни хохламаганлари учунгина буларнинг қўлидан келади. Мана натижа. Бироқ, агарда жаҳоннинг бошқа халқларини шунга ўхшаш муқаддас рамзларига ва белгиланишларига назар солсак, барчаси ўз жойларига тушади (бундай билимларга эга бўлиш эса диндорларнинг онгида айтайлаб “мажусий”, “нотўғри” ва хоказо сўзлари билан чегараланиб қўйилган).

**Анастасия:** Ҳа-да, ахир коҳинлар илоҳий персонажларнинг оммабоп қадимий рамзларини, белгиларини, атрибутикасини кимдан нусхалади?! Бошқа халқлардан.

**Ригден:** Биби Марьямга келсак, жаҳоннинг қадимий халқларининг Ибтидоий Онасини, оқ аёл худоларини рамзларини ва номларини ва уларнинг эпитетларини таққослаш кифоя. Ва турли халқларга асрдан асрга одамнинг Қалбини озодликка чиқиши тўғрисидаги бир хил билимлар узатилгани тушунарли бўлиб қолади ва уларда муҳим ролни илоҳий аёлий табиатли бунёдкор (Аллат) кучи ўйнайди.

Шундай қилиб, қадимда марвариднинг ўзини Русьда “инчи” деб аташган, бу кўплаб славян ва бошқа халқларда “бошқача”, “битта”, “ягона”, “хақиқий, тўғри” маъноларини билдиради. Шу боис ҳам кейинчалик христианликда роҳибларни “инок”, роҳибаларни эса “инокиния” деб аташни бошлаган. Марварид – бу Қалбнинг *бошқача (рухий) оламиданлигининг* рамзини ўхшатишли тимсоли эди. Қадимий рус “раковина” (чиғанок) сўзи Шарқий Европада истиқомат қилган қадимий славян халқлардан пайдо бўлган. “Раку”, “rakъve” – “қобик”, лотинча “arceō” – “кулфламоқ” сўзига ўхшаш. Яъни, чиғанокдаги марварид – бу тананинг моддий қобиғида кулфланган Қалбнинг рамзий белгиланиши эди, у бу ерга *бошқача дунёдан* келтирилган бўлиб, фақатгина одамнинг рухий, бунёдкорлик кучи ва Малакий табиатининг устуворлиги ёрдамида одамнинг (Шахснинг) Қалб билан кўшилиши (бирлашиши)да озодликка чиқиши мумкин.

**Анастасия:** Замоनावий одамлар учун бу ҳақиқатан ҳам жуда қизиқарли маълумот. Қизиғи шундаки, қадимда катта марваридларни Ориент деб номлашган (лотинча “orientis” сўзи “чиқаётган қуёш” маъносини билдирган). Бу сўз Шарқдан ўзлаштирилган эди. “Бошқача, ўзининг нотанишлиги ва ички гўзаллиги билан мафтун этган” нарсани шундай шоирона тарзда номлашган.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Катта марваридларни айнан “unio” деб номлашган (лотинча “ягона” сўзидан олинган), “ориент” сўзи билан эса Шарқда даставвал *табиий марваридларнинг порлашини* белгилашган.

**Анастасия:** Ҳа, маънавий рамзлар позициясидан буларнинг барчасига умуман *бошқача* қарайсан!

**Ригден:** Мен янада кўпроғини айтаман. Крестли-гумбазли черковнинг *крест марказидаги* марказий катта гумбаз ёки минор тагида жойлашган цилиндрсимон хона асосий, марказий апсида деб номланган ва у ерда айнан тахт ва қурбонгоҳ учун жой ажратилган. Апсиданинг ярим гумбаз шаклидаги бостирмаси (конха – “*чиганоқ*”, “*спиралсимон қуйун*”, “*воронка*”) “осмоннинг” рамзи эди. Устига устак, архитектурада гумбазни “кулфловчи” кулфли тошни хали ҳам *калит* деб аташади. Шундай қилиб, апсиданинг ички ботик сатхида даставвал, қоидага кўра, Худонинг Онаси “Оранта”ни “Осмон Дарвозасини очаётган” рамз сифатидаги қўлларини кўтарган холда мозаикали ёки ифодали тасвирини жойлаштиришган.

**Анастасия:** Ҳа, бу ерда одамнинг ўз устидаги рухий маънавий ишининг, аёлий табиатли илоҳий куч ёрдамида озодликка эришишнинг барча рамzlари мавжуд.. Худонинг Онаси “Оранта”нинг тасвирлари

Қадимги Русьда Чуқинтириш даврининг деярли бошиданоқ маълум эди. Кўпчилик уни қадимги Шарқ билан эмас, балки Византия билан боғлайди! Дин ва маданиятшунослик бўйича маълумотномаларда мазкур санамнинг номи юнонча “*orantis*” – “ибодат қилувчи” сўздан келиб чиққан деган тахмин илгари сурилмоқда. Бошқа маданиятлар ҳақида билмаслик ёки эслашни истамасликдан, бўлса керак, иш мазкур “чекланишдан” нари сурилгани йўқ. Аммо, тарихни ковласак, бу ерда мутлақо *бошқача* маъно киритилгани яққол бўлиб қолмоқда-ку!

**Ригден:** Сен ҳақсан, бу ерда маъно ҳақиқатан ҳам бошқача ва у бир қарашда туюлганидан кўра анча чуқурроқ. “Ибодат қилувчи” сўзи билан боғлиқликка келсак, шубҳасиз, одамлар рим катакомбаларининг тасвирларига таянган, у ерда ибодат қилувчи шакллар шундай ҳолатда тасвирланган эди. Аммо юқорига шу тариқа кўтарилган қўллар, суҳбатимизда эслатилганидек, ҳақиқатан ҳам палеолит даврида ҳам, неолит даврида ҳам, мис асрида ҳам (Қадимги Миср, Месопотамия, Харапп, Триполье ва хоказо цивилизациялари даврида) маълум бўлган аллақачонги рамзий тасвирдир. Бу Аллатнинг рамзий белгиланиши, Шахснинг Қалб билан кўшилишига эришиш бўйича рухий амалиётлари ҳақидаги билимнинг рамзи, рухий маънавий ойдинлашув, Ҳақиқатни билиш рамзидир.

**Анастасия:** Демак, барча билимлар бугунги кунгача ҳам мавжуд, фақат дунёнинг идроки одамларда мутлақо қарама-қарши томонга бурилган, бўлиб чиқяпти! Шуниси хайратланарли. Хатто ўша христиан черковининг архитектурасида ҳам асосий Билимлар қайд этилган: квадратсимон, марказга эга тўрт япроқли тузулма, цилиндрсимон марказий хона, бутун бинонинг пирамидасимон архитектураси. Сўнггисида яна пирамидасимон минора ёки учли (пиёзсимон) чўққисига эга гумбазлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ахир буларнинг барчаси одамнинг энергетик тузилишига, унинг Қалбининг озодликка чиқиш йўлига тегишли-ку: тўртта Маҳлуқотлар, марказ – Қалб, шахсий фазо, пирамидасимон тузулма, квадратнинг кубга трансформация бўлишининг ёки саккизталиқ (кубнинг рамзи) каби архитектуравий рамзлар. Одамлар дунёсидан Рухий Оламга реал ўтказувчисининг асосий ролини айнан аёлий табиатли илоҳий бунёдкор куч бажариши эса христианликда яққол кўрсатилган. У христианликнинг асосий тимсоллари орқали ўтмоқда – Биби Марьямнинг, Мария Магдалинанинг... Одамлар тимсолларни бўлиб юборишади, аммо уларнинг моҳияти битта-ку – илоҳий Мухаббат, у *Худонинг Онаси* – Мухаббат орқали одамда Худо билан мулоқотни туғдирувчи, Қалб орқали У Зот билан бўлган аввалги алоқани *тикловчи* восита. Айнан Худонинг Онасининг *рухий, хайрли Мухаббат ва Бунёдкорлик кучи* Худонинг асосий ўтказувчи, бажарувчи кучидир! Хушхабарни тарқатиш

сахналарида Биби Марьям маънавий софлик рамзи сифати бўлмиш нилюфар, аниқроғи, лилия гули билан тасвирланади. Уни аждарни – одамнинг Хайвоний табиатини оёқ ости қилган ҳолатда тасвирлашади. Ахир, одам ҳақидаги рухий маънавий билимлар ва рухий маънавий йўл амалиёти инобатга олинса, буларнинг барчаси бошқача, янада чуқурроқ маънога эга бўлади!

Биби Марьямни “руҳан тириклаштирувчи куч”, “ҳақиқий билимнинг тимсоли” деб аташади. Уни “Худонинг Донолиги” – “барчанинг рассоми”, “яратилишнинг Онаси” дейишади, У ҳақида Библияда шундай дейилган: “У Худонинг кучини нафаси ва Унинг шухратининг соф оқимидир”, “У абадий ёруғликнинг шульғаси ва Худонинг ҳаракатини соф кўзгусидир”, “У – битта, аммо барчага қодир, ва, ўз-ўзида мавжуд бўла туриб, барчани янгилайди, ва, қавмдан қавмга илоҳий Қалбларга ўтиб, Худонинг дўстларини ва пайғамбарларни тайёрлайди”. Биби Марьямнинг рухий кучини “Осмоннинг Дарвозасига” киёслашади.”! Уни “Худони Олиб юрувчиси”, “Дунёнинг Қалби”, “Худонинг касбқори”, “Нилюфарнинг тимсоли” деб аташади...

**Ригден:** Қачонлардир Исо Марияга шундай деди: ”Саодатлидирсан сен, Мария, зеро сенга буни жону-танинг билан қонинг эмас, балки осмондаги Менинг Отам очиб берди. Ва Мен сенга шуни айтаман: сен – Менинг Черковимнинг Минорасидирсан ва жаханнамнинг дарвозаси ундан устун кела олмайди”. “Ва Мен сенга Осмон Подшолигининг калитини бераман, ва нимани ерда боғласанг, осмонда ҳам боғланади, нимани ерда ечсанг, осмонда ҳам ечилади”.

**Анастасия:** Ҳа-ҳа, мазкур муҳим сўзлар менинг ёдимда. Ушбу билимларни мен “Сэнсэй-IV” китобида қайд этдим. Исо нафақат маҳфий билимларни ишониб берган, балки бугунги кунда одамлар Граил деб номлаган “Осмон Подшолигининг калитини ҳам” топширган Унинг энг яқин ўқувчиси айнан Мария Магдалина эди. “Исо Черковини Минораси”, “Эътиқоднинг асосий Устуни”га Исонинг Ҳақиқий Таълимоти бугунги кунга қадар таяниб турибди.

**Ригден:** .... Ва одамларга ундан уларнинг қалбларини қутқариш мақсадида реал рухий ёрдам келмоқда.

**Анастасия:** Биласизми, қачонлардир Киевда бўлган чоғимда черковларнинг бирига кирганимда, мен “Оранта” номли Худонинг Онасини бел қисмигача бўлган тасвирини кўриб қолдим. Унинг қўллари юқорига кўтарилган ва икки томонга қаратилган, худди *шоҳчалари юқорига қараб ётган ярим ой* кўринишида тасвирланган эди – *аниқ идишга ўхшар* эди. Кўксиде эса *доиранинг* ичида, худди

онасининг Бағридагидек, унинг химояси остида, чақалоқ Масих тасвирланган эди. Яъни бу санамда “АллатРа” рамзи шифрланган эди. Одамлар яққол нарсани кўрмаётгани мени хайрон қолдирар эди. Гарчи, агарда кўп йиллар аввал Сиз мазкур маълумотдан бизни хабардор қилмаганингизда, мен ҳам, бошқалар каби ушбу санамга қараб, нима учун ундан узоқлашгим келмаётганини, нима учун ундан ижобий куч чиқаётганини хис этишимни тушунмаган бўлар эдим. “Орантанинг” мазкур тасвирини мен суратга тушуриб, мобил телефонимга безак қилиб қўйдим. Мана у...

**Ригден** (саҳийларча табассум билан тасвирга қараб): Худонинг Онаси “Нишона”... албатта-да, бошқачаси бўлмас эди... Худонинг нурафшон марҳамати. Славян халқининг Она Бағри. Туғишган Акам менинг, тақволи кўзларинг қувончи Сенинг шарафингга Ҳақиқат Манбаи каби хануз порламоқда, ва абадий кунни яқинлаштирмоқда: “Худо ерда мавжуддир ва Худо ерда бўлажак!”... Яхши санам...Худонинг Онасини тимсоли халқ томонидан энг эъзозлангани эди. Мазкур санамни “Нишона” деб фақат Россия, Украина, Беларусь славянлари (шунингдек улар билан тарихан битта давлатга бирлашган бошқа халқлар ҳам) номлайди. Бошқа давлатларда уни Худонинг Онаси “Буюк Панагия”, “Пантонасса”, “Платитера” деб аташади. Эски славян тилида “знаменье” (“нишона”, “аломат”) сўзи қадимий рус “знамя” сўзидан пайдо бўлган, унинг маъноси “*белги*”. Русьда бундай санам илк бор XI асрда пайдо бўлган. Аммо **Беғараз табиб Агапит Печерский**нинг ерлик хаётидан сўнг ушбу санамни нафақат “нишона” деб, балки “тимсол”, *қутқарилши белгиси* деб ҳам халқда номланиши бошланди. Моҳият мана шунда!

**Анастасия:** Бу ҳақда эслатмаларни бугунги кунга қадар ҳам топиш мумкин. Аммо, афсуски, черков афсоналарида кўпроқ одамларнинг руҳий қутқарилишига эмас, балки жисмоний қутқарилишига урғу бера бошлашди. Бироқ, ўша йилларнинг тарихини диққат билан ўрганса, билвосита маълумотлар ҳам охир-оқибат маълум саналар билан боғлиқ тарихий воқеаларга олиб чиқади. Масалан, 1169 йилнинг **25 феврал кунда** “Оранта” санами шарофати билан *Буюк Новгород* шаҳри ёнидаги жанг мўжизали яқун топган, шу боис кейинчалик халқ Худонинг Онасини ўзининг химоячиси деб эъзозлашни бошлади. Аммо хокимият эгалари мазкур воқеага аталган байрамни юлиан календари бўйича 27 ноябр куни (янги услуб бўйича 10 декабр)га белгилаб қўйишди.

**Ригден:** Шунақаси ҳам бўлган. Мазкур воқеа атиги Буюк рўза кунларида содир бўлди. Рўза кунларида эса байрамни нишонлаш ноқулайроқдек. Шунинг учун 27 ноябр кунига тўғрилаб қўйишди,



Новгород князининг ноибини туғилган кунига. Қолаверса хокимиятда, хар доимгидек, хеч нарса ўзгаргани йўқ. Аммо халқ асл нарсани хис этади. Гарчи, адолат ҳаққи шуни айтиш керакки, мазкур санам ХІ асрданоқ Киев Русида кўплаб рухий маънавий мўжизаларни кўрсатди. Кейинчалик ҳам, мазкур санам туфайли қанчадан-қанча маҳфий ва яққол мўжизалар рўй берди! У бутун бошли православ худудларида шунчалик оммабоп бўлиб қолган эдики, натижада уни нафақат черковларнинг нақшида тасвирлашар эди. Белги халқ учун оммалашди. У туморларни, квадрифолия-санамларни, кўкрак безакларини мисдан тайёрлаш, шаклчаларни яшаш ва хоказолар орқали тарқатилар эди.



79-расм. “Оранта” тасвирлари:

- 1) “Оранта” тасвирли бронза санам (ХІІ-ХІІІ асрлар; Брест ш., Беларусь);
- 2) Олд томонида “Оранта” ва илоҳий Исо Чақалоқ, орқа томонида илончалар тасвирланган кўкрак нишони (ХІVаср.; Брест шахри яқинидаги археологик топилма, Беларусь).

Ҳозир ҳам мазкур санам рус Православиесида энг эъзозланадиганлардан биридир. Хаттоки ундан ҳам кўпроқ, Беларусда, масалан *тўртта фаришта қуршовидаги Худонинг Онасини* санам хозиргача ҳам пойтахтнинг герби бўлиб хизмат қилади (герб немисча “erbe” сўзидан таржима қилинганида “мерос” маъносини билдиради). Бу Днепр дарёсининг ирмоқларидан бири Свисlochь (Свіслач) дарёсида жойлашган қадимий эскиславян Минск (Мінськь) шахрининг фарқловчи рамзидир. Афсоналарда “Знамения” санамининг қадимги Киев билан боғликлиги ва унинг мўжизавий ўзлаштирилиши тўғрисида

қисман эслатмалар мавжуд. Барча мазкур рамзлар ва белгилар ушбу славян халқларининг маънавий меросида ўзгача изини босиб қолдирган.

**Анастасия:** Ҳа, бу ерда ўша худудларнинг замонавий гербларига назар солиш кифоя, жамиятнинг эътибори қайси рамзларга қаратилгани тушунарли бўлиб қолади.



80-расм. **Беларусьнинг замонавий рамзлари:**


- 1) Новополоцкнинг герби (Витебск вилояти, Беларусь);
- 2) Минскнинг герби (Худонинг Онаси иккита фариишта ва иккита херувим қуршовида тасвирланган);
- 3) худди шу рамз Минск ш. Мустақиллик майдонида жойлашган авлиё Симеон ва авлиё Елена костёли – таниқли католиклар черковида (XX аср боши).

**Ригден:** Умуман, қайд этишим керак, славянларда христианликкача бўлган даврнинг рамзий ишораларида кўпроқ ромбсимон шакллар устувор бўлган. Славян ва болтикбўйи халқлари ўзларининг анъанавий эътиқодларига христианликларни рамзий ишораларининг аралашувига узоқ ва қатъий қаршилик қилган деярли сўнгги хинд-европа халқлари эди. Эътиборлиси, дин сифатида христианлик X асрга келиб сиёсий таъсир кўрсатиш асбоби сифатида дунёдаги позицияларини анча кучайтирди. Мазкур халқларнинг рамзий ишоралари эса кўпроқ маънавийга қаратилган эди. Аммо, айтиб ўтганимдек, барча

ўзгаришлар рамзлардан бошланади. Эрон тилида сўзловчи халқларнинг бой рамзий ишораларига христианлик деярли VI асрдан, герман халқлариникига – VIII асрдан бошлаб таъсир этган бўлса, славян халқларига мазкур диннинг рамзларини (шу жумладан салбийларининг ҳам) бостириб кириши IX-X асрлардан бошланди.



Аmmo мазкур жараёнга ўз вақтида Агапит Печерскийнинг аралашувига биноан, Киев Русида айнан ижобий рамзлар фаоллаштирилган эди, уларнинг кўпчилиги (“АллатРа”, Аллат белгилари, ромблар, доиралар, тенг томонли крестлар) христианликкача бўлган даврда яхши таниш эди.. Аслида Агапит Билимларни янгиллаган эди, шу жумладан одамнинг тўртта Махлуқотлари, рухий озодликка чиқиш ҳақидагиларини ҳам. Албатта, бу очик эмас, балки яширин тарзда қилинган эди, шундай бўлса-да, Беғараз Табиб Агапит Печерскийнинг рухий маънавий меҳнати туфайли аксарият ижобий белгиларнинг янгиланиши содир бўлди, ва бу, табиийки, мазкур халқларнинг рухий маънавий келажагига таъсир қилди.

**Анастасия:** Ҳа, ва бу турли қадимий артефактлардан, масалан, ўша давр славян халқларида оммавий тарзда пайдо бўлган рамзлар ва белгилардан, Аллат рамзи ва “АллатРа” белгиси мавжуд санамлардан, муқаддас сюжетларга эга халқ наққошлик предметларидан, тўртта Махлуқотлар атрибутикаси мавжуд айнан тенг томонли (асло узун бўлмаган) крестларнинг рамзларига эга узуклар, либослар учун безакли қадагичлар (фибулалар), брошка, зиракларнинг тарқатилишидан аниқ кузатилмоқда. Қизиқарлиси, Қадимги Русьда тасвирларга эга олтин ва кумуш узуклар шаҳарларда, геометрик нақшларга эга мис узуклар эса – қишлоқда тарқалган эди.



*81-расм. Эскиславян капише ва Макошь аёл худосининг тасвирига эга тикув нақши.*

*Макошь аёл худоси Киев Русининг христианликкача бўлган даврнинг олий худолар гурухининг таркибига кирган. У славянларнинг аёлий табиатнинг, хосилдорликнинг, тўқувчилик ва тикувчиликнинг осмоний ҳимоячиларининг асосийларидан бири эди*




82-расм. Муқаддас рамзларга эга рус халқ наққошлигининг намуналари



83-расм. Славянларнинг наққошлик элементлари.



84-расм Славянлар-вятичларнинг рамзий ишоралари.  
(XII асрнинг боши, Россиянинг Москва, Калуга, қисман Смоленск, Брянск вилоятлари хуудларида топилган артефактларнинг тасвирлари.)



85-расм. *Христианларнинг тенг томонли крестлари. (XI-XIII асрлар, Киев Руси).*

- 1) *собиқ Витебск губернияси худудида топилган артефактлар (Беларусь);*
- 2) *кўкракка осиладиган металл крест (Беларусь, Витебск вилояти, Полоцк шахрида топилган);*
- 3) *кўкракка осиладиган металл крест (Беларусьда, Минск вилояти, Борисов шахрида топилган);*
- 4) *Исо Масих михланган крестнинг тасвири (X аср охири-XI аср боши, Беларусьнинг Гродно вилояти, Новогрудок шахридан артефакт);*
- 5) *Исо Масих михланган крестнинг тасвири (Беларусьнинг Витебск вилояти, Полоцк шахри артефакти).*

**Ригден:** Қоидага кўра, одамларнинг эътибори асло белгиларда эмас, асло уларнинг асл мақсадида эмас, балки атайлаб у ёки бу диннинг ёки сиёсий мафкуранинг фалсафасида мужассамлаштирилади. Вахоланки уларнинг айримлари ишчи белги саналади ва одамнинг энергетик тузилишига таъсир кўрсатади, ва, буни одам тушуниши ёки тушунмаслигидан қатъий назар, ғайритабиий онг даражасида ишлайди. ўз уйида, ишхонасида ва фаолиятининг бошқа жойларида уларни айнан қайси белгилар ва рамзлар ўраб турганига одамлар қараб чиқиши лозим. Билимларга эга бўла туриб, вазиятни яхшироқ томонга

ўзгартириш доимо мумкин, бунга одамларнинг истаги ва ушбу йўналишдаги реал меҳнати бўлса, кифоя... Шундай қилиб, “Оранта” ҳақидаги суҳбатга қайтсак. Ушбу рамзлар ва белгилар жойлаштирилган Худонинг Онаси тасвирланган мазкур санам ягона эмас.

**Анастасия:** Тўғри. Худонинг Онасини мўжизалар яратувчи Остробрам санамига (Виленская санамига) назар солиш кифоя. У Вильнюс шаҳрида (Литвада) жойлашган бўлиб, бугун *Литва, Украина, Беларусь, Польшада* жуда оммалашган, бунинг устига ҳам католиклар, ҳам православлар томонидан эъзозланади.



86-расм.. *Худонинг Онасини Остробрам санами (Виленская санами).*

У билан кўплаб турли афсоналар боғлиқ, шу жумладан, унинг Корсундан келиб чиқиши ҳақидагилар ҳам (Херсон шаҳрининг қадимги номи, у ерда Доно Ярославнинг отаси киев князи Владимир чўқинтирилган). Бугунги кунда мазкур шаҳарнинг қолдиқлари Украинанинг Севастополь шаҳри яқинида жойлашган. Аммо мазкур санамдаги шохчалари юқорига қаратилган ярим ой рамзини кўрмасликнинг иложи йўқ.

**Ригден:** Биби Марьямнинг юқорига қараб ётган ярим ой билан бўлган кўпдан-кўп шундай тасвирлари тамплиерлар орденининг пайдо бўлиши ва мустахкамланиши даврида (XII-XIII асрларда) Ғарбда пайдо бўлишни бошлаган.


Умуман, қайд этиш керак, олдинги даврда бошқа маданиятларнинг Аёл Худолари ҳам илоҳий аёлий табиат сифатида худди шундай рамзий ишоралар билан тасвирланган. Масалан, Ардвисура Анахита исмли эронлик Аёл Худо (авесто тилидан таржима қилганда “Ардви қудратли, бокира”) – сув ва хосилдорлик худоси, унга муқаддас “Авесто” китобида» (V “Яшт”да) алоҳида “Ардвисур-Яшт” мадҳияси бағишланган. Дарвоқе, Ардви сўзи даставвал илоҳий Ёруғлик подшолигидан чиқаётган ва барча нарсага хаёт бағишлаётган дунёвий сувларнинг манбаи маъносини билдирад (Аллатнинг прототипи) эди.



*87-расм.. Муқаддас қушда учаётган Ардвисура Анахита, Кумуш идишидаги тасвирнинг парчаси (Viаср, Эрон (Форс), хозир “Эрмитаж” музеида жой олган, Россия, Санкт-Петербург ш.)*

Ёки бошқа, қадимий мисрлик Исида Аёл Худо билан боғлиқ мисол. Қадим замонларда уни эъзозлаш култи Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам, масалан, Кичик Осиёда, Сурияда, Юнонистонда, Италияда, Галлияда ва бошқа давлатларда кенг тарқалган эди.

**Анастасия:** Ҳа, хатто эллинизм даврларида ҳам Исиданинг эъзозланиши Миср чегараларидан анча узоқда жуда оммабоп бўлган. Халқ учун уни аёлий табиатнинг, хосилдорликнинг (бунёдкорликнинг), денгиз саёхатининг худоси деб таништиришган. Аммо унинг одатий тасвиридаги диққатни тортувчи илк нарса – бу унинг бош кийими, шохчалари юқорига қараган ярим ой ва доира кўринишидаги атрибут (“АллатРа”).



88-расм. *Қадимий мисрлик Исида Аёл Худонинг бош кийими атрибути.*

**Ригден:** Ҳикматли талқинда унинг исми ўтиш холатини, *бошқача* сфера билан боғловчи нарсани билдирар эди. Айтиш жоиз, эллинизм даврида ўша крестли-гумбазли черковнинг муқаддас рамзий ишоралари талқини, аввал айтганимдек, кўп жихатдан Шарқ диний тушунчаларидан ўзлаштирилган. Масалан, суҳбатимизда мен юнонча “апсида” сўзини эслатган эдим, бу крестли-гумбазли черковдаги марказий гумбаз ёки минора тагида жойлашган цилиндрсимон хона дегани, бу гумбазни “қулфловчи” қулф тоши (“калити”). Юнонлар томонидан Қадимий Мисрнинг Исида худосининг исми, шунингдек “абдий хаёт”, “хаёт калити”, ўлмаслик рамзи маъносини билдирувчи унинг атрибутларидан бири бўлмиш – мисрлик анх крестининг муқаддас маъносидан Апсиданинг рамзий маъноси ўзлаштирилган эди. Апсида (қадимги мисрча “αψίς” сўзидан - “ёй, илгак, гумбаз, бўртиқ жой”, “бирлаштирувчи, боғловчи восита”) – хар қандай думалоқ шаклни: диск, шар, цилиндр, осмон гумбазини юнонлар айнан шундай номлашар эди.

**Анастасия:** Ҳа, турли давлатлар коҳинлари кўп холларда “ўз подаларининг” “бегона аёл худосини” эъозлашига тавозе бўлишга мажбур эди. Халқлар орасида унинг оммалашувини ўсишини енгиш улар учун қийин эди.

**Ригден:** Буни тушунса бўлади. Коҳинлар нафақат бу нарса билан курашар эди, балки мазкур ҳаракатни бошқаришга уринишар эди, ўзларининг маҳаллий аёл худоларининг мафтункорлигини, бундан чиқди, ўзини киримини ҳам ошириш учун, мазкур культнинг қайсидир маросимларини, элементларини, эпитетларини ҳеч бўлмаса ўзлаштиришга уринишар эди. Аммо ушбу барча “ўзлаштиришлар” билан биргаликда асосий билимлар ҳам қисман нусхаланар эди. Бундан хабардорлар эса халқдаги бундай оммалашувнинг сабабини билишар эди, чунки улар белгилар ва рамзлар ҳақида билимларга эга эди. Шунинг учун, ушбу билимларни келажак авлодларга узатиш мақсадида, улар хар қандай воситаларни ва имкониятларни ишга



солиб, ижобий белгилар ва рамзларнинг тарқалиши жараёнига кўмаклашар эди. Кейинчалик эса, кўпинча унинг моҳиятини тушунмаган холда, турли халқларда бу бор-йўғи анъанага айланди. Одамлар ўтган авлодларнинг фақатгина умумий, юзаки фалсафасини, архитектура ва санъатдаги тажрибасини кўлланма қилиб, тақлид қилишни бошладилар...

**Ригден:** Эътиборли одамга турли қитъаларда жойлашган, *турли динларга* тегишли, қадимда ва хозир қурилган муқаддас иншоотларнинг, ибодатхоналарнинг, черковларнинг архитектурасига қарашнинг ўзи кифоя. Ва у уларда акс эттирилган бир хил асосий маънавий рамзларни кўради. Кўпинча бундай қурилмалар (барча ерлик, одамий нарсани ифодаловчи) квадрат шаклнинг (осмоний, рухий маънавий) сферасимон шаклга трансформацияси кўринишидаги архитектуравий ечимлардан иборат, бу эса, айтиб ўтганимдек, рухан ўсишининг, одам тузулишини ўзгаришининг тимсолидир. Моҳият бўйича, бу Қалбнинг устуворлиги холатидаги одамнинг тўртта Маҳлуқотининг яхлитлигининг, кейинчалик эса унинг озодликка чиқишининг тимсолидир. Сўнггисини эса муқаддас иншоотларнинг архитектурасида куб кўринишида ёки кубнинг *саккизта* учини рамзий белгилаб тасвирлашган (кўпинча чўкки сифатида – саккизқиррали юлдуз кўринишида). Кейинчалик кубнинг прототипини саккизбурчак кўринишида тасвирлашни бошлашди, унга мувофиқ, одам табиатининг якуний трансформацияси, сифат жихатдан ўзгариши ва унинг рухий сферага чиқишининг рамзи сифатида, минорнинг квадрати гумбазнинг доираси билан бирлашган.

Худди шу нарса қадимги санъатга ҳам тегишли. Шарқнинг, мисол учун, мусулмонларнинг саройлари ва масжидларининг, шунингдек китобларининг, либосларининг, идишларининг геометрик нақшларини олсак. Уларнинг асосида арабескалар – квадратлар, доиралар, учбурчаклар, юлдузлар, кўп япроқли гуллар, нилюфар гули ва унинг танасига ўхшаш ўралишлардир. Дарвоқе, сўнггилари мусулмонларнинг XII–XVI, ўрта асрларга хос нақш, спиралнинг ўралувчи ўсимликнинг барглари билан бирлашишидан иборат бўлган услуби кўринишида ислими деб номланади (номи рус транскрипциясида келтирилган), туркий тилдан таржима қилганда “исломий” маъносига эга. Шарқда хисобланишча, мазкур нақш ернинг гўзаллигини шарафлайди, одамларга жаннат боғлари ҳақида эслатиб туради, шунингдек одамнинг рамзий рухий маънавий ўсиши ғоясини ифодалайди, бу нарса эса тўхтовсиз ривожланаётган, гуллаётган новдада акс эттирилган. Бундай одамнинг йўли унинг ўсишининг кўпдан-кўп вариантларидан, дунёнинг турли вазиятларининг ўралишидан иборат. Яқин ва Ўрта Шарқнинг мусулмонларга хос санъатидаги геометрик орнаментлар эса IX–XVI

асрлардаёқ гирих деб номланар эди (номи рус транскрипциясида келтирилган, форсий “тугун” маъносига эга сўздан пайдо бўлган. Қайд этаман, энг тарқалган рамзлардан бирлари – бу саккизта, бешта ва олтита қиррага эга юлдузлардир. Умуман олганда эса ислом дини дунёқарашида геометрик орнаментлар яхлитлик, уйғунлик, тартиб ғояларининг рамзидир. Уларнинг эътиқодларига кўра, ягона Худо, барча мавжудликни яратувчиси – Аллоҳ томонидан яратилган Олам айнан шу ғоялар бўйича мавжуддир.


Мазкур рамзлар қачонлардир билимларни узатиш учун хизмат қилган эди, хозир эса аксарият одамлар учун бор-йўғи маънавий мушоҳада объектларидир, худди хиндлар учун мандалалардек. Дарвоқе, эрта христианликда Масихни ифодалаш учун каби, Буддани ифодалаш учун ҳам азалдан фақат рамзлар ва белгилар ишлатилган. Ва анчагина кейин, дин институтининг тузилиши билан, масалан, ўша буддавийликни олсак, Будданинг худо сифатида персонификацияси бошланди. Умуман, айтганимдек, нақшдаги геометрик белгилар – бу Шарқда исломгача бўлган замоннинг билимларни рамзий узатилишининг жуда ҳам қадимий анъанасидир. Бундай нақш ўша кўчманчи-араблар томонидан бўладими, гуё аксариятга тушунарли очик китобдек ўқилар эди.

**Анастасия:** Ҳа, энди, Шарқ, хусусан ислом, бу бутун тарихдир. Қачонлардир бизга Мухаммад пайғамбар тўғрисида гапириб берган эдингиз. Бу эса, ўз навбатида, ислом анъаналарига, маданиятига, санъатига, архитектурасига, адабиётига бўлган қизиқишни туғдирди. Маълумки, мусулмонларда асосий муқаддас қадамжо, зиёрат макони бўлиб Мухаммад (с.а.в.) туғилган шаҳар – Макка шаҳри саналади. Бу жой тоғларнинг орасида жойлашган унча катта бўлмаган водийдир. Хали исломгача бўлган замонлардаёқ Макка Арабистон ярим оролининг асосий диний маркази эди, (катта куб шаклида қурилган) Каъба эса – Арабистон ярим оролининг турли халқлари томонидан эътироф қилинган. Уни ким ва қачон қургани хозирча олимларга номаълум. Аммо, қизиғи шундаки, Каъба арабчадан таржима қилинганида куб дегани. Ўз бурчагига кўйилган (ёки бир бурчаги белгиланган) куб қадимдан жаҳоннинг халқларида аҳамиятли рухий маънавий рамз бўлиб хизмат қилади ва одамнинг Рухий Маънавий Мавжудотга трансформациясига, ўзгаришига кўрсатишини инобатга олсак, жуда қизиқарли бўлиб чиқмоқда.

Геометрияга мувофиқ, куб – бу 12та қирралардан, 8та чўққилардан (уларнинг хар бирида 3тадан қирралар кесишади) ва 6та квадрат шаклидаги қирраларга эга жисмдир. 72 сони 12нинг 6тадан

комбинацияси бўлиши мумкинлигини эслаш жоиз. Ва сонларнинг ва геометрик қийматларнинг нооддий рамзий ишораси келиб чиқмоқда.

Шундай қилиб, Маккада хукмдор дин ислом бўлиб қолганида, қадимий муқаддас иншооти Каъба жойлашган ал Харам Масжиди ва, айтиш жоиз, чуққисида рамзий Аллат белгиси ўрнатилган Маком ал-Иброхим номли унчалик катта бўлмаган гумбазли қурилма мусулмонларнинг асосий зиёрат жойи бўлиб қолди. Афсонага кўра, унда Иброҳим пайғамбарга тегишли оёқ изи қолдирилган тош мавжуд.



89-расм. *Макка шахридаги ал-Иброхим Мақоми гумбазидаги Аллат белгиси.*

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Қуръонда (3-чи Суранинг 97-чи Оятида) мазкур белги борасида аниқ ёзилган: ”Унда очик *аломатлар* ва мақоми Иброҳим бор. Ким унга кирса, тинч бўладир.” Аллат белгиси бу айнан рухий озодликка эришишнинг рамзидир – бу одам учун Абадийликка йўл очиб бериши мумкин бўлган ягона рухий ўзгариш ҳолатидир ва шу ҳолатдагина у ушбу моддий дунёдан хавфсизликда бўлиши мумкин.

**Анастасия:** Сиз билан ҳамфикрман, жуда кўрғазмали тарзда ва аниқ ёзилган, бироқ одамлар бунга гўё пайқамангандек; ёки ўзича, уч ўлчамли ўлчовнинг яшовчисининг ақлий фикрлашидан келиб чиқиб, тушунади. Уларнинг эътиборини кўпроқ ташқи нарсаларда мужассамлаштиришган. Масалан, Каабанинг шарқий бурчагининг ташқи деворида, у ерда масжиднинг асосий муқаддас нарсаси - “Қора тош” (Хажар ал-Асвад) деб аталмиш тахминан ўттиз сантиметр узунликдаги тухум шаклига эга тош киритилган. Олимлар тахмин қилишича, мазкур тошнинг келиб чиқиши вулқонли ёки метеоритли. Аммо моҳият бунда эмас, қадимий араб ривоятига кўра Олий Фаришта Жаброил (христианликда Олий Фаришта Гавриил; маълумки Жаброил алайхиссалом пайғамбарларга Аллоҳнинг иродасини ва ваҳийларини етказувчи энг

эъзозланувчи фариштадир) Одам отанинг тавбасидан сўнг Аллоҳнинг илоҳий раҳмдиллигини белгиси сифатида Ерда ибодат қилиш учун унга *қурбонгоҳ* сифатида жаннатдан оқ тошни узатиб берди, ва бу тош Каабага асос солди. Мазкур воқеа Одам ота ва момо Хавво (Ева) жаннатдан хайдалиб, бир-биридан айрилгач, сўнг эса, кўп йиллар ўтиб, Макка худудида яна бир-бирини учратганида содир бўлган. Афсонага кўра, тош даставвал оқ рангда бўлган, аммо одамларнинг гуноҳларидан қорайиб қолган.



**90-расм. “Мухаммад (с.а.в.) фаришта Жаброилдан илк ваҳийни қабул қилиши” номли расмнинг бир қисмини схематик тасвири. Унда фаришта Жаброил тасвирланган.**

*(Расмнинг асл нусҳаси Жами ат-таварих (“Солномалар тўплами”) китобида келтирилган. Муаллиф Рашид ад-Дин. Китоб Форс мамлакатининг Тебриз шаҳрида 1307 йилда чоп этилган. Хозир Шотландияда Эдинбург университетининг кутубхонасида сақланмоқда).*

Ислом динининг эътиқодига кўра, Каъба шунингдек “Аллоҳнинг Уйи”, “ерга ағдарилган осмоннинг қисми”, оламнинг маркази, барча мусулмонларнинг ибодати йўналтирилган тарафи саналади. Диндорларга уқтириладики, хар бир мусулмон киши хаёти давомида бир маротаба бўлса-да, Маккани зиёрат қилиши, у ерда бир қатор маросимларни бажариши, шу жумладан, илоҳий тартиб, ягона марказга бўйсунуш рамзи сифатида Каъбанинг атрофида етти бора айланиб чиқиши шарт.

Бироқ муқаддас Кабатуллоҳ ҳақидаги мазкур маълумотни Билимлар билан таққосласа, гап ташқи сиғинишда эмаслиги яққол бўлмоқда. Ахир рухан ривожланган инсоннинг еттинчи ўлчовдаги энергетик тузулиши ўз бурчакларнинг бирига қўйилган кубни эслатади! Бурчакларнинг бири белгиланган куб – бу рухий маънавий билимларни

рамзий узатиш. Етти маротаба айланиш эса – еттита ўлчовларни ўрганишнинг рамзидир!

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Турли динлардаги муқаддас маросимларда бирор ташқи ҳаракатни етти маротаба бажарилиши мавжуд. Бу Худога йўл олган инсоннинг ҳаёти давомида еттинчи ўлчовга чиқиши, ўзгача рухий маънавий юришнинг (ҳаёти давомидаги рухий маънавий ривожланишининг) *рамзидир*. Масалан, сен тўғри эътибор берганингдек, ислом динида – бу Кааба атрофида етти маротаба айланиш ва етти сони билан боғлиқ яна бир катор муқаддас маросимлардир. Улар мусулмонларнинг Аллоҳнинг арши жаннатда *еттинчи осмоннинг чўққисида*, “*энг четдаги Нилюфар*” (Сидрат аль-мунтаха) мавжуд маконда жойлашган, деган эътиқодлар билан шартланган. Исломнинг суфизм каби эзотерик оқими мавжуд бўлиб, у Шарқ мусулмонларининг диний ақидаларига, фалсафасига, адабиётига, этикасига, шеърятига катта таъсир ўтказган. Дарвоқе, машҳур олим ва шоир Умар Хайём ҳам суфизм рубойилари усулида ёзган. Шундай қилиб, суфизмда рухий маънавий ўрганиш, Аллоҳга йўл – бу ўзини мукаммалаштириш йўлидаги *еттита* маънавий поғоналардир (тарикат: арабча “тарика” (сўз рус транскрипциясида келтирилган) – “йўл”; “ҳақиқатга йўл” дегани). Уларнинг номи мақом (арабчадан таржима қилганда – “жойлашув”, “позиция”, “тўхташ жойи” – суфийнинг ҳар бир босқичда эришган рухий маънавий барқарор ҳолати: тарикатнинг “тўхташ жойи”. Худога йўл “*Еттита* водийни” рамзий кесиб ўтиш сифатида таърифланади.

**Анастасия:** Ҳа, суфизмдаги мазкур еттита водийнинг номлари ўзига хос шоиронадир. Биринчиси – Қидирувлар Водийси, у ерда одам ўзининг барча ерлик истакларидан айрилади. Иккинчисида – Мухаббат Водийсида у Худони танҳо Севгилиси сифатида топишга уринади. Учунчисида – Интуитив билимлар Водийсида суфий энди Худони ўрганишни, Ҳақиқат нурини идрок этишни бошлайди. Тўртинчисида – Бўлиниш Водийсида Худони излаган ўзининг худбинлик истаклари ва боғланишлари билан айрилиши керак. Бешинчида – бирлашув Водийсида дунёнинг яхлитлигини англаш. Олтинчида – Илоҳий Мухаббат океанини хис этиш. Ва еттинчида – Водийсида одамий “мен”, ўта-кетган худбинлик йўқотилади ва, суфийларнинг тушунишига биноан, изланувчининг Қалби Худо билан қўшилади. Одамнинг “Мен”и ғойиб бўлиб, фақатгина битта илоҳиёт, асл моҳият қолувчи онг ҳолатини суфийлар “фана” деб номлайди (“йўқ бўлмоқ”), у буддавийларнинг Нирванасига ўхшаш.

**Ригден:** Тўғри, уларнинг Худо томон йўлидаги босқичларнинг ассоциатив тушунчалари шунақа...Айтиш жоиз, буддавийликда ҳам,

аслида, худди шу нарса, ойдинлашувга ва озодликка, Нирванага эришиш учун мукаммалликнинг олти кетма-кет поғоналари мавжуд. Уларнинг номи “парамита”, бу эса санскритдан таржима қилганда “нариги томонга (Нирванага) ўтиш”, “қутқарилиш воситаси” дегани.

**Анастасия:** Ҳа, худди суфийларникидек поғоналар Хиндистоннинг эрта эътиқодлари бўлмиш буддавийликда ва ундан ҳам эртаги – индуизмда акс эттирилган. Олти мукаммалликлар – парамиталар.

Биринчи парамита – хайр-садақадаги саҳийлик мукаммаллиги. Ахир буддавийликда шундай деганда айнан ўз устидаги ички меҳнат, моддий нарсаларга, кулайликларга, жамғаришга, эгалик қилишга, хукмронлик қилишга чанқоқлик тушунилади. Шунингдек битмас-туганмас ерлик истаклар доирасини тўхтатишга интилиш (суфийларда йўлдан кетаётган инсон ҳам биринчи Водийда ўзининг барча ерлик истакларидан айрилади), худбиндан беғараз бериб юборишга, бўлишишга, кўмаклашишга, эзгуликни ўзининг манфаатини ва шон-шухратини кўзламасдан яратишга қодир бўлган саҳий инсонга айланиш.

Иккинчи парамита – ахлоқлиликдаги мукаммаллик. Ахлоқий покизалик ўзини мукаммаллаштиришнинг кейинги босқичлари учун таянч бўлиб хизмат қилади, Рухий Олам эшигини очишга ижозат беради (суфийлар мазкур босқичда ўзининг кўтаринки туйғулари орқали Худони топишга уринади). У ақлнинг интизомида, эзгу ниятларни, ҳаракатларни ва амалларни бажаришда умуминсоний одоб-ахлоққа оид принципларга риоя қилиш билан ифодаланади. Ва, албатта, буддавийликда, ҳар қандай бошқа диндаги каби, мазкур дин томонидан ўрнатилган қонун-қоидаларга амал қилиш ёзиб қўйилган.

Учинчи парамита – сабр-тоқатдаги мукаммаллик. Бу ўзини назорат қилишни ривожлантиришдир (суфийларда Худони билишдаги дастлабки босқич, Ҳақиқат нурини идрок қилиш). Хаяжонни, салбий эмоцияларни, ўз жаҳлини, ихлоси қайтишини, руҳий сиқилиш ҳолатини босиш, ҳар қандай қийинчиликларни, хаётий муаммоларни барқарор енгиб ўтиш, ирода кучини камолга етказиш.

Тўртинчи парамита – тиришқоқликдаги мукаммаллик. Моҳият бўйича, бу ўзини тута билиш, эзгу амалларда, ҳар қандай меҳнатда қувонч олиш, фақат ойдинлашувга йўналтирилган ниятларни ишлаб чиқаришдир. Шуларга биноан одам ўз дангасалиги, хасадгўйлиги, рашқи, худбинлик истакларидан айрилади (суфийларда излаётган ўзининг боғланишлари ва истакларидан батамом айрилиши лозим).

Бешинчи парамита – медитациядаги мукамаллик. Буддавийликлар мазкур босқични яна “барчани қамраб олувчи онглилик”, “мушохада қилиш” деб ҳам номлашади (суфийларда бу иккита босқич – дунё Яхлитлигини англаш ва мушохада), унда киши дунёни худбин кузатувчи томонидан торайган ҳолатда кўришни тўхтатади ва ўз ичкарисига назар солиш орқали, медитацияларни амалга ошириб, дунёнинг ҳақиқий реаллигини кўради. Шунда у ҳақиқий реаллик нималигини тушуна бошлайди, унинг учун дунёларнинг хилма-хиллиги очилади. Одам ақл хаёлийлиги нималигини тушуна бошлайди, ҳақиқий дунёни ўрганиш унинг устувор истагига айланади. Бошқа тўртта мукамалликлар эса қулай далани яратади, унда медитацияларда туғилган руҳий новда кейинчалик ўзининг етук мевасини беради, деб хисобланади.

Олтинчи парамита – чегара ортидаги (интуитив) доноликнинг мукамаллигидир. Одамнинг сифатли руҳий ўзгариши, руҳан ўйғониши. Хар қандай фикрлардан холи бўлган соф бирламчи идрокка эга бўлиш, онгнинг юксак тушунчаларсиз шаклига эришиш (суфизмда – одамий “Мен”ни йўқотилиши, излаётганнинг Қалбини Худо билан қўшилиши), руҳий кўриш, унда бутун Реалликнинг идроки бир онда, тилни, сиймоларни, ерлик ўхшатишларни ва тасаввур тоифаларини талаб қилувчи тушунчаларга эга одамий ақлнинг иштирокисиз кетади.

**Ригден:** Ҳа, уларнинг Нирванага эришишнинг қарашлар тизими схемаси шунақа. Дарвоқе, интуитив билимнинг олтинчи босқичи уларда Пражня-парамита деб аталади (“праjña” сўзи санскрит тилидан таржима қилинганида “ донолик”, “тушуниш” маъносини билдиради). Мазкур номни бодхисатва-аёл, Ойдинлашув Онаси, Олий Мукамал Доноликнинг аёл худоси (Интуиция) билан боғлашади.

Одатда уни нилюфар гули ҳолатида катта нилюфар гулида ўтирган ҳолда тўртта кўли билан тасвирлашади. Иккита кўллари Дхарма ғилдирагининг бурилиш белгисини (мудрани) кўрсатмоқда. Ўнг ёнбош кўлида Чинтамани қимматбаҳо тоши бор штандарт, чап ёнбош кўлида эса *нилюфардаги китоб* тасвирланган. Умуман олганда, агарда қадимий хинд фалсафасига чуқурлашсак, мазкур Олий Интуициянинг аёл худоси аслида, моҳият бўйича, Аллатнинг бунёдкор кучининг рамзидир. Индуизмдан нимаси биландир фарқланиши учун, буддавийликлар ўз динида Қалб ва Худо тушунчаларини четлаб ўтишади. Бироқ, айтмоқчи бўлганим, бу одамнинг яқунловчи босқичга яқинлашганида ўзида буни хис этмайди дегани эмас, мен Қалбни ва Худони назарда тутяпман.



*91-расм. Бодхисатва-аёл, Ойдинлашув Онаси, Олий Мукаммал  
Доноликнинг аёл худоси – Праджняпарамита.*

*(XIII аср скульптураси; Ява оролидаги Маланг шахри яқинидаги Сингасари ибодатхонаси ёнида топилган, Жакарта шахридаги Индонезиянинг Миллий музейи).*

Аксинча, мазкур олий, интуиция ёрдамида барчани билиш ва барчани тушуниш ҳолатига киши рухий асбоблар ёрдамида айнан Қалб нималигини ўрганганида ва ўз устидаги кундалик рухий меҳнати туфайли ўз Шахси билан унга максимал равишда яқинлашганида, Қалби орқали Худо билан алоқани тиклаганида эришади. Бутун бошли диндорлар армиясидан айримларгина рухий маънавий йўлнинг охиригача етиб бориши, қолганлар эса ўз одамий моҳиятини ўзгартирмасдан, бор-йўғи фалсафа юритишлари, бу бошқа масала.

**Анастасия:** Ҳа, одам медитациялардаги амалий тажрибага эга экан, Сизнинг сўзларингизни чуқурроқ тушунади.

**Ригден:** Бу табиий хол...

**Ригден:** ... Жаҳоннинг бошқа динида – христианликда ҳам Худо томон юраётган одамнинг ўзини рухий камолга етказишининг худди шундай



босқичлари мавжуд. У ерда *еттита муқаддас маросимлар* одамнинг қутқарилиши концепцияси билан боғлиқ, улар рамзий маънода диндорнинг рухий маънавий йўлини акс эттиради: чўқинтириш, хушбўй мой (миро) суриш маросими, гуноҳларига тавба қилиш, евхаристия (Парвардигорга миннатдорлик билдириш), никоҳ, ўсимлик ёғи билан даволаш ва черков хизматига қабул қилиш. Улар орқали диндорга юқоридан кўринмас илоҳий *мархамат*, Худонинг қутқарувчи кучи тушади, деб саналади.

**Анастасия:** Ҳа, ўз устида ишлашнинг деярли яна ўша босқичлари. Фақат мазкур дин контекстида бошқа сўзлар билан айтилган. Масалан, биринчи синоат – Крещение, чўқинтириш, христиан таълимотига биноан, диндори “черков бағрига” қабул қилиш билан боғлиқ, унда одам “жисмоний, гуноҳли хаёт учун ўлиб, Илоҳий Рухдан рухий, илоҳий хаётга қайта туғилади”. У одам учун рухий қутқарилиши истиқболни очиб беради, деб хисобланади. Рамзий маросим вақтида одам “шайтондан, унинг барча ишларидан ва унинг барча хизматидан воз кечади”, яъни, аслида, ўз Хайвоний табиатининг истакларидан воз кечиб, фақатгина ўзининг Малакий табиатига хизмат қилишга тайёрлигини тасдиқлайди, уни мазкур динда илоҳий табиатга қўшилиш, Масихга хизмат қилиш деб номлашади. Рамзий маънода Чўқинтириш удумининг асоси бутун маросимдан иборат, унинг жараёнида ибодат қилинади ва одамни ё сувга тўлдирилган тоғора ёки хавзага тушуришади, ёки унга сув пуркатишади.

**Ригден:** Умуман, қайд этиш керак, ювинтириш, сувга тушириш маросими қадимда кўплаб халқларга маълум эди: мисрликларга, эронликларга, финикияликларга, славянларга, юнонларга, римликларга ва хоказо. Айтиш жоиз, Исо Масих хаётининг саккизинчи куни хотирасига бағишлаб, гўёки хатна қилиш маросимини Чўқинтириш маросими кўринишидаги “рухий маънавий кестириш” (гуноҳлардан озод бўлиш) маросими билан алмаштириш мақсадида, эрта христиан черков қоидаларида чақалоқни туғилганидан кейин айнан *саккизинчи кунда* чўқинтириш тайинланган.

Аммо бунга қадар янги туғилган чақалоқни ювинтириш аънанаси ва унга исм қўйишни айнан туғилганидан кейин саккизинчи кунда амалга ошириш римликларга ҳам маълум эди (эслатганимиздек эса, христианлик айнан Рим империясида туғилган), улар эса, ўз навбатида ушбу аънанани бошқа халқлардан ўзлаштириб олган. Ёки яна мисол, ўша буддавийликда хатто бугун ҳам “Будданинг туғилган” кунини қамария йилининг *тўртинчи* ойини *саккизинчи кунда* нишонлашади ва, аънанага кўра, мазкур кунда Будданинг тасвирини хушбўй сув билан пуркатиб, ибодат қилишади. Мисоллар кўп. Аммо бу борада мен нима

демоқчиман. Чақалокқа *туғилганидан кейин саккизинчи кунда* исм қўйиш, маросимий ҳаракатларни, ювинтиришни амалга ошириш каби удум кўпдан-кўп халқларда бўлган ва у азалий маънавий Билим билан боғлиқ. **Қалб ўзининг атрофидаги барча қобиклари – субшахслари билан биргаликда чақалокнинг танасига кириб борганида, аслида, моҳият бўйича, улар жудаям кучли руҳий зарба холатига тушади.** Ахир субшахсларда, моддий дунёнинг ақлли ахборотли тузулмалари сифатида, шундоқ ҳам барча қайта туғилиш жараёнларининг тўлиқ англаш, бутунлай йўқ қилинишдан қутулиб бўлмаслик кўркуви мавжуд. Янги тананинг хаётий Прана энергияси оқимида қайта тушар экан, хаётни хис этса-да, бироқ аввалгидек (Шахс сифатидаги хаётидагидек) ушбу энергияларни бошқара олмас экан, ўз танловида материяга кўпроқ боғланган субшахслар янги туғилаётган Шахсга нисбатан тажовузкор бўлиб қолади, ушбу Шахс учун эса бу дунё ва унинг шахсий танлови энди намоён бўла бошлайди. Боз устига, эслатиб ўтганимдек, субшахслар (айниқса ўз хаёти давомида энергиялар билан “ишлаш” бўйича маълум билимларга ва тажрибага эга бўлганлари, масалан, одам ўз хаётида сеҳргарлик, экстрасенслик ва хоказолар билан шуғулланган бўлса) хатто янги танага “қамалган” бўлса ҳам, дастлабки босқичларда, токи янги Шахс етилмагунича, тананинг устидан ҳеч бўлмаса вақтинчалик хокимиятга эришишга уринишади. Нима учун? Моддий дунёда қисқа вақтли бўлса-да, аммо кучга эга бўлиб, онгни бошқариш имкониятига эга бўлиш учун, янги тананинг энергияларидан фойдаланиш учун. Мазкур куч, проекцияларга биноан, уларга фазода бир онда ҳаракатланишга, ўзининг хаётидаги боғланган жойларига боришга ижозат беради. Аммо, бу, аслида янги туғилаётган Шахснинг хаётий Прана энергиясини ўғирлаш дейилади ва унинг моддий дунёдаги мавжудлигининг йилларини қисқартиради. Унданда кўпроғи, бу субшахсларнинг тажовузкор хужумлари ва Хайвоний кўркувининг ҳаддан ошиши қайсидир маънода янги Шахснинг шаклланиши учун ноқулай шароитлар яратади, унинг кейинги ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, субшахсларнинг бундай қилмишларидан янги Шахсни тўсиш учун, уларнинг дастлабки хаяжонли таъсирини камайтириш учун, шунингдек янги Шахсга унинг келажакдаги руҳий маънавий ривожланишидаги ижобий, руҳий туртки бериш учун, қадимдан боланинг туғилганидан етти кун ўтиб, *саккизинчи кунда* ювинтириш маросимини ўтказишган. Хусусан айтганда, шунинг учун ҳам, жаҳоннинг турли халқларини эътиқодларида хисобланишича, агарда шунга ўхшаш ювинтириш, мой суртиш маросимлари билан одамга унинг хаётининг бошида ёрдам берилса, келажакда у яхши одам бўлади. Акс холда эса – у ёвуз бўлади.

Бундай маросим ўтказиш вақтида, айтайлик, маросимни бажарувчи одамлар томонидан уларнинг руҳий кучи билан зарядланган, ибодат қилинган сув (ёки мой суртиш маросимида ўсимлик мойлари) ёрдамида янги Шахс учун бирламчи ижобий руҳий туртки (эзоосмос) берилган. Факт бўйича бу, албатта, қисқа вақтли руҳий ёрдам эди. Бунга ўхшаш эътиқодлар жаҳоннинг турли халқларида кенг тарқалган эди. Улар (ўша замонларда яшаган одамларнинг фикрлашига мослашган примитив ҳолда бўлса-да) қачондир жамиятда мавжуд бўлган одамнинг энергетик тузилиши ҳақидаги – субшахслар, Қалбнинг қайта туғилиши, янги Шахснинг шаклланиши ҳақида Билимларни акс эттирган.

Шу билан қадимда мазкур ювинтириш ва *туғилганидан сўнг саккизинчи кунда* исм қўйиш маросими чақалоқнинг бирор динга мансублигини назарда тутмаган. Эслатиб ўтаман, славян давлатларида, ёки, масалан, Қадимий Шарқ давлатларида (Мисрда, Хиндистонда, Юнонистонда, Рим империясида ва хоказо) политеизм бўлган (юнон тилининг “poly” – “кўп”, “Theos” – “Худо” сўзидан). Бошқача айтганда, уларга кўп худоларга топинишни тан олувчи динлар тизими хос бўлган. Бу ҳали ибтидоий жамоа тузумида мавжуд бўлиб, ўзида олам ва одам ҳақидаги маънавий билимларнинг асарини олиб юрган эътиқодларнинг, маросимларнинг, турли руҳларга, бутларга сиғинишларнинг қолдиғидир. Шундай қилиб, одам ўсганидан кейин, унинг Шахси шаклланиганидан кейин, фақат шундагина у ўз хаётий ва руҳий маънавий йўлини аниқлаб олган, шу жумладан эътиқод масаласида ҳам онгли равишда ўзининг танловини амалга оширган.

Дарвоқе, Шахс борасида. Янги танада янги Шахс озми-кўпми 5-7 ёшларда шаклланади, шунда унда бирламчи энергетик кўтарилиш рўй беради. Сўнг жинсий етуклик даврига яқин – 11-14 ёшида (хар кимда индивидуал тарзда) иккинчи, янада қудратли энергетик кўтарилиш содир бўлади. Мазкур кўтарилишлар, моҳияти бўйича, Қалбнинг кучини намоён бўлишидир, улар азалдан Шахсга руҳий озодлик йўллари топишга кўмаклашиш учун йўналтирилган. Аммо куч бу кучдир, унинг қайси фикрлаш призмасидан ўтиши ва кейинчалик қаерга қайта йўналтирилиши муҳим. Шу боис янги Шахс учун унинг атрофидагиларнинг ва, биринчи навбатда, у кундалик алоқада бўлган одамларнинг дунёқараши, сўзлари ва ҳаракатлари муҳимдир, улардан яхши-ю ёмон ахборотни худди губкадек шимиб олиб, ўзининг онгини тоза варағига қайд этиб қўяди. Мазкур дастлабки пойдевор тошлари Шахснинг кейинги хаётида ўз изини қолдиради ва билвосита унинг хаётий танловига таъсир этади: руҳий маънавий бўладими ёки моддийми, бу танлов унда устувор бўлиб, шунга мувофиқ равишда унинг ўлимидан кейинги тақдирини белгилайди.

**Анастасия:** Ҳа, мазкур билимларнинг қолдиқлари турли диний анъаналарда мустаҳкамланган. Масалан, христианликда Православиёда шундай кўрсатма мавжудки, унга биноан 7 ёшгача бўлган боланинг чўқинтириш маросими ота-онанинг эътиқодига қараб амалга оширилади. 7 ёшдан бошлаб 14 ёшгача фарзанд энди мустақил равишда ота-онасининг истаги билан биргаликда ўзининг ҳам чўқинтириш истагини тасдиқлаши керак. 14 ёшдан сўнг эса қайси эътиқодга риоя қилиш бўйича у ўзининг тўлақонли танловини амалга оширади. Яъни Православиёда унинг бундай ёшида чўқинтирилишида ота-онасининг розилиги энди талаб этилмайди.

**Ригден:** Дарвоқе, боланинг туғилганидан саккизинчи кунда ювинтириш ва исм қўйиш каби бирламчи маросимни қирқинчи кунда ўтказадиган бўлишди ва шу билан мазкур ҳаракатнинг моҳиятини йўқотишди. Удумни мураккаблантиришни бошлашди, ушбу мўжизакор илоҳий кучга эга муқаддас маросимни ибодат билан боғлиқ бўлган маросимга айлантдиришди. Хуллас, барчаси хар доимгидек бўлди – одамий ақлдан келиб чиққан кулфат. Натижада, бугунги диний хизматчилар, иботадхонага катновчилар у ёғда турсин, ўзлари учун ҳам кўпдан-кўп маънавий саволларни тушуна олмайди, уларга жавоб топа олмайди. Улар ўз жавобларида бор-йўғи анъанавий тарзда диний қолипларни қўллайди ва уларнинг моҳиятига чуқурлашмайди ҳам.

**Анастасия:** Одамлар бу билан тез-тез тўқнашади, интернетнинг кўплаб сайтларида, форумларида бу нарса муҳокамага қўйилади. Дарвоқе, Чўқинтириш муқаддас маросими борасида, қачонлардир Сиз бизга жуда қизиқарли маълумотларни айтиб берган эдингиз. Мен уларни “Сэнсэй-II” китобига киритдим... Умуман, сувга тушириш каби маросимий синоат дунё халқларининг турли динларида (христианликда ҳам) одамнинг рухий маънавий покланиши, рухий тикланишининг рамзи бўлиб хизмат қилади. Агарда бу катта ёшли одам бўлса, муқаддас маросимда биринчи навбатда одам ўзининг моддийликка бўлган муносабатини қайта кўриб чиқиши, ўз қурқувларидан айрилиши, ички ўзгариши тахмин қилинади. Бундан буён ахлоқий қонунлар бўйича яшаш, эзгуликни яратиш, маънавий жихатдан яхшироқ бўлиш, ўз устида ишлаш. Ва, ниҳоят, бу умидга, рухий маънавий эътиқодга, Шахснинг Худога бўлган ҳеч бўлмаса илк онгли қадамини ташлашига турткидир. Чақалоқ чуқинтирилиши эса каттароқ бўлганида уни бундай “эътиқодга ўргатиш” унинг чўқинтирган ота-онасига юкланиши тахмин қилинади.

Демак, христианликда чўқинтириш – бу худди буддавийлик, суфизм ва бошқа динлардаги каби диндорлар учун ўзини мукаммалаштиришнинг

илқ босқичларидаги биринчи рамзий маънавий поғона бўлиб чиқмоқда. Яъни, ўз устида ишлашни англаш, битмас-туганмас ерлик истаклардан азият чекиш доирасини тўхтатиш, моддий нарсаларга боғланишдан узилиш, рухий кутқарилишни деб барча ерлик истакларидан айрилиш, руҳан такомиллашиш.

**Ригден:** Ҳа, барчаси ўша, фақат бошқа сўзлар билан ифодаланган.

**Анастасия:** Чўқинтириш удумига кирадиган иккинчи муқаддас маросим – хушбўй мой суртиш, ундан сўнг, диний қонун-қоидаларига кўра, одамни учинчи муқаддас маросимда – илқ тавба қилиш ва бошқа диний маросимда қатнашишига ижозат берилади.

**Ригден:** Мазкур муқаддас маросимларнинг барчаси Худога руҳан йўл олган одам учун черков кўрсатмаларининг рамзидир. Мисол учун, христианларнинг сеҳрли-ибодатли хушбўй мойни суртиш маросими (юнонча “myron” – “миро”, “хушбўй мой” сўзидан олинган). Айтиш жоиз, бунга ўхшаш ўсимлик мойи суртиш удуми турли халқларда христианлик давригача сеҳрли муқаддас удум сифатида амалда қўлланилган. У тананинг маълум қисмларини мойлаш “ёвуз рухларни хайдайди” деган ишончга асосланган эди. Ва, қоидага кўра, тананинг мазкур қисмлари одамнинг асосий чакранларига мос келар эди. Масалан, кўзлар, пешонанинг маркази (“Учинчи кўз”), кўкрак, қўл ва оёқ кафтларининг маркази. Аслида эса қуйидаги жараён содир бўлади.

Ўз хусусиятлари бўйича оддий ўсимлик мойи, яхши энергоахборотли тўпловчи бўлиб, худди сув ёки кристалл каби, ўзига киритилган ахборотни узоқ вақт давомида сақлашга қодир. Албатта, мазкур масалада қандай устуворлик билан ушбу мойга ахборотни киритиши, яъни уни ким ва қандай “тайёрлаши” муҳимдир. “Тайёрлаш” жараёнининг ўзи эса ё дуони, ё сеҳрли формулани, ёки афсунни ўқишдан иборат. Дарвоқе, у умуман овозсиз кечиши ҳам мумкин. Ахир мохият мазкур ахборотнинг овоз чиқариб ёки хаёлан талаффуз қилинишида эмас. Асосийси, бунинг ортида нима туриши, одамнинг ушбу жараёнга қандай ички туйғулар билан ёндошишидадир. Мазкур туйғуларнинг кучи мойни мос равишда зарядлайди, унга киритилган дастурга биноан кейинги ҳаракат векторини белгилайди. Ушбу вектор айнан қанақа бўлиши мойни “тайёрловчи” одамга боғлиқ. Агарда бу руҳан кучли Шахс бўлса – унда рухий, ижобий ёрдам бўлади. Агарда моддий истаклар устуворлигига эга энергетик жихатдан кучли одам бўлса, у холда бундан ҳеч қандай яхшилик кутмаслик керак.

Мана шундай “зарядланган” мой одамнинг танасига (айниқса чакранлар жойлашган худудларга) сурилганида, танага мазкур мойга олдиндан

киритилган дастурнинг (энергетик ахборотнинг) кириши рўй беради. Азалдан бундай ҳаракат одамни руҳан қўллаб-қувватлаш, унинг Олд маҳлуқотини фаоллаштириш учун мўлжалланган эди Одатда, мазкур мақсадларда тоза ўсимлик мойи ишлатилган. Анча кейин эса, билимлар йўқотилиб, ушбу русумга оддий тақлид қилиш бошланганида, таъсир этмаса-да, ҳеч бўлмаса хушбўй хид тарқатиши учун, одамлар мойга малҳамларни ва хушбўй моддаларни қўша бошлашди. Дарвоқе, атир каби товарни ишлаб чиқаришига айнан шу нарса туртки бўлган.

**Анастасия:** Тўғри айтасиз. Ахир бошқа атторлик молларига нисбатан айнан атир эфир мойларига энг юқори даражада тўйинган.

**Ригден:** Эрта масихийликда эса мазкур маросим учун одатий тоза ўсимлик мойдан фойдаланишган, ва кўпинча бурзерлар оиласига мансуб коммифора номли ўсимликлар турининг мирра ўсимлиги мойини (дарахт танаси кесилганида оқиб чиқадиган мойларни) афзал кўришган. У яхшигина антисептик хусусиятларга эга, шунинг учун хозир ҳам, худди аввалгидек, яраларни битиши учун ва турли касалликларни даволашда ишлатилади... Аммо буларнинг барчаси алоҳида олинган ҳолатлар. Умуман олганда эса христианларнинг хушбўй мой суртиш муқаддас маросими – бу диндорнинг Худо томон олган йўлидаги дастлабки босқичида олган руҳий оқ фотиханинг рамзий тасвиридир, унда шу тариқа “Илоҳий Руҳнинг маънавий хаётга қайтарувчи ва мустаҳкамловчи тухфалари тақдим этилади”.

**Анастасия:** Бошқа анъанавий динларда худди шу босқич ўзини такомиллаштиришнинг босқичи деб аталади. Масалан, буддавийларда мазкур босқични босиб ўтиш Руҳий Оламга эшикни очиш, ўзини ақл интизомида мукаммаллаштириш, эзгу ниятлар ва амалларни тасдиқлаш, умуминсоний маънавий тамойилларга риоя қилиш имконини беради. Суфийларда ҳам худди шундай. Қолаверса, ўхшашлик, одам ўз устидаги ички ишига биноан амалга оширган руҳий маънавий йўлнинг бошқа босқичларида ҳам топилади.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Мана яна бир, христианликдаги ўша тавба қилиш муқаддас маросимини олсак. Ахир унинг моҳияти руҳонийга келиб Хайвоний табиатини барча гуноҳчаларини сўзлаб, руҳонийдан “гуноҳлар учун руҳсат” олиб, яна ўша гуноҳларни давом эттириб, эски хаёт тарзи билан яшашда эмас-ку. Унинг моҳияти ўз устида ҳақиқатан меҳнат қилиб, ўз ният-истакларини, хаётий қадриятларини ўзгартиришда, худбинлик, хасад, рашқ, жаҳл, кибр, дангасаликдан воз кечишда. Умуман олганда, “гуноҳкор ниятлар ва амаллардан воз кечишда”. Бу ўтмиш ҳақида афсусланишдан кўра, кўпроқ ўзига янгича назар солиб, ўз ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали хатоларини

тушуниш, аниқлаш ва маънавий йўл бўйлаб ҳаракатининг йўналишини тасдиқлашдир. Бирор кишига етказган азиятларини англаш ва ўзига азият етказганларни кечириш заруратидир. Бу ўз Виждонини поклаш ва келгусида унинг қонунлари асосидаги яшашдир. Бу ижобий фикрлаш одатини шакллантириш. Бу Худога бўлган ички таянч, Хайвоний табиатдан келиб чиққан фикр ва истакларни қатъий назорати, ёки, христианликда айтилгандек, “келгусида гуноҳ иш қилмаслик нияти”дир.

Дарвоқе, Хайвоний табиатдан келиб чиққан фикрлар ва истакларни назорати борасида. Рус православ аскетик адабиётида диндорнинг ўз эътиборини ички дунёсида мужассамлаштириб, Худо билан уйғунлашиш туйғусига оид шахсий тажриба, аслида, кўплаб бошқа динларда ҳам таърифланган ва маънавий йўлдан кетаётган ҳар қандай одамга хосдир. Бироқ бу ерда бу нарса гуноҳнинг дастлабки манбаси ҳақидаги таълимот деб, “нафс – одам қалбидаги гуноҳнинг манбаси” деб номланади. Рухонийлар одамнинг онгида “гуноҳнинг” фикрлар кўринишида туғилишини, аниқроғи, Хайвоний табиатдан келиб чиққан фикр ва истаклар, уларнинг ривожланиши ва салбий ҳаракатлар кўринишида намоён бўлиб туғилишини кузатиш бўйича амалий тажрибалари билан ўртоқлашган.

“Гуноҳ” туғилишининг бошланғич босқичини, дастлабки лаҳзасини улар прилог деб аташади (ҳийла-найранг, ошириш, тажовуз маъносида). У одамнинг Қалбига ташқи таъсир сифатида кўрилади, чунки бундай фикр ё одамни атрофидаги ҳавасни келтирадиган нарсалардан, агарда уларга эътиборини қаратса, туғилади, ё ўтмишдаги ўзининг ёки ўзгаларнинг гуноҳлари ҳақидаги хотиралар туфайли, ёки ёвуз кучларнинг таъсири ва хоказо туфайли пайдо бўлиши мумкин. Шу билан мазкур фикрлар тасодифий, ташқи, улар мияда *ўзидан ўзи*, одамнинг иштирокисиз, унинг истагига қарши равишда пайдо бўлиши таъкидланади. Бундай провокацион фикрларнинг пайдо бўлиши ва улардан воз кечиш руҳий машғулот сифатида, ўзини ўрганишдаги ўзига хос ёрдам сифатида кўрилади. Ва мана шунда одамнинг ҳақиқий танлов эркинлиги намоён бўлади. *Хайвоний табиатнинг бундай фикрини тўхтатиш учун, унинг илк пайдо бўлишида унга эътибор бермаслик керак, “остонадан рад этиш зарур”*. Агар шундай қилинмаса, фикр (ёки сиймо) ушланиб, ақлни эгаллаб олади. Одам эса уни ўзининг эътибори ва истаги билан “озиклантира” бошлайди, шу тариқа ўзининг танловига биноан миясида мазкур фикрни сунъий равишда ушлаб туради.

Сўнгра эса кейинги босқич содир бўлади – ушбу (Хайвоний табиатдан келиб чиққан) фикрнинг одамнинг онги (Шахснинг танлови) билан

“қўшилиши”, аниқроғи “бирикмаси”, ёки, аскетлар ёзганидек, “келган сиймо билан сухбат қилиш” рўй беради. Яъни одам ўз ақли билан зарарли фикрларни кузатиб, уларга эътибор берганидаёқ ўзига зарар етказди. Учинчи босқич “ижозат сўраш” – бу мувозанатнинг бузилиши, бу пайтда “ирода” ҳаракатга киришади. Одам “завқ билан” ниятни қабул қилади ва *ташқаридан* келган фикрни афзал кўриб, ўзининг якуний танловини қабул қилади. “Ирода” бу ниятни бажаришга интилади. Одам мазкур фикрдан янада шиддатлироқ хаёлий завқни яна бир бор бошдан кечириш учун ўз танловини амалга оширади. “Туноҳнинг она қорнидаги ривожланиши” шу тариқа тугайди, аниқроғи, Хайвоний табиатдан келиб чиққан фикр кучга тўлади, Шахснинг онгини қул қилади.

Сўнгра эса бу ташқи ҳаракатга айланади. Агарда одам ўз фикрларини назорати билан шуғулланмаса, у бу ҳаракатни деярли иккиланмасдан амалга оширади, ва “ташқаридан келган тасодифий фикрлар”нинг унинг устидан бундай хукмронлиги холати одатий хол бўлиб қолади. Шунинг учун уни энди “бегона ирода” бошқараётганини хатто пайкамайди ва тушунмайди ҳам, у ўз Хайвоний табиатининг қулига айланади. Шундай қилиб, христиан таълимотида, дарвоқе, дунёнинг бошқа анъанавий динларидагидек, нафақат ўзини одамий “туноҳлари”дан (кибр, жахл, худбинлик, ғамгинлик, тамагирликдан) ушлаб туриш, балки маънавий йўлни англашда бош негиз хисобланадиган номаънавий табиатли фикрларни хатто ўзида ривожлантиришга йўл қўймаслик муҳимлиги таъкидланади.

**Анастасия:** Ҳа, бу одамнинг ўзини англашдаги жуда муҳим лаҳза, бошқа динлардаги каби пойдевор... Дарвоқе, бизнинг сухбатимизда айтиб ўтилганидек, Православие анъанасида одам 7 ёшдан бошлаб истиғфор келтириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, янги Шахс шаклланишининг бошланғич даври туганида, ўз ҳаракатларига онгли равишда жавобгар бўлишни бошлаганида. Мазкур ёш борасида динга боғлиқ бўлмаган қизиқарли факт, масалан, Японияда 5-7 ёшгача бўлган болаларга ота-оналари анъанага кўра, ўзларини хоҳлаганидек тутишига ижозат беришади. Аммо мазкур ёшдан сўнг “барчаси мумкин” даври нисбатан қатъий, интизомли тарбиявий жараён билан ўрин алмашади. Яъни буларнинг барчаси янги Шахс шаклланишининг дастлабки даври айнан тугашида рўй беради. Ушбу ёшдан бошлаб фарзанд энди ўз ҳаракатлари учун онгли равишда маъсулиятни хис этиши керак, деб тахмин қилинади.

**Ригден:** Ўтмишдаги билимларнинг бунга ўхшаш қолдиқлари турли халқларда қайд этилган...



**Анастасия:** Қачонлардир Сиз, эрта христианликда чиндан ҳам тавба қилиш юнонча метанойя сўзи билан номланган (сўз рус транскрипциясида келтирилган), унинг маъноси “ақлдан сўнг”, “қайта англаш”, деган эдингиз.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Бу одамнинг рухий-ахлоқий ўзгаришидир, бунга кўпроқ унинг ташқи маросимий ҳаракати эмас, балки ўзининг малакий табиатининг чуқур туйғули идроки ва англаши ёрдам беради. Нима учун хар қандай динда, агарда одамда чиндан ҳам тавба қилиш хисси бўлса, Худо хар қандай гуноҳни кечиради, дейилган? Чунки ушбу тавбанинг барчаси чуқурликдаги туйғулар даражасида, Худога самимий ишонч ва самимий мурожаат даражасида ўтиши керак. Агарда одам ўзи учун бошқача яшаш қарорига келган ва маънавий йўналишда ўзининг тарбияси билан қалин шуғулланишни бошлаган бўлса ва буни бажарса, у холда у ҳақиқатан ҳам ўзгара бошлайди. Шу жумладан, хаётни қайта англаши хисобига унинг ўз ўтмишига бўлган муносабати ҳам ўзгаради, хозирги кунида эзгу ниятлар ва амаллари пайдо бўлади.

**Анастасия:** Ҳа, буддавийликда – бу тиришқоқликдаги мукамаллик, ўзининг худбинлик истаклари билан курашдир. Суфий-мусулмонларда бу Худони излаётганнинг ўз боғланишлари ва истаклари билан қатъиян ажралиши лозим бўлган босқичдир...

**Ригден:** Тўғри. Христианликнинг муқаддас маросими бўлмиш Парвардигорга миннатдорлик билдириш маросимини кўриб чиқадиган бўлсак (евхаристия; юнонча “eucharistia”: “eu” – “яхши”, “charis” – “марҳамат, шукроналик”), бошқа динларга ҳам хос ўзини маънавий такомиллаштиришнинг босқичларидан бирининг рамзий аксини кўриш мумкин. Евхаристия христианликнинг энг катта, куй билан адо этилувчи ибодати хисобланади, унинг давомида диндорларга рамзий маънода нон ва шароб тарқатилади.

Христианликда бу муқаддас маросим Худо билан мулоқотда бўлиш, миннатдорлик, Парвардигор билан бирлик ҳолатига эришиш, Худога, Худонинг Мухаббатига қўшилишнинг тимсолидир. Эртахристиан муаллифлари евхаристияни “ўлмаслик табобати”, “хаёт дориси”деб бежизга айтишмаган. Ашаддий художўйлар ибодат пайтида “осмоний ибодатни хаёлан томоша” қилиши мумкин, деб хисобланади, яъни, бошқача айтганда, ибодат туфайли онгнинг ўзгартирилган ҳолатига чуқур кириши мумкин.

**Анастасия:** Ҳа, агарда хар қандай удумнинг асосий ҳаракатига – диндорнинг чуқур ички туйғуларига таянилса, у холда худди бошқа анъанавий динлардагидек худди ўша, онгнинг ўзгартирилган ҳолатига

киришдаги жараён рўй беради. Фақат одамлар уни турлича номлайди. Масалан, суфийларда бу – Ҳақ нурини идрок қилиш, буддавийларда – медитациядаги умумқамровчи англашдир. Буларнинг барчаси эса, моҳият бўйича, одамнинг чуқурликдаги туйғулари ёрдамида онгнинг ўзгартирилган ҳолатида руҳий сфераларга кириб боришдир.

**Ригден:** Шубҳасиз. Одамнинг Худога бўлган ҳақиқий руҳий маънавий йўли битта – ичкарасидаги чуқур туйғулари орқали, мазкур йўлнинг одамий изоҳлари эса – кўпдан-кўп. Шунинг учун ҳам руҳан яхлит бўлиши керак нарсада одамий ақлдан келиб чиққан низо кетмоқда.

**Анастасия:** Ҳа, афсуски, хатто руҳий маънавий масалаларда ҳам ҳали кўп нарса одамий ақл ёрдамида амалга ошмоқда. Христианликнинг *никоҳлаш* муқаддас маросимини олсак, уни анъанавий равишда черков томонидан ёритилган, эркак ва аёл ўртасида никоҳ тузиш удумини бажариш (черков никоҳини тузаётганларнинг бошларига гулчамбар кўйиш) сифатида кўришади. Мазкур рамзий удум ўтмишда подшоларнинг тахтга ўтириш пайтида ҳам бажарилган (*подшоликка никоҳлаш*). Кўпчилик ушбу ҳаракатга моддий фикрлаш позициясидан ёндошади ва бу удумнинг маъносини, унинг *рамзий ишорасини* тушунмайди, бунинг орқасида эса руҳий одамнинг ўзининг мукаммалашувининг бутун босқичи, унинг Шахс сифатида ўзгариши яширинган.

Бу кундалик руҳий меҳнат, ўзида Малакий табиати устуворлигини одатини, ҳолатини мустаҳкамлаш ва Хайвоний табиатини “занжирда” ушлаб туриш, фикрлар интизоми. Сенга кимдир қачондир руҳий Мухаббатни тухфа қилишини кутмасдан, балки, уни авваламбор ўзида ўстириш зарур. Одам руҳий Мухаббатни ўзида ишлаб чиқаришни ўрганганида эса, у атрофидагиларни тушунишни ва руҳан яхши кўришни ўрганади.

Одамлар эса, одатда, ўз устида ишлашни, ўзининг Хайвоний табиатини бўйсундиришни, мажозий маънода айтадиган бўлсак, кўзидаги “ходани” олиб ташлаш устида ишлашни истамайди, ваҳоланки ўз шеригида “зарра чўпни” ҳам кўра олишади, хамиша кимнидир бошқаришга ва устунлик қилишга интилишади. Кўпинча оилалардаги муносабатлар эр-хотиннинг мухаббатида эмас, балки худбинлигида қурилган. Ўзаро фитналар ва айбловлар иккаласининг ҳам Хайвоний табиатининг зўравонлигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам кутилаётган “бахтли оилавий ҳаёт” умидларининг ўрнига бир-бирдан бутунлай кўнгил совиш рўй беради. Буларнинг барчаси дунё каби эски, дунё каби янги эмасдир.

Ғуборга – ғубор, ерликка – ерлик, рухийга эса – рухий. Бир танага – битга Қалб ва бутун ғамхўрлик у ҳақида бўлиши керак. Тананинг хаёти билан у келади ва тана ўлиши билан кетади. Қолган барчаси – одамларнинг ўз хаётини ва шахсий танловини оқлаш учун ўйлаб топган босма-қолипларидир. Рухий Маънавий йўлни ташқи хаётда излашнинг хожати йўқ, у – одамнинг ичкарасида, унинг туйғулари, фикрлари, сўзлари ва амалларида. Айнан мана шу йўл тожга – унинг хаётининг юксак даражаси, авжи, энг юқори поғонаси ва ўзини такомиллаштиришининг энг юқори нуқтаси бўлган рухий маънавий чўққига йўлдир.

**Анастасия:** Шундай қилиб, маънавий талқинда, *никоҳ аҳди* – бу чуқурликдаги Мухаббат туйғусини, Шахсинг Худо билан кўшилиши хиссини кўпайтиришни тахмин қилувчи босқичдир. Ва ушбу кўшилиш ташқи шароитлар ёки ён-атрофга боғлиқ эмас, балки фақат одамнинг ўз устидаги меҳнатининг натижасидир, унинг Малакий табиати устуворлиги холатида бўла олиши. Шу билан бирга бу аёлларга ва эркекларга бирдек тегишли.

Шунингдек ўсимлик ёғи билан даволаш каби христианликнинг муқаддас маросими (соборование) ҳақида сўз юритишни хоҳлардим. Диний тасаввурларга кўра – бу деярли черковга оид табобатлик, у елей, яъни зайтун (дарахт) ёки бошқа ўсимлик мойи ёрдамида беморнинг рухий ва жисмоний заифликлардан халос қилиш мақсадида, шунингдек, ўлаётган одамга нисбатан бажарилади. У кишининг ёки унинг яқинларининг илтимосига биноан бажарилади ва гуноҳларидан халос қилиш, елей суртиш, беморга Худонинг мархаматини чақиришдан иборат.

**Ригден:** Табобатга келсак, бу янгилик емас, бунга ўхшаш ҳаракат Қадимги Миср, Бобил ва хоказо давлатлар коҳинларининг сеҳргарлик амалиётида ҳам тарқалган эди... Умуман олганда, барча мазкур табобатлик амалиётлари оммавий динларда доимо бўлган, акс холда динлар одамларнинг аксарияти учун мафтункор бўлмас эди.

Удумнинг ўзининг моҳиятига келсак, бу қачондир маънавий асосга эга бўлган нарсага тақлиддир. Эътибор бер, кўпчилик эртахристиан муаллифлари фақат Исо Масихни мазкур динда “қалбларни ва таналарни” даволовчи ягона ҳақиқий Шифокор, деб аташади. Бироқ бир неча юз йилликлар аввал черковларда деярли соғлом диндорларни елей билан даволаш амалда эди (улар тушкунлик, қайғу, умидсизлик каби рухий касалликларга чалинган, деб хисобланган, уларнинг сабаби эса, эхтимол одамнинг ўзи томонидан “тан олинмаган гуноҳлари” бўлиши мумкин). Гарчи ушбу удум сақланиб қолган бўлса-да, аммо

хозир елей билан даволаш – бу кўпроқ касал одамларни черковда даволаш маросимидир. Шу билан бирга, эътибор берсанг, бугунги кунда бажарилаётган христиан маросимда ҳам *етти* сонига боғланиш мавжуд. Масалан, одатда, мазкур маросимни *еттита* руҳонийлар бажаради, Инжилга оид *еттита* нақл, *еттита* дуо ўқилади, беморга *етти* мартаба мой суртиш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар қилинади. Аслида, бу миқдор ёрдамида сифатга эришишга уринишдир. Бундай тақлид қаердан бошланган?

Шарқнинг қадимий афсоналарида айтилишича, Рухий Оламнинг Мавжудоти Бодхисатва (одатда христианликда мазкур руҳий даражани Олий Фаришта унвони билан белгилашади) қўлларини тегизиш ёки (ўсимлик мойи, кристалл, сув ва хоказо каби) ахборотли энергия ташувчилари орқали одамга қўшимча руҳий куч бағишлаши мумкин эди. Хуллас, (муносиб деб билган) одамга Бодхисатва мана шундай ўзига хос руҳий тухфа қилган. Одам эса мазкур кучни ўзининг ихтиёрига, танловига ва эътиқодига кўра қўллаган. Замоनावий тушунишлар бўйича, бу автоуловга қўшимча бензин қуйишга ўхшатса бўлади. Шубҳасиз, бу унга узоқроққа юриш имкониятини беради. Бироқ бу автоуловнинг қандай тезлик ва қайси йўналишда юриши эса унинг хайдовчиси (Шахс)га боғлиқ.

Табиийки, мазкур кучнинг таъсири узоқ давом этмаган. Лекин у туфайли одам, масалан, ўз руҳий амалиётини бажариш пайтида, руҳий сферага ўзининг шахсий имкониятларидан узоқроққа кириб бориши мумкин эди. Шунга кўра, унинг реаллигида бўлишнинг қимматли тажрибасига эга бўлиши, *бошқача* дунёни амалиётда англаши мумкин эди. Бу эса, ўз ривожланишида руҳий туртки (эзоосмос), уч ўлчамли дунёнинг хаёлий реаллигига бўлган муносабатини тубдан ўзгартирувчи янгича англаш, дунёқарашга эга бўлиш, деганидир. Бу нарса еттинчи ўлчов (Нирвана, еттинчи Осмон, жаннат) билан тегишиш, олий Озодлик нималигини тушуниш, ёки, қадимгилар айтгандек, “Абадиятнинг нафасини хис этиш” имкониятини берган. Бу ҳақиқатан ҳам жуда қимматбаҳо руҳий тухфа, уни бирорта ерлик нарсага қиёслаб бўлмас.

Мазкур кучнинг жисмоний танага таъсир этишини гапирмаса ҳам бўлади. Инсонга бундай руҳий куч берилганида, табиийки, унинг организми, қўшимча бунёдкор энергиянинг қўпайиши туфайли, ўз фаолиятининг сифатини яхшилади. Натижада энергетик кўтарилиш содир бўлади ва у кўплаб хаётий муҳим тизимларга ижобий таъсир қилади, иммунитет ошади ва хоказо. Негаки ривоятларда ҳам айтилишича, мазкур кучга хар қандай, хатто энг оғир касалликлар ҳам тобе бўлади. Бироқ, жисмоний натижалар – буларнинг барчаси

иккиламчи, асосийси – Шахсга берилаётган рухий ёрдам, “рухий соғайиш”, ўзининг асл қадрдони – рухий дунё билан тегишиш имкониятидир. Шунинг учун ҳам, мисол учун Исо Масихни “қалбларни ва таналарни” ягона асл Шифокори деб аташар эди. Модомики У Рухий Оламдан келган олий Мавжудот сифатида гоҳида одамларни шундай куч билан таъминлаган.

Шунга ўхшаш ҳаракатни (албатта кучсизроқ тарзда) ерлик қайта туғилишилардан озод бўлган, яъни хаёти давомида *еттинчи* ўлчовга эришган инсон ҳам амалга ошириши мумкин эди (етти сонига боғланиш айнан шундан бошланган: удумлардаги ҳаракатлар ёки дуолар, қатнашчилар ва бошқаларнинг сони еттига тенг бўлган). Бундай, ўз Қалби билан кўшилиб, сифат жихатдан бошқа – янги Мавжудотга айланган Шахснинг олдида умуман бошқача имкониятлар очилади.

Бирок, одамлар одамлигича қолар экан. Кўпчиликка бор-йўғи одамий ақлдан келиб чиққан ҳасад ва тақлид хосдир. Улар, нима учун Масих одамларга ўз вақтинчалик таналарини даволаш илтимосларига –“ўз ишончингизга кўра оласизлар” – деганини хатто тушунмайди ҳам, вахоланки уларда Абадийликни, ўз Қалбини қутқарилишини сўраш имконияти бўлган...

**Анастасия:** Ҳа, энди, ўша вақтда омма орасида қандай мафкура хукмронлик қилганлигини инобатга олсак, бунга хайрон қолмаса ҳам бўлади. Гарчи бугунги кундан фарқ катта эмас. Агарда замонавий одамга барча сўраган нарсалари берилишини айтса...

**Ригден:** Ҳа...асрлар ўтиб боряпти, одамлар эса ўзгармаяпти. Ўсимлик мойи билан даволаш маросимига келсак, христианликда у турли халқларнинг бундан олдинги динларнинг шунга ўхшаш маросимлар ҳақидаги билимлар асосида пайдо бўлган (масалан, “сеҳр-жодули дуо билан даволаш” ҳақида). Қоида сифатида, улар қадимда қўлланилган одатий тиббий воситалар ёрдамида ўтказилган (масалан, зайтун мойи). Яъни, барчаси худди шу, фақат христианларнинг мафкуравий концепцияси ёрдамида узатилишида.

Бундай “сеҳр-жодули” даволашнинг моҳияти нимада? Ибодат амалиётларини бажарувчи рухонийлар, кучли шаманлар, экстрасенслар ва уларга ўхшаш одамлар инсонга қисқа вақтли таъсир ўтказиши мумкин. Бирок, албатта, буларнинг барчаси Хайвоний ақл чегараларида, яъни энг яхши вазиятда олтинчи ўлчов ҳолатидан таъсир кўрсатилиши мумкин. Шубҳасиз, еттинчи ўлчовга эришган руҳан озод инсоннинг кучи билан таққослаш бундан жуда йироқда,

Бодхисатванинг кучи билан таққослаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мазкур ҳаракатларнинг барчасини одамларнинг тушунишидаги ўзига хос бир-бирига “ёрдам кўрсатиш” деса бўлади. Улар жамиятда палеолит давриданок амалда. Аммо ушбу ҳаракатларнинг жуда муҳим лаҳзаси бой берилган: агарда ёрдам кўрсатилаётган одам ичкаридан ўзгармаса, келгусида ўз устида, ўз Малакий табиатини мустаҳкамлаш устида ва ўз худбинлиги, кибри (яъни, Хайвоний табиати)ни бўйсундириш устида ишламаса, *мазкур ёрдам фойда бермайди*. Одамнинг ўзидан бошқа ҳеч ким унинг асосий руҳий ишини бажара олмайди! Хатто бутун дунё унинг қутқарилишини сўраб ибодат қилса, лекин унинг ўзи шахсий танловига асосан ўзгаришни истамаса, одамларнинг ушбу ҳаракатларидан маъно бўлмайди. Руҳий даволашнинг асл муқаддас маросими “Ўз ишончингизга кўра оласиз”, деган сўзларда мужассамдир. Хайвоний ёки Малакий табиатга эътибор беришни одам ўзи танлайди. Шунинг учун одамларнинг истаклари ҳам бир-биридан фарқланади: кимдир ўлимга маҳкум танаси учун соғлиқ сўраб ибодат қилса, кимдир эса – ўз Шахси учун Қалбининг асл уйидаги абадий хаётни сўрайди.

**Анастасия:** Ҳа, нима ҳам деймиз, бугунги жамиятда фақатгина шаклга тақлид қилиш мавжуд, аммо моҳиятни билиш йўқ. Бундай руҳий кучни роҳиб либосидаги еттита одам билан алмаштириш, руҳий қутқарилишни эса, табиийки, сотиб олиш, унга маҳтанчоқлик билан эришишнинг (бу унвон ҳам, мансаб ҳам эмас) иложи йўқ.

**Ригден:** Тўғри... Руҳий озодликка эришиш учун ўз устида кўп руҳий меҳнат қилиш керак. Шу билан, сенинг бирорта динга мансублигинг муҳим эмас, бу ҳар бир инсоннинг шахсий руҳий меҳнатидир...

**Анастасия:** Муаммо шундаки, ҳар бир инсоннинг мустақил равишда руҳий ривожланишининг имкониятлари ҳақидаги мазкур билимларни коҳинларнинг ўзлари жамиятдан яширишяпти. Хатто Билимларни излаган одамлар ҳам моддий, оммавий қабул қилинган тафаккур йўл-йўриғида изланишса, шунга кўра, худди шунақа тафаккур эгаларини топишади. Руҳий маънавий ўрганиш борасида эса уларнинг вазияти худди Библиядаги иборадек бўлиб қолмоқда – “агар кўзи ожиз одам бошқа кўзи ожизни етакласа, иккаласи ҳам чуқурга йиқилиб тушади”.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Одатда, мустақил ривожланиш ўрнига, бундай кишилар ўзининг руҳий маънавий ривожланиши маъсулиятини қисман юклаш учун ўқитувчиларни излайди. Аммо жамиятга умумий нигоҳ ташласак, аксарият холларда “ўқитувчи” деб ном олганлар ўз руҳий ривожланиши бўйича “ўқувчилари”дан деярли фарқланмайди. Ўзини одамлар билан Худонинг ўртасида воситачи деб жар солган (одамий

ақлдан келиб чиққан) тақлидчилар дунё бўйлаб етарлича топилади, ва улар нафақат турли динлар, секталарда, балки жамиятнинг ўзида ҳам мавжуд. Улар ҳаммаси кимнидир ўргатмоқчи бўлади-ю, аммо ўзини руҳан ўзгартиришни хохламайди. Бундай, “турли тусдаги” бутун бошли “Наполеон армиясига” тенг “ўқитувчилар” ичида Ҳақиқатни ростдан ҳам билганларнинг сони – бир нечагина! Нима учун бундай, мантикқа зид ҳолат мавжуд? Чунки, қаерга қарама, ҳамма жойда маънавий дунёқарашнинг моддийга алмаштирилиши, сиёсат, ҳокимият ва пул чанқоқлиги. Черков унвонларини худди бозорда писта харид қилгандек сотиб олиниши бугунги кунда сир бўлмай қолди. Кўпчилик учун бу сиёсат ўйини, ўзига ўхшаганлар устидан хукмронлик қилиш имкониятидир. Моҳият бўйича эса, хатто олий мансабдор бўлганида ҳам, улар ҳаммаси оддий одам бўлиб қолмоқда.

**Анастасия:** Ҳа-да, халқ учун ўз авлиёлигининг иллюзиясини сунъий равишда яратишмоқда. Совет Иттифоқи замонида, хали ёш бўла туриб, совет ҳукумати ҳақида шундай ўйлаган эдим. Мен учун улар салкам ярми худо одамлар эди, улар қаердадир у ёқда, биздан узокда (ва бизнинг хаётимизда эмас), ўзининг мажлисларида ўтиради, улар ҳаммаси халол, тўғри, емайди ва ичмайди, хатто хожатхонага ҳам бормайди. Сиз менга бу уйдирмани фош қилганингизда эса, улар ҳам бошқалар каби одамлар эканлигини кўрсатганингизда, аввал бу мен учун руҳий зарба бўлди, кейин эса вазиятни ҳақиқий тушуниши келди. Мен занжирни буровини ёзишни бошладим: ушбу афсона нима учун яратилган ва нега мен уни шундай қабул қилдим? Ва йўл-йўлакай ўзим учун кўпгина қизиқарли фактларни аниқладим. Масалан, дунёда сиёсатдон ва коҳинларнинг наф келтирувчи сиймолари, уларнинг “имиджи ва авлиёлиги” (аслида шарафланаётган номзод бундай фазилатларга эга эмас) қандай қилиб яратилиши, ушбу кишиларга нисбатан “жамиятнинг фикри” сунъий равишда қандай қилиб шаклланиши. Айнан хукмдорларга наф келтирувчи дунёқарашни қабул қилишга одамлар қандай қилиб оммавий бўйсундирилиши, турли давлатлардаги бутун халқларнинг онгини бошқариш учун ва хатто жаҳон хукмдорлиги учун кураш қандай ва нима учун олиб борилиши.

**Ригден:** Ҳа, ахборотни қабул қилиш – бу хали ярим иш. Уни англаш сифати унданда муҳимроқ! Сўнгра, масалан, христианликнинг черковга оид мансаблар поғоналарига роҳибликка қабул қилиш удумини кўриб чиқайлик. Афсуски, бугун христианликда уни расм-русумли, театрлаштирилган шоуга, маълум кишиларни “муқаддас маросимларни ўтказиш ва подани хайдаш” ҳокимиятини бериш бўйича томошага ўхшатиб қўйишди. Бу ерда энди маънавийликдан асар ҳам йўқ, бу ерда энди сиёсат. Фикрлашнинг истеъмолчилик форматига бўйсунган турли христиан черков ва оқимларнинг ичидаги бугунги

муносабатларни инобатга олсак, аксарият ҳолатларда мазкур маросим энди расмиятчилик, аъаналарнинг хурматидир. Барчаси маросимгачаёқ ҳаммага маълум, юқори мансаблар, айтилгандек, сотиб олинган ва тақсимланган. Маросим вақтида эса ташриф буюрганларнинг кўпчилиги нимани ўйлаш билан банд? “Тажрибалилар” ҳокимиятнинг тақсимланиши ва жамоа ичидаги муносабатлар билан қизиқса, “ёшлар”ни ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, қайси предметлар ва “муқаддас кўлларни” биринчи навбатда ўпиш ва неча маротаба таъзим қилишни эслаб қолиш қизиқтиради. Вақт давомида ҳеч нарса ўзгармади, ахир бунга ўхшаш ҳаракат бошқа халқларнинг ҳам динларида турли даврларда мавжуд эди, бошқача номланган эди, холос. Бироқ моҳият ўша-ўша қолди. Албатта, мана шу бутун “ҳокимият тикилинчида” Худога ҳақиқатан ишонувчилар, эътиборини ташқи маросимларда эмас, балки ўзининг руҳий туйғуларида мужассамлайдиган инсонлар ҳам учраб туради. Аммо, афсуски, бунақалар жуда ва жуда кам.

**Анастасия:** Ростдан ҳам, буларнинг барчаси одамий ишлар. Хар ким махфий истакларидаги энг мафтункорини танлайди. Аммо агарда руҳонийликка қабул қилиш маросимининг пайдо бўлиш манбасини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда одамнинг руҳий ривожланишини сўнгги, яқунловчи босқичи назарда тутиляпти. Бу худди суфизмдаги одамий “Мен”ни йўқотилиши, излаётганнинг Қалбини Худо билан қўшилиши, буддавийликда эса – чегара ортидаги (интуитив) Доноликнинг мукамаллиги деб номланган нарса.

**Ригден:** Албатта, ўз устидаги ички меҳнат орқали маънавий йўлдан кетаётган инсонлар, ўз даврининг динларига мансублиги ёки мансуб эмаслигига қарамасдан, аслида ўзини мукаммалаштиришнинг худди шу босқичларини босиб ўтган. Агарда “руҳоний” тушунчасининг туғилиш манбасини кузатсак, қадим замонларда бу “Худонинг олдида турган инсон” маъносини билдирган. Моҳият бўйича, бу еттинчи ўлчовга чиқиш, инсоннинг ҳақиқий авлиёликка эришиши, хаёти давомидаги сифатли руҳий ўзгаришидир. Руҳий ривожланишининг мана шу босқичида инсонга Худодан шундай куч келадик, у туфайли одам қайта туғилиш доирасини тарк этади ва озод бўлиб, жаннатга, Нирванага кетади, Руҳий Оламни одамлар қандай номламасин, аммо унинг моҳияти ўзгармайди. Шундай қилиб, одамнинг маъно ва мазмун бўйича бир хил руҳий мукамаллик босқичлари жаҳоннинг барча динларида ўзгача муқаддас маросимларни, маънавий йўл босқичларини, поғоналарини босиб ўтишнинг у ёки бу қоплами остида мавжуд бўлган. Бироқ, бу борада мен нима демоқчиман. **Маънавий Билимлар бирорга ҳам динга тегишли эмас**, гарчи хар бир дин уларни ўзининг қонун ва аъаналарига биноан ўзлаштирмоқчи бўлса ҳам.



**Анастасия:** Ҳа, ва бу нарса турли халқларнинг диний маданиятларининг маънавий билимларини синчковлик билан ўрганилиши ва таққосланишида жуда аниқ кузатилмоқда. Мисол тариқасида, аввал айтиб ўтган масихийларнинг хушбўй мой суртиш маросимини кўриб чиқсак бўлади. Муқаддас миро мойи билан (*менг томонли крест белгиси* кўринишида) тананинг маълум қисмларини: юзини, кўзларини, қулоқларини, қўлларини, оёқларини суртиш мазкур динда илоҳий марҳаматга қўшилиш рамзи ҳисобланади, унинг воситасида одам “Илоҳий Рухнинг тухфаларини қабул қилади”. Пешонадаги крест белгиси (“Учинчи кўз” чакрани худудида), христианликка биноан, фикрларни софликда (маънавий ниятларда) ушлаш тимсолидир. Кўкракдаги крест белгиси (индуизмда юракнинг севги чакрани деб аталмиш “Анахата” да) инсон бир умр хис этиши керак бўлган Худога нисбатан Муҳаббатнинг тимсоли. Кўзларда (қадимда уларни “очиқ чакранлар” деб номлаган) – инсон руҳий кўришга эғалик қилиши учун (хар бир мавжудотда Худонинг марҳаматини кўриш). Қулоқларда эса – инсон маънавий сўзни эшитиши учун...

**Ригден:** Дарвоқе, қадимда мазкур жараён ҳақида асл маънавий билимга эга бўлган одамлар қулоқларни эмас, балки мен тўртта Маҳлуқотларни ўрганиш медитацияси ҳақида сўзлаганимда эслатган хар бир қулоқ устидаги нуқталарга мой суртишган. Яъни, онгнинг ўзгарган ҳолатларидаги одамнинг турли ўлчовлар фазоларида ориентация қилишининг идроки жараёнида қатнашадиган тузулмалар жойлашган қулоқларнинг тепасидаги ўша худудларга.

**Анастасия:** Ҳа, қачонлардир барчаси маънони тушунган холда бажарилган экан-да...Христианликдаги қўлларга (қўлларнинг чакранлари жойлашган жойга) мой суртиш эзгу ишларга оқ фотиха бериш тимсолидир, оёқларга суртиш (оёқлар сатҳида ҳам чакранлар мавжуд) – “Худонинг подшолигига” элтувчи руҳий маънавий йўлдан юриш имконияти. Бошқача айтганда, мой суртиш жараёнининг христианлик фалсафий талқинига қарамасдан, жараённинг ўзи деярли асосий чакранларнинг нуқталарида амалга оширилган...

**Ригден:** Шубҳасиз, агарда қадим замонлардан то бизнинг кунларга қадар турли халқларнинг мой суртиш маросимлари ҳақидаги маълумот билан танишсак, “дуо-ибодат ўқилган “мойнинг деярли тананинг бир хил жойларига суртиш борасидаги “ғаройиб ўхшашлик”ни топиш мумкин, яъни одамнинг маълум энергетик худудлари – чакранлар ишга туширилиши. Масалан, мазкур русумлар қадимги мисрликларда, қадимги ва замонавий Хиндистон аҳолисида, Қадимги Европа, Ўрол, Сибир худудларида яшаган халқларда тарқалган эди. Унданда кўпроғи,

сайёрамизнинг турли қисмларида халқлар худоларни, авлиёларни қандай тасвирлашини, уларнинг асосий чакранларини қайси рамзий ишоралар билан белгилашини, маълум комбинацияларда уларнинг қўл бармоқлари қай тарзда бирлаштирилганига эътиборли одам учун назар солиш кифоя. Фақатгина беҳабар одамлар учун буларнинг барчаси Осмон ва Ер ўртасидаги алоқа ўрнатилишининг рамзи, у ёки бу худонинг яратиш ва бошқариш усуллари деб умумий тушунчалар тоифалари билан тушунтирилади. Аслида эса улар одамнинг ўзини мукаммалаштириш бўйича маънавий тимсоллар ва амалий билимларга кўрсатади.

Масалан, христианликда, аниқроғи Православиеда, “Кучдаги Спас” номли санам (икона) мавжуд. Қачонлардир у православ черковининг санамлар тўпламида марказий ўринларидан бирини эгаллар эди. Русда бу айнан XIV-XV асрларда эди, ўша пайтда қурбонгоҳнинг паст тўсиғи ўрнига катта тўсиқ қилиш бошланган эди – иконостас, у қурбонгоҳни черковнинг асосий қисмидан ажратиб турган. Шундай қилиб, мазкур санам қизиқарли рамзий ишоралари билан фарқланади.



*92-расм. “Кучдаги Спас” санамининг тасвири  
(1408 йил, рассом Андрей Рублёв, Москва Давлат Третьяков галереяси,  
Россия).*

Унда тахтда ўтирган Исо Масих тасвирланган. Чап қўлида у очик китобни ушлаб турибди, ўнг қўли билан эса – бармоқларини махсус, (яъни номсиз ва катта бармоқларининг ички қисмлари бир бирига

тегиб турган) холатда бирлаштириб, оқ фотиҳа бермоқда. Сен биласанки, бармоқларнинг бундай холати маълум руҳий амалиётларда қўлланилади, бу холатда одамнинг энергетик меридианларининг “ҳалқаланиши” рўй беради.

**Анастасия:** Ҳа, Шахснинг ўз энергетик тузулмаси, шахсий фазоси ва Руҳий Олам билан бўлган алоқаси устидаги ишида айнан қандай руҳий асбоб қўлланилганлиги мазкур ишорада кўрғазмали тарзда намойиш қилинган.

**Ригден:** Қачондир мен ҳикоя қилган эдимки, Қадимги Шарқнинг махфий имо-ишоралари ва муқаддас белгиланишларида номсиз бармоқ, руҳий амалиётлардаги кўшимча вазифаларни бажариш билан бирга, шартли равишда эпифизнинг (“Учинчи кўз” чакранининг, ғуддасимон безнинг) ишга туширилишига кўрсатган. Эслатиб ўтаман, санскритдан чакра сўзи “ғилдирак” (аввалари “доира”, “диск”) маъносини билдиради. Чакранлар – булар одамнинг кўринмас тузулмасидаги ўзига хос энергетик марказлардир, улар орқали энергияларнинг ҳаракати ўтади (энергетик куюн). Шарқда шунингдек “чакра” сўзи ўрнига одамнинг еттита энергетик марказларини белгилаш учун “нилюфар” (“падма”) сўзини қўллашади. Айтиш жоиз, ўша суфизмда ҳам худди шундай, одамнинг энергетик танасидаги асосий (олтита) нозик марказлар билан руҳий иш (“латаиф”) амалга оширилади. “Учинчи кўз” хозиргача турли таълимотларда “руҳий кўз”, олдиндан кўриш чакрани саналади. У ҳақда трактатларда шундай дейилганки, агарда юқори хиссиётли идрокни ишга туширса, “Учинчи кўз” “чегара ортидаги билимни олишга”, “Руҳий Оламга ўтиб боришга” ёрдам беради. У “яратишга ва бирор нарсага таъсир этишга” ёрдам берувчи қудратли таъсирнинг ўтказувчиси ҳисобланади, бу таъсир ўтмиш, бугунги кун ва келажакнинг воқеаларини кузатиш имкониятини очади. Шунингдек уни Шарқда “довюраклик ва ғайритабiiй имкониятлар”нинг чакрани деб аташган. Мазкур чакранни шартли равишда *кўк* (мовий) ранг билан белгилашган.

**Анастасия:** Шубҳасиз, номсиз бармоқ билан боғлиқ қадимий рамзий ишоралар бир қарашда оддий бўлиб туюлади. Аммо аслида ундай эмас. Одамлар жамиятида ўнг ёки чап қўлнинг номсиз бармоғида узук тақиб юриш анъанаси қаердан келиб чиққанлиги ҳақида Сиз қизиқарли маълумотлар билан бўлишган эдингиз.

**Ригден:** Бунинг тарихи ҳақиқатан қадимий. Даставвал узукни номсиз бармоқда тақиб юриш муқаддас билимлар сирларидан хабардор бўлган кишилар орасида мутлақо шартли махфий рамз эди. Узукнинг ўзи доира, аниқроғи спиралнинг айланаси бўйлаб ҳаракатни билдирган. Ва

рамзий ишораларни ўнг томонли (мисол учун, тўғри свастика) ва чап томонли (нотўғри свастика) ҳаракатларга бўлиниши мавжуд эди. Агарда киши узукни ўнг қўлининг номсиз бармоғида тақиб юрган бўлса, бу унинг ёруғ кучларга мансублигини, Ягона Худога, Абадийликка томон юришини билдирган. Мазкур рамз шартли равишда инсоннинг фақатгина рухий маънавий йўлни танлаганининг ва Билим эгаси эканлигининг далили эди. Агарда киши узукни чап қўлининг номсиз бармоғида тақиб юрган бўлса, бу унинг қарама-қарши йўналишда (моддий Ақл томон) юриши, қоронғу кучларга мансублиги (шунга муносиб Билимларнинг эгаси бўлганлигини) ва Хайвоний ақлнинг Иродасига хизматини билдирган. Яъни узукни маълум қўлда тақиб юриш хабардорлар учун унинг эгаси айнан қайси Кучларга ва кимнинг Иродасига хизмат қилганининг шартли фарқи эди.

Ва “Номсиз бармоқ” (номи йўқ бармоқ) деб номланиши юқорида эслатилган муҳитга тегишли маълум Билимлардан бежизга келиб чиқмади. Худди қадим замонлардагидек, бугун ҳам Худонинг Исми одамлар учун сир бўлиб қолмоқда. Турли динлар коҳинларининг бу борадаги кўпдан-кўп чайқовчилигига қарамасдан, Худонинг ҳақиқий Исми бугунги кунда ҳам очиб берилмаган. Нима учун? Талаффуз қилинмайдиган Худонинг исми билан табиатнинг ҳамма кучлари, Оламнинг ҳамма ўлчовлари (“босқичлари”) бошқарилиши мумкин, деган афсоналар сақланиб қолган. Одатда эса коҳинлардан мазкур маълумотларга Бирламчи Товуш ҳақидаги (уни турли даврларда турлича номлашган, шу жумладан, Граил деб ҳам) афсоналар асосида қўшимча қилинган. Мазкур қўшимчада айтилишича, ким-ки “Худонинг Исми”ни (даставвал афсоналарда “Бирламчи Товуш” дейилган эди) тўғри талаффуз қила олса, ўша одам “Худодан хоҳлаган нарсани сўраши мумкин”. Агарда кимдир Худони махфий исми билан чақирса, у ўзига Унинг эътиборини қаратиши мумкин, деган ривоятлар хозиргача ҳам сақланиб қолган. Аммо одатда, бундай истак руҳан етилмаган кишиларни ёндиради. Ўз ичкарасида Худо билан яшаётганлар учун эса, бундай зарурат йўқ: улар Уни ўз Қалбида топган ва У билан бирга. Руҳан етилмаганлар эса – Исмини билишга чанқоқ, уларга бу шахсий хайвоний ҳокимияти учун, ҳамманинг ва барча нарсанинг устидан ҳокимиятга эга бўлиш учун зарур. Бироқ улар тушунмайдики, улар учун, худди етилмаган мева учундек – бу ҳалокатлидир.

Одамда Хайвоний табиати устувор бўлса, унинг торайган идроки Худони тушунишни қандайдир моддий субъектгача пасайтиради, унинг устига, одам ўзини уч ўлчамликда қандай кўрса, Худони ҳам шундай деб билади. Коҳинлар ўзига у ёки бу динларни барпо қилиб, Худога турли “исмлар”ни беришди. Унданда кўпроғи, ўзининг дини ва

Худонинг “исмини” етакчилиги учун, рақобатчи динлар устида устувор бўлиш, ва, бундан чиқди, Худонинг “номи”дан гапиришга якка ҳуқуқли бўлиш учун улар хануз одамларни бир-бири билан урушлар олиб боришга, душманлик қилишга мажбурлашади. Турли эпитетлар мавжудлиги сабабли ва уларни қоҳинлар атайлаб бошқача талқин қилгани туфайли, одамлар турли олий худолар мавжуд деб хато ўйлашади. Аммо Худонинг бугунги турли “исмлари” – ахир булар, моҳият бўйича, таъқиқланган Худонинг исми ўрнига қадимда Ягонани белгилаган *эпитетлар-ку*.

**Анастасия:** Сиз ҳақсиз ва хоҳлаган одам бунга амин бўлиши мумкин, бунинг учун турли динларда Худонинг исмини ифодалаган сўзларнинг пайдо бўлиш этимологияси ва дастлабки маъносини кузатиш кифоя.

**Ригден:** Шубҳасиз, ҳар қандай ақлли киши, таққослаб, шуни тушунадик, Худонинг ҳар хил “исмлари” – булар бор-йўғи Ягонанинг эпитетлари. Масалан, қадимги мисрликларнинг олий Худосининг исми – *Осирисни* кўриб чиқамиз. Бу мисрлик Усир исмининг юнонлаштирилган шакли. Яъни юнонча “Osiris” сўзи мисрча “*U’sir*” сўзидан келиб чиққан ва “*Чўққида турган Кимса*” маъносини билдиради. Ёки, масалан, Зардушт пайғамбар томонидан Ягона Худо деб эълон қилинган зардуштийликдаги *Ахура Мазда* исми авесто худоси (кейинчалик Ормазд, Ормузд) исми нимани ифодалайди? Айтиш жоиз, ахир даставвал пайғамбар эслатишича, Ахура Мазда исми бор-йўғи *Худонинг таъқиқланган исмининг* алмаштирилишидир, уни одамлар орасида ҳеч ким билмайди. Мазкур Худони хатто диний тақвимларда “Номсиз” деб белгиланган. Авесталик “Ahura Mazda”ни “Доно Подшо”, “Фикр Хукмдори” деб таржима қилишади. Авесточа “Maz-dā” сўзи – бу яна “хотирада сақлаш” дегани. Шундай қилиб, бу “исм” иккита хинд-эрон илдизларига эга сўзлардан ташкил топган. “Ahura” санскрит сўзи “asura” – “хукмдор” сўзига, “mazdā” эса – хиндча “mēdhā”, яъни “*донолик, тушуниш*” сўзига мутаносиб. Умуман олганда эса, айтиш жоиз, одамлар оддий ҳақиқатни, аслида *Донолик* нима деганини унутиб қўйишди. Булар асло китобий билимлар, хаётий тажриба, ўткир ақл ёки фикрлашнинг ажойиб мантиқи эмас. **Қадимий анъанада турли халқларда “Донолик” даставвал – бу инсоннинг рухий ўсиши пайтидаги осмоний тухфа (туйғулар эйфорияси, онг равшанланиши)дир, бу тухфа ёрдамида олий ойдинлашув, ҳамма нарсени тушуниш, ҳамма нарсени билиш ҳолатига эришилган.** Зардушт пайғамбарга ҳам фақатгина кўп йиллик тинимсиз маънавий изланишларидан сўнг, унинг “*Эзгу Нијати*”га биноан Ахура Мазда очилганлиги зардуштийликда бежизга эслатилмаган. “Пайғамбар саволлар берган, Худо эса жавоб берган ва *илоҳий Доноликда* унинг

мураббийи бўлган”, яъни “*Доноликни, тушунишни берувчи Кимса бўлган*”.

Шунинг учун коҳинлар Ягона Худонинг “исми”ни айнан эпитетлардан шакллашган. Ва ҳар бир динда ҳам худди шундай, қайси динни олма, Худонинг барча “исм”лари – эпитетлар: ”Кутқарувчи Худо”, “Таниқли Худо”, ”Муносиб”, “Умумқамровчи”, ”Ҳамма нарсага кириб борувчи”, “Нур тарқатувчи”, “Ўйғонган”, “Асос”, “Муқаддас куч”, “Бахт келтирувчи”, “Кўринмас” ва хоказо. Мен ҳозир жаҳоннинг оммабоп бўлган у ёки бу динларининг таркибидаги одамларга маълум бўлган Худонинг турли “исм”ларининг (аслида эса эпитетларининг) азалги маъносини билдирувчи белгиланишларини айтиб ўтдим. Бошқача айтганда, бугунги кунда юзада ётган ва бу масала билан қизикқан ҳар бир кишига очиқ бўлган маълумотларни келтирдим. Мазкур сўзларнинг қадимий динлар ва эътиқодларнинг ўхшаш эпитетларидан ўзлаштирилган янада қадимийроқ илдизлари ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Уларни ҳозир ҳеч ким эсламайди, ҳатто кўлида уларнинг қадим замонлардаги оммабоплигини тасдиқловчи археологик артефактлари бўлса ҳам. Аммо охир-оқибат ушбу барча “тарихий эпитетлар”, босқичлар каби, лингвист-олимлар томонидан эндигина назарий жихатдан ўрганилаётган, барча халқлар учун умумий бўлган ибтидоий тилидаги Ягонанинг ўша, дастлабки белгиланишларига олиб келади.

**Анастасия:** Ҳа, ачинарли ва кулгили...Демак, жамиятда одамлар ҳамма учун Ягона бўлмишнинг *эпитетлари* учун бир-бири билан бахслашар, жанжаллашар, урушлар олиб боришар экан-да.

**Ригден:** Афсус...улар барча халқлар учун, бутун инсоният учун **умумий маънавий моҳиятни** ҳатто тушунишмайди ҳам. Шунинг учун, одам табиати қандайлиги маълум бўлгани учун, азалдан Ягонанинг белгиланиши, айтиб ўтганимдек, Унинг исми билан эмас, балки “Ра” *товуши* билан берилган ва мана шу товуш “Ягона, Абадий (Олий)” тушунчасининг рамзи бўлган. Шунинг учун, ҳатто мазкур Билимлардан хабардор бўлганлар ҳам азалдан Худонинг шартли белгиланишларида Унинг исмини кўрсатмаган (дарвоқе, бу номсиз бармоққа ҳам тегишли). Анча кейин эса, жамиятда коҳинлар томонидан қиздирилиб турган одамлар орасидаги низолар бошланганида, турли талқинлар, “ўзимизнинг” ва “бегона” Худоларга бўлинишлар ва хоказолар пайдо бўлди ва улар азалий Билимларнинг йўқотилишига олиб келди. Аммо буларнинг барчаси одамларнинг ишлари.

Бироқ, узуклар мавзусига қайтсак. Биринчи узуклар оддий ва силлик бўлган. Айтиш жоиз, хабардорлар ишлатган узуклар илгари фақат энергия тўпловчиси бўлмиш кристаллдан тайёрланган эди...

**Анастасия:** Яъни, табиат материалидан, ундаги элементар заррачалар (атомлар, ионлар, молекулалар) асосан геометрик тўғри шаклга ва тузулишга эга бўлиб, фазовий қирралар билан кристалл панжаралар геометрияси қонунларига кўра жойлашган (ўша, суҳбатимизда эслатилган кўп қиррали жисмлар). Умуман, бу худди ўша, фақат икки ўлчамли эмас, балки уч ўлчамли фазо белгиси, десак бўлади, унинг ташқи шакли элементар заррачаларнинг ички тартиб симметриясини ва, бундан чиқди, уларни шакклантирувчи энергияларнинг тақсимланишини акс эттиради...

**Ригден:** Албатта...Кейинчалик эса, одамлар Билимларни йўқотишни бошлаганида, бундай узукларни тайёрлашда энди қаттиқ жисмли тош, дарахт ёки суякдан фойдаланишди. Анча вақтдан сўнг уларни металлдан тайёрлашни бошлашди... Шундай қилиб, қадимги маҳфий жамиятларда илк узуклар оддий эди ва чап ёки ўнг қўлга тақилиши билан фарқланар эди. Аммо маълумотнинг маҳфийлиги йўқотилганида ва оддий одамларнинг хабардорларнинг атрибутикасига тақлид қилиши бошланганида, узукларни оммавий тарзда, моҳиятни тушунмаган холда, хар хил бармоқларда, турли металллардан ясаб, уларни қимматбаҳо тошлар билан безаб тақиш бошланди. Шунда хабардорлар узукларида уларнинг мулоқот доирасига тушунарли бўлган маълум белгилар, рамзларни тасвирлашни бошладилар. Масалан, Ёруғ кучларга мансуб инсон ўнг қулининг номсиз бармоғида боши соат мили бўйлаб жойлашган, ўз думини тишлаётган илон кўринишида узукни тақиб юрган. Қоронғу кучларнинг тарафдори эса чап қулининг номсиз бармоғида. Унинг узугида илоннинг боши аксинча, соат милига қарши жойлашган. Аммо бу ҳам нисбатан узоқ давом этмаган.

Одамий тақлид ва Билимларнинг бузилиши туфайли, узук тақиш каби шартлилик азалий Билимларга дахлдорлар бўлганларда тез орада ўз аҳамиятини йўқотди. Аммо одамлар орасида узукларни безак ёки бирор имтиёзларни белгилаш сифатида тақиш анъанаси қолди. Улар, гўёки одамни касалликлардан, бахтсизликлардан сақловчи, “куч берувчи” “суперсеҳрли узуклар”ни ўйлаб топишдан бошлаб ва бой одамнинг, яъни “обрўли фуқаро”нинг узуги кўринишидаги ижтимоий тенгсизлик рамзлари билан тугатиб, бир-бирининг олдидаги махтанчоқлик борасида турли машқлар қилишди. Хуллас, барчаси хар доимгидек, бўм-бўш жойдаги одамий кибр.

**Анастасия:** Номсиз бармоқ ва узук ҳақида кўтарилган мавзу муносабати билан яна бир қизиқарли саволни ёритишни хоҳлардим. Сиз “Худонинг бармоғи (перст)” ибораси қаердан келиб чиққанлиги ҳақида гапириб берган эдингиз, “перстень” (эркаклар узуги) тушунчаси аслида ундан пайдо бўлган.

**Ригден:** Ҳа, эски славян тилида “перст” сўзи “бармоқ” дегани. Ва илгари бу сўз билан айнан ўнг қўлнинг номсиз бармоғини номлашган. Айрим халқларда, масалан козоқларда, қадимий эътиқод билан боғлиқ анъана қолган, унга кўра янги туғилган гўдак яхши, сахий, маънавий инсон бўлиб улғайиши учун, унга аввал онани кўкрагини эмас, балки айнан номсиз бармоқни сўришга беришган. Мана шу айнан номсиз бармоқнинг шартли рамзий ишораси ҳақидаги биз эслатиб ўтган билимларнинг қолдиқлари, рости, одамий талқиндагилари. Хозир узук тақиб юриш – бу бор-йўғи мода ва анъана, масалан, никоҳ узукларини ўнг ёки чап қўлнинг (хар бир давлатда турлича) номсиз бармоғига тақиб. Аммо шу билан қачонлардир одамлар тасарруфида бўлган билимларнинг қолдиқларини ҳам топса бўлади. Ўша Православиёда *никоҳ* маросимида келин ва куёвнинг ўнг қўлининг номсиз бармоғига тақиладиган узук хозиргача ҳам *абадийлик белгисидир* ва *Рухий Олам билан никоҳнинг* узулмаслигини ифодалайди.

**Анастасия:** Улар риоя қилган турли анъаналар нима учун мавжудлиги ва илдизи қаердан ўсиб чиқаётганлиги ҳақида одамларнинг аксарияти эса хатто ўйланиб ҳам кўрмайди. Аммо бундай деталарни тушунганимда, бошқа маълумот ҳам, масалан, худоларнинг хайкалчаларида ёки тасвирларида мазкур бармоқнинг бошқа бармоқ билан, шу жумладан медитатив техникаларга шартли кўрсатма сифатида бирлашиши нимани билдириши тушунарлироқ бўлиб қолади.

**Ригден:** Бармоқларнинг холатига келсак...Агарда номсиз бармоқ, медитатив вазифаларига биноан, руҳий кўриш, билиш, ғайритабиий имкониятларнинг рамзи бўлган бўлса, катта бармоқ – одам кучини энергетик потенциалнинг рамзи бўлган. Хусусан, катта бармоқ медитацияда тахминан қориннинг паст қисмида, тос худудида думғаза ва қов супачасининг симфизи ўртасида жойлашган чакран фаоллаштирилганига кўрсатган. Одамнинг схемасида шартли равишда уни оёқлар бирлашган соҳада тасвирлашган. Аммо айнан шартли равишда, чунки гап жисмоний эмас, балки энергетик тана ҳақида кетяпти.

Дарвоқе, “mūlādhāra” – бу санскрит тилидан келиб чиққан сўз бўлиб, “мула” сўзи “илдиз, асос”, “адхара” сўзи эса – “пойдевор, базис, таянч” маъноларига эга. Мазкур чакран билан одамнинг энергетик



потенциалининг ўйғониши ҳам боғлиқ. Уни анъанавий тарзда қизил ранг билан белгилашган.



93-расм. Хиндистонда “Муладхара” чакранинг схематик тасвири

Ушбу қудратли потенциалнинг ўйғонишини Шарқда “*уч ярим айланага ўралиб ухлаётган Кундалини Илонинг ўйғониши*” деб номлашган. Спиралсимон тузулмалар ҳақида гапирганимда у ҳақда кўп бора эслатган эдим. Ушбу куч қадимдан илоҳий кучнинг (Аллат кучининг) аёлий жихати саналган. У одамда қудратли, бунёдкор руҳий Мухаббат кучининг ўйғонишига ёрдам берган, уни жисмоний хиссиётлар ёки кўпол энергияларнинг намоён бўлиши билан яқиндан ҳам таққослаб бўлмайди.


Хиндистонда бу чакранни кўпинча Брахман сақланадиган жой деб билишар эди ва мазкур энергетик марказда мужассам бўлган куч ҳар бир одамда мавжуд, бироқ уйқу ҳолатида, деб ҳисоблашган. фақат одам ўз устида, ўзининг Хайвоний табиатини бўйсундириш устида меҳнат қилиб ўзидаги Малакий табиатини устуворлигига интилганидагина унда мазкур куч ўйғонади. Христианликда аскетлар (юнонча “askesis” сўзи – “машғулот, амалиёт”) руҳий ривожланишнинг мазкур босқичини *эҳтироссизлик ҳолатига эришиш* деб номлашади. Яъни эҳтирослар ва истаклардан ташқари ҳолат, яхшилик йўлида ёмон ниятлар ва ишлардан воз кечиш, ақлнинг софлиги ҳолатига эришиш. Ўз устидаги мана шу руҳий меҳнатсиз бирорта ҳам маънавий асбоб керакли натижани бермайди.

Шарқда Кундалини ўйғонишининг оқибати одамнинг онгининг сифатли ўзгариши, руҳий ўйғониш, Ҳақиқатни интуитив билиш сифатида кўрилади. Насронийликда эса ушбу босқични энди *эҳтироссизлик* ҳолатининг ўзи деб номлашади, унда “ақл эҳтирослардан ташқарига киришади”, ва эришган киши “тасарруф мамлакатига ўтиб боради, у ерда ақл Илоҳий маконда руҳда бўлади”.

Шарқда бу Шахснинг трансформациясига қудратли туртки деб ҳисобланади – Кундалини энергиясининг умуртқанинг асосидан бошнинг маркази узра юқорига, илоҳий Ягонаси билан кўшилишига кўтарилиши.

Онг Ягона билан кўшилганида ва бу ҳолат узлуксиз бўлиб қолганида, “озодликка эришилади”.

Ўша христианликда олий руҳий ҳолатга эришишни “Мархамат” дейишади ва универсал кадрият, одамнинг интилишининг оҳирги чегараси сифатида кўришади. Мана шу оҳирги чегара томон юришида Илоҳий Руҳнинг шахсий хусусияти сифатида мархамат қўлланилган. Шу билан бирга, ушбу ўзгача ҳолатни одам учун одатий бўлган бирорта хиссиёт билан билиб бўлмас, тасаввур қилишнинг иложи йўқ ва у ҳар қандай мантиқий фикрлашдан афзалроқ, “ақлга сиғмайди”, деб аниқлаштирилади.



*94-расм – Озодликка эришиш олий ҳолатидаги асосий чакранларнинг шартли белгиланиши:*

*1) нилюфар ҳолатида ўтирган одамнинг 7та чакранларининг замонавий анъанавий схематик тасвири;*

*2) руҳий озодликка чиқиш ҳолатининг Трипольенинг маросимий кўзасидаги схематик тасвири. Аёлнинг қўлларини ҳолати биринчи ва еттинчи чакранларнинг халқаланишига кўрсатмоқда.*

Бошқача айтганда, унга фақат ўз устида руҳан меҳнат қилиб, онгнинг ўзгартирилган ҳолатида, фикрлар ва тасаввурнинг йўқлигида, фақатгина чуқурликдаги туйғулар (оддий одам учун номаълум бўлган “олтинчи хиссиёт”) ёрдамида эришиш мумкин. Худо – бу ўзгармас, абадий ва ўлмас, кудратга, доноликка эга “энг олий Мархамат”. Ҳар бир инсоннинг Қалби мана шу Мархаматга интилади, деб ҳисобланмоқда. Моҳият бўйича, бу одамнинг сифатли трансформацияси ва одамий тушунишда унинг энергетик табиатининг ўзининг бурчакларидан бирида турган энергетик кубга ўхшаган шаклга ўзгаришидир.

**Анастасия:** Ҳа, бу Худонинг кучи билан одамнинг ўзини энергетик потенциалининг бирлашиши сифатида номсиз бармоқнинг катта бармоқ билан бирлашишнинг рамзи сифатидаги, унинг устига Худонинг Ўғли ҳисобланган Исо Масихнинг ўзидан қилинган ишора – ҳақиқатдан ҳам одамзодга *оқ фотиҳа бериш* ишорасидир.

**Ригден:** Унданда кўпроғи, “Кучлардаги Спас” иконасида Масих геометрик шаклларнинг фонида тасвирланган. Хусусан, орқа планда тасвирланган қизил квадрат бурчакларида қанотли одам, шер, буқа ва бургут расмлари жойлаштирилган.

**Анастасия:** Яъни қизил квадратнинг фонида тўртта Маҳлуқотларнинг рамзлари.

**Ригден:** Ҳа, Ҳозир христианликда мазкур сиймолар (тетраморфлар)ни хушxabарчиларнинг рамзлари сифатида талқин қилишяпти (Матфей, Марк, Луко, Иоанн ) коҳинларнинг бундай талқини оқибатида мазкур рамзларнинг ҳақиқий моҳияти ва уларнинг келиб чиқиши ҳақида камдан-кам одам билади. Жаҳоннинг ушбу динининг “подаси”га эса уларни қуйидагича тушунтиришади: Матфей – бу қанотли *одамнинг* сиймоси. У закотларнинг йиғувчиси бўлган, шунинг учун уни пул миқдори, найза, қилич ёрдамида тасвирлашади...

**Анастасия:** Ҳа-да, *одам сиймоси* – бу *одамий табиат ва хоши-истаклар рамзи*, қадимги шарқий халқларда анъанавий тарзда тўртта Маҳлуқотлар ҳақидаги билим контекстида Орқа маҳлуқотнинг мажозий талқини.



*95-расм. Каролинг манускриптидаги расмларнинг схематик тасвири (IX аср, Францияда топилган, Валансьен кутубхонаси): Мистик худойига аталган Қўй (марказда), Китобни ушлаб турувчи тўртта “апокалиптик хайвонлар”.*

**Ригден:** Мутлақо тўғри, аммо буни энди ҳеч ким аллақачон эсламай қўйган. Кейин Маркнинг рамзи – шер, хайвонларнинг подшоши. Луконинг рамзи – қанотли буқа, унда буқанинг ўзи қурбонлик хайвони сифатида кўрилади.

**Анастасия:** Буқа ибтидоий хинд таракқиётида Хайвоний табиатни, аксарият қадимий халқларда эса – одамнинг Ўнг маҳлуқотининг хусусиятларини ифодалагани учун. Қанчадан-қанча шарқ сюжетлари одамнинг ўзининг Хайвоний табиатининг таянчи – энг ақлли ва хокимиятпараст Чап маҳлуқотини бўйсундириш рамзи сифатида шер билан кураш олиб боришга, унинг устидан ғалаба қозонишга бағишланган.

**Ригден:** Ҳа, яққол нарсани тушунганимда барчаси осон... Мана бу эса Иоанннинг рамзи – бургут. Бироқ даставвал тўртта Маҳлуқотлар ҳақидаги билимлар контекстида бошқа қуш турган эди. Факт бўйича, кохинлар ўзининг янги дини учун нусхалаган сюжетнинг манбасига қараганда, бу ерда лочин тасвирланган бўлиши керак эди. Кўплаб қадимий халқларда, шу жумладан, мисрликларда ҳам қуш (лочин) Олд маҳлуқотнинг рамзий белгиланиши эди. Бургут – бу энди кохинларнинг бошқа халқлардан ўзлаштирган маълумотларга қилган қўшимчаси. Бироқ бу энди бошқа мавзу.

Шундай қилиб, православ христианликка оид “Кучлардаги Спас” иконаси сюжети нимаси билан эътиборли. Мана шу “хайвонлар сиймосидаги мавжудотлар” **Китобни** ушлаб туришибди ва яширин расмнинг четларида – кубдан чиқаётган нурлар кўринишидаги *қияли хоч* учларида рамзлар сифатида жойлаштирилган.

Сўнггиси ромб кўринишида рамзий тасвирланган. Хуллас, расмда *қизил квадратга кўк (яшил) овал* қўйилган, унинг устидан эса қизил ромб (квадратнинг ромбга трансформацияси, яъни бурчакларининг бирига қўйилган кубнинг пайдо бўлиши рамзи сифатида).

**Анастасия:** Қойил, ахир текисликда изометрик проекцияда куб – бу тўғри олти бурчак шакли, унинг хар бир қирраси эса ромбдир! Барчаси унга қандай қарашингга боғлиқ.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Мазкур вазиятда мен аниқроқ айтган бўлардим: барчаси ким қарашига боғлиқ. Шундай қилиб, иконада Исо қизил кубнинг фонида тахтда ўтирибди. Устига устак, Унинг битта оёғи *кубнинг бурчагига* босган, иккинчиси эса кўк овал шаклининг ичида. Сўнггисини христианликда яна “бодомсимон гардиш”, “балиқ пуфаги” деб номлашади ва Масихнинг қайта тирилиши ва ўзгариши

вақтидаги Уни қамраб олган Илоҳий кудрат рамзи сифатида кўришади. Мана шу кўк (яшил) овалда осмоний иерархия рамзлари сифатида олий фаришталар (серафимлар, азалдан қизил рангда), улардан қуйи поғонада турган фаришталар (херувимлар, азалдан кўк рангда) тасвирланган. Шу билан уларнинг ҳар бири олти қанот билан ўралган чехра кўринишида тасвирланган!

Ўлчовлар рамзи бўлмиш “Катта Шигир бути”даги одамлар чехраларини схематик тасвирларини эсла. Ва бошқа ўлчовларнинг бундай шартли белгиланиши нафақат Шигир маданиятига (эрамиздан аввалги V–IV минг йилликлар, Ўрта Ўрол ва Ўрол Орти, замонавий Россия), балки жанубий Сибирнинг Окунево маданиятига (эрамиздан аввал II минг йиллик) ва насронийлик ва бугунги кунда таниқли бўлган жаҳоннинг динлари пайдо бўлишидан анча олдин бошқа қадимий маданиятларга ҳам хос эди.

Айтиш жоиз, Окунево маданияти доиралар, спираллар, учбурчаклар, шунингдек одам тимсоли бошқа предметларга кўчирилиб стилизацияланган шакллар, лочинлар, аёл худолар, рамзий маънавий белгилар (Аллат) тасвирларига жуда бой. Бунга ўхшаш белгиланишлар қадимий дунёда анчагина тарқалган эди.

Шундай қилиб, “Кучлардаги Спас” иконаси ҳақидаги суҳбатга қайтсак. Христианликда қизил ва кўк ранглarning уйғунлиги Исо Масихнинг одамий ва илоҳий табиатларининг бирлашуви сифатида кўрилади. Масихнинг ўзининг тимсоли эса – бу Унинг одамлар олдида кўринувчи ва кўринмас дунёларнинг Хукмдори, идрок қилиб бўлмаслик ва мужассамликнинг рамзи сифатидаги янги, келгуси илоҳий ташрифнинг рамзидир.



96-расм. “Кучлардаги Спас” иконасидаги рамзларнинг жойлашуви  
схемаси

(1408 й, рассом Андрей Рублёв)

- 1) шер;
- 2) кўк (яшил) овал (сфера);
- 3) Масих Хакам сифатида ўтирган тахт;
- 4) оқ фотиҳа бериш ишораси – ўнг қўлнинг номсиз ва катта бармоқларининг бирлашуви;
- 5) қанотли одам;
- 6) олтин либосдаги Исо Масих;
- 7) бургут;
- 8) серафимлар, херувимлар;
- 9) очиқ Китоб;
- 10) қизил ромб;
- 11) кўк (яшил) овал киритилган қизил квадрат;
- 12) буқа
- 13) Масихнинг оёғи қизил ромбнинг бурчагига босиб турибди.

**Анастасия:** Ҳа, билувчи одамлар учун ўзининг рамзий ишораси бўйича ғаройиб иконадир. Тўртта Махлуқотли ерлик рамзи сифатидаги квадрат, бурчакларининг бирига қўйилган кубнинг рамзи сифатидаги ромб – еттинчи ўлчов, одамнинг руҳий ўзгариши ва озодликка чиқишининг рамзий ишораси. Овал – одам ва унинг Махлуқотлари ўртасидаги шахсий фазонинг белгиланиши, унинг бошқа дунёлар

(ўлчовлар) билан алоқаси. Масих қизил *ромбинг* ичида, яъни еттинчи ўлчовда, жаннатда, “еттинчи осмонда”, унинг устига ўнг кўлининг шундай аҳамиятли ишораси билан оқ фотиҳа берувчи! Ахир бу ерда одам ҳақидаги ва Худога бўлган йўлда унинг руҳий имкониятлари ҳақидаги барча таянч билимлар бор-ку! Яна битта тасдиқ: Билимларга эга бўлганингда ўтмишда одамлар томонидан қайд этилган ахборотнинг асл моҳиятини теран англайсан.

**Ригден:** Умуман олганда, Билимларнинг бундай узатилиши қадимдан қўлланилган эди. Боз устига, одатда, бундай, айтайлик, таянч Билимлар энг кўзга кўринар жойда жойлаштиришган. Мазкур Билимлар хамиша бўлганини тушуниш учун хаётимизда бизни қуршаб олган белги ва рамзларга ёки анъанавий диний тасвирларга ёки дунё халқларининг тарихига назар солиш кифоя.

**Анастасия:** Сиз ҳақсиз. Менга маълум бўлишича, “Кучлардаги Спас” иконаси XIV асрдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Москва Кремлидаги Благовещение черковини иконалар деворининг марказида жойлашган. Аммо гап бошқа нарсада, уни ким *кўрятти*? Христианлик динида “Кучлардаги Спас” илоҳиёт илмининг мураккаб концепциясини, яъни Масихнинг замонлар охирида Ўзининг бутун кучи ва шухратида “Дахшатли Ҳукм” ва Оламнинг келажакдаги ўзгариши учун дунё ҳақидаги Худонинг Ниятини амалга ошириш мақсадида, “Масихнинг боши остида барча ерлик ва осмонийни бирлаштириш учун” келишининг рамзидир.

**Ригден:** Мазкур иконани рамзий ишорадаги ўзига хос бутун трактат, икона яратиш санъатининг тилида келажакнинг башорати деб ҳисоблашади.

**Анастасия:** Қизиғи шундаки, бу ерда урғу айнан *Китобга* берилган! Ўзининг Иккинчи ташрифи вақтида Масих *очиқ Китобни* ушлаб турибди, барча зооморфик шаклларнинг ҳар бири китоб ушлаб туришибди. Бу ерда Хушхабар назарда тутилганми, ёки ушбу рамз қандайдир умумий мажозий маънога кўрсатмоқдами? Билишимча, христианликда эрта даврлардан Исо Масихни рамзий маънода Китоб кўринишида тасвирлашган, бу *Китобга Илоҳий Руҳнинг таширифи сифатида мусича тушмоқда*. Мени шунингдек, нима учун Библияда айнан мусича кўпроқ эслатилиши, қизиқтирди. Маълум бўлишича, у кабутардан фарқланар экан, ундан кичикроқ ва кўчманчи қушларга мансуб. Мусича Фаластинда баҳорнинг бошида пайдо бўлар эди. Уни илк хабар берувчи, соф қуш деб ҳисоблашар эди.

**Ригден:** Бу ҳақиқатан шундай. Мен кўпроқ айтаман, даставвал эрта христианликда Илоҳий Рух кабутар эмас, балки айнан оқ мусича (кейинчалик урғочи кабутар) кўринишида тасвирланган. Чунки у *илоҳий Мухаббат, бунёдкор аёлий табиат, барча мавжудликнинг Ибтидоий Онасининг (Аллат) рамзи* эди. Ва у янада қадимийроқ, илоҳий учталики Ота Она ва Ўғил кўринишида тасвирланган даврдаги билимлар билан боғлиқ. Масалан, бундай учталик Қадимги Мисрда бўлган: Осирис-Исида-Гор. Кейинчалик мусичани (бошқа тасвирларда – урғочи кабутарни) асосан Хушхабар (Олий Фаришта Жаброил ва Биби Марьям сюжетининг тасвири контекстида) ва Масихнинг чўқинтирилиши картиналарида тасвирлашган.

Китоб борасидаги саволга келсак, сен тўғри эътибор бердинг. Урғу айнан Китобнинг мавжудлиги фактида берилган, боз устига унинг *очиқ, яъни ҳамма ўқиши мумкин* бўлган ҳолатида. Христианлик маданиятида китобнинг рамзий ишораси етарлича аҳамиятли ва чуқур, шунинг учун ҳар бир рассом умумий қонун-қоидалардан келиб чиққан ҳолда тасвирлаган. Булар Хуш Хабар, Қутқарилганларнинг исмлари қайд этилган Хаёт Китоби, Масихнинг Иккинчи ташрифи ҳақидаги башоратларнинг Ваҳийлари Китоби. Дарвоқе сўнггисида бир Китоб ҳақида сюжет мавжуд бўлиб, ушбу Китоб “ичкарида ва ташқидан” ёзилган, етгита муҳр билан муҳрланган, уни Агнец (қурбонликка аталган Қўзичоқ)дан бошқа ҳеч ким ўқий олмайди. У ерда тўртта хайвон – тахт атрофидаги Қўриқчилар ҳақида ва хоказо маълумотлар ҳам бор.

**Анастасия:** Ушбу мавзуга яқин бўлган одамлар учун Сиздан Китоб ва тўртта хайвон ҳақидаги сюжет “Ваҳий”нинг айнан қаерида жойлашганини эслатишингизни илтимос қилган бўлардим.

**Ригден:** Библияда бу Иоаннинг “Ваҳийси”даги 4-чи ва ундан кейинги бобларда. Масалан, 4-чи бобда шундай сатрлар мавжуд: “...тахтнинг ўртасида ҳам, тахтнинг атрофида ҳам тўртта хайвонлар, уларнинг олдида-ю ортида кўзлари бор. Биринчи хайвон шерга, иккинчи хайвон буқачага ўхшаш эди, учинчи хайвоннинг чеҳраси одамникидек эди, ва тўртинчи хайвон учаётган бургутдек эди. Ва ҳар бир хайвоннинг олтиадан қаноти бор, ичкаридан эса улар кўзларга тўла эди...” 5-чи бобда эса Китоб ҳақида айтилмоқда: ”Тахтда Утирганнинг ўнг қўлида китобни кўрдим, у ичкаридан ва ташқидан ёзилган, етгита муҳр билан муҳрланган эди. Ва кучли Фариштани кўрдим, У баланд овозда жар солар эди: ”Шу китобни очишга ва муҳрларини ечишга ким қодир? Ва ҳеч ким, на осмонда, ва на ерда, ва на ер тагида бу китобни очолмас, унга қарай олмас эди...Ва мен кўрдимки, мана, тахтнинг ва тўртта хайвоннинг ўртасида ва қариялар ўртасида қурбонликка аталган



Кўзичоқ (Агнец) турган эди, унинг еттита шохи ва еттита кўзи бор эди, уларнинг моҳияти ерга юборилган Худонинг еттита Элчи Рухларидир. Ва У келиб тахтда Ўтирганнинг ўнг қўлидаги китобни олди. Ва У китобни олганида, тўртта хайвон ва йигирма тўртта қария Кўзичоқнинг олдида тиз чўкди, уларнинг хар бирида гусли (муסיкий асбоби) ва хушбўй тутатқига тўла олтин идишлари бор эди, уларнинг моҳияти эса авлиёларнинг дуосидир. Ва улар янги кўшиқни куйлашмоқда: Сен китобни очишга ва унинг мухрларини ечишга лойиқсан, зеро сен қурбонликка келтирилган эдинг, ва Ўзингни қонинг ила хар қандай бўғимдан ва тилдан, ва халқдан ва қабиладан Худонинг олдида бизни гуноҳимизни ювдинг, ва бизни подшо ва Худомизга роҳиб қилдинг ва биз ерда хукмронлик қиламиз,- дея. Ва мен тахтнинг атрофидаги кўплаб Фаришталарнинг ва хайвонларнинг ва қарияларнинг овозини эшитдим, ва уларнинг сони минглаб ва минглаб эди, улар баланд овозда: қурбонликка келтирилган Кўзичоқ куч ва бойликни, доноликни ва мустахкамликни, шарафни ва шонни ва оқ фотиҳани қабул қилишга лойиқ, - дейишарди. Ва осмонда-ю, ерда, ва ер остида-ю, денгиздаги хар қандай мавжудот айтаётганини эшитдим мен: тахтда Ўтирганга оқ фотиҳамиз ва шон-шарафлар ва асрлар давомидаги давлат бўлсин. Ва тўртта хайвон: омин,- дерди. Ва йигирма тўрт қария тиз чўкиб умрбод Яшовчига сажда қилишди”!

**Анастасия:** Ҳа, мазкур сатрлар ҳақиқатан ҳам хозир мутлақо бошқача - воқеалар моҳиятини кенгайган тушунишнинг ёруғлигида янграмоқда!

**Ригден:** Умуман олганда, мен бу ҳақда қачондир ҳикоя қилган эдим, муқаддас китоб муқаддас рамзий ишораларда бу дунёга келтирилган Худонинг Сўзи (Яратилишнинг Товуши)ни белгиловчи муқаддас рамзларнинг ёзуви сифатида кўрилади. Масалан, қадимги мисрликлар учун иероглифлар бутун тушунчаларни, гоҳида эса алоҳида товушларни билдирувчи муқаддас белгилар саналарди. Кейинчалик соддалаштирилган ёзув пайдо бўлди ва у нафақат диний, балки дунёвий матнларда ҳам қўлланишни бошлади.

Мисол учун турли тиллардаги харфлар – бу нима? Моҳият бўйича, булар одамлар томонидан ўйлаб топилган шартли белгилардир. Уларнинг турли комбинацияси – бу у ёки бу ахборотни тушуниш учун ўзига хос шартли код. Унинг устига хар қайси шартли белгининг ўзи нейтралдир. Аммо турли комбинацияларда хатто шартли белги ҳам у ёки бу кучни ва Иродани ўтказиш билан унинг таъсири учун ўзига хос ахборотли порталнинг қисмига айланади. Аммо ушбу, айтайлик, ахборотли фазо фақатгина одамнинг кучи (эътибори, англаши) таъсирида, шу кодни ўқиш орқали фаоллашади ва ишлашни бошлайди. Масалан, одам ёпиқ китобни кўриб, унда нима ёзилганини билмас,

унинг шартли белгилари нейтрал ҳолатда туради. Аммо у (агар шу шартли белгиларни тушунса) ўқишни бошладими – бу мазкур ахборотли фазони фаоллаштириш учун кучни бошланғич равишда қўллади дегани.

Аммо, шу онда одамдаги устуворлик, уни қўллашнинг кучи қандайлиги, яъни қаердан келиб чиқиши жуда муҳимдир. Мисол учун, одам замонавий китобни, яхши бадиий адабиётни ўқимокда. Лекин шу онда унда Хайвоний табиати устувор (худбинлик, ғазаб, хасад ва хоказо). Шунга кўра, хатто эзгу, яхши китоб ўқиса ҳам, китобнинг мазмуни уни ғашига тегиши, ғазаблантириши, буюклик истагини ўзининг “примитивлиги” билан кулдириши ва юпатиши, хасад, норозилик келтириб чиқариши мумкин. Китобда у ўзини худбинлигини қониктирувчи лаҳзаларни танлайди. Бошқача айтганда, китобда ёзилган шартли белгилар одамдаги ўша лаҳзада устувор кучнинг, яъни Хайвоний табиатдан келиб чиққан дастурнинг бажарилиши учун Ироданинг фаоллашувига кўмаклашади. Бироқ ўша онда Малакий табиати устувор бўлса, унинг учун бошқа томон очилади: у нафақат ахборотга боийди, балки уни пухта ўрганиши мумкин, унга муаллиф томонидан шартли белгилар орқали киритилган (ва ўқиётган одам томонидан фаоллаштирилган) кучларнинг келиб чиқишининг у ёки бу манбаларини англаши очилиши мумкин.

**Анастасия:** Яъни ўша-ўша китоб, лекин Қалбда Илоҳий Муҳаббат билан ўқилган бўлса, унга киритилган ахборотни холис англаш, унинг моҳиятини тушуниш ва келиб чиқиш манбасини хис этиш ва аниқлаш мумкин. Бошқача айтганда, китоб – бу шартли ахборотли код, унинг идроки эса одамдаги устувор танловга боғлиқ.

**Ригден:** Тўғри. Мазкур шартли ахборотли кодлар (сўзлар, гаплар) китобга бошқа одамлар томонидан киритилади, уларда ҳам қайд этиш пайтида у ёки бу куч устуворлик қилган (ёки аниқроқ айтсак – ё Рухий Оламдан, ёки Хайвоний ақлдан келиб чиққан Ирода устуворлик қилган. Одам мана шу шартли кодларни, масалан, китоб ёзилган тилни билмаса, табиийки, уни ўқий олмайди. Аммо уларни билса, ва фаоллаштира, у мана шу фаоллашувнинг ҳаракатини, яъни мазкур Ироданинг кучини ўзига бўлган таъсирини хис этади.

**Анастасия:** Бошқача айтганда, агарда сенда Хайвоний табиатинг устувор бўлса, сен, хатто маънавий трактатларни ўқиётиб ҳам, барча асосий нарсаларни бой берасан, барчасини рад этасан ва онгингни ўша ондаги торайганлиги туфайли ҳеч нарсага тушунмайсан. Аммо сенда Малакий табиатинг устувор бўлса, ҳар қандай китобни дунёни кенгайтирилган идроки ҳолатида қабул қиласан, бу эса сенга “донларни пўстлоқлардан” осонгина ажратишга, ёзувчининг устувор

ғояларини, у ерга ким ва нимани киритган ва барчаси қайси мақсадларга хизмат қилганлигини тушунишга имкон беради.

**Ригден:** Ҳа, яъни онгда Малакий табиат устувор (демак дунёни чуқурликдаги туйғулар ёрдамидаги идроки мавжуд) бўлса, сен асл моҳиятни тушунишни, Доноликка эришишни бошлайсан. Донолик орқали эса Билим ҳам келади. Белгили код сифатидаги Билимни Малакий табиатинг билан фаоллаштирганингда нафақат Шахсинг, балки унинг атрофидаги дунёни ҳам ўзгартириш учун шароитлар шаклланади. Шунинг учун **китоб ва ундаги кодланган ахборот – бу, моҳият бўйича**, Рухий Оламнинг ёки Хайвоний ақлнинг **Иродасини ўтказувчисидир**. Ахборотли кодлар *айирбошлаш ахбороти*га тегишли, токи одам уларни фаоллаштириб, уларнинг кучи билан резонансга киришмагунича, *улар нейтралдир*. Ушбу шартли ёзув белгиларини одамлар ўйлаб топган. Уларни бу дунёга *ташқаридан келтирилган дастлабки фаол ишчи белгилар* билан алмаштирмаслик керак...Булар мутлақо хар хил тушунчалар ва хар хил белгилар.

**Анастасия:** Сиз ўша дастлабки белгиларни назарда тутяпсизми?

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Мен одамлар жамиятида hozir ҳам мавжуд бўлган айнан ўша *18та ишчи белгиларни* назарда тутяпман: 9та ижобий, бунёдкор белгилар (улар Рухий Оламдан келтирилган) ва 9та салбий ишчи белгилар (улар Хайвоний ақлдан келтирилган).

Мазкур белгилар одамдан ва унинг устувор истаклари ва кучларидан қатъий назар фаолдир. Улар ўзидан ўзи фаол, яъни куч билан таъминланган бўлиб, атрофдаги кўринувчи ва кўринмас дунёлар билан ва одамнинг олтига ўлчовдаги мураккаб тузулмаси билан ўзаро таъсирда бўлади.

**Анастасия:** Ҳа, ушбу ахборот чуқур англашни талаб қилади...

**Ригден:** “Кучлардаги Спас” иконасидаги рамзларда қайд этилган ахборотга келсак, Русда худди шу билимлар кейинчалик “Неопалимая Купина” номли иконадаги Худонинг Онаси тимсоли орқали ҳам тарқалган эди. Шундай қилиб, мазкур иконанинг рамзий-мажозий композицияси асосий геометрик қисмлари бўйича деярли “Кучлардаги Спас”ни такрорлайди: қизил *квадрат* (унда тўртта инжилчилар хайвонларнинг тимсолларида тасвирланган – одам, шер, буқача ва бургут), *қияли хоч*, яширин *овал*, *ромб* (унга Худонинг Онасининг тимсоли *киритилган*, ромбда яна олтига малак). Хуллас, барчаси қоидага мувофиқ). Бироқ геометрик элементлар таърифларда бошқача номланган, масалан, бир-бирининг устига қўйилган иккита тўртқиррали

юлдузлар (суммада саккизта чўққилари), ёки *пастки учи кесилган* саккиз қиррали юлдуз сифатида! Унинг устига ромб, одатда, *яшил* ёки *мовий(кўк)* рангда, унинг тагидаги квадрат эса – қоидага мувофиқ, қизил рангда.

Композиция марказида – Худонинг Онаси, у чап кўлида Чақалок Масихни ушлаб турибди, ўнг кўлида эса – зинапояни (гоҳида бундай иконаларда зинапоя Худонинг Онасини елкасига тегиб туради, гоҳида эса зинапоянинг ўрнига Кутқарувчининг рамзи сифатида Дарвоза ва хассани тасвирлашади), буларнинг барчаси одамзодни “Ердан Осмонга” айнан Худонинг Онаси руҳан кўтаришининг рамзидир.



97-расм. Худонинг Онасини “Неопалимая купина” иконаси.  
(XVI асрнинг охири, Соловецк монастырининг Спасо-Преображение  
черковининг иконалар девори; “Коломенское” музей-қўриқхонаси, Москва,  
Россия).

Ушбу иконада тасвирлар орасида Олий Фаришта Гавриил ҳам мавжуд, унинг кўлида *хушхабарнинг* рамзи – лилия гулининг шохчаси бор.

**Анастасия:** Ҳа, мазкур икона санъатшуносларга, масалан, Соловецк шаҳридаги монастырнинг Спасо-Преображение черковидаги маҳаллий иконалар деворига тегишли “Неопалимая купина” иконасидаги Худонинг Онасининг XVI аср тасвири бўйича яхши таниш. Кўпдан-кўп одамларга у таниш. Бундай типдаги иконалар деярли хар бир православ оиласида мавжуд. Бироқ бундай белгили тафсилотларга ким

ҳам эътибор берган? Ахир кимдан сўрама, кўпчилик мазкур иконани “уйнинг ёнғинлардан сақловчиси” сифатида билишади. Энг яхши вазиятда, ушбу икона Библиянинг “Мусо (а.с.)нинг ўз халқини Мисрдан олиб чиқишга қарор қилганлиги” ҳақидаги ҳиқоясига ёки “ёнмас тиканли бутадан Худодан ваҳий келгани ва Мусо қизиқиб, нима учун у ёнғинга-ю, ҳеч тугамаяпти экан, деб ёнига боргани” ҳақидаги ҳиқоясига асосланган, деб айтишади.

**Ригден** (кулиб юборди): Халқнинг сўзлари кулгили бўлса-да, аммо улардаги моҳият – ҳақиқатдир! Ҳақиқий Рухий Мавжудотда шунча илоҳий кучнинг қаердан келиши қоҳинларни жуда қизиқтирар ва ҳасадларини келтирар эди. Сен-чи, нима деб ўйлайсан, Мусо алайҳисалом, Худонинг Онаси ва ёнғинлар ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин?

**Анастасия:** Биласизми, ушбу “алоқа” сунъийлиги хис этилмоқда. Агар гапнинг маъноси бўйича гапирсак, барча маънавий белгиларга қараганда, мана шу минг йилликлар давомида унинг тимсоли орқали дунёда қанчадан-қанча мўжизалар рўй берганига қараганда – бу ҳақиқатан ҳам кучлардаги Спас.

**Ригден:** Худди шундай. Худонинг Онаси тасвирланган “Неопалимая купина” иконасининг қоҳинларнинг қилмишларига ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ва Русьда уни айнан шундай номи “бўта” сўзини ифодаловчи “купина” сўздан эмас, балки “бирлашиш”, “тепалик”, “ниманидир кўшилиши” маъноларини билдирувчи эски славян тилининг “купа” сўздан олинган. Уни ёнғинлардан ҳимоя қилувчиси ҳақидаги ривоятлар билан боғлашгани туфайли, сен тўғри эътибор бердинг, энди у хар бир уйда мавжуд бўлиб, ўзининг мўжизаларга қодирлиги билан машҳур бўлди. Ва у орқали майли, мана шундай “ёпиқ кўринишда” бўлса-да, аммо аксарият учун билимларнинг етиб келгани янада муҳимдир. Ва улар ҳозир мавжуд, ва бу аҳамиятлидир!

“Неопалимая купина”ни *Биби Марьямнинг* Илоҳий Рухдан бўлган бегуноҳ хомиласининг рамзий ишораси билан боғлашлари бежизга эмас. Бу айни мен сенга ҳиқоя қилиб берган нарсанинг рамзидир. *Худонинг Онаси* – бу рухий маънавий йўлдан кетаётган хар бир одам учун Худонинг кучини ўтказувчисидир, бу *илоҳий Мухаббатнинг кучи*, унинг ёрдамида одамнинг Қалби ерлик қайта туғилишлардан озодликка эришади. Бошқача дунёнинг Рухий Мавжудоти бўлган Исо асрларда йўқолиб кетган ҳақиқий Билимни янгилади ва одамларга рухий қутқарилиш учун рухий асбобларни берди. Яъни, бошқача айтганда, *У калитни* қолдирди. Мана шу асбоблар ёрдамида ўз устида ишлаб, одам, мажозий маънода айтадиган бўлсак, *белгининг калитига* эга

бўлар эди. Худонинг кучини Ўтказувчиси, руҳий озодликка эришган, одамлар қалбларини руҳий кутқарилишини деб дунёларнинг орасида қолган Мавжудот бўлмиш *Худонинг Онасига эса У куч ва белгиларни ўзини* ҳам берди. Ва фақатгина руҳан изланувчининг тиришқоқлиги, ўз устидаги меҳнати ва Худонинг Онасини кучи (Аллат)нинг бирлашуви ҳолатида Шахснинг Қалб билан қўшилиши рўй берган, яъни одам ўз Қалбинининг озодлигига, еттинчи ўлчовга, ёки, христианликда айтишгандек, “жаннатга”, “Ота ва Ўғил подшолигига” эришган.

Ва белгининг фаоллашуви, мана шу, Худога олиб келувчи илоҳий кучни қабул қилишга Муносиб бўлиши фақат одамнинг танловига боғлиқ эди. *Калит фойдаланиши учун берилади. Калитдан фойдаланиши учун эса тиришмоқ зарур.* **Рухий Маънавий одамнинг йўли мана шунақа – Худонинг яратувчан кучи билан биргаликдагина озодликка олиб келувчи куйдирмайдиган руҳий эхтиросизлик йўлидир.**

Ва бу ҳақда нафақат христианликда, балки бошқа динларда ҳам маълум. Бу ҳақда қадим замонларда, одамлар Худони ҳам, Унинг Ўғлини ҳам, Худонинг Онасини (Буюк Онани) ҳам бошқача номлаганида, билишар эди. Ахир гап ақлдан келиб чиққан коҳинларнинг концепцияларида ва уларнинг эпитетларида эмас, балки барча динларнинг пойдевори бўлмиш бир хил руҳий маънавий уруғлардадир. Оддий мисолни келтираман.

Аввал эслатиб ўтганимдек, унчалик узоқ бўлмаган даврда Шарқ ва Ғарбнинг турли халқлари орасида Қадимги Мисрдаёқ пайдо бўлган Исида аёл худога топиниш анъанаси кенг оммалашган эди. Айтиш жоиз, Қадимги Мисрнинг санъатига, иншоотлардаги, қадимий ибодатхоналарнинг нақшларидаги, скульптурали тасвирлардаги бугунги кунгача етиб келган унинг намуналарига эътибор бериш кифоя. Ва бутун дунёдагидек, бу ерда ҳам маънавий Билимларнинг асосларини узатишнинг худди ўша рамзларини кўриш мумкин: “**АллатРа**” ишчи белгиси, лотос, доира, куб, ромб, пирамида, хоч, квадрат, тўртта Маҳлуқотларнинг рамзий тасвирланиши. Шундай қилиб, Исида аёл худонинг култи Рим империясининг даврини ҳам ўз ичига олган бир неча минг йилликлар давомида сақланиб турди. Бундай оммалашувнинг асл сабаби нимада яширинган эди? Ўша замонларда Исида аёл худонинг, бугун эса Худонинг Онасини култи ёрдамида тарқалаётган фаол белгиларда – “**АллатРа**” белгисида. Азалий Билимларнинг аксарияти аллақачон йўқотилган, аммо рамзлар ва белгилар қолган!

**Анастасия:** Ҳа, “Буюк Она” сифатидаги Исидани кўпинча айнан боши устида “**АллатРа**” белгиси билан тасвирлашган. Бу белги, биз айтиб ўтганимиздек, *шоҳчалари юқорига қаратилган идишсимон* ярим ой,

унинг устида эса марвариднинг қавариқ томонидек, *доира* мавжуд бўлган кўринишида эди.

**Ригден:** Ушбу куч Оламдаги барча нарсани яратган Ягонага тегишлилигини мазкур белги кўрсатмоқда. Аввал ҳам айтганман, узоқ ўтмишда одамлар “*Ягона Олий*” (*Ягона Абадий*) тушунчасини *Ра товуши* билан белгилашган. Бундан эса, кейинчалик, коҳинлик туғилиши билан *Ра исмли* худо пайдо бўлди, ва у, афсоналарга *кўра*, дунёвий уммондан кўтарилган нилюфар гулидан пайдо бўлган. Буюк аёл худо (уни турли, кейинчалик исмларга айлантирилган эпитетлар билан номлашган) азалдан Ранинг (Ягона Абадийнинг) ўтказувчи кучи сифатида чиқар эди. Бундай белгини Қадимги Мисрда Исидадан ташқари Хатхор аёл худо (Ра қуёшининг қизи; унинг исми “Осмон уйи” маъносини билдирган), Иусат аёл худо (унинг исми “Худонинг яратувчи кўли”, “келиб чиқувчиларнинг орасида энг буюги” маъноларини билдирар эди). Масалан, Хатхор аёл худонинг рухий тухфаларидан татиб кўрган одамга қўшимча рухий кучлар қўшилади, у одамга ерлик дунёдан бошқача Рухий Оламга ўтишга кўмаклашади, деб хисобланган. Шунинг учун ҳам унга Буюк Она, Мухаббат, рухий қувонч худоси, “Ранинг нурларида порлаётган”, Буюк Аёл, барча тирикликнинг яратувчиси деган эпитетларни беришган. Унинг рамзини акс эттирувчи қўшимча ўхшатишли белгилашлар орасида “Хаёт Дарахти” сифатидаги чинор, шунингдек *абадий* хаётнинг рамзлари – афсоналарда айтилишича у ҳукмронлик қилган *яшил* ва *кўк ранглар* мавжуд бўлган. Сўнггиси *одамнинг тўлқинли табиати* ҳақидаги билимлар ва рухий ўзгаришининг лахзаси билан боғлиқ.

**Анастасия:** Ҳа, олдин эслатилганидек, худди шу ранглар илоҳий персонажларнинг белгиланишида ҳам мавжуд, улар турли халқларда коинот тартибини, хаёт сувларини, хосилдорликни, Ибтидоий Онани, аёл табиатли илоҳий бунёдкор кучни тимсоли саналади. Христиан динида мазкур ранглар Худонинг Онасига хосдир. “Неопалимая купина” иконасидаги Биби Марьям тимсоли жойлашган ўша ромб ҳам *яшил* ёки *мовий* (кўк) ранг билан белгиланган. Бу авлоддан авлодга, халқдан халққа бир хил асосий билимлар узатилганлигининг далолатидир. Дарвоқе, “Главка” деган қадимий сўз мавжуд, уни қадимги мисрликлар ўз вақтида ўзининг мифологияси учун қачондир бугунги славян худудларида яшаган халқлардан ўзлаштирган. Сув билан боғлиқ ва “*яшил ва кўк рангларнинг ҳукмдори*” бўлган илоҳий табиатли бунёдкор кучни шундай белгилашган.

**Ригден:** Мен янада кўпроқ айтаман. Одамларга кўринмас дунёнинг Билимларини тушунтириш учун уч ўлчамли дунёнинг яшовчиларига тушунарли бўлган ўхшатишлар ва тимсолларга мурожаат қилинган.





Қадим замонларда Буюк Онани (аёл худони) одамнинг Малакий табиатининг бунёдкор кучи сифатида (кейинчалик, мисол учун, аёл тимсолида кўрсатилган ўша Исида унинг акс кўриниши бўлган) азалдан ўзгача, муқаддас кубни эслатувчи холатда – тиззаларини қўллари билан кучоқлаб ўтирган холатда тасвирлашган. Бундай “куб”ни тепасида унинг чўққисини белгиловчи бош бўлган. Бошда эса ёки кубнинг қирраларининг бирида “**АллатРа**” белгисини кўйишган.

Моҳият оддий. Бу Шахснинг Қалб билан кўшилишидаги (одамнинг танасидан, масалан, жинси, ирқи ва хоказолардан қатъий назар рухий озодликка чиқиш йўлининг рамзий тасвиридир. Азалдан қадимда *Ибтидоий Она шундай – кубсимон холатда тасвирланган*. Устига устак, уни *квадрат* шаклидаги, ясси асосда жойлаштиришган. Куб Рухий Оламни ифодалаган, унга одам аёлий табиатли илоҳий куч (Аллат)нинг ёрдамида эришиши ва бошқа – Рухий Мавжудотга айланиб, ўзининг табиатини сифатли тарзда ўзгартириши мумкин. У шунингдек одамнинг тузулмаси жойлашган олтига ўлчовни ҳам ифодалаган. Квадрат шаклидаги ясси тош – ерлик моддий дунё, шунингдек, одамнинг тўртта асосий Маҳлуқотларининг белгиланиши сифатида унинг тўртта бурчаклари. Кейинчалик, одамий тақлид бошланганида, коҳинлар (ерлик шухратни деб) ўзининг чехраларини куб шаклидаги скульптураларда қайд этишни бошлади.

Анчадан кейин, ўша Қадимги Мисрда худоларнинг илоҳий моҳиятини акс эттириш учун уларни шахслар кўринишидаги скульптураларда гавдалантиришни бошлаганида, худонинг фигурасини кубга кўйишган. Ерлик ва осмоний (илоҳий)нинг ўртасидаги алоқага кўрсатиш зарур бўлганида, уни ясси квадратда жойлаштирилган кубга кўйишган.

Агарда фигура фақат ясси квадратда жойлаштирилган бўлса, бу ҳаётнинг ерлик жихатини ифодалаган. Бундай дастлабки кубсимон хайкаллар (шунингдек уларнинг ромб типдаги хар хил турлари) ўз вақтида нафақат Қадимги Мисрда, балки дунёнинг бошқа бурчакларида ҳам кенг тарқалган муқаддас скульптуравий тасвирлар эди .







98-расм. Қадимги дунёнинг кубсимон хайкалчалари ва рамзлари:

- 1) палеолит даврига оид “Венера” кубсимон хайкалчаси;
- 2) бурчагига қўйилган хитой хайкалчаси (яшма тошидан бажарилган; яшма Қадимги Хитойда “соф тош” сифатида эъзозланган, у Осмоннинг рамзи бўлган; одам ўзини такомиллаштириши йўли билан ўзида абадийликка эришиши воситасини яратиши (“қўйиши”) керак деб ҳисобланган, у хитой трактатларида “мўжизавий марварид” “яшмадек қимматбаҳо” деб номланган, у унинг бутун танасини ўзгартириб, уни соф ва боқий қилади));
- 3) палеолит даврига оид аёл худонинг ўтирган ҳолатда тиззаларини қучоқлаган кубсимон хайкали (танасида рамзлар тасвирланган бўлиб, ўзи чехрасиз, гоҳида бошисиз тасвирланган;

- 4) Қадимги Миср папирусдаги “Осириснинг Хукми” номли тасвирнинг бир қисми; Қадимги Мисрда одамларни, хайвонларни, худоларни ёнбошидан тасвирлашган;
- 5) тиззаларини қучоқлаган ҳолатда ўтирган одамларнинг терракотли хайкалчалари (Харапп цивилизациясининг артефактлари);
- 6) марказида ромб шаклидаги рамз мавжуд энеолит даврига оид предмет;
- 7) энеолит даврига оид геометрик нақшга эга кубсимон шакл (тўртта оёқли устунда турибди; тепаси олтига ўлчовларнинг рамзий тасвири);
- 8) ўтирган ҳолатдаги одамнинг куб шаклидаги хайкалчаси, унда Қадимги Мисрнинг Тот исмли донолик худосининг тасвири мавжуд (бабуин қиёфасида) “АллатРа” белгиси билан (эрамиздан аввалги IV–I асрлар, Карнака ибодатхонаси (Миср, Фив шаҳри);
- 9) куб кўринишидаги бронзали хайкалча, унда тиззаларини қучоқлаган ҳолатда Қадимги Мисрнинг Ҳақиқат ва Адолат, бутун Олам уйғунлиги ва тартибининг аёл худоси Маат ўтирибди. (эрамиздан аввалги XII–XI асрлар, Қадимги Миср);
- 10) “АллатРа” белгиси мавжуд Кха исмли хат ёзувчисининг куб шаклига хайкалчаси (эрамиздан олдинги II минг йиллик; Қадимги Миср, Абидос);
- 11) ацтекларнинг Чальчиутликуэ исмли сув худосининг хайкалчаси (XV–XVI асрлар, Мексика, Марказий Америка);
- 12) ацтекларнинг “йил хукмдори”, Марказий Америка хиндулари мифологиясида олов ва вўлқонларнинг худоси Шуутекутли нинг шаклчаси; (XIV–XV асрлар, Мексика, Марказий Америка)
- 13) нильофар гули ҳолатида ўтирган, танасида рамзлари мавжуд одамнинг кубсимон шакли; муқаддас пақирчани мустаҳкамлаш учун шилатилган; пақирча викинглар кемасида топилган (IX аср, Норвегия);
- 14) Сенусерт-Сенебефнининг куб шаклидаги хайкалчаси (эрамиздан аввалги II минг йиллик, Қадимги Миср);

**Анастасия:** Ҳақиқатан ҳам дунёнинг турли бурчакларида топилган археологик топилмалар орасида кубсимон ҳолатда ўтирган худоларнинг бундай шаклчаларини мен кўп бора учратганман. Шунингдек, палеолит даврига оид қатламларда топилган шаклчалар ҳам тиззаларини қучоқлаб ўтирган ҳолатда ясалган (“Буюк Она”нинг хайкалчаси). Бунга ўхшаш шаклчалар Харапп цивилизациясига мансуб топилмалар орасида ҳам мавжуд. Қадимий хинд, хитой худоларининг кубсимон шакллари-чи?! Мезоамерикадаги ацтеклар, ольмеклар ва майа хиндуларининг кўплаб артефактларини гапирмасам ҳам бўлади! Славян халқлари яшаётган худудларида ҳам Триполье цивилизациясининг даврига оид Буюк Ибтидоий Онанинг шаклчалари топилган, у ерда унинг кўксидан ромб тасвирланган бўлиб, ичида қияли хоч ва нуқталар-марказлар мавжуд! Унинг тасвирининг бошқа вариантыда эса конкрет рамзлари бор кесик пирамида, ёки иккита ўралиб турган илонлар мавжуд.

Сўнггилар эса “Кундалини Илони”нинг кучи ҳақидаги қадимий хинд билимларига кўра одамнинг руҳий тикланишининг бунёдкор кучи тимсолидир.

**Ригден:** Айтиш жоиз, битта тўп бўлиб ўралган иккита илон қадимги халқларда табиатнинг *ўлиши ва қайта тирилиши*, унинг *янгилишининг* азалги рамзлардан бири бўлган. Илонлар (масалан, сувилонлар) кузда ер остига кириб кетиб, ер ости инларида катта тўп бўлиб ўралиб, қишки уйқуга кетади, баҳорда эса ўйғониб, инларидан (ер тагидан) чиқишади. Шунинг учун ҳам Қалбининг қайта туғилиш циклидаги реинкарнация, ўлиш, қайта туғилиш нималигини тушунишни хоҳлаган одамлар учун улар мажозий мисол бўлиб хизмат қилган.

**Анастасия:** Ҳа, кўплаб халқларда, айниқса Шарқда, илонни хосилдорлик, аёлий табиат, ер, сув, шунингдек Донолик билан боғланган рамз сифатида эъзозлашган. Агарда мазкур билимлар руҳий маънавий контекстда кўрилса, у холда барчаси ўз жойига тушади. Триполье цивилизациясига келсак, муқаддас рамзий ишораларга эга ўша сопол кўзалар асосан *ромбсимон* шаклда бўлган. Агарда археологик топилмалари диққат билан кўриб чиқилса, бундай кўзаларда аҳамиятли рамзлар ва белгилар тасвирланганлигини топса бўлади: доира, ярим ой (шоҳчалари юқорига қараган холда), спираллар, учбурчаклар (пирамидачалар), тўлқинсимон илонлар (эгри-бугри чизиклар, сув, яъни *бошқача дунё* билан алоқа), тўртта учли хочлар, “куёш ва ой”, “тўртта куёш”. Унданда кўпроғи, археологик қазилмаларнинг маълумотларига кўра ҳар бир трипольеликнинг уйда (қияли хоч кўринишида) муқаддас “қурбонгоҳ” бўлиб, у ерда ўчоқ учун илк оловни ёқишган. Бу худди ўша – Қалб-олов ва тўртта Маҳлуқотларнинг рамзи-ку!

**Ригден:** Ромб шакли қадимий нақшларда тез-тез учраб туради. Уни Ер ва Осмоннинг бирлашиш рамзи деб номлашган, лилия, нилюфар билан боғлашган.

**Анастасия:** Бу ерда хатто “ромб” сўзининг келиб чиқишини кузатсак, қизиқарли фактларни аниқлаш мумкин. Ушбу сўз юнонча “rombos” сўзидан пайдо бўлган ва у “пилдироқ, сеҳрли ғилдирак, доира” деганидир. Шу муносабат билан, доиранинг, масалан, шаманларнинг сеҳрли ҳаракатларида қандай муҳим рамзий рол ўйнаганини эслаш кифоя. Унинг устига бундай доира ўша асосий белги ва рамзлар билан безалган эди.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Дарвоқе, ундан шаман бир кўли билан одатда қияли ёки тенг томонли *ҳоч кўринишидаги тахтасини* ушлаб, иккинчи

қўли билан *муқаддас Товушни* чиқаради, деб хисобланган. Ахир, рамзий ишораларга кўра, доира ва крестнинг кесишиши саккизта қиррани (саккизбурчакни) туғдиради. Сибир ўлкасининг Оқ шаманларини эътиқодига, “муқаддас билимига” кўра, агарда квадратни, яъни тўртта офатнинг белгиларини ҳаракатга келтирса, улар абадийлик белгисига (доирага) айланиши мумкин...Ғарбда эса худди шу жараённи антиқа фалсафада юнонлар квинтэссенция (лотинча “*quinta essential*” – “бешинчи моҳият”), бешинчи элемент назарияси деб номлашган.

**Анастасия:** Тўғри, уни “дастлабки эфир” ҳам, “илоҳий” ҳам, “абадий” ҳам, “чўққидаги” (осмоний, юқорида жойлашган) ҳам деб номлашган. Аристотель умуман квинтэссенцияни ўзаро айланишнинг даврийлигига (“пайдо бўлиш ва йўқ қилинишга”) дучор бўлган ой ости дунёсининг тўрт элементларидан фарқли равишда энг нозик элемент, асосий моҳият, бутун ойдан юқори бўлган дунёнининг субстанцияси деб атаган. Барчаси нақадар оддий! Демак, ҳамма хар хил сўзлар билан, лекин битта нарса ҳақида гапираяпти эканда.

**Ригден:** Албатта, билганинда хеч ҳам мураккаб эмас! Тушунишга эришганинда барчаси оддий бўлиб қолади. Шаманларга келсак, сен тўғри эътибор бердинг, ўша даврларда билимлар ва уларни узатишнинг бундай шакли турли халқлар учун табиий эди. Аммо янада аввалроқ эса мазкур таянч билимлардан инсониятнинг аксарияти хабардор эди, ва одамлар, сайёранинг турли бурчакларида яшаган бўлса ҳам, қўшимча тушунтиришларга мухтож бўлмаган.

Шундай қилиб, куб шаклидаги хайкал одамнинг Малакий табиатининг моддий табиати, яъни Хайвоний табиати устидаги ғалабанинг рамзи бўлган. Шунингдек, у, илоҳий Сўзни қабул қилишга тайёр бўлган руҳан етилган инсонни ифодалаган. Сўнгиси ўша замонда Худонинг одам билан “мулоқот” қилишга ёрдам берувчи *эшитилмас Товуши, Ягонанинг тушунишидаги одамнинг руҳий равшанланиши* хисобланган. Шунинг учун гоҳида худоларни очик оғзи билан тасвирлашган, бироқ кўпинча уларнинг кубсимон хайкалларида мутаносиб белигларни кўйишган...Кейинчалик эса, иероглифлар пайдо бўлганида, кўринмас табиатга эга Ягонага мурожаатларни ўйиб ёзишган.

**Анастасия:** Ўқувчиларимиз учун одамларнинг Дастлабки Товуш ҳақида ўша узоқ замонлардаёқ хабардор бўлганларини билиш қизиқарли бўлса керак, деб ўйлайман.

**Ригден:** Албатта билишган. Ахир булар таянч маънавий Билимларда...Қадимги Мисрда ўша иероглиф нимани билдирган. У азалдан муқаддас белги, “илоҳий сўз”, Товушни ифодаловчи белги хисобланган.

Унинг устига ўзгача тартибда, *квадрат* ва *тўртбурчак* шаклларга гурухлаб ёзишган, ва бу ҳам ўз маъносига эга эди. Бундай ёзувни фақатгина ибодатхоналар қошидаги, “Хаёт уйлари” деб номланган мактабларда ўргатишган. Эслатиб ўтаман, “хаёт”, “абдий хаёт”нинг рамзи бўлиб анх белгиси хизмат қилган, уни “хаёт калити”, “абдийлик калити” дейишган. Айтиш жоиз, мазкур ўзига хос крестни боқийлик рамзи сифатида сув (*бошқача дунё*) билан боғлашган. Ва у нафақат қадимги миср цивилизациясига, балки Майя цивилизациясига ҳам, қадимги Европа халқлари, масалан, скандинавларга ҳам маълум бўлган. Шундай қилиб, диққатга сазовор томони, мирзалар одатда нилюфар холатида (оёқларини крест холатида буклаб) *квадрат ясси тошда* ўтиришган. Нилюфар гули холатини қадимда шартли равишда “пирамида” деб ҳам номлашган.



99-расм. “*Нома ушлаб турган мирза*” номли *Қадимги миср хайкалчаси*.

(эрамиздан аввалги XIX–XVIII асрлар., *Қадимги Миср, А.С.Пушкин номли тасвирий санъат Давлат музеи, Москва, Россия*).

Қадимги мисрликлар Товушга нисбатан ўзгача, барчани яратган кўринмас Ягонанинг муқаддас намоёнчасига каби муносабатда бўлган. Ва Товушлар Оламни ўйғотади, улар нафақат Қалбни, балки ундаги энг гўзал жихатини – кўринмас Ягона билан алоқани ҳам ўйғотади, деган тушуниш уларда шундан бошланди.

**Анастасия:** Қадимги Мисрда музикани буюк бунёдкор куч сифатида эъзозланиши, эхтимол, шунинг учундир. Диний маросимларда фазони муқаддас товушлар билан тўлдириш фақат аёлларга, масалан, Исида, Хатхор аёл худоларининг кохинларига ишониб топширилганлиги тўғрисида эслатмалар сақланиб қолган. Дарвоқе, уларнинг бошларида “*АллатРа*” белгиси турган..

**Ригден:** Буларнинг барчаси, албатта ташқи русумлардир, шундай бўлса ҳам, улар айна *“АллатРа”* белгиси орқали Худонинг кучини (яратилишнинг Дастлабки Товушини) намоён қилувчи Аллат илоҳий табиатига эга бўлган бунёдкор кучнинг тимсоли бўлган. Бироқ, руҳий маънавий Билимни ассоциатив тарзда ўтказишдаги мазкур театрлашган ҳаракатнинг энг асосийси – бу диндорларнинг руҳан мосланиши ва одамларнинг массалари кўраётган ишчи белгидир.

Кейинчалик, Билимлар йўқотила бошлаганида, хабардор кишилар уларни янги авлодлар учун тушунарли шаклда янгилашни бошлаган. Ўшанда Буюк Она худонинг бошқа, куб кўринишида эмас, балки параллелепипед қиррасида *Ўтирган аёл* кўринишидаги тасвири оммавийлашди. Параллелепипед – олти қирраларга эга жисм, унда, худди кубникидагидек, қарама-қарши, бта ўлчовлар тимсоли бўлган қирралари тенг ва параллелдир. Шу билан аёл худо мазкур рамзий кубнинг айнан *чўққисид*а ўтирганини кўрсатиш учун кубнинг чўққиларининг бирида белги ёки нақшли тасвир кўринишида урғуни беришган. Оёқлари билан аёл худо *квадрат шаклидаги ясси тошга* таянган. Буларнинг барчаси Ер ва Осмон ўртасидаги алоқани рамзи эди. Буюк Онанинг бошида ўзгармас холда *“АллатРа”* белгиси жойлаштирилган ва у унга қараётган одамнинг руҳий фаоллашувида ҳал қилувчи рол ўйнаган. *Буюк Онанинг* кўлларига руҳий маънавий рамзларни жойлаштиришни бошлашди. Масалан, чап кўлига – анх белгисини (*“абдийлик калити”*ни), ўнг кўлига эса – узун пояли *нилюфар гулини* (гоҳида аёл худони икки кўлида, Хайвоний табиат устидаги ғалабанинг белгиси сифатида, Ўнг ва Чап маҳлуқотларнинг рамзий белгиланишларини ушлаб турган холатда тасвирлашган, сўнг эса улар хасса билан алмаштирилган эди. Нилюфар азалдан руҳий маънавий Билимнинг, руҳий амалиётнинг, бунёдкор кучларнинг, мукамалликнинг, Ягонадаги абдийликнинг рамзи бўлган. Шу боис ҳам уни порлаётган Ягона (Ра)нинг муқаддас гули (Билими) деб аташган. Ва нафақат Қадимги Мисрда, балки кўплаб халқларда худолар нилюфар гулида ўтирган холатда тасвирланган. Айтиш жоиз, қачонлардир мен айнан *нилюфар боқийликнинг, одамнинг руҳий маънавий ўзариши ифодасидаги қайта тугилишнинг рамзларидан бири бўлганлиги* ҳақида эслатган эдим. Кейинчалик бу нарса, у ёки бу тарзда турли, масалан, Қадимги Хинд, Қадимги Миср, Оссурия, Финикия, Хет ва бошқа маданиятларнинг диний тасаввурларида акс эттирилган эди.

Шу билан, агарда нилюфарнинг ғунчасини тасвирлашган бўлса, бу одамнинг ҳаётидаги потенциал имкониятларини англаган. Агарда ағдарилган кесик пирамидача кўринишидаги нилюфарнинг етилган уруғ

косасини тасвирлашган бўлса, бу одамнинг хаётидаги амалларининг натижасини, ўлимидан кейинги ўзига хос “мевасини” (хулосани) англаган. Агарда мазкур уруғ косали поя худонинг кўлида тасвирланган бўлса, у яратишнинг мева берувчи кучини англаган. Унинг устига кўпинча нилюфар Буюк Она (олимлар айтишгандек - Ойнинг аёл худоси) билан биргаликда тасвирланган, шунинг учун кейинчалик уни рамзий маънода коса кўринишида тасвирлашган.

Шундай қилиб, Қадимги Миср маданиятининг Она-Худоси кўлида нилюфар маъсумликни, рухий маънавий хосилдорликни, аёлий табиатли илохий бунёдкорлик кучининг қизлик поклигини рамзи бўлган. Кейинчалик Буюк аёл худонинг кўлидаги нилюфар гулининг турли шарҳлари бўлган: хасса (битта ёки иккита илонлар билан ўралган материя устидаги рухий маънавий хокимият хассаси, гуллаган скипетр), *очиқ нома (очиқ китоб)* кўринишидаги *билим*. Яна ҳам кейинроқ Исида аёл худосини бундай тасвирлашни бошлашди: ўнг кўлининг кафти билан куёшли ўралишни сиқиб, чап кўли билан эса Чақалоқни (Ягонанинг Ўғлини) ушлаб турибди. Унинг исми Гор – “Осмондан яратилган Кимса” дегани. Яратувчи худо сифатида Гор одатда лочиннинг боши билан тасвирланган.

**Анастасия:** Ҳа, суҳбатимизда айтиб ўтганимиздек, дунё халқлари мифологиясида куш азалдан “Осмондан келган”, “*бошқача дунёнинг*” Рухий Мавжудоти, шунингдек одамнинг Олд маҳлуқоти каби рухий маънавий тушунчалар билан боғлиқ мажозий ўхташиш сифатида хизмат қилган. Қанотларнинг тасвири кўпдан-кўп халқларда бошқача дунёлар, ўлчовлар билан алоқанинг, тананинг моддий дунёдаги ўлимидан сўнг Қалбни рухий дунё Абдийлигига кўтарилишини ифодалаган. Кушнинг сиймоси барча қанотли мавжудотларнинг дастлабки типи бўлиб қолди.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Унинг устига кушлар, оқ ва қора кучларнинг, одамни у ёки бу томонни танлашига оғдирувчи, кўринмас дунёдаги курашини тимсоли бўлмиш худоларнинг атрибутлари ҳам бўлган. Шунинг учун хабардорларда кушларни рамзий маънода бўлиш азалдан мавжуд бўлган. Мисол учун, лочин оқ кучларнинг, рухий зийраклик ва ҳаракатлардаги ботирликнинг рамзи эди. Бургут қоронғу кучларнинг, моддий хокимият учун курашнинг рамзи эди.





*100-расм. Исида аёл худосининг Чақалоқ Гор билан хайкалчасининг тасвири.*

*(эрамиздан авв. XII аср, Қадимги Миср, “Эрмитаж” музеи, Санкт-Петербург ш., Россия)*

Аmmo одамлар жамиятида ушбу рамзларга тақлид қилиш ва уларнинг моҳиятини тушунмаслик туфайли, амалда мазкур кушларнинг рамзий маъноларининг қўшилиши ва уларнинг бир-бирини алмаштирилиши кетди. Бироқ ақлли кишига давлатларни, халқаро ташкилотларни замонавий штандартларининг рамзий ишораларига қараш кифоя. У ерда у қанча лочинларни топар экан? Лекин бургутларнинг сон-саноғи йўқ! Бу бор-йўғи бугунги одамзод қайси қиррада турганлиги, уни ким бошқараётгани ва бу дунёда қайси куч ғалабага эришаётганлигининг кўпдан-кўп фактларини яна бир тасдиғидир.


**Анастасия:** Ўша Қадимги Мисрда лочиннинг баланд парвозини мажозий маънода Қалбнинг осмон сфераларидаги парвозига қиёслашган. Гор (Хор) – Осирис ва Исиданинг Ўғли сифатида, Қоронғулик кучлари билан курашиш, Осмон билан Ерни бирлаштириш мақсадида одамлар дунёсига чақирилган, деб саналган. Хаётий куч ва Қалбнинг тимсоли – “ба”ни лочин бошли одам сиймосида тасаввур қилишган. Айрим худоларни эса, аксинча, лочин бошли одам кўринишида тасвирлашган.

**Ригден:** Тўғри. Лочин бошли одам кўринишида азалдан Қадимги Мисрнинг Ра, Монту каби худоларини тасвирлашган, уларнинг бошларида доиранинг белгиси бўлган. Уларнинг рамзи қанотли қуёш диски (*доираси*) эди. У нафақат Қадимги Мисрнинг Ра, Монту, Горларнинг атрибути, балки кейинчалик, айтиб ўтганимдек, бошқа халқларнинг худоларининг, масалан, қадимги форсларнинг Эзгуликни олий худоси – Ахура Мазданинг ҳам рамзи бўлган.



*101-расм. Қадимий мисрликларнинг лочин қушини тасвири (кўкрак безагининг детали, эрамиздан авв. VII аср, Қадимги Миср)*

Шундай қилиб, Буюк Онанинг рамзий ишораси ва куб мавзусига қайтсак. Исида аёл худосининг ўша исми ҳам қадимги миср тилидан юнон тилига таржима қилганда “тахт”, “ўтирғич” маъносига эга. Ўз навбатида, юнонча “thronos” сўзи “ўриндик, баланд жой” маъносини билдиради. Бу айнан Буюк Онанинг (*Ўтирган* ҳолатда) куб кўринишидаги қадимий тасвирлари билан боғлиқ эди. Исиданинг исми билан боғлиқ иероглифни худди ўша, ясси квадрат тошнинг ёнбош проекцияси, айнан *чўққисид*а (бурчагида) *ўтирган* аёл худони белгиловчи урғуга эга параллелепипед кўринишида тасвирлашган. Ушбу тахтни (ўриндикни) унинг исмини белгиланиши сифатида, Буюк Онанинг рухий кўтарилиш, рамзий муқаддас жой, Осмон ва Ернинг алоқаси билан боғлиқ қадимий эпитетларидан бири сифатида шунингдек кўпинча Исиданинг бошида жойлаштиришган.



102-расм. *Исида аёл худосининг Қадимги Мисрға оид иероглифлари.*  
(биринчи рамз – тахтнинг ёнбош проекцияси).

**Ригден:**....Хўш, энди эса *Худога, ўзини мукаммалаштиришидаги* олий *ойдинлашувга* яқинлашиш жойини турли динларда қандай номланишини таққослаш кифоя, ва кўп нарса тушунарли бўлиб қолади. Мисол учун, Буддани “тахтда” ўтирган холатда тасвирлашган. Ва “тахтига” “нилюфардан”, “олмосдан бўлган” деган эпитетларни беришган. Ўша христианликда “тахт” сўзининг ўрнига унга маънодош “престол” - “курси” сўзини қўллашган. Эски славян тилининг “престол” сўзи “стол”, “стлать” сўзидан келиб чиққан, устига устак, “ўтириш жойи” ва хатто “минбар” (олий билан алоқа”) маъносида. Шу боис ҳам “Худонинг Курсиси – бу Осмон” деган ибора мавжуд.

**Анастасия:** Престол (*тўртбурчак* стол ва ундаги *ёпинчиқ* билан *ётилган* чиримай сақланган мурда) православ черковининг асосий ашёси ҳисобланади. У *қурбонгоҳнинг ўртасида* туради. Айтиш жоиз, қурбонгоҳ композицияларининг кўплаб типлари айнан тахтдаги *Худонинг Онасини* ифодалайди.

**Ригден:** Мутлақо тўғри... Аммо шуни таъкидлашимиз жоизки, маънавий Билимларни узатиш учун худоларни ўзига хос рамзий ишоралар билан тасвирланиши – бир гап бўлса, одамларнинг моддий тақлидга ва хокимиятга бўлган чексиз чанқоқлиги – бу бошқа гапдир. Одамлар жамиятида сиёсатчилик ва қоҳинлик институтларининг ривожланиш даврида фақат ўзини севган хокимият эгалари “тахтда ўтирган” худоларнинг қадимий тасвирларига тақлид қилган холда, ўзларини “илоҳий шон-шухрат”нинг барча рамзлари билан ўраб олишга интилишди, кўпинча уларнинг азалий моҳиятини тушунмаса ҳам. Бу борада Шарқ (Осиё) ва Ғарб (Мезоамерика) цивилизацияларини эслатиб ҳам ўтирмайман, уларнинг тарихида бундай фактлар етарлича. Бор-йўғи Русда бўлган “подшолик ҳуқуқулари” ҳақидаги солномаларда қайд этилган Мономахнинг тахти деб аталмиш курси (престол) ҳақидаги афсоналарни мисол қилиб келтираман.

Подшонинг тахтини аввалари “Подшонинг жойи” деб номлашган. Бу олий хокимиятнинг рамзи эди. Уни нафақат князларнинг дахлизларида (саройда), балки ибодатхоналарда ҳам жойлаштиришган. Шу билан,

қоида сифатида, ибодатхонада уни иконалар деворининг Чор дарвозасидан ўнг томонида тўртта устундаги *чодирли даҳлиз* (қоплама) кўринишида жойлаштиришган. Унда алоҳида кириш орқасида тўсилган *ўтиргич* бўлган. Мазкур *пирамидасимон тахтнинг* устунлари бўлиб эса *тўртта хайвоннинг* шакллари хизмат қилган. Бунинг устига, қандай хайвонларнинг? “Йиртқич шер, скимент (махлуқ-хайвон), уена (сиртлон) – бўйни бурилмайдиган чакқон хайвон, ва иккита оскроган: бири ғадир-будир бўғинли ва сершоҳ, иккинчиси эса ёруғликка тўлиб-тошган”.



*103-расм.. Мономахнинг тахти  
(1551 йил; Москва Кремлининг Успенский черкови ,  
Москва, Россия).*

**Анастасия:** Бошқача айтганда, чор тахтининг устунларида одамнинг тўрт Махлуқотининг шартли белгилари бўлганми? Шер, сиртлон – ёнбош Махлуқотлар, ғадир-будир бўғинли ва сершоҳи эса аниқ Орқа махлуқотдир. Эски славян тилидан таржима қилганда охирги ибора нимани билдиради?

**Ригден:** “.. иккинчиси эса четигача ёруғликка тўлиб-тошган”.

**Анастасия:** Олд махлуқот ҳақидалиги аниқ! Мана сенга қадимий эски славян тили, ҳа, билмаслик уят.

**Ригден:** Тўртта Махлуқотга келсак, қадимги славянлар учун бу янгилик эмас эди. Уларнинг қадимги худолари халқ учун тушунарли бўлган ўхшатишли шаклда ифодаланган барча мазкур билимларни

етарлича акс эттирган. Христианлик дини мажбурлаб ўрнатилиши даврида бу худолар мажусий деб номланишни бошлади.

Масалан, славянларнинг Стробожь (Стрибог) худосини кўриб чиқамиз – у тўртта шамолнинг худоси бўлган. Унинг исмининг илдизи “строить” – “қурмоқ” сўздан келиб чиққан, асосий вазифаси эса “Эзгуликнинг курувчиси” бўлган. Йил фаслларига хос тўртта шамол эса одамнинг тўртта Махлуқотларини, яъни унда хукмронлик қилишга уринаётган кўринмас ақлли фазоларни мажозий тарзда ифодалаган. Шу билан, уларнинг учтаси айланиб, увиллаш ва хуштак товушларини яратувчилари, шиддатли рақсада “осмон хорларининг садолари остида” учаяпти. Шу боис кейинчалик халқ фольклорида (рус қайтариқларида) одамлар ўзларига “қўрқинчли шайтон, тўполончи бўрон, оловли учар илон”га қарши қайтариқ ўйлаб топишди. Бахорги шамол эса Олд махлуқотга, илк бахорий қушларга, “эзгу руҳларнинг хабарчилари”га, “осмонларнинг куйлаши ва мусиқасига” қиёсланар эди. Шундай экан, одамнинг “ўзида Эзгулик куриши” учун барча асбоблар берилган эди.

**Анастасия:** Ҳа, демак, қадимий славянларнинг одамнинг фазовий тузулиши ва унинг руҳий маънавий қисмининг табиати ҳақидаги билимлари ҳақиқатга анча яқинроқ бўлган экан-да. Ахир шамол хис этилувчи фазонинг офати сифатида тўртта Махлуқотнинг кўринмас табиатини ҳаммасидан яқинроқ тафсифлаб беради-ку!

**Ригден:** Аммо қадимий славянлар ҳақида янада қизиқарлиси – бу уларнинг билимларининг нафақат мифологияда, балки архитектуравий иншоотларда ҳам қайд этилгани! Христианликдан анча аввал кейинчалик “чодирли” деб номлана бошлаган ибодатхоналар мавжуд бўлган. Қадимги рус “шаторь” сўзи туркий “šatyr” – “чодир, бостирма” сўздан пайдо бўлган. Айтиш жоиз, қадимий хинд “chattram” сўзи “тўсиқ, парда” деган маънони билдиради ва “Ёруғликни очаман, ёпаман” маъноси билан боғлиқ бўлган.

**Анастасия:** “Ёруғликни очаман, ёпаман”? Яъни, руҳий маънавий талқинда аслида бу “осмонларнинг калити”-ку?!

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шундай қилиб, қадимий рус меъморчилигида тўрт- ёки саккиз қиррали *пирамида* кўринишидаги симметрик қурилмаларининг *чўққисини* чодир деб номлашган. Бундай қурилмалар минорларда, ибодатхоналарда, хатто оддий ёғочли уйнинг безалган пиллапояларида ҳам жойлаштирилган. Замонавий тилда айтганда, бу одамнинг руҳий маънавийликка (Осмонга) фаол интилишининг рамзи эди. Аслида, мазкур тузулиш “*тўртталикдаги саккизталик*”дан иборат бўлиб, ўша ибодатхонанинг *квадрат* асосинининг поғоналарини унинг

*саккиз қиррали чўққисига* (чодирга) ўтиб кетиш имконини берган. Чодирнинг устидан *ярим шар* шаклидаги кичиккина *гумбазча* ўрнатилар эди.

**Анастасия** Ярим шар шаклида?! “Саккизта қиррада чўққи ва гумбазча ўрнатилган?! Ахир бу *бир бурчагига тургизиб қўйилган кубнинг чўққисини* ўзи-ку! Ахир булар Ёруғлик пешволарининг ҳақиқий архитектуравий рамзлари-ку!

**Ригден:** Дарвоқе, гумбазчадан (главкдан) қадимий славян тилининг “глава” сўзи пайдо бўлган ва барчанинг бошини англатган: ишнинг боши, уйнинг боши, қайин терисидан ишланган ёрликларнинг, кейинчалик эса китобларнинг боши ва хоказо. Одамнинг ўзида эса унинг *бошининг тепаси*, одамнинг чўққиси “главка” ҳисобланган.

**Анастасия:** Бошнинг тепасида жойлашган “Мингяпрок” чакранини шартли равишда доимо шундай белгилашган. Хиндистонда ушбу чакранни “СахасраРа” дейишади, санскритдан таржима қилганда бу сўз “Нилюфарнинг мингта япроғи” деган маънони билдиради. Бу одамнинг *еттинчи* чакрани. Қизиғи, хиндлар одамнинг энг пастки, Абадийликка интилаётган Қалбни дунёвий боғланишлар ва истаклар билан боғловчи моҳиятлари Рухий онг томонидан айнан шу ерда тўсилади, деб ҳисоблашади. Айнан мазкур чакран ёрдамида Қалбнинг тана қобиғидаги рухий ўсишининг якуний босқичи сифатида Олий билан Бирлашув рўй беради. Хиндистоннинг рухий аскетларининг қарашларига биноан, ўйғонаётган бунёдкор Кундалини кучи (“Кундалини Илони”), олгита чакралардан кўтарилиб, ўз йўлини яқунлайди ва олий ойдинлашув, олий онг билан, Қалбнинг Худо (Олий Ягона) билан бирлашуви айнан шу ерда содир бўлади.

**Ригден:** Ушбу чакран уларда қандай рамз билан белгиланишига эътибор қаратишга арзийди – шаффоф олмос кўринишида, ва Будданинг “нилюфардан, олмосдан ясалган тахти” деган номлар кейинчалик шундан келиб чиққан.

**Анастасия:** Хар гал, хинд-европа халқларининг қадимий билимлари билан тўқнашганимда, уларнинг донолиги ва рухий моҳиятни билишларининг чуқурлигига хайрон қолишдан тўхтамайман.

**Ригден:** Мазкур билимлар қадимдан турли халқларда бўлган, шу жумладан бугунги славян худудларида яшаётган халқларда ҳам...Шу билан, бундай қурулишга эга қадимги рус ибодатхоналари учун яна нима хос бўлган. Улар ўз ташқи рамзий ишоралари ва қурилишнинг миқёси билан етарлича кучли таасурот қолдиришар эди. Аммо ички

фазоси бўйича ушбу қадимги ибодатхоналар жуда кичик бўлиб, *гавжум оммавий* “ибодат” учун *мўлжалланмаган эди*.

Ибодатхонанинг ушбу торгина ички худудида марказий *кесишиши жойи тепасининг* хаддан *ташқари баландлиги* таъкидланган. Кўпинча бундай ибодатхоналар айнан аёлий табиатли бунёдкор куч сифатидаги у ёки бу халқнинг *Ибтидоий Онасига* бағишланган эди, шунинг учун уларнинг ички фазоси одамнинг ўзидаги рухий мукамаллик йўлининг ҳам рамзи бўлган.

**Анастасия:** Қачонлардир славян худудларида яшаб ўтган қадимги халқлар ҳақиқатан ҳам ниҳоятда бой маънавий меросга эга бўлган, бу ҳақда эрамиздан аввалги XII–IV минг йилликларга тегишли мутаносиб маънавий рамзларга ва белгиларга эга археологик топилмалар далолат бермоқда. Бор-йўғи бугун, шубҳасиз, мазкур худудларда яшовчи халқлар рухий маънавий меросга эга бўлмаган “ёввойи қабилалардан” келиб чиққан, деб одамлар хато ўйлашлари кимгадир жуда фойдали.

**Ригден:** Нима учун уларга ва уларнинг фарзандларига бундай “фикр” тиқиштирилаётгани, ва нима учун хукмдорлар одамлар учун “билиш мумкин” деб белгилагандан кўпроғи билан улар қизиқмаслигига ҳаракат қилишлари ҳақида одамлар ўйланиб кўришига арзийди. Нима учун тараққиётнинг бугунги имкониятлари бўла туриб, жаҳоннинг коҳинлари ушбу одамлар онгига ахборотли хужумларини давом эттириб, улардан “Ўз уруғ-аймоғини эсламас Иван”ни ясамоқда?

**Анастасия:** Ҳа, агарда славян халқлари рухий уйқусидан ўйғонса, улар ўз Қалбининг саҳийлигига таянган холда, бошқа халқларни руҳан ўйғотади ва ушбу ўйғониш бутун дунёда ўз аксини топади...

Иоаннинг “Дил изҳорлари” ҳақида қачонлардир бизга қизиқарли маълумот берган эдингиз. Хусусан, уни Апокалипсис тарихини ёзганлиги ва унда Иоанн яхудий коҳинларининг маълумотларини ишлатганлиги ҳақида. Сўнгилари эса кўп нарсани Қадимги Миср афсоналаридан, шарқ халқларининг диний тасаввурларидан, шу жумладан Миср ва Бобил афсоналаридан ўзлаштиришганлиги ҳақида. Буларни барчасини мен “Сэнсэй- IV” китобига киритдим. Шундай қилиб, Сиз эслатганингиздек, Иоаннда ҳам осмонда турган курси ва унда “*Ўтирган*” Кимса ҳақида ёзилган эди-ку. Ва, асосийси, курсининг атрофида турган ўша *тўртта* апокалипсис хайвонлари ҳақида сўз юритилмоқда!

**Ригден:** Ҳа, Иоаннда ҳам “*Ўтирган Кимса*” бўлган, “кўриниши яспис ва сардис тошига ўхшаш; курсининг атрофини эса зумрад

кўринишидаги *камалак* ўраган”. Албатта, яна ўша-ўша. Яна Исида аёл худони ва Аллатнинг бошқа ўтказувчиларини рамзи бўлган тошларнинг ўша *ранглари*. Яна ўша “осмонда курси турган, ва курсида Ўтирган Кимса бўлган”, “...курси олдида кристаллга ўхшаш ойнали дарё”, “курси олдида еттита оловли ёритқичлар ёниб турар эди, моҳияти Худонинг еттита рухлари”. “Курсининг ўртасида ва атрофида тўртта хайвонлар, улар орқаси-ю олдида кўзларга тўла. Ва биринчи хайвон шерга ўхшар эди, иккинчиси букачага, учинчиси одамнинг чехрасига эга, тўртинчиси эса учаётган бургут каби эди. Ва тўртта хайвоннинг хар бирининг атрофида олтитадан қанотлари, ичи эса кўзларга тўла, ва на кундуз-у на кечаси улар тиним билмай чақирар: азиз, азиз, азиз Парвардигоримиз, Олампаҳо, У бўлган, бор ва бўлажак!. Ва хайвонлар курсида Ўтирганга, умрбод Яшайдиганга топинар ва шон-у шухратлар ва миннатдорлик билдирар экан, ўшанда йигирма тўртта қария курсида Ўтирганнинг пойига тиз чўкиб, курси олдида гулчамбарлар қўйишар: “Сен, Парвардигор шон-у-шухратга ва кучга сазоворсан: зеро Сен барча нарсани яратдинг, ва барчаси Сенинг ироданга биноан мавжуд ва яратилгандир”, - дея. Иоанн бор-йўғи яҳудий қоҳинларининг маълумотларидан фойдаланган. Ўлар эса ушбу билимларнинг катта қисмини бошқа халқларнинг афсоналаридан нусхалаган ва, табиийки, ақлдан келиб чиққан концепцияларини шакллантириш ва ўз динини барпо қилиш учун, уларни ўзлаштириб олган.


Табиийки, бунинг асоси сифатида, Иоанн Аллатнинг тирик одамлар учун бунёдкор кучи ҳақидаги сюжетни эмас, балки жисмоний танасининг ўлиmidан сўнг хар бир киши устидан қилинадиган Судлов ҳақидаги сюжетни олди. Қадимги мисрликларда бу “олий худо Осириснинг қабр орти Судлови” деб номланган (эслатиб ўтаман, Исида исмли худо сўнггисининг хотини хисобланган). Осирис ҳақида мен бир вақтлари ҳикоя қилган эдим. Унинг исмини маъноси “Чўққидаги Кимса”. У охиратнинг ҳукмдори хисобланади ва хар бир одамнинг ерлик ҳаётидан сўнг унинг Қалби устида Судлов ўтказиб, унинг кейинги қисматини ҳал қилади. “Қабр азоби” ҳақида ҳикоя қилинган папирусда, мазкур “Суд”га тушиб қоладиган одамнинг эпитети кулгилироқ жаранглайди – “янги ўлган”. Айтишади-ку, одам ҳаётни қандай тушунса, бошқа тилга ҳам шундай ўгиради. Қадимги мисрликларнинг хисоблашича, одамнинг ҳаёти унинг жисмоний танасининг ўлиmidан сўнг ҳам давом этади, бироқ бошқа шакл ва бошқа фазода. Ва ушбу тасаввур аввалари ҳамма учун берилган Билимларга асосланган эди. Ҳукм чиқариш жойини (одамнинг жисмоний ўлиmidан кейинги ўтиш ҳолатини) қадимги мисрликлар “Икки Ҳақиқатнинг Олий Даргоҳи” деб номлашган. Олий руҳий дунёнинг Мавжудоти сифатидаги Осирис рамзий маънода кубсимон “тахт”да ўтириб, оёқлари билан квадрат асосга таянган ҳолатда



тасвирланган. У кубнинг чўққисидан туриб хукм чиқаради. Бунга одатда, кубнинг белгилаб қўйилган бурчаги кўрсатади. Суд жараёнида (“Икки Ҳақиқатнинг Олий Даргоҳи”да) шунингдек Осирис тахтининг тўрт нафар химоячилари ҳам бор....

**Анастасия:** Бизга қачонлардир Осирис Суди тасвирланган папируснинг нусхасини кўрсатганингиз ёдимда. Унда охиратдаги Осирис тахтининг тўртта химоячиси ҳам бор эди ва улар Судья олдида нилюфар гулида турган эди.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Афсонага кўра улар Осириснинг Ўғли – Гор (Хор, яъни “Осмондан келган Кимса”)нинг ўғилларидир. Уларнинг хар бирини қанотли аёл кўринишида тасвирланадиган маълум аёл худо химоя қилади. Гор фарзандларининг исмлари: Амсет, Хапи, Дуамутеф ва Кебексенуф (Квебехсенуф).



104-расм. **Осирис Суди**

(папирусдаги Қадимги Мисрда оид тасвирнинг схемаси, эрамиздан авв. VI аср, “Ўликлар Китоби”, “Эрмитаж” музейи, Санкт-Петербург, Россия).

Амсет одам қиёфасида, Хапи маймун боши билан, Дуамутеф – чиябўри боши билан, Кебексенуф – лочин боши билан тасвирланган. Мазкур асосий тўртлик “Пирамидаларнинг матнлари”да ҳам, “Саркофаглар матнлари”да ҳам, “Ўликлар Китоби”да ва қадимги мисрликларнинг


бошқа диний-афсунгарлик адабиётларида ҳам доимий равишда эслатилади. Албатта, руҳий маънавий билимларнинг катта қисми моддий фикрлаш устуворлигига эга ақлдан қилинган талқиндан ўзгартирилиш ва бузилишларга дучор бўлди, аммо, шундай бўлса-да, қандайдир қолдиқлар қолган.

Дастлабки руҳий маънавий маънода булар айнан одамнинг тўртта Маҳлуқотларидир. Булар айнан ўша, одам тузилишининг ташкилий қисми бўлмиш кўзга кўринмас дунёнинг реал “Тувоҳ”ларидир. Улар самолёт бортининг мустақил ёзиб борувчи асбоблари каби Шахснинг ҳаёти давомидаги ҳамма сирли ва очик-ойдин ҳаракатлари, фикрлари, танлови ва афзалликлари ҳақида барчасини қайд этиб қўйишади. Орқа маҳлуқот – Амсет – Қалбнинг дунёвий реинкарнацияларидаги ҳар хил Шахсларнинг (субшахсларнинг) ўтган умрларини, яъни одамнинг бутун ўтмишини рамзи сифатида одам кўринишида тасвирланар эди (Иоаннда бу “хайвон одам қиёфасига эга эди”). Ўнг маҳлуқот – Хапи – маймун (гамадрил) боши билан тасвирланган. Бу ёввойилик ва подаликнинг, ҳайвоний инстинктларнинг, кучнинг, ғазаб ва тажовузкорликнинг намоёндаларини рамзи эди (Иоаннда бу “букачага ўхшаш хайвон” – пода-пода бўлиб яшовчи хайвондир). Чап маҳлуқот – Дуамутеф - чиябўри каллали бўлиб, юксак даражада ривожланган хайвон, яшин тезлигида босиб олиш, эпчиллик, ақл ва айёрлик рамзидир. (Иоаннда бу “шерга ўхшаш хайвон”). Умуман, таъкидлаш жоиз, кадимги мисрликлар Чап маҳлуқотнинг фикрли шакллар воситасида одамга қилган хужуми пайтидаги асосий тафсифларини айнан чиябўри мажозий сиймосида жуда аниқ кўра олишган. Ахир чиябўри ҳам билдирмасдан ва айёрона тарзда ўлжаси олдиға келиб, уни чаққонлик билан қўлга киритади. У тўсатдан хужум қилишларда ўз сурбетлиги ва журъатлиги билан ажралади. Хавога кўтарилаётган қушни ҳам баланд сакраб тутиши мумкин. Унинг устиға, у жуда бақироқ. Овға жўнашдан олдин шунақа қаттиқ увиллайди-ки, атрофида бўлган хайвонлар ҳам унга жавобан увиллашни бошлайди.

Ва, ниҳоят, Олд маҳлуқотнинг рамзи – Кебексенуф – Лочин бошли кўринишида тасвирланган. (Иоаннда бу “учаётган бургутға ўхшаш хайвон” эди; бургут – бу энди кохинларнинг белгиси). Лочин ҳақиқатан ҳам руҳий маънавий йўлдан кетаётган (юқорига, Осмонға), Қалбининг озодлигига интилаётган одамнинг белгисидир. Бу шунингдек илҳомланиш, барча сатҳлардан юқорига кўтарилиш, материя устидан ғалаба қозониш белгисидир. Мисрда айнан лочин Қушлар Подшоси, осмоний табиатнинг, Ра Худосининг дастлабки намоёндаларидан бири, унинг рамзи бўлган. Ва кўплаб халқларда, масалан, инкларда бу одамнинг маънавий йўлини кўриқловчи, унинг руҳини мустаҳкам

қилувчи соляр (қуёшли) рамзи эди. Бу лочиннинг узоқ ва баланд парвоз қилиш, “қуёшга яқин бўлиш” қобилиятига қиёсланган.

“Ўликлар китобида” ушбу тўрт Маҳлуқотларни “Рост ва Ҳақиқатнинг ҳукмдорлари”, “Осирис ортида турган олий шахзодалар”, “Шу-нинг устунлари” деб ҳам аташади (космологик афсоналарга биноан Шу – “Қачондир осмонни ердан кўтарган ва ушлаб турувчи Кимса, Осмон ва Ерни бир-биридан айириб турган хавонинг худоси; одам ҳақидаги муқаддас афсоналарда – унинг кўринмас фазодаги “сояси”нинг белгиланишидир). Уларни нилюфар гулида, кейинчалик – тахтнинг ёнбошларида, ортида ёки олдида жойлаштирган (Иоаннда – “курсининг ўртасида ва атрофида”).



105.-расм. *Осириснинг Судловидаги тўртта Маҳлуқот.*  
(“Осириснинг Суди” расмининг парчаси):

- 1) Одам бошли Орқа Маҳлуқот (Амсет);
- 2) Маймун (гамадрил) бошли Ўнг маҳлуқот (Хапи);
- 3) Чиябўри бошли Чап маҳлуқот (Дуамутеф);
- 4) Лочин бошли Олд маҳлуқот (Кебексенуф).

**Анастасия:** “Кубда ўтирганнинг” (Осириснинг) олдида “қурбонгоҳда” шер кўринишида рамзий тасвирланган Хайвоний ақл, шунингдек гуллаб бўлган нилюфар мавжуд, деган эдингиз. Унинг эса деярли уруғдони қолган ва мана шу тўртта Маҳлуқот айнан шунда туришибди.

**Ригден:** Тўғри, айтиб ўтганимдек, одатда бундай шаклда нилюфар тана ўлимидан кейинги Шахснинг хаётий йўлини руҳий натижасининг рамзи сифатида тасвирланган. Япроқли нилюфар фаол хаётнинг рамзи, япроқлар тўкилганида эса асл моҳият қолади – одам ўз хаёти давомида ўзида топган руҳий маънавий уруғлар. Папирусдаги расмда ушбу “моҳиятда”, Гувоҳлар сифатида, асосий тўртта Маҳлуқотлар тургани

рамзий акс эттирилган. Соддароқ айтганда, улар –одам хаётининг хар бир куни хақидаги сонияларда олинган ахборотдир. Уларнинг тепасидаги белгилар одатда одамнинг “фикрлари ва амаллари”ни (гуноҳларини) хар бири қайд этиб қўйган хисобини рамзий белгиланишини акс эттиради. Бу Шахс яшаб ўтган хаётда Махлуқотларнинг хар бирини фаол устуворлигининг миқдорий эквивалентига ўзига хос шартли кўрсатмадир. Бирор нарсани яширишнинг иложи йўқ, барча сирли нарсалар ошкор бўлади. Мазкур тўрт Махлуқотлар худди ёлгон кўрсатма бермайдиган “тилсиз Гувоҳлар”дек бўлиб қолади. Одамнинг хаёти давомидаги барча фикрлари, эмоциялари, кечинмалари, хоҳиш-истаклари ва танловлари Хукм чиқарувчининг кўз олдида.



*106-расм. Нилюфар гулида турган Судья олдидаги тилсиз Гувоҳлар (“Осирус Суди” расмининг парчаси).*

**Анастасия:** Қизиғи, Қадимги Мисрга оид папирусда бу жараёнда Қалб қатнашмаётгани аниқ кўрсатилган, у тарозининг палласида туриб, тўртта Махлуқотнинг гувоҳликлари натижасига кўра, ўзининг қисматини кутмоқда.

**Ригден:** Ҳа, одатда унинг ёнида палла олдида Олд махлуқотнинг рамзини ҳам тасвирлашган (лочин бошли хайкалча) ва шу тариқа, одам хаёти давомида у қанчалик фаол бўлганини мажозий намоёиш қилиш учун, унинг ўлчашда қатнашаётганига кўрсатишган. Хайвоний табиатнинг Махлуқотларидан бирини эса (Орқа, Ўнг, Чап махлуқотни) одатда қарама-қарши, Адолат ва Ҳақиқатнинг аёл худоси (Маат) хайкалчаси ёки унинг атрибути – патча қўйилган палланинг ёнида жойлашган. Бу ерда Хайвоний табиатнинг Махлуқотлари орасидаги устувор Махлуқот тасвирланган бўлиб, одам хаётида қанчалик фаол

бўлганлигига кўрсатилган. Кўпинча бу жойда айнан Чап маҳлуқотни тасвирлашган (чиябўри бошли хайкалча). У катгаси (Орқа ва Ўнг Маҳлуқотларга бошчилик қилувчи) ва одамнинг Хайвоний табиатининг энг ақлли Маҳлуқоти ҳисобланади.



107-расм. **Қалбни тарозида тортиш.**

(“Осириснинг Суди” расмининг парчаси): чиябўри бошли хайкалча (Чап маҳлуқот, Дуамутеф) ушлаб турган тарози палласида Адолат ва Ҳақиқатнинг Маат аёл худоси жойлашган; лочин бошли хайкалча (Олд маҳлуқот, Кебексенуф) ушлаб турган тарози палласида Қалбнинг тасвирланишини Қадимги Мисрда оид рамзи жойлашган; тарози тепасида Тот худоси (Донолик, ҳисоб ва ёзув худоси, “вақтнинг хукмдори”) жойлашган, у қадимий мисрликларда навианнинг сиймосида тасвирланган; афсонага кўра, Тот одамларнинг тузилган ва ўлган кунларини ёзган, солномалар олиб борган, Судда эса ҳар бир одамнинг Қалбини тарозида тортиш натижасини ёзиб борган.

**Анастасия:** Агар буни маънавий Билимлардан келиб чиқиб кўрадиган бўлсак, мазкур Маҳлуқотлар аввал одамда унинг хаётлигида у ёки бу фикрларни келтириб чиқаради, кейин эса унинг Танловининг фактига кўра, эътиборини кўпроқ нимага қаратишини ва хаётий кучини нимага беришини қайд этишади. Ўлимдан сўнг эса ўша Судда унинг Шахсини, айтайлик, барча “ичак-човоқлари” билан “сотишади”-ми?!

**Ригден:** Худди шундай. Ростини айтсам, ушбу Суд одамлар ўйлаб топгандек амалга ошмайди. Уч ўлчамли дунё яшовчиларига тушунарли бўлиши учун одамлар кўринмас дунёдаги жараёнларни бир-бирига мажозий сиймолар орқали тушунтирган. Булар ҳар бир Шахсни жисмоний тананинг ўлиmidан сўнг кутаётган, унинг учун қутулиб бўлмас жараёнлар, улар, айтайлик,...энергоахборотли даражада содир бўлади.

**Анастасия:** Демак, агарда Шахс хаёти давомида кўпинча ўзининг орқа ва ёнбош Махлуқотларини фаоллаштириб, асосан Хайвоний табиатининг фойдасига танловини амалга оширган бўлса, у, факт бўйича, “кулфланиб қуйилган” субхашсга айланган, Қалбни эса яна Хайвоний ақлнинг моддий дунёсига туширишган, яъни унинг реинкарнацияси ва яна моддий танага қамалиши содир бўлган..., шундайми?

**Ригден:** Мутлақо тўғри, Қалбни, диний тилда айтганда, яна “дўзоҳга” қамашган. Ўша Қадимги Мисрда буни рамзий тарзда Қалбни Амант исмли махлуқ томонидан еб (ютиб) юборилиши кўринишида тасвирлашган. Ушбу махлуқнинг сиймосида Ақлли материянинг хайвоний дунёси ифодаланган, унинг устига Қалб жўнатилаётган ўлчовнинг уч ўлчамлиги кўрсатилган. Хусусан, Амант учта хайвоннинг хусусиятларига эга эди: тимсох, шер ва гиппопотамнинг. Яъни, соддароқ айтганда, Қалб қайта туғилишга юборилар ва уч ўлчамли ўлчовнинг ерлик хаётига тушиб қолар эди.

Аммо, агарда Олд махлуқотнинг фаоллашуви тарози палласини “оғирлаштирган” бўлса, у холда “Қалб озод бўлар эди”. Қадимги Миср эътиқодларига биноан, уни “Қуёш қайиғида” Иарага (Иала, саодатлилар далалари, “жаннат”га) жўнатишар эди, яъни бошқача, Рухий Оламга. Бу қайиқни яна “Абадийлик Қайиғи”, “Миллион йилларнинг Қайиғи” деб аташар эди.

**Анастасия:** Қадимий мисрликларнинг “Қуёш Қайиғини”, худди бошқа халқлардек, масалан, Триполье цивилизациясида, “АллатРа” белгиси (ярим ой ва доира, “Ра-нинг табассуми”) кўринишида тасвирлашганини инобатга олсак, бундай қиёслаш анчагина қизиқарли бўлиб чиқяпти. Ушбу Билимларни берган Кимса Оламнинг ўлчовлари ва Рухий Олам ҳақида кейинчалик ўша халқларнинг диний концепциялари ва эътиқодларида акс эттирилгандан анчагина кўпроқ билгани шубҳасиз.

**Ригден:** Буларнинг барчаси бор ва барчаси доимо бўлган. Буларнинг ҳаммаси жисмоний тананинг ўлиmidан сўнг Шахс ва Қалб танани тарк этганида содир бўлувчи реал энергетик жараёнларнинг рамзий ишораларидир. Бор-йўғи хали руҳан етилмаган одамни моддий ақлнинг мантиқи учун булар ўша замоннинг жамияти учун тушунарли бўлган уч ўлчамли дунёнинг ўхшатишли мисолларида тушунтирилган.

**Анастасия:** Ҳа, демак, “У ёқда” энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмас эканда! Ўзингга бу ерда нимани танлаган бўлсанг, “у ёқда” шуни мукофот сифатида олдинг. Хаёт – бу ҳақиқатан ҳам маъсулиятли иш. Хаётгий синовлар (юк) менинг кучимга яраша берилади, ундан кўпроқ

берилмайди. Ва, энг асосийси, мен, ўзимни шу ерда ва hozир назорат қилиб туриш, орқа ва ёнбош Махлуқотларнинг ифвогар пичирлашларини менсимаслик мен учун қийин эмаслигини ахир тушунаман-ку. Ахир барчаси менинг кўлимда! Уларни тинглаш ёки тингламасликни мен танлайман! Бор-йўғи мен томондан кўпроқ назорат керак: Хайвоний табиатнинг қаердадир бирор сифати намоён бўлса – уни ўзингда ривожланишига йўл қўймаслик керак, ушбу онда кўпроқ ижобий фикрларда мужассам бўлиш, кун давомида кўпроқ маънавий – бунёдкор ишларни амалга ошириш керак. Бу ҳақда асрдан асрга айтилиб келган. Хеч бўлмаса яқин даврларни эсласак. Масалан, Библиядаги Исонинг “Тоғ устидаги ваъзи”дан сатрларни эсласак: “Тананинг ёриткичи кўздир. Шундай қилиб, кўзинг тоза бўлса, бутун тананг ҳам ёруғ бўлади; агар кўзинг ярамас бўлса, бутун тананг ҳам қоронғу бўлади”; “...бойликларингиз қаерда бўлса, юракларингиз ҳам шу ерда бўлади.”

**Ригден:** Мутлақо тўғри. ...”Хосилни терувчи мукофотни олади ва Абадий хаёт учун мева теради, шу боис экувчи ҳам терувчи ҳам биргаликда хурсанд бўлишади.” Бу ҳақда у ёки бу шаклда рухий маънавий уруғларга эга бўлган дунё халқларининг мутлақо барча анъанавий динларида айтилган. Мисол учун, мусулмонларнинг муқаддас китоби – Қуръонда қуйидаги эслатмалар мавжуд. Парвардигори Олам осмонни ва ерни олти кунда яратиб, сув сатҳига ўзининг осмонлару ерни қамраб олган мухташам *курсини* жойлаштирди ва бу жойдан У яратилишни бошқармоқда. “У сизлардан қайсингизнинг амали яхшироқ эканини синаб кўриш учун олти кунда ерни яратди. Ўшанда Арши сувнинг устида эди.” (11-Сура, 7-Оят) Бу ерда тахтни таърифлаш учун икки атама: Курси (ўтириш учун баланд жой) ва Арш (борлиқни қамраб олган ва ундан юқорида бўлган энг баланд жой) атамалари ишлатилган. Арш Курсини қамраб олган ва ундан юқорида жойлашган. Мусулмонларнинг эътиқодларига кўра, Курсини тўртта буюк фаришталар ўз елкаларида ушлаб турибди. Ривоят қилишларича, бу фаришталарнинг қиёфалари ҳар хил – бири бургут юзли, кейингиси – шер юзли, учинчисидан – буқанинг, тўртинчисидан – одамнинг юзи экан.

Қуръонда эслатилишича, пайғамбарларга Парвадигорнинг Ваҳийларини етказиб берувчи (шу жумладан, қоғоз ўрамлари, китоблар кўринишида ҳам ва, зарурат пайтида ёрдамга келувчи) фаришта Жаброил (а.с) Мухаммад (с.а.в.)га фазо ва вақтда ўз курашини олиб борган инсон Қалбининг рухий синоатлари ҳақида, дунёвий хаётидаги ҳатти-ҳаракатлари учун ҳар бир одам Қиёмат кунида жавоб бериши ҳақида сўзлайди.

Жаброил алайхисалом ёрдамида *еттинчи осмонга* кўтарилиши ҳақида сўзловчи 17-сурада шундай сўзлар мавжуд:

11-Оят:

”Инсон яхшиликка дуо қилганидек,  
ёмонликка ҳам дуо қилур.  
Ахир инсон (ўз ақлсизлигида) шошқалоқдир”.

15-Оят:

”Ким тўғри йўлдан юрса,  
фақат ўзи учунгина ҳидоят топадир.  
Ким адашиб (ўша йўлдан) залолатга кетса,  
фақат ўзи учунгина залолатга кетадир.  
Ва ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас.  
Ва токи (уларга) (жазо ҳақида огоҳлантирувчи ва тўғри  
йўл ҳақида дарак берувчи) Пайғамбар юбормагунимизча,  
Биз ҳеч кимни ва ҳеч қачон жазоламаганмиз”.

Бу ерда, ушбу ва бундан кейинги дга мувофиқ бўлади. Чунончи, одамнинг олти ўлчамли тузулмасининг хусусиятларисатрларга, эътиборимизни мавжуд Билимларни тушуниш чўққисидан қаратсак, мақса ҳақидаги билимларни; унинг асосий тўртта Маҳлуқотларининг фаолияти (шу жумладан уларнинг Қабр орти Суди жараёнидаги Гувоҳликлари) ҳақидаги; одамнинг Қалбини Абадийликка интилиши, унинг моддий дунёда “сўнги хаётни” яшаши “истаги” ҳақидаги; Хайвоний табиатнинг кўпдан-кўп, Қалбни “ўтиб кетувчи хаётларга” қулфлаб қўйувчи ва учта Маҳлуқотлар томонидан одамнинг танловини амалга ошириш учун шароит яратиш мақсадида рағбатлантирилиб турувчи ҳохиш-истаклари ҳақидаги билимларни.

18-Оят:

“Ким фоний дунёдан (нозу-неъматларни) истаса,  
унда бу дунёда Биз ирода қилган кишимизга  
Бизга нима лозим бўлган бўлса, шошилиш берурмиз.  
Сўнгра (эса) унга Жаханнамни берурмиз.  
Унда хор ва қувғинга учраган холда ёнар”.

19-Оят:

”Ким охиратни истаса  
ва келажак дунёни (абадийликни) изласа,  
унга эришиш учун мўмин бўлган холида  
(бутун қалбини Аллоҳга бағишлаб)  
керакли ҳаракатини қилса, бас,  
ана ўшаларнинг ҳаракатларини  
(Аллоҳ) миннатдорлик билан мақбул қилар.”



**Анастасия:** Ҳа, чуқур маъно яширинган. Демак, Жаброил (а.с.) тўртта Махлуқотларнинг одамга нисбатан фаолияти ҳақида гапирган, бўлиб чиқпти. Яъни, агарда, одам Ўнг, Чап ва Орқа Махлуқотларининг таклифларига эътиборини бериб, ўша таклифларни истар экан, худди шу нарсаларга эришади ҳам. Аммо қилган танлови учун кейинчалик, субшахсга айланиб, Қалбнинг қайта инкарнацияларида қатнашганида, ўзи кечирадиган мусибатлари билан (“жаханнамни берурмиз”, “хор ва қувғинга учраган холда”) жавоб беришига мажбур бўлади ва Қалбни моддий дунёдаги янгидан-янги тутқинликлари билан оғирлаштираверади. Лекин инсон моддий дунёдаги қайта инкарнациялардан Рухий дунёнинг Абадийлигига интилар ва ушбу ерлик ҳаёти унинг учун Оҳирги бўлишига рухий маънавий ривожланишида кўлидан келганича ҳаракатини қилар экан, шунда унинг учун Рухий дунёда мақбул бўлишига имконият туғилади...Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Қуръоннинг шунчалик доно сатрлари бугунги кунга қадар чуқур ўтмишдан етиб келган рухий маънавий маънони акс эттиради. Бор-йўғи кўпчилик, айниқса ёш авлодлар, ҳар хил халқларнинг Маънавий адабиёти (масалан, “Веды”, ”Авеста”, ”Три-питака”, ”Библия”, ”Қуръон”) билан камдан-кам танишдир, дарвоқе, уларнинг ёшида мен ҳам шунақа эдим. Шунинг учун Қуръонда ҳам Қиёмат куни ҳақидаги маълумот мавжудлигини кўпчилик билмайди.

**Ригден:** Албатта, Қиёмат куни ҳақида ҳам, одамнинг ҳаёти давомида бажарган яхши-ёмон ҳаракатлари битилган барча амаллар дафтари ҳақида ҳам, ҳаққоний тарозу ҳақида ҳам. Мисол учун, 99-чи “Зилзила” (Ал-Залзала) Сурасининг 7, 8-чи Оятларида: “Бас, кимки (ҳеч бўлмаса) зарра оғирлигида яхшилик қилса ҳам кўрадир (унинг учун ажр оладир). Ва ким (ҳеч бўлмаганида) зарра оғирлигида ёмонлик қилса ҳам кўрадир (унинг учун ажр оладир).” – дейилган. Ҳар бир киши ўзининг фикрлари, ҳаракатлари ва қилмишлари учун жавоб беради. Ислом дунёси Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) нинг сўзларини бугун ҳам билади: “Қиёмат Куни одам тўртта саволга жавоб бермагунича, жойидан кўзгалмайди: Ҳаётингни қандай ўтказдинг? Танангни қандай ишлатдинг? Мол-мулкингни қандай топдинг ва қандай ишлатдинг? Ўз диний билимларингни қандай ишлатдинг?”

**Анастасия:** Аслида, бу тўртта Махлуқотлар билан боғлиқ ҳисобот-ку. Ахир Орқа махлуқот (одамларнинг ўтмиши) – бу ҳаётингни қандай ўтказганинг. Ўнг махлуқот – Одамнинг хайвоний инстинктлари, танасини қандай ишлатгани. Чап махлуқот – давлатга интилиш ва шу билан боғлиқ кўпдан-кўп моддий истаклар. Олд махлуқот – ҳаёти давомидаги рухий маънавий ривожланиши.

**Ригден:** Жудаям тўғри. “Пайғамбарлар” (“Ал-Анбийа”) номли 21-чи Суранинг 47-чи Оятида шундай дейилган: ”Биз қиёмат Кунида адолат тарозуларини қўйурмиз. Бирор жонга адолатсизлик қилинмас – ҳатто ачитқи донаси оғирлигича ҳам. (Амалларни) ҳисобчилигида ҳеч ким Биздек ҳисоб қила олмас!”.

**Анастасия.** Ҳақиқатан ҳам одамлар ўзларига нотаниш бўлган динларнинг сиртки диний қобиғинигина кўришади ва у ерга экилган руҳий маънавий уруғларнинг маъносини чақишга уринишмайди ҳам.

**Ригден.** Афсуски, шундай...Қалбнинг иккита – ҳақиқий ва ёлғон йўллари ҳақидаги эслатмалар қадимги ҳинд-оврупа мифологиясида ҳам мавжуд. “Ведалар”нинг якуний қисми ҳисобланмиш “Упанишадалар” рисоласида ҳам улар сақланиб қолган. Бу рисолада муқаддас билимлар, руҳий маънавий йўлнинг сирли ички маъноси тушунтирилган. Мазкур асар Ҳиндистоннинг ортодоксал диний-фалсафий тизимларининг асосидир. Қадимги Эроннинг зардуштийлик динининг муқаддас “Авеста” китобида ҳам одам танасининг ўлимидан сўнг бўлиб ўтадиган *шахсий Суд* жараёни ҳақида айтилган. Хусусан, унда одамнинг ўлимидан кейинги *тақдири* унинг хаёти давомида тўплаган *эзгу фикрлари, сўзлари ва амалларига* ғоят боғлиқлиги ҳақида эслатмалар мавжуд. Танасининг ўлимидан уч кун ўтгач, унинг Қалби “Жазо Кўприги” (Чинват) томон йўналтирилади. У ерда бўлиб ўтадиган Суд жараёнини Ахура Мазданинг ўғлонлари бошқаради – Митра, Сраоши, Рашну. Ерлик хаёти давомида барча қилган амалларини тарозида Рашну тортади (ростгўйлик руҳи, ”ҳаққоний”, ”тўғри”). Айтмоқчи, диний рисолаларга таянганда, Ахура Мазданинг *тўрт* нафар ўғли бўлган – Митра, Сраоши, Рашну ва Аши (Ҳақиқат Моҳияти; Оламнинг Ҳақиқий Қонуни; “Аши” атамаси шунингдек Тақдир, Ҳақиқат ва Адолатнинг аёл худоси маъносида ишлатилган).

Қадимги Эрон афсоналарида эслатилишича, ҳар бир киши ўлимидан сўнг, нариги дунёга кириш остонасида аёл қиёфасида ўзининг Даэнасини – ўз ички дунёсининг тимсолини албатта учратар экан. Бироқ тақводорлар учун у гўзал ёш аёл қиёфасида келган ва тақводор гўё тўрт поғонадан ўтгандек бўлар экан, шунда у биринчи қадамини эзгу фикрлар осмонига, иккинчи қадамини – эзгу сўзлар осмонига, учинчисини – эзгу амаллар осмонига қўяр экан, тўртинчи қадам қўйиб эса “чексиз ёруғликка” етар экан. Аммо ёмон фикрлар, сўзлар ва ишларни тўплаб, ўз хаётини ерликка сарфлаб юборганлар эса ланъатланган ҳисобланар эди. Бундай оғирлашган қалб олдида Даэна жирканч кампир қиёфасида келган. Бундай қалб ёмон фикрлар, сўзлар ва ишларнинг учта жаҳаннамидан ўтиб, охир-оқибат, тўртинчи

поғонада ёвузликнинг олий худоси Ахриман ва унинг ёрдамчилари олдида пайдо бўлган.

**Анастасия.:** Ривоят ривоятлигича, аммо унда қанчадан-қанча реал маълумотлар киритилган.

**Ригден.** Ҳм, аслида ривоятлар ахборотни узатиш мақсадида яратилар эди, хатто уни узатаётган одам ўзи ҳам уни тушунмаса-да. Шунинг учун бирорта яшаётган одам жисмоний тана ўлимиданг сўнг қочиб қутулмайдиган, айтайлик, шахсий Суд ҳақида дунёнинг ҳар хил динларида, чунончи, христианлик, ислом, буддавийлик, зардуштийлик, индуизмларда у ёки бу шаклда сўз юритилади.

Бу билимлар дунёнинг деярли барча халқларида бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд, фақат турлича ифодаланган. Масалан, славянларда қадим замонлардан “Суд” тушунчаси тақдир маъносида, кейинчалик эса одамнинг тақдири билан боғлиқ худолар маъносида ишлатилган. “Суд” ўз қўлида барча хайрли ва фалокатли нарсаларни ушлаб туради ва на ақл, на айёрлик билан унинг ҳукмидан қочиб қутулиб бўлмайди.

**Анастасия:** Хали ҳам турли халқларда “суд” тушунчасининг талқини (қадимий хинд тилидагидек) “алоқа”, “боғланиш” маъносини билдиради. Масалан, қадимги скандинав ва немисларда – “бўғоз, сузиб ўтиш мумкин бўлган жой”, юнонларда – “сақлаш жойи” маъноларига эга.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Дарвоқе, қадимги юнонларнинг диний тасаввурларида олий худо Зевс тақдирнинг аёл худолари – мойраларнинг бошлиғи бўлган. Мойра ҳаммада мавжуд, деб ҳисобланар эди (қадимий юнон сўзи “Μοῖρα” “қисмат” маъносини англовчи “μοῖρα” сўзидан келиб чиққан). Эрта диний тасаввурларда табиатнинг қочиб қутулиб бўлмас қонунини, “худо белгилаган қисмат”ни шундай номлашган. Қадимги юнонларнинг эътиқодларига кўра, Зевс ернинг устида ва остида ҳукмронлик қилган, ўликлар устидан Ҳукм чиқарган. Одам тақдирининг амри Зевсга кўпинча номаълум бўлган, ва у фақатгина, бир палласи одамнинг хаётини, иккинчиси унинг ўлимини тимсоли бўлган олтин (осмоннинг қуёшли) тарозида унинг тақдирини билиб олганлиги эслатилган. Зевснинг ўзи тортиш натижасига бефарқ бўлган. Тирик одамлар учун эса у иккита идишдан эзгулик ва ёвузликни олиб, уларни “қарамасдан” одамларга тарқатган.

Хитой эътиқодларининг эслатмаларида охиратда сақланадиган тақдир китоблари мавжуд бўлиб, ҳар бир яшаётган одам учун унинг хаётининг асосий воқеалари ва муддатининг саналари белгиланган.

Шумер-аккадларнинг диний тасаввурларида “ўлиш” – бу ўзининг “шимтасини”, яъни одамни бутун умр давомида кўзга кўринмас холда ҳамроҳлик қилиб, унинг кейинги қисматини аниқлаштирувчисини учратиш дегани, деб хисобланган.

Айтиш жоиз, у ерда “шеду” ва “алад” каби иккита, унинг характерини ва тақдирини белгиловчи қарама-қарши кучлар сифатидаги тушунчалар бўлган. Устига устак, “алад” сўзи “бунёдкорлик” маъносида қўлланган. Ва бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

**Анастасия :** Сиз қачондир айтиб ўтган эдингиз, агарда ўзида кўзга кўринмас дунё, одамнинг тузилиши, рухий маънавий ривожланиш босқичлари, Шахснинг яшаб ўтган хаёти учун жавобгарлиги ва унинг танловининг оқибатлари ҳақида огоҳлантириш ҳақидаги маълумотларни мужассамлаштирган бўлмаганида, қадимги дунёнинг ҳеч қайси оммабоп эътиқоди, жаҳоннинг ҳеч қайси дини одамлар орасида у қадар оммалашмас эди.

**Ригден.** Дин – бу бор-йўғи ташқи шаклдир, ҳар хил даврларда қоҳинлар асосан ўз моддий мақсадларини кўзлаб унинг хилма-хиллигини ўйлаб топишган. Лекин (турли ақлдан келиб чиққан концепцияларнинг шундай шакли кўринишидаги) усткурма учун пойдеворни ҳар хил халқлар томонидан авлоддан авлодга узатилиб келувчи рухий маънавий билимлар ташкил қилган. Акс ҳолда одамлар учун бу динлар у даражада мафтункор бўлмас эди. Ҳақиқий рухий маънавий уруғни қоҳинлар ўз одамий ақлидан келиб чиққан пустлоқлар билан қанчалик қопламасин, одамлар уни ич-ичидан ўз Қалби билан хис этишади.

**Анастасия :** Ҳа, Сиз кўп мартаба бизга *одам танасининг ўлиmidан кейин*, у хоҳлайдими-йўқми, кўринмас дунёда унинг ”шахсий Суд”и бўлиши ҳақида сўзлагансиз. Мен тушунишимча, диний концепцияларда, масалан, христианлик, ислом, зардуштийликда одамнинг ўлиmidан кейин бўладиган шахсий Суд билан инсоният устидаги умумий Суд тушунчаларининг бирлашуви рўй бермоқда. *Яшаётган* барча одамлар учун “Қиёмат Куни” белгиланганлиги ҳақида Сиз эслатган эдингиз.

**Ригден :** Мутлақо тўғри. Кесишиш замони. Кўпдан-кўп башоратларда *яшаб турган одамларнинг* барчасининг устидан маълум вақтда умумий “Суд” бўлиши ҳақида аллақачон айтилган эди.

**Анастасия:** “Перекрестье” (“Кесишиш”) номли китобимда жаҳоннинг ҳар хил халқларининг: шумерлар, майя (“Қушли одамнинг Башоратлари”), кельтлар (“Вақт Ғилдираги” башоратлари”), қадимги форслар ва хоказоларнинг башоратлари бугун рўёбга чиқаётгани ҳақида

ёзганман. Дарвоқе, зардуштийликда форсларда, Сиз айтганингиздек, ўлимдан кейинги хаёт, Қайта тирилиш, умумий Қиёмат Куни (“дунёни мукаммал қилиш” маъносидаги “Фрашегирд”) ҳақида кўпгина маълумотлар сақланган. Зардуштийларнинг эътиқодларига биноан, дунёга уч нафар Сао-шьянтлар келиши керак (сао-шьянт авестча сўз бўлиб, “Қутқармоқ” фелининг келаси замон сифатдошидан иборат). Замонларнинг охирида биринчи иккита Сао-шьянтлар Ахура Мазданинг таълимотини тиклаши керак бўлади. Кейин эса ёвузлар билан якуний жанг ва “Дахшатли Суд”ни амалга ошириш учун охирги Сао-шьянт келади.

Замонларнинг охирида эволюция учун ажратилган мингйилликлар доираси нихоясига етганида, (Аша – Ҳақиқат, Адолат, Эзгулик ғалаба қозонганида) “ер юзида жаннат” ўрнатилиши мумкинлиги ҳақида ҳам бор. У ерда одамлар бахтли яшайдилар – ер водийдек бўлади, битта тил, барча учун битта қонун бўлиши, ва ҳар бир тақводор инсон ушбу дунё ўзгариши воқеаларини ўзининг фикрлари ва ишлари билан яқинлаштиради, деган маълумотлар ҳам бор. Бугунги кун позициясидан барча мазкур башоратлар ҳеч ҳам афсоналар бўлиб туюлмапти.

**Ригден:** Ҳа, барчаси одамларнинг ўзларига, уларнинг танловига боғлиқ. Шунчаки одамларнинг кўпчилиги бу жараёнларнинг муҳимлигини, инсонга нафақат Абадийликка йўлни очиши, балки шу билан бирга шубҳасиз атрофидаги дунёнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган шахсий руҳий маънавий ўзгаришининг муҳимлигини тушунмаяпти. “Қиёмат куни” ҳақидаги башоратлар қадимдан мавжуд. У ёки бу динни ташкил этаётган қоҳинлар ҳам уларни ўз концепцияларига киритишган.

Лекин улар бу билимларни ўз моддий мақсадлари йўлида қўллашган ва агарда сен фақат уларнинг динига эътиқод қилсанг, ўлимдан сўнг албатта Қиёмат кунида ўз “жисмингда қайта тирилиб”, қутқариласан – деган шартга урғу беришган. Ҳўш, одамнинг ақлидан келиб чиққан мана шу моддий алмаштирилишлар нимага олиб келди? Улар шунга олиб келди-ки, бугун кимдир бунинг устидан кулса, кимдир маъсулятсизларча бу нарса “кейин”, “менинг ўлимимдан кейин” содир бўлади, “ўша биргина *ягона* Қиёмат куни ҳали қачон келади” – деб ўйласа, учинчилар эса фанатларча хайвоний инстинкти билан, “эътиқод” учун бир-бирини ўлдиришмоқда, чунки “у ерда” уларни мукофот кутаётганига ишонишмоқда.

Диндорларнинг кўпчилигини эса ўзини пассив тутишга мажбур қилишди, уларга айнан шу диннинг “подаси”да бўлсанг, сен учун барчасини юқорида, осмонларда фаришталар ва жинлар ўртасидаги

кураш ҳал қилади, деган фикр уқтирилган. Буларнинг барчаси Хайвоний ақлнинг қилмишлари, моддий хоқимиятга интилаётган қоҳинларнинг маккорона ўзгартиришларидир.

Аслида эса, *бошқача, Рухий дунёда* моддий ва малакий табиатларга бўлиниш йўқ, фақатгина Малакий бор! Бўлиниш ва кураш одамнинг ўзида мавжуд, чунки Рухий дунёнинг зарраси (Қалб) моддий танага киритилган. Қоҳинлар ҳар хил қиёфалар ўйлаб кўрқитаётган ”Фаришталар ва жинлар” эса – буларнинг барчаси аслида одамнинг у ёки бу Иродани (Рухий дунёнинг Иродасини ёки Хайвоний ақлнинг Иродасини) танлаши ва кейинчалик айнан ўзиники деб ҳисоблашидир. Айнан мана шу танлови билан одам ҳал қилувчи ички жангдаги қисматини белгилайди.

Худди ўша жараёнлар жамиятга ҳам проекцияланади. Шу билан **ҳар бир одам ўз Хайвоний табиати устидан ғалабага эришгандан кўра, бутун жамиятдаги Хайвоний табиатни енгиш анча осонроқ.** Одамзод учун бўладиган “Қиёмат куни” – бу бир кун эмас, балки одамзоднинг (бутун жамиятнинг) биринчи кундан бошлаб оҳирги кунигача нима билан келганнинг хулосасидир. Бу тирикларнинг тириклар устидан бўладиган “Суди”, уни космик ходисалари билан боғлиқ Ер юзидаги глобал офатлар ва ўзгаришлар содир бўлаётган даврда одамларнинг ўзлари ўз устидан олиб боришади.

**Анастасия:** Ҳа, агарда бугун жамият ривожланишнинг рухий маънавий йўналиш векторига эга бўлганида эди, халқларнинг дўстлиги ва ўзаро ёрдами асосида бутунжаҳон бирлашиш ғоясини эса илгари сурганида эди, ҳақиқатан ҳам, бугунги техник имкониятларни инобатга олсак, унинг бу даврда омон қолиш имконияти бўлар эди. Лекин қоҳинлар ва сиёсатчилар халқлар орасида адоватни кучайтиришлари оқибатида хозирги кунда рўй бераётган бўлинишларга эга жамиятнинг келажаги бўлиши амри маҳол. Аммо аслида барчаси одамларнинг қўлида! Сиз айтганингиздай, Ҳақиқий Инсон ҳаётида ҳамиша жасорат учун жой бор. Халқда айтишгандек – Қалб ҳамма нарсанинг ўлчовидир!

**Ригден:** Мутлақо тўғри....Афсуски, замонавий дунёнинг ҳолати ачинарли. Лекин... Ҳеч нарса жойида тургани йўқ, барчаси ўзгармоқда. Амалиёт шуни кўрсатадики, қачонки улар одамларнинг аксариятининг ягона интилишлари ва ҳаракатларига, ҳар хил гуруҳларнинг умумий манфаати йўлида тиришишларининг бирлашувига таянсагина глобал миқёсдаги ғоялар амалга ошади. Шундай экан, вазиятни одамларнинг ўзлари ўзгартиришлари мумкин, бунга хоҳиш бўлса бас...

**Анастасия:** Ундай бўлса, бутун одамзоднинг келажагини деб шундай рухий жасоратни амалга ошириш учун одамларга нима етмаяпти? Эҳтимол, жамиятда, қачонлардир аслида барча инсонларни асосий рухий маънавий интилишларида бирлаштирган Азалий Билимлар етмятгандир?!

**Ригден.** Олдин ҳам айтиб ўтган бўлсамда, айтилган гапларимнинг умумий хулосасини чиқарсам. Хар хил маданиятларда белгилар, рамзлар, у ёки бу рухий маънавий уруғлар мавжудлигини инобатга олган холда, хар қандай одам Билимлар барча замонларда бўлганлиги ҳақида хулоса қилиши мумкин. Бундан ҳам кўпроғи, билимлар хозир ҳам мавжуд. Ва Рухийга ҳақиқатдан интилган одам уларни топади.

Аммо, гап шундаки, моддий дунёқарашга эга бўлган замонавий одам – бу бугунги жамиятнинг махсулидир. Жамият эса хозирги кунга келиб, афсуски, тафаккурнинг истеъмол форматига эга, унда эса одамлар кундан кунга Хайвоний ақлнинг ўлжасига айланишмоқда, унинг Иродасини ўтказишмоқда, унинг кўп эшқакли қайиқларидаги қулларига айланмоқда. Ахир Хайвоний табиати устуворлигида яшаётган одам, рухий маънавий Билимларда ҳам моддий фойда олиш, ўзининг аҳамиятлилигини ва ўз Хайвоний табиатининг бошқа сифатларини кучайтириш имкониятини кўради. Бу дегани Билимлар мавжуд бўлса-да, кўп сонли алмаштирилишлар рўй беради ва реал рухий маънавий ўсиш бўлмайди.

Тарихга чуқурлашмасак ҳам бўлади. Бутун вазиятни тарифлаб берадиган сенинг китобларинг билан боғлиқ холатни оддий мисол сифатида кўриб чиқайлик. Китобларинг дунё юзини кўрибди-ки, билимларга интилган одамлардан ташқари шахсий имиджини кўтариш ва авторитетини мустаҳкамлаш, моддий фикрлашдан келиб чиққан концепцияларини кўз-кўз қилиш ва буюклик истагини, ўз аҳамиятлилигини қониқтириш мақсадида Билимларни қўллаганлар ҳам дархол пайдо бўлишди. Айримлари, бу Билимларни орқасидан яшириниб, ўзларини “Устоз” ёки “яқинлаштирилганлар” деб аташни бошлади ва шу тариқа мазкур ахборотда пул бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаса шахсий авторитетни ишлашга уринишди.

Ахир Билимлар шунинг учун ҳам китобда берилдики, уларни одамлар орасида соф холда, бевосита тарқатиш имконияти бўлиши учун, чунки ўз ақлидан хабар берувчи воситачилар тушуниб-тушунмай билимларнинг асл маъносини бузишади. Бундайларга албатта раҳмимиз келади. Ахир олган маълумотларини бошқалар билан улашишга уларни айнан Малакий табиати ундайди.

Лекин уларнинг бундан олдинги (хар хил динлар ва секталарда олинган) тажриба асослари ва қоидалари билан кодланган тафаккури Қалбдан чиқаётган истаги ва кучни онгида чизилиб қўйилган моддий ўзанга йўналтиради. Ана энди уларнинг ижросида бутун тартибсизлик рўй беради: хали ўзларини яхши ўрганмасдан, худбин табиатли бўла туриб, улар бошқаларга медитацияларни қандай бажаришни “ўргатмоқчи” бўлишади.

Улар медитатив техникаларга ўзгартиришлар киритишга, комбинациялар тузиб, бузишга, уларни турли шубхали оккульт ва диний ташкилотларида олинган тажрибасига таяниб, модификация қилишга ҳақлимиз, деб ўйлашади. Хуллас, одамий ақлдан келиб чиқиб, бошқаларни “ўргатишга” уринишади. Вахоланки, уларнинг руҳий маънавий ривожланиши ўзгаришсиз турибди.

Китобларда аниқ асбоблар берилган, бу одамлар эса, ўз билимсизлиги туфайли, уларни бузишга уринишмоқда. Аммо, маълумки, ёмон асбоб билан яхши нарса қуриб бўлмайди. Ва бу ҳолат ҳозир, сенинг ҳаётлигингда, сенинг кўз ўнгингда рўй бермоқда. Аммо юз йилдан кейин нима бўлар экан? Минг йиллардан кейин демасак ҳам бўлади, албатта, бу цивилизациянинг шунча муддати мавжуд бўлса.

**Анастасия:** Ҳа, бу рост. Афсуски, бундай одамлар кам эмас...Аммо бу Билимларнинг чуқурлигини англаган, ўзини ўзгартиришга, Инсон бўлишга интилган, ушбу маълумотларни беғараз тарқатаётганлар анча кўпроқдир. Шундай одамлар бор-ки, улар китоблардаги медитацияларни амалиётда қўллаб, ўртоқларидан кўпроқ тажрибага эга бўлса-да, руҳий маънавий йўлдан биргаликда кетаётган ўша дўстлари орасидан ўзини ажратмайди...Бундай одамлар ўнг-у сўлига қараб бақиринмайди, аммо уларнинг биринчи навбатда ўз устидаги руҳий маънавий меҳнати уларнинг қилган ишлари ва ҳаракатидан кўринади.

**Ригден.** Яхшиям шундай инсонлар бор. Азалий Билимлар айнан улар учун берилади-да. Руҳий маънавий асбоблардан ўзининг ривожланиши, юқорига интилиш учун фойдаланиш керак. Шундай экан, жамиятда Билимлар мавжуд, фақатгина устунликнинг Хайвоний табиат позициясидан Малакий табиатга бурилиши етишмаяпти. Қатъий кундалик танлов, ўз устида мустақил меҳнат етишмаяпти. Аҳир токи одамнинг ўзи (одамлар олдида махтаниш учун эмас, балки шахсан ўзи учун) ўзгаришни истамас экан, ўз устида ишлаш, фикр ва истакларини назорат қилиш тажрибасини олмас экан, у кўпдан-кўп бузилиб кўрсатилган назариялар ва таниб бўлмас ҳолатга келган амалиётларларда ёпишқоқ ўргимчак тўрига тушгандай чувалашиб қолади.



Инсон ҳақиқий Руҳий Маънавий Билимлар билан тегишар экан, у ўзи учун уларнинг оддийлиги, чуқурлиги ва табиийлигини очади. Лекин, маълумки, назария амалиётсиз ўликдир. Бирор нарса ҳақида билиш етарли эмас, бу билимни амалиётда қўллашни ҳам эплаш керак. **Ўз устингдаги руҳий маънавий меҳнат – бу кундалик серқирра иш. Руҳий маънавий асбоблар ёрдамидаги меҳнатдан ташқари у фикрларнинг софлиги, Инсон номига муносиб ишлар ва ҳаракатларни ҳам кўзлайди.** Билимларни олган холда ҳам, агар одам ўз устида ҳар томонлама ишламас экан, вақт ўтиб у ўзига савол беради: ”Мана, у ёки бу Билимга эгаман, у ёки бу амалиётлар билан шуғулланаяпман, лекин нима ўзгарди?” Яъни мазкур Билимларнинг мавжудлиги ақлидан келган навбатдаги саволлар билан ҳавотирга қўяди. Нега? Негаки, одам шахсий руҳий маънавий ўзгариши устида тиришқоқлик билан ишламас экан, бу Билимлар унга моддий ҳаётини ўзгартиришга ёки яхшилашига ёрдам беришига яширинча умид қилади.

**Анастасия.** Бошқача айтганда, бундай одам атрофидаги моддий дунёда ўзи учун тезкор сезиларли ўзгаришларни кутади.

**Ригден.** Жуда тўғри. Аммо у ўзининг бешта моддий сезги органлари билан кўраётган ва хис этаётган уч ўлчамли дунёнинг ўша нозик спектрида нима ҳам ўзгариши мумкин? Ўша оёғига тушиб кетган ғишт худди ўша оғрикни беради, жазирама ва айёз жисмига аввалгидек ноқулайлик келтиради, одам олдингидек овқат ва уйқуда эҳтиёжни сезади. Унинг Хайвоний табиати эса худди олдингидек мингдан-миг истақлари ва моддий дунёнинг ҳамма роҳатларидан бахраманд бўлиш чанқоқлиги билан унга тинчлик бермайди. Хайвоний табиатининг таъсиридаги одам ғайриихтиёрий онг даражасида ўз ҳаётида қандайдир моддий ўзгаришлар рўй беришини, унга кимнингдир устидан сирли таъсир утказишга ёрдам берувчи ва нимадандир қониқишга олиб келувчи сеҳрли ҳокимиятга ва хоказоларга эгалик қилишни кутади.

**Анастасия.** Яъни, моддий дунё устидан руҳан кўтарилишига ёрдам берувчи руҳий маънавий Билимларга одам уч ўлчамли дунё яшовчиси (Кузатувчиси) позициясидан қарайди. Бироқ, бу улчам форматидаги моддий фикрлаши эса, қоида сифатида, Хайвоний табиатининг амалга ошмаган сирли истақлари билан чегараланади... Тўғри-да, Хайвоний табиати унга бошқа нимани пичирлаши мумкин: “Аҳир сен бу Билимлар ёрдамида бошқалар устидан сеҳрли ҳокимиятга эришмадинг-ку, тўданинг олдида бошинг узра ярқираб турувчи моддий “юлдуз” қани? Қани ваъда қилинган *кўтарилиши*?”

**Ригден:** Ўз устида ишлашнинг бошланғич босқичларида, албатта, одамда рухий маънавий жараёнларни яхши тушунмаслик мавжуддир. Ташқаридан қараганда, ҳа, ҳеч нарса ўзгармаяпти, ўз муаммоларига эга тана қариганидек қарияпти. Бошланишида одам азалий Билимлар ёрдамида *бошқача*, абадий, уч ўлчамли, моддий ва тугал барча нарсалардан кўра жудаям муҳимроқ нарсага эга бўлаётганини пайқамайди. Билимлар унга рухий маънавий куч ва Доноликнинг гуллаб яшнашига асос беради. Ўзининг Хайвоний табиати ҳақида билгач, одам унинг намоён бўлишларини қаердадир ушлаб туради, қаердадир ўзини тўхтатади, ёмон фикрга аҳамият бермайди, ва, шу тариқа, акс холда албатта рўй бериши керак бўлган рухий маънавий табиати учун салбий вазиятни олдини олиб, ўз келажагини ўзгартиради. Хар куни ўз устида ишлаб, у кимгадир яхши гап билан, кимгадир яхшилик қилиб бошқаларга ўрناк бўлади, ўз Билими билан ўртоқлашади. Шундай тарзда инсон хар кундаги ўзининг *онгли* Танловини бажаради, яъни “шу ерда” ва “хозир”ни. Хаёти эса айнан шундай “шу ерда” ва “хозир”лардан тўқилган.

Шунинг учун шубҳа-гумонлар фақат рухий маънавий ривожланиш жараёнининг бошида турганларгагина хос. Рухий маънавий йўлда маҳкам турган инсон эса ўзи тубдан ўзгаради, шиддат билан оқаётган умрининг маъносини чуқурроқ англайди. Бундай инсонлар хар кунда одамлар ва Қалби учун кўпгина фойдали ишлар бажаришга шошилишади. Бу ишлар режалаштирилган ҳам, мутлақо тасодифан бўлиши ҳам мумкин ва шу билан инсон ўз Шахсининг руҳан қутқарилиши имкониятини оширади. Шундай экан, рухий маънавий Кузатувчининг маҳкам ўрнида бўла туриб, азалий Билимларга эга бўлиб ва ўз устида ишлаб, инсон ўзини такомиллаштириш учун амалий калитни кўлга киритади, пўстлоқларга тўла тегирмонда ҳам Ҳақиқатнинг уруғларини топади.

**Анастасия:** Хозирги кунда, ахборот технологияларининг ривожланганлигини инобатга олсак, одамларда цивилизациянинг ўтмишидаги хатолари ва тажрибасини таҳлил қилиш учун вақт ва имконият мавжуд. Бундан кўпроқ, замонавий одамлар, ўша интернет-технологиялар туфайли дунё ҳамжамиятини хаётининг хар хил саволлари бўйича вазиятни қисман кузатиш имкониятига эга. Сиёсат арбоблари ва кохинларнинг хаёти ва фаолиятдан фактлар тез-тез жамиятга овоза бўлмоқда. Табиийки, бу ўз навбатида, жамиятнинг шунга мутаносиб реакциясини келтириб чиқармоқда: одамлар хокимият вакилларига ишонмай қўйишяпти.

Халқлар учун аталган воқеалар “шўрва”сини жаҳоннинг сиёсат, иқтисодиёт ва асосийси, мафкура “ошхона”сидаги “ошпазлар”и билан

ким тил бириктириб, пишираётганини кўпчилик тушуна бошлади. Ким буюртмачи-ю, ким бажарувчилигини кўпчилик англай бошлади. Лекин одамларга “жамиятдаги ушбу вазиятни ўзгартиришнинг иложи йўқ”, “хамиша шундай бўлиб келган” деган ишонч зўрлаб тикиштирилган.

Гарчи, аслида, одамларнинг (халқларнинг) ўзлари барча жараёнларнинг қатнашчилари ва диний ёки сиёсий “маҳсулотнинг” “истеъмолчилари” бўлиб келишяпти. Шундай экан, кўпчилик бу вазиятнинг беъманилигини тушунади. Бошқа бундай яшаб бўлмаслигини тушунишади. Лекин жамиятнинг турмуши ҳақиқатан, қоғозда эмас, амалда яхши томонга ўзгариши учун нима қилиш кераклигини улар тушунишмаяпти. Жамият тафаккурнинг истеъмолчилик форматида, урушлар ва жанжалларга тўла Хайвоний табиатнинг ботқоғида шатаксирашни давом этмасдан, одамларнинг ҳақиқий маданий – маърифий, рухий ривожланишини рағбатлантириш йўлига чиқиши учун унинг ҳаракат йўлини қандай ўзгартириш керак?

**Ригден:** Ҳа, афсуски, замонавий жамиятда ушбу жараёнларнинг қайтариб ва тузатиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр шаклланиб бўлган, аслида эса, чиқиш йўли бор, ва у жуда оддий. Одамлар ахборотларни, кундалик фикрларини ва жараёнларни иложи борича кўпроқ Рухий Кузатувчи позициясидан баҳолаши керак, шунда қандай яшаш ва нима қилиш кераклигини кўпроқ тушунишади. Бу онгнинг софлиги устидаги ишга ўхшаш: Хайвоний табиатингдан фикр келдими – унга эътибор берма, яхшиси эзгуликка, Малакий табиатингдан келган фикрларга, амалларга ва ишларга эътибор бер. Жамиятда ҳам худди шундай: ёмонликни менсимасдан атрофингда яхшилик, бунёдкорлик, эзгуликни кўпайтир. Жамият ишларида пассив бўлиш керак эмас, дўстлик ва саҳийлик ўрнига одамларда Хайвоний табиатини фаоллаштирувчи, масалан ғурур, нафс, пораҳўрлик, эгоистик муносабатларнинг ривожланиши каби рағбатларни гуллаб-яшнашига шароит яратма. Қачонки одамлар кўпчилик бўлиб кохинлар ва сиётсатчиларни халқларда тажовузкорлик ва Хайвоний табиатнинг сифатларини рағбатлантирувчи “иродаси”ни кўллаб, хаётга тадбиқ этишни тўхтатар экан, шунда жамиятда ҳам сунъий яратилган муаммолар йўқолади.

Битта нарсани тушуниш керак – барчамиз одамлармиз, битта нарсдан яратилганмиз. Ҳеч қайсимиз баландроқ ва пастроқ эмасмиз. Ҳаммамиз моддий ахлатларнинг битта бочкасида ўтирибмиз, яъни бу моддий дунёда, бу “доимий муаммолар ва битмас-туганмас истакларига” эга бўлган ўлимга қодир танада қамалганмиз. Ва ҳаммамиз яшаган хаётимиз учун қачондир жавоб берамиз. Кохинлар ва сиётсатчилар – улар ҳам худди шундай одамлар, худди шу шароитлардадир ва

бошқалардан дунёвий хокимият ва моддий бойликларга бўлган ўта чанқоқлигидан ташқари ҳеч ҳам фарқ қилишмайди.

**Анастасия.** Барчаси тўғри. Цивилизациянинг ривожланиш тарихига биноан, кохинлар (сиёсатчилар каби) барча даврларда халқнинг қўллаб-қувватлашига боғлиқ бўлган, шунинг учун одамлар орасидаги ўзининг обрўсини улар ҳар қандай, кўпинча кўрқувга асосланган усуллар ёрдамида кўтаришга интилишган. Факт бўйича эса, одамларнинг кўпчилиги у ёки бу динни қўллаб-қувватлашни тўхтатганида, ўша дин ўчиб қолган.

**Ригден.** Сен тўғри айтдинг, бор-йўғи, жамоанинг онги учун маълум қолип-андаза сифатидаги навбатдаги дин ўчган, лекин одамларнинг Худога бўлган ишончи эмас. Мана шу ишончдан барча даврларда кохинлар фойдаланишган, холос, ва унинг асосида янги, ўзларининг хокимлигига наф келтирувчи жамият онгини қул қилиш учун босма-қолиплар барпо қилишган.

**Анастасия:** Ўз вақтида, Сиз билан бўлиб ўтган мен учун эса қоларли сўхбатимиздан сўнг, мен турли даврларда халқлар онги учун у ёки бу динни киритиш муҳимлиги кохинлар томонидан қандай қилиб оқланган ва бунинг қанақа сабаблари келтирилганини батафсил ўрганиб чиқдим. Ва жуда кўп қизиқарли фактлар топдим. Деярли барча динларда диний маросимнинг асосий ҳаракатини ташкил этувчи у ёки бу Худога *қурбонлик келтириши* маросимига урғу берилган.

Масалан, бугунги кунда, урфга айланган маросимлардан ташқари, бу одатга айланган “диний эҳтиёжларга” аталган пул ҳадя этиш. Эсимда, ўшанда Сиз: ”Одамлар Худога бўлган “қурбонлик” ўзи нималигини эслашармикан? Аҳир турли даврларда деярли барча диний тизимлар қурбонлик маросими атрофида қурилар эди. Нима учун азал-азалдан халқларнинг Худога бўлган хизматида “қурбон” шундай муҳим роль ўйнаган?” – деган эдингиз. Бундан кейин айтган гапларингиз мен учун ҳақиқий ойдинлашув бўлган эди. Одамзод учун аҳамиятли бўлган ушбу лаҳзадан ўқувчиларимизни ҳам хабардор қила олмайсизми?

**Ригден:** Хўш, айтиб беришимга арзийди. Қадимий славян тилини “жертва” сўзининг талқинидан бошлаганим бўлсин, у қулгили бўлса-да, бироқ моҳиятни акс эттиради. Қачондир ҳикоя қилган эдим, XI асрда рус тилида пайдо бўлган “жертва” сўзи христианлик динининг тарқатилиши муносабати билан, фелдан – эски славян “жър@” (“жру”, “қурбонлик яратяпман”) келиб чиққан. “Жру” (“жър@”), сўзи эса аввалари славянларда “жрать”, яъни “паққос туширмақ” маъносида ишлатилган (эски славян тилининг фели хинд-европа гуруҳига

тегишли). Дарвоқе, “паққос тушириш” қадимий рус “живот” сўзи билан боғлиқ эди, у қадимда “хаёт” маъносига эга эди. Айнан ундан эски славян тилининг “животное” (хайвон) сўзи пайдо бўлган – луғавий маъноси “яшаётган нарса”. Айтиш жоиз, “животное” сўзи Киев Русида айнан XI–XII асрларда азалий руҳий маънавий Таълимотнинг (шу жумладан тўртта Махлуқотлар тўғрисида ҳам) Агапит Печерский томонидан янгилангани туфайли кенг тарқалган эди.

**Анастасия:** Демак, махсус белгилар ва рамзлар тасвирланган қадимий славян бутхоналари асло “қурбонлик бериладиган жой” бўлмаган эканда. Эҳтимол, баъзи ҳолларда булар ҳаммага маълум жойлар бўлгандир, у ерга одамлар асрлар давомида (белгиларга ва рамзларга қараб) руҳий маънавий билимларни ўрганишга, ўз тажрибаси билан алмашишга келишган, мисол учун қадимги одамлар ўз муқаддас ғорларида йиғилишиб, петроглифларни ўрганишгандек.

**Ригден:** Таянч руҳий маънавий билимларга эга бўлгач, одамлар бунини осонлик билан кузата олишади...Шундай қилиб, “жру” (“жър@”; “жерети”) сўзи билан кейинчалик “жрец” (коҳин) сўзини белгилашни бошладилар. Агарда ўруғдош сўзларнинг этимологиясини кузатсак, аввалари у “махтанаётган кимса, ўзини кўкка кўтарган” деган маънони англатганини топиш мумкин. Шундан халқда “жрец” (коҳин) сўзи келиб чиққан, яъни шартли худога келтирилган тухфаларни ҳақиқий истеъмол қилувчиси тушунишида. Дарвоқе, қадимда Русда “жерцовать” сўзи бўлган, унинг маъноси ҳам “паққос туширмоқ” бўлган. У “жерц” – “порахўр, золим, таловчи, жафокор” сўздан пайдо бўлган. Шунинг учун бу дунёда ким аслида кимлигини халқ аниқ пайқайди. Агарда русча “жертва” сўзини ифодасини қидириб кўрсак, у “ейилаётган, йўқ қилинаётган, ўлаётган”ни англатишини топсак бўлади. Бу бутунлай бериб юбориладиган нарса. Бу фидокорликдир, манфаатлардан ёки овунчоқлардан воз кечиш.

Жахоннинг кўпдан-кўп халқларининг диний эътиқодларида қурбонлик – бу турли худоларга асосан ерлик хосилдан ёки хайвонлар подшолигидан олинган, раҳм-шавқат сўраш ёки миннатдорлик билдириш мақсадида қилинган тухфадир. Бу “ифлосликдан тозаланиш ва руҳий софликка эришиш.” Мисол учун, Библияни олсак, унда эслатилишича, ибтидоий ота-онанинг ўғлонлари Худога қурбонлик келтиришган: Каин – ерлик мевалардан, Авел эса – подаларидан. Замонавий жаҳон динларида қурбонлик одамнинг ўз мол-мулкидан бирорта, ўзига ҳам ёқадиган азиз нарсасидан воз кечишининг рамзи сифатида кўрилади. Бироқ мазкур эътиқодлар ва рамзий расм-русумларнинг руҳий маънавий манбаларига чуқурлашсак, одамнинг

Худо билан муносабатини назарда тутган ҳақиқий қурбонлик нималигини тушуниш мумкин.

**Худога ҳақиқий қурбонлик – бу дегани одам ўз хаётининг меҳробига ўзининг Хайвоний табиатини қурбонликка келтириши, яъни кўпдан кўп хоши-истакларидан, ўткинчи ва вақтинчалик иллюзиялардан воз кечиши ва ҳақиқий Абадийликка – Худонинг дунёсига кириш имкониятига эга бўлишидир.** Ва қадим замонларда, одамзоднинг тонгида, Хайвоний табиатнинг сифатлари одамларга гўё ерлик меваларга ўхшаши тушунтирилди: улар аввал мафтун қилади, лекин тез чириб кетади. Фақат мана шу қисқа вақтингни Худога қурбон қилсанг, яъни, ўз устингда ишлаб, Хайвоний табиатингни қизиқтиришларидан воз кечсанг, сен Унинг Абадийлигига кириш имкониятини қўлга киритасан. Агарда руҳан ривожланиб, яхшиликлар қилсанг, хайвонларга ўхшаб, инстинктларга асосланиб яшаётган бошқа одамларга ўйғонишларига ёрдам берсанг, Худо учун бу сенинг подаларингни кўпайишидан бўлган қувончинга ўхшаш қувончдир. Ва қурбонликка ёки диндорнинг худолар билан мулоқот қилишга аталган, “алтарь” (лотинча “altaria”, “altus”, яъни “баланд” сўзидан пайдо бўлган) деб номланган жойини даставвал, қадим замонларда *белги* ёки *рамз* кўринишида белгилашгани бежизга эмас. Булар асосан *квадрат*, *доира*, *овал* (цилиндр), *куб* (*ромб*) шакллари бўлган. Мазкур барча чизгилар одам онгнинг ўзгарган ҳолатида бўла туриб чуқур хис-туйғули даражада бевосита Худо билан мулоқотда бўлиб бажарган руҳий амалиётларнинг тушунарли рамзлари бўлиб хизмат қилган. **Худо билан мулоқотнинг бундай хис-туйғули лаҳзаси эса фақатгина Шахснинг мазкур жараёнга бутунлай шўнғиганида ва унда фақат Малакий табиати устувор бўлганида содир бўлиши мумкин.** Руҳий Оламнинг фойдасига бундай танловини бажарар экан, шу билан одам ўз онгидаги моддий дунёда одатий бўлган Хайвоний табиатини устуворлигини онгли равишда “қурбонликка” келтиради. Кейинчалик, руҳий маънавий билимлар йўқотила бошлаганида, одамлар (лойдан, ёғочдан, металлдан бўлган) моддий қурбонгоҳларни қуришни бошладилар. Уларнинг шакллари ҳам рамзий маънога эга: булар ясси думалоқ ёки *овалсимон* тош, *квадрат* стол, *куб* ва *хоказолар* бўлиши мумкин эди. Уларни ибодатхоналарнинг *баландроқ* жойларда дунёни маълум томонига қаратиб ўрнатишни ва моддий қурбонликлар келтиришни бошладилар.

**Анастасия.** Ҳақиқатан ҳам, диний тизимларда жиддий алмаштириш содир этилибди.

**Ригден.** Ва у фақатгина руҳий маънавий дунёқарашни моддийга алмаштирилишида эмас. Бу ҳамма нарсани кўринувчи қилаётган

ёруғликни ўзингда йўқотганинг билан баробар. Алмаштирилиш одамнинг ўз хаётини моҳиятини ва атрофдаги дунёни тушунишда, ушбу дунёдаги вақтинчалик мавждуликнинг мақсад ва вазифаларини тушунишнинг илдизини ўзида содир бўлди.

Асосий руҳий маънавий ташкил этувчи қисми, Худога хизмат қилиш ва у билан узлуксиз алоқада бўлиш каби асосий руҳий маънавий йўналиш йўқолган. Шунинг учун Хайвоний ақл Иродаси осонгина одамларнинг онгини эгалламоқда. Натижада улар бу дунёнинг иллюзиясини асл маъно деб қабул қилишмоқда. Хаттоки авлодларнинг руҳий маънавий билимларини ўз қўлларида ушлаб турганлар ҳам бу дунё чангини – моддий фойдани ва ибодатчилар устидан одатий хукмронликни ортидан қувламоқда. Мағрурликдан кохинлар ўзларини мана шу бутунинсоний руҳий маънавий билимларнинг эгаси деб ҳисоблашди ва уларни фойда келтирувчи бизнес қуришда қўллашди. Бу бизнесда одамлар уларнинг қулларига ва доимий спонсорларига айланмоқда, яъни кохинлар ўйлаб топган формула бўйича яшамоқда: “Пул бер ва бизга хизмат қил”. Муҳим нарса – *Худога ва одамларга беминнат хизмат қилиш*, яъни одамга унинг Шахсини Қалби билан қўшилишига, руҳий маънавий озодликка мустақил эришишига имконият берувчи азалий маънавий Билимларни тарқатиш ва узатиш йўқотилган.

**Анастасия.** Ҳа, Хайвоний ақл замонавий одамларни ўз қулларига айлантирди. Қадимгилар шундай дейишган бўларди: ”Одам руҳий маънавий чўққига интилаётган эркин қушнинг ўрнига шамол хоҳлаган томонга учираётган қушнинг парига ўхшаб қолибди”. Одамлар аллақачон шуни пайқаганки, моддий фойдани ва хокимиятни чексиз кўпайтириш ўз ортидан одоб-ахлоқнинг яхшиланишини олиб келмас экан.

**Ригден:** Жуда тўғри. Хуллас, қурбонлик келтириш қадим замонлардан мавжуд. Шу билан эътибор бер, у *диннинг* барча ривожланиш шакллари хос – қабилавий, этник, умумдавлат, дунёвий. *Диннинг* асосий *форматида* унга сеҳрли ҳаракатдек, ғайритабиий кучларга, руҳларга, худоларга садоқатлик изҳор этиш ва улар ёрдамида ғайритабиий йўл билан материянинг ҳолатига (одамларга ва табиат ходисаларига) маълум таъсир этишга эришиш мақсадида қурбонлик(тухфа)лар келтирилишидек қаралган. Шу билан хилма-хил қурбонлик турларини ишлатишган. Масалан, ифлосликдан покланиш ёки руҳлардан бирор дунёвий нарса сўраш сифатида хушбўй ўтларни тутатиш. ”Куч”га эга жойларда, шаманларнинг руҳлари “яшаган” жойларда, тоғларнинг доvonларида, ”муқаддас булоқ”лар ёнида офатларни тинчлантириш учун рангли матолар парчаларини осиш...

**Анастасия:** Ҳа, шунингдек, келаси йилда мўл хосил териш ёки яхши ов қилиш, кейинги сафар кўпроқ балиқ тутиш мақсадида мевачилик, дехқончилик махсулотларини ҳам қурбонликка келтириш ҳолатлари маълум. Чорва кўпайиши ёки бу дунёда одамнинг ёки жамоанинг ишлари билан боғлиқ бирор нарса ҳақида илтимоснома сифатида хайвонларни ҳам қурбонликка келтиришган.

**Ригден:** Тўғри, яъни турли диний эътиқодлар тизимида қурбонликлар турли хилда бўлган, безарар хушбўй ўтларни тутатишдан бошлаб, то қурбонлика бокираликни келтириш, ибодатхонадаги гомосексуализм, одам танасининг қисмларини, хатто одам ҳаётини ҳам қонли қурбонлик қилишгача. Ва аксарият ҳолатларда буларнинг барчаси кохинлар томонидан моддий дунёдаги ҳокимиятга эга бўлиш, яъни ерлик мақсадлар учун бажарилган.

**Анастасия:** Энг қизиғи, булар нафақат қадимда рўй берган, балки хозир ҳам, динларда-ю, ўша Архонтларнинг ёпиқ маҳфий оккульт жамоаларида амалга оширилмоқда. Ва булар жаҳон ҳамжамиятининг аллақачон одамий қурбонликлар ва қадим замон кохинларининг шунга ўхшаш ёввойиликларини қоралаётганига қарамасдан содир бўлмоқда. Ишончим комил, нима учун шунга ўхшаш қурбонликлар одамзоднинг тарихи давомида бўлиб келганини ва хозир ҳам яққоллиги ҳақида ўқувчиларимизга билиш қизиқ ва зарур. Ўз вақтида бу мен учун ҳам янгилик бўлди. Нима учун диний тузилмаларда бунга катта эътибор берилган ва бериляпти? Рухий маънавий билимларнинг бу дунё материясига сидқидилдан хизмат қилишга алмаштирилиши қаердан келиб чиқди?

**Ригден:** Бу савол етарлича жиддий, албатта. Аммо бугунги одамлар бу ҳақда ўйлашни бошлаган экан, демак, унинг глобал маъносини тушунтириб беришимга арзийди. Аввал ҳам айтганимдек, моддий дунёда *Ягона Хайвоний ақл* мавжуд. Бугунги кунда хатто замонавий фан ҳам унинг асосан тирик мавжудотлар жамоаларининг хулқ-атворида кўринувчи алоҳида намоён бўлишларини қайд этмоқда. Масалан, бактериялар кворумининг кўпайишидан, хужайраларга хужум қилишидан бошлаб, хайвонларнинг жамоавий миграцияси, тажовузкорлиги, ўзини ўлдириши ва хоказоларгача. Айтиш жоиз, лотинча “quorum” сўзи “етарлича бўлганлар” маъносини билдиради, яъни жамоанинг сони етарлича. Фанда бу ходиса Жамоавий ақл дейилади. Кворум хисси (айниқса материя устидан устунликка, назоратга, қўлга киритишга, уни ютишга қаратилгани) микро- ва макро дунёда кўпдан-кўп жараёнларни бошқаради. Тиббиётда, масалан, саратон хужайралари ўзларини биргаликда ақли мавжудотдек тутиши кузатилган. Уларга препаратлар билан таъсир қилинганида, улар бир-



бирига сигналлар узатади ва вақтинча қотиб қолади, яъни препаратнинг таъсирини “биргаликда” тўсади. Хар бир хужайра кворумдан маълум сигналлар қабул қилиб, умумий ҳулқ-атвор (жамоавий ақл)га биноан ўзининг ҳулқ-атвори моделини ўзгартиради. Яъни, моҳият бўйича, бу ақлли организмдаги ақлли организмдир. Хозир биология соҳасида жамоавий ақлнинг устуворлиги яхши кузатиладиган асал арилар, чумолилар, сичқонлар, каламушлар, дельфинлар, катта сутэмизувчилар жамоаларининг хаёти бўйича кўплаб тадқиқотлар тўпланган.

Бир материянинг бошқасига нисбатан устунлигининг намоён бўлиши ҳамма жойда мавжуд, шу жумладан, коинотда ҳам. Худди шу ҳолатни астрономлар сайёраларнинг, юлдузлар туркумларининг ҳулқида ҳам кузатади. Масалан, мана, биздан унчалик узоқда бўлмаган Сомон Йулининг юлдузли кластерларида моҳияти бўйича вампир бўлган улкан юлдузлар мавжуд. Бу иккиталик юлдузлардир. Уларнинг бири “жуфтнинг” газ кўринишидаги материясини ўзига тортиб олади. Кейинчалик эса, уни бутунлай ютиб олади ва, қандайдир вақтга супергигант юлдузга айланади ва ўзининг хаётини узайтиради. Коинотда рўй бераётган жараёнларга сайёралар, галактикаларнинг жамоавий таъсири ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Одамзоднинг техник имкониятлари етарли даражада бўлмагани сабабли бу таъсирларни ўргана олмайди. Лекин бундай ходисалар мавжуд ва бунга билвосита тасдиқлар топса бўлади.

Шундай қилиб, Ягона Хайвоний ақлга бўйсунуш хар қандай материяга хос, шу жумладан, қисман моддий табиатга эга бўлган одамлар жамоасига ҳам. Ягона Хайвоний ақл умумий бошланишга (бу унинг ўзи) шунингдек жамоавий ва индивидуал ақллар кўринишидаги бўлинмаларига эга. Маъжозий маънода у худди кўпсатҳли тузулмага ва тузилишга эга мустақил организм каби. Дарвоқе, ”организм” сўзи юнонча “органон” сўздан пайдо бўлиб, ”қурол, асбоб” маъносини билдиради. Унинг бутун мураккаблиги ва бошқарувда тартибланганлигини тушуниш учун мен бир яхлит нарса бўлиб фаолият юритувчи одамнинг организмни мисол сифатида келтираман.

Организм хар хил ташкилий даражаларига эга (молекуляр, хужайравий, тўқимали ва хоказо). Унда умумий ақл (мия) мавжуд бўлиб, у барча биологик тизимларни ишини мувофиқлаштиради ва шу тариқа организм хаётини кўллаб-қувватлайди. Шунингдек органлар бўйсинадиган тизимлар мавжуд. Органларнинг хужайралари маълум белгиланган умумий ритмда ишлайди. Органик индивидуалликнинг энг кичик даражаси сифатида хужайра бор. У ўзининг тузулишига, ўздан кўпайиш, яшаш ва хоказо хусусиятига эга. Аммо ўша хужайра ҳам

органларнинг, ҳам тизимнинг, бутун организмнинг қисмидир. Материянинг умумий Хайвоний ақл тузулмасида ҳам шундай. У ерда жамоавий ва индивидуал ақлларнинг кўплаб бўлинмалари мавжуд. Улар маҳкам ўзаро таъсирда бўлиб, шу билан макро - ва микро дунёда ягона Хайвоний ақлга бўйсунувчи бутун бошли тизимларни ташкил этади.

**Анастасия:** Гарчи гап бошқарилувчи материя тўғрисида кетяпти экан, бунга Ариманнинг қандайдир алоқаси бордир?

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Ариман – бу ягона Хайвоний ақл устидан хокимиятга эга ва уни Худонинг дунёси учун моддий филтрлардан “соф Қалбни” ажратиш учун ишлатувчи кимсадир.

**Анастасия.** Ўйлайманки, ўзини мукаммалаштириш йўлида турган барча одамлар учун Хайвоний ақл одамда қандай ишлашини билиш қизиқарли.

**Ригден:** У ўз Иродасини турлича намоён қилади: Хайвоний табиатимиз орқали (орқа ва ёнбошдаги Моҳиятларнинг фаоллашуви орқали – улар унинг режимида ишлаганида), моддий тана орқали....

**Анастасия.** Ҳа, одамларнинг аксарияти кўзгуга қараб ўзини фақат ва фақат ундаги акси деб билишади, ўйлашадики, танаси — бу айнан уларнинг ўзлари, ҳалқнинг сўзи билан айтганда “ростаками”.

**Ригден.** Агарда одам фақатгина тана бўлганида, у танасини бошқариш бўйича ўта нозик жойларини билган бўлар эди ва организмда доимий равишда ўн минглаб ҳаётий зарур вазифа ва операцияларни бошқариш билан яшаган бўлар эди. Аммо жисмоний тана яхлит организм сифатида аксарият ҳолатларда Шахсдан автоном режимда ишлайди. Кўзгусиз-чи, одам ўз танасида нима кўряпти? Очиқ кўзлари билан кўзга кўринувчи дунёда шу ерда ва ҳозир у нимани кўряпти? У ўз онгининг “қоронғу хонасидан” фақатгина унга бу уч ўлчамли ташқи дунёни кузатиш учун аталган иккита “ойначалари” (кўзлари) имкон бераётган нарсаларни кўрмоқда. Шундай тарзда Шахс ўзи ҳақида ёки дунё хилма-хиллиги ҳақида кўпни кўра ва била олармикан? Нахотки унинг фикрлари ва эмоциялари онгининг маҳсулоти бўлса? Улар қаердан ва қандай пайдо бўлишини одам билармикан ўзи?

Хайвоний ақл, у ёки бу тарзда, доимий равишда ўзининг бўлинмаси – одамнинг моддий дунёга тегишли Хайвоний табиати орқали одамга ўз таъсирини ўтказади. Аксарият ҳолларда одамлар буни тушунишмайди ҳам. Фикрлар мавжуд ва одам уларни ўз “мулки” деб ўйлайди. Одам ўзининг икки табиатли эканлигини билмас ва, табиийки, буни ўзида

кузатмас экан, Хайвоний ақлдан келиб чиққан фикрларни ва ҳаракатларни ўзида ушлаб олиши қийин. Оқибатда Хайвоний ақлнинг намоёндаларини ўзининг фикрлари, истаклари, эмоциялари ва хоказо деб қабул қилади. **Одам, аслида фақатгина ўз Танловида эркин, фикрлардан озод эмас, чунки Шахс (Кузатувчи) уларни яратмайди, у иккита оқим ўртасидан бирини танлайди:** Малакий табиатнинг фикр ва рағбатлари (Унинг Иродаси)ни ёки Хайвоний табиатининг фикр ва истаклари (унинг Иродаси)ни. **Яъни одам ўзига ёққан ёки мафтун этган Иродани танлаб, унга ўз эътибор кучини беради, сўнггиси эса ҳаракатни туғдиради. Одам Танловининг энг асосий лаҳзаси айнан шундан иборат.**

**Анастасия.** Ҳа, одам унга ёпирилиб келаётган кайфиятни, эмоцияни, фикрни қабул қилиш ёки қилмасликни танлайди, холос. Кўплаб ўқувчиларимиз амалиётда кун давомида фикрларини кузатиб, буни тушунмоқда. Мана, масалан, одамларнинг хатларида одатий ҳолат кўрсатилмоқда: “Неча маротаба кузатдим, аввалига барчаси яхшидек бўлади, кейин эса бирданига салбий фикр пайдо бўлиб, кайфиятим тушиб кетади. Барчасига лоқайдлик, ички таранглик, ҳавотир, қурқув туйғулари пайдо бўлади. Лекин мен буни хохламаган эдим, булар ўзидан ўзи содир бўлади, менинг истагимдан ташқари. Энг қизиғи шундаки, тўсатдан келган салбий фикр ёки эмоцияларга аҳамият бермасдан, ўзингни мақсадли бирор яхши фикр ёки яхши ишда мужассамлаштирсанг, бироз вақт ўтиб негатив чекинади, гўё бундай ҳолат асло бўлмаганидек. Аммо, ёмон кайфиятга эргашсанг, ўзингга раҳминг келса ва хоказо, хуллас, салбий эмоцияларга эътибор берсанг, бундай ҳолатинг кучайиб боради ва сенда яшашни, аниқроғи, паразит каби ҳаётингни захарлашни бошлайди. Бундан кейин медитацияни бошлаш ҳам оғирроқ, ўзимни мажбурлайман. Аммо руҳий амалиётни бажарар экансан, ана энди ҳақиқатдан ҳам сенда туғма бўлган ички озодлик, бутун борлиққа улкан Миннатдорлик ва Мухаббат туйғусига, фикрлар софлиги ҳолатига ўтасан...”

**Ригден.** Шубҳасиз, ўз устингда ишлашнинг моҳияти мана шу ўтишда, Хайвоний табиатингни фикрларини менсимамай, Малакий табиатинг устуворлигини танлашинг ва таъкидлашингдадир. Хайвоний ақл одамларни ўз руҳий маънавий табиатига қарши туришга, фақат материянинг афзаллигига, ўзининг “бўлинмас”, ”ўлмас” моддий танасига ишонишга мажбур қилади. Одам депрессияга, ўзини айблашга тушиб қолса, ёки, аксинча, моддий хохиш-истаклар, дунёвий шон-шухрат, бойлик ва хоказоларнинг кетидан қувса – буларнинг барчаси унинг шу лаҳзада ўзи аҳамият бермаган ҳолда Хайвоний ақл Иродасига ва унинг тизими томонидан осонгина бошқарилаётганлигининг далолатидир.

**Анастасия:** Аслида, одам Хайвоний табиатидан келаётган ва уни қамраб олаётган фикр ва моддий истаклар мавжудлигидан Хайвоний ақлнинг намоён бўлиш лаҳзаларини кузата олади.

**Ригден.** Ҳа, аммо, бу жараёнда қатнашмай ва уни кучайтирмасдан, балки бундай лаҳзаларни *ўзида кузатиш* шарти билан. Хайвоний ақлнинг инсон ҳаётини бошқариши шунчалик одатий-ки, инсон бунини деярли англамайди, унинг намоён бўлишини ўзининг фикрлари, хохишлари, одатлари, характери ва хоказоларга йўяди. Лекин Хайвоний ақлга яққол бойсуниш руҳшунослар айтганидек экспрессив, ундан каттароғи – ҳаракатдаги оламонда кузатилади, агарда унинг фаоллашувидаги асосий лаҳзани Хайвоний табиатнинг устуворлиги ташкил қилса. Мана шу айнан Хайвоний ақлнинг устунлиги, унинг “қайнаётган” оламонда жамоавий ақл орқали намоён бўлишидир.

Умуман, барча “характерли” индивидлар оламонда ўзининг “индивидуаллигини” жуда тез йўқотишларини тушуниш керак. Улар жамоавий ақлнинг умумий қозонида эгилувчан бўлиб қолишади. Бундай муҳитда ҳамма умумий ҳаяжон, импульсивлик, тез, англолмаган ўзаро ёрдам бериш билан тезкор зарарланади. Хуллас, оламонда одамлар ўз қиёфасини йўқотиб, оммага айланишади. Индивид ўзини англай олмай қолади, унда *оламоннинг умумий Иродасига* хос эмоция ва шиддат ўйғонади. Устига устак, бу шиддат ва истаклар чекловларга ва одамнинг ўзини одатий кундалик назоратига бўйсунмайди. Яъни, одамлар ҳам моддий дунёнинг қисми эканлигини инобатга олсак, одамлар жамоасига (Хайвоний ақлга бўйсунган) жамоавий ақл хосдир.

Оламонда турган ва Хайвоний ақл Иродасига итоат қилган одам билан ўз ҳақиқий индивидуаллигини сақлаб қолган холда бирор гуруҳда турган одамнинг ўртасида аҳамиятли фарқ бор. Биринчи ҳолатда одамнинг онгида мутлақо Хайвоний табиати устун, онги торайган ва унда фақат хайвоний инстинктлар, моддий хохиш ва рағбатлар фаолдир, Малакий табиати эса тўсилган. Тўдада индивид Шахс сифатида бекор қилинади, ягона Хайвоний ақлга эга оламон организми мавжуд, холос. Аммо инсонда унинг Малакий табиати устувор бўлса ва у биргаликда умумий эзгу, бунёдкорлик ишларини бажараётган ҳамфикрлар гуруҳида бўлса, бу ҳолатда ўзининг асл индивидуаллигини сақлайди, бу ерда унинг Шахсининг Қалб (Худо) билан алоқаси назарда тутилмоқда. У бошқа инсонларни хис эта олади, улар билан битта “тўлқинда” бўлиб, уларнинг муваффақиятларидан хурсанд бўлади, лекин онги кенгайган, ва у доимий равишда ўз эътибори ва чуқурликдаги туйғулар орқали Қалби билан доимий индивидуал алоқани сақлаб туради. Шунга ўхшаш жараён жамоавий медитациялар вақтида ҳам содир бўлади, уни

одамлар биргаликда бажаришса-да, аммо хар бири ўзининг Малакий табиати билан шахсий алоқада бўлади.

**Анастасия.** Жамиятда Малакий табиат тўғрисидаги таянч азалий Билимлар йўқолиб, қолган-қутганлари эса динлар томонидан астойдил қайта ишланганлиги боис, одамларга жамиятда ва хар бир одамда Малакий табиати Иродасининг устуворлиги нималигини тушуниш қийин. Бугун бу нарса “ердаги жаннат” ҳақида афсона бўлиб эшитилмоқда. Лекин Хайвоний ақл Иродасини оламондаги устуворлигига тегишли мисоллар кўпдан-кўп, гарчи одамларнинг асосий қисми кўзга кўринмас таъсир этувчи кучнинг моҳиятини, умуман бундай ходиса одамлар жамиятига қандай сабабларга кўра хослигини тушунишмайди. Замонавий фанда ижтимоий рухшунослик масалаларида оламон хулқининг муаммоларини ўрганиш бўйича анчагина тадқиқотлар мавжуд. Улар билан танишиб, ўша тажовузкорона ҳаракатланаётган оламонга Хайвоний табиатнинг барча сифатлари хослигини тушуниш мумкин.

Мисол учун, *тажовузкор оламонни* жахл ва ёвузлик, кўзни кўр қилувчи нафрат каби ягона эмоция ҳаракатга келтиряпти. Ва мана шу, одамнинг руҳий маънавий табиатига бегона Ирода оламондаги одамларнинг ҳаракатларини вайрон қилиш ва ўзи кабиларни ўлдиришга йўналтиради. *Ваҳимага тушган оламонни* ягона кўркўв эмоцияси қамраб олади. Унинг таъсирида одамлар, хар қандай хайвонлар тўдаси каби, қочиб қутқарилиш мақсадида ваҳимада ўзининг қариндошларини оёғ остида қолдириб кетиши мумкин. Бунақа пайтда одамлар инсонийликни йўқотишади, хайвоний инстиктлар устуворлигига эга мавжудотларга айланишади, фақат ўзини қутқариш истаги ва кўркўвдан “бошини йўқотишади”. *Тўловчи* деб номланувчи *оламоннинг* устувор эмоциялари – бу Хайвоний табиатнинг хасислик, катта моддий бойликка эгалик қилиш истаги каби сифатлари. Ёки, масалан, барча инқилоблар ва хокимият ағдарилишларининг ўзгармас атрибути бўлмиш *кўзғолончи оламон*. Уни ўз “ақлсизлигида” бажараётган ҳаракатларига караганда, бу Хайвоний ақл Иродасининг айни ўтказувчисидир: одамларни ўлдириш, қирғинлар, ёкиб юборишлар, қуролларни қўлга киритишга интилиш, ўзбошимчаликка, вахшийликка, ёвузликка ва хоказоларга мойиллик.

**Ригден.** Мутлақо тўғри. Бунинг асосида Хайвоний табиат Иродасини ўтказувчи эмоция, шунингдек яна ўша таъсир этиш ва бир материянинг иккинчисидан устувор бўлиш қонунлари ётибди. Одамзоднинг аксарияти Хайвоний ақлнинг таъсири ҳақида умумий таасуротга ҳам эга эмас, лекин унинг оламоннинг хулқ-атвори каби турли хусусий кўринишлари айниқса хар хил мамлакатларнинг махсус хизматлари

томонидан синчиклаб ўрганилмоқда. Унданда кўпроғи, одамларнинг оламонда онгсиз ҳаракатлари фактларини қўллайдиган технологиялар маълум сиёсий ёки диний мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқарилиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда .

Масалан, аввалдан маълумки, энг одатий кўча ходисаси, йўл-транспорт ходисасини олайлик, қизиқувчан йўловчилар кўринишида *тасодифий оламонни* тўплайди. Мазкур оламон ходисанинг бир хил турдаги эмоция билан зарарланади, яъни руҳшунослар айтганидек, “айланма реакция” содир бўлади (оламондаги кўпайиб борувчи эмоционал зарарланиш). Одатда, бу ким нимани кўргани, ким қандай хайдагани, қандай бурилгани, ҳайдовчиларнинг қайси айбдорлиги ҳақида муҳокамадан бошланади. Бундай эмоционал эҳтиросларни кучайишидан оламоннинг тасодифийдан *экспрессивга* трансформация бўлиши ҳеч гап эмас. Энди муҳокама мавзуси йўл-транспорт ходисасидан йўлларнинг сифати дахшатлилиги, турмушнинг ёмонлиги ва жамиятда тартиб йўқлигида айбдорларни излашга ўзгаради. Бундай эмоцияларнинг қиздирилишидан оламонни *ҳаракатланувчига* трансформация бўлишига узоқ эмас.

Эҳтимол, булар айнан қандай амалга ошишини яхшироқ тушуниш учун, оламоннинг шунга ўхшаш зарарланиш эффектларига асосланган махсус хизматлар қўллайдиган ҳокимият алмашиш технологиясининг классик чизмасини келтирсам. Ваҳоланки, бундай усулларни рақиб давлатлар ҳам, мамлакатлар ичидаги хизматлар ҳам қўллайди. Масалан, таҳминан бир пайтнинг ўзида, пойтахтнинг ҳар хил нуқталарида “тасодифан” йўл-транспорт ходисалари рўй беради. Табиийки, “томошабинларнинг” тасодифий тўдалари йиғилади, уларнинг орасида ўз нутқлари билан тасодифий оламонни ҳаракатдаги оламонга айлантириш бўйича мутахассислар пайдо бўлишади ва улар оламонни тартибсизликлар ва бузғинчиликларга, бир ҳокимиятни бошқаси билан ағдарилишига йўналтиришга қодир. Дунёнинг ҳар ҳил давлатларида тайёрланган ва сунъий тарзда содир бўлган қатор рангли инқилобларни кузатиб, оламоннинг шунга ўхшаш, лекин бошқа йўллар билан зарарланишини ва Хайвоний ақлнинг оламонда намоён бўлишини келтириб чиқарувчи схемаларини кўриш мумкин.

**Анастасия.** Буни кўпчилик билмагани қайғулидир, оқибат сифатида – мазкур технологиялар оламонда хали-ҳамон ўз ишини қилмоқда. Агарда одам уларни билганида эди, у бегона қўлларда навбатдаги шахмат пиёдаси бўлмас эди, ўзининг Малакий табиатида ёд бўлган Иродага онгли равишда бўйсунмаган бўлар эди, ва, ўз Шахсини моддий устуворликлар билан оғирлаштириб, бу Ироданинг фаол ўтказувчисига айланмаган бўларди.

Аммо, эхтимол бу нарса одамнинг кундалик турмушида ўз Хайвоний табиатининг фикрлари ва эмоцияларини афзал кўриб яшаши одатга айланганлиги учун ҳам содир бўлаётгандир. Устига устак атрофдагиларнинг хулқ-атворини нусхалаш одамга хосдир. Кўпчилик эса бугун фикрларининг софлиги ҳақида қайғурмайди. Жамиятда “хайвоний кайфият”нинг бирор яхши, ижобий, руҳий маънавий нарсадан кўра тезроқ ўтказилиши, эхтимол, шунинг учундир. Унинг устига ахоли ўртасида худди бикфорд пилтасидагидек тарқалади. Одамларнинг кўпчилиги бундай ходисалар билан тўқнашади, лекин, афсуски, уларни хар доим ҳам англамайдилар.

Масалан, ўз қариндошини ёки танишини учратган киши бугун ёки яқин кунлар ичида учратган ва унга ўзининг салбий ҳаракатлари ёки сўзлари билан кучли таасурот қолдирган кимса ҳақида гапира бошлайди. Қизиғи шундаки, одамлар нафақат “ўзининг тинчлигини бузган” кимсанинг айтган гапларини узатади, балки унинг вазоҳатини, у ёки бу сўзларга урғу беришини аниқ нусхалашга, имо-ишораларини аниқ кўрсатиб беришга уринади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу маълумотни утказётган одамни Хайвоний ақл худди шундай эмоциялар ва куч билан қамраб олади. Устига устак, ўзи бунга тушунмаган ва англамаган холда у, ўтказувчи каби, ўз танишларига, оила аъзоларига, ишхонадагиларга негативни зўрлаб тикиштириб, улар орқали уни янада узокроққа ўтказмоқчи бўлади. Хуллас, бундай ходиса дунё жамоасида қанчалик тарқалганлигини, одамзод масшабда одамлар бунга қунига неча бор амалга оширишларини инобатга олсак, анчагина қайғули холат тасвирланмоқда.

**Ригден.** Одамлар атиги бундай вазиятларнинг сабабини тушуниши, Хайвоний ақлнинг Иродасига бефарқ бўлиши ва унинг навбатдаги ўтказувчиси бўлмаслиги керак. Акс холда, агарда одам ушбу лаҳзада, масалан уни қизиқтирган суҳбатга кўп шахсий эътибор берса, у ўзи ҳам бундан зарарланиб, Хайвоний ақлнинг кейинги ўтказувчисига айланади. Бундай зарарланишнинг оқибати сифатида, одам мазкур “янгиликни” бошқа танишларига айтиб беришга чанқоқ бўлади, унинг устига, кўпинча Хайвоний табиатининг фириби билан (кимнидир хукм қилиш ёки камситиш, устидан кулиш бахонаси сифатида) ва худди шундай эмоцияларнинг нусхаланиши муқаррар. То-ки одамлар ўз Хайвоний табиати ҳақида билмас ва ўзидаги намоён бўлишларини кузатмас экан, шунда у одамларда кучли бўлаведи.

**Анастасия.** Шуниси ҳам қизиқки, бирор яхши, руҳий маънавий маънода аҳамиятли хабарлар Хайвоний табиатдан чиққан эмоционал янгиликларга қараганда у даражада тез тарқалмайди. Ва ўзига хос

томони, эзгу янгиликларни узатаётиб, одам буни ўз овози билан айтишга ҳаракат қилади, гўё мазкур янгиликдан бирор доноликни ўзидан хотирлагандек.

**Ригден:** Минг афсус, замонавий одамлар Руҳий оламнинг ўтказувчилари бўлиб хизмат қилиши унчалик кенг тарқалмаган. Шунинг учун улар телевизорда бўлаётганларни кўради-ю, лекин телевизорсиз уларни кўрмайди, одамнинг сўзларини тинглайди-ю, лекин уни сўзсиз тушунмайди, улар китобларни турли тилларда ўқийди-ю, лекин ўз хаётини китобини ўқий олмайди. Улар ўз хаёт дарёсининг оқими бўйича юришга интилади, оқимга қарши туради, бунда ҳам маъно излаб, аммо яшашдан мақсади бошқа қирғоқдалигини тушунмайди. Кўпчилик кўр-кўрона Хайвоний ақлга хизмат қилиб, нарсаларнинг ўлик кўриниши билан яшайди. Лекин яратувчилик туғдирадиган нарсалар билан, руҳий маънавий бунёдкорлик билан яшаш керак, Руҳий дунёга хизмат қилиш керак. Фақат шундагина одам воқеаларни кўра олади, одамларни тушуна олади ва ўз хаётини Малакий табиат Кузатувчиси ўрнидан ростлай олади.

**Анастасия:** Замонавий жамиятнинг энг оғриқли мавзуларидан бири – айрим одамларнинг спиртли ичимликлар ва оғуға тобелиги ҳақида ҳам гапириб ўтсак. Ўз вақтида Сиз Хайвоний ақл шу заҳарлар орқали қандай қилиб Шахсни ўзига бўйсундириши, Шахс учун уларга билинмасдан боғланиш қандай пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши ва руҳий маънавий табиатига зид бўлган бундай таъсир остига тушиб, одам нимани йўқотиши тўғрисида гапириб берган эдингиз.

**Ригден:** Ҳа, бу ўзгача мавзу. Хайвоний ақлнинг одамни ўзига бутунлай бойсундириш усули – унда спиртли ичимликлар ёки наркотиклар қабул қилиш истагини кўзгатиш. **Одам алкоголь ёки наркотикларни қабул қилишни бошлаганида, Хайвоний ақл ундан бутунлай устувор бўла бошлайди, қулга айлантриб, Малакий табиатининг кучини намоён бўлишининг хар қандай имкониятларини тўсади.** Нейрофизиология сатҳида мувозанат бузилиши рўй беради, мия нейронларининг кўпчилиги тўсилиб қолади. Одам ахборотни энди яхши қабул қила олмайди. Лекин унда Хайвоний табиати фаол устунликда, у ўзига “қахрамондек”, бу дунёда унга ҳамма нарса мумкиндек туюлади. Мана шундай “совунли пуфак” (иллюзия) аслида, одам ўзи шундайлигидан эмас, балки Шахснинг онги бошқа, бутунлай Хайвоний табиатига итоатидаги режимга ўтгани учун пайдо бўлади. Малакий табиат учун – бу ҳалокат, бу мажозий маънода, ўлдирувчи заҳарли муҳитга Қалбни жойлаштириш билан тенг. Унинг кучи шундоқ ҳам “ёруғлик филтрлар” – субшахслар билан қисман тўсилади. Янги Шахсдаги Хайвоний табиатнинг бундай мутлоқ



устунлиги эса уни охириги имконияти ва умидидан махрум қилади. **Спиртли ичимликлар ва наркотиклар одамни Хайвоний ақлнинг қулига айлантиради ва кичик дозаларда ҳам ундаги рухий маънавий нихолни ўлдиради.**

Вақт ўтиб одамда алкогольга ёки наркотик моддаларга тобелик ривожланади ва у буни фақат инкор этади. Шу билан одам, ҳар хил бахоналар келтириб (урф-одатлар, байрамлар, туғилган кунлар, шахсий стресслар ва хоказо) бу заҳарни истеъмол қилишни қатъиятлик билан давом эттиради. Натижада у ўзининг рухий маънавий асослари йўқолаётганини, ушбу тобелик унинг одамийлик табиатининг хайвоний инстинктлар даражасига туширишга утаётганини, Шахси таназзулга учраётганини сезмайди. Мастлик ҳолатидаги кишилар ахборотни тўғри қабул қилмаслигини айтиб ўтган эдим. Аксарият ҳолларда мастлик (заҳарланиш деб ҳисобланг) пайтида улардаги устувор нарса – бу Хайвоний табиатидан келиб чиққан ўзини яхши кўриши, ғурури, нафсининг руёбга чиқмаган истаклари, улкан мақсадлари амалга ошмаганлиги ҳақидаги овоз чиқариб фикрлаши. Бу ростдан ҳам ҳақиқий ҳалокат, биринчи навбатда, Шахсининг ўзи учун.

Ўзининг рухий маънавий ривожланиши билан жиддий шуғулланган инсонларнинг организми ушбу заҳарларни (алкоголь, наркотикларни) жисмонан қабул қилмайди. Нима учун? Чунки, мазкур токсик моддаларни қабул қилган пайтда нариги, Рухий дунё билан нозик алоқа бўзилади, замонавий тилда айтганда, экстрасенсор қобилиятлар йўқолади. Алкоголь ва наркотикларнинг таъсиридаги одам кўзга кўринмас дунёдан келаётган ахборотни ўқишга қодир эмас, унинг ғайритабиий қобилиятлари ўчиб қолади. Бундай ҳолатида одам фақат Хайвоний ақл Иродасининг намоён бўлишини идрок қилади, бу Иродани эса одам ўзининг фикр ва хохишлари деб ҳисоблайди.

Булар узоқ қадимда маълум бўлган. Буларни ҳозир ҳам яхши билишади. Масалан, Совет Иттифоқида кучли Махсус хизматлар тизими фаолият юритган. Уларнинг таркибида паранормал ходисаларни ва айрим хизматчиларининг, масалан, слиперларнинг экстрасенсор қобилиятларини ўрганиш ва ривожлантириш билан шуғулланувчи бўлимлар ҳам бўлган. Шундай қилиб, уларнинг озиқ-овқат таркибидан хатто қатиқ ҳам олинар эди, алкоголь ва наркотиклар эса қатъиян таъқиқланганлигини гапирмаса ҳам бўлади. Тамаки чекиш аслида руҳсат бериларди, никотин ва қорасақич организмга интоксикация берса ҳам, кўзгули нейронларни тўсмайди, демак, кўзга кўринмас дунё билан бемаълум ишлашга, керакли маълумотни ўқишга имкон беради.

Шунинг учун, оз миқдорда бўлса ҳам спиртли моддалар истеъмол қилган одам, бунинг муддатини аҳамияти йўқ, Шахс сифатида руҳан таназзулга учрайди. **Агарда спиртли ичимлик ёки наркотик қабул қилиш истаги пайдо бўлса – булар ўз Хайвоний табиатинг хокимияти остидалигингни илк белгиларидир.** Демак, онг устуворлигини бошқа томонга ўтказиш чораларини кўриш, эътиборни кўпроқ ижобий лаҳзаларда, спорт, жисмоний меҳнат билан шуғулланишда жамлаш зарур. Таъкидлаш лозим, агар одам спиртли ичимлик ёки наркотик модда истеъмол қилишдан бутунлай воз кечса, организм вақт ўтиб тикланади ва одам ўз Шахси учун руҳий маънавий ривожланиш имкониятини қўлга киритади.

Материянинг онги ниҳоятда фаол. Худога “ишонмайдиган” моддий таффакурга эга одамларга алкоголь ва наркотиклар ёрдамида “чексиз озодликка” чиқиш мумкин, деган фикрни юкланиши ҳам айнан унинг намоён бўлишлари. Худога “ишонган” одамларга алкоголь ёки наркотиклар ёрдамида қандайдир яширин ўрганишнинг ёки “руҳий маънавий чўққиларни забт этишнинг “имкониятларидан” бирига эга бўлиш мумкин, деган фикрлар тиқиштирилиши ҳам унинг намоён бўлишлари. Мана шу фикрларнинг ҳаммаси – Хайвоний табиатнинг иллюзияси, у хар қандай тарзда, одамларни Хайвоний ақл Иродасига доимий тобе бўлишга итариб туради, шу захарни навбатдаги миқдорини қабул қилиш билан боғлиқ жозибадор фикрий шакллар яратади.

**Анастасия.** Кўпчилик яққол фактларни кўрмайди, нима учун улар билан, уларнинг танишлари билан бу нарса содир бўлаётганини, нима учун жамиятда ҳалигача бу муаммо мавжуд, деб ўйланмайди ҳам. Улар: ”Алкоголга бўлган турғун қарамлик қандай пайдо бўлиб шаклланади? Ким уни жамиятга киритди ва Малакий табиатни ўлдирувчи “урф-одат”ни ким фаол қўллаб-қувватламоқда? деган саволлар устида ўйланмайди ҳам. Ахир одам нафақат ўзини, ўз Шахсини ўлдирмоқда, балки атрофдаги жамоада ҳам муаммолар туғдирмоқда.

Айниқса кишининг зиммасида оиласи, фарзандлари учун маъсулият булса, бу янада катта фожеа. Ахир гап унинг фарзандларини қанчалик моддий нарсалар билан таъминлашида эмас. Гап у *ўзининг хаёт намунаси* билан уларга қанча маънавий қадриятлар беришида. Фарзандлар – бу шахсий мулк ҳам, қариганида таянмоқчи бўлган “хасса” ҳам эмас. Улар биринчи навбатда, тоза варақдек онгига эга янги Шахслар-ку. Улар бу дунёга, барчамиз каби, руҳий озодликка эришиш имкониятини топиш учун келган. Бу янги Шахслар болалигидан ўзлари учун обрўли одамлардан, асосан улар учун кўп жихатдан намуна

бўлмиш ота-онасидан яшаб ўтган аجدодларнинг хаёт тажрибасини қабул қилишади. Агар оилада спиртли ичимликлар қабул қилиш “урф-одатлар”и бўлса, болага ёшлигидан салбий тажриба ва Хайвоний табиатга итоат қилишнинг ўрнатмаси кўрғазмали равишда сингдирилади. Оилавий байрамларда қадақ кўтарган катталар бу ишни безарар деб ўйлашади, чунки унинг моҳиятини ва узоқликдаги оқибатларини тушунмайди.

**Ригден:** Улар нафақат ўз фарзандларининг, балки уларнинг келажакдаги авлодларининг Қалбларини азобга солаётиб, бу билан қандай қайғуга асос солаётганини тушунмаяпти. Аммо, ҳар бир одам биринчи навбатда ўз устида ишлашни бошласа, яшаётган жамиятнинг ўзини яхши томонга фаол ўзгартира бошласа, вазиятни тўғирласа бўлади. Ҳа, жамиятга таалуқли нарса. Алкогол ва наркотик моддаларини ким оммалаштираётганини ва нима учун бу хануз давом этаётганини билиш учун бу ерда илдизига қараш керак. Ушбу маълумотларни бугунги кунда ҳам бемалол топиш мумкин. Спиртли ичимликларни ва наркотикларни биринчи бўлиб ҳалққа тақдим этиб, оммалаштиришни бошлаганлар – бу ишнинг яққол фойдасини кўрган қоҳинлар ва сиёсатчилар эди. Лекин нима учун? Чунки руҳий маънавий ташкилий қисми тўсилган Шахс бегона Ироданинг таъсирига осонгина тушиб қолади. Хайвоний ақлнинг ўтказувчиларига уларни оламоннинг қисми (“биомасса”) сифатида бошқариш, онгини ўз ҳийлаларига ўйнатиш осонроқ.

Бугунги кун воқеликларига назар солиш кифоя. Нима учун бутун дунёда бу ҳодисалар билан кураш ошкор олиб борилса-да, аслида саҳна ортида буларнинг барчаси яширикча рағбатлантирилаяпти? Худди қадимдагидек, бироқ энди янада оммалашган тарзда, нафақат маҳсулот ва унинг рекламаси орқали, балки босма-қолипларни шакллантириб, уларни жамиятнинг оммавий маданиятига сингдириш орқали ҳам алкоголь ва наркотиклар тарғибот қилинаяпти ва тарқатилаяпти. Масалан, оммавий ахборот воситаларининг, оммабоп маданий лойихаларнинг, бадий фильмларнинг ёпирилма таъсири орқали. Аҳир яхши кўрган актёрларининг сиймолари ва уларнинг “одатлари” орқали одамни қолипли кодлаш, тизимга бўйсундириш осонроқ, чунки, айтганимдек, ҳар қандай индивид тақлид қилишга мойил. Хуллас, барчаси бир қарашда оддий бўлиб туюлгандек эмас.

**Анастасия:** Афсуски, булар бугунги куннинг ҳақиқатидир.

**Ригден.** Лекин одамларнинг ўзлари жамиятда тартиб ўрнатишларига нима тўсқинлик қиляпти? Шахсга ўз фикрларини интизомга келтиришга ким ҳалал берапти? Барчаси одамларнинг ўзларининг кўлида. Одам ўзи

бошқалар учун яхши намуна бўлиб хизмат қилиши керак, бу маънода ҳеч бўлмаса ўзи ва атрофдагилари учун бунга нисбатан қулай муҳит яратиши, спиртли ичимликлар ва наркотикларни қабул қилишни қўллаб-қувватламаслиги ва ўзи ҳам бундай хайвоний тобеликни тарқатиш учун шароит яратмаслиги керак. Оммавий маданиятда руҳий маънавий билимлар, маданий-ахлоқий қадриятлар, ҳақиқий Инсон сиймоси намуналари оммалаши учун қўлидан келганини қилиши керак.

**Анастасия.** Одамлар бу билимни чуқур англаб олади, деган умиддаман. Агар мумкин бўлса, Хайвоний ақлга тегишли яна бир неча лаҳзаларни ёритиб берсангиз. У асосан жамоавий ва индивидуал онглар, яъни ўз бўлинмалари орқали ишлашини айтдингиз. Одамларнинг жамоаси мисолида унинг намоён бўлишларини янада кенгроқ тушунтириб берасизми?

**Ригден:** Бу жараёнларни микродунёда ҳам, макродунёда ҳам кузатиш мумкин. Ўз табиатининг иккиланганлиги туфайли одамлар нафақат онгли равишда уларни ўрганиши, балки жамиятни ҳақиқатдан ҳам руҳий маънавий асосда қуриши мумкин. Ахир руҳан ривожланаётган одам ўз Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи бўлиши, ва шунга кўра, Хайвоний ақлнинг намоён бўлишларини тушуниши мумкин. Одам, руҳий маънавий табиатига зид бўлган Иродани ўз ҳаётига аралашувига йўл қўймасдан, унинг ҳаракатларини кузатишга ва ўз ривожланишини тўғирлашга қодир. Жамиятда ҳам шундай. Масалан, ҳозирги кунда омма кайфиятининг табиатини ўрганиш ва кузатиш бўйича талайгина илмий ишлар мавжуд. Бироқ уларнинг аксарияти ҳалқни сиёсатчилар ва қоҳинлар томонидан бошқарилишининг натижаларига келиб тақалади. Аммо моҳият бунда эмас. Хатто шу илмий ишларда ҳам ғоят қизиқарли лаҳзаларни учратиш мумкин.

Кайфият руҳиятнинг хосиласи. Маълум омилнинг ҳаракати ҳисобига бирлашган масса (одамлар галаси, оламон) оммавий кайфиятнинг субъекти ҳисобланади. Бундай омил бўлиб *эмоциялар, хис-туйғулар* ва одамларнинг хулқ-атворини акс эттирувчи бошқа психологик намоёндалар хизмат қилади. Омма пайдо бўлишининг турткиси – бу, одатда, *салбий характердаги* ғийбат гаплардир. Улар одамда яширин норозиликни туғдиради (орқа ва ёнбош Маҳлуқотларнинг фаоллашуви боис).. Бундай ғийбат гаплар нақадар тез тарқалиши ва одамлар Хайвоний ақлнинг ўтказувчилари бўлиб осонгина хизмат қилиши ҳақида биз гапирган эдик. Одамларнинг аксарияти бу ғийбатларга *ишонса*, яъни уларга *ўз эътибор кучини* сарфласа, шунга кўра, ўзлари ҳам ушбу Ироданинг ташувчисига айланади ва унинг тарқалишига ёрдам беради.

Одатда, гаплар занжири “биз” ва “улар”ни қарши кўйишда тизилади. Одамларнинг онги жорий жараён томонидан тўсилиб қолади ва кескинлик учоғини туғдирган асл сабабни, илдизни улар кўрмайди. Шунинг учун одамлар ўз хаётини яхшилаш ниятида кўчада оламонга бирлашади, аммо барчаси хафсаланинг йўқолиши ва хаётининг ёмонлашуви ёки қонли тўқнашувлар билан тугайди. Бирор ҳаракатни дўстона қўллаш учун кўчага чиққан одамлар оламонга тушиб қолгач, шахсан ўзи билан нима рўй берганини ва ҳамма билан бирга югуришга, ўзи яшаб турган шахрининг инфратузилмасини вайрон қилишга уларни нима ундаганини тушунмай қолганлиги ҳақида тарихда кўплаб мисоллар мавжуд.

Шундай қилиб, оммавий кайфиятга хос сифатлар: рағбат, унга бўлган реакция ва ҳаракатга тайёр туриш. Бундай омма вазиятли пайдо бўлади ва бир хилдаги рағбатларга ўхшаш муносабатни билдиради. Уни психик алоқа боғлайди, ўз навбатида бу алоқа *ўхшаш эмоция ва импульслардан* хосил бўлади. Бу кўпчилик учун бир хил бўлган ўзгача психик ҳолат. Шу билан у маълум бузғинчи зарядга ва яширин салбий йўналишга эга. Агарда тўдадаги фикрли шаклларнинг энергиясининг ҳаракатини қайд этиш имкони одамларда бўлганида эди, уни *соат милларига қарши йўналишда айланаётган спирал* эканлигини улар кўрган бўларди. Бир хил гаплар ва эмоциялар қайта-қайта янграйди, бир-бирини қиздирувчи ўтказувчиларнинг ортиб бораётган хаяжони ва нотикни тинглаш ёки вазиятни ўрганиш истагида келган янги одамларнинг онгининг қамраб олиниши ҳисобига уларнинг жадаллиги ортиб боради. Кейин айбдорни излаш бошланади ва унга ҳар хил салбий сифатлар берилади. Ва, оҳир-оқибат, вазият омманинг мазкур салбий энергиясининг маълум ёки уларга яқин турган хоҳлаган объектга ёки оламоннинг “фикри” бўйича уларнинг фожеаларида айбдор шахснинг ўзига ёки ўша айбдорга алоқадор жисмоний шахсларга ағдалиришигача ривожланиши мумкин. Дарвоқе, бунақа бир-бирини хаяжонлантириш ва ғийбатларнинг такрор-такрор айланиши бўлмаса, мазкур кайфият ўз кучини тезда йўқотади.

**Анастасия:** Ҳа, одамнинг Хайвоний табиати устунлигига хос бўлган айбдорни излаш одати. Фақат бу ерда барчаси Хайвоний ақл Иродаси таъсиридаги яхлит массада намоён бўлган.

**Ригден.** Жудаям тўғри. Эътибор бер, Хайвоний ақл нафақат яққол бузғинчи зарядга эга омманинг кайфиятида, балки ўзининг “мулки” деб ҳисоблаганларни яширинча ҳимоя қилишда ҳам ўзининг Иродасини намоён этади. Хайвоний ақл Иродаси билан захарланиш вирус тарқалишига ўхшаб, оммада жуда тез содир бўлади. Шу билан мана шу Ироданинг таъсири ва бошқаруви остидаги оламон унга қарши

турган ёки уни бузган ёки ушбу тикиштирилган босма-қолипни қандайдир синдиришга уринаётган ҳамма нарсани ўйламасдан рад этади. Ушбу масса, бир яхлит бўлиб, ўз негативини мазкур Иродани потенциал бузғинчисига қарши йўналтиради. Хайвоний ақлнинг таъсирида бўлган тўдага шунингдек барча интилишлари юзакилиги ва қопланганлиги хосдир. Улар маъно бўйича бўм-бўш бўлиб, уларда чуқур ички туйғулар, индивиднинг ўз Малакий табиати билан алоқаси мавжуд эмас. Кейинчалик, ўзи ёлғиз қолганида, одам ғабланган оламонта қандай қилиб таниб бўлмас ҳолатга тушиб қолганини ва нотабий ҳаракатларни бажарганини тушунтириб бера олмайди. Жавоб эса оддий: оммада бўлган пайтда у бор-йўғи Хайвоний ақл Иродасини ўтказувчиларидан бири эди, холос.

**Анастасия:** Ҳа, бунақа намоёндалар жамоада ҳам, Хайвоний табиатнинг ҳар бир Шахсга “ташланишлари”да ҳам асосан бир хил. Масалан, авлиёларнинг китобларида уларнинг ўз “эхтирос”лари билан курашиш мисолларини топиш мумкин. У ерда шу жумладан эслатилган-ки, одам руҳий ҳолатда бўлган пайтида Хайвоний табиати уни нафақат турли васвасали фикрлар, балки соғлигининг ёмонлашуви, атрофидаги одамларнинг тажовузлари ва хоказолар билан ҳам синашни бошлайди. Яъни ўзининг кўзга кўринувчи ва кўринмас материя орқали намоён бўлиши билан.

Бунга ўхшаш мисолларни нафақат адабиётда топиш мумкин, балки амалиётда ҳам кузатса бўлади. Мисол учун, Сиз берган ва китобларимда қайд этилган Билимларга одамлар қандай турлича муносабат билдираётгани. Уларни ўқиб, руҳан ўйғонаётган, билими доирасини кенгайтираётган, фикрларини тартибга солишга уринаётган одамлар бор. Улар, ҳали ўз устида руҳий маънавий ишлашига қизиқишларини ташқи дунёда билдирмасдан, бор-йўғи, Хайвоний табиатидан келаётган фикрларни кузатишни бошлади. Ва аслида кўпчилиги шуни кузатдики, ўз устидаги ишга маъсулиятли ёндоша бошлашданок, уларга Хайвоний табиатининг тажовузкор ҳужуми бошланган. Бу ҳужум атрофдагилар (ўзларида Хайвоний табиати фаол бўлган танишлар, яқинлар, дўстлар) томонидан ҳам, “ўзининг онги” томонидан ҳам уюштирилган. Одамнинг онгидаги ҳукмронлигига, фикрлашнинг илдиз отган андаза-қолипларини мустаҳкамлигига суиқасд қилинишига Хайвоний табиати ниҳоятда кучли қаршилиқ кўрсатган. Ундан-да кўпроқ, руҳий маънавий меҳнатда ўта қатъиятли бўлган кишиларга тўсатдан узоқ қариндошларидан, собиқ танишлардан, аллақачон унутилган одамлардан бемаъни агрессив қунғироқлар келган. Аммо кўпинча, айниқса ўз устида ишлашнинг илк босқичларида, ишхонада, уйда бўм-бўш жойда атрофдагилардан тажовузкор ҳужум пайдо бўлган, ва булар асосан бошқалардан кўра кўпроқ ўз Хайвоний табиатининг таъсиридаги одамлар бўлган. Эхтимол, ўша онда улар

бор-йўғи Хайвоний ақл хужумининг ўтказувчилари бўлганидан хатто гумон ҳам қилмагандир.

**Ригден:** Бу табиий ҳол. Руҳан ўйғонаётган одамни Хайвоний ақл Хайвоний табиатнинг одатий устуворлигини эски оқимиға, ўзининг моддий тизимида бўшаб қолаётган “винтча”си устидан олдинги ҳукмронлиги остига қайтариш учун кўлидан келган аййёрликларни қилади. Унинг вазифаси одамда хайвоний кўрқувни ўйғотиш, уни материя, унинг кучи ва қонунлари устуворлигига ишонишиға, руҳан таслим бўлишиға мажбурлаш. Аммо, аслида, танлаш ҳуқуқи доимо Шахсда қолади. Маънавий ривожланиш жараёни туфайли, одам нафақат ўзини, балки атрофдаги дунёнинг кўзга кўринмас томонини ҳам ўрганади. У реал ҳаётни ўзи олдинлари ҳақиқат деб ҳисоблаган иллюзиядан фарқлай бошлайди. Руҳий маънавий ривожланиш жараёни туфайли одам нафақат ўзини, балки атрофидаги дунёнинг кўринмас томонини ҳам ўрганади. У воқеликни аввал ҳақиқий деб билган иллюзиядан ажратишни бошлайди. Ўзини ҳақиқий руҳий табиатини англаб ва ҳис этар экан, унда Хайвоний табиати сингдирган кўрқувлар йўқола бошлайди. *У ўз Қалбини ва унинг дунёсини ҳис эта бошлайди, ўзи Малакий табиати Иродасининг Ўтказувчисига айланганида, унинг учун моддий дунёда тўсиқлар аслида йўқлигини тушуна бошлайди.*

Шунинг учун, одам мана шундай, онгининг кенгайган ва соф ҳолатида бўлар экан, Хайвоний ақл ўз ҳукмронлигини қайтариш мақсадида Шахсининг руҳий маънавий назорати кучсизланишини, Хайвоний табиатидан келиб чиққан бирор эмоцияларға, эхтиросларға, истакларға, фикрларға берилишининг пайтини “пойлаш”ға мажбур бўлади, холос. Буни тушуниш ва унинг маккорликларига жавоб бермаслик керак. Одамнинг руҳан ўйғониши пайтидаги Хайвоний ақл фаоллашувининг мазкур жараёнидаги асосий нарса шу-ки, Малакий табиатидан келиб чиққан Кузатувчи позициясида турган одамнинг ўзи Хайвоний ақл ниманинг олдида ожизлиги тўғрисида амалий тажрибаға ва тушунишға эға бўлади.

**Хайвоний ақл қаршилиқ кўрсата олмайдиган ягона нарса – бу руҳий маънавий кучдир.** Яъни, қачонки одам онгли равишда руҳий маънавий йўлни танласа ва ўзининг ички руҳий дунёси, ўзининг чуқурлиги, Худонинг дунёси билан Қалби орқали ҳис-туйғули ўзаро алоқаси билан яшаса, қачонки у, ўзининг Хайвоний табиати ва унинг турли эмоция ва истаклар кўринишидаги намоёндаларини нафақат тўхтатиши, балки назорат ҳам қила олса. Албатта, қайсидир маънода бундай “жанговар” тажриба руҳан ўйғонаётган одамға Хайвоний ақл томонидан қилинган ҳужумларига биноан орттирилади. Онг жанг майдонига айланади. Аммо ғалаба натижаси бунга арзийди, аҳир инсон

ўзида рухий маънавий кучларини ўйғотади, уларда мустахкамланади, воқеликни ва яшашининг маъносини чуқурроқ тушунади ва онгли равишда Худога, Рухий оламга, яъни Абдийликка интилади.

Инсонга берилган рухий маънавий куч ўлкандир. Агар замонавий жамиятнинг аксарият қисми мана шу оддий Ҳақиқатни англаса, атрофидаги материянинг вақтинчалиги ва фонийлигини тушунса ва руҳан ўйғонишни бошласа, бу албатта бутун одамзодда ўз аксини топади ва монада ағдарилади. Ана ўшанда одамлар асрлар давомида орзу қилган олтин минг йиллик ҳам келади.

**Анастасия:** Барчаси жамият тузулмасининг бирлиги бўлмиш индивиднинг рухий маънавий йўналишдаги биринчи қадамидан бошланади. Шунинг учун ўзининг асл табиати ҳақида, Хайвоний ақлни ожиз қилувчи нарса ҳақида, унинг одамдаги намоёндаларини қандай кузатиш ҳамда Шахс устидан устувор бўлишига ва уни зўрлашига йўл қўймаслик ҳақида ҳар бир киши учун билиш муҳим.

**Ригден:** Мутлақо тўғри ва бу одамнинг рухий маънавий ҳаракатсизликда бўлган пайтида туюлганидан кўра осонроқ. *Одам атиги Хайвоний ақл Иродасига ўзининг реаллигига айланишига йўл қўймаслиги керак.*

Аммо моддий қурбонликларга тегишли мавзуга қайтсак. Қадим замон жамиятида жамоавий ва индивидуал онг ҳақидаги билимлар ҳам мавжуд бўлиб, улар рухий маънавий билимларнинг ажралмас қисми бўлган. Ўзининг икки томонлама табиатини тушуниш одамга тез оқувчи умрини уларнинг қайси бирига (Малакийгами ёки Хайвонийга) бағишлаш ва кимнинг Иродасига ҳизмат қилиш танловини англаган ҳолда амалга оширишга ёрдам берарди. Дарвоқе, жамоавий ва индивидуал онг ҳақидаги азалий билимлар асосида кейинчалик ўша ҳар хил эскирган эътиқодлар ривожлана бошлаган: тотемизм, анимизм, фетишизм, аниматизм, шаманизм. Масалан, тотемизм. Даставвал тотем маълум белгини билдирган бўлиб, унинг ёрдамида маънавий Билимларга эга бўлган одам материяга таъсир қила олган: табиий офатларга, жараёнларга, хайвонот дунёсига. Ва энди анча кейин, одамларнинг сеҳрли амалиётларга қизиқишлари туфайли, жамиятда Хайвоний табиатнинг устуворлиги ошгани, моддий фаровонликка ва бойликка эришиш истаги ошгани сайин, одамлар барчасини тотем ибодатига, қабилалар ва маълум тотемлар (хайвонлар, ўсимликлар, табиат ходисалари, жонсиз предметлар) орасидаги ғайритабиий “қариндошлик”ка эътиқод қилишнинг бутун мажмуасига айлантиришди. Қаранг-ки, урғу нимага берилган эди? Одамларнинг қандайдир дунёвий нарсаларга эришиш, бошқалар устидан хукмронлик қилиш ва хоказолар



учун керак бўлган ғайритабiiй “куч билан улашишини” Хайвоний ақлдан сўрашга. Маълумки, бир нарса ўзига ўхшаш бошқа нарсани тортади.

Худди шундай сеҳргарлик, анимизм (рухларга ва нариги дунё мавжудотларига ишониш), фетишизм (одамларнинг фикрича ғайритабiiй кучга эга бўлган жонсиз нарсаларга сиғиниш), аниматизм (овда ёки урушда муваффақиятга эришишни, ёки мўл хосил олишни ва хоказоларни белгиловчи юзсиз, ғайритабiiй кучга сиғиниш), шаманизм (рухлар культига, махсус ибодат хизматчиси – шаманнинг рухлар билан алоқа қилишига ишонишга асосланган). Мазкур культлар қачондир руҳий маънавий билимлар асосида, Хайвоний табиатдан келиб чиққан алмаштирилишлар, коҳинликнинг пайдо бўлиши, давлат учун кураш бошлангач, шаклланди. Уларда материя қонунлари ҳақидаги Билимлар Хайвоний ақл тизими фойдасига қулланила бошлади. Яъни одамлар орасида “энг кучли”га тақлид қилиб сиғиниш, уни Худо билан тенглаштириб, дахлсизлик ҳалосини яратиш бошланди. Айрим холларда эса “энг кучли”га ўхшаш ва унинг кучига эга бўлиш мақсадида уни ейиш ҳам қўлланилган. Унданда кўпроғи, шунга ўхшаш эътиқодлар вакилларига ҳар қандай бошқача фикрловчиларга тажовузкор муносабатда бўлиш хос бўлган, душманларга (бошқа культларга сиғинувчи одамларга) хужум қилиш ва уларни ўлдириш рағбатлантирилган. Бундай культларнинг расм-русумларини мақсади эса маълум: ”ғайритабiiй кучлар” билан келишув тузиб (кўпинча қон асосида) уни қурбонликлар билан мустахкамлаб, ўзини бойитиш, яъни моддий бойликларни кўпайтириш, ернинг ва одамларнинг хосилдорлигини, табиий ходисаларнинг ҳайрихоҳлигини кафолатлаш.

**Анастасия:** Бошқача айтганда, буларнинг барчаси Хайвоний ақл Иродасининг таъсиридаги моддий мавжудот (ёки омма)га хос ҳаракатларнинг ўзгинаси.

**Ригден:** Ва барчаси иш берган: офатлар қишлоқларни айланиб ўтган, табиат юқори хосил тақдим этган, ўз “ибодат”ларида моддий дунёдаги куч ва маҳоратни сўраган одамларнинг истаги ҳам бажарилган. Хуллас, кўп холатларда одамлар ўша, ўзининг *эътиқоди (устувор танлови)*га кўра “ибодати” ва яшаётган жойига қилинган моддий қурбонликнинг эвазига, сўраган бойликларни материядан олишар эди.

Аммо Шахслар ўзларини ўлимга қодир танасига Хайвоний ақл Иродаси томонидан тақдим этилган вақтинчалик, ерлик бойликлар учун аслида нима билан тўлаган? Аҳир хатто энг зарарсиз “илоҳий маросим”ни бажариш учун ҳам одамлар бунга ўз *ишончининг кучини*, ўзининг ички, чуқурликдаги бунёдкор туйғуларини сарфлашган,

ваҳоланки улар авваламбор Шахснинг Қалб билан кўшилиши, материя асирлигидан озод бўлиши учун мўлжалланган. Акс холда модий дунёда ҳеч қандай самара рўй бермас эди. Одамларнинг шунга ўхшаш моддий истакларининг, турмуш қулайликлари ва шароитларининг ошиши бойликларининг кўпайиши билан биргаликда, улардаги Хайвоний табиатининг мустаҳкамланишига, янада каттароқ ҳавасларга, “ғайритабиий куч”га эга бўлиш жозибаторлигига, одамлар ўртасидаги жанжалларга, сиёсий ва қоҳинлик институтларининг туғилишига ёрдам берган. Ахир у ёки бу кучга шахсан эга бўлиш одамларни кланларга бўлинишга, гоҳида ўз оиласини беъмани ўлдириш ҳолатигача етказган тўқнашувлар ва ўзаро урушларгача олиб келар эди. Кўшни қабиланинг тотемини кучига ишонган фарзандлар ўз оталарига қарши чиққан урушлар ҳам бўлган.

Лекин айтиш жоиз, Хайвоний ақлга тобелик ва қурбон келтиришларга зид бўлган руҳий маънавий куртаклар ҳам бош кўтарган, яъни интуитив равишда ўз эътиқодларида азалий маънавий Билимларни излаган, яхшиликка ва бирлашишга интилган одамлар ҳам бўлган. Ахир топиниш билан бир қаторда дастлаб барча учун ягона бўлган азалий Билимларнинг руҳий маънавий уруғига асосланган олам ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги бой мифология ҳам ҳар бир ҳалқда мавжуд бўлган.

Албатта, тинч-тотув яшаган қабилалар ҳам бўлган, улар азалий Билимларни асосан ўз руҳий маънавий ривожланиши учун, яъни мақсадга мувофиқ равишда қўллашган. Улар ҳаётининг вақтинча ва ўткинчилигини ва унинг одамга руҳий маънавий ўзгариши, ”*бошқача*, абадий ҳаётга тайёргарлик кўриши” учун берилганлигини тушунган холда камтарона яшаган. Улар қабиласи учун зарур бўлган озуқаларни жисмоний меҳнати билан топишган, руҳий ривожланиш учун мўлжалланган (самимий ишончга асосланган чуқур ички туйғулар кўринишидаги) қимматбаҳо кучини бунга сарфлашмаган. Моддий дунёга нисбатан ушбу ноёб кучни жуда кам ҳолатларда, масалан, бутун қабилани йўқ қилишга қодир бўлган тўсатдан бошланган табиий офатнинг реал хатари туғилганидагина ишга солишган.

Уларнинг ижтимоий тузилиши ҳам замонавий одамзодникидан яхшироқ бўлган. Улар гуруҳлар бўлиб яшаб, ўзаро дўст бўлишган. Уларда сардор бўлмаган, лекин руҳий маънавий, сеҳрли, тиббий билимларни сақловчи ва уларни руҳий маънавий жихатдан энг иқтидорли ёшларга узатувчи тажрибали инсонлар бўлган. Ушбу саволларда энг тажрибали инсонни ҳамма тан олган ва бутун жамоа билан келишилган холда бошлиқ қилиб сайлашган. Ҳар ким унга муҳим маслаҳат сўраб мурожаат қилиши мумкин эди. Шу билан бирга бундай инсон имтиёзларга эга бўлмасдан, ҳамма қатори яшаган.

Дарвоқе, бу ҳалқларнинг айримларининг авлодлари hozир ҳам айнан шундай ижтимоий тузулма бўлиб яшаб келмоқдалар. Шу билан, уларнинг яшаш шароити айрим “цивилизациялашган”, қулай ва моддий таъминланган давлатларга нисбатан анча ёмонроқ. Аммо бу нарса уларга ўз жамоасида Инсонларча яшашга ҳалал бермайди. Хошиш бўлса, бўлди! Масалан, ўша бушменлар – қадимий койсан шиқирловчи тилларда гапирувчи африка халқлари. Айнан ўша, қоятош тасвирларида ёзувларини қолдирган халқлар. Дарвоқе, “койсан шиқирловчи тиллар” номи шартлидир. “Койсан” сўзи “кой” (Khoi) сўзидан хосил бўлган ва “одам” деган маънони билдиради. Бу сўз эса, ўз навбатида, африканинг Кой-Коин халқининг ўзига берган номини белгилаган (у ҳам шиқирлаган тилда гапирган), ва “одамларнинг одамлари” ёки “ҳақиқий одамлар” маъносини билдиради.

**Анастасия.** Ҳа, қизиқарли таққослаш: “ҳақиқий одамлар” шиқирлаган тилда гапиришган, афтидан бу тил сиз эслатиб ўтган халқларнинг биринчи ибтидоий тили бўлмиш “қушлар тили”нинг акс-садоси бўлса керак. Ҳақиқий Инсон қадимда ҳам Инсон бўлган! Айтишадик, чиройли гапирганлар эмас, балки тўғри яшаганлар – ҳақиқий инсонлардир.

**Ригден:** Мутлақо ҳақсан. Яқинда суҳбатларимизнинг бирида Япония ороллариининг энг қадимий халқи ҳисобланмиш айна халқи ҳақида эслатгандим. Европаликларга хос юз тузилишига эга бўлган ушбу халқ у ерларга қачонлардир қадим-қадимда замонавий Россия жойлашган худудлардан бориб қолган. Шундай қилиб, “айну” япон тилидан таржима қилганда “ҳақиқий одам” маъносини билдиради. Албатта, қадимий аждодларининг билимлари, афсоналари ва ижтимоий тузулишини замонавий авлодлари сақлаб қолишган, деб айтолмайман. Лекин уларнинг миллий кийимига эътибор берсанг, сенга таниш бўлган ва кўп нарса тўғрисида хабар берувчи белгилар ва рамзларни кўрасан.

**Анастасия:** Қизиқ... Мана сизга унутилган эътиқодлар! Белгилар ва рамзлар ҳақида гапириб, Сиз аслида фаннинг жиддий бўшлиқларини, архаик эътиқодларнинг келиб чиқиши борасидаги “оқ доғларини” бартараф қилдингиз. Ахир олимлар бу саволларда неча юз йилдан бери тугамас бахслар олиб боришади. Кўпчилик эса, буларнинг барчаси ибтидоий одамнинг ақлий тузулиши билан боғлиқ “ёввойи одам тушунмовчилиги” бўлган деган фикрда тўхтамоқда. Лекин ушбу “ўзак”да (уларга номаълум бўлган сабабга кўра кўпдан-кўп одамларга таъсир этган) бўлажак жаҳон динларининг деярли барча, шу жумладан

қурбонликлар келтириш борасидаги асосий элементлари мужассамлигини улар тушунишади...

**Ригден** (кулимсираб): “Ёввойи одам тушунмовчилиги?!” Керак бўлса, замонавий одам “ибтидоий одамдан” ҳеч нарса билан фарқ қилмайди: на миясининг тузилиши, на Хайвоний табиатининг кўпдан-кўп истакларига тўлган фикрлаши, ва на Малакий табиатининг интилишлари билан. Барчаси қандай бўлса, шундайлигича Танлов қиррасида қолган.

**Анастасия:** Сиз ҳақсиз, Ҳақиқатни тушунишга одамга доимо ўзининг кибри халал беради. Аввалги цивилизацияларнинг ривожланиш даражасини танқид қилиб, замондошларининг ютуқларини осмонларга кўтарган “олимлар” ҳар бир асрда топилади. Гарчи кейинги асрда уларни энди ўзларининг авлодлари ҳукм этган. Узоқ ўтмишнинг одамини руҳий ривожланиши ҳақидаги фактларга камдан-кам одамлар ҳолисона эътибор берган.

Сиз айтиб ўтган тинч-тотув қабилаларнинг ижтимоий тузулишига келсак, бу ерда ҳақиқатдан ҳам замонавий одамлар ўрганадиган нарсалар талайгина. Айниқса жозибатор томони – ҳамманинг аҳил яшагани, ва энг тажрибали инсоннинг, Эзгулик мафқураси билан яшаб, жамоада имтиёзларга ва ҳокимиятга эга бўлмасдан, одамларга фаол тарзда беғараз ёрдам бергани. Хуллас, ўз халқи каби яшагани. Бугун ўзини даҳо ва кохинлар, яъни сиёсатчилар ва диний хизматчилар деб ҳисоблаган одамлар учун яхши ўрнак. Ўйлайманки, ҳар қандай соғлом фикрловчи халқ шундай ижтимоий тузулишни хоҳлаган бўларди. Қизиқарли қиёслаш, ўтмишда тажрибали инсон, ҳамма каби яшаб, одамлар билан индивидуал тарзда ишлаб, жамиятга ўз билимлари билан амалий ёрдам кўрсатган бўлса, замонавий дунёда кохинлар ва сиёсатчилар, халқдан айри тургани камлик қилгандек, яна ўз ҳокимиятини омманинг кайфиятлари орқали турли ваъдалар йўли билан мустаҳкамлашга уринишади. Гарчи, факт бўйича, агар хатто минг йиллик тарихий мисолларни кузатадиган бўлсак, ушбу ваъдаларни ҳеч ким ҳеч қачон бажармаган. Кохинлар ва сиёсатчилар учун бу бор-йўғи одамларнинг *ишончига* асосланган қуруқ ваъдаларнинг қадимий ўйини.

**Ригден:** Бор-йўғи нима учун бундай бўлишини ва нима учун жамият ҳар гал битта хаскашга қоқиниб, ўзи мазкур жараённи қўллаб-қувватлашини тушуниш керак. Жамиятда тафаккурнинг истеъмолчилик формати устувор бўлар экан, бундай ҳаракатларни олдиндан билиш осон. Сиёсатчилар ва кохинлар учун – бу бор-йўғи оммавий, яъни жамоавий кайфият билан манипуляция қилиш усулидир. Булар

омманинг истаклари ва интилишларида олиб бориладиган ўйин, унинг фикрлаш қолиплари эса айнан хокимият эгаларига тегишли Оммавий Ахборот Воситалари ёрдамида шаклланади. Омма учун сиёсатчилар ва кохинларнинг ваъдалари – бу ёрқин ифодаланган истеъмолчилик форматидир, унинг нафақат асл руҳий маънавийлик билан, балки оддий ваъдаларни бажариш билан ҳам ҳеч қандай умумий жихати йўқ. Оммага “ўз ихтиёрига беришга ёки тақдим этишга” ваъда қилинганини одамлар хаёлан ўзиники деб ҳисоблайди ва умиднинг иллюзияси билан яшайди. Бу ерда гап фақат ва фақат уларнинг моддий қизиқишларига тегишли шахсий манфаати ҳақида кетмоқда. Одамларнинг бундай истеъмолчилик истагини билган кохинлар ва сиёсатчилар оммадаги кайфиятларни бор-йўғи манипуляция қилишади.

Масалан, кохинлар ва сиёсатчилар ўз ваъдаларини бажаришига одамлар умид қилиб яшаётган бир пайтда, халигилар бемалол ўзларининг ишлари билан шуғулланишади. Жамиятда норозилик ва одамларнинг сабри тугаши бошланган захоти эса сиёсий ўйинлар театри бошланади. Ўша кохинлар ва сиёсатчилар ёрдамида жамиятда салбий кайфиятларга ўт қўйиш бошланади. Уларнинг доираларига тегишли одамлар томонидан халқни айнан ким алдаётгани ва ким ҳамма фожеаларда айбдорлиги (шу билан халқнинг ғзаби кохинлар ва сиёсатчиларнинг навбатдаги пиёдасида мужассамлаштирилади), ким ўзининг ваъдаларини бажармаётгани ва кимнинг сўзлари ҳаракатларидан айрилгани ҳақидаги миш-мишлар тарқатилади (сўнггиси эса одамлар томонидан уларнинг эҳтиёжларининг қоинлиги деб қабул қилинади). Натижада хокимият эгалари ОАВ ёрдамида оммани тезда юқори нуқтагача етказди, эмоционал портлаш рўй беради. Кохинлар ва сиёсатчилар битта пиёдасини олиб қўйишади ва унинг ўрнига бошқасини қўйишади, ва у ҳам ваъдалари ва ишонтиришлари билан одамларнинг *ишончи* орқали халқ орасида оммабоп бўла бошлайди. Ва ўша-ўша Хайвоний табиатдан келиб чиққан фикрларнинг айланиши одамларда янги доира бўйлаб яна айлана бошлайди.

**Анастасия:** Демак, аслида ҳар қандай давлатнинг хокимияти ўз халқининг қарашларига мутаносиб экан-да. Бошқача айтганда, сайлов олди кампанияда бирор кандидат ёки ташкилот омманинг хохиш-истагини амалга ошира олишини айтса, одамлар айнан ўз Хайвоний табиатидан келиб чиққан хохиш-истакларини бажарилиши учун овоз беришга шошадилар. Сайловдан кейин эса ОАВ ёрдамида одамларнинг истаклари бажарилаётгани ёки яқин келажакда бажарилишининг иллюзияси қўллаб-қувватланади. Яъни омманинг орзу-умидлари ва кутишлари маълум вақтгача узайтирилади. Ва Хайвоний ақлнинг бундай ўйини авлоддан авлодга ўтиб рўй берапти. Демак, шу тариха одамлар ўз эътибор кучини қайта йўналтиришар экан-да, яъни

Шахсининг ва Қалбининг руҳий маънавий эҳтиёжларини амалга ошириш ўрнига бу кучни ҳеч қасрга сарфлаб юборишади. Кейин эса уларнинг моддий ва руҳий маънавий ҳаётини кимдир бунёд қилишини кутиб ўтиришади. Мана шу ҳақиқатан Хайвоний ақл томонидан реалликнинг алмаштирилишидир.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Ва одамнинг ҳаракатлари ўзининг биринчи навбатда, руҳий маънавий масалалардаги ҳаракатсизлигига алмаштирилиши айнан дин ташкил қилинишидан бошланди. Хусусан, кохинлик институти ривожланиши билан, унда руҳий маънавий асослар моддий қарашларга ва ваъдаларга алмаштирила бошлади.

Ўзининг руҳий ривожланиши билан шуғулланаётган одамларнинг руҳий озодликка эришиш, *бошқача* дунёдаги бўлажак роҳатни кутиб яшашини кохинлар ўз манфаати йўлида ишлатишди. Шунга асосланиб кохинлар дин тизимини барпо қилишди, уни эса кейинчалик ўзининг тизимини барпо қилиш учун сиёсатчилар қўллашди. Яъни, даставвал кохинлар ишонтиришлар ёрдамида одамларда турғун фикрни шакллантиришди, гўёки одам ўз холича руҳан заиф ва “туноҳкор”дир, ва кохинларнинг ёрдамсиз руҳий озодликка эриша олмайди. Улар одамнинг руҳий озодликка эришиши фақатгина кохинларнинг иродасини, уларнинг расм-русумларини сўзсиз бажарганида ва уларга бутун онгли ҳаёти давомида хомийлик қилганидагина мумкин, деган фикрни оммага сингдиришди. Бошқача айтганда, руҳий озодликка одамлар ўз устида мустақил ишлаб эмас, балки фақат воситачилар – кохинлар орқали эришиши мумкин, деган фикр сингдирилган. Бироқ оммага таъсир этиш механизминини ишга туширар экан, кохинлар шу захотиёқ одамларга даъволарининг амалга ошишининг “сурилиши” ғоясини уқтиришар эди, шу тариқа уларнинг руҳий маънавий истагини руёбга чиқишини номаълум вақтга суришар эди. Масалан, эсхатологик динларда ва эътиқодларда, одамларни айнан ўзининг динига боғлаб қўйиш учун, кохинлар бошқа қадимий динлардан олинган сўнгги “Қиёмат куни” ҳақидаги маълумотни ишлатишган. Бироқ диндорларга бошқа динлардаги қадимий эслатмалар тўғрисида ҳеч нима дейилмаган, фақат мана шу динда бўла туриб, унга беминнат хизмат қилиб, улар қачондир албатта қутқарилиши уқтирилган. Шундай қилиб, ўзининг хокимиятини ушлаб туриш учун, кохинлар одамларга ўлимдан кейинги роҳатни ваъда қилишган. Аслида эса бу бўм-бўш иллюзиядир, чунки ўз устидаги ҳақиқий руҳий меҳнатсиз Шахсининг келажаги йўқ.

Сиёсий тизимда бор-йўғи одамларнинг руҳий маънавий интилишлари моддий истақларга ва абадийликнинг ўрнига “яқин келажакдаги” қандайдир ҳаёлий озодликнинг ваъдаларига алмаштирилган. Аммо кохинлардан фарқли равишда сиёсатчилар уларсиз моддий бойликларга

ва тенг ҳуқуқликка эга бўлган ҳақиқий озод ва хавфсиз жамиятни қура олмасликларини одамларга доимо уқтиришади. Улар одамларда бахтли келажакни таъминлайдиган яхши “подшога” (сиёсатчига) бўлган ишончни шакллантиришади ва сиёсатчилар-у кохинларсиз жамиятнинг ўзи қуришга қодир бўлган ҳаётга ишончни доимо бузиб келишади. Шунинг учун жамиятнинг устидан ҳокимиятни йўқотмаслик учун, кохинлар ҳам, сиёсатчилар ҳам унинг истемолчилик форматидаги ривожланишида манфаатдор. Акс холда жаҳон ҳамжамияти бирлашиб, ҳақиқий руҳий маънавий ривожланиш томонга йўналтирилган векторни танлаши мумкин, бу эса табиий равишда сиёсатчилик ва кохинлик ҳокимиятларини рад этади, чунки бунда мухтожлик қолмайди.

**Анастасия:** Замоनावий дунёга қараб туриб, савол туғилмоқда, сиёсий, диний назарияларни ўйлаб топиб, уларни кенг оммага сингдираётган одамларнинг онгида нима устувор экан?

**Ригден:** Аҳамиятли савол. Унга жавобни топмоқчи бўлганларга замонавий жамиятга, унинг устувор қадриятларига эътиборлироқ қараш лозим. Ахир ягона Хайвоний ақлга қурбонликлар келтириш қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолди. Одамларни кибр еяпти, уларда (Хайвоний ақл тузулмасига кирувчи birlik сифатидаги) Хайвоний табиати устувор ва уларни осонгина бошқармоқда, уларга “индивидуал ақли” учун ғурурни сингдирмоқда. Ва энг ачинарлиси, замонавий одамлар Хайвоний табиатининг мана шу сифатлари билан шунчалик тўлиб-тошганки, улар шубҳасиз нарсани пайқамаяпти, бир-бирига битта нарсани уқтиришяпти (фикрларнинг доира бўйлаб айланиши), гўё руҳий олам йўқ, фақат моддий, кўринувчи дунё, “танадаги жаннат” мавжуд. Яъни уларнинг руҳий маънавий табиатига бегона бўлган нарсани ҳақиқий деб қабул қилишяпти, кохинлар ва сиёсатчилар томонидан уларнинг дунёқарашини озиқлантириб турувчи ахборотни кўпайтиришяпти.

Бунинг оқибатида жамиятнинг аксарияти Хайвоний ақлнинг қонунлари билан яшашни танлаган: ушбу моддий дунёда фақат ва фақат моддий мақсадларни кўзлаётган энг кучлига тақлид қилиш (бу одамларми, давлатларми, махфий орденларми, кохинларми, янада каттароқ ҳокимият учун қурашувчи сиёсатчиларми, муҳим эмас). Жаҳонда одамлар қанчалик бўлинганлигини, ўз фойдасини ва ҳокимиятини кўзлаган сиёсатчилар ва кохинлар, “қон билан муҳрланган шартномалар тузиб, ўзининг муваффақияти ва авлодларининг хотиржамлигини деб миллионлаб одамларнинг ҳаётини қурбонликка келтириб урушлар уюштираётганини кузатиш кифоя. Улкан оломонлар қанчалик тез тажовузга оғиб, хайвонлар тўдалари каби жамоавий Хайвоний ақл томонидан бошқарилишини. Ҳаётда яхши жойлашиб

олишга уринган одамлар, каттароғига, яхшироғига эга бўлиш учун юқорида турган бошлиқлари олдида “бел синдиришини”, поралар беришини, моддий фойдани, бизнесининг муваффақиятининг кафолати, авлодининг яхшироқ моддий таъминланганлигини деб, виждонига қарши иш тутишини. Қариллик чоғида эса ўзига соғликни ва кимнингдир устидан илгариги хокимиятини қайтариш учун, хар қандай “қурбонлик” келтиришга тайёрлигини. Хуллас, материянинг, ягона Хайвоний ақлнинг қаттиқ қонунлари билан яшаяпти.

Ахир модий дунёда бирор нарсага эга бўлиш учун бирор қимматли нарсани бериш керак – Хайвоний ақл сферасидаги қурбонлик келтиришнинг моҳияти ҳам шунда. Шундай экан, одам ўзидаги энг қимматбахо нарсани, бу дунёга нима учун келганини бериб юборади. У Абадийликка эришиш учун мўлжалланган кучни бўшлиққа талон-тарож қилиб юборади – қисқа муддатли тез ўтувчи иллюзияга, яъни эртага тўпроққа айланадиган, уни эса барбод қиладиган нарсага. У ўз эътибор кучини, ўзининг самимий ички эътиқодининг чуқур туйғуларини ўзининг хокимият, соғлик, бойлик, моддий дунёдаги муваффақиятга эришиш ҳақидаги вақтинчалик, беъмани орзуларига совуради. Ваҳоланки ушбу туйғулар унинг хаёти давомидаги руҳий маънавий ривожланиши, Шахсининг Қалби билан кўшилиши, Абадийликда кутқарилиши учун мўлжалланган. Шу билан одам аслида ўзига нисбатан жиноят содир этган бўлади. Ва у жисмоний танасининг ўлимидан сўнг ҳам уни узоқ вақтга оғирлаштиради. Ахир бундан ёмонроғи бўлмайди! Шунинг учун ҳам одам, ўзининг руҳий укубатларининг асл сабабини тушунмаган холда, барчасини ташқи омилларга ва атрофига ёйиб, бутун умри давомида азобланади. Бироқ танлов, бу танловдир. Ўзининг тез оқувчи умри давомида одам нимани афзал кўрса, ўша нарсани олади.

Эслатиб ўтганимдек, Исо Масих шундай деган: “Ишончингизга кўра берилади”. Албатта кохинлар Ундан ўзлари учун бир доналик товарни, “одамларнинг гунохларини юувчи қурбонликни” ясади. Аммо Исо Масих буюк Руҳий Моҳият, хар қандай материяни ўзгартиришга қодир Руҳий Оламнинг (Худонинг дунёсининг) кучига эга бўлганларнинг бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Одамлар сўраган бирор мўжизани яратар экан, У: “Ўз ишончингизга кўра берилади”, - дер эди. Кимдир соғлик (касалликдан даво) сўраб, шунга эришган бўлса, бошқалари – озиқ-овқат сўраб, учинчилари – яхши овни, тўртинчилари – жисмоний танасининг тирилишини сўраб илтижо қилишган. Хочга осилган пайтида Исонинг ёнида осилган, очликдан, танасининг қийноқларидан, ўлим олди азобларидан азият чекаётган қароқчи эса фақат Қалбини кутқаришини сўраган. Шу боис ушбу Инсонга *руҳий*



*озодлик* тухфа қилинган эди. Бироқ канон деб ҳисобланган Инжилда ушбу ҳақиқатни бошқача тасвирлашди, улар ибодатчилар учун танадаги қайта тирилиш тушунчасини киритишди, Исо ўзининг Таълимотида Қалбнинг реинкарнацияси ва озодликка чиқиши тўғрисида ҳикоя қилган тафсилотларни эса олиб ташлашди. Шунинг учун ҳам, кохинларнинг динларига қарамасдан Унинг Таълимотини ёдида тутган ва руҳий софликда сақлаган Исонинг ҳақиқий издошларини кохинлар йўқ қилишган. Масалан, (эрамизнинг I–III асрларида) гностикларнинг, (эрамизнинг XI–XIII асрларида) катарларнинг аёвсиз таъқиб қилиниши ва олов билан қилич ёрдамида йўқ қилинишларини эслаш кифоя. Улар Қалбнинг реинкарнацияси, одамнинг иккиланган табиати, унинг Маҳлуқотлари, оламнинг яратилишидаги Аёлий табиатнинг роли, белгилар ва рамзларнинг кучи тўғрисида ва яна кўплаб, халқларнинг хотирасидан кохинлар ўчиришга уринган маълумотларни билишган.

**Анастасия:** Дарҳақиқат, ишончингизга кўра берилади.

**Ригден:** Бугун ҳам одамлар ибодатхонага боришади, бироқ улар Худодан нимани сўрашади, нима деб дуо қилишади? Ўша соғликни, бойликни, ўзлари ва яқинлари учун муваффақият ва моддий қулайликларни! Ўша-ўша қурбонлик келтириш-у ягона Хайвоний ақлга хизмат қилиш – моддий мақсадларга эришиш, ўзининг чириб кетувчи танасини қондириш учун махфий кўринмас ғайритабиий кучларнинг хокимиятига мурожаат қилиш. Ахир ҳозир деярли ҳар бир динда авлиёларга, худоларга, руҳларга мурожаат қилувчи дуолар мавжуд бўлиб, одамлар уларнинг у ёки бу касалликларни даволашда, моддий дунёда одамий ишларни бажаришда ёрдам беришига, у ёки бу хаётий масалаларда муваффақият келтиришига ишонишади. Бунинг учун эса одамдан нима талаб қилинмоқда? Бор-йўғи *дунёвий муаммолари*, *моддий мухтожлиги* ҳақида дуо қилиш (яъни ишончининг чуқурликдаги ички туйғуларини ишга солиш), мазкур ибодатхонага (аниқроғи ибодатхонанинг эгаларига) ҳайр-эҳсон келтириш. Диндорларнинг нима ва қандай қилиши, зарурат пайдо бўлганида кимга дуо қилиши тўғрисида кохинлар хатто бутун рўйхатларни тузиб қўйишган. Ва рўйхатнинг охирида, албатта, руҳий маънавий кучларнинг кўпайиши, Қалбнинг қутқарилишини илтижо ҳам қилиш мумкин, деган кичиккина қўшимчани топиш мумкин. Аммо ушбу, унинг Орқа ва ёнбош Маҳлуқотларининг истаклари битилган рўйхатга қараб, одам нимага эътибор қаратади?

**Анастасия:** Ҳа, афтидан, Қадимги Мисрга оид “Осириснинг Судлови” номли папирусда ўша Маҳлуқотлар бир-бирининг ортидан маълум кетма-кетликда жойлаштирилгани ва Олд маҳлуқот (лочин бошли

шаклча) мазкур, яшаб ўтилган хаёт давомидаги одамий истаклар ва сўровларнинг “навбатида” охирида тургани бежиз эмас экан-да.

**Ригден:** Афсуски, вақт ўтиб, мазкур масалада индивидга нисбатан ҳам, оқибат сифатида, бутун жамиятга нисбатан ҳам hozirча ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. **Замонавий одам тушуниши керак, у қайси динга тегишли бўлмасин, ёки ўзини диндан ташқарида, рухий маънавий йўлдан мустақил юривчи деб ҳисобласа ҳам, у фақат ўз Қалбининг қутқарилишини сўраб дуо қилиши, ҳар куни ўз устида ҳақиқатан ишлаши керак. Кўпдан-кўп истаклар-у хаёлий ниятлардан воз кечиб, ўз хаётининг қурбонгоҳига ўзининг Хайвоний табиатини қўйиш лозим. Зеро бу Худога (Уни одамлар қандай эпитетлар билан номламасин) маъқул бўлган, одамга Унинг дунёсига рухий йўлни очиб берадиган ягона қурбонликдир.**

**Анастасия:** Турли динлар диндорлари қаторида турган ўқувчиларимиздан келган хатларга қараганда, Қалбни қутқариш борасида яна бир лаҳза уларни безовта қилмоқда. Ахир кўпчилик нафақат ўзининг ёки яқинларининг соғлиги ёки тузалишини, балки ҳамма одамларнинг қалбларини қутқарилишини сўраб дуо қилишади, улар фақат ўз Қалбини қутқарилишини сўраш худбинлик деб ҳисоблашади. Бу тўғрими ёки йўқми? Айтиш жоиз, ўқувчиларнинг қайд этишича, ўзини шахсий рухий маънавий ўзгариши билан уринтирмасдан, дунёни ва одамзодни қутқариш ҳақида жўшқинлик билан мулоҳаза қиладиган одамлар ҳам кам эмас.

**Анастасия:** Турли динлар диндорлари қаторида турган ўқувчиларимиздан келган хатларга қараганда, Қалбни қутқариш борасида яна бир лаҳза уларни безовта қилмоқда. Ахир кўпчилик нафақат ўзининг ёки яқинларининг соғлиги ёки тузалишини, балки ҳамма одамларнинг қалбларини қутқарилишини сўраб дуо қилишади, улар фақат ўз Қалбини қутқарилишини сўраш худбинлик деб ҳисоблашади. Бу тўғрими ёки йўқми? Айтиш жоиз, ўқувчиларнинг қайд этишича, ўзини шахсий рухий маънавий ўзгариши билан уринтирмасдан, дунёни ва одамзодни қутқариш ҳақида жўшқинлик билан мулоҳаза қиладиган одамлар ҳам кам эмас.

**Ригден:** Одам хамиша унинг учун тақлид намунаси бўлган бировга ўхшашга интилади. У ҳам бошқалар учун дуо қила олиши борасида кибрланишга мойил, гарчи шу билан ўзи руҳан етилмаган мавжудот бўлиб қолса ҳам. Ва бундай кишилар кўп. Мен уларни қиш кунида дарёнинг ўртасига билмай бориб қолиб муз тагига тушиб кетган балиқчиларга қиёслаган бўлардим. Чўкаётган балиқчилар – мана шу замонавий одамзоднинг ҳолати. Кўпчилик эса, чўкаётиб ва

қутқарилишга уришиб ҳам кўрмасдан, бошқаларни қутқариш ҳақида ўйлашга кучларини ва вақтини беъманиларча сарфлашапти. Аммо ўзи чўкаётган киши қандай қилиб қолганларни қутқариши мумкин? Ахир кимнидир қутқариш учун одам ўзи қаттиқ музга чиқиб олиши зарур, қирғоққа чиқса янада яхшироқ, сўнг қолганларни қутқарса ҳам бўлади. **Ҳақиқатнинг моҳияти оддий: бошқаларни қутқаришдан аввал ўзингни қутқар.**

Ер юзидаги ҳамма одамлар бир одамнинг Қалбини қутқарилишини сўраб дуо қилишса ҳам, ўша одамнинг барча ибодатлари ва руҳий кучлари бекорга сарфланади. Шахсни ва субшахсларни тўпланган “гуноҳларидан” ҳеч ким халос қила олмайди. Фақат одамнинг ўзи, ичкаридан ўзгариб ва ўз устида ишлашни бошлаб, реал ҳаракатлари билан ўз Шахсининг Қалби билан қўшилишига эришиши, Руҳий Мавжудотга айланиши ва Абдийликда ҳақиқий қутқарилишга эришиши мумкин.

Албатта кимгадир соғлик, бойлик, муваффақият тилаб, одамлар ибодат қилиши мумкин, бироқ бу билан улар ўзини ва ўз Қалбини қутқариш имкониятини камайтиришади, улар аслида Абдийликни тўпроққа беъманиларча алмаштириб юборишади. Ахир нимани афзал кўрган бўлсанг, ўша нарсага эга бўласан. Ё сен малакий (абдий)ни, ёки ҳайвоний (вақтинчани) қурбон қиласан. Дуога қўл очган киши Худодан ўткинчи дунёвий неъматларни сўраса (тана соғлигидан бошлаб, моддий бойликкача), бу ҳаракати билан у, аслида, ўзининг Шахсини, ўз Қалбини нобуд қилаётган бўлади. Хатто яхши ниятда яқинларининг соғлигини тилаб, уларнинг ва ўзининг Қалбига фойда келтирармикан? *Худодан бирор моддий нарса сўраш мумкин эмас, чунки аслида ўз руҳий кучингни моддий дунёга илтижо қилишга сарфлайсан.* Ва сенга ушбу дунёда хўжаинлик қилаётганлар, сенга Хайвоний табиатингдан келиб чиққан истакларни пичирлаб турганлар беради. Сен сўраётган кичиккина нарса берилади, лекин анча каттароғи сендан олиб қўйилади. Ва бунга Худонинг алоқаси йўқ. Ахир ўзинг материя фойдасига танловни амалга ошираяпсан ва, Абдийликни ўлимга маҳкум лаҳзага алмаштириб, ўз танловинг билан руҳий маънавий тақдирингни нобуд қилияпсан.

**Анастасия:** Одамларнинг аксарият қисми ўзининг ўқувсизлиги сабабли, ажодлари ҳам шундай қилиб келашганини бахона қилиб, кўпинча эса номаълумлик, ҳаётдан маҳрум бўлиш олдидаги кўрқувлари сабабли айнан соғликни сўраб дуо қилишади. Мен ҳам ёшлик қилиб, қачондир Хайвоний табиатимдан келиб чиққан васвасали ҳолатни бошдан кечирдим ва бундай одамларнинг ҳолатини жуда яхши тушунаман. Бироқ аслида, ўша йиллар воқеаларига ҳолисона баҳо берадиган

бўлсам, соғлигим билан боғлиқ муаммо ўша лаҳзада менга ўз хаётимга бўлган муносабатимни тубдан ўзгартиришимга ёрдам берди. Бу мени муқобил ечимларни излашга ундади, ва охир-оқибат, Сиз берган билимлар туфайли, руҳий маънавий дунёни кашф этишимга олиб келди. Мазкур учрашув менинг бутун кейинги тақдиримга таъсир этди, хаётимни, ва ўқувчиларимизнинг кўп сонли хатларига қараганда, уларни ҳам хаётини ўзгартирди. Аммо мен ўз хаётимда Сизни учратдим, бошқалар-чи, улар қандай йўл тутиши керак?

**Ригден:** Аслида одамнинг хаётида барча (яхши-ёмон) вазиятлар унинг кучига яраша берилади, ва улар одам ниманидир тушуниши, ўзини енгиши, у ёки бу тарзда, руҳий маънавий билимлар билан тўқнашиши учун берилади. Ва мазкур вазиятларни онгидаги қандай устуворлик билан қабул қилиши – бу энди унинг шахсий танлови, бу танловга охир-оқибат унинг Шахсини кейинги (ўлимдан кейинги) тақдири боғлиқ.

Хаётда турли вазиятлар бўлади. Шундай бўлади-ки, одам хали хаётий куч ва энергияга тўла бўлса-да, лекин кутилмаганда бедаъво касалликка дучор бўлади. Одатда, буни билгач, одам, бир томондан, ўзининг хаётини қайта баҳолашни, бошқа томондан эса – Хайвоний табиатининг провокацион фикрларига берилиб, тушкунликка туша бошлайди. Ахир Хайвоний табиати унга доимо битта иллюзияни тасвирлайди – гўё у узокдан-узок яшайди. Кўпинча одамлар вақтнинг тезкор оқишини, ўз устидаги руҳий меҳнатнинг зарурлиги ва муҳимлигини англамайди. Аммо хаёт ҳақиқати шундаки, одам нафақат ўлишга қодир, у *тўсатдан ўлиб қолишга қодир*. Аслида унинг “кейинчалик”ка вақти йўқ, унинг мана шу ўзгарувчи моддий дунёдаги “шу ерда ва ҳозир”и бор.

Агар якуни шубҳасиз бўлиб, имконияти бўлмаса ҳам, тушкунликка тушишга арзимайди. Таслим бўлмасдан, хаёт учун курашиш керак. Лекин асосийси, ўз *Қалби ҳақида қайғуришда, ўз устидаги руҳий меҳнатда*, одамларга хаётнинг ҳақиқий қадриятларини ва умрининг тез оқишини тушунишда ёрдам беришда *икки баробар тиришиши керак*. Буларни ўзинг англай олдингми – бошқаларга ҳам ёрдам кўрсат. Ахир бошқаларга ёрдам бераётиб, сен руҳий маънавий маънода ўзингга ҳам ёрдам берасан. Шу тариқа сен, моддий танангни кутқараётган шифокордан кўра, ўзингга анча кўпроқ ёрдам беришинг мумкин. Ўлим эса, бу ўлимда, у ёки бу тарзда, у хар қандай киши учун қочиб қутулиб бўлмасдир. **Яшаган йилларнинг сони эмас, балки руҳий маънавий жихатдан яшаган хаётнинг сифати муҳим.** Кимдир бир юз йигирма йил худбиннинг фойдасиз хаёти билан яшаши мумкин, кимдир эса бор-йўғи йигирма йил ва сифатли руҳий маънавий хаёт

билан, ҳақиқий Инсоннинг ҳаёти билан яна бир йил яшаши мумкин. Ва уларнинг ўлимдан кейинги тақдиридаги фарқ улкан бўлади. Ахир тананинг ўлими билан ҳаёт тугамайди. Ҳаётнинг вақти қолмаган одам Шахсининг ва Қалбининг қутқарилиши бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаса Тинчлигига сазовор бўлиши муҳим.

**Анастасия:** Тинчлик?

**Ригден:** Ҳа. Агар одамга умрининг сўнгида тусатдан Ҳақиқат очилган бўлса, у эса, аслида англамаган ҳолда бутун умр унинг изидан юрган бўлса, унда Билимлардан фойдаланиб, ҳатто умрининг қолган вақтида ҳам ўзининг руҳий ривожланишида илгарилаб, Қалбининг қутқарилишига бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаса Тинчликка сазовор бўлиш имконияти мавжуд. Бу дегани, агар руҳий меҳнатлари учун одам Тинчликка сазовор бўлса, унинг ҳозирги Шахси, субшахсга айлангач, янги Шахсининг ҳаётини йўлини, унинг қийнчиликларини ва хатоларини кузатишдан маҳрум бўлмаган ҳолда, ўзининг азобларидан тўсилиб қўйилади. Ахир қайта туғилишда, мажозий маънода, машина(тана) ҳам, хайдовчи ҳам ўзгаради, ва машинани яхши хайдай олмагани боис, у ўзининг тилсиз йўловчиларига (субшахсларга) ғоят ноқулайликлар туғдиради. Айтиш жоиз, Тинчлик ҳақидаги Билимларнинг қолдиқлари асосида одамлар ўлимдан кейинги турли расм-русумларни ўйлаб топишган, масалан жаноза ўқиш ва хоказо. Аммо гап шундаки, ушбу Тинчликка одам ўзи ҳаёти давомида сазовор бўлиши керак.

Одам Ҳақиқатни ҳаётининг кучларининг гуллаб-яшнаган чоғида билиб қолиб, лекин моддий дунё иллюзияларига мафтун бўлиб, уни рад этиши каби ҳолатлар ҳам албатта бўлади. Бироқ вақт тез учиб ўтади. Одатда умрининг охирида бундай одамларнинг ҳавсаласи пир бўлади, зеро дунёнинг хом-хаёлларини ёлғони ҳам, Хайвоний табиатининг алмаштиришлари ҳам намоён бўлади. Ҳақиқатга жон деб шўнғиган бўларди-ю, аммо унинг уруши ютқизилди ва Тинчликка энди эришиб бўлмайди.

Шунинг учун, одамларда тушуниш бўлиши керак: материяга – моддий, руҳийга – руҳий маънавий. Агар одамда моддий (шу жумладан соғлиги билан боғлиқ) муаммолар пайдо бўлган бўлса, уларни одатий воситалар ёрдамида ҳал қилиш керак, асло уларга бутун этиборини қаратиб, ўзининг ноёб, руҳий қутқарилишига аталган кучларни жалб қилиш керак эмас. Соғлиқ бўйича масалалар айнан ақлнинг интизомига, ўзининг Хайвоний табиатини чексиз истакларини бўйсундиришга тегишли. Ҳамма касалликлар билим билан даволанади. Агар одамда соғлиқ билан боғлиқ жиддий муаммоси бўлса, марҳамат, турли касалликлар бўйича мутахассис-шифокорлар мавжуд.

Замонавий тиббиёт фан сифатида генетика, фармакология, биотехнологиялар сохаларида ўз имкониятларини шунчалик кенгайтирди-ки, кўплаб касалликлар, хатто бугунги кунда давосиз деб ҳисобланувчилари ҳам аслида даволанаяпти. Унданда кўпроқ, замонавий тиббиёт қарилик каби касаллик билан ҳам курашишга имконият беряпти.

**Анастасия:** Одамнинг умрини турнинг чегарасидан ортиқ узайтиришми?! Ҳа-а, сизнинг ноёб тажрибаларингизнинг натижаларини хали ҳам унута олганим йўқ!

**Ригден:** Мен ҳозир бу ҳақда эмас, балки бугунги кун тиббиётининг имкониятлари ҳақида гапиряпман...

**Анастасия:** Тан оламан, мазкур масалаларда қилган илмий изланишларингиз, айниқса лаборатория хайвонларининг умрини узайтириш бўйича тажрибаларингиз мени хайратга солди. Шу билан ушбу препаратни тузганингизда Сиз оддий, катта хажмда ишлаб чиқариш учун оммабоп бўлган ташкилий қисмларни қўллаган эдингиз. Бизнинг умумий танишимиз уни ҳазиллашиб хронопротектор деб номлаган эди. Айтишадику, ҳар бир ҳазилда ҳазилнинг бир қисми мавжуд. Сизнинг тажриба препаратингиз – бу ҳақиқатдан ҳам вақтдан ҳимоя-ку. Ахир Сизнинг тажрибангизнинг натижалари одамнинг умрини ҳозирнинг ўзида камида 200 йилгача, истикболда эса, одам миясининг функционал имкониятларини инобатга олган ҳолда, 1000 йилгача узайтириш мумкинлигини исботламоқда.

**Ригден:** Мумкин, унинг устига биологик қариш жараёнисиз. Лекин бундан нима маъно? Тўғри йўл кўришиб турган жойда қийшиқ йўлдан юришдан нима фойда.

**Анастасия:** Нега энди? Эслашимча, лаборатория хайвонлари тажриба бошида ўртача ёшдан каттароқ ёшда эди, одамнинг ёшига қиёслаб ҳисоблаганда, 65 ёшга тенг эди. Бир-неча ойдан сўнг эса, бор-йўғи уч маротаба киритилган препаратнинг таъсиридаги организмнинг умумий регенерацияси оқибатида, лаборатория хайвонларининг биологик умри одамнинг 35-40 ёшига тенг келадиган ёшида эди. Ва шу ҳолатида тажриба тугагунга қадар сақланиб қолганди.

**Ригден:** Ҳа, хайвонларнинг реал ёши турнинг чегарасини икки баробардан ортиқ ошганида, хайвонлар тажрибадан чиқарилган эди...Хўш, нима бўлибди?

**Анастасия:** Ахир бу одамнинг ёшига хисоблаганда 200 ёшдан кўп-ку! Агар хайвонлар ўша, айтайлик, “хронопротекторларни” қабул қилаверганида, янада кўпроқ яшаши мумкин эди.

**Ригден:** Шубхасиз...Гапни одам тўғрисидаги хулосаларга олиб келаятган бўлсанг, сенга қуйидагини айтаман. Агар қарилик ёшига етиб келган кишига (йигитлик ҳақида гапирмаяпман ҳам), мазкур препаратларни кирита бошласанг, организм ўрта ёшигача ёшаради ва ушбу ҳолатда узоқ вақт давомида қолади. Тажриба кўрсатишича, қаримасдан 200 йилдан ортиқ танасининг ўрта ёшини сақлаб яшаши мумкин. Табиийки, моддий тананинг абадийлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, зеро ҳар қандай материя ўлимга қодир. Бироқ одамнинг умрини турнинг чегарасидан анча узайтириш бемалол мумкин, унинг устига илмий йўл билан. Бу ерда ҳеч қандай сеҳр-жоду йўқ, оддий билимлар. Ахир мен қўллаган препаратнинг асосида хужайралар орасидаги матрикс мавжуд эди...

**Анастасия:** Хужайралараро матрикснинг ноёб модда сифатида хужайраларнинг регенерациясида муҳим рол ўйнашини ва организм умрини турнинг чегарасидан узайтиришга таъсир этишини Сиз деярли исботлаганингиз, бу жуда ажойиб! Хужайралараро матрикс тузулмаларининг молекуляр бузилишлари нафақат қариликка ҳамроҳ бўлиши, балки кўплаб оғир касалликларнинг сабаблари ҳам эканлиги бугунги кунда фанга маълум.

**Ригден:** Табиийки, хужайралараро матрикс тузулмасининг хатто кичик бузулишлари турли хил патологиялар ривожланишига ёрдам беради. Қариликнинг сабабларидан бири – бу организмда айнан молекуляр, биринчи навбатда хужайралараро матрикснинг қурилишидаги ўзгаришларнинг кўпайиши.

**Анастасия:** Организмдаги хужайралараро матрикс етарлича хилма-хил ва, умуман олганда, яхшигина ўрганилган. Аммо, Сиз кўрсатган *эмбрионал хордада* яширинган *хужайралараро матрикснинг ибтидоий шаклига* ҳеч ким деярли эътибор қаратмаган!

**Анастасия:** Хужайралараро матрикснинг ноёб модда сифатида хужайраларнинг регенерациясида муҳим рол ўйнашини ва организм умрини турнинг чегарасидан узайтиришга таъсир этишини Сиз деярли исботлаганингиз, бу жуда ажойиб! Хужайралараро матрикс тузулмаларининг молекуляр бузилишлари нафақат қариликка ҳамроҳ бўлиши, балки кўплаб оғир касалликларнинг сабаблари ҳам эканлиги бугунги кунда фанга маълум.

**Ригден:** Табиийки, хужайралараро матрикс тузулмасининг хатто кичик бузулишлари турли хил патологиялар ривожланишига ёрдам беради. Қариликнинг сабабларидан бири – бу организмда айнан молекуляр, биринчи навбатда хужайралараро матрикснинг қурилишидаги ўзгаришларнинг кўпайиши.

**Анастасия:** Организмдаги хужайралараро матрикс етарлича хилма-хил ва, умуман олганда, яхшигина ўрганилган. Аммо, Сиз кўрсатган *эмбрионал хордада яширинган хужайралараро матрикснинг ибтидоий шаклига* ҳеч ким деярли эътибор қаратмаган!

**Ригден:** Бир қадимий ҳикмат бор: ҳар қандай яқуннинг сабаби бошланишда яширинган.

**Анастасия:** Бу факт! Илм-фан дунёсида бугун содир бўлаётгани камида хайратга солмоқда. Ахир геронтология муаммоларини ўрганувчи олимлар ҳар бир турнинг, шу жумладан одамнинг ҳам, умрининг муддати деярли олдиндан белгиланганлигида ҳалқаланиб қолишган, ва бугунги кунда одамнинг потенциали бор-йўғи 100-120 йил умрига етиши илмий исботланган. Шунинг учун олимлар ўз тадқиқотларини қари одамнинг фаол яшаш даврини узайтиришга қаратишган ва мазкур тадқиқотларнинг чегараларидан чиқишмайди. Организмнинг илдиз хужайралари атрофида айланишиб, пептид препаратларнинг ишланмалари ва сотувларида ҳалқаланиб қолган. Аммо иш бундан нари сурилмаяпти.

**Ригден:** Менимча, бугунги, қудратли замонавий технологияларга ва илмий потенциалга эга жамиятда нима учун иш бундан нарига ўтмаётганининг жавоби яққол.

**Анастасия:** Йўқ, мен тушунаман, замонавий дунёда, афсуски, одамларнинг миясида ҳаётга нисбатан истеъмолчилик муносабат кўпроқ устувор ва жамиятнинг дунёқарашини форматининг ўзи яхшироғини хохлашимизга ундамоқда...Лекин Сизнинг билимларингиз ва ишланмаларингиз – ахир бу даврнинг шов-шуви-ку! Уларда хужайралараро матрикс, организм регенерацияси учун зарурий шароитлар...сунъий гравитация яратишнинг хусусиятлари тўғрисида ноёб маълумотлар мавжуд. Ахир хатто гравитацион физиология ва биология каби фанлар учун ҳам булар одам ҳақидаги қимматбаҳо маълумотлар! Ахир ўрганишнинг мазкур соҳаси – деярли фандаги оқ доғ саналади! Биз яшаётган гравитацион майдоннинг таъсири етарлича ўрганилмаган. Коинот ҳақида нима деймиз?. Ахир биз коинотга Ернинг гравитацион майдонидан нари чиққанимиз йўқ, бошқа сайёралардаги гравитацияни ва уни одамга таъсирини ўрганишни



гапирмасак ҳам бўлади. Тажриба йўли билан гравитациянинг ҳар хил даражаларининг таъсирини миқдорий хусусиятларигача, одам организмида гравитация ўзгаришига жавоб берувчи бутун бошли тизим мавжудлигини тушунишгача одамлар хали қачон етиб боришар экан? Бу тизимни бошқариш мумкинлигини гапирмасам ҳам бўлади. Бунга неча юз йиллар кетар экан?

**Ригден:** Одамнинг ўзида-чи, нима ўзгаради? Бошқа замон, бошқа ташвиш. Ўша замоннинг ўзи келармикан?

**Анастасия:** Ҳа, энди, айтишадик, хечдан кўра кеч, деб! Ахир тирик организмнинг фаолияти гравитация кучларининг катталигига нақадар кучли боғлиқлиги, оғирлик кучининг камайишига организм ўша хужайралар ташқарисидаги суяқликни камайтириб, қанчалик оператив жавоб кайтариши ҳақида бугун олимларда тушуниш бор. Бу ерда гап бунда ҳам эмас. Ахир Сизнинг билимларингиз ва тадқиқотларингизни натижалари – булар Ер сайёраси ва унинг гравитацион шароитлари одамзод учун қадрдон уй эмаслигининг исботи! Ахир биз ҳаммамиз бу ерда – келгиндилармиз, десак бўлади!.. Одам организмида ўзини ёшартириш жараёни содир бўлувчи, ва шунга кўра, умрнинг муддати ўнлаб маротаба узайишига имкон берувчи гравитацион шароитларнинг назарий ҳисоб-китоблари учун Сизнинг маълумотларингиз асос бермоқда...Одамларнинг тафаккурида қандай илгарилаш рўй беради!

**Ригден:** Жамиятдаги бугунги истеъмолчилик фикрлашнинг устуворлигида одамлар ўзларини Ерда маймундан пайдо бўлганлигига ишонгани яхшироқ. Сен айтаётган билимлар эса фақат бутун жаҳон ҳамжамияти, ёки хеч бўлмаса унинг катта қисми рухий маънавий ривожланиш, одамларда Малакий табиатининг устуворлиги йўналишида юрса, фойда келтиради. Акс ҳолда ушбу билимлардан маъно йўқ! Одамларнинг аксариятини онгида Хайвоний табиати устувор бўладиган бўлса, одамларнинг ҳаёти ўша ёниб тугаган шамдек аччиқлигича қолади: на ёруғлик, на иссиқлик. Бугунги жамиятга ҳозирча бу билимлар фойда келтирмайди. Унданда кўпроғи, улар ҳалокатли бўлади, деган бўлардим, чунки одамларнинг яшаш муддатларини узайтирилиши (хатто йигирма йилга ҳам) сайёранинг аҳолисини кўпайишига олиб келади. Бу эса албатта, озиқ-овқат билан, иқтисодиёт билан боғлиқ, қисман сиёсатчилар ва қоҳинлар томонидан яратилаётган инқирозларни келтириб чиқаради. Мазкур масалада Ер юзида турли табиий жараёнларнинг фаоллигини салбий динамикасини ўсаётганини ҳам инобатга олиш керак. Мана шу даврдаги барча қийинчиликлардан қочиш ва одамларнинг умрини узайтириш учун, авваламбор жамиятнинг ривожланиш векторини истеъмолчиликдан рухий-бунёдкорлик векторига ўзгартириш керак, шунда бутун дунёда одамлар

орасида умуминсоний ахлоқий руҳий-маънавий қонунлар қоғозда эмас, балки амалда устувор бўлади.

Билим – бу, авваламбор маъсулият. Агарда барча ишланмалар одамларнинг аксарият қисмида бўлмасдан, чекланган доирадаги кишилар қўлларига тўшиб қолса, бу бутун одамзод учун янада оғирроқ оқибатларга олиб келади. Тасаввур қилиб кўр, қайсидир кохинлар ёки сиёсатчилар қўлларига мазкур ишланмалар тушиб қолди, дейлик. Бундай илмий “илгарилашларда” авваламбор улар манфаатдор, чунки ўзини, ўз Хайвоний табиатини хоқимиятини “ўлмас” қилиши керак. Тарихга қараб қўйиш кифоя, асрдан асрга махфий жамиятларнинг вакиллари ўлмаслик малхамини излаб келишган. Бироқ, танадаги ўлмаслик – бу, шубҳасиз, афсона, ҳар қандай материя тугал ва ўлишга қодир. Унинг умрини маълум вақтга узайтириш эса – бу ҳақиқатдан мумкин. Бундан чиқди, 200 йил одамлар, уларнинг неваралар-ю чеваралари кохинлар ва сиёсатчиларни қандайдир гуруҳини ўз бўйнига ўтқазиб, озқлантириб келишса, улар эса, халқнинг авлодлари ўлаётган бир пайтда хатто қаришмаса, нима бўлишини тасаввур қилиб кўргин. Ахир бу албатта урушлар ва қон тўкилишларга олиб келади. Яна одамларнинг заифликлари орқали ўша Хайвоний ақлнинг устунлиги бўлади, битта материя бошқасини йўқ қилади. Ҳўш, маъно нимада?

Вақт тез оқувчидир ва жуда тез учади, юз йил ҳам, икки юз йил ҳам, минг йил ҳам. Лекин бундан одамларнинг азоблари, қалбнинг азоб-уқубатлари тинчланадими? Ахир кейинчалик мана шу яшаган йиллар учун, шу онларда ўзингда яратганинг учун жавоб беришга тўғри келади-ку. Худонинг дунёси билан ҳақиқатдан ҳам ўзининг туйғуларининг чуқурлиги билан тегишган киши ушбу хаёлий, моддий дунё нақадар омонат ва фонийлигини тушунади. Шахсан мен ушбу моддий дунёда, мана шу, доимий муаммолар ва истакларга тўла омонат танада менга белгиланган мавжудлигим муддатини бир дақиқага ҳам узайтирмаган бўлардим.

**Анастасия:** Ҳа, шундай. Аммо буни шахсий руҳий тажрибаси борлар тушунади. Одамларнинг аксарияти эса хатто ўзини кўлга олиб, ўз Хайвоний табиатини назорат остига ололмайди. Одамларнинг умри узайса, ўзини ўрганиш учун имконияти кўпаяди, деб ўйлайман. Улар хозиргидек, кўплаб хатоларга йўл қўйиб, ҳамма каби қолиплар бўйича яшаб, умрининг сўнгида эса буларнинг барчаси бўм-бўш ва эътиборга лойиқ эмаслигини тушуниб, хаёти бўйлаб ғириллаб югуришмасди. Уларда, ўтмишдаги хатоларнинг тажрибасини инobatга олган холда, Билимларни ўрганиш, тушуниш, онгли руҳий ривожланиш учун вақт пайдо бўларди. Ахир буни шунингдек уларнинг руҳий маънавий

ривожланиши, Шахсининг Қалби билан кўшилишига эришиб, моддий дунё ташқарисига чиқиши учун имконият деб кўрилса бўлади-да!

**Ригден:** Ҳа, одам учун бу имконият бўлиши мумкин, лекин фақат жамият ўзининг босма-қолипларини, ўзини истеъмолчилик дунёқарашини ўзгартирган тақдирдагина. Бунинг эса ҳеч қийин жойи йўқ. Одам ўзининг ҳақиқий, руҳий маънавий табиатини тушуниши керак, холос. Шунда у жамият ҳаётига реал ўзгаришлар киритиб, атрофидаги одамларни ўйғотиши мумкин. Бу маънода ҳатто бир киши ҳам жанг майдонида Аскар ва кўп фойдали ишлар қилиш мумкин! Ахир бу ҳаётда ҳар биримизнинг кўплаб “ролларимиз” мавжуд, улар бизга турли одамлар билан мулоқот қилишга имконият беради: ота-она, қариндош, қўшни, дўст, мутахассис, спортчи, талаба, ишчи, бошлиқ, жамоа арбоби, интернет “яшовчиси” ва хоказо. Одам ҳаётида қанчадан-қанча одамлар билан тўқнашади: болаликдаги дўстлар, мактабдаги ўртоқлар, институтдаги курсдошлар, ишдаги жамоадошлар, умумий ишлар бўйича шериклар, узоқ қариндошлар, тасодикий танишлар. Бу бутун мини жамиятдир, ўтмишда танишган ва келажакда танишадиган одамлар. Демак, ўзгартиришларни ҳамма жойда киритиши мумкин – ишда ҳам, уйда ҳам, танишлар ва нотанишлар орасида ҳам, уларнинг миллати, ижтимоий табақаси, эътиқодидан қатъий назар. Бир қарашда ҳар хил бўлиб туюлган ушбу Шахсларнинг аслида умумий жихатлари кўп. Биз барчамиз одамлармиз, ҳаммамиз Хайвоний табиатимиз намоёндаларидан азият чекамиз, асл руҳий намоёндаларига бир хил қувонамиз, зеро барчамиз ушбу, моддий дунёда вақтинчамиз, “мехмондамиз”.

**Анастасия:** Ҳа, Сиз ҳақсиз, бунинг ҳеч қийин жойи йўқ: бор-йўғи доимо ўзингни мукаммаллаштирасан, руҳий дунё билан яшайсан, ушбу Билимларни амалиётда қўллайсан ва жамиятда Инсонларча яшашни бошлайсан, сўнг эса Билимларни бошқаларга узатасан.

Атрофга, динларда, жаҳон сиёсатида нима бўлаётганига қарасанг. Жуда кўп турли эътиқодларнинг деярли барчаси одамни руҳий маънавий софлик, ахлоқий кадриятлар ҳақида қайғуришига чақирмоқда, шекилли. Аммо аслида, ва бу энди сир эмас, турли культлар хизматчиларининг аксарияти асосан майда-чуйда манфаатларига амал қилади ва одамларда истеъмолчилик фикрлашни шакллантиради, шу билан янада кўпроқ уларни материянинг тўзоғига илинтириб, оёқлари остидан руҳий маънавий таянчини олиб ташлашади. Қаерга қарама – ҳамма жойда алмаштирилишлар. Кохинлар диндорлар оломонларини, худди фермерлар соғин сигирларни эксплуатация қилишгандек, эксплуатация қилишади, ҳар қандай бахоналар билан алдаб-сулдаб улардан моддий воситаларини олиб қўйишади. Ҳеч нарсадан жирканмай, улар

диндорлар устидаги хокимиятини ўзининг сиёсий таъсирини кучайтириш учун қўллашади, табиийки, ғаразли ниятларда.

Сиёсатни айтмасак ҳам бўлади. Хайвоний ақлнинг жамиятга мазкур, хокимият ва бошқарув билан боғлиқ фаолият соҳаси ёрдамидаги таъсирининг оқибати, яққолдир. Жамиятда худбинлик, тамагирлик, “одам одамга – бўри” принципи табиий бўлиб қолди. Халқларни ижтимоий гуруҳларга, партияларга, динларга бўлишмоқда, уларни, оммани бошқариш учун ўша, турли ваъдалар билан алдаш каби қадимий усулни қўллаётган, даҳоларининг манфаатлари учун бир-бирига қарши туришга, бир-бирини ўлдиришга мажбурлашмоқда. Сиёсатчиларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тажовузни қандай ва нима учун фаоллаштиришлари, тушунарли, аммо буни одамларнинг ўзлари қўллаб-қувватлаши, ачинарлидир. Ва булар айнан мана шу, одамзоднинг тур сифатида омон қолишини деб, табиий офатларнинг динамикасини, частотасини ва кўламнинг ўсишини, шунингдек, яқин келажакда одамзод дуч келадиган муаммоларни инобатга олган холда, бутун жаҳон ҳамжамиятининг бирлашиши зарур бўлган бир пайтда содир бўлмоқда.

**Ригден:** Ҳа, жамият ўзгармаса, одамзод шунчаки омон қолмайди. Глобал ўзгаришлар даврида (умумий Хайвоний ақлга бўйсунувчи) Хайвоний табиатининг тажовузкор фаоллашуви сабабли, одамлар, ҳар қандай бошқа ақлли материя каби, ўзининг яшаб қолиши учун курашади, яъни халқлар бир-бирини ўлдиришни бошлади, омон қолганларни эса табиатнинг ўзи йўқ қилади. Келадиган офатларда фақат бутун одамзод бўлиб бирлашиб ва жамиятни руҳий маънавий маънода сифатли ўзгартирибгина омон қолиш мумкин. Агарда биргаликдаги сай-ҳаракатлар билан одамлар жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракат йўналишини истеъмомчилик ўзанидан, Малакий табиати устувор бўлган ҳақиқий руҳий ривожланиш тарафига ўзгартира олишса, инсониятда мазкур даврда омон қолиш имконияти мавжуд бўлади. Унданда кўпроғи, жамият ҳам, келажак авлодлар ҳам, ўз ривожланишининг сифат жихатдан янги ўрамига чиқа олади. Бироқ айни пайтда бу ҳар бир кишининг реал танловига ва ҳаракатига боғлиқ! Ва, асосийси, саёранинг кўпдан-кўп ақлли одамлари буни тушунмоқда, келадиган ҳалокатни, жамиятнинг қоллапсини кўришмоқда, лекин нима қилишни, бунга қандай қарши туришни билишмаяпти.

**Анастасия:** Демак, жамиятни шу ерда ва ҳозир ўзгартириш учун нима қилиш керак? Нимадан бошлаш керак?

**Ригден:** Энг оддийдан, ўзидан бошлаш керак. Қачонки одам ўзининг ҳаётини маъносини, руҳий ривожланиш маъносини тушунса, шунда у

ўзи сифатли ўзгаришни бошлайди. Ер юзида кўплаб кишилар мазкур Билимлар билан танишса, эртами-кечми, жамият ҳам ўзгаради, демак, цивилизациянинг харакатланиш вектори мутлақо бошқача бўлади.

**Анастасия:** Онг билан яратилган нарсаларда (мавжуд кўпдан-кўп динлар ва улардаги тушунча ва моҳиятларда) чалкашиб кетган замонавий инсон аслида нима учун бу дунёда яшаётганининг руҳий маънавий моҳиятини, ўша хақиқий сабабини англаб олиши жуда ҳам мушкул. Оддий Хақиқат мураккаблаштирилгани боис, унинг моҳияти тушунарсиз бўлиб қолган. Албатта, ҳозир деярли ҳар қандай одам фойдаланиши мумкин бўлган кўплаб асбоблар мавжуд: руҳий амалиётлар, ибодат, медитация ва бошқалар. Пировард мақсад ҳам тушунарли – бу руҳий озодлик. Аммо мана шу энг юқори руҳий ҳолатга эришишга олиб келувчи умумий асос, моҳият йўқотилган. Ахир асбобларнинг ўзи бош негизни тушунишини бермайди. У эса мазкур асбоблар ёрдамида ўз устида ишлаётган Устанинг онгида ва қалбидаги ҳиссиётларида мужассамлашган. Инсоннинг руҳий ривожланишидан кўзланган асл мақсад, яъни азалий Хақиқат ҳақида одамларга гапириб бера оласизми?

**Ригден:** Инсоннинг руҳий маънавий ривожланишининг маъноси унинг ичкарасидаги сифатли ўзгаришидир. Бу биринчи навбатда, нафақат Худога бўлган самимий мухаббат орқали ҳар бир яшаётган кунида Яратган билан чуқур ички мулоқотни тиклаш, балки мана шу, чуқурликдаги туйғу билан яшашни ҳам назарда тутати. Худо билан шундай соф ички мулоқотга аслида инсон интилади. Айниқса болалиқда, қайта туғилиш хотираси ҳали янгилигида, бундай эҳтиёж кўпроқ намоён бўлади. У ўзининг Қалби орқали ушбу чуқур ҳиссий алоқани сезади, ва бу алоқа боланинг самимий қувончи, ҳаммага ва ҳар бир нарсага бўлган чексиз мухаббати кўринишида намоён бўлиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам болалар катталарга қараганда Худога яқинроқ деб ҳисобланади. Ахир янги Шахс ҳали пок бўлади ва самимийлиги, ишончи уни Қалби билан боғлайди, Қалб эса янги Шахс орқали нажот топиш умидида бўлади. Шунинг учун ҳам келгусида, ҳаётининг аксарият қисми давомида, инсонга энг яхши дамлари ҳали олдинда бўлиб туюлади. Аслида, “самимий бахт” намоён бўлган дақиқаларда, хатто Қалбининг танада қамалишини оғир шароитларида ҳам, кичкина одам ўзининг руҳий табиати билан, Худонинг унинг Қалбига бўлган эътибори, мухаббати ва ғамхўрлиги билан тегишишининг чуқурликдаги туйғуларини бошдан кечиради.

Вақт ўтиши билан янги Шахс атрофидаги дунёни идрок қилиб, ўрганишни бошлайди ва бу ҳис-туйғули алоқа унинг яқинлари, яъни ота-онаси ва қариндошлари билан мулоқотга ўтади. Худодан

таралаётган чуқур самимий Муҳаббатни хис қилиш туфайли унинг онгида кўзга ташланадиган дастлабки ташқи тимсоллар сақлана бошлайди. Бу хис-туйғу эса фақат инсоннинг ички дунёси билан, Худога бўлган Муҳаббатидаги сўзсиз, ҳақиқий сухбат билан боғлиқ. Шу боис бизда болаликдан энг илиқ хотиралар қолади, масалан онамиз энг қудратли, севимли ва ҳамма нарсага қодир инсон бўлиб туюлади. Лекин улғайгач биз унга бошқача кўзлар билан, ўз тақдирига эга, катта ёшли аёлга қарагандай қараймиз. Тана улғайишни бошлаганида, янги Шахс ўз билмаслиги туфайли Хайвоний табиат фойдасига танловни тез-тез амалга оширгани сайин, бу кўринмас ҳиссий мулоқотни одам йўқота бошлайди. Лекин шунда ҳам Қалб инсонни сигналлари орқали чақиришдан тўхтамайди. Мана шу, Қалбга хотиржамлик бағишловчи Худо билан бўлган мулоқотга қайтишга у ёки бу усул билан чақирувчи вазиятлар одамнинг хаётида пайдо бўлаверади. Лекин Хайвоний табиатидан келиб чиққан фикрларларга таяниб, Худонинг Муҳаббатини ўтказувчиси бўлмиш ўзининг Малакий табиатига тегишли Қалбини эшитишдан ва тинглашдан одамнинг ўзи бош тортади.

Шу пайтда мазкур жонли мулоқотни Хайвоний табиат ўзи билан алмаштириб кўяди. Агар истаги бўлса, Шахс ўз фикрларини кузатиб, мазкур жараёни ўзида аниқ кузатиши мумкин. Бу жараён одамнинг Хайвоний табиатидан келиб чиққан фикрларига, ёки, қадимгилар айтганидек, “тўпроқ”қа чалғиб, Абадий бўлган, унинг учун энг қадрдон ва яқин бўлган Зот билан мулоқотни йўқотишдан бошланади. Шу дамда *одам ички ёлғизликни хис эта бошлайди*. Бунинг натижасида эса у *алмаштирилишларни содир этади*, у ўзига ўхшаган вақтинча ва тўпроқдан иборатлар билан *ташқи мулоқотни излайди*, ёки Хайвоний табиатидан келиб чиққан фикрларга бутунлай берилиб, “ўзи билан ўзи” гаплашишни бошлайди. Бироқ бу мулоқот Худо билан бўлган Руҳий мулоқотдан сифатли фарқ қилади. Унда самимийлик, руҳий софлик хис-туйғулари ғойиб бўлиб, хафалик, кибр, хасад, ғаразлик хислари пайдо бўлади.

Мана шулар айнан онгда устувор бўлган Хайвоний табиатнинг алмаштирилишларидир. Ва одам ўзини, хаётининг асл маъносини ташкил этувчи ўзининг руҳий маънавий табиатини тушунишни йўқотганлиги боис, унда мана шу алмаштирилишлар содир бўлади. Қалбнинг материянинг асирлигидан қутулиб, озод ва мустақил бўлиш каби чуқурликдаги истагининг кучини унинг хайвоний ўзлиги бузиб тушунади. Ва одам ўзининг асл туйғуларини энди тушунмайди. У ўзини ўз худбинлик қасрида қамаб кўяди. Хайвоний табиати таклиф қилаётган ниқоб-тимсолларни бирма-бир тақиб кўра бошлайди. Бундай холатда у энди Худога эмас, фикран ўзига мурожаат қилади. Моҳият

бўйича, у фақат ўзи билан, аниқроғи ўзининг Хайвоний табиати билан мулоқот қилиб, фақат уни тинглашни бошлайди. Хайвоний табиати эса абадий Ҳақиқатни вақтинчалик хом-хаёлга алмаштириб, одамни ўзининг ўтказувчисига айлантиради. Ўзи билан ўтказган бундай диалог ёвуз, кўпдан-кўп моддий истакларга боғлиқ ўлишга қодир одамнинг диалогига айланади. У энди Худо билан яшамайди, у эркин эмас ва материяда (хаётий вақтни ва эътиборни уни кўпайтиришга қаратиб), бошқаларни ўзига тобе қилишда ва уларга азоб келтиришда у ўзининг ночор мавжудлигининг маъносини ва роҳатни топади. Шу билан, мазкур алмаштирилишнинг моҳияти шундаки, одамнинг ўзи буни фаҳмламайди, унга барчасини тўғри бажараётганидек туюлади ва “унинг фикрича” айнан шундай қилса, бошқалар учун яхшироқ бўлади.

Аммо ўлишга қодир одамнинг диалогига бўла туриб, у бахтни топмайди ва худди тебрангич каби, ўз моддий истакларида тебранади. Вақт ўтиб, буларнинг барчаси беҳудалигини тушунади. Қачонлардир болалигида самимий қувонч, соф мухаббат, ишонувчанлик унга ажойиб ички эркинлик хиссини берганини у эслайди. Хозир эса на самимийлик, на софлик, на ишонч – барчаси йўқотилган ва ҳар бир кун унинг Қалбига қайғу келтиради, холос.

**Бирок одам Худони Мухаббатини унутган дамларида ҳам, Худонинг Мухаббати уни тарк этмайди.** Худо одамни ҳеч қачон тарк этмайди, зеро Қалб туфайли Унинг Мухаббати доимо у биландир. Бирок одам чириб кетувчи материянинг лаҳзали, вақтинчалик истакларини қўлланма қилиб, ушбу абадий Мухаббатни ҳар доим ҳам қабул қилгиси келмайди ва чин кўнгилдан уни билиб ўрганишни “кейин”га қолдиради. **Аммо одамда ўша “кейини” йўқ, унда фақат “шу ерда ва хозир” бор, ва айнан шу онда асл ҳаракат ва танлов содир бўлади. Очилиш ва Худога таваккал қилиш керак, холос.** Умрнинг қимматбаҳо вақтини йўқотишнинг хожати йўқ. **Ёлғизлик хиссини рағбатлантирувчи Хайвоний табиатининг хужуми бошланган захотиёқ, ўзидаги мана шу, ерлик “ўзлигини” енгиб, болаларча самимийлик билан Худога мурожаат қилиш, Унинг Иродасига суяниш керак.** Ўзинг билганиндек, самимий сўзлар, ва асосийси, ички, чуқур туйғу билан, энг яқин ва қадрдон Мавжудотга каби мурожаат қилиш керак. Инсон чуқур тавба қилиб, ўз Қалби билан мулоқотга киришар экан, Худонинг Мухаббати унда кўп бора кучайиб боради. Худо Қалб орқали унга хотиржамликни ато этади. Қалб одам учун битмас-туганмас ички куч манбаига айланади. У ундаги иймонини қайта тиклайди, олган тажрибани англаш ва хаётига янгидан қараш имкониятини тақдим этади. Инсон тушунади-ки: у Мухаббатда, зеро у Худода ва Худо ҳам ундадир. Унинг Худога айтадиган гапи бор ва Худонинг рухий жавобини хис этиш учун самимийлик ва ишонч кучи

ҳам мавжуд. Ва иккита севишганларнинг мазкур диалоги чексиз. Зеро Худо – бу Мухаббатдаги мулоқотдир. Мана шу мулоқотда бўлиши, рухланиши, Худо билан бўлган уйғунлиги – айна ҳақиқий, асл ҳаёт эканлигини инсон тушуниб олади. Бу ҳар бир, энг самимий туйғулари билан Худонинг олдида очилган инсонда рўй берадиган сир-синоатдир. Лекин одам ўзининг “мен”ига суянса, унинг атрофида қанча яқинлари, дўстлари ёки қариндошлари бўлмасин, у ўз Қалбини Дарвозасини ўзи ёпади ва абадий ёлғизликни бошдан кечиради. Лекин Қалб Дарвозаси Худо билан мулоқот учун очиқ экан, инсон ҳеч қачон ёлғиз эмас, зеро доимо У Зот билан суҳбатда. Худо билан ички мулоқотни тиклаганида, ҳаётни нақадар чекланган ҳолда идрок қилишини, унинг бир қисминигина кўришини одам теран англайди. Одамни ҳаётини тўла-тўқислигича кўрувчи ягона Худодир. Одам тушунадики, ҳатто энг оғир азоб-уқубат ҳам аслида Худо билан мулоқот йўлига, У билан йўқотилган руҳий алоқанинг тикланиши йўлига олиб чиқувчи вазиятдир. Зеро одамнинг нафс балосига учишини ва ички руҳий маънавий ўзгаришларининг имкониятларини Худо кўриб туради. Шунинг учун Худо одамга ўз тажрибасини орттирувчи ва танловини англашига сабаб бўлувчи, У билан мулоқотни тиклаш имкониятини берувчи вазиятларни келтиради, бу эса охир-оқибат Шахсни Қалб билан қўшилишига ва руҳий дунёга чиқишига ёрдам беради. Аммо нима билан яшашни доимо одамнинг ўзи танлайди – ўлимга етакловчи кибр биланми ёки абадий марҳамат биланми. Мазкур чуқур хистуйғули, ниятларнинг софлиги ҳукм сурувчи даражада рўй берувчи одамнинг Худо билан бўлган Мулоқотининг мукаммаллашишига руҳий амалиётлар ёрдам беради. Улар, худди ўтказувчилар каби, Шахснинг Қалб билан қўшилишига, ички дунёнинг бойишига, Билимлар ва куч билан, руҳий дунёдан келаётган туйғулар софлиги билан тўлиб туришга ёрдам беради.

Руҳий амалиётлар – бу одамга сифат даражадан бошқача дунёни тушунишга, у билан энг яқин қариндошлигини англашга кўмаклашувчи асбоблардир. Улар ўрганишнинг илк журъатсиз қадамидан Руҳий Оламга мутлоқ ўтишигача, ўзини ўзгартириш истагидан доимо Худода бўлиш зарурлигини тушунишига қадар Шахснинг ҳамроҳлари бўлади. Бу яшаш тарзи. Бу Абадийликка йўл. Бу тоза хавонинг, сувнинг, ёруғликнинг ва кўнгил илиқлигининг бир хўпламидек, бу тавба қилишдан бўлган қувонч ва Худонинг Мухаббатида бўлиш бахтидир.

Ўз устида ишлашни, руҳий амалиётларни ўзлаштиришни бошлар экан, кўпинча бироз вақт ўтгач одам уларни ташлайди, тушкунликка, истамасликка, дангасаликка тушади, Худо билан Диалогдан турли чалғишларни ва бахоналарни ўйлаб топади.



Аммо бундай холат намоён бўлганида, Худо билан мулоқот қилишга сени ким йўл қўймаётгани ҳақида ўйланиб кўриш арзийди. Сенинг онгингда хаёлий тўсиқларни ким яратмоқда? Ушбу фоний, онли дунёнинг ишлари сенинг хаётингдаги асосий ишдан – Абадийликдаги рухий қутқарилишдан кўра аҳамиятлироқ деб ўйлашингга ким мажбурламоқда? Сенинг рухий маънавий йўлдан юришингни ким истамапти? Жавоб битта – Хайвоний табиатинг. Шунинг учун, дангасалик, истамаслик, бахоналар кўринишидаги унинг яққол қарши туришлари рўй берса, кучларни икки қарра тўплаб, ўз устида рухан ишлашни бошлаш керак. Медитациянинг вақтини кўпайтириш, нима бўлишига қарамасдан хис-туйғуларга шўнғиш, рухий дунёга янада қатъиятлироқ интилиш ва Худо билан қутқарувчи мулоқотни тиклаш керак. Камида икки маротаба рухий амалиётларни бажариш, кун давомида эса ўз ички дунёси, Қалби билан алоқани, Худонинг ёнида эканлигини хис этишни йўқотмаслик керак. Ўшанда бу нарса нафақат хаёт тарзига, бу сени тобора Абадийликка яқинлаштирувчи рухий йўлингга айланади.

Худода яшар экан, одамда ички низо, ўзи билан бўлган можаро йўқ. Унда моддий дунёнинг қурқувлари ва ташвишларига тўла хусусий илтимослар истаги йўқолади, зеро у уларни ўзининг ерлик “менидан” келиб чиқишининг моҳиятини тушунади. Худонинг фаолияти қаерда-ю, бошқасиники қаердалигини одам энди ақли билан тушунишга уринмайди, зеро буни барчасини у хис қилишни ва Билишни бошлайди. Ва бу Билим ақлдан эмас, Қалбнинг чуқурликдаги туйғуларидан келади. Ахир одам ақли билан ишонади, Қалби билан эса Билади. У ўзининг ичкарасидаги хаётини фақат Қалбида мужассамлаштиради, зеро Қалб орқали у Худони ва унинг асл қадрдон уйи бўлмиш чексиз рухий дунёни ўрганайди. Инсон ўз Қалби билан яхлитликка эга бўлади. Унда ёмонлик учун жой қолмайди, чунки у Худонинг дунёси, У билан уйғунликда бўлишдан олган хотиржамлиги билан яшашни бошлайди.

Ва бундай мулоқот узлуксиз содир бўлади. Инсоннинг ички дунёсида Худодан бошқа энди ҳеч нарса йўқ, ва Қалб Унинг олдида софликда турибди. Бу мулоқот икки севишганларнинг сиридир. Инсон Худонинг ёнидалигини хис этади ва Уни севади, Унга худди севган киши ўзининг суюкли Мавжудотига интилгандек интилади, хамиша Унинг ёнида бўлиб, У билан чексиз мулоқотда бўлишни хоҳлайди. Вақт ўтиб инсонга Худони нафақат ўзида доимий мавжудлигининг, балки бутун атрофидаги дунёсида ҳам мавжудлигининг реал тушуниши келади. Ҳамма учун Худо бутун борлиқ эканлигини инсон англайди. Шу тариқа, Худо билан мулоқотга киришган инсон ўзи ўзгаради, бошқача тушунишга ва дунёни бошқача кўришга эга бўлади. Аммо энг

асосийси, Шахс хаёти давомида, Худо билан мана шундай мустақил мулоқоти туфайли, Унинг рухий дунёсида бўлишни бошлайди, ва Қалби билан кўшилиш ҳолатига эга бўлади, буни турли динларда турлича номлашади: авлиёлик, Нирвана, Худо билан олий уйғунлик ва хоказо. Мана шу ҳолат асл озодлик, инсон бутун умр интиланган асл мавжудлик ҳолатининг ўзгинаси.

**Анастасия:** Сизга ҳақиқатдан ҳам рухий кўзларининг очилишини чанқаб истаётган барча одамлар номидан миннатдорлик билдираман! Ушбу тушуниш ҳар бир кишининг рухий маънавий ривожланишининг асл моҳиятини кўриш учун ҳақиқатан ҳам кўзни очувчи тушунишдир!

**Ригден:** Менга эмас, Худога Раҳмат, зеро ўтказувчи итоаткорлик билан Худонинг Иродасини, Худонинг Донолигини узатади, холос!

**Анастасия:** **РАХМАТ!** Ҳа, барчасини ифодалашга тил ожиз, самимий хис-туйғулар шунчалик жўш урмоқда! Кўпдан-кўп Ҳақиқатга чанқоқ инсонлар учун бу ҳақиқий рухий кўзларининг очилиши, ўзини сифатли ўзгартириш бўйича ваҳийдир.

**Ригден:** Одамнинг кундалик хаётидаги энг асосий лаҳза – **бу эътиборлигини эсда сақлаш муҳим.** Одам ўз хаётида нимага (қайси фикрларга, устуворликларга, истакларга) эътибор берса, ўша нарсага эга бўлади. **Хаётнинг асл намоёндасини кўриб чиқадиган бўлсак – бу ахборот алмашинуви,** у одамнинг уч ўлчамли дунёда қисман идрок этадиган кўринувчи ва эшитилувчи частоталарнинг тор спектри билан чекланмайди. Ахборотли ғиштчаларнинг мажозий мисолида айтиб ўтганимдек, ахборот ҳамма ерда ва ҳар нарсада мавжуд. У вақт ва фазонинг ташқарисиди мавжуд, зеро у барчасини, шу жумладан, вақтни ва фазони ҳам, вужудга келтиради. Ахборот доимий равишда индивидга таъсир этади. Бироқ у, ўзининг дастурига мувофиқ, индивиднинг эътиборини жалб қилганида, яъни танлови амалга оширилганида, унда энди тўлалигича ишлашни бошлайди. Яъни одамнинг нафақат уч ўлчовли дунё (масалан, онг, ғайриихтиёрий онг) билан, балки унинг умумий энергетик тузилиши билан боғлиқ бўлган тузулмалари ишга тушади. Шахс ўзи фаҳхламаган ҳолда мазкур ахборот билан яшашни бошлайди, ахборот унинг воқелигининг қисмига айланади. Шунинг учун, у ёки бу ахборотга эътиборини бериб, одам ўз танлови билан ўзининг кейинги тақдирини яратади. Уни ўз эътибор кучи билан таъминлаганида, моҳият бўйича, ундаги дастурни фаоллаштирган бўлади ва хаёти у ёки бу реалликка айланади.

**Анастасия:** Ҳа, Хайвоний ақл Иродаси ёки Рухий олам Иродасининг ўтказувчисига одам қандай қилиб айланишини тушуниш учун бу

муҳим лаҳза. Гап доимий танловда. Қайси ахборотга (кимнинг Иродасининг дастурига) одам кўпроқ эътибор кучини киритса ва уни қўлласса, ўша Ироданинг ўтказувчисига айланади. Замонавий одамзоднинг муаммоси шундаки, кўплаб инсонлар ўзини тушунмайди, шунинг учун ўз эътиборини ички дунёсига эмас, ташқарига бепарволарча бериб юборишади.

**Ригден:** Одамнинг бутун тузулиши унинг асосий ташкилий қисми бўлмиш Қалб атрофида қурилган, Шахс эса ушбу тузулишда ўша кучнинг руҳий маънавий, сифат жиҳатдан янги трансформацияси учун модулдир. Дарвоқе, “модул” (“modulus”) сўзи латин тилидан таржимада “кичик ўлчов”, “ўлчовча” маъносини ифодалайди. Бошқача айтганда, одамнинг бирламчи асоси – бу унинг руҳий маънавий ташкилий қисмидир. Одамни ақлли мавжудот сифатида яратилишининг ғояси унинг, танлаш ҳуқуқини сақлаган ҳолда, ўзини руҳий ўзгартиришидан, моддий дунё шароитларида Руҳий оламнинг кучларини асл ўтказувчисини яратишдан иборат.

Дарҳақиқат, замонавий дунёда кўплаб одамлар ўзини, ўзининг асл имкониятларини ва ўзидаги улкан руҳий кучни тушунмайди, шу боис, ўзининг ва жамиятнинг ҳаётини сифатли яхшилаш учун қандай ўзгариш ва ўзгартириш кераклигини тушунмайди. Улар ҳатто ҳақиқий ҳаёт, ҳақиқий бахт нималигини тушунишмайди. Одамлар ҳатто руҳий амалиётларни бажариш вақтида чуқурликдаги туйғулар ёрдамида Худо билан мулоқотда бўлиш, руҳий олам билан тегишиш шодиёнасини одамнинг ақли ўйлаб топган ташқи маросимлар ва байрамлар билан алмаштиришга уринишади. Қизиғи шундаки, одам ўша ташқи байрамни ҳам катта умид билан кутади. Аммо у бўлиб ўтганида, у, аслида одамни бўшатиб қўяди, уни “етим”га айлантиради, хиссиётларда алдайди, зеро одам ғайриихтиёрий онг сатҳида тананинг роҳатини эмас, балки кўпроқ чуқурликдаги туйғуларни кутган эди, лекин бунга эга бўлмади. Негаки, буларнинг барчаси (одам ҳар гал руҳий олам билан тегишганида содир бўладиган) асл руҳий байрамнинг ақлдан келиб чиққан, ўхшатишли ташқи моддий декорацияларга эга, оддий театрлашган томошага алмаштирилишидир.

Одамларнинг ҳаётида кўп тушунчалар Хайвоний ақл Иродасининг дастурларини ўрнатмалари билан алмаштирилган, зеро одамларнинг ўзлари Хайвоний табиатининг фикрлари ва истакларида ўз эътиборини ва ҳаётий кучини мужассамлаштириб, кўпинча айнан уларни танлашади. Одамларнинг муаммоси шундаки, улар, ўз танловини амалга ошириб ва Хайвоний ақлнинг иродасинини ўтказувчилари ва бажарувчилари бўла туриб, буни ўзлари тушунмаган ҳолда, Хайвоний ақл мавжуд эмас деб хисоблашади. Ахир у, танадан ва атрофдаги уч

ўлчовли дунёдан фарқли равишда, уларнинг кўзларига кўринмайди-да. Бундай одамлар унинг қудратига ва кучига етарлича баҳо бермайдилар. Улар унинг одам ақлини бошқариш имкониятларини ва асосийси – унинг одамларнинг онгини бутун жамият миқёсида моддийлаштиришга интилишини тушунишмайди. Оннинг моддийлаштирилиши ҳамма одамларни Хайвоний ақл Иродасини ўтказувчиларига айлантиради, бу эса унинг кучларини аҳамиятли кўпайтиради.

Одамзоднинг хаётий куч ресурси ва ҳар бир одам тузулишидаги “доимий ҳаракатга солувчи куч” (Қалб) мавжудлиги билан боғлиқ имкониятлари Хайвоний ақл учун жуда аҳамиятлидир. Ақлли одамларга охириги юз йилликларнинг воқеаларига назар ташлаш кифоя. Сайёранинг аҳолиси қанчалик тезкор кўпайгани, икки юз йил ичида технологиялар қанчалик ривожлангани, улар биринчи навбатда сайёранинг ҳамма одамларини оммавий коммуникациясини таъминлашга, яъни ҳаммани ягона ахборотли фазода бирлаштиришга чақирилган. Шу билан бутун дунёда фикрлашнинг истеъмолчилик формати қанчалик интенсив равишда сингдирилаётгани, цивилизациянинг материя томонга оғиши қай тарзда рўй бераётганига қара. Буларнинг барчаси Хайвоний ақлнинг одамзод устида тотал назорат ўрнатишга ва унинг кучлари-ю ресурсларини ўз мақсадларида ишлатишга тайёргарлигининг ўзгинаси, бу мақсадлар эса уч ўлчамли дунё билан хатто боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Унинг ихтиёрида моддий дунёнинг чегараларидаги юқорироқ ўлчовлар мавжуд, уларда рўй берадиган кичик ўзгаришлар ҳам пастки ўлчовлардаги глобал ўзгаришларни келтириб чиқаради ва Хайвоний ақлнинг кучини кўпайтириш бўйича маълум натижаларга олиб келади. Бу эса материяга боғлиқ бўлган Хайвоний ақлнинг ўзини омон қолиши, ўзининг фоний мавжудлигини каттароқ кучларга – Аллат кучларига қарши равишда узайтириш учун зарур. Ва ушбу кучларни деб Хайвоний ақл ўзининг Иродасига бўйсунувчи жамоавий ва индивидуал ақллар кўринишидаги хоҳлаган қурбонликларни келтиради.

Шунинг учун, жаҳон ҳамжамияти ҳозир қайси қиррада тургани ва ҳар бир Шахсни индивидуал тарзда, шунингдек бутун одамзодни қандай оқибатлар кутаётгани ҳақида одамлар қаттиқ ўйланиб кўриши керак. Ҳозир ҳар бир Шахс учун, бутун одамзод учун, руҳан ўйғониш, руҳан бирлашиш ва бунинг учун Хайвоний ақл томонидан тайёрланган техник базадан фойдаланиб, “минус” ишорасини “плюс” ишорасига ўзгартириш муҳим. Натижа ўзини куттириб қўймайди. Бирлашган инсониятнинг бунга ўхшаш қарорлари тескари свастика бўйлаб тобора кучайиб айланаётган воқеалар гирдобини кўринмас дунёда тўхтатишга қодир. Шунга кўра одамлар нафақат Хайвоний ақлнинг дастурига биноан келаётган ва одамзоднинг мавжудлигига хавф солувчи

воқеаларни олдини олиши, балки воқеалар гирдобини тўғри свастика йўналишида айлантириб юбориши мумкин. Сўнггиси эса Аллатнинг бунёдкор кучларининг ишга туширилишидан бошқаси эмас, шунга кўра, инсоният учун сифат жихатдан *бошқача* келажакни яратишдир.

Бундай ўзаро мулоқот сизларнинг гуруҳингизда ҳам сизларга рухий маънавий йўлнинг бошида нафақат ўзларингизда ва ўз кучларингизда гумонсирашларни енгишга, балки Хайвоний табиатнинг яширин хужумларига ўз вақтида қарши туришга ҳам ёрдам берганини эслагин. Гап шундаки, инсоннинг ўйғонишини дастлабки босқичларида унинг миясида тез-тез элементар чуваланиш, қолипчи алмаштирилишлар содир бўлади, натижада қаерда Хайвоний табиати намоён бўлганини, қаерда эса Малакий табиати намоён бўлганини тушунмаслик рўй беради.

Ҳамфикрлар жамоасида, бошқа инсонлар билан мулоқотда, одам ўзини тезроқ ва яхшироқ тушуна бошлайди. Одатда, дастлабки пайтларда, айниқса жамоада одамлар ўз муаммоларини яланғочлашдан, ўзининг Хайвоний табиатини “сирларини” фош этишдан қўрқишади, бироқ буни амалга оширишга журъат қилганларни бажону дил тинглашади. Ахир одам ўз Хайвоний табиатининг позицияларини “сотганида”, у, аслида, унинг туйнукларини, яъни махфий ҳаракатининг имкониятларини тўсиб қўяди. Унинг устига ҳамфикрлар жамоаси одамни тинглабгина қолмасдан, шунга ўхшаш ўзларининг вазиятлари ва уларни хал этиш усуллари билан бўлишади ҳам. Шу тариқа одам шерикларининг нафақат рухий қувватлашига, балки ўз билимлари ва тажрибасини кенгайтирувчи маслаҳатларига ҳам эга бўлади.

Бундай амалиёт қадимдан мавжуд эди. Масалан, эрта христианларда кичик жамоалардаги оммавий тавба қилиш амалиёти тарқалган эди. Бу ўша, одамга рухий маънавий фойда келтирувчи дўстлар билан дилдаги суҳбатнинг ўзгинаси. Оммани бошқариш бўйича институтлар – динлар тузилгач эса кўп нарсани бошдан оёққа ағдаришди.

**Анастасия:** Ҳа, шундай. Христианликда 1215 йилда IV Лютеран Черковининг қарори билан расмий равишда “эс-хушли ёшдаги” диндорлар учун тавба қилиш амалиёти киритилган. Дарвоқе, унда дин ақидаларига хилоф ишларга қарши кураш (шу жумладан инквизиция ҳам ташкил қилиш) бўйича, Черков обрўсини мустахкамлаш мақсадида бутун бошли тадбирлар мажмуаси қабул қилинган бўлиб, у “каноник қонунлар” мажмуасининг ишланмасига, реформаларга киритилган эди. Бу XIII аср бошида “дин ақидаларига хилоф” деб номланган катарлар, альбигойлар, вальденслар ва хоказо оммавий ҳаракатларнинг тарқалишига Черковнинг жавоби эди. Бу ҳаракатларнинг айби шунда

эдики, одамлар Масихнинг асл Таълимоти ҳақида Ҳақиқатни билишни истаган, уни излаб, воситачиларсиз руҳан ривожланишни бошлаган эди.

Шундай қилиб, динда қабул қилинган тавба қилиш амалиёти борасида. Диндор уни йилига камида бир маротаба амалга ошириши керак эди. Унинг моҳияти – диндор руҳоний олдида ўз гуноҳларини тан олиши керак эди, руҳоний эса Исо Масих номидан черков томонидан махсус ўрнатилган “рухсат берувчи сўзлар” билан ўша “гуноҳлари” учун уни кечирар эди. Ва бу одамнинг “илоҳий авф этилиши” учун зарур шарт хисобланган эди, чунки кохинларнинг ўрнатмаси бўйича, одам “илоҳий причащение синоатига” тавбасиз киритилмас эди, бусиз эса одам гўёки қутқарила олмас эди, чунки черков ақидаларига биноан “причащение бу Масих билан бирлашиш”, “қалбни абадий ҳаётга мархаматли қўшилиши”дир. Акс холда одамни диндан хайдашар, уни христианлик анъанаси бўйича дафн этилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан кўрқитишар эди.

Ҳа, албатта, фарқ аҳамиятли. Одам ўзини мукаммалаштиришга, ўз устида ишлашга, ҳамфикрлари, дўстлари билан мулоқот қилишга интилиши, ўзини ўрганиб, руҳан қўллаб-қувватланиш ва бошқаларга ёрдам кўрсатишни хошлаши бир гап бўлса, одамни черковдан узоқлаштириш ва жамиятнинг таъқиб қилиши жазоси билан кўрқитиб бунга мажбурлаш эса мутлақо бошқа гап. Ва буни ўша замонда аслида ижро этувчи ҳокимият институти бўлган расмий ташкилот – Рим-католик черкови номидан қилишган. Дарҳақиқат, худди атайлаб – одам руҳи билан эмас, кўркув билан бошқарилиб тавба қилиши учун, унда руҳий ҳаракатни мустақил амалга ошириш ҳақидаги фикр ҳам пайдо бўлмаслиги учун барчаси бошдан оёққа ағдарилгандек.

**Ригден:** Булар айнан одамлар пайқамайдиган, Хайвоний ақлдан келиб чиққан алмаштиришлар, одамлар унинг ўтказувчилари бўлгани боис, уларни фаҳмламайди, бунга ўхшаш фикрларни ўзлариники деб ўйлайди. Уларнинг ўйлашича, бундай фикрлар уларни ҳокимиятини мустаҳкамлаб, шу билан бир вақтда гўёки “аҳолининг руҳий маънавий ўсишига” ёрдам берар эмиш. Руҳий маънавий масалаларида одамнинг мустақил танлови муҳим, мажбурлаш йўқ. Барчаси шунда қурилган. Ахир ёмон одамлар бўлмайди, бор-йўғи ўзининг ҳақиқий руҳий имкониятлари тўғрисида билмайдиган, шунинг учун ҳам азобланаётган одамлар бор.

**Анастасия:** Маълумки, одамнинг шахсий руҳий ўзгариши унинг атрофидаги жамиятга албатта маълум таъсирини ўтказди. Сизнинг бир неча бор эслатишингизча, агар бундай руҳан ўйғонган инсонлар кўпчилиқни ташкил қилса, жамият ҳам ўзгаради. Хайвоний табиатнинг

кўп чайналган иборалари-ю босма-қолипларидан, тафаккурнинг истеъмолчилик форматидан кетиш учун, замонавий цивилизацияни рухий маънавий ривожланиш йўналишига қайта тўғрилаш учун жамиятни қандай қилиб сифатли ўзгартириш мумкинлиги тўғрисида одамларни хабардор қилсангиз дегандим.

**Ригден:** Барчаси осон. **Одамнинг иккиланган табиатини инобатга олиб, жамиятнинг барча сохаларида Хайвоний табиатнинг хоши-истаклари намоён бўлишининг кичиккина ҳам имкониятларини рад этиб, жамиятнинг принципиал равишдан янги модели учун шароитларни яратиш керак.**

**Бундай жамиятнинг қурилиши нимадан бошланади?** Агарда рухий маънавий принциплар бўйича яшайдиган цивилизацияни барпо қилиш нияти одамларнинг аксариятида бўлса, барчасини осонгина хал қилиш мумкин. Авваламбор жамиятнинг рухий маънавий ривожланишида тартиб ўрнатиш керак. Рухий векторга тўғриланган, яъни ривожланишнинг юқори даражасини кўзлаган цивилизацияда турли динларга бўлиниш мавжуд бўлиши мумкин эмас, унда оммани бошқариш институти сифатидаги динлар ва Худо билан одамнинг ўртасида ҳеч қандай воситачилар бўлмаслиги керак. *Унда, жаҳонда турли дин институтларини, диний тизимларни яратувчи кохинлик каби ходиса яқин ҳам бўлиши мумкин эмас.* Жамиятнинг таянч ташкилий қисми бўлмиш Шахснинг рухий маънавий ривожланиши учун ҳаётий шароитларни яратишда жамиятнинг ўзини истаги ва конкрет ҳаракатлари бўлиши керак!

Инсониятнинг тонгида одамлар ҳаётининг шунга ўхшаш ташкилотининг куртаклари мавжуд эди, унда эътибор кўпроқ жамиятнинг рухий маънавий ҳаётига берилар эди, моддий муаммолар эса иккинчи даражали эди. Географик ва бошқа сабабларга биноан бир хил рухий маънавий Билимлар уруғларига эга бўлган кўплаб гуруҳлар бири-биридан айрилган ҳолда яшаган. Вақт ўтиши билан азалий Билимларнинг йўқотилиши, одамларда Хайвоний табиатининг устуворлиги томонига оғиш оқибатида, гуруҳлар ичида бўлиниш, ижтимоий тенгсизлик пайдо бўла бошлади. Кохинлик институти пайдо бўлиши ва турли динларнинг барпо қилиниши Билимларнинг бирламчи рухий маънавий уруғларига асосланган эди. Лекин тизимнинг ўзи моддий устуворликка тўғриланиб қурилар эди. Факт бўйича, бу Хайвоний ақлнинг ақлли материя конгломерати бўлмиш одамзод ва унинг ноёб куч манбаи – рухий мақсадларга мўлжалланган ҳаётий энергияни бутунлай бўйсундириш ва ўз назорати остига олишга уринишидир.

**Анастасия:** Демак, айнан ўзидаги руҳий маънавий уруғлари туфайли одамлар массаларини ўзига жалб қилган дин, тизим сифатида Хайвоний ақлнинг манфаатига хизмат қиляпти экан-да. Ҳа, агарда кохинлик тизимининг пўстлоқларини ва унинг концепцияларини олиб ташлаб, дунё халқларининг руҳий маънавий таълимотлари, эътиқодлари ва динларини хилма-хиллигини кўриб чиқадиган бўлсак, бир хил Билимларнинг мавжудлиги яққол бўлиб қолади: қандай қилиб руҳий маънавий йўлдан юриб, моддий дунёнинг хохиш-истакларига берилмаслик. Бор-йўғи ушбу Билимлар уруғлари аслида битта нарса ҳақида, турли одамий талқинларда берилган.

**Ригден:** Тўғри, ва бу Билимлар дин эмас, шунинг учун уларни сайёранинг турли бурчакларида топиш мумкин, турли эътиқодли хар хил халқларда. Мазкур Билимлар одамнинг ирқи, миллати, яшаш минтақаси, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, руҳий маънавий ривожланишнинг табиий жараёнига ёрдам беради. Аммо кохинлар мазкур Билимлардан фойдаланиб, одамий ақлнинг меваси бўлмиш ўзларининг динларини барпо қилишган. Фақатгина ўз хокимиятини кўпроқ одамларнинг устидан ўрнатиш учун улар битта диннинг ўзгачалигини ва бошқа диндан фарқини ўйлаб топишган.

Инсоният тарихида одамларни атеистларга айлантиришга уринишган замонлар ҳам бўлган. Бир қарашда эзгу мақсадлар кўзлангандек – одамларни кохинлик зулмидан халос қилиш. Бироқ муаммо шунда эдики, жамиятнинг сохаларида Хайвоний табиатнинг устуворлиги шу бўйича қолаверарди. Шунинг учун одамзодда “ёрқин келажак”нинг ўрнига одамлар онгидаги Хайвоний ақл Иродасининг устуворлигининг улар учун янада ёмонроқ шаклининг намоён бўлиши учун шароитлар шаклланар эди. Янги авлодлар учун Қалб ва Худо каби тушунчаларини йўқ қилишар, уларни худбинлик “Мен” ва хаётдаги моддий устуворликлар билан алмаштиришар эди. Хайвоний ақлнинг инсониятга бундай ишлов беришнинг оқибати яққол – жаҳон ҳамжамиятида моддий дунёқараш устувор, аксариятнинг онги эса моддий қолиплар ва ўрнатмаларга қарам бўлиб қолган. Бугун ягона Худога эътиқод қилиб, ўз Қалбини қутқарилишини сўраб дуо қилган одамни аксарият жамиятдан бегоналашган қандайдир элемент сифатида, “ўтмишнинг қолдиғи” деб, гўёки унинг онги “дин ёки секта томонидан тўсилган”дек қабул қилади, гарчи бундай ташкилотларга унинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам. Нима учун бугун жамиятда одамнинг хаётини асосий маъносига – руҳий маънавий ривожланишга, Худога ва Қалбга нисбатан бундай салбий муносабат қаттиқ ўрнашиб олган? Чунки ҳамма жойларда Хайвоний ақлнинг устунликлари тарғибот қилиниб, шарафланмоқда, улар жамиятни моддий қадриятларга ва истеъмолчилик принципларга тўғриламақда. Одамлар онгида пулларни,



мол-мулкни, уй-жойни жамғариш ва кўпайтириш, уларни сақлаш ва меросхўрларга узатишда чекланмаган ҳуқуқлари мавжудлиги каби ўрнатмалар устувор. Одам ўз хаётининг мақсадини онгинг торайган холатида кўрмоқда, шу тариқа у хаёти давомида шухратга эришибгина қолмасдан, балки ўлимидан кейин ҳам уни сақлаб қолишга уринмоқда (Хайвоний ақл томонидан шундай алмаштирилиш элементи, ўзига хос сохта абадийлик). Одамлар массаларининг индивидуал истаклари бирор нарсага эгалик қилиш, моддий дунёда хокимиятга эга бўлиш, атрофидаги барчани, шу жумладан ўзини ҳам, ўзининг бўлинмас мулкига айлантириш интилишига бориб тақалмоқда. Буларнинг барчаси нафақат жамиятнинг Хайвоний ақл ўрнатмалари билан захарланганлигининг патоген хусусиятларига, балки одамзод ўзини йўқ қилиш қиррасига келаётганига ҳам кўрсатмоқда. Ва унинг рухий соғайиши бўйича тезкор чоралар кўрилмаса, эртага кеч бўлиши мумкин, чунки деструктив жараёнлар қайтариб бўлмас характерни қабул қилишади. Энг асосийси – бу ўзини ва атрофидаги жамиятни одам фақат ўзи, ўзининг танлови ва ўзининг ҳаракатлари билан қутқариши мумкинлигини англашдир.

**Анастасия:** Иккита азалги савол: “Ким айбдор?” ва “Нима қилиш керак?”

**Ригден:** Ўзининг Хайвоний табиатини овунтириб, одамлар айбдорларни излашга ёки улар учун кимдир буни амалга оширишини кутишга вақт кетказишнинг хожати йўқ. Улар бошқалар учун яхши ўрнак бўлиб, ўзлари ҳаракат қилишни бошлаши керак. Жамиятда одамлар Номусли, Қадр-қиммати баланд, бошқа одамларга беғараз ёрдам бериб, виждонан яшаб, моддий устуворликларни эътиборга олмасдан, ҳақиқатан рухий дунёга хизмат қиладиган инсонларга интилишади. Биринчи навбатда ўз устида ишлаб, айнан мана шундай инсон бўлиш керак.

Рухий маънавий ривожланиш векторига эга цивилизациялашган жамиятда ҳар бир одам Хайвоний табиатининг фикрларини менсимасликни болалигидан билиши керак, ўзини иккиланган табиатини, энергетик тузулишини ва унинг имкониятларини тушуниши керак. Инсон қуйидагиларни билиши керак: у рухий дунё билан бевосита боғлиқ, Худо ягона ва У билан мулоқот қилиш учун умуман ҳеч қандай воситачилар керак эмас, чунки бу инсон ва Худо ўртасидаги мўжизакор сирли ибодатдир. Дунёга келаётган янги Шахслар учун жамиятда шундай шароитлар яратиш керакки, улар яшашининг асосий мақсадини тушунсин: ўз рухий маънавий кучини кўпайтириш, одам учун табиий бўлган маданий-ахлоқий асосларга риоя қилиб, ўз фикрларида, сўзларида ва амалларида кўпроқ эзгуликни,

инсонийликни намоён қилиш, ўз устидаги ички меҳнатда тобора такомиллашиб, охир-оқибат ўз Қалбини қутқариш.

Ўтмишнинг хатоларини инобатга олиш ва асосий руҳий маънавий ориентирларни йўқотмаслик керак. Замонавий дунёда одамлар битта оддий ҳақиқатни унутишмоқда: умрнинг вақти жуда тез учиб ўтади. Ўзининг моддий истакларининг амалга ошишида улар ўзининг эркинлик даражасини кўришади. Аслида эса ушбу эркинлик шартли, хаёлийдир. Моддий дунёда одам ҳеч нарсага ва ҳеч кимга эгалик қила олмайди, хатто унинг улкан худудини, халқларни забт этса ва унинг бойликларини эгалласа ҳам. У ёлғиз туғилиб, ёлғиз ўлади. Бу дунё одам учун бор-йўғи ахборотли иллюзиядир, у унинг устувор танловини тасдиқлаш учун шароитлар яратади.

Бундай сифат жихатдан янги жамиятда Шахс ўз устида меҳнат қилиш учун турли руҳий маънавий асбобларни билиши ва эгаллай олиши керак. Агарда одам ўзининг руҳий ривожланиши учун кўшимча асбоблардан, масалан, ибодат, руҳий амалиётлар, медитациялар ва хоказолардан фойдаланишни истаса – марҳамат, бу унинг истаги. Бироқ, асбоблар – бу бор-йўғи асбоблардир. Улар камертон каби, эътиборни керакли тўлқинга тўғрилайди, нариги томонни, бошқача дунёни, Худонинг дунёсини бир онга хис қилиш, тажриба олиш, таққослаш, бу дунё билан фарқни тушуниш, чуқурликдаги туйғулар орқали ўз Қалби билан тегишиш, унинг кучини хис қилиш имкониятини беради. Бироқ сўнг одам яна одатий уч ўлчамли дунёга қайтади, унда у яна ҳар кунида ўз танловини амалга оширади. Ва мана шу ерда у шундай руҳий маънавий тажрибага эга бўла туриб, кейинчалик нимани танлаши жуда муҳим. Одам ўзини табиатини ўзгартириб Руҳий Мавжудотга айланишни хоҳлайдими ёки Хайвоний ақлдан келиб чиққан вақтинчалик иллюзияга учиб, шу билан ўз Қалби ва Шахсини кейинги азобларга маҳкум қиладими? Буларнинг барчаси бор-йўғи алоҳида ҳолатлар ва алоҳида олинган индивиднинг шахсий танловининг натижасидир. Аммо ҳар бир одамнинг танловидан бутун цивилизациянинг умумий ҳаракати кўшилади ва боғлиқ бўлади. Ҳаммаси жамиятдаги ҳар бир одамнинг соф ва самимий ниятларидан, ўз ҳаётининг чекланган муддатини инобатга олиб, унга маъсулиятли ёндошишидан бошланади.

Жамиятда биринчи навбатда руҳий маънавий жихатдан цивилизациялашган тартиб ўрнатиш учун, унда иложи борича кўпроқ руҳан саводли одамлар бўлиши керак. Ўз устида ишлаётганлар, ўзини руҳан ўзгартираётганлар, ўрганиш савиясини кенгайтираётганлар назарда тутилмоқда. Дастлабки босқичларда жамиятнинг турли соҳаларида Билимларни тарқатиш мақсадида бундай одамларнинг

тиришишларини бирлаштириш зарур. Жаҳон ҳамжамиятида Малакий табиатининг устуворлигига эга ўқимишли ва интеллектуал жихатдан ривожланган, оламни ва ўзини ўрганиш учун азалий Билимлар билан бевосита танишаётган одамлар кўпайиши учун шароитлар яратиш керак.

**Анастасия:** Яъни жамиятда Эзгуликни бунёд қилиш ва кўпайтиришнинг ички эҳтиёжига асосланган устуворликлар, бугунги олди-сотдининг истеъмолчилик тафаккури форматининг “сен менга – мен сенга” шиори эмас, балки “мен – Худога”, “мен – одамларга” деган шиори ўрнатилиши учун қўлидан келганини қилиш керак.

**Ригден:** Мутлақо тўғри...Шундай қилиб, сўнгра кохинлик тузулмасининг ўзини, мазкур турли диний поғоналар маҳобатини, қурбонлик маросимларини ўтказиб, ўзини одамлар ва Худонинг ўртасидаги воситачилар деб ҳисоблаган, аслида эса бор-йўғи халқларнинг ҳисобига яшаётган дин хизматчиларининг армияларини йўқ қилиш керак. Уларнинг кўпчилиги учун дин бор-йўғи касб ва (оддий диндорлар меҳнати ҳисобига орттирилган) даромадининг манбаи, ишонч орқали сиёсий мақсадларда оммавий онгни манипуляция қилиш воситасидир. Кохинлик тузулмасини йўқ қилиш учун инқилоблар, қонли тўқнашувлар, низолар ва Хайвоний табиатнинг шунга ўхшаш провокацияларини ташкил қилиш керак эмас. Мазкур тизимни тинчлик йўли билан йўқ қилиш мумкин. Ахир кохинлар ҳамма каби одамлар, уларга ҳам ҳар қандай одамга каби адашиш хос. Бор-йўғи жамият шундай шароитларни яратиши керакки, уларда кохинлик институти кераксизлиги туфайли ўзидан ўзи тарқалиб кетади. Ўшанда унга қирувчи одамлар жамият учун фойдалироқ, ўзларининг реал устуворликлари ва ҳаётий танловига мувофиқ касбларни эгаллашади.

**Анастасия:** Бундай шароитларни қандай яратса бўлади?

**Ригден:** Аслида буларнинг барчаси у қадар мураккаб эмас. Одамларнинг ўзлари кохинларни ўз хайр-садақалари билан кўнгилларини сушт кетказиб, “гуноҳга” ботмаслиги керак. Охир-оқибат, мазкур бизнес уларга шахсий даромадларни келтирмай қўйса, улар ўзининг кохинлик либосини ечиб, қолган барча одамлар каби жамиятнинг манфаатига ишлашга мажбур бўлишади.

Умуман олганда, диний атама сифатида гуноҳ ҳақида гапирадиган бўлсак, айнан кохинларга, уларнинг қайси конфессияга мансублигидан қатъий назар, хайр-садақа келтиришни энг оғир гуноҳ деб айтсак бўлади. Нима учун? Одам ушбу бошқача кийинган одамлар Худога

яқинроқ, улар авлиёроқ ва, шунга кўра, уларнинг дуоси самаралироқ деб хато ўйлаб, кохинларга ва уларнинг ёлланган хизматчилари армиясига хайр-садақа келтиради. Бироқ, кохинлар ҳамма каби одамлар, улар хали ўзини ва Қалбини қутқаргани йўқ, у холда бошқаларни қандай қутқаришлари мумкин? Ва мазкур моддий қурбонлик кимга ва қандай мақсадларда келтириляётганини одам ўйлаб кўриши керак.

Шунинг учун моддий хайр-садақада фақатгина кохинлар армияси мухтож. Худога эса на пуллар, на моддий дунёнинг бошқа бойликлари керак эмас. Одам билан Худонинг ўртасидаги муносабатлар фақат унинг чуқурликдаги, руҳий дунё билан тегишишнинг шахсий туйғуларига, унинг Худога самимий Мухаббати ва миннатдорлигига асосланган. Мана шу, одамнинг асл чуқурликдаги туйғулари ўша дунё қабул қиладиган энг ҳақиқий, кадр-қимматга эга ягона нарсадир. Шу билан руҳий олам билан бўлган ушбу муносабатлар ҳеч қандай воситачиларсиз амалга ошади.

Токи одам дунёни уч ўлчамли ўлчов яшовчиси позициясидан, яъни моддий фикрлаш призмаси орқали бахолар экан, кўплаб руҳий маънавий масалаларда у ўзининг кибри томонидан барпо қилинган хом-хаёлга тўлиб тошади. Ўзининг эътиборини бир қисмини руҳий оламга ажратдими, демак фаришталарнинг бутун бошли гуруҳлари у ҳақида ғамхўрлик қилиши, унинг илтижоларини бажо келтириши ва деярли пар ёстикларда жаннатга олиб кириши керак, деб ўйлайди одам. Аслида эса, Шахс руҳан етилмагунча, руҳий олам уни пайқамайди. Оддий одамий қиёслаш учун узр сўрайман, аммо бундай Шахслар миллионлаб репродуктив хужайраларга ўхшайди. Гаметалар хромосамаларнинг тўпламига эга ва наслий хусусиятларни ташийди. Одам уларнинг пайдо бўлишини, мавжудлигини ва ўлимини пайқамайди ҳам. Унданда кўпроқ, у гоҳида ўзи тушунмаган холда уларнинг кучини ишлатади. Бироқ иккита гаметанинг қўшилишида зигота ҳосил бўлганида ва эмбрион ривожлана бошлаганида, ана энди камида бир киши, мен аёлни (руҳий маънавий маънода эса аёлий табиатни) назарда тутяпман, мазкур фактга бефарқ бўлмайди. У албатта мазкур ходисага синчковлик билан эътибор қаратади ва келгусида у ҳақда ғамхўрлик қилади.

Афсуски, замонавий дунёда Шахснинг Қалб билан қўшилишга эришиши ҳақидаги қадимий Ҳақиқат йўқотилган, ва одам Худога ўзининг Мухаббатини ва миннатдорлигини изхор қилиш умидида кохинга моддий хайр-садақа келтиради, ва шу билан ўша кохинлик либосидаги одамни моддий дунё билан мафтун қилишда Хайвоний ақлга кўмаклашади. Сен гуноҳ иш қиляпсан, сенинг хайр-садақанга

учиб, уни қабул қилаётган кохин ҳам гуноҳ иш қилади. Сен ўзингни хайр-садақанг билан уни руҳий маънавий нарсалар ҳақида эмас, моддий нарсалар ҳақида ўйлашга мажбурлаяпсан, унинг ўз Қалби ҳақида қайғуриб, Худога ҳақиқатан хизмат қилиш эмас, ўз моддий даромадларини кўпайтириши ҳақида қайғуришига итаряпсан.

Мазкур гуноҳнинг оғирлигини моҳиятини тушуняпсанми? Одам ўзининг хайр-садақаси билан кохинни материянинг, яъни Хайвоний ақлнинг фойдасига танловни амалга оширишга ундаб, ўша кохиннинг Шахсини ва Қалбини “дўзохга” итаради, мазкур гуноҳли ҳаракат билан ўзини ҳам оғирлаштиради. Бу гуноҳ одамнинг танасини ўлдиришдан ҳам дахшатлироқ гуноҳдир, зеро тана бу вақтинчалик кийим, аслида, тўпроқ. Бу гуноҳ эса Қалб учун ўлдирувчи захарга ўхшаш, у Шахсни абадий хаёт томон ўтиб кетиш имкониятидан махрум қилади. Бундай моддий хайр-садақалар ва қурбонликларнинг асосида сен эслатган одатий “мен сенга – сен менга” олди-сотди формуласи кўринишидаги, ўз гуноҳларидан моддий “қутулиб”, “тўловни амалга ошириб”, келажакда янги, соғлиқдан бошлаб то фаровонликкача, моддий бойликларга эришиш каби Хайвоний ақлнинг алмаштириши ётибди.

**Анастасия:** Кўпдан-кўп кишилар бу ҳақда ҳеч қачон ўйланиб кўрмаган, холос. Оддий диндорларга ҳам черковнинг эҳтиёжлари учун қилинган бундай хайр-садақалар табиий, инсоний бўлиб туюлади, чунки бошқа одамларга ёрдам беришни тахмин қилади. Ахир одатда кохинлар ва уларнинг хизматчилари хайр-эхсон ҳақидаги илтимосномаларида, масалан, ибодатхона қуришни, черковнинг эҳтиёжларини (олдин ваъзларида Черков сўзини кўпинча Осмон Черкови тушунчаси билан боғлаб олишади), кам таъминланган диндорларга ёрдам кўрсатиш ва хоказоларни бахона қилишади. Ахир халқнинг маблағлари тақсимланиши борасидаги реал вазият тўғрисида ва даромадлар ва харажатлар ҳақида молиявий хисоботни диндорларга ҳеч ким тақдим этмайди.

**Ригден:** Соғлом цивилизациялашган жамиятда бошқа одамларга ёрдам кўрсатиш бўладими, ёки ўша, биргаликда ўтказиладиган руҳий амалиётлар учун мўлжалланган ибодатхонани қуриш бўладими, буларни барчасини у ёки бу худуднинг, аҳоли пунктининг яшовчилари, оддий одамлар бирлашмалари амалга ошириши мумкин ва керак. Булар қуйидаги принцип асосида бажарилади: агар бунда чиндан ҳам хаётий зарурат бўлса, ва бунга уларнинг хохиши бўлса, йиғилишиб, хал қилишди, бажаришди. Масалан, қишлоқда одамлар ибодатхона қуриш қарорига келишди – ўзлари, фарзандлари, қишлоқдошлари учун, улар бу ерда яшайди ва қандай яшашни юқоридан кимдир эмас, уларнинг ўзлари хал қилади. Ва ўзлари ва яқинлари, танишлари ва фарзандлари

учун руҳан саводли инсонлар муносиб ибодатхона куришида, унда одамнинг моддий табиатини фаоллаштирувчи белгилар эмас, балки фақат руҳий маънавий ташкилий қисмини фаоллаштирувчи белгиларни жойлаштиришларида шубҳаланмасанг ҳам бўлади. Ибодатхонадами, руҳий амалиётларни жамоа бўлиб ўтказишга мўлжалланган бошқа жойдами, одамлар билими ва тажрибаси билан бўлишади, Худонинг Мухаббати шарафига ва миннатдорлик билан ўз Қалбларини қутқарилиши сўраб жамоавий ибодатлар қилишади. Улар бугунги ибодатхоналарнинг аксарият руҳонийлари каби, руҳий маънавий билимларни Хайвоний табиатидан келиб чиққан истаклари ва ўрнатмалари, кохинлик дастурларига биноан уқтиришлар билан аралаштириб, диндорлар учун сиёсий ёки диний-кохинлик монологларини олиб боришмайди. Ахир мазкур ибодатхона руҳий уруғларнинг моддий ўрнатмалар билан қоришмаси, кохинларнинг бизнеси ва руҳонийлик либослардаги “рекрутларнинг” диндорларни пулини шилиб олиши учун эмас, балки ҳақиқатан одамлар учун, уларнинг руҳий маънавий ривожланиши учун мўлжалланган бўлади. Унда одамлар ўзининг руҳий маънавий мукаммалаштириши билан шуғулланади.

Ибодатхоналарда, одамлар руҳий ривожланиш мақсадида тўпланадиган жойларда ҳеч ким пул ишлаши мумкин эмас. Пул йиғиш, савдо қилиш, пуллик хизматлар кўрсатиш, ибодатхоналар ёки “илоҳий жойлар” қошида бирор кишига ойлик маош белгилашлар бошланса, шу захотиёқ деярли ҳеч нима қилмасдан кўпроқ пул ишлаш, сўнг каттароқ хокимиятга эга бўлиш каби балоларга сушт кетиш бошланади. Ахир бекорчи ақл учун кўмир конида “отбойка” болғаси билан ишлашдан кўра дабдабали театрлашган маросимда шамни олиб юриш ва ўзининг кибрини олий мавжудотга ўхшатиш осонроқ. Шунинг учун иллатларнинг ўргимчак тўрига тушиб қолганини одам пайқамайди ҳам. Бу Хайвоний табиатнинг аллақачон маълум бўлган усули.

Ўзи гап ибодатхоналарда эмас, гап одамларда. Хохлаган жойда одам ўзининг руҳий ривожланиши билан шуғулланиши мумкин: очик ҳаводами, бинонинг ичидами. Қадимда одамлар руҳий ривожланиш билан ғорларда шуғулланишган, минг йиллар давомида у ерга уларнинг авлодлари келишган ва аждодлари томонидан қоятошларга чизилган белгиларга ва рамзларга қараб руҳий амалиётларни ўрганишган. Бундай ғорлар бугун ҳам мавжуд, уларнинг моддий қашшоқлиги ҳеч кимни мафтун этмади, уларнинг руҳий маънавий кадр-қиммати бўлмиш Билимлар билан эса руҳан саводли одамлар бугун ҳам фойдаланиши мумкин. Турли динларнинг кохинлари қадим замонлардаёқ ўз культларини бажариш учун олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безалган маҳобатли ибодатхоналарни қуришган, масалан, Қадимги

Мисрда, Бобилда, Қадимги Юнонистонда ва хоказо. Қани хозир ўша ибодатхоналар? Уларнинг ўрнига – қолдиқлар, олтинни эса моддий бойликларга ўч одамлар ўғирлаб кетишган. **Рухий маънавий маърифат бор жойда моддий нарсалар билан одамларни мафтун қилиш ярашмайди.**

Шунинг учун одамлар бошқаларнинг рухий интилишларида пул ишлашига қандайдир имкониятга эга бўлиши мумкин эмас. Рухий маънавий билимларнинг тарқатилиши одамга молиявий ёки бошқа бирор моддий фойдани келтириши керак эмас, моддийликка кўнгил султ кетишдан фақат шу тариқа халос бўлиш мумкин, шундагина одам буни чин Қалбидан, рухий маънавий ниятларининг самимийлиги билан бажаради!

**Анастасия:** Ҳа, диндорларнинг кўпчилигини муаммоси шундаки, динларга хайр-эхсонлар келтириб, аслида одамлар ўз устидаги рухий меҳнатдан қутулиш учун пора беришади, Виждонининг ишларини ўз елкасидан соқит қилиб кохинликка ағдаришади. Дунёда эзгулик яратиш ўрнига улар учун “қурбонгоҳ хизматчилари”га пул обориб бериш осонроқ. Кохинлик эса жазоланмасдан бундан фойдаланади.

**Ригден:** Афсуски, шундай. Бироқ у қадар жазосиз эмас, ахир хали ҳеч ким ўзининг шахсий Судидан қочиб қутулгани йўқ ва ҳар кимга ўзининг ниятлари ва амалларига яраша берилади. Кохинларга хайр-садақа бериб ўз устидаги рухий маънавий меҳнатдан қутулишга уринаётган одамларга келсак, улар адашмоқда. Аслида бу ўзини алдаш, ахир одам қандай моддий пора ўйлаб топмасин, унинг ўрнига рухий меҳнатини ҳеч ким бажармайди. Ахир унинг ибодатхонадаги пуллари эмас, балки жамиятнинг бунёдкор ишларидаги шахсий қатнашиши ва шу билан боғлиқ шахсий ўзгаришлари муҳимдир. Садақаларга ва ибодатхоналарга келсак, ақлли одамга бугунги кун воқеликларига назар ташлаш кифоя. Хозир шаҳарларда черковлар қуришни бизнес-лойихаларга айлантиришди. Сифатга эмас, миқдорга, рухий маънавийликка қанча одамлар қўшилиши мумкинлигига эмас, балки иқтисодий рентабеллик ва сиёсий фойда қанақа бўлишига қарашяпти. Шу билан ҳар бир диний ташкилот, айниқса катта шаҳарларда, ўзига одамларнинг каттароқ оқимини таъминлаш учун, уларнинг оммавий тўпланиш нуқталарига яқин ерларни эгаллашга ҳаракат қилади.

Диннинг секталарга бўлингани ва уларнинг ўртасидаги кураш – бу бор-йўғи хокимият учун кураш, у ерда одамнинг обрўсини унинг хамёнига қараб баҳолашади, оддий диндорлар устидаги хокимиятни эса электорат устидаги сиёсий хокимият деб кўришади. Барчаси оёғидан бошига ағдарилган! Жамиятда одамларнинг ўзлари рухий маънавий

саволлар борасида ўз саводини ошириб борса, Билимлар доирасини, дунё идрокини кенгайтира бошласа, жамият хаётида иштирок этишса, ичкарасида Худо билан яшаса, эзгуликни, бунёдкор ишларни кўпайтирсагина буларни тузатиш мумкин. Ўшанда Худо билан инсон ўртасидаги олди-сотди бўйича воситачиларда “мухтожлик” ҳам қолмайди.

**Анастасия:** Шу муносабат билан яна битта муҳим савол туғилмоқда. Кохинлик “армиясида”, шубҳасиз, ўзининг руҳий кутқарилишининг умидида у ёки бу динга хизмат қилишни танлаган одамлар бор, улар тизимга тушиб қолмагунча, унинг ичидаги асл ахволни умуман билмаган. Бироқ, унинг ичида бўла туриб ва диндорлардан сир сақланадиган нарсаларни кузатиб ҳам, мазкур сиёсий ифлосликнинг ичида ўзининг эътиқодини ва кохинларнинг кланларига эмас, балки фақат Худога хизмат қилиш ниятини йўқотгани йўқ. Хар қандай оммавий дин ёки эътиқоднинг шухрати худди устунларда тургандек, айнан мана шундай “Худонинг ихтиёридаги одамлар”нинг асл маънавийлигида ушланиб туришини Сиз қачондир айтган эдингиз. Афсуски уларнинг жаҳондаги сони жуда кам. Диний тизим йўқ қилинадиган бўлса, у холда руҳий маънавий жонбозлик кўрсатаётганлар ва шу билан бошқа одамларга беғараз, самимий ёрдам бериб, ҳақиқатан Худога қараб юраётганлар нима қилиши керак бўлади?

**Ригден:** Биринчидан, ўзининг кибрига эмас, Худога хизмат қилиш, одамларнинг Қалблари ҳақида беғараз ғамхўрлик қилишни самимий хоҳлаганлар бугунги кунда жуда камчиликни ташкил қилишади. Турли дин кохинлари армиясининг миллионлаб хизматчилари ичида улар ҳақиқатан бир-неча кишини ташкил этади. Динларда хизмат қилувчиларнинг аксарияти – четдан келган, руҳий кутқарилиш билан эмас, моддий мақсадлар билан мафтун бўлган одамлардир. Иккинчидан эса, асл “Худонинг ихтиёридаги одамлар”нинг хаётидаги хар қандай ташқи ўзгаришлар уларнинг ички руҳий жараёнини тўхтатмайди. Улар хатто касбини алмаштириб ва жамиятнинг манфаатига меҳнат қилиб ҳам, ўзининг бўш вақтини бошқаларга ёрдам беришга бағишлаб, руҳий маънавий ривожланиши билан самимий шуғулланишини давом эттиради. Зеро бу уларнинг руҳий эҳтиёжи, уларнинг бу дунёнинг вазиятларидан устувор бўлган ички хаётидир. Шунинг учун, диний жамоанинг ички хаётида, шунингдек “хамкасбларининг” ҳаракатларида хар куни тўқнашишга ва кўришга мажбур бўлган нарсаларини инобатга олсак, ташқи ўзгаришлар уларни тўхтатмайди, балки қувонтиради.



Жамиятнинг сифатли ўзгаришига эришишнинг зарур шартларидан бири – бу **одамларнинг рухий маънавий ривожланишининг маъносини тушунишдир, шунингдек кохинлик “армиясига” тегишли одамларни хокимият ва моддий бойликлар билан мафтун этишни тўхтатиш.** Уларга пул (хайр-садақа), совғалар бермаслик, уларнинг кибрини таъзимлар, қўлларини ўпишлар, кулларча итоаткорлик, лаганбардорлик ва уларнинг Хайвоний табиати учун шунга ўхшаш бошқа кўнгил бўшлиқлар билан хурсанд қилмаслик. Яъни, бошқача айтганда, **ўзи ҳам “гуноҳга” ботмасдан, бошқаларни ҳам бунга иғво қилмаслик.** Ахир ўша одам худди сен каби. У (қурбонлик келтириш культининг хизматчиси) оддий одамдан ҳеч нарса билан фарқланмайди, ахир унинг Қалби танасида, моддий дунёда. Бу ерда ҳеч ким юқорироқ ёки пастроқ бўлиши мумкин эмас, зеро барча одамларнинг қалблари ушбу моддий асрликдан азият чекмоқда.

Ушбу моддий қисқичлардан биргина чиқиш йўли бор – рухан ривожланиб, Қалбини кутқариш ва Худонинг дунёсига кетиш. **Қалбидан чиқаётган, ҳақиқий рухий озодликка интилишда намоён бўлувчи ушбу эҳтиёжни умрида бирор маротаба хис этмаган одамнинг ўзи йўқ. “Озодлик” тушунчасини бузиб, унга Малакий табиатга зид бўлган моддий сифатлар бериб, Қалбнинг мазкур эҳтиёжини Хайвоний табиат ўзича талқин қилиши бошқа гап. Барча одамлар Худога ишонади, лекин ҳар бири ўз ишонч кучини ўз танловига кўра ишлатади.** Дарвоқе, ўзини ўта атеистман деб хисоблаган одам ҳам, аслида ёлғиз қолганида диндор одам каби кўркувларга ва иримларга дучор бўлади. Жамоада бу одамлар, аслида, ўша кохинлар, фақат “майда” масштабда, улар ўзини Хайвоний табиатини сифатларини (ўзини севиш, мағрурлик, шухратпарастлик ва хоказоларни) очиқчасига шарафлашади.

**Анастасия:** Жамиятда кохинлик институти йўқ қилинганида, одамлар бундан кейин шунга ўхшаш хатолардан қандай қилиб ўзини олиб қочиши мумкин? Мен назарда тутганим, рухий маънавий билимларни тарқатишда қандай қилиб кибрга, шухрат- парастликка, ўзига ўхшаганларнинг устидан хокимиятга учмаслик, яъни Хайвоний табиатининг инжиқликлари олдида қандай бардош бериш мумкин?

**Ригден:** Агар инсоният рухий маънавий йўналишда ҳаракатланса, мазкур масалани осонгина ечиш мумкин. Одам иккиланган табиатга эгалигини ва унда доимо Хайвоний ва Малакий табиатлари орасида тебраниш содир бўлишини тушуниш керак. Бундан чиқди, шундай қилиш керакки, *моддий дунёни ва унинг қизиқишларини ифодалаган Хайвоний ақлнинг ўтказувчиси сифатидаги Хайвоний табиат учун рухий ўрганиш бефойда бўлсин, аммо одамдаги Рухий оламнинг*

*ўтказувчиси бўлмиш Малакий табиат учун мутлақо мақбул, фойдали бўлсин.* Азалий руҳий маънавий Билимларни ҳамма одамлар учун оммабоп қилиб, уларнинг тарқатилишида Хайвоний табиатнинг рағбатларига одамнинг кўнгли сушт кетишининг имкониятини чиқариб ташлаш керак.

**Анастасия:** Яъни одамларнинг ўзлари жамиятда шундай шароитларни яратиши керакки, уларда бошқа одамларни руҳий маънавий ўқитиш билан шуғулланган одам учун бу моддий жихатдан фойдасиз бўлсин.

**Ригден:** Ҳа, мазкур масаланинг ечимида Хайвоний ақл ўтказувчиларининг омманинг онгини манипуляция қилишининг, ким бўлишидан қатъий назар, унинг иқтисодий, сиёсий фойда олишининг ҳар қандай имкониятини чиқариб ташлаш керак. Билимларни тарқатиш масаласида маълумотлар бузилиб, одамнинг шахсий мақсадларида ишлатилишига йўл қўймаслик керак.

**Анастасия:** Бироқ кўпчилик азалий Билимларнинг асосларини билиб олсагина бу нарса ҳақиқатан бўлиши мумкин. Жаҳон ҳамжамияти мазкур маълумотларга эга бўлганида эса, одамларнинг кўпчилиги руҳий маънавий билимларни пўстлоқлардан аниқ фарқлай олишни бошлайди ва ёвуз ниятли одамларнинг таъсири ва провокациясига тушиб қолмайди. Улар ўзларидаги Хайвоний табиатдан келиб чиққан намоёндаларни менсимасликни, шунингдек ўз жамоаларида ва атрофида Малакий табиатни қўллаб-қувватлаб туришни ўрганади.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Биринчи навбатда одамлар руҳан ўйғониши керак, шунда жамиятда ўша колониал фикрлашнинг қолдиқлари ўзидан ўзи йўқ бўлади ва маънавийликдан халқининг ишончи ҳисобига яшаётган ҳаромтомоқ ва текинхўрларнинг бутун армияси айрилиб қолади. Ахир токи улар одамларнинг бўйнида ўтирар экан, бутун умр шундай ижтимоий паразитлар, жамиятнинг сиғиндиси бўлиб яшаш учун, унинг устига халқ уларнинг қўлини ўпиб, ҳурмат қилиши учун хоҳлаган нарсаларни ўйлаб топишаверади.

Одамлар ўз руҳий маънавий тақдирининг хўжаини бўлишни ўрганиши, уларнинг ўрнига кимдир хаётий зарур руҳий меҳнатни бажаришини кутмасдан, ўзлари ўзини мукаммалаштириши, ўз устида ишлаши, дунё идроки тафаккурини кенгайтириши керак. Кохинлардан ва сиёсатчилардан илтифот кутмасдан, хом-хаёлларга берилмасдан, ўзини манипуляция қилишга йўл қўймасдан, етукроқ Шахс, ижтимоий фаол ва руҳан маъсулиятли Инсон бўлиш керак. Ўтмишнинг хатоларини қайтармаслик, келгусида Хайвоний ақл Иродасига боғлиқ бўлмаслик, руҳий маънавий Билимлар бузилишига йўл қўймаслик ва кохинлик

схемаларга қайтмаслик учун эса, ўзига ва бошқаларга руҳий масалаларда ёрдам беришга қарор қилганлар буни ўзининг кибри ва моддий манфаатларининг зарарига амалга ошириши керак. Чунки, айтиб ўтганимдек, молиявий манфаатдорлик, қандайдир фойда ва имтиёзлар олиш, кимнингдир устидан хокимиятга эга бўлиш имконияти пайдо бўладиган жойда, эртами-кечми, нафс балосига учиш пайдо бўлади ва одамнинг руҳий заифлиги намоён бўлади.

Амалиётда бу қандай кўринишга эга? Агарда одам ўзини мукаммалаштирса, руҳий маънавий тажрибага эга бўлса ва унда руҳий маънавий Билимларни тарқатишнинг ички эҳтиёжи бўлса, у бўш вақтида одамларга ёрдам беради, улар эса ўрганади, ва ўз навбатида, бошқа одамларга ёрдам кўрсатади, булар эса кейингиларга. Лекин ҳамманинг бирор касб-кори бўлиши керак, улар жамият фойдасига ишлаб пул топиши керак. Ишдан бўш вақтида эса уқиб ўрганиши, тажриба алмашиши, одамлар билан дўстларча бўлиши мумкин. Шу билан Хайвоний табиатини босиб, ўз харакатларида Малакий табиатини қўлланма қилиш керак. Бу одамларга реал ёрдам ва шу билан бир вақтда ўз устида ишлашдир: ўзида Малакий ва Хайвоний табиатларининг намоён бўлишини ажратиб олиш, фикрларини қаттиқ назорат қилиш, ўзининг табиатини ўрганиш, руҳий ривожланиш. Маъно ҳам шунда-да: ўзинг ҳам ўсмоқдасан ва бошқаларга ҳам ёрдам беряпсан.

Руҳий маънавий билимларнинг бундай тарқатилишини хусусияти нимадалигини тушунасанми? Одам Худо ҳақидаги билимлар билан бўлишгани кетяпти, бунга ўзининг шахсий вақтини, кучларини, маблағларини сарфляяпти, бунинг эвазига ҳеч қандай моддий нарса олмаяпти, ўзини Хайвоний табиатига хизмат қилиб уни хурсанд қилмаяпти. Ягона олган нарсаси – бу ўзига ўхшаган азобланаётган Қалблар билан эхтироссиз мулоқотдаги руҳий кучларининг кўпайиши. Ўзингда нимани эксанг, охир-оқибат ўшани ўрасан. Руҳийга – руҳий, моддийга – моддий. Яъни одам ўз хаётининг қурбонгоҳига ерлик “мен”ини – Хайвоний табиатининг амбициялари кўринишидаги қурбонликни келтиради, шунингдек одамлар билан мулоқотдан руҳий “тухфаларини” кўпайтиради. Шу билан бу тухфалар моддий эмас (пуллар эмас, емиш эмас, буюмлар эмас, кибрдан келиб чиққан одамий шухратпарастлик эмас). Бу руҳий маънавий Билимлар орқали бошқаларга узатаётган, инсоннинг ўша руҳий маънавий ташкилий қисмидир. Ахир азалий руҳий маънавий Билимларни узатар экан, инсон ушбу ҳаракати билан ягона Хайвоний ақлга қарши туриб, одамларга улардаги яширинган, моддий дунёга тегишли бўлмаган илоҳий моҳиятини ўрганишга, озроқ бўлса-да, хис қилишга ва тушунишга ёрдам беради. Материя ўлимга маҳкум, Қалб эса абадий. Шахснинг эса

танлаш эркинлиги мавжуд: ўлимга маҳкум бўлишми ёки Абадийликка кетишми. Бутун маъно мана шунда, барчаси мана шундан бошлаб ўсиши керак.

Хайвоний ақл жуда кучли, одам эса ўзининг иккиланган табиати боис, иккита табиат ўртасида тебраниши туфайли, заифдир. Руҳий маънавий йўлдан қатъият билан кетаётган ҳам Хайвоний табиатининг хужумларига йўликади. Бор-йўғи чалғиб, озроқ моддийлик билан мафтун бўлса, бас, Хайвоний ақл шу захотиёқ унинг онгини эгаллайди, ва кўпинча Шахснинг танлови айниқса муҳим бўлган лаҳзаларда ғалабага эришади. Шунинг учун ҳам хушёр бўлиш, ўз устида тинмай ишлаш, Хайвоний табиатига бош эгмаслик тафсия қилинади. Бир бор хаскашга босиб қўйдингми, кейинги сафар уни айланиб ўтишни билгин. Руҳий маънавий Билимларни тарқатишда, мазкур Билимларни ўзлаштириб, уларни мағрурларча, ўзича талқин қилиб бошқаларга узатиш каби Хайвоний табиатдан келиб чиққан хохиш-истак доимо мавжуд. Хайвоний табиатдан азалий Билимларнинг бузилиши, уларни моддий тушунчалар билан алмаштирилиши ва натижада йўқотилиши одатда шундай содир бўлади. Руҳий маънавий Билимлар барча одамлар учун берилган. Одам Худо эмас, фаришта эмас, хаворий эмас, Илоҳий Руҳ эмас. У ҳамма каби одам, чунки унинг Қалби моддий дунёга тегишли кўп ўлчамли энергетик тузулишга қамалган.

**Анастасия:** Ўқувчиларимизни қизиқтирувчи яна бир муҳим савол мавжуд. Олий Руҳий Мавжудотлар номидан одам кимгадир унинг “туноҳларини” кечириши, кимнидир руҳий маънавий жихатдан авф этиши мумкинми?

**Ригден:** *Одам ҳеч кимга “туноҳларини” кечира олмайди, зеро унинг ўзи мукамал эмас. Ва олий Руҳий Мавжудотлар номидан, айниқса Худонинг номидан кечириш ҳукми Ер юзида ҳеч кимга берилмаган.* “Туноҳларни” кечириш тавба қилиш билан боғлиқ, бу ҳақда аввалроқ гапирган эдик. Диндаги тавба қилиш каби ходисанинг пайдо бўлишининг психологик табиатини тушуниш керак. Катарсиснинг самараси ҳақида нафақат дин хизматчиларига, балки психоаналитикларга, психотерапевтларга ҳам яхши маълумлигини тушуниш керак (юнонча “katharsis” сўзи “тозаланиш” маъносини билдиради). У қадим замонларда ҳам маълум бўлган. Бу терапевтик усулдир, унда одам ички можародан чуқур азият чекиш ёки психоневротик бузилишларга туртки бўлиб хизмат қилган ҳаётининг хаяжонли лаҳзаларини эслайди. Моҳияти бўйича, одам учун – бу психологик юкдан енгиллашдир, у ҳар қандай дил суҳбати учун хос, масалан, дўсти билан муаммолари ёки нохушликлари тўғрисидаги

сухбат рухий тушкунликдан халос қилади. Халқда айтишгандек: “бўлишилган қувонч – икки карра қувонч, бўлишилган қайғу – ярим қайғудир”. Шу билан, аксарият холларда, одамнинг кибри қанчалик баланд бўлса, бирор-та қилган ножўя ишида иқрор бўлиши шунчалик оғирроқ бўлади. Мазкур амалиётни диннинг хизматчилари қурол қилиб олишди. Бирор ножўя ҳаракатида иқрор бўлиш ўзига хос қурбонлик деб, ва унинг учун одам албатта “адолатсиз ишлари учун кечирилиши”, “гуноҳларининг кечирилиши” кўринишида мукофот олади, деб узатилди. Аслида одамлар ўз устида руҳан ишлашдан тўхтаган, яхшилаб илтимос қилсанг, албатта сўраганингни оласан, деган фикрга ўрганишган. Такрорлайман, бу одамнинг ишончига асосланган соф психологик усул.

Бироқ бу борада мен нима демокчиман. Дилдан олиб бориладиган сухбат – бу яхши, албатта. Лекин у одамга ички можаросини оқибатларининг бирини мана шу лаҳзада енгишга вақтинча ёрдам беради, холос, бироқ асосийни хал қилмайди – можаронинг сабабини олиб ташламайди. Унинг илдизлари эса кундалик фикрлаш одатида яширинган бўлиб, Шахснинг эътибори Хайвоний табиатининг фикрлари ва истакларида мужассамланиши билан боғлиқ. Бунга ўхшаш можароларнинг пайдо бўлиш сабабини фақат одамнинг ўзи ўзида йўқ қилиши мумкин ва унинг ўрнига буни ҳеч ким бажармайди. Фақатгина унинг ўзи, ўзининг танлови билан, ички ўзгаришлари билан, эзгу ишларни кўпайтириб ва ўз устида жиддий ишлаб, руҳан покланиши, ривожланиши ва етук Мавжудот сифатида моддий асрликдан чиқиб кетиши, ўз Қалбини озод қилиши мумкин. Фақат унинг ўзи, рухий меҳнати туфайли, етгинчи ўлчовга (“етгинчи осмонга”, “жаннатга”) чиқиши, яъни Худонинг дунёсига рухий йўлни ўзига очиши мумкин. Худо билан шахсий муқаддас мулоқоти, Малакий табиати билан алоқаси, Мухаббат туйғуси ҳаётида устувор бўлган, рухий маънавий йўлдан ҳақиқатан юраётган, ўз устида ишлаётган ҳар қандай инсон эртами-кечми бундай тушунишгача ўзи етиб келади.

Одамлар ўзининг иккиланган табиатини тушунишни, бир-бирини хатоларини тушуниб, уларни кечиришни ўрганиши керак, худди уларнинг ўзлари ушбу синовдан ўтаётгандек ва бу можаро айнан уларда рўй бергандек. Ҳар қандай инсон хато қилиши мумкин. Аммо руҳан кучли одамлар нафақат хатоларида иқрор бўлади, балки улардан сабоқ олишни билишади. Йўл қўйган хатосини англашга ва уларни иложи борича бартараф этишга уларда матонат ва сабр-тоқат етарлидир. Тўғирлаб бўлмас нарсалар ҳақида қайғуришнинг хожати йўқ. Бироқ нафақат сенга, балки бошқа одамларга ҳам рухий қувончни олиб келадиған нарсаларда кучни икки карра кўпайтириш керак. Ҳаёт –

бу ҳақиқий мактаб, унда қилинган хатолар – сабоқлардир, олинган тажриба эса – мураббий.

Нақлга кўра, сокин денгизда тажрибали денгизчи бўла олмайсан. Одам Доноликка эришаётиб, руҳий маънавий тажрибаси туфайли, ўтмишнинг хатоларидан қочиб, бошидан ўтган ички можароларни келтирувчи офатларга ўзини хар ёққа улоқтиришга йўл қўймасдан, хаётнинг қутурган уммони ўртасида ўзининг кемасини дадиллик билан ва мақсадли йўналтира бошлайди. Қадим замон донишмандлари айтгандек, хаётнинг қутурган уммонида хаётини штурвални ушлаб қолиш биринчи навбатда ўз устингдаги руҳий маънавий меҳнатингга боғлиқ. Бир кун келиб, хаёт офатлари бўрони ичра ўз кемасини олиб бораётган бундай жасур инсоннинг ички нигоҳига умуман бошқача, аввалари ўзида билмаган, руҳий, соф дунё очилади. Бу дунё унинг Қалбида осойишталикни туғдиради, Доноликка материянинг офатларидан ғолиб бўлиб чиқишга ва Абадийлик қирғоғига келиб тўхташга ижозат беради.

**Анастасия:** Дарҳақиқат, онгда турли моддий хохиш-истаклар ҳақидаги фикрларнинг туғилиши ва мустахкамланишига авваламбор ўзида йўл қўймаслик керак – бу факт. Ўйлайманки, кўпчилик яшашни ва бунёдкорлик қилишни хошлайдиган жамиятда ёнма-ён кетаётган инсонлар бир-бирини худбинлик амбицияларнинг, салбий эмоцияларнинг лойига топтамасдан, жамиятда эзгуликни рағбатлантиради, бир-бирини тушунади, хурмат қилади. Одамзоднинг тарихига кўра, бу одамларнинг азалги орзусидир.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Шунинг учун, жамиятнинг ўзи руҳий маънавий масалалар билан шуғулланса, ва бу нарса унда табиий ва устуворга айланса, ўшанда тартиб ҳам бўлади. Бунинг учун эса мазкур цивилизация одамларининг аксарияти хозиргидек моддий устуворликларни деб эмас, балки руҳий маънавий мақсадларни деб яшаши учун шароитлар яратиш керак. Ана ўшанда кохинлик тузулмалари ҳам ўзидан ўзи ғойиб бўлади, чунки одамлар устидан махфий хокимият тузулмаси йўқ бўлади, у эса азалги руҳий маънавий Билимларни яшириш хисобига ушланиб турибди. Одамлар Ҳақдан хабар топишади ва у ҳаммабоп бўлади.

**Анастасия:** Ҳа, жамиятдаги сифатли ўзгаришлар учун ушбу жамиятни ташкил этувчи одамларнинг тафаккурини ўзгартириш зарур. Буларнинг барчаси фикрлашнинг инновацион тарзини, инновацион маданият ва хулқ-атворни тахмин қилади, унинг устига улар жамиятнинг ўзини ташаббуси билан хаётга тадбиқ этилиши зарур. Гарчи, аслида, янги нарсалар – бу яхшигина унутилган эскидир. Озодлик ва тенглик ҳукм сурувчи идеал адолатли жамият барпо қилишни одамлар аллақачон

орзу қилишмоқда. Аммо халқларнинг мазкур истагини кохинлар ва сиёсатчилар ўзларининг хеч қачон бажарилмайдиган ваъдаларига киритиб, ундан фойдаланишмоқда, бироқ амалда эса бу нарса содир бўлмаслиги учун барчасини қилишмоқда. Шунинг учун, кохинлар ва сиёсатчилар ўзларига наф келтирувчи ижтимоий тўнтарилишлар, реформалар ёки инқилобларни, битта дин, партия ёки ижтимоий тузумнинг бошқасига алмаштирилишларни келтириб чиқарса ҳам, “тенглик” аслида доимо формал бўлиб чиқар эди. Бундай ўзгартиришларнинг натижаси доимо бир хиллигини пайқаш қийин эмас – кохинлар ва сиёсатчилар яна бошқарувчи поғоналарни (имтиёзларга эга элитани) яратишади яъни жамиятдаги вазият аслида глобал тарзда ўзгармайди. Фақатгина реклама ёзуви ўзгаради – ижтимоий тузумнинг ёки устувор диннинг номи. Эхтимол, одамлар асл тенглик ва эркинлик нимадан иборатлигини аллақачон унутганлари учун ҳам шундай бўлаётгандир.

**Ригден:** Одамлар дарахтларнинг шох-шаббасига қарашади-ю, лекин илдизларни кўришмайди. Моҳият эса куйидагича: **хамма одамлар тенг ва биринчи навбатда ушбу моддий дунёда қамалганлик шароитларида, ўзининг рухий ва хайвоний табиатларининг хусусиятларида, хаётининг тез оқишида ва ушбу дунёда фоний мавжудлиги шароитларида тенгдир!** Хамма одамлар ёлғиз келиб, **битта-битта ўлади ва хаммада ўз танлови билан шаклланган рухий тақдири мавжуд.** Малакий табиатига кўра барча одамлар яхши, чунки хар бирида Қалб бор ва мана шу маънода хамма бир-бирига кадрдон ва жуда яқин, чунки Қалблар умумий, улар Худонинг дунёсидан. **Ва бу нарса одамларнинг танасининг ижтимоий табақасидан, яшаиш жойидан, динидан ва миллатидан қатъий назар, ҳаммани бирлаштиради.** Ахир одамлар (янги Шахслар) уларга у ёки бу ирққа мансуб маълум генетик наслга эга танаси борлигида, кимдир хитойлик, бошқалар – инглиз, учинчилари - нигериялик бўлиб туғилганида, яъни уларнинг биологик, моддий қобиғи у ёки бу этник гуруҳда дунёга келганида, айбдор эмас. Аммо эътибор бер, физиологик фарқларга қарамасдан, одамлар қайси ирққа тегишли бўлмасин, ўзини ва бошқаларни, таниш ва нотанишларни *инсонийлик даражасига* қараб баҳолашади, хамма халқларда Эзгулик ва Ёвузлик тушунчалари мавжуд. Ва одамлар учун танишининг ташқи кўриниши эмас, балки ички сифатлари бўйича инсон қандайлиги, унинг “Қалб гўзаллиги” қанақалиги асосийдир.

Жисмоний тана эса бу тана-да. Кўпчиликнинг ўз танаси ҳақидаги реал билими – “Менинг мана бу жойим оғрияпти” – иборасида мужассам. Одамлар жамиятида гўзаллик идеаллари ҳам нисбий, улар айрим одамларнинг рекламаси ва бошқаларнинг тақлиди билан шартланган.

Шу билан турли халқларда тана гўзаллиги борасида ўзининг тасавури бор: кимдир бўйнини болаликдан халқалар тақиб узайтиришни, кимдир эса – ўспириннинг жисмига эга бўлишни гўзал деб хисоблайди. Аммо гап бунда ҳам эмас. Одамларнинг Қалблари у ёки бу танага киритилганида айбдор эмас. Шахснинг танаси, мавжудлигининг барча қолган ташқи шароитлари каби – бугунги одамнинг субшахслари томонидан танлаган устуворликлари, асосий истаклари ва амалга оширган танловининг натижасидир.

Инсониятни ташкилий қисмларга: ирқлар, этнослар, турли ижтимоий, диний гуруҳларга ўзи бугунги кунда ким шижоат билан айирмоқда, ким умумийни бўлақларга ажратмоқда? Сиёсатчилар ва кохинлар. Улар илм-фаннинг у ёки бу соҳасида ривожланиш йўналишини, одамлар маълум тематикаларнинг кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши билан шуғулланишини, шунга кўра, буларни ёш авлоднинг таълим тизимида киритилишини белгилашади. Масалан, миллат ва миллатчиликни ким ўрганади? Сиёсатчи олимлар. Улар сиёсий буюртмага кўра уларга белгиланган маълум умумий йўналишдаги ўзининг турли назарий қарашларининг ишланмалари ва бу борадаги “тадқиқотлари” учун хар хил унвонлар, мукофотлар олишади. Ахир ҳаммаси яхши яшашни, яхши ойлик маошга, шуҳратга ва хурматга эга бўлишни хоҳлайди, шунинг учун хар хил назарияларни ўйлаб топиб, энига ҳам, узунлигига ҳам қазивади.

Жаҳон сиёсатчилари ўз шахсий хокимиятини деб халқларни айиришади, буни эса одамларнинг ўзларининг қўллари ёрдамида амалга оширишади. Мисол учун, ўша фан вакиллари оласак, улар (англаган холда ёки глобал моҳиятни тушунмаган холда) пуллик мукофот эвазига, сиёсий ечимларни хаётга тадбиқ этиб, хукмдорларга фойда келтирувчи қарашларни аслида жамиятда оммалаштириб, уларнинг дастурларини ва ўрнатмаларини бажармоқда. Устига устак, мазкур барча назарияларни улар, ўтмишнинг бузғинчи моделларини гўёки жамиятнинг хайфсани, “бундай қилиш мумкин эмас” шиорлари остида намойиш қилувчи турли тарихий фактларга (тарихни ўрганиш каби бахонаси билан) асослашади. Бироқ аслида бу жамиятнинг янада кўпроқ бўлинишига, яъни дифференциациясига ёрдам берувчи хулқ-атворнинг босма қолипларини, “яна қандай қилиш мумкин” вариантларини одамларга намойиши ва тикиштирилишидир. Масалан, синфий уруш, тенгсизлик, ирқларни обрўсизлантириш, ижтимоий адолатсизлик, одамларни “олий” ва “қуйи” даражали, “элита” ва “пода”га тегишлиларга ажратиш, урушларни бошлаш усуллари ва хоказо ғоялари таърифланмоқда. Политология бўйича хоҳлаган давлатнинг дарслигини олиб қара. Ахир бу ксенофобиянинг (юнонча “ksenos” – бегона, ва “phobos” – қўрқув), яъни одамларнинг бир-бирини



рад этиш, кўрқиш, нафратланиш, бирор бегона, нотаниш, демакки, одам учун адоватли бўлган нарсага бетоқатликнинг сингдирилиши-ку. Лекин хокимият тепасида аслида нима рўй бераётганини, сиёсатчилар ва кохинлар аслида ўз хокимиятини нимада кураётганини ва бутун халқларни ўзининг майда-чуйда манфаатларини кўзлаб, қандай эксплуатация қилаётганини ҳеч бир дарсликда ёзишмайди.

Шунинг учун жамиятнинг бўлиниши ва айирилиши жаҳоннинг сиёсатчилари ва кохинлари томонидан *сунъий равишда* рағбатланади! Нима учун? Одамларнинг онгида душман образини шакллантириш ва шу тариқа бутун жамиятни кўрқувда ва итоаткорликда ушлаш учун. Ким биландир уруш олиб боришни бахона қилиб, давлатнинг бюджетидан “хавфсизлик чораларини кучайтириш” ва бошқа шунга ўхшаш харажатларни кўпайтиришини жамият ўйламай-нетмай маъқуллаши учун. Бошқача айтганда, давлат шу тариқа одамлар устидан назоратни ва хокимиятни кучайтирган. Давлат эса кимдан иборат? Сиёсатчиларнинг – ўзининг манфаатларига эга алоҳида олинган одамларнинг гуруҳидан. Улар мазкур сунъий яратилган, гоҳида эса ўзлари ҳомийлик қилган жамоавий “кўрқувдан” ўзининг хокимиятини мустаҳкамлаш ва бюджет молияларини махфийлик ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш каби бахоналари билан ўғирлаб ташиш учун фойдаланишади.

Телевизорда намоиш қилинадиган нарсаларга қараш кифоя – асосан кўрқитиш, давлатдаги вазиятнинг ёмонлиги: қотилликлар, портлашлар, ўғирликлар, можаролар, офатларнинг қурбонлари, яъни бутун фавқулотда вазиятлар ва воқеалар. Қайси нормал психика буни кўтара олади? Буларни нима учун кўрсатишади? Нима, дунёда яхши янгиликлар йўқми? Бор, лекин уларни атайлаб кам кўрсатишади. Ахир одамнинг руҳий табиатига ниҳоятда жирканч бўлган, лекин Хайвоний табиатни эса фаоллаштирувчи нарсаларни тикиштиришмоқда. Аслида одам бурчакка тикилиб олган хайвонча каби бўлиши, унда ўз хаёти учун хайвоний кўрқув ҳукм суриши, оммада эса – хайвоний итоаткорлик ва сунъий яратилган душман сиймосига тажовуз бўлиши сиёсатчиларга ва кохинларга ниҳоятда қулай. Ўшанда бундай зомбиллашган одамлар устидаги хокимият ҳам чексиз бўлади-да. Мана жамиятнинг ўзгармас натижаси: аксариятнинг тенглик, эркинлик ва адолат истаги билан бир вақтда жаҳон жамиятида сиёсатчилар ва кохинлар томонидан аслида одамлар ўртасида доимий урушлар, ирқий, миллатчилик, диний адоватлар авж олдирилмоқда.

**Анастасия:** Ҳа, ҳаммаси ёлғон. Бу одамларга белкурак бериш билан баробар, улар ўзининг янги кўпмиллатли уйи учун пойдевор қазияпмиз, деб ўйлаб, аслида эса ўз қўллари билан ўзларига қабр

қазишмоқда. Қаерга қарама, ҳамма жойда одамзоднинг сунъий бўлиниши ва айирилиши. Лекин бу ёлғон одамларнинг ўзлари вазиятни ўзгартирмагунча хукм суриши мумкин-ку.

**Ригден:** Мутлақо тўғри, барчаси одамларнинг қўлида, аниқроғи, уларнинг фикрлаш тарзида. Ҳақиқат битта. Аммо одам ўзининг ақли билан унда кичиккина фарққа йўл қўйса, натижада у унинг ичидаги чексиз бўлинган бўшлиққа айланади. Ҳақиқатни билиш – унда барчасини “тарафдор” ва “қарши”га ақл ёрдамида ажратиш эмас. Ҳақиқатни билиш – унинг ягона моҳиятини ва руҳий озодликнинг чексизлигини Қалби билан ўрганишдир. **Одамнинг бутун инсоният билан тенгликда, биродарликда, яхлитликда яшаш каби табиий эҳтиёжи, сайёрадаги ҳамма одамлар ўзининг руҳий маънавий қисми бўйича бир-бирига қадрдон ва жуда яқинлигини англаши унинг Малакий табиатидан келиб чиқади.**

Одамда Хайвоний табиати устувор бўлса, у мана шу эҳтиёжни бузиб кўрсатади. Шунда одам, унинг фикрича “ундан юқорироқ” бўлган одамга ўзини тенг хисоблаб, унинг фикрича ундан “пастроқ” турганларни эслаб ҳам ўтирмасдан, истеъмолчилик фикрлаш форматада ўзини бошқалар билан солиштиришни бошлайди. Ва шунга ўхшаш ғояларни тенглик ва биродарлик ҳақидаги шиорларига, диний битикларига, сиёсий қарашларига ва қоғоздаги қонунларига киритиб, сиёсатчилар ва кохинлар бундан муваффақиятли фойдаланишмоқда.

**Анастасия:** Ҳа-да, кейин эса одамлар хайрон бўлишади – бу қанақаси, ҳамма ака-ука ва опа-сингил бўлса, конституциялар ва халқаро конвенциялар халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳақида, ирқий таҳқирлашнинг барча шакллари йўқ қилиш ҳақида, барча одамларнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақида гапираётгандек, яъни одам ҳақидаги ғамхўрлик, унинг паритет принципига асосланган ҳуқуқлари руҳида тузилган шекилли, дейишади.

**Ригден:** Одамларни материя ва унинг эҳтиёжлари, яъни Хайвоний табиати айиради. Аммо одамлар ўзининг **Малакий табиатига ориентир қилишса, жамоавий равишда улар хар қандай ўзаро келишмовчиликларни хал қила олишади.**

Сизларга **иккита ака-ука** тўғрисида бир қадимий Шарқ ривоятини айтиб берганим бўлсин, унда одамнинг танлови ва унинг оқибатлари ҳақида хикоя қилинади. “Қадим замонда бир кишлокда иккита эгизаклар дунёга келди. Гарчи туғилишларидаги фарқ бир неча дақиқага тенг бўлса-да, бироқ келгуси хаёти давомида тўнғич фарзанд ўзини катта ака, демак, ақллироқ деб хисоблар эди. Ака-ука бироз

улғайганида, бир воқеа юз берди. Уларнинг уйида бир йўловчи тунаб қолди. Бу киши руҳан Етук ва Доно инсон экан. Ўша пайтда қишлоқнинг халқи қўшни халқ билан уруш олиб борар эди. Ушбу уруш одамларга кўп азоб-уқубатлар олиб келди. Бироқ урушдан ва ўлимдан қандай қутулишни ҳеч ким билмас эди. Ва ака-ука Донишманддан маслаҳат сўрашди.

Донишманд уларга хаёт ва ўлимнинг моҳияти ҳақидаги оддий ҳақиқатни очиб берди. У одамлар дунёсида нималар содир бўлаётганини, одамнинг иккиланган табиати ҳақида, уни жоҳиллик занжирида нима ушлаб туришини ва ундан қандай озод бўлишни гапириб берди. У ҳақиқий йўлни қандай топиш, Қалбини кутқариш ва хаёт билан ўлимнинг чегараси ортидагига қандай келиш мумкинлигини сўзлар эди. Сўнггида эса бундай деди: **“Фақат Ҳақни ўрганибгина ўлимдан озод бўлиш мумкин. Ҳақиқат – бу ички дунёнинг бойлиги. Ҳақиқатга йўл эса – ташқи дунёнинг бойлигидир. Мана шу йўлдан ўтибгина сизлар Ҳақиқатни ўрганасизлар ва ўлимдан озод бўласизлар.”** Бироқ Донишманднинг гапларини ҳар бир ўғил ўзича тушунди. Ва ўз Қалбини кутқариш учун ҳар бири ўз йўлини танлади.

Катта ўғил руҳий маънавий билимларни ўрганишда ўзини мукаммалаштиришни танлади. Урушда қатнашмаслик учун у қишлоғидан чиқиб кетди. У кўплаб мамлакатларни кезди, у ерда ерлик халқларнинг динларини ўрганар ва улардан энг яхши, уни тезроқ “ичкарасидаги бойликка” олиб келади, деб ҳисоблаганини танлаб оларди. Охир-оқибат у турфа хил билимларни ва тажрибаларни эгаллади, у ўз тиришишларида шунчалик муваффақият қозондики, ўзини Ойдинлашувга, Танланганнинг илтифотига эришган деб ҳисоблади. Унинг ўзи ҳам бунга шунчалик ишондики, кўпчилик унга ишониб, ундан сабоқ олишни бошлади.

Кичик укаси эса одамларнинг олдига борди ва Доно инсондан эшитган оддий ҳақиқатни уларга сўзлашни бошлади. Кимдир унга кулоқ тутарди. Бошқалари кулишар эди, уларнинг ўйлашича, бу дунёда ҳаммасини худоларнинг маслаҳатларини тинглаган хукмдорлар хал қилади. Лекин кўп ўтмай, хатто кулганлар ҳам йигитнинг нутқларини диққат билан тинглашар эди, ахир унинг сўзлари рост эди – уларда Ҳақ бор эди. Ва одамлар уруш бўлишини, кимнидир ўлдиришни ва ўзлари ҳам ўлишни хохламаслигини айтишар эди. Лекин бунга подшолар мажбурласа, улар нима қилиши керак? Йигит уларга жавоб берар эди: **“Агар хукмдорлар вайрон қилишни билса-ю, бунёд қилишни билмаса, уларнинг хизмати нимада? Агар улар ўликларни тирилтиролмаса, тирикларни қандай қилиб ўлимга маҳкум қилишади? Дарахтнинг шохини хоҳлаган одам кеса олади,**

лекин уни дарахтга фақат Уста бирлаштира олади. Подшо эса – бу бор-йўғи одам. У ҳам худди сизлардек ўлимдан кўрқади, шунинг учун фармонлар чиқариб, ўз аскарларининг орқасида яширинади. Лекин унинг фармонларини сизлар бажаряпсизлар. Хукмдор битта, сизлар эса – кўпчиликсизлар. У ўзини кучли деб, сизларни алдамоқда, зеро унинг кучи – бу ўзингизнинг иродангизга хилоф равишда унинг иродасини бажараётган сизлар. Одамлар куролини ташласа, уруш олиб боришга одам топилмайди. Тоғнинг кучи унинг чўққисидаги тошда эмас, ўзининг яхлитлигида.” Йигитнинг донолигини чуқур хис қилган халқ уни уруш олиб бораётган кўшни халққа етказди. Ҳақиқатни эшита олишди. Ва қуроллар ташланди. Шундай қилиб, ўша жойда, Донишманднинг ҳақ сўзини етказган оддий йигит туфайли уруш тўхтади ва халқлар тинчликка эришди. Ва ўша Ҳақиқат кўплаб ҳаётларни сақлаб қолди, кўпчилик унга Йўлни топди.

Аmmo вақт дарёси тез оқади. Ака-укаларнинг ерлик умри тугади. Бир кунда туғилган эгизаклар бир кунда вафот этишди. Ўзининг тинимсиз тиришқоклиги туфайли катта ака рухий маънавий мукаммаликдаги шундай чўққиларга эришдики, у Чинват кўприги олдида турган Қўриқчининг олдигача етиб келди. Ва укасининг ушбу кўприкдан ўтиб кетганини ва Дарвозанинг кўриқчиси унинг олдида Абадийлик Дарвозасини очганини кўришга муяссар бўлди. Ва юқори рухий даражаларга эришган катта ака кўрганидан шунчалик хайратда эдики, бу нарсани барча кейинги тўққизта қайта туғилишларида эса тутиб, уни одамларга сўзлаб, кичик укасининг рухий йўлидан қатъий юрди.”

**Анастасия:** Ҳа, яхши ривоят, ибратли. Бу рост, кўпчиликда рухий маънавийлик ўз устида реал меҳнат эмас, ўзига юқори баҳо бериш даражасида қолиб кетади, дарвоқе, бутун жамиятдагидек –барчаси қоғозда мавжуд, ҳаётда эса фақат азобдан азобга ўтиш.

**Ригден:** Аслида, алоҳида олинган одамдан бошлаб то жамоагача, кичик ҳамжамиятдан каттасигача, қандай яшашни барчаси ўзлари танлашади. Жаҳоннинг сиёсатчилари ва кохинлари айнан улар бошқарувчи аппарат сифатида бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилишини, уларсиз халқлар ҳеч нима қила олмаслигини одамларга сингдиришади. Доимий равишда сингдиришади ва одамларни айиришади, акс холда халқлар уларсиз ҳаракат қилишни бошлайди, устига устак, ҳамжихатликда. Ахир барчасини одамлар ушлаб туради, айнан улар жамиятда кохинларнинг ва сиёсатчиларнинг режаларини, турли дастурларни бажаришади. **Халқ қўллаб-қувватлаб турмайдиган сиёсатчи ёки кохин бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.** Бундай қўллаб-қувватлашдан маҳрум бўлган сиёсатчи ёки кохин обрў ва хокимиятдан маҳрум бўлади, уни унутишади, у ҳамма каби жамиятнинг оддий иштирокчисига айланади.

**Анастасия:** Жамиятнинг модели қанақа бўлиши тўғрисида гапириб берсангиз. Бугунги кунда (жамиятни бошқаришнинг) давлат-сиёсий шакллари, сиёсий режимлари, мафкуралари кўпдан-кўп. Ростки, алоҳида олинган бундай мафкурани ёки шаклни диққат билан ўргансанг, барчаси Хайвоний табиатда, инсонийликка хилоф тарзда қурилган. Назарияни чиройли қилиб ёзишган бўлса ҳам, амалиётда эса, тарихий воқеаларга қараганда, ўша мақолдагидек бўлди: “қоғозда ёзишди-ю, лекин жарликларни унутишди.”

**Ригден:** Чунки сен санаб ўтганнинг барчаси сиёсатда, яъни бошқарувда, ҳокимиятда, сиёсатчилар ва кохинларнинг жамиятдаги мутлоқ ҳукмдорлигида қурилган. Сен эътибор берганмисан, хатто “давлат ва жамият” сўзларини алоҳида ёзишди? Унинг устига давлат жамиятнинг устидаги сиёсий усткурма, ҳокимиятнинг халқнинг устидаги ҳукмдорлиги сифатида кўрилади. “Давлат” сўзининг этимологиясига назар сол, мисол учун рус тилида. “Давлат” – “ҳукмдорнинг” мулки дегани. “*Ҳокимиятга эга бўлган маълум одам*” ҳам, “*шартнома формуласи*” ҳам қадимий рус “Хукмдор” сўзи билан белгиланган, масалан “Хукмдор Буюк Новгород” (“Господин Великий Новгород”). Бу сўз “господарь” сўзи билан боғлиқ, хўжаинни, ҳукмдор-князни шундай номлашган. Қадимги Шарқда эса форсларда янада аниқроқ ифодалаш мавжуд эди – “қўйларнинг эгаси” (“gōspanddār”). “Политика”, яъни сиёсат сўзи қандай пайдо бўлганини биласанми?

**Анастасия:** Менга маълум бўлишича, юнонча “politike (techne)” сўзларидан – “давлатни бошқариш санъати”. Кимдир уларни, ўз навбатида, юнонча “poly” – “кўп”, “techne” – “санъат”, “хунар” сўзларидан пайдо бўлганлигини айтмоқда. Бошқалари эса юнонча “polis” сўзидан келиб чиққанини айтяпти. Бу сўз билан қадимги юнонлар ўз шаҳар-мамлакатларини номлашган.

**Ригден:** Айнан шундай жавобни кутгандим. Кўплаб дарсликлар ва китоблар воситасида одамнинг онгига мазкур ахборотни сингдиришмоқда. Бироқ, кел тафсилотларга чуқурлашайлик. Жамиятни бошқаришнинг бундай шаклини Қадимги Юнонистон қаердан қабул қилди, унинг устига полислардаги юқори ҳокимият эгасининг ўзига берган – архонт деган номи билан бирга? Қадимги Римдан – мана шу, эркин тошчиларнинг кохинларини ўша замонда энди шаклланаётган таянч “ини”дан-да, улар айнан ўз мақсадлари учун диний культларни, жамиятни бошқариш шакллари тузиш, касб-хунар цехларини ва хоказоларни барпо қилиш билан шуғулланишган. Юнонларда демократия каби бошқарув шакли қаердан пайдо бўлган (юнонча

“demos”, “kratos”, яъни “халқ хокимияти”)? Римликларда республика қаердан пайдо бўлган бўлса, ўша ердан (лотинча “res” – иш ва “publicus” – “жамоавий”, “res publica” – жамоавий (умумий) иш. Бошқарувнинг мазкур барча шакллари эркин тошчиларнинг кохинлари ишлаб чиқаришар ва оммавий одамлар орқали халқларнинг орасида оммалаштиришар эди.

Республика ва демократия каби қўштирноқ ичида “халқ” бошқаруви шаклларида, аслида халқлар ўз давлатини бошқаришдан четлатилгани нима учун деб ўйлайсан. Гарчи қоғозда барчаси чиройли ёзилган, қонунларда жамоавий қарорлар қабул қилиш усуллари инобатга олинган бўлса ҳам. Бу усуллар “тенг имкониятларни”, “фуқароларни шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминланишини” ўз ичига олган. Амалда эса маҳаллий ва марказий кохинлик ва сиёсий элиталари “халқ хокимияти” органларини истило қилган ва ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилмоқда. Мана шу ўзини ўзи тайинлаган “элиталар” умумхалқ бойлигини деярли очикчасига ўзаро бўлишмоқда, одамларнинг манфаатларини менсимасдан, уларни эксплуатация қилишмоқда ва қандайдир текин даромадни деб давлатнинг манфаатларини ўзининг ёки кланининг ғаразли мақсадларида ишлатишмоқда. Халқни эса, хар доимгидек, сайловдан сайловгача ўз ваъдалари билан боқишмоқда. Амалда эса молиявий-сиёсий гуруҳларнинг, ярим феодал “князчаларнинг” ва “яширин кардиналларнинг” таъсир этиш сфераларининг кенгайиши, яъни “ёғли жойлар” учун оддий гиламостни кураши кетмоқда. Бундай ҳолат бутун дунёда, ва биринчи навбатда, “цивилизациялашган” давлатларда рўй бермоқда. Сиёсий хокимиятнинг мафкуравий моделларига ҳам, масалан, ўша, индивидуал эркинликларни амалга оширувчи либерализмга (лотинча “liberalis” – “эркин” сўздан), ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик каби оммавий ғояларга асосланган социализмга ҳам худди шу гап тегишли. Мен якка шахснинг хукмронлигига – золимликка (тирания) ёки камчиликнинг хокимиятига – олигархияга асосланган (аристократия) тажовузкорона йўналтирилган мафкураларни, сиёсий режимларни, хокимият шакллари олмаёпман ҳам.

Унда нима учун замонавий дунёда бундай ҳолат мавжуд? Чунки барчаси олдиндан оммани бошқаришнинг иккита рағбатида – *ишонч ва қўрқувда*, материализмнинг, аниқроғи Хайвоний ақлнинг қонунларида, одамнинг энг қуйи инстинктларини, унинг ерлик “мен”ини кўзлаб ишланган, унда қоғозда эълон қилинган руҳий маънавий мақсадлар сиёсатчиларнинг ва кохинларнинг аслида тўла хукмдорлигини беркитиш учун хизмат қилади. Шунинг учун бугун ҳам ҳамма идеал, инсонпарвар одамлар жамияти ҳақида гапиришяпти. Лекин уни ҳақиқатан амалда кимдир барпо қиляптими? Идеал жамиятни куриш

ҳақидаги масаланинг қўйилишини ўзи жамият билан эмас, балки ўша жамият устидаги *давлат хокимиятининг шакли* билан боғланади. Халқларни бошқариш бўйича эса ўша кохинлар ва сиёсатчиларнинг глобал бошқарув тизими сақланмоқда.

**Анастасия:** Ҳа, аниқ! Одамлар учун ҳар қандай хокимият – бу иккита ёмонлик ичидан доимий танлов

**Ригден:** Тўғри. Шундай қилиб, “сиёсат” (политика) сўзига қайтсак. “Полис” сўзи италянча “polizza” сўзидан хосил бўлган ва “тилхат”, “шартнома” маъносини билдиради. Ахир архонтлар ўз лойиҳаларини иккита маъноли сўзлар билан номлаб ишга туширишни яхши кўришади. Ўзларини худолар ва одамлар ўртасидаги воситачилар деб хисоблаб, Архонтлар бошқарувнинг кохинлик моделини жамиятга, аниқроғи, у ёки бу сабабларга кўра уларнинг диний хокимияти остида бўлмаган қисмига проекциялашади (масалан, бошқа мамлакатларда яшаган, фақат маҳаллий худоларига сиғинган, бошқача маданиятга эга бўлган халқларни қамраб олган қисмига). Улар “политика” сўзини иккита юнонча сўзлардан олишди: “poly” – “кўп” ва “Theos” – “Худо” ва бунинг маъноси жамият устидаги “кўпгина худоларнинг” хокимияти дегани эди. Архонтлар хокимиятига бўйсунган сиёсатчилар – маҳаллий “худочалар” ана шундан келиб чиққан эди. Бугунги кунда кўпдан-кўп давлатлар жаҳоннинг энг кенг тарқалган ҳуқуқ тизимлари бўлмиш англосаксон, шунингдек, континентал ҳуқуқ бўйича яшашига хайрон қолмасак ҳам бўлади. Лекин ўз вақтида айнан кохинлар томонидан Қадимги Римда ишланган рим ҳуқуқи уларни ишлаб чиқариш учун асос бўлди (Хайвоний табиатнинг энг зўр анъаналарида битилган кохинларнинг “Ўн икки жадвал қонунлари мажмуаси” ва халқларни бошқариш учун бошқа ҳужжатлари).

**Анастасия:** Ҳа-да, шунинг учун, халқда айтишгандек, диний ҳуқуқ каби сиёсий ҳуқуқ доимо жазоланувчидир. Умуман олганда эса, жамият Архонтларнинг тажовузкор белгилари остида, улар ўрнатган қоидаларга биноан яшаётгани ачинарли...

**Ригден:** Одамлар уларни ким ва қандай бошқараётганидан аслида беҳабар, беҳабарлигининг сабаби эса мазкур саволларни чуқурроқ ўрганмагани. Агарда одамлар жаҳоннинг тарихи билан ёки ҳеч бўлмаса (ўрта асрлар лотин тилининг “heraldus” сўзи “жарчи” маъносини билдиради; герблар ҳақидаги фан) геральдика билан қизиқиб кўришса, улар аввалари у қадар эътибор бермаган қизиқарли фактларга кўзлари очилади. Хусусан, агарда князликларнинг, шаҳарларнинг, давлатларнинг штандартлари, байроқлари, гербларини кўриб чиқсак, уларда одамдаги Хайвоний табиатини фаоллаштирувчи ва ғайриихтиёрий онгига таъсир

этувчи белгиларни ва рамзларни кўришимиз мумкин. Уларни одатда Архонтларнинг кўл остидагилари ишлаб чиқариб, билими йўқ хукмдорларга тикиштиришган.

Буларнинг ҳаммаси хозир ҳам мавжуд, ва худди аввалгидек одамларнинг онгига яширин таъсир этиш учун мўлжалланган. Жаҳоннинг замонавий давлатларининг марказий ва маҳаллий бошқарув органлари, министрликлари, муассасалари, хизматларининг расмий символикасига, дунёнинг турли валюталарига туширилган белгиларга эътибор бериш кифоя. Ахир булар асосан Олд маҳлуқотни (белги ёки рамз билан, кўпинча тож кўринишидаги ерлик хокимиятнинг рамзи билан) тўсиб қўйиш ишорасига эга крестлар ва Хайвоний табиатга урғу беришдир, мен одамнинг ёнбош Маҳлуқотларини назарда тутаяпман, уларни асосан марказий рамзнинг ёнбошларида жойлашган у ёки бу тажовузкор хайвонлар кўринишида тасвирлашади. Шахар ва мамлакатлардан бошлаб, ҳалқаро ташкилотлар ва корпорацияларгача қанчадан-қанча герблар эркин тошчиларнинг белгилари ва рамзлари билан белгиланганлигига назар солиш кифоя: камон ва ўқлар (биргаликда ва алоҳида), болта, ўрок, болға, қилич, шпагалар, ўқ отувчи қуроллар, циркуль, шер, коплон, аждархо, бургут, фригия қолпоғи, зайтун шохчаси (яхудий кохинлик). Кўп холларда маълум (6, 13 ва хоказо) сонли юлдузлар кўринишидаги ишораларнинг мавжудлигини айтмаяпман ҳам.





*108-расм. Турли давлатлар герблари:*

1) Гамбия; 2) Бутан; 3) Гайана; 4) Германия федератив Республикаси; 5) Германия Демократик Республикаси (1949–1990); 6) Франция; 7) АҚШ; 8) Нидерландия; 9) Франция империяси (1804–1815); 10) Норвегия; 11) Грузия (1991–2004); гербнинг етти та (етти та нур, етти та юлдуз) қисмлардан иборатлиги герб билан таққослаш учун келтирилган; 12) Грузия (2004чи йилдан бошлаб); 13) Бельгия; 14) Ватикан.

Мазкур тажовузкор белгилар халқ орасида кўпайтириш учун мўлжалланган оммавий атрибутикада қўлланилади, яъни одамлар уни кўп учратишади ва зарурат сифатида хужжатларда, биноларда, кийимларда, оммавий ахборот воситаларида ва хоказоларда ишлатишади. Уларнинг одамнинг психикасига таъсири тошни ўткирловчи сувга ўхшаш – улар ғайритабиий равишда Хайвоний табиатни, тажовузни рағбатлантириб, жамиятдаги шиддатнинг кучайишига ёрдам беради, худди шахтадаги метандек. Маълум лаҳзада битта учқуннинг чакнаши, яъни одамларнинг маълум массасида тажовузни келтириб чиқариш етарли бўлади, шунда бутун давлат зўравонлик ва қайтариб бўлмас вайронкор оқибатлар, аниқроғи *олдидан маълум* қочиб бўлмас оқибатлар тўлкини остида қолади.

Бирок, халқларни махфий тарзда бошқаришнинг мана шу схемаси одамларнинг кўпчилиги у ҳақида билмаслиги боис ишлайди. Ўз “назорати остидаги худудда” ўзининг белгиларини ва рамзларини, ўз “клишеларини” қўйиш учун Архонтлар ҳар қандай имкониятлардан фойдаланишади. Шу билан, бу “жимгина”, бундай муҳокамалардаги халқнинг расмий қатнашиши ёрдамида қилинади. Қарорни одатда мансабдорларнинг тор доираси қабул қилади, кенг омма учун эса мазкур шахар ёки давлат учун махаллий тарихи, фалсафаси, маданияти нуқтаи назаридан айнан мана шу рамзлар ва белгилар “ғоят аҳамиятли” деган навбатдаги асар битилади. Шу билан бунга гоҳида олимлар ҳам жалб қилиниб, уларга айнан мана шу фикрни асослаб бериш вазифаси берилади. Лекин мен бу борада нима демоқчиман. Агарда одамларнинг ўзлари бировнинг фикрига боғланмасдан ўзининг мамалакати, халқининг тарихи билан, рамзлари ва белгилари билан қизиқса, ўрганиш жараёнига маъсулиятли, Малакий табиати позициясидан ёндошиб, мазкур саволларда ҳам ўз билим доирасини кенгайтиришса, уларни алдаш қийин бўлади. Ахир гап улар, уларнинг фарзандлари ва набиралари яшайдиган макон ҳақида кетяпти. Бошқача айтганда, одамлар Ҳақни билишганида, улар ўзлари жойларда тартибга келтиришади. Ахир асосий куч аксариятда, жамиятнинг ўзида, асло кохинларнинг ва сиёсатчиларнинг бир гуруҳ малайларида эмас.

**Анастасия:** Демак, жаҳон сиёсатидан Архонтлар ўзлари учун назорат пишанглари, давлатлардан эса – халқлар устида зўравонлик асбобларини ва ўзлари билан қўл остидаги бир гуруҳ мансабдор қўғирчоқларининг бойиш воситасини ясашган экан-да.

**Ригден:** Сир эмас, жаҳоннинг хар қайси давлатида ҳақиқий сиёсат “парда ортида” амалга оширилади, у ерда унинг қарорлари ва келишувлари сайловчилар билан муҳокама қилинмайди.

**Анастасия:** Ҳа, жамиятнинг ўзида эса “кучлироғи кучсизни йўқ қилади” модели оммалашмоқда, кичик жамоа (оила, фирма, ташкилот)дан бошлаб то давлатлар ўртасидаги муносабатларгача, унда кучли давлатлар кучсизларни ютиб юборади ва ўзаро рақобатда бўлади. Яъни Хайвоний ақлнинг ўша-ўша қонунлари.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам сиёсатчилар нима билан шуғулланишининг миридан сиригача билгач, Хайвоний ақл иродасини ўтказувчилари бўлмиш одамлар сунъий равишда яратган бундай тизимнинг яққоллигини кузатиш мумкин. Яхшироқ тушуниш учун тарихдан одатий воқеани келтирганим бўлсин. Бир неча юз йилликлар аввал, ўрта асрларда Европада кўпдан-кўп феодал князликлар мавжуд эди, уларни турли тусдаги хокимлар бошқарарди. Бундай “сиёсатдон-князча”ларнинг хар бири ўз аскарларига, ўз байроғига, гербига, ҳукуматга ўхшаш амалдорлар гуруҳига эга эди. Унинг князлик *ёлланма лашкарлари* “*банда*” сўзи билан номланар эди (кельтча “band” – “алоқа” сўзидан). Шундай қилиб, улар нима билан шуғулланган эди? Князлар доимо ўзаро урушлар олиб боришар, эгаллаб олган ҳудудларда маҳаллий савдогарлар, хунармандлар, дехқонлар учун ўзининг солиқларини ўрнатишар эди. Яъни аслида ўзлари каби “қароқчилардан” ҳимоя қилгани учун улардан солиқ (тўлов) олишар эди. Князнинг бундай “илтифотини” рад этиб ҳам кўришмасди, ахир ҳимоя қилувчи ҳам, таҳдид қилувчи ҳам битта эди! Лекин гап шундаки, бировнинг бойлигига кўз олайтирганлар кўп эди, ахир аҳолига “жанговар (ҳимоя) хизматларини” кўрсатиш бўйича князлар орасида катта “рақобат” мавжуд эди-да. Бугун битта “сиёсатдон-князча” қонли тўқнашувлар уюштирса, эртага бошқаси. Ва ҳаммаси “етимларни ва жабрланганларни” ҳимоя қилиш илинжида эди. Аҳолининг ҳимояси кўринишида эса факт бўйича уни юлиб-талаш кетарди. Айтишганидек, *банда* – бу *банда*-да.

Ҳозир ҳам жаҳоннинг сиёсатида ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Бироқ халқларни очиқчасига зўравонлик қилиш энди “тинч солиққа тортиш” дейилади, гарчи товламачилик тизими ўша-ўшалигича қолса ҳам. Мана

шундай, ўзига хос зўравонларча-тинч, ихтиёрий- мажбурий пул йиғиш – сайёрадаги кичик ва катта масштабларда аҳолини талон-тарож қилиш. Бироз чиройлироқ номлашни бошлашди, холос – қонуний зўравонлик монополияси (божхона тўловлари, озиқ-овқат, ахборот ва хоказо монополиялари).

**Анастасия:** Ҳа, шундай. Кўплаб давлатларда хатто оддий, расмий қоғоз учун (хужжатларни расмийлаштириш, ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш, хатто аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш учун) одамлардан тўлов ундирилади. Бундан эса одамларнинг хаёти енгиллашмагани аниқ...

**Ригден:** Ҳа, энди, бандалар қандай бўлган бўлса, шундай бандалигича қолди, фақат энди ўзлари ёзган қонунларга асосланиб, аҳолини каттароқ масштабларда шилиб олишмоқда... Вахоланки гап одамларнинг ўзларида, улар – кўпчилик, лекин ҳаракатсиз, Архонтлар эса камчилик, аммо тўхтовсиз ва фаол ҳаракат қилишмода. Мана сенга фарқ. Одамлар ўйғониши, билимлар доирасини кенгайтириши, жаҳон жамиятини бошқарув ишларида фаол иштирок этиши, бирлашиши, миллати, ирқи, яшаш жойидан қатъий назар ўзаро дўстлашиши керак. Ўшанда охир-оқибат одамзод қачондан буён орзу қилиб келган адолатли жамият моделига етиб келади.

Архонтлар шундай қилишдики, кўпдан-кўп одамлар сиёсатга ишлайди, яъни анча-мунча одамий капитал ишга туширилган. Ундан ташқари одамзоднинг инновацион ресурсининг катта қисми уларнинг ҳокимияти остида, чунки жаҳон илм-фани ҳам уларга бўйсунувчи ташкилотлар ва фондларнинг ҳомийлиги ва назоратида. Унданда кўпроқ, одамларнинг ўзлари ўзини қандай қилиб уларнинг кишанларига киритишни ўйлаб топишлар учун, Архонтлар оммани бошқариш усулларни ўрганувчи ва ишлаб чиқарувчи турли фанларни барпо қилиш ташаббускорлари бўлди. Масалан, “жамиятни ва унинг ривожланиш қонунларини, ижтимоий гуруҳларни, Шахс ва жамият муносабатларини ўрганувчи“ фанни, социологияни олсак (лотинча “societas” – “жамият”, “logos” – таълимот”). Ўз ҳомийлари ва ҳимоячиларининг дастурий вазифаларини бажараётиб, ушбу фаннинг рамакаларида олимлар айнан нимани ўрганишади? Социология одамнинг ички дунёси билан шуғулланмайди. Бунини ҳукмдорлар психологияга юклашди ва, унинг ривожланиш устуворликлари ҳар қандай нуроний бахоналар билан жамиятда худбинларни ўстиришга қаратилиши учун унга босим ўтказишмоқда. Руҳий маънавий масалаларни эса динлардан озиқланаётган кохинларнинг ихтиёрига беришди. Ҳаммаси бўлинган ва, одамни туб моҳиятгача етиб бориш, яъни хаётининг маъносини, ўзи аслида кимлигини, ҳақиқатан қандай улкан имкониятларга эгаллигини билиш истагини йўқ қилиш учун мураккаблаштирилган. Шундай қилиб,

социология одамларнинг катта оламонларининг хулқ-атворини, шунингдек кичик ижтимоий гуруҳлардаги турли ўзаро ҳаракатларни ўрганеди. Бошқача айтганда, мазкур олимлар индивидуал ва жамоавий Хайвоний ақлнинг хулқ-атворини кузатиш билан шуғулланишади. Бироқ уларнинг тадқиқотларининг натижаларини ким ва қандай мақсадларда ишлатади? Ўша сиёсатчилар ва кохинлар-да – одамларни бошқариш осонроқ бўлиши, улардаги Хайвоний табиатини фаоллаштириб, онгларида керакли тугмачаларни босиш учун.

Сиёсатшунослик ҳақида-ку умуман гапирмасак бўлади. Мазкур “фан” олдида қўйилган мақсадлар ва унда нималар ўрганилишини гапириш кулгили ва ачинарли. Масалан, бошқарув режимларининг алмашишини, партияларнинг сиёсий курашининг натижасини башорат қилиш, номзодларнинг сиёсий имиджларини ўйлаб топиш ва яратиш, сайлов олди ташвиқот ишлари билан шуғулланиш, номзод учун сайлов кампанияси пайтида халқнинг ишончини қозониш учун халқ олдида ўқиладиган маърузаларини (ишларни эмас), бериладиган навбатдаги ваъдаларни ўйлаб топиш. Лекин сиёсатдонлар, худди социологлар, журналистлар ва мазкур сиёсий шоунинг бошқа қатнашчилари каби - худди шундай, халқдан чиққан одамлар. Сиёсатдон ўзининг шахсий манфатини деб каттароқ хокимиятга эга бўлиш мақсадида бошқа одамлар учун яратилган ўзи ҳақидаги афсонанинг пулини тўлайди, холос. Демак, ўзича унинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ бўлиб чиқмода. У аввал халқнинг қўллаб-қувватлашига эришиши керак, халқ эса ўз қўллари билан кўтарган вакилини кейинчалик буйруқларини бажариб, улардан ўзи азият чекади.

Сайловлар бу дунёда аллақачон “Халқ хокимияти” деб номланган бир марталик оммавий сиёсий шоуга айланган. Унинг яширин мақсади, халқларга таъсири қанақа? Одамларнинг массаси нимани кўряпти? Номзодларнинг телевизион кастинги, “бош қаҳрамонларнинг” шахсий хаётидан майда-чуйда тафсилотларга бой реалити-шоу, уларнинг лол қолдирувчи чиқишлардаги ўзаро мусобақалари, ўзаро айбловларнинг битмас-туганмас оқими ва хоқазони. Яъни одамларда Хайвоний табиатни рағбатлантириш учун, ёпиқ доира бўйлаб эмоцияларнинг ва фикрларнинг айланиши, натижада эса, хукмдорларнинг марионеткаларидан қайси бири ғалабага эришишидан қатъий назар, мазкур массани бошқариш осонроқ бўлиши учун барчаси қилинмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш векторини бугунги кунда ким йўналтирмоқда? Жаҳон сиёсати билан манипуляция қилаётган Архонтлар-да, бу уларнинг халқлар устида хукмронлик қилиш асбобидир. Архонтлар Хайвоний ақл тизимига бўйсунган, ва “ўзининг” ғояларини сиёсатчилар орқали хаётга тадбиқ этишади. Аммо

одамларнинг аксарияти “жаҳон пардаси” ортида рўй бераётган мазкур ишлардан беҳабар. Уларга фақат ўз давлатининг сиёсий сахнасида ўйналаётган театрни кўрсатиб, шу билан каттароқ нарсани ўрганиш спектрини чеклаб, онгини торайтиришади, бундан чикди жаҳон жамиятининг масштабида воқеаларни таққослаш ва таҳлил қилиш имкониятидан маҳрум қилишади. Шунинг учун одамларнинг кўришича, сиёсатчилар жамият риоя қилиб яшаши керак бўлган қонунларни ишлаб чиқараётганидек бўлишади. Лекин нима учун айнан шу қонунларни ва нима учун айнан шу сиёсатчилар мазкур лойиҳаларни амалга ошираяпти, деган саволга чуқурлашмайди ҳам. Нима учун шунга ўхшаши жаҳоннинг бошқа давлатларига киритиляпти ёки киритилди, ва жамиятнинг хаётида аслида бу қандай аксини топди, ундаги қайси устуворликни фаоллаштирди?

Энг яхши вазиятда уларнинг сиёсатчилари банданинг позицияларини ҳимоя қилишаётганини халққа тушунтиришади. Бироқ, мазкур дастурларни барчасини ким хаётга тадбиқ этади? Хар қандай давлатнинг жорий ишларини мансабдорлар ва хизматчилар бошқаради, улар эса ўша халқнинг вакиллари дир. Давлатлардаги сиёсатчилар эса ким? Сиёсатчилар – бу “элитанинг” вакиллари, уларнинг аксарияти ўзининг бизнесини хавфсизлигини таъминлаш ва буюклик истагини қондириш учун хокимиятга эга бўлишади. Ахир Хайвоний ақл тизимига боғлиқ бўлган ва бўйсунган одамларни пуллар энди қониктирмай кўяди. Улар каттароғини хоҳлайди, масалан кўпроқ одамларни бошқариш ва лаганбардорларнинг тиз чўкишларидан ичичидан роҳатланиш имкониятига эга бўлишни.

Кўпчилиги ўзини бор-йўғи Хайвоний ақлнинг Иродасининг ўтказувчиси эканлигини тушунмайди ҳам. Одам буни англайдими, йўқми, лекин Шахснинг бундай танловидан ва уни Рухий Оламдан янада узоқлаштирувчи хаётий кучларнинг беъмани сарфлашидан Қалби азобланиши аниқ. Ахир хаёт жуда тез учиб ўтади, хокимият эса қисқа вақтга берилади-ю, бироқ унинг тўлови таққослаб бўлмас даражада улкандир. Одамий заифликнинг хаётий лаҳзаси субшахснинг узоқ давом этувчи қийноқлари ва Қалбнинг материя асирлигида азобланишининг узайишига айланади. Буғ каби қисқа вақтга пайдо бўлиб, борлиқнинг қоронғулигида дархол ғойиб бўлувчи иллюзияларни танлаши учун ғоят қиммат тўлов тўлаш керак бўлади.

Мазкур глобал ёлғонни фoш этишга, жаҳон жамиятининг “тескари свастика” бўйлаб ҳаракатининг бугунги вайронкор йўналишини тушунишга, дунёдаги салбий воқеалар шаклланишининг ёвузлик илдизи қаердан ўсаётганини англашга муваффақ бўлган ақлли сиёсатчилар эса, ўз навбатида, улар ҳам нима қилиш кераклигини билишмайди. Жаҳон

кохинларини хокимият тизимининг ўша “эски, касал дарахтидан” қандай қилиб қутулиш йўлини изламоқда, ахир унинг захарланган илдизлари саккизоёқдек бутун дунёни ўраб олган.

Аслида, ер капиталининг катта қисмини ўз қўлига олган Архонтлар фойдаланадиган асбобларини тушунсанг, бунинг қийин жойи йўқ. Архонтларнинг вазифаси – иложи борича кўпроқ одамларга Хайвоний ақлнинг мафқурасини, навбатдаги иллюзиясини тикиштириш ва уларни бунга ишонтириш. Мисол учун, фикрлашнинг моддий тарзининг, ижтимоий муносабатларнинг истеъмолчилик форматининг афзалликларига ишонтириш, навбатдаги жахон инқирози билан одамларни кўрқитиш, у ёки бу урушни ёки миллатлараро можароларни зарурлигига ишонтириш ёки турли динлар диндорларини тўқнаштириш, қонли тўқнашувлар, рангли инқилоблар ва хоказоларни уюштириш. Кейин эса, одамлар мазкур ғоялар билан захарланганида, ўз қўллари билан тартибсизликларни келтириб чиқариб, ўзлари уларни моддийлаштиришади.

Архонтлар учун асосийси – одамлардаги Хайвоний табиатини, аниқроғи уларнинг жамоавий Хайвоний ақлини фаоллаштириш. Ахир улар сценарийларни ёзишади ва ўзларининг сиёсатдонларига ҳомийлик қилишади. Уларнинг умумжахон сиёсий ўргимчак тўри эса оммага таъсир этувчи фаол асбобнинг ўзгинаси. Ахир сиёсатдон бу ким? Актёр, унга ёзиб берилган ролни ўйнайдиган кимса. Унинг вазифаси – давлатининг телеэкранларида, матбуотда тез-тез кўриниб туриш, чиройли гапириш ва одамларга маълум ғояларни етказиш. Сиёсат – бу Аримандан келиб чиққан ёлғон санъати, у Архонтлар томонидан даставвал шундай шаклланган ва жахон жамиятида мавжуд бўлишни давом эттирмоқда. Шундай қилиб, сиёсатдоннинг моҳияти – актёр. Давлатининг оммавий сахналарида Архонтларга ишлайдиган сиёсатдонлар “сценарий муаллифлари” кохинларнинг ва “ҳомийлари” Архонтларнинг ғояларини етказишади, сўнгиларининг мавжудлигидан эса одамларнинг хабари ҳам йўқ. Улар гўёки “шу халқнинг бахтли келажагини деб” шунчалик ишонтириб урушга ёки миллатлараро можароларга давъат қилишадики, бундай “актёрларни” тинглаган томошабинлар ҳам, айтилган нарсаларнинг барчаси ўша сиёсатчиларнинг ўзларининг ғояси деб ўйлашади. Лекин улардан бирортаси урушлар ўлимни, хар қандай можаролар эса – нотурғунлик ва иқтисодий таназулни олиб келишини эслатмайди. Оламон тинглайди ва иллюзияларга берилади, Хайвоний табиатини фаоллаштирувчи ва катта хисобда Хайвоний ақл Иродасининг дастурлари ва ўрнатмалари томонидан келиб чиқувчи ғояларни юқтиради.

Тасаввур қилгин, агарда Архонтлар сайёрадаги хар бир алоҳида олинган соғлом фикрловчи одамнинг олдига келиб уларнинг яхши яшаши учун ўша одам ўз акаси билан урушгани чиқиши керак, деган ғояни баён қилишса. Хар бир киши уларни қаерга жўнатган бўларди? Тўғри, ҳаммага маълум конкрет адрес бўйича. Қайси ақлли одам ўз оиласи, қариндошлари ва яқинларининг тинчлигини йўқ қилишни хохлайди? Кўпчилик учун уруш бу нима? Бу ўлим, вайронгарчилик, фожеа. Архонтлар учун эса халқлар ўртасида келтириб чиқарилган уруш бу нима? Бу тезкор бойиш усулидан кўра, кўпроқ сиёсий ўйиндир, урушаётган давлатлар ахолиси устидан ўзининг назоратини кучайтириш, ўз хокимиятини кенгайтириш ва ўрнатиш учун шароит яратишдир. Ахир уруш вақтида қарши курашаётган давлатлар нафақат ўз ресурсларини оздиради. Уруш тугаганидан сўнг омон қолган одамлар ўша кўрқувда, давлатлар эса – “дунёнинг кучлилари”га сиёсий ва иқтисодий тобеликда бўлади. Иккала томон халқлари бир-биридан кўрқишни давом эттиради, хаттоки урушдан кейин туғилган янги авлодларга нисбатан адоватни хис этишади. Бошқача айтганда, одамлар янги уруш хавфидан доимо кўрқиб яшайди.

Яъни хар қандай уруш – бу жамиятни айириш, бўлиш воситаси, халқларни кўрқитиш усули. Урушни одамлар эмас, сиёсатчилар ва кохинлар хошлашади. Бир давлат иккинчисига бостириб кирмайди, лекин ўзининг ўйинини олиб боришади. Аммо халқлар ўртасида дўстлик ҳукм сурса, ва одамларнинг ўзлари бунга ёрдам беришса, бутун жаҳон ҳамжамиятининг бирлашуви жараён, балки сиёсатчилар ва кохинларнинг бир гуруҳи миллионлаб оддий одамларнинг ҳаётининг хисобига бошланади. Бирлашиб олиб, одамлар хар қандай урушнинг олдини олишади, зеро замонавий дунёда барча можаролар аввал ахборотли, яъни биринчи навбатда жамиятнинг, одамларнинг мияларида амалга ошади, кейин эса уларнинг қўллари ёрдамида бошланади. Зеро **аввал ахборот, танлов, оннинг ўзгариши келади, кейинчалик эса буларнинг натижаси ҳаракат бўлади.**

Одамлар буни нафақат тушуниши, балки имкон қадар хар қандай урушнинг бошланишига, айниқса интернетда ва ОАВда ижтимоий фикрнинг тайёрлаш босқичида, фаол қарши чиқиши керак. Акс холда Архонтлар оммавий спектаклларни уюштириб, миллиардлаб телетомошабинларни кўрқитиб ва уларнинг ақлини кўрқув ва моддий тизимга итоаткорликда қамаб, оламонни ўз сиёсатдонлар ва кохинлар армияси орқали “юқтириш” эффеқтини қўллашни давом эттиришаверади.

Агарда жаҳон жамиятининг фаоллигини ўзини бошқариш ишларида ўйғотса, бошқариш жараёнини ва унинг хар қандай ахборотини очик

қилса, шунингдек Архонтларнинг оммага таъсир этиш асбоби бўлмиш сиёсат ва кохинликни ҳам олиб ташласа, жамиятнинг хаётида кўп нарса сифатли ўзгариши мумкин. Ахир бутун одамзодга нисбатан Архонтлар бир аянчли тўда бўлса, ва улар фақат ёлғон билан яшаса, аммо бу ёлғон, барча ўлик нарса сингари абадий бўла олмайди. Бир маротаба ўзини, ўз Малакий табиатини сотган одамга Ҳақиқат бадбўй бўлиб туюлади. У бошқаларни алдаб яшайди-ю, аслида эса ўзини алдайди. Ёлғоннинг сабаби сўзда эмас, балки ўзининг табиатини алдаш истагида.

**Анастасия:** Демак, сиёсатдаги вазият худди жамият хаётининг рухий маънавий жихатидагидек бўлиб чиқяпти. Агар жаҳон жамиятида сиёсат каби оммага таъсир этиш асбоби йўқ қилинса, аслида унда хокимият каби ходиса, “текинхўрлар”, яъни халқ бойлигини ўзлаштирувчи лавозимлар ҳам ғойиб бўлади. Сиёсий хокимият институти йўқ қилинган, ақлли, виждонли, ҳақиқатан сўзда эмас, амалда халқларнинг хаёти ва тақдирлари учун жонбозлик қилган инсонлар жамиятга виждонан ва беғараз ёрдам беришни давом эттиришади, бироқ, афсуски сиёсий тизимда улар у қадар кўп ҳам эмас. Масалан, улар одамларга жамиятнинг ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш асосларини ўргатишади, ўз тажрибасини жамиятнинг эзгу ишларида қўллашади ва хоказо. Гарчи, динда “Худонинг ихтиёридаги одамлар” бир-нечагина бўлганидек, сиёсатда ҳам шунчагина, бироқ улар мавжуд. Улар учун Ор-Номус, Виждон, жамиятга самимий хизмат, ишидаги бор кучини сарфлаш ва вафодорлик – булар шунчаки сўзлар эмас, бу уларнинг яшаш тарзи, улар ўз хаётини инсониятга хизмат қилиш қурбонгоҳига қўйишган.

**Ригден:** Ҳа, тизимда бўла туриб, Инсонлигича қолиш – бу ҳақиқий жасорат. Ва мана шу халол ва ақлли инсонларнинг ёрдами жамият учун аҳамиятли бўлади. Ўзгаришлар алоҳида олинган давлатда эмас, балки ҳамма жойда жаҳоннинг халқлари орасида рўй бериши зарур. Ўшанда мазкур жараённи тўхтатиш мушкул бўлади. Сўзсиз, жаҳондаги одамларнинг аксарияти ушбу ғояни чуқур англаши керак, одамлар Билимларни ўрганиб, ўсиши ва, ўз мамлакатидан бошлаб то жаҳон ҳамжамятигача, жамиятнинг ҳамма сохаларининг ижобий ўзгаришида фаол иштирок этишлари керак, Инсоният бирлашиши зарур. Фақатгина ўз ҳаракатларини жипслаштириб, одамлар жаҳонда мутлақо янги жамиятни қуришлари мумкин, унда Ҳақиқат ҳукм суради ва одамлар устидаги зўравонлик воситаси бўлмиш ҳар қандай хокимиятга ўрин бўлмайди. Ўшанда мана шу бирлашган жаҳон ҳамжамятида халқлар устида ҳукмронлик қилувчи одамлар, яъни кохинлар ҳам, сиёсатдонлар ҳам, президентлар ҳам бўлмайди.



Дарвоқе, “президент” сўзи ҳам Архонтларнинг енгил узатишлари туфайли жамиятда пайдо бўлган – икки томонлама ифодаларни улар ёқтиришади-да. Ахир “жамоани бошқарувчи”сининг ушбу лавозимини улар, масалан, преамбула деб номлашмади (лотинча “*praesambulus*” сўзи “олдинда *юраётган*” дегани). Улар бу сўзни ўз ишларини олға суриш учун сақлаб қўйишди, ва қонун ишлаб чиқариш ҳужжатларининг, декларацияларининг ёки эркин тошчиларнинг назорати остидаги ҳалқаро ҳужжатларнинг кириш қисмини белгилаш сифатида қўллашмоқда. Халқни бошқарадиган ижро этувчи ҳокимиятни бошлиғи лавозимини эса президент деб номлашди, лотинча “*praesidens* “ сўзининг луғавий маъноси “олдинда *ўтирган*” дегани, аслида, халқнинг ҳаракатини тўсувчи. Дунё бўйлаб қанчадан-қанча турли корпорациялар, компаниялар, фан академияларининг президентлари кўпайганини кўриш кифоя, сиёсатни гапирмаяпман ҳам. Бироқ моҳият ўша-ўша. Худонинг номини қалқон қилиб олган кохинлар ўз ҳокимиятини амалга оширса, сиёсатдонлар ҳам, ўз давлатларининг президентлик курсларида ўтириб, халқни номини қалқон қилиб олиб, ўз ҳокимиятини амалга оширишади. Илк бора “президент” сўзини кенг миқёсда халқларнинг онгида синаш учун, бу номни америка колонияларининг мустақиллик учун олиб борилган *уруши* даврида “миллатнинг бошлиғи” унвони сифатида қўллашди. Ёдингдами, бу ҳақда ҳикоя қилган эдим?

**Анастасия:** Бу ўша, “жаҳондаги энг эркин ва демократик давлатни” барпо қилиш лойихасига Архонтлар режиссёрлик ва ҳомийлик қилганими? Ҳа, албатта, мен бу маълумотларни “Сэнсэй-IV” китобига киритдим. Ўз операцияларини улар синчковлик билан ўйлашади, кўплаб йиллар олдин ҳисоблашади ва одамларга ғайриихтиёрий онг сатҳида таъсир этувчи белгиларни ва рамзларни, хатто номларни усталик билан ишлатишади...

**Ригден:** Ушбу саволларда одамларнинг аксарияти ўзининг саводхонлигини намоён қилганида, бундай муаммолар ҳам ғойиб бўлади. Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида одамларнинг ўзлари Хайвоний табиатнинг намоён бўлишини ҳар қандай имкониятини йўқ қилиши керак ва шу тариқа улар ўзини ва жамиятни Хайвоний ақл Иродасига бўйсунидан тўсиб қўйишади. Ҳар бир кишининг иштироки ва ҳаракати туфайли бутун инсониятга ривожланишнинг руҳий маънавий векторини белгилаш керак. Яъни одамда Малакий табиатининг регенерацияси ва гуллаб-яшнаши учун, шунингдек бутун жаҳонда маданий-ахлоқий кадриятларни оммалаштириш учун соғлом шароитлар яратиш. Жаҳон жамиятида ҳукумат тушунчасига эга бўлган институтларни одамларнинг ўзлари йўқ қилганида, кўпдан-кўп сунъий яратилган муаммолар ғойиб бўлади. Жамиятни Архонтлар ва уларнинг вакиллари эмас, балки жамиятнинг ўзи бошқариши керак. Ягона

жамиятда умуман ҳеч қандай чегаралар бўлмаслиги керак. Ҳамма одамлар ҳаракатланиш учун мутлақо эркин фазода яшашлари керак, яъни сайёра бўйлаб чекловсиз, мутлақо эркин ҳаракатланиш имкониятларига эга бўлиш керак. Одамлар ўртасида можаролар, шу жумладан миллатлараро можароларнинг ҳам бошланишига шароитлар бўлмаслиги керак. Жаҳон халқларининг миллий маданиятлари мавжуд, уларда инсониятнинг турли анъаналари ва билимлари тўпланган. Аммо олий тушунча ҳам мавжуд – бу барча миллатлар вакиллари бирлаштирувчи, одамнинг руҳий маънавий қисми, мисол учун рус тилида у Человек (Инсон) сўзи билан маълум.

Даровоқе, “Человек” сўзи у қадар оддий эмас. “Чело” даставвал “олий” деган маънони билдирган, шунинг учун қадимда мазкур сўз билан пешонани белгилашган. “Век” сўзининг маъноси эса “куч” бўлган, дастлабки маъносида “кучга тўлган”, “абдий”. Человек – бу олий (руҳий) кучга тўлиб-тошган дегани. **Ҳақиқий Инсон ёки Азалги Инсон эса – бу ўша, тўлиб-тошаётган, абдий кучга – Малакий табиати устуворлигига эга бўлган кимса.**

Шундай қилиб, ҳамма масалаларни, маҳаллий қишлоқ кенгашидан бошлаб жаҳон даражасигача одамларнинг ўзлари муҳокама йўли билан хал қилишлари керак. Ва мазкур жараён жамиятнинг ҳамма қатнашчилари учун мутлақо очик бўлиши керак. Замонавий технологиялар ушбу шартни амалда бажаришга имкон беради. Шу билан жамиятнинг ҳаёти билан боғлиқ мана шу барча масалалар асосий ишдан ташқари вақтда муҳокама ва хал қилиниши керак. Ўзини бошқарадиган жамиятнинг бундай тизими шундагина ишлайдики, қачонки бутун жамият ҳаётининг яхшиланиши учун маъсулиятни одамларнинг ўзлари ўз зиммасига олса ва доимий асосда жамоавий ишларда, шу жумладан жамоавий бунёдкорликда ҳам қатнашишга ўзининг шахсий вақтини бағишлашига тайёрлигини изхор қилишса. Бу одамнинг Хайвоний табиатидан келиб чиққан фикрлари ва истакларини назорат қилиш билан баробар, унда одам нафақат мазкур саволларда ўзини назорат қилиш, балки Малакий табиатидан келиб чиқувчи эзгу ниятларни, амалларни ҳам бунёд қилиш маъсулиятини ўз зиммасига олади.

Шунингдек жамиятнинг ўзини бошқариш масалаларида “махфийлик режими” каби тушунчаси бўлмаслиги ҳам керак. Биринчи навбатда бу молиялаштириш, яъни маблағларни тақсимлаш ва сарфлаш тартибига тегишли. Хозир дунёда молиявий оқимларнинг йўналиши ҳақидаги ахборотнинг катта қисми одамлардан ёпиқ. Одатда, давлатларда бундай яширишларни оқлашда миллий хавфсизлик, иқтисодий масалалар,

сиёсий манфаатларга тегишли давлатнинг сирлари каби бахоналар келтирилади. Аслида эса пуллар қаерга кетаётганидан одамлар беҳабар.

Нима учун бундай бўляпти? Чунки жаҳоннинг сиёсий ва кохинлик бандалари фаолият юритяпти, хокимият ва молиявий оқимларнинг назорати учун кураш кетаяпти. “Махфийлик” шовқини орқасида сиёсатчилар ўз хокимияти ва бизнеси учун қулай қонунларни қабул қилишяпти ва давлат бюджетини ўғирлашяпти. Халқлар эса мухтожликда яшамокда. Жаҳон миқёсида давлатлар ўртасида ҳам шундай вазият, бироқ бу энди катта масштабдаги ўғирлик. Сиёсий ва кохинлик хокимият институтлари бутун жаҳонда йўқ қилинса, бундай сирлар ҳам йўқолади. Жаҳоннинг жамияти ўзининг бунёдкорлик жараёнлари ва рухий маънавий интилишларида яхлит бўлганида, махфийлик тушунчаси йўқолади. Хаётнинг яхшиланиши учун харажатларнинг қайси турлари устуворлигини ва маблағларни биринчи навбатда қаерга сарфлаш кераклигини жамиятнинг ўзи хал қилади. Ва жаҳон ҳамжамиятидаги хар бир киши маблағларнинг қаерга кетганлигини, қайси заруратларга сарфланганини тийинигача назорат қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Хуллас, жамоавий маблағларни ўғирлаш ва улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун бирорта ҳам тешик бўлмаслигининг шароитларини яратиш керак.

Жаҳон жамиятидаги ўз-ўзини бошқариш масалаларининг ечимини ҳамма даражаларда очик ва шаффоф амалга ошириш лозим. Хозир нафақат жаҳон миқёсида, балки ўз давлатида ҳам одамлар мазкур жараёнда қатнашмаяпти. Озми-кўпми, формал жихатдан холис мамлакатларни мисол қилсак – бу славян давлатлари. Бугунги тизимда одамлар депутатларга ўз “ҳуқуқларини” бериб қўйишган, булар бир маротаба хокимиятга ўтиб олиб, сўнг бир талай имтиёзларга эга бўлиб, “дахлсизликда” у ерда йиллаб ўтиришади. Кўпинча мазкур депутатлар ўз шахсий манфаатларини ёки кохинлар ва сиёсатдонларга тегишли қайсидир корпорацияларнинг манфаатларини ҳимоя қилишади. Шу билан улар халқнинг *номидан* ёки гўё унинг *номи билан* фаолият юритишади, халқнинг эса мазкур масалаларнинг ечимига аслида ҳеч қандай алоқаси йўқ. Дарвоқе, “депутат” сўзи ҳам (Архонтларнинг севимли тилларидан бири бўлмиш) ўлик тилдан – лотин тилидан келиб чиққан. “Deputatus” (deputare) сўзи “кўрсатмоқ, тайинламоқ” маъносига эга. Эътибор бер, сайланган эмас, (юқоридан хукмдорлар томонидан) *юборилган, тайинланган* одам! Аслида, авваллари шундай бўлган. Қадимги Юнонистонда, масалан, “депутат” деб кохиннинг хизматкорига айтилган, уни кохин Дельфа ёки Олимпга “муқаддас вазифалар” билан юборган. Қадимги христиан черковида эса “депутат” деб патриархнинг олдида юриб, унга йўлни очиб берувчи диний хизматкорларидан бирига айтилган.

Руҳий маънавий ривожланиш векторига тўғриланган янги жаҳон ҳамжамиятида, бугунги депутатларга ўхшаш “доимий” вакиллар бўлиши керак эмас. Агарда у ёки бу ҳудуд яшовчиларининг фикрини баён қилиш учун жамоавий йиғинларга ўзининг вакилларини жўнатиш бўлса, унда марҳамат. Лекин ўша одамларни халқ уларнинг ахлоқий сифатларига, маъсулиятлик, профессионаллик даражасига, жамият учун бажарган конкрет ишларига қараб танлайди. Бундай вакиллар ҳар қандай имтиёزلардан маҳрум бўлиши керак. Улар ўз фаолиятини ўз хисобидан, ишдан бўш вақтида амалга ошириши, ҳеч қандай моддий ёки бошқача мукофотларга, жамиятнинг бошқа қатнашчиларига нисбатан афзалликларга эга бўлмаслиги керак. Шу билан ўша инсон жамиятнинг барча қатнашчиларининг яшаш шароитларини яхшилаганида, ўшанда ҳамма билан бирга у ўзининг ҳам ҳаётини яхшилайдди. Бундай шароитларни яратиш оқибатида жамиятнинг фаолияти бўйича жорий масалалар билан ўзини деб эмас, жамиятга хизмат қилишни деб ўзининг шахсий вақтини қайсидир маънода моддий ҳаётига зиён келтириб, ўрнига ҳеч нима олмайдиган, ҳалол, ақлли инсонлар шуғулланади. Табиийки, шунга ўхшаш масалалар ечимини жамият назорат қилади ва устуворликларни таърифлайди. Энг муҳим, ҳаётини масалаларни эса бутун жаҳон ҳамжамияти ҳал қилиши керак.

Дарвоқе, замонавий технологиялар очик жамоавий йиғилишларни сарф-харажатли сафарларсиз ўтказиш ва барчасини жорий режимда, жойида ҳал қилиш имкониятини бермоқда. Бу нафақат кўп вақт ва маблағларни тежайди, ҳал қилинувчи саволлар бўйича оператив ҳаракат қилиш имкониятини беради, балки бундай “интернет-йиғилишларнинг” жамият учун очиклигини беради, шунингдек кераксиз оммавий “ўтиришларни” йўқ қилади ва парда ортидаги ўйинлар билан шахсий манфаатларни жамиятга зиён етказиб илгари суришларга йўл қўймайди.

**Анастасия:** Яхши, овоз бериш, сенинг овозинг хисобига олинганини назорат қилиш ва маълумотларни текшириш, турли фикрларни баён қилиш – буларни ростдан ҳам хатто интернет орқали амалга оширса бўлади. Аммо кимдир рақамли ва интернет технологияларни монополлаштиришни ва ўзига хокимият асбобини яратишни хоҳласа-чи?

**Ригден:** Агарда жамиятнинг ўзи рақамли, интернет ва бошқа технологияларни шахсий қўлларга монополиялаштиришни ҳар қандай уринишларини тўхтатса, бундай бўлмайди. Умуман олганда, бундай жаҳон ҳамжамиятини куришда барча стратегик, тирикликни таъминловчи корхоналар ва уларнинг ресурслари жамиятнинг ўзига тегишли бўлиши керак. Бу энергетикага, молиявий ташкилотларга

(банклар ва хоказо), дори-дармон, тиббий ускуналар тайёрлаш ва сотиш, ер ости бойликларини қазиш, шунингдек йирик саноат, аграр ва илмий корхоналарга тегишли. Ҳаммаси бутун жаҳон ҳамжамиятига тегишли бўлиши керак. Буларнинг барчасига хусусий капитал эгалик қилишига, яъни у ёки бу тарзда шахсларнинг қўлларида мужассам бўлиши, маълум шахсларга ёки гуруҳларга тегишли бўлишига йўл қўймаслик керак.

Фақат шундай шартларда коррупция, нархларнинг ўсиши, молиявий инқирозлар мавжуд бўлмаслиги мумкин. Жамият ўзига яшаш учун мақбул нархларни белгилайди, хизматларнинг сифатини аниқлайди. Акс холда, ҳеч нарса ўзгармаса, ҳозиргидек, ҳатто янада батарроқ бўлади. Яъни коррупция, турли фирибгарликлар, “хавонинг” олди-сотдиси, мислсиз кредитлар, инфляция ва Хайвоний ақлнинг “эркин бозор муносабатларидаги” барча қолган қопқонлари гуллаб-яшнайдир. Замонавий дунёга қараш кифоя. Миллий ва халқаро валюталарнинг барча қулашлари-ю кескин кўтарилишлари, турли иқтисодий, озуқавий, сиёсий ва бошқа инқирозлар – барчаси сунъий, барчаси одамларнинг қўллари билан яратилган. Бор-йўғи кимдир бунинг учун шароитларни яратади ва бунда ақлга сиғмайдиган капиталларни ишлайди, кимдир эса сунъий равишда рағбатланган мазкур жараёнларда охиригисидан маҳрум бўлади. Нормал жамиятда бунга йўл қуйилмайди.

**Анастасия:** Барча молиявий ташкилотлар бутун жаҳон жамиятига тегишли бўлиши керак, деган эдингиз. Демак, бу у ёки бу шаклдаги пуллар билан муомала қилинишини тахмин қилмода.

**Ригден:** Пуллар – бу айирбошлаш эквивалентидир. Кучга эга эквивалент маъносида (лотинча “aequus” – “тенг”, “valentis” – “маънога, кучга эга”. Ушбу куч – моддий дунёнинг ҳосиласидир ва бундан қоча олмайсан. Одам моддий дунёда яшайди ва жисмоний танада мужассам. Сўнггиси эса уч ўлчамли дунёнинг қонунларига бўйсунган, яъни уни озуқлантириш, кийинтириш, муҳим, ҳаёт бағишловчи эҳтиёжларда қониқтириш, тозаликда тутиш, унинг касалликлари билан курашиш керак ва хоказо. Табиийки, бунинг учун, маҳсулотлар, дори-дармонлар, кийим-кечак ва моддий дунёнинг бошқа предметлари керак. Демак, ўз танасидаги мавжудлигини таъминловчи долзарб ҳаётини эҳтиёжларини қониқтириш учун одам ишлаши керак.

**Анастасия:** То-ки муомалада қай шаклда бўлса ҳам, лекин пуллар бўлар экан, бой ва қамбағалларга бўлиниш давом этаверади, ахир тарих шуни кўрсатмоқда. Унинг устига бойлик хусусий бизнесни, демак, хусусий мулкни ҳам мавжуд бўлишини тахмин қилади.

**Ригден:** Камбағал ва бойлар борасида...Жамият ўзининг мавжудлиги учун шундай шароитларни яратиши керакки, унда камбағаллик умуман бўлмаслиги керак. Технологияларнинг замонавий даражаси билан буларни бемалол амалга ошириш мумкин: ҳамма одамларни махсулотлар билан таъминлаш ҳам, сахрони гуллаб-яшнаётган боғларга айлантириш ҳам, хатто ифлосланган сувларни тозалаш ва фойдаланиш учун яроқли қилиш, қазиб олинувчи ресурслар ўрнига муқобил энергия манбаларини ишлатиш. Мазкур технологияларнинг барчаси hozirning ўзида мавжуд, бироқ уларга бир-нечагина кишилар эгаллик қилмоқда. Мазкур ахборотни атайлаб яширишяпти, жаҳоннинг кохинларини буйруғи билан бундай илғор технологияларнинг ривожланишини сунъий равишда ушлаб туришибди. Нима учун бундай қилиняпти? Ўз хокимиятини, жаҳон жамиятига таъсир ўтказишнинг сиёсий дастакларини ўша Архонтлар ушлаб қолишлари учун, миллиардлаб одамларни эксплуатация қилишни давом эттириш, жаҳонда кескинликни кучайтириш, одамларнинг аксариятида қашшоқлик чегараси ортида қолиш кўркувини ушлаб туриш учун. Зеро одамларнинг онги омон қолиш масалалари билан банд бўлганида, уларни бошқариш ва ўз найрангига ўйнатиш, Хайвоний ақл Иродасини хаётга тадбиқ этиш танловига одамларни эгиш осонроқ.

Шундай қилиб, янги жамиятни қуришда шундай қилиш керак-ки, сайёрада қашшоқлик каби ходиса умуман бўлмасин. Одамлар барча зарур нарсалар билан таъминланган, бойликнинг фақат ўрта ва юқори даражаси мавжуд бўлиши керак. Одам ишлашни яхши кўрса, мархамат, ишласин. халол хусусий бизнес, масалан, аҳолига қандайдир хизматлар кўрсатиш сифатида бўлса, мақбулдир, лекин “заводлар, пароходлар”, яъни йирик корхоналар, монополиялар ва жамиятнинг хаётини таъминловчи бутун сохаларга эгаллик қилиш асло мақбул бўлиши мумкин эмас.

Бойлик орттиришда аниқ чекловлар бўлиши керак! Жамият бўғини сифатидаги бир оиланинг максимал капитализацияси барча кўчувчи ва кўчмас мулклари билан бирга (бугунги нархларга биноан) пул эквивалентида ўн миллион доллардан ошмаслиги керак. Бу ҳам кўп! Анча каттароқ капиталлар эгалари учун шок бўлмасин деб, бугунги кунда ниҳоятда катта рақамни айтаяпман. Оилани боқиш учун мазкур маблағлар етиб ортади. Ушбу суммадан ошган маблағлар эса жамиятнинг эҳтиёжларига йўналтирилиши керак. Бошқача айтганда, одам бойибгина қолмасдан, бошқаларга ҳам ёрдам беради. Ахир қадим замонлардан маълумки, меҳнатсевар одамнинг асл қадриятлари унинг руҳий маънавий бойлигида мужассам. Умуминсоний маънавий – ахлоқий қадриятлар устувор бўлган жамиятда эса инсонларнинг бундай амалларини ва ўрнақларини нуфузли қилиш зарур.

Ахир замонавий дунёда одамларни бойлик орттиришга нима ундайди, нахотки пулларнинг истаги? Йўқ. Уларни бунга Хайвоний табиатининг бошқалар олдида махтаниш истаги итаради. Гўёки унинг машинаси, уй-жойи, хатто пайпоғининг нархи кўшинсининг бир ойлик маошидан қимматроқ. Булар кулгили, булар истеъмолчилик жимияти тикиштирган тентакликдир. Ақли одамлар тентакларни алдаш учун, уларнинг пулини осонроқ шилиб олиш учун модани ўйлаб топишади. Чекланмаган капитал жамиятда айнан тажовузни келтириб чиқаради, хасадни, бошқа одамларни манипуляция қилиш истагини кўзгатади, одамда Хайвоний табиатининг устувор бўлишига ёрдам беради. Нормал, цивилизациялашган жамиятда умуман бундай бўлиши мумкин эмас, бу хунук ва танбеҳга лойиқдир. “Зўр, обрўли ва нуфузли” ҳаракатлар эса – жамиятга ёрдам бериш борасидаги ҳаракатлар бўлиши керак. Бир маротаба овқатлантириш ёки ўйинчоқлар табриклаш эмас, балки қишлоғига, шаҳрига, минтақасига ва хоказога реал, доимий амалий ёрдам кўрсатиш, яъни жамиятга кучи етгунча кўмаклашиш.

**Анастасия:** Маъсулиятли лавозимларни эгаллаган одамларнинг ўз мансабини суистеъмол қилишидан қандай сақлаб қолиш мумкин?

**Ригден:** Жамиятнинг жорий ишлари билан шуғулланувчи ижро этувчи аппаратнинг сони керакли минимумгача қисқартирилган ва максимал равишда ўз мансабини шахсий манфаатларида ишлатишдан чегараланган бўлиши керак. Бошқача айтганда, мазкур лавозимларда одамлар ишлаши учун уларга хокимиятга, моддий фойдага учиш имкониятларига йўл қўйилмайдиган шароитларни яратиш керак. Унинг устига шундай қилиш керакки, халқнинг ўзи (шу жумладан реал вақт режимида ҳам) аппаратчиларнинг, яъни маъмурий аппаратларнинг номенклатура ходимларининг фаолиятини доимий равишда назорат қила олсин. Амалдорларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнининг ўзини эса жамият учун шунчалик очиқ қилиш кераки, ўша одамлар ўз лавозимларида Хайвоний табиатининг сифатларини намоён эта олишмасин. Ўшанда амалдор ҳақиқатан хизматчига айланади, яъни халқига виждонан хизмат қилади ва ўз вазифаларини халол бажаради.

**Анастасия:** Албатта, бу яхши. Лекин булар амалиётда қандай кўринишини шахсан мен тасаввур ҳам қилмаяпман.

**Ригден:** Хотиржам бўл, жамият ҳаётининг ҳар қандай соҳаларида (бунисида ҳам) кўплаб ақли, профессионал инсонлар мавжуд, улар умумий ғояни чуқур англаганида, (нафақат ўзининг давлатидаги) ҳамфикрлари билан бирлашиб, барчасини минимумдан максимумгача ўйлаб чиқа олишади. Агарда (мазкур маълумотга бефарқ бўлмаган)

одамлар кўллари ковуштириб ўтирмасдан, ҳеч бўлмаса жамият ҳаётининг уларга маълум профессионал ва бошқа соҳаларида тартиб ўрнатишни бошласа, эртами-кечми барчаси амалга ошади. Одамлар шундай тизимни тузишадими, унинг ўзи жамиятдаги, айниқса ижтимоий лавозимлардаги ҳар қандай коррупциянинг намоён бўлишининг тешикларини ёпади. У ёки бу соҳада ишлаш тажрибасига эга бўла туриб, унинг “сув ости тошлари” ҳақида билиб, ўзининг Хайвоний табиатини кузатиб ва назорат қилиб, улар одамни кўнглигини сусти кетишига олиб келувчи ҳар қандай заминни, ҳар қандай имкониятни қандай қилиб олиб ташлашни ўйлаб чиқишади.

**Анастасия:** Яхши, масалан фанни олайлик, қандай қилиб жамоатчилик уни назорат қилади ва бошқаради? Ахир фан турфа соҳалардан иборат ва, гап нима ҳақида кетаётганини тушуниш, фаннинг истиқболли ривожланиш йўналишларини танлаш учун, бундай специфик масалаларда ҳақиқатан мутахассис бўлиш керак.

**Ригден:** Фаннинг у ёки бу соҳаси билан шуғулланувчи мутахассислар мавжуд, улар фанни ривожлантиришади. Унинг бугунги кунда жаҳон жамияти учун қанчалик керакли ва самарали эканлигига қараб, маблағлар ажратилади. Жамият худди тиришқоқ хўжаиндек, маблағларни фақатгина ҳақиқатан керак нарсаларга сарфлаши керак. Ўша фанда одамлар устидан ҳокимиятга эга бўлишни хоҳлаганларга, халқда айтишганидек, “кўзбўямачилик” билан шуғулланиб, фойдали иш қилмаган кишиларга пул ажратишни йўқ қилиш керак. Фан соҳасини бундай одамлардан бўшатиш ёки уларни бошқа ишга ўтказиб, жамиятга фойда келтиришлари учун шароитларни яратиш керак. Аввал айтганимдек, фан – бу Ҳақни ўрганиш жараёнидир. У ҳокимиятга эришиш воситаси бўлмаслиги керак. Мутахассис ўз ишини ситқидилдан бажариши ва яшаши-ю тўлақонли профессионал фаолияти учун мутаносиб шароитларга эга бўлиши керак.

Умуман, турмушнинг ҳар қандай соҳасида ва сферасида шундай шароитларни яратиш зарурки, Хайвоний табиатнинг устуворлиги намоён бўлиши учун хатто имкониятлар бўлмасин, барча ахборот эса одамлар учун очиқ бўлсин ва жамият асосий қарорларни биргаликда қабул қилсин. Жамоа ҳар бир киши ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим, одам эса – жамоа ҳақида. Одамнинг тақлид қилиш каби фазилатидан фойдаланиш керак. Тақлид қилиш – бу одамдаги Хайвоний табиатнинг инстинктлари. Биз моддий танада ва моддий дунёда умр кечириётганимиз учун, улардан қутула олмайсан. Улардан тўғри фойдаланиш керак, холос. Масалан, қачонки жамиятда эзгу амаллар қилиш, одамларга беғараз ёрдам кўрсатиш, жамият фаровонлигига беминнат хизмат қилиш, ростгўйлик, маъсулиятлилик, виждонийлик



каби фазилатларга эга бўлиш, хуллас ҳақиқий Инсон бўлиш кенг тарқалган ва ҳаммабоп бўлиб қолганида, ўша тақлид қилиш туфайли, буни кўпчилик ушлаб олади. Лекин асосийси, мазкур ғоялар янги авлодларни қамраб олади ва улар учун шунга ўхшаш одамий интилишлар, маданий-ахлоқий қадриятлар ва Малакий табиатнинг устунлиги турмушнинг табиий нормаларига айланади. Демак, янги авлодлар учун ўз Хайвоний табиатини енгиш, руҳий маънавий ўсиш осонроқ бўлади ва бу нарса, табиийки, жаҳоннинг жамиятини такомилланишида акс эттирилади.

**Анастасия:** Ҳа, ҳақиқатан, бу инсониятнинг мутлақо янги модели, уни одамлар фуқаролар жамиятининг идеали сифатида қадимдан орзу қилиб қелишяпти. Фақат уни торайган ҳолда, Хайвоний табиатидан келиб чиққан истаклар чегараларида тасаввур қилишган. Бу ғояни ҳаётга тадбиқ этишни улар нима учун эплай олишмаганини энди тушунаяман. Одамлар бундай жамиятни ўзининг асл, руҳий табиати позициясидан эмас, балки хокимият ва бошқарувнинг моддий тизими позициясидан барпо қилишга уринишган, у эса, у ёки бу тарзда, Хайвоний ақл Иродаси дастурлари билан кесишади. Аксарият ҳолатларда янги ижтимоий тузум ҳақидаги ғоянинг ўзини ҳам улар Хайвоний табиатидан келиб чиққан ўзининг истакларининг аралашмаси билан ёзишар эди.

**Ригден:** Мутлақо тўғри. Лекин бу борада нима демоқчиман. Бизнинг замонимизда, одамзоднинг бутун мавжудлигининг давомидаги, тарихда биринчи бор бундай ноёб имконият – *руҳий маънавий ривожланиш векторига эга ўз-ўзини бошқарувчи бирлашган жаҳон ҳамжамиятини қуриш* имконияти пайдо бўлди. Илгари, қандайдир 30-50 йил аввал, бундай ғояни глобал масштабда ҳаётга тадбиқ этишнинг иложи бўлмас эди, чунки техник шароитлар ва, энди одатий бўлиб қолган алоқа воситалари, масалан мобил алоқа, интернет ва хоказолар ёрдамидаги интерактив мулоқот кўпчилик учун ҳаммабоп эмас эди.


Ўз тарихий даврларда азалий Билимлардан хабар топган алоҳида олинган гуруҳлар жамиятни ўзгартиришга уринишган эди, мен ўша Имхотепни ва унинг одамларини ёки тамплиерларни назарда тутаяман. Ва улар ўз мамлакатининг ёки хатто бир-неча давлатларнинг халқларининг ҳаётини маълум муддатга яхшилашга эришишди, кўплаб Шахсларга уларнинг қисқа одамий умри давомида руҳан ривожланиш имконини беришди. Бироқ, буларнинг барчаси хусусий ҳолатлар, уларнинг тажрибаси кейинчалик кераклича ривожланмади, чунки барчаси сиёсатдонларнинг ва кохинларнинг хокимияти шароитларида, аниқроғи, сунъий равишда, Хайвоний ақл Иродасининг дастурларига

мувофиқ тарзда яратилган инсониятни кохинлик тизими томонидан бошқарилиши шароитларида амалга оширилган эди.

Хозир эса инсоният олдида ўзини ва келажагини қутқаришнинг ягона, реал имконияти пайдо бўлди. Бугун одамлар жамиятида Хайвоний ақл ўз чўққисига, одамий тафаккур устидаги тантанасига етмоқда. Истеъмолчилик фикрлаш форматининг сингдирилиши жаҳонда қандай жадал суръатлар билан кетаётганига қара, яна бироздан сўнг барча руҳий маънавий рағбатлар жамиятда ҳам, индивиднинг онгида ҳам йўқ қилинади ёки алмаштирилади. Ва бутун жаҳон бўйлаб халқлар орасида ҳаммабоп техник алоқа воситаларининг ҳамма жойда киритилишининг тезкор темплари, мазкур саволларда одамлардаги “мақбул, минимал саводхонлиги”ни оммалаштириш – бу айнан Хайвоний ақлнинг глобал ўтказувчиларининг одамзодни тотал назорат остига олиш ва унинг Иродасига бўйсунлигини ташкил қилиш бўйича ишидир. Хайвоний ақлнинг заифлиги ҳам айнан шундадир. Хайвоний ақл фойдаланаётган асбоблардан ва тайёрлаган техник базасидан ўз-ўзини ташкиллаштириш ва бирлашиш учун, Хайвоний ақлга тўғридан-тўғри қарши туриш ва сайёрамизда озод жамиятни яратиш учун фойдаланишнинг ноёб имкониятига инсоният эга. Хозир монадани ағдаришнинг ноёб имконияти мавжуд, акс холда бироз кейин кеч бўлиб қолади. Зеро *барчаси одамнинг танловига таянади!*

**Анастасия:** Ҳа, монадани ағдаришнинг бу ҳақиқатан реал имконияти. Қизиқарлиси, жамиятни бошқариш принципини хозир одамларга чўққиси юқорига қараган пирамида кўринишида тақдим этишмоқда. Унинг пастки қаторида аҳолининг аксарияти турибди, улар эса аслида сиёсатдонлар ва кохинлар сунъий тарзда яратган қашшоқлик шароитларида “яшаб қолиш” ҳаракатида. Чўққисида эса – жамият томонидан хокимият билан “таъминланган”, жамоавий бойликдан фойдаланиб, имтиёзларнинг аксариятига эга бўлган бир-неча кишилар.

Аммо белгини ағдарса, бунёдкор Аллат принципига асосланган чўққиси пастга қаратилган учбурчак бўлади. Бу эса хокимиятга эга бўлмаган, ҳар бир қатнашчиси ўзини мукаммаллаштириб, бутун инсониятга фойда келтириб, ўзини хаётини яхшилайдиган жамиятнинг рамзидир. Унда жаҳоннинг жамияти ўзининг турмушининг жараёнларини бошқаради, руҳий маънавий йўналишда ҳаракатланади, барча бойликлар ва ресурслардан фойдаланади. Мана шу энг қуйидан энг юқорига бўлган ҳаракатнинг ўзи, мана шу ҳақиқий тараққиёт, одамлар цивилизациясининг сифатли эволюцион сакрашидир!



*109-расм.. Одамлар жамиятининг пирамидаси.*

*чўққиси юқорига қаратилган учбурчак – халқлар устидан кохинларнинг ва сиёсатдонларнинг хокимияти рамзи;  
чўққиси пастга қаратилган учбурчак – озод ва тенг ҳуқуқли жамият рамзи – халқларнинг Аллати.*

**Ригден:** Мутлақо тўғри, шунинг учун аслида бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Бор-йўғи одамларнинг ўзлари жамиятни ўзгартириш жараёнига фаол қўшилиши ва имкон қадар халқларнинг маорифи, жаҳон ҳамжамиятининг бирлашуви ва цивилизациянинг руҳий маънавий вектори бўйлаб ривожланишига зарур шароитларни яратишлари керак. Бунақа жамият яратишнинг асосий шартлари:

- 1) одамларнинг руҳий маънавий ва интеллектуал саводхонлигини ошириш;
- 2) одамнинг ўз-ўзини руҳан мукаммалаштириши ва жамият ҳаётида фаол қатнашиши;
- 3) халқларнинг ягона жаҳон жамиятига мустақил бирлашиши;
- 4) жаҳонда кохинлар ва сиёсатдонлар хокимияти тизимининг йўқ қилиниши;
- 5) индивиднинг капиталлаштирилишини қатъий чеклови;
- 6) жамиятни бошқариш фақат бутун жамиятнинг тасарруфида бўлиши зарур;
- 7) **энг асосийси – бу одамдаги ва жамиятдаги маънавий қадриятларнинг ва Малакий табиатнинг устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган жамиятнинг мафкуравий ўзгариши.**

Хар бир киши Хайвоний табиатидан чиқаётган ўзидаги салбий фикрларнинг намоён бўлишини кузатиши зарур бўлганидек, бутун

жамият ҳам ўзининг “жамоавий, оммавий фикрларини” назорат қилиши зарур. Ва асосан сўнгиларининг манбалари бўлиб барча шакллардаги оммавий ахборот воситалари хизмат қилгани боис, уларнинг “софлигини” жамиятнинг ўзи кузатиши лозим.

Яъни руҳий-маънавий қадриятларни, билимларни, эзгуликни, виждонни, ор-номусни, кадр-қимматни, одамлар ўртасидаги дўстликни, ижобий бунёдкор моделларни, Шахс ва жамоалардаги фикрлаш тарзини, энг яхши инсоний ҳаракатларнинг намуналарини оммалаштириш маданияти ривожланган бўлиши керак. Хайвоний ақл тикиштирадиган негативнинг, яъни урушнинг, зўравонликнинг, қотилликнинг, жанжалларнинг, хасаднинг, худбинликнинг ва хоказоларнинг тарғиботи мавжуд бўлмаслиги керак. Шу билан бунёдкор мафқурани оммалаштириш ташаббуси ва ҳаракати, шунингдек одамларга вайронкор мафқурани тикиштиришнинг ҳар қандай уринишларини олдини олиш жамиятнинг ўзидан келиб чиқиши керак. Руҳий маънавий ривожланиш векторига эга бўлган ягона жаҳон ҳамжамиятининг шаклланишининг асоси мазкур шартлардан иборат.

Хайвоний ақлнинг Иродасини ёки Руҳий дунёнинг Иродасини ўтказувчилари бўла туриб, одамлар ўзлари яратаётган *сунъий ахборотли майдоннинг* инсоният ҳаётидаги роли нақадар аҳамиятли эканини бу ерда тушуниш муҳим. Оммавий алоқа йўллари воситалари туфайли жаҳонда маълум *одамий коммуникацион массаси* шаклланаётгани ва у сон жихатдан одамларнинг энг улкан жисмоний тўпланишидан бир неча маротаба кўпроқ бўлгани бугунги кунда сир эмас. Аммо мазкур *сунъий ахборотли майдонда* ҳам одамларнинг ўша кўринмас массасини шакллантирувчи худди шундай бир хил типдаги идрокнинг, фикрлашнинг, одамларнинг хулқ-атвори ва ҳаракатларининг турли намуналари (юқтириш ва тақлид қилиш йўли билан) яратилиб, тарқатилади. Яъни объектив боғланмаган ижтимоий гуруҳлар ва маданиятларга тегишли кўпдан-кўп индивидларнинг онги ва хулқининг оммалашуви содир бўлади. Ҳар хил одамларни трансперсонал коммуникация боғлайди. Лекин, эътиборли жихати шундаки, жисмоний оламдан фарқли мана шу каттароқ массада ҳар бир киши индивидуал равишда, *ўз танловига кўра*, у ёки бу ахборот оқимида уланади, ва ундан натижада умумий хилма-хил ахборотли майдон шаклланади. Мазкур оқимлар минглаб сойлар каби, ўзининг йўналишига, кенгайишига, кучайишига ва уларни бирлаштирувчи у ёки бу ахборотли ўзанининг дастурларига чуқурлашишига эга. Моддий дунёнинг чегараларида ахборотнинг фақат иккита қарама-қарши векторлари мавжуд: Хайвоний ақл Иродасидан ва Руҳий Оламнинг Иродасидан. Ҳар бири ўзининг ахборотли майдонини, ва шунга кўра, тубдан ўзгартиришлар бошлаш учун етарли бўлган одамларнинг

минимал сонини шакллантиради. Моддий дунёнинг физика қонунларига (фақат глобал миқёсда) бўйсунувчи мазкур ходиса одамлар жамиятида ўз-ўзини қўллаб-қувватловчи занжирли реакция бошланиши учун зарур бўлган массани тахмин қилади. Унда энергиянинг улкан миқдори ишга тушурилган бўлади. Шу тариқа, *одамий коммуникацион массасига биноан*, иккита ахборотли майдонларнинг бирини (Хайвоний ақл Иродаси ёки Рухий Олам Иродасидан келиб чиққан) глобал устуворлигида яққол устунлик рўй берганида, монада ағдарилади.

**Анастасия:** Яъни ташқаридан (хаёлан) гўёки одамларнинг максимал индивидуаллиги сақлангандек. Гўёки одамнинг ахборот қабул қилишда танлаш эркинлиги ҳам мавжуддек, масалан, радио тинглаш, гезета ва журналлар ўқиш, телевизор орқали турли каналларни томоша қилиш (сўнг эса буни бошқалар билан муҳокама қилиш) ёки интернетдаги турли хабарларга, кўнгилочар сайтларга эътибор бериш. Аммо реалликда озодликнинг ўзи йўқ, ва буларнинг барчаси индивидуалликнинг хом-хаёли. Аслида, цивилизациянинг бирор таклифини танлар экан, одам (текис жойда массани шакллантирувчи) сунъий яратилган ахборотли майдонга уланади. Ахир одамларнинг аксарияти телевизор орқали бир хил каналларни томоша қилишади, ўша газеталарни ўқишади, ўша радиони тинглашади, бир хил сайтларга қиришади, интернетда ижтимоий тармоқларда мулоқот қилишади. Ва бундай омманинг фаоллигининг йўналтирилганлик даражаси ўша телеканалларнинг рейтинглари, сайтларнинг энг кўп танланганлиги, прессадаги у ёки бу мақоланинг ҳаммабоплиги ва хоказолар ёрдамида доимий равишда кузатиб борилади ва назорат қилинади.

Бироқ ахир бу психиканинг ҳақиқий оммалаштирилиши-ку, уни илгари доира чалган шаманлар, афсунгарлар ва уларга ўхшашлар томошабинларнинг олдида амалда қўллашган. Фақат бугун ўша одам онгига таъсир этувчи қадимий механизм янги асбоблар ёрдамида ва глобалроқ қўламда амалга ошмоқда. Лекин принциплари ўша-ўша. Ахир даставвал ахборотнинг маълум тўплами билан аудиторияни таъминлашади, уни оммавий қабул қилинувчи ягона тизимини, ягона ўрнатмаларини, кадр-қиматини даражасини аниқлаш тизимини барпо қилишади. Замонавий алоқа воситаси олиб эшиттирадиган маълумотлар ўша психологик таъсир пайтидаги қотиб қолиш ҳолатини, беътанқидий таклид ва кўр-кўрона итоаткорликни, яъни аудитория учун умумий бўлган эмоционал-психологик ҳолатни келтириб чиқаради. Охир-оқибат бу фикрлашнинг маълум қолипни ва берилган ахборот ёрдамида шаклланган *коммуникацион массанинг* хулқ-атворини ташкил қилинишига ва эътиборини, бундан чиқди, ҳаракатини ҳам дастурланган йўналишга йўналтирилишига олиб келади. Устига устак, булар ушбу массага кирувчи индивидга билинмайди.

**Ригден:** Мутлако тўғри. Одамнинг онгига бундай таъсир ўтказиш усули қадимдан маълум, фақат бугун принципиал равишда янги сифатда қўлланилаяпти. Ва унинг глобал фарқи шундаки, ўтказувчи одамлар орқали Хайвоний ақл Иродасини олиб узатувчи сунъий ахборотли майдонда, одамдаги Хайвоний табиатини рағбатлантирувчи ахборотнинг хилма-хиллигига қарамасдан, аслида индивиднинг танлаш имконияти йўқ. Мазкур манбадан одам қанча маълумот олмасин, бироқ Шахснинг рухий маънавий ривожланишида бу боши берк кўчадир. Зеро ушбу бутун ахборот Хайвоний ақлнинг умрини узайтиришда унинг эътиборини мужассамлаштиради.

Бироқ ўтказувчи одамлар орқали Рухий оламнинг Иродасини олиб узатувчи сунъий ахборотли майдонда эса индивид учун доимо танлаш имконияти мавжуд. Зеро ўша-ўша сунъий ахборотли майдон орқали шундай одамлар томонидан соф ҳолатда нусхаланган Ҳақиқатни қабул қилаётиб, ҳар бир киши ўзини ўрганиш, Малакий табиатининг Кузатувчиси бўлиш имкониятига эга бўлади. Яъни *глобал ахборотли майдонга* уланиш имкониятига эга, у эса ўз моҳияти бўйича моддий дунёда сунъий яратилган одамзоднинг чегараланган ахборотли майдони билан мутлако таққослаб бўлмасдир. Бу эса, одам ўз Шахсининг рухий ўсишига, янги Мавжудотга сифатли рухий трансформациясига ёрдам беради, дегани. Ва асосий фарқ мана шунда.

**Анастасия:** Чекланган, сунъий яратилган ахборотли майдон деб, Сиз ниҳоятда аниқ айтдингиз. ОАВ (биринчи навбатда телевидение, интернет) орқали уйдирма яратилиб ва фаол қўллаб-қувватланиб, омма онгига сингдирилмоқда. Бу уйдирма дунёни маълум хис этилишини шакллантиради, ўрнатмалар яратади ва ўзининг хилма-хиллигида ахборотнинг бир-бирини кучайтиришига ёрдам беради. Мазкур уйдирма индивид онгида реал объектлар ўртасидаги аслида ўйлаб топилган сабаб-оқибат алоқаларини мустаҳкамлайди, ўтмишнинг ва ҳозирги куннинг воқеалари ва оммавий шахслари ҳақида афсоналарни туғдиради, ҳақиқий ҳаётга нисбатан тўқиб чатилган моделини шакллантиради ёки тайёр кўринишда узатади. Олам ҳақидаги мана шу билим ўзи бир парчагина, лекин шундай афсонанинг чиройли ўрамида муҳайё қилинган ва у оммада олам ҳақида ва бўлаётган воқеалар ҳақида кенг қамровли билимга эгалигининг хом-хаёлини туғдиради. Худди фокусчининг сеансидагидек, оммада ҳам ўша сохта идрок принципи ишга тушади: Мен кўрдим-ку, демак, бу рост”. Вахоланки, факт бўйича, қабул қилинган ахборотни одамлар таҳлил ҳам қилишмайди, унга омма ўз эътиборини ажратиши ва уч ўлчамли дунё материясининг шундай тор спектрида мужассамлаштириши кимга ва нима учун кераклигининг сабабларини тушуниш билан ўзини овора

қилишмайди. Ахборотнинг ташқи хилма-хиллигига қарамасдан, ўзлари хохлагандек аудиториянинг идрокини ва тафаккурини қайта куриб, одамларни аслида мустақил фикрлашдан қайтаришмоқда. Турли маълумотларнинг клип тарзидаги оқимининг ўзи-чи, у ерда асосий мақсад – эмоционал кўзғатиш, у ёки бу маълумотга эътиборни жалб қилиш.

**Ригден:** Аниқлаштирган бўлардим, бу ерда асосий мақсад одам эътиборини жалб қилиш эмас, балки ичкарасидаги рухий ривожланишидан чалғитиш. Унинг устига, бугунги ахборотнинг бутун хилма-хиллигига қарасак, ягона моддий илдизни ва одамда Хайвоний табиатининг фаоллашувини кўришимиз мумкин, унда барчаси конкрет эмоцияларни келтириб чиқариш ва турли ахборот манбаларининг кесишган таъсири остида оламоннинг маълум фикрлашини шакллантириш.

**Анастасия:** Ҳақиқатан, агар одам Хайвоний табиатининг тўлкинида бўлса, унда танлаш имконияти йўқ, чунки у ташқи манипуляциялар объекти эканлигини англамайди ҳам ва унга тикиштирилган сиймо ва фикрларнинг келиб чиқиш манбаси ҳақида ўйланиб ҳам кўрмасдан, уларни ўзиники деб қабул қилади. Одам Малакий табиати Кузатувчиси бўлганида эса унда солиштирадиган нарсалар бор, унда ҳақиқатан танлов пайдо бўлади, у Хайвоний ақл нималигини, Руҳий олам нималигини, умр нақадар тез оқишини, унда ўзини руҳан мукаммалаштириш қанчалик муҳимлигини тушунади.

**Ригден:** Ҳа, барчаси шундай. Афсуски, кўпдан-кўп одамлар у ёки бу фикрларининг қаердан келиши, нима учун уларга эътибор беришлари ва ўзидаги у ёки бу дастурларга эътибор бериб, ўзида уларнинг яшашини таъминлаши ҳақида ўйланиб ҳам кўришмайди. Одамларнинг катта массаси (уларнинг қаторида сен ҳам борсан) у ёки бу таъсирли сюжетни, филмни, лол қолдирувчи маълумотни кўриши, эмоционал тўйинган мақолани ўқиши кимга ва нима учун керак экан? Маълум ахборотнинг бирламчи манбаси ҳақида, у нимани олиб юриши ва аслида кимга хизмат қилиши ҳақида, у ёки бу сунъий яратилган ахборотли майдон ортида глобал тарзда нима туриши ҳақида одамлар ўйланишмайди. Ахир улар унга ўз эътиборини ажратишади, қимматли хаётий вақтини сарфлашади.

Иш кунидан сўнг кечқурун уйда дам олаётган замонавий ўртастатистик оиланинг хаётидан оддий мисолни келтираман. Одатда, хар бири ўзининг ахборотли эрмаги билан банд. Кимдир, диққатини кўпроқ жалб қилувчи маълумотларга, ўйинларга, томошаларга эътибор бериб интернетда ўтирибди. Энг оммавий томоша қилинган сайтлар

номларининг расмий статистикасига қараш кифоя, ва ўз хусусиятларига эга маълум типли массани шакллантириб, Хайвоний табиатнинг қайси илгаклари одамларнинг эътиборини ушлаб турганини тушунса бўлади. Оиланинг бошқа аъзолари, мисол учун мусиқа тинглашяпти ва унга мутаносиб эмоцияларни бошдан кечиришяпти. Учинчилари филмлар, кўрсатувлар қахрамонларининг кечинмалари билан яшаб, хаёлан виртуал томошада иштирок этиб, телевизор кўришяпти. Тўртинчилари уй ишлар билан банд, аммо турли, масалан, ОАВдан олинган, кун давомида уларга психологик таъсир этган лаҳзалар, воқеалар ёки жорий шахсий муаммолари тўғрисидаги ахборотни хаёлида айланттириб юришибди. *Аммо санаб ўтилганларнинг мутлақо ҳаммасини эътибори моддий векторга эга ва Хайвоний ақл кучлари билан боғлиқ бўлган ўзларининг қизиқишлари томонидан максимал тарзда қамраб олинган.* Факт бўйича мазкур “машғулотлар”нинг ҳаммаси бўм-бўшдир, бу ахборотли чалғиш, у хаётий вақтни йўқ қилади. Хаёт эса қафтдаги сувдек, тез тугаб қолади. Одам ёмон иш ҳам қилмагандек, лекин унинг мавжудлигининг яхши жихати ҳам йўқ. Охир-оқибат хаёт ўз мазмуни бўйича шамолдаги бошоқ каби бўш бўлиб чиқади – бошоқни шамол у ёқдан бу ёққа силкитгач, у руҳий мевани ҳам бермасдан, чириб кетди. Бу ерда ҳам шундай, ҳамма, бошоқлардек, *ўзининг руҳий ривожланишидан* ташқи ахборот билан *чалғиган*. Одамларнинг онги шунчалик торайган, Хайвоний табиатнинг у ёки бу эмоцияси, фикрида ушланиб туради-ки, бундай лаҳзаларда ҳеч ким руҳий маънавийлик ҳақида ўйланмайди ҳам, ўз устида жиддий меҳнат қилишини эса гапирмасак ҳам бўлади. Руҳий ривожланиш эса ҳар қандай одам учун энг асосий, мавжудлигининг маъносидир.

Одам ўзига ҳеч нарса бермайдиган, уни руҳан бойитмайдиган бўм-бўш иллюзияга кўп вақт ажратади, унга эмоционал қайғудош бўлади. Бироқ ўзи шакллантирган одамларнинг массаларидан мазкур иллюзия эмоцияларини (кучни) тортиб олади. Мазкур, омманинг психикаси учун иллюзор томошасида экспансив (хираларча, шиддатли, эмоционал тийиксиз) қатнашганидан сўнг индивид олган нарсалар – бу бўшаб қолиши, Хайвоний табиатидан чиққан фикрлар, эмоциялар ва истакларнинг кучайишидир, моҳият бўйича эса, булар Қалб учун захардир. Шу тариқа, у ёки бу ахборотли иллюзияга берилган, ҳар бир индивидни ўзига хос хаёлий уйқуга киритувчи ва унинг руҳий маънавий ривожланишининг ҳар қандай ишорасини ҳам рад этувчи, одамларнинг шаклланган массаси кўзга кўринмас ҳолда Хайвоний ақлнинг назорати ва бошқаруви остида бўлади. Одамлар хайвоний табиатининг ахборотига эътиборни қаратиб, ҳар куни англамаган равишда унга ўз хаётий кучини беришади ва шу билан, худди донорлар каби, Хайвоний ақлни доимий равишда озуклантиришади ва унинг кучини кўпайтириб туришади.



Бироқ, руҳан ўйғанар экан, одам мазкур, ўзи учун муҳим саволлар устида ўйланишни бошлайди. Бунгача у бундай массанинг такрор ишлаб чиқарилишининг ва Хайвоний табиатидан келиб чиққан ахборотни тиражини кўпайтирилишининг бор-йўғи қарам элементи бўлганини тушуна бошлайди. Руҳан ўйғониб, ўз устида меҳнат қилиб, моҳият бўйича одам ўзининг асл танловини амалга оширади. Одамлар томонидан сунъий яратилган ахборотли майдонда Ҳақни тарқалишига ёрдам бериб, инсон Руҳий Оламнинг Иродасини фаол ўтказувчисига айланади. Ҳақиқат унинг имкониятларини кўплаб маротаба кўпайтирувчи кучга айланади.

**Анастасия:** Ҳа, Ҳақиқат оддий экан...Демак, мазкур босқичда Хайвоний ақл фаол тарзда тизимни барпо қиляпти экан-да ва, ғоя бўйича, ушбу тизим сайёранинг аксарият одамларининг онгини глобал тарзда камраб олиши керак.

**Ригден:** Афсуски, шундай. Хозир янги оммавий коммуникацияларининг ҳамма супер эффектларидан иборат асбоб фаол такоммиллаштирилмоқда. Мазкур асбоб ушбу сайёрадаги одамларнинг аксариятига яхши таниш, мен интернетни назарда тутяпман – бугунги кунда психиканинг оммалаштирилиши бўйича бу энг самарали воситадир. Жадал суръатлар билан телевидениенинг ўрнига келаётган интернет бугун жаҳоннинг турли давлатларида жорий этилмоқда. Уни турли халқлар учун ҳаммабоплигини амалга ошириш, яъни жаҳон ўргимчак тўрига одамларнинг максимал сонини жалб қилиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Унинг телевидение, матбуот, радионинг олдидаги афзаллиги шундаки, у оммавий коммуникациянинг мазкур барча воситаларини бирга қўшиб олган, лекин, камроқ харажатларни талаб қилади, демак омма учун ҳаммабопроқ. У одамни индивидуаллик даражасини сақлаб қолади. Аммо энг асосийси, шаклланган массанинг, шунингдек “фикрлар етакчилари” ва фаол одамларнинг хисобига унда ахборотни жаҳон бўйлаб такрор ишлаб чиқарилиши ва кўпайтирилиши жорий қилинган. Бироқ мазкур глобал технологияда Хайвоний ақлнинг *заифлиги* ҳам яширинган. Ва ақлли инсонлар буни инобатга олишлари керак.

Агар аввалари жисмоний оламонда турган киши, унинг қилаётган ишларининг беъманилигини тушуниб, вазиятни ўзгартириш учун кўп иш қила олмаган бўлса, бугунги кунда бундай имконият хар бир фаол инсонга тақдим этилмоқда. Бошқача айтганда, интернет-технологияларга биноан **битта Инсон ҳам жанг майдонида Аскардир, зеро у битта ўзи кўплаб одамларга Ҳақиқатни етказаяпти.** Хар бир одам ахборотни такрор ишлаб чиқариш, тезкор узатиш ва тиражлаш

имкониятига эга. Ахборотни қабул қилган хар бир кишига ўзининг онгли танловини амалга ошириш ҳуқуқи тақдим этилмоқда: Хайвоний ақлнинг вайронкор Иродасига хизмат қилишни давом эттиришми, ёки Руҳий оламнинг бунёдкор Иродасини хаётга тадбиқ этишми.

Хозирда шаклланган ноёб шароитларда одамзод ўз имкониятидан фойдаланиши, цивилизациянинг руҳий маънавий ривожланиши томонига монадани ағдариши мумкин. Хайвоний ақлнинг одамларга ахборотли таъсир қилиш асбобларидан умуман қарама-қарши мақсадларда фойдаланиб, уларни одамзоднинг руҳий-бунёдкор ўзанда ривожланиш йўналишида ишлатиб, мутлақо янги жаҳон тузулишини барпо қилиш мумкин. Хар бир кишининг жамиятнинг руҳий-маънавий ўзгартириш каби умумий ишига қўшган шахсий хиссаси жуда муҳим. Айтиш мумкинки, оддий ва “ахамиятсиз” бўлиб туюлган, Ҳақни тарқатиш мақсадида бажарилган хар қандай иш охир-оқибат, у ёки бу тарзда, жамиятдаги глобал вазиятда ўз аксини топади ва унинг келажагини шакллантиради. Денгиз кўпдан-кўп сойлардан ва дарёлардан хосил бўлгани каби, глобал бунёдкор ахборот майдони ҳам Ҳақиқатни қабул қилган ва унинг фаол ўтказувчисига айланган кўплаб кишиларнинг фикрлари ва ҳаракатларидан шаклланади. Агарда мазкур ахборотга эга бўлган инсон уни тарқатиш истагини билдирса, у қуйидагиларни амалга ошириши керак: 1) *одамларга мазкур китобларда баён қилинган Билимларнинг бутун ҳажмини тақдим этиши, шу билан уларни сайёрадаги иложи борича максимал одамлар сонига тарқатишига интилиши керак;* 2) *одамларни мазкур ахборот асосида бирлашиши жараёнига ёрдам бериши, бу ахборот эса шубҳасиз, ҳамжамиятни хулқ-атворининг, ўрнатмаларининг ўзгаришига, янги қадриятларининг шаклланишига, руҳан ўз-ўзини тарбиялашига сабаб бўлади.* Ушбу масалалар ҳал бўлганида муқаррар равишда ўзига тўқ жаҳон жамияти шаклланади, у ўз-ўзини ташкил қилишга, муҳим саволларни ечишга, қабул қилинган қарорларни хаётга тадбиқ этишга қодир бўлади. Унинг хар бир иштирокчисининг фаол коммуникацияси мазкур ахборотни фақат кучайтиради, маълум эмоцияли-психологик фаоллик даражасини узатади, хулқ-атвори, умумий ғоя ва амалларни бошқа одамларга ҳам юқтиради. Умуман, қийин жойи йўқ. Асосийси – одамларга ахборотни соф кўринишда етказиш, янги жамият барпо бўлиши жараёнининг фаол қатнашчиси бўлиш ва доимо ўз устида меҳнат қилиш.

Одамлар бундай жамиятни азалдан орзу қилиб келишган, уни ўз афсоналарида “Эзгулик Ери”, “саодатли давлат”, “олтин минг йиллик”, “адолатли дунё”, “миллениум”, яъни илоҳий аралашув орқали яқинлаша оладиган, лекин одамларнинг ҳаракатлари билан эришиладиган келажак деб номлашар эди. Мисол учун, ўша

христианликда “миллениум” тушунчаси эсхатологияга (юнонча “eschatos” – “сўнгги, якуний”, “logos” – “сўз, таълимот”), яъни олам ва одамнинг якуний тақдирлари, инсониятда Хайвоний ақлнинг устунлигининг охирги босқичлари тўғрисидаги диний таълимотга тегишли. Эсхатология “Масихнинг Иккинчи пайдо бўлишидан – ерга қайтиб, Иблиснинг устидаги ғалабасидан сўнг келадиган минг йиллик подшолиги, Армагеддон – *“одамлар яшайдиган ернинг подшолари”* қатнашадиган, замонларнинг якунида рўй берадиган эзгуликнинг ёвузлик билан охирги кураши” мавзуларини кўриб чиқади. Бироқ мазкур христианлик таълимотининг контекстида Иблис деб номлашган кимса ўзи ким? Бу моддий дунёнинг Хайвоний ақлидир.

Хозирги кунда содир бўлаётган воқеаларга назар солиш кифоя: хокимият учун кураш, Архонтларнинг бандаларини халқлар устидан кохиний, сиёсий, иқтисодий зўравонлиги, хайвоний инстинктларга асосланган ўзаро муносабатлар, одамларда айнан моддий тафаккурни шакллантирувчи истеъмолчилик, бозорга оид муносабатларнинг устунлиги. Хайвоний ақл томонидан одамларнинг жамиятига ҳақиқий тажовузкор ахборотли хужум, моҳият бўйича, ахборотли уруш олиб борилмоқда. Замонавий одам кўпроқ материянинг фойдасига танловни амалга оширяпти, деярли ўз Хайвоний табиатининг, ерлик “мен”ининг, худбинликнинг таъсир доирасидан чиқмаяпти. Ўтказувчи каби, ўзининг Малакий табиатига бегона бўлган Ироданинг хокимияти остидалигини хатто фаҳхламаган холда, ушбу моделни у қолганларга ҳам тиқиштиряпти. Мана шу, одамзодни қул қилиб олган, унда ниқобсиз бемалол сайр қилиб юрган Хайвоний ақлнинг, “Иблиснинг кўриниши”, унинг хокимиятини ўзгинаси.

Аммо барчасини ўзгартириш одамларнинг ўзларини кўлларида! Одамлар илоҳий аралашувни кутишяпти. Аммо бу ҳам, худди Худо билан мулоқотдагидек. Унга фақатгина одамнинг ўзининг танлови, ҳаракатлари ва ҳақиқий руҳий ўзгариши билан эришиш мумкин! Библияда Исонинг ўз ўқувчиларга айтган куйидаги сўзлари баён қилинган: “Мен Отамдан илтижо қилиб сўрайман ва сизларга умрбод сизлар билан қолувчи бошқа Юпатувчини беради, Ҳақиқат Руҳини, Уни дунё қабул қила олмайди, чунки Уни кўрмайди ва Уни билмайди...” Одамга Билимлар берилди, унинг танлови ва ҳаракати фақат унинг ўзига боғлиқ! Бутун жаҳон жамиятидаги ўзгаришлар эса хар бир одамнинг ҳаракатига боғлиқ! Барча тирик одамлар учун ўзини ва цивилизацияни қутқариш учун бу ҳақиқатан охирги қолган имконият.

Бундай жамиятни барпо қилиш – бу зарурат, чунки одамзодга келажакда омон қолишга имкон берувчи ягона моделдир. Уни куриш

аслида осон. Асослар берилди, мазкур янги моделнинг тафсилотларини биргаликда ўйлаб чиқиш одамларга қийин бўлмайди. Замонавий жамиятни ўзгаришини ҳақиқатан истаган ва ўзгартира оладиган кўплаб саводли ва ақлли инсонлар хозирнинг ўзида бор. Улар қоғозда, Архонтларнинг шиорлари остида эмас, балки ҳаётда, ўзининг Малакий табиати устуворлиги позициясидан жамиятни озод ва тенг ҳуқуқли қилишни хошлашяпти.

Бундай жамиятнинг барпо қилиниши ҳар бир кишининг ҳаракати ва шахсий танловига боғлиқ. Архонтлар одамларни ҳаракатсизликка ва кимдир келиб, ҳаммасини хал қилишини кутиб яшашга ўргатиб қўйишди. Ўз тизимидаги “қамокхона Эркинлигини” улар одамнинг дивандаги ўрни билан чеклаб қўйишди, одам унда ўтириб, телевизорга тупуриб, хоҳлаганича сиёсатчиларни ва кохинларни сўкиши мумкин, ахир уни барибир ҳеч ким эшитмайди. Аммо мазкур тикиштирилган иллюзияни одам ўзида осонгина буза олади. Атиги, қўл қовуштириб ўтирмасдан, ўзини, жамиятни ўзгартириш, тинчликнинг, сўзнинг тўлақонли маъносидаги хабарчиси бўлмоқ керак.

**Анастасия:** Хабарчиси? Ҳақиқатан, аниқ айтилган. Ахир хабарчи – бу азалдан билимни олиб келувчи кимса-ку! Замонавий дунёда эса классик трагедиянинг қатнашчисига айтилади, у сахна ташқарисида бўлаётганларини ҳикоя қилади. Юқорида айтилганни инобатга олган ҳолда, тинчлик хабарчиси – бу жаҳон сахнасидаги бўлаётган воқеаларнинг сирли муқаддас маъносини билувчи ва спектаклни томоша қилувчиларга уларнинг маъносини тушунтириб берувчи кимсадир.

**Ригден:** То-ки танада эканмиз, ҳаммамиз материянинг театрида қатнашамиз. Спектакл хижолатда қолдиради, бироқ у ибратлидир. Кимнингдир нигоҳига Ҳақиқат очилса, бошқалар актёрларнинг томошасига сингиб кетган. Фарқи шунда-ки, сенинг онгинг мазкур хаёлий томошанинг бор-йўғи қайси томонида.

Хабарчи кўплаб одамларга Ҳақиқатни узатишга қодир: дўстларига, қариндошларига, таниш ва нотаниш одамларга. Уларда мазкур Ҳақни ўзининг атрофига сўзлаб бериш истагини ўйғотишга қодир, халигилар эса бошқаларга. Ва шу тариқа, худди ўзининг шиддатли парвозидаги лочин каби, хабар дунё бўйлаб учиб кетади. Мазкур ахборот жамиятда қанчалик тез тарқалиши одамларнинг ўзларига, ҳар бир хабарчининг тиришишларига боғлиқ. Ҳақиқатни ўз ичига сингдириб олганлар қанчалик кўпайса, жаҳон жамиятидаги вазиятни жойлардаги имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришни бошлаганлар шунчалик кўпайиб боради. Ахборотни тарқатиш учун барча

қўлланилиши мумкин бўлган ҳаммабоп воситалардан фойдаланиш мумкин: оғзаки узатиш, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, радио, матбуот, телевидение, ва бугунги кунда оммавий коммуникациянинг асосий дастаги бўлмиш интернетдан. Агар мазкур ишга хар бир киши ўзининг қўллари, ақли ва ниятларининг софлиги билан ёндошса, ўшанда дастлабки ахборот бутун дунё бўйлаб жуда тез тарқалади ва қисқа вақт ичида мазкур ғоя аксариятни қамраб олади. Аксарият эса – реал куч! Мазкур ахборотни одамлар қабул қилса ва ўзига сингдирса, улар барчасини, жамият ҳаётини ўз реал имкониятларидан келиб чиқиб қандай ўзгартиришни ўзлари тушунишади, умумий бирлашиш тўлқини кўтарилади. Шунинг учун битта одамга кўп нарса боғлиқ, асосийси қўл қовуштириб, Архонтлардан раҳм-шавқат кутиб ўтирмаслик!

Инсоннинг жамиятга нисбатан асл руҳий маънавий томони унинг самимий нияти ва жамият манфаатидаги беғараз ҳаракатида намоён бўлади. Бундай ниятда бирлашган инсонлар каттароғига эришиши ва сифат жихатдан янги цивилизацияни – **АллатРа Сўзининг** моҳиятига таянган одамзодни шакллантириш учун шароитларни ярата олишади.

Рухан хабардор инсонлар қачондир ўз доираларида мазкур Сўзнинг сирини сақлаган, улар Хайвоний ақл хокимиятнинг хар қандай намоёндасига қарши туришган. Булар Ёруғликнинг асл аскарлари, Азалий Билимларнинг сақловчилари эди. Уларнинг қаҳрамонлик жасорати учун уларга Ҳақиқат очилган эди: “Рухий кучдан олийроқ куч йўқ! Азалий Билимларга эга бўлар экансан, кучга ҳам эга бўласан. Кучга эга бўлар экансан, сўз билан таъсир этасан, бу сўз шон-шухрат, исм ва чақириқдир. Ягонага яқинлашишни муваффақият билан яқунлашга мушарраф бўлганлар учун Шон-Шухрат абадийт зиёсидаги Ҳақиқатни хабар қилади. Исм эса Азалгининг белгисини намоён қилади, ва бу воқеаларни тушуниш учун асос ва калитдир. Абадий чақириқ бу энг Дастлабки Товуш, Бунёдкорлик Товушидир. У белгини Аллат кучига тўлдиради ва яратишда уни қудратли қилади. Зеро Аллат бу Худонинг Иродасини намоёндаси, борлиққа хос куч, Унинг Иродасига кўра барча яратилганнинг Ибтидоий Онасидир. Муносиб Инсон Қалбининг абадий чақириғига кўра юради, Қалб ғалабаси даъватини овоза қилиб: **“АллатРа”!** Хар бир эшитувчи Чақирилгандир, биргаликда эса бу бутун дунёни ўзгартиришга қодир куч”. Худодан чиқаётган бунёдкор куч, бу

**АллатРа**

---

*Мазкур китобда нуқта қўйилмаган, чунки охириги сўзни одамлар айтишади...*

\*\*\*

***Хурматли дўстлар! Мазкур ноёб китоб муаллифининг илтифотли розилиги билан айрим атамаларнинг изоҳларини киритдик.***

*Хайвоний ақл тизими* – бу моддий дунёнинг ақлли тизимидир, у Рухий Оламнинг антиподи. Уни одамлар турлича номлашади – Дунёвий Ақл, Олий Ақл, Ягона Онг майдони, “Бу дунёнинг Князи” ва хоказо.

*Одамнинг Малакий табиати* – бу унинг Қалби ва Рухи (Шахси), улар одамнинг энергетик тузилишида жойлашган.

*Одамнинг Хайвоний табиати* – бу унинг жисмоний танаси ва онги.

\*\*\*

Китобни рус тилида АЛЛАТРА ТВ сайтидан юклаб олиш мумкин.

<https://allatra.tv/category/knigi-anastasii-novykh>

<https://allatra.org>

**Email: [info@allatra.org](mailto:info@allatra.org)**

\*\*\*\*\*

***АллатРа Ҳалқаро ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистонлик иштирокчилари ўз саҳифаларини ташкил қилишган:***

АЛЛАТРА ТВ сайтида - <https://allatra.tv/en/category/allatratv-uz>

YouTube да - <https://www.youtube.com/channel/UC0vM7fkFcsxTl-YLCtWKEzA>

Бунёдкор жамият лойихаси - <https://allatraunites.com/uz>

***Игорь Михайлович Данилов иштирок этган кўрсатувлар таржималари :***

“Прецедент” – <https://allatra.tv/en/video/allatra-tv-uzbekistan-precedent>

“Имконият жар ёқасида” – <https://allatra.tv/en/video/imkonijat-zhar-jokasida>

“Иқлим. Келажак хозир” – <https://allatra.tv/en/video/iklim-kelazhak-hozir-allatra-tv>

“Махдий Чакируви” – <https://allatra.tv/en/video/mahdij-chakiruvi>